

Кичик Висельтон қишлоғининг аҳолиси кўхна иморатни, гарчи Реддллар сулоласи анча вактдан буён бу уйда истиқомат қилишмаса-да, эски одат бўйича «Реддллар уйи» деб атайди. Улкан бино баланд дўнглиқда, олд томони қишлоққа қаратилиб қурилган. У ер-бу еридаги деразалари михлаб ташланган қаровсиз уйнинг томига ёпилган сопол қисман уқаланиб тушган бўлиб, деворлари ва олд-атрофини гуркураб ўстган печак қамраб олган. Қачонлардир зўр данғиллама ҳовли саналиб, ўз катталиги ва ҳашамати билан кўп миллар наридаги ҳар қандай иморатдан устун келган Реддллар уйи бугунги кунда ташландик, одам яшамайдиган ҳолатга келиб қолган.

Ажабланарлиси шундаки, эски уйнинг жуда «машъум» эканлиги борасида Кичик висельтонликлар томонидан билдирилган фикрлар доимо бир хил чиқади. Ярим аср муқаддам ушбу ҳовлида қандайдир ғалати ва шундай даҳшатли воқеа содир бўлган эмишки, ҳатто бугунги кунгача қишлоқ одамлари учун, сухбатлашиб ўтиргани бошқа мавзу барҳам топиши билан, ўша ҳодисалар мухокамаси ўта қизиқ мавзу саналар экан. Йиллар ўтган сари, Реддллар хонадони ҳакидаги ҳикояни бир-бирига кўп айтиб келган одамлар, воқеани турли туман икир-чикирларга шу қадар бойитиб юборганки, қайси гап рост-у, қайси сўз ёлғон эканлигини энди ҳеч ким билмайди. Бироқ бундай ҳикояларнинг ҳаммаси айнан бир гапдан, у ҳам бўлса, Реддллар уйи ҳали салобат тўкиб турган, эллик йил муқаддам отган ажойиб тонг маҳалидан бошланади. Ўша куни эрталаб оқсоч аёл Реддллар уйининг меҳмонхонасига кириши билан хонадон соҳибларининг учаласи ўлиб ётганини кўриб қолибди.

Дўнглиқдаги уйдан ўқдай учиб чиққан аёл овози борича чирқираб теварак-атрофни бошига кўтариб юборибди.

- Ҳаммаси ётибди! Қотиб қолишибди! Кўзлари очик! Кеча либосини ечишга ҳам улгурмай қотиб қолишибди!

Зудлик билан полиция чақирилди. Кичик Висельтонда хаяジョンли қизиқсиниш ва яширин тўлқинланиш қарор топди. Реддллар оиласи хуш кўрилмаганлиги учун бўлса керак, ҳеч ким ўзини, сохта бўлса ҳам, хонадон бошига тушган кунга ачинаётган кўйга солмади. Бадавлат эр-хотин Реддллар кибр-ҳаво ва кўрслиги билан ажраб туришган. Каттагина йигит бўлиб қолган фарзандлари Том эса бу масалада ўз ота-онасидан ошиб тушган. Қишлоқ аҳолисини фақат бир нарса – қотил кимлиги безовта қилади холос. Зоҳиран соппа-соғ кўринган уч киши ўз ажали билан бир кечанинг ўзида бараварига ўлиб қолмаслиги ҳаммага аён-ку.

Ўша оқшом қишлоқ паби «Хушчакчақ» эгалари буюртма қабул қилишга улгурмай қолишибди. Одамлар ўз хонадонларини ташлаб чиқишганига ҳеч афсус қилмай, қотилликни мухокама қилгани, ушбу майхонага йиғилиб олган. Кеча қизиб турган маҳалда Реддллар хонадонида ишлаган ошпаз аёл кириб келиб, бирданига жим бўлиб қолган Кичик Висельтон аҳлига фожиали овоз билан Фрэнк Брайс хибсга олингандигини эълон қилди.

- Френкни хибсга олишибди?! - таажжубдан қичкириб юборди бир неча киши, - Бўлиши мумкин эмас!

Фрэнк Брайс Реддллар хонадонида боғбон бўлиб ишлаб, данғиллама ҳовли худудининг бир бурчагидаги путури кетган уйчада яшайди. У урушдан оёғи мажрух бўлиб қайтгач, сершовкин йигинларни ёқтирмас ва ўша замонлардан буён Реддллар уйида овшумай тер тўкиб келган.

Тафсилотларга ташна одамлар навбат билан ошпаз аёлга қадаҳ узатиб, меҳмон қилишибди.

Олча аракнинг тўртинчи пиёласидан сўнг, ошпаз аёл анча тетиклашиб, диққат-эътибор

билан қулоқ тутиб ўтирган халойиққа:

- Унинг эси паст эканлигини ҳамиша таъкидлаб келганман! Қандайdir томи кетган кишига ўхшаб юради! Қиттай-қиттай уриб олишни таклиф қилсам, баъзан терсайиб олади-да, гаплашишни ҳам истамай қолади.
- Кўйсангиз-чи, уялмайсиз-ми бундай дегани, - гапга аралашди майхона пештахтаси ёнида турган аёл, - Фрэнк ҳар қалай урушда бўлиб, қайтган. У ўз ҳолида, тинч яшашни истайди. Нега энди...
- Хўш, орқа эшикнинг калити кимда эди? Ўша хонадонда иш бошлаган даврлардан биламан-ки, боғбоннинг уйчасида захира калит осигуриб турди! - ўринсиз гапириб қўйди ошпаз аёл, - Уй эшиги бузилмаган-ку! Дераза ойналари ҳам бутун! Ҳамма ухлаб қолганида, катта уйга кириб олса бўлди...

Халойик бир-бирига ғамгин қараб қўйди.

- Нима десаларинг денглар-у, унинг рухсори менга ҳеч қачон ёқмаган, - деди пештахта ёнида турган эркак.
- Брайс уруш туфайли шундай ғалати бўлиб қолган, - деди майхона сохиби.
- Жаҳли чиқиб турган Фрэнкка рўбару бўлишни истамас эдим деганимни эслайсан-ми, Дот? - деди бурчакда ўтирган аёл кизишиб.
- Табиати ҳақиқатан ҳам бузук-да уни, - маъқуллаб бош иргиди Дот, - Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Фрэнк ҳали ёш йигит эди...

Тонг отар маҳалга келиб, Реддларни Фрэнк Брайсдан бошқа ҳеч ким ўлдириши мумкин эмас, деган умумий хulosанинг тўғри эканлигига ҳеч ким шубҳа қолмай қўйди.

Бирор Кичик Висельтондан узок бўлмаган Катта Висельтон шахарчасидаги қоронги, анча вактдан буён тозаланмаган полиция маҳкамасида ўтирган Фрэнк айбдор эмаслигини, қотиллик содир этилган куни ҳовли атрофида аллақандай рангпар, кора сочли нотаниш ўспириндан бошқа ҳеч кимни кўрмаганлигини тақрор ва тақрор таъкидлар эди. Лекин қишлоқ ахли орасида бирорта бўлсин бошқа киши ҳеч қандай нотаниш ўспиринни кўрмаган. Шундай экан, полиция маҳкамасидагилар ўша ўспиринни Фрэнкнинг жиноий тасаввуридан бошқа нарса эмас, деб эътироф этишиди.

Бечора Фрэнкнинг бошига маломат тоши ёғилиб турган ўша фурсатда тегишли муассасадан Реддларнинг мурдаларини ёриб текшириш тадбирларига оид якуний хulosалар бўйича расмий билдирув олингач, вазият буткул ўзгариб кетди.

Полициячилар бундай гайриоддий билдирувни ҳали ўқишимаган. Шифокорлар бригадаси мурдаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, яқдил хulosча чиқарган. Тиббиёт мутахассисларининг ёзишича, оила аъзоларидан бирортаси ҳам заҳарланмаган, сўйилмаган, отилмаган, бўғилмаган, нафаси қайтиб ҳам ўлмаган. Ушбу хulosани ўқиган киши, Реддлар, агар уларнинг ўлганлиги ҳисобга олинмаса, мутлақо жабр кўрмаган, ҳаммаси соппа-соғ деган фикрга бориши ажаб эмас. Аммо, ўликларнинг таналарида қандай кўринишда бўлмасин, номуносиб аломат топишга уринган шифокорлар томонидан, ҳар бир Реддлнинг зўриқкан юзида даҳшат қиёфаси қотиб қолганлигини қайд этиб ўтиш унугилмаган. Ҳафсаласи пир бўлган полициячилар бир вақтнинг ўзида уч кишини, жонлари узилиб кетгудай даражада қўрқитиб юборишнинг иложи йўқ, деган хulosча чиқардилар.

Қотилликка доир бирор-бир далил-исбот бўлмаганлиги учун ҳам Фрэнкни қўйиб юборишга тўғри келди. Реддлар Кичик Висельтон черкови қошидаги қабристонга дағн этилди. Уларнинг дахмалари муайян вақт давомида кизиксинаш обьекти сифатида хизмат килди. Ҳаммани ҳайрон қолдириб, бадгумон хавф тутдирган Фрэнк Брайс эса Реддлар ҳовлиси худудидаги эски уйчага қайтиб келди.

- Тақрор айтаман, Реддларни айнан Фрэнк ўлдириган, - баёнот қилди «Хушчакчак»да

ўтирган ширакайф қария Дот, - Полицияда қандай қарорлар қабул қилинмайды дейсиз. Виждони бўлганида, бу ерда қолмас эди. Ахир унинг қотил эканлигини ҳаммамиз биламиз-ку.

Нима қилганда ҳам Фрэнк кетмади. У ховлида қолиб, Реддлар уйига кўчиб кирган кейинги оила, сал ўтиб-ўтмай, навбатдаги оила учун боғонлик қилганча, яшайверди. Аммо ҳеч ким бу уйда узоқ тура олмади. Эҳтимол Фрэнк туфайлидир, эҳтимол бундай эмасдир бироқ ҳовлининг хар бир янги соҳиби ушбу уйда қандайдир ёқимсиз, шубҳали нарсалар борлигини таъкидлаб борди. Шу тариқа, яшайдиган одам бўлмаганлиги учун ҳам, уй аста-секин таназзулга юз тутди.

Ҳовлининг ҳозирги бадавлат соҳиби бу уйда турмайди ҳам, ундан бирор-бир кўринища фойдаланмайди ҳам. Қишлоқ одамлари «Ҳовли соҳиби, ушбу мулкни солик масалалари нуқтаи назаридан харид қилиб олган» деган қандайдир ғалати миш-миш гап тарқатишган. Бироқ бу сўзларнинг маъносини улардан бирон-бири аниқ ва тушунарли талқин қилиб бера олмайди. Шунга қарамай, уй эгаси, боғон Фрэнкка маош тўлаб боришни канда килгани йўқ. Брайс ўзининг етмишинчи баҳорини кутиб олиш тараддуиди. У олдингидан баттар оқсоқланиб, деярли кар бўлиб қолган. Ҳовлини босиб кетган ёввойи алаф Фрэнкнинг ўзини тешиб ўтгудай даражада хавф солиб ўсаётган бўлса-да, ўз касби ва одатига садоқатли қария, об-ҳаво яхши келган кезларда, гул эгатларига курак саншиб боришини қўймайди.

Бечора Фрэнк бошига ёввойи ўтларгина ташвиш солмайди. Қишлоқ болалари иморат ойналарига тош отиш қилигини касб этиб олишган. Улар велосипедлари билан Фрэнкнинг машаққатли меҳнати сингиб кетган майсазорни пайхон қилишмокда. Қария Брайс уйни ҳам, ҳовлини ҳам жон-жаҳд билан ҳимоя қилишини яхши биладиган безори болалар бир-икки бор худудга бостириб ҳам киришди. Уларга чолнинг чўлоқ оёғи билан каловланиб югуришини-ю, таёқ билан таҳдид қилишини кўриш, овози борича бақириб, қарғаганини эшитиш қизик. Фрэнк эса ушбу болалар, ўз ота-оналари каби, уни қотил деб билишгани учун ҳам хўрлашаётганига шубҳа қилмайди. Шу боис, август ойи тунларидан бирида уйғониб кетиб, уйда жуда ғалати нарсалар содир бўлаётганини кўрган кекса Брайс, ситамгарлар уни буткул адойи-тамом қилиш мақсадида янада жадал, янада кескин чоралар кўришга аҳд қилишганга ўхшайди, деган хаёлга борди.

Чолни қариган сари баттар қийнаётган оёқ оғриғи уйғотиб юборди. Факат резина грелкагина унинг дардини енгиллатиши мумкин. Фрэнк грелканинг сувини алмаштириш мақсадида ўрнидан туриб, оқсоқлаганча ошхонага тушди. Ошхона чаноги қаршисида туриб, чойнак сувга тўлишини кутар экан Реддлар уйи томон қараб, бинонинг юқори қаватдаги деразаларидан бирида милтиллаётган ёруғликни кўриб қолди. Яна ўша шум такалар! Энди уй ичига ҳам бостириб киришибди-да! Бу ҳам камлик қилгандек, ўт қалашибди!

Полиция чақирай деса, телефони йўқ. Умуман айтганда, уни ҳибсга олишган ўша даврлардан бўён, полицияга бўлган ишончини умуман йўқотган. У чойнакни бир четга кўйди-да, кийимини кийиш учун оёғи имкон бергани қадар тез юқорига кўтарилди. Кўп ўтмай ошхонага қайтиб тушган қария Фрэнк эшик ёнидаги илгақдан захира калитни ва деворга суюб кўйилган таёкни олиб, зулматга чиқди.

Реддлар уйининг олд эшиги бузилмаган. Дераза ойналари ҳам бутун. Брайс каловланганча, бинони айланиб, деярли батамом печак чирмаб олган орқа эшик томон ўтди. Калитни кулф тешигига солиб, эшикни шовқин солмай, аста очди.

У горга ўхшаб қолган ошхонага кирди. Фрэнк бу ерга кўп йиллардан бўён кирмаган бўлса-

да, қайси эшик дахлизга олиб чиқишини эслади ва ўша томон йўл олди. Бурни чиринди ва вайроналик хидини хис этди. Қадам товуши ёки одам овозини эшитиш учун вужуди кулоққа айланди. Асосий эшикнинг икки томонида баланд деразалар бўлгани учун ҳам нисбатан ёруғроқ дахлизга кириб, зинапоя бўйлаб юқорига кўтарила бошлади.

Пойафзалининг тагчарми ва суюниб бораётган таёғи чиқарадиган товушни бўғиб қўйгани учун тош погоналардаги йиллар ўтиб қалинлашиб кетган чангга шукrona қилди.

Зина майдонига етиб келгач, ўнг томон бурилган Фрэнк безори болалар қайси хонага кириб олишганини дархол пайқади. Йўлак охиридаги эшик қия очиқ қолиб, ҳосил бўлган тирқищдан қоронги полга тилла рангли узун шуъла ташлаб турган хира ёруғлик милтиллаб турибди. Кўлидаги таёқни маҳкам ушлаб олган Брайс аста-секин ўша эшик томон яқинлашди. Остонага бир неча фут қолганида қия очиқ эшик орқали хона майдонининг тор бир қисми кўринди.

Олов тушунишича, каминга қаланган. Айнан шу ҳолат Фрэнкни ўйлантириб қўйди. У қимир этмай, диққат билан кулоқ тутди. Ичкаридан қандайдир эркак кишининг журъатсиз ва ҳатто қўркувли овози эшитилди.

- Шишида яна бир оз бор, милорд, агар тўймаган бўлсангиз.

- Кейинрок, - эшитилди иккинчи овоз.

Бу ҳам эркак кишининг овози бўлса-да, қандайдир ғалати, худди чинкирган каби, муздай эсган шамолдай совуқ эшитилди. Уни эшитган Брайснинг бошидаги яккам-дуккам қолган орқа соchlари тикка бўлиб кетди.

- Мени гулханга яқинроқ суриб қўй, Чувалчангдум.

Яхшироқ эшитиш учун Фрэнк эшикка ўнг кулогини тутди. У қандайдир қаттиқ юзага қўйилган шишшанинг жиринглагани, сўнгра полда сурилган кресло оёғининг оғир ва бўғиқ товушини эшитди. Ичкарида Фрэнкка орқа ўтириб, креслони камин томон сураётган пакана мардак кўринди. Унинг боши тоз бўлиб, эгнига узун қора плаш кийган. Сал ўтиб, яна кўринмай қолди.

- Нагини қаерда? - сўради совуқ овоз.

- Бил... билмайман, милорд, - асабий титради биринчи овоз, - Уйни кўздан кечириб чиқаётган бўлса керак, деб ўйлайман...

- Ўйкуга ётишимиздан олдин уни соғиб олишинг керак, Чувалчангдум, - буюрди иккинчи овоз, - Кечаси овқатланишим керак бўлади. Сафар мени нихоятда толиқтириб юборди.

Қовоғини солиб олган Фрэнк эшитадиган қулогини эшикка яқинроқ тутиб, диққат билан тинглади. Бир оздан сўнг, Чувалчангдум лақабли киши яна гап бошлади:

- Милорд, савол беришга ижозат беринг. Бу ерда узоқ қоламизми?

- Бир ҳафта, - жавоб қайтарди совуқ овоз, - Эҳтимол кўпроқdir. Бу ер етарлича қулай жой. Ишларимиз кўламини янада кенгайтиришнинг ҳозирча иложи йўқ. Квидиш бўйича жаҳон чемпионати нихоясига етгунга қадар бирор-бир иш кўриш, фирт ахмоклиқdir.

Фрэнк ўзининг ғадир-будур бармоғини қулогига тикиб, буриб-буриб олди. Чамаси яна кир бўлганга ўхшайди, акс ҳолда анави сўз «квидиш» деб эшитилмас эди-ку?! Умуман бу, сўз ҳам эмас эди шекилли.

- Кви... квидиш бўйича жаҳон чемпионати? - сўради Чувалчангдум, - Мени маъзур кўрасиз-у, милорд... нима учун чемпионат ўтишини кутишимиз кераклигини тушунмаяпман?

Фрэнк кулоқ тозалашга зўр берди.

- Шунинг учунки, бефаросат, ҳозир юртга бутун дунё сехргарлари кела бошлаган.

Сехргарлик вазирлигидаги анави тўнкалар огоҳ бўлиб, гайриоддий фаоллик аломатларини кузатиб боришига тушиб қолишиади. Шахсий гувоҳномаларни такрор ва такрор текшириб юришиади. Ахир улар маҳфийликни саклаш жинниси бўлиб қолишган! Худо кўрсатмасин,

агар магллар бирор нарсани сезиб қолища борми, у тентакларнинг томи кетиб қолади-ку. Яххиси сабр қилиб, чемпионат тугашини кутамиз.

Фрэнк қулоқ тозалашни бас қилди. У «сехгарлик вазирлиги», «сехгарлар» ва «магллар» деган сўзларни аниқ эшилди. Шубха йўқ-ки, ушбу ибораларнинг ҳар бири ниманидир англатади. Ушбу сўзлар замирида қандайdir яширин, маҳфий маъно бор. Шифрланган иборалар фақат иккита тоифага мансуб кишилар томонидангина қўлланилишини Брайс яхши билади, у ҳам бўлса, жосуслар ва жиноятчилар. Фрэнк таёғи билан полга ишончлироқ суюниб, янада диққат билан қулоқ соди.

- Демак, ҳазрати олийлари, қарорингиз қатъий? - аста сўради Чувалчангдум.
- Албатта, Чувалчангдум, қарорим қатъий.

Пинак бузилмаган ушбу овозда очиқдан-очик ғазаб оҳангига эшитилди. Сал ўтиб, яна Чувалчангдумнинг овози эшитилди. У ўз дадиллигини йўқотиб қўймасдан олдин фикр-мулоҳазасини айтиб олишга ошиқаётган кишидек гапирав эди.

- Ишни Гарри Поттерсиз ҳам бажариш мумкин, милорд.

Орага узоқроқ сукунат чўқди.

- Гарри Поттерсиз? - базур эшитилган овоз билан сўради иккинчи овоз, - Тушунарли...
- Милорд, ушбу сўзларни мен болага раҳмим келганидан айтиётганим йўқ! - баланд чийиллади Чувалчангдум, - Боланинг тақдири мен учун аҳамиятсиз, ха, умуман аҳамиятсиз! Агар биз ҳар қандай бошқа сехгар ёки афсунгардан фойдалансак, ишларимиз тезроқ битади демоқчиман холос! Қандай мохирона никоблана олишимни яхши биласиз. Шундай экан, мени қисқа муддатга қўйиб юборсангиз бас, икки кунга қолмай бизга тўғри келадиган бирор-бир кишини олиб қайтаман...
- Чиндан ҳам бошқа сехгардан фойдаланишим мумкин... - олдингидай паст овоз билан жавоб кайтарди иккинчи овоз.
- Милорд, бу ҳақиқатан ҳам оқилона иш бўлади, - деди Чувалчангдум, енгил тортиб, - Чунки Гарри Поттерга етишиш нихоятда мураккаб масала. Уни жуда астойдил қўриқлашмоқда...
- Демак, ўрнига бошқасини келтиришга тайёрсан? Қизиқ... Балки, Чувалчангдум, мени бокиши сенга малол келиб қолгандир? Эҳтимол, бирламчи режага ўзгартириш киритишга доир ушбу тақлифинг, мендан қочиб қутулишга уринишдир, а?
- Милорд! Мен сизни умуман тарк этмоқчи эмасман. Бу ҳақда заррача...
- Ёлғон! - вишиллади иккинчи овоз, - Ёлғон гапираётганингни доим сезаман, Чувалчангдум! Ҳузуримга қайтганингдан афсус қилаётганингни, қўзингга жирканч кўринаётганимни ҳам биламан. Менга қараганингда башаранг буришиб кетаётганини, менга қўл теккизаётганингда сесканиб кетаётганингни ҳам қўриб турибман...
- Йўқ, олий ҳазратлари! Мен сизнинг энг садоқатли қулингизман...
- Номардлигинг, қўрқоклигинг олдида садоқатинг бир пулга киммат. Агар борар жойинг бўлганида, ҳузуримга қайтмаган бўлар эдинг. Мени ҳар икки-уч соатда бокиб туриш керак бўлса, сенсиз қандай яшай оламан? Нагинини ким соғади?
- Сўнгги вақтларда сиз анча бакувват бўлиб қолдингиз, милорд...
- Каззоб, - деди хўрсиниб иккинчи овоз, - Мен кувватсизман. Бир неча қун ёлғиз қоладиган бўлсам, сенинг ғализ парваришинг туфайли эришган мужмал соғлигимдан ҳам куруқ қоламан. Жим!
- Аллақандай дудмол гапларни тинимсиз ғулдираётган Чувалчангдум шу захоти унини ўчирди. Бир неча сония давомида Фрэнк каминдаги гулханнинг чирсиллаб ёнаётганини эшилди холос. Шундан сўнг, иккинчи овоз, илоннинг вишиллашига ўхшаш овоз билан гапини давом эттирди.
- Айни ўша боладан фойдаланишим учун алоҳида сабаблар бор. Уларни сенга тушунтириб

берганман. Аҳдимдан қайтмаслигимни ҳам биласан. Бу кунни ўн уч йил қутганман. Яна бир неча ой кутиш керак бўлса, қутаман. Болага нисбатан қўрилаётган хавфсизлик чораларига келсак, ишончим комилки, режам кор беради. Сендан эса Чувалчангдум, зигирдай жасорат талаб этилади холос. Модомики, Лорд Вольдемортнинг нафратини тўла-тўкис ўзингда синаб кўришни истамас экансан, уни намоён этишга бор кучингни сафарбар этасан...

- Милорд, фикр билдиришга ижозат этинг! - ваҳима босганча, қичқириб юборди Чувалчангдум, - Бутун сафаримиз давомида режамиз ҳакида кўп мулоҳаза юритдим. Милорд, Берта Жоркинснинг ғойиб бўлиши узок вақт эътиборсиз қолмайди. Агар биз ишимизни давом этишга аҳд килиб, мен ўз карғишмни...

- Агар? - сўради иккинчи овоз, - Агар? Агар режага мувофиқ иш тутсанг, Чувалчангдум, яна бир киши ғойиб бўлганлигини вазирликдагилар пайқашмайди. Сен ҳамма ишни ортиқча шовқин-суронсиз, ховлиқмасдан бажарасан. Ҳаммасини ўзим бажаришни истар эдим-у, бироқ... менинг мана бу ҳолатим... Ҳаракатингни бошла, Чувалчангдум! Яна битта тўсиқни енгиб ўтсак бас, Гарри Поттер томон йўлимиз очилади! Якка ўзинг ишлашингни талаб қилаётганим йўқ сендан. Ўша вақтга келиб сафимизга менинг садоқатли хизматкорим қўшилади...

- Сизнинг садоқатли хизматкорингиз мен бўламан, мен, - деди Чувалчангдум, базўр сезиларли жizzаки оҳангда.

- Чувалчангдум, менга ақл-фаросатли, ўз садоқатини намоён этиш керак бўлган фурсатда заррача иккиланмайдиган одам керак. Сен эса баҳтга қарши, ушбу талабларнинг бирортасига ҳам жавоб бермайсан.

- Сизни бирор эмас, мен топдим, мен, - очиқдан-очиқ хафа бўлди Чувалчангдум, - Мен! Берта Жоркинсни ҳам хузурингизга мен келтирдим.

- Ҳақ гап, - жавоб қайтарди иккинчи овоз, бир оз ҳайратланиб, - Тан олишим керакки, ўша ишинг, сендан кутилмаган заковат шуъласи бўлган эди. Агар охиргача очиқча гапирадиган бўлсак, Чувалчангдум, унинг қанчалик наф келтиришини ўзинг ҳам идрок этмаган эдинг, шундай эмасми?

- Мен... мен дарҳол... Ўша қизнинг фойдали эканлиги ҳакида ўйлаганман, милорд...

- Каззоб, - деди иккинчи овоз, баджаҳл таажжуб оҳангиди, - У берган ахборот бебаҳо эканлигини инкор этмайман! Ўша қиз бўлмаганида менинг режам туғилмас эди ҳам. Бунинг учун сени тақдирлайман, Чувалчангдум. Сенга фавқулодда мухим иш ижросини топшираман. Шундай ишки, уни бажариш хукуқига эга бўлиш учун аксарият издошларим ўнг қўлини кесиб юборишга тайёрдир...

- Ч-чинданми, милорд? Қандай иш экан у?... - Чувалчангдумни яна ваҳима қамраб олди.

- Эҳ Чувалчангдум, хушхабар кутилмаган бўлиши билан хуш эмасми? Сенинг ўрнинг саҳна хотимасида бўлади... Шуни ваъда қилишим мумкинки, сен Берта Жоркинс каби ўта мухим хисса қўшиш шарафига мұяссар бўласан.

- Сиз... Сиз... - Чувалчангдумнинг овози кутилмаганда хириллаб эшитилди, - Сиз мени ҳам асфаласофилинга йўлламоқчимисиз?

- Эҳ Чувалчангдум, Чувалчангдум, - таъна қилди совуқ овоз, - Сени ўлдириб нима наф кўраман? Бертани эса ўлдиришга мажбур бўлдим. Сўроқдан сўнг у бошқа ҳеч нарсага ярамай қолган эди, умуман ҳеч нарсага. Тирик колдирдим дейлик. Вазирликка қайтиб, таътил давомида сени учратганини айтса, қандай сўроқларга тутилишини тасаввур килиб кўр, бефаросат. Ўзинг ўйлаб кўр, ўлган деб эътироф этилган сехргар вазирликда ишлайдиган афсунгар аёл билан йўл бўйидаги меҳмонхоналардан бирида тасодифан учрашиб қолиши мумкинми...

Чувалчангдум алланима гапни шундай паст овоз билан айтдики, Фрэнк эшитмай қолди.

Бироқ иккинчи одамнинг ҳар қандай қувончдан маҳрум бўлган, ўз нутки каби муздай эшитилган қаҳхаҳаси янгради.

- Хотирасини ўзгартириш? Бироқ мохир сехргарлар томонидан унуттириш афсуни таъсирига ҳеч бир қийинчиликсиз барҳам берилади. Буни Бертани сўроққа тутаётганимда ўзим исбот қилиб бердим сенга. Бундан ташқари, у берган ахборотдан унумли фойдаланмаслик Жоркинснинг хотирасини таҳқирлаш демак.

Худди шу фурсатда, йўлақда турган Фрэнк таёқ ушлаб турган қўли терлаб кетганидан тойғаноқ бўлиб қолганини хис этди. Овози муздай эшитилаётган одам бир аёлни ўлдириб, бу ҳақда заррача афсус қилмай, аллақандай арзимас вақтихушлик ҳакида гапираётган каби гапирмоқда. У нихоятда хавфли савдои эканлигига шубҳа йўқ. Бунинг устига Гарри Поттер исмли яна аллақандай болани ўлдиришни режалаштириб ўтирибди. Ким бўлишидан қатъи назар ўша бола хавф остида...

Фрэнк қандай иш тутиш кераклигини билади. Полицияни табиатан хуш кўрмаса-да, ҳозир унга хабар бериши шарт. У уйни тарк этади-да, қишлоққа қараб йўл олади. У ерда телефон бор. Совуқ овоз такрор эшитилиб, Фрэнк яна ичкаридан чиқаётган сўзларга қулок тутди.

- Яна битта қарғиши... Менинг садоқатли хизматкорим «Хогварц»да... Гарри Поттер эса менинг ихтиёrimda! Гап шу. Эътиrozга ўрин йўқ. Жим, назаримда, Нагинининг шарпасини эшигандай бўлдим...

Иккинчи кишининг овози ўзгариб, Фрэнк муқаддам эшитмаган овоз чиқара бошлади. У сўлак сачратганча, нафас ростламай вишиллай кетди. Фрэнк бу одамнинг тутқаноги тутиб қолган чамаси деган хаёлга борди.

Дафъатан, Фрэнкнинг орқа томонида қандайдир ҳаракат сезилди. Фрэнк йўлакка қараб, даҳшатдан серрайиб қолди.

Полда нимадир ўрмалаб, каминдан тушаётган ёруғлик томон яқин келяпти. Фрэнк узунлиги кам деганда ўн икки фут келадиган баҳайбат илон эканлигини аранг идрок этди. Турган жойида қотиб, тилсиз қолган Брайс тўлқинсимон ҳаракатланаётган тана чанг қатламида кенг ёй ҳосил қилганча, тобора яқинлашиб келаётганини кўриб турибди... У нима қилсин? Анави иккаласи ўтирган хонага кириб жон сақлай деса, улар шундок ҳам қотилликни режалаштириб ўтирибди, турган жойида қолса, илон ўлдириши мукаррар... У муқим бир фикрга келгунга қадар, илон ёнига етиб келди ва мўъжизани қаранг-ки, вишиллаб, тупуриб овоз чиқараётган одам ўтирган хонага кириб кетди. Сония ўтар-ўтмас, илоннинг гўё олмос сепиб ташлангандай нақшли думи эшик ортида гойиб бўлди.

Фрэнкнинг бор вужуди терга ботиб, таёқ тутиб турган қўли титрай бошлади. Хона ичидан ғалати вишиллашлар эшитилиб, қариянинг миясига ҳаётда бўлиши мумкин бўлмаган ўй келди... Анави киши, чамаси илон тилида гаплашишни билади.

Брайс ҳеч нарсани англай олмайдиган холатда туриб қолди. Қани энди у иссиқ грелкасини оёғига босиб, ўз ўрнида ётган бўлса. У титраб, ўзини идора килишга уринар экан, ичкарида яна ўша совуқ овозли одамнинг инглиз тилида сўзлаётган гапи эшитилди.

- Нагини бизга қизик ҳабар етказди, Чувалчангдум, - деди у.

- Ч-ч-чинданми, м-милорд? - жавоб қайтарди Чувалчангдум.

- Чиндан, - тасдиқлади совуқ овоз, - Илоннинг сўзларига қараганда, эшик ортига кекса магл бекиниб олиб, гапларимизни эшитиб турган эмиш.

Фрэнкнинг яшириниб олиш имкони йўқ. Ичкаридан қадам товушлари эшитилиб, эшик ланг очилди.

Остонада сочига оқ кирган, бурни узунчоқ, кичкинагина кўзлари серсув, юзида кўркинч билан хавотир уйғунлашган, паст бўйли одам кўринди.

- Ичкарига таклиф қил, Чувалчангдум. Хушмуомала бўлсанг-чи.

Каминдаги оловга қаратилган қадимий креслодан эшитилган совуқ овоз сохиби Фрэнк

кўзига кўринмади. Бироқ гулхан яқинидаги, деярли чириб кетган гиламчада гўё уй ҳайвони каби кулча бўлиб ўралиб олган жирканч илон дархол қўзга ташланди. Чувалчангдум Брайсни ичкарига имлади. Рухий ларза ўтиб кетмаганига қарамай, қария, қўлидаги таёгини маҳкам тутиб, каловланганча, остона ҳатлади. Камин ягона ёруғлик манбаси бўлиб, хона деворларида улкан ўргамчикларни эслатадиган соялар ҳосил қилган. Фрэнк кресло суюнчигининг орқа томонида тўхтади. Унда ўтирган кишининг бўйи чамаси ўз хизматкорининг бўйидан ҳам пастга ўхшайди. Негаки, бошининг тепаси бўлса ҳам, Брайста кўринмади.

- Сен ҳамма гапни эшитдинг-ми, магл? - янгради муздай савол.
- Мени нима деб атадингиз? - сўради Брайс, таҳдид оҳангиди.

Модомики ичкарига кирган ва энди тегишлича иш тутиш керак экан, Фрэнк ўзини нисбатан дадилроқ ҳис этди. Урушда ҳам шунаقا бўлган.

- Мен сени магл деб атадим, - пинаги бузилмай тушунтириш берди овоз, - Бу сўз кишининг сеҳргар эмаслигингни англатади.
- «Сеҳргар» сўзи остида нимани назарда тутаётганингизни билмадим-у, - Френкнинг овози қатъийлашди, - Ишончингиз комил бўлсинки, полицияни кизиқтириб қоладиган етарлича гапларни эшитдим. Сиз қотиллик қилгансиз ва яна бир қотилликни режалаштириб ўтирибсиз! Яна бир нарсани айтиб қўйишим керакки, - қўшиб қўйди Фрэнк, ғайриихтиёрий тарзда, - Рафиқам шу ерда эканлигимни билади ва агар менга бирон гап бўлса...
- Ҳеч қандай хотининг йўқ, - вазмин кесди гапни совук овоз, - Сени қаерда эканлигингни ит ҳам билмайди. Бу ерга келганингни сен ҳеч кимга айтмагансан. Лорд Вольдемортга ёлғон гапириш бехуда. Зеро у ҳамма нарсани кўради... ҳамма нарсани...
- Шунақами? - қўпол жавоб қайтарди Фрэнк, - Лорд денг? Муомалангизни қаранг-а, қадрдон лорд. Даставвал одамга ўхшаб, кишига юзланиб гапирсангиз бўлармиди!
- Майли-ю, магл, фақат мен одам эмасман-да, - деди лорд, ғўлаларнинг чарсиллашидан ҳам паст эштилган овоз билан, - Мен оддий одамга нисбатан анча улуғ зотдирман.

Бироқ... Сен айтганча бўла қолсин... Сенга юзланаман... Чувалчангдум, илтимос, креслони айлантириб юбор.

Хизматкор ғиншиган овоз чиқарди.

- Амримни эшитдинг-ми, Чувалчангдум?

Ҳазар қилиб буриштирган башарасидан ўз соҳиби ва гиламча устида ётган илонга яқин келишдан кўра ҳар қандай бошқа ишга тайёр эканлигини уқиб олса бўладиган пакана хизматкор аста-секин креслога яқин келиб, уни айлантира бошлади. Кресло оёғи гиламчага тегиб кетиши билан илон ўзининг жирканч уч бурчак бошини кўтарди. Нихоят кресло Фрэнк томон айлантирилиб, унда нима ўтиргани кўринди. Қариянинг қўлидаги таёқ тараклаганча полга тушиб кетди. У оғзини ланг очиб, фарёд кўтарди. Шундай дод-вой солдики, ҳатто креслода ўтирган маҳлукнинг таёқча кўтариб, талаффуз этган сўзларини ҳам эшитмай қолди. Кўзни қамаштириб юборадиган яшил тусли яшин кўриниб, ҳавода нимадир ҳуштак чалиб ўтгач, Фрэнк Брайс худди ўқ теккандек йикилди. У танаси полга етиб боргунга қадар омонатини топшириб бўлди.

Айни шу фурсатда ходиса рўй берган жойдан икки юз миля нарида, Одамовилар хиёбонидаги 4- уйда ухлаб ётган Гарри Поттер исмли бола сесканиб, уйғониб кетди.

II БОБ.

ЧАНДИҚ

Гарри белида ётиб, кафтларини юзига босганча, худди узок юргурган кишидай оғир нафас олиб, жуда аниқ кўринган тушдан уйғониб кетди. Бармоқлари билан босиб олган

эски чандық кимдир пешонасига қизиган сим босиб турганда, қаттиқ оғрияпти.

У бир қүлини чандықдан олмай, ётган үтириб олишга уринганча, иккинчи қўли билан каравоти олдида жавонча устини тимирскилаб, кўзойнак кидирди. Кўзойнагини тақиб олгач, хонадаги буюмлар қиёфаси кўча фонусининг дераза пардаси орқали хонага тарқоқ сингиб кирган хира сариқ нури остида нисбатан аникроқ кўринди.

Гарри оғриётган чандигини бармоқлари билан аста силаб, стол усти чирогини ёқди-да, үрнидан туриб, хонанинг нариги бурчагида турган кийим жавони ёнига боргач, эшигини очиб, тавақанинг ички томонига махкамланган кўзгуга қаради. Кўзгуда талмовсираб боқаётган, ёши ўн тўртга борган, озғин, соchlари тўзғиган, яшил кўзли боланинг акси кўринди. Гарри пешонасини диққат билан кўздан кечириб, яшин зигзаги шаклидаги чандиги одатдагидай кўринаётган бўлса-да, кучли ловуллаётганини ҳис этди.

Гарри bemахал уйғотиб юборган тушини эслашга уринди. Туш жуда яққол кўринган эди... уч киши... улардан икки нафари нотаниш, бири таниш... Гарри қовоғини чимириб олганча, эслашга зўр берди...

Хаёлан муайян манзара тикланди: нимқоронғи хона... камин ёнидаги гиламча устида ётган илон... илон яқинида лақаби Чувалчангдум, Питер исмли таниш киши... муздай эшитилган баланд овоз... Шошма, ахир бу Лорд Вольдемортнинг овози-ку. Буни ўйлаган боланинг ошқозонига йириккина муз бўлаги қизилўнгачини музлатганча, сирпаниб тушгандаи бўлди...

Гарри кўзини чирт юмиб, тушида кўринган Вольдемортнинг қиёфасини эслашга уриниб кўрди-ю, уddeлай олмади. У эндиғина айлантирилган креслода үтирган махлуққа кўзи тушган ҳамоно даҳшатга тушиб-ми, ким билади, пешонаси оғриганидан-ми уйғониб кетган эди...

Анави қария-чи, ким эди? Тушига кекса киши кирганини аниқ эслайди. Чолнинг ерга кулаб тушганини ҳам кўрди. Гаррининг миясида борки хотира аралашиб кетди. Бола хонадаги нарсалардан чалғиб, тушида кўрганини хотирлаб олишга уриниш учун кафтларини юзига босди. Бироқ харакати, ғалвирда сув тутиб қолищдек, беҳуда кетди. Эслашга қанчалик зўр берса, хотира уни шу қадар тез тарк этди... Вольдеморт билан Чувалчангдум ўзлари ўлдиришган аллакайси одам ҳакида сухбат қуришди... Гарри ўша кишининг исмини ҳеч эслай олмади... Улар яна кимнингдир жонига қасд қилишмоқчи... ким экан у? Шошма, ахир... бу, мен эдим-ку!

Гарри кафтларини юзидан олиб, хонага, бирон-бир ғайриоддий нарса кўриш илинжида кўз югуртириб чиқди. Ростини айтганда, хона ғалати нарсаларга етарлидан ортиқ тўлиб-тошган. Каравотнинг оёқ томонида қопкоғи очиқ ёғоч сандиқ турибди. Унининг ичиди қозон, супурги, сехргарларнинг қора кийими ва турли туман афсун китоблари ётибди. Ёзув столида, аникроқ айтиладиган бўлса, одатда, кутб бойкуши Хедвиг камаб кўйиладиган катта қафасдан холи қисмида кўпдан-кўп пергамент ўрамлари аралашиб кетган. Каравот яқинида, Гарри, уйқудан олдин ўқиган китоб очиқ ҳолатда полда ётибди. Унда тасвиrlанган одамлар тинимсиз ҳаракатланмоқда. Супурги эгарлаб, эгнига яркираб кўринаётган тўқ сариқ кийим кийган ушбу кишилар суратдан дам йўқолиб, дам яна пайдо бўлганча, бир-бирига аллакаңдай қизил тўп оширишмоқда.

Гарри китобни полдан кўтариб, супургида учиб юрган сехргарлардан бири баландлиги эллик фут келадиган тик хода учидаги ҳалқага зўр таассурот колдирадиган даражада гол уришини томоша килгач, ёпиб кўйди. Боланинг фикрича, дунёдаги энг қизик ўйин саналадиган квидиши ҳам айни пайтда оғир хаёлдан чалғита олмайди. Гарри ««Замбараклар» билан парвозлар» китобини каравоти олдида жавонча устига кўйиб, дераза ёнига борди-да, пардани очиб, кўчага қаради.

Шаҳар яқинидаги катта кўча шанба куни тонг отар маҳалда қандай кўриниши лозим бўлса, Одамовилар хиёбони ҳам худди шундай кўринмоқда. Барча уйларнинг деразалари парда тутиб бекитилган. Тонг қоронғисида кўчада бирор зоғ, лоақал мушук бўлсин, кўринмайди.

Шунга қарамай... шунга қарамай... Гарри яна каравотига қайтиб, бармоғи билан чандигини

силаганча, ўтириб олди. Үмуман айтганда, уни оғрик безовта қилаётгани йўқ. У жон оғриғига ҳам, турли туман жароҳатларга ҳам кўнишиб кетган. Кунлардан бир кун Гарри ўнг қўлининг суякларидан буткул маҳрум бўлиб, янгитдан ўсиб чиққунга қадар даҳшатли ўтган тунни бошдан кечирган. Яна бир сафар худди ўша қўлини йирик илон, узунлиги бир фут келадиган заҳарли тиши билан тишлаб, тешган. Супургида эллик фут баландлиқда учиб, ерга қулаб тушганига эса ҳали бир йил бўлгани йўқ. Кисқаси, энг ғайриоддий баҳтсиз ҳодисалар-у, жароҳатлар унга ғалати туюлмайди. Модомики, «Хогварц» сехгарлик ва афсунгарлик санъати мактабида таҳсил кўрар экансан, устига-устак, мисли кўрилмаган нохуш аҳволларга тушиб қолишга мойил экансан – ўхшаш жароҳатлар табиийдир.

Уни бошқа нарса безовта қилмоқда. Ўтган сафар пешонасидаги чандиги, Вольдеморт ёнгинасида турган пайтда оғриган эди... бироқ ҳозир у йўқ-ку... Ёвуз Лорд тунда, Одамовилар хиёбонида изғиб юрганини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, ахир бу гирт бемаънилик-ку...

Гарри зўр бериб тун сукунатига қулоқ тутди. Эҳтимол у ёғоч зинанинг ғичирлаганини-ю, ридонинг шитир-шитир товушини эшитмоқчи бўлгандир? Бирдан у пастда эшитилган овоздан сесканиб кетди. Хайрият, холаваччаси Дудлининг қаттиқ тортаётган хурраги экан. Бола ғафлатдан уйғониб, ўзини идора қилиб олди. Бунчалик эмасда. Уйда Вернон амаки, Петунья хола ва Дудлидан бошқа ҳеч ким йўқ. Улар ҳам ҳозир тарашадай котиб, ухлашмоқда.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ҳеч қандай қувонч келтирмайдиган Дурсларнинг уйғок юришганидан қўра тишларини деворга қаратиб ётган ҳолати Гаррига кўпроқ маъқул келади. Боланинг ягона қариндошлари саналадиган Вернон амаки, Петунья хола ва Дудли магллар бўлиб, ҳар қандай қўринишда намоён бўладиган сехр-жодудан ҳазар қилиш баробарида Гарридан ҳам жуда нафраланадилар. Бола, Дурслар хонадонида ўзини қуриб қолган гўнг сингари ҳис этади. Сўнгги уч йил давомида ушбу хонадон аъзолари қўшниларга, Гаррининг узоқ вақт қўринмай қолаётганини Тузалмас жиноятчи нусхалар учун қатъий режим жорий этилган муқаддас Грубус муассасасида тарбияланяпти, деб тушунтириб келмоқда. Балоғатга етмаган, «Хогварц»дан ташқарида юрган ёш сехгарга афсун билан шуғулланиш қатъиян ман этилганлигини амаки билан хола жуда яхши билади. Шундай бўлса-да, уйда юз берган барча нохушликларда Гаррини айблашга уринишади. Қариндошларга ишонч билдириш ҳақидаги ўйнинг ўзи Гаррига тутуриксиз фикрдай туюлади. Гарри уларга сехгарлар дунёсидаги ҳаёти ҳақида ҳеч қачон ҳеч нарса айтиб бермаган. Улар уйғонгач, ёнларига бориб, пешонаси оғриётгани-ю, Лорд Вольдеморт ҳақидаги ўйлар уни ташвишга солаётганини айтиб беришни тасаввур қилишнинг ўзи кулгили!

Шундай бўлса ҳам, Гарри, аввал бошдан, айнан Лорд Вольдеморт туфайли Дурслар хонадонига келиб қолган. Агар Ёвуз Лорд бўлмаганида, унинг пешонасида чандик ҳам бўлмас, ўша бадбаҳт, малъун Вольдеморт бўлмаганида, унинг ота-онаси тирик бўлар эди... Сўнгги юз йилликнинг энг қудратли ёвуз сехгар, ўтган ўн бир йил давомида катта куч тўплаган Лорд Вольдеморт кунлардан бир кун Годрик жарлигидаги Поттерлар хонадонига тунда келиб, ота-онасини ўлдирганида Гарри эндиғина бир ёшга тўлган чақалоқ эди. Ёвуз қилмишини амалга ошириб бўлгач, Лорд Вольдеморт ўзининг сехрли таёқчасини болага ўқтаб, хукм суришига тўғоноқ бўлган кўплаб катта ёшли сехгарларни ер юзидан сидириб ташлаган қарғиши талаффуз этди. Бироқ айнан Гаррига келганда, ажойиб мўъжиза рўй бериб, қарғиши кор бермади. Аксинча, гўдакни нобуд қилиш ўрнига, қарғиши яшини Гаррининг пешонасидан сапчиб, Вольдемортнинг ўзига урилди. Бола бундай яшиндан, пешонасида зигзаг шаклидаги ғайриоддий чандик билан қутулиб қолди. Вольдеморт эса қандайдир аянчли, базур жонли нарсага айланиб қолди. Ёвуз Лорд ғойиб бўлди. Сехгарларнинг яширин жамиятида қарор топган расвогарчилик барҳам топди. Вольдемортнинг малайлари-ю, югурдаклари тум-тарақай бўлиб, ҳар томон қочиб қолди, Гарри Поттер эса донгдор бўлиб кетди.

Үн бир ёшга тўлган куни сехргар эканлигидан хабар топган Гарри қаттиқ ҳаяжонланди. Гап шундаки, магллар кўзидан бекитилган сехргарлар дунёсидаги ҳар бир бола унинг исмини билиши Гаррини жуда шошириб қўйди. «Хогварц»га келгач, одамлар, унинг ортидан ҳаяжон-ла алланарса пичирлаб қолишига узок кўниқди. Энди у бундай шивир-шивир гапларга одатланиб қолди. Бу йил бола тўртинчи синфда таҳсил кўради. Гарри кадрдон қасрига кириб борадиган фурсат етишига қолган кунларни сабрсиз санаб юрибди.

Мактабга қайтишига эса ҳали роса икки ҳафта бор. Гарри умидсизлик билан хонага боз кўз югуртириб чиқиб, нигохи июль ойининг охирида энг яқин икки дўсти томонидан йўлланган табрикномаларда тўхтади. Уларга чандиги тўғрисида ёзиб юборса, нима дейишади?

Шу заҳоти қулогига Гермиона Грэнжернинг хавотирли овози эшитилди: *Яна чандигинг оғрияпти-ми? Гарри, бу жуда жисддийга ўхшайди... Зудлик билан профессор Дамблдорга хабар бер! Мен эса «Сехргарлар орасида кенг тарқалган дард ва ҳасталикларга оид маълумотнома мазмунидаги кўлланма»ни вараклаб чиқаман. Ажаб эмас, қарғиши яшинидан қоладиган чандиклар тўғрисида бирон-бир фойдали маълумот топсан...*

Ҳа, Гермиона айнан шундай яъни, тикка «Хогварц» директорига мурожаат қилиш, иш бир ерга етгунча, китоб вараклаб кўриш маслаҳатини берган бўлар эди. Китоб бирон бир наф беришига шубҳа қилган Гарри, дераза орқали сиёҳдай фалакка тикилиб қолди. Билишича у, Вольдеморт қўллаган қарғиши яшини каби яшин таъсиридан омон қолган жаҳонда ягона одам саналади. Бинобарин, «Сехргарлар орасида кенг тарқалган дард ва ҳасталикларга оид маълумотнома мазмунидаги кўлланма»да ҳам бундай аломатлар тавсифланган бўлиши инчунин амри маҳол. Директорга мурожаат қилиш масаласига келсак, Дамблдор ёзги таътилни қаерда ўтказишидан Гарри мутлақо бехабар. У бир дақиқа ўз ташвишидан чалғиб, белбоққа қисиб олгудай даражада узун кумуш ранг соч-соқолли, сехргарлик либоси ва чўққидор шляпасини кийиб олган Дамблдор дунёning аллақайси пляжида, ўзининг илмоқсимон қайрилма бурнига офтобда қорайиш малҳамини суртиб ётганини тасаввур қилиб кўрди. Дамблдор қаерда бўлмасин, Гаррининг хат ташувчи бойкуши Хедвиг уни топади, албатта. Почта бойкуши хатнинг манзили кўрсатилмаган бўлса ҳам, ҳали бирор маротаба бўлсин, панд бермаган. Факат директорга нима деб ёзади?

- *Хурматли профессор Дамблдор, безовта қилаётганим учун маъзур кўринг, бугун кечаси чандигим оғриди. Эҳтиром ила, Гарри Поттер, деб ёзиш керакми?*

Хаёлан ёзилган бўлса ҳам, хат маъноси жуда бемаъни чиқди.

Гарри иккинчи дўсти Рон Уэслининг билдирадиган муносабатини тасаввур қилиб кўрди. Шу заҳоти унинг кўз олдига талмовсираган, таажжубдан кўзи косасидан чиқиб кетишига сал қолган, бурни узун, сепкил босган башара гавдаланди: *Яна чандигинг оғрияпти-ми? Лекин... Ўзинг-Биласан-Ким ҳозир ёнингда бўлиши мумкин эмас-ку, шундай эмасми? Айтмоқчиман-ки... сен буни сезган бўлар эдинг, тўғрими? У яна сени жонингга тегишига уриниб кўрган бўлар эди, а? Умуман, Гарри, ишончим комил эмас-у, ҳар қалай қарғиши яшинидан қолган чандиклар баъзан, бир оз бўлса ҳам безовта қилиб туриши керакдир, ахир... Дадамдан сўраб кўришим керак экан...*

Сехргарлик вазирлигига, магларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлимида ишлайдиган мистер Уэсли юқори малакали сехргар саналса-да бироқ Гаррининг фикрича, Артур амаки қарғиши яшинларига қарши кураш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишига ихтисосланмаган. Уэслилар оиласи пешонаси бир оз оғригани учун Гарри ортиқча вахима кўтариб юборибди, деган фикрга боришини Гарри истамайди. Миссис Уэсли Гермионадан ҳам баттар беҳаловат бўлиб қолади. Роннинг ўн олти ёшли эгизак акалари Фред билан Жорж эса Гарри ўзини идора қила олмай қолибди, деган хулоса чиқаришлари турган гап. Уэслилар оиласини Гарри жуда яхши кўради. Яқин орада уйга таклиф қилиб қолишишларига умид қилиб юрибди. Ахир Квидиш бўйича жаҳон чемпионати тўғрисида Рон нимадир деган эди-ку. Шу боис ҳам, уларнига меҳмонга борадиган бўлса, чандиги тўғрисида муттасил бериб бориладиган саволлардан холи

юришни истади.

Гарри бармокларининг бўгин суюклари билан пешонасини ишқалаб қўйди. У ҳозир, гарчи ўзига ўзи бўлсин, икрор бўлишдан уялса-да, ота ёки онага ўхшаш ёши катта сеҳгар, ёвуз сеҳр билан мулокот қилиш тажрибасига эга қариндоши бўлишини орзу қилди. Ана ўшандада у, ўзини тентакнамо ҳис этмай маслаҳат сўраши, кимдир унинг учун жон куидираётганини ҳис этиши мумкин эди...

Айнан шу хаёл муаммонинг ечими топилишига сабаб бўлди. Ушбу ечим шу қадар содда ва шу қадар аён эдик, нима учун дарҳол шу қарорга келмаганига ўзи ҳайрон – Сириус!

Гарри каравотдан иргиб туриб, ёзув столи ёнидаги курсига ўтириди. Пергаментни ўзига тортиб, бургут патидан тайёрланган пат-қаламни сиёҳга ботирди-да, ёзди: «Қадрли Сириус!». Нима учун шу вақтгача Сириус хаёлига келмаганидан ҳамон таажжубланганча, ўз ташвишини сўз билан қандай ифодалаб, мактубга мужассам этиш ҳақида ўйланиб қолди. Умуман айтганда, бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ, албатта. Негаки, Сириус чўқинтирган отаси эканлигидан Гарри атиги икки ой олдин хабар топди.

Сириус Блэк, шу вақтга қадар, чўқинтирилган ўғлининг ҳаётида, айрим сабабларга кўра бўлмаган. У мудхиш дементорлар томонидан қўриқланадиган ваҳимали, Азкабан деб номланадиган сеҳгарлар қамоқхонасида ўтирган экан. Сириус қамоқдан қочиб қолгач, ўша сўқир, киши руҳини сўриб оладиган махлуклар Блэкни қидириб «Хогварц»га келишган. Аникланишича, Сириус айбсиз, у содир этмаган қотиллик Лорд Вольдемортнинг малайи, ҳамма қаҳрамонларча ҳалок бўлган деб хисоблаган Чувалчангдумнинг қилмиши экан. Бироқ ҳақиқат фақат Гарри, Рон ва Гермионага маълум бўлди. Негаки учовлон, ўша ярамас билан ўтган йили юзма-юз келиб, бор гапдан хабар топди. Аммо уларнинг гапига фақат Дамблдоргина бовар қилди.

Сириус, ўзининг бўйнига қўйилаётган барча айблардан ҳалос бўлгач, бирга яшашни Гаррига таклиф қилди. Бола Дурсллар хонадонини бутунлай тарқ этиш ҳақидаги ўйлар билан атиги бир соат давомидагина ўзини баҳтиёр ҳис этишга улгурди холос. Бироқ бундай имконият қўлдан бой берилди. Чувалчангдум, сеҳгарлик вазирлиги ходимларига топширилмасдан, жуфтакни ростлаб қолди. Сириусга эса қочиб кутилишдан бошка чора колмади. Гарри унинг қочиб, омон қолишини ташкиллаштирища бевосита иштирок этди. Сириус, Отбургут лақабли йирик калхатни эгарлаб, учиб кетгандан буён яшириниб юрибди. Агар Чувалчангдум қочиб кетмаганида қандай уйда яшashi мумкинлигини Гарри бутун ёз бўйи тасаввур қилиб юрди. Ўша фожиали тасодиф бўлмаганида Дурсллардан буткул ҳалос бўлишини билган Гарри учун Одамовилар хиёбонига қайтиш икки чандон қийин кечди.

Гарчи чўқинтирилган ўғлининг ёнида бўлиш имконига эга бўлмаса ҳам, Сириус Блэк Гаррига ёрдам бериб борди. Чунончи, айнан Сириус туфайли, Гарри, ўз мактаб анжомларини хонада сақлаш хукуқига эга бўлди. Дурсллар муқаддам бунга изн беришмаган. Уларнинг асосий фикр-хаёли ва орзу-ҳаваси – Гаррига имкон қадар кўп нокулайликлар яратишидир. Жиянининг сеҳгарлик қобилиятидан даҳшатга тушиб келишган Дурсллар ўтган йиллар давомида Гаррининг сандиги-ю, жамики мактаб анжомларини зинапоя остидаги буфет ичига киритиб, қулфлаб қўйишар эди. Гаррининг чўқинтирган отаси савдоий-қотил эканлигидан хабар топишгач, Дурсллар, ушбу масалага ўз муносабатларини дарҳол ўзгартирдилар. Сириуснинг аслида айбсиз эканлигини, қотиллик қилмаганини Дурслларга айтиб қўйиш эса Гаррининг «хаёлидан кўтарилибди». Одамовилар хиёбонига қайтганидан буён Гарри Сириусдан иккита хат олди. Сеҳгарлар дунёсида хатлар аксарият холларда почта бойкушлари орқали йўлланади. Бироқ иккала хатни ҳам бойкуш эмас, иссиқ минтақаларда яшайдиган йирик, ранги очиқ кушлар етказди. Хедвиг, кўзга яққол ташланадиган ушбу қушларнинг босқинига салбий муносабат билдириб, ортга қайтишларидан олдин ўз сувдонидан чанков бостиришларига истар-истамас изн берди. Гаррига эса аксинча, кушлар жуда хуш келди. Уларни кўриб, кўз олдига пальмалар ва оқ кумли пляжларни келтириди. Бу эса ўз навбатида, Сириус ҳозир қаерда бўлмасин, хаётдан завқланаётганига ишонч бағишлайди. Хатлар бегона кўлларга

тушиб қолиши мумкинлигини ўйлаган Блэк дунёning қаерида юрганини ёзмади. Гаррининг тасаввурicha, дементорлар чараклаб турган қүёш остида узок саёхат кила олмайдилар. Ажаб эмас, шу сабабли ҳам Сириус жанубга кетвортган бўлса. Блэкнинг кувноқ охангда ёзилган, зарурат туғилиши билан мурожаат қилишга даъват этган хатлари Гаррининг каравоти остидаги михланмаган пол тахта тагига ишончли яшириб қўйилган. Хўш, мана ўша зарурат...

Тонготар чоғи келиб, стол усти чироғининг нури хиралашди. Хона деворларига зархал тус берган қүёш чиқиши билан Вернон амаки билан Петунья холанинг хонасидан шитир-шитир товуш эштилди. Гарри стол устидаги ғижимланган пергамент варакларини отиб юбориб, эндинга ёзиб тугатган мактубини қайтадан ўқиб чиқди.

Қадрли Сириус!

Хат учун раҳмат. Уни келтирган қуш шу қадар йирик эканки, деразага аранг сиғди. Бу ерда ҳамма нарса ўз маромида-ю, фақат Дудлининг парҳези жуда қийин кечмоқда. Ёғда кўпчитиб пиширилган кулчаларни ўз хонасига ўгринча киритиб олаётганлигини холам фош этиб қолди. Агар бундай хунарини давом этса, чўнтақ пулининг муайян қисмидан маҳрум бўлиши ҳақида огоҳлантирилди. Оч қолиб, жаҳл қилган аҳмоқ Дудли эса ўйин ўйнаш учун телевизорга уланадиган қўшимча мосламани деразадан улоқтириб юборди. Бу компьютерга ўхшаши нарса бўлиб, ушбу мослама воситасида ҳар хил ўйинлар ўйналади. Энди у ўзи ёқтирадиган «Мегомуштлашув-3» ўйинини ўйнай олмай, овқат ейши ҳаёлидан чалгиши қийин кечади.

Ишларим яхши. Дурслар менга қаттиқ тегишимаяпти. Негаки улар илтимосимга биноан бирор кун келиб, ҳаммасини кўршапалакка айлантириб юборишингдан жуда қўрқишиади. Фақат бугун тунда ғалати ҳолат рўй берди. Чандигим яна оғриди. Сўнгги бор чандигим Вольдеморт «Хогварц»да пайдо бўлганида оғриган эди. Хозир у шу яқин орада изгиб юрибди, деган фикрда эмасман. Сен-чи, нима деб ўйлайсан? Эҳтимол, қарғиши яшинидан қолган чандиқлар кўп йиллар ўтса ҳам оғриб турар. Бу ҳақда эшитганинг йўқ-ми?

Ушбу хатни Хедвиг орқали йўллайман. Хозир у овга чиқиб кетган. Отбургутга мендан салом.

Гарри.

Ёмон чиқмади, шекилли, ўйлади Гарри, тушимни эса тавсифлаб беришга ҳожат йўқ. Тағин мени қўркиб кетибди, деган хаёлга бормасин.

У пергаментни ўраб, Хедвиг қайтишига қадар туриши учун стол устига қўйди. Ўрнидан туриб, керишиб олдида, яна кийим жавони ёнига бориб, кўзгуга қарамай, нонуштага тушиш учун кийимини кийди.

III БОБ.

ТАКЛИФНОМА

Гарри ошхонага тушганида, Дурслар дастурхон атрофига йиғилиб бўлишган экан. Ошхонага кириб келганида ҳам, ўз жойини эгаллаганида ҳам ҳеч унга ким эътибор қаратмади. Вернон амакининг йириқ, лавлагидай қип-қизил башараси эрталаб келтирилган «Дейли Мейл» газетасининг ортида. Петунья хола эса лабларини қимтиб олганча, бия тишига ўхшаш тишларини бекитиб, грейпфрут мевасини тўртга бўлиб ўтирибди (*Грейпфрут – цитруслар туркумига мансуб апельсинсимон мевали дараҳт ва унинг меваси*).

Дудлининг авзои нихоятда бузук. Сўнгги вақтда у, одатдагидан ҳам катта жойни эгаллаб олгандай гўё. Бу эса яхшилик аломати эмас. Зеро Дудли, одатда, квадрат шаклидаги катта столнинг фақат бир томонини бутунлай эгаллаб ўтирас эди.

- Мана буниси ёқимтойимиз Дюодюшкочага, - деди грейпфрут чорагини ўғлининг ликопига, сиртига шакар сепмай қўйган Петунья хола хурковуч овози билан.

Таътил бошидан буён хаёти дўзахга айланган Дудли эрталабки насибасидан норози бўлиб

онасига ўқрайди. Гап шундаки, Дудлининг ёмон баҳоларига Вернон амаки билан Петунья хола одатдагидай оқловчи важ-баҳоналар топа билишди. Онасининг бу борадаги фикрича, Дудли нихоятда қобилиятли бола, фақат нодон ўқитувчилар унинг истеъодини тушунишмас эмиш. Вернон амаки эса «Дудли мактабда ўзлаштирилаётган ўкув материалларини тушунмасдан ёд олиши, ойисининг эрка ўғли бўлиб ўсишини истамайман», деган хулоса чиқарди. Дудли Дурсль мактаб маъмурияти томонидан безорилик ва шафқатсизликда айбланаётганлигини ҳам ота-она эътиборсиз қолдирди. Петунья холанинг кўзига ёш олиб айтган гапига қараганда: «Дудли ўта фаол бўлгани билан қўй оғзидан чўп олмайдиган нихоятда ювош, мўмин-маъқул бола» экан. Бироқ мактаб ўқитувчиларининг Дудли тўғрисидаги танқидий фикр-мулоҳазалари битилган хабарнома охирида таълим муассасасининг ҳамшираси томонидан одоб сақлаб ёзилган шундай сўзлар бор эдики, уларга қарши Вернон амаки ҳам, Петунья хола ҳам эътиroz билдира олмади. Петунья хола ўғлининг суюги йўғонлиги, унинг вазни асосан бола ёғи эвазига оғир эканлиги, ўсаётган ёш организмга яхши овқат талаб этилиши тўғрисида қанча саннамасин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади. Маълум бўлишича, мактабнинг кийим-кечак омборида ўлчами Дудлининг думбасига мос келадиган калта шим бўлиши кўзда тутилмаган экан.

Тиббиёт ҳамшираси ўз тавсиясида Петунья холанинг ялтираб турган деворда бармоқ изларини кўришга қодир ёки қўшнилар ўз уйларидан қачон чиқиб кетгани-ю, қайтиб келганини яхши кўра биладиган ўткир кўзлари ўғли Дудли қўшимча овқатланишга эмас, аксинча, парҳез тутишга эҳтиёж сезаётганлиги, боласининг танаси ёш қотил-кит ўлчамига етиб боргандигини кўришни истамаётганлигига эътибор қаратибди.

Шундай қилиб, Гаррининг хонасидаги пол титраб кетган даражада талай ўтган оиласий машмаша ва мунозаралар ҳамда Петунья холанинг мўл-кўл оққан кўз ёшидан сўнг, Дурслар хонадонида овқатланишнинг янги режими жорий этилди. Ҳамшира томонидан илова қилинган парҳез варакаси музлаткич эшигига ёпиштириб қўйилди. Хусусан музлаткич эса Дудли хуш кўрадиган барча егуликлар, жумладан вижиллайдиган ичимлик, шоколад, бургер кабилардан батамом тозаланиб, ўрнига сабзавот-у, мевалар, Вернон амакининг таъбири билан ифодалаб, бир сўз билан айтганда, «силос» билан тўлдирилди. Дудлига алам килмаслиги учун Петунья хола парҳезга оиласининг жамики аъзолари риоя қилишини талаб қилиб туриб олди. У Гаррига грейпфрутнинг Дудлига берилган бўлагига нисбатан анча кичик бўлагини узатди. Чамаси, Петунья хола ўғлининг жанговар руҳи сақланиб қолиши учун лоақал Гаррига нисбатан кўпроқ ёйиши керак, деб хисоблайди.

Бироқ Гаррининг хонасидаги михланмаган тахта остида нималар яшириб қўйилганлигидан Петунья хола бехабар бўлиб, жияни парҳез тутмаётганлигини тасаввур ҳам кила олмайди. Ёз бўйи қуёнга ўхшаб, сабзи ғажиб юришини англаш етган Гарри кўмак сўраб барча дўстларига хат юборди. Дўстлар эса ўз навбатида, мисли кўрилмаган ёрдам кўлини узатишиди. Ота-онаси тиш доктори бўлиб ишлайдиган Гермиона Хедвиг орқали шакарсиз батон шоколадларга тўлдирилган каттагина кути бериб юборибди. «Хогварц» ховлибони Хагрид ўзи тайёрлаган печеньеларнинг бир қопи билан жавоб қайтарди. Аммо, Хагридинг пазандалик қобилиятидан яхши хабардор Гарри, ушбу печеньеларга ҳали қўл теккизгани йўқ. Миссис Уэсли эса оиласий уккилари Эрролдан мевали пирог ва бир дунё пирожний бериб юборди. Кариб, дармонсизланиб қолган бечора Эрролга, узоқ саёҳатдан сўнг ўзига келиб олиши учун беш кун керак бўлди. Кўп ўтмай Рон, Гермиона, Хагрид ва Сириусдан туғилган кунига аталган тўртта пирог олди. Уларнинг иккласи ҳали хам хонада турибди. Шу боис, ўз хонасида ҳақиқий нонушта кутаётганидан кўнгли тўқ Гарри, грейпфрут бўлагини шошилмай тинчитди.

Ўқиган янгилигини маъқул деб топмаган Вернон амаки пишқириб кўйганча, газетани четга кўйиб, ликопига қаради.

- Шу холос-ми? - тўнғиллади у, Петунья холага мурожаат қилиб.

Петунья хола эрига еб қўйгудай ўқрайиб, жаги билан боласи томон имо қилди. Дудли, айни пайтда ўзининг бўлагини еб бўлиб, кичкинагина чўчка кўзларини Гаррининг

бўлагига тикиб ўтириби.

Вернон амаки қалин, тўп-тўп бўлиб ўсиб чиқсан мўйловини қимирлатганча, чукур хўрсиниб, қўлига қошиқ олди.

Шу пайт эшик қўнғироги жиринглади. Вернон амаки ўрнидан базур туриб, дахлизга чиқди. Онаси чойнак билан овора бўлган пайтда Дудли яшин тезлигидай ҳаракат қилиб, отасининг ҳақини ўғирлаб, оғзига тиқди.

Гарри эшик олдида қандайдир сухбат ўтгани, кимдир кулгани, бунга жавобан амакисининг сўкинганини, сўнг кириш эшиги ёпилиб, қофоз йиртилганини эшилди.

Петунья хола қўлидаги чойнакни столга кўйиб, орқа ўгирилганча, қизиксениб қаради. Эри нима билан банд эканлигини билиш учун узоқ кутишига тўғри келмади. Дақиқа ўтмай, газабдан қайнаётган Вернон амаки кўринди.

- Хой, сен, - ўшқирди у Гаррига, - Мехмонхонага. Тез.

Бу сафар нимада айбланишини билмай таажжубланган Гарри ўрнидан туриб, ошхонадан кўшни хонага чиқди. Иккаласи меҳмонхонага киргач, Вернон амаки эшикни тарақлатиб ёпди.

- Хўш? - деди Вернон амаки, камин ёнига бориб, Гаррига юзланганча, худди хибсга олингандигини маълум қилмоқчи бўлгандай, - Хўш?

Гарри «Икки қўлинг бўш», деб жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, шундоқ ҳам афтидан руҳий ларзага келган, бунинг устига корни дуруст тўймай юрган амакисининг эрта тонгда баттар асабига теккиси келмади. Шу боис, айбизиз-хайрон башара ясаб олди.

- Ҳозиргина мана буни олиб келишди, - деди Вернон амаки, қирмизи почта қофозини силтаб, - Хат. Сен ҳақингда.

Гаррининг таажжуబи янада кучайди. Қизик, у ҳақда Вернон амакига ким ҳам ёзди экан?

Унинг танишлари орасида ким магларнинг почтаси орқали хат йўллаши мумкин?

Вернон амаки муайян вакт Гаррига ўқрайиб турди-да, кўзини пастга тушириб, овоз чиқариб ўқиди:

Хурматли мистер ва миссис Дурсль!

Сиз билан биз бир-биримизга таниширилганимиз йўқ, лекин ишончим комилки, жиянингиз Гарри, ўглим Рон ҳақида сизларга кўп гапириб берган.

Гарри, келаси душанба куни Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини бўлиб ўтиши ҳақида ҳам айтган бўлса керак. Турмуш ўртогум Артур Сехргарлик ўйинлари ва спорт департаментида қўлловчи ошна-огайнилари бўлгани туфайли, энг зўр томоша жойларига чипта олишига муваффак бўлди.

Умид қиласман-ки, Гаррини, мулоҳаза юритилаётган ўйинга олиб боришимизга ижозат берасиз. Ҳамонки, бундай имконият киши ҳаётида атиги бир маротаба бўлади. Кубок ўйинлари Англияда қарийб ўттиз ийлдан бўён ўтказилгани йўқ. Шу боис ҳам бундай ўйингга чипта олиши амри маҳол. Жиянингиз ёзги таътилнинг қолган қисмини хонадонимизда ўтказса ва биз уни поездга чиқариб қўйсак, ўзимизни табиийки, ниҳоятда баҳтиёр ҳисоблар эдик.

Агар Гарри, ушбу хат жавобини тўғри усул билан тезроқ йўлласа, беҳад миннатдор бўламиз. Негаки, бизга маглар почтаси келмайди. Умуман айтганда, почтани манзилимизни топа олишига шубҳа қиласман.

Гаррини тез орада кўришга умид қиласман.

Эҳтиром ила, Молли Уэсли.

P.S. Почта маркаларининг етарлича сонини елимлаган бўлсам керак, деган умиддаман.

Вернон амаки хатни ўқиб бўлгач, қўлини кўкрак чўнтағига солиб, ундан ниманидир чиқарди.

- Ана энди мана бунга қара, - ириллади у.

Вернон амаки миссис Уэсли йўллаган конвертни кўриб, қахқаҳлаб юборишдан ўзини базур тийиб олди. Конвертнинг аъзойи баданига, юза томонидаги дюйм квадратдек

жойдан ташқари, почта маркалари елимлаб ташланган. Бўш квадрат ичига эса миссис Уэсли микроскопик дастхат билан Дурсллар манзилини битган.

- Демак у, почта маркаларининг етарлича сонини елимлабди-да, - деди Гарри, овозига, бундай хатодан ҳеч ким холи эмас деган оҳанг беришга уриниб.

Вернон амаки кўзини ўқрайтириб қўйди.

- Почтачи эътибор қаратибди, - гижиниб ғулдиради у, - Бундай хат қаердан келиши мумкинлиги билан қизиқибди. Хатни туйнуқдан ташлаганча кетмай, эшик қўнгиригини жиринглатганинг боиси ҳам шу экан.

Гарри индамади. Вернон амаки почта маркаларининг ҳаддан ортиқ елимланган сони учун жаҳл қилаётгани кимгadir ғалати туюлар, бироқ Гарри Дурсллар билан етарлича узоқ яшаб келаётгани боис, уларни яхши билади. Одатий анъаналар доирасидан заррача чиқиб кетган ҳар қандай холат, Дурслларни даҳшатга солади. Энг асосийси, миссис Уэслига ўхшашиб одамлар билан, қанчалик узоқ бўлмасин, муносабатлари борлигини бирор билиб қолиши ҳақидағи ўйнинг ўзи, уларни вахимага солади.

Вернон амаки кўзларини жиянидан узмай, Гарри эса ўз навбатида, холис киёфа касб этиб туришга уриниб турди. Агар хозир аҳмоқлик қилмай, ўзини тўғри тутса, уни ҳақиқий совға, умр орзуси кутмоқда! Балким Вернон амакининг ўзи бирор нарса дер. Бироқ у, бақрайганча турибди.

- Демак... Борсам бўлади? - сукунатни бузди Гарри.

Сезилар-сезилмас зўрикиш йирик аргувон башарани буриштириб, мўйловни хурпайтирди. Гарри, ушбу мўйлов ортида нима бўлаётганини аниқ билади: хозир амакининг табиатидаги иккита асосий хис-туйғу ўртасида аёвсиз кураш кечмоқда. Боришига рухсат берилиши Гаррига хузур-ҳаловат берилишини англатади. Вернон амаки эса бунга қарши роппа-роса ўн уч йилдан буён курашиб келмоқда. Иккинчи томондан, таътилнинг қолган қисмини ўтказиши учун Уэслиларнига кетишга рухсат берилиши, Гарридан, кутилган муддатдан роса икки ҳафта олдин халос бўлишини англатади. Ахир амаки жирканч Гаррининг ўйда бўлишини истамайди-ку. Ўйлаб кўриш учун бўлса керак, у яна миссис Уэслининг хатига каради.

- Ким у? - сўради Вернон амаки, имзога жирканч назар ташлаб.

- Сиз уни кўргансиз, - эслатди Гарри, - У, дўстим Роннинг ойиси. Темир йўл станциясида «Хог...», яъни мактабдан келган поездни кутиб олган эди.

Гарри «Хогварц-Экспресс» деб юборишига сал қолди. Бу сўз амакининг жаҳлини чиқариши турган гап. Дурсллар хонадонида Гарри таҳсил кўраётган мактаб номини тилга олиш қатъиян ман этилган.

Вернон амакининг башараси, худди кўнглини айнитган бир нарса ёдига тушиб кетгандай, буришиб кетди.

- Э, анави, бир этак малла болалари бор семиз аёлми? - сўради у, узоқ ўйланиб.

Гарри қовоғини солиб олди. Вернон амаки кимни бўлмасин, «семиз» деб аташи ҳаддан ортиқ. Ўзи-ку, майли, ўғлига қараса бўлармиди. Уч ёшдан буён семира-семира, бугунги кунга келиб, эни отасининг энидан ҳам кенгайиб кетди-ку.

Вернон амаки хат маъносини ўзлаштиришни давом эттириди.

- Квидиш, - ғудуллади у, - Квидиш... дегани қанаканги бемаъниликтин англатади?

Гаррининг яна зардаси қайнади.

- Бу спорт ўйини, - қисқа килди у, - Ўйин давомида супу...

- Жим, жим! - қўлини силтаб юборди Вернон амаки.

Амакини вахима қамраб олганини кўрган Гарри хурсанд бўлди. Унинг меҳмонхонасида супургилар тўғрисида гапирилиши асабига ёқмади чамаси. У воқеликдан чекиниб, яна хат маъносига қайтди. Гарри амакисининг деярли овоз чиқармай: «... ушбу хат жавобини тўғри усул билан тезрок йўлласа...» сўзларини ўқиб, башараси кийшайиб кетганини кўриб турди.

- Нимани назарда тутяпти у «тўғри усул билан», деб? - базўр сўради амаки.

- Биз учун тўғри усулни назарда тутяпти, - деди Гарри, - Бойқуш почтаси орқали. Шу

усулгина сеҳргарлар учун тўғри усул саналади, - қўшиб қўйди у, амакиси тўхтатиб қолишидан олдин.

Гарри ҳозиргина дунёдаги энг ёмон хақорат сўзни талафуз этгандай башараси пишиб етилган олхўри рангини касб этган Вернон амакининг ғазаби қайнаб кетди.

Қўшниларнинг меҳмонхона деразасига босилган қулоқларини кўриб қолгандай нафратдан зир титраганча, кўча томон асабий қараб қўйди.

- Сенга неча маротаба айтиш керак, менинг уйимда тентаклигинг хакида гапирма, деб? - вишиллади у, - Қаршимда, мен билан Петунья берган кийимда турибсан...

- Дудли кийиб, тешилиб кетгудай эскирганидан сўнг, - совуқ оҳангда гап кесди Гарри. Ҳакиқатан ҳам унинг эгнидаги свитер шу қадар каттаки, енгини беш маротаба шимариб олишга тўғри келди. Копдай келадиган жинси эса тиззасига қадар осилиб турибди.

- Мен билан бундай оҳангда гаплашишга ҳеч ким рухсат бергани йўқ сенга! - бақирди Вернон амаки, ғазабдан титраб.

Бироқ Гаррининг ҳам итоаткорона бош эгиб, ҳар хил тахкирлар-у, хўрланишларга бардош бериш нияти йўқ. Дурсларнинг аҳмоқона қоидаларига бўйсуниб юрадиган замон ўтиб кетди. Дудлига шерик бўлиб, парҳез тутмагандай, Кубок финалида бўлишдан ҳам маҳрум килдириб қўймайди ўзини.

Гарри чуқур нафас олиб, ўзини идора қилиб олди-да:

- Демак, чемпионатга боришга рухсат йўқ, шундайми? Майли, ундан бўлса, хонамга бора қолай. Сириусга ёзаётган хатимни нихоясига етказиб қўйишим керак. Сиз уни, эсингизда бўлса, албатта, телевизорда кўргансиз. У мени чўқинтирган отам бўлади.

Гап нишонга тегди! Нихоят мўъжизали таъсирга эга сўз айтилди. Амакининг башарасидаги кирмизи тус аста секин докқа айланиб, барҳам топа бошлади ва тез орада унинг турқи яхши аралаштирилмаган қорағат музқаймоғининг рангини касб этди.

- Сен... у билан ёзишиб турасанми?

Сохта-вазмин овоз билан сўраган бўлса-да, Вернон амакининг қўз қораҷиклари қўркиб кетганидан торайиб кетганлиги яққол кўринди.

- А?... Ҳа, албатта, - бепарво жавоб қайтарди Гарри, - У кўпдан буён мендан хат олмаган эди. Агар ёзмасам, менга бирон кор-ҳол бўлган деган хаёлга бориб, етиб келиши мумкин. Гарри гапни гапирди-ю, амакисига ўтказган таъсиридан ўзи лаззатланиб, жим қолди. У Вернон амакининг қалин, бир текис таралган соchlари остидаги мия соққалари айланаётганини деярли кўриб турди. Агар Сириусга хат ёзишни ман этадиган бўлса, чўқинтирган ота чўқинтирилган ўғилга нисбатан кўрсатилаётган муносабат борасида ҳар хил хаёлга бориши мумкин. Агар Гарри ўйин томошасига қўйиб юборилмаса ва Гарри бу ҳақда чўқинтирган отасига ёзиб юборса, демак ёмон муносабат кўрсатилаётганлиги аён бўлади. Охир-окибатда ягона йўл, у ҳам бўлса, Гаррига ижозат бериш йўли қолмоқда. Бола амакининг баҳайбат, мўйловли башараси гўё шаффоф бўлиб қолгандай, миясида тегишли карор шаклланаётганини кузатиб турди. Бола кулиб юборищдан ўзини тийиб, ҳеч нарса ифода этмаган қиёфа ясади. Нихоят...

- Майли. Боришинг мумкин ўша аҳмоқона... бемаъни Кубогингга. Фақат анави, ким эди... Уэслиларингга ёзиб юбор. Сени ўзлари келиб олиб кетишисин. Бутун мамлакат бўйлаб сени ташиб юргани вактим йўқ. Ҳа, айтгандай, чўқинтирган отангга ҳам ёз... Рухсат берганимни ёз... ёдингдан чиқмасин... ёзиб юбор.

- Яхши, ёзаман, - қувонч-ла жавоб қайтарди бола.

Гарри тескари ўгирилиб, сакраб, хитоб қилиб юборищдан ўзини базур тўхтатиб қолди. У Уэслиларнига боради! Финал ўйинини томоша қиласди!

Меҳмонхонадан чиққач, эшик ортида холаваччасини сўкишаётганини эшитиш илинжида ивирсиб турган, лекин Гаррининг юзидағи қувончни кўриб, таажжуланган Дудлига рўбару бўлди.

- Нонушта ажойиб бўлди, а? Бўкиб қолишимга сал қолди, - деди Гарри, Дудлини турган жойида эсанкиратиб қўйганча, айбсиз оҳангда.

Хандон отиб, зинанинг ҳар уч погонасидан сакраганча, хонасига кириб кетган Гарри

даставвал Хедвигнинг қайтиб келганини кўрди. Бойқуш қафасга кириб олиб, каҳрабо рангли кўзларини Гаррига ўқрайтирганча, жаҳлини ифода этиб, тумшуғини шақиллатмоқда. Күшнинг жаҳлини чиқарган сабаб тез орада маълум бўлди.

- ВОЙ!

Гаррининг чаккасига миттигина, қул ранг, сиртига пат қопланган теннис коптоги келиб урилди. Жаҳли чиқкан бола бошини ишқалаганча, нима урилганлигини билиш учун юкорига қараб, кафтига бемалол жойлашадиган жажжигина бойқушчани кўрди. Күшча отилган мушак сингари хонада визиллаб учмоқда. Гарри оёғи остига тушган қоғозни олиш учун эгилиб, Роннинг дастхатини таниди. Конвертни очиб, ичидан шоша-пиша ёзилган хатни чиқарди.

Гарри! ДАДАМ ЧИПТА ОЛИБ КЕЛДИ!!! Душанба куни кечкурун, Ирландия-Болгария ўйини. Ойим, сени уйимизга келишинг учун рухсат сўраб, магл қариндошларингга хат ўйлади. Эҳтимол улар хатни олишган бўлса керак. Магл почтаси қанча вақтда етиб боришини билмайман. Ҳар эҳтимолга қарши сенга Чўчқа орқали хат ўйлашга аҳд қилдим.

«Чўчқа» сўзига келганда Гарри кўзини катта-катта очиб, атрофга аланглади. Сўнг, қандил атрофида гир айланаётган бойқушчага қараб ташлаб кўйди. Чўчқага мутлақо ўхшамайдиган бундай чўчқани биринчи маротаба кўриши. Эҳтимол у, Роннинг дастхатини яхши англамаган бўлса керак. Хатнинг давомини ўқиди:

Маглар хоҳлайди-ми, хоҳламайди-ми фарқи йўқ, бари-бир уйларига бориб, сени олиб кетамиз. Кубокни ўтказиб юборишингга йўл кўйиб бўлмайди. Фақат дадам билан ойим одоб юзасидан бир оғиз рухсат сўраб кўйишга аҳд қилишиди. Агар маглар розилик беришса, зудлик билан Чўчқа орқали жавоб ўйлла. Якшанба куни соат бешда бориб, сени олиб кетамиз. Агар магл қариндошларинг розилик беришмаса, зудлик билан Чўчқа орқали жавоб ўйлла. Бари-бир якшанба куни соат бешда бориб, олиб кетамиз.

Гермиона бугун, куннинг иккинчи ярмида етиб келади. Перси вазирликнинг Халқаро сеҳргарлик ҳамкорлиги департаментига ишга кирди. Уйимизда бўлар экансан, хориж юртлар ҳақида гап оча кўрма, акс ҳолда зерикиб кетганингдан иштонинг тушиб кетади. Кўришгунча!

Рон.

Бойқушча унинг боши устида учиб, қанотчаларини тинмай силкитар ва Гаррининг фаҳмича, у нафакат хатни етказа билгани балки, уни тегишли манзилга етказа олганидан ғуурланиб қурқурап эди

- Хой, бир оз тинчлансанг-чи! - овоз кўтарган бўлди Гарри, - Яқинроқ кел, жавобини ёзib бераман, ўзинг билан олиб кетасан!

Бойқушча ўзини шап этиб Хедвигнинг кафаси устига ташлади. Хедвиг гўё «Менга яқинлашишга журъат этиб кўр-чи!», дегандай күшчага бошдан оёқ совук разм солиб чиқди.

Гарри тоза пергамент ва бургут патидан тайёрланган пат-қаламини олиб, жавоб ёзди:

Рон, ишлар жойида, маглар рухсат берди. Эртага соат бешда учрашгунча. Ҳали шунча вақт бор экан, сабрим чидамай, ўлиб қолсам керак!

Гарри.

У хатни кичкина гувалача шаклида ўради-да, пилдир-пилдир қилиб турган бетоқат бойқушчанинг калтагина панҷачасига бир илож қилиб боғлади. Иш яқунига етиши билан бойқушча ҳавога қўтарилиб, деразадан ўқдай учиб чиқкани-ча, кўздан ғойиб бўлди. Гарри Хедвиг томон юзланди.

- Узоқ сафарга қалайсан? - сүради у.
- Хедвиг обрўсига муносиб ғуур ifодалаганча, гурсиллаб қўйди.
- Мана буни Сириусга етказасанми? - сүради Гарри, қўлини хатга теккизиб, - Шошма, охирига етказай...

P.S. Агар мен билан алоқа боғлашини истасанг, ёз охиригача Рон Уэслиницида бўламан. Унинг дадаси квидиши Кубогининг финал ўйинига билет олибди!

Гарри хатни охиригача ёзиб, Хедвигнинг панжасига боғлади. Хедвиг ҳақиқий почта бойқуши ўзини қандай тутиши кераклигини кўрсатиб қўймоқчи бўлгандай, бир панжасини кўтарганча тек турди.

- Хатни етказгач, Роннинг ўйига қайтгин, хўпми? Мен уларницида бўламан, - тушунтириди Гарри.

Хедвиг Гаррининг бармоғини меҳр-ла чўқиб қўйиб, катта қанотларини аста шалдиратганча ёзди-да, шовқин солмай деразадан учиб чиқди.

Гарри қуш ортидан қараб, кузатиб қўйгач, каравотининг остига эмаклаб кириб, михланмаган пол тахтасини кўтарди. У қалби шодликка тўлиб, номи ёзилган пирогнинг каттагина бўлагини полда ўтирганча паққос туширишга киришди. Овқатланар экан, факат грейпфрут ғажиб ўтиришга мажбур бўлган Дурсларни эслаб кулди. Бугун ёзниг қуёшли куни. Эртага у Одамовилар хиёбонини тарк этади. Чандик оғримай қўйди. Бола финал ўйинини томоша қилади. Ҳозир уни ҳеч нарса, ҳатто Лорд Вольдеморт ҳақидаги ўй ҳам ташвишга сола олмайди.

IV БОБ.

БОШПАНАГА ҚАЙТИШ

Эртасига соат ўн иккига келиб, Гарри, сафар сандигига мактаб анжомларини, шу жумладан, ўзининг асосий бойликлари: отасидан мерос қолган қўринмас плаш, Сириус совға килган супурги ва ўтган йили Фред билан Жорж берган «Хогварц»нинг сехрли харитасини жойлади. Михланмаган тахта остидаги яширин омборни озиқ-овқат махсулотларидан тозалади, турли дарслик ва пат-қаламлар эсдан чиқиб қолмаётганлигини кўриш учун хилват жойларни икки маротаба текшириб чиқди, биринчи сентябрга қадар қолган кунларни ўчириб бориш мақсадида тузган қўлбола календарни ҳам девордан ечиб олди.

Айни вактда, Одамовилар хиёбонидаги 4- уйда қарор топган муҳит тобора кескинлашиб, сехргарлар дунёсининг вакиллари ташриф буюришлари мукаррарлиги Дурсларни даҳшатга солмоқда. Уэслилар бугун соат бешда ташриф буюришлари ҳақида хабар топган Вернон амаки қаттиқ ташвишга тушиб қолди.

- Умид қиласман-ки, анави касларга одамга ўхшаб кийиниб келинглар деб айтгансан, - ириллади Вернон амаки, - Сенлар қанақанги рўдапо бўлиб юришларингни жуда яхши биламан. Тузукроқ кийиниб келишга фаросатлари етар. Ўзларига яхши бўлади. Мана шунаقا.

Таҳдид солиб турган жоиз хавфни Гарри олдиндан сеза бошлади. У ҳали Роннинг отонаси, Вернон амаки таъбири билан айтиладиган бўлса, «одамга ўхшаб кийиниб» юришганини кўрмаган. Болалари таътил давомида магллар кийимини кийишса-да, миссис ва мистер Уэслилар, одатда, сехргарларнинг ҳар бириники турли даражада эскириб кетган узун коржомаларини кийиб юришади. Қўни-қўшниларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари Гаррини ташвишга солмайди, албатта. Аммо Уэслилар, Дурсларнинг сехргарлар ҳақидаги энг ёмон тасаввурларини тасдиқлаганча, одатий кийимда келишса, кўпол қарши олинишларини ўйлаб хавотирланмоқда.

Вернон амакининг ўзи бисотидаги энг яхши костюмини кийиб олди. Бошқа бирор унинг бундай ҳаракатини меҳмондўстлик фазилати сифатида эътироф этиши мумкин. Бироқ Гарри аниқ биладики, амаки сехргарлар кўзига даг-дағали, улардан-да салобатли

кўринмоқчи. Дудли эса аксинча, ғалати жунжайиб қолди. Унинг бундай ҳолатига пархез таъсири эмас, кўркув сабабдир. Катта ёшли сеҳгар билан илк учрашуви жуда аянчли якун топган. Ўшанда чўчқа думининг гажаги ёғ босган йўғон думбасидан ўсиб, иштонининг йиртиғидан чиқиб қолган. Думни кесиб ташлаш учун эса Лондондаги хусусий клиникардан бирига катта маблағ тўланган. Бугун ҳам ракибга ўша жойини такрор рўбару қилиб қўймаслик учун қўлини ахён-аҳён орқасига олиб ўтиб, асабий ҳолатда силаб қўйганча, хонадан хонага яккаифт юргани бежиз эмас.

Тушлик сукунатини ҳеч ким бузмади. Ҳатто Дудли ҳам ошкўкли творог борасида эътиroz билдиrmади. Узун-узун қўллари билан ўзини ўзи қучиб, лабларини қимтиб олган Петунья хола эса умуман ҳеч нарса емади. У Гаррини кўп нарсаларда айблаб, сўкиб беришдан тийилиб тургандай, тилини тишлаб ўтирганга ўхшайди.

- Анавиларинг машинада келса керак, албатта? - акиллади столнинг нариги бошида ўтирган Вернон амаки.

- М-м-м, - маъносиз мингирлади Гарри.

Бола бу ҳақда ўйлаб кўрмаган экан. Чиндан ҳам, Уэслилар уни қай тарзда олиб кетишишмоқчи? Машиналари энди йўқ. Эскириб кетган «Форд Англия» аллақачон ёввойилашиб, «Хогварц» атрофидаги Ман этилган ўрмон ичида дайдиб юрибди. Ўтган йили мистер Уэсли Сехгарлик вазирлигининг машинасини олиб турган эди. Эҳтимол бу йил ҳам шундай иш тутар?

- Балки, - нихоят нисбатан аникроқ жавоб берди у.

Вернон амаки истехзоли қулиб қўйди. Агар мистер Уэсли оддий одам бўлганда амаки машинасининг русумини сўраган бўлар эди. Негаки у, одамларга, автомобиллари қандай ўлчамга эгалиги-ю, нархига караб баҳо бериб, мулоҳаза юритади. Бироқ айни вазиятда, мистер Уэсли ҳатто «Феррари»да келган тақдирда ҳам, хурмат билан қарши олининиши даргумон.

Гўё ҳайвонот боғидан каркидон қочиб кетгани ҳақидаги хабар радио орқали эълон қилингандай, ҳар беш сонияда тўр парда тутилган деразадан ташқарига караб қўяётган Петунья холанинг ахволига қараб ўтириш кийин кечди. Шу боис Гарри куннинг иккинчи ярмини ўз хонасида ўтказди. Соат ўн беш дақиқа кам бещда сабри чидамай меҳмонхонага тушди.

Петунья хола ғайриихтиёрий равища сесканганча, диван ёстикларини тузатиш билан машғул. Вернон амаки ўзини газета ўқиётган қўйга солиб ўтирибди-ю, митти қўзлари сатрдан сатрга ўтмай, тек турибди. Гарри онт ичишга тайёрки, амакининг вужуди кулокқа айланган бўлиб, кўчада машина овози эшитилаётган-эшитилмаётганлигини эшитиш учун зўр бериб ўтирибди. Креслода қапишиб ўтирган Дудли сергўшт қўлларини тагига тикиб олганча, тажовуз килиниши мумкин бўлган объекtnи маҳкам сиқиб олган. Асабий вазият чунонам кескинлашиб кетдики, тоқат қилиб бўлмайди. Гарри хонадан чиқиб, соатга тикилганча, дахлиздаги зинага ўтириб олди. Юраги гўё кутуриб кетгандай урмоқда. Соат миллари беш бўлганини кўрсатиб, ўз харакатини аёвсиз давом этди. Костюм кийиб терлаб кетган Вернон амаки, кириш эшигини қия очиб, ташқарига қараб қўйдида, бошини тез ичкарига тортди.

- Кечикишяпти! - деди у, айблаётган жиноятчига қаралгандай Гаррига қараб.

- Биламан, - деди Гарри, - Эҳтимол... тирбандлик... ёки шунга ўхшаш вазият юзага келгандир.

Соат бещдан ўн дақика... ўн беш дақиқа ўтди. Энди Гаррининг ўзи хавотирлана бошлади.

Соат беш яримда меҳмонхонадан бўғиқ асабий овозлар эшитилди:

- Одоб-ахлок деган тушунча йўқ уларда.

- Агар бошқалар билан учрашувимиз кутилганида нима бўлар эди!

- Эҳтимол улар, кечки овқатга таклиф килиниш илинжида атайин кеч келишаётган бўлсанчи?

- Бехуда овора бўлишади, - баёнот қилди амаки.

Дахлизда ўтирган Гарри Вернон амакининг ўрнидан туриб, хонанинг у бурчагидан бу

бурчагига юрганча вайсаганини эшилди.

- Улар, агар умуман келишса, болани олишлари ва дархол туёкларини шиқиллатишлари керак. Бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Эҳтимол ҳафта кунини адаштириб юборишгандир? Ўша савдойилар тўғрисидаги фикрим боз тасдигини топмоқда. Бундай каслар пухталикка у қадар аҳамият беришмайди. Ёхуд бирон-бир консерва банкасига ўхшаш эски машинада келишаётган бўлса, табиийки, йўлда бузилиб... АААААААААА! Гарри ўрнидан иргиб турди.

Мехмонхонадан эшитилаётган бақир-чакирга қараганда, вахима қамраб олган учовлон Дурсль хона бўйлаб зир югуриб юришибди.

- Нима гап? Нима қилди? - сўради Гарри, дахлизга учиб чиқкан Дудлидан.

Бироқ холавачча гапирадиган ҳолатда эмас. У қўлини думбасидан узмай, ошхона томон пилдиради. Гарри меҳмонхона томон ошиқди.

Ёнида розеткага уланган электр камин турган, ғишт урилиб, ёпиб ташланган ҳақиқий камин ичидан қаттиқ дукиллаган, қитирлаган товуш эшитилди.

- Нима бу? - хириллаб сўради, қарама-қарши деворга бели билан суюниб каминга тикилиб колган Петунья хола, - Нима бу, Вернон?

Кўп ўтмай камин ичидан овоз эшитилди.

- Вой! Фред, йўқ... қайт, ортга қайтиб, Жоржга... Вой!... Жорж, бу ерда жой йўқ... қайт, ортга қайтиб, Ронга...

- Дада, эҳтимол Гарри бизни эшитар... балким ичкарига киритар?

Деворнинг орткиси томонига кимдир мушт билан даранглата бошлади.

- Гарри! Гарри! Эшиятсан-ми, Гарри!

Эр хотин Дурслар бир жуфт кутурган росомахага ўхшаб Гаррига бақрайиб қолишиди ([Росомаха - сувсарлар оиласига мансуб ўиртқич ҳайвон](#)).

- Нима бу? - ириллади Вернон амаки, - Нима бўляпти анави ерда?

- Улар... улар бу ерга саёҳат уни воситасида келиб, ичкарига киришмоқчи бўлишган, - тушунтириш берди Гарри, асабий хандон отиб юборишдан ўзини базўр тийиб, - Биз олов воситасида, каминлар ичра саёҳат килишимиз мумкин. Фақат каминингизнинг оғзи ғишт билан бекитиб юборилган. Сабр қилинг...

У камин ёнига келиб, деворга бақирди:

- Мистер Уэсли! Мени эшиятсан-ми?

Девор даранглаши тўхтаб, кимнингдир:

- Жим, жим, - деган овози эшитилди.

- Мистер Уэсли, бу мен, Гарри... каминнинг оғзи ғишт билан бекитиб юборилган.

Ичкарига кира олмайсиз.

- Минг лаънат! - эшитилди мистер Уэслининг овози, - Каминнинг оғзини уриб ташлаш уларга нимага керак бўлиб қолибди?

- Бу уйда бошқа, электр каминдан фойдаланилади, - тушунтиришга уринди Гарри.

- Ростданми? - хитоб қилди мистер Уэслининг овози, - Электр токида ишлайдиган?

Санчқиси ҳам борми? О, Мукаддас фалак! Мен уни кўришим керак! Хозир, ўйлаб кўрайчи... Вой! Рон!

Роннинг овози бошқа овозларга қўшилиб эшитилди:

- Нима қиляпсиз бу ерда? Бирон-бир муаммо борми?

- Қанақа муаммо, Рон! - эшитилди Фреднинг ўта истехзоли овози, - Муаммо бўлиши мумкин эмас. Биз бир умр айни шундай ҳолатга тушиб қолишини орзу қилиб юрган эдик.

- Ха, нимасини айтасан, кайф-сафо қиляпмиз, - маъқуллади деворга ёпиштириб кўйилган Жоржнинг овози.

- Болалар, болалар... - эшитилди мистер Уэслининг таънали овози, - Мен нима қилиш кераклигини ўйлајпман... ха... бошқа чора йўқ... Гарри, нари тур.

Гарри диван томон чекинди. Вернон амаки эса аксинча, деворга яқинлашиб:

- Тўхтант! - бақирди у, каминга қараб, - Нима қилмоқчи...

ГУРС!

Электр камин хонанинг нариги бурчагига учиб кетди. Унинг орқасидаги девор ағанаб тушиб, чанг ва шағал булути хосил бўлди. Девор ўрнида мистер Уэсли, Фред, Жорж ва Рон кўринди. Чийиллаб, орқага тисарилган Петунья хола кофе столчасига қоқилиб кетди. Вернон амаки чалқанчасига йиқилаётган хотинини базўр тутиб қолди. Оғзиларини ланг очган эр-хотин чурқ этмай бирдай малла ранг Уэслиларга бақрайиб қолишиди. Улардан икки нафари эса умуман, охирги сепкилигача бир хил.

- Шундай бўлгани маъкул, - чукур нафас чикарди мистер Уэсли, яшил ранг узун коржомасини қоқиб, кўзойнагини тўғрилаганча, - Ҳа-а-а! Сизлар Гаррининг амакиси билан холаси бўлсангиз керак, а?

Новча бўйли, озғин, сочи тўқилиб, сийқа бўлиб қолган мистер Уэсли қўлини узатганча, Вернон амаки томон одимлади. Бироқ амаки Петунья холани судраганча, ортга чекинди. Тўғрисини айтганда у тилдан қолган бўлиб, энг яхши костюми, мўйлови-ю, сочига оҳак ўтириб, қарийб ўттиз ёшга қарип қолгандай кўринди.

- А-а-а... ҳа-я... - мистер Уэсли қўлини тушириб, елка узра портлатилган деворга қараб кўйди, - Қилмишим учун маъзур кўрасиз. Бу айб, тўла-тўқис менинг зиммамда. Каминдан чиқа олмаслигимиз мумкинлиги умуман хаёлимга келмабди. Гап шундаки, мен сизнинг каминингизни саёҳат тармоғига улатиб қўйган эдим. Хижолат тортманг, фақат бугунги кунга холос, тушуняпсиз-ми, Гаррини олиб кетиш учунгина шундай қилдим. Тўғрисини айтганда, магларнинг каминларини саёҳат тармоғига улаш қатъиян ман этилган. Аммо, саёҳат нозирлигида фойдаси тегадиган танишим бор. Ана ўша киши илтимосимга биноан каминингизни тармоққа вақтинча улаб берди. Сиз ташвиш қилманг, кўз очиб юмгунча ҳамма нарсани ўз жойига келтириб, боягидай килиб қўяман. Фақат болаларни юбориш учун, бироз ўт қалайман холос. Шундан сўнг каминингизни тузатиб, ўзим ҳавода даф бўламан.

Гарри гаров боғлашиб, ҳар қанча маблағ бўлсин, тикишга тайёрки, ушбу қисқа нутқнинг маъно-мазмунини Дурслар оз бўлса ҳам тушунмаганига шубҳа қилмайди. Дурслар мистер Уэслидан яшин урган меровлардай кўзларини узишмади. Гандираклаган Петунья хола оёққа туриб, эрининг ортига ўтиб олди.

- Салом, Гарри! - деди мистер Уэсли, кувноқ охангда, - Сандингни йигиб қўйдинг-ми?

- Юкори қаватда, тайёр турибди, - ишшайди Гарри.

- Биз олиб келамиз, - деди Фред, Гаррига кўз қисиб.

Жорж иккаласи меҳмонхонадан югуриб чиқишиди. Кунлардан бир кун Гаррини куткарғани тун зулматида келган эгизаклар, унинг хонаси қаердалигини жуда яхши билишади. Дудли ҳақида кўп эшитган Фред билан Жорж уни ўз кўзлари билан кўргани келишганига Гарри шубҳа қилмади.

- Хўш, - деди мистер Уэсли, ноҳуш сукунатни бузиб, сухбат учун мавзу сўз қидирар экан, - Хонадонингиз... жуда... м-м-м...шинам экан...

Одатда, бекусур тутиладиган меҳмонхонани айни пайтда чанг ва ғишт парчалари босиб кетгани учун ҳам мистер Уэсли билдирган фикр эр-хотин Дурслар томонидан у кадар илиқ қарши олинмади. Аксинча, Вернон амакининг башараси қизара бошлади. Петунья хола эса яна лабини тишлиб олди. Улар ўларча қўрқиб кетишгани учун миқ этмай туришибди.

Мистер Уэсли атрофга назар ташлаб чиқди. Магларга тегишли ҳар қандай буюм уни жуда қизиктиради. Телевизор билан видеомагнитафонни тадқиқ этиб чиқишига қўли қичиб тургани яққол сезилмоқда.

- Электр токи воситасида ишлайди-а? - сўради биладиган кишидай, - Ҳа, тўппа-тўғри.

Мана, санчқилари ҳам бор экан. Биласизми, мен электр санчқиларини йигиб юраман, - деди у, Вернон амакига қараб, - аккумулятор батареяларини ҳам йигаман. Менда буларнинг улкан коллекцияси бор. Тўғрисини айтиш керакки, бу борадаги қизиқишиларим хотинимга унчалик ёқмай, мени телба хисоблайди. Ўзингиз тушунасиз, ишқивозлик.

Вернон амаки ҳам мистер Уэслини телба сифатида кўраётганига шубҳа йўқ. У ҳар қандай фурсатда ташланиб қолиши мумкин деган хаёлга борди чамаси, астагина ўнг томон

сурилиб, Петунья холани тўсиб олди.

Шу пайт меҳмонхонага Дудли кириб келди. Гаррининг сандиги зинапоядан туширилаётгани боис янграётган қалдир-кулдир товуш холаваччани ошхонадан чиқиб, меҳмонхонага киришга мажбур қилган кўринади. Кўркув тўла кўзларини мистер Уэслидан узмаган Дудли девор бўйлаб юриб, ота-онасининг орқасига яширинишга уриниб кўрди. Петунья холани bemalol бекитиб турган Вернон амакининг семиз танаси баҳтга қарши ўғлини ҳам тўсиб қўйишга озгинлик қилди.

- А-а, бу йигитча холаваччанг бўлади, шундайми, Гарри?

- Ха, - бош иргиди Гарри, - Дудли деганлари мана шу бўлади.

Рон иккаласи бир-бирига қараб қўйишди-ю, тез ўгирилиб, четга қараб олишди. Базўр тийилиб турилган қаҳҳаҳа иккаласининг ичини ёриб юборгудай бўлиб турибди. Дудли, худди ажралиб кетишидан кўркиб тургандай, ҳанузгача думбасини маҳкам ушлаб олган. Унинг бундай хулқ-атвори мистер Уэслини жиҳдий ташвишга солди. Яна бошлаган гапининг оҳангидан чиндан ҳам Дудлини думбул сифатида эътироф этиб, унга ачинаётганлиги билинди.

- Таътилни яхши ўтказяпсан-ми, Дудли? - сўради у, мулойим овоз билан.

Дудли ангиллаб юборди. Унинг бармоқлари йирик думбасининг паллаларини янада маҳкам сиқиб олди. Ҳонага сандик қўтарган эгизаклар кириб келишиб, атрофга назар солишибди. Дудлини қўришлари билан уларнинг юзига яхши ниятдан далолат бермайдиган кулги югорди.

- Ана, жуда соз, - деди мистер Уэсли, - Хўп, майли. Кетар вақт бўлди.

У енгини шимарди-да, кўлига сехрли таёқчасини олди. Буни кўрган учала Дурсль деворга қапишиб олишди.

- Инсендио! - деди мистер Уэсли, таёқчасини девордаги рахнага йўллаб.

Шу онда камин ичида гур этиб, худди анча вақтдан буён ёнаётган каби чарсиллаган ёрқин олов кўринди. Мистер Уэсли киссасидан оғзи боғланган ҳалтacha чиқариб, тугунини очди ва ичидан бир чимдим ун олиб оловга ташлади. Гулхан зумрад-яшил тус олиб, баланд кўтарилди.

- Йўлга чиқ, Фред, - деди мистер Уэсли.

- Кетяпман, - жавоб қайтарди Фред, - Вой, йўқ... хозир, сабр қилинг...

Фреднинг чўнтағидан қоғоз ҳалта тушиб, ичидаги ранг-баранг жилдга ўралган катта-катта конфетлар ҳар томон юмалаб кетди. У бир пас тимирскиланиб, полдан конфет терган бўлди-да, Дудлига қувноқ кўл силтаб, «Бошпан» деб қичкирганча, оловга кирди. Ҳуштак товуши эшитилиб, бола қўздан ғойиб бўлди. Ўзини оловга урган одамни кўрган Петунья холанинг вужуди даҳшатдан титраб, ох уриб юборди.

- Энди сен, Жорж, - буюрди мистер Уэсли, - Сандиқни ол.

Гарри Жоржга сандиқни кўтаришиб, ташиш осон бўлиш учун бир дастасини юқорига қаратиб, тикка ўрнатди. Яна «Бошпан» деган қичқириқ ва шилдираган ҳуштак товуши эшитилиб, Жорж ҳам кўздан ғойиб бўлди.

- Рон, сени галинг, - деди мистер Уэсли.

- Хайр, омон бўлинг, - кўтаринки рух ила хайрлашди Рон Дурслар билан.

У Гаррига кулиб қараб, «Бошпан» деганча оловга кириб кетди-да, ғойиб бўлди. Гарри билан мистер Уэсли қолди.

- Хўп... хайр бўлмаса, - деди Гарри қариндошларига.

Дурслар жавоб қайтаришмади. Гарри олов томон қадам қўйиб, камин четига етай деганда мистер Уэсли қўлини узатиб, унинг елкасига қўйди. У очиқдан-очиқ ҳайрон бўлиб Дурсларга юзланди.

- Гарри сизлар билан хайрлашди. Эшитмадингиз-ми? - таъна билан сўради у.

- Аҳамияти йўқ, - ғудуллади Гарри, - Уларнинг жавоби мен учун шарт эмас.

Бироқ мистер Уэсли қўлини боланинг елкасидан олмади. Вернон амаки томон ғазаб билан юзланиб:

- Ахир сиз жиянингизни келаси ёзга қадар кўрмайсиз. Хайрлашиб қўйишингиз керак-ку! -

деди.

Вернон амакининг башараси буришиб кетди. Қаранг-а, хозиргина унинг деворини пачак қилиб юборган одам энди унга ақл-одоб ўргатмоқда! Лекин мистер Уэслининг қўлидаги сехрли таёқчага эҳтиёткорона қараб қўйгач, истар-истамас:

- Хайр! - деб қўйишга мажбур бўлди.
- Учрашгунча! - жавоб қайтарди Гарри.

У эндиғина яшил оловга оёқ қўйиб, иссиқ тафт сезган эди ҳам-ки, орқа томонда бўғик овоз ва Петунья холанинг юракни эзиз юборгудай уввоси эшитилди.

Гарри кескин ортга бурилиб, хозиргина ота-онасининг ортида турган Дудли ерда ётгани ва узунлиги бир фут келадиган қандайдир ғалати, кизғиши рангли силлиқ нарсани тупуриб ташлашга уринаётганини кўрди. Тахайор қараб қолган Гарри ўша узун нарса Дудлининг тили эканлиги, ёнида эса конфетлардан бирининг рангли жилди бўш ётганини англаб етди. Петунья хола шартта тиззасига ўтириб, бор кучини йиғди-да, ўсиб бораётган тилни маҳкам ушлаб, Дудлининг оғзидан қахрамонларча сугуриб олишга уринди. Табиийки, жони оғриган Дудли фарёд кўтариб, онасини чангалидан қутулишга уринганча, баттар бўғилди. Кўлларини силкитиб дод-вой солган Вернон амаки эса ғиштларга қоқилганча, хонанинг у бурчагидан, бу бурчагига зир югура бошлади.

Уэсли амаки қий-чувни босишга уринди.

- Тинчланинг, мен ҳаммасини ўз ҳолига қайтараман, - бакирди у, узатилган таёқчаси билан Дудли томон яқинлашиб.

Буни кўрган Петунья хола танаси билан Дудлини тўсиб, баттар чириллади.

- Нима қиляпсиз, қочинг! - бакирди мистер Уэсли, - Бунинг ҳеч бир қийин жойи йўқ.
- Анави конфет ва ўйлашимча, Ишириш афсунининг таъсири. Ҳар хил ҳазил-мутойиба қиликларга ишқибоз ўглим Фреднинг шўхлиги бу. Илтимос, тинчланинг, хозир мен ҳаммасини ўз ҳолига қайтараман...

Аммо мистер Уэслининг сўзлари Дурсларни тинчлантирмади, аксинча, улар янада баҳтсиз қиёфа касб этишди. Петунья хола Дудлининг тилини узуб олишга узил-кесил аҳд қилган чамаси, йиғидан энтиккан-ча, шолғом тортгандай тил тортди. Дудли бир томондан тили оғирлашиб кетаётганидан, иккинчи томондан, худди ўлганинг устига қўмгандай, онаси зўр бериб, тилини тортаётганидан лоҳас бўлиб қолди. Ўзини идора қила олмай қолган Вернон амаки эса буфетдаги чинни ҳайкалчалардан бирини чангаллаб олди-да, мистер Уэслига карата улоктириди. Эгилиб, чап беришга базўр улгурган мистер Уэслининг устидан учиб ўтган ҳайкалча, девор ёриги ичида чилпарчин бўлди.

- Бу нима қилганингиз! – газаб-ла қичқирди мистер Уэсли таёқчасини силтаб, - Ахир мен ёрдам бермоқчиман!

Вернон амаки яраланган гиппопотам каби уввос солиб иккинчи ҳайкалчани чангаллади.

- Гарри, сен боравер! Кет! - қичқирди мистер Уэсли, таёқчасини Вернон амакига ўқтаб, - Мен ўзим уddaрайман!

Гарри бундай хангомани ҳеч ўтказиб юбормаган бўлар эди-ю, навбатдаги ҳайкалча унинг чап қулогига тегишига сал қолгач, ишни мистер Уэслига қўйиб беришга аҳд қилиб, елка узра ортга қараганча:

- «Бошпан!», - деди.

Мехмонхонада мистер Уэсли сехрли таёқча воситасида Вернон амакининг қўлидаги учинчи ҳайкалчани тортиб олгани, Петунья хола Дудлининг устига ётиб олгани ва холоваччасининг тили улкан силлиқ илон каби полда тўлғанаётгани Гарри кўрган сўнгги манзара бўлди. Кейинги фурсатда унинг танаси катта тезлик билан айланиб, магларнинг меҳмонхонаси гуриллаган зумрад-зангори олов ортида ғойиб бўлди.

В БОБ. УЭСЛИЛАРНИНГ АЖОИЙБ УЛЬТРАФОКУСЛАРИ

Тирсакларини ёнига босиб олган Гаррининг танаси тобора тез айлана бошлади. Кўз ўнгидаги турли туман ўчокларнинг дудмол силсиласи катта тезликдан боши

айланиб, күнгли айний бошлагач, күзини чирт юмиб олди. Тезлик пасайгани ва ҳозир кескин түхташини сезган бола қўлларини олдинга узатди. Тўғри қилган экан, акс ҳолда Уэслилар ошхонасининг полига бурни билан ёпишиб қолган бўлар эди.

- Еди-ми? - сўради сабрсиз Фред, Гаррига оёққа туришга ёрдам бериб.
- Еди, очофат, - бош иргиди Гарри, - Нима эди у?
- Бир пуд тил помадкаси, - деди қувониб кетган Фред, - Жорж иккаламизнинг кашфиётимиз. Кимда синаб кўришни билмай ёз бўйи бошимиз қотган эди...

(*Эслатма: Пуд – 16,3 кг га тенг оғирлик ўлчови. Помадка – мева шираси ва шакардан қилинган юмшок конфет*)

Янграган қулгидан кичкинагина ошхона портлаб кетгандай бўлди. Гарри атрофга қараб, йўнилган стол атрофида Рон, Жорж ва яна икки нафар малла сочли нотаниш йигит ўтирганини кўрди. Булар Роннинг энг катта акалари Билл билан Чарли эканлигини Гарри дарҳол фаҳмлади.

- Салом, Гарри, - деди яқинроқ ўтирганларидан бири, саломлашиш учун қўл узатиб. Кулиб турган ушбу йигитнинг кафтидаги қадоқларни бармоқлари билан ҳис этган Гарри, Руминияда аждар боқадиган Чарли эканлигини англали. Бичимиға кўра у, новчалик ва озғинлик-ла ажраб турадиган Перси билан Ронга нисбатан пастроқ бўлиб, кўпроқ эгизак укаларига ўхшаб кетади. Унинг кенг, сепкил босган, офтобда қорайган юзи асосан табиат кўйнида вақт ўтказадиган хушмуомала киши юзига ўхшайди. Қўлларининг мушаклари чикқан, бақувват бўлиб, тирсагидаги куйган жой каттагина ялтироқ ҷандик сифатида кўзга ташланди.

Саломлашиш учун табассум-ла ўрнидан турган Билл ҳам Гаррининг қўлини сиқди. Айтиш жоизки, унинг ташки қиёфаси Гарри учун кутилмаган янгилик бўлди. Билл сехгарларнинг «Гринготтс» банкида ишлаши, мактабда энг ибратли ўқувчи бўлгани ҳакида эшитган, албатта. Шу боис ҳам Билл Гаррининг тасаввурида Персининг ёши каттароқ варианти сифатида гавдаланган эди. Аслида эса новча бўйли, сочини боғлаб, отнинг думи сингари орқага ташлаб олган, қулогига таққан сирғаси аллақандай ҳайвон тишига ўхшаб кетадиган Биллнинг кўриниши зўр экан. Эгнидаги кийими эса рок-концертга яраша бўлиб, оёғидаги ботинкаси, фаҳмлашича, аждарнинг терисидан эмас, нақ зирхидан тайёрланган.

Олтovлон эндиғина сухбат бошламоқчи бўлган эди ҳам-ки, ҳавода кучсиз қарсак янграб, Жоржнинг орқасида мистер Уэсли пайдо бўлди. Унинг бу қадар аччиқланганлигини Гарри ҳали кўрмаган.

- Ҳеч ҳам қулгили эмас, Фред! - қичкирди мистер Уэсли, - Бечора магл болага қанақанги бемаъни нарса бериб келдинг?
- Мен унга ҳеч нарса берганим йўқ, - деди Фред, тиржайиб, - Тўғри, чўнтағимдан бехос тўкилиб кетди... Үзи айбдор. Ким унга есин дебди? Мен таклиф қилганим йўқ.
- Сен атайин тўкиб юборгансан! - бўкирди мистер Уэсли, - Уни мажбуран пархезга ўтқизиб қўйишганидан жуда яхши хабардорсан ва айнан шу боис, конфетингни еб қўйиши муқаррарлигини била туриб қилиқ қилгансан...
- Тили анча ўсди-ми? - қизиқсинишини тия олмади Жорж.
- Ота-онаси ҳамма нарсани ўз ҳолига қайтаришимга ижозат беришгунга қадар тўрт футга бориб етди!

Мистер Уэслидан ташқари ҳамма, шу жумладан, Гарри ҳам ақлдан озган кишилардай ҳандон отиб кулиб юборишиди.

- Ҳеч ҳам қулгили эмас! - такрор қичкирди мистер Уэсли, - Бундай хулқ-атвор магллар билан сехгарлар ўртасидаги муносабатларга жиддий путур етказади! Мен бир умр маглларга нисбатан ёмон муносабатларга қарши курашиб келганман. Ўз фарзандларим эса...
- Бу ишни бола магл бўлгани учун қилганимиз йўқ! - эътиroz билдириди Фред.
- Сурбет, аҳмоқ бўлгани учун қилдик, - деди Жорж, - Тўғрими, Гарри.
- Ҳак гап, мистер Уэсли, - самимий тасдиклади Гарри.

- Фарқи нима! - ғазаб билан гап кесди мистер Уэсли, - Шошмай турларинг, онангга бор гапни айтиб бераман...
- Менга нимани айтиб бермоқчисан? - эшитилди орқадан.
Ошхонага жисмонан гирдиғум, лўпигина, кўнгли очик, одатда, меҳр товланиб турадиган кўзларини шубҳали қисиб олган миссис Уэсли кириб келди.
- О, Гарри, салом ёқимтойгинам, - деди у, Гаррига кулиб қараб.
Сўнг нигохини яшин тезлигидай эрига олиб ўтди-да, такрор сўради:
- Нимани айтиб бермоқчи эдинг менга, Артур?
Мистер Уэсли иккиланганча жим қолди. Эгизакларнинг қилмиши унинг жаҳлини чиқарган бўлишига қарамай, уларни соткиси йўқлиги кўриниб турибди. Ўртага хижолатли сукунат чўкиб, мистер Уэсли хурккан отдай хотинига қараб қолди. Бу вактда миссис Уэслининг орқасида икки киз кўринди. Улардан бири Рон билан Гаррининг энг якин дўсти кўнғир сочи ниҳоятда куюқ, хурпайган, бир жуфт олд тиши йирик Гермиона Грэнжер бўлса, иккинчиси, кичкинагина, малла сочли қизалок, Роннинг синглиси Жинна эди. Иккала киз Гаррини кўриб кулишди. Гарри ҳам жавобан илжайиб қўйди. Жинна уялганидан қип-қизариб кетди. Гарри илк бор Бошпанага ташриф буюрган маҳалдан эътиборан Жинна Гаррига бошқача қарайди.
- Нимани айтиб бермоқчи эдинг менга, Артур? - боз сўради миссис Уэсли, яширин таҳдид солинган оҳангда.
- Арзимаган гап, Молли, - чўзиб гапирди мистер Уэсли, - Фред билан Жорж... шунчаки...
Мен улар билан гаплашиб кўйдим...
- Яна нима хунар кўрсатишди? - бақириб юборди миссис Уэсли, - Агар яна «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»дан бирон-бири бўлса...
- Рон, Гаррининг ётоқхонасини кўрсатиб қўймайсан-ми? - таклиф киритди Гермиона остонада турганча.
- Қаерда ётишини жуда яхши билади. Одатдагидай, мени...
- Юр, биргалиқда кўрамиз, - маъноли оҳангда гапни бўлди Гермиона.
- А, - деди Рон, - Ха, юринглар.
- Жуда яхши таклиф, биз ҳам бирга борамиз... - деди Жорж.
- Йўқ, айнан сизлар шу ерда қоласиз! - ўшқириб берди миссис Уэсли.
Гарри билан Рон яккакифт юрганча ошхонадан чиқиб, Гермиона ва Жинна билан биргалиқда тор дахлиз орқали ғижирлайдиган, илон изи кўтарилган зина томон юришди.
- «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари» дегани нима? - қизиқсиниб сўради Гарри.
Рон билан Жинна кулиб юборишли, Гермиона эса жиддий қиёфасини сақлаб қолди.
- Ойим уларнинг хонасини йиғишириаётуб, бланкаларнинг бир дастаси, шу жумладан, хабаринг бор, ўзлари кўллайдиган ҳар хил маъни-бемаъни нарсаларнинг узундан-узок преискурантини топиб олди, - тушунтира бошлади Рон, - Тўғрисини айтсам, улар бундай буюмлар яратиш билан шуғулланишларини тасаввур ҳам килмаган эдим. Жуда зўр моллар, менга жуда ёқди. Сохта сеҳрли таёқчалар дейсанми, таркибига турли-туман ҳазил-совғалар масаллик сифатида киритилган шириналларми-ей... ([Прейскурант – сотиладиган моллар ва кўрсатиладиган хизматларнинг гурух ва турлари бўйича муайян тизимга солинган нархлар \(тарифлар\) тўплами](#)).
- Уларнинг хонасидан анча вактдан бўён ҳар хил портлаш товушлари эшитилар эди, - гапга аралашибди Жинна, - Аллақандай нарсалар яратиш билан банд эканликлари хаёлимизга ҳам келгани йўқ. Икковлон шунчаки тўполончи, шовқин-сурон солишини жуда ёқтиради, деб ўйлар эдик.
- Фақат, ушбу нарсаларнинг аксарият қисми, умуман айтганда, ҳаммаси деса муболага бўлмайди, жуда хавфли буюмлар сирасига киради, - тушунтиришини давом этди Рон, - Тасаввур қиляпсан-ми, Фред билан Жорж буларнинг барини «Хогварц»да пуллашни кўзлашган экан. Ойим иккаласини ўлдириб қўйишига сал қолди. Бундай иш билан шуғулланишни ман этиб, бланкаларини ёқиб ташлади... У шундок ҳам иккаласидан аччикланиб юрибди. Ахир улар, ўн беш ёшга тўлган «Хогварц» ўкувчилари топширадиган

аттестацион имтиҳон учун белгиланадиган баҳо яъни, МОСДнинг ойим кутгандан ҳам паст савиясига эга бўлишиди.

- МОСД бу, мутлако оддий сехргарлик даражаси, - эслатиб ўтди Жинна, - Шундан сўнг, катта жанжал бўлди. Ойим уларни худди дадам каби вазирлиқда ишлашларини хоҳлайди, эгизаклар эса аникланишича, афсунгарликка оид қулгили моллар дўконини очишмоқчи. Шу пайт иккинчи қават майдончасидаги эшик очилиб, зардаси қайнаб турган, мугуз кўзойнак тақкан башара кўринди.

- Салом, Перси, - деди Гарри.

- А, Гарри! Салом, - алик қайтарди Перси, - Ким шовқин соляпти экан деб қараган эдим. Ишлайпман, хисоботни тезроқ яқунига етказишим керак. Зинаюни гумбурлатиб югуришса хаёлни ишга жамлаш қийин кечади.

- Биз юрганимиз йўқ, юриб боряпмиз, - аччикланди Рон, - Вазирлик томонидан топширилган ўта маҳфий ишларингга халал берган бўлсак, узр.

- Қандай хисобот экан? - сўради Гарри.

- Халқаро сехргарлик хамкорлиги департаменти учун, - викор билан сир очгандай бўлди Перси, - Козонлар қалинлигини стандартлаштириш керак. Чет элдан келтирилган қозонлар бир оз ингичкалик қилмоқда. Сиркиш ҳолатлари жорий йил давомида сал кам уч фоизга ошиб кетди!...

- Шундай экан, эслаб қолинг, мазкур ҳисобот тез орада дунёни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди! - гапни бўлди Рон, - «Башорат-у, каромат газетаси»да «Козонлар тешилиб кетмоқда» деб номланган ёки шунга ўхшашиб бош мақолани тасаввур қиляпсиз-ми. Персининг юзи бир оз пушти тус олди.

- Мазах қилавер, Рон, - чийиллади у, - Бироқ халқаро конун қабул қилинmas экан, тез орада ички бозоримизни жуда ноқулай, юпқа тубли маҳсулот босиб, жиддий хавф юзага келади...

- Ҳа, ҳа, албатта-албатта, - вайсади Рон, юқорига кўтарилишни давом этиб.

Аччикланган Перси эшикни қарсиллатиб ёпиб олди. Гарри, Гермиона ва Жинна Роннинг изидан эргашиб, зинаюни навбатдаги учта погонасига кўтарилиган эди ҳам-ки, ошхонада қий-чув бошланди. Чамаси, мистер Уэсли хотинининг тазийкларига бардош бера олмай, бир пуд тил помадкаси ҳакида айтиб беришга мажбур бўлган кўринади. Том остидаги, «РОННИНГ ХОНАСИ» ёзуви битилган кичкинагина, бўёғи кўчган тахтacha ушбу хона соҳиби ким эканлигини кўрсатиб турибди. Хона ўтган сафар қандай бўлса, шундайлигича қолган. Ундаги нарсаларнинг деярли ҳаммаси тўқ сариқ, каравот устидаги ўрин ёпинчиғи, деворлар ва ҳатто шифт ҳам тўқ сариқ. Етти нафар афсунгардан иборат «Отар замбараклар» квидиши жамоасининг турли кўринишида тасвирланган плакатлари билан деворлардаги ранги ўчган гулқозлар ёпиб кўйилган. Кўлларига супурги ушлаб олишган ўйинчиларнинг ҳаммаси ярқираган сариқ кийимда бўлиб, хонага кириб келганларга завқ билан қўл силтаб туришибди. Қора рангли йирик «ОЗ» харфлари ва отилган замбарак ўқининг тасвири акс эттирилган тўқ сариқ ўрин ёпинчиғи ҳам, ўтган иили бақа увулдириғига тўлиб турган аквариум ҳам ўз жойида. Фақат бу йил аквариум ичида увулдириқ эмас балки, мисли кўрилмаган семиз бақа ётибди. Роннинг Қасмок лақабли каламуши энди йўқ. Унинг ўрнини Рон йўллаган хатни Одамовилар хиёбонига етказа билган, катак ичида юқоридан-пастга тиним билмай сакраганча, қуркураётган миттигина кул ранг бойкушча эгаллаган.

- Ўчир овозингни, Чўчка, - деди Рон, хонага тикиштириб киритилган тўртта каравотдан иккласи орасидан базўр ўтиб, - Фред билан Жорж ҳам шу ерда ётади, - тушунтириди у Гаррига, - Чунки Билл билан Чарли эгизаклар хонасида яшаб туришади. Персига эса алоҳида хона керак. Унинг ишлари кўп.

- Нега сен бойкушни Чўчка деб атайсан? - сўради Гарри.

- Чунки Роннинг ақли бир оз ноқис, - баёнот қилди Жинна, - Аслида қушчанинг лақаби Чўчинстель.

- Ҳа, жуда ақли исм, - истеҳзо қилди Рон, - Бу лақабни Жинна қўйган, - тушунтириди у, -

Сингилчагинамнинг фикрича, ёқимли эшитилар эмиш. Бошқа лақаб қўйишга уриниб кўрдим-у, харакатим зое кетди. Бирон-бир бошқа чакириғимга жавоб бермайди. Шундай экан, у Чўчқа. Эррол билан Гермеснинг жигига, менинг ҳам асабимга тегаётгани учун шу ерда қамаб сақлашга тўғри келяпти.

Лақабини эшитиб, ўзини баҳтиёр ҳис этган Чўчринстель қулоқни кар қилиб юборадиган даражада ух-ухлаб, катак ичида гир айланана бошлади. Ронни яхши билгани учун ҳам Гарри унинг сўзларини чинакамига қабул қилмади. Бир вақтлар Рон ўзининг Қасмоқ лақабли каламуши тўғрисида ҳам кўп бемаъни фикр билдирган бўлса-да, ўша каламуш ғалати тарзда ғойиб бўлиб қолганида Гермионанинг Маймоқоёқ лақабли мушугидан гумон қилиб, чуқур қайғуга ботган эди.

- Айтгандай, Маймоқоёқ қаерда? - қизиқди Гарри.

- Боғда бўлса керак, - деди Гермиона, - Муқаддам кўрмаган гномлар кетидан кувиб юришни жуда ёқтиради.

Гарри каравотга ўтириб, учиб юрган «Отар замбараклар» дам плакатдан чиқиб кетаётгани, дам яна пайдо бўлаётганини томоша қилганча, Рондан сўради:

- Демак Перси ўз ишини ёқтирад эканда?

- Ёқтиради? - яна истехзо қилди Рон, - Агар дадам уни мажбурлаб олиб келмаса, уйга келмай ишида ўтираверади. Аклини батамом еб бўлган. Энг асосийси, унинг бошлиғи тўғрисида гап бошлама... мистер Сгорбснинг гапига қараганда... мен мистер Сгорбсга... мистер Сгорбснинг фикрича... мистер Сгорбс айтиб берган эди... Тез орада унашиб олишганини эълон қилишса, ажабланмайман.

- Ёз қандай ўтди, Гарри? - сўраб қолди Гермиона, - Биз юборган озиқ-овқат маҳсулотлари ю, шунга ўхшаш нарсаларни олдинг-ми?

- Ҳа, албатта. Катта раҳмат, - деди Гарри, - Сизлар юборган пироглар ҳаётимни сақлаб қолди.

- Хат ёзишиб турдинг-ми, чўқин...

Рон Гермионанинг юзи касб этган қиёфани кўриб, саволини охирига етказмади. Савол Сириус ҳакида эканлигини Гарри дархол тушунди. Худди Гаррини ташвишга соглан каби чўқинтирган отасининг эсон-омонлиги Рон билан Гермионани ташвишга солади, албатта. Ахир унинг қочиб қутулишини уюштириш учун учовлон ҳазилакам ҳаракат қилишди-ми. Шундай бўлса-да, ушбу мавзуни Жиннанинг олдида муҳокама қилиш шарт эмас. Сириус қай тарзда қочиб, қамоқдан омон қолганлиги ва унинг айбизз эканлигини Гарри, Рон, Гермиона ва Дамблдордан бошқа ҳеч ким билмайди.

Жинна қизиқсиниб, нигоҳини дам Рон, дам Гаррига олиб ўтди.

- Ўйлайман-ки, жанжалли вазият барҳам топди, - деди Гермиона, нокулай сукунатни бузиб, - Юинглар, ойингизга кечки овқат тайёрлаш ишларида ёрдамлашиб юборамиз.

- Тўғри айтасан, юинглар, - маъқуллади Рон.

Тўртовлон хонани тарк этди. Улар зинадан пастга тушиб, ошхонада ёлғиз қолган авзои бузук миссис Уэслини кўришди.

- Боғда овқатланамиз, - маълум қилди у, ошхонага кириб келган болаларни кўриб, - Ошхонамизга ўн бир киши сифмайди. Кизлар, сизлар ликопларни олиб чиқишингиз мумкин. Билл билан Чарли боғда стол ўрнатишти. Сиз иккалангиз эса пичоқ билан санчқиларни олиб боринг, - деди у, сехрли таёқчасини чиганоқ ичидаги картошкалар томон ўқтаб.

Ҳаддан ортиқ асабийлашган миссис Уэсли таёқчасини бехос кучли ўқтаб юборди чамаси, картошкалар ўз пўчоги ичидан шиддат билан отилиб чиқиб, шифт ва деворлардан сапчиганча, атрофга сочила бошлади. Миссис Уэсли шу захоти таёқчасини деворда осиғлик турган саватча томон йўллади. Сакраб тушиб полда сирпана бошлаган саватча ҳар томон учиб кетаётгандарни тутиб олишга киришди.

- Муқаддас фалак ҳаки, - наъра торти миссис Уэсли, идиш сақлаш жавонидан кастрюлька ва товаларни жаҳл ила чиқариб, - Анави иккаласини нима қилсан экан! Келажаги нима бўлар экан уларнинг, билмайман. Тасаввуримга ҳам сиғдира олмайман хатто. Иззати нафс

деган тушунча нима эканлигини билишмайды-я! Агар улар расвогарчилик рекордини күйиш мақсадини күзламаётган бўлишса, албатта...

Гарри гап эгизаклар тўғрисида бораётганини тушунди. Миссис Уэсли катта мис кастрюлькани ошхона столига тарақлатганча кўйиб, ичига сехрли таёқчасини сукди-да, дарғазаб силкита бошлади. Таёқча учидан кремга ўхшаш қайла окиб чиқди. Сўнг кастрюлькани газ плитасига ўрнатиб, остига сехрли таёқчасини сукди-да, ўт ёқди.

- Мияси йўқ, ахмок бўлишса ҳам гўрга эди! - давом этди у, баджаҳл оҳангда, - Лекин ақли мияни кўтариб юриб нима қилишади улар, ҳайронман. Бари-бир ишлатишмаётган бўлса. Тез орада ақлини йиғиб олишмас экан, бошлари ғам-ташвишдан чиқмай қолиши аниқ. Бошқа ака-укалари тўғрисида «Хогварц»дан келган хат-хабарлар нечта-ю, иккаласининг шўхлиги юзасидан йўлланган шикоятлар сони қанча. Агар ахвол шундай давом этадиган бўлса, иккаласини сехргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлимига чакиртиришлари муқаррар!

Миссис Уэсли таёқчасини санчқи ва пичоқлар сақланадиган тортмага ўқтади. Шу захоти сурилиб, очилган тортмадан бир нечта пичоқ отилиб чиққани боис, Гарри билан Рон нари қочишга мажбур бўлди. Пичоқлар хуштак чалганча бутун ошхона бўйлаб учиб, саватчадан эндинина ошхона чиганогига тушган картошкаларга ёпирилди.

Миссис Уэсли сехрли таёқчасини кўйиб, бошқа кастрюлькага қўл узатди.

- Тарбия жараёнининг нимасини нотўғри олиб бордик, билмайман. Бир умр шу ахвол. Бир қиликни кўйишса, янгисини бошлашади.

У стол устидан олган сехрли таёқча бирдан катта резина сичқонга айланиб, қаттиқ чийиллаб юборди.

- ВОЙ ДОД! ЯНАМИ? ЯНА СОХТА ТАЁҚЧАМИ!!! МЕН НИМА ДЕБ ВАЙСАЯПМАН-У, УЛАР НИМА ҚИЛИШЯПТИ?

Миссис Уэсли ўзининг таёқчасини чанглаб, газ плитасига ўгирилди-да, қайласи куйиб, тутаб кетганини кўрди.

- Тезроқ кетайлик бу ердан, - деди Рон, очиқ тортмадан пичоқ ва санчқиларнинг бир сиқимини олиб, - Бориб, Билл билан Чарлига ёрдам берамиз.

Болалар миссис Уэслини ёлғиз қолдириб, орқа эшик орқали ҳовлига қочиб чиқишиди.

Улар эндинина икки-уч қадам кўйишган эди ҳам-ки рўпарадан Гермионанинг эгри оёкли, ҳавода ҳилпираётган пахмок думи бутилка тозалаш чўткасига ўхшайдиган Маймоқоёқ лақабли мушуги отилиб чиқди. Мушук аллақаңдай митти оёқли ифлос картошка ортидан кувиб кетди. Бўйи ўн дюймдан ошмайдиган ушбу жонзод аслида картошка эмас, гномларнинг боф зараркунандалари сирасига кирадиган бир тури. Ўтқир пиҳли оёқчалари билан ер депсиниб қочаётган гном ҳовли бўйлаб ўқдай учиб ўтди-да, боғда сочилиб ётган сон-саноксиз резина этиклардан бирининг ичига шўнгиги кирди. Этик ичидаги гномни тирноклари билан тутиб олишга уринган Маймоқоёқ оёқларини ишга солди. Жазаваси тутган гном қотиб-қотиб кула бошлади. Айни шу фурсатда болаларнинг қулоғига боф томондан янграган қаср-қусур товушлар эшитилди. Икковлон бокқа кириб, шовқин-сурон манбасини кўрди. Билл билан Чарли сехрли таёқчалари воситасида иккита эски столни баланд кўтариб, бир-бирига қарши ҳаво жангини олиб боришмоқда. Максад ракиб столини ерга қулатиш. Фред Биллга, Жорж эса Чарлига тарафдор бўлиб, боғни бошларига кўтариб қичкиришмоқда. Жинна хандон отиб, корнини ушлаб олган. Шоҳ девор олдида турган Гермионанинг киёфасида эса хавотир билан қизиқувчанлик уйғуллиги кўринмоқда. Биллнинг столи Чарли бошқараётган столнинг оёғига илашиб, уни қарслатганча узиб олди. Юкорида яна нимадир гумбурлади. Ҳамма бошини кўтариб, иккинчи қават деразасидан бошини чиқариб олган Персини кўрди.

- Секинроқ шовқин солса бўладими? - қичкирди у.

- Узр Персича, - гунохкорона кулиб кўйди Билл, - Қозон тублари қалай?

- Жуда ёмон, - ғудуллади Перси, деразани ёпиб кўйиб.

Хиринглаб кўйган Билл билан Чарли «жанговар учиш аппаратларини» аста майса устига, бир-бирига жипс кўндиришди. Билл таёқча воситасида стол оёғини тузатиб, устига

дастурхон тузади.

Соат еттига келиб столлар, миссис Уэслининг пазандалик маҳорати билан тайёрланган таомлардан синиш ҳолатига келиб қолди. Уэслилар оиласининг жамики тўққиз нафар аъзоси, Гарри ва Гермиона тўқ кўк тусли очик осмон остида зиёфатдан лаззатланиш учун астойдил жойлашиб олишди. Ёз бўйи суви қочиб, борган сари қотиб бораётган пироглар билан кун кечирган бола учун бу ҳакиқий жаннат бўлди. Зиёфат бошида товуқ ва дудланган чўчка гўштидан тайёрланган пирог, қайнатилган картошка ва газакларни паккос тушира бошлаган Гарри гапиришдан кўра кўпроқ қулоқ солди.

Дастурхоннинг нариги бошида ўтирган Перси ўзининг ҳисоботи ҳакида дадасига маълумот бермоқда.

- Мен мистер Сгорбса ҳисботни сешанбага қадар якунлайман, деб ваъда бердим, - викор-ла гапирди Перси, - Тўғри, бу муддат у кутган муддатдан сал эртароқ, лекин мен ҳамма ишни ўз вақтида бажаришга улгуриб боришни ёқтираман. Бўлимимизда жаҳон кубогига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ ҳайбаракаллачилик қарор топганилигини инобатга оладиган бўлсак, ишни тез тутагтганим учун хурсанд бўлади, деб ўйлайман. Таъкидлаб ўтишим жоизки, Сехргарлик ўйинлари ва спорт департаментидан тегишли ёрдам олганимиз йўқ. Анави Людо Шульман...

- Людо менга ёқади, - хушмуомалалик билан таъкидлаб ўтди мистер Уэсли, - Ўйин томоша қилиш учун бундай яхши чипталарни айнан Людо топиб берди. Бир вақтлар мен ҳам унга яхшилик қилганман. Унинг акаси Отто, гайриоддий ишлайдиган майса ўриш мосламаси билан ноқулай аҳволга тушиб қолган. Ўша ишни босди-босди қилиб юборган эдим.

- Тўғри, Шульман бир қараашда ижобий кишидай кўринади, - қўл силтади Перси, - Бироқ қандай қилиб у департамент бошлиғи бўлиб қолди экан, ҳайронман... Мистер Сгорб билан солиштириб ҳам бўлмайди! Департамент ходими изсиз ғойиб бўла туриб, мистер Сгорбснинг қўл қовуштириб ўтиришини тасаввур ҳам кила олмайман. Ахир Берта Жоркинс йўқолиб қолганига бир ойдан ошди-ку! Мехнат таътилини ўтказиш учун Албанияга кетди-да, қайтиб келмади!

- Бу ҳақда Людодан сўраб билганман, - ковоқ уйди мистер Уэсли, - Унинг сўзларига қараганда Берта кўп маротаба йўқолиб, топилиб келган эмиш... Умуман айтганда, агар у менинг бўлимимда фаолият юритганида мен ҳам ташвишга тушган бўлар эдим...

- Чиндан ҳам Бертанинг айрим тузалмас киликлари бор, - деди Перси, - Айтишларига қараганда, уни доимо бир бўлимдан бошқасига ўтказиб келишган экан. Ундан фойдадан кўра ташвиш кўпроқ кутилар эмиш... Шундай бўлса-да, Шульман Бертини кидириб топишга уриниб кўриши лозим. Мистер Сгорб Шульмандан кўра кўпроқ қизикмоқда Бертанинг тақдири билан. Ахир у қачонлардир бизнинг департаментимизда фаолият юритган, мистер Сгорб унинг ишидан мамнун бўлган экан. Шульман эса Бертини мазах қилиб кулгани кулган. Хойна-хой Берта харитани адаштириб, Албания қолиб, Австралияга кетворган, дейди. Бироқ... - Перси чуқур хўрсиниб, маржон шарбатидан хўплаб қўйди, - Халқаро сехргарлик ҳамкорлиги департаментида бошқа департаментларга мансуб ходимларни қидиришдан-да кўра ўзимизнинг ташвишларимиз бошимиздан ошиб ётибди. Ўзингиз биласиз, Кубок ўйинлари ниҳоясига етиши билан биз яна бир ўта муҳим тадбирни ташкиллаштиришимиз даркор.

Перси викор-ла томонини кириб қўйиб, столнинг нариги бошида ўтирган Гарри, Рон ва Гермиона ўтирган томонга қараганча:

- Нима ҳакида гапираётганимни биласиз-ку, дада, - деди-да, овозини баландроқ кўтариб, қўшиб қўйди, - Ўта маҳфий тадбир.

Рон кўзини тепага қаратиб, паст овоз билан тушунтириш берди.

- Ишга жойлашгандан буён бизни «У қанақа тадбир экан?» деб сўрашга мажбур қилмоқчи. Қалин тубли қозонлар кўргазмаси бўлса керак-да?!

Билл билан ўртада ўтирган миссис Уэсли, ўғлининг қулоғидаги, афтидан яқинда харид қилинган сирға юзасидан баҳслашяпти.

- ... чиндан ҳам Билл, бундай мудхиш тиш билан қандай юрибсан, а! Банқдагилар

индамади-ми сенга?

- Ойи, хисоб рақамига пул томиб турса бўлди, мени қандай кийиниб юришим билан банқдагиларнинг иши йўқ, - бардош билан тушунтириди Билл.
 - Сочларинг ҳам... жа узун-да, ўғлим, - давом этди миссис Уэсли, қўлини сехрли таёқчасига қўйиб, - Уларни сал текислаб қўйишга ижозат бермаётганинг чатоқ бўляптида...
 - Менга эса акамнинг соchlари ёқади, - маълум қилди Биллнинг ёнида ўтирган Жинна, - Эскиликларга амал қиласидиган аёлсиз-да, ойи. Нима қилганда ҳам, Биллнинг соchlари профессор Дамблдорнинг соchlарига етиши учун ҳали анча бор...
 - Миссис Уэслининг ён томонида Фред, Жорж ва Чарли ўтириб, жаҳон кубогини муҳокама қилишмоқда.
 - Кубок Ирландияга кетади, - деди оғзини картошкага тўлдириб олган Чарли, - Ахир улар Перуни ярим финалда абжагини чиқариб ташлашди-ку.
 - Болгарларда Виктор Крум бор, - эътиroz билдириди Фред.
 - Тўғри, бироқ Крум атиги бир нафар яхши ўйинчи холос. Ирландларда эса бундай ўйинчилар сони етти кишини ташкил этади, - қисқа қилди Чарли, - Эссиз, Англия чиқа олмади-я. Шармандалиқдан бошқа нарса эмас.
 - Нима сабабдан чиқа олмади? - эҳтирос билан сўради Гарри.
- Гарри сеҳргарлар дунёсидан ажралиб, Одамовилар хиёбонида, магллар орасида яшашга мажбур бўлганидан ҳар қачонгидан ҳам кучли афсус қилди. У квидиши ўйинини жуда яхши кўради. Бола биринчи синфдан бўён «Гриффиндор» жамоасининг Сайёди бўлиб, жаҳонда энг зўр «Чакмок» русумли супурги соҳибиdir.
- Инглизлар нихоятда бемаъни ўйнаб, Трансильвания терма жамоасига уч юз тўқсон-у, ўн хисоби билан шармандаларча бой беришди, - алам-ла тушунтириш берди Чарли, - Бундан ташқари, Уэльс Угандага, Шотландия эса Люксембургга ютқазиб қўйди
- (Трансильвания (Transilvania) – Руминия шимолидаги тарихий ўлка. Уэльс (Wales) – Буюк Британия гарбидаги яриморол).**
- Боғ коронғилаша борди. Ер тутидан тайёрланган қўлбола музқаймокка киришишдан олдин мистер Уэсли сеҳр қўллаб, шам яратди. Музқаймок еб тутатилганига қадар дастурхон узра парвоналар баралла париллаб қолди. Илик ҳавони ёввойи алаф билан учқат хиди қамраб олди. Корни роса тўйиб, ҳаётдан мамнун бўлган Гарри Маймокоёқ томонидан таъқиб этилиб, наъматак чакалаклари орасида роса кулишаётган гномларнинг бебок харакатларини кузатиб ўтириди.
- Рон дастурхон атрофидағи оила аъзоларини кузатиб чиқиб, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганига ишонч ҳосил қилгач, паст овоз билан Гарридан сўради:
- Демак, Сириусдан хат олиб юрган экансан-да?
 - Ҳа, иккита хат олдим, - жавоб қайтарди Гарри, паст овозда, - Унинг ишлари жойида.
- Аввал куни хат ёзиб юбордим. Балки шу ерда юрганимда, жавобини ҳам олиб қоларман. Гарри Сириусга хат ёзишининг сабабини эслаб, чандиги боз оғригани ва ёмон туш кўрганини дўстларига айтиб бермоқчи бўлди-ю, ўзи баҳтиёр, шод ўтирганида дўстларини ташвишли хаёлларга торткиси келмай, фикридан қайтди.
- Қаранглар, вакт алламахал бўлиб қолибди-ку, - кутилмаганда чапак чалиб қўйди миссис Уэсли, қўл соатига қараб, - Ҳаммангиз зудлик билан ётишингиз керак. Ахир тонг сахар туришингиз лозим. Акс холда Кубок ўйинларига бора олмайсиз. Гарри, мен эртага Диагон хиёбонига бориб, ҳаммага учун бозор қилиб қайтаман. Менга ҳарид қилинадиган буюмлар рўйхатини қолдир. Олиб келаман. Кубок ўйинларидан сўнг вақт бўлмаслиги мумкин.
- Ўтган сафар ўйин беш кун давом этган.
- Вой-бўй, ростданми?! Бу сафар ҳам шунча кун давом этса керак, деб умид қиласман! - хитоб қилди Гарри.
 - Мен эса бундай умид қиласман, - деди Перси, қўзларини чин ихлос билан тепага қаратиб, - Ишда беш кун бўлмасам, папкам қанчалик катталашиб кетишини ўйлаб, юрагим орқага тортиб кетади.

- Асти күй. Кимдир яна аждар нажасини тиқиб күяди папкангга, а, Перси? - гијгижлади Фред.
- У Норвегиядан юборилган ўғит намунаси эди! - деди Перси қизариб, - Бунда ҳеч қандай ҳақорат аломатлари бўлмаган.
- Аслида эса бўлган, - шивирлади Фред Гаррининг қулоғига, - Ўша нажасни биз юборганимиз.

VI БОБ.

ПОРТШЛЮС

- Гарри назарида худди эндинина уйқуга ётгандай бўлди-ю, уни силтаб уйғотиши. - Турадиган вакт бўлди, ёқимтойгинам, - деди миссис Уэсли. Гарри кўзойнагини пайпаслаб топиб тақди-да, кўрпасига ўтириб олди. Деразадан кўринаётган кўча қоронғи, тонг ҳали отмаган. Онаси уйғотган Рон алланима деб вайсади. Оёқ томонда эса чойшаблар остидан илашиб чиқаётган иккита шарпа кўринди.
- Вакт бўлди-ми? - уйқусираб сўради Фред.
 - Уйқу босган, караҳт, бир сўз дегани мадори йўқ болалар жимгина кийиниши-да, керишганча зинапоядан пастга, ювингани тушиши.
 - Газ плитаси олдида турган миссис Уэсли катта қозонда пишаётган аллақандай овқатни аралаштироқда, курсида ўтирган мистер Уэсли эса стол устига тахланган пергамент чипталарнинг йўғон дастасини текшироқда. У ошхонага кириб келган болаларни кўриб, ўрнидан турди-да, эгнидаги голъф ўйини учун жемпер ва эски, қалин чарм камар воситасида сикиб олинган кенг жинси шимни намойиш қилиш учун қўлини икки томонга узатиб, айланди.
 - Хўш, Гарри? - сўради у ташвиш тортиб, - Қалай, маглга ўхшабман-ми? Яширин сафаримизга никобланган ҳолатда чиқишимиз керак, ҳар қалай...
 - Ўхшайсиз, - кулди Гарри, - Жуда ўхшайсиз.
 - Билл, Чарли, Пе-Пе-Перси қаааааани? - сўради Фред, эснашини тия олмай.
 - Ёдингдан кўтарили-ми ўғлим, ахир улар ҳавода даф бўлиб, керакли жойда пайдо бўла олишади-ку, - деди миссис Уэсли, столга базур олиб ўта олган қозондан болаларга сули бўтқа улашиб, - Шундай экан, улар ҳали ухлаб олишлари мумкин.
 - Ах, ухлашяпти денг, - вайсади Фред, - Нега энди биз ҳам Кубок ўйинига улар каби бормаймиз?
 - Чунки сиз ҳали балогатга етмагансиз, имтиҳон ҳам топширгансиз, - вайсади миссис Уэсли, - Қизлар қаёққа йўқ бўлиб қолиши экан, а?
 - У ошхонадан чиқиб, зинапоя бўйлаб юкорига кўтарилиб кетди.
 - Ҳавода даф бўлиб, керакли жойда пайдо бўлиш учун ҳам имтиҳон топшириш керакми? - кизиқиб сўради Гарри.
 - Албатта, - жавоб берди мистер Уэсли чипталарни шимининг орқа чўнтағига солар экан, - Махсус гувохномага эга бўлмай ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлишга кизиқсан бир жуфт ҳаваскорга Сехрли йўллар департаменти томонидан яқинда жарима солинди. Ҳавода даф бўлиш осон кечадиган иш эмас, Гарри. Агар бирор-бир ҳаракат нотўғри бажарилса, бундай ташаббус жиддий оқибатлар билан яқун топиши мумкин. Масалан ҳозиргина тилга олинган ҳаваскорлар... парчаларга бўлинниб кетишиган.
 - Дастурхон атрофида ўтирганларнинг юzlари буришиб кетди. Факат ҳеч нарсани тушунмаган Гарригина сўради:
 - Э-э-э... парчаланиб кетиши?...
 - Таналарининг ярми улар турган жойда қолиб, - тушунтириш берди сули бўтқага қиём қўйган мистер Уэсли, оддий оҳангда, - Иккинчи ярми табиийки, йўлда тутилиб қолган. Улар манзилга ета олишмаган, ортга ҳам қайта олишмаган. Шундай ахволда Фавқулодда ҳолатларда сеҳр-жодуга барҳам бериш департаментига қарашли отрядни кутишларига тўғри келган. Анчагина қоғозбозлик бўлиб ўтди. Одам танасининг ҳавода муаллақ осилиб қолган аъзоларини нечта магл кўрганини ўзинг тасаввур қилиб кўр...

Гарри Одамовилар кўчасида қолиб кетган иккита оёғи-ю, битта кўз косасини тасаввур қилиб кўрди.

- Улар соғ-саломат-ми? - сўради у, кўрқиб-писиб.
 - Албатта, - хотиржам жавоб берди мистер Уэсли, - Факат ўша хаваскорларнинг бўйнига ниҳоятда катта жарима солинди. Ўз қиликларини такрор бажаришларига шубҳа қиласан. Ундан кўра супургида учган маъқул. Қанча секин юрсанг, шунча узоққа борасан деб бежиз айтмаганлар.
 - Билл, Чарли ва Перси ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлишни билишадими?
 - Чарли имтихонни икки маротаба топширишга мажбур бўлди, - хиринглади Фред, - Биринчи бор топшираётганида қулаб тушди. Керакли манзил қолиб, ундан беш миля нарида ҳавода пайдо бўлди-да, нимадир харид килаётган кампирнинг бошига бориб тушди. Эсингиздами?
 - Ҳа, лекин иккинчи марта топширган имтихони муваффақиятли ўтди, - деди ошхонада пайдо бўлган миссис Уэсли, дастурхон атрофида тўпланиб ўтирганларнинг баралла кулиб юборганини кўриб.
 - Персининг имтиҳон топширганига эса атиги икки ҳафта бўлди, - деди Жорж, - Ўшандан буён, бу иш қўлидан келаётганини кўрсатиш учун бўлса керак, ҳар куни эрталаб ўз хонасида даф бўлиб, пастда, бизнинг олдимизда пайдо бўлади.
 - Йўлакда қадам товуши эшитилиб, хонага уйқусираган юzlари оқариб кетган Гермиона билан Жинна кириб келди.
 - Нега мунча эрта туриб олдик? - сўради Жинна кўзини ишқалаб.
 - Чунки бир оз сайр қилишга тўғри келади, - тушунтириди мистер Уэсли.
 - Сайр қилиш? - ҳайрон бўлди Гарри, - Кубок ўйинлари пиёда етиб борса бўладиган жойда ўтадими?
 - Йўқ, - қулди мистер Уэсли, - Ўйин бу ерлардан жуда олисда ўтади. Биз унчалик кўп юрмаймиз. Гап шундаки, магллар эътиборини жалб қилмаган тарзда кўп сонли сехгарларнинг бир жойда тўпланиши жуда кийин кечади. Жаҳон кубоги каби йирик миёсли тадбирлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлаверади...
 - ЖОРЖ! - кутилмаганда бакириб юборди миссис Уэсли.
 - Дастурхон атрофида тўпланиб ўтирганларнинг ҳаммаси бир сапчиб тушди. Хозир хеч кимни алдамагани учун ўзини айбиз билган Жорж онасига беташвиш юзланди.
 - Ҳа, ойи.
 - Чўнтағингда нима бор?
 - Ҳеч нима йўқ!
 - Менга ёлғон гапирма!
- Миссис Уэсли кўлига сехрли таёқчасини олди-да, Жоржнинг чўнтағига ўқтаб:
- Ассио! - деди.
- Киссадан анчагина майда-чуйда, ранг-баранг буюмлар учеб чиқди. Жорж уларни тўхтатиб қолишига уриниб бармоклари билан ҳавода чанг солди-ю, уddалай олмади. Буюмларнинг бари тўғпа-тўғри миссис Уэслининг кўлига бориб тушди.
- Буларни битта қолдирмай йўқ қилинг деб айтган эдик-ку! - бакириб берди жахли чиққан миссис Уэсли, қўлидаги бир пуд тил помадкаларига қараб, - Бундай нарсалардан халос бўлиш сизларга амр этилган эди! Чўнтақларни тескари ағдаринг, иккалангиз, тез бўлинг! Бу томоша у қадар ёқимли кечмади. Афтидан, эгизаклар имкон қадар кўпроқ помадкаларни уйдан контрабанда йўли билан олиб чиқишимокчи бўлишган. Афсуски, помадкалар миссис Уэсли томонидан Буюм чақириш афсуни воситасида мусодара этилди.
 - Ассио! Ассио! - бакириб миссис Уэсли.
- Конфетлар умуман кутилмаган жойлар: Жоржнинг эгнидаги куртка астари ва Фреднинг жинси шими қайтармалари орасидан чиқиб келди.
- Уларни яратиш учун яrim йил сарфлаган эдик! - қичқирди Фред, ахлат ўрага ташланган помадкаларга қараб.
 - Яrim йиллик умрни ажойиб ўтказибсиз. Сизлар эришган МОСДнинг савиясига эса хеч

ажабланмаса бўлаверади, - жавобан ўкирди миссис Уэсли.

Тарк этилаётган уйда қарор топған муҳит охир-пировардида яхши бўлмади.

Хайрлашаётган эридан бўса олаётган миссис Уэслининг юзидағи домангир қиёфа эгизакларга нисбатан юмшоқроқ бўлса-да, сақланиб қолди. Юк халталарини елкаларига ташлаган эгизаклар эса оналарига чурқ этмай, хайр-маъзурни насия қилганча, ҳовлидан чиқиб кетишиди.

- Вактингизни чоғ ўтказинг. Ўзингизни яхши тутинг, - қичкириб қолди чидамаган она, узоклашаётган эгизакларининг ортидан.

Эгизаклар эса қиё ҳам бокишмади, бир сўз ҳам айтишмади.

- Кун ярмига яқин Билл, Чарли ва Персини йўлга отлантираман, - деди миссис Уэсли эрига.

Шундан сўнг, мистер Уэсли билан биргалиқда Гарри, Рон, Гермиона ва Жинна йўлга чиқишиди. Ҳаво совуқ, Ой осмонда чараклаб турибди. Уфқнинг ўнг томонида кўринаётган ёруғлик дөғигина тез орада тонг отишидан далолат бермоқда. Финал ўйинини томоша қилишга шошилаётган минг-минглаб сехргарлар ҳакида хаёл суреб қолган Гарри югуриб, мистер Уэслига етиб олди.

- Шунча сехргар қандай қилиб маглларга сездирмай тегишли манзилга етиб олади? - сўради у.

- Айнан шу масала доимо ташкилий муаммо бўлиб келган, - хўрсинди мистер Уэсли, - Ҳамма бало шундаки, ўйин томошасига юз мингга яқин сехргар ва афсунгар ташриф буюради. Табийки, юртимиизда бунча одам жойлашадиган катта сехрли макон йўқ. Магллар ўта олмайдиган жойлар бор, албатта. Бироқ Диагон хиёбони ёки тўққиз бутун тўртдан учинчи платформада бир вактнинг ўзида юз минг киши пайдо бўлса нима бўлишини ўзинг тасаввур қилиб кўр. Шунинг учун биз катта майдонни эгаллаган кимсасиз ботқоқликни топдик-да, унинг атрофида киши тасаввурига сиғадиган ва сиғмайдиган маглларга қарши химоя чораларини кўрдик. Сехргарлик вазирлиги бундай чоралар кўриш учун кўп меҳнат сарфлади. Биринчи навбатда ўйинга ташриф буюрадиган сехргарлар етиб келиши учун сирғанма жадвал жорий этилишига тўғри келди. Бунда, арzon чипта харид қилган одамлар ўйин бошланишидан икки хафта олдин ҳозир бўлишга мажбур. Айрим доираларга мансуб сехргар ва афсунгарларнинг чекланган сони маглларнинг транспорт воситаларида етиб келади. Бироқ маглларнинг автобуслари-ю, поездларида элатимиз вакилларининг ҳаддан ортиқ сони бўлишига йўл қўйиб бўлмайди. Эсингиздан чиқмасин, сехргарлар жамики жаҳондан келишади ахир. Бундан ташқари, ўйингоҳ яқинида ҳавода пайдо бўлиш учун қулай бўлган кичкинагина ўрмон бор. Ҳавода пайдо бўлишни истамаганлар ёки бундай хуқуқка эга бўлмаганлар эса портшлюслардан фойдаланиладилар. Портшлюс бу, сехргарларнинг кам сонли гурухини олдиндан белгиланган вактда бир жойдан бошқа жойга олиб ўтадиган буюм. Зарурат тугилганида портшлюс воситасида тегишли манзилга йирик гурух таркибида ҳам етиб бориш мумкин. Бундай буюмлар Англия худудидаги икки юздан ортиқ стратегик жиҳатдан муҳим нуқталарга ўрнатилган. Бизга яқин нуқта Оқсичон боши тогининг чўққисида жойлашган, - мистер Уэсли қўлини олдинга узатиб Колготтери Сент-Инспекторт қишлоғи ортида кўриниб турган катта қора тоғни кўрсатди, - Биз ўша жойга кетяпмиз.

- Портшлюслар жумласига қандай буюмлар киради? - қизиқсиниб сўради Гарри.

- Ҳар қандай буюм, - жавоб қайтарди мистер Уэсли, - Маглларнинг эътиборини ўзига жалб этмайдиган, қўлига олмайдиган ёки ўйнашни хаёлига ҳам келтирмайдиган... хуллас маглларга оддий чиқинди сифатида кўринадиган ҳар қандай буюм киради...

Тагчармлари такир-туқур қилиб тунги сукунатни бузадиган сайёхлар қишлоқнинг қоронғи, ёғингарчилик хўл қилган кўчаси бўйлаб аста юриб ўтди. Қишлоқ кесиб ўтилаётган маҳалда осмон жуда секин ёришиди. Нихоят фалакнинг сиёҳдек кора туси эриб, тобора кўк ранг касб эта бошлади. Гаррининг оёқ-қўллари совқотди. Мистер Уэсли эса ҳар дақиқа ўтган сари соатига қараб борди.

Сайёхлар Оқсичон боши тогига кўтарила бошлади. Бу жараён хотиржам гаплашиб

борадиган жараён эмас. Ҳамма ҳансираф қолган. Оёқ дам күён инига кириб, дам нишабликнинг қалин қора майса қоплаган жойида сирпаниб кетади. Ҳар бир олган нафаси Гаррининг кўкрак қафасини оғритмоқда. Нихоят текис жойга етиб келишганида боланинг оёқ мушаклари тортишиб қолди.

- Boeh, хайрият-е, - чуқур нафас чиқарди мистер Уэсли, терлаб кетган кўзойнагини артар экан, - Биз кечга қолмай етиб келдик. Ихтиёrimизда яна ўн дақика бор...
Бикинини ушлаб қолган Гермиона охирги бўлиб кўтарилди.
 - Энди портшлюсни қидириб топиш қолди холос.
У кўзойнагини такиб, оёқ ости ва теварак-атрофни кўздан кечира бошлади.
 - Кўринишдан у қадар катта бўлмаган буюм... қидиинглар...
Болалар атрофга тарқалишди. Икки дақика ўтар-ўтмас яқин ўртада кимнингдир қичқириги янгради.
 - Артур, ўғлим, бу ёққа келинглар! Биз уни топдик!
Ясси тепаликнинг нариги томонидаги юлдузли осмон тусида новча бўйли икки киши кўринди.
 - Амос!
- Жавобан қичқирган мистер Уэсли табассум-ла овоз берган киши томон йўл олди. Болалар унинг орқасидан боришидди. Мистер Уэсли қизил юзли, чап кўлига моғор босган эски бошмокни ушлаб олган кўнгир-чўтка соқолли кекса сехгарнинг қўлини сикди.
- Болалар, танишинглар, Амос Диггори, - деди мистер Уэсли, - Сехрли хайвонлар устидан назорат бўлимида ишлайди. Унинг ўғли Седрик билан эса ўйлайман-ки, танишсизлар. Жуда барно, ёши ўн еттига етган Седрик Диггори «Хогварц»да таҳсил кўраётган йигитча бўлиб, «Хуффльпуфф» квидиши жамоасининг сардори ва бир вақтнинг ўзида Сайёди саналади.
 - Салом, - деди Седрик, ҳаммага кўз югуртириб чиқиб.
Бош иргиб кўйган Фред билан Жорждан ташқари ҳамма «Салом» деб жавоб қайтарди. Ўтган ўқув йилида «Гриффиндор» жамоаси биринчи ўйинни айнан шу Седрик туфайли ютказиб кўйганини эгизаклар ҳамон унугани йўқ.
 - Чарчадингиз-ми, Артур? - сўради Седрикнинг отаси.
 - Ҳеч қиси йўқ, - жавоб берди мистер Уэсли, - Биз тепаликнинг нариги томонида яшаймиз. Сизлар-чи, узоқдан келсангиз керак?
 - Кечаси соат иккода туришга тўғри келди, тўғрими Сед? Ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлишга тезроқ имтиҳон топширса эди. Гарчи... соғлигимдан шикоят қилмайман...
Квидиши бўйича жаҳон кубоги! Бундай томоша учун бир қоп галлеонни аямаган бўлар эдим! Умуман айтганда, чипталарнинг нархи шунга яқин бориб қолди. Аммо, афтидан мен осон кутулиб колганга ўҳшайман...
 - Амос Диггори очик кўнгил ила мистер Уэслининг уч нафар ўғли, Гарри, Гермиона ва Жиннага қараб чиқди.
 - Ҳаммаси сени болаларинг-ми, Артур?
 - О, йўқ. Факат малла сочилари. Мана булар ўғлим Роннинг дўстлари бўлади. Гермиона ва Гарри.
 - О, Мерлин соколи, - хитоб қилди кўзлари катта-катта очилиб кетган қария, - Гарри?
Гарри Поттер?
 - М-м-м... ха, - деди Гарри.
- Боланинг кимлигини билган ҳар қандай киши унга тикилиб қолиб, нигоҳи шу заҳоти Гаррининг пешонасидаги чандикқа қадалади. Гарчи Гарри бунга кўнишиб қолган бўлса-да, ўзини доимо ноқулай хис этади.
- Сед сен ҳакингда кўп гапиради, - деди Амос Диггори, - Ўтган йилги ўйинларинг ҳакида ҳам айтиб берди... Мен унга ўшаңда: «Сед, сен хали набираларингга кимсан Гарри Поттер устидан голиб чикқанингни айтиб берасан!» деган эдим.
 - Бирор оғиз сўз топа олмаган Гарри, индамай қўя қолди. Фред билан Жорж шу заҳоти лаб-лунжларини осилтириб олишди. Седрик эса бир оз хижолат тортиб қолди.

- Ўшанда Гарри супургисидан қулаб тушган эди, дада, - ғудуллади у, - Айтган эдим-ку, сизга... баҳтсиз ҳодиса рўй берган эди деб...
 - Тушунарли! Бироқ сен қулаб тушмадинг-ку! - деди хушмуомалалик билан Амос, ўғлининг белига уриб қўйиб, - Седимиз жа камтарин-да, доим ўзининг хақиқий жентльменлигини намоён этиб юради... Фақат энг сараларгина голиб чиқади, Сед. Буни сенга ҳатто Гарри ҳам айтиши мумкин. Тўғрими, Гарри? Кимдир супургисидан қулаб тушади, кимдир эса уни ишончли эгарлаб ўтиради... Улардан қайси бири мохирона уча билишини айтиш учун кўп ақл керак эмас!
 - Менимча вақт етди, - тез гапга аралашди соатини чиқарган мистер Уэсли, - Амос, қолганлар билан қаерда учрашимизни билмайсан-ми?
 - Йўқ, хабарим йўқ. Лавгудлар бир ҳафтадан буён ўша ердалигини, Фоссеттлар эса чипта насиб қилмаганини биламан, - деди Диггори, - Худудимизда бошқа хеч ким яшамайди-ку, шундай эмас-ми?
 - Ҳар қалай, яна бошқа бирор ящашидан хабарим йўқ, - жавоб берди мистер Уэсли, - Хўш, бир дақиқа қолди... ҳозирлик кўриб олишимиз даркор...
- У Гарри билан Гермионага юзланди-да:
- Битта бармоқ билан бўлса ҳам, портшлюсга тегиб туриш шарт, - деб йўрик берди. Амос Диггори қўлини узатди. У ушлаб турган эски бошмоқ атрофига юқ халталари тўлиб, шишиб турган тўққиз киши ғуж бўлиб, бир-бирига зич туриб олди.
- Улар чурқ этмай, тор доира ҳосил килганча туриб олишди. Тоғ чўқкиси узра совук шамол шиддат билан эсиб ўтди. Гаррининг хаёлига, уларнинг бундай туриши ҳозир, ушбу тепаликка тасодифан чиқиб қоладиган бирор-бир магл учун жуда ғалати кўринса керак деган ўй келди. Тўққиз киши... улардан икки нафари ёши катта эркак. Тонг сахарда коронғи жойга келиб олиб аллақандай йиртиқ бошмоқни ушлаб олишганча, ниманидир кутиб туришибди...
- Уч... - санай кетди бир кўзи билан соатига қараб турган мистер Уэсли, - Икки... бир... Жараён атиги бир лаҳза кечди: нимадир Гаррини худди киндингига маҳкамланган ҳалқадан тортиб кетгандай бўлди; оёғи ердан узилди; икки елкасига урилаётган Рон билан Гермионанинг борлигини хис этди; ҳамма шамолдай увиллаб, ранг-баранг доғлар уюрмаси ичра қаёққадир олға учмоқда; бошмоқ унинг бармоғини худди оҳанрабо каби маҳкам тортиб кетяпти, сўнг...
- Рон ботинкасининг тагчарми ерга қаттиқ теккан Гаррига урилиб, икковлон ерга ағанади. Портшлюс эса Роннинг бошидан сал нарига келиб тушди.
- Гарри бошини кўтарди. Хурпайиб қолган мистер Уэсли, мистер Диггори ва Седрик оёқда туришибди. Қолганлар эса ерда ётибди.
- Соат 05.07. Оксичкон боши тогидан, - эшитилди кимнингдир овози.

VII БОБ.

ШУЛЬМАН ВА СГОРБС

Гарри Рондан халос бўлиб оёққа турди. Улар қўнган жой туман қоплаган кимсасиз ботқоқлик эканлиги ва бу ерда икки нафар толиккан, бадқовоқ сеҳргар турганини кўрди. Улардан бири қўлига катта тилла соат, иккинчиси эса қалин пергамент ўрами билан пат-қалам ушлаб олган. Иккаласи ҳам маглга ўхшаб кийинишга уринган-у, келиштира олмаган. Қўлига соат ушлаб олган киши жунли газламадан тикилган савлатли твид костюм билан ботқоқлиқда кийиб юриладиган қўнжи узун этик кийиб олган бўлса, иккинчи сеҳргар шотландияликлар юбкаси устидан пончо ташлаб олган (*Пончо – Жанубий ва Марказий Америка индеецларининг плаш сифатида ташлаб юриладиган миллий кийими бўлиб, ўртасида бош учун тешик очилган тўғри бурчакли мато бўлаги кўринишига эга*).

- Салом Бейзил, - саломлашди мистер Уэсли, бошмоқ-портшлюсни ердан олиб, пончо кийган сеҳргарга узатганча.
- Салом, Артур, - хорғин алик қайтарди Бейзил.

У мистер Уэслининг қўлидаги бошмокни олиб, ишлатилган портшлюслар яшигига ташлади. Яшик ичидаги бундай буюмлар орасида эски газета, қандайдир ичимлиқдан бўшаган банка, тешилган футбол тўпи кабилар кўринди.

- Ўрнимизга, навбатчилик хизматига эмас-ми, Артур? - сўради Бейзил, - Эссиз... Иккаламиз туни билан шу ерда турибмиз... Тезроқ ўз жойингизга боринг. Соат 05.15 да Қора ўрмондан катта гурух учиб келади. Шошманг, лагерингиз қаердалигини айтиб бераман...
 - Бейзил пергамент қоғозга битилган рўйхатга кўз югуртириди.
 - Демак, Уэслилар... Уэслилар... Бу ердан тахминан чорак миля нарида, энг биринчи майдон. Коровулнинг исми мистер Робертс. Хўш, энди Диггорилар... Ҳа, мана Диггори, иккинчи майдон... мистер Пейнни сўрайсиз.
 - Раҳмат, Бейзил, - миннатдорчилик билдири мистер Уэсли болаларни ортидан имлаб. Улар чўлга ўхшаган ботқоқлик бўйлаб боришар экан, қалин тушган туман туфайли деярли ҳеч нимани кўришмади. Тахминан йигирма дақиқадан сўнг, сайёҳлар қаршисида кичкинагина тош кулба пайдо бўлди. Дарвоза ортида эса узок уфқда корайиб турган ўрмонга қадар чўзилган чексиз дўнгликнинг текис майдонига тикилган юзлаб чодирлар хира кўринди. Сайёҳлар Диггорилар билан хайрлашиб, тош кулбага яқинлашди. Остонада чодирли шаҳарча томон қараб турган киши кўринди. Унинг ҳақиқий магл эканлигини Гарри бир қаращдаёқ тушунди. Қадам товушини эшитган магл ташриф буюрганлар томон ўгирилди.
 - Салом! - дадил саломлашди мистер Уэсли.
 - Салом, - алик қайтарди магл.
 - Мистер Робертс сиз бўласизми?
 - Ҳа, мен бўламан, - жавоб қайтарди мистер Робертс, - Сиз-чи, сиз ким бўласиз?
 - Уэсли. Икки кун олдин иккита чодир тикиладиган жойга буюртма берган эдим. Мистер Робертс эшикка маҳкамланган рўйхатга кўз югуртириб чиқди.
 - Ҳа, тўғри, - деди у, - Сизга ажратилган майдон хўанави ўрмон этагида. Факат бир кечага буюртма берган экансиз, шундай-ми?
 - Худди шундай, - тасдиқлади мистер Уэсли.
 - Жой ҳақини хозир тўласангиз керак?
 - А! Ҳа-я... албатта...
- Мистер Уэсли кулбадан нари кетиб, чўнтағидан магларнинг бир даста пулинин чиқардида, санашга киришар экан Гаррини имлади.
- Кўмаклашиб юбор. Мана бу... неча пул бўлади?... Ўн-ми? Ҳа, кичкина рақам мана бу-ку... Демак бу беш-ми?
- Мистер Робертс мистер Уэслининг хар бир сўзни илғаб олишга уринаётганини пайқаган Гарри шивирлаб гапирди:
- Йўқ, бу йигирма бўлади.
 - Ҳа-я. Тўғри. Коғозлари бирам майдаки буларнинг...
 - Хорижликмисиз дейман? - сўради коровул, мистер Уэсли узатган пулни олиб, - Юртимиз пулининг фарқига бормаган ёлғиз сиз эмассиз, - маълум килди у, мистер Уэслига синчковлик билан қараб, - Ўн дақиқа олдин икки киши ғилдирак гупчагидай келадиган тилла танга тўламоқчи бўлди.
 - Йўғ-е?! - асабийлашди мистер Уэсли.
- Мистер Робертс қайтим қидириб консерва банкасини титишга киришди.
- Бу ерларга ҳали шунча одам келмаган, - кутилмаганда фикр билдири магл, кўзи билан туман қамраб олган майдон имо килиб, - Юзлаб буюртмалар олдиндан берилди. Одамлар худди ҳаводан пайдо бўлгандай келишяпти...
 - Ростданми? - деди мистер Уэсли, қайтимини олиш учун қўл узатиб.
- Мистер Робертс эса қайтим узатишга шошилмади.
- Рост, - ўйчан жавоб қайтарди у, - Бир олам ажнабийлар. Афтидан бу ерда қандайдир йигин ўтказилади шекилли... билмадим... Ҳаммаси бир-бирини танийди-я. Йирик миқёсли

анжуман бўлса керак... Ажнабий бўлиб ҳам шунчаки ажнабий эмас. Кўпчилиги қандайдир галати, томи кетганга кишиларга ўхшайди, тушуняпсиз-ми? Соғлом фикрли одам шотландияликлар юбкаси устидан индеецларнинг пончосини ташлаб олади-ми, ахир?

- Ие, бундай кийиниб бўлмайди-ми? - сўради мистер Уэсли ташвишли оҳангда. Кулба эшигидан сал нарида голъф ўйинида кийиладиган шим кийган аллақандай сехгар ҳавода пайдо бўлди.

- Обливиёт! - кичкирди у, сехрли таёқасини мистер Робертсга ўқтаб.

Маглнинг кўзи бир айланиб, нигоҳи кескин ўзгариб кетди. Ҳозиргина қовоқ солиб, ташвишдан тиришиб турган маглнинг пешонаси силликланиб, юзи бирор-бир маъномазмун англатмайдиган қиёфа касб этди-қолди. Гарри кишининг хотираси ўзгартирилганда кузатиладиган аломатлар юз берганини тушунди.

- Марҳамат, қайтимингиз. Лагерь харитасини ҳам олинг, - таклиф килди мистер Робертс.

- Катта раҳмат, - миннатдорлик изҳор этди мистер Уэсли.

Холдан тойган, қиришиланмаган иягидаги соқоли ўсиб кетган, кўзларининг остида аргувон доф кўринган сехгар кулбага етиб келган сайёҳларни дарвозага қадар кузатиб кўйди. У мистер Робертсдан узоқлашгач, мистер Уэслига мурожаат қилиб, вайсади:

- Чарчатиб юборди-ку, бу магл. Кунига ўндан ортиқ Унуттириш афсунисиз хотиржам тура олмайди-я! Людо Шульмандан эса ҳеч қандай ёрдам йўқ! Теварак-атрофда тентираганча, Кваффллар-у, Тажовузкор тўплар ҳақида овози борича бакириб, маглларга қарши ҳимоя чораларидан мутлако бехабардай тутиб юрибди ўзини! О, Муқаддас фалак! Буларнинг бари тугаса ўзимни бениҳоя баҳтли ҳис этган бўлар эдим! Хўп, майли, Артур, мен борай, иш кўп, кўришгунча.

Сехгар хайрлашиб, ҳавода даф бўлди.

- Мистер Шульман Сехгарлик ўйинлари ва спорт департаменти раҳбари эмас-ми? - ҳайрон бўлиб қош кўтарди Жинна, - Эҳтиёт бўлиши, маглларнинг олдида Тажовузкор тўплар ҳақида гапирмаслиги керак-ку, шундай эмасми?

- Шундайликка шундай-куя, - кулиб кўйди мистер Уэсли болаларни дарвозадан ўтказиб, - Факат Людо эҳтиёт чораларини бир умр писанд қилмай келган. Бир вақтлар ўзи ҳам Англия терма жамоасида ўйнаган. Жамоани тарк этганидан кейин «Обормут арилари»да унга тенг келадиган Уриб қайтарувчи бўлмаган.

Улар туман ичра узундан узун чодир қаторлари орасидан юриб боришди. Аксарият чодирлар оддий чодирдек кўриниб, соҳиблари магллар чодиридан кўп фарқ қилмаслигига уринишгани сезилиб турибди. Ҳатолар ҳам йўқ эмас, албатта. Жумладан: айrim чодирлардан камин қувури чиқиб турган бўлса, баъзиларига эшик қўнғироги ёки флюгер ўрнатилган. Ахён-ахён сехгарлар чодири эканлиги кўзга яққол ташланиб турган чодирлар ҳам учрамоқда. Мистер Робертс онгига шубҳа пайдо бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Масалан, даланинг қоқ ўртасида, чодир эмас қасрга ўхшаб кетадиган, йўл-йўл шойидан қурилган, кираверишида тирик товуслар сайр қилиб юрган ғайриоддий иншоот турибди. Ундан сал нарида кичик миноралари билан ажраб турган уч қаватли чодир тикилган. Унчалик узоқ бўлмаган масофада эса кичкинагина боғ, қуш теганалари, қуёш соати ва фавворага эга чодир кўринди.

- Элатимиз зигирдай бўлсин, ўзгаргани йўқ, - кулиб кўйди мистер Уэсли, - Бир жойга тўпланиб қолсак бас, мақтанчоқлик қилмай тура олмаймиз. Ие, етиб келибмиз-ку! Қаранг, ана бизга ажратилган жой.

Улар адир тепасига, ўрмон четига етиб келиб, «Уэслилар» ёзуви битилган тахтacha қоқилган бўм-бўш майдонни кўришди.

- Бундан яхши жой бўлмайди! - қувониб кетди мистер Уэсли, - Ўйингоҳ шундок ўрмон ортида. Биз унга жуда яқин жойлашибмиз.

У елкасидаги юқ халтани ерга туширди-да, ҳаяжон ичра қўшимча килди:

- Айтмоқчи, ёдингизда бўлсин, биз магллар худудида турибмиз. Шу боис бу ерда сехржоду билан шуғулланиш ман этилган. Етарлича кўпчиликмиз, шундай экан чодирларимизни ўз қўлимиз билан тиклаймиз! Бу иш у қадар кийин кечмаса керак...

Маглар уддалай олишади-ку... Гарри, нима деб ўйлайсан, ишни нимадан бошлаганимиз маъқул.

Гарри ҳаётида бирор маротаба бўлсин, дала сафарига чикмаган. Дурсллар уни доимо кўшни кампир миссис Фиггнинг уйида қолдириб, ҳордик чиқаришнинг бундай турига ҳеч қачон ўзлари билан олиб боришмаган. Шундай бўлса-да, Гарри билан Гермиона чодир ходаларини қандай тиклаш, қозиқларини қаерга ва қандай қоқиши кераклигини англаб етишди. Мистер Уэсли ёрдам эмас, кўпроқ халал берган бўлса ҳам, ёғоч болға ишлатилганида жуда хаяжонланиб кетди. Нихоят улар ҳар бири икки кишига мўлжалланган иккита эски чодирни тиклашга муваффақ бўлишди.

Терлаб-пишган сайёхлар ўз меҳнатининг ҳосиласини томоша қилиш учун нари чекиницди. Иккала чодир ҳам магларнинг чодиридан ҳеч фарқ килмайди. Гаррини ягона бир муаммо ўйлантириб қўйди. Агар Билл, Чарли ва Перси етиб келишса, ушбу чодирларда дам оладиган одам сони ўн кишига етади. Афтидан, Гермиона ҳам шу ҳақда ташвиш тортиб турган кўринади. Мистер Уэсли майсада тизза ва кафтларига туриб, чодир ичига кириб кетгач, Гермиона хайрон бўлиб Гаррига қараб қўйди.

- Бизга сал торлик қилиши мумкин-у, - қичкирди мистер Уэсли чодир ичида туриб, - Ўйлайман-ки, бир илож қилиб сифишамиз. Қани кириб кўринглар-чи.

Эгилиб чодир ичига кирган Гаррининг оғзи ланг очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. У ваннахона ва ҳожатхонага эга уч хонали хонадонга кириб қолди. Ажабланарлиси шундаки, уй худди миссис Фиггнинг хонадони каби эскича тузалган. Ўзаро мос келмаган креслолар устига занжир кашта усулида тикилган сочиқлар ташланган бўлиб, ҳаммасига мушук хиди уриб кетган.

- Бир кун минг кун эмас. Амаллаб чидаса бўлади, - деди дастрўмол билан пешонасини артаётган мистер Уэсли, ётоқхонада ёнма-ён турган тўртта каравотга қараб, - Бу чодирни бирга ишлайдиган кекса Перкинсдан вақтинча олдим. У бечора белогриқ бўлиб, дала сафарига чиқа олмайдиган холатга келиб қолган.

У чанг босган чойнакни кўлига олиб, ичига қаради.

- Сув олиб келиш керак экан...

Ичкарига Гаррининг ортидан кирган Рон чодирнинг ташқи ва ички ўлчамлари номутаносиблигидан мутлако таажжубланмади.

- Анави магл берган харитада сув кранининг шартли белгиси кўрсатилган, - деди у, - Даланинг нариги томонига бориб келиш керак экан.

- Үндай бўлса, - деди мистер Уэсли чойнак ва яна иккита кастрюльканни узатиб, - Гарри ва Гермиона учовлон сувга бориб келинглар. Колганлар эса ўт ёкиш учун ўтин териб келади.

- Печкамиз бор-ку, - хайрон бўлди Рон, - Нега энди...

- Маглардан химоя чоралари-чи! - эслатиб ўтди мистер Уэсли, ўғлининг тушунмаганидан таажжубланиб, - Табиат кўйнига чиқишига ҳакиқий магллар овқатларини ташқарида, ўтин ёқиб тайёрлайдилар. Чин сўзим. Ўз кўзим билан кўрганман.

Қизлар учун тикланган, ўлчами нисбатан кичикроқ чодирга кириб тез томоша қилиб чиқсан Гарри, Рон ва Гермиона чойнак ва кастрюлькаларни олиб, чодирли лагерь бўйлаб сув кидириб кетишиди.

Ана энди, қуёш чиқиб, туман тарқагач, болаларнинг кўзига теварак-атрофга ёйилиб кетган улкан чодирли шаҳарча бутунича кўринди. Улар чодир қаторлари бўйлаб аста юриб, ҳамма ёкни катта қизиқиши билан томоша қилиб боришиди. Жаҳонда сеҳргар ва афсунгарлар нақадар кўп эканлигини Гарри ана энди тушуна бошлади. Улар бошқа юртларда ҳам бўлиши мумкинлигини Гарри хаёлига ҳам келтирмаган экан.

Чодирли шаҳарча аста-секин уйқудан турмоқда. Биринчи бўлиб болали оилалар уйгонишган. Бундай жажжи сеҳргар болачалар ва афсунгар қизчаларни Гарри умрида биринчи бор кўриб туриши. Олдига айвон солинган синчли уй шаклидаги катта чодир ҳовлисида эндинина икки ёшга тўлган ўғил болача чордана қуриб ўтирганча, кўлидаги сеҳрли таёқчани майсада судралиб кетаётган шилликқуртга завқ-ла ўқтади. Шилликқурт шу заҳоти колбасадек бўлиб қолди. Сув кидириб кетаётган болалар ушбу сеҳргарчага етиб

қолишганда чодирдан онаси югуриб чиқди.

- Шохжахон! Дадангнинг таёкчасини тегма деб неча маротаба айтиш керак сенга!... Вой! Сехргарчанинг онаси бехосдан босиб олган шилликкурт ёрилиб кетди. Онасининг койишлари билан Шохжахоннинг қичқириклари анча жойгача эшитилиб турди:

- Кутчамни улдийиб кўйдингиз! Кутчам улиб колди!

Сал нарида ёши Шохжахондан унча катта бўлмаган, ўйинчоқ супургиларда учайдиган икки нафар афсунгар кизча кўринди. Супургичалар ердан озгина баланд кўтарилиб, қизалокларнинг оёқ учлари шудринг қоплаган майсага тегиб бормоқда. Қизалокларнинг бундай ўйинини кўрган сехргарлик вазирлигининг вакили Гарри, Рон ва Гермионанинг ёнидан ўтар экан, вайсади:

- Куппа-кундуз куни-я. Ота-онаси ётгандир, ичкарида...

Ҳамма ёқ жонланди. Сехргар эркаклар-у, афсунгар аёллар нонушта тайёрлашга киришиб кетган. Айримлар атрофга ўғринча аланглаб кўйиб, сехрли таёқча воситасида ўт ёқса, баъзи сехргарлар бундай аҳмоқона иш бирон-бир фойдали кор беришига шубҳа қилишса ҳам, гугурт чақишига вижданан уринишмоқда. Эгнига узун оқ кийим кийган, афтидан ниҳоятда жиддий мавзуга оид сухбат қураётган уч нафар ҳабаш-сехргар сихга қўёнга ўхшаш нимадир тортиб, тўқ кизил оловда пишириб ўтирибди. Уларнинг ёнидаги чодирлар орасига тортилган «Салемлик афсунгар аёллар дорилфунуни» ёзуви битилиб, ялтироқ тангачалар билан безалган лавҳа остида эса ўрта ёшли америкалик аёллар баҳтиёр қиёфа касб этганча, суханчинлик килиб ўтирибди. Болалар ўтиб бораётган чодирлар ичидан тушунарсиз тилда айтилаётган узук-юлуқ гаплар эшитилди. Гарчи Гарри бирон-бир сўзни тушунмаган бўлса ҳам, ушбу гап-сўзлар қувноқ кайфият-ла гапирилаётганини англади.

- Вой!... кўзимга бир нима бўлди-ми ёки ҳакиқатан ҳам ҳамма ёқ яшил бўлиб кетди-ми? - сўради Рон.

Унинг кўзига ҳеч нима қилмаган. Болалар себарга билан ўралган чодирлар ёнига келиб қолишган холос. Ушбу чодирлар ердан ўсиб чиққан ғалати дўнгликларга ўхшаб кетади. У ер-бу ерда очик қолган яшил пашшахоналар ичидан кулиб турган чехралар кўринди. Бирдан орқада кимдир болаларни чакириб колди:

- Гарри! Рон! Гермиона!

Табассумдан чехраси очилиб кетган гриффиндорчи-синфдош Симус Финниган экан. У себаргадан тўқилган чодир яқинида, сарик сочли, чамаси онаси бўлса керак, аёл ва унинг яқин дўсти, болаларнинг яна бир гриффиндорчи-синфдош ўртоги Дин Томас ёнида ўтирибди.

- Чодиримиз пардози ёқди-ми? - сўради у, саломлашгани яқин келган Гарри, Рон ва Гермионадан, - Вазирлик ходимларига унчалик ёқмади.

- Нега энди биз ўз юртимиз рангини кўз-кўз қилмаслигимиз керак экан? - хитоб килди миссис Финниган, - Яхшиси бориб, болгарлар ўз лавҳалари устига нималарни кўтариб олишганини кўришсан!

Гарри, Рон ва Гермионага шубҳа билан қараб кўйган миссис Финниган:

- Сиз Ирландияга тарафдор бўласиз, албатта, шундайми? - деб сўраб колди.

Учовлон миссис Финниганни чиндан ҳам Ирландияга тарафдор бўлишларига ишонтиришга уриниб, йўлни давом эттириди.

- Бундай доираларда тескари маънода гапириб кўр-чи, нима бўлишини кўрасан! - деди Рон, сал нари узоклашгач.

- Қизиқ, болгарлар ўз лавҳалари устига нима кўтариб олишган экан? - қизиқди Гермиона.

- Юриналар, бориб кўрамиз, - таклиф килди Гарри, устида Болгариининг қизил-яшил-оқ байроби ҳилпираб турган ғуж-ғуж чодирлар томон кўл узатиб.

Ушбу чодирлар ўсимлик билан пардозланмаган бўлса ҳам, ҳар бирига қалин қошли, хўмрайган шахс расми осиб кўйилган. Табиийки, сурат сехргарларнинг сурати каби ҳаракатчан-у, лекин ундаги шахс тасвири деярли ҳеч нима қилмаяпти. Фақат бадқовоқ кўзларини очиб-юмиб турибди холос.

- Крум, - деди Рон паст овозда.

- Нима? - тушунмади Гермиона.
 - Крум, - овоз кўтарди Рон, - Виктор Крум, болгарлар жамоасининг Сайёди!
 - Намунча бадковоқ бўлмаса, - деди Гермиона қовоқ солиб, кўзларини пирпиратаётган бир дунё Крумларга қараб чикқач.
 - Бадковоқ? - сўради қошлари баланд кўтарилиб кетган Рон, - Ташки кўринишининг нима дахли бор? Энг асосийси, у зўр ўйинчи! Айтгандай, у ҳали жуда ёш. Эндиғина ўн саккизга кирган бўлса керак. Сайёд эмас авлиё! Шошмай тур, тунда ўзинг кўрасан!
 - Сув крани олдида кисқа навбат шаклланиб қолибди. Гарри, Рон ва Гермиона навбатга, қизгин баҳслашаётган икки киши ортига келиб кўшилишди. Улардан бири эгнига тунда кийиладиган гулдор кўйлак кийган қария бўлса, қўлига йўл-йўл шим ушлаб олиб, йиғлаб юборишига сал қолган иккинчи киши эса афтидан сеҳргарлик вазирлигининг вакилига ўхшайди.
 - Мана бу шимни кийиб олсанг бўлди, Арчи. Шу туришинг билан юрмайсан-ку, ахир. Дарвоза ёнида турган магл қандай хаёлга боради. Шундок ҳам у нимадандир шубҳаланиб қолганга ўхшайди...
 - Ахир мен ўша маглга ўхшаш магларнинг дўконидан харид қилганман бу кийимни, - қайсарлик қилди қария, - Маглар кияди буни...
 - Тўгри, Арчи. Фақат эгнингдаги кийимни магларнинг аёллари уйқуга ётишдан олдин кияди. Эрраклари киймайди, тушунсанг-чи, ахир, - зорланди вазирлик вакили шимни узатиб.
 - Йўқ, раҳмат, буни киймайман, - баёнот қилди ҳеч нарсани тушунмаётган қария, - Орқада ҳаво алмашиб туриши керак...
- Гап шу ерга келганида Гермионани шунақанги кулги тутиб қолдики, навбатдан отилиб чиқиб, аёлларнинг тунги кўйлагини кийган кекса Арчи сувини олиб, нари кетганидан сўнггина тинчланиб, жойига қайтди.
- Сув кўтариб юриш осон бўлмагани учун ҳам болалар ўз чодирлари томон нисбатан секин боришиди. Ҳамма ёқда таниш чехралар: «Хогварц» ўқувчилари ва уларнинг қавм-қариндошлари. Мактабни эндиғина тамомлаган Оливер Древ Гаррини ота-онаси билан таништириш учун чодирга тортиб кетди. У викор билан захира «Гўдаксон Юнайтед» жамоасига қабул килингандигини маълум қилди. Шундан сўнг уларни «Хуффльпуфф» факультетининг тўртинчи синф ўқувчиси Эрни Макмиллан тутиб олди. Сал юришгач, «Равенкло» жамоасининг Сайёди, ниҳоятда чиройли қиз Чу Чэнгни кўриб қолишиди. Табассум-ла кўл силтаётган Чэнгта жавобан кўл силтамоқчи бўлган Гарри эгнини шалаббо қилди. Тишининг оқини бекитиши учун бўлса керак, Гарри Ронга нотаниш ўслириналарнинг бошқа гурухини кўрсатди.
- Нима деб ўйлайсан, ким улар? - сўради Гарри, - «Хогварц»дан эмас-ку, тўгрими?
 - Бирон-бир хорижий мактабдан бўлишса керак-да, - жавоб қайтарди Рон, - Чет элларда ҳам бизнинг мактабимизга ўхшаш таълим муассасалари борлигини биламан-у, уларда таҳсил кўраётган ўқувчиларнинг бирортаси билан ҳам учрашмаганман. Билл қачонлардир бразилиялик бир ўқувчи билан ёзишиб юрган эди. Акам ўқувчиларни айирбош ўқитиш дастурига асосан Бразилияга ўқишга боришни орзу қилган-у, ота-онамнинг имконияти етмаган экан. Бил Бразилияга бора олмаслигини ёзиб юборгач, ўртоғининг жахли чиқиб, афсун ўқилган шляпа юборибди. Уни кийган Биллнинг қулоги қуруқшаб, бужмайиб қолди. Гарри кулиб қўйди-ю, хорижда ҳам сеҳргар болалар таҳсил кўрадиган ўқув даргоҳлари борлигига ҳайрон бўлганлигини кўрсатмади. Теварак-атроф турли миллат вакиллари билан қайнаб турган ушбу вазиятда «Хогварц»ни дунёда ягона сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби деб билиш бемаъни фикр бўлишини тушуниб етди. У Роннинг гапидан оз бўлса ҳам ҳайрон бўлмаган Гермионага кўз қирини ташлаб қўйди. Шубҳа йўқ-ки, Гермиона бирон-бир китобдан ўхшаш мактаблар ҳакида ўқиб билган.
 - Толқон еб, сизларни сувга юборадиган экан-да, - деди Фред, чодирга етиб келган болаларни кўриб.
 - Таниш-билишларни учратиб қолдик, - тушунтириди Рон, кастрюльканни ерга қўйиб, -

Үзингиз хали ўт ёқишига ҳам ярамабсиз-ку!

- Дадам гугурт ўйнаб ўтирибди, - деди Фред қоши билан имо килиб.

Мистер Уэсли чиндан ҳам ўт қалаш борасида муваффакият қозонмай ўтирган экан. Лекин тиришқоклик билан урингани күриниб турибди. Унинг атрофида синган гугурт доналари қалашиб кетган. Бирдан унинг күлидаги гугурт кутилмаганды чақилиб, ўт олди. Мистер Уэслининг юзи ва нихоят катта баҳтга эришган киши қиёфасини касб этди-ю, ёнаётган гугурт донасига ҳайрон бўлиб қараб қолганча, күлидан тушириб юбориб «Вой!» деб қўйди.

- Менга беринг, мистер Уэсли, - деди Гермиона мулойим оҳангда.

Қизалок гугурт билан қандай муомала қилиш кераклигини ҳаммага кўрсатиб қўйди.

Нихоят сайёхлар гулхан ёқишига муваффақ бўлишди. Бироқ олов ловуллаб, таом тайёрлашга яроқли бўлгунга қадар бир соат ўтди. Шундай бўлса ҳам болалар кўриб, танишиб ўтирадиган нарсалар кўп бўлди. Маълум бўлишича, Уэслиларнинг чодири ўйингоҳ томон олиб борадиган асосий сўқмоқ бўйида жойлашган экан. Гоҳ-гоҳида чодир ёнидан сехгарлик вазирлиги вакиллари мистер Уэсли билан саломлашиб ўтишди.

Фарзандлари вазирлик ишлари билан етарлидан ортиқ боҳабар бўлгани учун мистер Уэсли Гарри билан Гермионага чодир ёнидан ким ўтганлиги-ю, у нима билан шуғулланишини қисқача тушунтириб ўтирди.

- Мана бу Катберт Мокритц, Гоблинлар билан алоқа бўлими бошлиги... анави эса Гилберт Темниль, Экспериментал сехр-жоду қўмитасида ишлайди. Унинг бошидаги шохчалар ўсиб чиққанига анча бўлди... Ана, Арии келяпти... Арнольд Муротворс, амнезиатор, фавқулодда ҳолатларда сехр-жодуга барҳам бериш бригадасининг аъзоси, бундай департамент ҳакида айтган эдим, хабарингиз бор... Анави иккаласи Кешифр билан Дода... улар Тавсифланмайдиганлар...

- Ким улар?

- Хуллас, Сирли сехр бўлимида ишлашади. Ўта маҳфий бўлим. Нима билан шуғулланишларини тасаввур ҳам қила олмайман...

Гулхан нихоят авж олиб, тухум ва сосиска пиширса бўладиган холатга келгач, ўрмондан Билл, Чарли ва Перси чиқиб келди.

- Эндинина ҳавода пайдо бўлиб чиқдик, дада, - эълон қилди у, ҳамма эшитиши учун баланд овозда, - Вой-бўй, тушлик тайёрлаяпсиз-ми! Зўр-ку!

Сайёхлар сосиска ва тухумларнинг ярмини еб тугатаётган пайтда мистер Уэсли кўлларини силкитганча, ўрнидан иргиб турди. У басавлат юриб келаётган кишини чорлади.

- Аҳа! - қичқирди мистер Уэсли, - Бугунги кунимиз қаҳрамони! Людо!

Магл аёлларнинг тунги кўйлагини кийиб олган қария Арчи инобатга олинганда ҳам, Людо Шульман бугун учраган энг донгдор шахслардан бири бўлди. Людо энли кора-сариқ йўлли узун квидиш кийимини кийиб олган бўлиб, кўкрагига катта ари чаплаб чизилгани кўзга ташланади. У ўзига қарамай кўйган бакувват одамга ўхшайди. Эгнидаги коржома Англия терма жамоаси таркибида ўйнаб юрган даврларида бўлмаган қорнини маҳкам сикиб кўйган. Бурни синган. Афтидан Тажовузкор тўплардан бири пачоқлаган бўлса керак, хаёлидан ўтказди Гарри. Бироқ Людонинг юмалоқ мовий кўзлари, қиска қилиб олинган оч сариқ сочи ва юзининг соғлом туси жуда йирик, ҳатто ҳаддан ортиқ ўсиб кетган бўлса ҳам мактаб ўқувчисининг сиймосини яратиб турибди.

- Хей! - кувонч-ла қичқирди Шульман.

У худди оёғи остига пружина маҳкамлангандай юрар, кайфияти ҳаддан ортиқ кўтаринки эди.

- Артур, қария! Омонмисан! - пишиллади у, гулхан томон йўл олиб, - Қандай ажойиб кун, а! Нихоятда ажойиб кун! Айт-чи, бундан ортиқ бекусур об-ҳаво бўлиши мумкинми? Тунги осмон мусаффо бўлади... Ҳамма нарса бенуқсон тайёрланган... Менга ҳеч қандай иш колмабди!

Айни шу пайтда орқадан вазирлик сехгарларининг тинкаси куриган отряди аллақаерда баланд ёнаётган бинафша ранг сехрли гулханни Шульманга имо қилишганча югуриб

кетишиди.

Перси кўлини олдинга узатиб, Людени қарши олгани пешвоз чиқди. Шульманнинг ўз тасарруфидаги департаментни бошқариш услуги Персига ёқмаса-да, унда яхши таассурот қолдиришга уринди чоги.

- Ҳа, айтгандай, Людо, - деди мистер Уэсли Шульман билан саломлашиб, - Танишинглар. Ёнингда турган йигит ўғлим Перси. У вазирликда ишлайди. Булар ҳам менинг фарзандларим Фред, йўқ кечирасан, бу Жорж. Мана буниси Фред. Булар Билл, Чарли ва Рон. Буниси қизалогим Жинна. Булар эса Роннинг дўстлари Гермиона Грэнжер ва Гарри Поттер.

Гаррининг исмини эшитган Шульман билинар-билинмас болага такрор қиё бокиб, табиийки кўзини Гаррининг пешонасидаги чандикқа олиб ўтди.

- Болалар, - таништиришни давом эттири мистер Уэсли, - Бу киши Людо Шульман. У нима иш қилишини биласизлар. Айнан Люденинг ёрдами билан биз шундай яхши жойларга эга бўлдик.

Шульманнинг чехраси яшнаб кетди-ю, арзимайди дегандай камтарона қўл силтаб қўйди.

- Ўйинга бирон нарса тикишни истамайсан-ми, Артур? - завқ-ла таклиф киритди Людо қора-сариқ коржомасининг чўнтакларидағи дурустгина тангаларни жириングлатиб, - Родди Понтнер билан бас боғладик. Унинг фикрича, биринчи голни болгарлар урар эмиш.

Ирландия жамоасининг хужумчи-Овчиларилик кучли учликни кўрмаганимга қўп бўлганини инобатга ола туриб, ўзимга зарар келтирадиган бўлса ҳам, шарт қўйдим. Йўқ, у бари-бир гаров ўйнади. Агата Тиммс эса ўз тасарруфидаги илон балиқ етиштиришга ихтинослашган ферма акцияларининг ярмини тиқди. Унинг назарида ушбу ўйин бир ҳафта ҷўзилар экан.

- Хўп... ундан бўлса мен ирландияликлар ғалаба қозонишига бир галлеон тикаман.

- Бир галлеон? - деди Шульман, ҳафсаласи пир бўлгани сезилган бўлса ҳам, бу ҳақда фикр билдирамай, - Хўш, яна ким нима дейди?

- Уларга қимор ўйнагани ҳали эрта, - тез гапга аралашиб мистер Артур, - Молли билиб қолс...

- Биз ўттиз етти галлеон, ўн беш склат ва уч нут тикамиз, - эълон қилди Фред. Эгизаклар чўнтакларидан пул чиқаришиди.

- Ирландия ютади. Аммо Тилла чақонни Виктор Крум тутиб олади. Ҳа, айтгандай, биз мана бу соҳта сеҳрли таёқчани ҳам тикамиз.

- Мистер Шульманга бундай бемаъни нарса нима керак? - вишиллади Перси.

Аммо мистер Шульман сеҳрли таёқчани бемаъни нарса сифатида кўрмайди чоги. Аксинча, Фреднинг қўлидан олган таёқча қаттиқ чийиллаб, резина жўжага айланиб қолганини кўргач, ёш боладай завқланиб кетиб, хандон отиб юборди.

- Зўр-ку! Бундай пухта ишланган қалбаки нарсани кўрмаганимга қўп бўлган эди! Бунга беш галлеон бераман, розимисиз?

Жахли чиқкан Перси жим бўлди.

- Болалар, - деди мистер Уэсли вазмин оҳангда, - Дов тикишингизни истамаган бўлар эдим... Ахир бу сизларнинг жамики жамғармангиз-ку... ойингиз...

- Бунчалик мижғов бўлмасанг-чи, Артур! - деди жонланиб кетган Людо Шульман киссаларини жириングлатиб, - Болалар етарлича катта бўлиб қолишган. Нима қилишаётгани ва нима исташаётганини жуда яхши билишади! Демак, сизнингча, Ирландия ғалаба қозонади-ю, Тилла чақонни Крум тутиб олади, шундайми? Асло ундан бўлмайди, болалар, ҳеч қачон... Хўп, майли сизларга ҳам ўзимга зарар келтирадиган шарт қўяман... ва мана бу пулларингиз устига соҳта таёқча учун мен тўлайдиган беш галлеонни ҳам қўшамиз, тўғрими?...

Людо Шульман яшин тезлигида қаеридандир ёзув дафтарчасини чиқарди-да, эгизакларнинг исмларини ёзиб олди. Мистер Уэсли эса бўлаётган ишга чор-ночор қараб қолди.

- Ура! - кичкирди Жорж, Шульмандан олган пергамент парчасини кўкрак киссасига солиб.

Қилган ишидан мамнун бўлган Шульман мистер Уэслига боз юзланди.

- Чой дамлаб берасизми? Айтгандай, мен Барти Сгорбсни қидириб юрган эдим.

Болгарилик ҳамкасбим жуда қийнаб юборди. Алланима тўғрисида вайсайди-ю, ўлай агар бирор оғиз сўзини тушунсан. Барти эса бу масалада менга ёрдам бериши мумкин.

Адашмасам у юз элликта тил билади-ёв.

- Мистер Сгорбс-ми? - гапга аралашибди ҳозиргина бўлиб ўтган ишдан норозилик киёфасини йифиштириб қўйган Перси, - У икки юздан ортиқ тилда гаплаша олади! - хитоб килди у энтикиб, - Мистер Сгорбс ҳатто сув парилари тилида ҳам, тролль тилида ҳам, гоблин тилида ҳам...

- Тролль тилида ҳамма гаплаша олади, - қўл силтади Фред, - Ҳар томон бармоқ ўқтаб, ичичдан аста наъра тортсанг бўлди-да.

Перси Фредга ғазаб билан қараб қўйиб, чойнак остидаги чўғни титкилади.

- Людо, Берта Жоркиндан бирон-бир хабар бор-ми, - аста сўради мистер Уэсли, гулхан яқинидаги майсага узала тушиб ётиб олган Шульмандан.

- Гумдон бўлиб кетди-ю, хеч қандай хабари келмади, - беташвиш жавоб берди Шульман, - Гўрга кетадими, топилади-да! Бечора Берта... унинг мияси товукникидан кўп фарқ килмайди, Артур. Бунинг устига география масаласида Худо урган уни. Батамом овсар. Адашиб бирор-бир юртда кезиб юрмаган бўлса, қулогимни кесиб ташлайман. Мана кўрасан, октябрда ишга чикади-да: «Хали июль ўтгани йўқ-ку!», деб кўзларини чақчайтириб тураверади.

- Қидиргани одам жўнатадиган вақт бўлди шекилли, а? - аста сўради мистер Уэсли Перси Шульманга чой узатаётган фурсатда.

- Барти Сгорбс ҳам мана шу гапни қайтаргани қайтарган, - кўзини очди Шульман маъсум киёфа касб этиб, - Бироқ ҳозир қидирувга жўнатадиган одам йўқ! Чин сўзим. Ўзинг кўриб турибсан-ку, ахволни! Ана, қаранглар, итни эсласанг, қулоги кўринади! Барти пайдо бўлди.

Гулхан яқинида хавода сехргар пайдо бўлди. Унинг ташки киёфаси эскириб кетган квидиши кийимини кийиб, майсада чўзилиб ётган Людо Шульмандан қанча фарқ қилиш мумкин бўлса, шунча фарқ қиласди. Ёши ўтган, афтидан расмиятпараст, қаддини тик тутиб турган Барти Сгорбс эгнига бенуқсон тикилган костюм ва бўйинбоғ тақсан бўлиб, гард ҳам юқтиргмаган. Унинг оқ оралаган қисқа сочи ўртасидан ғайриоддий тўғри фарқ очилган. Чўткага ўхшаш мўйлови эса худди жазвал воситасида ўлчангандай текис кирқилган. Ботинкаси тозалигидан яркираб турибди. Нима учун Перси бу кишини Худо деб билиб, унга сажда қилишини Гарри энди тушунди. Қаерда бўлмасин жорий этилган барча қонун-қоидаларга сўзсиз амал қилиш шарт эканлигини Перси такрор ва такрор таъкидлаб келар эди. Мистер Сгорбс эса Кубок ўйинларига маглларга ўхшаб кийиниб келишга доир вазирлик томонидан қўйилган талабларни шу қадар аниқ бажарибди, магллар банкининг бошқарувчисидан мутлако фарқ қилмай қолибди. Вернон амаки мистер Сгорбснинг асл табиатини кўра билишига Гаррида шубҳа туғилди.

- Ташла ўзингни майсага, Барти, - таклиф қилди қувониб кетган Людо, ерга қўл уриб.

- Йўқ, Людо, раҳмат, - деди мистер Сгорбс, ёзғирик оҳангиди, - Сени қидирмаган жойим қолмади. Болгарлар Мўътабар Ложадан яна ўн иккита жой ажратилишини талаб қилишяпти.

- Ах, мана нима керак эканда, уларга! - хитоб қилди Шульман, - Мўътабар Ложа дегин. Мен эса «Мўъжизадор лозиманда», деб тушунибман. Бирам инглизча талаффузлари мудхиш-ей, уларнинг!

Ўз бошлиғига ярим таъзим қилиб турган Перси букри одамга ўхшаб кўринди.

- Мистер Сгорбс! - деди у, деярли эшитилмаган овоз билан, - Чой дамлай-ми?

Перси ҳам шу ерда эканлигига эндиғина эътибор каратган мистер Сгорбс хайрон бўлди.

- О, Уэзерби. Ҳа, раҳмат.

Фред билан Жорж чашкаларига қараб хиринглаб қўйишиди. Кулоклари пушти бўлиб кетган Перси эса чой дамлашга киришиб кетди.

- Айтгандай, Артур. Сен билан ҳам гаплашиб оладиган гаплар бор, - деди мистер Сгорбс ўткир нигохини мистер Уэслига қаратиб, - Али Бошир мухораба сўқмоғига ўтиб олди. Учар гиламларни мамлакатимиз худудига олиб кириш борасида департаментингиз томонидан жорий этилган тақиқлар хақида сен билан шахсан гаплашиб олмоқчи. Мистер Уэсли уф тортди.

- Ўтган ҳафта айнан шу масала юзасидан унга бойқуш йўллаган эдим. Мен унга юз, эҳтимол минг бор: гиламлар, магларнинг рўзгор буюми сифатида сехрланиши ман этилган обьектлар рўйхатига киритилган, деб айтганман. Кулогига гап кирадими ўзи?

- Бу масалада шубҳам бор, - шарҳлаб ўтди мистер Сгорбс, Персининг қўлидан чой олар экан, - Афтидан у ўзининг гиламларини юртимизга экспорт қилишни ўз олдига қўйиб олган бош мақсад деб биладиган кўринади.

- Бари-бир унинг гиламлари Англия супургиларининг ўрнини боса олмайди-ку, шундай эмасми? - гапга аралашди Шульман.

- Али Боширенг фикрича, учар гиламлар оиласиб ҳаракат воситалари бозорида ўз ўрнини топади, - тушунтиришга уриниб кўрди мистер Сгорбс, - Эсимда, бувамда ҳам ўн икки кишига мўлжалланган эксминстер гилами бўлган.

Даврада ўтирганлар орасида ўз аждодларининг амалдаги қонун-қоидаларга риоя этганлари борасида ҳеч қандай шубҳа туғилмаслиги учун бўлса керак, мистер Сгорбс дархол қўшимча қилиб қўйди:

- Табиийки, ўша даврларда бундай гиламлар ман этилмаган эди.

- Барти, ишларинг бошингдан ошиб ётган кўринади, а? - бепарво сўради Шульман.

- Етади, - куруқ жавоб қайтарди мистер Сгорбс, - Портшлюслар ҳаракатини бешта қитъада ташкиллаштириш, Людо, осон кечадиган иш эмас.

- Чемпионат ниҳоясига етса, сизлардан баҳтли одам бўлмаса керак, а? - сўради мистер Уэсли.

Бундай савол Людо Шульманни таажжублантириди.

- Баҳтли? Охирги маротаба бунчалик ҳузур қилганимни эслай олмайман, Артур!... Шундай бўлса ҳам, олдинда яна бир ҳаёт қувончи кутмоқда, шундайми, Барти? Хали кўп нарсаларни ташкиллаштиришимиз керак бўлади, а?

Мистер Сгорбснинг қошлари кўтарилиб кетди.

- Ҳеч қандай баёнот қилмасликка келишиб олган эдик-ку, токи барча тафсилотлар...

- Қўйсанг-чи, яна қанақа тафсилотлар! - қўл силтади Шульман, худди бир гала пашша кўриб юборгандай, - Тафсилотлар аллақачон пишитилиб, келишилиб бўлинган, шундай эмасми? Истаган нарсамни тикишим мумкин, болаларимиз бари-бир тез орада ҳамма гапдан хабардор бўлиб олишади. «Хогварц»да ўтираган тадбир...

- Людо, - кескин гапни бўлди мистер Сгорбс, - Бизни болгарлар кутяпти.

У бир ҳўплам ҳам ичмаган чойни Персига қайтариб, Людонинг ўрнидан туришини кутди.

- Чой учун раҳмат, Уэзерби.

Шульман чўнтағидаги тангаларни жиринглатганча, салмоқланиб оёққа туриш билан бир вактда қолган чойини ҳам симириб олди.

- Учрашгунча! - овоз кўтарди у, - Мўътабар Ложада бирга ўтирамиз. Мен ўйин шарҳловчиси бўламан.

У қўл силтади. Барти Сгорбс эса бошини боадаб иргиб қўйди. Шундан сўнг, иккала сехргар ҳам ҳавода даф бўлди.

- «Хогварц»да нима бўлади, дада? - зудлик билан сўради Фред, - Қандай тадбир тўғрисида гапирди?

- Тез орада ўзингиз билиб оласиз, - кулиб қўйди мистер Уэсли.

- Бу гап, сехргарлик вазирлиги томонидан ошкор этишга маҳсус рухсат берилгунга қадар сир тутилиши шарт бўлган маҳфий ахборот саналади, - такаббурланиб эълон килди Перси,

- Мистер Сгорбс бундай ахборотни сизларга ошкор эттирмай жуда тўғри иш тутди.

- Илтимос, овозингни ўчир, Уэзерби, - деди Фред, мулойим оҳангда.

Кун хотимасида умумий шодлик кайфияти чодирли лагерь узра гўё жисмонан хис

этладиган буутдай күтарила бошлади. Қош қорайган маҳалда ёз мавсумига хос ҳавонинг ўзи завқ-шавқдан титрай бошлади. Зулмат худди қора парда каби минглаб одамлар устига тушиши билан эҳтиёт чораларига амал қилишга доир ҳар қандай уриниш бехуда бўлди. Сехргарлик вазирлиги тақдирга тан бериб, ҳар дакика ўтган сари кўпайиб бораётган сехр-жодуни очиқдан-очиқ намоён этиш ҳолатларига қарши курашни бас қилди. Ҳавода, ҳар бир неча фут нарида, турли туман ғайриоддий моллар терилган тахталарнинг қайишини бўйнидан ўтказиб осиб олган ёки арава етаклаб юрган савдогарлар пайдо бўла бошлашди. Бундай моллар орасида: Ирландия учун яшил ва Болгария учун қизил тус бериб ёришганча, ўйинчилар исмини кичқириб айтадиган тўгаракчалар; раксга тушадиган себарга чирмалган яшил чўққидор шляпалар; чинакамига наъра тортадиган шерлар билан безалган болгар шарфлари; иккала мамлакатнинг, силтаганда миллий мадхиясини ижро этадиган давлат байроқлари; «Чақмок» русумли супургининг чинакамига учадиган митти моделлари; машҳур ўйинчиларнинг одам кафтида юриб, ўзини ўзи мақтаб бақирадиган митти қоматлари каби эсадалик совға-салом буюмлари кўринди.

Гарри, Рон ва Гермиона эсадалик совға сотувчилидан бирининг ёнига боришли.

- Мен ёз бўйи айнан мана шу буюмлар учун пул тўпладим, - деди Рон.

У ўзига раксга тушадиган себарга чирмалган яшил чўққидор шляпа, яшил тус бериб ёришадиган тўгаракча ва Болгария жамоасининг Сайёди Виктор Крумнинг митти қоматини харид қилди. Жажжигина Крум Роннинг кафтида яшил тўгаракчага хўмрайиб юрди.

- Вой-бўй, бу ёққа қаранглар! - қичқирди Гарри, мис бинокллар тўла арава ёнига югуриб. Ушбу биноклларда аллақандай чиройли тугмачалар-у, рақамли доирачалар жуда қўп экан.

- Келинг, омниокулярдан олиб қолинг! - файрат-ла таклиф қилди сотувчи, - Қаранг, омниокулярнинг кузатилаётган вазиятни такроран кўриш... харакат суръатини секинлатиши... имкониятлари бор. Агар керак бўлса, вазиятнинг тегишили фурсатини батафсил таҳлил қилиб кўрсатиши мумкин. Агар уч дона оладиган бўлсангиз, икки донасиға атиғи ўн галлеон тўласангиз бас.

- Ана бўлмасам. Шляпа олишга озгина шошиб қолибман-да, - деди Рон омниокулярга қизиқиб қараб.

- Уч дона оламан, - деди Гарри сотувчига мурожаат қилиб.

- Нима қиляпсан... керак эмас, - деди Рон қизариб.

Ота-онасидан бироз бойлик мерос қолган Гарри нисбатан бойроқ эканлигини Рон доимо қандайдир оғир қабул қиласди.

- Ол, бу сенга. Аммо Рождество байрамига мендан ҳеч нарса кутма, - деди Гарри Рон билан Гермионага биттадан омниокуляр бериб, - Ўн йил кутма, тушундинг-ми?

- Келишдик, - деди Рон кулиб.

- О-о-о, Гарри, раҳмат, - деди Гермиона завқланиб, - Ундан бўлса, мен бориб ўйин дастурини сотиб олай...

Ҳамёнларини анчагина бўшатиб олган болалар чодирга қайтишли. Билл, Чарли ва Жинна ҳам биттадан яшил тўгаракча тақиб олишган. Мистер Уэсли эса Ирландия байробини силтаб ўтирибди. Фред билан Жорж ҳеч нарсасиз қолиши.

Уларнинг жамики пуллари Шульманнинг киссасида кетди.

Ўрмон ортидан зангнинг узоқ эшитилган қаттиқ зарбаси янгради. Шундан сўнг, дараҳтлар орасида ўйингоҳ томон олиб борадиган йўлларни ёритувчи қизил ва яшил чироқлар ёнди.

VIII БОБ.

ЖАҲОН КУБОГИ

Бозорликларини маҳкам ушлаб олган болалар мистер Уэсли бошчилигига фонуслар ёритиб турган сўқмоқ бўйлаб ўрмон ичига кириб кетиши. Атрофда эшитилаётган шитир-шитир товушлар, хитоб, ўйин-кулги, қўшиқ ўрмонда бораётган болаларга тумонат одам ҳамроҳ бўлиб келаётганидан далолат бермоқда. Ҳаяжонли, ошиғич тўлқинланиш кайфияти шу қадар юқимли эдики, Гарри, Рон ва Гермиона ҳам юрган йўлида куйган

калладек беихтиёр кулиб борищди. Улар тахминан йигирма дақиқа баланд овозда гаплашиб, ҳазил-мутойиба қилиб юргач, нихоят ўрмоннинг нариги томонига етишди. Одамларнинг кўз ўнгидга тилла рангли улуғвор девор билан ўралган бепоён ўйингоҳ пайдо бўлди. Зим-зиё қоронғилиқда қад кўтарган деворнинг атиги бир қисми кўринаётган бўлса ҳам Гарри, ушбу ўйингоҳ сарҳадларига бир эмас ўнта кафедрал собор жойлашиши мумкинлигини тасаввур қилди (*Кафедрал собор – маъмурий черков окружидаги бош черков, катта бутхона*).

- Юз минг ўринли ўйингоҳ, - деди мистер Уэсли Гаррининг ҳанг-манг бўлиб қолганини кўриб, - Уни барпо этиш учун вазирликнинг беш юз нафар ходими йил бўйи тер тўқди. Мана бу деворнинг ҳар бир дюйми Маглчўчиши афсуни билан қопланган. Йил давомида ўйингоҳга яқинлашган ҳар қандай маглнинг ёдига қандайдир шошилинч иши тушиб, бу ердан жуфтакни ростлаб колди... бечоралар, - қўшиб қўйди у мулоимлик билан. У болаларни ўйингоҳнинг яқин ўртадаги халойик тўпланиб қолган кириш эшиги томон етаклади.

- Зўр жойлар, Артур! - хитоб қилди чипта текшираётган афсунгар аёл, - Мўътабар Ложа! Юқорига, охиригача кўтарилинг!

Зинапояга тўқ қизил гилам тўшалган. Улар чап ва ўнг томондаги намойишгоҳларга кириб бориладиган эшиклар томон тарқаб, тобора сийраклашиб бораётган халойик билан бирга юқорига кўтарилиди. Мистер Уэсли ва унинг ҳамроҳлари эса кўтарилишини давом эттириди. Нихоят улар намойишгоҳнинг энг юкори нуқтасига чикиб, тилла ходаларнинг ўртасида жойлашган кичик ложага етиб келишди. Бу ерда тилла суви юритилган йигирматача тўқ қизил кресло икки қатор ўрнатилган. Гарри қолган Уэслилар билан биргалиқда олдинги қаторга жойлашди. Унинг кўз олдида ўхаши топилмас, кўрмай туриб тасаввур қилиш қийин бўладиган манзара очилди.

Овал шаклидаги узун майдонни ўраб турган кўп қаватли намойишгоҳлар минглаб сехргар эркаклар-у, афсунгарлар аёллар томонидан аста-секин эгаллана борди. Ҳамма ёқни гўё ўйингоҳнинг ўзи тарататётган тилла тусли ажаб шуъла қамраб олган. Юқоридан қаралганда ўйин майдони баҳмал каби текис ва силлиқ кўринди. Майдоннинг қарама-қарши томонларида учтадан, ҳар бирининг бўйи эллик фут келадиган, ҳалқали ходалар тик ўрнатилган. Мўътабар Ложанинг кархисида, деярли кўз сатҳида тоштахта ўрнатилган. Ушбу тахтада, худди кимнингдир кўринмас қўли ёзиб, сўнг ўчираётгандай сатрлар югуриб юрибди. Ёзув мазмунига эътибор қаратган Гарри унинг реклама матни эканлигини англади.

Оила маркиби учун мўлжалланган, ишончили, хавфсиз, ўгриларга қарши сигнализация воситаси билан жиҳозланган «Гуртензия» русумли супурги... Миссис Шваберснинг расвогарчиликни ўчириши универсал воситаси: заҳмат чекмай – доғсиз бўлиш!...
О’Требъенning модалар дўкони – Лондон, Париж ва Хогсмёддан келтирилган сехгарлар кийими...

Гарри тоштахтадан кўзини узиб, атрофга қаради: кизик, Мўътабар Ложада яна кимлар ўтирибди экан? Орқа қаторда, охиридан олдинги ўринда ўтирган миттигина маҳлуқдан бошқа ҳозирча ҳеч ким йўқ. Юзини кафти билан тўсиб олган, ошхона сочиғини танасига тога сифатида ўраб олган ушбу маҳлуқчанинг қисқагина оёқлари креслодан осилиб тушмай, олдинга туртиб чиққан (*Тога – қадимги Рим эркакларининг устки кийими*). Маҳлуқчанинг кўршапалак қулогига ўхашаш катта қулоги Гаррига сал-пал таниш кўринди...

- Добби? - ҳайрон бўлиб сўради у.

Бошини кўтарган митти маҳлуқ, юзига босиб олган бармоқларини икки томонга суриб, катта-катта жигар ранг кўзлари ва ўлчами ҳам, шакли ҳам йириккина помидорга ўхашаш бурнини очди. Йўқ, бу Добби эмас, лекин Гаррининг ўртоғи Добби каби уй эльфи эканлиги шак-шубҳасиз. Гарри Доббини унинг хўжайини Малфойдан халос этиб, озодликка чиқарган.

- Сэр чиндан ҳам мени Добби деб чакирди-ми? - ҳайрон бўлиб сўради эльф, бармоқларини

юзидан олмай.

Гарри, бундай махлуклар жинсининг фарқига бормаса ҳам Доббининг овозига нисбатан ингичка, паст ва титроқ эшитилган чийилдок овоздан, ушбу эльфни ургочи бўлса керак деб ўйлади. Рон билан Гермиона кескин ўгирилиб махлукчага юзланди. Улар Добби ҳақида кўп эшитишган бўлса-да, ҳали уни бирор маротаба бўлсин, кўришмаган. Ҳатто мистер Уэсли ҳам қизиқиб бошини ўгириди.

- Маъзур кўринг, - деди Гарри эльфга, - Мен сизни бир танишим билан адаштириб қўйибман.

- Добби менинг ҳам танишим бўлади, сэр! - чийиллади эльф.

Мўътабар Ложа кучли ёритилмаган бўлса ҳам эльф, худди қўзини нурдан тўсиб олгандай юзини кўли билан боз бекитиб олди.

- Менинг исмим Винки, сэр... сиз эса сэр, - десерт ликопидай келадиган жигар ранг кўзларини боланинг пешонасидаги чандиққа қаратгач, - Сиз, сэр, Гарри Поттер эканлигингиз аниқ!

- Худди шундай, - тасдиқлади Гарри.

- Добби сиз ҳақингизда жуда кўп гапиради, сэр!

Винки кўлларини сал пастроқ туширди. Афтидан довдираб қолганга ўхшади.

- Доббининг ишлари қалай, - қизиқди Гарри, - Хуррият ёқди-ми унга?

- Ах, сэр, сэр, - Винки бош чайқади, - Сизни хафа қилмоқчи эмасман-у, Доббини озод этиб, унга кўп ёрдам бера олмадингиз чоғи.

- Нега энди? - таажжубланди Гарри, - Унга нима қилди?

- Хуррият бошини айлантириб қўйди, сэр, - маъюс жавоб қайтарди Винки, - Қўлидан келмайдиган ишга бел боғлади. Энди эса ўзига иш топа олмаяпти, сэр.

- Нега энди? - боз такрорлади Гарри.

Винки овозини пасайтириб пичирлади:

- Иш ҳақи талаб қиляпти, сэр.

- Иш ҳақи? Буни... буниси нимаси ёмон?

Гаррининг сўзларини эшишган Винки қаттиқ таажжубланиб, бармоқлари билан юзининг ярмини тўсиб олди.

- Уй эльфларига иш ҳаки тўланмайди, сэр! - бўғиқ чийиллади у, - Йўқ, йўқ, йўқ, сэр. Мен Доббига ўзингни босиб ол, бирон-бир яхши хонадон топиб, хизматини қил дедим. Унинг миясида эса эльфга ярашмайдиган ҳар хил бўлмағур ғоялар қайнайпти. Агар шу аҳволда давом этсанг, сени шартта босиб олишади-да, Сехрли махлуклар устидан назорат бўлимига аллақандай гоблинга ўхшатиб тортқилаб топширишади дедим.

- Умуман айтганда, - фикр билдириди Гарри, - Добби бир оз дам олса ёмон бўлмайди.

- Уй эльфларининг қисматига дам ёзилмаган, Гарри Поттер, - катъий баёнот қилди Винки бармоқлари орасидан қараб, - Уй эльфлари ўзларига тайинланган ишни бажаришлари шарт. Мана мисол учун мен, баландлиқдан ўлгундай қўрқаман, Гарри Поттер, лекин сохибим шу ерда ўтиришни амр қилган экан, ўтирибман, сэр.

Винки, ложанинг четига титраб-қақшаб қараганча, ютиниб қўйди.

- Баландлиқдан қўрқишингизни била туриб, нега у сизни бу ёққа жўнатди? - қошини чимириди Гарри.

- Соҳиб... соҳиб... жой банд қилиб туришни буюрди, Гарри Поттер, у жуда ҳам сериш киши, - тушунтирган бўлди Винки, бўшлиқ томон бош иргиб, - Винки ўз соҳибининг чодирига қайтишни жуда хоҳлайди, Гарри Поттер, лекин Винки тайинланган ишни бажаради. Винки жуда яхши уй эльфи.

Винки, ложанинг четига яна бир бор титраб-қақшаб қараганча, даҳшатдан юзини тўсиб олди. Гарри шериклари томон юзланди.

- Уй эльфи дегани шу экан-да, - ғудуллади Рон, - Жа ғалати-ку.

- Добби бундан ўтиб тушади, - деди Гарри.

Рон омниокулярини чиқариб, қарама-қарши томондаги одамлар томон йўналтирганча, асбонинг қандай ишлашини текширишга киришди.

- Зўр-ку! - хитоб қилди у, такрорий кўрсатиш ричагини бураб, - Хўанави кишини яна бир бор... яна бир бор... ва яна бир бор бурун ковлашга мажбур қила олар эканман.

Бу вактда Гермиона попук осилган баҳмал муқовали ўйин дастурини завқ билан вараклаб чиқди.

- Ўйин бошланишидан олдин жамоаларни қўллаб-қувватлаш гурухларининг чиқишилари намойиш этилади, - ўкиди у, овоз чиқариб.

- О, бундай томошалар ҳар доим жуда кизиқарли ўтади, - хитоб қилди мистер Уэсли, - Ҳар бир мамлакатнинг терма жамоаси ўз тумори сифатида ҳам, ўзини ўзи бошқаларга кўрсатиш учун ҳам... ўз юртининг сехрли маҳлукларини ўзи билан албатта олиб юради. Кейинги ярим соат ичида болалар ўтирган ложа томошабинларга аста тўла бошлади.

Мистер Уэсли вазирликнинг, афтидан жуда катта мансабдор шахслари билан тинимсиз қўл бериб саломлашди. Перси ўрнидан шу қадар тез-тез туриб-ўтириди-ки, четдан кузатган одам унинг креслосида типратикан бўлса керак, деб ўйлаши муқаррар. Ложага сехгарлик вазири Корнелиус Фуж кириб келганида эса Перси шу қадар чуқур таъзим айладики, ҳатто кўзойнаги тушиб кетиб, чилпарчин бўлди. Ҳаддан ортиқ хижолат тортган Перси кўзойнагини сехрли таёқча воситасида тузатиб олди-да, креслосидан қайтиб турмади. Лекин Корнелиус Фуж ўзининг қадрдан дўсти каби саломлашган Гаррига ҳасад билан қараб-қараб турди. Гарри билан муқаддам учрашган Фуж боланинг қўлини оталарча силтаб, ишларини сўради ва ёнида ўтирган сехгарларга таништириди.

- Танишинг, Гарри Поттер, - деди у Болгария сехгарлик вазирига.

Зар ука билан адипланган серҳашам қора баҳмал кийим кийган болгар вазири инглиз тилини мутлақо тушунмайдиган кўринади.

- Гарри Поттер, тушуняпсиз-ми... нима қилсан бўлар экан сизларни... бу бола кимлигини биласиз... Ўзингиз-Биласиз-Ким ўлдира олмай, омон қолган бола бу... у хақда эшитгансиз, албатта...

Бирдан Болгария вазири Гаррининг пешонасидаги чандиққа эътибор қаратиб, алланималарни вайсай бошлади.

- Хайрият, тушунди, - деди уф тортган Фуж Гаррига мурожаат килиб, - Тил билмасанг ҳам бир бало. Барти Сгорбс керак. Ҳа, ана, унинг эльфи соҳибига жой банд килиб турибди... бир томондан банд қилиб кўйгани ҳам жуда яхши бўлиби. Мана бу болгар нусхаларга кўйиб берсанг энг яхши жойларнинг ҳаммасини эгаллаб олишдан тоймайди... Ана Люциус ҳам етиб келди!

Гарри, Рон ва Гермиона учовлон бир вактда оркага ўтирилди. Иккинчи қатордаги учта бўш ўринни Доббининг собиқ хўжайнлари Люциус Малфой, унинг ўғли Драко ва яна аллақандай аёл, афтидан Драконинг онаси бўлса керак, эгаллашди.

Драко Малфой билан Гарри иккаласи «Хогварц-Экспресс»да илк бор учрашган кундан бўён бир-бирига душман бўлиб қолишган. «Слизерин» коллежида таҳсил қўрадиган, димоғдор, рангпар юзи бир оз чўзилган, сочи платина рангли Драко қуйиб кўйгандек отасига ўхшайди. Онасининг ҳам сочи оқ сарик бўлиб, бўйи новча, қадди-қомати келишган аёл. Агар юзини худди бурнининг тагига аллақандай қўланса нарса суртиб кўйилгандай буришириб олмаганида, ушбу аёлни соҳибжамол деса бўлар эди.

- А, Фуж, - овоз берди мистер Малфой вазирга қўл узатиб, - Соғликларингиз яхшими? Адашмасам, рафиқам билан таниш эмассиз? Нарцисса... ва ўғлимиз Драко.

- Хурсандман, хурсандман, - ғудуллади Фуж, табассум-ла миссис Малфойга таъзим айлаб,

- Ижозатингиз билан мен ҳам таништириб ўтсам. Бу киши мистер Обланск... Обалонск... қисқаси Болгария сехгарлик вазири. Бари-бир инглизчани тушунмайди. Шундай экан унга эътибор қаратмасангиз ҳам бўлаверади. Ҳўш, ўйлайман-ки, Артур Уэсли билан танишсизлар?

Гайритабиий сукут қарор топди. Мистер Уэсли билан мистер Малфой бир-бирига қараб қолишибди. Гарри уларнинг «Жимжимадор ва сиёҳ доги» китоб дўконида муштлашув билан якун топган учрашувларини эсга олди. Мистер Малфой ўзининг пўлат қўзлари билан мистер Уэслига дикқат билан совук разм солиб, креслоларнинг олдинги қаторига кўз

югуртириб чиқди.

- О, Муқаддас фалак, - аста хитоб қилди у, - Мўътабар Ложадан жой олиш учун нима иш қилган эдинг, Артур? Ахир уйингни сотсанг ҳам шунча пул олмас эдинг-ку?

Уларнинг сухбатига қулоқ солмаган Фуж кувонч билан маълум қилди:

- Артур, сенга шуни айтиб қўймоқчиман-ки, Люсиус тунов қуни Муқаддас Резги шифохонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтига олиҳиммат хайр-эҳсон қилди. Бу ерга эса менинг таклифим билан ташриф буюрди.

- Жуда... яхши иш бўлибди, - деди мистер Уэсли зўрма-зўраки жилмайиб.

Мистер Малфой нигохини Гермионага қаратди. Кизалоқнинг ранги пушти бўлиб кетди-ю, лекин мистер Малфойнинг нигохини қатъий қарши олди. Гарри мистер Малфойнинг нима сабабдан истехзоли иршайиб қараётганини жуда яхши билади. Малфойлар асилзода сехгарлар тоифасига мансублигидан жуда кеккайдилар. Бошқача килиб айтганда, Малфойлар магллардан чиққан сехгарларни паст табақали кишилар сифатида кўрадилар. Бироқ айни дамда мистер Малфой сехгарлик вазири олдида ўзининг ушбу масалага оид номаъкул фикрини билдира олмайди. У мистер Уэслига нафрат билан бош иргиди-да, ўз жойи томон йўл олди. Драко ҳам Гарри, Рон ва Гермионага калондимоғ қараб қўйиб, ота-онасининг ортидан эргашди.

- Қалтис ҳайвонлар, - тўнғиллади Рон.

Учовлон ўйин майдонига юзланди. Шу пайтда ложага Людо Шульман ҳовлиқиб кирди.

- Жамоа жамми? - қаҳқаҳлаб қўйди у.

Унинг юм-юмалоқ башараси бир калла эдам пишлоги каби ялтираб турибди.

- Муҳтарам вазир, бошлашга тайёрмисиз?

- Модомики сен тайёр экансан, Людо, мен ҳам тайёрман, - хайриҳоҳлик-ла инонтириди Фуж.

Людо сехрли таёқчасини чиқариб, ўз томоги томон бир силтади-да:

- Сонорус! - деб, ўйингоҳга йигилган томошабинларга мурожаат қилди.

Унинг овози намойишгоҳларни охиригача тўлдириб ўтирган томошабинларнинг шовшувини батамом босиб кетди.

- Муҳтарам хонимлар ва жаноблар... Хуш келибсиз! Квидиш бўйича тўрт юз йигирма иккинчи жаҳон чемпионатининг финал ўйинига хуш келибсиз!

Томошабинлар айюҳаннос солиб, қарсак уришди. Ҳавода минглаб байроқлар чайқалиб, умумий шовқин-суронга бир маромда янграмаган миллий мадхиялар аралашиб кетди. Каттакон тоштахтадаги сўнгти: *Барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнгоклари. Ҳар бир ютумда ҳалокатли таҳлика!* реклама матни ғойиб бўлиб, ўрнига «БОЛГАРИЯ: 0, ИРЛАНДИЯ: 0» ёзуви пайдо бўлди.

- Ҳозир эса эътиборингизга, ҳеч қандай сусткашлиқка йўл қўймаган тарзда, Болгария жамоасини қўллаб-қувватлаш гурухининг чиқиши ҳавола этилади!

Намойишгоҳларнинг қизил рангли ягона ҳалқ оммасидан ташкил топган ўнг томони эълонни маъқуллаганча бўкириб юборди.

- Кизиқ, жуда кизиқ, - деди мистер Уэсли бироз олдинга эгилиб, - Ах!

Бирдан у кўзойнагини ечиб, коржомасининг этаги билан жуда тез артиб олди-да, боз тақди.

- Вейлалар! - хитоб қилди мистер Уэсли.

- Вейла деганингиз ни?...

Айни шу пайтда ўйингоҳга Гаррининг оғзида қолиб кетган саволига ўзининг пайдо бўлиши билан жавоб берган юзтacha вейла сирпаниб чиқди. Булар аёллар... Гарри ҳали умрида кўрмаган нихоятда соҳибжамол аёллар... Фақат улар... улар одам бўлиши мумкин эмас... Гаррининг боши қотди. Одам бўлишмаса, ким улар? Нима учун уларнинг баданлари кумуш сингари, ялтираб кетди? Нега энди шамол эсмаётган бўлса-да, уларнинг оқ-тилла тусли соchlари бунчалик чиройли ҳилпирайяпти? Бирдан мусика эшитилди. Энди Гаррини вейлаларнинг ғайриинсоний табиати ҳам, умуман айтганда, бошқа нарсалар ҳам мутлако кизиктирмай қўйди.

Вейлалар рақс туша бошлади. Гаррининг мияси эса батамом ва хушбаҳт бўшаб қолди. Ҳозир энг муҳими вейлалар ўз рақсини тўхтатмаслиги. Акс ҳолда мудхиши ҳодиса юз бериши мумкин...

Вейлаларнинг рақс суръати тобора жадаллаша борди. Гаррининг гангиб қолган хаёлида ақлга сифтмайдиган, мубҳам фикрлар түғён ура бошлади. Шу тобда у бирон-бир салмоқли иш кўрсаткиси келиб қолди. Мана шу ложадан майдонга сакрасин-ми... яхши фикр... лекин чиндан хам яхшимикан?

Узоқдан Гермионанинг овози эшитилди:

- Гарри, нима киляпсан?

Мусиқа тўхтади. Гарри кўзини пирпиратиб олди. У оёқларини жуфтлаб олганча, ложанинг четига туриб олибди. Рон ҳам унинг ёнида, гўё трамплиндан сакрашга шай бўлгандай айнан шу ҳолатда турибди.

Ҳамма ёқдан томошабинларнинг дарғазаб қичқириклари эшитилди. Ҳалқ вейлаларни кўйиб юборишни хоҳламаяпти. Гарри бор вужуди билан уларга берилган. Турган гапки, энди у Болгария жамоасига муҳлислик килади. У кўкрагига қадаб кўйилган яшил себаргага ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Хаёли қочган Рон эса шляпасидаги себаргани узиб ўтирибди. Мистер Уэсли мулойим кулиб, Роннинг қўлидаги шляпани олиб қўйди.

- Ирландлар чиқсин, кўрасан, бу сенга жуда керак бўлади.

- А?

Рон оғзини катта очганча, майдоннинг бир томонига текис саф тортган вейлаларга анграйиб қолди.

Тилини қаттиқ тақиллатган Гермиона Гаррини тортиб, жойига ўтқизиб қўйди.

- Ўзингни идора килиб олсанг-чи! - сўкиб берган бўлди у.

- Энди эса муҳтарам хонимлар ва жаноблар, - боз янгради Людо Шульманнинг овози, - Марҳамат қилиб сехрли таёқчаларингизни кўтариш... ва Ирландия жамоасини қўллаб-кувватлаш гурухини қарши олиб, олқишлишланг!

Кейинги фурсатда ўйингоҳга ниҳоятда улкан яшил-тилла рангли комета ёпирилиб кирди. У ўйин майдони узра гир айланиб, иккита, нисбатан кичикроқ кометага бўлинди-да, ўйингоҳнинг икки томонидаги ҳалқали ходалар томон учди. Дафъатан, майдон узра, ушбу иккита ёргулик шарини ўзаро боғлаган камалак хосил бўлди. Ҳалойиқ салют отилганда хитоб қилгандай, баланд овозда «Ох!» ва «Ах!» деб ўкириб юборди. Шундан сўнг, камалак хиралашиб, ёргулик шарлари боз бирлашди-да, ҳилпираб турган катта себаргага айланиб, осмонга баланд кўтарилиди ва намойишгоҳлар устида аста суза бошлади. Айни вактда ундан... ҳа, ҳа, тилла тангалар ёмғири қўйилди...

- Қойил! - қичқирди Рон, себарга улар устидан учиб ўтганда.

Себаргадан томошабинлар бошлари-ю, креслолардан сапчиб учайтган оғир тилла тангалар тўкилди. Кўзини кисиб, юқорига қараган Гарри ушбу себарга аслида эгнига қизил нимча кийиб, қўлига яшил фонусча ушлаб олган минглаб миттигина соқолли одамчалардан ташкил топганини идрок этди.

- Непречёмлар! - гулдурос қарсаклар ичра хитоб қилди мистер Уэсли.

Намойишгоҳлардаги аксарият одамлар курсилар остида бир-бирини туртганча, тилла теришга киришиб кетди.

- Ма, ол, - бақирди баҳтиёр Рон, Гаррининг қўлига бир сиқим тилла танга ушлатиб, - Бу омниокуляр учун! Энди Рождествога менга совга олиб беришинг керак бўлди, ҳа-ҳа-ҳа! Улкан себарга кўз очиб юмгунча ҳавода даф бўлди. Непречёмлар ўйин майдонига, вейлаларнинг рўпарасига тушиб, квидиш томоша қилиш учун чордана куриб ўтириб олишди.

- Хонимлар ва жаноблар, қарши олинг... Квидиш бўйича Болгария миллий терма жамоаси! Ижозатингиз билан таништириб ўтаман: Димитров!

Супурги эгарлаган қизил кийимли ўйинчи муҳлисларнинг гулдурос қарсаклари остида ўйингоҳ пастидан ҳавога шу қадар тез учиб кўтарилдики, томошабинлар қўзига худди хира дөғ сингари кўринди.

- Иванова!

Иккинчи ўйинчи ҳам шу тарзда учеб чиқди.

- Зограф! Левски! Вулчанов! Волков! Вааааааа - Крууууум!

- Ана у, ана у! - бакирди Рон, Крум ортидан омниокулярни буриб.

Гарри ўзининг омниокулярини тез созлаб олди.

Озгин, қора сочли Виктор Крум юзининг синиқан ранги, бурнининг катталиги ва қора қошларининг қалинлиги билан ажраб турибди. Ёши эндигина ўн саккизга кирганига ишониш қийин.

- Қарши олинг... Квидиш бўйича Ирландия миллий терма жамоаси! - зўр бериб бақирди Шульман, - Таништириб ўтаман: Конноли! Райан! Трой! Муллет! Моран! Квигли! Вааааааа - Линч!

Ўйин майдонига еттита яшил доғ учеб чиқди. Гарри омниокулярдаги митти мурватни бураб, ўйинчилар харакатини шу қадар секинлатдики, супургиларидағи «Чақмоқ» сўзи ва ўйинчилар кийимининг орқа томонига кумуш ҳарфлар билан тикиб битилган фамилияларни ўқий олди.

- Ўйин ҳаками, олис Мисрдан ташриф буюрган, Халқаро квидиш ассоциациясининг сехргар-раиси хурматли Хасан Мустафо! Олқишилар!

Ўйин майдонига кичкинагина, мажмагил, эгнига ўйингоҳ рангига мос коржома кийган, тепа кал, аммо Вернон амаки ҳавас қиласа арзийдиган узун мўйловли сехргар чиқди.

Мўйлов остида кумуш хуштак кўринди. Ҳакам бир қўли билан катта ёғоч сават кўлтиқлаб, иккинчиси билан эса супургисини ушлаб чиқди. Гарри омниокулярнинг тезлик ростлагичини бураб, меъёрий холатга келтирди ва Мустафонинг супурги эгарлагани ҳамда оёғи билан бир тепиб, сават қопқоғини очганини кўрди. Сават ичидан тўртта тўп, хусусан: битта қизил Кваффл, иккита Тажовузкор ва кўздан ғойиб бўлишидан олдин Гарри бир сония ичидан кўриб қолишига улгурган миттигина, қанотли Тилла чаққон отилиб чиқди. Қаттиқ хуштак чалган Мустафо тўплар ортидан ҳавога кўтарилди.

- Тўплар ҲАВОДАААААААА! - ўкирди Шульман, - Кваффл Муллетда! Трой! Моран! Димитров! Муллетга қайта оширилди! Трой! Левски! Моран!

Бунақангি квидишни Гарри ҳали кўрмаган! У омниокулярни кўзига қаттиқ босиб олган чамаси, кўзойнагининг банди қаншарига ботиб, оғритди. Ўйинчиларнинг учиш тезлиги ҳақиқатдан йирок. Кваффл бир Овчидан бошқасига шу қадар тез ўтмоқдаки, Шульман фамилияларни айтишга базўр улгуряпти. Гарри омниокулярнинг ўнг томонидаги «секинлатиш» мурватини бураб, «батафсил кўриш» тугмасини босди-да, ўйинни суст суръатда томоша килди.

Ирландларнинг уч нафар Овчиси ягона ҳайбатли сафга тизилгач, Гарри омниокуляр экранида кўринган: «Қарчигай боши ҳужумкор сафи» изохли ёзувни ўқиди. Трой сал олдинда, Муллет билан Моран ундан бир оз орқада бориб, болгар ҳалқалари томон шиддат билан учишмоқда. Қўлига Кваффлни ушлаб олган Трой гўё юкорига кўтарилимоқчи бўлгандай харакат бажариб, болгарлар Овчиси Ивановани ортидан жалб этди, ўзи эса айни пайтда Кваффлни Мораннинг қўлига улоктириди. Омниокуляр экранида: «Улепётов найранги» изохли ёзуви кўринди. Болгарларнинг Уриб қайтарувчиларидан бири Волков қўлидаги қисқа клошка билан яқин келган Тажовузкорни уриб, Моран учайтган йўналиш томон йўллади. Моран чап берганча пастга ўнгиди-ю, Кваффлни қўлидан чикариб юборди. Қаердандир пайдо бўлиб қолган болгар Овчиси Левски тўпни ушлади-да ва...

- ГОЛ! ТРОЙ БОЛГАР ҲАЛҚАЛАРИНИ ИШФОЛ ЭТДИ! - ўкириб юборди Шульман.

Ўйингоҳ айоҳаннос ва гулдурос қарсаклардан титраб кетди.

- 10:0 Ирландия олдинда, - бақирди Людо.

- Нима? - бақириб юборди бошини айлантирган Гарри, омниокулярни туширмай, - Кваффл Левскида-ку, қанақасига Трой уради?

- Гарри, агар ўйинни меъёрий тезликда кўрмас экансан, ҳамма нарсани ўтказиб юборасан!

- қичқирди турган жойида сакраб, қўлларини силтаётган Гермиона.

Айни пайтда Трой ўйин майдони узра иззат-икром доираси бўйлаб учеб юрмокда. Тўсик

олдида ўйин томоша қилиб ўтирган непречёмлар тўдаси барадла ҳавога қўтарилиб, ниҳоятда улкан, ялтираб турган себарга шаклини яратди. Майдоннинг нариги томонидаги вейлалар эса дарғазаб қараб қолишиди.

Ўзига ўзи жаҳл қилган Гарри омниокулярнинг тезлик ростлагичини бураб, меъёрий ҳолатга келтирди.

Ўйин давом этмоқда. Ирландия Овчилари зўр ўйнашаётганини тушуниш учун Гарри квидиш ўйини коидаларидан етарлича яхши хабардор. Ушбу Овчиларнинг ҳамжихат ҳаракатлари бенуксон кечмоқда. Улар ўз сафларини моҳирона ўзгартириб боришларидан аёнки, бир-бирининг фикрини жуда тез ва аниқ илғайди. Гаррининг кўкрагидаги яшил тўгарак: «Трой - Муллет - Моран!» деганча, Овчилар фамилияларини тинимсиз санаб турибди. Тез орада Ирландия жамоаси яна иккита гол урди. Бу эса ўз навбатида, яшил рангли мухлислар қувончига қувонч қўшиб, қарсаклари янада баланд эшитилишига сабаб бўлди.

Ўйин шиддати авж ола бошлади. Болгарларнинг уриб қайтарувчилари Волков билан Вулчанов кутуриб кетишгандай Тажовузкорларни ирландларнинг Овчилари томон йўллаганча, савалай кетишиди. Ирландлар ҳаракатига халақитлар яратиш учун иккаласи кув усуllibар кўллай бошлади. Ирландларнинг Овчилари икки маротаба ҳар томон чекинишга мажбур бўлди ва ниҳоят Иванова улар орасидан ўтиб, ирландлар Кўриқчиси Райанни чалғитганча, биринчи голни уришга муваффақ бўлди.

- Қулоқларингизни бекитинг! - кичкирди мистер Уэсли.

Бахтиёр вейлалар тантанавор рақсга туша бошлашди. Гарри қулогини бекитиш билан бир вактда, ўйиндан чалғимаслик учун кўзларини ҳам чирт юмиб олди. Бир неча сония ўтгач, кўзини очиб, ўйин майдонига қарашга журъат этди. Болгарлар Кваффлни боз эгаллаб олишган. Шульман уларнинг фамилияларини айтиб қичкирмоқда:

- Димитров! Левски! Димитров! Иванова - ўхў !...

Юз минг сехргар-у, афсунгар барадла ох-воҳ қилиб юборди. Иккала жамоа Сайёдлари Крум билан Линч юқоридан пастга қараб шу қадар тез туша бошлашди, четдан қараганда уларни кимдир самолётдан парашютсиз ташлаб юборган, деб ўйлаш мумкин. Уларнинг пастлаётганини омниокуляр орқали кузатаётган Гарри Тилла чаққонни кўришга уринди...

- Хозир иккаласининг ҳам абжаги чиқиб кетади! - бақириб юборди Гермиона.

Гермиона деярли ҳақ бўлиб чиқди. Сўнгти фурсатда Крум пастга ўнғиши жараёнини кескин тўхтатиб, спираль шакли йўналишида буралганча, юқорига кўтарилди. Ўйнгоҳда гумбурлаган мудҳиш товуш янгради. Ирландия мухлислари барадла инграб юборишиди.

- Ха, ахмок! - ингради мистер Уэсли, - Крум алдади!

- Тайм-аут! - бақирди Шульман, - Сехрошифокорлар Эйдан Линчни тиббий кўриқдан ўтказишлари лозим!

- Унга бало ҳам урмайди! Ха энди ерни озгина шудгорлаб қўйди-да! - овунтирган бўлди Чарли, ложа четидан осилиб, даҳшат-ла пастга қараб колган Жиннани, - Крумнинг мақсади шу бўлган-да ўзи...

Гарри зудлик билан омниокулярнинг «такроран кўрсатиш» ва «батафсил кўриш» тугмаларини босиб, тезлик ростлагичини айлантириди-да, асбобни кўзига яқин келтирди. У ўйин вазиятини суст суръатда ўрганиб чиқди. Мана Крум билан Линч ерга пастлаб келишмоқда. Омниокуляр линзасида кирмизи ҳарфлар билан битилган: «Каззобскийнинг фириби – рақиб Сайёдини чалғитши усули» изоҳли сатр кўринди. Пастга ўнғиши жараёнини тўхтатаётган Крумнинг башараси зўриқмоқдан буришиб кетгани кўриниб турибди. Линч эса бу пайтда ерда, чалпак бўлиб ётибди. Гарри энди тушунди. Аслида Крум хеч қандай Тилла чаққонни кўрмаган. У Линчни алдаб, атайин ўз ортидан эргаштирган. Лекин Гарри бундай юксак маҳорат билан бажарилган парвоз амалларини энди кўриб туриши. Крум гўё супургига эмас, балки ҳавода ўзи, қущдай енгил учгандай парвоз этмоқда. Гарри омниокулярнинг тезлик ростлагичини бураб, меъёрий ҳолатга келтирди-да, Крум томон йўллади. Болгарлар Сайёди баландда, сехрошифокорлар

бригадаси дамлама ичираётган Линч устида учиб юрибди. Гарри Крумга янада синчковлик билан разм солиб, қора кўзлари билан пастга қараганча, Тилла чаққонни қидираётганига эътибор қаратди. У ўзи кўзлаган максадга эришди. Рақиб Сайёди Линчни сафдан чиқариб, Тилла чаққонни ўзи топиб тутмоқчи.

Ниҳоят, яшил муҳлислар томонидан кувонч-ла олқишлианаётган Линч оёққа турди, «Чақмоқ»ни эгарлади, ердан итарилиб, ҳавога кўтарилди. Мустафонинг хуштаги янгради. Сайёднинг ҳаётга қайтиши Ирландия жамоасининг кучига куч, ғайратига ғайрат, шиддатига шиддат қўшиб юборди. Ирландларнинг Овчилари шунақангি маҳорат мўъжизаларини кўрсата бошлашди, бундай ўйин усувларини Гарри тушида кўрмаган. Қутуриб кетган, шиддатли ўн беш дақика ичida Ирландия жамоаси яна ўнта гол урди. Умумий ҳисоб 130:10 га етди.

Ўйин қўпollaшиб кетди. Квафлни маҳкам ушлаб олган Муллет болгарларнинг ҳалқалари томон болгар Кўриқчиси Зограф эса Муллет томон учди. Кейинги сонияда бўлиб ўтган ходисани Гарри илғаб олишга улгурмади. Лекин халойикнинг эътиrozли ҳайқириги ва Мустафонинг хуштаги чалинганидан ўйин қоидаси бузилганлигини англади.

- Мустафо болгарлар Кўриқчини дағал ўйин, яъни тирсак билан ҳаддан ортиқ ҳаракат бажаргани учун огоҳлантириди! - хабардор килди Шульман айюханнос колаётган томошибинларни, - Ва табийки, ха! Ирландияга эркин тўўп тайнинланди.

Болгарлар жамоасига жарима тўпи тайнинлангач, ғазабланган ярқироқ ковоғарилар галаси каби ҳавога кўтарилган непречёмлар зудлик билан бир-бирига отилганча: «ҲА-ҲА-ҲА» сўзларини ҳосил қилишди. Майдоннинг нариги томонидаги вейлалар оёққа туриб, соchlарини жаҳл ила силтаганча, рақс туша бошладилар.

Гарри ва Уэслиларнинг ўғил болалари шу заҳоти бармокларини қулоқларига тикиб олишди. Бундай қилмаган Гермиона сал ўтгач, Гаррининг енгидан тортиб, ўзига қаратди ва бармоғини қулоғидан суғуриб чиқариб:

- Ҳакам томон қараб қўй! - деб, ҳиринглади.

Гарри ўйин майдонига караб, Хасан Мустафонинг ғалати қиликларини кўрди. Мисрлик ҳакам ерга, рақсга тушаётган вейлалар рўпарасига тушиб олиб, мушакчаларини ўйнатганча, узун мўйловини викор-ла силамоқда.

- Шуниси етмай турган эди! - эшитилди Шульманнинг масҳараомуз шарҳи, - Ҳакамнинг юзига бир тарсаки уриб қўядиган одам борми?

Икки қулогига икки кўлининг бармокларини тикиб олган сехрошифокорлардан бири ўйин майдонига югуриб чиқиб, кўллари банд бўлгани учун бўлса керак, ўнг оёғи билан ҳакамнинг човига қараб чунонам тепдики, жони оғриган Мустафо шу заҳоти ўзига келиб қолди. Гарри омниокуляр орқали хижолатда қолган ҳакамнинг бир кўлини човида тутганча, вейлаларга кичкирганини кўрди. Вейлалар рақс тушишдан тўхташди-ю, кишининг жигига тегадиган қиёфаларини сақлаб қолиши.

- Агар адашмасам, - боз янгради Шульманнинг шарҳи, - Мустафо Болгария жамоасини кўллаб-қувватлаш гурухини ўйин майдонидан чиқариб юбормоқчи шекилли! Ие, ана холос! Унақасини ҳали кўрмаган эдик... О, бунинг охири баҳайр бўлмайди чоғи...

Айнан шундай бўлди ҳам: болгарларнинг Уриб қайтарувчилари Волков билан Вулчанов Мустафонинг икки ёнига келиб кўниб, маънодор имо-ишоралар ила непречёмлар томон кўрсатганча, жон аччиғи билан мубоҳаса қила бошлашди. Шод-хуррам непречёмлар эса ўз навбатида, «ҲИ-ҲИ-ҲИ» сўзларини ҳосил қилиди. Бирок болгарларнинг важ-баҳонаси Мустафога етарли бўлмади чоғи. У бармокларини юкорига ўқтаб, Уриб қайтарувчилар ҳавога кўтарилишини ва ўз иши билан шуғулланишини талаб қилган бўлди. Болгарлар унинг талабини рад этишгач эса икки маротаба қисқа хуштак чалди.

- Икки маротаба жарима тўўп улоктирилади! - кичкирди Шульман.

Болгария жамоасининг ғазабланган муҳлислари бўкириб юбориши.

- Жаноб Волков билан Вулчанов эса ўз супургиларини эгарлаб олишса яхши бўлар эди, - шарҳини давом этди Шульман, - Ҳа... улар айнан шундай қилишди ҳам... Квафл Тройда... Ўйин мисли кўрилмаган шафқатсизлик рухини касб этди. Иккала томон Уриб

қайтарувчилари, айниқса, Волков билан Вулчанов раҳм-шафқат деган тушунчани унтиб, қўлларидағи клюшкалари билан Тажовузкорларни савалашибти-ми, рақиб ўйинчилариними, фарқига бормай қўйиши. Димитров эса қўлида Кваффлни ушлаб олган Моран томон ташланиб, уни супургидан қулатиб юборишига бир баҳя колди.

- Ўйин қоидаси бузилди! - баралла қичкириши яшин тўлқин сингари бир вақтда оёққа қалқиган Ирландия жамоасининг муҳлислари.

- Ўйин қоидаси бузилди! - акс-садо каби янгради Людо Шульманнинг сехр қўлланилиб кучайтирилган овози, - Димитров Моранни туртиб юборди. Қасдан амалга оширилган тўқнашув. Афтидан ҳакам яна бир бор эркин тўп тайинлайди. Ҳа, худди шундай, хуштак чалинди!

Непречёмлар боз ҳавога кўтарили. Бу сафар улар қўл шаклини ясаб, вейлаларга нихоятда беадаб ишора кўрсатиши. Махлуклар ўртасида қиёмат-қойим кўтарили. Вейлаларнинг газаби қайнаб, ўзларини идора қилмай қолиши. Улар ўйин майдонининг четида жанговар марралар эгаллаб, непречёмларга қаратса ҳовуч-ҳовуч олов ота бошлиши. Омниокуляр орқали кузатиб турган Гарри айни пайтда вейлалар энди сохибжамол аёллар эмас, аксинча, юзлари чўзилиб, бошлари даҳшатли қушлар бошига ўхшаб қолганини, башараларида мудхиш тумшук, елкаларида эса тангачали қанотлар ўсиб чиққанини кўрди.

- Ана кўрдингиз-ми, болалар, - қичкирди мистер Уэсли, - Нафақат ташки, балки ички гўзалликка ҳам эътибор қаратмоқ лозим!

Ўйин майдони сехргарлик вазирлиги вакилларига тўлиб-тошди. Улар вейлалар билан непречёмларни ажратишга уриниши-ю, барча хатти-ҳаракатлари зое кетди. Ҳавода юзага келган вазият эса бундан қолишимади. Гарри омниокулярини у ёқ, бу ёқ буриб, ўқ тезлигидай қўлдан-қўлга ўтаётган Кваффлни кузатишига улгурмас эди...

- Левски - Димитров - Моран - Трой - Муллет - Иванова - яна Моран - ГОЛ!!! МОРАН ҲАЛҚАНИ ЗАБТ ЭТДИ.

Бироқ вейлаларнинг чинкиришлари, вазирлик вакилларининг сехрли таёқчаларидан берилган залплар ва болгар муҳлисларнинг дарғазаб ўкиришлари ирланд муҳлисларининг кувончили қичкирикларини босиб юборди. Ўйин давом этди. Левскининг қўлидаги Кваффл Димитровга ўтди...

Ирландларнинг Уриб қайтарувчиси Квигли кулоч очиб, бор кучини ишга согланча ёнидан учеб ўтаётган Тажовузкорга зарб бериб, уни Крум томон йўллади. Болгарлар жамоасининг Сайёди чап беришига уринди-ю, кеч бўлди. Тўп унинг юзига бориб солди.

Ўйингоҳдаги жамики томошабинлар баралла инграб юбориши. Аъзойи-бадани қонга беланган Крумнинг бурни сингани аниқ, лекин хуштак чалинмади. Вейлалардан бири ҳакамга қаратса отган бир ҳовуч оловдан супургиси ёниб кетган Хасан Мустафо ўзи билан ўзи овора.

Крумнинг яраланганига ҳеч ким эътибор қаратмаётгани Гаррини ташвишига солди. Майли, Гарри Ирландия муҳлиси бўлсин, бироқ ушбу ўйин майдонидаги барча ўйинчилар орасида Крум зўр ўйинчи эканлигини тан олади. Рон ҳам худди шу фикрда.

- Тайм-аут! Ахир у шу аҳволда ўйнай олмайди-ку... - қичкирди Рон.

- Қаранг! Линчга қаранг! - бакирди Гарри.

Ирландия жамоасининг Сайёди кутилмаганда тикка пастга қараб ўйнфиди. Бу Каззобскийнинг фириби эмаслигига Гарри шубҳа қилмади. Бу чиндан ҳам...

- У Тилла чаққонни кўриб колди! - қичкирди Гарри, - У кўриб колди! Қаранглар, пастлашини қаранглар!...

Афтидан томошабинларнинг ярми нима бўлаётганини идрок этган. Ирландия жамоасининг муҳлислари яшин тўлқин ҳосил қилганча, ўз Сайёдига далда бермоқда...

Аммо Линчнинг ортидан Крум кувиб келмоқда. Ҳар томон қон томчилари сачраётганини кўрган Гарри, Крумнинг қаёққа учайдиганини қаердан билишини ҳеч тушуна олмади. Нима қилганда ҳам Крум Линчга етиб олиб, энди иккаласи теппа-тeng пастламоқда...

- Иккаласининг ҳам абжағи чиқади! - чийиллади Гермиона.

- Бўлмаган гап! - ўкирди Рон.

- Линчнинг абжаги чиқиб кетади! - бақирди Гарри.

Гарри шу бугун иккинчи бор ҳақ бўлиб чиқди. Линч ерга жуда қаттиқ урилди ва шу заҳоти дарғазаб вейлалар хужумига мубтало бўлиб кетди.

- Қани, Тилла чаққон қани? - қичкириб сўради Чарли.

- Унда, Крумда! Ўйин тугади! - чириллади Гарри.

Крумнинг қизил коржомаси бурнидан оққан кондан ялтираб кетган. Бироқ у ҳавога осон кўтарилиб, тилла нур таралиб турган ғолибона муштини боши узра баланд кўтарди.

Ҳеч нарсани тушунмай қолган томошабинлар устидаги тоштахтада «БОЛГАРИЯ: 160, ИРЛАНДИЯ: 170» ёзуви пайдо бўлди. Шундан сўнг, Ирландия квидиш жамоасининг муҳлислари орасида аста секин, худди улкан реактив самолёт ҳавога кўтарилаётгани каби қувончли ғовур-ғувур кўтарилиб, ниҳоят завққа тўлиб-тошган наърага айланиб кетди.

- ИРЛАНДЛАР ЮТДИ! - бақириб юборди шархловчи Шульман, ўйиннинг бу тарзда якун топганидан ўзи ҳам гангид қолиб, - КРУМ ТИЛЛА ЧАҚҚОННИ ТУТИБ ОЛДИ, АММО ИРЛАНДЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ! О, Муқаддас фалак, бундай бўлишини ким... билиди... дейсиз!...

- Нимага Тилла чаққонни тутиб олади? - инграб юборди Рон, қўлларини боши узра кўтариб, карсак урар экан, - Ирландларнинг бир юз эллик очкоси бўла туриб, негадир ўйинни тугатди-кўйди. Ҳа, аҳмок!

- Улар ҳеч қачон ирландларга ета олмасликларини тушуниб етди, - деди Гарри баланд қичкириб, - Ирланд Овчилари ниҳоятда кучли ўйинчилар... Шу боис ҳам у ўйинни ўз нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда яқунлади. Бор гап шу...

- У жуда жасур йигит экан, а? - деди Гермиона ложа панжарасидан пастга қараб.

Крумнинг ерга қўнгани, сехрошифокорлар бир-бири билан олишаётган вейлалар ва непречёмлар орасидан ўзига базур йўл очиб, Крум томон югуришаётганини кўрган қизалоқ:

- Қаранглар, нимага ўхшаб қолганини, - деб кўйди.

Омниокулярини кўзига келтирган Гарри, сон-саноқсиз непречёмларнинг ўйин майдони узра елиб-югураётгани туфайли пастда нима бўлаётганини илғай олмади. Шундай бўлса ҳам у омниокуляр объективини сехрошифокорлар ўраб олган Крумга йўллашга муваффак бўлди. Одатдагидан ҳам дарғазаб Крум юзини кондан тозалашга имкон бермаяпти. Унинг атрофидаги жамоа ранжиган қиёфа касб этганча, бош силтаяпти. Сал нарида непречёмлар сочаётган тилла ёмғир остида бахтиёр ирландлар ракс тушяпти. Намойишгоҳлардаги Ирландия жамоасининг муҳлислари байроқ силкитиб, ўз миллий мадхияларини янгратди. Вейлалар эса гарчи домангир қиёфа касб этишган бўлса-да, боз соҳибжамол аёлларга айланиб қолишиди.

- Нима қилганда ҳам, биз мардларча олишдик, - деди кимдир соф инглиз тилида.

Гарри орқага қараб, ушбу сўзларни Болгария сехргарлик вазири айтганини англади.

- Ах, сиз инглиз тилини билар экансиз-да, - эътиroz билдириди Фуж, - Нега бўлмасам куни бўйи мени кийшсанглашга мажбур килдингиз.

- Жуда қизиқ кўринар эканда, - елка қисди болгарлар вазири.

- Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Ирландия терма жамоаси ўзининг қўллаб-куватлаш гурухи куршовида ўйин майдони узра иззат-икром доираси бўйлаб учар экан, - эълон қилди Шульман, - Марҳамат қилиб Мўътабар Ложага эътибор қаратинг, ЖАҲОН КУБОГИ!!!

Бирдан Мўътабар Ложа сехрли тарзда оппок бўлиб ёришиб, Гаррининг кўзлари қамашиб кетди. Энди томошабинлар ложа ичини кўра олишлари мумкин. Кўзларини қисиб олган Гарри икки нафар ҳарсиллаб қолган сехргар олтин Кубок жойланган яшикни ложага олиб чиқишиганини кўрди. Сехргарлар Кубокни куни билан ҳеч қандай заруратсиз имо-ишора тилида мулоқот қилишга мажбур қилишганидан ҳалигача хафа бўлиб турган Корнелиус Фужга узатишиди.

- Келинглар, дастлаб бой берган шонли Болгария терма жамоасини олқишлийлик! - қичкириди Шульман.

Зинапоядан Мўътабар Ложага етти нафар мағлуб болгар ўйинчилари кўтарилиди. Улар дастлаб ўз вазирлари, сўнг Фуж билан қўл сиқишар экан, Шульман исмларини эълон қилиб борди. Сафнинг охирида келаётган Крумнинг афти-ангорига қараб бўлмайди. Конга беланган юзидағи қора кўзлари дарғазаб яркирамоқда. У ҳамон Тилла чакконни кўлидан чиқаргани йўқ. Крум ерда ўзини унчалик ишончли тутмайди чоги, хаёлдан ўтказди Гарри. Елкалари суйри бўлиб, ўрдакка ўхшаб юрар экан. Исми эълон қилинганида эса бутун ўйингоҳ қулоқни кар қилиб юборгудай даражада Крумни олкишлаб, оёққа турди.

Шундан сўнг, Мўътабар Ложага Ирландия терма жамоаси кўтарилиди. Эйдан Линчни Моран билан Канноли суюб олган. Иккинчи зарба-ю, вейлалар хужумининг оқибати яққол кўриниб турибди. Линч батамом гаранг бўлиб қолган, нигоҳининг фокусига эса путур етган. Шундай бўлса ҳам, Трой билан Квигли намойишгоҳларни гумбурлатганча Кубокни баланд кўтаришганини кўриб, кулиб кўйди.

Ниҳоят, Ирландия терма жамоаси ўз супургиларини эгарлаганча (Эйдан Линч Коннолининг ортидан, унинг белидан тутиб, бемаъни иршайганча), ўйин майдони узра яна бир бор иззат-икром доираси бўйлаб учиб кетгач, Шульман сехрли таёқчасини чиқариб, ўз томоғи томон бир силтади-да:

- Квиетус! - деб кўйди.

Сўнг атрофдаги одамларга қараб, хириллаган овоз билан:

- Бу ўйинни йиллар оша эслаб юришади. Кутилмаган яқун. Эссиз... яна бироз давом этмади-да...

Фред билан Жорж ўз кресплоларининг суюнчикларидан ошиб ўтиб, Людо Шульманнинг ёнида кенг табассум-ла, кўлларини узатиб туришди.

- Ах, ҳа-я... Хўш, неча пул беришим керак сизларга?

IX БОБ.

АЖАЛ БЕЛГИСИ

Тўқ қизил гилам тўшалган зинапоядан тушишар экан, мистер Уэсли эгизаклар Фред билан Жоржга ёлворгаңдай мурожаат қилди:

- Пулга ўйнаганингизни онангизга асло айта кўрманг.

- Хавотир бўлманг, дада, - жавоб қайтарди кайфияти шод-хуррам Фред, - Ушбу пул ҳисобига улкан режаларимизни амалга оширмокчимиз. Шундай экан, унинг мусодара қилинишини асло истамаймиз.

Мистер Уэсли эгизаклар болаларининг улкан режалари билан қизиқиб кўрмоқчи бўлди-ю, фикр юритиб кўргач, билишни ҳам истамасликка аҳд қилди.

Тез орада Гарри, Гермиона ва Уэслилар аста-секин ўйингоҳни тарк этиб чиқаётган халойик оқимиға қўшилганча, фонуслар ёритиб турган ўрмон сўқмоги бўйлаб лагерь томон йўл олишди. Кўлларига чироқ ушлаб олган непречёмлар одамлар боши узра қувонч-ла хиринглаб изгиб юришибди. Атрофда шовқин-сурон тинмагани сабабли бўлса керак, чодирга этиб келган саёҳатчиларнинг уйқуси келмади. Шу боис мистер Уэсли бир чашкадан қаҳва дамлаб ичишга рози бўлди. Улар хозиргина кўриб қайтишган ўйинни вактичоғлик билан мухокама қила бошлишди. Мистер Уэсли билан Чарлининг ўртасида ўйин давомида юз берган олишув мавзусига доир ихтилоф юзага келди. Кичкина стол ёнида ухлаб қолган Жинна иссиқ шоколадни полга тўкиб юборганидан сўнггина, мистер Уэсли мунозараларга чек кўйиб, зудлик билан уйқуга ётишни талаб қилди. Гермиона билан Жинна қизлар учун тикилган кўшни чодирга кириб кетишди. Гарри ва қолган Уэслилар эса пижамаларини кийиб, кўрпага бурканди. Чодирли лагернинг нариги томонидаги одамлар халигача қўшиқ куйлашмоқда. Кимдир ниманидир қаттиқ ургани боис ғалати зарба товуши ҳавода акс садо бериб эшитилди.

- Навбатчиликда бўлмаганимнинг ўзи мен учун катта баҳт, - ғудуллади уйқусираган мистер Уэсли, - Айниқса ирландлардан байрам қилишни бас қилишни талаб этадиган навбатчилар ўрнида бўлишни мутлақо истамаган бўлар эдим.

Икковлон ўрток икки қаватли каравотни эгаллашган. Устки каравотга жойлашган Гарри

чодирлар узра ахён-ахён учиб ўтаётган непречёмларнинг фонуси билар ёритилаётган брезент шифтга қараб ётди. Ҳозир у хаёлан Крумнинг энг мохирона ҳаракатларини такрорлаб, ўзининг «Чакмок» русумли супургисини эгарлаганча, Каззобскийнинг фириби усулини бажариб кўришни истади. Негадир турли туман ҳаракатчан чизмалар муаллифи Оливер Древ ушбу усул ҳакида алоҳида тўхталиб, унинг қандай амалга оширилишини ҳеч тушунтириб ўтмаган экан... Гарри эгнига фамилияси ёзилган коржома кийиб олганини фараз килиб, ўйин шархловчиси Людо Шульманнинг бутун ўйингоҳни бошига кўтариб: «Энди эса қарши олинг, майдонда... Гаррииини Поттеееер!», қичқириғига жавобан юз минг томошабин наъра тортиб юборганини тасаввур этиб кўрди.

Ухлаб қолишга ултурган-ултурмаганини бола англай олмади. Эҳтимол Крум сингари учиб юриш билан боғлиқ хаёллар тушга уланиб кетгандир, билмайди. Аммо мистер Уэслининг кутилмаганда қичқирганини аниқ идрок этди.

- Ўйғонинг! Рон, Гарри! Туринглар, тез бўлинг!

- Мабўлди? - ноаниқ ғўнгирлади Гарри, боши билан брезент шифтни кўтарганча, кўрпасига кескин ўтириб.

Гарри чодирли шаҳарчада нимадир содир бўлганини англаб етди. Ташқарида янграётган шовқин энди мутлақо бошқача эшитилмоқда. Қувноқ қўшиклар тинган бўлиб, атрофни қий-чув, ҳар томон югуриб юрган одамларнинг шовқин-сурони, оёқларининг дукурлагани қамраб олган.

Каравотдан сирпаниб тушган Гарри кийимига қўл узатган эди ҳам-ки, пижамаси устидан жинси шимини кияётган мистер Уэсли қичқирди:

- Йўқ, Гарри, вакт йўқ. Кийимингни олгин-да, кўчага чик, тез бўл!

Гарри айтилган ишни килиб, кўчага отилди. Рон унинг изидан чиқди.

Ҳали ўчмаган бир нечта гулхан ёруғлигига одамлар ўрмон томонга югураётганини кўрди. Халойик артиллерия куролидан бажарилган ўт очиш амалига ўхшаш ғалати олов чақнатганча, дала бўйлаб яқинлашиб келаётган қандайдир ғалати нарсадан қочяпти. Mast одамларнинг аллақандай таҳқирловчи бақир-чақири ва қаххаҳа янграмоқда. Кўп ўтмай уларнинг хатти-ҳаракатларини ёритган яшил тусли ёруғлик чақнади.

Дала бўйлаб сехрли таёқчаларини юқорига кўтариб олганча, жипс саф тортган аллақандай сехргарлар гурухи ҳаракатланмоқда. Гарри кўзини қисиб олиб, ушбу саҳнага дикқат билан разм солди. Сехргарларнинг юзи кўринмайди. Сал ўтиб, Гарри, ушбу mast оломон бошларига қайтарма ёқа ташлаб олгани, юзларини эса ниқоб билан яширганини идрок этди. Оломон устида тўрт киши бесўнақай ҳолатда типирчилаб сузмоқда. Ниқоб таққан сехргарлар гўё кўғирчоқ ўйнатувчилар-у, ҳавода сузаётган одамлар сехрли таёқчалардан чиққан кўзга кўринмас арқонлар воситасида ҳаракатланаётган қўғирчоқдай эди. Улардан икки нафари жуда ёш.

Марш юриб келаётган mast сехргарлар колоннасига янги ва янги сехргарлар бориб кўшилмоқда. Улар ниқоб таққанларни хандон отиб қарши олганча, қўлларидағи сехрли таёқчаларини ҳавода сузаётган таналарга ўқташди. Оломон сони борган сари ортиб, йўлидаги чодирларни учирив ташламоқда. Қайсиdir бири юришга халал бераётган чодирларнинг бир жуфтини портлатиб юборди. Ўт кетган айрим чодирлар яқинида чорасиз қичқириклар янада баланд эшитилди.

Оломон гуриллаб ёнаётган чодир ёруғига яқин келгач, ҳавода сузаётган одамлар аниқ кўринди. Гарри, улардан бири қоровул мистер Робертс, қолганлар эса чамаси унинг рафиқаси билан фарзандлари эканлигини англади. Марш иштирокчиларидан бири ўзининг сехрли таёқчаси воситасида миссис Робертсни оёғини осмондан келтириб айлантирди.

Аёлнинг тунги кўйлаги тушиб, ҳажмли панталонини очиб ташлади. Бечора аёл оёқларини ёпиб олишга уринар, ақлдан озган оломон эса кишининг нафратини қўзгатадиган даражада чирқирадар ва миссис Робертсни очикдан-очиқ таҳқирлар эди.

Ердан ўн олти фут юқорида сузаётган кенжа болакай бирдан бизбизақдай айлана бошлади. Унинг кичкинагина жонсиз боши у ёқ, бу ёққа ожизона чайқалиб келмоқда.

- Жирканчлик, - пичирлади Рон, - Қандай жирканчлик...

Тунги күйлак устидан пальто кияётган Гермиона билан Жинна, уларнинг кетидан эса мистер Уэсли етиб келишди. Ўғил болалар чодиридан эса тўлиқ кийинган, енглари шимарилган, қўлларига сехрли таёқчаларини ушлаб олган Билл, Чарли ва Перси чиқишиди.

- Биз сехргарлик вазирлигига ёрдам беришимиз керак, - кичкирди мистер Уэсли енгини шимарив, - Сизлар эса бир-бирингиздан қолишмай ўрмонга қочинглар! Иш битгач мен ўзим сизларни кидириб топаман!

Билл, Чарли ва Перси яқинлашиб келаётган колонна томон югуриб кетишиди. Мистер Уэсли уларнинг кетидан эргашди. Ҳамма ёқдан вазирлик вакиллари югуриб келиб, бир ерда қўшила бошлишди. Робертслар оиласини «қўтариб келаётган» оломон яқинлашмоқда.

- Кетдик, - деди Жиннанинг қўлидан ушлаб олган Фред.

Унинг кетидан эргашган Гарри, Рон, Гермиона ва Жорж ўрмон томон югуришиди. Дараҳтларга етиб олишгач, болалар орқага ўгирилишди. Робертслар оиласи остидаги оломон сони янада кўпайиб кетган. Вазирлик вакиллари қайтарма ёқа ташлаб олган сехргарлар ёнига, оломон ўртасига кириб боришга уринмоқда-ю, лекин уларнинг бу уринишлари осон кечмаяпти. Афтидан, вазирлик ходимлари афсун қўллашга қўрқишишмоқда. Акс ҳолда Робертслар ерга қулаб тушиши мумкин.

Ўйингоҳ томон олиб борадиган йўлни ёритган ранг-баранг фонуслар аллақачон ўчган. Коронги ўрмон ичидаги одамлар дараҳт пайпаслаб йўл кидиришишмоқда. Муздай ҳавони болалар йиғиси, ваҳимали бақир-чақирлар титратмоқда. Юзи қўринмаган қандайдир одамлар Гаррини ҳар томон туртиб ўтишиди. Сал ўтиб Роннинг оғриқдан бақирган овози эшишилди.

- Нима бўлди? - ҳавотирланиб сўради Гермиона.

Гарри кутилмаганда тўхтаб қолган Гермионага бориб урилди.

- Қаердасан, Рон? - боз эшишилди Гермионанинг овози, - Вой, таёқчам бор-ку! Люмос!

Гермионанинг таёқчаси ёришиб сўқмокни ёритгач, ерда узала тушиб ётган Рон қўринди.

- Дараҳт илдизига қоқилиб кетдим, - деди аччикланган Рон, оёққа турар экан.

- Ҳайрон қоладиган ери йўқ. Бундай туёқлар билан қоқилмай бўладими, - эшишилди кимнингдир чўзиб гапирган димоғдор овози.

Гарри, Рон ва Гермиона кескин орқага ўгирилиб, сал наридаги дараҳтга бели билан суюниб олган Драко Малфойни қўришиди. Қўлларини кўкрагига йиғиб олиб, хотиржам турганидан, лагерда бўлаётган ишларни кузатиб туриш Малфойга хуш ёқаётган қўринди.

Рон Малфойни шундай жойга жўнатди-ки, ўша жой миссис Уэслининг ёнида мутлақо тилга олинмаслиги аник.

Драконинг кўзлари сўнік яркиради.

- Бу қанақа ибора бўлди, Уэсли? Агар анавини кўриб қолишларини истамас экансизлар, - деди у, Гермиона томон бош иргиб, - Бу ердан тезроқ туёқларингни шикиллатинглар.

Айни шу фурсатда лагерь томондан гўё бомба портлаган каби товуш гумбурлаб, ёрқин яшил шуъла дараҳтларни ёритиб юборди.

- Бу билан нима демоқчисан? - дағдаға оҳангода сўради Гермиона.

- Грэнжер, улар магл овига чиқишиган, - бепарво жавоб қайтарди Драко, - Сен ҳам ҳаммага трусиқчангни кўрсатмоқчимисан? Хоҳласанг шу ерда тур... Биз эса сени томоша килиб, мирикиб куламиш.

- Гермиона магл эмас, афсунгар қиз, - бақириб берди Гарри.

- Сенга қандай ёқса, шундай хисоблайвер, Поттер, - мурдор кулиб қўйди Малфой, - Агар улар маглаваччаларнинг фарқига бормайди деб ўйласанг, шу ерда туравер.

«Маглавачча» сўзи сехргарлар насл-насабига мансуб бўлмаган афсунгар маъносини англатадиган ҳақорат сўзи эканлиги ҳаммага маълум.

- Оғзингга қараб гапир! - ўшқирди қўлини мушт қилиб тугиб олган Рон, Драко томон ҳаракатланиб.

- Тегма уни, Рон, - деди Гермиона Роннинг қўлидан ушлаб, - Нажасга тегмасанг,

сасимайди.

Бошқа томондаги дараҳтлар орасидан янада қаттикөрөн портлаш товуши эшилди. Яқин орада турган одамлар бакириб юбориши. Малфой эса аста хиринглаб қўйди.

- Шу қадар хуркак бўлишадими, а? - эринчоқлик билан ғижиниб гапирди у, - Ўйлашимча, дадаларинг сизларга бекиниб олишни буюрган, а? Ўзичи, ўзи қани? Маглчаларни кутқаргани кетди-ми?

- Сенинг ота-онанг-чи? - аччикланди Гарри, - Қани улар? Ниқоб таққанлар орасидами?

Малфой иршайиб турган башараси билан Гаррига юзланди.

- Хм... шундай бўлганда ҳам, Поттер, бу ҳақда сенга айтармидим?

- Э, қўйсаларинг-чи уни. Яхиси юринглар, қолганларни қидириб топайлик.

- Грэнжер, бароқ бошингни эгиб юришни унутма, - хиринглаб қўйди Малфой.

- Кетдик, - такрорлади Гермиона Гарри билан Роннинг қўлидан тортиб.

- Онт ичиб айтаман-ки, унинг отаси ниқоб таққанлар орасида юрибди! - қичкирди қизишиб кетган Рон.

- Жуда соз, демак хозир уни вазирлик ходимлари қўлга олишади! - деди юрақдан Гермиона, - Қолганлар қаёққа кетиб қолиши экан?

Гарчи сўқмоқда кўп одамлар йигилиб, лагерда бўлаётган ишларни асабий ҳолатда кузатиб турган бўлса-да, улар орасида эгизаклар ҳам, Жинна ҳам йўқ.

Сал нарида нимадир ҳақида кизгин гаплашиб турган, эгниларига пижама кийган ўслиринлар тўдаси кўринди. Улар Гарри, Рон ва Гермионани кўришгач, кўнғироқ соchlари қалин ўсан қизалоқлардан бири ўгирилиб, тез сўради:

- Ou est Madame Maxime? Nous l'avons perdue...

- Э-э-э... нима? - тушунмади Рон.

- О... - қизалоқ тескари ўгирилди.

Учовлон тўда ёнидан ўтиб кетаётиб қизалоқнинг:

- 'Оғвағц, - деганини эшишиб қолди.

- Бэльстэк, - ғудуллади Гермиона.

- Нима? - тушунмади Гарри.

- Улар «Бэльстэк»дан шекилли, - деди Гермиона, - «Бэльстэк» сехр-жоду академияси... ўша академия тўғрисида «Европадаги сеҳргарлик мактабларининг нуфузи» китобида ўқиган эдим...

- А... ҳа... албатта... - деди иккиланиб Гарри.

- Фред билан Жорж бу қадар узоққа кетиб қолиши мумкин эмас, - деди Рон.

У сехрли таёқчасини қўлига олиб ёғду чиқарганча, қоронғиликка тикилди. Гарри ҳам ўз таёқчасини олиш учун чўнтақ титкилаб, омниокуляридан бошқа нарса топа олмади.

- О, йўқ... Сехрли таёқчамни йўқотиб қўйганга ўхшайман!

- Ҳазиллашяпсан-ми?

Рон билан Гермиона атрофни ёритиш учун таёқчаларини баланд кўтариши. Гарри ерни пайпаслаб, таёқчасини топа олмади.

- Чодирда қолгандир? - тахмин қилди Рон.

- Балки югургаётганингда чўнтағингдан тушиб қолгандир? - хавотирланди Гермиона.

- Ҳа... Эҳтимол, - маъюс тортди Гарри.

Сеҳргарлар оламида у ҳеч қачон ўз таёқчасини ёнидан қўймаган. Мудҳиш вазият қарор топган айни вазиятда эса таёқчасиз қолган Гарри ўзини нихоятда заиф хис этди.

Бирдан нимадир шитирлаб, учаласини сескантириб юборди. Яқин орадаги буталар орасидан уй эльфи Винки кучаниб чиқиб келди. У қандайdir ғалати тарзда, гўё аллақандай кўринмас киши унинг этагидан маҳкам ушлаб олиб, олға одимлашига монелик қилаётгандай нихоятда қийин юрмоқда.

- Ёмон сеҳргарлар! Кўпчилик! Одамлар хавога кўтарилиган! Баланд кўтарилиган! Винки яшириниб олиши керак! - бакирди эльф.

Винки худди кўринмас куч қаршилигини енгаётгандай зўрикиб, қарийб икки букилиб югурганча, сўқмоқнинг нариги томонидаги дараҳтлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Нимагадир эльф ғайритабий югурди. Унга нима қилди экан? - қизиқди Рон Винкининг ортидан қараб.
- Бас боғлашим мумкинки, у яшириниб олиш учун ўз сохибидан ижозат сўрамаган, - деди беихтиёр Доббини эслаган Гарри.
- Добби Малфойлар маъқул деб топмайдиган бирон-бир иш қилиб қўйган бўлса, аллақандай ички куч уни ҳар сафар ўзини ўзи жазолашга мажбур қилас.
- Ўй эльфларининг меҳнат шароитлари ниҳоятда ёмон эканлигини биласизми?! Ҳаёт эмас қулликнинг ўзгинаси-я! - аччиқ қилди Гермиона, - Мана, гапимнинг исботи сифатида сизга ҳаётий мисол. Винки баландлиқдан қўрқишини қўра-била туриб, анави мистер Сгорбс бечора эльфни намойишгоҳнинг энг юқори ложасига юборди. Даҳшатга тушган ожиз эльф юраги ёрилиб, ўлиб қолишига сал қолди. Бу ҳам камлик килгандай, ўша мистер Сгорбс, теварак-атрофда чодирлар портлаётганига қарамай, қочиб кетмаслиги учун ўз кулини сехрлаб қўйганга ўхшайди! Нима учун ҳеч ким эльфлар манфаати йўлида бирон-бир чора кўрмаяпти?
- Ахир уй эльфлари ўз турмушлари, кечираётган ҳаёт тарзидан мамнун бўлиб, нолишмаяпти-ку, - эътиroz билдириди Рон, - Анави кампир Винки ложада ўтирган жойида «Ўй эльфларига дам олиш мумкин эмас» деганини эса ўзинг эшитдинг. Сохиби идора килаётгани унга ёқади...
- Йўқ, Рон, - қизишиб кетди Гермиона, - Бундай ҳолатлар айнан сендей фикр юритадиган, бирон-бир чора қўришга эрингани учун ҳам пойдевори чириб кетган, адолатсиз тизимни кўллаб-қувватлайдиган кишилар туфайлигина юзага келади...
- Ўрмон четида яна нимадир портлаб кетди.
- Юриналар, бу ерлардан нари кетайлик, - таклиф киритди Рон.
- Гарри Роннинг Гермионага кўз қирини ташлаб қўйганини пайқаб қолди. Эҳтимол Малфойнинг сўзларида оз бўлса ҳам ҳақиқат бордир. Балки чиндан ҳам бу ерда Гермионага нисбатан хавф туғилиши мумкиндири. Улар жадал одимлай бошлишди. Гарри ёнида таёқаси йўқлигини билса-да, чикмаган жондан умид деганларида, юрган йўлида чўнтакларини яна бир бор титкилаб чиқди.
- Сўқмоқ бўйлаб юрган болалар, Фред, Жорж ва Жиннани кўриб қолиш илинжида олазарак бўлиб, ўрмон ичкарисига кириб кетди. Учовлон, афтидан ўйинда ютиб олинган шекилли, бир қоп тилла устида гивирлаб, хандон отаётган гоблинлар тўдаси ёнидан ўтди. Лагерда бўлаётган ҳодисалар гоблинларнинг парвойига ҳам келгани йўқ. Яна бир оз юриб кумуш тусда ёритилган жойга келиб қолишиди. Дараҳтлар ортидаги яланглиқда баланд бўйли учта сохибжамол вейла бир-бирига гап бермаган уч нафар ёш сехргар йигит даврасида турибди.
- Менинг йиллик даромадим тилла галлеонларнинг юз қопини ташкил этади, - кичкирди йигитлардан бири, - Чунки мен хавфли ҳайвонларни йўқ қилиш кўмитасида аждар саллохи бўлиб ишлайман
- Ёлғон гапирма! - ўкирди бошқа бири, - Сен «Тешик қозон» майхонасининг идиш-товор юувучиси бўлиб ишлайсан. Мана мен эса қонхўр овчиси бўлиб ишлайман. Бугунги кунга келиб тўқсонинч...
Вейлалар танасидан таралаётган кумуш тусли шуъла хира бўлса ҳам юзидағи ҳуснбузарлари аниқ қўриниб турган учинчи йигит шу заҳоти шеригининг гапини бўлди:
- Мен эса тез орада энг ёш сехргарлик вазири бўламан, эшитдингиз-ми?!
- Гарри кулиб юборди. У уч қаватли «Тунги рицарь» автобусининг чиптаси, юзини бўжама босган Стэн Кўрикчини таниди. Бу ҳақда Ронга айтмоқчи бўлиб орқасига ўтирилган эди ҳам-ки, ўртоғининг ақли паст қиёфасига рўбару бўлди. Ҳаёл ўтмай Рон ҳам қичкириб юборди:
- Мен сизларга Муштарийгача учиб борса бўладиган супурги ихтиро қилганимни айтдими?
- Ўзингни идора қилиб олсанг-чи! - деди Гермиона.
- Рон қандай ахволга тушиб қолганлигини идрок этган Гарри билан Гермиона уни кўлтиғидан тутиб, вейлаларга тескари ўтирганча, тез нари тортиб кетишиди. Хушторлар

билан вейлаларнинг овози эшитилмай қолганда болалар ўрмоннинг қоқ ўртасига келиб қолишганини англаб етишди.

- Шу ерда туриб қутганимиз маъкул, - деди Гарри атрофга разм солиб, - Бир миля нарида бирор келаётган бўлса, аниқ эшитилади.

У ҳали гапини тугатмай дараҳтлар орасидан Шульман чиқиб келди.

Иккита сехрли таёқча таратаётган ёруғлик хира бўлса ҳам, Людонинг қиёфасида катта ўзгаришлар юз бергани кўриниб турибди. Энди у худди оёғи остига пружина маҳкамлангандай юрмас, кайфияти тушган, юзидан қон қочиб, қандайдир зўрикқан ҳолатда эди.

- Ким бор бу ерда? - сўради у, кўзларини пирпиратганча, болаларнинг юзига термилиб, - Ёлғиз ўзингиз нима қиляпсиз бу ерда?

Людонинг саволидан ҳайрон бўлган болалар бир-бирига қараб қўйишидди.

- Ахир... лагерда тўс-тўполон кўтарилган-ку, ҳамма ёқ вайрон қилиняпти, - тушунтирган бўлди Рон.

Шульман бакрайиб қолди.

- Нима?!

- Чодирли лагерда... аллақандай сехгарлар магл оилани қийнашяпти...

Шульман чангитиб сўкинди.

- Жин урсин уларни, - деди у бирон-бир маъно уқиши қийин бўлган қиёфа касб этиб.

Шундан сўнг қарс этиб товуш чиқарган Шульман ҳавода даф бўлди.

- Дунёбехабар қолганга ўхшайди, - қошини чимирди Гермиона.

- Нима қилганда ҳам, бир вақтлар у тенги йўқ Уриб қайтарувчи бўлган, - деди куруқ майса қоплаган ялангликка ўтган Рон дараҳт остига ўтириб, - У ўйнаган даврда «Обормут арилари» жамоаси лига биринчилигини кетма-кет уч маротаба кўлга киритган.

У чўнтағидан Крумнинг митти қоматини чиқариб ерга қўйди-да, атрофда сайр қилиб юришини томоша қилиб ўтириди. Митти қомат ҳақиқий Крумга ўхшаб маймоқланиб, елкаларини ён томон ташлаб юрди. Унинг ерда юриши учала томошибинга супургида учганидай кучли таъсир кўрсатмади.

Гарри теварак-атрофга қулоқ тутди. Шовқин йўқ, ҳамма ёқ жимжит. Тўполон тинганга ўхшайди.

- Бизникилардан ҳеч қайси бирига шикаст етмаган, деб умид қиласман, - деди Гермиона бирордан сўнг.

- Ҳавотирланма, ҳеч кимга ҳеч нарса қилмаган, - тинчлантириди Рон.

Гарри Роннинг ёнига ўтириб, митти Крумнинг хазон устига эгилаётганини томоша қилди.

- Даданг Люциус Малфойни тутиб олган бўлса, а, - деди у орзу-ҳавасга тўлган оҳангда, У доимо Малфойни бирон-бир жиноят устида ушлаб олишни орзу қилишини гапириб юради.

- Ха, агар дадам ўша орзусига етадиган бўлса, гапимга ишонаверинг, Драконинг жирканч туркидаги мурдор табассум ҳам барҳам топади.

- Бечора магллар, - ҳавотирланди Гермиона, - Уларни ерга эҳтиёт қилиб туширишга эришилмаса нима бўлади?

- Эришилади, эришилади, - ишонтириди Рон, - Бирон-бир усул албатта топилади.

- Атрофда вазирликнинг тумонат вакиллари бўла туриб бундай қабих ишга кўл уриш жинниликтининг ўзгинаси-ку! - хитоб қилди Гермиона, - Айтмоқчиман-ки, қандай қилиб жазосиз қолишга умид қилишлари мумкин? Нима деб ўйлайсиз, улар кўп ичиб юборишган-ми ёки шунчаки...

У гапини тўхтатиб, елка узра ортга қаради. Гарри билан Рон ҳам тез ўша томонга ўгирилди. Орқа томондаги ялангликда худди кимдир изғиб юргандай туюлди. Болалар тек қотишиб, журъатсиз босилаётган қадам товушига қулоқ тутишди. Бирдан товуш тиниб қолди.

- Хой, ким у? - қичкирди Гарри.

Ҳеч ким жавоб қайтармади. Гарри ўрнидан туриб, дараҳтлар ортига қаради. У ер коронғи

бўлиб, ҳеч нарса кўринмаса-да, кимдир борлиги сезилиб турибди.

- Ким бор? - сўради Гарри.

Дафъатан сукунатни оҳанги хотиржам, қандайдир нотаниш овоз бузди. Кимнингдир афсун ўкиётгани эшитилди.

- МОРСМОРДРЕ!

Гарри қоронғиликка термилиб, афсун ўқиган кишини кўрмоқчи бўлди. Кутилмаганда аллақандай улкан, яшил тусли, ялтироқ нарса зулмат ичидагиси хосил бўлиб, дараҳтлар орасидан тикка осмонга кўтарили.

- Бу қанақа?... - хириллади ўрнидан сапчиб туриб, юқорига қараган Рон.

Дастлабки бир неча сония давомида Гарри хосил бўлган ушбу нарсага непречёмлар томонидан яратилган яна бирор-бир шакл бўлса керак деган хаёлда қаради. Бироқ қўп ўтмай бу шакл зумрад юлдузчалардан ташкил топган, оғиздан тилга ўхшаб илон чиқаётган ниҳоятда катта бош суюк тасвири эканлигини идрок этди. Хира яшил тусли парда билан қопланётган бош суюги тобора баланд кўтарилиб, қоп-қоронғи осмонда янги бурж каби шаклана бошлади.

Ўрмонда дафъатан бақир-чақир кўтарилиб кетди. Бундай ҳолат нима учун рўй берганлигини Гарри тушуниб етмади-ю, лекин у айни пайтда одамнинг ниҳоятда юқорига кўтарилиган ва энди мудҳиш неон реклама сингари ўрмонни ёритиб турган бош суюги кутилмаганда пайдо бўлгани ягона сабаб бўлиши мумкин деган хаёлга борди. Гарри ҳамон қоронғиликка, бош суюк шаклини яратган кимсани кўриш илинжида термилар эди.

- Ким бор? - боз сўради у.

- Гарри, тезроқ, қочдик бу ердан!

Гермиона Гаррининг курткасини орқа томондан ушлаб тортди.

- Тинчликми, нима гап?

Гарри Гермионанинг оқариб кетган юзини кўриб таажжубланди.

- Гарри, ахир бу Ажал белгиси, Ўзинг-Биласан-Кимнинг тимсоли-ку! - ингради Гермиона, бор кучи билан Гаррини тортиб.

- Вольдемортнинг тимсолими?

- Гарри, тезроқ!

Гарри ўртокларига юзланди. Рон Крумнинг митти қоматини қўлига олгач, учовлон яланглик бўйлаб югуриб кетди. Бироқ улар бир неча қадам қўйишга улгурмай навбатманавбат эшитилган бўғик қарсак товушлари ҳавода кам деганда йигирма нафар сехргар пайдо бўлиб, болаларни куршовга олганидан далолат берди.

Гарри ўзи атрофида бизбизакдай гир айланиб, бир оннинг ўзида жамики сехргарлар ўз сехрли таёқчаларини шай ҳолатда, Рон ва Гермиона уччаласига ўқтаб турганини англаб етди ва гайриихтиёрий равища:

- ЭГИЛИНГ! - деб қичқирганча, ўртокларининг қўлларидан ушлаб, ерга тортди.

- СТУПЕФАЙ! - баралла ўкирди йигирматача овоз.

Кетма-кет отилган яшинлар товланиб, кўзни қамаштириб юборди. Гарри худди яланглик узра кучли шамол эсгандек соchlари тўзғиб, тик бўлиб қолганини ҳис этди. Бошини озгина кўтариб, устида сехргарларнинг таёқчаларидан отилиб чиққанча бир-бирига ҳавода урилиб, дараҳт таналаридан сапчиб, қоронғиликка кириб кетаётган қип-қизил ёруғлик залпларини кўрди.

- Бас қилинг! - янгради таниш овоз, - Тўхтанг! Бу менинг ўғлим!

Гаррининг соchlари ўз ҳолига қайтди. У бошини баландроқ кўтариб, қаршисида турган сехргар қўлидаги таёқласини туширганини, ётган ерида ағанаб олгач эса ўларча қўркиб кетган мистер Уэсли яқинлашиб келаётганини кўрди.

- Рон... Гарри... - эшитилди мистер Уэслининг титроқ овози, - Гермиона... ахволингиз яхшими?

- Йўлдан қоч, Артур, - янгради муздай эшитилган кескин овоз.

Болалар ёнига вазирликнинг бошқа вакиллари билан бирга мистер Сгорбс яқинлашди.

Гарри ўрнидан туриб, сехргарларга юзланди. Қаттиқ ғазабга келган мистер Сгорбснинг

вужуди таранг тортилган тор каби титрамоқда.

- Қайси бирингиз қилдингиз бу ишни? - ириллади у, нигохини бир боланинг юзидан бошқасининг юзига олиб ўтиб, - Ажал белгисини қайси бирингиз яратдингиз?
- Биз яратганимиз йўқ! - бақирди Гарри бош суяги томон имо қилиб.
- Биз умуман ҳеч нарса қилганимиз йўқ! - маъкуллади тирсагини ишқалаб, дадасига норози қараб турган Рон, - Нега бизга ҳамла қиласиз?
- Ёлғон гапирманг, сэр! - бақирди кўзлари косасидан чикиб кетгудай бақрайиб, кўлидаги сехрли таёқчасини Рон томон ҳамон ўқтаб турган мистер Сгорбс, - Сиз жиноят содир этилган жойда кўлга олиндингиз!
- Барти, - пичирлади эгнига жун газламадан тайёрланган халат кийган афсунгар аёл, - Ахир булар бола-ку ҳали! Ажал белгисини яратишни исташган тақдирда ҳам кўлларидан келмайди...
- Белги қаердан чиқди? - тез гапга аралашиб мистер Уэсли.
- Хўанави ердан, - титраб турган лаблари билан жавоб қайтарди Гермиона, афсун эшилган товуш томон имо қилиб, - Анави дараҳтлар ортида кимдир бор эди... У аллақандай сўз... афсунни бақириб, талаффуз этди...
- Демак ўша ерда туришган эди денг? - заҳарли оҳангда сўради мистер Сгорбс, чақчайган кўзларини Гермионага олиб ўтиб, - Афсун ўқишиб, денг? Қаранг-а, яхши қиз, Ажал белгисини қандай яратиш кераклигини яхши билар экансиз-да...

Вазирлик вакилларидан бирортаси ҳам мистер Сгорбсдан фарқли ўларок Гарри, Рон ёки Гермиона бош сук тасвирини яратса олишиб ишонмади. Аксинча, Гермионанинг сўзларини эшилгач, улар қоп-кора бўлиб кўриниб турган дараҳтлар томон юзланганча, сехрли таёқчаларини боз кўтарди.

- Кеч қолдик, - бош чайқади эгнига жун газлама халат кийган афсунгар аёл, - Улар ҳавода даф бўлишга улгuriшган.

- Бўлиши мумкин эмас, - эътиroz билдириди Седрикнинг отаси, кўнғир-чўтка соқолли Амос Диггори, - Биз отган Уриб йиқитувчи яшинлар ўша дараҳтлар орасидан учеб ўтди... Бирортасига теккан бўлиши аниқ...

У таёқчасини олдинга узатди-да, қаддини ростлаганча, яланглик бўйлаб қоронгилик томон шахдам қадам ташлаб кетди.

- Эҳтиёт бўл, Амос! - баралла огохлантириди шериклардан бир нечаси.

Узоқлашиб бораётган кекса сехргарнинг кетидан қараб қолган Гермиона кафтини оғзига босиб олди. Бир неча сония ўтар-ўтмас, мистер Дигторининг қичқириғи эшилди:

- Айтдим-ку! Мана, тегиби! Улардан бири кўлга тушди! Хушидан кетган! У... вой... жин урсин!...

- Тутдинг-ми? - ишонкирамай бақирди мистер Сгорбс, - Кимни кўлга олдинг? Ким экан у? Шоҳ-шаббалар қарсиллагани, хазон шитирлагани, сўнг оғир қадам эшилгач, яланглиқда кекса Диггори кўринди. У кўлида кимнингдир миттигина, дами чиқмай қолган танасини кўтариб келяпти. Гарри ушбу таначага тога сифатида ўралган ошхона сочиғини дархол таниди. Мистер Диггори Винкини кўтариб олган.

У хушсиз уй эльфини мистер Сгорбснинг оёғи остига ётқизди. Турган жойида қилт этмай ўз эльфига бақрайиб қолган мистер Сгорбс чурқ этмади. Вазирлик ходимлари ҳам бир сўз демай, унинг бўздай оқариб кетган икки юзи-ю, ёниб турган кўзларига қараб қолишибди.

Нихоят мистер Сгорбс ўзига келди.

- Бўлиши мумкин эмас, - бош силтади у, - Бундай бўлиши мумкин эмас...

У мистер Дигторининг ёнидан шиддат билан ўтиб, Винки топилган жой томон ошиқди.

- Фойдаси йўқ, мистер Сгорбс, - қичқириди унинг кетидан кекса Диггори, - У ерда ҳеч ким йўқ.

Гапга ишонмаган мистер Сгорбс коронгилик қаърига кириб кетиб, у ёқ бу ёқ юргани, буталар орасини очиб, барг шитирлатгани эшилди.

- Нокулай бўлди-да, - деди мистер Диггори беҳуш ётган митти танага маъюс қараб, - Барти Сгорбснинг уй эльфи... айтмоқчиман-ки...

- Күйсанг-чи, Амос, - хотиржам жавоб қайтарди мистер Уэсли, - Бу ишни уй эльфи қилган демоқчи эмассан-ку? Ажал белгиси маҳлукотлар эмас сехргар одамлар яратадиган белги. Уни яратиш учун эса авваламбор сехрли таёқча керак.

- Түғри, - бош иргиди мистер Диггори, - Эльфнинг сехрли таёқчаси бўлган.

- Нима? - ҳайрон бўлди мистер Уэсли.

- Мана, қара, - деди мистер Диггори таёқчани кўрсатиб, - Кўлида ушлаб ётган экан. Демак бу, авваламбор, Сехрли таёқчалардан фойдаланиш кодексининг қўпол равищда бузилиши саналади. Табиатан инсон бўлмаган тирик жонзодларга эса ёнида сехрли таёқча олиб юриш, шу жумладан, ундан фойдаланиш қатъян ман этилади.

Шу пайтда яна бир қарсак товуши эшитилиб, мистер Уэслининг ёнида Людо Шульман пайдо бўлди. У ҳансираб, ҳеч нарсани идрок эта олмаётган башараси билан осмондаги ям-яшил бош суюк шаклига анграйди.

- Ажал белгиси! - пицирлаганча қичқирди у.

Сўнг шерикларига юзланиб, Винкини босиб олишга сал қолди.

- Ким яратди уни? Бирортасини ушладингиз-ми? Барти! Нима бўляпти бу ерда?

Мистер Сгорбс қуруқ қайтди. У ҳалигача арвоҳдай оппок, қўллари ва тиш чўткасига ўхшаб кетадиган мўйлови ҳамон титрамоқда.

- Қаердан келяпсан, Барти? - тинчимади Шульман, - Нега ўйинда кўринмадинг? Винкинг жойингни банд қилиб ўтирган эди... Вой... турқи хунук маҳлук-ей! - ҳайрон бўлди Шульман, оёғи остида ётган Винкига эндиғина эътибор қаратиб, - Мана бунга нима килди?

- Мен банд эдим, Людо, - базўр жавоб қайтарди мистер Сгорбс, - Эльфим эса Уриб йикитувчи яшинининг зарбига дучор бўлди.

- Сизлар отган Уриб йикитувчи зарбига дучор бўлди-ми? Қайси гуноҳи учун?...

Ана шундагина вазиятни идрок этган Шульманнинг юмалоқ юзи ёришиб кетди. У дастлаб юқорига, осмонда кўринаётган бош суюк шаклига, сўнг пастга, ерда узала ётган Винкига ва боз мистер Сгорбсга юзланди.

- Бўлиши мумкин эмас! - кичкириб юборди у, - Винки? Ажал белгисини? Унинг кўлидан келмайди! Авваламбор, бунинг учун эльфга сехрли таёқча керак бўлади!

- Эльфнинг сехрли таёқчаси бўлган, - тақрорлади мистер Диггори, - Мен уни кўлида таёқча ушлаб ётган ҳолатида топдим, Людо. Агар сиз, мистер Сгорбс, эътиroz билдиримасангиз, албатта, эльфнинг тушунтиришларини тингласак маъқул бўлар эди. Мистер Сгорбс мистер Дигторининг гапларини эшигтан-эшигтмаганлигини ҳеч қандай тарзда билдиримади. Мистер Диггори эса буни розилик аломати сифатида қабул қилиб, таёқчасини кўтарди-да:

- Энервейт! - деди.

Винки аста қимиirlай бошлади. Эльф ўзининг катта-катта жигар ранг кўзларини очиб, бир неча бор маъносиз пирпиратди. Сўнг уни ўраб турган сехргарлар нигоҳи остида қаддини кўтариб, ерга ўтирди. Кўзини қаршисида турган мистер Диггорига тикди-да, янада баландроқ кўтариб, осмонга қаради. Гарри эльфнинг аклга тўғри келмайдиган, кўзугу ўхшаш йирик кўзида осмонда сузуб юрган бош суюк шаклининг аксини кўрди. Ох уриб юборган Винки бошини одам тўла яланглик бўйлаб айлантириб чиқиб, чўчиб кетганидан хўнграб юборди.

- Эльф! - қатъий охангда гап бошлади мистер Диггори, - Менинг кимлигимни биласан-ми? Мен Сехрли маҳлуклар устидан назорат бўлимида ишлайман!

Винкининг танаси орка-олдинга тебрана бошлади. Сикилиб қолган нафаси кўкрак қафасидан базўр чиқаётгани эшитилди. Унинг харакатларини кўрган Гарри Доббини эслади. Добби сохибига бўйсунмаганидан ўзи кўркиб кетган ҳолларда айнан шундай тебранар эди.

- Кўриб турибсан-ки, эльф, кимдир яқин орада Ажал белгисини яратган, - давом этди мистер Диггори, - Бир неча дақиқа ўтгач эса белги остида сен топилдинг! Марҳамат қилиб, ушбу ҳолатга тушунтириш бер!

- Мен... мен... мен... ҳеч нима қилганим йўқ, сэр! - кўркиб кетди Винки, - Бу иш қўлимдан келмайди, сэр!
- Сен сехрли таёқча ушлаб ётган ҳолатингда топилдинг, - ўшқириб берди мистер Диггори, қўлидаги ашёвий далилни силтаб.
- Бош суюк тасвиридан таралаётган яшил тусли хира ёруғликда Гарри ўз таёқчасини таниб қолди.
- Тўхтанг! Ахир бу менинг таёқчам-ку! - хитоб килди у.
- Ҳамма унга юзланди.
- Нима?! - ҳайрон бўлди мистер Диггори.
- Бу менинг сехрли таёқчам! - такрорлади Гарри, - Мен уни тушириб қўйган эдим.
- Тушириб қўйган эдим?! - сўради мистер Диггори, ўз қулокларига ўзи ишонмай, - Буни ўз айбингга иқрор бўлаётганинг, Ажал белгисини яратгач, таёқчани улоктириб юборганинг, деб тушуниш керакми-ми, йигитча?
- Амос, ким билан гаплашаётганингни ўйлаб кўр! - аччик қилди мистер Уэсли, - Гарри Поттер Ажал белгисини яратиб нима наф кўради?
- Қария довдираб, бироз ўйланиб қолди.
- Ҳа... албатта... ҳеч қандай наф кўрмайди, - ғудуллади у, - Мени маъзур кўрасиз... сал ошириб юборганга ўхшайман...
- Мен таёқчани бу ерда туширганим йўқ, - тушунтириш берди Гарри, бош бармоғи билан шакл остидаги дараҳтлар томон имо килиб, - Ўрмон бошида йўқотиб қўйган эдим. Мистер Диггорининг Винкига қаратилган нигоҳи янада қатъйлашди.
- Демак, эльф, гап бундай, - деди у оёғи остида ғужанак бўлиб ўтирган Винкига, - Сен таёқчани топиб олгансан. Шундайми? Топиб олгансан-да, бироз шўхлик килишни истаб колгансан, а? Айбингга иқрор бўл!
- Мен сехр-жоду билан шуғулланганим йўқ, сэр! - чийиллай бошлади Винки, помидорга ўхшаш бурнининг икки томонидан кўз ёш оқизиб, - Мен фақат... фақат... ерда ётган таёқчани олдим холос, сэр! Ажал белгисини яратганим йўқ, сэр, мен бу ишни қилишни билмайман!
- У қилмаган бу ишни! - чинқирди сабри чидамаган Гермиона.
- Вазирлик вакиллари олдида гапиришга журъат этгани учун асабийлашганига қарамай, қизалок ўз фикрини билдиришга қатъий аҳд қилгани кўриниб турибди.
- Винкининг овози ингичка, чийилдоқ, афсун ўқиган кишининг овози эса анча йўғон эшитилди!
- У Гарри билан Ронга юзланиб, маъқуллашларини кутди.
- Ўша овоз мутлақо бошқача эшитилди, тўғрими?
- Тўғри, - бош иргиди Гарри, - Эльфнинг овозига ўхшамаган эди.
- Тўғри, - тасдиқлади Рон ҳам, - Одам овози эшитилди.
- Хўш, ундей бўлса, текшириб қўрамиз, - деди болалар берган шоҳидликдан қаноатланмаган мистер Диггори, - Сехрли таёқча сўнгти бор қайси афсунни амалга оширганини текширишнинг оддий усули бор. Буни биласанми, эльф?
- Титраб ўтирган Винки, бошини чайқаб, қулокларини хилпиратди. Мистер Диггори эса ўз таёқчасини чиқариб, учини Гаррининг таёқчаси учига тақади.
- Приори Инкантатем! - ўкирди у.
- Чўчиб кетган Гермионанинг бўғиқ қичкириғи эшитилди. Иккита таёқча туташиб турган нуктадан илон тилли бош суюкнинг каттагина шакли отилиб чиқди. Бироқ бу шакл ўрмон устида муаллақ осилиб турган яшил шаклнинг қўланкасидай кўриниб, кул ранг қалин тутундан ҳосил бўлди.
- Делетриус! - қичкирди мистер Диггори.
- Бош суюкнинг тутундан ҳосил бўлган шакли бузилиб, булаттга ўхшаб қолди.
- Хўш! - музafferият оҳангида хитоб қилди мистер Диггори, ҳамон титраб-қакшаб ўтирган Винкининг устига энгашиб.
- Мен сехр-жоду билан шуғулланганим йўқ, сэр! - такрор чийиллади кўзлари косасидан

чиқиб кетишига сал қолган баҳти қора эльф, - Мен бу ишни қилганим йўқ, қилганим йўқ, қандай қилишни ҳам билмайман! Мен яхши эльф! Мен сехрли таёқчаларга кўл теккизмайман, мен бу ишни қандай қилишни билмайман!

- Сен, эльф, жиноят содир этилган жойда қўлга олиндинг! - ўшқириб такрорлади мистер Диггори, - Айнан жиноят воситаси бўлмиш мана бу сехрли таёқчани қўлингда ушлаб ётган жойингда топилдинг!

- Амос, - гапни бўлди мистер Уэсли, - Сал фикр юритиб кўрсанг-чи... Ушбу афсун ижросини ҳар қандай сеҳргар ҳам уддалай олмайди... Эльф қаердан билиши мумкин?

- Балки Амос, - гапга аралашди мистер Сгорбс, ҳар бир сўзига алоҳида ғазаб ургусини бериб, - Ажал белгиси қандай яратилишини ўз хизматкорларимга ўргатаётганимга шама қилаётган бўлса керак?

Ноқулай сукунат карор топиб, Амос Диггори хижолатда колди.

- Мистер Сгорбс... йўқ... мен ундей демоқчи эмасман...

- Ушбу ялангликда турган одамлар орасида Ажал белгисини яратиши мумкин бўлмаган икки киши, яъни Гарри Поттер билан мени айбламоқдасиз! - овоз кўтарди мистер Сгорбс,

- Умид қиласан-ки, ушбу йигитча ҳақидаги тарихдан хабарингиз бор, Амос?

- Албатта... бу тарихни ҳамма билади... - тутилиб колди кекса Диггори.

- Узоқ йиллар олиб борган фаолиятим давомида ёвуз кучлар сеҳрини ҳам, бундай сеҳр билан шуғулланадиганларни ҳам ҳар қанақасига таъқиб қилиб келганимни жуда кўп маротаба исбот килиб келганман. Буни ҳам ёдингиздан чиқармагансиз деб умид қиласан?

- деди мистер Сгорбс, кўзлари косасидан чиқиб кетгудай бақрайиб.

- Мистер Сгорбс, мен... сиз бунга даҳлдор эканлигинизга шама қилганим йўқ!

Қария Диггорининг юзи қизил соколидан ҳам баттар кизариб кетди.

- Менинг эльфимни айблаганингиз, мени айблаганингиз билан баробар, Диггори! - қичқиришни давом этди мистер Сгорбс, - Афсун ижросини мана бу эльфга яна ким ҳам ўргатиши мумкин?

- Эльф... буни ҳар қандай жойда илаштириб олиши мумкин эди...

- Тўппа-тўғри, Амос, - гапга аралашди мистер Уэсли, - Ҳар қандай жойда илаштириб олиши мумкин... Винки? - мурожаат қилди у эльфга.

Мистер Уэсли мулойим оҳангда мурожаат қилган бўлса-да, бечора Винки бари-бир худди унга қичқириб беришгандай чўчиб кетди.

- Гаррининг таёқчасини қаердан топиб олганингни аникроқ айта оласанми?

Этнидаги кийимнинг этагини титиб ўтирган Винкининг бармоқлари остидан ошхона сочиғининг иплари сўтилиб чиқди.

- Мен... таёқчани... ўша ерда, сэр... - пицирлади Винки, - Ўша ерда... дарахтлар остида топдим, сэр...

- Тушундинг-ми, Амос? - хулоса чиқарди мистер Уэсли, - Ажал белгисини яратган киши зудлик билан ҳавода даф бўлиб, Гаррининг таёқчасини ташлаб кетган. Умуман айтганда, ўша киши бироннинг таёқчасини ишлатиб тўғри иш тутган. Акс ҳолда ўзининг таёқчаси ўзини сотиб қўйиши мумкин. Винки эса ушбу таёқчага тўсатдан дуч келиб, қўлига олган.

- Бундан чиқди, мана бу эльф жиноятчидан атиги бир неча фут нарида бўлган! - хитоб қилди мистер Диггори, - Қани айт-чи, эльф, - сабрсизлик билан мурожаат қилди у Винкига, - Бирон-бир кишини кўрдинг-ми?

Винки баттар титрай бошлади. У йирик кўзларини мистер Диггоридан Людо Шульманга, ундан эса мистер Сгорбсга югуртирди. Сўнг бир ютиниб олди-да:

- Йўқ, сэр... мен ҳеч кимни кўрганим йўқ... - деди.

- Амос, - узук-юлуқ гап бошлади мистер Сгорбс, - Винкини, сўроқ қилиш учун ўз бўлимингизга олиб кетишингиз кераклигини тушуниб турибман. Шундай бўлса-да, бу ишнинг охирига ўзим етмоқчиман ва вазият бошқача бўлганини инобатга олиб бунга имкон беришингизни илтимос қилишга журъат этаман.

Гарри мистер Диггорининг бундай таклифдан хурсанд бўлмагани, бироқ вазирликнинг энг муҳим мансабдор шахсларидан бирига гап қайтаришга журъат эта олмаганини пайқади.

- Шубха қилманг, - совук оханғда құшымча қилди мистер Сгорбс, - Эльф қаттиқ жазога тортилади.
 - С-с-соҳиб, - дудукланған Винки, ёшга тұла күзини мистер Сгорбсга ёлворғандай тикиб, - С-с-соҳиб, илтимос...
- Мистер Сгорбс ҳар бир ажини аниқ ифодаланиб турған дарғазаб юзи билан эльф нигохини қарши олди. Унинг күзларида зигирдай бўлсин, раҳм-шафқат аломати кўринмади.
- Винкидан бундай итоатсиз хулқ-атворни хеч қачон кутмаганман, - бир маромда тушунтириш бера бошлади мистер Сгорбс, атрофда турған сеҳргарларга, - Мен унга, токи ўз ишларимни бир ёқлик қилиб қайтгунимга қадар чодирда қолишни амр этган эдим. Хўш, чодирга қайтганимдан кейин нимани кўрдим? - сўради у, ерда ўтирган Винкига қараб, - Хизматкор менинг амримга итоат этмаганини кўрдим. Бу эса унга кийим берилишини англатади!
 - Йўқ! - чийиллаб юборди Винки, сохибининг оёғи остига чўзилиб, - Йўқ, соҳиб! Кийим эмас, ҳар қандай бошқа жазо тайинланг, фақат кийим берманг!
- Уй эльфини озодликка қўйиб юбориш ёки уйдан қувиб солиш учун хонадон соҳиби ўз эльфига кийим ҳадя этиши кераклигини Гарри яхши билади. Хўнграб, овози бўғзига тикилиб қолаётган Винкининг ўз эгнидаги ошхона сочиғини маҳкам ушлаб олганини кўриш болага оғир кечди.
- У қўрқиб кетган-ку, ахир! - дарғазаб бакирди Гермиона, мистер Сгорбсга еб қўйгудай қараб, - Сизнинг эльфингиз баландликдан ўларча қўрқади. Анави ниқоб тақкан сеҳргарлар эса одамларни ҳавога баланд кўтариб олишган эди! Нима учун улардан нари қочиб, жон сақлаб қолган эльфни гунохкор деб билиб, итоатсизликда айблаяпсиз?!
- Мистер Сгорбс юзини буриштириб, пастга қаради ва ялтираб колгунча сайқал берилган ботинкасини булғамоқчи бўлган аллақандай жирканч, юқумли касали бор нарсадан халос бўлишга урингандай эльфдан нари чекинди.
- Кўрсатмаларимни бажармайдиган уй эльфи менга керак эмас, - совук овозда баёнот қилди у, Гермионага юзланиб, - Сохибини унутадиган, обрўсини қадрламайдиган хизматкорга эҳтиёж сезмайман.
- Зорланиб хўнграётган Винкининг ох-фиғони бутун ялангликни камраб олди.
- Бироз нокулай ахволда қолган сеҳргарлар орасидаги жимликни мистер Уэсли бузди.
- Агар хеч кимда эътиroz бўлмаса, болаларни чодирга олиб кетмоқчиман. Амос, сеҳрли таёқча бизга зарур бўлган барча маълумотларни бериб бўлди. Ижозат берсанг, уни Гаррига қайтариб берсак.
- Гарри мистер Диггори узатган таёқчани олиб, чўнтағига солди.
- Юринглар, болалар, кетдик, - чакирди мистер Уэсли паст овозда.
- Гермиона турған жойидан килт этмай, хўнграётган Винкига қараб қолди.
- Гермиона! - янада қаттиқроқ оханғда чакирди мистер Уэсли.
- Қизалоқ ўгирилиб, Гарри билан Роннинг изидан эргашди.
- Винкига нима бўлади энди? - сўради у ялангликни тарк этиб, ўрмон ичига киришлари билан.
 - Билмайман, - жавоб берди мистер Уэсли.
 - Унга қилинган муомалани қаранг-а! - аччикланған Гермиона, - Анави мистер Диггори деганлари унга фақат «эльф», деб мурожаат қилди-я... Бераҳм мистер Сгорбс-чи!
- Қилғиликни Винки килмаганини кўра-била туриб, уни уйдан хайдамоқчи! Винки қанчалик қўрқиб кетганига ҳам, ўзини йўқотиб қўйганига ҳам тупурган у! Гўё Винки одам эмасдай муомала қиляпти!
- Умуман айтганда, Винки чиндан ҳам одам эмас, - таъкидлаб қўйди Рон.
 - Гермиона шартта тўхтаб, ғазаб билан Ронга юзланди.
 - Бу ҳолат Винкида хеч қандай кадр-киммат йўқлиги, хис-туйғу деган тушунчалардан маҳрум эканлигини англатмайди, Рон. Уларнинг хулқ-атворлари жуда жирканч бўлди...
 - Гермиона, мен сенинг фикрингга тўла-тўқис қўшиламан, - деди мистер Уэсли, ҳаракатни давом эттириш кераклигини имо билан кўрсатиб, - Бироқ ҳозир эльфларнинг ҳақ-

хуқуқларини муҳокама қилиш мавриди эмас. Чодиримизга имкон кадар тезроқ етиб олишимиз керак. Ҳа, айтгандай, қолганлар қаёққа йўқолиб қолиши?

- Биз ўрмон коронғилигига бир-биримизни йўқотиб қўйдик, - тушунтириди Рон, - Дада, нима учун ҳамма анави бош суюк шаклидан қўркиб кетди?
- Чодирга қайтишимиз ҳамоно тушунтириб бераман ўғлим, - зўриқиб жавоб қайтарди мистер Уэсли.

Ўрмондан чиқаверишда кутилмаган тўсиққа рўбару бўлиши. Кўркиб кетган сехгар кишилар-у, афсунгар аёллар ўрмон четида тўпланиб олишган. Уларнинг аксарияти мистер Уэслини кўриб ёнига югуриб келди.

- Нима бўлди, Артур?
- Ким қилди бу ишни?
- Артур, ахир бу ишни... ўзи қилмаган-ку, шундайми?
- Албатта у қилмаган, - жавоб қайтарди мистер Уэсли бир оз аччиқланиб, - Биз жиноятчилар шахсини аниқлай олмадик. Афтидан улар ҳавода даф бўлишга улгуришган кўринади. Энди эса мени маъзур кўрасизлар, ўларча толиқдим. Бироз ухлаб олмасам бўлмайди.

У Гарри, Рон ва Гермионани ҳалойиқ орасидан олиб ўтди. Тез орада улар чодирли лагерга кириб бориши. Ҳамма ёқ жимжит. Бир нечта мажақланган чодирларнинг тутаб ётганини инобатга олмаганди, никоб таққан сехгарлар изидан асар ҳам қолмаган.

Чарлининг ўғил болалар чодиридан чикиб турган боши кўринди.

- Дада, тинчликми? - кичқирди у, - Фред, Жорж ва Жинна эсон-омон қайтиб келиши. қолганлар эса...
- Мен топиб келяпман уларни, - деди эгилиб, чодирга кираётган мистер Уэсли.

Гарри, Рон ва Гермиона мистер Уэслининг кетидан чодирга кириши.

Қонаётган қўлига латта босиб олган Билл ошхона столи ёнида ўтириби. Чарлининг эгнидаги кўйлаги йиртилиб кетган. Перси эса бурни лат еганидан ғуурланаётгани аён кўриниб туриби. Бир қадар ҳаяжонли ҳолатда бўлишса ҳам, эгизаклар билан Жиннага ҳеч нима қилмаган.

- Ажал белгисини яратганлар қўлга олинди-ми, дада? - сўради Билл.
 - Йўқ, - деди мистер Уэсли, - Биз Гаррининг сехрли таёқчасини ушлаб ётган Барти Сгорбснинг эльфини тутиб олдик холос. Бироқ Ажал белгисини ким яратганини ойдинлаштиришга муваффақ бўлмадик.
 - Нима?! - баралла бақириб юбориши. Билл, Чарли ва Перси.
 - Гаррининг сехрли таёқчаси билан? - хитоб қилди Фред.
 - Мистер Сгорбснинг уй эльфини? - таажӯбланди Перси.
- Мистер Уэсли ўрмонда бўлиб ўтган ходиса ҳакида Гарри, Рон ва Гермионанинг ёрдами билан сўзлаб берди. Воқеа баёни ниҳоясига етганда Перси қовоғини чимириб олди.
- Бундай итоатсиз эльфдан ҳалос бўлишга аҳд қилган мистер Сгорбс тўғри иш тутиби! - баёнот қилди у, - Жойидан кўзғалмаслик тўғрисида буйруқ олган экан, постни ташлаб кетмай, тек ўтириши керак эди!... Ўз соҳибини бутун вазирлик олдида ноқулай ҳолатга солибди!... Агар уни Сехрли махлуклар устидан назорат бўлимига чакиришса нима деган гап...
 - У ҳеч қандай ёмон иш қилмаган! Винки шунчаки нотўғри жойга, бемаврид келиб қолган холос! - бақириб берди Гермиона Персига.

Гермиона Персига ҳар доим ҳурмат билан қараган. Аникрок айтиладиган бўлса, бошқаларга нисбатан яхшироқ муносабатда бўлган.

- Гермиона, - деди кўркиб кетган Перси бироз ўзига келиб олгач, - Бировнинг таёқчасини олиб, кетини ўйлаб-нетмай таваккалига қочиб қоладиган уй эльфи мистер Сгорбсдай мавқега эга сехгарга керак эмас, - фикр билдириди у кибр-ҳаво ила.
- Винки таёқчани олиб қочган эмас! - боз бақириб Гермиона, - Ерда ётган таёқчани топиб олган холос!
- Тўхтанглар! Анави бош суюк ҳакида тушунтириш бера оласизми? - гапни бўлди Рон

сабрсизланиб, - Ўша шакл ҳеч кимга заарар етказмади-ку... Нега бунчалик ваҳима қўтарилиб кетди?

- Ахир Ажал белгиси Ўзинг-Биласан-Кимнинг тимсоли бўлади, деб айтган эдим-ку, Рон, - ҳаммадан олдин жавоб қайтарди Гермиона, - Ўша тимсол ҳақида «Ёвуз кучлар равнақи ва барҳам топиши» китобида ёзилган.

- Ўша белгини эса мана ўн уч йилдир-ки ҳеч ким кўрмаган, - паст овозда қўшиб қўйди мистер Уэсли, - Одамларнинг қўркиб кетгани табиий. Ахир Ажал белгисини кўриш улар учун «Ўзингиз-Биласиз-Ким қайтиби», деган гапни эшитиш билан тенг-ку.

- Ҳеч нарсани тушунмадим... - қошини чимириди Рон, - Ахир бу... шунчаки, қоғозга эмас осмонга чизилган расм холос-ку...

- Рон, бу иш Ўзинг-Биласан-Ким ва унинг малайлари учун одат тусига кирган. Улар ҳар сафар, бирон-бир кишини асфаласофилинга йўллагач, хавога Ажал белгисини учирашган, - батафсил тушунтиришга уринди мистер Уэсли, - Сен ҳали ёшсан. Ўша белги соладиган даҳшат одамлар қалбини қанчалик қамраб олишини тушунмайсан. Ўзинг тасаввур килиб кўр: сен бирон-бир жойдан уйга қайтяпсан-у, уйинг устида Ажал белгиси муаллақ осилиб турибди. Ичкарида эса сени қандай манзара кутиб турганини жуда яхши идрок этиб турибсан, - деди мистер Уэсли, ўз гапидан ўзи чўчиб кетиб, - Ўша даврларда ҳар бир одам ўз уйининг устида Ажал белгисини кўришдан ўларча қўркиб юрган.

Қўлининг жароҳатини кўриш учун латтани қўтариб қараган Билл бир неча дақиқа давом этган сукунатни бузди.

- Нима қилганда ҳам, Ажал белгисини яратган киши Ўлимдан мириқувчиларни кўрқитиб юбориб, бизга ҳалал берди. Уларнинг никобларини юлиб олишга улгурмасимиздан олдин ҳавода даф бўлиб, жуфтакни ростлаб қолиши. Хайриятки Робертслар оиласини, ерга тушиб, чалпак бўлиб кетишларига йўл қўймай, тутиб олишга муваффақ бўлдик. Ҳозир уларнинг хотираларига тегишли ўзгартириш киритиляпти.

- Ўлимдан мириқувчилар? - ҳайрон бўлди Гарри, - Ким улар?

- Ўзинг-Биласан-Кимнинг издошлари ўзларига шундай ном қўйишган, - жавоб қайтарди Билл, - Ўйлайман-ки, бугун ўша арбоблар тўдасининг Азкабанга камалмай қолиб кетган сўнгги парчасини кўрдик.

- Улар айнан ўша арбоблар эканлигини исбот кила олмаймиз, - ҳўрсинди мистер Уэсли, - Гарчи бунга ҳеч ким шубҳа қилмаса-да, - қўшиб қўйди у умидсиз оҳангда.

- Шубҳа йўқ, дада! - кутилмаган ғайрат-ла қичкирди Рон, - Биз ўрмонда Драко Малфойни учратдик. Дадаси никоб таққанлар орасида юрганлигига у деярли иқорор бўлди! Ахир Малфойлар Ўзингиз-Биласиз-Ким атрофидаги энг яқин кишилар доирасига кирганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку!

- Нега энди Вольдемортнинг малайларига... - гап бошлади Гарри, лекин чодирда ўтирганларнинг барчаси бир сесканиб тушди.

Сехргарлар дунёсининг аксарият фуқаролари каби Уэслилар ҳам Ёвуз Лорднинг исмини тилга олишмайди.

- Маъзур кўринг, - тез узр сўради Гарри, - Нега энди уларга маглларни осмонга қўтариш керак бўлиб қолди? Бундай ҳаракатнинг маъноси нима?

- Маъноси? - маъюс кулиб қўйди мистер Уэсли, - Гарри, улар шу тарзда вактичоғлик қилишади! Ўзинг-Биласан-Ким ўз ҳукмини суриб юрган кезларда магллар билан боғлиқ қотилликларнинг ярми айнан эрмак учун содир этилган. Бугун улар бўкиб ичиб, афтидан ҳали қўпчилик эканликларини ёдимизга солишга аҳд қилишган қўринади. Шу тарзда «қадрдон дўстлар учрашуви» бўлиб ўтди, - гапини якунлади у жирканч киёфа ясад.

- Модомики улар Ўлимдан мириқувчилар экан, нега бўлмаса Ажал белгисини кўриб, даф бўлишидди? - сўради Рон, - Ахир улар ўз белгиларини кўриб хурсанд бўлишлари керак эди-ку, шундай эмасми?

- Ўзинг ўйлаб кўр, Рон, - деди Билл, - Айтайлик, улар чиндан ҳам бир вақтлар Ўлимдан мириқувчилар бўлишган. Ўзинг-Биласан-Кимнинг ҳукми барҳам топгач эса Азкабанга камалмаслик максадида ўз сохибидан тонишган. Бунинг учун ёлғон гапириб: «одамларни

қийнаш ва ўлдиришга айнан Ўзингиз-Биласиз-Ким бизни мажбур килган», деб туриб олишган. Бор нарсамни ўртага қўйиб айтаман-ки, улар Ажал белгисини, яъни соҳибининг қайтиб келганини кўриб, бошқалардан баттар қўрқиб кетишган. Ахир улар Ўзинг-Биласан-Ким билан ҳар қандай муносабатдан тониб, оддий хаёт тарзига қайтишган-да... Буни эса ўша соҳиб кечириши амри маҳол.

- Хўш, ундан бўлса, Ажал белгисини яратган киши ҳакида қандай хулоса чиқармок даркор... - ўйчан гап бошлади Гермиона, - Унинг мақсади Ўлимдан мириқувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлганми ёки аксинча, қўрқитиш-ми?

- Биз буни била олмаймиз, Гермиона, - елка кисди мистер Уэсли, - Бироқ шуни аниқ айтишим мумкинки... Ажал белгисини яратиш усули фақат Ўлимдан мириқувчиларгагина яхши маълум. Иттифоқо, ўша белгини яратган одам Ўлимдан мириқувчилар доирасига муқаддам кирмаганлиги аниқланса, мен ниҳоятда таажжубланган бўлар эдим. Қулок солинг, болалар, кеч бўлди. Агар ойингиз бу ерда бўлиб ўтган ҳодисалардан хабар топгудай бўлса борми, қаттиқ ташвишга тушиши муқаррар. Шу боис ҳам бироз ухлаб олиб, энг биринчи портшлюс билан жўнаб қолишга ҳаракат қилишимиз даркор.

Гарри ўз каравотига боз ётганида боши ғувуллаётганини хис этди. Аслида у хозир, тунги соат учда, ўзини ўларча толиккан кишидай хис этиши керак. Аммо зифирдай бўлсин, уйқу йўқ. Бунинг устига уни нимадир ташвишга соляпти.

Гўё орадан анча вақт ўтиб кетгандай бўлса ҳам, чандиги атиги уч кеча олдин оғриб уйғонган эди. Бугун эса ўтган ўн уч йилдан сўнг илк бор осмонда Лорд Вольдемортнинг тимсоли кўринди. Буларнинг бари нимани англатади?

У Одамовилар хиёбонини тарк этишидан олдин Сириусга йўллаган хатини эсга олди. Сириус олдимикан хатни? Жавобини қачон йўллайди? Гарри брезент шифтга термилиб ётди. Лекин бу сафар кўзига квидишнинг, ухлаб қолишга ёрдам берадиган қизиқарли лавҳалари кўринмади. Гарри уйқуга кетиши, Чарлининг хурраги чодирни қамраб олиши учун етарлича кўп вақт керак бўлди.

Х БОБ.

ВАЗИРЛИҚДАГИ ТЎПОЛОН

Мистер Уэсли болаларга атиги бир неча соат ухлаб олишга имкон бериб, эрта тонгда уйғотди-да, сехр қўллаб чодирни йигиштириди. Уэслилар, Гарри ва Гермиона чодирли лагерни имкон қадар тез тарк этишар экан, кичкинагина тош кулба остонасида ғалати, ҳеч қандай маъно касб этмаган нигоҳ-ла қараб турган мистер Робертсга дуч келишди. Магл қўл силтаб, сайёҳларга Рождество байрамини баҳайр кутиб олишни тилаб қолди.

- У албатта соғайиб кетади, - деди мистер Уэсли паст овозда, - Хотирасига ўзгартириши киритилган ҳар қандай кишининг фикрлари муайян вақт давомида чалкашиб туради... мистер Робертсга эса кўп, жуда кўп мудҳиш нарсаларни унутишга тўғри келди.

Улар ботқоқ бўйлаб кетишли. Портшлюс тарқатиш пункти яқинига етган болаларнинг қулогига ҳаяжонли овозлар эшитилди. Аниқланишича, портшлюс хизматининг нозири Бейзилни кўплаб сеҳргар эркаклар-у, афсунгар аёллар ўраб олишга улгурган. Лаънат ўқилган ушбу лагердан нарига иложи борича тезроқ жўнаб кетишини истаган халойиқ портшлюс талаб қилмоқда. Мистер Уэсли Бейзил билан аллақандай масалани тез муҳокама қилиб олгач, болалар навбатга туришди. Тонг отмасдан улар эскириб йиртилган резина покришка воситасида Оксичон боши тогига қайтишга улгурди. Тонг отардаги гира-ширада эса толиккан болалар мазали нонушта ҳакида орзу қилганча, Колготтери Сент-Инспекторт қишлоғи бўйлаб Уэслилар Бошпанаси томон чурқ этмай юришди. Муюлиш ортига ўтиб, Бошпана кўринадиган жойга етишгач, шудринг нами қамраб олган ҳавода қадрдон овоз янгради:

- Фалакка шукурлар бўлсин! Беҳад шукурлар бўлсин!

Афтидан ҳовлида кутиб ўтиришга сабри чидамаган миссис Уэсли эрталабки «Башорат-у, каромат газетаси»ни кўлига маҳкам сиқиб олганча, ҳатто оёғидаги уй шиппагини алиштириб олишни ҳам унутиб, болаларни қарши олгани кўчага чиқкан кўринади.

- Артур!... Мен шундай хавотир олдимки, шундай хавотир олдимки...
 У ўзини эрининг бўйнига отиб, бўшашиб қолган қўлидаги газетани ерга тушириб юборди.
 Пастга қараган Гарри газетадаги: «**КВИДИШ КУБОГИНИНГ ФИНАЛ ЎЙНИДА РЎЙ БЕРГАН МУДХИШ ХОДИСА**» сарлавҳасини ўқиб, ўрмон дараҳтлари устида яркираб турган Ажал белгисининг оқ-кора фотосуратини кўрди.
- Хайрият тирик экансизлар, - ғудуллади эридан нари қочган миссис Уэсли йифидан кизариб кетган кўзлари билан қолганларни санаб чиқиб, - Тирик экансизлар... болаларим...
 Миссис Уэсли ҳаммани ҳайрон қолдирган тарзда эгизакларни бағрига чунонам босиб олдики, Фред билан Жорж бошлари билан уришиб кетишиди.
- Вой! Ойи, бўғиб кўясиз!...
- Ахир мен сизларга ўшқириб, қичкириб берган эдим-ку! - миссис Уэсли ҳиқиллай бошлади, - Хаёлимга бошқа ҳеч нарса келмади! Ўзингиз-Биласиз-Ким сизларни ўлдириб кўйган бўлса-ю, мен эса бу дунёда иккалангиз эришган МОСДнинг савияси паст бўлгани учун вайсаган хотираларим билан қолиб кетсан, ўзимни қандай ҳис этган бўлар эдим? О, Фред... Жорж...
- Тинчлан, Молли, бизга ҳеч нима қилгани йўқ, - деди хотинини эгизаклардан ажратганча, эркала, уй томон етаклаган мистер Уэсли, - Билл, ўғлим, анави газетани ол, - кўшиб кўйди у паст овозда, - Унда нима ёзилганини ўқиб билмоқчиман...
- Ҳамма Бошпананинг кичкинагина ошхонасига кириб олди. Гермиона миссис Уэслига аччиқ чой дамлаб, мистер Уэслининг қистовига кўра Огден Олднинг куйдирадиган вискисидан «бир томчи» кўшиб берди. Мистер Уэсли Билл узатган газетани қўлига олиб, биринчи саҳифасига кўз югуртириди. Перси эса мақолани отасининг орқасида туриб ўқиди.
- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, - оғир хўрсинди мистер Уэсли, - *Вазирлик томонидан ўйл қўйилган омилкорсизлик... айборлар топилмади... хавфсизлик чораларига эътиборсизлик... ёвуз сеҳргарларнинг монесиз кириб келиши... миллатга теккан иснод...*
 Ким ёзибди ўзи буни? А... ким бўларди... Рита Врите-да.
- Бу аёлнинг олдида турган асосий мақсад – сеҳргарлик вазирлигининг нуфузига путур етказиш шекилли! - деди Перси аччиғи чиқиб, - Ўтган хафта у, конхўрларни қириб битказиш ўрнига қозонлар билан ғимирилаб юрганимизни ёзган эди! Гўёки, «Табиатан сеҳргар бўлмаган ярим одамсимон маҳлуқотлар билан муомала қилиш бўйича қўлланма»нинг 12- бандида атайнин кўрсатиб ўтил...
- Перс, илтимос, - эснади Билл, - Овозингни ўчир
 - Бу ерда мен ҳакимда ҳам ёзишибди, - деди мақолани охиригача ўқиб чиқкан мистер Уэсли кўзларини катта-катта очиб.
- Каерида? - қулқуллаб қолди миссис Уэсли бўғзига виски аралаштирилган чой тикилиб, - Билиб ўқиганимда, сизлар тирик эканликларингдан хабар топган бўлар эдим-ку!
- Исмим айтилмаган, - бош чайқаб кўйди мистер Уэсли, - Мана, қулоқ солинг: «Ўрмон четида ўларча қўрқиб, юрак олдирганча турган сеҳргар эркаклар-у, афсунгар аёлларнинг вазирлик ходимларидан таскин топиб, далда олиши умиди аянчли равишда пучга чиқди. Фалакда Ажал белгиси пайдо бўлиб, бир қадар вақт ўтганидан сўнг, ўрмон ичидан вазирлик ходимларидан бири чиқди. Мансабдор шахс ҳеч кимга шикаст етмагани ҳакида маълум қилди-ю, бошқа бирон-бир ахборот беришдан бош тортиди. Бирор унинг ушбу қисқагина баёноти ўрмондан бир нечта ҳушсиз тана олиб чиқилганлиги ҳақидаги миши-миши гапларга чек қўйши учун етарли бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш керак бўлади».
- Ошириб юборибди, - деди газетани Персига узатган мистер Уэсли чор-ночор оҳангда, - Ахир ҳакиқатан ҳам ҳеч кимга шикаст етмаган-ку, бошқа нимани айтишим керак эди?
 Ўрмондан бир нечта ҳушсиз тана олиб чиқилганлиги ҳақидаги миши-миши гапларга келсак... Унинг бундай сатрларидан сўнг, энди чиндан ҳам бемаъни овоза тарқаладиган бўлди.
- У яна бир бор чуқур хўрсиниб кўйди.
- Молли, бундай бемаънилилкни бартараф этиш учун ишга боришим керак
 - Мен сиз билан бораман, дада, - мардонавор истак билдириди Перси, - Бугун мистер

Сгорбсга бўлимнинг барча ходимлари керак бўлади. Бундан ташқари, хисботимни унга шахсан ўзим топширишим мумкин.

Перси ошхонадан чиқиб кетди. Миссис Уэслининг эса кайфияти бузилди.

- Артур, ахир меҳнат таътилидасан-ку! Бу ишнинг сен бошқарадиган бўлимга дахли йўк! Вазирлик сенсиз ҳам тинчтар ӯша бемаъниликтин...

- Йўқ, Молли, боришим керак, - қатъий аҳд килди мистер Уэсли, - Ишлар айнан менинг дастимдан пачава бўлди. Одамга ўхшаб кийиниб чиқай, кетаман.

- Миссис Уэсли, мабодо Хедвиг менга хат келтиргани йўқми? - сўради сабри чидамаган Гарри.

- Хедвиг, хат? Йўқ ёқимтойгинам, - жавоб қайтарди паришонхотир миссис Уэсли, - Умуман ҳеч қандай хат келмади.

Рон билан Гермиона Гаррига қизиксиниб қараб қўйди. Ўртокларига пурмаъно қараб қўйган Гарри Ронга мурожаат қилди:

- Нарсаларимни хонангга киритиб қўйсам майлими.

- Ҳа... Мен ҳам ўз лаш-лушларимни киритиб қўяман, - жавоб қайтарди Рон, - Сен-чи, Гермиона?

- Мен ҳам, - дархол бош иргиди Гермиона.

Учовлон ошхонани тарк этиб, зинапоядан юқорига кўтарилиди.

- Нима гап, Гарри? - сўради Рон қия шифтли болохонадаги хонасининг эшигини ёпиши билан.

- Сизларга айтишим шарт бўлмаган бир гап бор, - маълум қилди Гарри, - Якшанба куни чандигим оғриб уйғониб кетган эдим.

Дўстларнинг ушбу гапга билдирган муносабати Гаррининг тасаввуридай кечди. Кичкириб юборган Гермиона шу заҳоти тегишли китоблардан олинган маълумотлар, шунингдек, Альбус Дамблдордай нуфузли зотлардан бошлаб, мактаб фельдшери Помфри хонимгacha билдириши мумкин бўлган фикр-мулоҳазалар-у, кўриши мумкин бўлган чоралар ҳакида гапира кетди.

Рон эса тамоман эсанкираб қолган.

- Аммо... Лекин... Бирок... Ахир... Ўзинг-Биласан-Ким бўлмаган-ку у ерда, шундай эмасми?... Яъни... ўтган сафар чандигинг оғриганида Ёвуз Лорд «Хогварц»да бўлган-ку...

- Ёвуз Лорд Одамовилар хиёбонига ташриф буюргмаган. Бунга ишончим комил, - ўйчан жавоб берди Гарри, - Аммо ӯша кеча тушимда Вольдеморт билан Питерни... яъни Чувалчангдумни ҳам кўрдим. Тушимни тўлиқ эслай олмайман-у... иккаласи кимнидир ўлдиришни режалаштиришган.

Гарри «мени» демоқчи бўлди-ю, Гермионанинг чўчиб турган ахволини кўриб, фикридан қайтиди.

- Бу бор-йўқ туш холос-ку, - ясама бардамлик-ла овунтирган бўлди Рон, - Шунчаки тунги босинкираш.

- Шундайликка шундай-куя, лекин чиндан ҳам шундаймикан? - деди Гарри ёришаётган осмонга қараб, - Жуда ғалати-да... Дастреб ҷандигим оғриғи, уч кун ўтгач Ўлимдан мирикувчиларнинг намойишкорона юриши, сўнг Вольдемортнинг осмонга кўтарилган тимсоли...

- Унинг исмини талаффуз этма! - маҳкам қисиб олган тишлари орқали дона-дона қилиб ўшкirdи Рон.

Гарри «Хогварц»да ўқитиладиган башорат фани ўқитувчисини эслади.

- Профессор Треланининг башорати ёдингиздами? - фикрини давом этди у, Роннинг ҳолатига эътибор ҳам қаратмай, - ўтган ўқув йилининг охиридаги башорати?

Гермионанинг юзидаги қўрқув бир зумда барҳам топиб, истехзоли кулиб юборди.

- Э Худойим, Гарри, миясини еган ӯша кари кизнинг башоратига лақقا тушмоқчи бўляпсан-ми?

- Сен у ерда бўлмагансан-да, - эътиroz билдириди Гарри, - Унинг қай тарзда гапирганини эшийтмагансан. Ӯша сафар ҳамма нарса умуман бошқача кечган. Гапимга ишон, у

гапираётганида ўз ҳушида бўлмаган. Онги ўчиб қолган, ҳақиқий транс ҳолатида бўлганча: Ёвуз Лорд танҳо ўзи, дўстлари ва издошлари томонидан унумилган, қаровсиз қолдирилган аҳволда ётибди. Унинг энг садоқатли хизматкори ўн икки йил бадаргада бўлди... Хузурига қайтган хизматкорининг ёрдами или Ёвуз Лорд олдинги ҳолатидан ҳам буюк ва янада даҳшатли ҳолатда яна бош кўтаради... деб башорат қилган эди.

Чувалчангдум эса айнан ўша кеча қочиб кетди.

Сукунат чўқди. Паришон қиёфа касб этган Рон кора рангли йирик «ОЗ» ҳарфлари ва отилган замбарак ўқининг тасвири тикилган тўқ сариқ ўрин ёпинчиғидаги тешикка тиқиб олган бармоғини ўйнатиб ўтириди.

- Хедвиг учиб келган-келмаганини нега сўрадинг? - сўради Гермиона, - Бирон кишидан хат кутяпсан-ми?

- Сириусга чандигим ҳақида ёзиб юборган эдим, - елка қисди Гарри, - Нима деб жавоб қайтаришини кутяпман.

- Зўр иш тутибсан! - хитоб қилди юзи ойдинлашиб кетган Рон, - Сириус аниқ билади нима қилиш кераклигини!

- Жавобини тезроқ олсан керак, деб умид қилган эдим, - ғудуллади Гарри.

- Унинг қаердалигини билмаймиз-ку... Балки у Африкада юргандир, - жўяли таъкидлаб ўтди Гермиона, - Бундай узоқ масофага Хедвиг бир неча кун ичида бориб қайта олмайди, ахир.

- Ҳа, албатта, - рози бўлди Гарри.

Деразадан ташқарига яна бир бор қараб Хедвигни кўрмаган боланинг қалбини ғам-ташвиш қамраб олди.

- Юр, Гарри, бокқа чиқиб квидиш ўйнаймиз, - таклиф киритди Рон, - Билл, Чарли, Фред ва Жорж ҳам жон деб ўйнашади. Уч кишига қарши уч киши чиқамиз... Каззобскийнинг фирибини амалда кўллаб кўрасан...

- Рон, - деди Гермиона ифодали оҳангда, - Хозир Гаррининг кўнглига квидиш сиғади, деб ўйламайман... У чарчаган, асабий бир ҳолатда... Ҳаммамиз ухлаб олсак ёмон бўлмас эди...

- Хозир айнан квидиш ўйнагим келяпти, - кутилмаганда икрор бўлди Гарри, - Шошмай тур, «Чақмоқ»ни олай.

Гермиона алланима вайсаб, «Ёш болачалар» деганча хонани тарк этди.

Келгуси ҳафта давомида мистер Уэсли билан Перси деярли кўриниш беришмади. Улар тонг сахар, ҳали ҳамма ухлаб ётган маҳалда уйдан чиқиб, кечки овқат вақтидан анча кейин қайтишар эди.

Якшанба куни кечкурун, болалар мактабга жўнаб кетадиган сана арафасида ўларча толиқкан қиёфа ясад олган Перси кибр-ҳаво или ўз фаолиятига тааллукли сирлардан бирини озгина очган бўлди.

- Вазирликда қанақанги тўполон бўлаётганини сиз тасавур ҳам қила олмайсиз. Ҳафта бўйи ўт ўчириш билан овора бўлдим, - маълум қилди у, - Бизга Қичқириқнома кетидан Қичқириқнома йўлланяпти. Уларни тез очмас экансиз портлаб, ўт олади. Столимнинг усти куюкка тўлиб кетди. Ҳатто энг яхши пат-қаламим ҳам ёниб битди.

- Нега энди сизларга Қичқириқномалар йўлланяпти? - сўради Жинна.

Қизалоқ камин олдидаги шолчада ўтириб, сеҳргарлар тасмаси воситасида Филлида Споранинг «Мингта сеҳрли алаф ва кўзиқоринлар» китобини таъмирлаб ўтириби.

- Одамлар финал ўйининг кўриқлаш хизмати талаб даражасида ташкиллаштирилмаганидан нолиб, хусусий мол-мулкларига етказилган зарар ўрнига бадал тўланишини талаб этишмоқда, - тушунтириди Перси, - Анави муттаҳам Мундугнус Флетчер эса маҳсус жихозланган ювиниш хонаси ва ўн иккита ётоқхонага эга чодир ҳақини ундириб олиш мақсадида даъво қўзғабди. Мен эса унинг маккорона фирибини фош қилиб ташладим. Ўша кунлари у, чодирли шаҳарчада тўртта ёғоч таёққа тортилган ридоси остида, курук ерда ётганини жуда яхши эслайман.

Миссис Уэсли полда турган баланд соатга қараб қўйди. Бу соат Гаррига жуда ёқади. Ҳозир соат неча бўлганини кўрсатмаса-да, унинг миллари етарлича тўлиқ ахборот беради. Хусусан, ушбу соатнинг тўққизта тилла мили бўлиб, ҳар бирига Уэслилардан бирининг исми ўйиб ёзилган. Соат доирасига рақам ўрнига оиланинг тегишли аъзоси айни вактда қаерда эканлигини англатадиган ёзувлар, чунончи: «Ўйда», «Ишда», «Мактабда» ва ҳатто «Бедарак кетди», «Касалхонада», «Қамоқда» каби сўзлар, «12» рақами ўрнида эса «Ҳалокат ёқасида» ёзуви битилган.

Ҳозир милларнинг саккизтаси «Ўйда» ёзувининг рўпарасига йифилган. Фақат энг узун, мистер Уэслига тааллуқли биттагина мил ханузгача «Ишда» ёзувини кўрсатиб турибди.

- Дадангиз Ўзингиз-Биласиз-Ким замони ўтиб кетгандан бўён дам олиш кунлари ишга бормаган эди, - чукур хўрсинди миссис Уэсли, - Раҳбариятдан бирортаси ҳам уни авайламайди-я. Агар у ҳозир етиб келмас экан, кечки овқати айниб қолади.

- Дадам ўйин куни йўл қўйган хатосини текислашга уриниб, тўғри иш қиляпти, шундай эмасми? - деди Перси, - Тўғрисини айтадиган бўлсак, ўз фикрини департамент раҳбари билан олдиндан мувофиқлаштирамай омма олдида баёнот қилгани – кетини ўйламай қилинган иш бўлади...

- Анави мудхиш аёл каби отангга тухмат қилиб, қилмаган ишини қилди деб айблама уни! - жаҳл қилди миссис Уэсли.

- Агар дадам бирон оғиз сўз айтмаганида ҳам, ўша тентак Рита: «бўлиб ўтган ҳодисани вазирлик ҳодимларидан бирортаси ҳам шархлаб ўтмади», деб бари-бири вазирликни айبلاغан бўлар эди, - эътиroz билдириди Рон билан шахмат ўйнаб ўтирган Билл, - Рита Вритеर ҳали бирор киши ҳақида яхши сўз ёзмаган. «Гринготтс» банкининг афсун таъсирига бархам берувчи ҳодимларидан олган интервьюси, ўша интервьюда мени «Сочи узун овсар» деганини эслайсиз-ми?

- Сочинг чиндан ҳам ҳаддан ортиқ узун-да, ўғлим, - таъкидлаб қўйди миссис Уэсли мулойим оҳангда, - Ижозат берсанг бўлди, ўзим...

- Йўқ, ойи.

Акаси билан шахмат ўйнаётган Рон бармоқлари билан меҳмонхона деразасининг ойнасини чертиб ўтириди. Гермиона Мираңда Гошокнинг «Афсунлар тўплами (тўртинчи кисми)»ни мутолаа қилишга берилиб кетган. Миссис Уэсли Диагон хиёбонига ташриф буюриб, ушбу китобнинг учтасини Гермиона, Гарри ва Рон учун харид қилиб келди. Гарри ўн уч ёшга тўлгани муносабати билан Гермионадан олган совғаси – супургига техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар тўпламини оёғи остига ёзиб олиб, «Чақмоқ»ка сайдал беряпти. Қўлларига пат-қалам ушлаганча пергамент вараги устига эгилиб олишган Фред билан Жорж эса бир бурчакда алланима ҳақида пиширлашмоқда.

- Иккалангиз нима қиляпсиз у ерда? - шубҳа билан қараб қўйди миссис Уэсли.

- Ўйга берилган вазифани бажариб ўтирибмиз, - мубҳам жавоб берди Фред.

- Мени аҳмоқ қилма, ҳозир таътил-ку, - овоз кўтарди миссис Уэсли.

- Тўғри, аммо биз айрим вазифаларни бажаришга ултурганимиз йўқ, - деди Жорж.

- Иттифоқо, ўша вазифа буюртмаларнинг янги бланкаси эмасми? - зийрак тикилиб қаради миссис Уэсли, - «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»ни қайтадан бошлаётганларинг йўқми, ишқилиб?

- Қулоқ солинг, ойи, - деди Фред миссис Уэслига қараб, - Мабодо эртага «Хогварц-Экспресс» ҳалокатга учраб, Жорж иккаламиз ҳалок бўлсак-у, сиз бу дунёда иккала болангизни адолатсиз айبلاغан хотираларингиз билан колиб кетсангиз, ўзингизни қандай ҳис этган бўлар эдингиз?

Ҳамма, ҳатто миссис Уэсли ҳам қулиб юборди.

- О, ана отангиз ишдан қайтаяпти! - бирдан хитоб қилди у, яна бир бор соатга қараб.

Мистер Уэслига тааллуқли соат мили «Ишда» ҳолатидан «Йўлга чиқди» ёзувига сакраб ўтди. Бир сония ўтгач эса бироз титраб, қолган миллар каби «Ўйда» ҳолатига келиб қолди. Сал ўтиб, ошхонадан мистер Уэслининг овози эшитилди.

- Ҳозир чиқаман, Артур! - кичкирди миссис Уэсли, хонадан ўқдай отилиб чиқиб.

Дақиқа үтгач, тинка-мадори қуриган мистер Уэсли қўлига патнис ушлаганча илик меҳмонхонага кириб келди-да, камин ёнига ўтириб, қуришиб қолган гулкамарни санчки билан титкилашга киришди.

- Фалокат юз берадиган кўринади, Молли, - деди у нихоят, - Рита Вритеर хафта давомида ҳар хил қоғозлар титиб, вазирлик томонидан йўл қўйилган яна бирорта хато топишга уринди. У ўз олдига қўйган мақсадига эришган кўринади чамаси. Бечора Берта ҳақидаги маълумотларни топиб олибди. Эртага «Башорат-у, каромат газетаси»да ўша киз ҳакида мақола чиқадиган кўринади. Шульманга юз йил олдин айтган эдим-а, ўша қизни қидириш тадбирларини бошлиш керак, деб.

- Мистер Сгорбс ҳам доим шу ҳақда кўп гапириб келган эди, - шу заҳоти гапга аралашди Перси.

- Э, ўша мистер Сгорбснинг... - аччиқланди мистер Уэсли, - Хайриятки, Рита Вритеर Винки ҳақида хабар топмади. Сгорбснинг омади чопди деса лоф бўлмайди, акс ҳолда вазирлик ходимининг уй эльфи Ажал белгисини яратган сехрли таёқча билан қўлга олинганилиги ҳақидаги бемаъни, пурбўхтон мақолаларнинг бутун бошли серияси чоп этилишига сабаб топилган бўлар эди.

- Ўша Винки ўта масъулиятсиз бўлса-да, Ажал белгисини яратса олмаслигини ойдинлаштириб олган эдик шекилли, - қизишиди Перси.

- Агар шахсан менинг фикрим қизиқ бўлса, мистер Сгорбснинг омади чиндан ҳам чопди деса бўлаверади. Чунки мистер Сгорбс уй эльфларига нисбатан қандай бешафқат муносабат билдиришини «Башорат-у, каромат газетаси» мухбирларининг хабари йўқ, - деди Гермиона.

- Билиб қўй, Гермиона! - деди Перси, зардаси қайнаб, - Мистер Сгорбсдек юкори мартабали мансабдор шахснинг хизматкорлари унга сўзсиз бўйсуниши шарт...

- Куллари, демоқчисан шекилли! - гап қайтарди Гермиона жарангдор оҳангда, - Ахир у Винкига ҳақ тўламайди-ку, шундай эмасми?

- Назаримда ҳаммангиз нарсаларингизни йигиштириб, сафарга шай ҳолатга келтирилганини текшириш учун юкорига чиққанингиз маъқул! - баҳсга чек қўйди миссис Уэсли, - Қани ўрнингиздан туриңг. Ҳаммангиз. Тез бўлинг!

Гарри супургига техник хизмат кўрсатиш тўпламини ёпиб, «Чакмок»ни елкасига ташлади-да, Рон билан бирга юкорига кўтарилиди.

Шамолнинг ғувиллаши билан жаланинг шовқини том остида янада баланд эшитилмоқда. Чордокда яшайдиган йирик кўршапалакнинг вақти-вақти билан солган айюҳанносини эса гапирмаса ҳам бўлаверади. Болалар хонага кириб келишлари билан қафас ичида типирчилай кетган Чўчинстель чуғур-чуғурини бошлаб юборди. Хонада сафар олдидан юзага келган вазият, сандиклар ҳали тўла-тўқис йигиштирилмаган ахвол, ушбу бойқушчанинг кайфиятини идора қилиб бўлмайдиган даражада кўтариб юборган кўринади.

- Унга «Бойқуш қувончи»дан озгина тўкиб бер, зора унини ўчирса, - деди Рон Гаррига қоғоз халтacha узатиб.

Гарри куш емининг бир жуфтини қафас панжарасининг чивиклари орқали суқиб киритиб, сандиғи ёнида ҳанузгача бўш турган Хедвигнинг қафаси томон юзланди.

- Бир ҳафтадан ўтди, - деди бўш кўнокка қараб қолган Гарри маъюс оҳангда, - Рон, нима деб ўйлайсан, Сириусни қўлга олишмадимикан мабодо.

- Йўқ, - ишонч-ла жавоб қайтарди Рон, бошини чайқаб, - Қўлга олинганида «Башорат-у, каромат газетаси» сахифаларида бу ҳақда аллақачон жар солинган бўлар эди. Ахир вазирлик лоақал бир кишини бўлса ҳам қўлга олишга муваффақ бўлганини маълум қилиши керак-ку.

- Ҳа, албатта...

- Гарри, мана бу ерда ойим Диагон хиёбонидан сенга харид қилган нарсалар, сен учун банқдан олинган пул ва ювилган пайпокларинг ётиби.

Рон Гаррининг каравотига бўхчалар уюмини олиб ўтиб, ҳамён билан пайпокларни

улоқтириди. Гарри харид қилингандарни очиб кўришга киришди. Миранда Гашокнинг «Афсунлар тўплами (тўртинчи қисми)»дан ташқари, унга бир сиким янги пат-қалам, пергамент қоғозининг ўн иккита ўрами ва сехрли дамламалар тайёрлаш учун кўлланиладиган таркибий қисмларнинг айримлари харид қилинибди. Гаррининг захираларида шер-балиқнинг туйилган умурткаси билан белладонна экстракти деярли тугаб қолган эди. Ички кийимини қозон ичига тахлар экан Роннинг нимадандир жирканганча, бакириб юборгани эшилди ([Белладонна – заҳарли ўтсимон ўсимлик ва ундан тайёрланган дори. Экстракт – кимёвий йўл билан органик тўқималардан олинган модда](#)).

- Бу қанақанги қабоҳат бўлди?

У кўлига тўқ қизил рангли духобадан тикилган узун кўйлакка ўхшашиб тушиуни бўлмайдиган аллакандай кийимни ушлаб олган. Енглари ва ёқасининг гардиши йўсин босган тўрлар билан безалган.

Эшик тақиллаб, хонага ювилиб, дазмол босилган коржомаларнинг бир дунёсини қучоқлаб олган миссис Уэсли кириб келди.

- Бу сизларники, - деди у коржомаларни иккита дастага айириб, - Батартиб жойланг, гижимланмасин.

- Ойи, Жиннанинг кийимини менинг кийимларим орасига солиб қўйибсиз, - деди Рон, тўқ қизил хламидани миссис Уэслига узатиб ([Хламида – Юноистонлик ва римлик эркакларнинг плашга ўхшашиб кийими](#)).

- Жиннанини эмас, сеники, - эътиroz билдири миссис Уэсли, - Бу тантанали маросимларга кийиладиган парад кийиминг.

- Нима?! - ҳайрон қолди Рон, башараси яшин урган кишининг турқига ўхшаб қолиб.

- Парад кийиминг, - такрорлади миссис Уэсли, - Мактабдан йўлланган бу йилги рўйхатда ўқувчиларнинг парад кийими бўлиши тайинланган... тегишли маросимларда кийиш учун.

- Ҳазиллашяпсиз шекилли, а? - ишонқирамай шивирлади Рон, - Мен бу матоҳни ҳаётда киймайман.

- Ҳамма кияди уни, Рон! - аччиқланди миссис Уэсли, - Бундай кийимлар ўзи шунақа бўлади! Дадангда ҳам худди шунақаси бор... тантана ва маросимларга кийиш учун.

- Буни кийиб боргандан кўра, ўша тантанада қип-яланғоч иштирок этганим афзал, - ўжарлик қилиб туриб олди Рон.

- Ахмокона гапларингни йигишиштир, - ўғлини тинчлантиришга уринди миссис Уэсли, - Маросимларга кийиладиган коржомаларинг бўлиши шарт. Рўйхатда кўрсатилган. Гаррига ҳам сотиб олдим... кўрсат унга Гарри...

Она-бала ўртасидаги гапни эшилтиб, ҳаяжондан титраб-қалтираб қолган Гарри сўнгги бўхасини аста очди. Ёмон эмас. Хайриятки, унинг парад кийимида тўрлар йўқ. Умуман айтганда, бу кийим нимаси биландир оддий коржомага ўхшаб кетади. Фақат ранги қора эмас яшил.

- Кўзларинг рангига мос келади, деб мана шу рангни танладим, ёқимтойгинам, - деди миссис Уэсли завқланиб.

- Тўғри, бунақасини кийса бўлади! - деди Рон, дарғазаб нигоҳ-ла Гаррининг парад кийимига баҳо бериб, - Нега энди менга ҳам шунга ўхшашини олиб бермадингиз?

- Чунки... чунки мен сенинг кийимингни тутилган буюмлар дўконидан харид қилдим. У ерда эса танлаб олинадиган моллар кўп бўлмайди! - тушунтириди лунжалари қизариб кетган бечора она.

Гарри кўзини олиб қочди. У пулларини бажони дил Уэслилар билан бирга баҳам кўрган бўлар эди-ю, бироқ улар ҳаётда олишмаслигини яхши билади.

- Мен бу матоҳни ҳеч қачон киймайман, - ўжарлик-ла такрорлади Рон, - Ҳеч қачон.

- Жуда соз, - ўшқириб берди миссис Уэсли, - Қип-яланғоч боравер ўша маросимга. Сен эса Гарри, уни фотосуратга туширишни эсингдан чиқарма. Фалак шоҳид, баъзан вақтичоғлик қилиш менга ҳеч ҳам зарар қилмайди.

Миссис Уэсли эшикни қарсиллатиб ёпганча, хонадан чикиб кетди. Шу пайт бикирлаган

ғалати товуш эшитилди. Чўчринстелнинг томоғига «Бойқуш қувончи»нинг каттагина бўлаги тикилиб қолибди.

- Нима учун нарсаларимнинг ҳаммаси икки пулга қиммат, а? - юрақдан нолиди Рон, Чўчринстель томон, унинг тумшуғини очиш учун борар экан.

XI БОБ.

«ХОГВАРЦ-ЭКСПРЕС»ДА

Эртасига эрталаб уйғонган Гарри Бошпанада, ёзги таътил тугаганини англатаётган қандайдир ғалати кайфият хукм суроётганини хис этди. Дераза ойнасини интиҳоси йўқ ёмғирнинг йирик томчилари саваламоқда. У ўрнидан туриб жинси шими билан свитерини кийиб олди. Мактаб кийими, одатда, поездда кийилади.

Ошхонага йўл олиб зина бошига етган Гарри, Рон ва эгизаклар ҳали биринчи қаватга тушмай туриб, пастда, нихоятда ҳаяжонланиб кетган миссис Уэслини кўришди.

- Артур! - чакирди у баланд овозда, - Артур! Пастга туш, тезроқ, вазирликдан шошилинч хабар!

Коржомасини тескари кийиб олганча, пастга гумбурлаб тушаётган мистер Уэслини ўтказиб юбориш учун Гарри деворга қапишиб олди. Болалар ошхонага кириб келганда жонсарак ҳолатга келиб қолган миссис Уэсли кийим жавонининг яшикларини титкилаётган экан.

- Ахир шу ерда ҳам бор эди-ку, пат-қаламларим!

Мистер Уэсли эса бу пайтда ўчоқ чўғига юзланиб олганча... ким биландир сухбат курмоқда...

Гарри ўзи кўриб турган манзарани тўғри идрок этганига ишонч ҳосил қилиши учун кўзини чирт юмиб, яна очди.

Камин ичида гўё соқол ёпиштирилган катта тухум каби кекса сеҳргар Амос Диггорининг муаллақ осилиб турган боши кўринди. У ўз атрофида сачраётган учқунларга ҳам, кулоқларини ялаб турган гулхан тилларига ҳам эътибор қаратмай тез гапирияпти.

- ... шовқин-суронни эшитган кўшни магллар, анави... нима деб аташар эди уларни... ха, полуцейчиларни чакиришибди. Артур, сен зудлик билан ўша етиб боришинг керак бўлади.

- Мана! - овоз чиқармай ҳансиради миссис Уэсли, эрининг қўлига пергамент вараги, сиёҳдон ва эзилган пат-қалам ушлатиб.

- ... тасодифан хабар топганимнинг ўзи катта бир омад, - гапини давом эттириди мистер Диггорининг боши, - Ҳар хил манзилларга бир нечта бойқуш жўнатишим керак бўлгани учун идорага эртароқ борган эдим. Қарасам, Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлимининг ходимлари тўла таркибда йигилиб, воеа жойига жўнашга шай туришибди... Агар Рита Врите бу гаплардан хабар топадиган бўлса, Артур...

- Ўйноккўзнинг ўзи қандай тушунириш берди? - сўради сиёҳдонни очиб, пат-қалам ботирган мистер Уэсли ёзишга шайланиб.

Мистер Диггорининг боши кўзини тепага қаратди.

- Ҳовлисига кимdir ошиб тушаётганини эшитган эмиш. Гўё улар уйга сездирмай яқин келишмоқчи бўлган-у, чиқинди ташлаш бакларининг пистирмасига рўбару бўлиб қолишган.

- Хўш, чиқинди ташлаш баклари нима ҳунар кўрсатибди?

Жиддий киёфа касб этган мистер Уэсли алланима ёзиб ўтириди.

- Нима килар эди, чиқинди отибди. Умуман катта тўс-тўполон кўтарилиган, - деди мистер Диггорининг боши, - Тушунишим-ча, полуцейчилар етиб келишганида чиқинди ташлаш бакларидан бири шиддат билан ўт очиши давом эттираётган экан...

Мистер Уэсли инграб юборди.

- Ҳовлига писиб кирганлар борасида ҳам бирон-бир маълумот борми?

- Артур, Ўйноккўзни яхши биласан-ку, - мистер Диггорининг боши кўзини яна тепага қаратди, - Тун ярмида унинг ҳовлисига чиндан ҳам бирор бостириб кирган, деб ўйлайсан-

ми? Картошка пүчоклари-ю, ҳар хил ахлатга беланган мушук кирган бўлиши мумкин. Бироқ ўйлаб қўр, агар Сехгарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлими томонидан Ўйноқкўзга нисбатан бирон-бир чора қўриладиган бўлса, тамом бўлди, деб ҳисоблайвер. Ўйноқкўз хужжатларининг жилдини эсла! Бу ишларни босди-босди килиш, Ўйноқкўзни сенинг идорангга тааллукли бирор-бир арзимас нарсада айблаб, саклаб қолиш керак. Чикинди отар баклар учун нима чора қўрилади сизларда?

- Дастраб огоҳлантирилади, - деди қошини чимириб олган мистер Уэсли алланима ёзишда давом этиб, - Ўйноқкўз сеҳрли таёқча кўллади-ми? Бирор-бир кишига ҳамла қилди-ми?
- Ишончим комилки, Ўйноқкўз каравотидан туриб-ла, деразадан ташқарида кўринган нарса борки, ҳаммасига қарши афсун ўқишига киришиб кетган, - жавоб берди мистер Диггорининг боши, - Бироқ буни исботлаш керак. Жабрланганлар йўқ-ку, ахир.
- Бўпти, ундай бўлса мен учдим, - мистер Уэсли қоғозни чўнтағига солиб, юргурганча ошхонадан чиқиб кетди.

Кекса Диггорининг боши миссис Уэслига юзланди.

- Мени кечир, Молли, - деди у нисбатан босикроқ оҳангда, - Сизларни жуда эрта безовта қилиб қўйдим. Ўйноқкўзни факат Артургина кутқариб қолиши мумкин. Бунинг устига, бугун, Ўйноқкўз янги жойда иш бошлайдиган биринчи кун... Айнан шу бугун тунда тўполон кўтарганига ҳайронман...

- Ҳеч қиси йўқ, Амос, - тинчлантириди миссис Уэсли, - Йўлга чиқищдан олдин бутерброд-ми ёки бирон бошқа нарса-ми, еб оласанми?

- А? Бўпти, узат, - рози бўлди мистер Диггори.

Миссис Уэсли ошхона столи устига тахланган бутербодлар уюми чўққисидаги сариёғ суртилган нон бўлакларидан биттасини олди-да, олов тиллари орасидан мистер Диггорининг оғзига солиб қўйди.

- ... ах-ахмат, Молли, - пўнғиллади оғзи тўлиб қолган бош ва енгилгина қарсиллаб, кўздан гойиб бўлди.

Гарри мистер Уэслининг Билл, Чарли, Перси ва қизалоқлар билан хайрлашганини эшилди. Беш дақиқа ўтмай эгнидаги коржомани тўғри кийиб, сийрак соchlарини тараганча, ошхонага кириб келганини кўрди.

- Хўп, болалар, мен кетдим. Мактабда яхши ўқинглар, - тилак билдириди плашини кийиб, ҳавода даф бўлишга отланган мистер Уэсли Гарри, Рон ва эгизакларга, - Молли, болаларни Кингс-Кроссга ўзинг элтиб қўя оласанми?

- Албатта, - ишонтирди миссис Уэсли, - Сен Ўйноқкўзниң ишини бир ёқли қиласвер-чи, бу ёғини ўзимиз амаллаймиз.

Мистер Уэсли ҳавода даф бўлиши билан ошхонага Билл билан Чарли кириб келди.

- Ким Ўйноқкўз деди? - сўради Билл, - Яна нима каромат кўрсатибди у.

- Кимдир бугун тунда унинг уйига яширинча киришга уринган эмиш, - жавоб берди миссис Уэсли.

- Ўйноқкўз Хмури, - ўйчан эслади Жорж, нонига қуюқ шинни суртиб, - Анави савдои...

- Отангиз Ўйноқкўз Хмурига катта ҳурмат или қарайди, - боласининг танқидий гапини кесди ошхонани тарқ этаётган миссис Уэсли.

- Дадам ҳам оппоқ эмас. Электр санчқиларни йиғиб юради-ку, ахир, - деди Жинна, - Шундай экан, иккаласини бир боғда етилган мева деса бўлаверади...

- Хмури ўз даврининг буюқ сеҳргарларидан бири бўлган, - деди Билл.

- У Дамблдорнинг қадрдон дўсти-ку, шундай эмасми?

- Дамблдорнинг томини ҳам жойида деб бўлмайди, тўғрими, - гапга аралашди Фред, - У авлиёликка, авлиё, албатта, бироқ...

- Ўйноқкўз деганлари ким ўзи? - сўради Гарри.

- Илгари вазирлиқда ишлаган, ҳозир пенсияда, - жавоб берди Чарли, - Бир вақтлар дадам ўзи билан мени ҳам ишига олиб бориб юрганида кўрганман уни. Ўшанда Хмури аврор, яъни ёвуз сеҳргарларни таъқиб қиласиган ходим бўлиб ишлаган, - дарҳол тушунтириш берди Чарли, Гаррининг тушунмай қолган нигохини кўриб, - Азкабан камераларининг

ярми айнан Хмурининг саъй-харакатлари билан тўлган. Бироқ душманлари ҳам етарлидан ортиқ... Улар асосан Ўйноқкўз қаматиб юборган сехгарларнинг қариндош-уруглари бўлади. Эшитишимга қараганда Хмури қариб, паранойя касалига дучор бўлган. Ҳеч кимга ишонмайди. Ҳамма унинг йўйнок кўзига ёвуз сехгар бўлиб кўринаверади ([Паранойя – руҳий касалликнинг бир тури](#)).

Билл билан Чарли ҳам болаларни кузатгани темир йўл вокзалига бориш истагини билдиришди. Перси эса узр сўраб, чиндан ҳам тезроқ ишга етиб бориши зарурлигини маълум қилди.

- Шундай мураккаб вазиятда ишга бормасликни ўзимга эп кўра олмайман, - эълон қилди у, ҳаммага эшиттириб, - Мистер Сгорбс ҳамма ишни менга ишониб топширишга аллақачон кўнишиб бўлди.

- Тўғри, - деди бош иргиган Жорж, жиддий оҳангда, - Биласанми, Перси, назаримда у тез орада фамилиянгни ҳам эслаб қолади.

Миссис Уэсли қишлоқ почта бўлинмасига бориб, Лондонгача элтиб қўйиши учун магларнинг учта таксисини телефон орқали чакиртирди.

Таксичилар машиналарнинг юк бўлмаларига олтита оғир сандикни ортар экан, ҳамма ёмғир ивитиб юборган ҳовлига чиқиб, томоша қилиб турди.

- Артур вазирлик машиналарини олишга уринди-ю, бўши топилмади... - тушунтириш берган бўлди миссис Уэсли Гаррига, - Анави таксичилар нимадандир норозига ўхшайдими, а? Сенга шундай туюлмаяпти-ми?

Маглар дунёсининг таксичилари қутуриб кетган бойқушларни ниҳоятда камдан-кам ташишини Гарри тушунтириб ўтиради. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Чўчинтель чиндан ҳам қулоқни кар қилиб юборгудай айюҳаннос сола кетди. Бунинг устига Фреднинг сандиги бехосдан очилиб кетиб, доктор Филибустернинг сувдан оловсиз отиладиган фантастик мушакларидан муайян қисми портлаб кетди. Кўркиб кетган таксичининг юраги ёрилиб кетишига бир баҳя етмай қолгани камлик қилгандай, жон-пони чиқиб кетган Маймокоёқ ўткир тирноклари билан келиб-келиб ўша таксичининг оёғига тирмашиб, елкасига чиқиб олди. Жони оғриган таксичи боз дод солди.

Тўлиб-тошган машиналарда йўл юриш ҳам осон кечмади. Тинчланиб олиши учун Маймокоёққа кўп вақт керак бўлди. Лондонга етиб олгунга қадар у Гаррини ҳам, Ронни ҳам, Гермионани ҳам тирнаб ташлашга улгурди. Кингс-Кросс вокзалига етишгач, жала янада кучли қуяётганига қарамай, таксини ташлаб чиқиб, учовлон анча енгил тортди. Сандиклар машиналар тирбанд кўчадан вокзал ичига олиб кирилгунга қадар ҳамма шалаббо бўлди.

Гарри тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага ўтиб олишнинг ғалати усулига аллақачон кўнишиб қолган, албатта. Бунинг учун тўққизинчи ва ўнинчи платформаларни ажратиб турган темир тўсиқ орқали ўтиб кетиш керак. Ягона шарт шундан иборатки, бу ишни ҳеч кимга сездирмай, магларнинг дикқатини жалб этмай амалга ошириш даркор. Бугун болалар бу ишни кичик гурухларга бўлиниб бажаришди. Чўчинтель билан

Маймокоёқни кўтариб олганча, жуда щубҳали кўринаётган учлик – Гарри, Рон ва Гермиона биринчи бўлиб ўтадиган бўлди. Беғам вайсаб келган болалар тўсиққа бепарво суюниб олишди-да, ён томонлари билан сехгарлар дунёсига ўтиб кетищди... Шу захоти тўққиз бутун тўртдан учинчи платформа уларнинг кўз ўнгидаги моддий тус олди.

Яркираб турган тўқ кизил «Хогварц-Экспресс» паровози аллақачон темир йўлда туриб, платформага паға-паға тутун пуркамоқда. Қалин тутун орасида эса «Хогварц» ўкувчилари ва уларнинг ота-оналари худди арвоҳлар каби дам кўриниб, дам кўринмай турибди. Ўзаро сухбат куришаётган бойқушларнинг гурсиллаганини эшитган Чўчинтель янада баттар чиркираб юборди. Бўш жой қидирган Гарри, Рон ва Гермиона поезд ёнидан бориб, кўп ўтмай сандикларини ўртадаги вагонлардан бирига ортишди. Шундан сўнг улар, миссис Уэсли, Билл ва Чарли билан хайрлашиш учун яна платформага сакраб тушишди.

- Эҳтимол, сизлар ўйлаган вақтдан ҳам кўра эртароқ учрашармиз, - кулиб кўйди Чарли, синглиси Жиннани кучиб хайрлашар экан.

- Нега энди эртарок учрашишимиз керак экан? - сўради Фред, акасига синчковлик билан қараб.
 - Мана кўрасан, - мубҳам жавоб қайтарди Чарли, - Фақат бу ҳақда оғиз очганимни Персига асло айта кўрманглар. Ахир бу, унинг таъбири билан айтиладиган бўлса: «Сехргарлик вазирлиги томонидан ошкор этишга маҳсус рухсат берилгунга қадар сир тутилиши шарт бўлган маҳфий ахборот саналади».
 - Ха, бу йил «Хогварц»да яна бир бор ўқиши таклифини рад этмаган бўлар эдим, - деди қўлини чўнтағига солиб олган Билл поездга маъюс қараб.
 - Нега энди? - боз такрорлadi Жорж, талаб оҳангиди.
 - Бу ўқув йили қизикроқ ўтади, чамамда, - жавоб қайтарди Билл, кўзи ярқираб, - Балки вақт топиб... томошага келарман...
 - Нимани томоша килгани? - сўради Рон.
- Шу пайтда хуштак янграб, миссис Уэсли болаларни поездга туртиб кирита бошлади.
- Таклифингиз учун раҳмат, миссис Уэсли, - деди Гермиона.
 - Болалар купега кириб, эшикни ёпишди-да, деразалардан бош чиқаришди.
 - Мехмондорчилик учун раҳмат, миссис Уэсли, - деди Гарри.
 - Кўйсаларинг-чи, ёқимтойларим! Бундай меҳмондорчилик ўзимга завқ бағишлайди-ку! - деди миссис Уэсли, - Мен сизларни Рождество таътилига ҳам таклиф қилган бўлар эдим-у... юзага келган вазиятни инобатга олган ҳолда... м-м-м... таътилни мактабда ўтказиши ўзингиз афзал кўрасиз, деб ўйлайман.
 - Ойи! - аччиқланди Рон, - Учалангиз нимани сир тутяпсиз биздан?
 - Ўйлайман-ки, бугун кечкурун ҳамма гапдан ўзингиз вokiф бўласиз, - кулиб юборди миссис Уэсли, - Бу жуда қизик гап. Биласизлар-ми, коидаларга ўзгартириш киритилганини эшишиб ниҳоятда хурсанд бўлдим...
 - Қайси коидаларга? - баралла сўрашди Гарри, Рон, Фред ва Жорж.
 - Ишончим комилки, профессор Дамблдор ҳаммасини сизларга батафсил тушунтириб беради... Хушхулк бўлинглар, хўпми? Ваъда берасизми? Ваъда берасизми? Фред?... Жорж?...

Поршенлар буг вишиллатгач, поезд жойидан қўзғалди.

- Айтсаларинг-чи, нима бўлади ўзи «Хогварц»да? - бакириб берди асаби чидамаган Фред, тез узоклашиб қолаётган миссис Уэсли, Билл ва Чарлига, - Қайси коидаларга ўзгартириш киритилди?

Бироқ миссис Уэсли сирли кулганча, силтаб кўйди. Билл билан Чарли эса поезд муюлиш ортига ўтмай, ҳавода даф бўлиши.

Гарри, Рон ва Гермиона купега киришди. Жала чунонам кучли қўймоқда-ки, ташқаридағи бирон нарса кўринмайди. Рон сандигини очиб, тўқ қизил парад коржомасини чиқарди-да, чирқирашини сал бўлса ҳам тўхтатиш учун Чўчинстелнинг қафаси устига ташлаб, күшчани ёпиб кўйди.

- Ёдингиздами, ўйин бўладиган куни хатто Шульман ҳам «Хогварц»да ўтадиган аллақандай тадбир ҳақида айтиб бермоқчи эди? - сўради у, Гаррининг ёнига жойлашиб, - Ўз онам эса мендан сир тутди! Қизик, нима...
- Ш-ш-ш! - кутилмаганда пичирлади Гермиона, кўрсаткич бармоғини лабига босганча, кўшни купе томон имо қилиб.

Очиқ эшик орқали уларга ўларча таниш чўзиқ овоз эшитилди.

- ... умуман айтганда, дадам «Хогварц»да эмас, «Дурмштранг»да тахсил қўришимни хоҳлаган. Ўша мактаб директори билан дадам иккаласи яхши таниш. Анави маглпарвар Дамблдорга бўлган муносабатидан эса хабарингиз бор, албатта. Чунки «Дурмштранг»га ҳар хил исқиртлар қабул қилинмайди. Лекин онам мени узок юртга кўйиб юборишни истамади. Дадамнинг фикрича, «Дурмштранг»да ёвуз кучлар сехрига анчагина оқилона қаралар экан. Аслида, ёвуз кучлар сехри «Дурмштранг»да бизнинг мактабимиз сингари ёвузлик кучидан химояга ўхшаш ахмоқона фан сифатида эмас, балки мустакил фан сифатида ўзлаштирилади...

Гермиона ўрнидан туриб, оёқ учида юрганча, құшни купенинг кириш эшиги ёнига бориб, Малфойнинг овози эшитилмаслиги учун ёпиб қўйди.

- Демак унга «Дурмштранг» маъқул келар экан-да! - юракдан хитоб қилди у, - Эссииз, ўша ерга юборишмабди-да уни, бизга ҳам тишни-тишга қўйиб чидаб юришга тўғри келмас эди.
- «Дурмштранг» ҳам сехгарлик мактабими? - сўради Гарри.
- Ҳа, - жирканч қиёфа ясади Гермиона, - Нуфузи жуда паст мактаб. «Европадаги сехгарлик таълимининг киёсий таҳлили»да ёзилишича, у ерда ёвуз кучлар сехрига алоҳида эътибор қаратилар экан.
- Назаримда, ўша мактаб ҳакида қаердадир эшитгандай бўляпман, - эслади Рон, - Қаерда у? Қайси юртда?
- Буни хеч ким билмайди-ку, - кошини кўтарди Гермиона.
- А... Нима учун? - хайрон бўлди Гарри.
- Сехгарлик мактаблари орасида азалдан ноошкор ракобат хукм суриб келган. «Дурмштранг» билан «Бэльстэк» мактаблари ўз сирларини муҳофаза қилиш мақсадида қаерда жойлашганликларини доимо сир тутиб келган, - тушунтириди Гермиона, худди ҳаммага маълум, табиий бир нарсани айтиб бергани каби.
- Қўйсанг-чи, Гермиона, - кулиб юборди Рон, - «Дурмштранг» ҳам худди «Хогварц» сингари катта бўлса керак. Қандай қилиб шундай йирик қасрни одамлар қўзидан бекитиб қўйиш мумкин?
- Бироқ «Хогварц» бекитиб қўйилган-ку! - хитоб қилди лол қолган Гермиона, - Бу ҳаммага... ҳар қалай ««Хогварц» тарихи»ни ўқиганларга маълум.
- Демак, фақат сенга маълум, - таъкидлаб қўйди Рон, - Қани, давом эт, қандай қилиб шундай катта қасрни ҳаммадан бекитиб қўйиш мумкин?
- Қасримиз сехрланган, - тушунтира кетди Гермиона, қархисида ўтирган иккала дунёбехабарга, - Агар унга магллар юзланадиган бўлса, уларнинг кўзига: «КИРМА, ТИЛ ТОРТМАЙ ЎЛАСАН!» ёзуви осилган кўхна, йўсин қоплаган харобазор кўринади.
- Демак, «Дурмштранг» ҳам бегоналар учун харобазор бўлиб кўринар экан-да, а?
- Эҳтимол, - елка кисди Гермиона, - Балки унга Квидиш бўйича жаҳон кубоги ўтказилган ўйингоҳ деворига қопланган каби Маглчўчилиш афсуни қоплангандир, ким билади. Хорижий сехгарлар топа олмаслиги учун эса Тасвирланмас қилиб қўйилган бўлиши ҳам мумкин.
- Нимамас қилиб қўйилган?
- Тасвирланмас, яни бино шундай сехрланадики, унинг аксини ҳам, шартли белгисини ҳам харитага тасвирлаб бўлмайдиган бўлиб қолади. Сен биласан-ку.
- М-м-м... сен шундай десанг, албатта, - ғудуллади Гарри.
- Фикримча, «Дурмштранг» жуда совук юртда, узок шимолда жойлашган, - деди Гермиона, ўйланиб, - Негаки, у ерда таҳсил қўрадиган ҳар бир ўқувчининг мактаб кийими таркибиға мўйна пўстин киритилган.
- Қандай имкониятларимиз бўлишини ўйлаб кўринглар, - орзу-хаёл ичра фикр алмашди Рон, - Малфойни муз бўлагидан сувга туртиб юбориб, баҳтсиз ҳодиса сифатида кўрсатишмиз мумкин бўлар эди... Афсус, уни яхши қўрадиган онаси бор экан-да... Поезд шимол томон ҳаракатланган сари ёмғир кучайиб борди. Дераза ойнаси терлаб купе коронғилашиб қолгани боис, чироклар кун ярмида ёқилди. Вагон йўлагида лунжи чуқурчали кулимсираган чиройли аёл егулик ортилган аравачасини тортганча, ўтиб колди. Гарри ҳамма учун қозон шаклидаги кекснинг йирик бўлагини харид қилди. Кун давомида уларнинг купесига синфдошлари, жумладан Симус Финниган, Дин Томас ва фаромуш хотирлиги билан ажраб турадиган кулчаюз Невилль Лонгботтом кириб турди. Невилль ўзининг нихоятда қаттиқўл афсунгар бувиси қўлида тарбия кўрган. Симус ҳанузгача кўкрагидан яшил тус бериб ёришганча, Ирландия терма жамоаси ўйинчиларининг исмларини қичқириб айтиётган тўгаракчани ечиб қўймаган. Тўгаракчанинг сехри аста-секин барҳам топмоқда. У ҳалигача «Трой! Муллет! Моран!», деб қичқирса-да, овози қандайдир суст ва хоргин оҳангда эшитилмоқда. Ярим соатдан

сўнг, охир-поёни йўқ квидиш мавзусидан чарчаган Гермиона «Афсунлар тўплами (тўртингчи қисми)»ни мутолаа қилиб, Буюм чақириш афсунини ўзлаштиришга киришиб кетди.

Невилль Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини хакидаги гапларни ҳасад билан тинглаб ўтириди.

- Бувим ўйинга боришни истамай, чипта харид килмади, - деди у бебаҳт оҳангда, - Сизларнинг хикояларингиз жуда қизик эшитиляпти.

- Ҳакиқатан ҳам зўр бўлди, - тасдиклади Рон, - Мана қара, Невилль...

У юк токчасида турган сандигини титкилаб, Виктор Крумнинг митти қоматини чикарди.

- Вой-бўй, зўр-ку! - хитоб қилди Невилль, кафтига Роннинг кафтида юрган ўйинчоқ сакраб ўтгач.

- Биз Крумнинг ўзини жуда яқиндан кўрдик, - деди Рон, - Чунки ўйинни Мўътабар Ложада ўтириб томоша қилган эдик...

- Ҳаётингда биринчи ва сўнгги бор, Уэсли.

Купе эшигида Драко Малфойнинг руҳсори кўринди. Унинг ортида қуролланган ўғри киёфасини касб этган баҳайбат улфатлари Краббе билан Гойл турибди. Ёз давомида иккаласининг бўйи кам деганда яна бир футдан ўсибди. Афтидан улар болаларнинг сухбатини Дин билан Симус кия очик қолдирган эшик орқали эшитишган кўринади.

- Сени купега чақирганимизни эслай олмайман, Малфой, - деди Гарри муздай оҳангда.

- Уэсли... мана бу қанақанги қабоҳат бўлди, а? - бақрайди Малфой, Чўчинстелнинг қафасига имо қилиб.

Қафас устидан осилиб тушган парад коржомасининг енги поезд ҳаракати билан бир маромда силтанмоқда. Қадама енгдаги тўр эса аниқ кўриниб турибди.

Рон коржома енгини яшириш учун тез ҳаракат қилди-ю, Малфой эпчиллик қилиб чангллаб олди-да, кийимни қафас устидан тортиб олди.

- Мана бунга қаранг! - хитоб қилди Малфой жазаваси тутиб.

У коржомани Краббе билан Гойлнинг тумшуғи остига келтириб, хилпиратди.

- Уэсли, шуни кийиб юраман демокчимисан, а? Тўғри, бир вақтлар бу расм бўлган, бирок у даврлар 1890- йилларда қолиб кетган...

- Нажаста тиқилиб ўл, Малфой! - юракдан тилади Рон, юзи Малфойнинг кўлидан тортиб олган парад коржомасининг рангидай тус олиб.

Малфой, Гойл ва Краббе ҳузур қилиб кишинашди.

- Хўш, Уэсли... сен ҳам иштирок этасанми? Оиланг шуҳратини оламга ёйишга уриниб кўярарсан, ахир? Қолаверса, мўмайгина пул ҳам ишлаб олишинг мумкин... Голиб чиқсанг, ўзингга дурустрок парад кийим оласан...

- Нималар деб валдираяпсан? - ириллади Рон.

- Иштирок этасанми, деб сўраяпман? - қайтарди Малфой, - Сен-ку, Поттер, иштирок этишинг аниқ, а? Омма олдида яна бир бор қийшанглаш имконини ҳеч ҳам қўлдан чиқармасанг керак, шундайми?

- Ё нимани назарда тутаётганингни тушунтириб гапир, Малфой, ё йўқол бу ердан, - деди Гермиона, китоб устидан нафрат-ла қараб.

Малфойнинг рангпар юзи кулгидан кенгайиб кетди.

- Хабарим йўқ, демокчимисан, Уэсли?! - ҳайратланиб чинқирди Малфой, - Аканг ҳам, отанг ҳам вазирлиқда ишлашса-ю, сен дунёбехабар юрибсан-ми? Вой, Худо! Дадам бор гапни айтиб, батафсил тушунтириб берганига юз йил бўлди!... Шахсан Корнелиус Фуждан хабар топган у. Тўғрисини айтганда, дадам ниҳоятда йирик амалдор шахслар билан мулоқот қиласи... Сенинг даданг-чи, Уэсли? Афтидан аҳамиятсиз, кичик бир амалдор шекилли, а? Унга бирон-бир арзигулик гап айтилмаса керак-да... Ҳа, шунга ўхшайди... Даданг бор жойда муҳим мавзулар тўғрисида гапирилмайдиган кўринади...

Яна бир бор ҳузур қилиб кишинаб олишгач, Малфойнинг имосига кўра учала башара нари кетди.

Уларнинг ортидан ташланган Рон купе эшиги чунонам урилиб кетди, эшик ойнаси

синиб, чилпарчин бўлди.

- Рон! - қичкирди Гермиона, таъна оҳангидা.

Қизалоқ сехрли таёқасини чиқарди-да:

- Репаро! - деб ғудуллади.

Ойна парчалари атрофдан йиғилиб, бир бутун бўлди-да, эшик кўзига қайта жойлашди.

- Нега энди у ўзини ҳамма нарсадан боҳабар-у, бизни аҳмоқ қилиб кўрсатяпти... - бақирди

Рон, - Дадам ниҳоятда йирик амалдор шахслар билан мулокот қиласди эмиш... Менинг

дадам аллақачон катта амалдор бўлиб кетиши мумкин эди, факат

- Албатта бўлиши мумкин эди, - рози бўлди Гермиона вазмин оҳангда, - Рон, Малфойга сир бой берма...

- Ким? Мен? Унга? Овора бўлади!

Рон кекснинг бир бўлагини чангллади-да, бир мушт уриб увоклаб, йўлнинг колган кисмини ёмон кайфият билан босиб ўтди. У индамай мактаб кийимини кийиб олди-да, «Хогварц-Экспресс» ҳаракати секинлаб, Хогсмёд станциясидаги коп-коронги зулматда тўхтагунча чурқ этмай ўтириди.

Поезднинг эшиклари очилиши билан момақалдириқ гумбурлади. Гермиона Маймоқоёқни ридога ўраб олди. Рон эса парад коржомасини Чўчинстель қафаси устида қолдириди.

Бошларини эгиб, кўзларини қисиб олган болалар қиялама ташлаётган жала остига чиқишиди. Ёмғир худди челақдан тўклилаётган сув каби кучли ёғмоқда.

- Салом, Хагрид! - қичкирди Гарри, платформанинг нариги бошида турган давангир дўстини кўриб.

- Ишлар жойидами, Гарри? - жавобан эшитилди Хагриднинг овози, - Зиёфатда учрашгунча! Агар чўкиб ўлмасак, албатта.

Анъянага кўра, Хагрид, ҳар йили, биринчи синф ўқувчиларини қасрга кичик қайиқчалар флотилиясида кўл орқали олиб ўтади.

- Вууу! Шундай ҳавода кўлда сузишни хеч истамаган бўлар эдим! - хитоб қилди совуқдан қалтираётган Гермиона, ниманидир тасаввур қилгандай бўлиб.

Халойиққа қўшилиб кетган болалар платформа бўйлаб ҳаракат бошлишди. Станция якинида уларни сон-саноқсиз кўринмас отлар қўшилган аравалар кутиб турибди. Гарри, Рон, Гермиона ва Невиль ушбу ареваларнинг бирига кириб олишгач, фалакка шукронга ўкишиди. Эшик ёпилиб, бир неча дақиқа ўтгач қингир-кйишик аревалар карвони «Хогварц» қасри томон йўл олди.

XII БОБ.

УЧ СЕҲРГАР БЕЛЛАШУВИ

Довул кучини шиддат билан касб этаётган шамол таъсиридан ҳавфли даражада оғиб бораётган отсиз аревалар қаср ҳудудига олиб кирадиган данғиллама чўян дарвозанинг икки ёнида, тепа қисмини қанотли тош тўнғизлар безаб турганча қад кўтарган мармар устунлардан ўтгач, тик қиялик бўйлаб кўтарила бошлиди. Яқинлашган сари қасрнинг сарғиш ёритилган деразалари шаррос жала хосил қилаётган сув пардаси орқали хира милтиллаб кўринмоқда. Арева катта эман дарвоза бўсағасига олиб чиқадиган тош зинапояга етиб тўхтаган пайтда эса яшин чақнаб осмон ёришиб кетди. Олдин етиб келган ўқувчилар қаср зинапояси бўйлаб юқорига ошиқмоқда. Аревадан сакраб тушган Гарри, Рон, Гермиона ва Невиль ҳам бошларини эгиб, елкаларини қисиб олганча, зинапоя бўйлаб югуришди. Улар машъалалар билан ёритилган, нимаси биландир ғорга ўхшаб кетадиган, серҳашам мармар зинапояси қасрнинг юқори қаватларига олиб чиқадиган вестибиолга киргандағина, ўзларини ҳавфсиз билиб, қад ростлашди.

- Даҳшат, - деди Рон, бошини кучук сингари силтаб, - Агар ёмғир, шу тарзда тинмай куядиган бўлса, кўл сатхи тез орада кўтарилиб, соҳилдан ошиб чиқади... Кийимим ивиб кетди-я... ВОЙ ДООООТ!

Шифтдан Роннинг бошига сув тўлдирилган қизил рангли ҳаво шари тушиб, ёрилиб кетди. Устидан сув оқаётган Рон қулкуллаб, Гаррига суяниб қолди. Яна бир сониядан сўнг

юкоридан навбатдаги сув бомбаси тушиб, Гермионанинг ёнидан ўтганча, Гаррининг оёғи якинида портлади. Муздай сув пойафзалдан сингиб ўтиб, пайпокқа етди. Қий-чув күтариб, бомбардимон қилинаётган майдонни тезроқ тарк этиш пайига тушган халойиқ бир-бирини туртганча нари қоча бошлади. Гарри тепага қараб, полдан йигирма футча юкорида муаллақ осилиб олган, бўйнига малла ранг капалакнусха бўйинбоғ тақиб, бошига кўнғироқсимон шляпа қўндириб олган полтергейст Дрюзгни кўрди. У кенг, дарғазаб юзини буриштириб олиб жамики диққат-эътиборини ўз иши – навбатдаги нишон танлашга жамлаган.

- ДРЮЗГ! - янгради таниш дарғазаб овоз, - Башаранг курсин, Дрюзг! БАС ҚИЛ! Йўқол бу ердан!

Вестибиоль бўйлаб бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани ўқитувчи, «Гриффиндор» коллежи мудири профессор Макгонагалл шиддат билан одимлаб келмоқда. У ҳўл полда тойиб кетиб, полга қулаб тушмаслик учун Гермионанинг бўйин аралаш томоғидан ушлаб қолди.

- Вой жоним-е! Узр, миссис Грэнжер...

- Ҳеч қ-қ-қиси йўқ, проф-ф-фессор! - хириллади бўғилиб қолган Гермиона, томоғини силаб.

Профессор Макгонагалл ғазабга тўлган нигохини квадрат гардишли кўзойнак орқали полтергейстга қаратди.

- Йўқол дедим сенга, Дрюзг! - такрор қичкирди у, бошидаги чўққидор шляпасини тўғрилаб.

- Мен бирон-бир айб иш қилаётганим йўқ-ку! - хиринглади Дрюзг қасрга эндинина кириб келган бешинчи синф ўқувчилари устига навбатдаги бомбани улоқтириб, - Ахир уларнинг ҳаммаси шундок ҳам жиққа ҳўл! Бу ҳам ёмғир! Ўт оч! - деди-да, анқайиб кирган иккинчи синф ўқувчиларининг бошига яна бир бомбани улоқтириди.

- Директорни чақиришга мажбур қиласан шекилли! - қичкирди профессор Макгонагалл, - Огоҳлантириб қўйай, Дрюзг...

Дрюзг тилини чикарганча сўнгги бомбани юкорига улоқтириди-да, аклдан озган кишидай хандон отиб, мармар зинапоя узра юкорига учиб кетди.

- Нега анқаясиз, ўтинг, Катта Залга марҳамат қилинг, ўтинг! - шошилтириди профессор сувдан чиқкан мушук болаларига ўхшаб вестибиольда ғуж бўлиб олган ўқувчиларни. Юрган йўлида тойиб, бир-бирини ушлаб олган учовлон ўртоқ амаллаб кадам ташлаб, ўнга, қўш эшик томон бурилди. Ёпишиб қолган ҳўл сочини пешонасидан сидириб борган Рон дарғазаб вайсай кетди.

Байрамона ясатилган Катта Зал ҳар сафаргидай ажиб кўринмоқда. Коллежлар учун ўрнатилган тўртта узун столга тортилган ликоп ва қадаҳлар шифт остида муаллақ осилиб турган минглаб шамлар шуъласида тилла тус бериб ярқирайди. Гарри, Рон ва Гермиона «Слизерин», «Равенкло» ва «Хуффльпуфф» столлари ёнидан ўтиб, Катта Залнинг нариги чеккасида ёзилган «Гриффиндор» коллежининг дастурхони атрофига, қадрдон факультетларининг садафдек оппоқ танаси ярим шаффоф кўринадиган, бугун қандайдир бошқача ясаниб, шукухли ёқа таққан арвоҳи Деярли Бошсиз Ник ёнида жойлашди.

Арвоҳнинг ёқаси биратуласига иккита вазифа бажаради: биринчидан, бугунги оқшомнинг нақадар тантанавор эканлигини таъкидлаб турса, иккинчидан, даҳшатли бўйинни яшириб, охиргача жудо этилмаган бошининг елка устида тургун туришини таъминлайди.

- Хайрли оқшом, дўйстлар, - ёришиб сўрашди Ник.

- Ха, шундай хайрли-ки, чеки йўқ, - ғудуллади Гарри, оёғидан ечиб олган пойафзали ичидаги сувни полга тўкиб, - Саралаш таомилини чўзиб юборишмас, деган умиддаман. Қорним очлигидан ичакларим умуртқамга ёпишиб қолди.

Саралаш таомили – ҳар ўкув йилининг бошида биринчи синф ўқувчиларини мактаб коллежларига тақсимлаш учун ўтказиладиган мажбурий тадбир саналади.

Аммо Гарри биринчи синфга келган иили ўзи бевосита иштирокчи бўлган кундан ташқари, бундай таомилнинг сўнгги иккитасида жуда нобоп тарзда юзага келган вазият

туфайли иштирок эта олмади. Ҳозир эса агар ростини айтадиган бўлса, овқатланишдан кўра, ушбу таомил ўтишини томоша қилиш иштиёқида ўтирибди.

Кутилмаганда столнинг нариги бошидан, Гаррига сал кам сажда қилиб юрадиган, учинчи синф ўқувчиси Колин Кривининг ҳаяжондан узук-юлуқ эшитилган хитоби янгради.

- Ҳо-о-ой, Гарри!

- Салом, Колин, - жавоб қайтарди ортиқча шов-шув кўтарилишини истамаган Гарри.

- Биласанми, Гарри? Хабаринг борми, Гарри? Бу йил-чи, Гарри, укам, менинг укам Деннис ўқишга киряпти!

- М-м-м... жуда яхши.

- У бирам хурсандки, Гарри, шундай хурсандки, қўяверасан! - деди курсисидан сакраб кетгудай ўтирган Колин, - «Гриффиндор»га сараланади деб ўйлайман! Бармоқларингни чалиштириб ол, хўпми, Гарри? ([Эслатма: Бармоқларни чалиштириб олиши – бирорвга омад тилаб бажариладиган насроний ирим](#))

- М-м-м... хўп, яхши, - ишонтириди Гарри.

Гарри Уэслилар хонадонининг етти нафар фарзанди «Гриффиндор»да таҳсил кўргани хақида ўйлаб Рон, Гермиона ва Деярли Бошсиз Никка мурожаат қилди:

- Ака-ука ва опа-сингиллар, одатда, битта коллежга тақсимланадилар-ку, а?

- Ҳар доим ҳам эмас, - бош чайқади Гермиона, - Мисол учун, Парватти Патилнинг Пэтил исмли эгизак синглиси бор. Аслида иккаласи бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаб, битта коллежда ўқишлари керақдай кўринади. Бироқ Пэтил «Равенкло»да ўқийди.

Гарри ўқитувчилар ўтирадиган Мўътабар Столга назар солиб, баъзи жойлар бўш турганини кўрди. Хўп, айтайлик, биринчи синф ўқувчиларини кўл орқали олиб ўтаётган Хагрид айни пайтда тўлқинларга қарши кураш олиб бормоқда, профессор Макгонагалл эса уларни кутиб вестибюль полини ювиб қуритиш ишларига раҳбарлик қилаётган бўлса керак. Лекин яна битта жой бўш турибди-да... Бу жой кимнинг жойи бўлиши мумкинлигини Гарри ҳеч фаҳмлай олмади.

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчиси қани? - сўради Мўътабар Столга қараган Гермиона.

Ҳали бирорта ўқитувчи ушбу лавозимда учта семестрдан ортиқ ушалиб қолмаган. Улар орасида ҳурматга кўпроқ сазовор бўла олган ўқитувчи, ўтган ўқув йилининг охирида ишдан бўшаб кетган профессор Люпин бўлди. Гарри яна бир бор Мўътабар Столга кўз югуртириб чикиб, бирорта ҳам нотаниш чехра кўрмади.

- Наҳотки ҳеч ким топилмаган бўлса? - ташвишланди Гермиона.

Гарри ўқитувчиларнинг ҳаммасига бир чеккадан синчковлик билан назар солди. Ҳар томон тўзиб кетган оқ соchlари устидан сеҳргарлар шляпасини босиб кийган гербология фани ўқитувчиси профессор Сарсабил хонимнинг ёнида афсун ўқиши фанининг муштдайгина ўқитувчиси профессор Флитвик курсига тахланган ёстиқчалар устидаги ўтирибди. Сарсабил хоним билан нималардир ҳакида кизиқ сухбат кураётган астрономия бўлинмасида фаолият юритувчи профессор Зловестранинг чап ёнида эса Гарри ёмон кўрадиган қийғирбурун ўқитувчи, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани профессори Северус Снегг жойлашган. Ушбу профессор ўзининг ёғли сочи, юзи доимо касалманд кўриниши билан бошқалардан ажраб туради. Гаррининг Снеггдан нафратланиш дараражаси факат Снеггнинг Гаррига бўлган нафрати билангина тенг келиши мумкин. Ўтган ўқув йилида Гарри Снеггнинг каттагина тумшуғи остида Сириус Блэкнинг қочиб қутулишини ўюштирганидан сўнг, профессорнинг болага нисбатан нафрати янада ошиб кетди. Аниқланишича, Снегг билан Сириус мактабда ўқиб юришган кезларда бир-бирига ашаддий душман бўлиб қолишган экан.

Снеггнинг ёнидаги бўш кресло афтидан профессор Минерва Макгонагалл учун бўлса керак. Кейинги, яъни Мўътабар Стол марказидаги креслода эгнига муҳташам, ситоралар-у, янги чиққан ойлар тасвири билан безатилган тўқ-яшил коржома кийган, иягини ўзаро чалиштирилган узун бармоқларига тираб олган, узун соч-соқоли шам шуълаларида кумуш тус бериб товланаётган мактаб директори профессор Альбус Дамблдор ўтирибди. Ўз

фикр-хаёлларига берилиб қолган директор ярим ой шаклидаги шиша күзойнагини Катта Залнинг сеҳрланган шифтидан узгани йўқ. Гарри ҳам қаср устидаги само ҳолатини акс эттириб турадиган шифтга қараб, осмоннинг авзойи бузилган, тўқ қизил булатлар қамраб олган тасвирини кўрди. Айни шу фурсатда дераза ортида навбатдаги момақалдирик гумбурлаб, кўзни қамаштириб юборадиган яшин чақнади.

- Тезроқ бўлишмайди-ми, бутун бошли гиппографиғни икки ямлаб бир ютиб юборадиган бўлиб қолдим-ку! - ингради Рон.

Үнинг гапи ҳали охиригача етмай Катта Залнинг эшиги ланг очилиб, орага суқунат чўқди. Хаёл ўтмай «Хогварц»нинг биринчи синф ўқувчиларини Мўътабар Стол томон бошлаб келаётган профессор Макгонагалл кўринди. Гарри, Рон, Гермиона ва қолган ўқувчиларнинг эгнидаги кийими хўл бўлгани билан уларнинг ҳолатини Катта Залга кириб келган болачаларнинг ахволи билан солиштириб бўлмайди. Болачаларнинг кепатаси кўлдан флотилия қайиқчаларида эмас ўзлари сузиб ўтганга ўхшаб қолибди. Ўқитувчилар столи ёнига келиб, бир қатор саф тортган биринчи синф ўқувчилари ҳам совқотиб қолишганидан, ҳам, қаср арвоҳларига рўбару келишганидан бўлса керак, даҳшатга тушиб дағ-дағ титрашмоқда. Фақат кул ранг сочли кичкинагина ўғил болачагина бундан мустасно. Бу бола Хагриднинг крот пўстинига ўраб қўйилган. Пўстин болага шу кадар каттаки, гўё у қора мўйна чодирга кириб олгандай кўринади. Улкан кийим ёқасининг бир четидан мисли йўқ завқ-шавқ ифода этаётган кичкинагина чехра чиқди. Ўз ўртоқларининг якинида турганча, Катта Залда ўтирган Колин Кривининг нигохини топган ушбу болача иккала бош бармоғини баланд кўтариб қўйди. Афтидан юз берган ҳодисадан чексиз қувонаётган бўлса керак, лаби билан «Мен кўлга тушиб кетдим!», дегани кўринди. Болачалар саф тортгунга кадар профессор Макгонагалл уларнинг қархисига уч оёкли курси, курси устига эса ҳаддан ташқари кир, аъзойи-бадани ямок бўлиб, роса эскириб кетган чўққидор шляпани қўйди. Болачалар Катта Залдаги бошқа одамлар каби шляпадан кўзларини узмай, тек қотиб қолищди. Бир неча сония давомида Катта Залда мутлақ суқунат ҳукм сурди. Бир вакт шляпа жойидан қўзғалиб, четида оғизга ўхшаш тешик ҳосил бўлгач, кўшиқ айтишга киришиб кетди:

*Минг йил олдин тўрт нафар яшаб ўтди сеҳргар,
Бош кийим сифатида мени шунда тикдилар.
Буюк аждоддир бугун, сиз билган ўша зотлар
Мўътабар номлари-ла аталади коллежлар.*

*Гриффиндор – оёқ етмас ботқоқликнинг жасур ўглони,
Равенкло – тоз кўлларидан чиққан доно қиз, мисли ижод булоги,
Хуффльпуфф – текисликнинг доно қизи, яхшиликни аямас,
Слизерин – мансабпараст, маккорликда ҳеч ким унга тенг келмас.*

*Сеҳргарлар қилди қарор мактаб таъсис этгани,
Қобилиятли авлодга сеҳр сирин очгани.
Улар қаср тиклашиб, «Хогварц» деган ном берди,
Тўртовлон тўрт талаб-ла шогирд қидира кетди.*

*Модомики талаблар тафовутга бой экан,
Шогирдларга алоҳида таълим жорий этилган.
Шу зайл ушбу мактаб тўрт қисмга бўлинган,
Коллежлар бир-биридан аста ажralиб қолган.*

*Гриффиндор шогирдларнинг мардлигин қадрлаган,
Равенкло азалдан заковатни тан олган,
Хуффльпуффнинг шиори тиришқоқ меҳнат бўлган,*

Слизерин магурларни ўзига чорлаб келган.

*Бош қотирди түртвлон
Кунлардан бир кун келиб,
«Ким саралар шогирдларни
Омонатни топширсак?» - деб.*

*Муаммонинг ечимин топди жасасур Гриффиндор
Шартта ечди-да мени ва деди: «Бир йўли бор!»
Шу тариқа масъулият қолди зиммамда абад,
Билиш сизга табиат қандай берган қобилият.*

*Кўлингга ол дўстим мени, қулоққача кийиб ол,
Мен қўрсатган йўл сари фаолиятни бошлаб қол.*

Шляпа қўшиғини якунлагач, Катта Зал гулдурос қарсаклардан портлаб кетгандай бўлди.

- Бизни саралаётганида бу шляпа бошқача қўшиқ айтган эди, - эслади Гарри эл қатори қарсак урар экан.
- У ҳар йилги саралаш таомилига янги қўшиғи билан чикади, - деди Рон, - Шляпа бўлиш қанчалик зерикарли эканлигини тасаввур киляпсан-ми? Навбатдаги таомил учун йил бўйи шеър ёзib, куй басталаб ётса керак.

Профессор Макгонагалл қўлидаги узун пергамент ўрамини ёзди.

- Мен сизларнинг фамилиянгиз ва исмингизни айтиб, навбат билан чакираман, сиз эса сафдан чиқиб шляпани бошингизга киясиз-да, курсига ўтирасиз, - тушунтириш берди у биринчи синф ўқувчиларига, - Шляпа сиз тайнланган коллеж номини эълон қилгач, тегишли стол томон йўл оласиз.

- Аккерли, Стюарт!

Сафдан аъзойи-бадани титраётган болача чиқиб, шляпани бошига кийди-да, курсига ўтириб олди.

- «Равенкло»! кичқирди шляпа.

Стюарт Аккерли шляпани ечиб, уни қарсаклар ила қарши олаётган «Равенкло» коллежининг столи томон йўл олди. Гарри қўзининг кири билан дастурхон атрофидаги жойлардан бирини эгаллаётган Стюартни эл қатори кутиб олаётган «Равенкло» жамоасининг Сайёди Чуни кўриб қолди.

- Бэддок, Малкольм!

- «Слизерин»!

Энди олкишлар Катта Залнинг бошқа томонида янгради. Гарри Бэддокни қарши олаётган Малфойнинг қарсак ураётганини кўрди. Қизик, хаёлидан ўтказди Гарри, анави Бэддок «Слизерин»дан бошқа коллежларга нисбатан анча кўп ёвуз сехргарлар этишиб чиққанидан хабари бормикан. Бэддок ўз жойини эгаллаётган фурсатда Фред билан Жорж вишиллаб қўйишиди.

- Брэнстоун, Элеанор!

- «Хуффльпуфф»!

- Колдуэлл, Оуэн!

- «Хуффльпуфф»!

- Криви, Деннис!

Олдинга чиқаётган миттигина Деннис Криви Хагриднинг крот пўстинига қоқилиб кетди. Хагриднинг ўзи эса бу пайтда яккакифт юриб, ўқитувчилар столининг ортига ўтиб олди. Бўйи ҳар қандай меъёрий одамдан икки чандон баланд, эни эса уч карра энли, сочи хурпайган, соқоли бароқ Хагриднинг қиёфаси бир қараща қўрқинчли қўрингани билан аслида ундей эмас. У табиатан меҳрибон эканлигини Гарри, Рон ва Гермиона бошқалардан кўра яхши билишади. Ўз жойини эгаллар экан Хагрид болаларга кўз кисиб қўйиб,

Денниснинг шляпа кийишини томоша қилди. Шляпа оғзини катта очди-да...

- «Гриффиндор»! - деб эълон қилди.

Хагрид барча гриффиндорчилар билан биргалиқда қарсак урди, оғзи қулоғига етган Деннис Криви эса бошидаги шляпани ечиб курсига қўйиб қўйганча, акасининг ёнига югорди.

- Колин, тасаввур киляпсан-ми, қайиқдан ағанаб, шалоп этиб сувга тушдим! - хитоб қилди у, бўш жойлардан бирига ўтирас экан, ҳаяжондан вужуди титраб, - Ажойиб! Аллақандай кўл жонивори мени тутиб олиб, боз қайиққа чиқариб қўйди!

- Зўр-ку, Деннис! - деди хайратда укасидан қолишмаган Колин, - Ўша жонивор баҳайбат кальмар бўлса керак!

- Йўғ-е! - завқ олди Деннис.

Болачанинг назарида ҳеч ким, ҳатто ақлга сиғмас хаёлларда ҳам, пўртана вақтида қайиқдан тубсиз кўлга тушиб кетишини-ю, сув маҳлуғи ёрдами ила омон қолишни орзу қила олмаган

- Деннис! Анави қўзойнак таққан қора сочли болани кўряпсан-ми? Уни кимлигини биласанми, Деннис?

Гарри ака-укаларга тескари қараб, диккат-эътиборини айни пайтда Эмма Доббснинг бошидаги сараловчи шляпага қаратди.

Таомил давом этиб, анча чўзилиб кетди. Юзларида турли даражада қўрқув акс этган ўғил ва киз болачалар навбат билан уч оёкли курсига ўтириб, сафлари қисқара борди.

Профессор Макгонагалл фамилияси «Л» ҳарфи билан бошланадиган болаларни чақириб бўлди.

- Тезроқ, тезроқ, - ингради очликка бардош бера олмаётган Рон корнини силаб.

- Нималар деяпсан, Рон, - ёзғирди Деярли Бошсиз Ник «Мэдли Лаура» «Хуффльпуфф»га тайинланган фурсатда, - Ахир саралаш таомили овқат ейишдан муҳимроқ-ку.

- Албатта, айниқса киши ўлик бўлиб, овқатланиши шарт бўлмаса, - кесатди Рон.

- Гриффиндорчиларнинг янги авлоди бизнинг шонли анъаналаримизга муносиб бўлишига жуда умид киламан, - ишонч билдириди Деярли Бошсиз Ник эндинина «Гриффиндор» сафига қўшилган «Макдональд Натали»ни олқишли экан, - Омад ва ғалабаларимиз занжири узилиб қолишини истамаймиз-ку, шундай эмасми?

Мана уч йилдир-ки, коллежлар орасида ўтказиладиган мусобақада «Гриффиндор» мактаб кубогини кўлдан чиқаргани йўқ.

- Причард, Грэм!

- «Слизерин»!

- Уирке, Орла!

- «Равенкло»!

Ниҳоят «Хуффльпуфф»га тайинланган «Уитби Кевин» билан саралаш таомили ўз якунига этиб, профессор Макгонагалл шляпа билан курсини олиб кетди.

- Ва ниҳоят, - гудуллади Рон.

У санчки билан пичоқни чанглаб олди-да, дастурхонда турган бўш тилла ликопга тикилиб, мўъжиза рўй беришини кутди.

«Хогварц» директори профессор Дамблдор ўрнидан туриб, кўлларини кўтарганча кенг очди-да, болаларга кулиб қаради.

- Қулоқ солинг, қулоқ солинг! - бақиришди Гарри билан Рон.

- Мен атиги бир оғиз сўз айтмоқчиман. Човут солинг! - амр қилди директор.

Бўш идишлар болаларнинг кўз ўнгига турли-туман таомларга тўлиб-тоша бошлади.

- О-о-о, анн-нна энн-ди зў.. бўйл-ди, - хурсанд бўлиб кетди дархол оғзини картошка бўтқаси билан тўлдириб олган Рон.

- Омадингиз бор экан-ки, зиёфат амалга ошди, - маълум қилди Деярли Бошсиз Ник, - Ошхонада бугун катта тўполон кўтарилиб кетган эди.

- Тиннн-чликммм-и? Нимм-ма бўлди? - қизиқди Гарри стейкнинг каттагина бўлагини гажир экан.

- Нима ҳам бўлар эди... Дрюзг ва унинг навбатдаги қилиғи-да, - бошини тебратди Деярли Бошсиз Ник уни тўғри вазиятда тутиб қолиш учун шукухли ёқасини тўғрилаб, - Одатий ҳолат. У ҳам зиёфатда иштирок этмоқчи бўлиб юрган эди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди. Унинг табиатида боадаб тарбия деган тушунчадан ҳеч қандай аломат йўқлиги ўзингизга яхши маълум. Овқат солинган ликопга хотиржам қараб тура олмайди. Токи таомни тўкиб сочмас экан, кўнгли тинчмайди. Арвоҳлар кенгашининг йигилиши ўтказилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Семиз Роҳиб одатдагидай полтергейстга яна бир маротаба имкон бериш тарафдори бўлди, бирок Конхўр Барон қатъян ман этиш фикрини билдириб, назаримда тўғри килди.

Баджаҳл, камгап, эгни доимо кумуш тусли қон доғларига беланиб юрадиган Конхўр Барон «Слизерин» коллежининг арвоҳи бўлиб, ушбу мактабда Дрюзгнинг танобини тортиб қўйишга қодир бўлган ягона рух саналади.

- Дрюзгнинг нимадандир жаҳли чиққанини қасрга кирибок тушундик, - деди Рон қовоқ солиб, - Хўш, ошхонада нима каромат кўрсатди у?

- Нима каромат кўрсатар эди, ҳар доим кўрсатиб келган тартибсизлик ва вайроналикни-да, - елка қисди Деярли Бошсиз Ник, - Ошхона идишларини-ю, товаларни онтариб, атрофга улоқтириди. Ҳамма нарса шўрвада сузуб юрди. Хизматкор уй эльфларининг ўтакасини ёриб ташлади...

Жаранг. Гермиона қўлидаги қадахни тушириб юборди. Ошқовоқ шарбати оппоқ дастурхонга тўкилиб, унинг катта қисми тўқ сарик рангга бўялди. Қизалоқ бунга эътибор ҳам қаратмади.

- Бу ерда уй эльфлари борми? - кўзини чақчайтириди у Деярли Бошсиз Никка, - «Хогварц»да-я?

- Албатта, - жавоб қайтарди Деярли Бошсиз Ник Гермионанинг билдирган муносабатидан ҳайратланиб, - Уларнинг сони Британиядаги ҳар қандай бошқа қасрга нисбатан анча кўп. Юздан зиёд.

- Ахир мен шунча вақтдан буён уларнинг бирортасини ҳам кўрмадим-ку! - хитоб қилди Гермиона.

- Жуда тўғри, - деди Деярли Бошсиз Ник, - Улар кундузи ошхонадан чиқишишмайди. Фақат тунда чиқиб теварак-атрофни тартибга келтиришади, каминларга ўт қалашади... хуллас хўжаликнинг барча зарурий ишларини бажариб юришади. Айтмоқчиман-ки, улар хақиқатан ҳам кўзга кўринмаслиги керак, тўғрими? Ахир кўринмаслик ва эшитилмаслик уй эльфининг энг яхши фазилатларидан бири-ку.

Қизалоқ Никка еб қўйгудай қараб турди.

- Уларга маош тўланадими? - ғазаб-ла сўради Гермиона, - Мехнат ва касаллик таътилларига чикишадими? Кексаларига пенсия тўланадими? Хуллас, шунга ўхшаш бошқа шарт-шароит ва имтиёзлар ҳавола этилганми?

Деярли Бошсиз Ник шундай кулиб юбордики, унинг шукухли ёқаси бўйнидан сирғалиб тушиб, боши ён томонга ағанаганча, арзимаган мушаклар тутами ва тери бўлагига илиниб колди.

- Касаллик таътили? Пенсия? - сўради у елкага боз ўрнатган бошини ёқа воситасида маҳкамлар экан, - Уй эльфларига бундай нарсалар керак эмас!

Гермиона ҳали тузук-куруқ татиб қўришга улгурмаган овқатга қаради-да, қўлидаги пичок билан санчкини столга қўйиб, ликопни ўзидан нари сурди.

- Ҳой, бас қилс-с-сангчи-и, Ер-мона, - жаҳл қилди Рон, Гаррининг эгнига эндиғина оғзига солган Йоркшир пудингини бехосдан тупуриб юбориб, - Ие, узр... Арри...

У оғзидагини бир илож қилиб ютиб юборди.

- Сени касрингдан тикилиб ўлишимга сал қолди, - гапини давом этди у, - Очлик эълон қилганинг билан, эльфларга касаллик таътили берилишига эриша олмайсан!

- Қуллар меҳнати! Ана шундай тайёрланган бу овқат, - баёнет қилди Гермиона, бурун катакларини шишириб, - Нихоятда оғир ва машакқатли меҳнат-ла тайёрланган.

Қизалоқ туз ҳам тотмади.

Жала Катта Залнинг қоп-кора кўринаётган баланд деразаларини ҳамон саваламоқда. Момақалдирикнинг навбатдаги гумбурлаши ромларни қарсиллатиб юборди. Сехрланган шифтда яшин чақилиб, биринчи тортилган таом колдиклари тез йўқолаётган, ўрнига эса ширин таом пайдо бўлаётган тилла ликопларни ёритди.

- Гермиона, қара, сен ёқтирган қуюқ шиннили торт берилди! - деди Рон, ширинлик хиди Гермионага етиб бориши учун кафтини силтаб, - Қорағат пудинги! Шоколад пирожний! Гермионанинг нигоҳи профессор Макгонагаллнинг нигоҳига ўхшаб кетганини кўрган Рон унини ўчирди.

Ширинликларнинг охирги ушоқлари ликоплардан гум бўлиб, идишлар боз ялтираб қолганидан сўнг Альбус Дамблдор яна ўрнидан турди. Катта Залдаги қувноқ ғўнг-ғўнг бир зумда тиниб, фақат шамолнинг увиллаётгани-ю, ёмғирнинг дукиллаётгани эшитилди.

- Шундай килиб! - гап бошлади Дамблдор ўтирганларга табассум-ла қараб чиқиб, - Еб ичиб, қорнимизни тўйғазиб олдик.

- Хм, - дарғазаб қулиб қўйди Гермиона.

- Энди сўзларимга дикқат билан қулоқ солишингизни илтимос қиласман. Негаки мен, бир нечта ниҳоятда мухим баёнот бермоқчиман.

Дамблдор эшик ёнида ўзининг миссис Норрис лақабли мушугини маҳкам қучоклаб турган Филч томон имо қилди.

- Мактабимиз назоратчиси мистер Филч, мазкур даргоҳда қўлланилиши ман этилган буюмлар рўйхати бу йил янада кенгайганлиги, энди улар жумласига ўлдирилган уй-йяшкалар, дандонли фрисбилар ва бум-бум бумеранглари киритилганлиги ҳақида сизларни хабардор қилиб ўтишимни мендан илтимос қилди. Билишимча, мулоҳаза юритилаётган рўйхат тахминан тўрт юз ўттиз еттита буюмни ўз ичига мужассам этган. Ким ушбу рўйхат билан яқиндан танишиш ёки ёд олишни истаса, уни мистер Филчнинг хизмат хонасидан топиши мумкин. Ҳаммага кўринадиган жойга осиб қўйилган рўйхат девор гулқоғози вазифасини ўтаяпти.

Сезилар-сезилмас қулиб қўйган Дамблдор гапини давом эттириди:

- Ўзгармас талаблар ўз кучини саклаб колаётганилиги, яъни, қаср худудини қуршаб олган ўрмонга кириш жамики ўқувчилар учун ман этилганлиги, учинчи синфдан қуий синфда таҳсил қўраётган ўқувчиларга Хогсмёд қишлоғига ташриф буюришга рухсат берилмаслигини эслатиб ўтмоқчиман. Бундан ташқари, оғир мажбуриятимни бажарган холда мактабимизнинг квидиш бўйича чемпионати бу йил ўтказилмаслиги ҳақида сизни хабардор қилмоқчиман.

- Нима?! - хитоб қилди Гарри.

У «Гриффиндор» жамоасида биргаликда ўйнайдиган Фред билан Жорж томон юзланди. Эгизаклар сўз айтишга ярамайдиган холатга келиб, лабларини кимирлатганча Дамблдорга тикилиб ўтиришибди.

Дамблдор гапини давом эттириди:

- Гап шундаки, мактабимизда, октябрь ойидан бошлаб, ушбу ўқув йилининг охиригача, ўқитувчиларимизнинг кўп вақтини олиб, улардан бисёр куч-куват талаб этиладиган тадбир ўтказилади. Бироқ ишончим комилки, мулоҳаза юритилаётган тадбир ҳаммага ёқади. Бағоят улкан мамнуният или эълон қиласман-ки, бу йил «Хогварц»да...

Айни шу фурсатда қулоқни битказиб юборгудай момақалдириқ гумбурлаб, Катта Залнинг эшиги тарақлаганча очилиб кетди.

Остонада қўлига узун асо ушлаб, сафар ридосига ўраниб олган киши кўринди. Катта Залда ўтирганларнинг ҳаммаси дафъатан шифтдан чақнаган қўшалоқ яшин ёритган нотаниш киши томон юзланди. Мусоғир бошидан қора рангли ридосининг қайтарма қалпоғини ечиб, отнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетган ёлини эслатадиган узун мош-гуруч соchlарини қаттиқ силтади-да, ўқитувчилар столи томон равона бўлди.

У босаётган ҳар иккинчи қадам тарақлаб эшитилмоқда. Мусоғир столнинг охирига етиб бориб, ўнг томонга бурилди-да, Дамблдор томон каловланди. Шифтдан отилган яна бир яшин ёрқин чақнади. Нотаниш каснинг яшиндан ёришган юзини кўрган Гермиона ох

уриб, оғзи хайратдан ланг очилиб қолди.

Одамнинг юзи шундай бўлиши мумкинлигини Гарри хеч тасаввур қилиб кўрмаган экан. Боланинг назарида мана бу кишининг юзини аллақандай нотавон, уста кўрмаган, тош пичок-у, искана каби асбоб-ускуналар қандай ишлатилишини билмайдиган, инсоннинг юзи аслида қандай тузилиши даркорлигидан мутлақо бехабар одам чатнаб кетган фўладан йўнганга ўхшаб кўринди. Келгиндининг юзидаги тери қопламаси фақат чандиклардан иборат. Қийшиқ кетган диагонал йирмоч унинг оғзи бўлиб, бурнининг каттагина бўлаги етишмайди. Бироқ энг даҳшатлиси бу одамнинг юзи эмас, кўзи экан...

Битта кўзи кичкина мунчоққа ўхшайди. Каттагина, тангага ўхшаш юмалоқ иккинчи кўзи эса электр ёруғидай мовий тус бериб кўринмоқда. Ушбу кўз соғлом одамнинг меъёрий кўзига мутлақо ўхшамай, пирпирамай, ҳар томон тинмай ҳаракатланганча, чаногида гир айланмоқда. Нихоят мовий кўз нотаниш кишининг бош суяги ичига юмалаб кириб, ташқарида фақат оқ соққа қолди.

Дамблдорнинг ёнига етган мусоғир тери қопламаси юз терисидан қолишмайдиган кўлини директорга узатди. Қўл сиқишиган Дамблдорнинг нотаниш кишига ғудраниб айтган гапини Гарри англай олмади. Афтидан директор бир нима сўради шекилли, мусоғир бош иргиб, юзи ўта жиддий қиёфа касб этганча, паст овоз билан жавоб қайтарди. Дамблдор ҳам бош иргиб, меҳмонга ўнг томондаги бўш ўринни кўрсатди.

Таклиф этилган жойга ўтирган киши юзини тўсиб қўйган сочини орқага силтаб колбасали таом солинган ликопни ўзига тортди-да, кимdir чопиб ташлаган бурнига якин келтириб хидлади. Шундан сўнг киссасидан кичкина пичоқ чиқариб колбасининг бир бўлагини саншиб олди-да, овқатланишга киришди. Айни пайтда унинг кичкина кўзи колбасага йўналтирилган бўлса, катта кўзи чаногида тинимсиз айланганча, Катта Зални батафсил ўрганиб чиқишига киришди.

Завқланиб кетган Дамблдор Катта Залда қарор топган ўлик сукунатни бузди.

- Ижозатингиз билан таништириб ўтай. Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчиси профессор Хмури.

Одатда, янги ўқитувчи гулдурос карсаклар билан қарши олинади. Бироқ бу гал Дамблдор билан Хагриддан ташқари на ўқитувчилар ва на ўқувчилар қарсак урди. Сукунат ичра танҳо чалинаётган чапаклари мудхиш эштилаётганини идрок этишгач, иккаласи ҳам қарсак уришни баробар бас қилди. Колганлар хаддан ортиқ ғалати ўқитувчининг янада ғалати тарзда пайдо бўлганидан серрайиб, Хмурига бақрайиб ўтиришди.

- Хмури? - пичирлади Гарри, - Ўйноқкўз Хмури-ми? Бугун эрталаб даданг шу кишига ёрдам бергани йўлга чиққанмиди?

- Эҳтимол, - паст овозда жавоб қайтарди янги ўқитувчидан кўзини уза олмаётган Рон.

- Унга нима килган экан, а? - сўради Гермиона ҳам пичирлаб, - Юзини назарда тутяпман.

- Тасаввуримга сиғира олмайман, - чўзид жавоб берди Рон, Хмурига ҳайрат-ла қараб.

Совуқ қабул қилинганлиги Хмурининг парвойига ҳам келгани йўқ. Каршисида шарбат қуйилган кўза турганига қарамай янги ўқитувчи сафар ридосининг қатларини титиб идиш чиқарди-да, бўғзини оғзига келтириб катта хўплаб олди. Кўлини балаңд кўтарганча, бошини орқага ташлаб ичар экан ридосининг этаги кўтарилди. Гарри ўткир тирнокли панжа шаклида яқунланган ёғоч оёқнинг учини кўрди.

Ҳайрат тўла нигоҳларини Ўйноқкўз Хмуридан уза олмаётган катта-кичик томошабинларга кулиб қараган Дамблдор, томогини кириб олди.

- Юқорида баён этаётган фикримга қайтмоқчиман, - деди у, - Шундай қизик тадбир борки, унинг ўтказилмаганига юз йилдан ошди. Фавқулодда улкан завқ ила эълон қиласман-ки, келаси бир неча ой давомида айнан бизнинг мактабимиз «Хогварц»да Уч сеҳргар беллашуви бўлиб ўтади.

- ҲАЗИЛЛАШМАНГ! - қичқириб юборди Фред Катта Зални бошига кўтариб.

Ҳамма кулиб юборди. Хмури кириб келган фурсатдан бўён ҳукм сурган кескин вазият бирданига барҳам топди. Ҳатто Дамблдор ҳам маъқуллаганча хиринглаб қўйди.

- Йўқ, мистер Уэсли, ҳазиллашаётганим йўқ, - деди директор, - Гарчи ҳазил масаласини

кўтарган экансиз, ёзда айтиб берилган бир латифа ёдимга тушди. Демак, ҳодиса бундай бўлган экан: кунлардан бир кун қаҳвахонада тролль, афсунгар аёл ва непречём учрашиб қолибди...

Профессор Макгонагалл қаттиқ йўталиб қўйди.

- М-м-м... ҳозир мумкин... мавриди эмасдир... м-ҳа... - гапини йўқотиб қўйди Дамблдор, - Нима деб турган эдим? Ҳа-я, Уч сеҳргар беллашуви... Баъзилар қандай тадбир тўғрисида гап кетаётганилигини билмай ўйланиб ўтиргандир, эҳтимол. Боҳабарлар эса тарих сахифаларини яна бир карра эсга олиб ўтаётганим учун мени маъзур санаб, уларга ўз хаёлларининг оғушида ўтиришларига ижозат берамиз. Уч сеҳргар беллашувини ўтказиш тахминан етти юз йил муқаддам анъана тусига кирган. Ушбу Беллашув Европадаги учта йирик сеҳргарлар мактаби, хусусан «Хогварц», «Бэльстэк» ва «Дурмштранг» ўкувчилари ўртасида дўстона мусобақалар кўринишида ўтказилиб келинган. Ҳар бир мактаб мулоҳаза юритилаётган Беллашувга ўз вакилини йўллаган. Санаб ўтилган мактаблардан ташриф буюрган чемпионликка даъвогарларнинг ҳар бири сеҳр-жодуга оид учтадан вазифа бажариши керак. Ҳар беш йилда ҳар бир мактаб ўз даргоҳида Беллашув иштирокчиларини қабул килиб борган. Ўхшаш тадбирлар турли халқ ва миллатларга мансуб йигит-қизлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топилишининг энг яши усули, деб эътироф этилган... Бирок бундай Беллашувларда ўлим билан якун топган ҳолатлар сони ҳаддан ортиқ ошиб кетгач, ўтказилишига чек қўйилган.

- Ўлим билан якун топган ҳолатлар? - даҳшат-ла такрорлади Гермиона.

Бироқ Катта Залда ўтирганларнинг аксариятини бундай хабар ташвишга солмади. Аксинча, кўпчилик орасида жонли шивир-шивир бошланди. Гарри ҳам юзлаб йиллар олдин содир бўлган ўлим ҳолатлари ҳакида ўйлаб, бошини оғритмай, Беллашув ҳакида батафсил маълумотларга эга бўлишга қизиқди.

- Сўнгги бир неча асрлар давомида Уч сеҳргар беллашуви анъаналарини тиклашга қаратилган уринишлар кўп бўлган-у, лекин ҳар сафар натижасиз якун топиб келаверган, - давом этди Дамблдор, - Бу сафар эса Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлигининг Сеҳргарлик ўйинлари ва спорт департаменти Уч сеҳргар беллашуви ўтказилишига доир қарор қабул қилди. Мусобақалар давомида қандай вазият юзага келмасин, Беллашувнинг бирорта ҳам иштирокчисига ўлим таҳдид қилмайдиган хавфсизлик чоралари устида вазирликнинг аксарият юқори малакали мутахассис-сеҳргарлари томонидан ёз бўйи кўп тер тўкилди. Октябрь ойида «Бэльстэк» ва «Дурмштранг» директорлари ўз тасарруфидаги мактабнинг чемпионликка даъвогарлари билан бирга мактабимизга ташриф буюради. Беллашув иштирокчиларини танлаш маросими Хэллоуин байрами куни бўлиб ўтади. Таъкидлаб ўтишим жоизки, ким ўз мактабининг шони ва фахри, Уч сеҳргар беллашувида иштирок этиб, минг галлеон ютуқни кўлга киритиш учун курашишга муносиб эканлигини фақат бетараф ҳакамгина ҳал этади.

- Мен албатта ўз кучимни синаб кўраман! - баланд овозда пицирлади Фред.

Шон-шуҳрат ва бойликка эга бўлиш орзуси унинг юзида барк уриб кетди. Катта Залда ўтирганлар орасида ўзини «Хогварц»нинг энг муносиб, танҳо даъвогари деб билган факат Фред эмаслиги яққол кўзга ташланди. Ҳар бир стол атрофида Дамблдорнинг сўзларини берилиб тинглаб, унга тикилиб ўтирганлар кам эмас. Кўпчилик ўзаро шивирлашишга киришиб кетган.

Дамблдор боз гап бошлагач, Катта Залга сув куйгандек сукунат чўқди.

- Ҳар бирингиз Уч сеҳргар беллашуви Кубогини «Хогварц»да олиб қолиши йўлида курашишни ўзингиз учун юксак шараф деб билишингиз ва бундан бениҳоя баҳтиёр бўлишингизга щубҳа йўқ. Шунга қарамай иштирокчи-мактаб директорлари томонидан Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги билан биргалиқда чемпионликка даъвогарлар орасида ёш бўйича айрим чекланишлар жорий этишга доир қўшма қарор қабул килинди. Мазкур қарорга мувоғиқ Беллашувда иштирок этиш учун фақат ўн етти ёшга тўлган даъвогарларнинг аризалари қабул килинади.

Катта Залда эътиrozли ҳайкириклар кўтарилди. Эгизак Уэслиларнинг эса чинакамига

жахли чиқди. Директор ўз гапини баланд овозда давом этишга мажбур бўлди.

- Бу зарурый шартлардан бири саналади. Негаки, ўқитувчилар томонидан қандай хавфсизлик чораси кўрилмасин, Уч сеҳргар беллашувида ҳал этиладиган вазифалар жуда мураккаб ва хавфлидир. Олтинчи-еттинчи синфдан куйи синфда таҳсил кўрадиган ўқувчилар бундай вазифаларни уddyалай олишлари амри маҳол. Зикр этилган ёшга тўлмаганлар орасидан бирор-бир киши бетараф ҳакамни алдай олмаслиги учун қўлимдан келганча иш тутиб, гов қўйишга аҳд килганман, - деди Дамблдор мовий кўзларини яркиратганча Фред билан Жоржнинг исёнчи юзларига қараб қўйиб, - Шундай экан, ўн етти ёшга тўлмаганлар ўз вақтини бехуда ўтказиб, ариза беришга уринишмасин. «Бэльстэк» ва «Дурмштранг» вакиллари октябрь ойида ташриф буюриб, ўқув йилининг деярли охиригача даргохимиизда қолишиади. Ишончим комилки, хорижий меҳмонларни илтифот-у, иззат-икром-ла қабул қилиб, ким ва қайси коллеждан саралаб олинишидан қатъи назар «Хогварц»нинг чемпионликка даъвогар йигити ёки қизини самимий қўллаб-куватлайсиз. Айтилиши лозим бўлган гаплар айтилди. Кеч бўлди. Яхши дам, эртанги машғулотларга ҳамдам. Шундай экан, хайрли тун. Ёткxоналар томон қадам бос! Дамблдор жойига ўтириб, Ўйноқкўз Хмури томон юзланди. Ўқувчилар шовқин-сурон солганча ўринларидан туриб, Катта Залдан олиб чиқадиган кўшалоқ эшиклар томон йўл олишиди.

- Қандай журъат этишди?! - ўқирди стол ёнида колган Жорж Уэсли, худди нигоҳ-ла ёндириб юборишга урингандай Дамблдорга чақчайиб, - Апрель ойида ўт еттига тўламиз. Нега энди Беллашувда иштирок этишга ҳақимиз йўқ экан.

- Ўзларининг бўлмағур қоидалари билан мени тўхтатиб қолиша олмайди! - ўжарлик-ла баёнот қилди Фред, ўқитувчилар столи томон норози қараб, - Оддий холатларда ман этилган айрим нарсалар чемпионликка даъвогарларга ижозат берилади! Плюс минг галлеон соврин уларни кутади!

- Ҳа-а, - чўзиб тасдиклади Рон, - Минг галлеон-а...

- Кетдик, - шошилтирди Гермиона, - Ҳаёл ўтмай Катта Залда ёлғиз ўзимиз қоламиз. Гарри, Рон, Гермиона ва эгизаклар чиқиши эшиги томон йўл олишар экан ўн етти ёшга тўлмаган ўқувчилар Уч сеҳргар беллашувида иштирок эта олмаслиги учун Дамблдор томонидан кўриладиган жоиз чораларни муҳокама қилиб кетишиди.

- Чемпионликка даъвогарларни танлаб оладиган бетараф ҳакам ким экан ўзи, а? - сўради Гарри.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - деди Фред, - Бироқ бари-бир мен уни алдайман. Ўйлайман-ки, Қаритиш дамламасининг икки томчиси етарли бўлади, а, Жорж?

- Нима қиссаларинг ҳам, бари-бир ёшингиз ўт еттига тўлмаганини Дамблдор билади, - елка қисди Рон.

- Ҳа, тўғри, бироқ чемпионликка даъвогарни у танламайди-ку, тўғрими? - эътиroz билдириди Фред, Ронга ўқрайиб, - Фикримча, ўша ҳакам Беллашувда иштирок этмоқчи бўлганларнинг рўйхатини олади-да, хар бир мактабдан бир нафардан энг зўр даъвогарни саралаб олади. Даъвогарнинг ёши эса уни мутлақо қизиқтирмайди. Айнан шу сабабли, Дамблдор, нима қилиб бўлса ҳам ариза беришимизга тўсқинлик қилмоқчи.

Болалар гобелен воситасида бекитилган эшиқдан ўтиб, торгина зинапоя қаршисидан чиқишиди.

- Беллашувларда ўлим билан якун топган ҳолатлар ҳам бўлганини унумтсанг! - эслатди Гермиона ташвишли оҳангда.

- Бўлган, - рози бўлди бепарво Фред, - Миллион йил муқаддам бўлган, шундайми? Нима қилганда ҳам ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ишини битириби... Ҳой, Рон, агар Дамблдорни алдаш йўлини топадиган бўлсак, Беллашувда иштирок этиш масаласига қандай қарайсан?

- Сен-чи, Гарри, нима дейсан? - сўради Рон Гарридан, - Ариза бериш имконига эга бўлсак зўр иш бўлади-ку, а?! Фақат бари-бир ўша бетараф ҳакам ёши каттароқ даъвогарни танласа керак, деб ўйлайман... Ўнинг фикрича, бизнинг билимларимиз этишмас, мумкин...

- Менинг билимларим етишмаслиги турган гап, - эшилди эгизаклар орқасидан судралиб келаётган Невиллнинг овози, - Шундай бўлса ҳам, бувим, ўзимни синаб кўришимни истаган бўлиши мұқаррар. Бир гап икки бўлди дегунча, хонадон шаънини сақлаб боришим даркорлигини таъкидлагани-таъкидлаган. Фараз қиллинг мен не-не заҳматлардан ўтишим керак бўла... ВОЙ!...

Невиллнинг бир оёғи зинапоя ўртасига тушиб кетди. «Хогварц»да жами бир юз кирқ иккита зинапоя бўлиб, уларнинг айримлари кенг, нишаб, айримлари тор, гижирлайдиган, баъзилари ҳар жума куни керак бўлмаган томонга олиб чиқиб кетса, баъзиларининг ўртасидаги поғоналари ўзидан ўзи йўқолиб қоладиган бўлиб, бундай жойлардан сакраб ўтишни унутмаслик керак. Аксарият мактаб ўкувчилари учун хавфли поғоналар узра сакраб юриш одат тусига кирган. Бироқ Невиллнинг хотираси фавқулодда ёмон бўлиб, бундай нарсаларни доимо унугиб юради. Рон билан Гарри унинг қўлтиғидан ушлаб, чиқаришга улгуриб қолиши. Зинапоя охирида турган рицарларнинг яроғ-аслаҳалари кулиб, зириллаб қўйиши.

- Ўчир овозингни, - деди улардан бирининг ёнидан ўтаётган Рон, дубулғасининг пардасини қарсиллатганча ёпиб.

Нихоят болалар «Гриффиндор» биносига олиб кирадиган туйнукни тўсиб турадиган, эгнига пушти шойи қўйлак кийган Семиз Хола портретига етиб келиши.

- Пароль? - талаб қилди Семиз Хола.

- Бемаъни гап, - жавоб берди Жорж, - Синфбоши айтган эди менга, пастда турганимизда. Портрет юқорига кўтарилиб, девордаги туйнукни очди. Болалар навбат билан ичкарига кириши. Думалоқ шаклга эга умумий меҳмонхона каминидаги олов чирс-чирс ёниб турибди. Меҳмонхонага кичик столлар ва дўмбок креслолар ўрнатилган. Гермиона ўйнаб ёнаётган гулханга хўмрайиб қўйди. Гарри қизалоқнинг: «Қуллар меҳнати», деб ғудуллаганини аниқ эшилди. Гермиона ҳаммага хайрли тун тилаганча, ётоқхонасига равона бўлди.

Гарри, Рон, Невилль эса сўнгги айланма зинапоядан, минора чўққисида жойлашган ётоқхоналарига кўтарилди.

Хона деворлари ёнидаги тўқ-қизил рангли бахмалдан тайёрланган бешта гулдор чодир остига бешта каравот ўрнатилган. Болаларнинг сандиклари аллақачон ётоқхонага олиб чиқилиб, каравотларнинг оёқ томонига териб чиқилган. Дин билан Симус ётиш тарафдудида. Симус ўз каравотининг бош томонига Ирландия терма жамоасининг муҳлислари тақсан тўғаракни, Дин эса кичкина жавон тепасидаги деворга Виктор Крумнинг портрети билан Вестхэм футбол жамоаси тасвирланган плакатни маҳкамлаб қўйиби.

- Телбалик, - хўрсинди мутлако ҳаракатсиз футболчиларни кўрган Рон бошини тебратиб. Учаласи пижамаларини кийиб, кўрпасига ётди. Кимдир, хеч шубҳа йўқ-ки, уй эльфлари бўлса керак, чойшаблар орасига грелка ташлаб қўйиби. Бу мисли йўқ шинамлик хиссини уйғотади. Дераза ортида бўрон ўйнаса-ю, сен иликкина кўрпада ётиб, ташқаридағи тўс-тўполонни эшишиб ётсанг!

- Биласанми нима, мен албатта Беллашувда иштирок этаман, - уйқусираганча ғудуллади Рон, - Агар Фред билан Жорж... йўлини топишса... мусобақа... билмайсан-ку, нима бўлишини... тўғрими?...

- Ха... - жавоб қайтарди Гарри ёнбошлар экан.

Унинг кўз олдига қизиқ манзара келди... гўё бетараф ҳакамни лақиллатишга эришибди-ю, «Хогварц»нинг ўн етти ёшга тўлган чемпионликка даъвогари сифатида сараланиб, жамики мактаб олдида, худди зафар қозонган каби қўлларини баланд кўтариб олибди... ҳамма айюҳаннос солганча, Гаррини олқишиламоқда. Халойиқ орасида Чунинг завқли чехраси алоҳида ажраб турибди...

Ўзи кўра оладиган нарсани Рон кўра олмаслигидан хурсанд бўлиб кетган Гарри юзини ёстиғига босиб кулиб қўйди.

Эрталаб довул тинди-ю, қаср устидаги осмон ҳолатини акс этадиган Катта Зал шифти йирик, қалай тусли кул ранг булатлар билан түсилғанча, бадқовок қолди. Гарри, Рон ва Гермиона нонушта қилишар экан янги ўқув йилига тузилған машғулотлар жадвалини ўрганиб ўтиришди. Фред билан Жорж киши қаришининг турли усулларини дўстлари Ли Жордан билан кизғин мухокама қилишмоқда. Уч сехргар беллашувида иштирок этиш учун ёлғон-яшиқ йўллар билан ариза бериш фикри уларни ҳамон тинч қўйгани йўқ.

- Бугун яхши кун экан... айтмоқчиман-ки, тушликкача вақтимиз ҳовлида ўтади, - деди машғулотлар жадвалининг душанба кунига тааллукли устуни бўйлаб бармоқ юритган Рон,
- Дастрлаб хуффльпуффчилар билан гербология, кейин сехрли ҳайвонларни парвариш килиш фани... Жин урсин, яна слизеринчилар билан бирга!...
- Тушлиқдан сўнг эса қўш соатли башорат, - инграб юборди Гарри жадвалга қараб. Башорат сехрли дамламалар тайёрлаш дарслари билан бир қаторда Гарри ёқтиромайдиган фан саналади. Гаррининг куни битишига оз қолгани профессор Трелани томонидан хар дарсда башорат қилинган сари, боланинг жони чикаверади.
- Ўша бемаъни фандан аллақачон қўлингни ювишинг керак эди, Гарри, - ишонч-ла баёнот қилди Гермиона нонга сариёғ суртиб, - Мана мен башоратнинг тутуриқсиз машғулотларига кирмай қўйдим-ку! Сен ҳам шундай қилсанг бирон-бир бамаъни, мисол учун арифмантика фанини ўзлаштиришингга имкон туғилади.
- Бундан ташқари, агар тўғри тушунган бўлсам, энди сен овқатланишдан ҳам бош тортмайдиган бўлиб қолдинг, - гап қистирди Рон, Гермионанинг бутерброд устига жем босаётганини кўриб.
- Эльфларнинг ҳак-хуқуклари учун олиб бориладиган курашнинг бошқа, янада самарали усууларини қўллашга аҳд қилдим, - ғуур-ла маълум қилди Гермиона.
- Ҳа, албатта... айниқса қорнинг пўстакни еб юборадиган даражада оч қолган бўлса, - хиринглаб кўйди Рон.

Кутилмаганда бош узра шитир-шитир эшитилди. Катта Залнинг очик деразаларидан эрталабки почтани етказиб келган сон-саноқсиз бойқушлар ёпирилиб келди. Минг афсуски, кул ва жигар ранг кушлар оқимида бирорта бўлсин оқ бойқуш қўзга ташланмади. Кушлар галаси хат ва жўнатма эгаларини қидирғанча столлар узра гир айланмоқда. Болалар боши устида муаллақ осилиб олган аллақандай йирик, малла ранг бойқуш Невилль Лонгботтомнинг тиззасига нимадир ташлаб кетди. «Хотира кучи» масаласида Невиллга етадиган одам бўлмаса керак «Хогварц»да. У яна бирон нарсасини уйда қолдириб келган кўринади.

Катта Залнинг нариги бошида қарчигайлар оиласига мансуб укки ўз сохиби Драко Малфойнинг елкасига қўнди. Қуш одатдагидай Малфойга пирог ва шириналлар келтирган. Ҳафсаласи пир бўлган Гаррининг юраги ачишиб кетди. Ташибиш таъсирига берилиб колмаслик учун бўтқа ейиш билан машғул бўлди. Хедвигга бирон кор-хол бўлмадимикан? Гаррининг хати Сириусга етиб бормаган бўлса-чи?

Фикр-хаёлларини ноxуш ўйлар қамраб олган Гарри экинзор орасидан учинчи иссиқхона томон йўл олди. Ўқув йилининг биринчи машғулоти Гаррини маъюс хаёллардан чалғитди. Профессор Сарсабил хоним ўқувчилар эътиборини иссиқхона эгатларида саф тортиб ўсган ниҳоятда хунук ўсимликка қаратди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, ўсимлик бўлиб ўсимлик ҳам эмас, ҳар бири ердан тикка чиқиб, билинار-билинмас тебраниб турган аллақандай йирик, қоп-қора, семиз шилликқуртга ўхшайди. Поясининг силлиқ юзасида ичи суюқликка тўлган катта-катта шишлар кўринмоқда.

- Буботубер, - эълон қилди баҳтиёр қиёфа касб этган Сарсабил хоним, - Мана бу шишларини сикиб, ичидаги фасодни чиқариш керак. Сикиб чиқарилган фасодни анави...
- Нимани сикиб чиқаришимиз керак? - жирканиб бакирди Симус Финниган.
- Фасодни, Финниган, фасодни, - такрорлади профессор Сарсабил хоним, - Бу фасод ниҳоятда ноёб, қимматбахо модда саналади. Шу боис бирорта ҳам томчисини увол

қилманг. Демак фасодни мана бу шишаларга сикиб оласиз. Аждар терисидан тайёрланган химоя кўлқопини албатта кийиб олинг. Эритилмаган буботубер фасоди киши баданинг тери копламасини ақлга сиғмас ҳолатга келтириб қўйиши мумкин.

Буботубер фасодини сикиб чиқариш жараёни жуда ёқимсиз кечгани билан қандайдир ғалати қаноатланиш ҳисси сезилди. Шиш ёрилиши билан ичидан қуюқ, бензин ҳидини эсга соладиган сарғиш-яшил суюқлик отилиб чиқди. Сарсабил хоним суюқлик оқимини шиша оғзига йўллаш усулини кўрсатиб қўйди. Машғулот ниҳоясига қадар бир неча пинта фасод ийғишига эришилди (*Эслатма: Пинта – инглиз ўлчовларини қўлловчи*

мамлакатларда суюқлик ва сочиувчи нарсалар ҳажмининг (сигимининг) ўлчов бирлиги. Буюк Британияда бир пинта галлоннинг саккиздан бир қисмига тенг (0,568261 дм3).

АҚШда пинта суюқ ва қуруқ пинтага фарқ қиласди. Суюқ пинта Америка галлонининг саккиздан бир қисмига тенг (0,473179 дм3) бўлса, қуруқ пинта Америка бушелининг олтмиш тўртдан бир қисмига тенг (0,550614 дм3). Пинта ўлчов бирлиги метрик ўлчовлар бирлиги қабул қилингунга қадар бошқа давлатларда ҳам кўлланилган. Масалан Францияда бир пинта 0,931389 дм3 га, Нидерландияда эса 0,6063 дм3 га тенг бўлган).

- Помфри хоним роса хурсанд бўладиган бўлди, - деди Сарсабил хоним сўнгги шишанинг бўғзини тиқинлаб, - Буботубер фасоди ҳуснбузар тошмасининг деярли даволаб бўлмайдиган ёки шифоси ниҳоятда қийин кечадиган шаклларига қарши кучли ва жуда самарали восита саналади. Умид қиласман-ки, ўқувчилар бундан буён ҳуснбузардан халос бўлиш учун турли-туман аҳмоқона ишларини бас қилишади.

- Элоиза Мошкар каби, - даҳшатли пичирлаб гап кўшди хуффльпуффчи ўқувчи киз Ханна Аббот, - Бечора юзидағи ҳуснбузарни афсун воситасида йўқ қилишга уринган эди.

- Тентак киз, - бошини сарак-сарак қилди Сарсабил хоним, - Яхши ҳам-ки, Помфри хоним унинг бурнини ўз жойига ўрнатиб қўйишига муваффақ бўлди.

Қаср томондан дарс вақти ниҳоясига етганини англатган қўнғироқ зарби янгради.

Ўқувчилар гурухи иккига бўлинди: хуффльпуффчи ўқувчилар бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсига қаср томон, гриффиндорчилар эса қарама-қарши йўналиш, сирғанчик киялиқдан пастга тушиб, Ман этилган ўрмон четидаги Хагриднинг кулбаси томон йўл олишди.

Кулба ҳовлисига терилган усти очиқ бир нечта яшик ёнида ўзининг Сўйлоқтиш лакабли қоп-қора, баҳайбат немис догининг бўйинбоғидан ушлаб олган Хагрид ўқувчиларни кутиб турибди. Сўйлоқтиш вангиллаганча, яшикларга интилиб, ичидагиларни ўрганиб чиқишига ошиқмоқда. Яқин борган болаларнинг қулогига яшиклар ичидан галма-гал янграётган гумбур-гумбур ва портлашларнинг бўғик товушлари чалинди.

Гарри, Рон ва Гермионага кўзи тушган Хагрид иршайди.

- Салом! Слизеринчиларни кутганимиз маъқул. Улар ҳам кизикарли жойини ўтказиб юборишни исташмайди!... Қаранг, портловчи дракллар!

- Нималар? - тушунмади Рон.

Хагрид бармоғини яшикларга ўқтади. Лаванда Браун чириллаганча нари сакраб:

- Эк! - деб қўйди.

Яшик ичига қараган Гарри драклар ҳақида чиндан ҳам «Эк» дейишдан бошқа сўз топиш қийинлигини тушунди. Сасиган балиқ ҳиди гупиллаб турган яшик ичидаги, танаси сирпанчик, ҳар бирининг узунлиги олти дюймча келадиган, жирканч даражада рангсиз, бош деган аъзодан ном-нишон йўқ, сон-саноқсиз оёқлари ҳар томон чиқкан юзга яқин дракл косасиз, танасининг шакли бузилган тошбакаларга ўхшайди. Улар тиним билмай бир-бирининг устига чиқиб, яшик деворларига урилмоқда. Танасининг бошқа томонидан гоҳ-гоҳ «пурт» этган бўғик товуш чиқиб, бир неча дюйм нарига учиб етаётган ёрқин учқунлар сачрамоқда.

- Тухумини эндиғина очиб чиқишиди, - ғуур-ла маълум қилди Хагрид, - Уларни ўзингиз тарбиялайсиз! Менинг ғоям шундай! Шунақа «лойиҳа» бўлади!

- Нимага энди биз уларни тарбиялашимиз керак? - эшитилди совук овоз.

Слизеринчилар етиб келибди. Мурдор хиринглаган Краббе билан Гойл Драко Малфойнинг

сўзларини шу тарзда қўллаб-қувватлашмоқда.

Хагрид эсанкираб қолди.

- Тарбиялаб нима наф кўрамиз? - фикрини ойдинлаштирган бўлди Малфой, - Нима каромат кўрсата олишади булар?

Хагрид оғзини очди-ю, узоқ ўйланиб қолиб, ниҳоят узуқ-юлуқ жавоб берди:

- Бу келаси машғулот мавзуси бўлади, Малфой. Ҳа, айтиб қўяй. Мен муқаддам дракл боқмаганман, шу боис улар нимани кўпроқ хуш кўришини билмайман. Мана, мана бу ерда чумоли тухуми, қурбақа жигари, бир бўлак сувилон бор. Ҳамма нарсадан оз-оздан бериб кўрамиз.

- Дастреба фасод, энди қабоҳат, - ғудуллади Симус Финниган.

Гарри, Рон ва Гермионани ёқимсиз-сирпанчик қурбақа жигарини ҳовучлаб олиб, драклларни кизиқтириш учун яшикка солишга факат Хагридга бўлган хурматгина мажбур килди. Драклларнинг оғзи йўқлиги, ҳар қалай оғзи борлигининг аломати сезилмаганлиги туфайли Гарри ушбу ишни бехуда билди.

- Вой! - бақириб юборди Дин Томас ўн дақиқа ўтгач, - Тишлаб олди.

Ташвишга тушган Хагрид дарҳол Томаснинг ёнига ошиқди.

- Нотўғри томони портлади! - ғудуллади Дин куйган кафтини Хагридга кўрсатиб.

- Ҳа... тўғри... шундай бўлади, улар портлаб туришади, - иш кўзини билгандай бош иргиди Хагрид.

- Эқ! - боз бакирди Лаванда Браун, - Эқ, Хагрид, кара, драклнинг анави учли нарсаси нима бўлди?

- Айримлари нишли бўлади, - иштиёқ-ла маълумот берди Хагрид, - Фикримча, бундай дракллар эркак жинсига мансуб саналади... Ургочисининг қорин соҳасида эса сўргичга ўхшаш аъзоси бор... Афтидан улар бошқа ҳайвонларнинг қонини сўради (*Сўргич – баъзи текинхўр ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бошқа ўсимлик ёки ҳайвонларни сўриб олишига мослашган органи*).

- Нима учун уларни бокишимиз кераклигини ниҳоят тушунгандай бўлдим, - таъкидлаб қўйди Малфой истехзоли оҳангда, - Бир томони билан чакиб оладиган, иккинчи томони билан тишлаб оладиган, яна бир жойи билан куйдирадиган ҳайвон соҳиби бўлишдан ким ҳам воз кечади?

- Драклнинг хунуклиги, бефойда эканлигини англатмайди, - жеркиб берди Гермиона, - Масалан, аждарнинг қони фойдали эканлиги эътироф этилган, бироқ сен уйингда аждар боқмайсан-ку!

Гарри билан Рон қув қулиб Хагридга қараб қўйишиди. Хагрид ҳам соқол-мўйловлари орасидан билинар-билинмас иршайди. Уйда аждар бокиши Хагриднинг армонли орзуси. Унинг бундай орзу-ҳаваси Гарри, Рон ва Гермионага жуда яхши маълум. Учовлон биринчи синфда ўқиб юрган кезларда Хагрид, кисқа муддат бўлса ҳам, Норберт лақабли дандон белли норвег аждарининг соҳиби бўлган. Давангир даҳшатли махлукларни, улар табиатан қанчалик заҳри котил бўлса, шунчалик қаттиқ яхши кўради.

- Нима ҳам дер эдим, - хулоса чиқарди Рон, бир соатдан сўнг қаср томон йўл олишгач, - Ҳар қалай дракллар аждарга нисбатан майдароқ-ку.

- Ҳозирча, ха, майда, - маъюс хўрсиниб қўйди Гермиона, - Бироқ Хагрид дракллар нимани хуш кўришларини аниқлаб олса бас, кўп ўтмай кам деганда олти футга ўсиб кетишиади.

- Аҳамияти йўқ. Агар улар денгиз тўлкинидан кўнгил айниш касалидан даво эканлиги аниқланса-чи, - пичинг қилди Рон, айёrona қулиб.

- Ўша гапни Малфойнинг унини ўчириш учун айтганимни жуда яхши тушунгансан, - чакиб олди Гермиона, - Умуман айтганда, бу сафар у ҳақ. Яхшиси, бизни тишлаб олмасидан олдин, дракллардан кутулган маъқул.

Болалар гриффиндорчиларнинг дастурхони атрофига жойлашиб, қўйнинг тўқмоқлаб юмшатилган гўшти билан биргаликдаги картошкани мириқиб ейишиди. Гермиона шу қадар тез овқатландиди, Гарри билан Рон қизалокқа бакрайиб қолишиди.

- Тинчликми?... - сўради Рон, - Эльфларнинг ҳақ-хуқуклари учун курашнинг янги,

еганингни қайт қилиб юбориш усулини ўйлаб топдинг-ми дейман, а?

- Йўқ, - жавоб қайтарди оғзи сарсабилга тўла Гермиона, оҳанги имкон қадар ғуурур-ла чиқишига уриниб, - Кутубхонага боришим керак.

- Нима?! - ҳайрон қолди Рон ўз қулогига ўзи ишонмай, - Гермиона! Бугун энди биринчи ўкув куни! Ҳали ҳеч ким уйга вазифа бергани йўқ!

Гермиона елкасини қисиб қўйиб, оғзини худди бир неча кун овқат емаган кишидай емишга тўлдиришни давом этди. Сўнг ўрнидан иргиб туриб:

- Кечки овқат маҳалида учрашгунча! - деди-да, югурганча Катта Залдан чиқиб кетди. Тушликдан кейинги машғулотлар вақти бошланишини англатадиган қўнгироқ зарби янгради. Гарри билан Рон Шимолий минора томон йўл олди. Икковлон энсиз айланада зинапоя бўйлаб, миноранинг энг юқори қаватига чиқди. Сўнгги погоналарга етгач, шифтнинг мис тахтача маҳкамланган юмалоқ туйнугидан туширилган кумуш нарвон орқали профессор Треланининг хизмат хонасига кўтарилди.

Болалар туйнукка бош суқишилари билан каминдан гупиллаб тараладиган таниш ҳидни сезишибди. Тўқ қизил ёритилган хонанинг деразалари одатдагидай пардаланган. Кам деганда йигирматача юм-юмалоқ пастак столчалар устига ўрнатилган чироқларнинг ҳар бирига қизил шарф ўралиб, шляпа кийдириб қўйилган. Синфдошлар аллақачон дарсга тайёр. Чит қопланган креслолар-у, дўмбок курсилар орасидан ўтган Гарри билан Рон ҳам ўз жойларини топиб ўтириди.

Кутилмаганда орка томондан янграган профессор Треланининг сирли овози Гаррини чўчитиб юборди.

- Хайрли кун.

Профессор Трелани фавқулодда озгин аёл бўлиб, катта кўзойнак ортидаги кўзлари жуда йирик кўринади. Новча бўйи билан Гаррига қарап экан унинг юзи ҳар сафаргидай фожиали қиёфа касб эти. Бўйидаги кўп сонли маржонлари-ю, занжирлари, бармоқ ва билакларидаги турли-туман узук ва билагузуклари камин оловидан ярқираб кўринмоқда.

- Нимадандир безовта кўринасан, қадрдоним, - гап бошлади профессор Трелани худди нариги дунёдан эшитилаётган овоз оҳангига, - Менинг Ички кўзим мардонавор юзингда ўз аксини топган ташвишли рухингни кўрмоқда. Безовталигинг асоссиз эмаслигини дилсиёхлик-ла таъкидлаб ўтишга мажбурман. Минг афсус!... Олдинда машақкатли давр кутмоқда сени... Жуда, жуда машақкатли давр... Сен хавфсираётган кунлар чиндан ҳам келади... сен кутгандан ҳам эрта келади...

Сўнгти сўзларини у пичирлаб гапирди. Гаррига қараб қўйган Рон кўзини тепага қаратиб олди. Гарри ўртоғининг нигоҳини тошдек қотган қиёфа билан қарши олди. Профессор Трелани кўйлагини шитирлатганча болаларнинг ёнидан ўтиб, камин ёнидаги тирсакқўйгичли креслога жойлашиб ўтириди. Унинг якинига, ушбу сохибкаромат аёлга сал кам сажда қиласиган Лаванда Браун билан Парватти Патил дўмбок курсиларга жойлашиб олган.

- Азизларим, мана нихоят ситоралар билан мулокот қилиш вақти етди, - дарс бошлади ўқитувчи, - Осмонда кечадиган сайёralар ҳаракати, юлдузлар рақсининг мазмун-моҳиятини идрок этишга қодирларгагина аён бўладиган сирли алломатларни ўзлаштириш вақти етди. Инсон қисмати сайёralардан тараладиган нурлар замирига яширинган бўлиб, уларнинг уйгунилиги...

Гаррининг фикр-хаёллари узоқ-узоқларга кетиб қолди. Каминдан хид берганча гупиллаб чиқаётган иссиқлик ҳар доим уйқусини келтириб, миясини гангитиб қўяди. Гарчи профессор Треланининг эндиғина айтган «Сен хавфсираётган кунлар чиндан ҳам келади...» сўзлари Гаррини ўйлантириб қўйган бўлса ҳам сохибкароматнинг бир оҳангда ғудуллаши Гарри учун ҳеч қачон таъсирили бўлмаган.

Гермиона ҳақ, аччиқланганча ўйланиб қолди Гарри, профессор Трелани ҳақиқатан ҳам миясини еб қўйган қари қиз холос. Аслида Гарри ҳозир ҳеч нарсадан безовта бўлаётгани йўқ... Сириусни келгусида нималар кутаётганини ўйлаб хавотир олаётганини ҳисобга олмаганда, албатта. Бироқ ўқитувчи бу ҳақда нимани ҳам билиши мумкин? Гарри

аллақачон тегишли хулоса чикариб бўлган: профессор Треланинг башорати хаёлий фараздан бошқа нарса эмас. Факат у ўз тахминларини сирли оҳангда ифода этиб, турли қиёфа ва қиликлар-ла бойитади холос.

Ўтган ўқув йилининг охирида рўй берган ҳолатни эътибордан четга чикариб бўлмайди, албатта. Ўшанда профессор Трелани Вольдемортнинг қайтиб келишини башорат қилган эди... Гаррининг бу борадаги таассуротларини эшитган Дамблдор профессор Треланинг транс ҳолати ҳақиқий эканлигини тан олган эди...

- Гарри! - чакирди Рон паст овозда.

- Нима?

Гарри атрофга назар солиб, жамики синф унга қараб ўтирганини кўргач, қаддини тўғрилаб олди. Хонадаги иссиқдан гангиб, ўз хаёлларига берилиб қолган бола деярли ухлаб қолибди.

- Сен Зухалнинг ҳалокатли таъсири остида туғилган кўринасан, деб турган эдим, қадрдоним, - овоз кўтарди профессор Трелани.

Ўқитувчининг оҳангидан ҳар бир сўзини берилиб тингламаган ўқувчидан бир оз хафа бўлгани сезилиб турибди.

- Мени маъзур сананг... ниманинг остида туғилибман? - сўради Гарри.

- Зухалнинг, қадрдоним, Зухал сайёрасининг! - чириллади профессор Трелани, бундай хабарни эшитган бола қўрқиб кетганидан хушини йўқотиб қўймагани учун бўлса керак, аччикланиб, - Сен туғилган фурсатда, афтидан Зухал таъсири ниҳоятда кучли бўлган, деб турган эдим... соchlарингнинг қоп-қоралиги... озғинлигинг... болалигингдаги фожиали йўқотишларинг... Киш фаслининг қоқ ўртасида туғилгансан, десам хато қилмаган бўламан, а?

- Йўқ, аксинча, - бош чайқади Гарри, - Ёз фаслининг қоқ ўртасида, яъни июль ойида туғилганман.

Рон ич-ичидан отилиб чиққан кулгисини базўр йўталга ўхшата олди.

Ярим соатдан сўнг ҳар бир болага биттадан доира шаклидаги мураккаб чизма тарқатилиб, ўзи туғилган фурсатда сайёralар қандай ҳолатда бўлганини чизмага тасвирлаш вазифаси қўйилди. Жадвалларни диккат билан ўрганиб, бурчакларни хисоблаб чиқаришга мажбур бўлган ўқувчилар хуноб бўлиб кетишиди.

- Менинг чизмамда Нептун иккита бўлиб чиқяпти, - деди бир оздан сўнг Гарри, қошини чимириб, - Бунақа бўлиши мумкин эмас-ку, а?

- Ҳа-а-а, Гар-р-ри, - сирли пицирлади Рон, профессор Треланига таклид қилиб, - Фалақда Нептуналар жуфт бўлиб кўрингани ўша фурсатда қаердадир сенга ўхшаган кўзойнакли чурвақа туғилаётганини англатади...

Унинг яқинида ўтирган Симус билан Дин пикиллаб кулиб юборишиди. Лекин уларнинг кулгисини Лаванда Брауннинг чинқириги босиб юборди.

- О, мана буни қаранг, профессор! Менинг чизмамда ҳали кашф этилмаган сайёра мавжудлиги аникланди, назаримда! О-о-о, қанақанги сайёра экан бу, профессор?

- Бу, Уран, азизам, - деди профессор Трелани, ситоралар ҳаритасига узоқ тикилиб.

- Ура, ура, Ур-р-а-анус! Кўрсат, Лаванда! - ўзидан ўзи кувониб кетди Рон.

Афусски, Роннинг сўzlари профессор Треланининг қулоғига чалиниб, миясига этиб борди. Шу сабаб бўлса керак, бир дунё уйга вазифа берди.

- Сайёralарнинг келаси ой давомида кечадиган ҳаракати сизнинг тақдирингизга, табиатингизга хос хусусий ҳаритангизга мувофиқ, қандай таъсир ўтказишини душанба кунгача батафсил тахлил қилиб келинг, илтимос, - кескин гапирди у, ўзининг одатдагидай ҳаёл қочган оҳангини йигиштирганча, профессор Макгонагаллни эслатиб, - Ўтинаман, хеч қанақанги важ-баҳоналарни рўкач қилманг.

- Қари кўршапалак, - вайсади Рон, зинапояда Катта Зал томон кетаётган халойикقا қўшилиб, - Бутун бошли дам олиш кунининг бошини ейдиган бўлди-ку!

- Ҳа, уйга кўпроқ вазифа берилди-ми дейман, а? - сўради уларга этиб олган Гермиона, - Профессор Вектор эса бизга ҳеч қандай вазифа бермади!

- Жин урсин, ўша профессорингни, - аччикланди Рон.
- Болалар халойик тўпланиб қолган вестибюлга тушиб, Катта Залга кираётган ўқувчилар навбатининг охирига туришди. Шу пайт орқа томондан қичқириқ эшитилди:
- Уэсли! Хой, Уэсли!
- Гарри, Рон ва Гермиона ўгирилиб қаради. Уларнинг ортида нимадандир мамнун бўлган Малфой, Краббе ва Гойл турибди.
- Нима керак сенга? - қисқа қилди Рон.
- Даданг ҳакида ёзишибди, Уэсли! - деди қўлига «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини ушлаб олган Малфой, ҳамма эшитиши учун атайин баланд овозда, - Қулок сол, газетанинг маҳсус мухбири Рита Вритеर ёзибди!

СЕҲРГАРЛИК ВАЗИРЛИГИНИНГ НАВБАТДАГИ ХАТОСИ

Сеҳргарлик вазирлигининг бошига тушган бало-ю, мушкулликларнинг охир ўйқ қўринади. Квидиши бўйича жсаҳон чемпионатининг финал ўйини давомида бўлиб ўтган оммавий тартибсизлик каби салбий жараёнларни идора этишга қодир эмаслигини намоён этган, ўз ходимларидан бири ном-нишонсиз йўқолиб кетишининг сабабини ҳанузгача аниқ-равшан тушунтириб берга олмаётган ушбу вазирлик магларнинг рўзгор буюмларидан нотўғри фойдаланиш бўлимида фаолият юритаётган Арнольд Уэслининг кечаги ножсўя ҳаракати туфайли боз нокулай аҳволга тушиб қолди.

Малфой мақоладан бошини кўтарди.

- Кара-я, Уэсли, дадангнинг исми нотўғри ёзилган. Вазирликнинг бирон-бир қимматга эга бўлмаган ходими бўлса керак-да даданг, - хандон отди Малфой ўз тасаввуридан ўзи суюниб.

Энди вестибюлда борки одамлар Малфойнинг мутолаасини диққат билан тинглаб турибди. Буни кўрган Малфой ҳузур-ла давом этди:

Икки йил муқаддам учар автомобиль соҳиби бўлганлигига айбланган Арнольд Уэсли кеча, магларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакиллари («полициячилар») билан бўлиб ўтган, аллақандай, ҳаддан ортиқ тажсовузкор чиқинди ташлаш баклари билан боғлиқ можарога аралашиб қолди. Афтидан Арнольд Уэсли илгари вазирликда аворор бўлиб ишлаган, ҳозирда пенсионер саналадиган, қўл бериб кўришиш ҳаракатини қотиллик ҳаракатларидан ажратма олмай қолгани боис истеъфога чиқарилган «Ўйноқкўз» Хмурини қутқаргани етиб борган қўринади. Аёнки, мистер Хмурининг уйига етиб борган мистер Уэсли навбатдаги ёлғондакам тревога сигнали билан чақирилганлигини тушуниб етган. Хмурининг табиатига хос ҳатти-ҳаракатлар инобатга олинадиган бўлса, бунинг ҳайрон бўладиган жойи ўйқ. Мистер Уэсли полициячилардан бир неча нафарининг хотирасини ўзгартирганидан сўнггина, улардан халос бўлишга муваффак бўлди. Сеҳргарлик вазирлигини бундай ношоён ва хавфли аҳволга солиб қўйиш нима учун керак бўлганлигига доир «Башорат-у, каромат газетаси» мухбирлари томонидан берилган саволларга жавоб беришдан эса мистер Уэсли бош тортди.

- Бу ерда фотосурат ҳам бор, Уэсли! - эълон қилди Малфой газетани боши узра кўтарганча, ёзиб, - Ота-онанг уйларинг ёнида турибди. Агар бу харобазор ўй, деб аталишга арзиса, албатта. А, Уэсли?

Рон ғазабдан дағ-дағ титраб турибди. Ҳамманинг нигоҳи унда.

- Ифлос оғзингни ёп, Малфой, - буюрди Гарри, - Кетдик, Рон...
- Ҳа-я, Поттер, ушбу ёз фаслида Уэслилар хонадонининг меҳмони бўлгансан-ку, шундайми? - жирканч киёфа ила «эслади» Малфой, - Қани ўзинг айт-чи, унинг онаси чиндан ҳам шунчалик семириб, ёғ босганми ёки фотосурат чатоқ чикканми?
- Малфойга ташланмаслиги учун Гермиона билан биргалиқда Ронни маҳкам ушлаб турган Гарри жавоб қайтарди:

- Малфой, сенинг онанг эса юзини, худди бурнининг тагига аллақандай кўланса нарса суртиб қўйилгандай буриштириб турар экан, шуни биласанми? Унинг афти туғма қийшиқми ёки сен унинг ёнида турганингда шунақа қиёфа касб этиб қоладими?

Малфойнинг рангпар юзи пушти тус олди.

- Онамни ҳақорат қилма, Поттер.

- Ёқмайдиган бўлса, жирканч тилингни тийиб юр, тушундинг-ми?

Гарри тескари ўгирилди.

ТАРС!

Бақир-чакир кўтарили. Гарри юзига қандайдир иссиқ нарса текканини ҳис этиб, сехрли таёқчасини қидира кетди. Бирок таёқчани қўлига олишга ултурмай яна бир «тарс» этган товушни-ю, вестибюлда қаттиқ жаранглаган ҳайқириқни эшилди:

- ЙЎҚ, ЙИГИТЧА!

Гарри овоз эшилган томон кескин ўгирилди. Ҳашаматли мармар зинапоядан чўлоқланганча, профессор Хмури тушиб келмоқда. Унинг қўлидаги сехрли таёқча ҳозиргина Малфой турган жойда қўрқанидан зина погонасига маҳкам ёпишиб олган, мўйнаси кўзни қамаштириб юборгудай оппоқ сассиккузанга ўқталган. Вестибюлда сув куйгандек жимжитлик қарор топди. Каловланаётган Хмуридан ташқари ҳеч ким қилт этгани йўқ. Хмури бурилиб, Гаррига қаради. Ҳар қалай унинг соғ кўзи Гаррига қараб турибди. Иккинчиси эса бошининг ичкари томонига кириб кетган.

- Сенга зиён етказди-ми? - сўради профессор.

- Йўқ, - жавоб берди Гарри, - Ҳаракати хато кетди.

- ТЕГМА! - қичқириб юборди Хмури.

- Нимани тегмай? - ҳайрон бўлди қўркиб кетган Гарри.

- Сен эмас, анави!

Хмури бош бармоғи билан ўз елкаси узра орқа томонида, оқ сассиккузанни қўлига олмоқчи бўлиб, ярим эгилган ҳолатда қотиб қолган Краббени кўрсатди. Афтидан Хмурининг айланадиган кўзи сехрли шекилли, орқасида нима бўлаётганини кўрди.

Хмури оқсокланганча Краббе, Гойл ва сассиккузан томон одимлади. Турган жойида сийиб қўйган сассиккузан мўйнасини ўйноқи ялтиратганча қасрнинг ер ости йўлаги томон талпинди.

- Унақаси кетмайди! - ўкириб юборди Хмури, қўлидаги сехрли таёқчасини сассиккузанга боз ўқтаб.

Жонивор юқорига ўн футча кўтарилиб, тош ётқизилган полга шалоплаб тушди-да, коптоқ сингари сапчиди.

- Орқадан номардларча ҳамла қиласидиган одамларни жиним ёқтирмайди, - деди Хмури, тинимсиз полга урилиб, юқорига кўтарилаётгани боис, жони оғриб чириллаётган сассиккузанга мурожаат қилиб, - Бундай қилмиш сафолатдир, малъунлик ва кўрқоклиқдир!

Ҳавога кўтарилаётган жонивор типирчилагани-типирчилаган.

- Такрор ундей қила кўрма, - деб турди Хмури, сассиккузан ҳар ерга урилганида.

- Профессор Хмури! - жаранглади яна бир овоз.

Энди ҳашаматли мармар зинапоядан қўлига бир даста китоб ушлаган профессор Макгонагалл тушиб келмоқда.

- Бу нимаси?... Нималар қиляпсиз? - сўради у, кўзини полга урилиб, юқорига сапчиётган сассиккузан изидан югуртириб.

- Тарбияляяпман, - жавоб берди Хмури.

- Тарбияляяпсиз?... Хмури, ахир бу ўқувчи-ку?! - чинқириб юборди профессор Макгонагалл.

- Тўғри, айнан шунинг учун ҳам уни тарбияляяпман, - ғудуллади Хмури, ўз ишини давом эттириб.

- Нотўғри! - бақириб юборди зинапоядан югурганча, қўлига сехрли таёқчасини олган профессор Макгонагалл.

Бир сония ўтар-ўтмас, «тарс» этган товуш чиқарған сассиқкузан ерда узала тушиб ётган Драко Малфойга айланиб қолди. Унинг платина рангли сочи тўқ қизил тус олган юзига тушган. Оғриқдан афтини жийирган Малфой оёққа турди.

- Хмури, биз ҳеч қачон айлантириш усулини жазо тариқасида қўлламаймиз! - деди профессор Макгонагалл дармонсизланиб қолган овози билан, - Ишончим комилки, профессор Дамблдор бу ҳақда сизни хабардор килган?
- Айтгандай бўлди шекилли, - жағини хотиржам қашлади Хмури, - Бироқ яхшигина таёк-у, кўркув...
- Бизда бошқача жазо, меҳнат жазоси тайинланади, Хмури! Ёхуд коллеж мудирига маълум қилинади!
- Хўп, майли, энди мен ҳам шундай қиласман, - бош иргиб қўйди Хмури, Малфой томон гижиниб қараб.

Малфой оғриқ ва таҳқирдан ёшга тўлган қўзларини Хмурига чақчайтирганча, ғазаб билан нималардир англаб бўлмас ғудуллади. Факат «дадам» деган сўзигина аникроқ эшитилди.

- Дадам, дегандай бўлдинг-ми? - хотиржам сўради Хмури, Малфойга яқинроқ бориб. Ёғоч оёқнинг ҳар бир тақиллаши вестибулда акс садо бериб эшитилди.

- Нима ҳам дер эдим, сенга, йигитча... Дадангни кўпдан буён танийман... Унга етказиб қўй... Энди унинг арзандасини бундан буён мен, Хмури, кузатиб юраман... Хўш... Демак, мудирларинг Снегг, шундайми?

- Ҳа, - ғудуллади Малфой, алам билан.

- Уни ҳам яхши танийман, - деди Хмури, истехзоли оҳангда, - Бажонидил сухбатини оламан... Қани, юр-чи...

Хмури Малфойнинг қўлтиғидан махкам чанглаб, ер ости томон тортиб кетди.

Профессор Макгонагалл иккаласининг кетидан маълум вақт ташвишли қараб турди-да, сехрли таёқчасини зина поғоналарида сочилиб ётган китобларга ўқтади. Китоблар ҳавога кўтарилиб, профессорнинг қўлига тахланди.

Бир неча дақиқа ўтгач, Гарри, Рон ва Гермиона гриффиндорчилар дастурхони атрофига жойлашди. Ҳодисани хаяжон-ла муҳокама қилаётган овозлар атрофда ғўнғилламоқда.

- Мен билан бир пас гаплашмай туринглар, - деди қўзларини чирт юмиб олиб, юзи баҳтиёр қиёфа қасб этган Рон паст овозда.

- Нима учун? - таажжубланди Гермиона.

- Бўлиб ўтган ҳодисанинг жамики тафсилотларини эслаб қолмоқчиман. Фараз қилинг, Драко Малфой, гайриоддий сакрайдиган сассиқкузан...

Гарри билан Гермиона кулиб юборди. Шундан сўнг Гермиона тоблаб пиширилган гўштни ликопларга тақсимлаб чиқди.

- Назаримда у чиндан ҳам Малфойнинг жонини каттиқ оғритди, - хавотир олди Гермиона,
- Профессор Макгонагалл келиб ўша ишни тўхтатгани яхши бўлди...

- Гермиона! - бақириб берди қўзлари катта-катта очилиб кетган Рон, - Ҳаётимнинг энг лаззатли фурсатини расво килдинг!

Жаҳли чиққан Гермиона пишқириб қўйиб, тез овқатлана бошлади.

- Факат яна кутубхонага шошиляпман дема, - деди Гарри Гермионанинг ҳаракатларини кузатиб.

- Нима қиласай, - деди Гермиона, - Бир олам иш кутиб турибди.

- Ўзинг айтдинг-ку, профессор Вектор...

- Йўқ, бу уйга берилган вазифа эмас, - қисқа қилди Гермиона.

Икки дақиқадан сўнг, Гермиона овқатланиб бўлиб, юргурганча Катта Залдан чиқиб кетди. У кетиши билан ўрнини Фред эгаллади.

- Хмури зўр экан, а?! - хитоб қилди у.

- Жуда зўр! - хитоб қилди Фреднинг қаршисига ўтирган Жорж.

- Зўр ҳам гапми, суперзўр! - гапни маъқуллади эгизакларнинг дўсти, курсини сурмай сирпанганча, Жоржнинг ёнига жойлаша олган Ли Жордан, - У ҳозиргина бизга дарс ўтди, - тушунтириш берди Жордан Гарри билан Ронга.

- Хўш, қалай ўтар экан? - қизиқди Гарри.
 - Фред, Жорж ва Ли бир-бирига пурмаъно қараб қўйиши.
 - Унақаси ҳали бўлмаган, - ишонч-ла фикр билдириди Фред.
 - Ҳа, у билади, - бош иргиди Ли.
 - Нимани билади? - энгашди Рон.
 - Йўлини билади, - эҳтирос-ла жавоб қайтарди Жорж.
 - Ниманинг йўлини билади? - сўради Гарри.
 - Ёвузлик кучларига қарши кураш йўлларини, - тушунтирган бўлди Фред.
 - Ажойиб, - қўшиб қўйди оғзини овқатга тўлдириб олган Ли.
- Рон шоша-пиша юк халтасини титиб, машғулотлар жадвалини чиқарди.
- Пайшанба куни дарс ўтар экан бизга, - ҳафсаласи пир бўлиб, лабини чўччайтириди у.

XIV БОБ.

ОҚИБАТИ МУДҲИШ ҚАРҒИШЛАР

Сехрли дамламалар тайёрлаш фани дарсида Невилль ўзининг олтинчи қозонини эритиб юборганини ҳисобга олмаганда, навбатдаги икки кун деярли эсда қолмас даражада ўтди. Интиқом олиш ниятларининг миқёси ёз давомида мисли кўрилмаган даражада ошиб кетган профессор Снегг бечора Невиллни меҳнат жазосига тортди. Шўрлик Невилль Лонгботтом мугузли қурбақаларнинг бир бочкасини ичак-човоқдан тозалаб, умумий меҳмонхонага ақлдан озишга яқин холатда қайтди.

- Нега Снегг бунчалик разилона қайфиятда юрганининг сабабини тушуниб етяпсан-ми? - сўради Рон Гарридан.

Икковлон Гермионанинг Невиллга тирноклар орасидаги қурбақа ичакларини кеткизиш учун Кир тозалаш афсунини ўргатаётганини томоша қилиб ўтириби.

- Биламан, албатта, - бош иргиди Гарри, - Хмури туфайли.

Снегг ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини орзу қилаётгани, бироқ мана тўрт йилдир-ким, бундай имконият уни четлаб ўтаётгани ҳаммага маълум. Гарчи Снегг Ўйноккўз Хмурига нисбатан зид муносабатини қандайдир сабабга кўра очиқ намоён этишдан хавфсираётган бўлса-да, ушбу фаннинг олдинги ўқитувчиларидан нафратланганини ҳеч қачон яширмаган. Иккала ўқитувчи қаср йўлакларида ёки овқатланиш маҳалида бўлсин, бирга бўлар экан, Снегг профессор Хмурининг кўзларига, хусусан соғига ҳам, сехрлисига ҳам, тик қараашга журъат эта олмаётгани Гаррининг эътиборини ўзига жалб этган эди.

- Назаримда Снегг Хмуридан қўрқади, - ўйчан фикр билдириди Гарри.
- Хмури Снеггни мугузли қурбақага айлантириб қўйиши-ю, қаср остидаги йўлакларда ҳаккалатишини тасаввур қилиб кўр, - хаёлга берилди Рон.

«Гриффиндор»нинг тўртинчи синф ўқувчилари Хмурининг биринчи дарсини шу қадар сабрсизлик билан кутишди-ки, пайшанба куни тушлиқдан сўнг, қўнғироқ зарби янграмасдан анча олдин, синф хонасининг эшиги олдига келиб, навбат сафини тизиб олиши.

Ўқувчилар орасида факат Гермионагина йўқ. Қизалок бевосита дарс бошланиши олдидан етиб келди.

- Мен...
 - Кутубхонада эдинг, - гапни охирига етказди Гарри Гермионанинг ўрнига, - Юинглар тезроқ, акс ҳолда дурустроқ жой қолмайди.
- Улар хонага отилиб кириб, ўқитувчининг столига туташ жойларни эгаллашди-да, Квентин Трэслнинг «Ёвуз кучлар: ўзини ўзи ҳимоя қилиш бўйича қўлланма»сини чиқариб, чурқ этмай ўқитувчини кутиб ўтириши. Кўп ўтмай йўлакдан ҳаммага таниш бўлиб қолган тактук эштилди. Хонага коржомасининг этаги остидан тирнокли ёғоч панжа чиқиб турган, одатдагидай ғалати, кишини ҳуркитадиган Хмури кириб келди.
- Китобингизни йиғиштириб қўйишингиз мумкин. Бугун керак бўлмайди - хириллади у, ўз столига каловланганча яқинлашиб, курсига ўтирад экан.

Болалар китобларини юк халталарига солиб қўйиши. Роннинг юзида зўр завқ барқ урмоқда.

Хмури синф журналини қўлига олиб, чандиклар тириштириб юборган юзини тўғсан оқарган сочини ортга ташлади-да, ўқувчиларнинг фамилияларини ўқий кетди. Унинг соғ кўзи журнал сатрлари бўйлаб югуриб, сехрли кўзи «мен», деб жавоб берган ҳар бир болага чаноғида айланганча диққат билан тикилиб борди.

- Жуда яхши, - деди у, сўнгги ўқувчи шу ерда эканлигини маълум қилгач, - Мен профессор Люпиндан сизларнинг синфингиз борасида хат олдим. Тушунишим бўйича сиз боғгарт, қизилқалпоқ, финтиплоҳ, гриндилоу, каппа каби ёвуз сеҳрга оид турли-туман қабоҳатлар-у, махлук тусига кирадиган одам билан мулоқот бобида анчагина таълим олган кўринасиз, тўғрими?

Ўқувчилар орасида тасдик оҳангидаги тушунарсиз пичир-пичир эшитилди.

- Шунга қарамай, айниқса, қарғишлар масаласида қолок бўлганча қолмоқдасиз, - давом этди Хмури, - Ёвуз сеҳр таъсирига қаршилик кўрсатишин ўргатиш учун ихтиёrimda бир ийл бор. Шундай экан, сеҳргар ва афсунгарлар хаётда бир-бирини қай кўйга солиб қўйиши мумкинлиги ҳақида сизларни боҳбар қилиш – бугундан эътиборан менинг олдимда турган асосий вазифадир.

- Кейинги йили-чи? - беихтиёр сўради Рон.

Чаноқда айланган кўз Ронга тикилганча тек қотиб, бола бечорани қўрқитиб юборди.

Лекин Хмури, мактабга келганидан буён илк бор бўлса керак, кулиб қўйди. Шундагина Роннинг юзида таърифлаб бўлмайдиган енгиллик сезилди. Табассум юзини баттар буриштириб юборган бўлишига қарамай, ҳайбатли ўқитувчи кулгидан боҳбар эканлиги яхши, албатта.

- Сен, Артур Уэслининг ўғли бўлсанг керак, а? - фаҳмлади Хмури, - Бир неча кун муқаддам даданг мени жуда ноҳуш аҳволга тушиб қолишдан асрар қолди... Ҳа, мен бу ерга атиги бир йилга... Дамблдорнинг илтимосига биноан келдим. Сўнг яна ортга, пенсияга, тинч ва осойишта ҳаётга қайтаман.

У хириллаганча хиринглаб қўйган бўлди-да, чўтири кафтлари билан қарс урди.

- Хўш, чўзиб ўтирасдан, тўғри ишга киришамиз. Демак, қарғишлар. Қарғишлар ҳар хил бўлиб, уларнинг таъсир кучи ҳам турли-тумандир. Умуман айтганда, сеҳгарлик вазирлигининг кўрсатмаларига мувофик, менинг зиммамга факат қарғишга қарши қарғиш кўллашни ўргатиш вазифаси юклangan холос. Олтинчи синфга ўтмасингиздан олдин ёвуз сеҳрнинг ман этилган афсунлари нималардан иборат бўлишини сизларга тушунтиришга ҳақли эмасман. Бундай афсунлардан боҳбар бўлишига ҳали ёшлик қилишингиз вазирлик томонидан эътироф этилган. Бироқ профессор Дамблдор сизларнинг бардошингиз ҳақида нисбатан ижобий фикр билдиримоқда. Унинг фикрича, сиз ўзингизни идора этиш қобилиятига эга экансиз. Шахсан менинг фикримни сўрайдиган бўлсангиз ҳаётда нималар билан тўқнаш келишингиз мумкинлигини қанча эрта тушуниб етсангиз, шунча яхши, деб жавоб қайтарган бўлар эдим. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳали хеч қачон қўрмаган, билмаган, тасаввур ҳам эта олмайдиган куч таъсиридан қандай сакланиши мумкин? Агар бирор-бир сеҳгар ман этилган афсунлардан бирон-бир турини сизга қарши қўллашни ният қилган бўлса, бу ҳақда у сизни олдиндан огоҳлантириб қўймайди-ку, шундай эмасми?! Модомики, ният қилган экан, ийманиб ҳам ўтирмайди. Демак, сиз доимо шай бўлишингиз шарт. Сиз диққат-эътиборли, сергак ва огоҳ бўлишингиз даркор. Ва сиздан, мисс Браун, ҳар қандай ишингизни бир четга йигиштириб, менинг сўзларимни диққат билан тинглаш талаб этилади.

Ўзи тузган юлдузлар жадвалини партадан Парваттига кўрсатиб ўтирган Лаванда сесканиб кетиб, бир зумда қип-қизил бўлиб қолди. Бундан чиқди, Хмурининг сеҳрли кўзи нафакат боши ортидаги манзара, балки қаттиқ жисмлар ортидаги буюмларни ҳам кўра олар эканда.

- Хўш... Қай бирингиз айта оласиз, қайси афсунларнинг қўлланилиши сеҳгарлар дунёсида жазога тортилишга сабаб бўлади?

Парталар устида астагина бир нечта, шу жумладан, Рон билан Гермионанинг ҳам қўли кўтарилди. Хмури сехрли қўзини ҳанузгача Лавандадан узмаган бўлса-да, бармогини Ронга ўқтади.

- М-м-м... - иккиланди Рон, - Бундай афсунлардан бирини дадам айтгандай бўлувди... Агар адашмаётган бўлсан Қарам қилиш қарғиши, деб аталади шекилли?

- Тўппа-тўғри, - бош иргиди маъқуллаб Хмури, - Бир вақтлар вазирликни мушкул ахволга солиб қўйган бундай қарғиш туридан даданг яхши хабардор, албатта.

Хмури ўзининг ҳар хил оёқларига бир илож қилиб туриб олганча, стол тортмасини тортиб, шиша банка чиқарди. Банка ичида учта қоп-қора йирик ўргимчак ғимиirlамоқда. Ўргимчаклардан ўларча қўрқадиган Рон ғужанак бўлиб олди.

Хмури қўлини банкага солиб, ҳашаротлардан бирини кафтига олди-да, синфга кўрсатди. Сўнг сехрли таёқчасини ўргимчакка ўқтаб, паст овозда:

- Империо! - деб ғудуллаб қўйди.

Хмурининг кафтидан тушган ўргимчак ингичка шойи ипакка осилиб, худди трапецияга осилиб тебрангандай, тебрана бошлади (*Трапеция – гимнастика асбоби, икки учига аркон боғлаб осиб қўйилган таёқ*). Сўнг, оёқларини ғайритабий тарзда ҳар томон узатиб, думбалоқ ошди. Шойи ипак узилиб, партага тушган ўргимчак ғилдирак сингари юмалай кетди. Хмури таёқчасини силтаб қўйган эди ҳам-ки, ҳашарот орқа оёқларидан иккитасига туриб олиб, чечётка раксига туша кетди.

Ўргимчакнинг ҳаракатларини кўриб ҳамма кулиб юборди. Факат Хмури кулмади.

- Сизга кулгили туюляпти-ми? Агар мен шахсан сизни шу кўйга солсан, кулармидингиз?

Ўқувчиларнинг юзидағи кулги бир зумда барҳам топди.

- Бирорнинг хатти-ҳаракатларини тўла-тўқис бошқариш, - паст овозда давом этди Хмури, ўргимчакни гувала бўлиб, тез айланишга мажбур қилганча, - Ўзини деразадан ташлаб юбориш, мана бу идишдаги сувга ғарқ бўлиш ёки ҳар қандай бириңизнинг бўғзингизга кириб кетишга мажбур қилишим мумкин...

Рон беихтиёр сесканиб кетди.

- Шундай бир замонлар бўлган эдик, кўплаб афсунгар аёллар-у, сехргар эркакларнинг хатти-ҳаракатлари айнан Қарам қилиш қарғиши или бошқарилган, - маълумот берди Хмури маъюс оҳангда.

Хмури Лорд Вольдеморт хукм сурган мудхиш даврни назарда тутиб айтиётганини Гарри фаҳмлади.

- Ўшанда ўзининг жиноий хатти-ҳаракатларини ким онгсиз, яъни ушбу қарғиш таъсири остида, ким адоват руҳида, онгли равища содир этганини билиш, ойдинлаштириш, тагига етиш сехгарлик вазирлиги учун қанчалик мушкул кечганини тасаввур эта оласизми?! - давом этди Хмури, - Шунга қарамай, Қарам қилиш қарғишига қаршилик кўрсатса бўлади. Буни қай тарзда бажариш кераклигини мен сизга қўрсатаман. Бироқ бунинг учун ҳаммада ҳам бирдай бўлмайдиган кучли, букилмас ироди, метиндек шижаот, жанговар рух керак бўлади. Шундай экан, яххиси, Қарам қилиш қарғиши таъсирига дучор бўлиш эҳтимоли бўлган вазиятлардан ўзингизни четга олинг. Бунинг учун эса сиздан **БЕТИНИМ СЕРГАКЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ!** - кутилмаганда ўкириб юборди Хмури.

Жамики болалар ўтирган ўрнида бир сагчиб тущди.

Хмури тинмай сальто бажараётган ўргимчакни иккита бармоғи билан ушлаб, банкага солди.

- Сехгарлар дунёсида жазога тортилишга сабаб бўладиган яна қандай афсун бор? Ким айта олади?

Энди Гермионадан ташқари, Гаррини ҳайрон қолдирган Невилль ҳам қўл кўтарди. Одатда, Невилль бундай ишга фақат ўзи яхши қўриб, пухта ўзлаштирадиган гербология дарсида журъят эта олади холос. Ҳозир эса унинг юзи ўз мардлигидан ўзи таажжубланаётган киёфа касб этиб турибди.

- Хўш?

Хмурининг сехрли кўзи айланишдан таққа тўхтаб, Невиллга тикилиб қолди.

- Мен... Қийноққа солиш қарғишини эшитганман, - паст овозда, аммо аниқ талаффуз этди Невилль.

- Фамилиянг Лонгбottом-ми? - сүради Хмури сехрли күзини пастга, синф журналига қаратиб.

Невилль асабий бош иргиди, лекин Хмури унга ортиқ савол бермади. Синфга ўгирилган ўқитувчи банка ичидан навбатдаги ўргимчакни чиқариб, стол устига ташлади. Ҳашарот ҳозир қай күйга тушишини сезгандай турган жойида қотиб қолди.

- Қийноққа солиш қарғиши, - хўрсишиб қўйди Хмури, - Тушуниб етишингиз, таъсирироқ қечиши учун нимадир керак... Ҳўш, ундан ҳам йирик бўлиб қолди. Боядан буён қўрқаётганини билдириналикка уриниб ўтирган Рон курсисини ўқитувчининг столидан имкон қадар нарига тортди.

Хмури боз таёқчасини кўтариб, ҳашаротга ўқтади-да:

- Крусио! - деб ғулдиради.

Ўргимчак шу захоти оёқларини танасига тортиб олди. У ётган ерида ағанаб, у ёқ, бу ёқ тебраниб, қаттиқ тўлғана бошлади. Тўғри, у товуш чиқаргани йўқ. Аммо унинг бундай қобилияти бўлганда эди, кулоқни кар килиб юборгудай даражада чинқириши шубҳасиз. Хмури таёқчасини туширмади, ҳашарот эса янада кучли титради...

- Бас қилинг! - чинқириб юборди Гермиона.

Гермионага юзланган Гарри кизалок ўргимчакка эмас Невиллга қараб ўтирганини кўриб, у ҳам Лонгбottомга эътибор қаратди. Парта остидаги қўлларини бармоқларининг бўғинлари окариб кетгунга қадар чирмаштириб олган Невилль даҳшатга тушганидан қўзларини катта-катта очиб ўтириби.

Хмури таёқчасини нари олди. Ўлчами сехр воситасида йириклиштирилган ҳашаротнинг оёқлари бўшаҳди-ю, танасининг титраши тўхтамади.

- Редуцио! - ғудуллади Хмури.

Ўргимчак ўз ўлчамига қайти. Хмури уни ҳам банкага солди.

- Оғриқ, - деярли шивирлаб фикр билдириди Хмури, - Бирорни қийноққа солиш керак бўлса, ушбу қарғиш қўлланилса бас, ҳеч қандай гира-ю, пичноқ керак бўлмайди. Қийноққа солиш қарғиши ҳам бир замонлар оммалашиб кетган... Ҳўш... Яна қандай афсун бор? Ким айта олади?

Гарри синфга кўз югуртириб чиқди. Синфдошларининг юзида сўнгги ўргимчакнинг қисмати билан боғлиқ ҳавф акс этаётганини уқди. Гермиона боз қўлини кўтарди. Бирок бу сафар унинг қўли титрамоқда.

- Эшитаман, - деди Хмури Гермионага юзланиб.

- Авада кедавра, - пичирлади Гермиона.

Бир неча киши, ҳатто Рон ҳам ғужанак бўлиб олганча, Гермионага қараб қолди.

- А? Ҳа-я, - деди қийшиқ оғзида яна бир табассум кўринган Хмури, - Сўнгги ва энг даҳшатли қарғиш. Авада кедавра... Ўлдириш қарғиши.

У қўлини банкага солди. Куни битганини сезган учинчи ўргимчак Хмурининг бармоқларидан қочиб кутулишга уринганча, банка тубида гир айлана бошлади. Ниҳоят тутиб олинган ҳашарот столга ташланди. Вужудини вахима қамраб олган бечора ўргимчак ёғоч юзада югурга кетди.

Хмурининг таёқча кўтарганини кўрган Гарри даҳшатли манзара рўй беришини кутиб, тек котди.

- Авада кедавра! - ўкириб юборди Хмури.

Кўзни қамаштириб юборган яшил рангли чақмоқ яшнади, худди кўзга кўринмас аллақандай йирик нарса ҳавода учиб ўтган каби ғалати шитир-шитир эшитилди. Белига ағанаган ўргимчакнинг жони бир лаҳзада, билинмай узилди. Қизлардан қайсиdir бири бўғиқ овозда кичқириб юборди. Сирпаниб келаётган ўргимчакнинг танасига чап бериш учун ўзини орқага ташлаган Рон курси билан бирга полга ағанаб тушишига сал қолди. Хмури ўргимчакнинг жасадини ушлаб, полга улоқтириди.

- Ана шундай, - хотиржам давом этди профессор, - Дилкашликка ўрин йўқ. Бундай қарғишига қарши қарғиш ҳам йўқ. Унинг таъсирини мухосара қилиб бўлмайди. Аммо таъкидлаб ўтиш даркорки, ушбу қарғиш таъсиридан бу ёруг оламда ёлғиз бир кишигина омон қолган. У ҳам бўлса, менинг рўпарамда ўтирибди.

Хмурининг иккала кўзи Гаррининг кўзларига қилт этмай қараб қолди. Гарри жамики синфдошлари унга бакрайиб қолишганини сезиб, қизариб кетди. Бола худди сехрлаб кўйилгандай синф тахтасига қараб ўтирибди-ю, аслида кўзи тахтани кўраётгани йўқ... Демак, унинг ота-онаси шу тариқа... худди мана бу ўргимчак каби... Қизик, улар ҳам сўнгги фурсатда айнан шу ҳашарот сингари аянчли, кўримсиз бўлишган-ми? Улар ҳам фақат яшил рангли чақмоқни кўриб, ҳали таналари ерга етмай, яқинлашиб келаётган ажалнинг шитир-шитирини эшитишган холос-ми?

Уч йилдир-ким Гарри ота-онаси ўлдирилганилиги, ўша машъум тунда нималар содир бўлганлиги, хусусан: Чувалчангдум Вольдемортга Поттерлар қаёққа бекиниб олишганини сотгани, шундан сўнггина Лорд Вольдеморт уларнинг уйини топиб кела олганини билгач, улар қандай ҳалок бўлишганини тасаввур қилишга уриниб келган эди. Ёвуз Лордни тўхтатиб қолишга уринган отаси Жеймс Поттер рафиқасига Гаррини олиб қочишини буюриб, бакиргани ва айни шу пайтда Лорд Вольдеморт томонидан ўлдирилгани... онаси Лили Поттер чақалоқ Гаррини кўлига олиб юргани... Вольдеморт унга етиб олиб, Гаррини ўлдиришга имкон бериши учун нари туришни буюргани... онаси Лорд Вольдемортга ялиниб-ўтингани, боланинг ўрнига унинг жонини олишни сўрагани... Вольдеморт дастлаб онасини ўлдириб, сўнг ўз таёқчасини Гаррига ўқтагани... шуларнинг барини бола тасаввур килиб ўтириди.

Ушбу тафсилотлар Гаррига ўтган йили, дементорлар якин келган фурсатда ота-онасининг бевосита ўлими олдидағи қичқириклари қулоғига эшитилгани туфайли маълум бўлди. Зеро дементорларнинг даҳшатли қудрати айнан шундан, яъни ўз курбонларини ҳаётларидағи энг мудхиш фурсатларни такрор ва такрор бошдан кечиришга мажбур қилиш, кучсизлантириб, умидсизлик денгизига ғарқ қилиб юборищдан иборатдир... Худди узоқда жаранглаётгани каби, Гаррининг қулоғига Хмурининг сўзлари боз эшитилди. Бола мудхиш хаёллардан чалғиб, дарсга қайтиши учун бор кучини сарфлаб, профессорнинг сўзларига қулоқ тутди.

- Авада кедавра ниҳоятда катта сехр кучига эга бўлишни тақозо этадиган қарғищdir. Ҳаммангиз бир бўлиб сехрли таёқчаларингизни менга ўқташингиз ва ушбу қарғишини барадла талаффуз этишингиз мумкин. Менга эса ҳеч нима қилмайди. Нари борса, бурнимдан қон келади. Бироқ хозир гап бунда эмас. Мен мактабга қарғиш ижросини ўргатиш учун келганим йўқ. Қарғишига қарши қарғиш йўқ экан, нега бўлмаса Ўлдириш қарғишининг таъсирини бизга кўрсатдингиз, деган оддий савол беришингиз табиий, албатта. Жавоби ҳам содда: сиз воқиф бўлишингиз, ҳамма гапдан, ҳатто энг мудхиш оқибатлардан боҳабар бўлишингиз керак. Яхшиси, бундай қарғиш таъсирига дучор бўлиш эҳтимоли бўлган вазиятдан ўзингизни четга олишингиз даркор. Бунинг учун эса сиздан ягона нарса БЕТИНИМ СЕРГАКЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ! - боз кутилмаганда ўкириб юборди Хмури.

Жамики болалар ўтирган ўрнида яна бир бор сапчиб тушди.

- Мухтасар қилиб айтганда... юкорида зикр этилган Ўлдириш, Карам қилиш ва Қийнокка солиши қарғишилари – оқибати мудхиш қарғишилар туркумига киради. Улардан ҳар қандай бирининг инсон зотига қарши қўлланилиши Азкабанга умрбод қамалиш учун етарли бўлади. Сиз айнан мана шунга қарши кураша билишингиз даркор. Қандай курашишни эса мен сизга ўргатаман. Шуниси аёнки, сизни хозирдан тайёрлаш, етарлича куроллантириш лозим. Энг асосийси, бетиним, сусаймайдиган сергакликка ўрганиб олишингиз шарт. Пат-қаламингизни қўлингизга олинг-да, ёзинг...

Ўқувчилар дарснинг қолган қисмини оқибати мудхиш қарғишиларнинг ҳар бири тўғрисида тегишли маълумотлар ёзиб ўтказди. Қўнғироқ зарби эшитилгунга қадар ҳеч ким чурк этмади. Аммо болалар Хмурининг хонасини тарк этиб, йўлакка чиқишгач, худди ички гап

қоплари ёрилиб кетгандай бўлди. Кўпчилик зўр иззат-хурмат оҳангида қарғишилар таъсирини муҳокама қила кетди.

- Тўлғанганини кўрдинг-ми?!...

- ... ўлдириши-чи, шап этди-да, асфаласофилинга йўллади қўйди!...

Синдошлар ёвузлик кучидан химоя фанидан ўтказилган дарс хақида худди марокли томошани муҳокама қилгандай гапириб борди. Гаррига эса бундай муҳокама қизик туюлмади. Афтидан Гермионага ҳам.

- Юринглар тезроқ, - шошилтириди Гермиона дўстларини.

- Яна ўша аҳмоқона кутубхонангами? - сўради Рон.

- Йўқ. Кўряпсан-ми, Невилль, - қисқа қилди Гермиона, ён томондаги йўлакка имо қилиб. Невилль ҳеч нарсани кўрмаётган кўзларини катта-катта очиб олганча, рўпарасидаги деворга бақрайиб, йўлак ўртасида танҳо ўзи турибди. Хмури Қийноққа солиш қарғишининг таъсирини намойиш этаётган пайтда шаклланиб қолган қиёфа юзида қотиб қолган.

- Невилль, - мулойим оҳангда аста чақирди Гермиона.

Невилль бошини бурди.

- А, салом, - одатдагидан баланд овозда гапира бошлади Невилль, - Дарс қизиқарли ўтди, а? Тушликка нима беришар экан, билмайсиз-ми? Очимдан ўляпман. Сизлар-чи?

- Сенга нима қилди, Невилль? - сўради Гермиона.

- Ҳеч нима, ишлар жойида, - ғудуллади Невилль, ҳамон ўша ғайриоддий овози билан, - Жуда қизиқарли тушлик бўлди... дарс бўлди демоқчи эдим. Нима овқат беришар экан? Рон чўчиб Гаррига караб қўйди.

- Невилль, нима бўлди?...

Йўлакда таниш тақир-туқур эшитилди. Болалар ўғирилиб, каловланиб келаётган профессор Хмурини кўришди. Тўртовлон тек қотиб, аллақандай даҳшат-ла, ўқитувчига чурқ этмай қараб қолди. Хмури кутилмаганда паст ва нисбатан мулойим овозда хириллаб гап бошлади.

- Хеч киси йўқ, ўғлим, - деди у Невиллга, - Юр... иккаламиз хонамга бориб, чойхўрлик киламиз...

Хмури билан чойхўрлик қилиш истиқболи Невиллни баттар чўчитиб юборгандай бўлди. У ҳеч нима демади, бироқ қилт ҳам этмади.

Хмурининг сехрли кўзи Гарри томон айланди.

- Ишларинг жойидами, Поттер?

- Жойида, - жавоб қайтарди Гарри, сал кам ўзини қарши қўйиб.

Гаррини бошдан оёқ ўрганиб чиқаётган сехрли кўз бир оз титраган бўлди.

- Сизлар вокиф бўлишингиз керак, - боз фикр билдириди Хмури, - Эҳтимол бу шафқатсизликдир, лекин боҳабар бўлишингиз керак. Ўзингизни гўлликка солиб юришингиздан наф йўқ... м-м-м-ҳа... Юр, Лонгботтом, менда бирталай қизиқарли китоблар бор, сенга ёқиши аниқ.

Невилль ўтинчли нигоҳ-ла учала ўртоғига караб қўйди. Улардан садо чиқмагач, тақдирга тан бериб, чўтири кўлни елкасида кўтарганча, Хмури билан бирга кетишга мажбур бўлди.

- Буни қандай тушуниш керак, а? - сўради Рон, муюлиш ортига ўтиб кетаётган Невилль билан Хмурининг кетидан қараб қолиб.

- Билмадим, - маъюс жавоб берди Гермиона.

- Чиндан ҳам сабоқ олса бўладиган дарс деса бўлади, а, Гарри? - хулоса чиқарди Рон, Катта Зал томон боришар экан, - Фред билан Жорж ҳақ. Хмури деганлари ростдан ҳам ўз ишини билади! Авада кедаврани ҳам боплади, а? Ўргимчакни кўрдинг-ми, шартта ўлди-қўйди...

Бироқ Гаррининг юзи касб этган киёфани кўрган Рон унини ўчирди-да, Катта Залга етиб боргунга қадар чурқ этмади. Дастурхон атрофида жойлашгач эса профессор Трелани учун фол тайёрлашга киришиш кераклиги, акс ҳолда улгурмай қолишлари мумкинлигини ҳар эҳтимолга қарши эслатиб қўйди.

- Қизиқ, анави қарғышлар таъсири бизга намойиш этилгани ҳақидағи маълумотлар вазирликка етиб борадиган бўлса, Хмури билан Дамблдорнинг боши маломатга қолмасмикан? - қизиқиб сўради Гарри, Семиз Холанинг портретига етиб бориб.
 - Эҳтимолдан холи эмас, - бош ирғиди Рон, - Бироқ Дамблдор ўзи билганча иш тутишга ўрганиб қолган. Хмури эса бундай маломатларсиз яшай олмайдиган кўринади. Дастрраб бажар, сўнг ўйла тамойили, унинг ҳаётидаги асосий шиор бўлса, ҳеч ажабланмайман. Бемаъни гап.
- Паролни эшитган Семиз Хола девор туйнугини очганча, юқорига кўтарили. Икковлон «Гриффиндор» коллежининг одамга тўла, тўс-тўполон бўлиб кетган умумий меҳмонхонасига кирди.
- Хўш, юқорига чиқиб, башорат қоғозларини олиб тушамизми? - сўради Гарри.
 - Илож қанча, - ингради Рон.
- Икковлон китоб ва хариталарини олиб тушиш учун ётокхонага кўтарилиб, ёлғиз ўтирган Невиллни кўрди. Лонгботтом каравотда ўтириб, аллақандай китоб ўқиётган экан. Холати зўр бўлмаса ҳам, ҳар қалай тинчлангани кўриниб турибди. Бироқ кўзлари кизарган.
- Ахволинг яхшими, Невилль? - сўради Гарри.
 - Ахволим? Ҳа, яхши, - жавоб қайтарди Невилль, - Ишлар жойида, раҳмат. Мана, профессор Хмури берди, ўкиб ўтирибман...
- У кўлидаги «Ўрта денгиз ҳавзасида ўсадиган сехрли сув ўсимликларининг ўзига хос хусусиятлари» китобини кўрсатди.
- Профессор Сарсабил хоним профессор Хмурига гербология бўйича лаёқатим кучлирок эканлигини айтиб ўтган эмиш, - ўртоқлашди Невилль, камдан-кам эшитиладиган ғуур оҳангода, - Айтишига қараганда бу китоб менга кизикроқ туюлиши керак экан.
- Хмури Невиллга далда бериб, яхши иш қилибди, ўйлади Гарри, профессор Люпин ҳам шундай иш тутган бўлар эди. Бечора болани камдан-кам мақташади.
- Гарри билан Рон Кассандра Ваблатскаяяning «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» китобини олиб меҳмонхонага тушишди. У ерда бўш стол топиб, фол очишга киришиб кетишиди. Бир соат ўтгач, гарчи стол усти турли-туман хисоб-китоблар-у, сирли белгиларга қалашиб кетган бўлса ҳам, соҳага доир дурустроқ натижага эришмаганини кўришди.
- Гаррининг мияси, худди бирор профессор Треланинг каминидан чиқадиган тутунни унинг бошига дамлаб киритгандай, хиралашиб кетди.
- Бу bemáъниликлар нимани англатиши мумкин, тасаввур ҳам қила олмайман, - ғудуллади у, узундан-узок ракамлар сатрига қараб
 - Биласанми, назаримда табиатимиздаги янги қирраларни кашф этиш, соҳибкороматлик уйдирмаларини ўйлаб топиш қобилиятимизни ишга солишга тўғри келади шекилли, - таклиф киритди, соchlарининг орасига бармоқ солавериб хурпайтириб юборган Рон.
 - Нима? Таҳлил натижаларини тўқиб чиқарайлик, демоқчимисан?
 - Ҳа-да.
- Рон стол устидаги пергамент бўлакларини сидириб ташлади-да, пат-қаламни сиёҳдонга ботириб олиб, овоз чиқарганча ёзишга киришиб кетди.
- Миррих билан Муштариининг ўзаро нокулай жойлашгани боис келаси душанба куни нафас йўлларимнинг касалланиш эҳтимоли бор, - у бошини кўтариб, Гаррига қаради, - Таҳлил қизғанч ходисаларга қанчалик бой бўлса, Трелани шунчалик ўзини баҳтиёр хис этишини биласан-ку.
 - Тўғри айтасан, - завқланиб кетди Гарри.
- У хомаки кўлёзмаларини ғижимлаб коптокча ясади-да, вақтичоғлик қилиб ўтирган биринчи синф ўқувчиларининг боши узра каминга улоқтириди.
- Хўш... демак, душанба куни... мен... м-м-м... куйиб қолишим мумкин.
 - Тўғри, - маъюс тасдиқлади Рон, - Чунки душанба куни портловчи дракллар билан боз учрашамиз. Хўп, майли, давом этамиз... Сешанба куни мен... м-м-м...
 - Қалбингга яқин нарсадан жудо бўласан, - ёрдам бериб юборди Гарри, дурустроқ ғоя топиш илинжида «Келажакни тўсиб турган туманни ҳайдаш» китобини вараклаб.

- Жуда соз, - деди Рон, зудлик билан қайд этиб, - Меркурийнинг нотўғри холати туфайли.
- Сен-чи, дўстинг сенга зимдан хиёнат қилса ёмонми? Ёз!
- Ҳа-я... зўр-ку... чунки Зухра ўн иккинчи ўринга ўтиб олади, - қўшиб қўйди Гарри.
- Чоршанба куни бирор билан муштлашиб, яхшигина калтак ейман.
- Ҳой! Мен уришмоқчи эдим! Ҳай, майли, ундан бўлса, мен гаровда ютқазиб қўяман.
- Тўғри, чунки сен ўша муштлашувда устун келишимга ишонган эдинг...

Икковлон бир соат худди шу руҳда давом этди. Сайёраларнинг келаси ой давомида кечадиган ҳаракати иккаласининг тақдирига ўтказадиган таъсири ниҳоятда фожиали тус олиб кетди. Халойик ўз ётоқхоналарига тарқалиб, умумий меҳмонхона аста-секин бўшаб борди. Болаларнинг ёнидаги бўш креслога сакраб чиққан Маймоқоёқ, Гаррига, уй вазифасининг ижросига бунчалик аҳмокона ёндашгани учун Гермиона қандай муносабат билдирган бўлиши мумкин бўлса, шундай киёфа ясаганча, бақрайиб ўтири.

Нигоҳини хона бўйлаб юритганча, навбатдаги баҳтсизликни ўйлаб топишга уринган Гарри нариги девор яқинида, кўлларига пат-қалам ушлаб, бир варақ пергамент устида бош эгиб ўтирган Фред билан Жоржни кўриб колди. Бурчакка бикиниб олиб, уйга берилган вазифани тайёрлаш эгизаклар табиатига хос иш эмас. Иккаласи доимо воқеалар марказида бўлиш, тўс-тўполон кўтариш, умуман ҳамманинг эътиборини ўзларига жалб этишни хуш кўради. Аммо ҳозирги холатларининг замирида қандайдир сир борга ўхшайди. Гарри эгизакларнинг Бошпанада ёнма-ён ўтириб олиб, алланима ёзиш билан машғул бўлишганини эслади. Кўп вақт ўтмай ўша қоғоз «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»га оид буюртмалар бланкаси эканлиги аниқланди. Лекин, шак-шубҳа йўқ-ки, мана бу пергамент мутлақо бошқа нарса. Акс ҳолда улар дўстлари Ли Жорданни ҳам чақиришган бўлар эди. Иттифоко, бу қоғоз Уч сехргар беллашувига дахлдор эмасмикан, ўйлаб қолди Гарри.

У эгизакларни кузатиб ўтирас экан, Жоржнинг эътироуз билдириб, бош силтаб қўйгани, ниманидир ўчириган Фреднинг деярли бўшаб қолган хонада базўр эшитилган овоз билан айтган сўзларини эшитиб қолди.

- Йўқ, бўлмайди... уни айблаётган бўлиб қоламиз. Эҳтиётлик билан иш тутмоқ даркор...
Бошини бурган Жорж Гаррининг қараб ўтирганини кўриб қолди. Гарри кулиб қўйиб, гап пойлаб ўтиргани хақидаги фикрга боришларини истамай, ўз башоратларига юзланди. Кўп ўтмай эгизаклар пергаментни ўраб, ҳаммага хайрли тун тилаганча, ётоқхоналарига кириб кетишиди.

Тахминан ўн дақиқа ўтгач, портрет тўсиб турган туйнук очилиб, умумий меҳмонхонага бир қўлига пергамент дастасини, иккинчисига эса шақир-шуқур қилаётган кути ушлаб олган Гермиона кириб келди. Ўз соҳибасини кўрган Маймоқоёқ суюнганидан белини букиб, хириллаб қўйди.

- Салом, - деди Гермиона, - Эндиғина тугатдим.
- Мен ҳам! - ўтирган жойида зафарли чўзилди Рон, қўлидаги пат-қаламни стол устига ташлаб.

Гермиона қўлидаги нарсаларни бўш креслолардан бирига қўйиб, болаларнинг ёнига ўтириди-да, Роннинг башоратларини ўзига тортди.

Танаси йирик Маймоқоёқ соҳибасининг тиззасига сакраб чиқиб, имкон қадар қулайроқ жойлашиб олишга уринди.

- Келаси ой сен учун хаддан ортиқ мудхиш кечадиган кўринмайди-ми?! - хулоса чиқарди Гермиона заҳарлигина оҳангда.
- Ҳеч киси йўқ. Буларнинг баридан боҳабар эканман, демак, огоҳ бўлиб, сергакрок юраман, - эснади Рон.
- Назаримда икки маротаба ғарқ бўладиган кўринасан, - боз истехзо қилди Гермиона.
- Нима?! Ростданми? - пергаментга бақрайди Рон, қаддини тўғрилаб, - Ундан бўлса, биринчисини кутуриб кетган гиппогриф тепалаб ташлайдиган хавфга алмаштирамиз.
- Буларнинг барини тўқиб ёзганинг яққол сезилиб тургани ҳақида ўйлаб кўрмадинг-ми?
- Қандай журъат этдинг! - эътироуз билдириди Рон, ёлғондакам аччикланиб, - Гарри

иккаламиз уй эльфларида мөхнат қилдик!

Гермионанинг кошлари кўтарилиб кетди.

- Бу шунчаки, гап келганда айтилган гап-да, - шоша-пиша қўшиб қўйди Рон.

Боши узилиб ўлишини башорат қилган Гарри ҳам уй вазифасини тугатиб, пат-қаламни ташлади.

- Куттида нима бор? - кизиқди у.

- Хайрият, сўрадинг-а! - деди Гермиона Ронга гижиниб қараб.

Гермиона қутини очди. Қути ичида элликтача ранги ҳар хил бўлса ҳам, сиртига юритилган ҳарфлари бир хил қўкрак нишонлари кўринди.

- Сассик? - ўқиди Гарри, улардан бирини қўлига олиб, - Қайси маънода?

- Сассик эмас, - аччиқланди Гермиона, - С-А-С-С-И-К. Жамиятнинг қисқартма номи. «Сабабсиз абгор-у, саргардон сеҳргарлар истибододига қаршиман», дегани.

- Ҳеч қачон эшитмаганман бундай жамият борлигини, - таажжубланди Рон.

- Турган гап, - қувониб кетди Гермиона, - Чунки мен унга эндиғина асос солдим.

- Нималар деяпсан? - ҳайрон бўлди Рон, - Ҳўш, неча кишидан иборат экан, ўша жамият?

- М-м-м..... Агар иккалангиз ҳам аъзо бўлсангиз, уч киши бўлади.

- Нега энди сассикликка даъват этадиган қўкрак нишонини таъкиб юришимизга бунчалик ишонч билдиримоқдасан? - суриштириди Рон.

- С-А-С-С-И-К, - қизишиб кетди Гермиона, - Мен жамиятимизнинг номини «Абгор Сеҳргар Биродарларимизга Нисбатан Аблахона Муносабатларга Чек Қўйиш ҳамда Уларнинг Ҳуқуқий Мавқеини Ўзгартиришга Қаратилган Кампания», деб атамоқчи бўлдим-у, сигмади. Шу боис ҳам унинг қисқароқ номи С-А-С-С-И-К бўлиб қолди.

Гермиона пергамент варакларининг дастасини қўлига олиб силкитди.

- Ниҳоятда батафсил тергов ўтказдим. Эльфлар асорати асрлар оша давом этиб келаётган экан. Менга қадар бирор-бир кас бирор чора кўрмаганига ҳеч ишонгим келмаяпти.

- Гермиона! - бақирди Рон, - Танангнинг кулок, деган аъзоси борми? Агар бўлса, гапларимни тингла! Бундай асорат уларнинг ўзига хуш келади. Қарамлик уй эльфларига ёқади!

- Бизнинг келгуси саъй-ҳаракатларимизга доир кисқа муддатли дастуримиз, уй эльфларига муносиб хақ тўланиши ва кулай мөхнат шароитлари яратиб берилишини таъминлашдан, - давом этди Гермиона, Рондан ҳам баланд кичкириб ва умуман ўзини, худди Рон бирон оғиз сўз айтмагандай тутиб, - Узок муддатли дастуримиз эса қонун хужжатларининг уй эльфларига сеҳрли таёқчалардан фойдаланиш ман этилган моддаларига тегишли ўзгаришлар киритиши ҳамда уларнинг вакилларини вазирликнинг Сеҳрли маҳлуклар устидан назорат бўлими таркибиға киритишдан иборатдир. Чунки уй эльфларининг ушбу бўлим фаолиятидаги иштироки аклга сигмас даражада оз фоизни ташкил этмоқда!

- Ҳўш, ушбу дастурларни қай тарзда ҳаётга татбиқ этамиш? - сўради Гарри.

- Тарафдорларимиз сонини ошириб, доирасини кенгайтирамиз, - баҳтиёр оҳангда тушунтира кетди Гермиона, - Менимча, жамиятимизга кириш бадалини икки склат белгиласак-да, қўкрак нишонларининг пулини олиб, аъзолик бадалларини йигиб борсак, мавзуга доир варакалар нашр этиш тадбирларини молиялаштириш учун етарли бўлади. Сен, Рон, жамиятимизнинг ғазначиси бўласан. Бунинг учун сенга консерва банкасини тайёрлаб қўйганман. Юкорида, хонамда турибди. Гарри эса жамият котиби бўлади.

Шунинг учун у хозир мен айтадиган сўзларни хужжатлаштириб ўтириши лозим. Негаки бу сўзлар илк мажлисимизнинг кун тартибиға чиқарилган масала бўлади.

Ўртада кутилмаган танаффус юзага келди. Бу орада ташаббуси қўллаб-кувватланишини кутган Гермиона яшнаб турган юзи билан болаларга қараб ўтирган бўлса, бир томондан, Гермионанинг мулоҳазаларидан аччиқланиш, иккинчи томондан Роннинг башараси касб этган тентакнамо киёфадан қувноқ таажжубланиш ҳисси Гаррини аросатда колдирди.

Ниҳоят жимлик бузилди. Фақат ушбу сукунатни овсарлик ҳолатига муваққат тушиб қолган Рон эмас, дераза ойнаси чертилиб чиқаётган товуш бузди. Гарри энди батамом бўшаб қолган меҳмонхона орқали деразага қараб, ташки токчада ўтирганча, Ой нурида

кордай оппок яркираётган бойқушни күрди.

- Хедвиг!

Кувончи ичига сиғмаган бола креслодан сакраб туриб, дераза очгани ошиқди. Хонага отилиб кириб, шифт остида бир оз шитирлаган Хедвиг Гаррининг келаси ой башоратлари устига күнди.

- Нихоят! - хитоб қилди Гарри, қаш ёнига югуриб.

- Жавоб хатини келтирибди! - деди севиниб кетган Рон, бойқушнинг панжасига боғланган пергаментнинг эзилиб кетган парчасини кўрсатиб.

Гарри зудлик билан пергаментни бўшатиб, ўқишга ўтириди. Мулойим гурсиллаган Хедвиг эса боланинг тиззасида питирлади.

- Нима гап? - деярли унсиз сўради Гермиона.

Хат жуда киска, дастхатта караганда, шоша-пиша ёзилган. Бола овоз чиқариб ўқиди:

Салом, Гарри,

Зудлик билан шимол томон учиш тараффудига тушаман. Чандигинг ҳақидаги хабар сирасига тарқалган бирталай шубҳали миши-миши гапларнинг сўнгги томчиси бўлди. Агар чандик боз оғрийдиган бўлса, зудлик билан Дамблорга маълум қил. Айтишиларига қараганда у Ўйноқкўзни ишга олган эмиши. Бу эса ўз навбатида, директор ҳам, гарчи энди ҳеч кимнинг қўлидан келмаса-да, тегишли алломатларни тўғри идрок этаётганини англатади. Тез орада сенга яна хат йўллайман. Рон билан Гермионага энг яхши тилакларимни етказиб қўй. Огоҳ бўл, Гарри.

Сириус

Гарри нигоҳини кўтариб, бақрайиб колган Рон билан Гермионага қаради.

- У шимол томон учиш тараффудига тушибди-ми? - шивирлади Гермиона, - Қайтяпти-ми?
- Яна қанақанги алломатларни идрок этаётти экан Дамблдор? - сўради ҳеч нимани тушунмаган Рон, - Гарри... нима?...

Гарри бор кучи билан пешонасидаги чандигига мушт қўйиб, тиззасида ўтирган Хедвигни хуркитиб юборди.

- Унга индамаслигим керак эди! - кичкирди ўзидан ўзи нафратланиб кетган Гарри.
- Нималар деяпсан? - таажжубланди Рон.
- Шу арзимаган нарса туфайли қайтишга аҳд қилган эмиш! - стол муштлади Гарри.
Эътироз-ла гурсиллаган Хедвиг учиб, Рон ўтирган креслонинг суюнчиғига бориб кўнди.
- Унинг назарида менга нисбатан хавф тугилган-у, тез қайтиши керак бўлиб қолган! Мени эса жин ҳам ургани йўқ! Сенга ҳам берадиган нарсам йўқ! - ўшқириб берди Гарри, умид билан тумшук шақиллатаётган Хедвигга, - Корнинг очган бўлса, бойқушонага бор!
Хафа бўлган Хедвиг Гаррига чақчайиб қўйди-да, ҳавога кўтарилаётib қаноти билан Гаррининг бошига солганча, деразадан учиб чиқди.
- Гарри, - тинчлантиришга уринди Гермиона.

- Мен ётаман, - баёнот қилди Гарри, - Эрталаб кўришгунча.

Юқорига чиққач, пижамасини кийиб ўрнига ётди. Уйқудан эса асар ҳам йўқ.

Сириус қайтиб келиб, қўлга тушиб қолгудай бўлса, Гарри айбдор бўлади. Нима учун тилини тийиб, дардини дастурхон қилмай юрмади? Андак оғриган бўлса, оғрибди-да. Дархол арз қилиш керакми-ди?... Нега ўз муаммоларини ўз ичида қолдиришга акли етмади?...

Кўп ўтмай ёткхонага Рон кириб келгани, бироқ у билан гаплашиш ҳозир ортиқча, деб билганини сезди. Гарри каравоти устига тортилган пашашонага тикилганча узок ўйланиб ётди. Ёткхонада мутлақ сукунат ҳукм сурмоқда. Агар у ўз ташвишларига камроқ берилиб кетганда, Невиллнинг каравоти томонидан эшитиладиган одатий пишиллаш йўклигига эътибор қаратган, уйқусиз ётган ёлғиз ўзи эмаслигини идрок этган бўлар эди.

Эрталаб Гарри, гүё танаси ухлаган-у, мияси фикр юритишдан тўхтамагандай, келгуси хатти-харакатларнинг пухта ўйланган режаси билан уйғонди. У ўрнидан туриб, тонг коронғисида бир илож қилиб кийинди-да, Ронни уйғотмай, ётоқхонадан чиқиб, коллежнинг кимсасиз умумий ётоқхонасига тушди. Келаси ой учун тузган башоратлари ётган стол устидан тоза пергамент варагини олди-да, хат ёзишга киришди:

Қадрли Сириус!

Ўшанда менга чандигим оғригандай туюлган эди холос. Ўтган сафар хатни уйқусираб, каллам ишлаб-ишламай ёзган эдим. Шу боис, шимолга қайтишингга ҳожат йўқ. Ташвиш тортма, ишларим жойида, соглигим яхши, ҳеч қаерим оғримаяпти.

Гарри.

Шундан сўнг, портрет тўсиб турган туйнуқдан чиқиб, жимжитлик ҳукм суроётган қаср бўйлаб Ғарбий минора чўққисида жойлашган бойкушхона томон йўл олди. Фақат тўртинчи қаватга етиб, бошига ваза ташлашга уринган Дрюзгнинг хатти-харакатлари туфайлигина бир оз тўхташга мажбур бўлди.

Деразаларига ойна солинмаганлиги боис тош деворли думалоқ бойкушхона ичида кучли елвизак эсмоқда. Полга тўшалган походда бойқуш гўнги билан қайт қилинган сичкон скелетлари қалашиб ётиби. Шифтгача ўрнатилган кўноклар қаторида боланинг аклига сиғадиган ва сиғмайдиган кўпдан-кўп бойқуш зотлари ўтириби. У ер, бу ерда синчковлик билан қараб турган қаҳрабо кўзлар инобатга олинмаганда, кушларнинг ҳаммаси ухляяпти. Гарри омбор бойқуши билан аллақандай жигар ранг бойқуш ўртасида ухлаб ётган Хедвигни топиб, гўнг тепалаганча, ёнига ошиқди.

Кўноқда айланиб, думи билан тескари ўгирилиб олаверган қушини уйғотиб, ўзига қаратиб олиш учун бола анча овора бўлди. Кеча оқшом меҳнатига яраша рағбатлантирилмаган Хедвиг ҳалигача аразлаётган кўринади. Гарри күшнинг жуда толикқани ва афтидан Чўчинстель хизматидан фойдаланиш учун Рондан ижозат сўраш кераклигини ўйлаб колган эди ҳам-ки, Хедвиг панжасини узатишга марҳамат қилиб, хат боғлашга имкон берди.

- Уни дементорлар қидириб топмасдан олдин ўзинг топгин, хўпми? - тайинлади Гарри Хедвигнинг белини силағанча, девор туйнуғи томон кўтариб бориб.

Бойқуш боланинг бармогини одатдагидан кўра қаттиқроқ чўқиб олди. Эҳтимол Хедвиг шу тариқа аламидан чиққандир. Нима қилганда ҳам у Гаррини тинчлантириган бўлиб, паст овозда гурсиллаб қўйди-да, қанотларини кенг ёзиб, тонгги шафақ томон учиб кетди.

Сириусдан кутган жавоб хати юрагини тинчлантиришига умид қилган, аммо аксинча, ташвишларига ташвиш қўшилиб, нигоҳи хавотирга тўлиб-тошган бола қушини кузатганча қолди.

- Ахир бу қип-қизил ёлғон-ку, - койиб берди Гермиона, Гаррининг қилган ишини эшитиб, - Чандигинг оғригани сенга туюлгандаи бўлмаган, буни ўзинг ҳам жуда яхши биласан.

- Нима қилибди ёлғон бўлса? - деди Гарри, - Шу арзимаган оғрик дастидан Сириус яна Азкабанга қамалиши керакми?

- Тинч кўй уни, - овоз кўтарди Рон энди оғиз жуфтлаган Гермионага.

Шуниси қизиқки, қизалоқ танбехга қулок тутиб, гап қайтармади.

Кейинги икки ҳафта давомида Гарри Сириуснинг қисмати билан боғлиқ ташвишларини босишига уринди. Эрталабки бойқуш почтаси келганида ҳаяжонини идора қилиб ўтириш анча кийин кечди, албатта. Кечқурун уйқуга ётишдан олдин ҳам шу ахвол. Лондоннинг коронғи кўчаларидан бирида Сириуснинг дементорлар томонидан бурчакка сиқиб олингани каби мудхиш тасаввурлардан халос бўлишнинг иложи йўқ. Лекин кундуз куни Гарри чўқинтирган отаси ҳакида ўйламасликка уринди. Квидиш машклари бекор

қилингани чатоқ бўлди. Ҳеч нарса киши рухиятини яхшигина, ҳолдан тойдирадиган машқ каби тинчлантирмайди. Бошқа томондан қараганда, тўртингчи синф ўқувчиларининг машғулотлари, айниқса, ёвузлик кучидан ҳимоя фани дарслари анчагина мураккаб бўлиб, илгаригига нисбатан кўпроқ вақт ажратилишини талаб қиласр экан.

Таажжубки, профессор Хмури ҳар бир ўқувчига Қарам қилиш қарғишини қўллаши, болалар ушбу қарғиш таъсирини ўз таналарида синаб кўриб, унинг кучига қаршилик кўрсата олиш-олмаслигини ўзлари идрок этиб олишлари мумкинлигини эълон қилди. Ўқитувчи сехрли таёқчасини сал ҳаракатлантириб парталарни гум қилганча, синф хонасининг ўртасида катта саҳна ҳосил қилганини кўрган Гермиона иккиланиб ғудуллади:

- Аммо... профессор... ушбу амални ғайриқонуний, яъни оқибати мудхиш қарғишилар туркумiga киради, деб ўзингиз айтган эдингиз-ку! Улардан ҳар қандай бирини инсон зотига қарши қўллаш...

- Қарғиш таъсирини синаб кўришингизни Дамблдор истамоқда, - деди сехрли кўзини қилт эткизмай Гермионага, қизалоқнинг танасини тешиб юборгудай йўналтирган Хмури, - Агар ушбу амални бошқа йўл билан масалан, бирон-бир ёт сеҳргар сизга қарши қўллаб, ҳатти-ҳаракатларингизни тўла-тўқис назорат қилаётганида ўзлаштирумокчи бўлсангиз, марҳамат, мен эътиroz билдирумайман. Машғулотда иштирок этишингиз шарт эмас. Кетишингиз мумкин.

Профессор Хмури чўтири қўлини узатиб, эшикни кўрсатди. Қизариб кетган Гермиона пўнғиллаб, ўз фикрини кетиш ниятида айтмаганини тушунтирган. Гарри билан Рон бир-бирига қараб, заҳарханда кулиб кўйишиди. Гермиона буботубер фасодини ичса ичиб юборадики, бундай мухим дарсни ўтказиб юбормаслигини иккаласи жуда яхши билади. Хмури ўқувчиларни битта-битта ўртага чакириб, Қарам қилиш қарғишини қўллади. Гарри қарғиш таъсирига дучор бўлган синфдошларининг ниҳоятда ғалати қиликлар қилишганини кўриб турди. Дин Томас миллий мадхияни ижро этганча синф хонасини уч маротаба сакраб чиқди. Лаванда Браун олмахоннинг ҳаракатларини бажарди. Невилль меъёрий холатида ҳеч қачон бажара олмайдиган гимнастика амалларини кўрсатди. Ҳеч ким қарғиш кучига қаршилик кўрсата олмади. Хмури қарғиш таъсирини бекор килгандагина болалар ўзларига келишиди.

- Поттер, - ғудуллади Хмури, - Сени галинг.

Гарри синф хонасининг ўртасига, парталардан халос этилган жойга чиқди. Ўқитувчи таёқчасини Гаррига ўқтаб:

- Империо! - деди.

Гарри вужудини қандайдир ғалати туйғу қамраб олиб, фикр-хаёли узоқларга кетиб қолаётгани, борки ташвиш-хавотирлари миясини тарқ этгани, қалбида фақат қандайдир мубҳам, туткич бермайдиган баҳтиёрлик хисси қолганини сезди. У мутлақо тинч колиб, барча синфдошлари унга қараб турганини ғира-шира идрок этди.

Шундан сўнг миясида, онгининг узок бурчагида Ўйноққўз Хмурининг овози эшитилди:

- Партага сакра... партага сакра...

Гарри тиззаларини итоаткорона букиб, сакрашга ҳозирланди.

- Партага сакра...

Миясининг янада чуқурроқ жойидан бошқа, иккинчи овоз эшитилди:

- Тўхта, нега энди мен партага сакрашим керак экан? Партага сакраш ғирт аҳмоқлик-ку.

- Партага сакра...

- Йўқ, сакрамайман, - рад этди иккинчи овоз, янада қатъий оҳангда, - ... йўқ, истамайман.

- Сакра! ТЕЗ БЎЛ!

Ана шунда Гарри қаттиқ оғриқ сезди. У бир вақтнинг ўзида ҳам сакради, ҳам сакрамасликка уринди. Натижада боши билан партага урилиб, уни ағдариб юборди.

Бундан ташқари, оғрикнинг зўрига қараганда, тиззасининг иккала кўзини синдириб олган кўринади.

- Йўқдан кўра бори, - гумбурлади Хмурининг овози.

Гарри миясидаги жарангдор бўшлиқ йўқолганини хис этди. Унга нима қилганини жуда

яхши эслайди. Тизза оғриги икки чандон кучайиб кетди.

- Эътибор қаратинг... Поттер қаршилик кўрсатишга уринди! У қаршилик кўрсатиб, нимагадир эриша олди ҳам! Бир оздан сўнг ушбу амални боз тақоролаймиз, Поттер. Ҳозир эса ҳамма унинг кўзларига эътибор қаратсин! Унинг нигоҳида барча саволларга жавоб топа оласиз! Жуда яхши, Поттер, жуда яхши! Улар сени енга олишмайди!

Токи Гарри Қарам қилиш қарғишини тўла-тўқис мухосара қилишни ўзлаштириб олгунга қадар Хмури тажрибани тўрт маротаба тақорлади.

Бир соатдан сўнг, машғулотдан қаловланиб қайтаётган Гарри хулоса чиқарди:

- Унинг гапларига қулоқ соладиган бўлсак, кўп вақт ўтмай бизга қарши хужум бошланади.
- Нимасини айтасан, - тасдиклади, қарғиши таъсирига қаршилик кўрсатишга анча қийналган, ҳозир эса зинапоянинг ҳар иккинчи погонасини сакраб ўтаётган Рон, - Унинг руҳий касаллиги ҳақида бир гап эсимга тушди...

Рон яқин атрофда профессор Хмури гап пойлаб турмаганига ишонч ҳосил қилиш учун елкаси орқали асабий ўгирилиб қўйди.

- Сеҳгарлик вазирлигидагилар ундан ҳалос бўлишганидан қанчалик хурсанд бўлишгани ҳақидаги миши-миш гаплардан энди ҳайрон бўлмаса ҳам бўлаверади. Биринчи апрель куни самимий ҳазиллашиб ниятида орқасидан сездирмай яқин келиб «Вах!», деб қўрқитишига уринган афсунгар аёлни қай ахволга соглани ҳақида Симусга айтиб берган гапини эшигдингиз-ми? Қани энди айтинг-чи, уйга берилган бир олам вазифалар турганида, Қарам қилиш қарғишининг таъсирига қаршилик кўрсатишга қачон тайёргарлик кўришимиз мумкин, а?

Ушбу семестрда уйга берилаётган вазифалар ҳажми қанчалик ошиб кетганини тўртинчи синф ўкувчилари жуда яхши идрок этишди. Навбатдаги вазифани олиб, ох-воҳ қилиб юборган болаларга профессор Макгонагалл тушунтириб ўтди.

- Сиз сеҳгарлик таълимотининг энг масъулиятли босқичига қадам ташладингиз! - баёнот қилди у, квадрат кўзойнагини ҳайбат-ла ярқиратиб, - Аттестацион имтиҳон учун белгиланадиган баҳо, яъни сиз Мутлако оддий сеҳгарлик даражасининг зарурий савиасига эга бўлишингиз учун синовдан ўтадиган вақт яқинлашиб келмоқда.

- МОСД имтиҳонлари бешинчи синфда бўлади-ку! - эътиroz-ла овоз кўтарди Дин Томас.
- Тўғри, Томас, бироқ ўша имтиҳонларга ҳозирдан тайёргарлик кўриб боришингиз керак! Синфингизда фақат мисс Грэнжергина кирпини игна ва тўғноғич санчиш ёстиқчасига қониқарли даражада айлантира олади холос. Сизнинг ёстиқчаларингиз эса Томас, эслатиб ўтишим жоизки, тўғноғични кўриши билан кирпига айланиб қолмоқда!

Боз қизариб кетган Гермиона ғурурдан ҳаддан ортиқ яшнаб кетмасликка уриниб ўтириди. Келаси ой башоратлари учун профессор Треланининг юқори баҳосига эришганини эшигтан Гарри билан Рон башорат фани бўйича навбатдаги дарсда роса завқланди. Ўқитувчи иккала бола тузган фолнинг йирик қисмини ўкувчиларга ўқиб эшигтириб, бўлғуси ғам-андухларни мардонавор қарши олишга тайёр эканликлари учун Гарри билан Ронни мақтаб қўйди. Лекин уларнинг хурсандчилиги узокқа чўзилмади. Чунки ўқитувчи кейинги ой учун ҳам ўхшаш вазифа берди. Иккаласининг бахтсизлик ва қўнгилсиз ҳодисалар захираси эса поёнига етган эди.

Бундан ташқари, сеҳгарлик тарихи фанидан дарс ўтадиган ягона арвоҳ ўқитувчи профессор Биннз ҳар ҳафта ўн саккизинчи асрда бўлиб ўтган гоблинлар қўзғолонларига доир иншолар ёзиб келишни буюриб борди. Профессор Снегг ўкувчиларни жаҳонда мавжуд зидди-захарларнинг ҳаммасини ўзлаштиришга мажбур қилмоқчи шекилли. Ушбу вазифага нихоятда жиддий ёндашишга тўғри келди. Негаки, Снегг Рождество байрамига қадар ҳаммани атайин заҳарлаш ва заҳарланган ўкувчилар омон қолиши учун ўзига зарур бўладиган зидди-захарни топа олиш-олмаслигини томоша қилиб ўтиришини ваъда қилди. Профессор Флитвик эса Буюм чақириш афсунига доир амалий машғулотга олдиндан пухта ҳозирлик кўриш учун қўшимча адабиёт сифатида учта китобни мутолаа қилиб келишни амр этди.

Ҳатто Ҳагрид ҳам ўлганни устига тепган қабилида иш тутиб, муаммолар устига муаммо

күшди. Гарчи нимани хуш кўришларини ҳанузгача ҳеч ким аниқлай олмаган бўлса-да, портловчи дракллар ҳайрон қолдирган даражада тез улгая бошлиди. Бундай тарақкиёт Хагридни кувонтирмай қўймади, албатта. «Лойиха» суръати ва мазмунини янада ривожлантириш учун ўқувчилар унинг кулбасига навбат билан ташриф буюриб, драклларни кузатганча, тегишли ёзувлар олиб боришларини таклиф сифатида киритди. Хагрид ўзининг ушбу ғоясини худди қопидан суперкатта совға чиқарган қорбободай эълон килганини кўрган Драко Малфой ўқитувчининг таклифини қатъяян рад этди.

- Ҳеч қачон! Уларни дарсда кузатаётганимнинг ўзи етади.

Хагриднинг юзидаги кулги шу захоти барҳам тогди.

- Менга қара... болакай... сен айтганимни қилишинг керак, - ғудуллади у, - Акс ҳолда профессор Хмуридан ўрнак олишга мажбур бўламан... Эшитишимча, сендан зўр сассиқкузан чиккан эмиш.

Гриффиндорчилар қулавериб қорниларини ушлаб қолишиди. Ғазаби қайнаган Малфой қизариб кетди, бирок профессор Хмури берган сабоқ ҳали ёдидан чиқмаган шекилли, гап қайтармади. Гарри, Рон ва Гермиона қасрга Хагриднинг дарсидан кўтаринки қайфият-ла қайтишиди. Ўтган иили Малфой Хагридни ўқитувчиликдан ҳайдатиш учун роса чиранган эди. Бугун эса Хагрид оз бўлса ҳам, Малфойнинг таъзиини берib қўйди.

Қаср эшигини очган болалар ичкарига кира олишмади. Вестибюль одамга тўла.

Ўқувчилар ҳашаматли мармар зинапоянинг бўсағаси яқинидаги деворга осиб қўйилган катта эълон олдига тўпланиб олишган. Учовининг орасида бўйи новчароқ Рон оёқ учига турганча, овоз чиқариб ўқиди:

УЧ СЕХРГАР БЕЛЛАШУВИ

«Бэльстэк» ва «Дурмитранг» мактабларининг вакиллари 30 октябрь жума куни кечки соат олтида етиб келишиади. Уибу кунги машғулотлар ярим соатга эртароқ тугатиласди...

- Жуда соз! - хурсанд бўлди Гарри, - Жума куни сехрли дамламалар тайёрлаш фанининг таътил олди дарси бўлади! Снегг ҳаммамизни заҳарлашга улгурмайди!

Эълонда ўқувчилар ўша куни ўз юк халталари-ю, дарсликларини ётоқхоналарига элтиб қўйиб, меҳмонларни қарши олиш учун қаср олдида йиғилишлари лозимлиги тайинланган. Шундан сўнг, меҳмонлар ташрифига бағишиланган тантанали зиёфат уюштирилиши маълум қилинган.

- Атиги бир ҳафта қолибди-ку! - хитоб қилди кўзларида завқ барқ ураётган хуффльпуффчи Эрни Макмиллан халойик орасидан чиқиб, - Кизик, Седрикнинг хабари бормикан? Бориб хабардор қилас...

- Седрик? - тушунмади Рон, Эрнининг ортидан қараб.

- Диггори, - эслатди Гарри, - Беллашувда иштирок этиш учун ариза берса керак-да.

- Ўша аҳмок-а? «Хогварц» чемпионлигига даъвогар бўладими? - кўзларини чакчайтириди Рон, мармар зинапоя томон ҳаракат бошлаб.

- Ҳеч ҳам аҳмок эмас у. Ўтган иили «Гриффиндор» квидиши жамоаси «Хуффльпуфф» жамоасига ўша йигит туфайли ютқазиб қўйгани учунгина сен уни ёмон қўриб қолгансан, - эътиroz билдириди Гермиона, - Эшитишимга қараганда у ёмон ўқимас экан. Бундан ташқари, у синфбоши.

Гермиона «синфбоши» сўзини шундай талаффуз этдики, гўё ушбу мезон борки масалани узил-кесил ҳал этади.

- Башараси барно бўлгани учун ҳам ёқади-да, сенга у, - заҳардек гап қистирди Рон.

- Мени маъзур сананг-у, одамларга, уларнинг ташки қиёфасига қараб баҳо берганимни ҳеч эслай олмайман, - эътиroz билдириди Гермиона.

Рон баланд ва сохта йўталиб қўйди. Йўтал орасида «Чаруальд!» сўзи аниқ эшитилди.

Вестибюлга осилган эълон қаср аҳолисига кучли таъсир ўтказди. Ҳафта давомида қаерда бўлмасин, Гарри, факат Уч сехргар беллашуви ҳақидаги гапларни эшитиб юрди. Ким

«Хогварц» чемпионлигига даъвогар бўлмоқчи эканлиги, Беллашув топшириклари мазмунан нималардан иборат бўлиши, «Бэльстэк» билан «Дурмштранг» ўқувчилари «Хогварц» ўқувчиларидан нимаси билан фарқ қилиши ҳақидаги миш-миш гаплар худди грипп вируси каби бир кишидан бошқа кишига ўтиб борди.

Бундан ташқари, қаср астойдил тартибга келтирилаётгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Чунончи, ҳаддан ортиқ кир бўлиб кетган айрим портретлар тозаланди. Уларда тасвиrlанган каслар эса юзларининг кизариб, яллигланиб колган тери қопламасини силаб, пешоналарини тириштириб, тумшайиб олишганча, норози оҳангда эътиroz билдиришди. Рицарларнинг қурол-аслаҳалари кутилмаганда ялтираб, ғичирламай қолди. Аргус Филч эса оёғини артмай юрганларга жуда дағал муомала қилиб, ўзининг хатти-харакатлари билан биринчи синфда таҳсил кўраётган икки нафар кизалокни асабий ҳолатга тушириб кўйди.

Мактабнинг қолган ходимлари эса ғалати тарзда зўриқкан кўринади.

- Лонгботтом, сиз, энг асосийси, «Дурмштранг» ўқувчиларига Айланиш тилсимини бажаришга қодир эмаслигизни кўрсатиб кўймасангиз бўлди! - ўшқириб берди профессор Макгонагалл, ўта мураккаб дарслардан бирининг ниҳоясида Невилль бехосдан ўз қулогини кактус кўринишига трансплантация қилиб кўйганини кўриб.

Уттизинчи октябрь куни эрталаб нонушта қилгани тушган болалар Катта Залнинг тантанали тадбир шарофатига безатилганини кўришди. Деворларга шойидан тайёрланган йирик байроқлар осиб кўйилган. Уларнинг хар бири «Хогварц» коллекларидан бирини, хусусан:

тилла тусли шер тасвиrlанган қизил байроқ – «Гриффиндор» коллекини;
бронза рангли бургут тасвиrlанган кўк байроқ – «Равенкло» коллекини;
кора бўрсик тасвиrlанган сарик байроқ – «Хуффльпуфф» коллекини;
кумуш тусли илон тасвиrlанган яшил байроқ – «Слизерин» коллекини ифодалайди.
Мўътабар Стол ортига эса «Хогварц» герби: катта «Х» ҳарфини ўраб олган шер, бургут,
бўрсик ва илон тасвири туширилган энг йирик байроқ тортилган.

Гарри, Рон ва Гермиона «Гриффиндор» дастурхони атрофида ўтирган Фред билан Жоржни кўришди. Эгизаклар ҳаммадан ажралиб олиб, паст овозда гаплашиб ўтиришибди. Рон акаларига яқин борди.

- Бу, муваффакиятсизлик, албатта, - деди Жорж Фредга, - Агар у биз билан гаплашишни истамаса ҳам, бари-бир унга хат йўллашимиз керак. Ёки ўша хатни қўлига ушлатиб кўямиз. Бир умр қочиб юрмайди-ку, биздан.

- Ким сизлардан қочиб юрибди? - сўради Рон акаларининг ёнига жойлашиб.

- Эссиз, сен эмассан-да, - гапи бўлинганидан аччикланди Фред.

- Қанақанги муваффакиятсизлик ҳакида гапиряпсан? - сўради Рон Жорждан.

- Тагпурс укали бўлиш муваффакиятсизлиги ҳакида, - жавоб берди Жорж.

- Беллашув борасида бирон нарса ўйлаб топдингиз-ми? - қизиқди Гарри, - Ариза бериш масаласида бирон-бир гоя тугилди-ми?

- Чемпионликка даъвогарлар қандай саралаб олинишини профессор Макгонагалдан сўраб билишга уриндим. Бироқ кампир индамаяпти, - деди Жорж, аччик оҳангда, - Овозимни ўчириб, енотни айлантириш амалларидан чалғимасликни буюрди.

- Қизиқ, қанақанги топшириклар берилар экан, а? - ўйчан сўради Рон, - Биласанми, Гарри, ишончим комилки, сен билан мен ўша топшириклар ижросини уddyалаймиз, албатта. Ахир қанчадан қанча хавфли тадбирларни бошимииздан кечирганмиз...

- Хар қалай, ҳакамлар кўз ўнгидаги эмас-ку, - эътиroz билдириди Фред, - Макгонагалнинг айтишига қарагандга, баллар топшириқ ижросининг бекусурлигига қараб белгиланар экан.

- Кимлар ҳакамлик қиласи? - сўради Гарри.

- 1792 иили бўлиб ўтган Уч сеҳргар беллашувини мисол тариқасида оладиган бўлсак, асосий ҳакамлар биринчи навбатда, Беллашувда иштирок этаётган мактаб директорлари бўлишади, - саволга жавоб берди Гермиона, ҳамманинг таажжубли нигоҳини ўзига қаратиб, - Бироқ ўшанда учала директор ҳам қаттиқ жароҳатланган эди. Негаки,

чемпионликка даъвогарлар тутиб олишлари керак бўлган Василиск қутуриб кетган экан. Гермиона атрофида қараб турган лол қиёфаларни кўриб, табиийки, у ўқиган китобларни бошқа ҳеч ким ўқимаганлигидан аччиқланди.

- Буларнинг бари ««Хогварц» тарихи»да келтирилган. Китобнинг ишончли ёзилганлигига шубҳа қиласман, албатта. Мен уни «Тузатишлар ва қўшимчалар киритилган «Хогварц» тарихи», деб номлаган бўлар эдим. Агар «Ҳаддан ортиқ бузиб кўрсатилган, тарихий ҳодисалар оралаб келтирилган «Хогварц» тарихи», деб номланса, янада аникроқ бўлар эди.

- Нималар ҳакида гапирияпсан? - тушунмади Рон.

Гермиона нимага шама қилаётганини Гарри фаҳмлаб бўлди.

- Уй эльфлари ҳакида! - баёнот қилди қизалоқ баланд овозда, Гаррининг миясига келган фикрни тасдиклаб, - ««Хогварц» тарихи»нинг мингта сахифасидан бирортасида ҳам юзлаб кулларнинг истибод қилинишида барчамиз иштирок этаётганимиз ҳакида бирон-бир сатр келтирилмаган!

Гарри бошини чайқаб кўйиб, қуймоқ билан машғул бўлди. Гарри билан Ронда тадбирда иштирок этиш иштиёғи йўклиги Гермионани уй эльфларига нисбатан адолатсиз муносабатларга қарши кураш ховуридан туширмади. Болалар САССИҚ жамиятининг кўкрак нишони учун икки склатдан тўлашди, албатта. Бироқ бу ишни улар Гермиона тинч кўйиши учунгина қилишган эди холос. Бироқ Гермиона ўз ғояларини баттар илгари сурар экан, иккаласи чучварани хом санашганига, ушбу тўлов амалларини бехуда бажаришганига кундан кунга ишонч ҳосил қилишмоқда. Қизалоқ Гарри билан Ронни дастлаб кўкрак нишонларини тақиб юриш ва бу билан бошқаларни ҳам жамият аъзолигига даъват этишга мажбур қилиб, қийнаб юборди. Бундан ташқари, қизалоқ, кечкурунлари умумий меҳмонхонадаги ҳалойик қаршисига чиқиб, кўлидаги консерва банкасини тарақтуруқ қилганча:

- Чойшабларингни алмаштириш, каминларга ўт қалаш, сизга овқат тайёрлаш, синф хоналарини тозалаш каби ишларни бахти қора уй эльфлари бажараётгани, бунинг учун уларга ҳак тўланмаслиги, умуман уларга қул сифатида қаралаётганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? - деб, хайр-эҳсон талаб қиласидиган одат чиқариб олди.

Айрим, мисол учун Невиллга ўхшаган болалар, Гермионанинг дағдагали нигоҳидан халос бўлиш учунгина пул тўлашди. Баъзилар унинг нутқини бир оз қизиқиб тинглашади-ю, тадбирда шахсан иштирок этишни исташмайди. Аксарият ўқувчилар эса унинг хатти-харакатларини ҳазил тариқасида кўради. Эгизаклар САССИҚ жамиятининг кўкрак нишони учун пул тўлашдан бош тортишди.

Хозир Рон кўзини куз куёши яркираб турган шифтга кўтариб олди. Фред дафъатан беконга қизиқиш билдириди.

Кутилмаганда Жорж қизалоқ томон энгashiб, сўраб қолди:

- Гермиона, ошхонага бирор маротаба бўлсин, кирганмисан?

- Йўқ, албатта, - жеркиб берди Гермиона, - Ўқувчиларга ман этилган...

- Биз эса кирганмиз, - Гермионанинг гапини бўлди Жорж, Фред томон имо қилиб, - Егулик олиш учун минг маротаба кириб-чиққанмиз, десам муболаға қилмаган бўламан.

Айтмоқчиман-ки, биз улар билан шахсан мулокот қилиб кўрганмиз. Улар ўзларини ниҳоятда бахтиёр билишади. Ўз фаолиятларини бу ёруғ оламдаги энг зўр иш, деб хисоблашади...

- Чунки улар илмсиз, оми ҳалқ! Чунки бугунги қулдорлар томонидан олиб борилаётган мафкуравий иш уй эльфлари онгига айнан сен айтган тушунча-ю, ғояларни сингдириб боришга йўналтирилган! - дарғазаб бўлди Гермиона.

Бироқ унинг сўзларини почта бойқушлари етиб келганини англашган шифт остидаги баланд шитир-шитир босиб юборди. Гарри дарҳол тепага қараб, шиддат билан яқинлашиб келаётган Ҳедвигни кўрди. Гермиона шу заҳоти унини ўчириб, ташвишли нигоҳ-ла Гаррининг елкасига хорғин кўниб, қанотларини йиғганча, панжасини узатган бойқуш харакатини Рон билан бирга кузатиб ўтириди.

Гарри Сириусдан келган жавоб хатини Хедвигнинг панжасидан ечиб олиб, бекондан ортган тери бўлагини қушга узатди. Миннатдор Хедвиг егуликни паққос туширди. Фред билан Жорж Уч сехргар беллашувини қизгин мухокама қилишаётганига ишонч ҳосил қилгач, Рон билан Гермионага хатни пичирлаб ўқиб берди:

Салом, Гарри!

Беҳуда уринибсан. Мен аллақачон мамлакатга қайтиб келганман. Ҳозир ишончли паногоҳдаман. «Хогварц»да бўлаётган ишлар ҳақида мени боҳабар қилиб тур, илтимос. Фақат Хедвиг орқали эмас. Умуман бойкушларни тез-тез алмашлаб бор. Мендан ташвиши тортма, ўзинг ҳам огоҳ бўл. Чандигинг ҳақида айтган гапларимни унутма.
Сириус.

- Нима учун бойкушларни тез-тез алмашлаб бориш керак? - паст овозда сўради Рон.
- Хедвиг хар қандай кишининг эътиборини ўзига тортади, - тушунтирган бўлди Гермиона,
- У хаддан ортиқ кўзга ташланиб туради. Паногоҳ яқинида кутб бойкушининг мунтазам кўриниш бериб бориши эса ҳар хил гумонлар туғилишига сабаб бўлади... Бойўғлиларнинг бундай зоти юртимиизда кенг тарқалмаган. Энди тушундинг-ми?

Ташвиши ортган ёки қайтганини ҳали тушуниб етмаган Гарри хатни ўраб, ички киссасига солиб қўйди. Модомики Сириус кўлга тушмай мамлакат худудига кириб келган экан, демак чиндан ҳам кўп ташвиш тортмаса бўлаверади. Бойкушини силаб қўйган Гарри яна бир нарсани, у ҳам бўлса, Сириуснинг яқин атрофда бўлиши дадиллигининг ошишига омил бўлиши, жавоб хатларини ҳам узок кутмаслигини тан олмасдан иложи йўқ.

- Раҳмат сенга, Хедвиг.

Хедвиг Гаррининг қадаҳидаги шарбатдан қониб ичди-да, афтидан бойкушхонадаги узок ўйқу ҳақида орзу қилган шекилли, шошганча учиб кетди.

Бугунги кун ёқимли кутиш хисси билан ўтди. Мехмонларни қарши олиш ҳақида ўйлаган ўқувчилардан бирортаси дарсга қулоқ солмади. Ҳатто ярим соатта қисқартириб юборилган сехрли дамламалар тайёрлаш дарси ҳам баҳарнав ўтди. Кўнғироқ зарби янграши билан Гарри, Рон ва Гермиона «Гриффиндор» минораси томон югуриб, дарсликка тўла юк халталарини ташлашди-да, ридоларини кийганча, эл қатори пастга, вестибюлга ошиқди. Коллеж мудирлари ўз ўқувчиларини сафга тизиб чиқишиди.

- Уэсли, шляпангизни тўғрилаб олинг, - кўрсатмалар берди профессор Макгонагалл, - Мисс Патил, сочингиздаги анави аҳмоқона нарсани олиб ташланг.
- Лаб-лунжини осиб олган Парватти кокилига маҳкамланган жимжимадор капалакнусха соч тўғноғичини ечиб қўйди.
- Ортимдан юринг, - буюрди профессор Макгонагалл, - Биринчи синф ўқувчилари олдинда боришиди... туртишманг...

Улар асосий зинапоядан пастга тушиб, қаср қаршисида саф тортишди. Оқшом осмони мусаффо, ҳавоси совук. Коронги тушиб, Ман этилган ўрмон узра хира, шаффоф Ой кўринмоқда. Тўртинчи қаторда, Рон билан Гермионанинг ўртасида турган Гарри биринчи синф ўқувчилари орасида сабрсизликдан титраётган Деннис Кривига қараб қўйди.

- Деярли олти бўлди, - деди соатига қараган Рон мактаб дарвозаси томон юзланиб, - Нимада келишар экан, а? Поезддами?
- Бу масалада шубҳам бор, - бош силтади Гермиона.
- Хўш, унда нимада келишади? Супургиларда ташриф буоришадими? - тахмин қилди Гарри, ситоралар сочилиб кетган осмонга қараб.
- Үндай ҳам эмас... - деди Гермиона, - Масофа ҳаддан ортиқ узок.
- Портшлюс воситасида келишса керак-да? Ёки ҳавода пайдо бўлишади. Балки уларнинг миллий қонунларига мувофиқ ўн етти ёшга тўлмаган бўлсанг ҳам ҳавода даф бўлиш ва пайдо бўлишга изн берилар? - деди Рон.
- Неча маротаба айтиш керак сизларга, а? «Хогварц» қасри нафакат ўз деворлари билан, балки ҳудудига хеч ким беижозат кира олмаслиги учун турли-туман сехр-жоду билан ҳам

химояланган. Бу ерга ҳавода пайдо бўлиш йўли билан кириб бўлмайди, - аччиқланди Гермиона.

Улар қоронгилик қалинлашиб бораётган ҳовлига кўз югуртириб чиқиши. Ҳеч қаерда хеч қандай ҳаракат сезилмади. Ҳамма ёқда одатий жимжитлик, сукунат ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Гарри совқота бошлади. Тезроқ кела қолишса эди... Эҳтимол хорижий меҳмонлар таъсири, дабдабали кириб келишни кўзлаб кўйишгандир? У Квиши кубогининг финал ўйини олдидан мистер Уэсли айтган сўзларни эслади: «Элатимиз зигирдай бўлсин, ўзгаргани йўқ. Бир жойга тўпланиб қолсак бас, мақтанчоқлик қилмай туро олмаймиз»...

Дафъатан орқа қаторда, бошқа ўқитувчилар орасида турган профессор Дамблдорнинг овози янгради:

- Аҳа! Адашмасам, «Бэльстэк» вакиллари яқинлашмоқда.
- Қани? - сўрашди аксарият болалар бошларини ҳар томон айлантириб.
- Ана! - қичқирди Ман этилган ўрмон томон кўл узатган олтинчи синф ўқувчиларидан бири.

Ўлчами супургидан катта, йўқ, ҳатто юзта супургидан ҳам улкан аллақандай калон нарса ҳар сония ўтган сари йириклишиб тўқ кўк осмондан қаср томон учиб яқинлашмоқда.

- Аждар! - қичқириб юборди даҳшатдан эсини йўқотган биринчи синф ўқувчиси.

- Нималар деяпсан, нодон!... Учар уй-ку, бу! - эътиroz билдириди Деннис Криви.

Денниснинг фикри ҳақиқатга яқинроқ... Қаср деразаларидан таралаётган нур пастлаш баробарида ўрмон дараҳтларининг учларига тегиб бораётган баҳайбат қора шарпани ёритди. Ҳамманинг кўз ўнгida хира мовий, катталиги уйдай келадиган, ҳар бирининг ўлчами филдан қолишмайдиган ўн иккита учар отга қўшилган арава пайдо бўлди.

Шиддат билан ерга яқинлашаётган араванинг важоҳатидан ўқувчилар сафининг олдинги учта қатори ортга тисланди. Айни шу пайтда туёклари лагандай келадиган қанотли отлар гумбурлаганча ерга қўнди. Сесканиб орқага ташланган Невилль бешинчи синфда ўқидиган слизеринчи боланинг оёғини босиб олди. Сония ўтиб-ўтмай, мисли кўрилмаган катта ғилдиракли арава ҳам ерга тушди. Йирик бошларини чайқаётган тилла тусли отларнинг қип-қизил йирикч кўзлари чаноғидан чиқиб кетай деяпти.

Гарри арава эшигига тасвирланган ҳар бири учтадан юлдузча чиқарганча, кесишиб турган иккита тилла ранг сехрли таёқчадан иборат гербга эътибор қаратди. Эшик шу заҳоти очилди. Ичкаридан эгнига хира мовий коржома кийган болакай сакраб тушиб, бирпас ивирсиди-да, арава полидаги йиғма тилла нарвонни туширди. Ўз ишини бажарган бола чукур эҳтиром-ла ортга тисланди. Шундан сўнг, арава ва отларнинг ўлчами нега бу қадар йирик эканлигига жавоб топилган бўлди. Гап шундаки, арава ичидан дастлаб пошнаси баланд, ўлчами болалар чангисидай келадиган ялтирок ботинка, ботинка кетидан эса Гарри ҳали ҳаётда кўрмаган баҳайбат аёл чиқди. «Хогварц» томошабинларидан айримлари ғайрихтиёрий равишда ох уриб юборди.

Гарри ушбу аёлга ўхшаш факат бир киши – давангир Хагридни билади холос.

Иккаласининг бўйи бир дюймга бўлсин, фарқ қилмаса керак. Шундай бўлса-да, эҳтимол Хагридга кўникиб қолганидан бўлса керак, асосий кириш эшигига яқинлашган, кўзларини бақрайтирганча, чурқ этмай кузатаётган халойикқа қизиқсиниб қараб турган ушбу жувон негадир Хагридга нисбатан кўпроқ таъсири ўтказди. Вестибюлдан таралаётган ёруғликка етган давангир аёл хушрўй, юзининг тери копламаси зайдун рангли, серсув кўзлари копкора, бурни кирғийбурун эканлиги маълум бўлди. У бошдан оёқ қора шойига бурканган, бўйни ва йўғон бармоқларида опал кўзли зеб-зийнатлар хира ялтирамоқда.

Дамблор қарсак урди. Ўқувчилар ҳам директорга жўр бўлиб қарсак урди. Кўпчилик, ушбу тонг қолдирадиган аёлни яхшироқ кўриш учун оёқ учига туриб олди.

Хонимнинг юзи назокатли табассумдан мунаvvар бўлди. Ялтирок қўлларини узатган аёл Дамблор томон одимлади. Бўйи паст бўлмаган Дамблдорга, ушбу аёлнинг кўлидан бўса олиш учун эгилишга тўғри келмади.

- Максим хоним, азизам,- саломлашди директор, - «Хогварц»га хуш келибсиз.

- Дамбл-доғ, - деди Максим хоним, - Соғ-саломатсиз деған умиддаман?
- Ишонтириб айтаман-ки, түрт мучам бутун, соғ-саломатман, - жавоб қайтарди Дамблдор.
- Менинг шогиғларим, - таништирди Максим хоним, йирик құлларини орқага бепарво узатиб.

Шу вақтгача давангир аёлдан күзини узмаган Гарри аравадан тахминан ўн икки нафарча, афтидан ўн етти-ўн саккыз ёшга түлган, ўз раҳбарларининг ортида сағ тортиб турган йигит-қизлар түшганига эътибор қаратди. Ушбу ўкувчилар дағ-дағ қалтираётганидан ҳайрон бўлмаса ҳам бўлаверади. Максим хонимнинг улкан соясида туриб, «Хогварц» қасрига хавфсираб қараб турган меҳмонлар эгнида шойи коржомадан бошқа нарса йўқ. Айримлари бошларига шарф ёки рўмол ўраб олган холос.

- Кағкағов етиб келди-ми? - қизиқди Максим хоним.
 - Ҳа демай келиб қолиши керак, - жавоб берди Дамблдор, - Қарши олиш учун шу ерда кутасизми ёки қасрга кириб бир оз исиниб оласизми?
 - Биғ оз исигиб оламиз, - ахд килди Максим хоним, - Биғок, менинг отлагим...
 - Сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани ўқитувчиси отларингизга севинч-ла ғамхўрлик қиласди, - ишонтириди Дамблдор, - Кўли бўшаши билан. Ҳозир у бошқа жониворлари билан боғлиқ... м-м-м... арзимас муаммо билан овора.
 - Дракллар билан боғлиқ муаммолар, - пичирлади истехзоли хиринглаб қўйган Рон Гаррининг қулогига.
 - Отлагим жуда кучли. Улағга бақувват кўл кеғак бўлади, - огоҳлантириди Максим хоним, «Хогварц»да бундай ўқитувчи топилишига шубҳа қилган оҳангда.
 - Ташвиш тортманг. Хагрид отларингизни тойчоқларни эплаган каби уddeлайди.
 - Жуда соз, - енгил таъзим бажо айлади Максим хоним, - Илтимос, ўша Хагғидга айтиб қўйсангиз. Отлаги фақат ундиғиб янчилган буғдой вискиси билан суғоғиши кеғак.
 - Албатта, - жавобан таъзим қилди Дамблдор.
 - Юғинглаг, - амр этди Максим хоним шогирдларига.
- «Хогварц» ўкувчилари икки томонга сурилиб, меҳмонларга асосий зинапоя томон ўтишлари учун йўл очишиди.
- «Бэльстэк» отлари бунчалик катта бўладиган бўлса, «Дурмштранг» отлари қандай бўлар экан, а? - сўради Лаванда билан Парваттининг орасида турган Симус Финниган Гарри билан Ронга мурожаат қилиб.
 - Агар манави отлардан ҳам катта бўладиган бўлса, уларни ҳатто Хагрид ҳам уddeлай олмайди, - жавоб қайтарди Гарри, - Уни дракллар еб қўйишмаган бўлса, албатта. Қизик, драклларга нима қилди экан, а?
 - Тарқаб кетишгандир? - хаёлчан оҳангда тахмин қилди Рон.
 - Ундей дема, - сесканиб кетди Гермиона, - Ҳовлига ўрмалаб келишса нима бўлишини тасаввур қилиб кўр...

«Дурмштранг» мактабидан ташриф буорадиган меҳмонларни ҳаракатсиз туриб қутаётган болалар ҳам совқота бошлашди. Кўпчилик умид билан осмонга боқди. Жимликни фақат Максим хоним отларининг пишқиришлари-ю, ер депсинишлари бузиб турди. Нихоят...

- Эшитяпсан-ми? - кутилмаганда сўраб қолди Рон.

Гарри дикқат билан атрофга қулок солди. Зулмат қаъридан қандайдир баланд, худди охиратдан янграётган каби бўғик гумбур-гумбур, гирдобга тортаётган хўриллаш эшитилди. Гаррига гўё дарё тубида улкан чангюткич ишлаётгандай туюлди...

- Кўл! - ўкириб юборди Ли Жордан, кўлини узатиб, - Кўл томон қаранг!

Дўнглик чўққисида турган халойиққа нихоятда гўзал манзара, коп-кора сув ҳавзасининг силлиқ юзаси очилиб турган эди. Бироқ ҳозир кўл юзаси силлиқ эмас, унинг ўртасида гайриоддий кўзгалиш кузатилмокда. Йирик пуфаклар пайдо бўлиб, сув тўлқини лойқа кирғокка урила кетди. Ҳаёл ўтмай, худди кимдир кўл тубидаги улкан тикинни суғуриб юборгандай, ҳавза марказида катта гирдоб ҳосил бўлди...

Гирдобнинг қоқ ўртасида аста-секин узун, қора хода ўсиб чиқди... Гарри елкан анжомлари-ю, арконларни кўриб қолди...

- Мачта! - хитоб қилди у, Рон билан Гермионага юзланиб.

Сув юзасига Ой нурида ярқираб күринган кема аста-секин, серхашам-ла сузиб чика бошлади. Унинг корпуси қандайдир ғалати, худди қачонлардир халокатта учраб, гарқ бўлган-у, энди юқорига олиб чиқилган кема скелетига ўхшайди. Иллюминаторлардан кўринаётган хира, тарқоқ ёруғлик эса нимаси биландир арвоҳ кўзини эсга солади. Нихоят қаттиқ ғичирлаган кема сув остидан тўла-тўкис чиқиб, айқираётган сув окими узра тебранганча, кирғоқ томон сузди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас ташланган лангарнинг зарбидан сувнинг чайқалгани ва қирғоққа ташланган кема нарвонининг бўғиқ зарбаси қарши олаётганлар қулоғига етиб келди.

Кемадаги одамлар соҳилга туша бошлади. Иллюминатор ёнидан ўта бошлашгач, қоматлари кўриниш берди. Таналарининг бичими билан ҳаммаси бирдай Краббе билан Гойлга ўхшайди... Бироқ вестибюль рўпарасидаги ёритилган майдонга яқинроқ келишгач, эгниларига аллақандай чигаллашиб, ранги кетган мўйнадан тикилган ридо кийишгани учун ҳам жуссалари квадрат бўлиб кўринаётганлиги маълум бўлди. Бироқ меҳмонларга раҳнамолик қилиб келаётган бошлиқнинг эгнидаги кийим эса мўйнанинг бошқа, худди ўзининг сочига ўхшаш кумуш тусли ва силлиқ навидан тайёрланган экан.

- Дамблдор! - шодиёна қичқирди у, киялиқдан кўтариilar экан, - Салом, қадрдон дўстим! Эсон-омономисиз?

- Миннатдорман, профессор Каркаров, соғ-саломатман, - саломлашди Дамблдор. Каркаровнинг овози мулойим, жарангдор эшигидан таралаётган ёргуликка етгач, у худди Дамблдор каби новча бўйли, озгин эканлиги, фақат Дамблдордан фарқли ўлароқ оқ соchlари қисқа олингани, уни ўроғлик чўкки соқоли эса қатъиятсиз жагини тўлиқ бекита олмаётгани кўринди. Дамблдорга яқин келган Каркаров директорнинг кўлини иккала қўли билан сиқиб, силкитди.

- Кадимий ва қадрдон «Хогварц», - деди Каркаров, сарик тишларини яланғочлатганча, қасрга назар ташлаб.

Ушбу сўзларни севиниб айтгани билан Каркаровнинг нигоҳи совуклигича қолаётгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Қадрдон даргоҳга яна ташриф буюришга нима етсин... Виктор, иссиққа кир... Эътирозингиз йўқми, Дамблдор? Викторимиз бироз шамоллаб қолган... Каркаров ўқувчиларидан бирини имлаб чакирди. Кора қошлари қалин қарчиғайбурун ўсмир Гаррининг ёнидан ўтди. Уни таниш учун Роннинг чимдишига ҳам, қулоғига пичирлашига ҳам эҳтиёж йўқ эди.

- Гарри, ахир бу, Крум-ку!

XVI БОБ.

ОТАШЛИ ЖОМ

Мармар зинапоядан «Дурмштранг» вакиллари кетидан «Хогварц» ўқувчилари кўтарилиди.

- Кўзларимга ишонмайман! - деди Рон, тўлқинланиб, - Гарри, ахир бу, Крум-ку! Виктор Крум!

- Э, Худойим, у бор-йўқ квидиш ўйинчиси холос, - деди Гермиона.

- Квидиш ўйинчиси холос?

Рон энди ўз қулоқларига ишонмаётган каби Гермионага юзланди.

- Гермиона, ахир у жаҳоннинг энг зўр Сайёдларидан бири-ку! Мактаб ўқувчиси эканлигини тасаввур ҳам қилмаган эканман!

Катта Зал томон ҳаракатланаётган Гарри Ли Жорданнинг Крумни кўриш иштиёқида оёқ учида сакраб бораётганини кузатиб борди. Олтинчи синфда таҳсил кўрадиган қизлар эса юрган йўлларида кисса титкилаб боришли.

- Қара-я, ўчакишгандай, бирорта ҳам пат-қалам топилмайди!

- Нима деб ўйлайсан, шляпамга лаб бўёғи билан дастхат қўйиб беришга кўнармикан, а? Хаёл ўтмай қизлар битта лаб бўёғи орқасидан гап талашиб қолишиди.

- Ўзингизни сал идора килиб олсангиз-чи, - деди уларнинг ёнидан ўтаётган Гермиона,

димоғдор беписандалик билан.

- Мен ҳам иложи бўлса, унинг дастхатини олишга уриниб кўраман, - деди Рон, - Гарри, иттифоқо, ёнингда бирорта пат-қалам йўқми?

- Йўқ, ҳаммаси ётоқхонада, юк халтамда.

Улар «Гриффиндор» столи томон йўл олишди. Рон атайлаб, ҳалигача остоңада, қаерга жойлашишни билмай ивирсиб турган Крум ва унинг ўртоқлари томон юзланиб ўтириди. «Бэльстэк»дан келган болалар «Равенкло» дастурхони атрофига ўтиришга аҳд қилишибди. Улар ноҳуш қиёфа ясаб, Катта Зални томоша қилишди. Уч нафари ҳалигача бошидаги шарф ва шолрўмларини ечгани йўқ.

- Бу ер совук эмас-ку, - деди бэльстэкчиларни кузатиб ўтирган Гермиона, - Умуман айтганда, нега улар ридо кийиб келишмабди?

- Бу ёққа! Келинглар, мана бу ерга ўтиринглар! - деди кутитмаганды Рон, - Бу ёққа! Гермиона, силжи, жой бўшат...

- Нима?!

- Бўлди, кеч бўлди, - алам-ла хўрсинди Рон.

Виктор Крум бошқа дурмштрангчилар билан бирга «Слизерин» столи атрофига жойлашди. Малфой, Краббе ва Гойл мағурона қиёфа касб этишди. Гарри Малфойнинг энгашиб Крум билан сұхбатлашаётганини кузатиб ўтириди.

- Ҳа, Малфой, ялтоқлан, - пицирлади зардаси қайнаган Рон, - Ишончим комилки, Крум кўзингга караб, орқангни кўра олади... Одамларнинг суркалишларига ўрганиб қолган бўлса керак... Нима деб ўйлайсиз, улар қаерда ухлашади? Ётоқхонамизни таклиф қилишимиз мумкин, а, Гарри, нима дейсан?... Мен унга ўрнимни бўшатиб, ўзим йиғма каравотда ётган бўлар эдим...

Гермиона истехзоли пишқириб қўйди.

- Киёфалари бэльстэкчиларга нисбатан мамнунрок, - таъкидлаб қўйди Гарри.

Мўйнали кийимларини ечаётган «Дурмштранг» ўқувчилари Катта Залнинг юлдузли шифтини томоша қилишди. Айримлари эса дастурхондаги тилла ликоп ва қадаҳларни кўлга олиб, бундай ҳашамдан таъсиранланганча, айлантириб қўришди.

Назоратчи Филч Мўътабар Стол ёнида қўшимча креслолар ўрнатиш билан овора.

Тантанали кун муносабати билан у ўзининг йўсинг қоплаган фракини кийиб олган. Дамблдорнинг икки томонига иккитадан тўртта кресло қўшилгани Гаррини таажжублантириди.

- Нега Филч тўртта кресло келтирди? Ахир катта меҳмонлардан атиги икки киши келди холос-ку? - қошини қўтарди Гарри, - Яна кимдир келиши керакми?

- А? - савонни тушунмади Крумдан қўзини узмаган Рон.

Ўқувчилар жойлашиб олгач, Катта Залга ўқитувчилар кириб келиб, Мўътабар Стол атрофидаги жойларни бирин-кетин эгаллашди. Ўқитувчилар навбатининг охирида профессор Дамблдор, профессор Каркаров ва Максим хоним туришибди. Ўз директорларини кўрган бэльстэкчилар тик туришди. Буни кўрган айрим «Хогварц» ўқувчилари кулиб юборди. Уларнинг кулгиларидан бэльстэкчилар оз бўлса ҳам хижолат тортишгани йўқ. Максим хоним Дамблдорнинг чап томонида ажратилган креслога ўтиргунга қадар бэльстэкчилар қилт этмай оёқда турди. Дамблдор ҳам оёқда турганча колди. Шундан сўнг Катта Залга мутлақ сукунат чўқди.

- Хайрли оқшом, муҳтарам леди ва жентльменлар, арвоҳлар ва энг асосийси, азиз меҳмонлар, - сўз бошлади Дамблдор хорижий ўқувчиларга қараганча, яшнаб кетиб, - Сизларни «Хогварц» даргоҳида қутлаш мен учун буюк шарафдир. Умид қиласман-ки, бу ерда ўтказадиган кунларингиз сизларга ёқимли, хушнуд ва шинам кечади.

Бошидаги шарфини қўли билан ҳамон тутиб турган «Бэльстэк» қизларидан бири якқол эшилтириб истехзоли кулиб қўйди.

- Ёқмаса, йўқол! - пицирлади Гермиона аччиқланиб.

- Беллашувнинг расмий очилиши зиёфат ниҳоясида бўлиб ўтади, - эълон килди Дамблдор, - Хозир эса таомлар-у, ичимликлардан лаззатланиб ўтиришингиз ва умуман ўзингизни ўз

үйингизда, деб билишингизни илтимос қиласан.

Дамблдор ўтириши билан Каркаров энгашиб, иккаласи жонли сухбат қуриб кетишиди.

Стол устидаги идишлар хар доим содир бўлганда, сехрли тарзда таом ва ичимликка тўлиб-тошди. Уй эльфлари бугун зўр маҳорат кўрсатишган. Ушбу даргоҳда кўп зиёфатлар бўлиб ўтган бўлса-да, бу қадар ранг-баранг егуликни Гарри муқаддам кўрмаган. Бир қанча таомлар хорижий эканлиги яққол кўзга ташланмоқда.

- Мана буниси нима бўлди? - сўради Рон гўшт ва буйракдан тайёрланган пудинг ёнидаги димланган моллюскаларга ўхшаш нарсага тўла лаганни кўрсатиб.

- Буйабес, - деди Гермиона.

- Соғ бўл, - тилак билдириди Рон.

- Мен чушкирганим йўқ. Бу французча таом. Номи шундай талаффуз этилади, - тушунтирган бўлди Гермиона, - Ёзги таътилда еган эдим. Татиб кўр, жуда мазали.

- Шундоқ ҳам гапингга ишонаман, - деди Рон ликопига пудинг солиб.

Келган бўлса жами йигирматача меҳмон келгандир. Бироқ ҳозир, балки рангли кийимлар «Хогварц»нинг қора коржомалари орасида яққол ажраб турганидан бўлса керак, Катта Зал одамга тўлиб кетганда туюлмоқда. «Дурмштранг» ўқувчилари ечиб қўйишган мўйналар остидаги кийим қондай қип-қизил экан.

Зиёфат бошланиб, йигирма дақиқа ўтгач, ўқитувчилар столига яккакифт юрган Хагрид яқинлашди. У Мўътабар Стол четидаги креслосига жойлашиб, бинтга ўралган қўлини Гарри, Рон ва Гермионага силтади.

- Драклчалар қалай, Хагрид, соғ-саломатми? - қичкирди Гарри.

- Зўр, - жавоб қайтарди баҳтиёр Хагрид.

- Ким ҳам шубҳа қилиши мумкин, уларнинг саломатликларига. Афтидан дракллар нимани хуш кўришлари ниҳоят аниқланган кўриниади. Хагриднинг бармоқлари эканда.

- Мени маъзуғ сананг, буйабесдан яна ейсизми?

Болаларнинг рўпарасида ниҳоят бошидаги шарфини ечиб қўйган, Дамблдорнинг гапига истеҳзоли кулиб қўйган киз туриби. Кўм-кўк кўзлари катта-катта, оппоқ тишлиари теп-текис кўринаётган ушбу қизнинг кумуш-тилла тусли соchlари шаршарадай товланиб, белигача тушиб туриби.

Ранги қизаруб кетган Рон, оғзи ланг очилганча, қизалоққа бакрайиб қолди. Саволга жавоб бермоқчи бўлди-ю, оғзига икки калима сўз келмади.

- Йўқ, олаверинг, - деди Гарри лаганни қиз томон суриб.

- Еб кўғдингиз-ми?

- Ҳа, - ниҳоят унсиз жавоб берди Рон, - Ниҳоятда мазали экан.

- Тўғғи айтасиз, миннатдоғман.

Қизалоқ лаганни олиб, эҳтиётлик билан «Равенкло» столи томон равона бўлди. Рон, худди ҳаётида қиз кўрмагандек, меҳмоннинг ортидан қараб қолди. Ўртоғининг афтини кўриб кулиб юборган Гарри Роннинг хушини жойига қайтарди.

- Вейла-ку! - хириллади Рон.

- Бўлмаган гап! - лабини қимтиди Гермиона, - Сендан бошқа ҳеч ким унга худди эси паст овсадай чақчайгани йўқ!

Бироқ Гермионанинг сўzlари ҳақиқатдан йироқ. Аксарият ўғил болалар узун сочли қиз ортидан қараб ўтиришар, айримлари эса худди Рон каби донг котиб қолишишган эди.

- Чин сўзим, бу оддий қиз эмас! - деди Рон, кузатув обьектини кўздан йўқотиб қўймаслик учун ён томон оғиб, - «Хогварц»да бундай қизлар ясалмайди!

- Адашасан, «Хогварц»да ҳам ясалади, - ўйлаб-нетиб ўтирмай валдиради Гарри, кумуш сочли қиз яқинида ўтирган Чу Чэнгга қараб.

- Иккалангиз ҳам соғлом ақлингиз ва кўриш қобилиятингизни тиклаб олсангиз, ҳозиргина «Хогварц»га ким ташриф буюрганини кўрасиз, - деди Гермиона, Мўътабар Стол томон имо қилиб.

Қўшимча қўйилган тўртта креслодан яна иккласи ниҳоят банд қилинибди. Профессор Каркаровнинг ёнидаги креслони Людо Шульман, Максим хонимнинг ёнидаги креслони

эса Персининг бошлиғи мистер Сгорбс эгаллабди.

- Уларга нима керак экан бу ерда? - хайрон бўлди Гарри.

- Ҳар қалай, Уч сехргар беллашувини айнан шу кишилар ташкиллаштиришган, - кесатди Гермиона, - Ўйлашимча, тантанали очилиш маросимида ҳақли равишда иштирок этишгани келишган.

Узатилган ширинликлар орасида боз нотаниш егуликлар кўринди. Рон бланманжени дикқат билан ўрганиб чиқди-да, «Равенкло» столидан кўриниши учун сал ўнгроқ сурис кўйди. Бироқ вейлага ўхшатилган қизнинг қорни тўйган кўринади, қайтиб келмади (*Бланманже – қаймокқа корилган магиз, шакар ва желатиндан тайёрланган дирилдок*).

Кўп ўтмай тилла идишлар бўшаб, тозалигидан ярқиради. Дамблдор яна ёёқقا тургач, Катта Залда ҳаяжонли сукунат қарор топди. Гаррининг танаси ёқимли титраб кетди.

Қизик, нима бўлар экан ҳозир? Ундан бир нечта курси нарида ўтирган Фред билан Жоржнинг вужуди қулоққа айланиб қолгандай гўё. Иккаласи энгалиб олиб, дикқат билан Дамблдорга тикилиб ўтирибди.

- Вақт етди, - эълон қилди «Хогварц» директори чехралар уммонига мурожаат қилиб, - Уч сехргар беллашуви бошланяпти. Сандиқча олиб келингунга қадар, ушбу ўкув йилида нималар бўлиб ўтиши ҳақида айрим тушунтиришлар бериб ўтмоқчиман...

- Нима олиб кирилгунга қадар? - тушунмади Гарри.

Рон елка қисди.

- Даставвал, ижозатингиз билан, меҳмонларимизни таништириб ўтсан. Демак, танишинг: мистер Бартоломеус Сгорбс, Буюк Британия Сехгарлик вазирлиги Халқаро сехгарлик ҳамкорлиги департаменти бошлиғи.

Боадаб қарсаклар чалинди.

- Ва мистер Людо Шульман, вазирликнинг Сехгарлик ўйинлари ва спорт департаменти бошлиғи.

Эҳтимол квидиш ўйинида эришган сўнмас шон-шуҳрати, балки мистер Сгорбсга нисбатан барно кўрингани сабаблидир, Шульманнинг шарафига анча қаттиқ қарсак урилди. Миннатдорлик сифатида бўлса керак, Шульман қўли билан артистларга хос имо кўрсатди. Бартоломеус Сгорбс эса аксинча, исми эълон қилинганига ҳеч қандай муносабат билдирамади. Чодирли лагерга бекусур кийимда келганини эслаган Гарри сехгарлар кийими Сгорбсга ярашмаслигини ичида таъкидлаб кўйди. Чўткага ўхшаш мўйлови-ю, сочининг ўртасидан ниҳоятда тўғри очилган фарқ Дамблдорнинг узун соч-соқоли олдида жуда ғалати кўринар экан.

- Мистер Шульман билан мистер Сгорбс, - давом этди Дамблдор, - Уч сехргар беллашуви ўтказилишини ташкиллаштириш йўлида кўп ойлар тер тўкишиди. Шундай экан, улар мен, профессор Каркаров ва Максим хоним билан биргалиқда ҳакамлар таркибиға кириб, чемпионликка даъвогар-иштирокчиларнинг маҳоратларига баҳо бериб боришади.

«Чемпионликка даъвогар-иштирокчилар» сўзлари талаффуз этилганида, барчанинг шундок ҳам зўр берилган дикқат-эътибори янада ошиб кетди.

Буни Дамблдор ҳам сезгандай бўлди шекилли, кулиб кўйди.

- Ана энди навбат сандиқчага. Мистер Филч, марҳамат қилсангиз.

Шу вақтга қадар ҳеч кимнинг назарини ўзига жалб этмай Катта Залнинг узок бурчагида турган Филч Дамблдорнинг ёнига қимматбаҳо тошлар билан безатилган каттагина ёғоч кутини келтириб кўйди. Қути ниҳоятда қадимий бўлиб, одамлар орасида ҳаяжонли пичир-пичир кўтарилишига сабаб бўлди. Денис Криви яхшироқ кўриш учун ҳатто курсига чиқиб олди. Лекин жуссаси чиндан ҳам митти бўлгани учун унинг боши ўтирганлар боши узра базўр чиқди.

Қутини кўйган Филч нари кетгач, Дамблдор боз гап бошлади.

- Мистер Сгорбс ва мистер Шульман икковлон чемпионликка даъвогарлар томонидан бажарилиши лозим бўлган топширикларга оид йўриқномаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, барча зарурий тадбирларни тўла-тўқис ташкиллаштириди. Топшириклар жами учта бўлиб, ижро муддати бўйича ўкув йили давомига бўлиб чиқилган. Бу эса ўз навбатида, хар

бир даъвогарнинг қобилияти, сехргарликка, яъни хусусий хуносалар чиқаришга қодирлиги ва албатта хавфли вазиятни муносиб қарши олиб, тегишли хатти-ҳаракатларни бажара билишини пухта текшириб чиқиш имконини беради.

Катта Залдаги жимжитлик шу даражага бориб етдики, бирорнинг нафас олгани эшитилмайди.

- Сизга маълумки, - хотиржам давом этди Дамблдор, - Беллашувда ҳар бир иштирокчи-мактабдан биттадан, жами уч нафар сехргар куч синашади. Топшириқ ижросининг сифати ва беками-кўстлигига қараб, чемпионликка даъвогарларга балл ёзиб борилади. Энг кўп балл тўплаган даъвогар Уч сехргар беллашувининг чемпиони, деб эътироф этилади. Чемпионликка даъвогарларни эса бетараф ҳакам... хусусан мана бу сандикча ичидағи Оташли жом танлайди.

Дамблдор сехрли таёқчасини қўлига олиб, сандикчага уч маротаба уриб қўйгач, қопқоғи гижирилаб очилди. Шундан сўнг, қўлини сандикчага солиб, аллақандай ғализ ўйилган жом чиқарди. Агар ичидан ўйноклаб, окиш-мовий тусда ёнаётган қандайдир олов четларигача чиқаётгани инобатга олинмаса, ушбу жомнинг дикқатга сазовор жойи йўқ.

«Хогварц» директори сандикчанинг қопқоғини ёпиб, устига Оташли жомни қўйди. Ана энди жом ҳаммага аниқ кўринмоқда.

- Беллашувда иштирок этиш истагини билдирган ўкувчи пергамент парчасига ўзининг фамилияси ва қайси мактаб вакили эканлигини ёзиб, ушбу жом ичига ташлаши даркор, - тушунтириш берди Дамблдор, - Чемпионликка даъвогарлар ихтиёрига, ўйлаб кўриш учун йигирма тўрт соат вақт ҳавола этилган. Оташли жом ўз мактабининг шаррафини химоя қилишга ким муносиб эканлигини ҳал этгач, эртага, Хэллоуин куни, уч нафар сехргарнинг исмларини бизга маълум килади. Бугун окшом Оташли жом барча талабгорлар бемалол кириши мумкин бўлган вестибюлга ўрнатиб қўйилади.

Бир оз танаффус қилган Дамблдор қўшимча қилди:

- Уч сехргар беллашувида иштирок этиш учун белгиланган ёшга етмаган ҳар қандай ўкувчи власвасага тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида жом вестибюлга ўрнатилиши билан мен, унинг атрофига Ёш чегарасини юритиб қўяман. Ишонтириб айтаман-ки, ўн еттига тўлмаган бирор-киши ушбу мэррани кесиб ўта олмайди.

Айтилаётган ҳар бир сўзни губка сув шимган каби эшитаётган халойикка дикқат билан назар солиб, бир оз сукут сақлаган Дамблдор давом этди:

- Ва ниҳоят, сўзимни якунлар эканман, маълумотингиз учун яна бир жиддий хабарни сизга етказиб қўймоқчиман. Ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган чемпионликка даъвогарларни огохлантириб қўйиш менинг зиммамга юклangan бурчdir. Шуни билинг-ки, Беллашув шартлари у қадар содда эмас. Оташли жом томонидан саралаб олинган чемпионликка даъвогар Беллашувнинг бошидан охиригача иштирок этиши шарт. Зеро, фамилиянигиз ёзилган пергамент бўлраги Оташли жомга тушиши ҳамоно, сиз билан жом ўртасида узлуксиз алоқа юзага келади, яъни ўзига хос сехрли битим тузилади. Модомики, Оташли жом томонидан чемпионликка даъвогар сифатида саралаб олинар экансиз, энди хеч нарсани ўзгаририб бўлмайди. Бас, шундай экан, Уч сехргар беллашувининг охиригача иштирок этишга курбингиз етадими етмайди-ми, обдан ўйлаб кўришингиз талаб этилади... Хўш, ётар вақт етди. Марҳамат, ҳамма уйқуга. Хайрли тун.

- Ёш чегараси! - хитоб қилди Фред, эл катори Катта Залдан чиқиши эшиги томон йўл олар экан, - Бундай гов биз учун чўт эмас. Уни енгиги ўтиш воситаси сифатида айнан Қаритиш дамламаси қўл келади. Энг асосийси, пергамент бўллагини Оташли жомга ташлашга улгурсак бўлди. Ана ўшанда иш битиб, марра бизники дейиш мумкин. Сен ўн етти ёшга тўлганинг ёки ҳали бешикда ётганингни жонсиз жом қаердан билсин?

- Бироқ фикримча, ўн етти ёшга тўлмаган эканмиз, топшириқлар ижросини уddyдай олмаймиз, - гапга аралашди Гермиона, - Биз ҳали жуда кўп нарсаларни билмаймиз...

- Ўз номингдан гапир, - кесатди Жорж, - Хўш Гарри, сен нима дейсан? Фреднинг таклифини амалда синаб кўрасанми?

Дамблдорнинг: «... ўн етти ёшга тўлмаганлар ўз вақтини беҳуда ўтказиб, ариза беришга

уринишмасин», - деган сўзларини қисқа фурсат бўлса ҳам, эсга олган Гарри Уч сехргар беллашуви Кубогини қўлга олаётганини тасаввур этгач... Қизик, агар ўн етти ёшга тўлмаган ўқувчи Ёш чегарасини ошиб ўтиш усулини топа олганини Дамблдор билса, у қанчалик қаттиқ ранжиши мумкин...

Рон сухбатга мутлақо эътибор қаратгани йўқ. Унинг кўзлари аланг-жаланг бўлганча, Крумни қидирмоқда.

- Қани у, а? Дурмштрангчилар қаерда ухлаши ҳакида Дамблдор тўхталиб ўтмади-ми, иттифоқо?

Саволга жавоб шу захоти топилди. Айни пайтда улар слизеринчилар столи ёнидан ўтиб боришаётган бўлиб, Каркаров ўз ўқувчиларини йигиб турганини кўришди.

- Бўлди, кемага қайтамиз, - деди у шогирдларига, - Виктор, ахволинг қалай? Қорнинг тўйди-ми? Глинтвейнга одам жўнатай-ми? ([Глинтвейн – ширинлик нарсалар қўшиб, қизил винодан тайёрланган иссиқ ичимлик](#))

Мўйна кийимини кияётган Крум бош чайқаб кўйди.

- Профессор, вино беришса, рад этмас эдим, - умид билан сўради бошқа бола.

- Мен уни сенга таклиф қилганим йўқ, Поляков, - ириллаб кўйди Каркаров, оталарча ғамхўрлиги бир зумда барҳам топиб, - Сен яна коржомангни овқатга булғаб олибсан, палпис...

Каркаров ўгирилиб, ўқувчиларини чиқиши эшиги томон етаклаганча, Гарри, Рон ва Гермионага етиб олди. Гарри тўхтаб, профессорни одоб билан олдинга ўтказди.

- Ташаккур, - деди Каркаров.

Лоқайдлик билан бола томон қараб кўйган профессор кутилмаганда тўхтаб, кўзларига ишонмай Гаррига бақрайиб колди. Директорнинг ортидан эргашиб бораётган «Дурмштранг» ўқувчилари ҳам тўхтади. Каркаров Гаррига бошдан-оёқ назар солиб, чандикқа тикилди. Дурмштрангчи болалар ҳам Гаррига қизиқсиниб қаращди. Палпис бола эса тирсаги билан ёнидаги қизни туртиб, очиқдан-очиқ чандикқа имо қилди.

- Ҳа, бу айнан ўша бола, - гуриллаб эшитилди орқадан.

Профессор Каркаров овоз эшитилган томон кескин ўгирилди. Унинг қаршисида қўлига асо ушлаган Ўйноқкўз Хмури турибди.

- Сиз?! - ох уриш оҳангода сўради Каркаров, худди арвоҳни қўриб қолгандай бўлиб.

- Мен, - ғазаб-ла жавоб қайтарди Хмури, - Агар Поттерга айтадиган сўзингиз бўлмаса, Каркаров, йўлингизни давом этинг. Тирбандлик ҳосил килиб кўйдингиз.

Чиндан ҳам унинг кетида анчагина одам тўплangan бўлиб, нима бўлаётганини билиш учун бўйин чўзишмоқда.

Профессор Каркаров шогирдларини ортидан эргаштириб, индамай нари кетди. Сехри кўзини дурмштрангчилар директорининг белига тикиб олган Хмури жирканч қиёфа ясаганча кузатиб турди.

Эртаси куни шанба бўлгани боис, аксарият болалар Катта Залда ўтадиган нонуштага нисбатан кеч келиши керак эди. Бироқ бугун, ҳали қарға гўнг титмай туриб, Гарри, Рон ва Гермиона уйғониб олишди. Учовлон пастга тушиб вестибюлга аллақачон йигирмага яқин бола тўпланиб олганини кўрди. Кимdir бутерброд кавшаяпти, кимdir Оташли жомни томоша киляпти. Жом полга юритилган, радиуси ўн футча келадиган тилла тусли доира марказида, одатда, ўқув йили бошланиши муносабати билан ўтказиладиган зиёфат бошида сараловчи шляпа қўйиладиган курси устига ўрнатилган.

- Жом ичига бирон киши қоғоз ташлади-ми? - қизиқсиниб сўради Рон учинчи синфда таҳсил қўрадиган ўқувчи қиздан.

- «Дурмштранг» ўқувчиларининг ҳаммаси, - жавоб берди қизалоқ, - Бироқ «Хогварц»дан бирон киши қоғоз ташлаганини кўрмадим.

- Балки айримлар кечаси, ҳамма ухлаб ётганда ташлашгандир, - фикр билдириди Гарри, - Мен ҳам, бировга кўрсатишни истамай, айнан шундай килган бўлар эдим. Агар жом

пергаментни ташлашинг билан ҳамманинг кўз ўнгида тупуриб ташласа нима бўлишини тасаввур қилиб кўр?!

Орқада кулги эшитилди. Мармар зинапоядан хаддан ортиқ тўлқинланиб кетган.эгизаклар Фред, Жорж ва уларнинг дўсти Ли Жордан тушишмоқда.

- Журъат этдик, - пиҷирлади музaffer киёфа касб этган Фред, учовининг хулкини кўриб турган Гарри, Рон ва Гермионага, - Уриб олдик!

- Нимани уриб олдингиз? - сўради ҳеч нимани тушунмаган Рон.

- Қаритиш дамламасини, бефахм, - тушунтириди Фред.

- Биз атиги бир неча ойга кексайишимиз керак холос. Шу боис бир томчидан ичганимиз етарли бўлади, - қувонч-ла қўл ишқалади Жорж.

- Қайси биримиз ғолиб чиқишишимиздан қатъи назар минг галлеонни уч кишига бўлишиб олишга аҳд килдик.

- Бу қилиғингиз кор беришига шубҳа қиласан. Ишончим комилки, Дамблдор бу каби найрангларни хам кўзда тутган, - огоҳлантириди Гермиона.

Фред, Жорж ва Ли Гермионанинг сўзларини писанд қилишмади.

- Тайёрмисиз? - сўради Фред иккала шеригига мурожаат қилиб, - Ундан бўлса, кетдик. Мен бошлаб бераман...

Чўнтағидан «Фред Уэсли – «Хогварц»» сўзлари битилган пергамент парчасини чиқариб, тилла тусли Ёш чегараси ёнига, худди эллик фут баландлиқдан сакрашга хозирланаётган кишидай туриб олган Фреднинг ҳаракатларини Гарри кўзларини катта-катта очганча кузатиб турди. Вестибюlda борки одам Фредга бақрайиб қолган. Чукур нафас олган Фред чегара чизигини шартта кесиб ўтди.

Гарри, ушбу найранг кор берганига маълум вакт бовар қилди. Бу масалада ишончи комил бўлган Жорж музafferият наърасини тортганча, акасининг кетидан сакради. Навбатдаги сонияда аллақандай вишиллаган товуш эшитилиб, эгизаклар, худди кўзга кўринмас манжаниқ воситасида улоқтириб юборилгандаи, доира ташқарисига учиб чиқди. Иккаласи Оташли жомдан ўн футча нарига, тошдан тўшалган муздай полга жони оғриб тушди.

Бундай хўрлик камлик қилгандаи нимадир қарс этиб, иккаласининг боши узун, оппоқ соч-соқолга бурканди.

Янграган қаҳхаҳадан вестибюль деворлари титраб кетди. Ҳатто оёққа турган Фред билан Жорж хам бир-бирининг башарасига қараб кулиб юборди.

- Мен сизларни огоҳлантирган эдим-ку, - эшитилди таажжубли овоз.

Ҳамма Катта Залга кириш эшиги олдида Дамблдор турганини кўрди. Дириектор кўзларидаги қув нигоҳ-ла Фред билан Жоржни дикқат билан кўздан кечириб чиқди.

- Назаримда Помфри хонимнинг хузурига боришингиз даркор. У айни пайтда худди иккалангиз каби бироз каришга аҳд қилган равенклочи мисс Фоссетт билан хуффльпуффчи мистер Сammerсни даволаш билан машғул. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, уларнинг соқоллари сизнинг соқолингиз олдида ип эша олмайди.

Эгизаклар кулавериб хўнграб юборишга сал қолган дўстлари Ли Жордан ҳамроҳлигига шифохона томон ўқдай учиб кетди. Гарри, Рон ва Гермиона эса хиринглаганча, нонушта қилгани йўл олди.

Бугун, Хэллоуин байрами муносабати билан Катта Залнинг қиёфаси ўзгача. Ҳавода муаллақ осилиб, каттагина булат ҳосил қилган ҳақиқий кўршапалаклар сехрланган шифт остида қанотларини шитирлатиб туриди. Бурчакларда эса ошқовоқдан жимжимадор кесиб ясалган башаралар бақрайиб кўринмоқда. Гарри «Хогварц»нинг чемпионликка даъвогар бўлишга муносиб, ўн етти ёшга тўлган ўқувчиларини муҳокама қилиб ўтирган Дин билан Симуснинг ёнига жойлашди.

- Айтишлари-ча, «Слизерин» жамоасининг Овчиси Уоррингтон ўз исми ёзилган пергаментни тонготар махалда жомга ташлабди, - деди Дин Гаррига, - Нимаси биландир ленивецга ўхшаб кетадиган слизеринчи-томтешарни эслайсан-ми? (*Ленивец – дараҳтларда ўрмалаб, барглар билан оққатланадиган, ерда юришига яхши мослашмаган, асосан Жанубий Америкада тарқалган сутэмизувчи ҳайвон*).

- Одам куриб кетгандай, келиб-келиб слизеринчи даъвогар бўладими? Ҳеч қачон!
 - Хуффльпуфчилар эса ҳаммаси бирдай Диггорига ёпишиб олган. Фақат, назаримда, ўша хушрўй Диггорининг ичаги таваккал қилишга ингичкалик қиладиёв, - фикр билдириди Симус, жирканиб.
 - Эшиятпиз-ми? - қутилмаганда сухбатни тўхтатди Гермиона.
- Вестибюлдан қувончли қичқириклар янграганини эшифтган болалар ўтирган жойида ўгирилиб, уятchan табассум-ла Катта Залга кириб келаётган, новча бўйли, қора сочли, «Гриффиндор» квидиш жамоасининг Овчиси Ангелина Жонсонни кўрди. У Гаррига яқин турган курсига ўтириди-да:
- Бўлди, ариза бердим! Қоғозни жомга ташладим! - деб қўйди.
 - Ростданми?! - деди Рон таъсирланиб.
 - Демак ўн еттига тўлган экансан-да? - сўради Гарри.
 - Соқолини кўрмаяпсан-ми? Тўлган, албатта, - хулоса чиқарди Рон.
 - Туғилган қуним ўтган ҳафта бўлиб ўтди, - маълум қилди Ангелина.
 - Хайрият, «Хогварц» ўқувчилари орасидан бир киши бўлса ҳам, ариза берди, - деди Гермиона, - Ангелина, айнан сени танлашларига жуда умид қиласман!
 - Раҳмат, Гермиона, - бош иргиб қўйди Ангелина.
 - Тўғри, анави барно Диггоридан кўра сен иштирок этганинг афзал, - фикр билдириди Симус.

Унинг оғзидан гап чиқиши билан айни пайтда болалар ёнидан ўтаётган хуффльпуфчилар гуруҳи ўқрайиб, жеркиб кетишиди.

Учовлон ўртоқ нонушта қилиб бўлиб, Катта Залдан чиқиши эшиги томон йўл олди.

- Хўш, бугун нима иш қиласми? - сўради Рон Гарри билан Гермионадан.
- Биз ҳали Хагриднинг кулбасига ташриф буюрганимиз йўқ, - эслади Гарри.
- Үндай бўлса, кулбага борамиз, - рози бўлди Рон, - Агар у драклларни бокиши учун бир жуфтдан бармоғимизни сўрамаса, албатта.

Гермионанинг юзи қутилмаганда яшнаб кетди.

- Тўхтанг, Хагридга халигача САССИҚ жамиятига аъзо бўлишни таклиф этмаган эдим, - қувонч-ла бақирди у, - Шу ерда кутиб туринг, мен югуриб бориб, кўкрак нишонларидан олиб келай.
- Қанақанги одам у, а? - уф тортди Рон, мармар зинапоя бўйлаб юурганча кўтарилаётган Гермионанинг кетидан қараб.
- Уялмайсан-ми, Рон? - деди Гарри, - Нималар деяпсан? Ахир у дўстинг-ку...

Кўчадан асосий эшик орқали бэльстэкчилар вестибюлга кириб келишиди. Улар орасида вейлага ўхшаб кетадиган узун сочли қиз ҳам бор. Оташли жом атрофига тўпланиб олганлар нари кочиб, нима бўлишини кутганча, қараб қолишиди.

Вестибюлга охирги бўлиб кириб келган Максим хоним ўқувчиларини бир чизиққа тизди. Ўта интизомли бэльстэкчилар Ёш чегарасини навбат билан кесиб ўтиб, ўз пергаментларини оқиш-мовий тусда ёнаётган оловга ташлашиди. Қозоз бўлаги тушиши ҳамоно олов муайян вақт қизил ранг олиб, учқун сачратиб турди.

- Нима деб ўйлайсан, Гарри, - пичирлаб сўради Рон, вейлага ўхшаш қиз ўз пергаментини оловга ташлаб, сафга қайтгач, - Танланмаган межмонлар ўз юртига қайтиб кетадими ёки Беллашув томошасига қоладими?
- Билмадим, - елка кисди Гарри, - Колишса керак. Ахир Максим хоним шу ерда колиб, ҳакамлик қилади-ку...

Бэльстэкчилар ариза бериб бўлгач, Максим хоним шогирдларини кўча томон эргаштириб кетди.

- Қизиқ, улар қаерда ухлашади? - сўради Рон худди сехрланиб қолгандай уларга эргашиб.
- Баланд эшитилган шақир-шукур товуш САССИҚ жамиятининг кўкрак нишонларига тўлган кути ушлаб олган Гермиона қайтганидан далолат берди.

- О, жуда соз, энди тезроқ чиқайлик, - суюниб кетди Рон, чиқиши эшиги томон ошикиб. У қияликнинг ўртасига етиб борган Максим хоним гурухи орасидаги вейла кизнинг

белидан хеч кўз уза олмади.

Болалар Хагриднинг Ман этилган ўрмон четидаги қулбасига етиб боргач, «Бэльстэк» қароргоҳи қаерда жойлашгани маълум бўлди. Хагриднинг қулбасидан тахминан икки юз ярд нарида катталиги уйдай келадиган хира мовий арава турибди. Айни пайтда бэльстэкчилар навбат билан аравага чикишаётган экан. Қанотли, ўлчами филдай келадиган ўн иккита от эса наридан-бери тайёрланган қўтон ичида ўтлаб юрибди.

Гарри эшик тақиллатиши билан Сўйлоқтишнинг ақиллагани эшитилди.

- Хайрият! - хитоб қилди эшикни очиб, кимлар ташриф буюрганини кўрган Хагрид, - Менинг қулбам қаердалигини унубиб юборган бўлсангиз керак, деган хаёлга борган эдим.
- Биз нихоятда банд эдик, Хаг...

Кутилмаганда гапириш қобилиятини йўқотиб қўйган Гермиона Хагридга бақрайиб қолди. Хагрид негадир жигар ранг, сертуқ, нихоятда хунук байрамона костюм кийиб, тўқ малла катакли бўйинбоғ тақиб олибди. Буниси-ку, майли, бироқ энг даҳшатлиси, Хагрид, ўзининг ҳаётда тарок қўрмаган ёввойи соchlарини ғилдирак мойини эслатадиган аллақандай модданинг нихоятда кўп миқдори воситасида тартибга келтиришга урингани бўлибди. Энди унинг бошидаги худди мол ялаганга ўхшаб қолган ёли тенг иккига бўлинниб турибди. Афтидан Хагрид Биллга тақлид килганча, дастлаб сочини ўрмай боғлаб, отнинг думи сингари орқага ташлаб олишга ҳаракат қилган-у, сочи ҳаддан ортиқ қўплигини тушуниб етган. Кисқаси, бундай кепата Хагридга ярашмабди.

Гермиона бир оз чақчайиб турди-да, Хагриднинг турқига изоҳ беришдан ўзини тийиб, нихоят сўради:

- М-м-м... дракллар қалай?
- Ошқовоқ эгатларида, - жавоб кайтарди Хагрид, баҳтиёр охангда, - Ўсишдан тўхташгани йўқ. Таналари уч футга етиб қолди! Фақат бир нохушлик бор, у ҳам бўлса, бир-бирини ўлдириб қўйиши!
- Бўлиши мумкин эмас! - ох урган бўлди Гермиона, Хагриднинг соchlаридан қўзини узмай, алланима дейиши учун оғиз жуфтлашга ҳозирлик кўраётган Ронга ўқрайиб.
- Шунака, - деди Хагрид ташвишли охангда, - Лекин чора топгандай бўлдим. Хар бирини алоҳида-алоҳида яшикка қамаб қўйдим.
- Жуда яхши ўйлабсан, - деди Рон.

Унинг охангидаги истехзони Хагрид укиб олмади.

Кулба атиги бир хонали бўлиб, устига қуроқ адёл ташланган улкан каравот бурчакка ўрнатилган. Тозаланган күш таналари-ю, сон гўшти осиб қўйилган шифт остидаги камин рўпарасида атрофига курсилар терилган, ўлчами каравотдан қолишмайдиган ёғоч стол ўрнатилган. Каминда гуриллаётган очиқ олов устида мис чойнак қайнамоқда. Учовлон стол атрофига жойлашди, Хагрид эса чой дамлашга киришиб кетди. Кўп ўтмай Уч сеҳргар беллашуви ҳақида баҳс бошланди. Хагрид келгуси тадбирлардан ҳаяжонланиш масаласида болалардан қолишгани йўқ.

- Шошманг, - иршайди у, - Хали шунақа томошалар бўлади-ки, етти ухлаб тушингизга кирмаган. Биринчи топшириқ... Ҳа-я, бу ҳақда гапириш мумкин эмас-ку!
- Айт, Хагрид, айтиб бер, илтимос! - баралла ўтинди болалар.

Бироқ иршайиб турган Хагрид бош чайқашини қўймади.

- Йўқ, айтиб берсам кизиқ бўлмай қолади... Шуни таъкидлаб ўтишим мумкинки, зўр томоша бўлади. Чемпионликка даъвогарларга анчагина тер тўкишга тўғри келади. Уч сеҳргар беллашувлари боз ўтказиладиган кунга қадар етиб бораман, деб хеч ўйламаган эдим.

Болалар Хагрид билан тушлик қилишга қолиши-ю, тўйиб овқатлана олишмади. Давангир дастурхонга тобланган мол гўшти, деб ном берган таом узатди. Бироқ Гермионанинг порциясидан каттагина тирноқ чиққач, Рон билан Гаррининг иштаҳаси бўғилиб қолди. Шундай бўлса-да, улар мароқли сухбат қуриб, чемпионликка даъвогар сифатида кимлар сараланиши мумкинлигини муҳокама қилишди. Биринчи мусобака хусусида Хагридан гап сугуриб олишга уренишди, Фред билан Жорж ўз соч-соколларидан холи бўлишган-

бўлишмагани тахмин қилишди.

Кун ярмидан ўтиб, ёмғир енгил савалай бошлагач, болалар камин ёнида қулай жойлашиб, қатраларнинг дераза ойнасига урилишини эшигтанча, уй эльфлари борасида Гермиона билан мубоҳаса ўтказаётган Хагриднинг пайпоқ ямашини томоша қилиб ўтиришди.

Кўкрак нишонларига кўзи тушган ҳамоно Хагрид САССИҚ жамиятига аъзо бўлишни қатъий рад этди.

- Гапларимни тўғри тушунгинг-у, Гермиона, уй эльфарининг ҳуррияти йўлида олиб бориладиган ҳар қандай саъй-ҳаракат айнан эльфлар учун ҳеч қандай наф келтирмайди, - қатъий фикр билдириди Хагрид, сариқ ип ўтказилган сүяк игнани тортар экан, - Одамлар хизматида бўлиш – эльфлар табиатига хос фазилатдир. Уларни Парвардигор айнан шундай яратган, тушуняпсан-ми? Агар бундай хизматдан ҳалос этиладиган бўлса, улар бадбаҳт бўлиб қолишади, хизматларига ҳақ тўлайдиган бўлсанг, қаттиқ ҳақорат килган бўласан.

- Лекин Гарри Доббини озод этди-ку. Ҳурриятта эришган ўша эльф ҳурсандлигидан боши осмонга етди! - эътиroz билдириди Гермиона, - Эшлишишимизга қараганда, ҳозир у ҳақ тўланадиган иш қидираётган эмиш.

- Нима ҳам дер эдим. Ўз элатидан ажралиб турадиганлар ҳамма жойда топилади. Уй эльфлари бундан мустасно эмас. Бироқ уларнинг аксариятини дўқ-пўписа билан ҳам ихтиёрий ҳурриятга кувиб чиқара олмайсан. Йўқ, Гермиона, уринишларинг бехуда. Гермиона аразлаб, лаб-лунжини осиб олганча, кўкрак нишонлари жойланган кутини коржомасининг киссасига солиб қўйди.

Соат беш яримда қош корайди. Болалар қасрга, Ҳэллоуин байрамини нишонлаш учун ўюштириладиган зиёфат ва энг асосийси, Беллашув иштирокчилари саралаб олиниб, чемпионликка даъвогарларнинг исмлари эълон қилинадиган тадбирга ошиқди.

- Мен сизлар билан бораман, - деди Хагрид, чеварчилик ашёларини йигиштириб, - Бир дақиқа сабр қилинг.

У каравотдан туриб, яшикларни титкилай кетди. Болалар мудхиш хид сезишгунга қадар Хагрид томон қарапмаган эди. Бадбўй хидга бардош бера олмаган Рон йўталганча, бакириб юборди:

- Нима қилдинг, Хагрид?

- А? - деди кўлига катта шиша ушлаб олган Хагрид, болаларга юзланиб, - Ҳа, ёмон-ми?

- Соқол олинганидан сўнг суртиладиган лосьон-ми? - кизиқди нафаси бўғилиб қолган Гермиона.

- М-м-м... атири, - жавоб берди Хагрид қизариб, - Сал ошириб юбордим чоги. Ҳозир ювиб ташлайман... ҳозир, шу ерда кутиб туринг...

У ташқарига чиқиб кетди. Болалар деразадан Хагриднинг ҳовлидаги бочкага тўлдирилган сув билан ювинаётганини кўришди.

- Атири? Ва Хагрид? - хайрон бўлди Гермиона, болаларга юзланиб.

- Сочи билан костюми-чи? - қўшиб қўйди Гарри.

- Ташқарига қаранг! - кутилмаганда бакириб юборди Рон.

Бочка устида энгашган Хагрид айни фурсатда қаддини ростлаб олган. Агар унинг муқаддам кузатилган бундай ҳолати «қизариб кетди», деб таърифланганда, ҳозирги ахволини тавсифлаш учун васф топилмайди. Гарри, Рон ва Гермиона Хагрид сезиб қолмаслиги учун аста ўринларидан туриб, деразага яқин келишди. Зиёфатга отланган Максим хоним ўз ўкувчилари билан бирга аравадан тушган экан. Болаларга Хагриднинг сўзлари эшитилгани йўқ, аммо унинг Максим хоним томон юзланган қиёфаси, юзида барқ уриб турган завқ, нигохининг хиралашиб кетганидан ҳамма нарса тушунарли бўлди-қолди. Гарри Хагриднинг бундай нигохини бир вақтлар эндингина тухумдан чиқкан Норбертга қараб ўтирганида кўрган эди.

- Қаранг, қасрга анави билан бирга кетди-я! - жаҳл қилди Гермиона, - Нега у бизни унутиб қўйди?

Кулбаси томон бирор маротаба ҳам қиё боқмаган Хагрид Максим хонимнинг ёнида биттабитта қадам ташлаганча, нари кетди. Улкан қадам ташлаб бораётган иккала давангирга

етишиб юриш учун бэльстэкчи болалар лўкиллаб юришга мажбур бўлди.

- Жигаридан урганга ўхшайди! - пичирлади ўз сўзларига ўзи ишонмаган Рон, - Нима хам дер эдим. Агар иккаласи фарзанд кўришадиган бўлса, жаҳон рекордини қўйишади. Онт ичиб айтаман-ки, туғилажак чақалоқ вазни бир тоннадан енгил бўлмайди!

Болалар кулбадан чиқиб, эшикни ёпиб қўйишиди. Ташқари қоронғи. Ридоларига зичроқ ўраниб олиб, қиялик бўйлаб кўтарила бошлишди.

- О-о-о, қаранг, яна бир гурух меҳмон! - пичирлади Гермиона.

Кўл томондан қаср томон йўлга чиқкан дурмштрангчилар кўринди. Виктор Крум Каркаровнинг ёнида, колганлар орқада келишмоқда. Рон Крумга завқ тўла нигоҳ-ла қараб қўйди. Бироқ кириш эшиги ёнида Гарри, Рон ва Гермионага етиб олган Крум киё ҳам бокмай ўтиб кетди.

Сон-саноқсиз шам нурлари билан ёритилган Катта Зал одамга тўла. Вестибюлда турган Оташли жом ҳам Катта Залга олиб кирилиб, Мўътабар Стол устига, ҳозирча бўш турган Дамблдор креслосининг рўпарасига ўрнатиб қўйилган. Соч-соқолдан халос бўлган, муваффакиятсизликни муносиб қарши олган Фред билан Жорж ҳам ўз жойларида ғурурла ўтиришибди.

Гарри, Рон ва Гермиона эгизаклар ёнига жойлашгач, Фред умид билдириди.

- Ишончим комилки, Ангелина танланади.

- Мен ҳам шунга умид киляпман, - деярли унсиз қўшилди Гермиона, - Тез орада ҳаммасини биламиз.

Хэллоуин муносабати билан уюштирилган зиёфат анча чўзилиб кетди. Кетма-кет иккинчи зиёфат бўлгани сабаблидир, беназир тайёрланган тансиқ таомлар Гаррининг иштаҳасини зўр қўзгата олмади. Аксинча, агар кимлар чемпионликка даъвогар сифатида саралаб олинганини тезроқ билиш учун ушбу таомлар зудлик билан гум бўлса, беҳад хурсанд бўлар эди. Катта Залда ўтирган аксарият одамларнинг бўйин чўзишилари, сабрсизлик барқ ураётган қиёфалари, беҳаловат хатти-ҳаракатлари, «Хогварц» директори овқатланиб бўлган-бўлмаганини кўриш учун айримлар вақти-вақти билан ўтирган ўрнидан туриб, қараб-қараб қўйишидан билса бўладики, колганлар ҳам Гарри каби фикр юритмоқда. Ниҳоят, узоқ кутилган фурсат етди. Тилла ликоп-у, қадаҳлар яна топ-тоза бўлиб қолди. Тўлкинланиб кетган халойиқ шов-шув кўтарди-ю, Дамблдор ўрнидан туриши билан Катта Зални, худди сув сепгандай, боз сукунат қамраб олди. «Хогварц» директорининг икки ёнида ўтирган иштирокчи-мактаб директорлари профессор Каркаров ва Максим хонимнинг юзларида ҳам айни дамда жамики одамлар қалбида тугён ураётган ҳаёжон туйғуси яққол ифодаланиб турибди. Юзи яшнаб кетган Людо Шульман атрофга қараб қўз қисгани-қисган. Мистер Сгорбснинг юзида эса аксинча, қандайдир зерикиш аломатлари, бўлаётган ходисага хеч қандай қизикиш билдирмаётгани кузатилди.

- Хўш, - гап бошлади Дамблдор, - Оташли жом сиз-у, биз анча вақтдан буён кутаётган саволга жавоб беришга тайёр. Чамамда бир дақиқадан оз вақт қолди. Чемпионликка даъвогарларнинг исмлари эълон қилиниши билан улардан ўқитувчilar столига келиб, дастлабки йўл-йўриқ олиш учун мана бу хонага киришларини сўрайман, - эълон қилди у, орқадаги эшикни кўрсатиб.

Дамблдор сехри таёқчасини қўлига олиб, айлантириди. Шу заҳоти, ошқовоқдан кесилган башаралар ичида ёнаётгандаридан ташқари, барча шамлар ўчди. Катта Залда аллақандай сирли қоронғилик қарор топди. Энг ёркин доғ энди Оташли жом бўлиб қолди. Унинг ўйноклаб, оқиш-мовий тусда ёнаётгандаридан ярқирок олови қўзни оғритиб юбормоқда. Ҳамма жим... Айрим сабрсизлар соатига қараб-қараб қўйишишади...

- Мана ҳозир, - пичирлади Гарридан икки курси нарида ўтирган Ли Жордан.

Бирдан олов қип-қизил тус олди. Жом ичидан учқун сачраб, гулханнинг узун тили билан бирга куйиб қорайган пергамент бўлаги учиб чиқди. Бундай бўлишини кутмаган Катта Зал ох уриб юборди.

Дамблдор пергаментни тутиб олиб, ундаги ёзувни ўқиши учун иккала қўлини боз оқиш-мовий ранг олган оловдан тараляётгандаридан ёруғликка узатди.

- «Дурмштранг» мактабининг чемпионликка даъвогари, - эълон қилди у жарангдор, тиник овози билан, - Виктор Крум!
- Катта Зал қувончили айюханнос-у, гулдурос қарсаклардан портлаб кетгандай бўлди.
- Ҳеч хайрон бўладиган жойи йўқ, - бақирди Рон.
- «Слизерин» столи ортида ўтирган Виктор Крум ўрнидан туриб, букчайганча дастлаб Дамблдор йўналишида, сўнг Мўътабар Стол ёнидан ўнг томон юриб, орқадаги хонага олиб кирадиган эшик ортига ўтиб кетди.
- Балли, Виктор! - баланд бақирди Каркаров, гумбур-гумбурга қарамай, ҳаммага эшилтириб, - Билар эдим! Айнан сен саралаб олинишингни сезган эдим!
- Хитоб ва олқишлиар тинди. Боз сукунат. Ҳамманинг диққат-эътибори яна Оташли жомга қаратилди. Икки сония ўтиб олов яна қизил тус олди. Гулхан тиллари устида гир айланганча пергаментнинг иккинчи бўлаги учеб чиқди.
- «Бэльстэк» мактабининг чемпионликка даъвогари, - эълон қилди Дамблдор, - Флёр Делакёр!
- Ўша қиз-ку, Рон! - ўкириб юборди Гарри.
- Вейлага жуда-жуда ўхшаб кетадиган қиз енгил назокат ила ўрнидан туриб, кумуш-тилла тусли сочини орқага ташлаганча, «Равенкло» ва «Хуффльпуфф» столлари ўртасида хиром айлаб Мўътабар Стол томон йўл олди.
- Қаранг-а, хафа бўлишди, - деди Гермиона захаргина оҳангда тўполон орасида бэльстэкчилар томон имо килиб.
- «Хафа бўлишди» изохи одоб билан айтилган фикрdir, ўйлади Гарри бэльстэкчиларнинг ҳолатини кўриб. Сараланмай қолганлар орасида икки нафар қиз юзларини кафтлари билан бекитиб олишганча, хўнграшмоқда.
- Флёр Делакёр орқа томондаги хонага кириб кетгач, Катта Залга боз жимлик чўқди. Ушбу сукунат ҳаяжонга шу қадар тўйинган эди-ки, гўё мазасини татиб кўрса бўлади. Навбат «Хогварц»га етди...
- Оташли жом олови боз қизариб, учқун сачратат бошлади. Ҳавога гулханинг узундан-узун тили отилиб чиқди. Дамблдор тил учидан пергаментнинг сўнгти, учинчи бўлagini тутиб олди.
- «Хогварц» мактабининг чемпионликка даъвогари, - қичкирди Дамблдор, - Седрик Диггори!
- Йўқ! - инграб юборди Рон.
- Қўшни столда кўтарилиган тўфон шу қадар шиддатли эди-ки, Роннинг ушбу сўзини Гарри билан Гермионадан ташқари хеч ким эшилмади. Жамики хуффльпуффчилар дод-вой кўтарганча, оёққа қалқиб олган. Оғзи қулоғига етган Седрик болалар ёнидан ўтиб, ўқитувчилар столининг ортида кўздан ғойиб бўлди. Олқишлиар узоқ давом этди. Дамблдор яна сўз олгунга қадар анча вақт ўтди.
- Жуда соз! - қувонч-ла хитоб қилди у, сўнгги қичкириклар тингач, - Ана энди уч нафар чемпионликка даъвогаримиз бор. Ҳар бирингиз, шу жумладан, саралаб олинмай қолган «Бэльстэк» ва «Дурмштранг» ўқувчилари ўз даъвогарларини қўллаб-қувватлаб боришлирига хеч шубҳа қилмайман. Зоро, бу билан сиз чиндан ҳам бебаҳо...
- Дамблдор кутилмаганда унини ўчирди. Ҳаёл ўтмай бунинг сабаби ҳаммага аён бўлди. Оташли жом олови яна қип-қизил тус олди. Теварак-атрофга бир олам учқун сачради. Ҳавога гулхан тили отилиб, жом ичидан яна битта пергамент бўлаги учеб чиқди.
- Дамблдор шу заҳоти узун қўллари билан қоғоз парчасини тутиб олди. У кўлини олдинга узатиб, пергамент бўлагига битилган исмга бақрайиб қолди. Довдираб қолган Дамблдор қоғозга, Катта Залдаги жамики халойиқ эса Дамблдорга узоқ тикилиб турди. Нихоят, томоғини қириб олган мезбон ҳакам овоз чиқариб ўқиди:
- Гарри Поттер.

Катта Залдаги жамики халойик кескин юзланганча, қараб қолганини күрган Гарри қилт эта олмади. Бола ҳайрон. У ҳеч нарсаны сезаётгани, хис этаётгани йўқ. Гўё мизғиб қолгану, қандайдир нотўғри сўзларни эшитиб уйғонган.

Ҳеч ким қарсак урмади. Катта Залда аста-секин кўтарилаётган ғовур-ғувур нимаси биландир уяси тўзғитилиб, жахли чиқарилган ари галасининг ғўнғир-ғўнғирини эслатмоқда. Ҳайратдан тошдай қотган Гаррини дурустрок кўриш учун баъзилар оёққа туриб олган.

Професор Макгонагалл кескин турди-да, шиддат билан Людо Шульман ва профессор Каркаровнинг орқа томонидан ўтиб, Дамблдорнинг қулогига нималардир шивирлади. Дамблдор қошини чимирганча, қулогини профессор Макгонагалнинг оғзига яқинроқ тутди.

Рон билан Гермионага юзланган Гарри «Гриффиндор» коллежининг жамики ўкувчилари оғзиларини катта очиб олганча, унга бақрайиб ўтирганини кўрди.

- Ўзингиз яхши биласиз, мен ҳеч қандай ариза берганим йўқ, - баёнот қилди Гарри.

Юзи ҳеч нарсаны ифода этмаётган Гаррига Рон билан Гермиона ҳам эл қатори тикилиб колган.

Дамблдор профессор Макгонагалнинг сўзларини маъқуллаган кўринади, бош иргиб қаддини ростлади.

- Гарри Поттер! - боз эълон қилди у, - Гарри! Илтимос, бу ёққа ўт.

- Бор, - деди Гермиона, Гаррини енгил туртиб.

Ўрнидан турар экан ўз коржомасининг этагини ўзи босиб олган Гарри қулаб тушишига бир баҳя қилди. Юзлаб кўзлар қараб турганини танаси билан хис этган бола «Гриффиндор» ва «Хуффльпуфф» столлари орасидаги йўлак бўйлаб Мўътабар Стол томон йўл олди. Йўлакнинг охири кўринмай, назарида мангу юргандай бўлди. Ўқитувчилар столи ҳеч яқинлашмади. Дамблдорнинг қаршисига етиб боргунга қадар худди бир соат ўтгандай туюлди. Бирорта ўқитувчи ундан кўзини узгани йўқ.

- Хўш... Гарри, анави хонага кир, - деди эшик кўрсатган Дамблдор, табассумсиз.

Гарри ўқитувчилар столини айланиб ўтар экан, унинг четида ўтирган Хагридга қараб қўйди. Хагрид кўз ҳам кисиб қўймади, кўл ҳам силтамади. Гаррига таҳайюр қараб қолган давангирнинг юзидаги саросималик бошқаларнинг қиёфасидан ҳеч фарқ килмади. Гарри кўрсатилган эшик томон юриб, Катта Залдан кичикроқ, деворларига қандайдир сехргар эркаклар-у, афсунгар аёлларнинг портретлари осилган хонага келиб қолди. Хонанинг нариги томонидаги каминда олов гуркураяпти.

Ичкарига кириши билан портретларда тасвирланган одамлар ҳам Гаррига юзланди. Юзини ажин босган бир кампир мўйлови моржнинг мўйловини эсга соладиган кишининг расми солинган портретга сакраб ўтиб, кўшнисининг қулогига алланима пичирлай кетди.

Виктор Крум, Седрик Диғгори ва Флёр Делакёр камин атрофида туришибди. Учовининг қомати олов тусида қандайдир сирли ва ҳайбатли кўринмоқда. Букчайиб олган домангир Крум қолганлардан нарида, камин токчасига суюниб, кўлини орқага қилган Седрик эса оловга қараб турибди. Флёр Делакёр хонага кириб келган Гаррини кўриб, кумуш соchlарини орқага ташлади.

- Нима габ? - сўради у, - Бизни залга чоғлашмоқда-ми?

Афтидан инглизчани бузиб гапирадиган ушбу қиз Гаррини, залга чорлагани келган чопар сифатида қабул қилган кўринади. Гарри хозиргина бўлиб ўтган ходисани уларга қандай тушунтиришга боши қотди. Бола учала даъвогарга қараганча, тек туриб қолди. Уларнинг новчалигига эътибор қаратган Гаррининг ичи ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Қадам товуши эшитилиб, хонага отилиб кирган Людо Шульман кўринди. У Гаррининг тирсагидан ушлаб, учала даъвогарга яқин тортди.

- Фавқулодда ҳолат! - ғудуллади у, Гаррининг кўлини сикиб, - Хаддан ортиқ, мисли қўрилмаган фавқулодда ҳолат! Жаноблар... ва хонимлар! - қўшиб қўйди у, оловга яқин борганча, учала даъвогарга мурожаат қилиб, - Ақлга қанчалик тўғри келмаётган бўлишидан катъи назар, Уч сехргар беллашувининг тўртинчи иштирокчисини

таништиришга ижозат бергайсиз.

Қадди беихтиёр ростланиб қолган, Гаррини бошдан-оёқ ўрганиб чиққан Виктор Крумнинг хўмрайган башараси баттар буришиб кетди. Седрик шошиб қолди. У бирон сўзни нотўғри англаганига шубҳа қилмаётгани каби, нигохини Шульмандан Гаррига, Гарридан Шульманга дамба-дам олиб ўтди. Флёр Делакёр эса сочини силтаб, табассум қилганча:

- О, кандай кулгили казил, мистер Шульман, - деб қўйди.
- Ҳазил? - вужудидаги ҳаяжони тугён ураётган Шульман, - Йўқ, хоним, бу ҳазил эмас! Ҳозиргина Оташли жом Гаррининг исми ёзилган пергаментни чиқариб берди!
- Крумнинг қалин қошлари сапчиб тушди. Седрикнинг бутун борлиги ҳалигача боадаб талмовсираб турганини ифода этмоқда. Флёр эса тумшайиб олди.
- Бигоқ, кандайдир католик ўтган қўғинади, - қўрс муомала қилди Делакёр, - У бизлағга кағши беллаша олмайди. У кали жуда кичкина.
- Фикрингизга қўшиламан хоним. Чемпионликка даъвогарлар орасида ёш бўйича айрим чекланишларга доир қўшма қарор жорий йили, тарихда илк бор қабул қилинган бўлса-да, буларнинг бари жуда ғалати, - деди Шульман, силлиқ жагини силаганча, Гаррига кулиб қараб, - Бунинг устига Гаррининг исмини Оташли жом чикарди... Айтмоқчиман-ки, энди ортга чекиниш йўқ... ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Коида шунақа, Гарри... Оташли жом томонидан саралаб олинган чемпионликка даъвогар Беллашувнинг бошидан охиригача иштирок этиши шарт.

Хона эшиги ланг очилиб, бирданига кўпчилик: профессор Дамблдор, унинг изидан мистер Сгорбс, профессор Каркаров, Максим хоним, профессор Макгонагалл ва профессор Снегг кириб келди. Профессор Макгонагалл эшикни ёпиб қўйишидан олдин, Гарри, Катта Залда кўтарилиган тўс-тўполон, кий-чувни эшитишга улгурди.

- Максим хоним! - арз қилди Флёр ўз раҳбари томон ошикиб, - Улағнинг айтишлагига кағаганда анави кичкина бола ҳам Беллашувда иштиғок этағ эмиш.
- Юз бераётган ҳодисалардан донг қотаётган бўлса-да, Флёрнинг «кичкина бола»си Гаррининг номусига тегиб ўтди. Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни. Бу сўзларнинг асл маъносини кўрсатиб қўяман хали сенга. Кичкина бола эмиш-а?!
- Максим хоним паст бўлмаган қаддини ростлаб, чиройли бошининг учи билан шифтга осилган катта шамдонга тегиб кетганча, шойи билан тўсилган йирик қўкрагини кериб олди.
- Буни кандай тушунмок дағкоғ, Дамбл-доғ? - буйруқ оҳангида сўради у.
- Каркаровнинг юзида совуқ табассум қотиб қолган, мовий кўзлари эса икки парча музга айланиб қолгандай гўё.
- Мен ҳам нима бўлаётганини англаб етмоқчиман, Дамблдор, - деди у Максим хонимнинг саволини кўллаб-куватлаб, - «Хогварц»дан икки нафар даъвогар иштирок этадиган бўлди-ми? Қабул қилувчи томон бундай хуқуққа эга бўлишини бирор менга айтганини ҳеч эслай олмаяпман. Ёки мен Уч сеҳргар беллашувининг қоидаларини етарлича синчковлик билан ўрганиб чиқмаганман-ми?
- Каркаров истеҳзоли хандон отиб қўйди.
- Максим хоним серҳашам опаллар билан безатилган йирик кафтини Флёрнинг елкасига қўйиб олди.
- C'est impossible. Бўлиши мумкин эмас. «Хогвағц»дан икки нафар даъвогар иштирок эта олмайди. Бу адолатдан эмас.
- Каркаровнинг мурдор табассуми юзидан ҳанузгача барҳам топгани йўқ. Кўзлари эса муздан ҳам совуқ кўринмоқда.
- Сиз кўллаган Ёш чегараси, Дамблдор, белгиланган ёшга етмаган даъвогарлар учун Оташли жом йўлида ғов бўлишига ишонган эдик. Акс ҳолда, табиийки, номзодларимиз доираси анча кенг бўлар эди.
- Каркаров, илтимос, Дамблдорни айбламанг, - аста фикр билдириди қора кўзлари ғазабдан ярқираётган Снегг, - Бўлиб ўтган ишда Поттернинг ўзигина айборор. Негаки у, мактабга келган илк кунларидан буён, ушбу даргоҳда жорий этилган жамики қоидаларни бирма-бир

бузиги чиқишига жон-жаҳд или чираниб келмоқда...

- Етар, бас, Северус. Мени химоя қилганингиз учун ташаккур, - гапни кесди Дамблдор. Снегг унини ўчирган бўлса-да, ёғли сочи орасидаги кўзи ярқираганча қолди.
- Профессор Дамблдор Гаррининг, бола эса директорнинг кўзига тик қаради. Гарри ярим ой шаклидаги кўзойнак ортидаги кўзлар нимани ифода этаётганини англаб етишга уринди.
- Гарри, Оташли жомга ариза ташладинг-ми? - хотиржам сўради Дамблдор.
- Йўқ, - жавоб берди Гарри ҳамманинг нигохини хис этиб.
- Ним коронғилиқда турган Снегг истехзоли овоз чиқариб кўйди.
- Бирорта юкори синф ўқувчисидан номинг ёзилган пергаментни Оташли жомга ташлашни илтимос қилдинг-ми? - давом этди Дамблдор Снеггнинг овозини писанд қилмай.
- Йўқ, - бош чайқади жазаваси тутаётган Гарри.
- Табиийки у ёлғон гапиғяпти! - овоз қўтарди Максим хоним.
- Захархандалик қилаётган Снегг бош чайқади.
- У Ёш чегарасидан ўта олмас эди, - гапга аралашди профессор Макгонагалл, - Назаримда, бунга хамма амин бўлди...
- Эҳтимол Дамл-доff ўша чегағага оид бигоғта хатога йўл қўйгандиг, - елка қисди Максим хоним.
- Бўлиши мумкин, албатта, - боадаб рози бўлди Дамблдор.
- Муҳтарам Дамблдор, бу масалада ҳеч қандай хатога йўл қўйилмаганини жуда яхши биласиз! - аччиқланди профессор Макгонагалл, - Қандай бемаънилил! Такрор айтаман, Гарри Ёш чегарасини ўзи мустақил кесиб ўта олмас эди. Юкори синф ўқувчисидан ўз номи ёзилган пергаментни Оташли жомга ташлашни илтимос қилмаганига ҳам, профессор Дамблдор тўла-тўқис ишонади. Яна нима керак сизларга?
- Профессор Макгонагалл Снегг томон нихоятда домангир нигоҳ ташлаб кўйди.
- Мистер Сгорбс... мистер Шульман, - мурожаат қилди Каркаров риёкорона оҳангда, - Сизлар орамизда... м-м-м... бўлиб ўтаётган ҳодисаларга нисбатан холисона баҳо берадиган ягона кишиларсиз. Ишончим комилки, айни пайтда ўта номувофиқ иш бўлаётганини таъкидлаб ўтасиз, шундай эмасми?
- Хаддан ортиқ ўсиб кетган мактаб ўқувчининг сиймосига ўхшаш юзини дастрўмоли билан бекитган Шульман, мовий кўзларини камин таратаётган ёргулик доирасидан нарида, коронғилиқда турган мистер Сгорбсга қаратди. Юзи нимкоронғилиқда кўринмай, бош суггини эслатаётган мистер Сгорбс худди кексайиб қолган, умуман айтганда, охиратдан қайтиб чиқсан кишига ўхшайди.
- Коидага амал қилиниши шарт, - жавоб қайтарди мистер Сгорбс, - Коидада эса: «Оташли жом томонидан исми саралаб олинган киши Уч сеҳгар беллашувида иштирок этишга мажбурдир», деб белгиланган.
- Мана марҳамат! Барти қонунлар тўпламини узунасига ҳам, кўндалангига ҳам ёд олган, - хулоса чиқарди Шульман.
- У масала узил-кесил ҳал бўлганини ифода этаётган киёфа или Каркаров билан Максим хоним томон юзланди.
- Нихоят Каркаровнинг юзидағи мурдор табассум барҳам топди. Энди унинг киёфаси чиндан ҳам дарғазаб тус олди.
- Тасарруфимдаги мактабдан ташриф буюрган номзодларга такроран ариза бериш имконияти ҳавола этилишини талаб қиласман, - деди у риёкорона оҳангини бир четга йиғишириб, - Сиз Оташли жомни яна ўз жойига ўрнатиб қўйишга мажбурсиз. Токи ҳар бир мактабдан икки нафардан чемпионликка даъвогар саралаб олинмас экан, жараённи бот-бот такрорлайверамиз. Шундай қилсан, Дамблдор, адолат қарор топишини рад этмассиз.
- Тўғри, Каркаров. Сиз айтгандай иш тутилса, адолат чиндан ҳам қарор топган бўлар эди, - эътиroz билдириди Шульман, - Бироқ Оташли жом совиди ва энди у навбатдаги Беллашувга қадар ўт олмайди...

- ... ва ўша Беллашувда, ўша даврда қандай вазият юзага келишидан қатъи назар «Дурмштранг» иштирок этмайди! - ғазаб-ла баёнот қилди Каркаров, - Шунча учрашувларимиз, музокараларимиз, муроса-ю, сон-саноқсиз ён беришларимиздан сўнг ҳам, меҳмонларга бундай муносабат кўрсатилишини ҳеч кутмаган эдим! Билмадим, балки тугун-терсагимни йиғиштириб, жўнаб кетганим маъкулдир!
- Бундай таҳдиидларнинг бари беҳуда, Каркаров, - эшик томондан жаранглади кимнингдир овози, - Сиз ўз даъвогарингизни ташлаб кета олмайсиз. У эса хозиргина таъкидлаб ўтилгандай, Беллашувда иштирок этишга мажбурдир. Тўрталаси ҳам мажбур. Модомики, улар Оташли жом томонидан чемпионликка даъвогар сифатида саралаб олинган экан, энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Даъвогарлар билан жом ўртасида узлуксиз алоқа юзага келган, ўзига хос сехрли битим тузилган. Бу хақда Дамблдор огохлантириб ўтган эди, агар ёдингизда бўлса, албатта. Жуда қулай йўл топилган, шундай эмасми, а?
- Хонага Хмури кириб келиб, каловланганча камин оловига яқинлашди. Унинг ҳар бир босган қадами акс садо бериб эшитилди.
- Қулай йўл топилган? - сўради Каркаров, - Фикрингизни тушунмадим, Хмури. Каркаров ўз оҳангига истехзоли тус беришга, Хмурининг сўзлари эътиборга лойик эмаслигини кўрсатишга чиранаётгани, бироқ мушт бўлиб тугилаётган қўллари сирини очиб кўяётгани Гаррининг эътиборидан четда колмади.
- Тушунмадим, денг? - хотиржам такрорлади Хмури, - Обдан ўйлаб кўрсангиз, Каркаров, фикримни тушуниб етиш у қадар мураккаб кечмайди. Кимдир Поттернинг фамилияси ёзилган аризани жомга қасдан ташлаган. Зеро, бола сараланиб олинса, Беллашувда иштирок этишга мажбур бўлишини жуда яхши билган.
- Бундай ишни ҳаммага беғилган биғ дона олмадан «Хогвағц» икки тишлам узиб олишни истаған киши қилғани аён! - гап ташлади Максим хоним.
- Фикрингизга тўла-тўкис қўшиламан, Максим хоним, - деди Каркаров таъзим бажо айлаб,
- Мен албатта Буюк Британия Сехргарлик вазирлиги ва Халқаро сехргарлар конфедерациясига шикоят йўллайман...
- Қайси бирингиз арз қилингиз кераклигини билмадим-у, аммо Поттер арз қилиши кераклигини аниқ биламан, - ўшқириб берди Хмури, - Бироқ... масаланинг таажжубланарли жойи шундаки... ундан бирон оғиз шикоят эшитмаяпман...
- Нега энди у ағз қилиши кегак экан? - жаҳл қилди Флёр Делакёр, оёғи билан ер депсиниб,
- У биз билан куч синашиш имконига эга бўлди-ку, шундай эмасми? Биз ҳаммамиз сағалаб олинишни кўб оғзу қилғанмиз, буни кафталақ кутганмиз! Ахиг бу мактаблагимиз учун буюк шағаф! Минг галлеон совғин учун кўбчилик ўлиб кетишга ҳам тайё!
- Ҳамма гап шунда-да, қизалоқ, - таъкидлаб қўйди Хмури, сезилар-сезилмас наъра тортиб,
- Кимдир Поттернинг ўлиб кетишига умид боғлаган.
- Бундай сўзлардан сўнг ниҳоятда кескин сукунат чўқди. Ташвишга тушган Людо Шульман товонида тебраниб қўйди.
- Хмури, кария... нималар деялсан!
- Профессор Хмури тушликка қадар олтида фитна фош этилмас экан, куннинг ярми бекор ўтди, деб хисоблашини ҳаммамиз яхши биламиз, - баёнот қилди Каркаров баланд овозда, - Ҳозир у ўз ўқувчиларига ёлланган қотиллардан огоҳ бўлиш усувларини ўргатаётган бўлса, ажаб эмас. Ёвузлик кучларидан ҳимоя фани ўқитувчининг табиати учун жуда ғалати сифатлар, шундай эмасми? Аммо... бу масалада ўз мантикларинг борга ўхшайди, а, Дамблдор?
- Демак менга шундай туйилибди-да? - ўшқирди Хмури, - Тўкиб чиқарибман-да, а? Фақат юқори малакали сехргар эркак ёки афсунгар аёлгина боланинг исмини Оташли жомга ташлай олиши мумкин...
- Гапни қағанг-а! Исботингиз боғми? - йирик қўлини силтади Максим хоним.
- Исбот шундан иборатки, улар Оташли жомдай ўта құдратли сехр қўлланилган буюмни алдай билишди! - овоз кўтарди Хмури, - Фавқулодда кучли Мия айнитиш суки қўлланилиб, жом, Беллашувда атиги учта мактаб иштирок этаётганини унутиб қўйиши

учун етарли бўлди... Ўйлашимча Поттернинг исми тўртинчи мактабдан илгари сурилган номзод сифатида киритилган ва бундай вазиятда бола жом учун ягона номзод бўлиб қолган...

- Хаддан ортиқ кўп ўйлаб юборибсиз, Хмури, - муздай оҳангда гапни бўлди Каркаров, - Табиийки, дохиёна хулосалар чиқаргансиз... Гарчи, агар мен эшигтан миш-миш гаплар рост бўлса, туғилган кунингизга тухфа қилинган от аравасига ўрнатиладиган соатни яхшигина никобланган Василиск тухуми сифатида эътироф этиб, парча-парча қилиб ташлаганингиздан сўнг, ўхшаш хулосаларингиздан ажабланмаса бўлаверади. Шу боис, сўзларингизни жиддий қабул қиласак, бизни тўғри тушунасиз, деган умиддаман...

- Шундай кишилар борки, Каркаров, - таҳдид солганча, жавоб қайтарди Хмури, - Нихоятда соддадил айтилган сўзларни бузиб кўрсатиб, нотўғри талқин қилишдан ҳазар қилишмайди. Менинг ишим, ёвуз сеҳр вакиллари каби фикр юритиб, улар томондан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар ва жоиз қилмишларни таҳлил қилишдан иборат... Сиз эса Каркаров, ёдингизда бўлса...

- Аластор! - вазиятнинг олдини олиб қичкирди Дамблдор.

Дамблдор кимга мурожаат қилганини Гарри дастлаб тушунмади-ю, шу заҳоти идрок этди. Инсонга «Ўйноккўз» деган исм берилмайди-ку, ҳар қалай. Хмури унини ўчирди, лекин Каркаровни юзи ёниб кетгудай ҳолатга келтириб қўйганидан мамнун бўлиб, унга қараб колди.

- Мазкур ҳолат қай тарзда юзага келганини ҳеч қайси биримиз билмаймиз, - деди Дамблдор ҳаммага мурожаат қилиб, - Бироқ назаримда, чемпионликка даъвогарлар учун ушбу ҳолатни тан олишдан бошқа илож йўқ, Седрик ҳам, Гарри ҳам Оташли жом томонидан Беллашув иштирокчиси сифатида сараланиб олинди. Бинобарин, улар айнан шу ишни бажаришади...

- Ах, Дамбл-доғғ, бигоқ...

- Азизам Максим, агар муқобил қарор таклиф этсангиз, ундан хабар топишдан ўзимни бениҳоя баҳтиёр билган бўлар эдим.

Дамблдор Максим хонимнинг оғзига қараб турди. Бироқ «Бэльстэк» директори бутун вужуди или қаҳр сочиб туришдан бошқа нарсага ярамади. Фақат Максим хонимгина эмас, Снегг ҳам, Каркаров ҳам дарғазаб қолишиди. Аммо келгуси шод-хуррамликни ўйлаётган Шульманнинг юзида бесабрлик ёғилиб турибди.

- Ҳўш, ундей бўлса, ишга киришармиз? - таклиф киритди у, ҳаммага табассум ҳадя этганча кафтларини бир-бирига ишқаб, - Чемпионликка даъвогарларимиз дастлабки йўрикни кутишмоқда, шундай эмасми? Барти, раислик қилишга эътиrozинг йўқми?

Мистер Сгорбс ўйчан ҳолатдан чиқди.

- Ха, - бош иргиди у, - Йўл-йўрик ва... биринчи топширик...

У каминга яқинроқ келди. Гарри мистер Сгорбсни яқиндан кўриб, кўзларининг ости кўкариб қолганига қараганда, тоби йўклигига, юзининг ажин қоплаган тери қопламаси жаҳон кубогининг финал ўйини ўтгандан буён юпқаланиб, қандайдир қоғоз қопламасига ўхшаб қолганига эътибор қаратди.

- Биринчи топшириқда мардлик ва жасоратингизни синовдан ўтказиш мақсади кўзланади,

- эълон қилди мистер Сгорбс Гарри, Седриқ, Флёр ва Крумга, - Шу боис, ушбу топширик мазмунан қандай хатти-ҳаракатлардан ташкил топиши ҳозир сизга маълум қилинмайди.

Мажхуллик олдида намоён этиладиган довюраклик сеҳгарнинг нихоятда жиддий сифатларидан биридир... нихоятда жиддий...

Мистер Сгорбс бироз ўй суриб, гапини давом эттириди:

- Биринчи мусобақа йигирма тўртинчи ноябрь куни жамики ўқувчилар ва ҳакамлар ҳайъатининг кўз ўнгида ўтказилади. Уч сеҳгар беллашувига даҳлдор топшириклар ижроси давомида ўқитувчилардан бирон-бир шаклда ёрдам берилишини сўраш ёки уларнинг ёрдам қўлини қабул қилишга рухсат берилмайди. Чемпионликка даъвогарлар биринчи синовни фақат ўз сеҳрли таёқчалари билан куролланган ҳолатда қарши оладилар. Иккинчи топшириқ ҳакидаги маълумотлар сизларга биринчи топшириқ ижросидан сўнг

етказилади. Уч сехргар беллашуви чемпионликка даъвогарлардан кўп вақт ва куч талаб қилиши туфайли, даъвогарлар барча имтиҳонлардан озод қилинадилар.

Мистер Сгорбс яна бир оз ўйланиб, Дамблдорга юзланди:

- Ҳеч нарсани унутмадим шекилли, а, Альбус?

- Менимча, йўқ, - деди Дамблдор, мистер Сгорбсга ташвишли қараб, - «Хогварц»да қолмаслик аҳдинг қатъийлигига ишончинг комилми, Барти?

- Ҳа, Дамблдор, вазирликка қайтишим шарт, - таклифни рад этди мистер Сгорбс, - Ҳозир биз учун жуда мураккаб, ниҳоятда кескин давр кечмоқда... Ўрнимга ёш Уэзербини қўйиб келишга мажбур бўлдим... у ҳозир зўр жаҳд-у жадал намоён этмоқда... Ростини айтсан, ҳаддан ортиқ кўрсатмоқда...

- Лоақал, йўл олдидан бирон нарса ичиб оларсан? - таклиф қилди Дамблдор.

- Қўйсанг-чи, Барти! Мана мен қоляпман! - завқ-ла гапга аралашиб Шульман, - Тушун, энг муҳим нарсалар ҳозир шу ерда ва айни дамда кечмоқда. Сен эса вазирликка, вазирликка деганинг деган...

- Янглишапсан, Людо, - деди Сгорбс, илгариги сабрсизлик оҳангидা.

- Профессор Каркаров, азизам Максим хоним, уйқудан олдин бир рюмкадан кетадими? - лутфан таклиф қилди Дамблдор.

Бироқ Максим хоним қўлини Флёрнинг елкасига қўйиб, хонани тарк этишга отланди.

Катта Залга чиқишар экан, уста-шогирд француз тилида алланима ҳакида тез гапириб кетди. Каркаров Крумга имо қилгач, икковлон чурқ этмай хонани тарк этди.

- Гарри, Седрик, фикримча иккалангиз ҳам юқорига қўтарилганинг маъқул, - деди Дамблдор «Хогварц»нинг чемпионликка даъвогарларига кулиб қараб, - Ҳеч шубҳа йўқ-ки, гриффиндорчилар ҳам, хуффльпуффчилар ҳам ғалабангизни нишонлаш учун сизни сабрсизлик билан кутмоқда. Ўйлашимча, уларнинг туғён тортиб хушвақтлик қилиш баҳонасидан маҳрум қилсак, ўта шафқатсизлик бўлади.

Гарри Седрикка қараб қўйди. Дигори бош иргигач, икковлон биргалиқда чиқиб кетишиди. Катта Зал кимсасиз қолган. Шамлар деярли ёниб битиб, милт-милт этиб туришидан ошқовоқларнинг ўткир тишли хандалари қандайдир сирли, мудхиш тус олиби.

- Шундай килиб, - деди Седрик билинар-билинмас тиржайиб, - Биз бир-биримизга боз карши чиқадиган бўлибмиз-да.

- Шунга ўхшайди, - елкасини бир оз қўтарди Гарри.

Мияси худди ҳозиргина тинтуб қилингандай хаёли бесаранжом бўлиб қолган Гарри яна нима дейиш мумкинлигини билмади.

Иккаласи этиб борган вестибиолда энди Оташли жом йўқ. Ёруғлик фақат деворга маҳкамланган машъалалардан тараалмоқда.

- Қани энди ростини айт-чи, - сўраб қолди Седрик, - Ариза беришга қандай эришдинг?

- Бундай иш қилганим йўқ, - жавоб берди Гарри, Седрикнинг қўзига тик қараб, - Ариза берганим йўқ, чин сўзим.

- Ҳа-а... яхши, - елка кисди Седрик, Гаррининг сўзларига ишонмаганини аён билдириб, - Үндай бўлса... учрашгунча.

Марказий эшикка этиб келишгач, Седрик ўнгга бурилиб, ён эшик томон йўл олди. Гарри тош зинапоя погоналари бўйлаб пастлаб кетаётган қадам товушларига қулоқ тутганча, бир оз турди-да, мармар зинапоя бўйлаб юқорига қўтарилиб кетди.

Қизик, Гаррининг сўзларига Рон билан Гермионадан ташқари, яна бирор киши ишонадими? Ёки ҳамма Гарри аллақандай хийла ишлатган, деган хаёлга борадими? Сехржоду борасида тажрибаси уч йилга ортиқ рақибларга карши курашиш кераклиги, синовлар нафақат хавфли кечиши, балки юзлаб одамларнинг кўз ўнгидаги ўтишини била туриб, бундай хийла ишлатишдан нима наф? Тўғри, Гарри Уч сехргар беллашувида иштирок этишини орзу килган, албатта. Бироқ бу болаларча орзу-ҳавас, хаёлпарастлиқдан ортиқ нарса эмас эди! Ахир у, бирор маротаба бўлсин, чемпионликка даъвогар бўлиш юзасидан ариза бериш борасида жиддий ўйламаган эди-ку!...

Лекин кимдир унинг ўрнига ўйлаган... Кимдир Гаррининг Беллашувда иштирок этишини

истаган ва саралаб олинини учун қўлдан келганча уринган. Бироқ нима учун? Нима мақсадда? Ўзига хос тухфа сифатидами?... Ҳеч ўхшамайди... Гарри ҳамманинг кўз ўнгида аҳмокона ҳолатга тушиб қолиши учунми? Ундай бўлса, уларнинг режалари рўёбга чиқиши эҳтимолдан холи эмас... Лекин ҳалок қилиш мақсади кўзланиши?! Балки бундай бемаъни фикр Хмурининг одатий руҳий хуружидан бошқа нарса эмасдири? Нега энди буни ҳазил тариқасида қилинган қилик, деб эътироф этиш мумкин эмас? Наҳотки чиндан ҳам Гаррининг ўлими кимгадир керак бўлса, а?

Бу саволга Гаррининг жавоби тайёр. Бор биттаси. Лорд Вольдеморт. Гарри эндиғина бир ёшга тўлган гўдаклигидан буён Ёвуз Лорд боланинг ўлимини истайди. Бироқ қандай қилиб Лорд Вольдеморт Оташли жомга Гаррининг исми ёзилган пергамент бўлаги ташланишига эришиши мумкин? Эътироф этилишича, айни пайтда Вольдеморт олис юртда, танҳо ўзи... заиф, мажолсиз бекиниб юрибди-ку...

Шундай бўлса-да, чандиги қаттиқ оғриган ўша тунги тушида Лорд Вольдеморт ёлғиз бўлмаган... У Чувалчангдум билан гаплашиб... Гаррини ўлдиришни режалаштирган эди... Гарри Семиз Холанинг рўпарасида турганини идрок этиб, таажжубланди. Қандай етиб келганини ўзи билмайди. Семиз Хола ҳам ёлғиз эмаслигини кўриб, баттар лол бўлди.

Холанинг хузурига ўзининг жойи Катта Залга туташган хонадаги портрет матосида бўлиб, Гарри чемпионликка даъвогарлар даврасига қўшилган пайтда ўз жойидан қўшни портретга сакраб ўтган, юзини ажин босган анави кампир ташриф буорибди. Афтидан, еттинчи қаватга боладан олдин етиб келиш учун кампир қаср деворларига осилган бир расмдан кейингисига ўтганча, ҳаллослаб юргурган кўринади. Тўлқинланиб кетган иккала хоним пастда турган Гаррига жўшқин нигоҳ-ла караб турибди.

- Хўш, йигитча, - гап бошлади Семиз Хола, - Виолетта менга бўлиб ўтган ишни айтиб берди. Демак, чемпионликка даъвогар сифатида сараланиб олдик, денг?

- Бемаъни гап, - ночоғ кайфият-ла, жавоб қайтарди Гарри.

- Нега энди bemayni гап экан, - эътиroz билдириди кампир, аччиғи чиққанидан ранги оқариб.

- Йўқ, йўқ, Ви, - тинчлантириди кампирни Семиз Хола, - Бола минорага кириш паролини айтди.

Хонимлар колледжнинг умумий меҳмонхонасида олиб кирадиган туйнукни очганча, юқорига кўтарилиди.

Портрет йўл бериши билан ичкаридан Гаррини тислантириб юборгудай даражада гумбурлаган товуш эшистилди. Нима бўлганини ҳали идрок этишга улгурмай, уни кам деганда ўн иккитача қўл маҳкам ушлаб, ичкарига кўтариб кирганини, ерга қўйилгач эса жамики гриффиндорчилар чинкириб, хуштак чалиб, карсак уриб турганини англаб етди.

- Ариза берганингни бизга айтишинг керак эди! - бакирди бир вактнинг ўзида ҳам эътиroz билдираётган, ҳам қойил қолган Фред.

- Соқол ўстирмасликка қандай эришдинг? Махоратни қаранг-а! - бақирди Жорж.

- Мен ариза берганим йўқ, - гап бошлади Гарри, - Билмайман қандай қилиб...

Ҳеч ким унинг тушунтиришларига қулоқ согани йўқ. Гаррининг олдига Ангелина келди.

- Мен сараланиб олинмаганим, Беллашувда иштирок этмаганим учун хафа эмасман, майли, лекин нима қилганда ҳам, гриффиндорчи иштирок этганидан, колледжимиз бир четда қолиб кетмаганидан беҳад хурсандман...

- «Хуффльпуфф» билан ўтган сўнгги учрашув учун Диггоридан ўч оласан, Гарри! - чириллади «Гриффиндор» квидиши жамоасининг иккинчи Овчиси Кэтти Бэлл.

- Гарри биз ҳар хил егуликлар олиб келганмиз, юр бу ёқقا...

- Мен оч эмасман. Зиёфатда тўйиб олдим...

Бироқ унинг оч эмаслиги ҳеч кимни қизиқтиргани йўқ, ариза бермагани ҳақидаги тушунтиришларини ҳеч ким эшитишни истагани йўқ, бирон нарсани нишонлаш кайфиятида эмаслигига ҳеч ким эътибор қаратгани ҳам йўқ... Қаердандир «Гриффиндор» байробини топиб келган Ли Жордан Гарри уни ридо каби эгнига ўраб олишини талаб қилиб, туриб олди. Буларнинг баридан кочиб кутулишнинг иложи бўлмади. Гарри

ётоқхонага олиб чикадиган зина томон яккакифт бўлиб ўтишга уринган ҳамоно кутуриб кетган халойик уни шу заҳоти ўраб олиб, хузур-лаззат ичимлигининг навбатдаги порциясини мажбур ичирганча, қовуриб қуритилган картошка ва ёнғокларни қўлига тутқизиб борди... Аризани жомга қай тарзда жойлай олгани, Ёш чегарасидан ўтишга қандай эришганини билишга ҳамма орзуманд бўлди...

- Мен ариза берганим йўқ, - қайта-қайта такрорлади Гарри, - Бундай ҳолат қай тарзда юз берганини билмайман.

Бу сўзларни айтиши шарт эмас. Бари-бир ҳеч ким ишонгани, эътибор ҳам бергани йўқ.

- Мен чарчадим! - ниҳоят портлаб кетди у, - Йўқ Жорж, чин сўзим, мен бориб ётаман... У ҳозир Рон билан Гермионани қидириб топмоқчи, улар билан ўтириб тинчланмоқчи бўлди-ю, лекин дўстлари меҳмонхонада кўринмади. Уйқуси келганлиги, бориб ётиши кераклигини қаттиқ туриб, талаб қилган Гарри йўлини тўсишга уринган aka-ука Кривиларни деворга қапиштириб қўйишига бир баҳя қолиб, ниҳоят ҳаммадан ҳалос бўлиш ва айланма зинадан тезлик билан кўтарилиб, ётоқхонасига кириб кетишига муваффак бўлди.

Хайриятки Рон ётоқхонада экан. Негадир у каравотда, устки кийимини ечмай ётибди. Гарри эшикни ёпгач, Рон кўзини очиб, бошини кўтарди.

- Сен қаерда эдинг? - сўради Гарри.

- О... салом, - жавоб қайтарди Рон.

У кулиб турибди-ю, табассуми қандайдир ғалати, зўраки кўринди. Гарри ҳалигача эгнида «Гриффиндор» байроби билан турганини идрок этиб, ечишга уринди-ю, тугун ҳеч итоат қилмади. Рон қилт этмай, Гаррининг байроқ билан овора бўлишини томоша қилиб ётди.

- Хўш, - деди у, Гарри ниҳоят байроқдан ҳалос бўлиб, бурчакка улоқтириб юборгач, - Табриклайман.

- Табриклайман, деганинг нимаси?

Гарри Ронга тикилиб қаради. Дўстининг кулгиси қандайдир нотўғри кулги. Аслида бу кулги ҳам эмас, соҳта ясалган афтдай кўринмоқда.

- Табриклайман-да, албатта. Ҳар қалай Ёш чегарасини сендан бошқа ҳеч ким алдаб ўта олгани йўқ, - тушунтириш берган бўлди Рон, - Қанчалик фирибгар бўлишмасин, хатто Фред билан Жорж ҳам бунинг уддасидан чиқа олишмади. Сен қандай эриша олдинг? Кўринмас плашингни кийиб олдингми?

- Кўринмас плаш Ёш чегарасини кесиб ўтишга ёрдам бера олмайди, - аста гапирди Гарри.
- Ҳа, албатта! - хитоб қилди Рон, - Агар плаш ёрдам бера олганида ҳеч шубҳа йўқ-ки, сен менга айтган бўлар эдинг... унга иккаламиз ҳам сигар эдик... Сен бошқача усул топгансан...
Хўш, айт, қанақа усул экан у?

- Кулок сол, - деди Гарри Роннинг кўзига тик караб, - Мен ариза берганим йўқ. Бу ишни бошқа бирор қилган.

Роннинг қошлари кўтарилиб кетди.

- Нега энди?

- Мутлақо ҳабарим йўқ.

Гарри «Мени ҳалок қилиш мақсадида», демоқчи бўлди-ю, гапи ҳаддан ортиқ фожиали чиқишини ўйлаб, тилини тийди.

Роннинг қошлари шу қадар кўтарилиб кетди, соchlарининг орасида кўринмай қолди.

- Кўрқма, менга ростини айтишинг мумкин, - кесатди у, - Ҳеч кимга айтишни истамайсанми, жуда яхши. Фақат бир нарсани ақлимга сиғира олмаяпман, ёлғон гапириб нима наф кўрасан? Ахир сени жазога тортишмади-ку! Семиз Холанинг дугонаси, анави Виолетта, ҳаммага жар солиб, Дамблдор сенга Беллашувда иштирок этишига рухсат берганини айтиб бўлди. Минг галлеон мукофот оласан, шундайми? Имтиҳондан ҳам озод этилдинг...

- Мен Беллашувда иштирок этиш учун ариза берганим йўқ, - жаҳл қилди Гарри.

- Ҳа, ҳа, албатта, - деди Рон, худди Седрик каби Гаррининг сўзларига ишонмаганини аён билдириб, - Сен бугун эрталаб, бирорга кўрсатишни истамай аризани жомга кечаси, ҳамма ухлаб ётган маҳалда ташлаган бўлар эдим деган эдинг... Мен, билсанг агар, аҳмоқ эмасман.

- Менинг сўзларимни бузиб, нотўғри талқин қиляпсан, - жеркиб берди Гарри.
 - Шундайми? - деди юзида на самимий, на ясама кулги кўринган Рон, - Ётадиган вақтинг бўлди, Гарри. Газета саҳифаларида чоп этиладиган фотосуратга тушиш-у, ўхшаш тадбирлар учун эртанги кунга тайёр бўлишинг керак.
- Рон пардасини зарда билан ёпиб олди.
- Гарри тўқ-қизил баҳмалдан тайёрган гулдор чодир ортидаги, унга ишониши керак бўлган озгина одамлардан бири ётган томон караб, эшик олдида турганча қолди.

XVIII БОБ.

СЕҲРЛИ ТАЁҚЧАЛАР КЎРИГИ

Эртасига, якшанба куни эрталаб уйғонган Гарри нима учун ташвиш чекаётгани, ўзини баҳтсиз хис этаётганини дарҳол эслай олмади. Хаёл ўтмай кечаги оқшом хотиралари миясига зарб берди. Ётган ўрнига кескин ўтириб, чодирининг пардасини куч билан очганча, Рон билан гапни очди қилмоқчи, мажбуран ишонтирмокчи бўлди. Бироқ қўшни каравот бўш. Рон нонушта қилгани ёлғиз ўзи тушишга аҳд қилган кўринади.

Гарри юз-қўлини ювгач, кийиниб, айланма зинапоядан пастга тушди. Умумий меҳмонхонага кириши ҳамоно, нонуштадан қайтган болалар уни гулдурос қарсаклар билан қарши олди. Айни дамда Катта Залда ўтирган, ҳар бири Гаррини қаҳрамон деб биладиган гриффиндорчиларнинг ҳузурига тушиш истиқболи уни ўйлантириб қўйди. Илож қанча! Аразлаган бўрининг хуржуни бўш қолади. Ё нонушта қилиш учун Катта Залга тушиши керак, ё зўр бериб қўл силтаганча, ўз даврасига чорлаётган ака-ука Кривиларга таслим бўлиши керак. Гарри қатъият-ла чикиш томон йўл олиб, портретни шартда очди-ю, Гермиона билан юзма-юз келиб қолди.

- Салом, - деди қўлига сочиққа ўралган бутербродларни ушлаб олган Гермиона, - Мана... сенга олиб келдим. Сайр қилиб келмаймиз-ми?
- Ажойиб фикр, - деди миннатдор Гарри.

Икковлон аста пастга тушиб, Катта Зал томон қарамай вестибюлдан тез ўтди-да, икки дакиқадан сўнг майсазор бўйлаб, ойнадай силлиқ юзасида дурмштрангчиларнинг сохилга боғлаб қўйилган кемаси ўзининг қоп-кора сояси билан бирга чайқалиб турган кўл сари йўл олди. Гарри бутерброд кавшаб, кеча дастурхондан турган фурсатдан эътиборан бўлиб ўтган гап-у, ходисаларни батафсил сўзлаб берди. Тонг ҳавоси совуқ бўлгани учун иккаласи бир ерда тўхтамай, у ёқ, бу ёққа санқиб юрди. Гермиона Гаррининг сўзларига эътиrozсиз ишонгани учун бўлса керак, боланинг руҳи анча тетиклашди.

Гарри Катта Залга туташган хонада бўлиб ўтган сахнани тавсифлаб бўлгач, Гермиона фикр билдири:

- Бу ишни сен килмаганингни билардим. Ишонч хосил қилиш учун эса Дамблдор исмингни эълон қилган фурсатда башарангга қарашибнинг ўзи кифоя эди! Ҳозир энг муҳими, аризани ким берганини билишдир. Хмури ҳақ, Гарри... Бирорта ҳам мактаб ўқувчиси сенинг номингдан ёзилган аризани бера олмайди... бирортасининг қўлидан Оташли жомни хийла билан енгиш ёки Дамблдорни чув тушириш келмайди...
 - Ронни кўрдинг-ми? - гапни бўлди Гарри.
- Гермиона тутилиб қолди.
- М-м-м... ха... нонушта қилиб ўтирган эди.
 - Бу ишни ўзим қилганим ҳақидаги фикридан ҳалигача қайтмади-ми?
 - М-м-м... йўқ, ундан бўлмаса керак... У даражада эмас-у... - тўнғиллади Гермиона.
 - У даражада эмас деганинг нимаси?
 - О, Гарри, наҳотки тушунмаётган бўлсанг? - ноилож бақириб юборди Гермиона, - У сенга ҳасад қиляпти!
 - Ҳасад қиляпти? - инонмади Гарри, - Нимамга ҳасад қилади? Менинг ўрнимда бўлиб, жамики мактабнинг кўз ўнгидаги аҳмоқона ҳолатга тушиб қолишни хоҳлайди-ми? Шундайми?
 - Қулоқ сол, - бардош-ла тушунтира кетди Гермиона, - Одамларнинг дикқат-эътибори

доимо сенда. Буни рад эта олмайсан. Биламан, бунда сенинг айбинг йўқ, - тез қўшиб қўйди Гермиона, ғазаби қайнаб кетган Гаррининг оғиз жуфтлаганини қўриб, - Бундай бўлишини одамлардан ҳам, Худодан ҳам илтижо қилмаслигингни биламан... бирок... Роннинг бир олам акалари борлиги, эринмаган киши уни акалари билан киёслаб боришини яхши биласан. Сен эса унинг энг яқин, энг донгдор, жуда машхур дўстисан. Сени кўрган ҳар қандай киши ёнингда турган Ронга эътибор ҳам қаратмайди. Бундай ҳолатга у кўнишиб қолган, албатта ва бу ҳақда хеч қачон гапирмайди ҳам. Аммо назаримда, бу сафар... юзага келган мана бу ҳолат Рон учун чидаб бўлмас, ҳаддан ортиқ иш бўлган...

- Ажойиб, - алам-ла хитоб қилди Гарри, - Жуда соз. Ҳар қандай фурсатда ўз ўрнимни бўшатиб беришим мумкинлигини унга айтиб қўй. Каерда пайдо бўлмасин, шу заҳоти одамлар унинг пешонасига бақрайиб қолишидек самимий тилакларимни Ронга етказ...
 - Мен унга хеч нарса етказмайман, - гапни кесди Гермиона, - Бўлган ишни ўзинг тушунтирасан. Гапни очди қилиб олишнинг ягона йўли шу.
 - Онг-ла улғайишини сўраб, ортидан югуриб юрмоқчи эмасман! - бакирди Гарри, кўшни дараҳтда ўтирган бир нечта бойқушни хуркитиб юбориб, - Беллашува жигим узилиб кетиши мумкинлигидан бирон-бир наф топмаслигимни англаб етгач, балки ўзи ишонар гапларимнинг чинлигига ёки...
 - Бундай ҳазиллашма, - деди ҳаяжонланиб кетган Гермиона паст овозда, - Буларнинг бари хеч кулгили эмас. Гарри, фикримча... Ўзинг ҳам яхши билсанг керак қасрга қайтишимиз билан нима иш қилиш кераклигини, шундайми?
 - Биламан, албатта. Роннинг юмшоқроқ жойига яхшилаб тепаман...
 - Йўқ, ундей эмас. Сириусга хат йўллашинг, бўлиб ўтган гапларнинг барини ёзиб юборишинг керак. Ёдинга бўлса, «Хогварц»да рўй берәётган ҳодисалар ҳакида ёзиб боришингни илтимос қилган эди... Назаримда, ўхшаш воқеалар содир бўлишини у кутган. Мен киссамга пергамент билан пат-қалам солиб келганман...
 - Ақлингни ёдинг-ми, Гермиона, - деди Гарри, хеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун теварак-атрофга қараб, - Чандигим оғригани учунгина хориждан қайтиб келган эди. Агар у Уч сехргар беллашувида иштирок этишим номаълум киши томонидан зидан уюштирилгани ҳакида хабар топадиган бўлса, қасрга ёпирилиб кириши турган гап...
 - У билиши керак, - деди Гермиона қатъий оҳангда, - У бари-бир хабар топади...
 - Қандай қилиб?
 - Гарри, бундай янгиликлар эътиборсиз қолдирилмайди, - деди Гермиона жиддий қиёфа қасб этиб, - Уч сехргар беллашуви жиддий аҳамиятга эга ҳалқаро тадбирлар сирасига киради. Сен эса сехргарлар оламида жуда машхур шахс саналасан. «Башорат-у, каромат газетаси»нинг бугунги сонида сенинг иштирокинг ҳакида мақола чиқмаган бўлса, жуда ҳайрон бўламан... Сенинг исминг шундок ҳам Ўзинг-Биласан-Ким ҳакида ёзилган китоблар-у, рисолаларда зикр этилган... Сириус бор гапни ўзингдан билишни афзал кўрган бўлар эди. Ишончим комилки...
 - Бўпти, бўпти, ёзаман, - деди Гарри ортиб қолган бутербродни кўлга улоқтириб. Икковлон ўйчан ҳолатда хўракнинг сувда қалқиб туриши, дақиқа ўтар-ўтмас сув ичидан чиққан улкан пайпаслагич тортиб кетишини кузаттагач, қаср томон йўл олди.
 - Кимнинг бойқушини олсан экан? - сўради зинапоядан кўтарилаётган Гарри, - Сириус Хедвигни жўнатма, деб тайинлаган эди-ку.
 - Рондан сўра, балки...
 - Ундан хеч нарса сўрамайман, - гапни кесди Гарри равон оҳангда.
 - Ундей бўлса мактаб бойқушларидан бирини ол, - таклиф киритди Гермиона, - Уларнинг хизматидан ҳамма баробар фойдаланиши мумкин.
- Иккови бойқушонага кўтарилди. Гермиона Гаррига сиёҳ шишаси, пергамент ва пат-қалам бергач, узун қўноклар ёнида юриб, бойқуш зотларини томоша қилишга киришди. Гарри эса деворга суюниб ўтирганча, хат битишга тушди:

Қадрли Сириус!

«Хогварц»да бўлаётган ишлар ҳақида боҳабар қилиб боришимни илтимос қилган эдинг. Шундай экан, марҳамат, билиб қўй. Билмадим, балки хабар топгандирсан, бу йил «Хогварц»да Уч сеҳргар беллашуви бўлиб ўтади. Шанба куни кечқурун эса мен чемпионликка тўртингчи даъвогар сифатида саралаб олиндим. Менинг номидан ёзилган аризани Оташли жомга ким ташлаганини билмайман. Лекин шуни аниқ биламан-ки, бу ишини ўзим қилганим йўқ. «Хогварц»нинг бошқа даъвогари Седрик Диггори. У «Хуффльпуфф» коллежисида таҳсил қўради.

Шу ерга келганда Гарри ўйланиб қолди. Кеча оқшомдан буён ичини нимадир таталаётгани, ташвишга солаётганини ёзмоқчи бўлди-ю, буларнинг барини қандай баён этишга сўз топа олмади. Шу боис, пат-қаламни сиёҳдонга ботирди-да, хатни тугатди-кўйди:

*Отбургут иккалангизнинг ишларингиз жойида, деган умиддаман.
Гарри.*

- Бўлди, - деди у Гермионага ва ўрнидан туриб, коржомасига илашган похолни қоқиб ташлади.

Шу пайтда Гаррининг елкасига қанотларини ҳилпиратган Хедвиг қўниб, панжасини узатди.

- Йўқ, дўстим, сени юборишга ҳаким йўқ. Анави қабиладошларингдан бирортасини жўнатишим керак.

Газаби қайнаб кетган Хедвиг зўриқиб чинқирганча, шундай кескин учдики, тирнокларини соҳибининг елкасига ботириб, жонини оғритди. Бола йирик омбор бойқушининг панжасига хат боғлар экан, Хедвиг тескари ўгирилиб, думини кўрсатиб ўтириди. Почта бойқушини жўнатган Гарри Хедвигни силаб, юпатиш учун қўл узатган ҳамоно, кордай оппоқ қутб бойқуши тумшуғини дарғазаб шақиллатганча учиб, чордоқ тўсинига кўтарилиди.

- Дастреб Рон зарда қилди, энди эса сен феъл кўрсатяпсан. Билиб қўй иккаланг, мен айбдор эмасман, - ўшкириб берди жаҳли чикқан Гарри.

Агар ҳамма чемпионликка даъвогар сифатида саралаб олинганимга тез орада қўнишиб колса, ишлар яна ўз изига тушади, ўйлади Гарри. Лекин бола чукур янгишидди. Душанба куни машғулотлар бошланди. Табиийки, энди у мактабдошлардан бекина олмайди.

Жамики мактаб, худди гриффиндорчилар сингари Гаррининг Оташли жомни хийла билан енгиб, Беллашувда иштирок этиш аризасини ўзи берганига шубҳа қилмагани, бирор гриффиндорчилардан фарқли ўлароқ, бундай холатдан мамнун бўлмагани аён бўлди. Гриффиндорчилар билан доимо дўстона муносабатда бўлиб келган хуффльпуффчилар кутилмаганда совуқ қарайдиган бўлиб қолишиди. Буни англаб этиш учун янги ўқув хафтасида гербологиядан ўтказилган биринчи дарс етарли бўлди. Аникланишича, Гарри хуффльпуффчилар даъвогарининг кисматига ёзилган шон-шухратни ўғирлаган эмиш. Агар «Хуффльпуфф»га бирон-бир кўринишдаги шон-шараф камдан-кам насиб қилгани инобатга олинадиган бўлса, бундай холатни ўзлари ҳам яхши биладиган хуффльпуффчиларнинг ҳис-туйғулари баттар оғирлашиб кетди. Седрик ўтган йили «Гриффиндор» квидиши жамоаси билан ўтказилган ўйинда ғалаба қозониб, ўз коллежига шухрат келтирган озгина одамлардан бири саналади. Шу кунга кадар Гарри билан яхши муросада бўлган Жастин Финч-Флетчи билан Эрни Макмиллан, гарчи битта патнисга терилган туваклардаги саваловчи пиёзларни биргалиқда кўчириб, эгатларга экишларига тўғри келган бўлса-да, Гарри билан гаплашишни исташмади. Пиёзлардан бири Гаррининг

кўлидан бўшаб чиқиб, кўзига зарб берган фурсатда эса разилона хандон отиб, хузур килишди. Рон ҳам Гарри билан гаплашмай қўйган. Гермиона иккала ўртогининг ўртасида зўрма-зўраки сухбат уюштиришга уриниб ўтириди. Иккаласи ҳам Гермиона билан тўғри оҳангда гаплашса-да, бир-бирининг кўзига тик қарашни истамади. Гаррининг назарида ҳатто «Хуффльпуфф» коллежининг мудираси профессор Сарсабил хоним ҳам гриффиндорчилар билан жуда расмий оҳангда мулоқот қила бошлади.

Одатий вазиятда Гарри Хагрид билан учрашадиган вақтни сабрсизлик билан кутади. Бироқ сехрли хайвонларни парвариш қилиш фани бўйича ўтадиган навбатдаги дарс чемпионликка даъвогар сифатида сараланиб олинган кундан сўнг нафақат Хагрид, балки слизеринчилар билан ҳам учрашиш кераклигини англаради.

Тўппа-тўғри. Таажжуланадиган иш бўлгани йўқ. Малфой юзига сингиб кетган мурдор табассуми илиа Хагриднинг кулбасига, Гарри аниқ эшитадиган масофага яқинлашгач, Краббе билан Гойлга мурожаат қилди:

- Ие, қаранглар, чемпионликка даъвогар-ку. Дастхатини олиш учун ён дафтарчангизни олиб келдингиз-ми? Фикримча, унинг имзосини ҳозир олган маъқул. Негаки у орамизда узоқ қолиши даргумон... Хой, Поттер, қанча вақт тирик қолмоқчисан? Биринчи мусобақа бошланган фурсатдан эътиборан ўн дақиқа нафас олишингга тикмоқчиман, панд бериб кўймайсан-ми? Эртароқ ўлиб қолмайсан-ми, ишқилиб?

Краббе билан Гойл Малфойга ялтоқланганча иршайди. Кулба ортидан чиқкан Хагридни кўрган манфур слизеринчи овозини ўчиришга мажбур бўлди. Хагрид чайқалаётган саватлар тахини қорнига босганча кўтариб келмоқда. Уларнинг ҳар бирига биттадан портловчи дракл қамалган. Хагрид нима учун дракллар бир-бирини нобуд қилаётганинг сабабини тушунтириб, ўқувчиларни даҳшатга солди. Унинг фикрича, саватга қамалган дракллар орасидаги котиллик жониворларнинг хаёт тарзи ҳаракатсиз кечеётгани, кун сайин ошиб бораётган ички куч-кувватни сарф этиш имкони деярли йўклиги туфайли содир этилаётган эмиш. Энди ўқувчилар ўзига биттадан дракл танлаб, бўйинбоғ солганча, сайр қилдириши керак экан. Ушбу ғоянинг ягона ижобий томони Малфойни Гарридан батамом чалғитгани бўлди.

- Сайр қилдириши керак? Манави бадбашараларни-я?! - ҳазар қилиб сўради Малфой, саватлардан бирига қараб, - Хўш, ким билади, бўйинбоғ ушбу қабоҳатнинг қаерига боғланади? Нишигами, сўргичигами ёки портлаткичига-ми?

- Танасининг ўртасига, - пинагини бузмай кўрсатди Хагрид, - М-м-м... Эҳтиёт чораси сифатида аждар терисидан тайёрланган ҳимоя қўлқопини тақиб олинглар. Гарри, бу ёққа кел. Мана бу бақувватрогини боғлашга ёрдамлашиб юбор.

Аслида Гаррини четга чорлаб, сухбатини олмоқчи бўлган Хагрид ҳамма ўз драклини танлаб, ҳар томон тарқаб кетгач, болага юзланди.

- Уч сехргар беллашувида иштирок этар экансан-да, а, Гарри? Мактабнинг чемпионликка даъвогари бўлдим, дегин?

- Даъвогарларидан бири бўлдим, - тузатиб қўйди Гарри.

Девқомат Хагрид қалин кошларини чимириб, иккита қора қўнгиздай келадиган катта-ката кўзлари билан болага қаради.

- Бу ишга сени ким тортганини билмайсан-ми?

Саволни эшитган Гарри, вужудини қамраб олган миннатдорлик түғёнини базўр идора қила олди.

- Демак, аризани ўзим бермаганимга ишонар экансан-да, а?

- Албатта ишонаман, - тасдиклади Хагрид, - Ахир ўзинг айтдинг-ку, мен берганим йўқ, деб. Дамблдор ҳам ишонади. Ҳамма ишонади.

- Кимнинг қилиғи эканлигини ўзим ҳам жуда билгим келяпти, - алам-ла хўрсинди Гарри. Иккаласи ўқувчилар тарқаб кетган майсазор томон юзланди. Ҳамма муаммога йўлиқкан. Дракллар узунасига уч футга ўсган бўлиб, куч-кувватга тўлиб-тошган. Энди улар илгаригидек ялангоч, рангсиз эмас. Ҳар бирининг тери қопламаси пўлат-кул рангли қалин зирхга айланиб қолган. Нимаси биландир йирик чаён билан ҳаддан ортиқ узайиб кетган

крабнинг дурагайига ўхшаб кетади. Бироқ боши-ю, кўзи қаерда жойлашганини англатувчи аломат ҳанузгача кўринмайди. Шундай бақувват бўлиб кетган-ки, хатти-ҳаракатини идора қилиш осон кечмаяпти.

- Қара, қувонишаётганини қара! - завқланди баҳтиёр Хагрид.

Хагрид ўқувчиларни эмас, драклларни назарда тутиб хурсанд бўлаётганига Гарри шубҳа қилмади. Синфдошларининг афтига қарайдиган бўлса, қувонишаётгани ҳеч билингани йўқ. Баъзан «бум!» этган портлаш товуши янграб, ҳар томон учқун сачраб кетади. Ҳар портлаш зарбидан дракл етаклаётган бола қорни билан ерга қулайди-да, оёққа туриб олиш учун ётган жойида типирчилайди.

- Ох, шўрлик Гарри, - кутилмаганда хўрсинди Хагрид, ташвиш тўла нигоҳ-ла болага қараб,

- Энди чемпионликка даъвогарлик дегин... Нималар қўрмадинг ёш бошинг билан, а?

Гарри жавоб қайтармади. Чиндан ҳам, не-не кунлар ўтмади унинг бошидан... Ҳудди шу гапни якшанба куни эрталаб кўл атрофида сайр қилиб юришганда Гермиона ҳам айтган эди. Унинг сўзларига қараганда, айнан шу боис ҳам Рон Гарри билан гаплашмай қўйган эмиш.

Кейинги бир неча кун Гарри учун «Хогварц»га келганидан бўён нихоятда мудҳиш даврга айланди. Иккинчи синфда ўқиб юрган кезларида ўқувчиларга уюштирилган ҳамлалар борасида жамики мактаб ундан гумон килганда ҳам ўхшаш ахволга тушиб қолган эди, албатта. Бироқ ўшанда Рон Гаррига ишониб, тарафини олган. Агар Рон у билан ярашиб олганда, қолганларнинг муносабатига чидаса бўлади. Лекин у ярашишни истамас экан, Гарри ҳам ялинмоқчи эмас. Аммо уни ёлғизлик қийнаяпти. Бунинг устига адоват ҳар томондан томчилаб турибди.

Хуффльпуффчиларнинг муносабати ёқмаса-да, ушбу мактабдошларни Гарри тўғри тушунади. Ахир улар ўз даъвогарини қўллаб-қувватлашлари керак-ку. Слизеринчилардан, табиийки, ғазабнок таҳқирлардан бошқа нарса кутмайди. Улар доимо Гарридан нафратланиб келишган. Негаки, айнан Гарри туфайли «Гриффиндор» коллежи мана бир неча йилдир-ки квидиш ўйинларида ҳам, мактаб кубоги учун йил давомида олиб бориладиган курашда ҳам «Слизерин»дан устун келмоқда. У равенклочиларга ишонган, уларнинг қалбларида Седрик билан бирга жой топа олишига катта умид боғлаган эди. Бироқ Гарри бу масалада ҳам янгилиди. Аксарият равенклочиларнинг онгиди Гаррига шухрат етишмай, хийла қўллаб, Оташли жомни ариза қабул қилишга мажбур қилганча, донгдорликни янада ортиришга уринди, деган фикр мустаҳкам ўрнашиб қолган кўринади.

Умуман айтганда, тан олиш керакки, чемпионлик киёфаси Гаррига нисбатан кўпроқ Седрик Диггорига ярашади. Сўнгги вактларда дикқат-эътибор кимга кўпроқ қаратилаётганини айтиш қийин: бадқовоқ дурмштрангчи Крумга-ми ёки бурни тўғри, сочи қора, кўзи кул ранг ўта барно йигит Седрикка-ми. Бир вактлар Крумнинг дастхатини олиш учун лаб бўёғини талашиб қолган олтинчи синф қизлари тушлик танаффуси вактида юк халталарига дастхат қўйиб беришини энди Седрикдан сўраб, ўтинаётганини Гарри кўриб қолди.

Бундан ташқари, Сириусдан ҳанузгача жавоб келмаяпти, Хедвиг аразлаган, профессор Трелани Гаррининг ўлимини олдингидан зўр ишонч-ла башорат қилмоқда, профессор Флитвик эса Буюм чакириш афсунини яхши уddyалай олмаган Гаррига қўшимча вазифа берди. Айтиш жоизки, агар Невилль хисобга олинмаса, ўша куни уйга вазифа ёлғиз Гаррига берилди.

Бутун дарс давомида ҳудди ойскоп, синф тахтасининг латтаси, қоғоз чиқиндиси ташланадиган сават учун ўзига хос микнотисга айланиб қолган Гермиона, ушбу буюмларни ўз яқинига катта тезлиқда учеб келишга мажбур қилиб ўтирди.

Флитвикнинг хизмат хонасидан чиқар экан, қизалоқ Гаррига далда берган бўлди:

- Афсун ижросининг ҳеч қийин жойи йўқ, Гарри. Сен ўз фикр-хаёлингни бир жойга

жамлай олмаяпсан холос.

- Нега шундай бўляпти, хеч тушуна олмаяпман, - вайсади Гарри, - Лекин... ўйлашимча, бунга жиддий аҳамият беришга ҳожат йўқ. Ахир олдинда мени баҳтиёр онлар кутмоқда. У ҳам бўлса, сехрли дамламалар тайёrlашнинг қўш соатли дарси. Роза таскин топадиган бўлдим-да!

Уларнинг ёнидан ноз-истиғонолик қилаётган қизлар галаси ўраб олган Седрик Диггори ўтиб кетди. Гаррини кўрган қизлар худди бехосдан энг жирканч портловчи драклга дуч келиб қолишгандай қиёфа ясаб қўйиши.

Сехрли дамламалар тайёrlаш фанининг қўш соатли дарси Гарри учун доимо оғир синов бўлиб келган. Бироқ сўнгги вақтларда дарс эмас, ҳақиқий қийноққа айланди.

Чемпионликка даъвогар бўлиб олгани учун Гаррига жазо беришни ўз олдига олий мақсад қилиб олган Снегг ва слизеринчилар билан бир ярим соат давомида деярли яккама-якка қолишдан баттар азобни ўйлаб топиш қийин бўлса керак. Ўтган жума куни улар Гаррини роса болашган. Ўшанда Гаррининг ёнида ўтирган Гермиона бир охангда: «эътибор берма, эътибор берма», - деган сўзларини хеч қўймаган эди. Бу сафар дарс нисбатан тинчроқ ўтишига умид йўқ.

Тушликдан сўнг Гермиона иккаласи Снегг тасарруфидаги ер ости йўлакларига тушиб, эшик якинида тўпланиб олган слизеринчиларга рўбару бўлиши. Ҳаммасининг қийимида, истисносиз, аллақандай кўкрак нишони қадалган. Бир неча ақлга сиғмас сониялар давомида Гаррига ушбу кўкрак нишонлари Гермиона асос соглан САССИҚ жамиятининг кўкрак нишонларидай бўлиб кўринди. Бироқ дурустроқ қараб, қизил ҳарфлар билан ёзилган, нимқоронги йўлакда яркираб кўринган сўзларни ўқиди:

«Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини кўллаб-куватланг!

- Қалай, ёқди-ми, Поттер? - баланд овозда сўради Малфой, яқинроқ келган Гарридан, - Тўхта, бу ҳали ҳаммаси эмас... Давомини ўки!

Малфой кўкрагидаги нишонни босди. Ёзув йўқолиб, ўрнига яшил ҳарфлар билан битилган бошқа ёзув пайдо бўлди:

Поттер – бадбўй

Ўкириб кулган слизеринчиларнинг ҳар бири ўз кўкрак нишонини босди. Атрофда Поттер – бадбўй ёзуви яркираб кетди. Гаррининг юзи қизиб, ҳарорат бўйнига тарқалди.

- Ох, жудаям кулгили, - деди Гермиона истехзо охангиди Панси Паркинсон ва унинг дугоналарига қараб, - Ажойиб заковат кўрсатибсиз.

Девор ёнида, Дин ва Симус билан бирга Рон ҳам турибди. У слизеринчиларга қўшилиб кулгани йўқ, бироқ Гаррини химоя ҳам қилмади.

- Биттасини берай-ми, Грэнжер? - деди Малфой Гермионага кўкрак нишонини узатиб, - Ма, ол, менда бундай нишонлар жуда кўп. Фақат қўлимга тегиб кетма. Ҳозиргина ювган эдим. Ҳар хил маглаваччалар тегиб, яна булғаланишини истамайман.

Кўп кунлардан буён Гаррининг юрагига тўпланиб қолган ғазаб кўрингаси тўғонни вайрон қилиб юборгандай бўлди гўё. Нима қилаётганини идрок этишга улгурмай, сехрли таёқчасини шартта қўлига олди. Ёнида турганлар ундан нари қочди.

- Гарри! - олдини олгандай бакирди Гермиона.

- Хўш, Поттер, - деди Малфой, таёқчасини хотиржам чиқариб, - Бу ерда химоячинг Хмури йўқ. Қани энди кўрайлик-чи, нималарга қодир экансан...

Бир сония ҳам ўтмай иккаласи бир-бирига ҳамла қилди.

- Фурункулюс! - бакирди Гарри.

- Дантисимус! - ўкирди Малфой.

Иккала таёқчадан отилиб чиқкан ёрқин яшин ҳавода тўқнаш келиб, нари сапчиди.

Гаррининг яшини Гойлнинг, Малфой отган яшин эса Гермионанинг юзига урилди. Гойл

ўкирганча, бир зумда зиндоны чиққан бурнини ушлаб олди. Кўрқиб кетган Гермиона эса инграганча, кафтини оғзига босди.

- Гермиона! - қичкирди Рон.

Гарри ўгирилиб, Рон Гермионанинг қўллари билан бекитиб олган юзини очишга уринаётганини кўрди. Даҳшатли манзара. Гермионанинг шундок ҳам қисқа бўлмаган бир жуфт олд тиши дастлаб пастки лаби, сўнг жағига қадар тез ўсиб, сув қундузига ўхшаб қолди. Вужудини вахима қамраб олган қизалоқ ниҳоят чинкириб юборди.

- Нима шовқин? - эшитилди тилёғлама оҳангли, машъум овоз.

Йўлакда Снегг кўринди.

Слизеринчилар баралла арз қила бошлашди. Ҳеч нарсани уқмаган Снегг узун сариқ бармоғини Малфойга ўқтаб:

- Сиз тушунтириңг, - деди.

- Поттер менга ҳамла қилди, сэр...

- Биз бир-биримизга бир вактда ҳамла қилдик! - ўшқирди Гарри.

- ... у Гойлнинг соғлигига зиён етказди, сэр, ана ўзингиз кўринг.

Снегг Гойлнинг заҳарли қўзиқоринлар таъсири ҳакидаги китобда расм сифатида келтирса бўладиган башарасини тадқиқ қилиб чиқди.

- Шифохонага, - хотиржам буюрди Снегг.

- Малфой эса Гермионанинг соғлигига путур етказди! - гапга аралашди Рон, - Мана қаранг!

Рон Гермионани тишини қўрсатишга мажбур қилди. Қизалоқ имкон қадар тишини бекитишга уринса-да, фойдаси йўқ. Тиш ёқага қадар ўсиб етган. Снеггнинг орқасида турган Панси Паркинсон Гермионага бармоқ ўқтаганча, дугоналари билан бирга унсиз кулиб, икки букилиб қолди.

- Олдинги ҳолатидан кўп фарқ қилаётганини сезмадим, - хулоса чикарди Снегг Гермионага совуқ назар ташлаб.

Кўзлари ёшга тўлган Гермиона чириллаб, шартта бурилди-да, йўлак бўйлаб юргурганча кўздан ғойиб бўлди.

Гарри билан Рон баралла қичкиргани яхши бўлди. Иккаласининг овози тош йўлак деворларидан акс садо бўлиб қайтиб, нималар деб ҳакорат килишганини Снегг илғай олмади-ю, мазмунни уқиб олди.

- Энди фаҳмлаб олайлик, - деди Снегг ўта мулоим овоз билан, - «Гриффиндор»дан эллик балл айрилади. Поттер билан Уэсли бир кунли меҳнат жазосига тортилади. Энди тез синфга кириңг, акс ҳолда бутун ҳафтага жазо тайнинлайман.

Гаррининг қулоқлари жаранглаб кетди. Адолатсизлик унинг ғазабини қайнатиб юбориб, Снеггни минглаб жирканч бўлакларга бўлиб ташлашни истади. Икковлон Снеггнинг ёнидан ўтиб, йўлак охиридаги синф хонасига кирди. Гарри бор кучи билан юк халтасини партага улоқтириди. Рон ҳам ғазабдан дағ-дағ тирамоқда. Маълум вақт иккаласи ярашиб олгандай бўлди гўё. Бироқ Рон тескари ўгирилиб, Гаррини ёлғиз қолдирганча, Дин билан Симуснинг ёнига ўтирди. Хонанинг нариги томонида ўтирган, Снегг орқа ўтирган фурсатдан фойдаланган Малфой, кийимиға қадалган кўкрак нишонини босиб, Поттер – бадбўй ёзувини боз кўрсатиб қўйди.

Дарс бошланди. Гарри Снеггдан кўзини узмай, у йўликиши мумкин бўлган энг даҳшатли манзараларни кўз олдига келтириб ўтирди... Эҳ, қани энди Кийнокқа солиш қарғишини кўллай билса... Снегг ҳозир анави ўргимчак сингари белида ётиб, тўлғаниб, типирчилаган бўлар эди...

- Зидди-захарлар! - мавзуни эълон қилди Снегг, ярқираётган кўзи билан синфга назар солиб, - Ҳамма бугунги кунга қадар зидди-захар тайёрлаш усулларини ўзлаштириб келган бўлиши шарт эди. Бинобарин, дамламани астойдил тайёрлаш талаб этилади. Негаки бугун, дамламани тўғри тайёрлаганини текшириш мақсадида синовдан ўтказиладиган одам танланади...

Снегг билан Гаррининг нигоҳи тўқнаш келди. Бола бугун нима бўлишини дархол ва жуда

яхши англади. Снегг айнан Гаррини захарламоқчи. У қозонини қўлига олганча, синф бўйлаб югуриб бориб, бор куч-у, нафрати ила Снеггнинг ифлос бошигини қўз олдига келтириб кўрди...

Шундай ширин хаёлдан эшикнинг қаттиқ тақиллаши чалғитиб юборди.

Хонага Колин Криви кириб келди. У яшнаганча Гаррига қараб, Снеггнинг столига яқин борди.

- Эшитаман? - киска килди Снегг.

- Сэр, Гарри Поттер юқорига чақириляпти. Шуни етказиш менга буюрилди.

Снегг ёвуз кўзларини илгаксимон узун бурни узра Кривига чақчайтириди. Бечора болачанинг хозиргина яшнаб турган юзидағи табассум бир зумда барҳам топди.

- Поттер яна бир соат сехрли дамламалар билан машғул бўлади, - муздай овози билан маълум килди Снегг, - Дарс тугаганидан сўнггина юқорига чиқади.

Даҳшатга тушган Колиннинг ранги қизил тус олди.

- Сэр... сэр, мистер Шульман чақирияпти уни, - кўркув ичра маълум қилди болача, - Чемпионликка даъвогарларнинг ҳаммаси чақирилган. Менимча уларни фотосуратга олишади

Криви шу фикрини айтмаса, Гарри энг қиммат нарсаларини берган бўлар эди-я. У таваккалига Рон томон юзланди. Рон харакатсиз, шифтга тикилиб ўтирибди.

- Яхши, яхши, - жеркиб берди Снегг, - Поттер, нарсаларингизни қолдириб, бораверинг. Тадбир ўтгач, қайтиб келинг. Сиз тайёрлаган зидди-захарни амалда текшириб кўрмоқчиман.

- Мени маъзур сананг, сэр... У нарсаларини ҳам ўзи билан олиши керак экан, - чийиллаб кўйди Колин, - Чемпионликка даъвогарларнинг ҳаммаси...

- Жуда яхши! - ўшқирди Снегг, - Поттер, нарсаларингизни олинг-да, даф бўлинг бу ердан, тезрок!

Юк халтасини елкасига ташлаган Гарри, ўрнидан туриб, чиқиш эшиги томон йўл олди.

Слизеринчилар ёнидан ўтар экан, ҳамма жойда Поттер – бадбўй ёзуви яркираб кўринди.

- Зўр, а, Гарри? - бидирлай кетди Колин, Гарри эшикни ёпиши билан, - Чемпионликка даъвогар бўлганинг зўр иш бўлди, а?

- Нимасини айтасан, жуда зўр, - ғамгин жавоб берди Гарри, - Колин, хабаринг йўқми, нега бизни суратга олишар экан?

- «Башорат-у, каромат газетаси» учун бўлса керак!

- Ажойиб! - деди Гарри янада тушкун оҳангда, - Менга айнан шухрат етишмай, донгдорликни янада ортиришим керак эди.

- Омадингни берсин! - тилак билдириди Колин, ўнг томондаги аллақандай эшик ёнига етгач.

Гарри эшик тақиллатиб, ичкарига кирди.

Бу ер кичик хона бўлиб, деярли барча парталар орқага сурилганча, ўртада тор бўшлиқ ҳосил қилинганди. Фақат учта парта синф тахтасининг рўпарасига бир қатор терилиб, устига духоба ёзилган. Шу тарзда наридан-бери тайёрланган узун стол ортига бешта курси кўйилиб, улардан бирида эгнига пушти қўйлак кийган, Гарри муқаддам учратмаган афсунгар аёл билан сухбат қураётган Людо Шульман ўтирибди.

Бурчакда ҳеч ким билан мулоқот қилмаётган бадқовоқ Виктор Крум турибди. Седрик билан Флёр эса аксинча, жонли сухбат қурган. Флёр бугун баҳтиёр, хар қалай илгаригига нисбатан мамнунроқ кўринади. У дам-бадам бошини ортга силтаб турибди. Унинг кумуш тусли узун соchlари ёруғлик шуъласида тилла ранг касб этмоқда. Тутун буркиб турган фотокамера ушлаган қорни катта киши Флёрга зимдан қараб-қараб қўймоқда.

Гаррини қўриб қолган Шульман ўрнидан сакраб туриб, бола томон ошиқди.

- Ана у! Тўртинчи ракамли чемпионликка даъвогаримиз! Кир, Гарри, киравер... Хавотир бўлма, бу атиги сехрли таёқчалар кўриги холос, қолган ҳакамлар ҳам тез орада етиб келади...

- Сехрли таёқчалар кўриги? - чўчиб сўради Гарри.

- Чемпионликка даъвогарларнинг сехрли таёқчаларини текшириб, бенуқсон иш ҳолатида эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Ўзинг биласан, сехрли таёқча бўлажак синовларда энг асосий курол саналади, - тушунтириди Шульман, - Текширув ўтказадиган мутахассис хозир юқорида, Дамблдорнинг хонасида. Маросим ўтгач, фотосуратга тушамиз. Танишинглар, Рита Врите. У уч сехргар беллашуви ҳақида «Башорат-у, каромат газетаси» учун кичик мақола ёзмоқда...

- Эҳтимол у қадар кичик бўлмаслиги ҳам мумкин, - деди эгнига пушти кўйлак кийган афсунгар аёл Гарридан қўзини узмай.

Унинг соч турмаги зичлаб гажакланган мураккаб зулфдан иборат бўлиб, квадрат шаклини эслатадиган бош суягидан кескин ва жуда ғалати тарзда фарқ қилиб турибди.

Кўзойнагининг гардиши қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Тимсоҳ терисидан тайёрланган сумкачани маҳкам ушлаб олган йўгон бармоклари тўқ қизил рангли ялтирок лакка бўялган, узунлиги камида икки дюйм келадиган тирноклар билан якун топган.

- Маросим бошлангунга қадар Гарри иккаламиз сухбатлашиб олишимизга эътиroz билдирмайсиз-ми? - деди боладан қўзини узмаган Рита Врите Шульманга мурожаат қилиб, - Энг ёш чемпионликка даъвогар! Тушуняпсиз-ми?... Бу мақолага янада ёрқин ифода беради...

- Албатта! - рози бўлди Шульман, - Агар... Гаррининг ўзи эътиroz билдирмаса.

- М-м-м.. - дея олди Гарри, кўйилган саволга жавобан.

- Жуда соз, - деди Рита Врите, боланинг минфирилаганини розилик аломати сифатида қабул қилиб.

У шу заҳоти қизил тирноклари билан Гаррининг ўнг қўлини чанглаб олди-да, синф хонасидан тортиб чиқиб, йўлақда дуч келган биринчи эшикни очди.

- Хонадаги шовқин сухбатимизга халал беришини истамаймиз-ку, шундайми? - деди у, - Қани, кўрайлик-чи... жуда яхши... мана шу ер жуда шинам ва қулай экан.

Иккаласи чеълак, супурги ва полювгичлар сақланадиган қазноқ рўпарасида туриб олишган. Гарри мухбирга таҳайор қараб қолди.

- Кир, ёқимтойгинам... мана шундай... жуда соз.

Онтарилган чеълакка аста ўтириб олган Рита Врите куч ишлатиб, болани картон қутига ўтқизиб қўйди-да, эшикни ёпди. Қазноқ зулматга чўмди.

- Ана энди бир иш қиласиз...

Рита Врите тимсоҳ терисидан тайёрланган сумкачасини очиб, ичидан бир сиқим майдада шам чиқарди-да, кафт ҳаракати илиа ёқиб, хонани ёритиш учун хавога, ҳар жойга муаллақ осиб қўйди

- Мулокот пат-қаламидан фойдаланишим масаласига қаршилик билдирмайсан-ми, Гарри? Шундай килсак, иккаламиз бамайлихотир мулокот қилиб ўтиришимиз мумкин...

- Нимадан фойдаланасиз? - тушунмади Гарри.

Рита Врите ригина табассуми янада кенгайиб, Гаррининг қўзига хозирча учта тилла тиш кўринди. Врите сумкачасини яна титкилаб, унинг ичидан ям-яшил пат-қалам ва пергамент ўрамини чиқарди-да, миссис Шваберснинг расвогарчиликни ўчириш универсал воситаси жойланган сават устига ёзди. Рита яшил пат-қаламнинг учини оғзига солиб, ҳузур-ла сўргач, пергамент устига тик ўрнатиб қўйди. Пат-қалам аста титраб, учида турганча мувозанат сақлаб қолди.

- Текширув...

Мен, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг мухбери Рита Врите.

Гарри нигоҳини Врите ригина сўзларини шатирлатиб ёзиб ташлаган пат-қаламга тез олиб ўтди.

Макрли пат-қалами ҳаддан ортиқ шишиб кетган қўплаб донг-шухратларни тешиб, дамини чиқариб ташлаган оқ-сариқ сочи жозибадор аёл Рита Врите, 43...

- Жуда соз, - боз такрорлади Рита Вритең пергаментнинг бош қисмини йиртиб, ғижимлаганча, сумкаласига солиб.
- Хўш, Гарри, - сухбат бошлади Рита, - Уч сехргар беллашувида иштирок этиш учун ариза беришга сени нима мажбур қилди?
- М-м-м... - яна мингирлади Гарри.

Бироқ боланинг фикрини пат-қалам чалғитди. Гарчи у хали хеч нима демаган бўлса-да, пат-қалам пергамент юзаси бўйлаб, сатр битганча, югура кетди:

*Фожиали ўтмишдан ачинарли эсдалик сифатида қолган ваҳимали чандик Гарри
Поттернинг ёқумли юзини расво қилиб, кўзлари...*

- Пат-қаламга эътибор қаратма, Гарри, - деди Рита Вритең.
 - Гарри истар-истамас пат-қаламга қадалган нигохини Вритеңга олиб ўтди.
 - Савол эсингдами? Беллашувида иштирок этиш учун ариза беришга сени нима мажбур қилди?
 - Бу ишни мен қилганим йўқ, - жавоб қайтарди Гарри, - Менинг номимдан ёзилган ариза Оташли жомга қандай қилиб тушиб қолганини билмайман. Уни мен ташлаганим йўқ. Ританинг корага қалин қилиб бўялган кошлари кўтарилиб кетди.
 - Кўйсанг-чи, Гарри, бу ишинг учун жавобгарликка тортишмайди-ку, сени. Ариза берганинг нотўғри иш эканлиги ҳаммага шундок ҳам аён. Лекин бу масалада ташвиш тортмасанг бўлаверади. Газетхонларимиз оқимга қарши юрадиган кишиларни жуда ёқтиради.
 - Лекин мен ариза бермаганман, - такрорлади Гарри, - Билмайман ким...
 - Бўлғуси синовлар арафасида нималарни ҳис этяпсан? - боланинг гапини бўлди Рита Вритең, - Курашга тайёрмисан? Ёки асабийлашяпсан-ми?
 - Бу хақда ҳали ўйлаб кўрганим йўқ... Асабийлашаётган бўлсам керак, - икрор бўлди Гарри, ичида нимадир ёқимсиз сикилганини ҳис этиб.
 - Ўтмишда ўтган беллашувларда чемпионликка даъвогарлар ҳалок бўлган ҳолатлар ҳам бўлган, хабаринг борми?
 - М-м-м... бу Беллашув анча хавфсиз ўтади, деб ишонтириляпти.
 - Пергаментнинг у четидан, бу четига шиддат билан ҳаракатланаётган пат-қалам муз устида учаётган конъкига ўхшайди.
 - Аммо сен илгари ҳам ажал билан юзма-юз келгансан-ку, шундай эмасми? - давом этди Рита Вритең боланинг кўзларига синчковлик-ла қараб, - Нима деб ўйлайсан, бундай ҳолат табиатингда маълум бир из қолдирганми?
 - М-м-м, - боз мингирлади Гарри.
 - Бошингдан муқаддам ўтган руҳий ларза бугунги кунга келиб нимага қодир эканлигингни ҳаммага кўрсатиб кўйиш, ўхшаш хиссиётларинг түгён уриши, ўз исмининг муносиб бўлишга интилишингга сабаб бўладими? Уч сехргар беллашувида иштирок этиш истагинг туғилишига...
 - Бундай истак менда бўлмаган, - деди Гарри асабийлашиб.
 - Ота-онангни эслайсан-ми? - боладан баландроқ гапирди Рита Вритең.
 - Йўқ, - қўрслик қилди Гарри.
 - Нима деб ўйлайсан, Уч сехргар беллашувининг иштирокчиси сифатида саралаб олинганингдан ота-онанг хабар топишганида қандай ҳис этган бўлар эди ўзларини? Фахрланган, ташвишга тушган ёки жаҳли чиқкан бўлармиди?
- Ана энди Гаррининг ростакамига ғазаби қайнади. Ахир қаердан билсин у, ота-онаси тирик бўлганда ўзларини қандай ҳис этган бўлишини? Бола мухбир аёлнинг чақчайиб турганини ҳис этиб, кўзларига қарамаслик учун қовогини солганча, пат-қалам битаётган сатрларга эътибор қаратди.

Гап ота-онаси ҳақида очилар экан, уларни эслай олмайдиган боланинг ҳайратомуз яшил кўзи жисқ ёшга тўлди.

- Ҳеч қанақанги ёшга тўлгани йўқ, менинг кўзларим! - эътиroz билдириди дарғазаб Гарри. Рита оғиз жуфтлашга улгурмай, қазнокнинг эшиги ланг очилди. Ёркин нурдан кўзи қамашиб кетган Гарри остонаяда таҳайюр нигоҳ-ла караб турган Дамблдорни кўрди.

- Дамблдор! - хитоб килди Рита Врите, завқланиб кетгандай бўлиш учун жамики ноз-карашмасини ишга солиб.

Айни пайтда, Гарри, мулоқот пат-қалами ҳам, расвогарчиликни ўчириш воситалари жойланган сават устига ёзилган пергамент ўрами ҳам дафъатан гум бўлгани, Рита Врителинг узун тирноқли йўгон бармоқлари эса сумкачани шик этиб ёпиб қўйганини сезиб қолди.

- Саломатлигингиз яхшими? - сўради Врите, эркакнинг кафтига ўхшаш қўлини Дамблдорга узатар экан, - Халқаро сеҳргарлар конфедерациясига оид ёзда чоп этилган мақоламни ўқигансиз, деган умиддаман, Дамблдор.

- Ҳар бир жумласидан заҳар чаккалаб турадиган бундай мақолалар камдан-кам чиқади, - фикр билдириди Дамблдор кўзлари ярқираб, - Айниқса, камтарин каминангизни «Куч-кувватдан қолиб, ўйсин қоплаганига кўп йиллар бўлган чол» сифатида тавсифлаганингиз менга алоҳида хузур бағишлиди.

Ританинг безбет башарасида хижолат аломатидан асар ҳам кўринмади.

- Баъзи қарашларингиз ўз умрини ўтаб бўлган фикр-мулоҳазалар сирасига киришини таъкидлаб ўтдим холос, Дамблдор. Сеҳргар элатимизнинг айрим тор фикрли вакиллари эса...

- Дағал ва такаббур оҳанг замирида қандай мантиқ борлигидан хабар топсан, ўзимни бенихоя бахтиёр билган бўлар эдим, - деди Дамблдор аёлга илтифот-ла таъзим бажо айлар экан, - Аммо ҳозир мавриди эмас. Ушбу масала мухокамасини кечга қолдиришга тўғри келади, деб кўрқаман. Хаёл ўтмай сеҳрли таёқчалар кўриги бошланади. Чемпионликка даъвогарлардан бири полювгичлар сақланадиган казнокқа бекитилиб қўйилар экан, бундай удумнинг бошланиши амри маҳол.

Рита Вритедан кутулганидан мамнун бўлган Гарри синф хонасига ошиқди. Колган даъвогарлар эшик ёнидан жой олишган. Гарри лип этиб Седрикнинг ёнидаги курсига жойлашди. Тўрт нафар ҳакам: профессор Каркаров, Максим хоним, мистер Сгорбс ва Людо Шульман духоба ёзилган стол ортида ўтиришибди. Гарри Рита Врителинг бурчакка биқиниб олиб, ўзининг мулоқот пат-қаламини сўрганча, тиззасига ёзилган пергамент устига тик ўрнатганини кўрди.

- Сизларни мистер Олливандер билан таништириб ўтишга ижозат бергайсиз, - деди ҳакамлар столи ортидаги жойини эгаллаётган Дамблдор чемпионликка даъвогарларга мурожаат қилиб, - У сеҳрли таёқчаларингизни текшириш учун атайин ташриф буюрган. Уч сеҳргар беллашувини бошлашдан олдин иштирокчиларнинг таёқчалари текширилиб, бенуқсон иш ҳолатида эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз шарт.

Гарри хонага кўз югуртириб чиқиб, дераза ёнида кўзлари бир жуфт тўлин ойга ўхшаб кетадиган қария турганини кўрди. Бола дарҳол Хагрид билан бирга Диагон хиёбонидаги «Олливандерлар: қиблалмилоддан аввалги 382 йилдан буён сеҳрли таёқчалар тайёрлаб келган хонадон!» дўйконининг соҳиби, сеҳрли таёқчалар тайёрлаш устаси бўлмиш кекса сеҳргардан уч йил муқаддам ўзи учун сеҳрли таёқча харид қилганини эслади.

- Мадемуазель Делакёр, - деди хона ўртасига чиққан мистер Олливандер Флёрга мурожаат қилиб, - Сизнинг таёқчангиздан бошласак, агар қарши бўлмасангиз, албатта.

Флёр Делакёр мистер Олливандернинг ёнига бориб, сеҳрли таёқчасини узатди.

- Ҳм-м-м... - тўнғиллади мистер Олливандер.

Қария таёқчани узун бармоқларининг орасидан спираль шакли йўналишида юргизган эди ҳам-ки, таёқчанинг учидан пушти ва тилла тусли учқунлар отилиб чиқди. Шундан сўнг, кўзларига яқин келтириб, уни дикқат билан ўрганиб чиқди.

- Хўш, - деди у паст овозда, - Тўққиз ярим дюйм... қаттиқ... атиргул дарахти... ва таркибида... о, Муқаддас фалак...
- Вейла бошидан олинган соч, - ёълон қилди Флёр, - Бувиларимдан бирининг сочи. Демак, Флёр, чиндан ҳам қисман вейла эканда, ўйлади Гарри, Ронга айтиб қўйишни унутмаслик керак... ва шу захоти у билан гаплашмай қўйгани эсига тушди.
- Албатта, - бош ирғиди мистер Олливандер, - Албатта. Ўзим эса вейла сочини хеч қачон кўлламайман. Фикримча, таркибига бундай соч киритилган сехрли таёқча ўжар бўлади. Лекин ким неки истаса, шуни топади. Модомики сизга тўғри келар экан...
- Кекса сехргар бармоқларини таёқча сиртида юргизиб, тимдаланган ёки бўртган жойлари йўқлигига ишонч ҳосил қилгач:
- Орхид ёус! - деб қўйди.
- Таёқча учидан бир даста гул отилиб чиқди. Мистер Олливандер гул дастасини чапдастликла, тутиб олиб Флёрга узатди.
- Жуда яхши, жуда соз. Таёқча аъло даражада ишляяпти. Мистер Диггори, навбат сизга. Флёр сирғалиб, ёнидан ўтаётган Седрикка илжайиб қўйганча, жойига бориб ўтириди.
- Аҳа, буниси энди менинг асарим, шундай эмасми? - деди оҳангига кўпроқ завқ қўшилган мистер Олливандер, - Тўппа-тўғри. Уни жуда яхши эслайман. Таркибига яккашоҳ нарвал нарининг камдан-кам учрайдиган намунасига тегишли дум туки киритилган... яғринидан кам деганда ўн етти кафт наридаги ёли... шумтол... хуш келадиган таранглик. Ҳолати жуда яхши. Мунтазам сайқал бериб турибсан-ми?
- Кечагина сайқал бердим, - яшнаб кетди Седрик.
- Гарри ўзининг таёқчасига эътибор қаратди. Таёқча ушланавериб кир бўлиб кетган. У коржомасининг этагини қўлига олиб, таёқчани артмоқчи бўлди-ю, Флёрнинг рағбатлантирувчи нигохига қўзи тушгач, фикридан қайтди.
- Мистер Олливандер хонанинг узунасига тутун ҳалқалар чиқаргач, қаноатланганини маълум қилди.
- Мистер Крум, марҳамат қилсинлар.
- Виктор Крум ўрнидан турди-да, букчайиб, оёғи билан эшкак эшгандай қариянинг ёнига келди. Таёқчасини мистер Олливандернинг қўлига санчиб юборгудай узатгач, гердайганча, қўлини коржомасининг чўнтағига солиб турди.
- Ҳм-м-м... - чўзиб тўнгиллади мистер Олливандер, - Янглишмасам, Грегорович маҳсулоти, шундайми? Моҳир уста, гарчи унинг услуби, мен қўллайдиган... лекин шундай бўлса-да...
- Чол таёқчани юқорироқ қўтариб, миллиметрма-миллиметр ўрганиб чиқди.
- Демак... граб ва аждар қалбининг тори эканда, а? - сўради у Крумдан ([Граб – қайинлар оиласига мансуб дарахт ёки бута](#)).
- Крум тасдиқлаб, бош ирғиб қўйди.
- Одатдагидан қалин, - давом этди қария, - Жуда қаттиқ... ўн бутун тўртдан бир дюйм... Авис!
- Граб таёқча замбарак каби товуш чиқариб, учидан учеб чиққан бир гала митти күш чуғур-чуғур қилганча деразадан ташқарига, хира осмонга қўтарилиди.
- Жуда соз, - хулоса қилди мистер Олливандер, Крумга таёқчасини қайтариб берар экан, - Энди... мистер Поттер.
- Гарри ўрнидан туриб, Крумнинг ёнидан ўтганча, қариянинг қаршиисига келиб тўхтади.
- А-а-а-аҳ, албатта, - ярқираб кетди чолнинг хира кўзлари, - Ҳа, ҳа, ҳа. Жуда яхши эслайман ўша кунни.
- Гарри ҳам жуда яхши эслайди ўша кунни. Шу қадар аниқ эслайди-ки, худди кеча бўлиб ўтгандай.
- Қарийб тўрт йил олдин, ўн бир ёшга тўлган куни Хагрид сехрли таёқча харид килиш учун уни мистер Олливандернинг дўқонига етаклаб борган эди. Мистер Олливандер Гаррининг танасини бошдан-оёқ ҳар қанакасига ўлчаб чиққач, синаб қўриши учун сон-саноқсиз сехрли таёқчаларни узатиб турди. Нихоят болага айнан мана шу, таркибига қакнус

думидан олинган пат киритилган, найзабаргдан тайёрланган, узунлиги ўн бир дюйм, жуда ёкимли, муомала қилиш қийин кечмайдиган сехрли таёқча түгри келди. Ўшанда мистер Олливандер таёқча жойланган қутини, жигар ранг қозозга аста ўрап экан: «Қизик... қизик ..» - дейишини қўймади. Гарри мистер Олливандердан буни нимаси қизик эканлигини сўраган. Шунда қария: «Дўконда сотилган ҳар бир сехрли таёқчани жуда яхши эслайман, мистер Поттер. Эшийтдингиз-ми, ҳар бирини! Ҳозир шундай бир ҳолат юз бердики, таёқчангиз таркибига киритилган қақнус қуши бор-йўқ икки дона пат берган эди. Ушибу патларнинг бири ҳозиргина таъкидлаб ўтганимдай сизнинг сехрли таёқчангиз, иккинчиси эса пешонангизга чандик қолдирган бошқа бир сехрли таёқча таркибига киритилган. Энди тушундингиз-ми? Бу ҳақиқатан ҳам қизик эмасми? Ҳа, ҳа. Ўн уч ярим дюйм. Ўйлаб кўринг! Дарҳақиқат, бундай ҳолат юзага келиши жуда қизик-ку. Ёдингизда бўлсин, таёқча ўз соҳибини ўзи танлайди... Ўйлайман-ки, биз сиздан буюк ишлар кутишимиз керак, мистер Поттер. Ахир, Исли-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши жуда буюк ва таассуфки, нихоятда даҳшатли ишлар қилган» деб жавоб берган эди. Гарри бу ҳақда ҳеч қачон, ҳеч кимга айтиб бермаган. У ўзининг таёқчасини жуда ёқтиради. Таёқчаси Лорд Вольдемортнинг таёқчаси билан қариндош эканлигини, ўзи Петунья хола билан қариндошлигини рад эта олмайдиган ҳолатдай қабул қиласди. Аммо ҳозир мистер Олливандер, ушибу маълумотни ҳаммага ошкор этмаслигини жуда истар эди. Қария, Худо кўрсатмасин, оғзидан гуллаб қўядиган бўлса борми, Рита Вритернинг мулокот пат-қалами шу захоти завкка тўлиб-тошиб, портлаб кетишига шубха йўқ. Мистер Олливандер Гаррининг таёқчасини ўрганиб чикиш учун анча вақт сарфлади. Нихоят у таёқча учидан вино фавворасини сачратганча, бекусур ишлаётганини эълон килиб, Гаррига қайтариб берди.

- Ҳаммага ташаккур, - деди Дамблдор, ҳакамлар даврасидан туриб, - Сизлар дарсга қайтишингиз мумкин. Умуман айтганда, тушлик қилгани тушсангиз оқилона иш тутган бўласиз. Негаки, тез орада қўнгироқ зарби янграйди.

Нихоят ишлар қўнгилли якун топганидан мамнун бўлган Гарри хонани тарқ этишга тараффудланди. Шу пайт қўлига фотокамера ушлаб олган киши маъноли йўталиб қўйди.

- Суратга тушамиз, Дамблдор, суратга! - қувонч-ла қичкирди Шульман, - Ҳакамлар-у, чемпионликка даъвогарлар, ҳаммамиз биргалашив тушамиз! Нима дединг, Рита?

- М-м-м... Ҳа, дастлаб шундай қилган маъкул, - рози бўлди ҳанузгача Гарридан қўзини узмаган Рита, - Шундан сўнг, чемпионликка даъвогарлар якка тартибда суратга олиниши керак.

Суратга тушиш жараёни ҳам анча вақтнинг бошини еди. Максим хоним қаёққа турмасин, кўланкаси ҳаммани қамраб олаверди. Бундан ташқари, тик турган Максим хоним кадрга сигиши учун кичкина хонада фотосуратчи ортга чекинадиган жой йўқ. Нихоят у курсига ўтирадиган, қолганлар эса атрофига тўпланадиган бўлди. Каркаров бармоқлари билан соколини эшгани-эшган, Крум, жаҳонга машхур бўла туриб, бундай ишларга аллақачон қўнишиб қолиши керак эди, лекин у бошқалар ортига ўтиб олишга уринишини қўймади. Фотосуратчи ўртага Флёрни қўйиш, Рита Вритер эса югуриб келиб марказга Гаррини суриш билан машғул бўлди. Умумий сурат олингач, Вритер ҳар бир даъвогар алоҳида суратга тушишини талаб қилиб, туриб олди. Хонани тарқ этишга ижозат олингунга қадар бир олам вақт ўтди.

Гарри тушлик қилгани Катта Залга тушди. Гермиона йўқ. Афтидан у ҳалигача тишини даволатаётган кўринади. Бола ёлғиз ўзи тушлик қилиб, Буюм чакириш афсунига доир қўшимча иш ҳақида истар-истамас ўйлаганча, «Гриффиндор» минораси томон йўл олди. Ётоқхонага киргач, Ронга дуч келди.

- Сени бойқуш кутиб ўтирибди, - дагал оҳангда маълум қилди Рон, Гаррининг каравотига имо қилиб.

Мактабнинг йирик омбор бойқуши ёстиқ устига астойдил жойлашиб олибди.

- О! Жуда соз, - бош иргиди Гарри.

- Эртага кечқурун эса Снеггнинг ертўлаларида иккаламиз жазо ўташимиз керак, - қўшиб

кўйди Рон ва Гаррига қиё ҳам бокмай хонадан чиқиб кетди.

Гарри бир муддат Ронни қувиб етиш ҳакида ўйлаб қолди. Лекин нима мақсадда: гапни очди қилиш учунми ёки бўйнига яхшилаб солиш учунми ўзи билмайди. Униси ҳам, буниси ҳам қизик туюлди-ю, Сириусдан келган хатни ўқиши истаги устун келди. Гарри бойқуш ёнига келиб, унинг панжасига боғланган мактубни ечиб олди.

Гарри,

Айтиб беришим керак бўлган гапларнинг барчасини хатда баён эта олмайман. Ҳаддан ортиқ таваккалчилик қилган бўламан. Негаки, ушбу хат бировнинг қўлига тушиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Биз юзма-юз учрашиб сухбатлашишимиз даркор. 22 ноябрь куни кечаси соат бирда «Гриффиндор» минорасининг камини ёнига ёлгиз ўзинг кела оласанми? Ўзингни хафа қилдириб қўймаслигинги ҳаммадан кўра мен яхши биламан. Бундан ташқари, Дамблдор билан Хмури ёнингда экан, сенга ҳеч ким зиён етказа олмайди. Шунга қарамай, қандайдир номаълум шахс Беллашувода иштирок этишинг учун Дамблдорнинг хузурида амалга оширган хатти-ҳаракатлари жуда хавфли эканлигини била туриб, сенга зиён етказмоқчи бўлаётгани аниқ.

Сендан илтимос, Гарри, жуда эҳтиёт бўл. Кўзингга гайриоддий кўринган ҳар қандай нарса ҳақида зудлик билан мени боҳабар қилиб бор. 22 ноябрь борасида имкон қадар тезроқ ҳабар етказ.

Сириус.

XIX БОБ.

ТИКАНАК ДУМЛИ ВЕНГР АЖДАРИ

Кейинги икки ҳафта давомида Гаррига факат Сириус билан юзма-юз учрашиш умидигина, ҳали бу қадар рўшноликсиз яқинлашиб келмаган келажакнинг ягона ёруғ доғидай кўриниб, куч-кувват бағишлиди. Мактабнинг чемпионликка даъвогари сифатида сараланиб олингани туфайли кечган руҳий ҳаяжон аста-секин барҳам топиб, ўрнини бўлғуси синовлар олдидағи қўрқув эгаллай бошлади. Биринчи мусобақа санаси оғишмай яқинлашиб, Гаррининг назарида, ушбу тадбир ҳаёт йўлида дафъатан пайдо бўлган махлуқдай таҳдид солмоқда. Муқаддам Гаррини ҳеч нарса, ҳеч қачон, бирорта квидиши ўйини, ҳатто «Слизерин» жамоаси билан ўтган, квидиши кубоги кимга насиб қилиши ҳал бўлган учрашув ҳам бу қадар асабийлашишга мажбур қилмаган. Олдинда нималар кутаётгани ҳақидаги ўйлар мажбуран бўлса ҳам миясига келмаяпти. Нафакат ўтган қисқа ҳаёти, балки хотимасининг маъниси ҳам айни мана шу синовга мужассам бўлиб қолгандай кўринади гўё...

Умуман айтганда, Сириус бирон бир кўринишида ёрдам қўлини узатиши, далда бера олиши даргумон. Товук тухумига хоҳ у ёнидан қара, хоҳ бу ёнидан шакли бирдай кўрингани каби, Гарри истайди-ми, йўқми, ундан юзлаб одамларнинг кўз ўнгиди, вазиятнинг ўта мураккаб шароитида сехр-жоду маҳоратини кўрсата билиши талаб этилади. Шундай бўлса-да, ушбу холатда чин дўст билан дийдор кўришиш болага таскин берадиган юпанчдай туюлди. Гарри Сириусга умумий меҳмонхонанинг камини ёнида тайинланган вактда бўлиши ҳақида хабар бериб, Гермиона иккаласи тунги вактда коллежнинг кечётар ўқувчиларидан қандай ҳалос бўлиш кераклигини соатлаб мухокама қилди. Сўнгги чора сифатида гўнг бомбаларини қўллашга аҳд килинди-ю, ҳар қалай иш бомба портлатишга қадар бориб етмаслиги иккаласининг сўнгги умиди бўлиб қолди. Акс ҳолда Филч уларнинг етти қават терисини шилиб олиши мукаррар.

Бу вактга келиб Гаррининг ҳаёти тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етди. «Башорат-у, каромат газетаси»да Рита Вритернинг Уч сеҳргар беллашуви ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Бирок ушбу маколани бўлғуси мусобақалар ҳақидаги маълумот эмас, балки Гарри Поттернинг мазмуний бўёклари ўта мос туширилган таржимаи холи деса, тўғрирок бўлади. Биринчи сахифанинг асосий қисми Гаррининг фотосуратига ажратилган.

Газетанинг иккинчи, олтинчи ва етти сахифаларидан жо олган мақола факат Гаррига

бағишланган бўлиб, имловий хато билан ёзилган «Бэльстэк» ва «Дурмштранг» вакилларининг исмлари энг сўнгти жумлада зикр этиб ўтилган. Седрикнинг исми эса бироннинг эсига ҳам келгани йўқ.

Газетанинг ўша сони чиққанига ўн кун бўлди. Лекин Гарри машъум мақолани эслashi ҳамоно ҳар сафар ич-ичини ёндирадиган, кўнглини бехузур қиласидиган уят хисси вужудини камраб олади. Лаънати Ританинг сўзларига қараганда Гарри шунаканги гаплар айтган эмишки, бундай уйдирмалар хаётда, айникса, полювгичлар сакланадиган қазноқда боланинг хаёлига келмаган.

Ўйлашимча, қуч-қудратимни ота-онамдан оламан. Ҳозир улар мени қўришганда ниҳоятда фахрланган бўлишар эди... Ҳа, иккаласини ёдга олар эканман, ҳанузгача кечалари билан ийглаб чиқаман. Бунга иқрор бўлишдан эса ҳеч хижсолат тортмайман... Ишончим комилки, Беллашув давомида менга ҳеч нима қилмайди. Чунки ота-онам ҳақидаги хотиралар мени асраб-авайлайди...

Бироқ Гаррининг қазноқда «М-м-м...»лаб минғирлаганини Рита Вритеर нафақат узундан-узок, жирканч жумла сифатида баён этиби, балки бошқа болалардан ҳам Гарри ҳакида интервью олибди.

«Хогварц»га келган Гарри ниҳоят ўз муҳаббатини топшига муваффақ бўлган қўринади. Энг яқин дўсти Колин Кривининг сўзларига қараганда, Гарри мактаб ҳудудида ўзи сингари энг ибратли ўқувчи, ниҳоятда қўхлик, маглар оиласида тугилган афсунгар қиз Гермиона Грэнжерсиз деярли юрмас эмиши.

Мақола чиққанидан буён бола кўп бемаъни гаплар-у, масхараларни эшитиб, ҳаммасига бардош беришига тўғри келди. Кўпчилик, асосан слизеринчилар, албатта, Гаррини кўриб юртини маколасидан цитата келтирадиган, унда билдирилган фикрларга манфур шархлар бериб борадиган одат чиқарди.

- Дастрўмол берайлик-ми, Поттер? Дарсда йиғлаб юборгудай бўлсанг, аскатади деймиз-да!

- Хой, Поттер, қачондан буён сен мактабнинг энг ибратли ўқувчиси бўлиб қолдинг? Ёки гап Лонгботтом иккаланг ўқийдиган бошқа мактаб тўғрисида боряпти-ми?

- Хой, Гарри!

Бундай гаплар Гаррининг жонига шу қадар тегиб кетдики, овоз эшитилган томон охиригача ўгирилишга улгурмай, ҳатто ўзи учун кутилмаган тарзда бакириб юборди

- Ҳа, ха, тўппа-тўғри. Раҳматли ойимни эслаб йиғлаганим-йиғлаган. Ҳозир ҳам бирон-бир хонага кираман-да, тўйиб-тўйиб йиғлаб ола... ман...

- Йўқ... мен... шунчаки... Пат-қаламинг тушиб кетди, шуни айтмоқчи эдим холос.

Ер ёрилмади-ю, Гарри кириб кетмади. Унинг қаршисида «Равенкло» коллежининг ўқувчи кизи Чу Чэнг турибди.

- А! Сен-ми... Ҳа... Мени маъзур кўрасан, - минғирлади Гарри, Чу узатаётган пат-қаламни олиб.

- М-м-м... Сешанба куни сенга омад ёр бўлишини тилаб қоламан, - деди Чу, - Синовдан муносиб ўта олишингга ишонаман.

Ўзини ахмокона ҳис этган Гарри турган жойида қолди.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, Гермиона ҳам турли пичинглардан бенасиб қолмади. Аммо у Гарри каби беайб одамларга ўшқириб бериш ҳолатига етгани йўқ. Чиндан ҳам Гарри Гермионанинг таҳаммул қилиши, ўзини муносиб тута олиши, ҳатти-ҳаракатлари ва мулоҳазаларини идора эта билишини кўриб, ҳаваси келди.

- Ниҳоятда қўхлик? Анави-я? - чириллади Панси Паркинсон, мақола чиққанидан сўнг илк бор Гермионани кўриб, - Оласичонга нисбатан-ми?

- Эътибор қаратма уларга, Гарри? - деди ўз қадр-кимматини саклай биладиган Гермиона,

слизеринчи қизлар ёнидан викор-ла, худди уларнинг гапини эшитмаган сингари ўтиб, - Эътибор қаратмасанг, најас еган итдай қолишади.

Аммо Гарри, минг уринмасин, «эътибор қаратмай» юра олмади. Рон, жазо ўташлари керак бўлган вақт ҳақида маълум қилганидан буён бошқа бирон оғиз сўз айтмади. Гарри ертўлани Рон билан бирга каламуш миясидан икки соат давомида тозалар экан, ярашиб олишни орзу қилди. Аммо бахтга қарши бу айнан Рита Вритернинг мақоласи чиққан ва бу билан Роннинг онгидаги Гарри ҳақида шаклланган фикрлар ўз тасдигини топган кун бўлди.

Иккаласидан жаҳли чиққан Гермиона бирини қўйиб, иккинчининг олдига, бир-бири билан гаплашишга мажбур қилишга уриниб юрди. Бироқ Гарри Оташли жомга ариза ташламаганини Рон тан олиб, ёлғончиликда айبلاغани учун узр сўрасагина, у билан гаплашишини талаб қилиб, қатъий туриб олди.

- Аразлашишни мен бошлаганим йўқ, - саркашлиқ қилди Гарри, - Бу унинг муаммоси.

- Сен усиз зерикяпсан! - бақириб берди тоқати тоқ бўлган Гермиона кунлардан бир кун, - Биламан-ки, у ҳам сенсиз зерикяпти!

- Зерикяпман? - эътиroz билдириди Гарри, - Ҳеч ҳам зерикканим йўқ!...

Бироқ Гермиона ҳақ. Гаррининг Гермиона билан муносабати қанчалик яхши бўлмасин, қизалоқ Роннинг ўрнини боса олмайди. Агар ёш кишининг дўсти Гермиона каби инсон бўладиган бўлса, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ҳаёт қувончлари нисбатан чекланиб, умрнинг аксарият кисми кутубхонада ўтиб кетади. Гарри Буюм чакириш афсунининг ижросини ҳалигача ўзлаштириб олгани йўқ. Бунга, Гаррининг фикрича, аллақандай руҳий ғов тўсқинлик қилмоқда. Гермиона эса ишни дастлаб назариядан бошлаш кераклиги, уни пухта ўзлаштириш даркорлигини такрор ва такрор таъкидлаб келмоқда. Шунинг учун иккаласи тушлик танаффуси мобайнида китоб-у, рисолаларга термилиб ўтиришади.

Виктор Крум ҳам асосий вақтини кутубхонада ўтказади. Қизик, унга нима керак экан бу ерда, ўйлади Гарри. У шунчаки ўзи учун шуғулланяпти-ми ёки биринчи мусобақа манфаатларида, синов давомида аскатиб қоладиган маълумотлар қидириш билан машғулми? Крумнинг кутубхонага ташрифи халал бераётгани ҳақида Гермиона тез-тез арз килиб туради. Йўқ, Крум унга бирор маротаба бўлсин, мурожаат қилиб халал бергани йўқ. Крумнинг кетидан соядек эргашиб юрадиган, китоб токчаларининг ортига бекиниб олиб, хиринг-хиринг қиладиган бир гала қиз шовкини халал беради.

- Жўяли мuloҳаза юритадиган бўлсак, Крум ҳатто барно ҳам эмас, - нолиб минғирлади Гермиона, Крумнинг ён томонидан қараб, - Қизлар унинг кетидан донгдор бўлгани учунгина югуриб юришади! Агар у анави... нима деб аталар эди... Қассобнинг фикрини... бажара олмаганда, унинг кутубхонада ўтирганини сезмай, ёнидан ўтиб кетишган бўлар эди.

- Каззобскийнинг фириби, - эътиrozли оҳангда тузатиб қўйди Гарри.

Гарри квидиши термини бузиб талафуз этилгани учунгина ранжимай, «Қассобнинг фикри»ни эшитган Роннинг башараси хозир қандай қиёфа касб этишини тасаввур этиб, ичи ачишди.

Шуниси таажжубланарлики, муайян ҳодиса юз беришидан чўчиган киши, вақт ўтишини секинлатиш имконига эга бўлиш учун ихтиёрида бор бисотини беришга тайёр бўлса, бунинг мутлақо акси рўй беради, худди бирор атайнин қилгандай, вақт ниҳоятда тез чопа бошлайди. Биринчи мусобақага ўтадиган санага қадар колган кунлар, гўё кимдир соат ҳаракатининг тезлигини икки чандон ошириб юборгандай, ўтди-кетди. Гарри қаёққа бормасин, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг мақоласига таҳқирли шарҳлар эшитиш билан бирга, идора қилиниши кийин кечадиган вахимали кайфият ҳам ҳамроҳ бўлди.

Шанба куни, биринчи мусобақалардан олдин, учинчи ва ундан юқори синф ўкувчиларига Хогсмёд қишлоғига ташриф буюришга ижозат берилди. Гермионанинг фикрича, қасрдан ташқарига чиқиб, сайр қилиб келиш Гаррига фойдали эмиш. Бу борада Гаррини

ишонтириш учун кўп вақт кетмади.

- Рон-чи? - сўради Гарри, - Балки сен у билан боришни истарсан?

- О... ўйлайман-ки, у билан «Уч супурги» қаҳвахонасида учрашишимиз мумкин, - жавоб берди рангига қизил юрган Гермиона.

- Йўқ, - гапни қисқа қилди Гарри.

- Гарри, ахир бу гирт ахмоклиknинг ўзгинаси-ку...

- Мен бораман, лекин Рон билан учрашмайман. Кўринмас плашимни кийиб оламан.

- Билганингни кил, - жаҳл қилди Гермиона, - Фақат айтиб қўяй, ўша плашингни кийганингда сен билан гаплашишни ўлгудай ёмон кўраман. Сенга қараб гапирияпман-ми, тескари қараб олганманми, билмайман.

Шундай қилиб Гарри ётоқхонада кўринмас плашини кийиб олди-да, Гермиона билан бирга Хогсмёдга қараб йўл олди.

Плаш кийиб олган Гарри ўзини анча эркин хис этди. Қишлоқ бўсағасига етганда уларни бошқа ўқувчилар қувиб ўтди. Хаммасининг кийимига «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини қўллаб-куватланг! кўкрак нишони қадалган. Бироқ улардан ҳеч қайси бири ҳақоратомуз сўз айтмай, манхус мақоладан цитата келтирмай ўтмоқда.

Ўзининг шакарпазлик корхонасига эга «Роҳат-лукум» қандолат дўконидан қўлида крем билан бойитилган шоколад ушлаб чиқар экан Гермиона боз эътиroz билдириди:

- Менга ҳамма таҳайор бакрайиб кетяпти. Худди менинг томим сал оғиб қолган-у, тентакка ўхшаб ўзим билан ўзим гаплашиб кетяпман.

- Сен лабингни кўп ишлатма, - маслаҳат берган бўлди Гарри.

- Кўйсанг-чи, Гарри! Ечиб ташла мана шу ахмокона плашингни. Сенга бу ерда ҳеч ким тегажоғлик қilmайди.

- Шундай деб ўйлайсан-ми? Атрофга бир кара-чи.

«Уч супурги» қаҳвахонасидан ўзининг фотосуратчи касбдоши билан бирга Рита Вритеर чиқиб келди. Иккалasi past овозда гаплашганча, Гермионанинг ўнг томонидан ўтар экан, қизалокка қиё ҳам бокишмади. Гаррига эса Ританинг тимсоҳ терисидан тайёрланган сумкачаси тегиб кетмаслиги учун, «Роҳат-лукум» дўконининг деворига қапишиб олишга тўғри келди.

- У кетмади-ми, демак мусобақа томошасига келади, - деди Гарри, шериги билан бирга нари кетган Ританинг ортидан қараб.

Ушбу сўзларни айтиши ҳамоно ич-ичини ёндириб юборган қўрқув хисси боланинг вужудини қамраб олди. У бошқа ҳеч нима демади. Мусобақада нималар рўй бериши мумкинлигини Гермиона иккиси мухокама қилишмади. Гаррининг назарида, Гермиона, мухокама у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашдан ҳам кўрқяпти.

- Вритернинг қораси ўчди, - деди Гермиона Гарри орқали Дароз кўчага қараб, - Балки қаҳвахонага кириб, ҳузур-лаззат ичармиз, совкотдим. Рон билан гаплашишинг шарт эмас!

- дарғазаб қўшиб қўйди у, Гаррининг сукут саклаб туришини тўғри талқин қилиб.

«Уч супурги» қаҳвахонаси асосан «Хогварц» ўқувчилари билан тўлган. Бироқ бу ерда сеҳргарлар элатининг турли-туман вакиллари ҳам ўтиришибди. Гарри уларни бошқа жойларда камдан-кам учратади. Хогсмёд Буюк Британиянинг бирорта ҳам магл яшамайдиган ягона қишлоғи бўлиб, никобланиш бобида сеҳргар эркаклар-у, афсунгар аёллар каби устаси фаранг бўлмаган жин, алвости кабилар учун ўзига хос сокин бандаргоҳ саналади.

Кўринмас плаш кийиб, халойик ичра юриш нихоятда мушкул иш. Бирор кишини туртиб юбориб, ортиқча саволлар туғилиши хозир Гаррига ҳеч керак эмас. Гермиона ҳузур-лаззат ичимлигига бориб келгунга қадар, Гарри бурчақда турган бўш столни эгаллади. Стол томон борар экан Фред, Жорж ва Ли Жордан билан ўтирган Ронни кўрди. Бориб бошига бир туширмоқчи бўлди-ю, ўзини тийди.

Дақика ўтмай етиб келган Гермиона ҳеч кимга билдиримай ҳузур-лаззат ичимлигини плаш остига узатди.

- Ана энди яккамоховга ўхшаб ўтираман, - яна эътиroz билдири у, - Яхши ҳам-ки қиладиган ишим бор.

Гермиона САССИҚ жамиятига аъзо бўлганлар рўйхатини юритиб борадиган ён дафтарчасини чиқарди. Қисқагина рўйхат бошида Гарри ўзи ва Роннинг исмини кўрди. Рон билан бирга соҳибараматлик уйдирмаларини ўйлаб топиш қобилиятини ишга солиб ўтирган пайтда Гермиона келиб ўзи таъсис этган ушбу жамиятнинг котиблик ва газначилик лавозимларини иккаласига таклиф килган кундан буён минг йил ўтгандай бўлди гўё.

- САССИҚ жамиятига қишлоқ аҳолисидан бирортаси аъзо бўлишига уриниб қўришим керак, - чукур маъноли фикр билдириган бўлди Гермиона, қахвахона мижозларини кўздан кечириб.

- Ҳа, албатта, улар дархол югуриб келиб, ёзилишади, - истехзоли жавоб берди Гарри, хузур-лаззат ичимлигидан хўплаб, - Гермиона, қачон бас қиласан САССИҚ гапларингни, а?

- Уй эльфларига муносиб иш ҳақи тайинланиб, талаб даражасидаги меҳнат шароитлари ҳавола этилганидан сўнг! - вишиллади Гермиона, - Ўйлашимча, янада қатъий хатти-ҳаракатлар вақти етди. Қизик, мактаб ошхонасига қандай кирилар экан, а?

- Тасаввур ҳам қила олмайман. Фред билан Жорждан сўраб кўр. Улар аниқ билишади. Гермиона чукур ўйга толди, Гарри эса хузур-лаззат ичиб, қахвахонадаги халойиқقا назар солиб чиқди. Ҳамма қувноқ ва беташвиш... Кўшни стол атрофида ўтирган Эрни Макмиллан билан Ханна Аббот шокобақа дастаси ичидан чиққан машхур сеҳргарлар суратини ўзаро алмасиб ўтиришибди. Иккаласининг ридосига «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини қўллаб-куватланг! кўкрак нишони қадалган. Чиқиш эшиги яқинида равенклочи дўстлари даврасида Чу ўтириби. Унинг кийимида кўкрак нишонини кўрмаган Гарри бир оз қувонди.

Нега энди Гарри мана шу ерда беғам, фикр-хаёлларини уйга берилган вазифалар ижроидан ташқари, бошқа хеч қандай ташвиш эгаллаб олмаган, вақтни хушчақчақ ўтказиб, алланима ҳакида вайсаб ўтирган болалардан бири эмас, а? Агар Оташли жом уни чемпионликка даъвогар сифатида саралаб олмаганда ҳозир ўзини қандай ҳис этган бўлишини тасаввур килиб кўрди. Авваламбор у, мана бу плашсиз, очик-ойдин, Рон билан бирга ўтирган бўлар эди. Сешанба куни чемпионликка даъвогарларни қандай даҳшат ва машаққатлар кутаётганини учовлон шодмон кайфият-ла муҳокама қилиб, марокли томошани куттган, уddeлаш талаб қилинган топшириқни чемпионликка даъвогарлар уddeлай олиш-олмаслигини ўз кўзи билан қўришга ошиққан, намойишгоҳнинг хавфсиз жойида ўтириб, Седрикка далда берган бўлар эди. Эҳ, нимасини айтасиз...

Ҳозир бошқа даъвогарлар ўзини қандай ҳис этаётгани Гаррига кизик туюлди. Седрик сўнгги вақтларда фақат муҳлис ва муҳлисалар даврасида юрибди. Унинг қиёфаси бир оз чўчиган қўринса-да, кайфияти қувнок. Димоғдор ва беташвиш Флёр Делакёр баъзан қаср йўлакларида қўриниш бериб туради. Крум эса кутубхонадан чикмайди.

Сириусни эсга олган Гарри кўкрак қафасини сиқиб олган тугун сал бўшаганини ҳис этди. Атиги ўн икки соатдан сўнг иккаласи юзма-юз қўришиб, сухбатлашади. Чунки камин ёнидаги учрашув айна шу кечага тайинланган. Кутилмаган, сўнгги вақтда одат тусига кирган бирор кор-хол юз бермаса, албатта...

- Қара, Хагрид ҳам шу ерда экан! - хитоб қилди Гермиона.

Ҳалойик узра бароқ бошнинг орқа томони қўринди. Хайрият Хагрид соchlарини отнинг думига ўхшатганча боғлаб, ўзига ярашмаган тарзда орқага осилтириб юрмайдиган бўлибди. Нега ўнчча вақтдан буён Хагридни пайқамаганидан ҳайрон бўлган Гарри ўрнидан туриб сабабини англади. Профессор Хмури билан сухбатлашиб ўтирган давангир анча энгашиб олган экан. Хагриднинг олдида одатдагидай чеҳраси чиройли, қадди-қомати келишган Росмерта хонимга Хмурининг хулқи ёқмаган, қахвахона маҳсулоти бўлмиш глинтасални Хмури ҳақоратомуз писанд қилмади деб эътироф этган

күринади. У бўшаган кружкаларни йигиб юрар экан, Хмурига дам-бадам савол назари билан қараб ўтмоқда. Аммо гап нимада эканлигини Гарри яхши билади. Ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг ўтган сўнгги дарсида профессор Хмури ўзи тайёрлаган ичимликлар-у, таомларни афзал кўришини таъкидлаб ўтган эди. Чунки қаровсиз қолган егуликни заҳарлаш ёвуз сехргар учун чўт эмас экан.

Гарри иккаласини кузатиб ўтирас экан, Хагрид билан профессор Хмури ўрнидан туриб, қаҳвахонани тарк этишга тараффудланганини кўрди. Бола дўстига қўл силтаб қўйди-ю, Хагрид уни кўрмаётгани эсига тушди. Бироқ Хмури Гарри ўтирган бурчак томон қараганча, бир оз ушланиб қолди. Қўли давангирнинг елкасига етмаслиги боис, белига туртиб, алланима деди. Шундан сўнг, иккаласи бутун қаҳвахонани кесиб ўтганча, тўппатўғри Гарри билан Гермиона ўтирган стол томон йўл олди.

- Ишлар жойидами, Гермиона? - баланд сўради Хагрид.

- Салом, - деди Гермиона жавобан.

Хмури каловланганча столни айланиб ўтиб, энгашди. Профессор САССИҚ жамиятига оид ёзувлар билан танишиб чикмоқчи шекилли, ўйлади Гарри.

- Чиройли плаш экан, Поттер.

Гарри профессорга таҳайор бақрайиб қолди. Хмурини бу қадар яқин масофадан энди кўраётган Гарри чиндан хам иршайиб турган профессорнинг бурнида бир бўлак этишмаслигига ишонч хосил қилди.

- Нима, сизнинг кўзингиз?... Яъни айтмоқчи эдим-ки, сиз?...

- Ҳа, устига кўринмас плаш ташлаб олганларни ҳам кўра оламан, - хотиржам тасдиқлади Хмури, - Баъзан бу жуда асқатади, ишонавер.

Хагрид хам Гарри томон қарап экан, юзи яшнаб кетди. Хагрид-ку, Гаррини кўрмаётгани аник, лекин унга бола шу ерда ўтирганини Хмури айтганга ўхшайди. Хагрид ҳам ён дафтарчани ўқиган бўлиб эгилди-да, фақат Гарри эшитадиган паст овозда пиширлади:

- Гарри, бугун ярим тунда плашингни кийиб кулбамга кел, гап бор.

Шундан сўнг, Хагрид қаддини ростлаб, Гермиона билан хайрлашди.

- Кўришганимдан хурсандман, Гермиона.

Давангир кўз қисиб кўйиб, нари кетди. Хмури хам унинг ортидан эргашди.

- Нега энди ярим тунда унинг кулбасига боришим керак экан? - ғудуллади Гарри боши қотиб.

- Сенга шундай деди-ми? - Гарридан баттар ҳайрон бўлди Гермиона, - Нимани бошламоқчи экан? Билмадим, боришинг керакми-йўқми, Гарри, ҳайронман...

У асабий ҳолатда атрофга қараб қўйди-да, огохлантирган бўлиб, пиширлади.

- Сириус билан учрашувга улгурмай қолишинг мумкин.

Чиндан хам тунги ўн иккода ўтадиган сафарни Сириус билан соат бирга тайинланган учрашув билан боғлаш қийин кечиши мумкин. Гермиона Хагриднинг хузурига Хедвигни йўллаб, бойқуш рози бўлса, албатта, бора олмаслигини маълум қилиш таклифини киритди. Аммо Гарри дастлаб Хагриднинг ниятидан хабар топиш керак, деган фикр билдириди. Ахир Хагрид Гарридан бундай кеч вақтда кулбага ташриф буюришни муқаддам сўрамаган.

Эрта ётиб ухлаш истагини билдириган Гарри кечаси соат ўн бир яримда кўринмас плашини кийиб, астагина умумий меҳмонхонага тушди. Меҳмонхонада ҳали одам кўп. Ака-ука Кривилар қаердандир бир даста «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини қўллаб-кувватланг! кўкрак нишонини топиб келиб, қайтадан сехрлаш ва «Седрик Диггорини» сўзларини «Гарри Поттерни» сўзларига алмаштириб қўйишига уриниш билан овора. Бироқ ҳозирча уларнинг ишлари нишондаги ёзув энди алмашмай қолиб, Поттер – бадбўй сўзлари қотиб қолиши билан якун топган. Гарри уларни четлаб, чиқиш туйнуги олдида, соатга қараб турди. Олдиндан келишиб олинган режага мувофиқ Гермиона Семиз Холанинг портретини ташқаридан очди. Гарри унинг ёнидан ўтиб,

«Рахмат!» деб пичирлаб қўйганча, зим-зиё қаср бўйлаб нари кетди.

Мактаб ҳовлиси ҳам жуда қоронги. Гарри қиялик бўйлаб кулба чироклари томон йўл олди. Бэльстэкчиларнинг араваси ҳам ичкаридан ёритилган. Максим хонимнинг француз тилида алланима деётгани аниқ эшитилиб турибди.

Гарри кулба эшигини тақиллатиб, Хагриднинг пичирлаб берган саволини эшитди.

- Сен-ми, Гарри?

- Мен, - деди ичкарига кириб, плашини ечган Гарри, - Тинчликми, нимага чакирдинг?

- Бир нарсани кўрсатиб қўймоқчиман сенга.

Давангир нимадандир қаттиқ ҳаяжонланган. Ёқасига ҳаддан ортиқ катталашиб кетган артишокка ўхшаш гул қадаб олибди. Бошига ғилдирак мойини сурмай қўйибди-ю, лекин соchlарининг орасидан тароқнинг синган тишлари чикиб турганига қараганда, тараниб олишга урингани билиниб турибди (*Артишок - ўтсимон полиз ўсимлиги*).

- Яна нимани кўрсатмоқчисан, Хагрид? - сўради Гарри, толиқкан оҳангда, - Драклларинг тухум туғди-ми ёки майхонада ичиб ўтириб, навбатдаги уч каллали итвачча хариd қилдинг-ми?

- Ортимдан юр. Фақат нима қилганда ҳам плашингни ечма. Овоз ҳам чиқарма, тушундингми? - тайинлади Хагрид, - Сўйлоқтишни олмаймиз, унга ёқмайди...

- Қулоқ сол Хагрид, мен узок қола олмайман... Соат бирга қолмай қасрга қайтишим керак...

Бироқ Хагрид қулоқ солмади. У кулбанинг эшигини очиб, коронғиликка кириб кетди. Гарри унинг изидан ошиқиб, бэльстэкчилар араваси томон йўл олишганидан ҳайрон бўлди.

- Хагрид, нима?...

- Ш-ш-ш!

Хагрид кесишиб турган сехрли таёқчалар расми тасвирланган эшикни уч маротаба тақиллатди.

Эшикни йирик елкаларига шойи рўмол ташлаб олган Максим хоним очди. Хагридни кўрган аёлнинг юзи табассумдан яшнаб кетди.

- Ах, Хагрид... Вакт бўлди-ми?

- Бонъ-суар, - жавоб қайтарди баҳтиёрлигининг чеки кўринмаган Хагрид.

У хонимга тилла зинадан пастга тушишга ёрдам бериш учун йирик қўлини узатди.

Максим хоним арава эшигини ёпиб қўйгач, Хагрид одоб-назокат-ла қўл узатди. Иккаласи бэльстэкчиларнинг қанотли отлари учун наридан-бери тайёрланган қўтон панжараси бўйлаб номаълум томон йўл олди. Бир жуфт давангирга етишиб юриш учун бола югуриб юришга мажбур бўлди. Наҳотки Хагрид Максим хонимни кўрсаткиси келган? Гарри хонимни кўп кўрган, яна кўриши мумкин, қолаверса, кўришни хоҳламаганида ҳам бундай катта аёлни кўрмасликнинг иложи йўқ.

Бироқ сал ўтиб, Максим хонимнинг Хагридга ишва билан берган саволига қараганда, аёл ҳам Гарри каби қизик томошага таклиф қилингани маълум бўлди.

- Қаёққа ўғиглаб кетяпсиз мени, Хагрид?

- Сизга ёқадиган жойга, - хириллади Хагрид, - Чин сўзим, томоша қилишга арзийди.

Фақат ўтинаман... Сизга кўрсатганимни ҳеч кимга айтманг, хўпми? Аслида сизга бундай маълумотдан хабар топиш мумкин эмас.

- Ҳеч кимга чуғқ этмайман, - ваъда берди Максим хоним, узун киприкларини пирпиратиб. Улар анча юришди. Иккаласининг кетидан юргурганча эргашиб келаётган Гарри асабийлашиб, соатига караб-қараб борди. Айтидан Хагрид қандайдир тутуриқсиз, бирон-бир бемаъниликин үйлаб топган-у. Лекин унинг шарофати билан Гарри учрашувга кечикиши мумкин. Агар яна икки дақиқадан сўнг керакли жойга етиб боришмас экан, у шартта бурилади-да, қасрга қайтади. Хагрид эса Максим хоним билан биргаликда ойдин кечада сайр қилса, қилаверсин.

Учаласи Ман этилган ўрмон четидан бориб, шу қадар узоклашиб кетишиди-ки, энди қаср ҳам, кўл ҳам кўринмай қолди. Бир пайт тепаликдан қандайдир кичкириклар ва сал ўтиб...

кулоқни кар қилиб юборгудай наъра эшитилди.

Хагрид Максим хонимни ёш дараҳтлардан айлантириб ўтиб, нихоят тўхтади. Гарри уларга тез етиб олди. Даствор у аллақандай бир гала эркак гулхан атрофида югуриб юрганини кўрди. Лекин дурустрок разм солиб қарагач, ияги осилиб қолди.

Аждарлар.

Тўртта нихоятда йирик, баджаҳл, балоғатга етган аждар даҳшатли пишқирганча, қалин тахта билан тўсилган қўтон ичида орқа оёкларига ўтириб олган. Тўрталаси бўйини эллик фут юқорига чўзганча, сўйлоқ тишга тўла оғзини катта очиб, қоп-кора осмонга қаратади олов гирватини пуркамоқда. Ўткир шохлари узун, кул ранг-мовий тусли аждар наъра тортганча, атрофда ивирсиб юрган сехргарлар томонидан устига ташланган занжирлардан халос бўлишга уринмоқда. Яна бири яшил, силлиқ-тангачали бўлиб, жон-жаҳд билан биланглаб, тўлғанмоқда. Пага-пага қўзиқоринсимон олов пуркаётган учинчи аждар кип-қизил бўлиб, тумшуғининг атрофида ўсиб чиқкан тилла тусли ўткир игналар башарасини бурма қилиб юборган. Гаррига якинроқ турган йирик, қоп-кора тўртинчи маҳлуқ эса ҳаммасидан катта бўлиб, нимаси биланғир яшерга ўхшаб кетади ([Яшер – асосан Африка ва Жанубий Осиёда яшайдиган калтакесакка ўхшаган йирик сутэмизувчи ҳайвон](#)).

Камида ўттиз нафар сехргар ҳар бир аждар атрофига етти-саккиз кишидан бўлиниб, маҳлуқларнинг бўйни ва оёкларига боғланган энли чарм камарлардан тортилган занжирлар воситасида бўйсундиришга уринмоқда. Манзарадан ҳанг-манг бўлиб, бошини юқорига кўтарган Гаррининг нигохи хирилдок увлаётган кора аждар нигохи билан учрашди. Қорачиги мушук қўзининг қорачигига ўхшайдиган ушбу кўз кўркувданми, ғазабданми, айтиш қийин-у, косасидан чикиб кетар ҳолатга келиб қолган.

- Якин келма, Хагрид! - қичкирди қўтон панжараси ёнида турган сехргарлардан бири, бор кучи билан занжир тортиб, - Улар йигирма фут нарига олов пуркайди! Манави тиканак думли эса қирқ футга етказганини ўз кўзим билан кўрдим!

- Накадар чиройли жониворлар, шундай эмасми? - мулоим овоз-ла ғуриллаб қўйди Хагрид.

- Чиройли бўлгани билан хавфсиз бўлиб қолишмайди! - қичкирди бошқа сехргар, - Уриб йиқитиш қарғиши, учгача санайман, тезроқ!

Барча аждар хурkituvchilar кўлларига сехрли таёқчаларини олиши.

- СТУПЕФАЙ! - баралла ўкирди улар.

Уриб йиқитувчи яшинлар олов ракеталари каби коронғиликка учиб, аждарларнинг силлиқ-тангачали терисига урилди-да, юлдузлар фаворасига айланганча, парчаланиб кетди.

Якинроқ турган маҳлуқ оғзини катта очиб таҳдид солганча, орқа оёғи билан бир қадам одимлади-ю, кутилмаганда бўғиқ ўкириб, бурун катагидан чиқаётган олов, гарчи тутун бурқиши тўхтамаган бўлса-да, ўчиб қолди. Аждар аста-секин ерга онтарили. Вазни бир неча тонна келадиган тана ерга чунонам урилди-ки, ҳатто Гаррининг орқасида турган йирик дараҳтлар зир титраб кетди.

Аждар хурkituvchilar сехрли таёқчаларини тушириб, ҳаракатсиз ётган, ҳар бири кичик тоғдай келадиган маҳлуқлар ёнига бориши. Улар занжирларни эпчиллик билан таранг тортиб, сехрли таёқчалар воситасида ерга чукур киритилган темир қозикларга ишончли қадаб қўйиши.

- Якинроқ бориб қўришни истайсиз-ми? - завқ-ла таклиф килди Хагрид Максим хонимга. Иккаласи панжарага якинроқ борди. Гарри уларнинг ортидан эргашди. Боя якин келмасликни талаб қилган, хозир сухбатлашиш учун Хагридга юзланган сехргар Роннинг акаси Чарли Уэсли экан.

- Ишлар қалай, Хагрид? - ҳансира бўради Чарли, - Энди улар жим бўлиб қолишади. Бу ерга етказиб келтириш учун Ўйку дамламасини ичирдик. Сукунат ва коронғилиқда уйғонишса, тинч туришади, деган хаёлга борган эдик. Чучварани хомрок санаган эканмиз. Бу ер уларга ёқмади... мутлақо ёқмади...

- Қанақанги аждар зотлари, булар, Чарли? - сўради Хагрид, иззат-икромга тўлиб-тошган қўзини якинроқ ётган кора аждардан узмай.

Махлукнинг кўзи очиқ қолган. Ажин босган қовоғи остида сарик тусли чизик кўриняпти.

- Мана буниси тиканак думли венгр аждари, - тушунтира кетди Чарли, - Анави яшили оддий уэльва аждари, кул ранг-мовий туслиси тўмтоқ тумшуқли швед аждари, қизили эса оловли шар пурковчи хитой аждари.

Чарли панжара бўйлаб юриб, ҳаракатсиз ётган аждарларни томоша қилгани кетган Максим хонимга караб қўйди.

- Уни етаклаб келишингдан бехабар эдим, Хагрид, - қовоқ солди Чарли, - Чемпионликка даъвогарлар нимага дуч келишини мутлақо билмаслиги керак. Ахир у ўз ўқувчиларига айтиши мукаррар-ку.

- Мен шунчаки... аждарлар аёлга ёқади деган хаёлга бордим, - елка қисиб қўйди Хагрид, аждардан кўзини узмай.

- Дарҳақиқат, накадар ажойиб романтик учрашув, - бош чайқаб қўйди Чарли.

- Тўртта-я... - хитоб қилди Хагрид, - Демак, ҳар бир даъвогарга биттадан эканда, шундайми? Нима қилишлари керак улар? Жанг қилишлари керакми?

- Жанг қилиб, енгишни-ку, хеч қайси бири эплай олмаслиги турган гап. Ёнидан ўтиб бирор иш қилишлари керак бўлади шекилли. Биз аждарга яқин жойда турамиз. Бирор кор-хол бўладиган бўлса, Ўчириш афсунини кўллаймиз. Нима сабабдан эканлигини билмадим-у, негадир, айнан эндингина тухум қўйган урғочиларга буюртма берилган... Лекин шуни аниқ айтишим мумкинки, тиканак думлисига рўбару бўладиган чемпионликка даъвогарга хеч ҳавас қилмайман. Ўлгудай дарғазаб. Зеро, унинг оғиз томони ҳам, дум томони ҳам бир хилда хавфли. Бу ёққа юр, ўзинг кўрасан.

Аждар думининг ҳар бир неча дюймидан узун бронза тусли зирх тиканаклар ўсиб чиқкан. Шу пайт тиканак думли аждар ёнига Чарлининг беш нафар ҳамкасби келди. Улар адёлга терилган кул ранг-гранит тусли йирик тухумларни кўтариб келиб, аждар ёнига қўйишиди. Хагрид инграб юборди.

- Тухумлар саноқли, Хагрид, - қатъий оҳангда огохлантириб қўйди Чарли, - Гаррининг ишлари қалай?

- Жойида, - жавоб берди хаёли паришон Хагрид, тухумларга бакрайиб.

- Мана бу оташқалб дўстларимиздан бири билан ўтган учрашувидан сўнг ҳам ишлари жойидалигича қолади деган умиддаман, - деди Чарли маъюс оҳангда, - Болани қанақанги синов кутаётганини ойимга айтишга тилим айланмади. У шундок ҳам Гарри туфайли аклдан озиш даражасига етиб қолган.

Чарли ойисининг ташвишга тўлиб-тошган овозига тақлид қилиб, айтган сўзларини тақрорлаб берди:

- «Кандай журъат этишди! Ахир у ҳали ёш бола-ку! Нега Беллашувда иштирок этишга ижозат беришади! Ёш бўйича чекланишлар жорий этилди, энди уларга хеч кандай хавф таҳдид қилмайди, деб хотиржам юрган эканман!». Шундан сўнг, «Башорат-у, каромат газетаси»да анави макола чоп этилди. Уни ўқиб, ойим роса хўнгради... «Бечора бола! У ҳалигача ота-онасини қўмсаб йиғлар экан-а, билганимда!...», деб йиғлагани-йиғлаган. Кўрганларидан қаноатланган Гарри, тўртта аждар ва Максим хонимнинг жазб қиладиган кучи таъсирида қолган Хагрид зерикиб қолмаслигига комил ишонч билдириб, турган жойида бурилди-да, қаср томон йўл олди.

Бўлғуси синов ҳакида хабар топганидан хурсандми, йўқми, Гарри ҳали тушуниб етгани йўқ. Шуниси ҳам яхши. Ҳар қалай дастлабки ҳаяжон ўтди. Агар аждарларни биринчи маротаба сешанба куни кўрганида, эҳтимол жамики мактабнинг кўз ўнгидан хушидан кетган бўлармиди. Шундай бўлса ҳам, бари-бир қулаб тушса керак. Оташнафас, катталиги эллик фут келадиган, аъзойи-бадани зирҳ билан қопланган, тиканак думли аждарга қарши сеҳрли таёқчасидан ташқари қўядиган яна нимаси бор. Зотан, сеҳрли таёқча ўзи нима? Ингичкагина новдадан ўзга нарса эмас... Ҳар қалай ҳозир шундай туюляпти... Шу таёқча билан ҳамманинг кўз ўнгидан анави махлукнинг ёнидан ўтиш керак. Бироқ қандай қилиб? Гарри қадамини тезлатди. Қасрга етиб олиш, Сириус билан учрашиш учун ихтиёрида атиги ўн беш дақика колган. Ҳозир у чиндан ҳам бирор киши билан гаплашишга эҳтиёж

сезмоқда. Гарри кутилмаганда нимагадир урилиб кетиб, белига йиқилди. Күзойнаги ён томон сурилиб кетган бола плаш билан яхшилаб үраниб олар экан кимнингдир овозини эшилди.

- Ҳой! Ким бу?

Гарри плашнинг очилиб кетмаганини тез текшириб кўрди-да, юқорига, урилиб кетган сехграрнинг қора шарпасига қаради. Таниш соқол... Каркаров!

- Ким бор бу ерда? - саволини қайтарди Каркаров, атрофга аланглаб.

Гарри чурқ этмай, қимиrlамай ётди. Бир дакиқача ўтгач, Каркаров, афтидан, бирор-бир жонзодга урилиб кетдим, деган хаёлга борди чамаси, атрофни, итга ўхшаш ҳайвон кўриш илинжида, бели баробар баландликда кўздан кечириб чиқди. Шундан сўнг, дарахт таналарига яқин бориб аждарлар томон аста-секин йўл олди.

Гарри эса эҳтиётлик билан оёққа туриб, ортиқча шовқин солмасликка уринганча қаср томон югурди.

Каркаровнинг тунги сайри борасида Гаррининг ҳеч қандай шубҳаси йўқ. Табиийки, у, ўз кемасидан пинхона тушиб, биринчи синовга доир бирон-бир маълумот қидириб чиқкан. Эҳтимол Хагрид билан Максим хонимнинг ўрмонга кириб кетганини ҳам кўргандир.

Иккала давангирни узоқ масофада туриб ҳам кўрмасликнинг иложи йўқ. Энди у ҳам, Максим хоним каби чемпионликка даъвогарларни қандай синов кутаётганидан хабар топади. Мажхуллик билан ростакамига юзма-юз келадиган факат Седрик қолади.

Гарри қасрга етиб, асосий эшиқдан кирди-да, ҳашаматли мармар зинапоядан кўтарилиди. Камин ёнидаги учрашувга беш дакиқа қолгани боис, ҳансира қолганига қарамай қадамини секинлатмади.

- Бемаъни гап! - нафас чиқарди у, мизғиб ўтирган Семиз Холанинг юзига.

- Нима десанг, шу-да, - деди уйкусираган портрет, юқорига кўтарилиб.

Гарри туйнуқдан ичкарига кирди. Умумий меҳмонхонада ҳеч ким йўқ. Хона ҳавоси одатий бўлганига қараганда, Гермионага, Гарри билан Сириус ёлғиз учрашиши учун гўнг бомбаларини портлатишга тўғри келмаган.

Гарри эгнидаги кўринмас плашни ечиб, ўзини камин ёнидаги креслолардан бирига ташлади. Хона ғира-шира ёритилган. Камин оловининг кисқа тиллари ягона ёруғлик манбаи бўлиб қолган. Ёнидаги стол устида ака-ука Кривилар кўймаланган бир даста «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини кўллаб-куватланг! кўкрак нишонлари сочилиб ётибди. Факат энди нишонларда Поттер – жуда бадбўй сўзлари ярқираб турибди. Нигоҳини камин оловига олиб ўтган Гарри кўркиб кетганидан ўтирган ўрнида бир сапчиб тушди.

Чўғда Сириуснинг боши турибди. Агар Гарри муқаддам Уэслилар Бошпанасининг ошхонасидаги каминда мистер Диггорининг худди шу холатдаги бошини кўрмаганида, хозир даҳшатдан сийиб қўйиши муқаррар эди. Хушини йигиб олган Гарри кўп қунлардан буён биринчи бор кулиб, креслодан тушди-да, полга чордана қуриб ўтириб олди.

- Салом, Сириус... ишлар қалай?

Сириус Гаррининг хотирасида сақланиб қолган қиёфаси билан солиштириб кўриладиган бўлса, тамоман бошқача кўринмоқда. Улар хайрлашган куни Сириуснинг ниҳоятда орик юзини чигаллашиб кетган ёлдек кир қора соchlари тўсиб турган эди. Ҳозир эса сочини ювиб, қисқартирибди. Тўлишиб, юзига бир оз кон югурибди. Анча ёшариб, кўпроқ тўй куни олинган ўша фотосуратдаги тасвирига ўхшаб қолибди.

- Мен-ку, майли... бир илож қилиб амалляпман. Сен-чи, сенинг ишларинг қалай? - сўради Сириус жиддий оҳангда.

- Менинг ишларим...

Гарри «жойида» демоқчи бўлди-ю, тили айланмади. Анча вақтдан буён бунчалик кўп гапирмаган бола ўзини тўхтата олмади. У ичидаги бор дардини дастурхон қилиб, тўкиб-сочди. Беллашувда иштирок этиш учун ариза бермаганига ҳеч ким ишонмаётгани, Рита Вритернинг ўйдирма-ю, бўхтонларга тўлиб тошган мақоласи, юрган йўлида таҳкирли сўз эшитаётгани ва энг асосийси, Рон унга ишонмай, хасад қилаётгани ҳакида айтиб берди...

- ... хозир эса Хагрид биринчи мусобақа нимадан иборат бўлишини менга кўрсатди... Сириус, ишонасанми, аждарлар. Мен тамом бўлдим! - хикоясини тугатди бола тарки дунё кайфиятида.
- Сириуснинг Азкабанда шаклланган нурсиз, жонсиз нигоҳи барҳам мутлак ўзгарган бўлиб, хозир ташвишга тўлган кўзларини болага тикиб турибди. У Гаррининг гапини бўлмай, охиригача қулоқ солди.
- Гарри, аждар чўт эмас, уни бир ёклик қиласиз. Факат бу ҳақда сал ўтиб гаплашамиз...
- Каминдан фойдаланиш учун мен бир сехргар хонадонига ўгринча кириб олганман. Лекин уй эгалари ҳар қандай фурсатда келиб қолишлари мумкин. Сени баъзи нарсалар ҳақида хабардор қилиб қўйишим керак.
- Нималар ҳақида?
- Гаррининг кайфияти янада чўкиб кетди. Куйдириб, пишириб, ямламай ютадиган аждардан баттар яна нима бўлиши мумкин?
- Каркаров ҳақида, - деди Сириус, - Гарри, у бир вактлар Ўлимдан мириқувчи бўлган. Ўлимдан мириқувчилар кимлигини биласан-ку, тўғрими?
- Биламан... У?...
- У қўлга олинни Азкабанга қамалган ва мен билан бирга ўтирган. Бироқ кўп ўтмай чиқариб юборилган. Хоҳлаган нарсангни ўртага қўйиб бас боғлашим мумкинки, бу йил мактабда аврор бўлиши, Дамблдорга, айнан Каркаров туфайли керак бўлган. Чунки, айнан Хмурининг саъй-харакати билан Каркаров қўлга олинни, Азкабанга қамалган эди.
- Каркаров озодликка чиқарилган? - аста сўради Гарри, - Нима сабабдан?
- Боланинг мияси руҳий ларзанинг навбатдаги порциясини қабул қилишни истамаяпти.
- Каркаров сехргарлик вазирлиги билан битимга келган, - алам-ла жавоб қайтарди Сириус,
- У гўё ўз хатоларини тушуниб, айбига иқкор бўлган ва кўплаб шерикларини айтиб берган... Унинг дастидан кўпчилик қамалиб кетди... Таъкидлаб ўтишим керакки, бу иши унинг обрўйига обрў қўшмади. Озодликка чиққач, эшитишимга қараганда, ўқувчиларини ёвуз кучлар сехрига ўргата бошлади. Шундай экан, дурмштрангчи даъвогардан ҳам огох бўл.
- Тушундим, - ўйчан жавоб берди Гарри, - Демак... фикрингча, менинг номимдан ёзилган аризани Оташли жомга Каркаров ташлаган, шундайми? Агар ҳақиқатан ҳам бу ишни Каркаров қилган бўлса, у дурустгина актёр экан. Чунки у, ўша куни ўзини жуда дарғазаб тутди. Менинг иштироким ман этилишини талаб қилиб туриб олди.
- Модомики, сехргарлик вазирлиги уни озодликка чиқаришига эриша олган экан, демак Каркаров чиндан ҳам моҳир актёр, - тасдиқлади Сириус, - Бундан ташқари, Гарри, мен «Башорат-у, каромат газетаси»ни ҳам ўқиб бораман ва...
- Ёлғиз сен эмас, жамики жаҳон ўқиди уни, - маъюс гап кистирди Гарри.
- ... ва анави хоним, Рита ёзган маколанинг замиридаги маънони тўғри англаган бўлсам, Хмурига айнан «Хогварц»га ишга келиш арафасида суиқасд уюштирилган. Биламан, Бритернинг сўзларига қараганда бу яна бир ёлғондакам тревога бўлган, - тез қўшиб қўиди Сириус, Гаррининг оғиз жуфтлаганини кўриб, - Бироқ мен негадир бунга ишонмайман. Фикримча, кимdir Хмурининг «Хогварц»да пайдо бўлишини истамаган. У мактабда бўлар экан, кўзланган ниятнинг амалга оширилиши мураккаблашишини, тергов тадбирлари билан бирор-бир киши жиддий шуғулланмаслигини кимdir тушуниб етган. Ўйноқкўз текис жойда ғудда кидириб юришини хамма билади. Бироқ Хмурининг бундай табиати ҳақиқий жиноятчини фарқлай олмайдиган бўлиб қолганини англатмайди. Сехргарлик вазирлигида Хмурига бас келадиган аврор хали бўлмаган.
- Сўзларингнинг маъносига қараганда, Каркаров мени ўлдириш пайига тушган, шундайми? Нима... мақсадда? - аста сўради Гарри.
- Сириус бир оз тутилиб қолди.
- Мен ҳар хил миш-миш гапларни эшитдим, - деди у ўйланиб тургач, - Сўнгги вактларда Ўлимдан мириқувчиларнинг фаолияти ҳаддан ортиқ жадаллашиб кетди. Ўзинг ўйлаб кўр жаҳон кубогида улар очиқдан-очиқ кўриниш беришди, қайсиdir бири Ажал белгисини

яратди... Бундан ташқари, вазирлик ходимаси йўқолиб қолганини эшитдинг-ми?

- Берта Жоркинс-ми?

- Тўппа-тўғри. У Албанияда йўколган. Миш-миш гапларга қараганда эса Лорд Вольдемортнинг изи сўнгги бор айнан ўша ерда кўринган... Берта Уч сеҳргар беллашуви шу йилдан эътиборан боз ўтказила бошланишини яхши билган, тўғрими?

- Тўғриликка тўғри-куя, бироқ у, тўғри бориб айнан Вольдемортга дуч келганини ишонч билан айтиш қийин-ку? - шубҳаланди Гарри.

- Қулоқ сол, болакай, мен Бертани жуда яхши биламан, - қатъий оҳангда жавоб берди Сириус, - У мен ўқиган замонда ўқиган. Даданг иккаламиздан беш-олти ёш катта эди холос. Гирт аҳмок, ҳамма нарсага қизиқиб қарайдиган, суриштираверадиган, тагпурс, лекин нўхатдек бўлсин мияси йўқ киз бўлган ўшанда. Бу нихоятда даҳшатли уйғунлиқdir, Гарри. Айтмоқчиман-ки, бундай аёлларни тузоққа тушириш хеч гап эмас.

- Демак... Вольдеморт Беллашув ўтказилишидан хабар топган, шундайми? Фикрингча, Каркаров бу ерга унинг топшириғига биноан ташриф буорган, а?

- Билмадим, - ўйланиб колди Сириус, - Бир нарса дейиш қийин... Вольдеморт етарлича кучга эга бўлганига ишонч хосил қилмай туриб, унга боз тарафдор бўладиганлар, химоя қиладиганлар сирасига кирмайди у, назаримда. Нима қилганда ҳам, сенинг номингдан ёзилган аризани Оташли жомга ташлаган одам ўз ишини яхши билган. Беллашувда иштирок этишингни уюштирган тарзда сенга суиқасд қилиш ва буни баҳтсиз ҳодиса сифатида кўрсатиш улар учун энг кулай усул деган фикрдан хеч халос бўла олмаяпман.

- Ишонтириб айтаман-ки, уларнинг режаси бекусур, - маъюс тасдиқлади Гарри, - Бир четда туриб, аждар мени ковуриб ютишини кутиб туриш қолади холос уларга.

- Ха, айтгандай, энди аждарларга қайтамиз, - шошиб колди Сириус, - Аждарга карши курашишнинг яхшигина бир йўли бор, Гарри. Уриб йикитиш қарғишини қўллашга уринма. Зеро, аждар ҳаддан ортиқ кучли ва қудратли сеҳр кучига эга махлукдир. Шундай экан, Уриб йикитувчи воситасида ёлғиз ўзинг уddyалай олмайсан уни. Чунки аждарни уриб йикитиш учун камида ўн икки киши керак бўлади...

- Хабарим бор, ҳозиргина кўриб келдим, - бош иргиди Гарри.

- Агар мен айтган усулни қўлласанг, аждарни танҳо ўзинг бир ёқлик қила оласан, - давом этди Сириус, - Бунинг учун сенга оддийгина бир афсунни қўллаш керак бўлади... Лекин Гарри қўлини олдинга узатиб, Сириусга жим бўлишни имо қилди. Қадам товуши эшитилиб, боланинг юраги кўкрак қафасидан чиқиб кетадиган даражада қаттиқ ура бошлади. Кимдир айланма зинагоядан пастга тушиб келяпти.

- Кет! - пичирлади у Сириусга, - Кимдир келяпти! Тезроқ кет!

Гарри ўрнидан иргиб туриб, танаси билан каминни тўсади. Агар бирор Сириусни кўриб колса, вахима кўтарилиб, вазирлик ходимлари етиб келади. Кочоқ жиноятчининг қаерга яшириниб олганини билиш учун Гарри сўроққа тутилади...

Гарри орқасида «пак» этган товушни эшитиб, Сириуснинг гум бўлганига ишонч хосил қилди. Тунда ким сайр қилмоқчи эканлиги, аждарга карши кураш усулини охиригача эшитишга ким халал берганини билиш учун зина бўсағасига қараб қолди.

Бу гулдор тўқ кизил пижамасини кийиб олган Рон экан. Хонанинг нариги томонида турган Гаррини кўрган Рон оёғи ерга кўмилгандай тек қотиб, атрофга қаради.

- Ким билан гаплашаётган эдинг? - сўради у.

- Сени нима ишинг бор? - деди Гарри кажбаҳслиги тутиб колиб, - Ўзинг-чи, тун ярмида нима қилиб юрибсан?

- Кўркиб кетдим, сенга... - Рон ўзининг гапини ўзи бўлди-да, елка кисди, - Хеч нарса қилаётганим йўқ. Ухлагани кетяпман.

- Балки жосуслик қилмоқчи бўлгандирсан? - ўшқирди Гарри.

Рон хонада нима бўлганидан мутлақо бехабар эканлиги, халал бериш учун атайин тушмаганини Гарри яхши билиб турибди-ю, аммо ҳозир унга фарқи йўқ. Айни пайтда Гарри Рондан, унинг бошидан тортиб, токи иштонининг почасидан бир неча дюймга чиқиб турган оёғининг учига қадар нафратланиб кетганини аниқ билади.

- Маъзур кўрасан, - деди ғазабдан ранги қизариб кетган Рон, - Сени безовта қилиш мумкин эмаслиги ёдимдан чиқиби. Ахир сен навбатдаги интервьюга тинчгина хозирлик кўриб олишинг керак-ку.

Гарри стол устидаги *Поттер* – жуда бадбўй сўzlари битилган кўкрак нишонларидан бирини олди-да, бор кучи билан Ронга қаратса улоқтириди. Нишон Роннинг пешонасига урилиб, нари сапчиди.

- Мана сенга, - қилган ишидан қаноатланиб нафас чиқарди Гарри, - Сешанба куни ёқангга такиб ол. Агар омадинг юришса, пешонангда чандик пайдо бўлар... Ахир сен шуни истайсан-ку, тўғрими?

У меҳмонхона бўйлаб зинапоя томон йўл олар экан Рон уни тўхтатиши, башарасига келишириб туширишини кутди. Бироқ пижамаси танасига кичиклик қилаётган Рон турган жойида тек колди. Гарри айланма зинапоядан шиддат билан кўтарилиб, ётоқхонага кирди-да, узок вақт ғазабдан қайнаб ётди. Лекин Роннинг ётоқхонага қайтганини эшифтмади.

XX БОБ.

БИРИНЧИ МУСОБАҚА

Якшанба куни эрталаб уйғонган Гарри кийинишга киришди-ю, ишни эътиборсиз бажаргани учун оёгини пайпоқса эмас, шляпага суқаёттанини дарҳол англаб етмади. Хатти-харакатларини ўнглаб олгач, кийимининг барча таркибий қисмларини танасининг тегишли жойларига кийганча, Гермионани қидириб, Катта Залда, Жинна билан бирга гриффиндорчилар дастурхони атрофида овқатланиб ўтирган жойида топди. Кўнгли айниётган Гарри ҳеч нарса емай, Гермиона сули бўтқанинг охирги кошигини оғзига солишини кутиб ўтириди. Шундан сўнг, дўстини кўл соҳилида ўтказиладиган навбатдаги сайрга етаклади. Аждарлар ҳақида ҳам, Сириус билан ўтган сухбатни ҳам ўша ерда батафсил айтиб берди.

Каркаровнинг жоиз ниятлари ҳакидаги хабар Гермионани қаттиқ ташвишга солган бўлса-да, хозир биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган муаммо аждарлар эканлигини таъкидлаб ўтди.

- Даставвал фикр-хаёлимизни сешанба куни кечкурун тирик қолишинг кераклигига жамлайлик, - ҳаяжон-ла хитоб қилди у, - Шундан сўнг, Каркаров масаласига ўтамиз. Улар аждарни тинччиши мумкин бўлган оддий афсун ҳақида ўйлаб кўл атрофини уч маротаба айланниб чиқишиган бўлишса-да, мияга бирон-бир дурустроқ фикр келмади ва ноилож кутубхонага равона бўлишди. Гарри аждаршуносликка оид китобларни топиб келиб, стол устида баланд тах хосил қилгач, Гермиона иккаласи ишга киришди.

- Аждар тирногини олиш афсунни... аждар танасидаги тангачалар иришини даволаш... буларнинг бари бизга эмас, аждарларнинг саломатлиги йўлида куйди-пишди қиладиган Хагридга ўхшаш савдойиларга керак...

- Аждар зирхига ніҳоятда ибтидоий ва жуда қудратли сехр кучи сингиб кетгани туфайли, унинг терисини фақат фавқулодда қаршишгина тешиб ўтиш мумкин... Сириус эса «оддийгина афсун», деган эди.

- Ундей бўлса оддий тилсимларга оид дарсликларни вараклаб қўрайлик, - таклиф киритди Гарри «Аждарларни ҳаддан ортиқ суйган кишилар» китобини четга ташлаб.

У адабиётларнинг бошқа дастасини йиғиб келиб, ҳаммасини бир четдан вараклай бошлади. Қулоғининг тагида эса Гермиона ўзига ўзи тинимсиз алланима вайсагани-вайсаган:

- Айлантириш афсунлари ҳам бор албатта... лекин нима наф бериши мумкин улар? Тишларини анжир сакичи ёки ўхшаш нарсага айлантириб қўйиш мумкин, шунда у нисбатан хавфсиз бўлиб қолади, лекин ҳамма бало, анави китобда ёзилишича, аждар зирхини унча-бунча нарса тешиб ўта олмаслигига-да... Яхшиси аждарнинг ўзини нимагадир айлантириб ташлаш керак, аммо... ажалинг келгур жуда йирик-да... йўқ, бўлмайди... хатто профессор Макгонагалл ҳам эплай олмаса керак... Агар кишининг ўзи

бирон нарсага айланиб олиши кўзда тутилмаса, а? Кўшимча сехр кучига эга бўлиш учунми? Афсуски, бундай нарсалар оддий афсунлар сирасига кирмайди-да. Биз уларни ўтмаганмиз. Мен буларнинг барини МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш тестларини синаб кўрганим учунгина бир оз биламан...

- Гермиона, илтимос, ичингда мулоҳаза юрит, хўпми? Хаёлимни жамлай олмаяпман. Гермиона унини ўчиргани билан фойдаси бўлмади. Аксинча, мияси бир маромда гувиллаб, хаёлини жамлай олмади. У бармоғини «Вакт йўқ, бироқ ғазабдан энса котяпти-ми? Тез ва самарали ишдан чиқариш» рисоласининг мундарижаси бўйлаб умидсиз юритиб ўтири: бош терисини соч билан бирга бир зумда шилиб олиш... лекин аждарнинг жуни бўлмайди... аччиқ нафас олдириш... бундан эса унинг олов пуркаш кудрати баттар ошади... мугуз тил... уни қаранг-а, яна нима? Кўшимча куроллантиришнинг ўзгинаси-ку, бу...

- О, йўқ, шуниси етмай турган эди! Нахотки ўзининг аҳмоқона кемасида ўтириб ўқий олмаса, а? - дарғазаб вайсади Гермиона.

Кутубхонага бесўнақай Крум кириб келиб, болалар томон нохуш караб кўйди-да, узоқ бурчакка, олдига бир даста китоб кўйганча, ялпайиб ўтириб олди.

- Кетдик бу ердан, Гарри. Меҳмонхонага қайтамиз... хозир бу ерга унинг муҳлисалари келиб, чуғур-чуғур кила бошлишади...

Дарҳақиқат, иккаласи кутубхонани тарк этишар экан, ёнларидан хипча белларига болгар шарфини ўраб олган бир гала қиз оёқ учида юриб ўтди.

Тунни Гарри деярли уйқусиз ўтказди. Душанба куни эрталаб туриб ҳаётида илк бор «Хогварц»ни ташлаб қочиш ҳақида жиҳдий ўй сурди. Аммо нонушта қилиб ўтирад экан Катта Залдаги ҳашаматга маъюс қараганча, қасрдан кетиб қолса қай кўйга тушишини тасаввур қилиб, уни ҳеч қачон тарк эта олмаслигини идрок этди. Ахир ер юзида ўзини баҳтиёр хис этадиган ягона жой айнан шу даргоҳ-ку... тўғри, ота-онаси билан ҳам у ўзини жуда яхши ҳис этган, бироқ бола буни эслай олмайди-да...

Одамовилар хиёбонига қайтишдан кўра шу ерда колиб, аждар билан жанг қилмок афзал эканлигини тушуниб етгани негадир Гаррига далда бўлди, ҳатто бир оз тинчлантириди ҳам. У беконнинг қолган бўлагини, сўнгги вақтларда ўз вазифасини дуруст бажармаётган томоғидан бир илож қилиб ўтказгач, Гермиона билан бир вақтда ўрнидан турар экан, «Хуффльпуфф» дастурхонини тарк этаётган Седрикни кўриб қолди.

Агар Гаррининг шубҳаси тўғри бўлса, Максим хоним билан Каркаров аждарлар ҳақида Флёр билан Крумга айтиб бўлган. Демак чемпионликка даъвогарлар орасида маҳлуқлардан мутлақо бехабар ягона Седрик бўлиб қолмоқда...

Узоклашиб кетаётган Седрикнинг киёфаси Гаррига кутилмагандага катъийлик баҳш этди.

- Гермиона, иссиқхонада учрашамиз. Боравер, мен сенга етиб оламан.

- Гарри, дарсга кечикасан, ҳа демай қўнғироқ зарби янграйди...

- Етиб оламан дедим-ку, хўпми?

Гарри вестибюлдаги мармар зинапояга етиб борган пайтда анча юкорига кўтарилиган Седрикни бир тўда синфдошлари ўраб олибди. Бола бошқалар олдида Седрикка мурожаат қилмади. Олтинчи синф ўқувчилари орасида Гаррини кўриб, Рита Вритернинг мақоласидан цитата келтириб юрадиган болалар ҳам бор. Анча нарида эргашиб борган Гарри Седрикнинг афсун ўқиши фани хонасига олиб борадиган йўлак томон бурилганини кўрди. Шунда унинг миясида бир ғоя туғилди. У тўхтаб, яхшилаб нишонга олди-да, пицирлади:

- Диффиндо!

Седрикнинг юк халтаси чок бўйлаб ёрилиб кетди. Китблар, пергамент ўрами, пат-қаламлар ерга тўкилиб, сиёҳдони синди.

- Бораверинг, ўзиб йигиб оламан, - деди таъби кир бўлган Седрик, ёрдам бериш учун эгилган дўйстларига, - Флитвикка айтинг, хозир кираман...

Гаррига эса айнан шу керак. Бола таёқчасини яшириб, Седрикнинг ўртоклари кўздан

ғойиб бўлишини кутиб турди-да, Диггоридан бошқа ҳеч ким қолмаган йўлак бўйлаб тез одимлади.

- Салом, - деди сиёҳ сачраган «Олий даражадаги айланниш ва айлантириш курси»ни ердан олаётган Седрик, - Тасавур киляпсан-ми, халтам ёрилиб кетди... ҳали яп-янги эди-я...
- Седрик. Биринчи синов – аждарлар! - маълум қилди Гарри.
- Нима? - ҳайрон бўлди Седрик.
- Аждарлар, - такрорлади Гарри, профессор Флитвикнинг чиқиб колишидан хавфсираб, - Тўртта аждар. Ҳар биримизга биттадан. Уларнинг ёнидан ўтиб, нимадир қилишимиз керак бўлади.

Бақрайиб қолган Седрикнинг кул ранг кўзларига қараган Гарри шанба қунидан буён ўзи ҳис этиб юрган вахимани уқди.

- Ишончинг комилми? - хириллаб сўради Седрик.
- Юз фоиз. Ўз кўзим билан кўрдим уларни.
- Бундан хабар топишга қандай эрищдинг. Ахир биз мутлақо бехабар бўлишимиз керак-ку...
- Бунинг аҳамияти йўқ, - гапни тез бўлди Гарри, агар рост гапни айтадиган бўлса, Хагридни қандай нохушликлар кутиши ҳақида ўйлаб, - Бундан факат менгина боҳабар эмасман. Флёр ҳам, Крум ҳам билади. Чунки Максим хоним билан Каркаров ҳам аждарларни кўришди.

Таажжуб ила шубҳа уйғунлашиб кетган нигохини ҳанузгача Гарридан узмаган, елкасида йиртиқ юқ ҳалта осилганча, сиёҳга булғанган китобча, пат-қалам ва пергамент ўрамларини кучиб олган, Седрик аста ўрнидан турди.

- Нега энди бу гапларни менга ошкор қиляпсан?

Гарри ўз қулогига ишонмади. Агар аждарларни Седрикнинг ўзи кўриб, маълум қилганида, улар билан юзма-юз келишни ҳатто энг жохил душманларига ҳам раво кўрмайдиган Гарри бундай савол бермаган бўлар эди... Малфой билан Снегг истисно, албатта.

- Шундай қилсам... адолатдан бўлади, - жавоб қайтарди Гарри, - Ҳамма баб-баравар бўлсин дейман.

Гаррининг ортида таниш тарақ-туруқ эшитилган пайтда ҳам Седрик шубҳали нигохини Гарридан узмади. Бола ортга ўгирилиб, кўшни синф хонасидан Ўйноккўз Хмури чиқиб келганини кўрди.

- Ортимдан юр, Поттер, - гумбурлади у, - Диггори, йўлингдан колма.
- Ушбу ҳолатдан бирон-бир яхшилик кутмаган Гарри Хмурига қараб қолди. Кизик, Седрик иккаласининг сухбатини эшитдимикан?
- М-м-м... Профессор... Мен гербология дарсига боришим керак.
- Ҳеч киси йўқ, Поттер. Борасан, ўша гербологиянга. Кошиб кетмайди. Хонамга, марҳамат...

Гарри энди нима бўлишини ўйлаганча, Хмурининг ортидан эргашди. Аждарлар ҳақида сўраб қолса-чи? Ҳакиқатдан хабар топгач, Дамблдорнинг хузурига Гарри билан Хагрид борасида чақимчилик қилгани югурадими ёки сассиқкузанга айлантириб қўяди-ми? Бир томондан шуниси ҳам яхши, маъюс хаёл сурди Гарри, сассиқкузан кичкина бўлади, аждарнинг ён-атрофида пилдираб, нима қилса, қилаверади. Бўйи эллик фут келадиган аждар эса уни кўрмайди ҳам...

Иккаласи хонага киришгач, Хмури эшикни ёпиб, соғ кўзи билан ҳам, сехрли кўзи билан ҳам Гаррига қараб қолди.

- Сен никоятда олижаноб иш тутдинг, Поттер, - деди у хотиржам.
- Бундай муносабат билдирилишини кутмаган Гарри нима жавоб қайтаришга ҳайрон.
- Ўтири, - амр этди ўқитувчи.

Гарри ўтириб, муқаддам ташриф буюриб борган хонага назар солди. Унинг икки сохибидан бири профессор Чаруальд даврида ўқитувчининг ғамза қилаётган жилоли суратлари билан тўлиб-тошган хона деворларида тангадек бўлсин, бўш жой бўлмаган. Профессор Люпин замонида бу хонада, дарс давомида ўқувчиларга кўрсатиш мақсадида

ўзи топиб, йигиб юрган ёвуз сехр вакиллари: бoggарт, кизилқалпоқ, финтиплюх, гриндилоу, каппа каби турли-туман қабоҳатларни кўриш мумкин эди. Энди эса хона жуда ғалати буюмлар билан жиҳозланган. Афтидан Хмури буларни сеҳгарлик вазирлигидага аворор бўлиб ишлаб юрган кезларида кўллаб юрган.

Ёзув столи устида каттагина, дарз кетган шиша пилдирок турибди. Ушбу буюмнинг оғатскоп эканлигини Гарри дархол фахмлади. Бундай жиҳоз унда ҳам бор. Фақат Гаррининг оғатскопи анча кичкина. Бурчакка ўрнатилган кичкина стол устида эса паст ғувиллаб турган, нимаси биланжир хаддан ортиқ қайрилиб, эшилиб кетган телевизион антеннага ўхшаш тилла тусли асбоб бўй чўзиб турибди. Гаррининг рўпарасидаги деворга кўзгу осиб қўйилган. Унда хонадаги бирон нарса акс этмаяпти-ю, ичида аллақандай ғалати доғлар харакатланяпти.

- Хўш, ёвузлик детекторларим ёқди-ми сенга? - кизиқди Гаррини дикқат билан кузатаётган Хмури.

- Мана бу нима? - сўради Гарри эшилиб кетган тилла тусли асбобга имо қилиб.

- Сир сезгири. Агар ёнимдаги одам ёлгон гапираётган ёки бирон гапни мендан сир тутаётган бўлса, зириллайди... Бу ерда ундан фойда йўқ, албатта. Уйга берилган вазифани бажармай келган ўқувчилар ёлғон-яшиқ гаплар тўкишни ҳеч қўйишмагани учун бу даргоҳга келган кунимдан буён тингани йўқ. Оғатскопни эса узлуксиз чийиллагани боис, ўчириб қўйишга мажбур бўлдим. У нихоятда таъсирчан бўлиб, бир миля радиусда рўй берган ҳар қандай адоватли харакатни сезади. Табиийки, фақат болаларнинг шўхлигини эмас, жиддийроқ ҳавф ҳақида ҳам маълум қиласди.

- Анави қўзгу-чи?

- Ашаддий душманлар кўзгуси. Кўряпсан-ми, унда менинг энг ашаддий душманларим юрибди? Уларнинг бундай ҳаракатлари ҳавфли эмас, лекин кўзларининг оқи кўринадиган ўлчамда яқин келишса, дархол сандигимни очаман.

У баланд, кисқа хандон отганча, дераза остида турган сандигини кўрсатди. Сандиқ бир қатор жойлашган еттита қулф тешигига эга. Гаррининг сандиқ ичида нима бўлиши мумкинлиги ҳақида юритаётган хаёлларини Хмурининг навбатдаги саволи бўлди.

- Демак... аждарлар ҳақида хабар топибсан-да, а?

Гарри иккиланиб қолди. Айнан шу саволдан чўчиб турган эди. Нима қилганда ҳам, у, Хагрид қоидани бузганлигини Седрикка айтмагани каби Хмурига ҳам айтмайди.

- Ташибиш тортма, - тинчлантириди уни Хмури, ёғоч оёғини олдинга узатиб, инграганча креслога ўтирас экан, - Қаллоблик Уч сеҳгар беллашуви атрофида шаклланган доимий анъаналардан бири саналади. Азалдан шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

- Мен қаллоблик қилганим йўқ, - деди Гарри жигибийрони чиқиб, - Бу... Мен...

Тасодифан...

Хмури иршайди.

- Мен сени айблаётганим йўқ, йигитча. Мен Дамблдорнинг миясига бир ҳақиқатни қуйиб қўйишга уриниб келмоқдаман. У ўзининг юксак ва олижаноб ғоялари-у, мақсадлари илиа кўнглига сиққанича югуриб-елиб юриши мумкин, лекин Каркаров билан Максим бундай тушунчаларнинг барига тупурган. Ўзлари боҳбар бўлишган ҳар қандай маълумотларни ўз чемпионликка даъвогарларига етказишларига шубҳа йўқ. Уларнинг мақсади муштарак – Беллашувда ютиб, Альбуснинг курагини ерга теккизиши ва бу билан Дамблдор ҳам оддий инсоний хислатлар, хом сут эмган баңдага хос табиатдан холи эмаслигини исбот килиш. Боз қисқа хандон отган Хмурининг сеҳрли кўзи шиддат-ла айланиб, Гаррига қаради. Кўз ҳаракатини кузатган боланинг боши айланиб кетди.

- Хўш... Аждарни бир ёқли қилиш йўлини ўйлаб топдинг-ми?

- Йўқ, - икрор бўлди Гарри.

- Нима қилиш кераклигини сенга айтмоқчи эмасман. Эркатой ўқувчиларга эга бўлиш менга хос одат эмас. Бироқ фойдали маслаҳат беришим мумкин. Биринчи қоида – энг кучли қобилиятингни ишга сол.

- Бундай қобилиятга эга эмасман, - шу заҳоти бош тортди Гарри.

- Бекор гап, - наъра тортди Хмури, - Ҳар қандай инсон табиатидаги маълум бир қобилият бошқаларидан устун бўлади. Қани ўйлаб кўр-чи, қандай ҳаракатни яхши уddyалай оласан, қайси ишнинг бурнини қоната оласан?

Гарри ўйга толди. Нимани яхши уddyалай олади? Ҳа... лекин бу жуда содда нарса-ку...

- Квидиш ўйинини, - ифодасиз жавоб берди у, - Жа фойда беради-да...

- Тўппа-тўғри, - деди Хмури иккала кўзи билан болага тик қараб, - Эшитишимга қараганда, сен супургида парвоз қилишни эшиб ташлар экансан.

- Тўғри, аммо... - деди Гарри ҳам кўзини Хмуридан узмай, - Мусобақа давомида менинг ихтиёrimda супурги бўлмайди-ку, фақат сехрли таёқча...

- Иккинчи қоида, - давом этди Хмури боланинг гапини бўлиб, - Киши истаган нарсасини кўлига олиши учун қадимдан қўлланилаётган, бисёр синовлардан ўтиб, асрлар оша бугунги кунга қадар етиб келган оддий афсундан фойдаланиши даркор.

Гарри ўқитувчига бакрайиб қолди. Хўш унга нима керак бўлади?

- Бошингдаги қатигингни ишга сол, йигитча, - пичирлади Хмури, - Бу у қадар кийин эмас...

Ана шундагина Гаррининг миясида чироқ ёнгандай бўлди. У супургида учишли боплади. Шундайми? Шундай. Демак, у, аждарнинг ёнидан хавода бемалол учиб ўтиши мумкин. Шундайми? Албатта шундай. Бунинг учун унга «Чақмоқ» керак бўлади. Шундайми? Ҳа, шундай. «Чақмоқ»қа эга бўлиш учун эса...

Уч дақиқа ўтар-ўтмас Гарри иссиқхонага ёпирилиб кирганча, профессор Сарсабил хонимдан узр сўраб, Гермионанинг ёнига ошиқди.

- Гермиона, - пичирлади Гарри, - Сен менга ёрдам беришинг керак.

Титроқгул бутаб турган Гермиона титраб турган барглар узра Гаррига ташвишли қаради.

- Сенингча, шунча вақтдан буён мен нима қилиб юрган эдим? - сўради қизалоқ пичирлаб.

- Гермиона, мен эртага эрталабгача Буюм чақириш афсунини ўзлаштириб олишим шарт.

Иккаласи тушлик қилгани ҳам бормай, кимсасиз синф хоналаридан бирига кириб олиб, афсун ижросини ўзлаштиришга киришиб кетди. Гарри ўз иродасига зўр бериб, ҳар хил буюмларни хона бўйлаб учирганча, ўзига чорлай бошлади. Ёмон. Китоблар-у, пат-қаламлар ярим йўлга етганда, худди фикридан қайтгандай, таппа полга тушиб кетаверди.

- Фикрингни жамлаб ол, Гарри, жамлаб ол...

- Мен нима қиляпман? - аччиғи чиқди Гаррининг, - Негадир доимо кўз олдимдан... улкан, жирканч аждар нари кетмаяпти... Хўп, майли. Яна уриниб кўрамиз...

У башорат дарсига боришни истамай, машғулотни давом этмоқчи бўлди. Лекин Гермиона арифмантикани ўтказиб юборишдан бош тортди. Гермионасиз шуғулланишнинг эса фойдаси йўқ. Илож қанча, бир соат профессор Треланинг дарсига бардош беришга тўғри келди.

Профессор Трелани дарснинг ярмини иккита сайёранинг ўзаро холатига бағишилади.

Унинг тушунтиришларига қараганда, Миррихнинг Зухалга нисбатан жойлашган холати шундай эканки, июль ойида туғилган кишилар учун кутилмаган, даҳшатли ўлимдан қочиб кутулишнинг ҳеч иложи йўқ экан.

- Жуда яхши, - баёнот қилди тоқати тоқ бўлган Гарри баланд овозда, - Азоб чекишини истамайман. Кутилмаганда ўлиб қолишни афзал биламан.

Роннинг юзи шундай қиёфа қасб этди, худди ҳозир кулиб юборадигандай. У кўп кунлардан буён илк бор Гаррининг кўзига тик қаради. Бироқ ундан қаттиқ хафа бўлган Гарри ўзини Роннинг нигоҳидаги мазмунни уқмаган кўйга солиб олди. Гарри дарснинг қолган қисмини таёқча воситасида стол остидаги майда жисмларни ўзига чақиришга сарф этиб, ҳавода учиб кетаётган пашшани муштига кириб кетишга мажбур қилишга эриша олди. Аммо бу ҳолат Буюм чақириш афсунини ўзлаштириб олгани туфайли рўй берганига шубҳа қилди. Эҳтимол бу эсвос пашшадир.

Башорат ўтгач, Гарри, кечки овқат махалида ўзини бир оз овқатланиб олишга мажбур

килди-да, ортиқча савол берилмаслиги учун күринмас плашни Гермиона билан бирга кийиб, бўш синф хонасига қайтиб келди. Иккаласи ярим тунга қадар машқ килди. Улар яна давом эттиришлари мумкин эди-ю, Дрюзг келиб колди. Ахволни кўрган полтергейст Гаррига қаратса нарса улоқтириш керак экан, деган хаёлга борди шекилли, болага қаратса синф курсиларини улоқтиришга киришиб кетди. Бундай шовқин Филчнинг эътиборини ўзига жалб этиши мумкинлигидан чўчиб кетган Гарри билан Гермиона жуфтакни ростлаб қолишиди. Хайриятки «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасида ҳеч ким йўқ экан.

Тунги соат иккода камин ёнида турган Гаррининг атрофи рисолалар, онтарилиб ётган бир нечта курсилар, пат-қаламлар, шиқилдокларнинг эски тўпламлари ва шу каби турли-туман буюмларга тўлиб-тошди. Ҳатто Невиллнинг курбақаси Тревор ҳам четда қолмади. Гарри ушбу афсуннинг сир-асрорини кутилмагандага энг сўнгги соатда англаб етди.

- Ҳаракатларинг анча дуруст, Гарри, энди анча дуруст, - деди ўларча чарчаганига қарамай, машқ натижаларидан қаноатланиб, давом этаётган Гермиона.
- Келаси сафар, агар мен бирон-бир афсун ижросини уddyалай олмасам, нима қилиш кераклигини энди биласан, Гермиона, - деди Гарри Қадимий руналар луғатини, такроран чакириш учун Гермионага улоқтириб, - Мени аждар билан кўрқит. Ассио луғат! Оғир луғат жилди Гермионанинг кўлидан отилиб чиқиб, хона бўйлаб учганча, тўппа-тўғри Гаррининг кўлига бориб тушди.
- Гарри, ўрганиб олдинг! - завқланиб хитоб килди Гермиона.
- Буни эртага кўрамиз, - деди Гарри, - «Чақмоқ» мана бу нарсаларга нисбатан мендан анча олисда, қасрда бўлади. Мен эса ўрмонда бўламан...
- Бунинг аҳамияти йўқ, - ишонч-ла баёнот килди Гермиона, - Агар сен ўз фикр-хаёлларингни талаб даражасида, эшитяпсан-ми, талаб даражасида жамлаб олсанг, «Чақмоқ» албатта учеб келади, Гарри. Энди бир оз ухлаб олишинг керак... бу сенга, қолаверса менга ҳам жуда зарур.

Гарри Буюм чакириш афсунни ҳакида шу қадар кўп ўйладики, сўнгги вактда вужудини қамраб олган номаълум даҳшатни ёдидан чиқариб юборди. Бироқ эртасига эрталаб ваҳима ўз жойига тўла-тўкис қайтиб келди. Қасрда ҳаяжонли ва айни вактда қувончли кутиш мухити қарор топган. Гарчи бугун қандай томоша кўрсатилишини ҳеч ким билмаса-да, бугунги машғулотлар, ўқувчилар намойишгоҳларга етиб олишлари учун, кун ярмида ниҳоясига етади.

Гарри ўзини бошқалардан узоклашиб, бегоналашиб кетгандаи хис этди. Мактабдошлари унга омад тилаб қолишади-ми ёки изидан «Поттер, биз аза тутиш учун рўмолнчаларимизни тайёрлаб кўйдик», деб вишиллаб қолишадими, унга фарқи йўқ. Бола шундай бир алог-чалоғ асабийлашган ҳолатда-ки, уни аждар олдига олиб чиқишаётганда ўзини идора килмай, қарғиш яшинларини аждар қолиб, одамларга қаратса ўнг-у, сўлнинг фарқига бормай сирасига кўллаб юборищдан хавфсирамоқда.

Вақт ҳам худди ўчакишгандай ўзини жуда ғалати, йирик-йирик бўлаклари сезилар-сезилмас гум бўлиб кетаётган каби тутмоқда. Гарри гўё ҳозиргина биринчи, сеҳгарлик тарихи дарсида эди, энди эса тушлик қилиб ўтирибди. Тонгги ғимир-ғимир қачон ўтди, билмайди... Ана энди профессор Макгонагалл Катта Зал бўйлаб Гарри томон ошиқиб келмоқда. Кўпчилик унга эътибор қаратиб ўтирибди.

- Поттер, чемпионликка даъвогарлар зудлик билан ховлига чиқишилари лозим... Биринчи мусобақага ҳозирлик кўриш вақти етди.
- Яхши, - деди кўлидаги санчқи жаранглаганча ликопга тушган Гарри ўрнидан туриб.
- Омад ёр бўлсин, Гарри, - пицирлади Гермиона, - Ҳаммаси яхши бўлади!
- Албатта, - жавоб қайтарди Гарри, мутлако ёт оҳангда.

Бола профессор Макгонагалл билан биргаликда Катта Зални тарк этди. Коллеж мудири ҳам ўзини йўқотиб, гангид қолган. Унинг ташвишли қиёфаси Гермионанинг қиёфасидан ҳеч колишмайди. Ноябрнинг муздай шабадасига пешвоз чиқиб, тош зина погоналаридан

пастга ёнма-ён тушар экан, профессор Макгонагалл қўлини Гаррининг елкасига қўйди.

- Энг асосийси, саросимага тушма, - насиҳат берди у, охангининг вазминлигини саклаб қолишга уринганча, - Атрофда вазиятни назорат қилиб турадиган сехргарлар яшириниб олишган. Кўлдан келганча уринсанг бўлди, ҳеч бир кимса сен ҳақингда ёмон фикрга боришга журъат этмайди... Ахволинг яхшими?

- Яхши, - деди Гарри ўзининг овозини эшиганидан таажжубланиб, - Ахволим жуда яхши. Профессор Макгонагалл болани Ман этилган ўрмон чети бўйлаб аждарлар қамалган қўтон томон етаклаб кетди. Ёш дараҳтзорга етгач, қўтонни тўсиб турган чодирга рўбару бўлишди.

- Сен, Поттер, колган даъвогарлар билан биргалиқда мана шу чодир ичида бўлишинг ва ўз навбатингни кутишинг керак, - деди профессор Макгонагалл таъсирли титраётган овозда, - Мистер Шульман ҳам ичкарида... У сизларга... мусобақа жараёни ҳакида айтиб беради... Омад ёр бўлсин.

- Раҳмат, - жонсиз миннатдорлик билдириди Гарри.

Бола профессор Макгонагаллни ташқарида қолдириб, чодир ичига кирди.

Бурчақда, пастаккина курсида Флёр Делакёр ўтирибди. Унинг одатий вазминлигидан асар ҳам қолмаган. Юзидан қон қочиб, совуқ терга ботган. Виктор Крум одатдагидан ҳам баттар бадқовоқ кўринади. Демак, у ҳам асабийлашган, тахмин қилди Гарри. Седрик худди чодир ичини ўлчайтган каби у ёқ, бу ёқ тинимсиз юрибди. Гаррининг кириб келганини кўриб, уни табассум-ла қарши олгандай бўлди. Бола ҳам жавобан кулиб қўйди-ю, ўзининг мушаклари итоат қилмаётгани, худди қандай қулиш кераклигини унугиб кўйгандек бўлганини ҳис этди.

- Ўхў! Гарри! - завқ-ла кичкирди Шульман, болага юзланиб, - Кир, киравер, ўзингни ўз ўйингда, деб бил.

Ранги ўчган чемпионликка даъвогарлар орасида Шульман ўз хатти-харакатлари билан қандайдир ғалати, ўлчами ҳаддан ортиқ катта мультиплексия тасвирига ўхшаб кетди. У яна ўша, ўзининг эскириб кетган квидиш кийимини кийиб олган.

- Хўш, ана энди жамоа жам. Демак, зарурӣ маълумотларни беришга киришсам бўлаверади! - шодиёна эълон қилди Шульман, - Томошибинлар ўз жойини эгаллагач, ҳар бирингизга мана бу қопчиқни ҳавола этаман, - деди у, кирмизи шойидан тикилган қопчиқни силтаб, - Унинг ичидан сиз рўбару бўладиган нарсанинг кичик қоматини чиқарасиз! Улар ҳар хил... м-м-м... кўринишга эга. Яна нимадир айтишим керак эди... ҳа, эсладим... сизнинг олдингизда турган вазифа – тилла тухумни қўлга киритиш!

Гарри шерикларига разм солди. Седрик бош иргиб, Шульманнинг сўзларини уққанлигини билдириди-да, ранги бир оз кўкарганча, у ёқ, бу ёқ юришини давом эттириди. Флёр Делакёр билан Крум эса ҳеч қандай муносабат билдиришмади. Эҳтимол жавоб кайтариш учун оғиз очишадиган бўлса, қайт килиб юборищдан чўчишаётган бўлса керак. Ҳар қалай Гарри ўзини айнан шундай ҳис этмоқда. Бироқ таъкидлаб ўтмоқ жоизки, учаласи, Гарридан фаркли ўлароқ, ушбу чодирда ўз ҳоҳиш-иродаси билан турибди...

Орадан бир сония ҳам ўтмади гўё, лекин ташқарида тумонат одам юргани, ҳаяжонли сұхбат, ҳазил-мутойиба, кулги эшитилди. Гарри худди зотлари бошқа-бошқадай ўзини ўша одамлардан мутлақо ёт ҳис этди. Ҳаёл ўтмай Шульман қўлидаги кирмизи қопчиқнинг тутунини ечишга киришди.

- Хоним бошлаб беради, - деди у Флёрга қопчик узатиб.

Флёр титраётган қўлини қопчиқ ичига суқиб, оддий уэльва аждарининг аниқ ўхшатиб ясалган, бўйнига «2» рақами боғланган миттигина моделини чиқарди. Хамонки Флёрнинг юзида таажжуб эмас, умидсиз қатъият ифодаланган экан, Гарри ўзининг ҳақлиги, яъни Максим хоним бор гапни ўз шогирдига айтиб берганига тўлиқ ишонч ҳосил қилди.

Крум ҳакидаги фикр ҳам ўз исботини топди. У бўйнига «3» рақами боғланган оловли шар пурковчи хитой аждарини чиқарди-да, кўзини пирпиратиб ҳам қўймай, ерга қаради.

Седрик қўлини қопчиқ ичига солиб, «1» рақамли тўмтоқ тумшуқли швед аждарининг моделини чиқарди. Гаррига эса табиийки, охирги, бўйнига «4» рақами боғланган тиканак

думли венгр аждари насиб қилди. У ўзининг аждарчасига қаради. Тиканак дум қанотчаларини ёзиб, митти сўйлокларини ялангочлади.

- Ана бўлди! - эълон қилди Шульман, - Энди ҳамма ўз ракибини билади. Аждарча бўйнидаги ракам майдонга чиқиши навбатини англатади, тушунарлимис? Энди мен, мусобақа шархловчиси бўлганим боис, сизларни тарк этаман. Мистер Диггори, хуштакни эшитишингиз билан майдонга чиқинг, хўпми? Хўш, яна нима... Гарри? Ташқарига чиқасанми? Сенга бир оғиз гапим бор, майлими?

- М-м-м... ха, албатта, - мингирлади ҳеч нарсани тушунмаган Гарри, Шульманнинг ортидан эргашиб.

Шульман чодирдан муайян масофа нарига узоклашди-да, дараҳтлар орасида тўхтаб, Гаррига оталарча юзланди.

- Ахволинг қалай, Гарри? Сенга бирон нарса келтириб берай-ми?

- Нима? - тушунмади Гарри, - А... йўқ, раҳмат.

- Режанг борми? - сўради Шульман, овозини маккорона пасайтириб, - Чунки, эътиroz билдирамасанг албатта, айrim ғоялар билан ўртоклашмоқчиман. Сен ахир ёшига етмаган даъвогарсан-ку, Гарри, - деди у, овозини янада пасайтириб, - Агар бирон-бир нафим тегса...

- Йўқ, - гапни кесди Гарри, - Нима қилишни ўзим биламан. Раҳмат.

- Ҳеч ким сезмайди, Гарри, - кўз қисди Шульман.

- Йўқ, раҳмат. Ишлар жойида, - деди Гарри, ахволи ҳали бу қадар ёмон бўлмаган бўлса-да, нега бу сўзларни қайтараётганига ўзи ҳайрон бўлиб, - Режам бор, мен...

Узоқдан хуштак овози эшитилди.

- Ё тавба! Мен югуришим керак-ку! - хаёlinи йигиб олди Шульман, чопқилаганча нари кетиб.

Гарри чодирга яқин бориб, ранги баттар кўкариб кетган Седрикни кўрди. Унинг ёнидан ўтаётган Гарри омад тиламоқчи бўлди-ю, томоғини ғалати қира олди холос.

У Флёр билан Крум ўтирган чодирга қайтиб кирди. Икки сония ўтар-ўтмас ҳалойик айвоҳаннос солиб юборгани эшитилди. Афтидан Седрик қопчиқдан суғуриб олган коматчанинг ҳақиқий тимсоли билан юзма-юз келган кўринади...

Чодирда ўтириб кутиш бу қадар даҳшатли кечишини Гарри тасаввур ҳам қилиб кўрмаган экан. Томошабинлар, худди кўп бошли маҳлук каби Седрикнинг тўмтоқ тумшукли швед аждари ёнидан ўтиш учун бажараётган хатти-харакатларига ягона муносабат билдирганча, дам қичкирап, дам чириллар, дам оҳ ураг эди. Крум кўзини полдан узгани йўқ. Флёр Седрик каби у ёқ, бу ёқ юриб, чодир ичини қадамлаб ўлчашга киришди. Шульманнинг шархлари эса умумий вазиятни баттар оғирлаштироқда:

- О-о-о, бир баҳя қолди-я... жуда таваккалчи йигит экан-ку!... яхши ҳаракат, бироқ наф бермади...

Яна ўн беш дақиқадан сўнг қулоқни кар қилган шовқин эшитилиб, Седрик аждар ёнидан ўтгани-ю, тухумни кўлга киритганини англатди.

- Яхши, жуда яхши! - қичкирди Шульман, - Қани кўрайлик-чи, ҳакамлар қандай қарорга келишганини...

Бироқ у баҳоларни ўқиб эшилтирмади. Афтидан ҳакамлар баҳоларни томошабинларга ўзлари кўрсатишмоқда.

- Бири тугатиб, уч нафари қолди! - қичкирди Шульман, боз хуштак янграгач, - Мисс Делакёр, марҳамат қилсинлар!

Бошдан-оёқ дағ-дағ титраётганига қарамай Флёр Делакёр чодирни сехрли таёқчасини маҳкам ушлаганча, бошини баланд кўтариб тарк этди. Буни кўрган Гаррининг қалбида қизга нисбатан бир оз эҳтиром уйғонди. Чодирда қарама-қарши деворлар ёнида ўтириб, бир-бирига қарамасликка уринганча Крум иккаласи қолди.

Яна ўша ахвол, Шульманнинг мудхиш шархлари:

- О, шу иш бамаъни эканлигига ақлим етмайди... О!... Деярли... Энди эҳтиёткорона иш тутмок даркор!... Муқаддас фалак!... Кўзимга ямлаб юборгандай кўринди-я!

Үн дақиқадан сүңг намойишгоҳлардан қарсаклар янгради. Демак, Флёр ҳам топширикни бажарди. Жимлик... Афтидан баҳо белгиланмоқда... боз қарсаклар... Шундан сүңг, учинчи хуштак.

- Майдонга мистер Крум чиқади! - эълон килди Шульман.

Крум Гаррини ёлғиз қолдириб, чодирни тарк этди.

Бола танасини жуда ғалати ҳис этмоқда. Юраги уриши, бармоклари даҳшатдан уйишиб қолаётганини сезмоқда-ю, чодир деворларига қараб, халойикнинг қичкирикларини эшитар экан, руҳи танасидан анча нарида эканлигини идрок этмоқда.

- Жуда дадил ҳаракат! - янгради оловли шар пурковчи хитой аждарининг наъраси билан бир вактда Шульманнинг қичкириғи, - Мана буни мардлик деса бўлади!

Томошабинларнинг енгил нафас чиқаргани эшитилди.

- Ва... Ҳа! Тухум забт этилди!

Қиши ҳавосида янграган қарсаклар шиша синган товушдай эшитилди. Крум ўз чиқишини яқунлади. Навбат Гаррига.

Үрнидан турган бола оёклари желега айланиб колганини ҳис этиб, таклифни кутди.

Хуштак янгради. Гарри чодирдан чиқди. Вужудини қамраб олган даҳшат тобора авж олмоқда. Ёш дараҳтлар ёнидан ўтиб, қўтонга кирганини идрок этди.

Гаррининг кўз ўнгидаги намоён бўлган манзара ҳудди жуда равшан, рангли тушга ўхшайди. Бу ерга ташриф буюрган ўша тундан сүңг сехрли тарзда барпо этилган намойишгоҳлардан тумонат одамлар унга қараб турибди. Кўтоннинг нариги томонида эса ўз тухумлари устига энгашган тиканак думли аждар қанотларини ярим букканча, сап-сариқ дарғазаб кўзларини болага бакрайтириб олган. Танаси тангачали баҳайбат яшер ўзининг тиканак думини, ҳар бир тиканаги билан узунлиги бир ярд келадиган из қолдирганча, ерга гумбурлатиб урмоқда. Намойишгоҳларни мудхиш шовқин қамраб олган. Мактабдошлари уни олқишилашмоқда-ми, ўлим тиламоқда-ми, хозир Гаррига фарқи йўқ. Вакт етди. Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул. Хозир жамики фикр-хаёлини уни кутқариб қоладиган ягона нарсага жамламоқ даркор...

Гарри таёқчасини кўтариб, баланд овоз-ла ўкирди:

- Ассио «Чақмоқ»!

Ва умидвор бўлиб, ич-ичида Худога илтижолар қилиб, вужудининг жамики толалари или кутди... Агар юз бермаса-чи... Супургиси учиб келмаса-чи... Қандайдир шаффоф, қизиб кетган, қалқиб турган парда уни теварак-атрофдан тўсиб қўйиб, қўтон ҳам, одамлар ҳам ҳавода учайтган бўлиб кўринди...

Баногоҳ Гаррининг қулогига қадрдон товуш эшитилди. Супурги. У ортга ўгирилиб Ман этилган ўрмон узра ниҳоятда катта тезлиқда учиб келаётган «Чақмоқ»ни кўрди. Супурги қўтонга ёпирилиб кириб, Гаррининг амрини кутганча, каршисига келиб тўхтади.

Томошабинларнинг шовқини янада кучайиб кетди... Шульман ҳам алланима қичқирмоқда... бироқ Гаррининг эшитиш қобилияти хозир ишлаётгани йўқ. Умуман айтганда, у айни вактда ҳеч нарсани эшитмоқчи ҳам эмас, хозир ким нима деяпти, аҳамияти йўқ...

У оёғини кўтариб, супурги устидан олиб ўтди-да, ер тепди. Ва шу заҳоти мўъжиза рўй берди...

Бола ҳавога кўтарилиши ҳамоно, шамол соchlарини кўзгатгани ҳамоно, томошабинларнинг юзлари тана рангли тўғонгич боши, аждар эса оддий ит танасининг ўлчами каби майда бўлиб қолиши ҳамоно нафақат ерни, балки қўрқув ва даҳшатни ҳам пастда қолдирганини идрок этди... Гарри ўзининг қадрдон муҳитига кириб олди...

Бу навбатдаги квидиш ўйини, бошқа нарса эмас... Ҳа, оддий квидиш ўйини, тиканак думли аждар эса ўта жирканч ракиб жамоаси...

У пастга, аждарнинг олд оёклари билан ишончли химояланган тухумлар уюмага қараб, тош тусли тухумлар орасида ялтираб турган тилла тухумни кўрди.

- Хўш, Гарри, - деди у ўзига ўзи, - Чалғитиш манёврини кўллаймиз... Бошладик.

Бола пастга шўнғиди. Тиканак думнинг боши унинг ҳаракати томон бурилди. Нима

килишни Гарри яхши билади. У шўнғиши харакатини тўхтатиб, ўз вактида юкорига кўтарила бошлади. Аждар пуркаган оловли шар айни фурсатда Гарри етиб бориши керак бўлган нуқтадан ўтиб кетди... Бола хозир ҳар қандай хавфга тупурган... У ўз харакатини Тажовузкор тўпга чап берган билан баробар кўрмоқда...

- О, Олий химмат Скотти! Бу йигитча учиш нима эканлигини жуда яхши билар экан-ку! - ўкириб юборди Шульман, томошибинларнинг оҳ-воҳларини босиб юбориб, - Мистер Крум, сиз ҳам кўрдингиз-ми?

Гарри юкорида айланга бошлади. Тиканак дум эса бўйини баланд чўзганча, бошини боланинг харакати баробар айлантироқда. Агар харакат шу зайлда узоқ давом эттириладиган бўлса, махлукнинг боши айланиб кетиши муқаррар. Лекин узоқ чўзмаган маъқул, акс ҳолда хайвон яна олов пуркаб юбориши мумкин...

Тиканак дум энди оғиз очган эди ҳам-ки, Гарри боз пастга шўнғиди. Бироқ бу сафар омад у қадар зўр чопмади. Олов болани ёндириб ташламади-ю, ўзини четга тортаётган фурсатда аждар силтаган думдаги тиканаклардан бири унинг елкасига бир оз тегиб ўтиб, коржомасини ииртиб юборди.

Гарри оғриқ сезиш билан бир вактда намойишгоҳлардан янграган қичқириқ ва инграшларни эшилди. Афтидан жароҳат жиҳдий эмасга ўхшайди. Аждар ортидан ўқдай учиб ўтар экан, миясига бир ўй келди...

Ўз тухумларидан ташвиш тортаётган она аждар осмонга кўтарилишни истамаяпти. У жойида айланиб, тўлғаниб, қанотларини дам ёзиб, дам йифиб, сап-сариқ кўзларини Гарридан узмай турибди. Болаларини ёлғиз ташлаб кетмоқчи эмас... Шунга қарамай, уни учишга мажбур қилмоқ даркор. Акс ҳолда тилла тухумга яқин бориб бўлмайди... Ҳамма гап, ушбу ишни аста-секин, эҳтиёткорона бажаришда...

Гарри аждарнинг рўпарасида дам у томон, дам бу томон хира пашшадай учиб, махлук ўз олови билан нари ҳайдай олмайдиган, бироқ қорачиги тикка кетган кўзларини узмай, кузатадиган масофа саклаб борди. Сўйлоклари яланғочланган аждарнинг боши ҳам тинимсиз харакатланмоқда...

Бола юкорига кўтарилиди. Тиканак думнинг боши ҳам кетидан, бўйни худди илон ўйнатувчининг амрини бажараётган илон каби тебраниб, баланд чўзилди...

Гарри яна бир неча футга кўтарилигач, алам қилган махлук ўкириб юборди. У Гаррини чиндан ҳам хира пашшани тинчитмоқчи бўлгандай ўлдиришга уринмоқда. Силтаётган думи Гаррига қадар етиб бормаяпти... олов пуркади, аммо Гарри чап берди... энди эса оғзини кенг очиб олган...

- Тур ўрнингдан, дангаса, - гижгижлади Гарри, махлукни гипноз қилаётгандай чарх уриб, - Тур дедим сенга, тутиб ол мени...

Нихоят аждар орка оёкларига тик туриб олганча, самолёт қанотларида келадиган қанотларини кенг ёзди. Фурсатдан фойдаланган Гарри эса тикка пастга шўнғиди. Токи аждар ақлини йифиб, хира пашша қаёкка гум бўлганини тушуниб етгунча, ақлга сиғмас тезлик олиб учайтган бола, ерга, энди ўткир тирнокли панжалар билан химоя қилинмай колган тухумлар тўпламига яқинлашди-да, супургининг сопини қўйиб юбориб, тилла тухумни тутиб олди...

Тезликни янада оширган Гарри жуфтакни ростлади. У оғир ўлжани соғ қўли билан кўлтиқлаб олганча, намойишгоҳлар узра парвоз қилмоқда. Гаррининг эшитиш қобилияти яна тиклангандай бўлди. Гулдурос қарсак ураётган томошибинлар худди Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйинида Ирландия терма жамоасининг муҳлислари каби айюҳаннос солишимоқда...

- Эътибор қаратинг! - қичқирди Шульман, - Энг ёш чемпионликка даъвогар тухумни ҳаммадан тез қўлга киритди! Қаранг-а! Бу мистер Поттернинг имкониятларини тенглаштиради, албатта!

Тиканак думни тинчлантириш учун ҳар томондан аждар хуркитувчилар югуриб чиқишиди. Қўтоннинг кириш эшигидан Гарри томон қувонч-ла қўл силтаётган профессор Макгонагалл, профессор Хмури ва Хагрид шошиб келишмоқда. Уларнинг мамнун

табассумлари узоқдан күрінмоқда. Гарри намойишгохлар устидан ўқитувчилар томон учеб, аста ерга құнди. Қичкириклардан қулоқ пардалари йиртилиб кетиши ҳолатига келиб қолған. Боланинг қалби анча вактдан бүён илк бор таскин топиб, вужуди енгил тортди. У биринчи синовдан ўтиб, тирик колди...

- Ажойиб, Поттер! - қичқирди профессор Макгонагалл, бола супургидан тушиши билан. Профессор Макгонагаллнинг бундай мақтовори жуда таажжубли. У титраётган қўлини Гаррининг елкасига ўқтади.

- Ҳакамлар натижани эълон қилгунга қадар зудлик билан Помфри хонимнинг ҳузурига бориб кел... Бу томонга... У Диггорини даволаш муолажасини тугатган бўлса керак...

- Баракалла, Гарри! - хириллади Хагрид, - Койил! Тиканак думли венгер аждарига қаршия! Чарлининг гапи эсингдами? Ўлгудай дарғазаб деган...

- Рахмат, Хагрид, - бакирганча гапни бўлди Гарри, Хагрид оғзидан гуллаб қўймаслиги учун.

Профессор Хмури ҳам ниҳоятда мамнун. Унинг сехрли кўзи чаногида гир айланмоқда.

- Тез ва соз иш бўлди, Поттер, - наъра тортганча мақтаб қўйди у.

- Бўлди, Поттер, тиббиёт пунктига югар, илтимос, - амр қилди профессор Макгонагалл. Ҳалигача ҳаллослаб, нафасини ростлай олмаётган Гарри қўшни чодирга кириб, Помфри хонимнинг ташвишли нигохини кўрди.

- Аждарлар! - жирканганча хитоб қилди фельдшер аёл, Гаррини ичкарига тортиб.

Чодир бўлмаларга бўлинган. Гарри парда ортидаги Седрикнинг қоматини таниди.

Афтидан Диггори жиддий жароҳатланмаган қўринади. Ҳар қалай у ўтирибди. Жағи тинмаган Помфри хоним алланима ҳакида вайсаганча, Гаррининг елкасини қўздан кечириб чиқди.

- Ўтган йили дементорлар, бу йил аждарлар, - жаврашини қўймади Помфри хоним, - Қизик, яна нима олиб келишар экан мактабга, а? Омадинг бор экан... жароҳатинг у қадар чукур эмас... фақат битказиб юборишимдан олдин, яхшилаб дезинфекция қилишим керак... бир оз бардош қилишингга тўғри келади...

Помфри хоним аллакандай вишиллаб, тутун пуркаб турган тўқ қизил суюклик билан ярани дезинфекция қилди-да, сехрли таёқчасини Гаррининг елкасига теккизди. Жароҳат бир зумда битди-колди.

- Бир оз тинч ўтири. Тинч ўтири, дедим сенга. Улгурасан баҳоларингни билишга.

Помфри хоним қўшни бўлмага тез ўтиб кетди.

- Энди ахволинг яхшими, Диггори? - сўради у.

Гарри жойида босиб ўтира олмади. У ташқарида нима бўлаётганини билиш учун ўрнидан туриб, чиқиш эшигига етиб улгурмай, ичкарига икки киши, Гермиона билан Рон кириб келди.

- Сен зўрсан, Гарри! - деди иккала юзида тирноқ излари қўринган Гермиона иғламсираган оҳангда.

Афтидан у даҳшатга тушиб, ўзини тимдалаб олган қўринади.

- Зўр бўлди, Гарри! Чин сўзим!

Бирок Гаррининг эътибори ранги мурдадай оқариб кетган Ронга қаратилган.

- Гарри, - деди Рон, жиддий оҳангда, - Сенинг номингдан ёзилган аризани Оташли жомга ким соганини билмайман-у, ишончим комилки, бу билан улар жонингга касд қилишган! Ана энди, худди сўнгги бир неча хафта ўтмаган-у, Гарри чемпионликка даъвогар сифатида эълон қилинганидан бўён иккаласи илк бор учрашгандай, ҳамма нарса ўз изига тушди.

- Етиб борди-ми, ниҳоят? - сўради Гарри муздай оҳангда, - Анчагина вакт керак бўлди-я! Чўчиб кетган Гермиона, қўзларини дўстларининг дам униси, дам буниисига югуртирганча, ўртага туриб олди.

Роннинг оғиз жуфтлаб, узр сўрамоқчи бўлаётганини фахмлаган Гарри ўртоғини тўхтатди.

- Майли, бўлар иш бўлиб ўтди, унутамиз.

- Йўқ, - эътиroz билдирид Рон, - Мен ўзимни бундай...

- Унутамиз дедим-ку, - такрорлади Гарри.

Рон асабий кулиб қўйди. Гарри ҳам жавобан иршайди. Гермиона эса йиглаб юборди.

- Кўз ёш тўқадиган бирон-бир сабаб кўрмаяпман! - деди таажжуланган Гарри.

- Иккалангиз ғирт тентаксиз! - ҳўнграб юборди Гермиона ер депсиниб.

Гермиона қаршилик кўрсатишга улгурмай қолган болаларни маҳкам кучиб олди-да, уввос согланча, чодирдан ўқдай чикиб, қочиб кетди.

- Биз эмас, ўзи тентак, - бош чайқади Рон, - Кетдик, Гарри, хозир баҳоларинг эълон килинади.

Бир соат олдин бундай бўлишини хаёлига ҳам келтиргмаган Гарри руҳан кўкларга кўтарилиганча, ўлжа олинган тилла тухум-у, «Чакмоқ»ни кўлтиклаб, чодирдан сакраб чиқди. Рон унинг ёнида бориб, бўлиб ўтган ҳодисаларни тез айтиб берди.

- Биласан-ми, сенинг чиқишинг қолганларнинг чиқишидан зўр бўлди! Киёслашга ўрин йўқ! Седрик аллақандай ғалати ҳунар кўрсатди. Ерда ётган тошлардан бирини итга айлантириб, аждарнинг эътиборини чалгитмоқчи бўлди. Йўқ, унинг айлантириш маҳорати яхши чиқди, албатта. Модомики, тухумни кўлга киритган экан, ҳунари дастлаб кор бергандай бўлди. Бироқ Седрикнинг эти куйди-да. Махлуқ хаёлини йигиб олган кўринади, сўнгги фурсатда лабрадорга эмас, Диггорига ҳамма қилишга аҳд қилди (*Лабрадор – Ньюфаундленд им зотларидан бири бўлиб, ундан қўриқчилик хизмати, балиқчилик соҳаси (сувдан тўр тортиб чиқариш) ва қутқарув (гарк бўлаётган кишини қутқариш) тадбиrlарида фойдаланилади. МДҲга аъзо давлатларда, ушбу зот «водолаз», деб аталади*). Седрик шашликка айланиб қолмаслик учун базўр чап беришга улгурди. Анави Флёр эса аждарни транс ҳолатига солишга уринди. Унинг ҳунари ҳам иш берган бўлди. Махлуқ ҳатто ухлаб ҳам қолди. Аммо хуррак отган аждарнинг бурнидан учқун отилиб чикиб, Флёрнинг этаги ўт олиб кетди. Сехрли таёқчасидан сув чиқаришга мажбур бўлиб, тириклийн ёниб кетищдан базўр омон қолди. Крумнинг чиқиши яхши бўлгани билан сенга ета олмайди. Айтсан ишонмайсан. Ўзи моҳир учувчи-ю, ҳавога кўтарилишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Аллақандай афсун ўқиб, ҳайвоннинг кўзига зарб берди! Ёмони шунда-ки, ерга қулаган аждар ўз тухумларининг ярмини эзиб қўйди. Бунинг учун эса балл айрилади. Чунки тухумларга зиён етмаслиги шарт эди.

Иккаласи аждар кўтонига етиб олгунча, шоша-пиша гапирган Рон ҳансираф қолди. Гарри беш нафар ҳакам қаерда ўтирганини тиканак думли венгр аждари олиб кетилганидан сўнг, энди кўрди. Улар қарама-қарши томонда, тилла тусли мато билан тўсилган, юқори кўтарилиган курсиларда ўтиришибди.

- Уларнинг ҳар бири бирдан ўнгача балл беради, - маълум қилди Рон.

Гарри кўзини қисиб, биринчи ҳакам Максим хоним ўзининг сехрли таёқчасини юқорига кўтараётганини кўрди. Ҳавога «8» рақами шаклида ўралган кумуш тасма отилиб чиқди.

- Ёмон эмас! - хитоб қилди Рон, намойишгоҳлардан янграган қарсаклар остида, - Елканг учун икки балл айирган кўринади.

Навбатдаги ҳакам мистер Сгорбс. У «9» рақамини кўрсатди.

- Зўр-ку! - хурсанд бўлди Рон, Гаррининг белига туртиб.

Дамблдор ҳам ҳавога «9» рақамини улоқтириди. Томошабинлар янада кучли олқишлиашди. Навбат Людо Шульманга етди. У «10» балл берди.

- Ўн балл? - кўзларига ишонмади Гарри, - Лекин... мен яраландим-ку... Нима қиляпти у?

- Кўп арз қиласверма, Гарри? - завқ-ла қичкирди Рон.

Нихоят Каркаров ўз таёқчасини кўтариб, «4» рақамини улоқтириди.

- Нима? - нафратланди Рон, - Тўрт? Ах, сен бир қоп гўнг. Крумга «10» балл бердинг-ку!

Бироқ Гаррига фарқи йўқ. Каркаров «0» кўймайди-ми! Хозир Роннинг жон куйдираётгани Гарри учун юз баллдан юқоридир. Буни у Ронга айтмади, албатта. Аммо юраги қувончдан ёрилиб кетиши ҳолатига келиб қолганини ҳис этиб турибди. Гарри чиқиш эшиги томон ўтирилди. Унинг муваффакиятидан фақат Рон... ёки гриффиндорчилар кувонаётгани йўқ.

Намойишгоҳларда ўтирган жамики мактаб уни олқишлиамоқда. Қандай синовдан ўтганини кўрган мактабдошлар энди уни ҳам, худди Седрикка тарафдор бўлгандай олқишлиашмоқда. Слизеринчиларга эса Гарри тупурди... нима деб акиллашса, акиллайверишигин.

- Иккалангиз биринчи ўриндасиз! Сен ва Крум! - хитоб қилди Чарли Уэсли, қаср томон йўл олган Гарри билан Роннинг қаршисидан югуриб чикиб, - Маъзур сананг, шошяпман. Ойимга бойқуш йўллаб, бўлиб ўтган ишлардан боҳабар қилишим керак. Ваъда берганман. Ишларнинг эса мисли йўқ! Ҳа, айтгандай... кетиб қолмаслигинг керак экан. Шу гапни сенга етказишни тайинлашган эди менга... Шульманнинг чемпионликка даъвогарларга айтадиган гапи бор экан... чодирда.

Рон шу ерда кутиб туришини айтди. Гарри боз чодирга кирди. Чодир энди ўзгача, қандайдир шинам ва меҳмонпарвар кўринди кўзига. Гарри ўзининг тиканак думга чап бераётгандаги хиссиётлари билан чодирда, ўз навбатини кутиб ўтиргандаги хиссиётларини таққослаб кўрди. Кутиш чиндан ҳам кийин кечадиган хиссиёт экан, хулоса чиқарди Гарри.

Флёр, Седрик ва Крум бирга кириб келишди.

Юзининг ярмига малла тусли, афтидан куйган жойни даволаш малҳами қалин суртилган Седрик Гаррини кўргач, кулиб:

- Баракалла Гарри, - деб қўйди.

- Сенга ҳам қойил, - жавобан кулиб қўйди Гарри.

- Ҳаммаларингга қойил, ҳаммаларингга! - мамнун ёпирилиб кирди Шульман, худди ўзи ҳам бир-иккита аждар тинчтиб қайтаётгандай, - Энди эса сўзларимга дикқат билан қулоқ тутинг. Иккинчи мусобақадан олдин узоқ танаффус бўлади. Негаки, синов йигирма тўртинчи февраль куни эрталаб ўтказилади. Лекин, ушбу танаффус давомида сиздан бир топишмоқнинг жавобини топиш талаб этилади! Агар қўлингиздаги тухумга дикқат билан карасангиз, у очиладиган тухум эканлигини кўрасиз... учидаги халқасини кўрдингиз-ми? Топишмоқ тухум ичада. Жавобини топсангиз, иккинчи синов мазмунини тушуниб етиб, ижросига хозирлик кўриш имконига эга бўласиз! Гапимни тушундингиз-ми? Аниқ тушундингиз-ми? Хўш, ундай бўлса, бўлди. Сизларни ортиқ ушлаб турмайман!

Гарри чодирдан чиққач, Рон иккаласи қувноқ сўзлашганча, Ман этилган ўрмон четидан қаср томон йўл олди. Гарри қолган чемпионликка даъвогарларнинг чиқишилари ҳақида батафсил билмоқчи бўлди. Бир оздан сўнг, улар ёш дараҳтзорни айланиб ўтди. Гарри аждар наърасини илк бор ўша тунда шу ерда эшитган. Дафъатан дараҳтлар орасидан аллақандай афсунгар аёл сакраб чиқди.

Рита Врите. Бугун у эгнига мулоқот пат-қаламининг тусига мос келадиган ям-яшил коржома кийиб олибди.

- Табриклийман, Гарри! - кичкирди яшнаб турган Врите, - Атиги бир оғиз сўз, мумкин бўлса агар? Аждар билан юзма-юз келган фурсатда ўзингни қандай хис этдинг?

Ҳакамларнинг адолати ҳақида қандай фикр билдирасан?

- Атиги бир оғиз сўз, дэнг? - деди Гарри, - Марҳамат, мана ўша сўз: хайр!

Ўз жавобидан мамнун Гарри тескари ўгирилиб, қувноқ кайфият-ла, Рон билан бирга йўлини давом эттириди.

XXI БОБ. УЙ ЭЛЬФЛАРИНИ ҲУРРИЯТТА ЧИҚАРИШ ФРОНТИ

Кечкурун Гарри, Рон ва Гермиона бойқушхона томон йўл олишди. Гарри аждарни бир ёқли қилиб, ўзи омон қолгани ҳақида Роннинг Чўчринстели орқали Сириусга хат юборишга аҳд қилди. Йўл давомида Гарри Ронга Каркаров ҳақида Сириусдан эшитган гапларни айтиб берди. Каркаров бир вақтлар Ўлимдан мирикувчи бўлганини эшитган Рон дастлаб таажжубланди, бироқ бойқушхонага оз қолганида, Каркаровни илк бор кўрган кундан эътиборан у ҳақда айнан шундай ҳаёлга борганини маълум қилди.

- Гап гапга қовушяпти! - баланд овозда фикр билдириди у, - Поездда келаётганимизда Малфойнинг сўзларини эшитиб қолганимиз эсингдами? Дадаси «Дурмштранг» мактаби директори билан яхши таниш эканлиги ва ўша мактабга ўқишига юбормоқчи бўлганини айтган эди. Улар қаерда дўстлашиб қолгани энди тушунарли! Жаҳон чемпионатининг финал ўйинида ҳам никоб такиб бирга югуриб юришган бўлса, ажаб эмас. Лекин шуни

айтишим мумкинки, Гарри, агар аризангни Оташли жомга чиндан ҳам Каркаров ташлаган бўлса, хозир у ўзини гирт ахмоқдай хис этаётган бўлса керак! Кўзлаган мақсадига эриша олмади! Сал тимдаландинг-у, боз омон қолдинг! Шошма... ўзим эплайман уни...

Жўнатма топширилишини анлаган Чўчинстель шундай ҳаяжонланиб кетди, худди эси оғиб қолгандай Гаррининг боши узра чириллаб, гир айланана бошлади. Рон уни тутиб олиб, панжасига хат боғлангунга қадар маҳкам ушлаб турди.

- Навбатдаги синов бундан ҳам хавфли бўлиши мумкин эмас-ку, тўғрими? - давом этди Рон, Чўчинстелни деразага олиб бориб, - Фикримча, Беллашув чемпиони бўлишинг учун барча имкониятларинг бор, Гарри, жиддий айтяпман.

Рон ушбу сўзларини сўнгги бир неча хафта давомида намоён этган хулқ-атвори учун ўзига хос узр сифатида айтаётганини Гарри тушуниб турибди, албатта. Лекин ёқди. Гермиона эса аксинча, қўлларини кўкрагида йигиб, бойқушхонанинг деворига суюниб олганча, Ронга юзланиб қошини чимирди.

- Беллашув тугашига ҳали анча бор, - фикр билдириди у, жиддий оҳангда, - Агар биринчи синов шунчалик даҳшатли экан, кейингилари қандай ўтишини ўиласам, юрагим орқага тортиб кетади.

- Порлоқ келажакка доир фикр-мулоҳазалар борасида профессор Трелани иккалангиз бир жуфт калишдай яхши дўст бўласиз! - истехзоли гап қистирди Рон, Чўчинстелни деразадан улоқтириб.

Кушча тош сингари ўн икки футча пастлаб, ўзини базур эплаб олди. Гарри барча хатти-ҳаракатлари, тиканак думли венгр аждари атрофида гир айланиб, ҳамлаларига чап берганлари ҳақида батафсил ҳисобот ёзгани учун бўлса керак, хат узун ва анчагина вазмин чиқкан эди.

Болалар Чўчинстелнинг қоронгида гум бўлишини кузатиб туришди.

- Хўш, пастга тушамиз-ми энди? - таклиф киритди Рон, - Гарри, сени меҳмонхонада совғасалом кутяпти. Фред билан Жорж ошхонадан ҳар хил егуликлар олиб келишган бўлса керак.

Улар коллежнинг умумий меҳмонхонасига кириб келишлари билан чиндан ҳам айюҳаннос кўтарилди. Столларга пирожнийлар уюб қўйилган, ошқовоқ шарбати ва хузур-лаззат ичимлигига тўлдирилган кўзалар терилган. Ли Жордан доктор Филибустернинг сувдан оловсиз отиладиган фантастик мушакларини учириб, хонани юлдузчалар-у, учқунларга тўлдириб юборибди. Расм солиши устаси Дин Томас эса супургини эгарлаб аждарнинг боши атрофида учиб юрган Гарри тасвирланган бир нечта плакат тайёрлабди. Боши ёнаётган Седрикнинг тасвири туширилган бир-иккита ҳажвий расмлар ҳам йўқ эмас. Анча вактдан буён тўқлик нима эканлигини унубиб қўйган Гарри овқатланишга зўр берди. Дўстлари даврасида ўтирас экан, дунёда бундан ортиқ баҳт бўлиши мумкинлигини тасаввур кила олмади. Рон ёнида ўтирибди, биринчи синов ортда қолди, навбатдагиси эса уч ойдан сўнг бўлади.

Столга қўйиб қўйилган тилла тухумни қўлида тортиб кўрган Ли Жордан хитоб қилди:

- Мунча оғир бўлмаса! Ма, Гарри, оч, қўрайлик-чи, ичиди нима бор экан!

- Беллашув шартларига кўра, топишмоқ жавобини ёлғиз ўзи топиши керак, - тез эслатиб қўйди Гермиона, - Коидаси шунака...

- Беллашув шартларига кўра, аждар ёнидан ўтиш усулини ҳам ўзим ўйлаб топишим керак эди, - пичирлади Гарри Гермионага эшиттириб.

Гермиона айбдор кишидай кулиб қўйди.

- Оч, Гарри, оч! - баралла ўтинди коллеждошлар.

Тухумнинг ўртасини белбоғ сикиб турибди. Уни бўшатиш учун тухум учиди маҳсус ҳалқа мавжуд. Гарри Ли узатган тухумни қўлига олиб, ҳалқани куч билан бураб очди.

Тухумнинг ички кисми бўшлиқ бўлиб, ҳеч нарса кўринмади, лекин очилиши билан умумий меҳмонхонани ниҳоятда ёқимсиз, баланд гижирлаган товуш қамраб олди. Гарри ушбу товушни Деярли Бошсиз Никнинг ўлган кун юбилейида арвоҳлар оркестри томонидан мусика арралари воситасида чалинган куйга ўхшатди.

- Ёп, тезроқ ёп, - ўкирди Жорж, кафтлари билан қулоқларини маҳкам босиб.
 - Нима эди у? - гудуллади Симус Финниган ёпилган тухумга даҳшат-ла қараб, - Нариги дунёдан вакил бўлиб келган аёл овозига ўхшаб кетди-я... Иккинчи синовда аждар эмас, вакил аёл бўлармикан, а?
 - Қийноққа солинган одам афғонлари! - фикр билдириди қўлидаги гўштли сомсани полга тушириб юборган Невиль, ранги бўздей оқариб, - Қийноққа солиш қарғиши таъсирига бардош беришинг керак бўлади шекилли.
 - Нималар деяпсан, Невиль, ундан қилмиш қонунга хилоф-ку! Чемпионликка даъвогарларга нисбатан Қийноққа солиш қарғишини қўллаш мумкин эмас, - эътироз билдириди Жорж, - Назаримда бу товуш Персининг қўшиғига ўхшаб кетди... Гарри, менимча душхонада ювинаётган Персига тажовуз қилишингга тўғри келади-ёв...
 - Гермиона, торт ейсанми? - таклиф қилди Фред.
- Гермиона Фред узатган ликопга шубҳа билан қаради.
- Қўрқма, бу бўлакка ҳеч нима қилганим йўқ, лекин сариёғли чўзмалардан хавфсираган маъқул.
 - Чўзмалардан бирини эндиғина тишлаб узган Невиль шу заҳоти тупуриб юборди.
 - Ҳазиллашдим, Невиль, - деди Фред маккорона иршайиб.
 - Фред, буларнинг барини ошхонадан олиб келгансиз, шундайми? - сўради Гермиона тортни олиб.
 - Ҳа, - иршайди Фред ва уй эльфининг овозига тақлид қилди, - «Сўранг, сэр, истаган нарсангизни муҳайё қиламиш!» Улар очларга бажони дил ёрдам беришга тайёр. Корним оч десанг бўлди, керак бўлса, олдингга, нимталанмай қовурилган новвосни қўйишади.
 - Ошхона қаерда ўзи? - нозик овоз-ла сўради Гермиона, шунчаки кизиккан бўлиб.
 - Мактаб ошхонасига яширин эшиқдан кирилади. Эшикни эса ҳар хил мевага тўлдирилган вазанинг расми тўсиб туради. Ундаги нок тасвирини қитиқласанг бас, мева ҳиринглаб... Бирдан Фред унини ўчириб, Гермионага дикқат билан разм солди.
 - Шошма, ошхона нима учун керак бўлиб қолди сенга?
 - Шунчаки, сўрадим-қўйдим-да, - тез жавоб қайтарди Гермиона.
 - Уй эльфларининг иш ташлашларини уюштироқчимисан? - кизиқди Жорж, - Варақа тарқатиш босқичидан энди эльфлар қўзғолонини кўтариш босқичига ўтмоқчимисан? Айримлар кулиб юборишиди. Гермиона индамай қўя қолди.
 - Ошхонага кирадиган бўлсанг, эльфлар кийим кийиб, иш ҳақи талаб қилишлари кераклиги ҳақида гап оча кўрма! - таҳдид оҳангода огохлантириди Фред, - Уларнинг кайфиятини бузиб, таом тайёрлашдан чалғитганинг қолади холос! Агар омон чиқсанг, албатта.
 - Шу пайтда йирик канарейкага айланиб қолган Невиль ҳамманинг эътиборини ўзига қаратди.
 - Вой!... Маъзур кўрасан, Невиль! - кичкирди Фред умумий қаҳҳаха остида, - Унутиб қўйибман шекилли... Биз чиндан хам сарёғли чўзмаларни сехрлаб қўйган эдик!
 - Бир дақиқа ўтар-ўтмас Невиль туллай бошлаб, сўнгги пати тушгач, асл қиёфасига қайтди ва бошқаларга жўр бўлиб, ўзи хам мириқиб кулди.
 - Канарейка қандлари! - эълон қилди Фред, қойил қолган халойикқа мурожаат қилиб, - Жорж иккаламизнинг ихтиромиз! Бир донаси етти склат, марҳамат!
- Гарри ўртоқлари Рон, Невиль, Симус ва Дин билан бирга ётоқхонага кириб кетганида тунги соат бирдан ўтган эди. Тўқ-қизил рангли бахмалдан тайёрланган гулдор чодирининг пардасини тортишдан олдин Гарри каравотининг ёнидаги столча устига тиканак думли венгр аждарининг митти қоматини қўйиб қўйди. Аждарча чукур эснаб, гувалача бўлиб ётди-да, кўзларини чирт юмиб олди. Умуман айтганда, ўйлади Гарри, пардани тортар экан, Хагрид ҳак, ўзига хос кўрки бор, ушбу аждарларнинг...

Декабрь ойи «Хогварц»га кучли шамол-у, ёмғир аралаш қор келтириди. Киш фаслида

елвизак шамол қасрнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиққанча, ичида ўйнаб юради. Шунга қарамай, Гарри ҳар сафар дурмштрангчиларнинг кемаси ёнидан ўтар экан, қасрнинг қалин деворлари-ю, иссиқ каминлари ҳақида миннатдор ўйлаб қолади. Кема шамолда кучли чайқалиб, елканлари қора осмон тусида тинимсиз хилпираиди. «Бэльстэк» мактабининг араваси ҳам иссиқ бўлмаса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Хагрид Максим хонимнинг отларини виски билан узлуксиз сугориб бормоқда. Эсаётган шамол қўтон бурчагидаги охурдан виски бугини келтириб, сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани дарсида шуғулланаётган ўқувчиларнинг кайфиятини чоғ қилиб юбормоқда. Уларнинг бундай ҳолатда юриши эса мақсадга мувофиқ келмайди. Негаки, ўқувчилар ҳамон анави мудхиш портловчи драклларни парвариш қилмоқда. Бундай иш эса ўз навбатида, болалардан хушёрикни талаб этади.

- Дракллар кишки уйкуга ётади-ми, йўқ-ми, хеч тушунмаяпман, - мулоҳазаси билан ўртоқлашди Хагрид, ошқовок етиштириладиган эгатларда совуқдан дағ-дағ титраётган ўқувчилар билан, - Афтидан, тумшуқлари ер чўқияпти-ми, йўқ-ми, кузатиб боришга тўғри келади шекилли... Хозир эса уларни мана бу яшикларга киритамиз...

Дракллар атиги ўнта қолган. Ўзига ўхшаганларни ўлдириш ушбу маҳлукларнинг табиатидаги ҳеч аримайдиган одатга ўхшайди. Бугунги кунга келиб ҳар бир драклнинг узунлиги олти футга етган. Кул ранг зирхлари, крабникига ўхшаб кетадиган бақувват оёқлари, нишлари, сўргичлари ва олов пуркайдиган думлари драклларга шундай қиёфа бахш этган-ки, Гарри муқаддам булардан ўтадиган жирканч ҳайвонни кўрмаган. Ўқувчилар Хагрид келтирган катта яшикларга ғалати қараб қўйишли. Ҳар бир яшик ичига пат тўшалган бўлиб, биттадан ёстиқ қўйилган.

- Энди сизларни яшикларга ётқизиб, қопқоғини ёпиб қўямиз, - эркалаб гапирди Хагрид драклларга, - Қани кўрайлик-чи, нима бўлар экан Бироқ аникланишича, дракллар кишки уйкуга кетмас, шунингдек, ичига пат тўшак ва ёстиқ қўйилиб, қопқоғи михлаб қўйиладиган яшик ичида ётмас экан. Кўп ўтмай Хагрид драклларга:

- Жим, тинчланинг, вахима килманг, - дея ўкира кетди.

Дракллар эса тутаб ётган яшик парчаларига тўлиб-тошган ошқовок эгатлари бўйлаб югуриб, ҳар томон тарқаб кетди.

Аксарият ўқувчилар Малфой, Краббе ва Гойл бошчилигига Хагриднинг кулбасига орқа эшиқдан кириб, ичкаридан бекиниб олди. Гарри, Рон ва Гермиона эса қолган ўқувчилар билан биргаликда Хагридга ёрдам беришли. Эти куйиб, кўп жароҳат олган болалар катта куч сарфлаб драклларнинг тўққизтасини қўлга олишга муваффақ бўлди. Озодликда фақат битта дракл қолди.

Гарри билан Рон сехрли таёқчалар воситасида белидаги нишини титратганча таҳдид солиб келаётган драклга қаратса оловли учқун чиқараётганини кўрган Хагрид кичқириб юборди:

- Энг асосийси, уни чўчишиб юборманг! Ўз шерикларига заҳмат етказишига йўл қўймаслик учун нишига арқон ташлашга уриниб кўринг.

- Бу билан шавқатсизлик қилиб қўйган бўлмаймиз-ми?! - кесатиб бакирди Рон, Гарри иккаласи бели билан кулба деворига суяниб олганча, таҳдид солиб яқинлашаётган драклга қаратса учқун отиб.

- Хўш-хўш-хўш... нақадар қизиқ қўнгилхушлик.

Боғ тўсигига суяниб олган Рита Вритеर кечаётган ушбу тартибсизликни зўр қизиқиши билан томоша қилиб турибди. Бугун у эгнига аргувон ёқали тўқ қизил ридо кийиб, тимсоҳ терисидан тайёрланган сумкачасини қўлига осиб олибди.

Хагрид Гарри билан Ронни бурчакка сикиб қўйган драклнинг устига ўзини ташлаб, ерга босиб олди. Маҳлукнинг дум томонидан портлаш товуши янграб, эгатдаги бир-иккита ошқовок бурда-бурда бўлиб кетди.

- Сиз ким? - сўради драклнинг нишига арқон сиртмоғини ташлаб, маҳкам сикқан Хагрид Ритага мурожаат қилиб.

- «Башорат-у, каромат газетаси»нинг маҳсус мухбири Рита Вритер, - қувонч-ла ўзини

таништириди Рита, тилла тишларини яланғочлатиб.

- Билишимча, Дамблдор сизни мактаб худудига киритишни ман этган, - деди қошини чимирган Хагрид, бир оз эзилган драклнинг устидан турганча, маҳлуқни шериклари томон тортиб.

Рита Хагриднинг сўзларига эътибор қаратмади.

- Бу қизик ҳайвонча нима деб аталади, - сўради у пинагини бузмай, янада яшнаб.

- Портловчи дракллар, - ғудуллади Хагрид.

- Нималар деяпсиз?! - қизиқсиниб хитоб қилди Рита, - Илгари эшитмаган эканман...

Қаердан келтирилган?

Хагриднинг қоп-қора паҳмоқ соқол қамраган юзи арғувон тус олаётганини кўрган Гарри ўйланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, қаердан топиб келган Хагрид ушбу турки хунук ҳайвонларни? Афтидан худди шуни ўйлаган Гермиона гапга аралаши:

- Жуда қизик ҳайвон, а? Тўғрими, Гарри?

- Нима?! А, ҳа...вой... жуда қизик ҳайвон, - жавоб қайтарди Гарри, оёгини Гермиона босиб олгач.

- Ах, Гарри! Сен ҳам шу ердами? - чинкирди Рита болалар томон юзланиб, - Демак, сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанини ёқтирас экансан-да, а? Яхши кўрган фанинг-ми?

- Ҳа, - қатъий бош иргиди Гарри.

Хагриднинг юзи табассумдан ёришиб кетди.

- Жуда соз, - деди Рита, - Жуда соз. Сиз кўпдан буён ўқитувчилик киласиз-ми, мактабда? - мурожаат қилди у Хагридга.

Рита Вритеर нигохини дастлаб юзи қаттиқ жароҳатланган Динга, коржомаси яхшигина куйган Лавандага, куйган бармокларини пуфлаётган Симусга сўнгра, дракллар билан ўтган муҳорабанинг якунинг етишини кутиб, кулбага кириб олганча, бурунларини дераза ойнасига босиб олган бошқа ўқувчиларга бир четдан олиб ўтди.

- Иккинчи йил, - жавоб берди Хагрид.

- Жуда соз, - боз тақрорлади Рита, - Менга интервью бериш, сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш борасида тўпланган бой тажрибаларингиз билан ўртоқлашишни истамайсиз-ми? «Башорат-у, каромат газетаси»нинг ҳар чоршанба кунги сонида зоология рукуни чоп этилади. Буни ўзингиз ҳам жуда яхши билсангиз керак. Газетхонларга анави... ўқотар дракллар хақида маълумот бериб ўтсангиз, ёмон бўлмас эди.

- Портловчи дракллар, - ғайрат-ла тўғрилаб қўйди Хагрид, - М-м-м... шунчалик экан, беришим мумкин ўша интервьюни.

Бу гап негадир Гаррига ёқмади. Бироқ ўз фикрини Хагридга, анави Ритага билдирамай етказишининг иложини топа олмагач, давомли сухбат куриш учун шу хафта ичида «Уч супурги» қаҳваҳонасида учрашишга келишиб олишганини индамай кузатиб туришга мажбур бўлди. Тез орада қасрдан дарс ниҳоясига етганини англатувчи қўнғироқ зарбаси эшитилди.

- Кўришгунча, Гарри! - кувноқ кайфият-ла хайрлаши Гарри Вритер, қаср томон йўл олган Гарри билан, - Жума куни учрашгунча, Хагрид.

- Хагриднинг ўша интервью давомида айтадиган сўзларини уйдирма, ёлғон-яшиқ гаплар сифатида баён этиши муқаррар, - пичирлади Гарри.

- Хагрид драклларнинг тухумини юртимизга яширин йўл билан олиб кирмаганига умид қилишдан бошқа чора йўқ, - умидсиз хўрсиниб қўйди Гермиона.

Болалар бир-бирига қараб қўйишиди. Хагридан яна нимани ҳам кутиш мумкин?

- Хагрид ўхшаш қиликларини юзлаб маротаба килган бўлишига қарамай, Дамблдор шу бугунга қадар уни ишдан ҳайдаб юбормаган, - ўртоқларини тинчлантирган бўлди Рон, - Оқибати ёмон бўлса, ўз драклларидан халос бўлишига мажбур бўлади. Узр, ёмон бўлса, дедим-ми? Йўқ, нари борса!

Гарри билан Гермиона кулиб, кайфиятлари бир оз кўтарилигач, учовлон тушлик қилгани йўл олди.

Куннинг иккинчи ярмида ўтган кўш соатли башорат дарсида Гарри роса мириқди. Улар

ҳалигача ситоралар харитасини тузиш-у, ушбу харитага асосланган ҳолда фол очиш билан машғул бўлишди. Рон иккаласи ярашиб олган экан, бу иш янада қувноқ кечди. Ўз ажалларининг турли-туман вариантларини башорат қилган иккала боладан мамнун бўлган профессор Трелани кўп ўтмай иккаласидан аччиқлана бошлади. Негаки, ўқитувчи Плутоннинг кундалик ҳаётга ҳалокатли таъсир ўтказиши ҳакида сўзлаб берар экан, Гарри билан Рон истехзоли пишқиришларини ҳеч қўйиши мади.

Профессор Трелани Гаррига маъноли бақрайиб, гарчи оҳанги ғазабини никобламаган бўлса-да, сирли пичирлай кетди:

- Агар ораларингда ўтирган айрим шахслар ўтган кеча Биллур шар қаърида менга кўринган нарсани ўз кўзлари билан кўришганда эди, ўзларини бу қадар эркин тутишмаган бўлишарди. Тўкиш ишлари билан банд бўлиб ўтирган эдим. Кўккисдан Шардан маслаҳат олгим келиб колди. Ўрнимдан туриб, Шарнинг рўпарасига ўтиридим-да, унинг биллур қаърига қарадим... Хўш, нима деб ўйлайсиз, Шар ичидан нима қараб турган экан менга?

- Йирик кўзойнак тақиб олган, турки хунук қари кўршапалак-ми? - базур эшиттириб тахмин қилди Рон.

Пинагини сақлаб, жиддий ўтириш учун Гаррига анча куч сарфлашга тўғри келди.

- Ажал, қадрдонларим, ажал кўринди!

Даҳшатга тушган Парватти билан Лаванда кафтларини оғзиларига босиб олишди.

- Ҳа, - хайбат-ла бош ирғиди профессор Трелани, - Ажал ҳали бу қадар яқин келмаган. Бош узра қарчигай сингари гир айланиб, қаср устига тобора пастлаб тушмоқда.

У Гаррига маъноли қараб қўйди. Гарри эса оғзини тўсмасдан ланг очиб, очиқдан-очик эснаб қўйди.

- Агар у айни бир нарсани саксон маротаба башорат қилмаганда эди бугунги гапидан дурустроқ таъсиrlанган бўлармидим?! - фикр билдириди Гарри, профессор Треланининг хизмат хонасини тарк этиб, тоза ҳавода чуқур нафас олгач, - Хар сафарги башоратидан сўнг тагпа йиқилиб ўлаверсам, тиббиёт соҳасига оид фавқулодда намунага айланиб қолишим турган гап-ку.

- Йўқ, ҳаддан ортиқ қайсар арвоҳ бўлар эдинг, - деди кулгидан эзилиб кетган Рон. Айни шу пайтда уларнинг рўпарасидан Конхўр Барон чикиб, кўзларини таҳдидли ярқиратиб ўтди.

- Ҳа, майли. Ҳеч бўлмаса, уйга вазифа берилмади-ку, - деди Рон, арвоҳнинг кетидан қараб қўйиб, - Умид қиласман-ки, Гермионага аксинча, кўпроқ вазифа берилди. Қани энди у дарс килса-ю, биз бекор ўтирасак. Жуда ёқтираман шунака кечаларни.

Бироқ Гермиона тушлик қилгани келмади. Виктор Крумнинг ёлғиз ўзи ўтирган кутубхонада ҳам кўринмади. Рон китоб токчалари ортига ўтиб, Крумнинг дастхатини олиш-олмаслик ҳакида Гарри билан бир оз мунозара қилди. Лекин кўшни токчалар ортида худди шу мавзуни муҳокама қилаётган беш-олти нафар қизни қўриб, шаштидан қайтди.

- Кизиқ, қаёққа йўқолиб қолди экан у? - такрор сўради Рон, «Гриффиндор» минорасига яқин қолганда.

- Билмадим... Бемаъни гап.

Семиз Хола эндиғина юқорига кўтарила бошлаган эди ҳам-ки, тапир-тупур эшитилган қадам товуши Гермионанинг югуриб келаётганидан далолат берди.

- Гарри! - ҳаллослаб келди Гермиона болаларнинг ёнида кескин тўхтаб, - Гарри, юр мен билан, - деди у, дўстининг кўлидан тортганча, йўлак томон тортиб, - Юр, жуда ғайриоддий нарса, юр, илтимос...

Семиз Хола қошларини баланд кўтариб, Гермионага қараб қолди.

- Нима бўлди, тинчликми? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Ўзинг тушуниб оласан. Тезроқ юр!

Гарри Ронга қараб қўйди. Ўртоғи ҳам қизиқиб колган.

- Борсак, бора қолайлик, - рози бўлди Гарри Гермионанинг ортидан эргашиб.

Рон ўртоқларига етиб олиши учун бир-икки қадам югуришга мажбур бўлди.

- Менга, демак, эътибор қаратмаса ҳам бўлаверади, шундайми? - вайсаб қолди Семиз Хола

болаларнинг ортидан, - Безовта қилинганим учун узр сўралмаса бўлаверар экан-да, а? Қайтиб келиш шарафига муюссар қилганингизга қадар шундай очиқ ҳолатда тураверай, а?

- Ҳа. Раҳмат, - қичқирди Рон елка орқали.

Болалар олти қават пастга тушиб, ҳашаматли мармар зинапоядан вестибюлга тушишди.

- Гермиона, қаёққа кетяпмиз? - сўради Гарри, тоқати тоқ бўлиб.

- Кўрасан, ҳозир ўзинг кўрасан! - жавоб қайтарди талвасали ҳолатини базўр идора қилаётган Гермиона.

Зинапоядан тушгач, Гермиона чапга бурилди ва Оташли жом Гаррини бошқалар қатори чемпионликка даъвогар сифатида эълон қилган кеча Седрик Диггори кириб кетган эшик томон югуриб кетди. Гарри ҳали ҳеч қачон бу йўлакка кирмаган. Рон иккаласи Гермионага эргашиб, тош зинадан пастга тушишди. Лекин Снеггнинг ертўла хоналари каби коронғи эмас, балки машъалалар билан ёритилган, тош деворли кенг йўлакка кириб қолишиди.

Деворларга асосан турли-туман егуликлар тасвирланган чиройли натюромортлар осилган.

- Тўхта, Гермиона, бир дақиқа шошма-чи, - деди Гарри йўлакнинг ўртасига келиб.

- Нима? - сўради Гермиона сабрсизлик барқ уриб турган қиёфаси билан ўгирилиб.

- Бизни қаёққа етаклаётганингни фаҳмлаган бўлдим.

Гарри Роннинг биқинига туртиб, Гермионанинг ортидаги мевалар солинган вазанинг расмига имо қилди.

- Гермиона! - деди нима гаплигини фаҳмлаган Рон, - Яна сассиқ ишларингга аралаштиrmоқчимисан бизни?!

- Йўқ-йўқ, асло ундей эмас! - бошини силтади Гермиона, - САССИҚ жамияти эмас, Рон...

- Балким номини ўзгартиргандирсан, ўша жамиятингни? - қатъий нигоҳ-ла қаради Рон, - Хўш, қайси жамият аъзоларимиз энди биз? Уй эльфларини хурриятга чиқариш фронти аъзолари-ми? Ошхонага, уларни иш ташлашга кўндириш учун кирмайман, ҳеч қачон...

- Бундай қилишни сендан сўраётганим йўқ! - гапни бўлди сабри чидамаётган Гермиона, - Мен ҳозиргина ўша ердан чиқдим, улар билан шунчаки сухбатлашмоқчи эдим, у ерда эса... Вой, юрсаларинг-чи, Гарри, ўзим кўрсатаман сизларга!

У яна Гаррининг қўлидан тутиб, натюроморт томон тортди-да, кўрсаткич бармоғи билан каттагина яшил нокни қитиклади. Нок хиринглаганча тўлғаниб, яшил рангли эшик дастасига айланиб қолди. Гермиона дастани тортиб эшикни очди-да, Гаррининг белидан итариб, куч билан ичкарига киритди.

Катта Зал каби нихоятда кенг, баланд шифтли, деворлари бўйлаб бир олам мис кастрюлькалар-у, товалар терилган, нариги томонида улкан ғишт ўчок кўринган, афтидан айнан Катта Зал остида жойлашган хонани томоша қилишга улгурмаган Гаррининг қорнига аллақандай кичик нарса келиб урилди.

- Гарри Поттер, сэр! Гарри Поттер!

Нафасини чиқариб юборган ушбу митти маҳлук шу қадар кучли қучиб олди-ки, Гарри беихтиёр қовурғаси ҳакида ўйланиб қолди.

- Д-добби? - эзилиб сўради Гарри.

- Добби, сэр, Добби, албатта Добби! - эшитилди киндик соҳасидан чиққан овоз, - Добби кўп кунлардан буён Гарри Поттер билан учрашиш ниятида юрган эди. Мана нихоят, Гарри Поттернинг ўзи Добби билан учрашишга ҳозир бўлибди, сэр!

Добби қадрдан меҳмонни халос этиб, бир неча қадам ортга ташлади-да, завқ-ла Гаррини томоша қилди. Ҳар бири теннис коптогидай келадиган ям-яшил бақакўзлар қувонч ёшлирига тўлган. Гарри қандай эслаб қолган бўлса, эльф ўша қиёфада: қалам бурни узун, қулоқлари кўршапалак қулоқларига ўхшаш бўлиб, танасига нисбатан анча катта, бармоқлари-ю, оёқ учлари узун-узун. Фақат кийими батамом ўзгарган.

Добби Малфойлар хонадонининг хизматкори бўлиб юрган кезларда, эгнидан кийим сифатида хизмат қилган бўлиб, қуллик рамзи саналган ифлос ёстикжилд тушмас эди.

Энди-чи, қиёфасини бирон нимага ўхшатиш кийин. Кийим танлаш бобида квидиши кубогининг финал ўйинини томоша қилгани келган сеҳгарлардан қолишмайди. Бошига, шляпа ўрнига, бир олам кўкрак нишони қадалган чойнак ғилофини кийиб олибди.

Яланғоч күкрагини тақалар расми солинган бўйинбоғ, танасининг пастки қисмини эса болачаларнинг футбол шорти тўсиб туриди. Оёғига ҳар хил пайпокларнинг биттадан пойини кийиб олган. Улардан бирини бир вақтлар Гарри ўз оёғидан ечган бўлиб, айёр йўлла мистер Малфойни Доббига узатишга ва бу билан ўз эльфини ғайриихтиёрий равища хурриятга чиқаришга мажбур қилган. Иккинчи пайпоқ пойи эса пушти ва малла тусли йўлаклари билан кўзга яққол ташланиб туриди.

- Нима киляпсан бу ерда, Добби? - ҳайрон бўлиб сўради Гарри.
- Добби «Хогварц»га ташриф буюриб, ишли бўлди, сэр! - ғижирлаб мақтанди эльф, - Профессор Дамблдор Добби билан Винкига иш берди, сэр!
- Винки? У ҳам шу ерда-ми?
- Ҳа, сэр, ҳа, шу ерда! - хитоб қилди Добби Гаррининг қўлидан ушлаганча, иккита узун ёғоч стол орасидан ошхона ичкарисига тортиб.

Гарри ушбу столлар юкори қаватдаги Катта Залда турган тўртта коллеж столи сингари ўрнатилганига эътибор қаратди. Ҳозир, кечки овқатланиш вақти ўтгани боис, столлар устида ҳеч қандай егулик йўқ. Аммо шубҳа йўқ-ки, бу столлар бир соат олдин шифт орқали юкорига, тегишли столга йўлланадиган таомларга тўлиб-тошган.

Ошхонадаги эльфлар сони юздадан кам эмас. Эгнига «Хогварц» герби тасвирланган ошхона сочиғини тога сифатида ўраб олган уй эльфлари иршайганча, Добби етаклаб кетаётган Гаррига ҳақирона тавозе қилишмоқда. Гарри Винкини илк бор кўрганида сочиқни эгнига худди шу тарзда ўраб олганини эслади.

Добби ғиштдан терилган ўчоқ ёнида тўхтаб, бармоқ узатди.

- Винки, сэр!
- Олов якинидаги курсида ўтирган Винки Доббидан фарқли ўлароқ эгнидаги кийимни ўзига ўзи қидириб топмаган кўринади. У калтагина батартиб юбка, чиройлигина кўйлак ва кулоқлар учун тешик очилган қалпоқча кийиб олган. Бироқ Доббининг кийимлари худди янгидаи топ-тоза бўлса, Винки ўз кийимида мутлақо бепарво юрадиган кўринади.

Кўйлагига шўрва тўкилиб, доғ қилган, юбкасини эса чўғ кўйдириб тешибди.

- Салом, Винки, - саломлашди Гарри.
- Лаблари титраб кетган Винки худди финал ўйинидан сўнг йиғлаган каби, хўнграб юборди. Йирик жигар ранг кўзларидан оқа бошлаган шашқатор кўз ёши кўйлагини бир зумда хўл килди.

Гарри ва Доббининг изидан Рон билан бирга эргашиб келган Гермиона Винкини юпатишга киришди.

- Вой Худойим, Винки, қўй йиғлама. Винки, қўйсанг-чи энди, бўлди, йиғлама...
- Винки эса аксинча, баттар уввос солди. Гаррига завқ-ла қараб турган Добби Винкининг йиги товушини босишга уринганча, баланд чириллаб сўради:
- Бир пиёла чой кетади-ми, муҳтарам Гарри Поттер?
- М-м-м... майли, йўқ демайман.

Бир зумда тапир-тупир эшитилиб, устига бир чойнак чой, Гарри, Рон ва Гермиона учун чашкалар, сутга тўла кўза ва бир ликоп бисквит терилган катта кумуш патнис кўтарган олтида уй эльфи яқинлашди.

- Яхши ишлар экансиз! - мақтаган бўлди Рон.
- Гермиона қошини чимириб қўйди. Аммо мақтов эшитган эльфлар ялтоқланганча, хокисорона тавозе қилишди.
- Қачондан буён ишлайсан бу ерда? - қизиқди Гарри Добби узатган чашкани олиб.
- Энди бир ҳафта бўлди, Гарри Поттер, сэр! - хузур-ла жавоб қайтарди Добби, - Добби, профессор Дамблдорнинг хузурига ташриф буюрди, сэр. Билмоқчи бўлсангиз, сэр, кувгин қилинган уй эльфига, сэр, иш топиш у қадар осон кечмайди, сэр. Жуда-жуда қийин, сэр...
- Доббининг сўзларини эшитган Винки баттар фарёд кўтариб, ўлчами ҳам, шакли ҳам йириккина помидорга ўхшаш бурни оқа бошлаганига қарамай, уни артиш учун ҳаракат ҳам қилмади.
- Добби иш излаб икки йил юрт кезди, сэр! - чийилдоқ овози билан давом этди Добби, -

Бирок хеч бир натижа чиқмади, сэр. Чунки энди Добби маош олиши керак, сэр! Сухбатни зўр кизиқиши-ла эшитиб турган бошқа эльфлар худди Добби уятсиз гап айтгандай, юзларини тескари ўгириб олишди. Гермиона эса аксинча, унинг сўзларини маъкуллади.

- Тўғри қиласан, Добби!

- Миннатдорман, мисс! - кинғир-қийшиқ тишларини кўрсатиб иршайди Добби, - Фақат аксарият сехргарлар уй эльфига маош тўлашни ўзларига эп кўрмади, мисс. Доббининг талабини эшитиб: «Нега энди аллақандай қаланг-қасанғи уй эльфига ҳақ тўлашим керак экан» дейишганча, эшикни шартта ёпиб қўйиши. Добби меҳнатдан қочмайди, лекин у кийим кийиш, меҳнатига яраша ҳақ олишни истайди. Гарри Поттер... Доббига ҳуррият жуда ёқади!

«Хогварц»нинг жамики эльфлари худди Добби аллақандай юкумли касалликка чалинганини эндиғина эшитишган каби, орқага тисланди. Фақат борган сари баланд овозла бакириб йиғлаётган Винки жойида қолди.

- Шундан сўнг, Гарри Поттер, Добби Винкининг ҳолидан хабар олгани бориб, у ҳам ҳурриятга чиққанини билди, сэр! - хитоб қилди Добби.

Винки ўзини тош кошин қоплаб безатилган полга ташлаб, юзини ердан кўтармай ётганча, дод солиб ер муштлади. Гермиона шу заҳоти Винкининг қаршисига чўккалаб, уни яна бир бор юпатишга уриниб кўрди. Бирок урғочи эльфнинг қулогига кизалокнинг бирон-бир сўзи кирмади.

Добби ҳам овозини кўтариб, хикоясини давом этди.

- Сал ўтиб, Доббининг миясига бир ўй келди, Гарри Поттер, сэр! Добби Винки билан биргалиқда иш қидирадиган бўлди! Винки: «Бирваракайига иккита эльфга каердан ҳам иш топар эдинг?», деб эътиroz билди. Шунда Добби ўйлаб-ўйлаб, ўйига етди, сэр! Албатта «Хогварц»да! Шу тариқа Добби билан Винки профессор Дамблдорнинг ҳузурига иш қидириб келиши. сэр. Қаранг-ки, профессор Дамблдор бизни ишга қабул қилди!

Хурсандлигидан яшнаб кетган Доббининг йирик кўзлари яна кўз ёшига тўлди.

- Профессор Дамблдор Добби истагандек иш ҳақи тўлашга рози бўлди, сэр! Энди Добби мутлақо озод эльф, сэр! Унга хафтада бир галлеон маош тўланиб, бир ойда бир кун дам олиш имконияти хавола этилади!

- Ахир бу жуда оз-ку! - эътиroz-ла қичкириб юборди полда ўтирган Гермиона ер муштлаб ётишини қўймаган Винки узра қараб.

- Профессор Дамблдор хафтада ўн галлеон ҳақ тўлаш ва икки кун дам олишни таклиф этди, мисс, - сесканиб тушунтириш берди Добби, худди бунча кўп бойлик-у, бекор юриш истиқболи уни қўрқитиб юборгандай, - Лекин Добби баҳони пасайтиришга муваффақ бўлди, мисс... Добби ҳурриятни яхши кўради, албатта, мисс, бирок унга ҳаддан ортиқ озодлик керак эмас, у кўпроқ меҳнатни ёқтиради, мисс.

- Сенга-чи, Винки? Профессор Дамблдор қанча ҳақ тўлаяпти? - мулойим овозда сўради Гермиона.

Шу тариқа Винкига далда бermokчи бўлган Гермиона қаттиқ янглиши. Урғочи эльф хўнграшни бас қилди. У қаддини кўтариб, ётган ерида ўтириб олди. Шилта юзининг деярли ярмини эгаллаган кўзлари қаҳр-ғазабдан ярқираб кетди.

- Винки паст кетган эльф, албатта, мисс. Бирок ҳали ўзини сиз ўйлаган даражада, меҳнатига ҳақ оладиган даражада ерга ургани йўқ! - чириллаб берди у, - Винки бу қадар тубанлашиб кетмайди! Винки ўз ҳурриятидан ор қилади!

- Ор қилади? - тушунмади Гермиона, - Аммо... Кўйсанг-чи, Винки! Сен эмас, мистер Сгорбс уялиши керак ўз қилмишидан! Сен ҳеч қандай ножӯя иш қилганинг йўқ. Аксинча, у сенга мудхиш муносабат билдириган эди...

Гермионанинг сўзларини эшитган Винки кафтчалари билан бошидаги қалпокчанинг қулоқлар учун очилган тешигини маҳкам босиб олди.

- Менинг сохибимни ҳақорат қилишга журъат этманг, мисс! Мистер Сгорбс яхши сехргар, мисс! Мистер Сгорбс Винкини қувиб солиб тўғри қилди!

- Винки хурриятта қийин мослашыпти, Гарри Поттер, - деди Добби, - Винки мистер Сгорбсга тегишли қул эмаслигини доимо унуги күймокда. У энди хаёлига келган фикрни айтавериши мүмкін. Лекин у бундай қилмайди чоғи.

- Демак, уй эльфи үз сохиби ҳақидаги фикрини айта олмас эканда, шундайми? - сұради Гарри.

- О, йүқ, сәр, йүқ, - дафъатан жицдій тус олди Добби, - Қуллик расми шундай, сәр. Биз үз сохибларимизнинг сир-асорларини ҳеч кимга ошкор қиласлигимиз, хонадон шаънига путур етказмай, сукут сақлашимиз, улар ҳақида бемаъни гаплар тарқатмаслигимиз шарт. Гарчи профессор Дамблдор Доббига... бундай шартта амал қилишни талаб қиласлигини айтган бўлса ҳам... у бизга, ҳаттоқи...

Добби кутилмаганда асабийлашиб, Гаррини пастроқ энгашишга имо қилди. Гарри энгашгач, Добби унинг қулоғига:

- Профессор Дамблдор: «Агар ёқадиган бўлса, мени куч-кувватдан қолиб, йўсин қоплаганига кўп йиллар бўлган чол, дейишингиз мүмкін», деди.

Добби чўчиб-писиб хиринглаб қўйди.

- Фақат Добби бундай демайди, Гарри Поттер, - рад этди Добби қулоқлари лунжларига урилиб-урилиб кетган даражада бош чайқаб, - Добби профессор Дамблдорни нихоятда хурмат қиласи, сәр, унинг сир-асорларини саклаб юришни үзи учун буюк шараф, деб билади.

- Малфойлар тўғрисида-чи? Улар ҳақида бемалол гапира оласанми энди? - истехзоли кулиб қўйди Гарри.

Эльфнинг иирик кўзларида сезилар-сезилмас қўрқув кўринди.

- Добби... айтиши мүмкінки, - иккиланиб қолди эльф, тор елкасини қисиб қўйиб, - Добби Гарри Поттерга шуни айтиши мүмкінки, унинг собиқ сохиблари... улар... жуда ёмон ёвуз сехргарлар!

Ўз мардлигидан үзи ларзага келган Добби маълум вақт бошдан-оёқ дағ-дағ титраб турди-да, кутилмаганда яқин ўртада турган столга ташланиб:

- Добби ёмон! Добби ёмон! - деганча, бошини қарслатиб ура кетди.

Гарри Доббининг бўйинбогидан ушлаб, ўзига тортди.

- Раҳмат, Гарри Поттер, раҳмат, - миннатдорлик билдириди зарбдан кўзлари қаншар томон силжиб қолган Добби, пешонасини силаб.

- Сенга ҳали тажриба етишмас экан, - хулоса чикарди Гарри.

- Тажриба етишмас экан?! - дарғазаб чийиллади Винки, - Уят етишмайди сенга, Добби! Ўз сохибинг ҳақида бундай дейишишга ор-номус етишмайди!

- Улар менга сохиб эмас энди, Винки! - ишонч-ла баёнот қилди Добби, - Уларнинг фикри Доббини қизиқтирумайди!

- О, сен шундай ёмон эльфсан-ки, Добби! - инграб юборди Винки боз йигига тушиб, - Бечора, бечора мистер Сгорбс, Винкисисиз энди нима қиласи, а? Мен унга керакман, ахир! У менинг ёрдамимга муҳтож! Мен бир умр Сгорблар хонадонида хизмат қилиб келганман, онам ҳам, энам ҳам Сгорблар хизматини қилиб ўтишган... Винкига озодлик берилганини билишса нима бўлар эди, а? Қандай иснод, қандай шармандали! - уввос солди Винки юзини юбкасининг этагига босиб.

- Винки, - мурожаат қилди Гермиона қатъий оҳангда, - Ишончим комилки, мистер Сгорбс ҳеч қандай бечора ҳам эмас, сенинг хизматингга муҳтож ҳам эмас. Биз уни якинда кўрдик, у...

- Сохибимни кўрдингиз? - унсиз сұради Винки ёш тўла кўзларини Гермионага чақчайтириб, - Сиз уни шу ерда, «Хогварц»да кўрдингиз-ми?

- Ха, шу ерда, - жавоб қайтарди Гермиона, - Мистер Шульман билан биргаликда Уч сехргар беллашувига ҳакамлик қилмоқда.

- Мистер Шульман ҳам шу ерда-ми? - боз дарғазаб чийиллади Винки учала болани ҳайрон қолдириб, - Мистер Шульман ёмон сехргар! Жуда ёмон! Сохибим уни ёқтирумайди! Ҳеч хуш кўрмайди уни!

- Шульман ёмон сехргар? - таажжубланди Гарри.
 - Ха, ёмон, - бош иргиди Винки, - Сохид Винкига айрим сирларини ишонган! Винки уларни ошкор килмайди... Винки ўз сохибининг сир-асорларини ишончли сақлади... Бечора, бечора сохиб, Винкиси йўқ, ёрдам берадигани йўқ! - боз хўнграй кетди урғочи эльф.
- Винкидан бошқа бирон оғиз маънили сўз чиқмагач, уни ўз ҳолига қўйиб беришди. Болалар чойни Доббининг озод эльф сифатидаги баҳтиёр хаёти, ўз жамғармаси борасидаги келгуси режалари ҳақидаги завқли сўзларини тинглаб, охиригача ичиб тутатишди.
- Келаси сафар, Гарри Поттер, Добби ўзига жемпер сотиб олади! - қувонч-ла эълон килди Добби, ўзининг ялангоч кўкрагини кўрсатиб.
 - Сенга бир гап айтай-ми, Добби, - деди эльфга меҳри ошган Рон, - Ойим ҳар Рождество байрамига тўкиб берадиган свитерларимдан бирини сенга хадя этаман. Тўқ қизил рангни ёқтирасанми, ишқилиб?
- Бу гапни эшитган Добби завқланиб кетди.
- Эҳтимол танангга мос келиши учун уни сал кичрайтиришга тўғри келар. Аммо бошингдаги чойнак ғилофига роса мос тушади-да, ўзиям.
- Болалар кетишга тараффуд кўра бошлагач, уларнинг ёнига бир гала эльф югуриб келиб, ўзлари билан турли-туман егуликлар олиб кетишни таклиф қилишди. Гермиона ҳақирона тавозе қилаётган эльфларга ачиниб қараб, егулик олишдан бош тортиди. Гарри билан Рон эса киссаларини чўзмалар-у, сомсаларга тўлдириб олишди.
- Катта раҳмат, сизларга! - миннатдорлик билдириди Гарри, хайрлашиш учун эшик ёнида тўпланиб олишган эльфларга, - Учрашгунча, Добби!
 - Гарри Поттер... Добби баъзан меҳмонга бориб турса майлими? - тортиниб сўради эльф.
 - Албатта, - ижозат берди Гарри.
- Добби турган жойида яшнаб кетди.
- Биласизлар-ми? - деди Рон, вестибулдаги ҳашаматли зинапоядан юқорига кўтарилилар экан, - Шунча йилдан бўён акаларим Фред билан Жорж ошхонадан егулик ўғирлаб кела олишларидан ғуурланиб келган эдим. Энди билсан, бу иш у қадар мураккаб эмас, аксинча, эльфлар одамларга овқат тарқатишдан ўзларини баҳтиёр билишар экан!
 - Назаримда иккала эльф айнан шу ерга, «Хогварц»га келиб, иш топгани яхши бўлди, - деди Гермиона, - Айтмоқчиман-ки, бошқа эльфлар хурриятга эришган Доббининг баҳтиёргишини кўриб, эркин ҳаёт мазасини, уларга ҳам хуррият сув ва ҳаводек зарур эканлигини тушуниб етади!
 - Ундей бўлса, хурриятни тубанлик деб билган Винкига кўп эътибор қаратишмасликларига умид боғлаб қоламиш, - деди Гарри.
 - Хали кўрасиз, Винки рухан тетиклашиб, кувнок бўлиб колади, албатта, - ишонтириди Гермиона, шубҳали эштилган оҳангда, - Илк руҳий ларзаси босилиб, «Хогварц»га кўнишиб қолгач, ўша Сгорбсиз ҳам яшаш мумкинлигини идрок этишига ишончим комил.
 - Менимча у Сгорбсни жуда яхши кўради, - пўнгиллади оғзини кремли торт бўлаги билан тўлдириб олган Рон.
 - Шульмандан эса нафратланади, сездинг-ми? - кўшиб қўйди Гарри, - Кизик, Сгорбс уйда Шульман ҳақида қандай фикр билдирган экан, а?
 - Ўз тасарруфида департаментни яхши бошқармаётгани ҳақида бўлса керак, - деди Гермиона назари илмай, - Тўғрисини айтадиган бўлсак, Сгорбснинг бундай фикр билдиришига тўла асоси бор, шундай эмасми?
 - Шундай бўлса-да, Сгорбс бошчилигида ишлагандан кўра, Шульман раҳбарлигида ишлашни афзал билган бўлар эдим, - деди Рон, - Ҳар қалай Шульманнинг ҳазил-мутойибадан хабари бор.
 - Ишқилиб, ушбу гапингни Перси эшитиб қолмасин, - истехзоли кулиб қўйди Гермиона.
 - Эшитса нима қилибди? - деди Рон, шоколадли эклер билан машғул бўлиб, - Ўхшатмасдан учратмас ёки кўр сўқирни коронғида танийди, деган нақлларни эшитганмисан? Бу айнан Перси билан Сгорбсга ўхшаганлар ҳақида айтилган. Агар Персининг қархисида ҳазил

деган тушунчанинг ўзи Доббининг бошидаги чойнак ғилофини кийиб олганча, кип-ялангоч ракс түшса ҳам, Перси, бундай тушунчанинг мазмун-моҳиятини идрок эта олмайди.

ХХII БОБ.

КУТИЛМАГАН МУАММО

Пайшанба куни бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан ўтган дарс деярли ниҳоясига етиб, берилган топшириклар бажарилди. Машгулот давомида ўқувчилар денгиз чўчқаларига айлантиришган сесаркалар профессор Макгонагаллнинг столи устида турган каттагина қафасга қамаб қўйилган (*Сесарка – товуқсимонлар туркумидаги парранда*). Таъкидлаб ўтиш жоизки, Невиллнинг чўчқаси ажойиб пат қопламаси билан бошқалардан ажраб турди. Уйга берилган: «Турлараро айлантириш жараёнида бир ҳайвонни бошқа ҳайвонга айлантириш афсунини қандай соддалаштириш зарурлигига доир аниқ мисоллар келтиринг» вазифаси синф тахтасидан кўчириб олинди. Дақиқа ўтар-ўтмай қўнғироқ зарби янграши лозим. Фурсатдан фойдаланган Гарри билан Рон охирги партада эгизаклар Фред ва Жорж меҳнатининг маҳсули бўлмиш сохта сехрли таёқчалар билан қиличбозлик килиб ўтиришган пайтда хонада қарор топган жимликни профессор Макгонагаллнинг қамчи товушидек эшитилган баджаҳл овози бузди.

- Поттер! Уэсли! Дарсга қулоқ соласиз-ми-йўқ-ми?!

Ўтирган ўрнида бир сапчиб тушган Гарри билан Рон ўқитувчи томон юзланди-ю, шошиб колишибди. Негаки, Роннинг сохта таёқчаси тунука тўтикуш, Гаррининг таёқчаси эса резина балиққа айланиб қолди. Хаёл ўтмай резина балиқ шалпайиб, таппа полга тушиб кетгач, Роннинг тўтикуши томонидан шафқатсиз титиб ташланди. Профессор Макгонагалл, дарғазаб нигоҳини куйдириб юборгудай иккаласига қаратиб қолди.

- Ниҳоят Поттер ва Уэсли хулқ-атворларини ўз ёшларига мутаносиб ҳолатга келтириб олишга марҳамат қилдилар! - деди у, - Эътиборингизга муҳим бир эълонни етказмоқчиман. Уч сеҳгар беллашувининг анъанавий тадбири ва бир вақтнинг ўзида хорижлик меҳмонлар билан яқиндан танишиш учун ажойиб имконият саналадиган Рождество бали яқинлашмоқда. Бал тўртингчи ва ундан юқори синф ўқувчилари иштирокида ўtkазилади. Агар ихтиёр билдирсангиз қуий синф ўқувчисини ҳам таклиф қилишингиз мумкин, албатта...

Лаванда Браун баланд овозда ҳиринглаб юборди. Кулиб юбормаслик учун юзининг мушакларига зўр бериб ўтирган Парватти Патил Лаванданинг қовурғасига қаттиқ туртиб қўйди. Иккала киз бараварига Гаррига юзланди. Профессор Макгонагалл қизларга эътибор ҳам қаратгани йўқ. Коллеж мудирининг бундай муносабати, Гаррининг фикрича, адолатсиз кечмоқда. Ахир у хозиргина Рон иккаласининг танбеҳини берди-ку.

- Парад кийимида ўтказиладиган бал Рождество куни Катта Залда, кечки соат саккизда бошланиб, тун ярмигача давом этади, - эълон қилди профессор Макгонагалл, - Яна бир гап...

Профессор Макгонагалл ўқувчиларга аллақандай қатъиятсиз нигоҳ-ла қараб чиқди.

- Рождество балига... м-м-м... соч ўримини ёзиб келишга ижозат берилади, - сўзини якунлади у, маъқул деб топмаган оҳангда.

Лаванда овозини эшилтирмасликка уриниб кафтини оғзига маҳкам босганча, боз ҳиринглаб юборди. Бу сафар унинг кулгисини нима қистаганини Гарри тушуниб етгандай бўлди. Қора соchlари бир тутам йиғилган профессор Макгонагаллнинг қиёфасидан акли ноқис бўлмаган аёл ҳеч қачон сочини ёзмайди, деган маънони бехато уқиб олиш мумкин.

- Бироқ бу, мактаб маъмурияти ўз ўқувчилари олдига қўйиб келган ахлок талабларининг даражасини пасайтирди, деган маънони англатмайди, - давом этди профессор Макгонагалл, - «Гриффиндор» ўқувчиларининг бирортаси бирор-бир тарзда коллеж шаънига доф туширадиган бўлса, мен қаттиқ ранжийман.

Ниҳоят қўнғироқ зарби эшитилиб, синфда одатий гимир-гимир ҳаракат бошланди.

Ўқувчилар бисотларини солган юк халталарини елкаларига ташлашганча, чиқиш эшиги

томон равона бўлишиди.

Болаларнинг шовқини орасида профессор Макгонагаллнинг қичқириги эшитилди.

- Поттер! Бир оғиз сўзим бор, ушланиб қолинг, илтимос.

Сухбат баҳти қора резина балиқча ҳақида боришини тахмин қилган Гарри истар-истамас ўқитувчининг столи томон одимлади.

Профессор Макгонагалл ҳамма чиқиб кетишини кутиб, гап бошлади:

- Поттер, чемпионликка даъвогарлар ва уларнинг жуфтлари...

- Жуфтлари? Қанақа жуфтлари? - гапни бўлди ҳеч нарсани тушунмаган Гарри.

Профессор Макгонагалл бола шу тариқа ҳазиллашяпти, деган хаёлга борди шекилли, Гаррига шубҳа билан қараб қўйди.

- Рождество балига бирга келадиган жуфтлари, Поттер, - совуққина жавоб қайтарди профессор Макгонагалл, - Биргалиқда ракс тушадиган жуфтлари.

Гаррининг ичидағи бор нарса қўзғалиб, тугун бўлиб қолди.

- Рақс тушадиган жуфтлари? Мен ракс тушишни билмайман, - тўрсиллатиб жавоб қайтарди Гарри, қизариб кетаётганини сезиб.

- Биласан, биласан, - вайсади профессор Макгонагалл, - Давомини эшиит. Анъянага кўра, Рождество балини чемпионликка даъвогарлар ва уларнинг жуфтлари бошлаб беришади. Гарри шу заҳоти ўзини фрак ва цилиндр шляпа кийиб олиб, Петунья хола Вернон амакининг идорасида уюштириладиган кечаларга кийиб борадиган жимжимадор кўйлак кийган қиз ёнида турганини тасаввур килиб кўрди.

- О, йўқ... Мен ракс тушишни билмайман, - такрорлади у.

- Расми шунака, Поттер, - шартта кесди профессор Макгонагалл, - Сен «Хогварц»нинг чемпионликка даъвогари, мактабимиз вакилисан. Бас шундай экан, зиммангдаги мажбуриятни бажаришинг шарт. Демак, ўзингга жуфт топишинг керак.

- Бироқ мен... ракс...

- Мен айтадиган гапимни айтдим, Поттер, - деди профессор Макгонагалл дахл қилиб бўлмас оҳангда.

Бир ҳафта муқаддам, Гарри, тиканак думли венгр аждарига карши кураш билан қиёсланадиган бўлса, ракс тушиш учун жуфт топиш ҳаётнинг навбатдаги икир-чикири, деган бўлар эди. Энди-чи? Аждар билан олишув ортда қолиб, қиз топиб балга таклиф килиш зарурати туғилгач, аждар билан такрор ўтадиган мухорабани афзал билди.

Рождество таътилини «Хогварц»да ўтказадиган ўқувчилар рўйхати ҳали бу қадар узун бўлмаган. Одамовилар хиёбонига қайтишни ҳеч истамаган Гарри, ушбу байрамни доимо мактабда, жуда оз одамлар даврасида қолиб, нишонлаб келган. Бу йил эса тўртинчи ва ундан юкори синф ўқувчиларининг деярли ҳеч қайси бири уйга кетгани йўқ. Гаррининг фикрича, ҳамманинг мияси айнан бал туфайли айниб қолган. Кизлар-ку, ховлиқиб, ўзларига жой топа олмай қолгани аник. Дарвоқе, «Хогварц»да тахсил кўрадиган қизлар сони саноқсиз эканлигига Гарри энди эътибор қаратди. Бурчакларга бикиниб олиб, алланима ҳақида пичирлашганча, хиринглаб ўтирган қизларни, ёnlаридан ўтиб кетган ўғил болалар ортидан гап отиб, қаҳ-қаҳ урган қизларни, Рождество кечасига қандай либос кийишни қизғин мухокама қиладиган қизларни Гарри илгари пайқамаган экан.

Кам деганда ўн икки нафар қиз, тантанали юрганча, Гарри томон қараб хиринглаб ўтиб кетди.

- Нега улар доимо гала-гала бўлиб юришади? - сўради қизлар кетидан қараб қолган Гарри ўртоғи Рондан, - Балга таклиф қилиш учун улардан бирортасини қандай қилиб якка ҳолатда тутиш мумкин?

- Каманд воситасида бўлса керак-да? - тахмин қилди Рон, - Кимни таклиф қилишни кўзлаб қўйдинг-ми? ([Каманд – ҳайвонларни тутиш учун ташланадиган сиртмоқли аркон](#)).

Гарри ўртоғининг саволига жавоб қайтармади. Балга ким билан боргиси келаётганини у жуда яхши билади, лекин бунга журъат этиш... Чу Гарридан бир ёш катта, жуда чиройли

қиз. Квишишни ҳам яхши ўйнайди, умуман яхшигина обрў қозонган...

Рон, афтидан, Гаррининг ичидаги гапни топганга ўхшайди.

- Қулоқ сол Гарри, бу масалада сен ҳеч қандай муаммога дуч келмайсан. Биринчидан, кимсан – Гарри Поттерсан. Иккинчидан эса якиндагида аждарни енгган чемпионликка даъвогарсан. Бас боғлашим мумкинки, улар сен билан балга бориш учун навбатга ёзилишмоқда.

Якиндагина тикланган дўстлик ҳақи, Рон, ўз гапларининг мазмунида алам миқдорини билинар-билинмас минимумга етказишига уринаётгани сезилиб турибди. Бироқ Роннинг ҳақлиги Гаррини ҳайратда қолдирди.

Эртаси куни хали бирон маротаба бўлсин сухбатлашмаган, «Хуффльпуфф» коллежининг учинчи синфида таҳсил кўрадиган қўнгироқсоч қизалоқ Гарридан балга таклиф қилишни илтимос қилди. Гарри ўзини шу қадар йўқотиб қўйди-ки, нима деётганини идрок этишига улгурмай туриб, қизалоқнинг илтимосини рад этиб юборди. Қизалоқ хафа бўлганча нари кетди, Гаррига эса ушбу қилмиши учун сеҳгарлик тарихи дарси давомида Дин, Симус ва Роннинг таъна-танбехларини эшитиб ўтиришига тўғри келди. Эртасига яна иккита қиз Гаррига худди шу илтимос билан мурожаат қилди. Улардан бири иккинчи синфда, иккинчиси эса (о, Худо, ўзинг асра!) бешинчи синфда ўқийди. Иккинчиси Гаррининг ёнига шундай қиёфа билан келдики, «Борди-ю рад этадиган бўлсанг, башарангни тимдалаб ташлайман», деган маънони уқиб олиш қийин кечмайди.

- Умуман айтганда, у, унчалик хунук эмас эди, - деди тўйиб-тўйиб кулиб олган Рон.

- Бўйи мендан бир фут баланд-ку, ахир, - ғудуллади Гарри, ҳалигача руҳий ларзадан ўзига кела олмай, - Балда худди опа-уқадай кўринишимизни тасаввур қилиб кўр.

Гермионанинг Крум ҳақида билдирган фикри Гаррининг эсига тушиб қолди: «Кизлар унинг кетидан донгдор бўлгани учунгина югуриб юришади!». Агар у чемпионликка даъвогар бўлмаганида, ушбу қизларнинг бирортаси ҳам балга таклиф қилиш илтимоси билан Гаррининг ёнига келмаган бўлар эди. Сўнг ўйланиб қолди: агар Чу шундай илтимос билан келса-чи?

Тан олиш керак-ки, ўйлади Гарри, Беллашувнинг биринчи синови ўтгач, олдинда бал бошлаб беришдек ёқимсиз иш кутаётганига қарамай, ҳаёт тарзи сезиларли равища яхшиланди. Қаср йўлакларида унинг шаънига айтилган ҳақоратомуз сўзлар, «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилган манхус мақоладан келтирилган цитаталар ўз ўзидан барҳам топди. Бунда Седрикнинг қўли борлиги шубҳасиз. Аждар билан учрашув ҳақида огоҳлантиргани учун миннатдорлик сифатида Седрик хуффльпуффчилардан Гаррини тинч қўйишини илтимос қилган қўринади. «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари – Седрик Диггорини қўллаб-куватланг! қўкрак нишонлари ҳам камдан-кам учрайдиган бўлиб қолди. Драко Малfoy, табиийки, Рита Вритернинг мақоласидан цитата келтиришни бас қилгани йўқ, албатта. Бироқ омманинг муносабати унинг уринишларига лоқайд бўлиб қолган. Гаррининг ўз ҳаётига доир фикр-мулоҳазалари қўллаб-куватланганидай «Башорат-у, каромат газетаси»да Хагрид ҳақидаги мақола чоп этилмади.

Сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан ўтган сўнгги дарсда Хагрид, жамики синфи ҳайрон қолдириган тарзда, дракллар билан бевосита мулокот қилишни талаб қилмади. Бугун улар кулба орқасидаги ёғоч стол атрофида тўпланиб, ўша жирканч ҳайвонларнинг иштаҳасини қитиқлаши кутиладиган емиш тайёрлашмоқда. Гарри, Рон ва Гермиона Хагридан Рита билан ўтган интервью ҳақида кизиқиб сўрашди.

- Тўғрисини айтганда, уни аллақандай ҳайвон-у, махлуклар қизиқтиргани йўқ, - икрор бўлди Хагрид, - Рита Вритерни кўпроқ сен қизиқтиридинг, Гарри, - маълум қилди у, овозини пасайтириб. Сен билан анча вақтдан, аникроғи, Дурсллар хонадонидан олиб кетганимдан буён дўст эканлигимизни айтдим унга. «Тўрт йилдан буён бирон маротаба бўлсин, койиб беришга тўғри келмади-ми?», деб берган саволига олган жавоби уни қаноатлантирумади. Афтидан у хулқингга доир бўлар-бўлмас гапларни айтиб беришимни кутган чоги.

- Айтиш керак эди, - деди Гарри, аждар жигарининг тўғралган бўлакларини тогорага

ташлагач, яна түграш учун столдаги пичокни қўлига олиб, - Қисмати фожиали кечган бечора қаҳрамон ҳакида ёзилаверади-ми? Кишининг юрагини зик қилиб, зеритириб юборади-ку, ахир!

- Вритер Гаррининг табиатидаги янги кирраларни кашф этмоқчи, Хагрид, - тушунтирган бўлди саламандра тухумининг пўчогини арчаётган Рон, - Гаррини балоғатга етмаган савдои сифатида тавсифлаб беришинг керак эди.

- Қанақанги савдои бўлсин у! - хитоб қилди ҳазилнинг фарқига бора олмаган Хагрид.

- У Снегдан интервью олиши керак, - фикр билдириди Гарри, маъюс оҳангда, - У шунақанги тавсифлаб беради-ки, мени. Мана масалан, ўша куни у: «Бўлиб ўтган ишда Поттернинг ўзигина айбдор. Негаки у, мактабга келган илк кунларидан буён, ушбу даргоҳда жорий этилган жамики қоидаларни бирма-бир бузиб чиқишга жон-жаҳд ила чираниб келмоқда», деган эди.

Рон билан Гермиона кулиб юбориши.

- У шундай деди-ми? - сўради Хагрид, - Тан олиш керак-ки, баъзи масалаларда сен чиндан ҳам қоидаларга қарши борасан, Гарри... Лекин, умуман айтганда, сен зўрсан.

- Омон бўл, Хагрид, - иршайиб қўйди Гарри.

- Балга келасанми, а, Хагрид? - қизиқди Рон.

- Боришим мумкин. Нега энди бормаслигим керак экан, - гуриллади Хагрид, - Зўр томоша бўлса керак, ўзиям. Сен эса Гарри, ракс тушишни бошлаб берасан, шундайми? Кимни таклиф килишни кўзлаб қўйдинг-ми?

- Ҳозирча, йўқ, - деди Гарри қизариб кетаётганини боз хис этиб.

Хайриятки, Хагрид мавзууни давом эттирмади.

Семестрнинг сўнгги хафтасида ўтаётган ҳодисалар ривожи тутён тортиб кечмоқда. Ҳамма жойда Рождество бали ҳакидаги миш-меш гаплар муҳокама қилинмоқда. Гарри уларнинг ярмига ҳам ишонмайди. Бундай гаплардан бири Дамблдорнинг Хогсмёд қишлоғидаги «Уч супурги» қаҳвахонасиининг соҳибаси Росмерта хонимдан саккиз юз баррель глинтасал ҳарид қилгани бўлса, яна бири машҳур «Шайтоннинг сингиллари»га ангажемент юбориб, балга таклиф қилганидир. Қолаверса, «Шайтоннинг сингиллари» ҳакидаги гаплар чин бўлиши ҳам мумкин. Сеҳргарлар радиосини ҳеч қачон эшитмаган Гарри «Шайтоннинг сингиллари» ким ёки нима эканлигини тасаввур ҳам эта олмайди. Сеҳр-жодуга оид янгиликлар каналини (СЖЯК) эшитиб катта бўлгланларнинг тўлқинланиб кетганига караганда, бу фавқулодда оммалашиб кетган бирон-бир мусикий гурух бўлса керак, деган холосага борди (*Эслатма: Barrel (инг. barrel асосий маъноси – бочка), АҚШ, Англия ва бир қатор бошқа, инглиз ўлчовларини қўлловчи мамлакатларда сигим ва ҳажмнинг ўлчов бирлиги. АҚШнинг куруқ баррели 115,628 дм3 га, нефть баррели эса 158,988 дм3 га тенг. Сочилувчи нарсалар ҳажми ўлчанадиган Англия баррели 163,65 дм3 га тенг. Ангажемент – бирор артист ёки артистларни маълум муддат шартнома бўйича ишилаш учун қилинган таклиф, юборилган таклифнома).*)

Афсун ўқиши ўқитувчиси профессор Флитвикка ўхшаган айрим ўқитувчилар Рождество балини ўйлаб ҳаёли паришон бўлиб қолган ўқувчиларга бирон-бир нарсани ўргатишига уринмай қўйиши. Чоршанба куни профессор Флитвик ҳаммага ўйин ўйнаб ўтиришга рухсат бериб, дарснинг аксарият қисмини Гарри билан Беллашувнинг биринчи мусобақасида Буюм чақириш афсунини беназир бажаргани ҳакидаги сухбатга сарфлади. Бошқа ўқитувчилар бундай улуғсифатлик намоён этишга кодир эмас. Жумладан, бирон-бир ҳолат профессор Биннзни гоблинлар кўзғолонига доир уйга берилган вазифа ижросини синчковлик билан титиб, текшириб чиқищдан воз кечишига сабаб бўла олмайди. Касбий фаолиятига чек қўйиш учун ҳатто ўз ажалига имкон бермаган ушбу муаллимга Рождество каби аллақандай бўлмағур байрам ўз ишини тўла-тўқис бажаришига тўскинлик қила олмайди. Таажжуланарлиси шундаки, профессор Биннз қонга ботган, ваҳшиёна кўзғолонлар ҳакида шундай зерикарли оҳангда гапириб берадики, ундан кўра Персининг туби қалин-юпқа қозонларга доир хисоботи қизиқроқ эшитилса керак. Профессор Макгонагалл билан Хмури ўқувчиларни дарснинг сўнгги сониясигача

ишлишга мажбур қиласы, Снегг эса Гаррини үзиге үғил килиб олса оладики, дарси давомида үқувчиларга үйин үйнашга ижозат бермайды. Башарасидаги бархам топмас мурдорлик билан синфга назар солиб чиққан Снегг семестрнинг сўнгги дарсида үқувчилар томонидан тайёрланган зидди-захарларнинг кор беришини үқувчиларнинг үзида синаб кўриш ниятида эканлигини маълум қилди.

Ўша кеча «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасида портловчи қарталар дастасидан қаср ясаб ўтирган Рон Снегг ҳакида норози охангда фикр билдириди.

- Қумрон экан у. Аҳмокона такрорлаш билан байрамолди кунларни расво қилиш, келиб-келиб энг сўнгги дарсда назорат ишини ўтказишга аҳд қилган бундай аблони яна нима деб аташ мумкин?

- М-м-м... сенга эътибор қаратган киши ортиқ даражада зўр бериб ўқияпти дейиши қийин, - таъкидлаб қўйди Гермиона, сехрли дамламалар тайёрлаш фанидан тутган дафтари узра Ронга қараб.

Магларнинг қартасидан фарқли ўлароқ Рон үйнаб ўтирган қарталар ҳар қандай сонияда портлаб кетиши мумкин.

- Рождество байрами-ку, ҳозир, Гермиона, - эринчоқлик-ла жавоб қайтарди камин ёнидаги креслода ««Замбараклар» билан парвозлар» китобини ўнинчи бор қайта ўқиб ўтирган Гарри.

- Сенга эса Гарри, - ўқрайди Гермиона, - Зидди-захарлар мавзусини такрорлаш ёқмаса, амалий наф келтирадиган бирор-бир бошқа иш билан шуғулланиш халал бермас эди! «Отар замбараклар» жамоасининг үйинчиси Жой Женкинс Тажовузкорни «Қовушмаган калваклар» Овчиси томон йўналтираётганини зўр қизиқиши билан томоша қилиб ўтирган Гарри рўйихуш бермай сўради:

- Масалан?

- Тухум ёдингдан кўтарилиган чоги, а?

- Ваҳима қилма, Гермиона, 24 февралга қадар ҳали юз йил вақтим бор! - қўл силтади Гарри.

Гарри тилла тухумни сандигига ташлаб қўйган бўлиб, биринчи мусобака шарофатига ўтказилган ўтиришдан сўнг, ҳали бирор маротаба очиб кўргани йўқ. Ўша баланд ғижирлайдиган товуш жумбогини хал этиш учун чиндан ҳам яна икки ярим ой вақти бор.

- Бироқ топишмоқ жавобини топиш учун бир неча ҳафта керак бўлиши мумкин! - эътиroz билдириди Гермиона, - Иккинчи мусобака ижросининг мазмуни қолган даъвогарларга маълум бўлса-ю, сен ғафлатда бўлсанг, қанақангি аҳмокона ҳолатда қолиб кетишингни тасаввур қиляпсан-ми?!

- Тинч кўй уни, Гермиона, у ҳам дам олишга ҳақли, - гапга аралашди Рон, сўнгги иккита картани қурилаётган карта-қаср чўққисига ўрнатиб.

Кутилмаганда қарта-қаср қурувчининг қошларини куйдирганча, кучли портлаб кетди. Рон пешонасини силаб, қошига етган зарар миқдорини чамалаб ўтирган пайтда болалар даврасига эгизаклар келиб қўшилди.

- Кўринишинг чакки эмас, Рон... Турқинг парад коржомангга жуда ярашадиган бўлди! - фикр билдириди Фред.

- Рон, Чўчинстель керак эди. Бериб тура оласанми? - сўради Жорж.

- Бойкуш хат олиб кетган. Сизларга нима учун керак бўлиб қолди у?

- Жорж уни балга таклиф қилмоқчи, - кесатди Фред.

- Хат йўллаш учун керак-да, tengi йўқ нодон, - тушунтириди Жорж.

- Негадир сўнгги вақтда кўп хат йўллайдиган бўлиб қолдингиз. Ким билан ёзишяпсизлар, а?

- Бизнинг ишларимизга тумшуғингни тикиб юрма, Рон. Акс ҳолда уни ҳам куйдириб қўяман, - таҳдид солди Фред, таёқчасини силтаб, - Хўш... Шундай қилиб, ўзингизга жуфт топдингиз-ми?

- Йўқ, - жавоб қайтарди Рон.

- Ундай бўлса, дўстлар, имилламанг, қадди-комати келишганларни тез талаб ташлашади, -

иршайди Фред.

- Ўзинг-чи, ким билан борасан? - кизиқди Рон.
- Ангелина билан, - шу захоти жавоб қайтарди хижолат деган тушунчадан бехабар Фред.
- Ангелина билан? - янгиликдан серрайиб колди Рон, - Сен уни таклиф килдинг-ми? У розилик берди-ми?

- Яхши савол, - деди Фред.

У бошини орқага буриб, бутун меҳмонхона орқали қичкирди:

- Ҳой! Ангелина!

Алисия Спиннет билан вайсаб ўтирган Ангелина Фред томон ўгирилди.

- Нима дейсан? - жавобан қичкирди у ҳам.

- Мен билан балга борасан-ми?

Ҳайрон бўлган Ангелинанинг қоши кўтарилиди.

- Бўпти, бораман, - рози бўлди у ва сезилар-сезилмас қулганча, Алисия томон ўгирилиб, сухбатини давом эттирди.

- Ана, - деди Фред, Гарри билан Ронга, - Ишлар жойида.

Сўнг ўрнидан турди-да, эснаганча Жоржга мурожаат қилди:

- Кетдик, Жорж. Илож қанча, мактаб қушларидан бирини оламиз...

Эгизаклар нари кетди. Рон куйган қошини тек қўйиб, тутаб ётган қарта-қаср узра Гаррига қаради.

- Биласанми, чиндан ҳам бу ишни чўзмаслик... яъни биттадан киз таклиф қилиш керак.

Фред ҳақ. Иккаламиз Рождество балига бир жуфт урғочи тролль билан бормаймиз-ку, ҳар қалай.

Аччиғи чиққан Гермиона тикилиб қолишига сал қолди.

- Маъзур сананг, бир жуфт... ким билан?

- Ўзинг тушунасан, - елка қисди Рон, - Айтайлик... Элоиза Мошкар билан боргандан кўра, ёлғиз борган афзал.

- Билмасангиз, билиб қўйинг, Элоизанинг юзидағи хуснбузарлар барҳам топмоқда. Бунинг устига у жуда нозанин киз!

- Бурни қийшиқ, - гапни қесди Рон.

- Шунака денг! - жириллади Гермиона, - Тушундим! Клиник жихатдан овсар бўлишидан қатъи назар, сен билан балга боришга рози бўладиган қиз чиройли бўлса бўлди экан-да, а?

- М-м-н-э... тахминан шундай, - икрор бўлди Рон.

- Мен бориб ухлайман, - ириллади Гермиона ва бошқа бирон оғиз сўз айтмай, кизлар ётоқхонасига олиб чиқадиган зинапоя томон югуриб кетди.

Афтидан, бу галги Рождество байрамида ўқитувчилар таркиби хорижлик меҳмонларга «Хогварц» қасрини ниҳоятда чиройли киёфада кўрсатишни ўз олдига қўйган асосий мақсад, деб билади шекилли. Мактабни байрам шарофатига безаш жараёнида, Гарри, бундай гўзалликни ҳеч қачон кўрмаганлигини ўзига ўзи бир неча бор таъкидлаб ўтди. Вестибюлдаги ҳашаматли мармар зинапоя панжарасига эrimas кор учкунлари бостирилди. Катта Залга ҳар йили ўрнатиладиган ўн иккита арча найзабаргнинг ёришувчи меваларидан тортиб, гурсиллаб турадиган жонли тилла бойқушлар каби турли-туман безаклар билан ясатилди. Рицарларнинг яроғ-аслаҳалари шундай сеҳрланганки, киши уларга яқин борса, бирин-кетин янграйдиган Рождество мадҳияларини эшитади. Бўм-бўш дубулғанинг бирданига чала-чулпа айтилган «Художўйлар, келинг, йигилинг» қўшигини эшитиши жа ғалати бўлар экан. Мактаб назоратчиси Филчга, ушбу яроғ-аслаҳалар ичига бекиниб олишни одат қилиб, мадҳиялар орасидаги танаффусни ўз ижодининг намуналарига мансуб, бетамизлик билан фарқ қилиб турадиган лирикаси билан тўлдириб борган полтергейст Дрюзгни кувиб юришга тўғри келмоқда. Гарри ҳалигача Чуни балга таклиф килгани йўқ. Гарри билан Рон ниҳоятда асабийлаша бошлади.

- Сен балга жуфтсиз борсанг, у қадар аҳмоқона кўринмайсан, - деди Гарри Ронга, - Мен эса ўз жуфтим билан боришим шарт. Ахир мен бошқа чемпионликка даъвогарлар билан бирга бал бошлаб беришим керак-ку. Агар одам топилмаса, анави арвоҳ Дилгир Миртлни таклиф қиласман.

- Гарри, бўладиган ишнинг бўлгани маъқул! Бирортасини тезроқ таклиф қиласлик-да, кутулайлик, - деди жума куни эрталаб Рон, мустаҳкам қалъани забт этишга қарор қилган оҳангда, - Кел, келишиб олайлик. Бугун кечқурун, ётоқхонага, балга ким билан боришимизни билиб қайтамиз. Бўладими?

- М-м-м... яхши, - рози бўлди Гарри, бир оз эзилиб тургач.

Бироқ кун давомида, хусусан танаффуслар, тушлик вақти ва сехгарлик тарихи хонаси томон элтадиган йўлақда Чуни учратар экан, Гарри, ушбу қизни доимо ўз дугоналари даврасида юрганини кўрди. Бирор жойга ёлғиз ўзи борадими йўқ-ми? Балки кизлар ҳожатхонаси йўлида пистирма уюштирган маъқулдир? Ё тавба, ҳатто ҳожатхонага ҳам тўрт-беш нафар дугоналардан иборат экскорт билан кирад экан-а! Уни бугун таклиф қиласмас экан, бошқа бирор илиб кетиши мукаррар.

Сехрли дамламалар тайёрлаш фанининг зидди-заҳарлар бўйича ўтган назорат машғулотида Гарри ўз фикр-хаёларини ҳеч жамлай олмай, дамламага безоар тошини кўшишни ёддан чиқариб қўйверди ва бу билан ўзига қониқарсиз баҳони таъминлади. Бироқ ҳозир у бундай аҳамиятсиз нарсаларга тупурган. Айни пайтда энг асосий муаммо – вужудида бор жасоратини йигиб, кўзланган ишни бажаришдир. Кўнгирок зарб бериши ҳамоно бола юк халтасини олди-да, ер ости хоналари тарк этиладиган чиқиш йўлаги томон ошиқди.

- Тушлик вақтида учрашамиз, - бақириб қўйди у Рон билан Гермионага.

У Чуни четга, бир оғиз гапга чакиради-да... Гарри одамга тўлиб-тошган йўлакларда кезганча, Чэнгни кидириб, ўйлаганидан ҳам эртароқ, ёвузлик кучидан ҳимоя фани хонасидан чиқаётган қизга, ўзи учун кутилмаган тарзда рўбару келди.

- Чу? Бир оғиз гапим бор эди, мумкинми?

Чуни куршаб турган кизлар кулиб юбориши. Мана шу хиринг-хирингларни қонун билан ман этиб қўйиш керак, дарғазаб бўлди Гарри. Чэнг «Яхши», деб қўйди-да, синдошлари эшигтмайдиган хавфсиз масофага узоклашаётган Гаррининг орқасидан эргашди.

Чуга юзланган Гаррининг қорин бўшлиғида борки нарса худди зинапоянинг погонасини босмай ўтган каби бир сакраб тушди.

- М-м-м, - гап бошлади у.

Айта олмаяпти. Тили итоат қилмай қўйган. Лекин айтиш керак. Чу эса ҳеч нарса тушунмаётган нигоҳ-ла, чурқ этмай қараб турибди. Гарри тилини идора қилишга ултурмай, сўзлар оғзидан отилиб чиқди:

- Меланбалгаорасанми?

- Узр, тушунмадим, нима дединг?

- Мен... билан... балга борасанми?

Нега энди у айни шу пайтда қизариши керак, а? Нега?

- О! - хитоб килди қизараётган Чу, - О, Гарри, минг афсус. Мени таклиф қилишган.

Чэнгнинг қиёфаси чиндан ҳам афсус қилаётгандай кўринди.

- О, - дея олди Гарри.

Қизик, бир сония олдин ичидаги нарсалар илон каби тўлғаниб турган эди. Ҳозир эса ичи бўшлиққа айланаб қолди гўё.

- Ҳеч киси йўқ, - ўзини қўлга олди йигитча, - Жуда яхши.

- Минг афсус, - такрорлади Чу.

- Қўйсанг-чи, - елка қисди Гарри.

Улар бир-бирининг рўпарасида бир оз сукут саклаб туришгач, Чу гап бошлади:

- Ундей бўлса...

- Ха, - бош иргиди Гарри.

- Ундей бўлса, хайр, - ғулдиради баттар қизараётган Чу, нари кетиб.

Тилини тия олмаган Гарри Чунинг ортидан бақирди:

- Ким билан борасан?
- О... Седрик билан, - жавоб қайтарди қыз, - Седрик Диггори билан.
- А, тушундим.

Йигитчанинг ичидағи нарсалари ўз жойига қайтди. Бирок улар қайтиб келгунга қадар ичи гүё күргөшинг түлиб қолгандаі бўлди.

Тушликни мутлақо унугтан Гарри «Гриффиндор» минораси томон йўл олди. Ҳар бир қадамини босар экан, миясида Чунинг сўзлари такрор ва такрор янгради: «Седрик билан. Седрик Диггори билан». Сўнгги вактда Седрик Гаррига ёқа бошлиған эди-я. Седрик туфайли мағлубиятга учраган ўша квидиш ўйинини, барно йигит, халқ хуш кўрадиган Седриклигини, «Хогварц»нинг ҳақиқий чемпионликка даъвогари эканлигини унугтишга тайёр эди-я. Энди-чи? Седрик Гаррининг кўзига ҳатто тухум таглигини тухумга тўлдиришга мияси етмайдиган, ҳеч нарсага арзимайдиган барно йигитчадай кўриниб кетди.

- Хитой фонусчалари, - пўнғиллади у кеча алмаштирилган паролни Семиз Холага.
- Жуда тўғри, қадрдоним! - завқ-ла чинқирди Семиз Хола, бошидаги арча ёмғирининг бўллагидан тайёрланган янгиана лентачани текислаганча, минорага кириш туйнугини очиб.

Умумий меҳмонхонага кириб, атрофга аланглаган Гарри, нариги бурчақда ранги кулдан фарқ қилмай қолган Ронни кўриб таажжубланди. Жинна унинг ёнида ўтириб, аста тинчлантироқда.

- Тинчликми, Рон? - сўради Гарри, яқин бориб.

Рон даҳшат тўла нигохини Гаррига қаратди.

- Нега бундай қилдим, билмайман? Мени нима мажбур қилганини ўзим англамай қолдим!
- Нима қилдинг? - тушунмади Гарри.
- У... ҳозиргина... м-м-м... Флёр Делакёрни балга таклиф қилди, - тушунтирган бўлди Жинна.

Жинна акаси Роннинг қўлига енгилгина уриб-уриб қўйганча, далда бераётган бўлса-да, кулгиси қистаб, ёрилиб кетгудай ўтирибди.

- Нима?! - ишонмади Гарри.
- Мени нима мажбур қилганини ўзим англамай қолдим! - унсиз даҳшат-ла такрорлади Рон,
- Қандай жин урди мени?! Атроф одамга тўла эди! Аклдан озиб қолганимни ҳамма кўрди! Вестибиолда юриб, ёнидан ўтибман. У Дигтори билан гаплашиб турган экан. Шу пайтда нима бўлди-ю, мен, одам қуриб кетгандай, келиб-келиб ўшани балга таклиф қилибман!
- Рон инграб, кафтларини юзига босганча, сўзларини уқиб олиш қийин кечган бўлса-да, гапини давом этди.
- У менга худди чувалчангга қарагандай, қараб қўйди холос! Ҳатто жавоб қайтаришни ҳам ўзига эп кўрмади. Шундан сўнг, билмадим, эс-хушимни йиғиб олдим шекилли, қочиб кетдим.

- Ахир унинг томирларида вейла қони оқади-ку, - деди Гарри, - Сен ўшанда ҳақ айтган экансан. Унинг бувиларидан аллақайси бири вейла бўлган. Сехрли таёқчасининг таркибига ўша бувисининг бошидан олинган соч тутами киритилган. Шундай экан, сенда айб йўқ. Ёнидан ўтиб кетаётганингда у Дигторини сехрлаб қўймоқчи бўлган-у, бехосдан сенга таъсир ўтказган. Фақат у бехуда уринибди. Дигтори балга Чу Чэнг билан боради. Рон Гаррига савол назари билан қараб қолди.

- Ха, мен ҳозиргина уни таклиф қилган эдим, - тушунтириш берган бўлди Гарри, ифодасиз оҳангда, - Шундай жавоб қайтарди.

Жиннанинг юзидаги табассум барҳам топди.

- Ана холос, пишди гилос! - хитоб қилди Рон, - Фақат иккаламизгина жуфтсиз қолган бўлсак керак. Невиллни ҳисобга олмаганда, албатта. У кимни таклиф қилганини биласанми? Гермionани!

- Нима?! - қичкириб юборди Гарри.

Ушбу кутилмаган янгилик уни нохуш кечинмалардан чалғитди.

- Ана шунақа! - қулиб қўйди юзига ранг қайтган Рон, - Сехрли дамламалар тайёрлаш дарсидан сўнг, Невиллнинг ўзи айтди менга! Тушунтиришига қарaganда, Гермиона жуда меҳрибон, ўкув материалларини ўзлаштиришга ёрдам берадиган ва ҳоказо киз эмиш. Лекин Гермиона балга бошқа бирор билан борар экан. Ҳа! Ҳеч ҳам ундай эмас! У Невилль билан боргиси келмаган холос... яъни, айтмоқчиманки... ким ҳам борар эди у билан?

- Ундай дема! - гапни бўлди аччикланган Жинна, - Кулма унинг устидан...

Шу пайт портрет очилиб, меҳмонхонага Гермиона кириб келди.

- Нега тушлик қилгани тушмадингиз? - кизиқди у, болалар даврасига қўшилиб.

- Чунки... Ҳой, иккалангиз, бир пас кишинамай туринг! Чунки улар таклиф қилган қизлар иккаласига ҳам рад жавобини қайтариби! - маълум қилди Жинна.

Кулиб ўтирган Рон билан Гарри шу заҳоти унларини ўчиришди.

- Катта раҳмат, Жинна, - деди Рон, башарасини буриштириб.

- Демак, Рон, қадди-комати келишган чиройли қизлардан қуруқ қолибсизлар-да, а? - кибрла сўради Гермиона, - Элоиза Мошкар кўз ўнгингда борган сари чиройлилашиб кетаётган бўлса керак ҳойна-ҳой, шундайми? Сиз билан балга борадиган бирор-бир қизни бирон жойдан албатта топишларингга шубҳа қилмайман.

Лекин Рон Гермионага худди уни мутлақо бошқа тусда кўриб қолгандай қараб қолди.

- Қулоқ сол, Гермиона, Невилль чиндан ҳам хақ гапирган экан... Ахир сен ҳам қиз боласан-ку...

- Қаранг-а, қандай аниқ хулоса, - чақиб олди Гермиона.

- Шундай экан, иккаламиздан биримиз билан боришинг мумкин!

- Йўқ, мумкин эмас, - жеркиб берди Гермиона.

- Қўйсанг-чи, Гермиона, - қўл силтади Рон, - Иккаламизга ҳам жуфт керак. Ҳамманинг жуфти бўлса-ю, бизда бўлмаса, ғирт аҳмоклардай кўринамиз...

- Мен сизлар билан бора олмайман, - такрорлади Гермиона кутилмаганда қизариб кетиб, - Чунки мени таклиф қилишган.

- Таклиф қилишмаган! - бакирди Рон, - Сен бу гапни Невиллдан холос бўлиш учунгина айтгансан!

- Наҳотки?! Агар сенга, Рон, - тишлари орасидан вишиллаб жавоб қайтарди Гермиона, - Мен ҳам қиз бола эканлигимни англаш учун уч йил керак бўлган бўлса, бошқаларга ҳам шунча вакт керак бўлишини англатмайди!

Рон Гермионага бир оз бакрайиб турди-да, сўнг боз қулиб қўйди.

- Яхши, яхши, сен қиз боласан, энди аниқ биламиз, - тинчлантиргандай гап бошлади у, - Кўнглинг жойига тушди-ми? Хўш, энди борасан-ми, биз билан?

- Кулогинг оғир-ми, Рон?! - жаҳли қилди Гермиона, - Мен таклиф килинганман, дедим-ку! У шартта ўрнидан турди-да, қизлар ётоқхонасига олиб чиқадиган зинапоя томон югуриб кетди.

- Ёлғон гапиряпти, - ишонч-ла баёнот қилди Рон, Гермионанинг орқасидан қараб қолиб.

- Йўқ, - хотиржам эътироz билдирид Жинна.

- Хўш, ким экан ўша таклиф қилган йигит? - дағал оҳангда сўради Рон.

- Буни маълум қилиш менинг ваколатимга кирмайди. Бу унинг иши, - рад этди Жинна.

- Жуда соз, - деди ростакамига довдираб қолган Рон, - Буларнинг бари ғирт аҳмокликнинг ўзгинаси бўлди-қолди. Хўп, майли, Жинна, сен Гарри билан боришинг мумкин, мен эса...

- Йўқ, бора олмайман, - хитоб қилди Жинна, ранги қизариб, - Мен Невилль билан бораман. Гермиона рад этгач, у мени таклиф қилди. Мен эса... ўйлаб кўриб... рози бўлдим. Балга боришининг бошқа йўли йўқ, мен ахир тўртинчи синфда ўқимайман-ку.

Маъюс қиёфа касб этган Жинна ўрнидан туриб, чиқиш туйнуги томон равона бўлди. Кўзи чаноғидан чиқиб кетгудай бўлиб қолган Рон Гаррига юзланди.

- Нима бўлган уларга, а?

Гарри эса умумий меҳмонхонага кириб келган Парватти билан Лавандага қараб қолди.

Қатъий чоралар кўриш вақти етди.

- Шу ерда қилт этмай ўтири, - амр килди у Ронга ва шартта ўрнидан туриб, тикка Парваттининг ёнига борди.

- Парватти? Мен билан боришни истайсан-ми?

Таклифни эшитган Парваттининг хиринглаш хуружи тутиб қолди. Гарри чўнтағидаги бармоқларини кесиштириб, хуружнинг ўтиб кетишини сабр-ла кутиб турешга мажбур бўлди.

- Ха, майли, бораман, - ниҳоят жавоб қайтарди Патил, ранги тўқ кизариб.

- Раҳмат, - енгил тортибди Гарри, - Лаванда? Сен-чи, Рон билан борасан-ми?

- У Симус билан боради, - жавоб қайтарди Патил Брауннинг ўрнига.

Иккала қизнинг хиринглаш хуружи боз тутиб қолди. Гарри оғир хўрсишиб қўйди.

- Рон билан боришга рози бўладиган бирон-бир қизни билмайсан-ми? - сўради у, Рон эшишиб қолмаслиги учун паст овозда.

- Гермиона Грэнжер? - таклиф қилди Парватти.

- Йўқ, уни бошқа бирор таклиф қилибди.

Бундай янгиликни эшитган Патил анграйиб қолди.

- О-о-о... Ким экан у?

Гарри елка қисди.

- Тасаввуримга ҳам сиғдира олмайман. Хўш, Рон масаласида нима дейсан?

- Балки... эгиз синглим Пэтил борар, - чўзиб фикр билдириди Патил, - Танийсан-ми уни? «Равенкло»да ўқийди. Мен ундан сўраб кўраман.

- Зўр иш бўлар эди, - деди Гарри ифодасиз, - Жавобини олгач, менга айтарсан, хўп-ми? Ушбу аҳмокона бал шунча ташвишга арзимаслигини ўйлаган Гарри, ишқилиб Пэтилнинг бурни қийшиқ бўлмай, юзининг ўртасида, тўғри жойлашганлигига умид қилганча, Рон томон равона бўлди.

XXIII БОБ.

РОЖДЕСТВО БАЛИ

Тўртинги синф ўқувчиларига таътил давомида бажариладиган уй вазифалари мисли кўрилмаган даражада кўп берилганига қарамай, Гарри, семестр ниҳоясига етгач, китоб ўқиши ёки бир нарсалар ёзиб ўтиришга ўзини мажбур қила олмай, Рождество байрамига қадар қолган бир ҳафта вақтни эл қатори, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлиб ўтказди. Таътил даври бошланган бўлса ҳам «Гриффиндор» минорасидаги одам сони камайгани йўқ, аксинча, унда истиқомат қиласиганларнинг фаоллиги семестр даврига нисбатан анча ошиб кетганлиги учун бўлса керак, миноранинг ўзи тор бўлиб қолгандай туюлди.

Эгизаклар ихтироси – канарейка қандларига бўлган эҳтиёж жуда ошиб кетди. Таътилнинг илк кунлари хар дакиқада кимдир алданиб, патларга бурканиб қоладиган бўлиб қолди. Бироқ кўп ўтмай халойиқнинг огоҳлиги ошиб, ҳавола этиладиган маҳсулотларга эҳтиёткорона муносабат билдирадиган, ичидан канарейка қандларини қидирадиган бўлиб қолди. Шунда Фред Гаррига Жорж иккаласи яна бирон-бир янгилик ихтиро қилишга уриниб кўришларини възда қилди. Гарри шу захоти миясига эгизаклар қўлидан, ҳатто печенье бўлсин, олмаслик кераклигини ёзиб қўйди. У ҳалигача бир пуд тил помадкаси-ю, нокас Дудлининг аҳволини унугани йўқ.

Қаср ҳам, мактаб ҳовлиси ҳам оплок кор кўрпасига бурканган. Хагриднинг қор босиб, пряникка ўхшаб қолган кулбаси якинидаги бэльстэкчиларнинг хира мовий араваси кузда узилмай, эгатда қолиб, музлаб қолган йирик ошқовоққа ўхшайди. Дурмштрангчилар кемасининг иллюминаторларини муз қоплаб, абзал-арқонлари оқариб кетган. Уй эльфлари ҳар куни иссиққина димланган гўшт, нимтатир пудинг каби турли-туман мазали ва жуда тўйимли таом узатишади. Фақат Флёр Делакёргина норозилик билдириш учун важ-баҳона топади.

Кунлардан бир кун кечки овқатдан сўнг, Катта Залдан чиқаётган болалар унинг нолишини эшишиб қолишиди. Флёр кўриб қолмаслиги учун Рон тиззаларини букиб, Гаррининг ортига бекиниб олган бўлди.

- «Хогвағц» овқатлағи биғам оғығ, ҳазм бўлиши биғам қийин-ки, пағад кийимимга сиғмай қоламан, деб қўғқаман.
 - Қаранг-а, қандай фожиа! - жаҳл қилди Гермиона вестибюлга чиқиб кетган Делакёрнинг ортидан қараб, - Овқат оғир-у, парад кийимиға сиғмай қолар эмиш! Ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйиб юбормади-ми, ушбу хоним?
 - Гермиона, балга ким билан борасан? - бемаврид сўраб қолди Рон.
- Ушбу саволни Рон энг кутилмаган фурсатларда беравериб, чарчамади. Шу тариқа у, Гермионанинг оғзидан гап чиқиб кетишига умид қилади чоги. Гермиона эса қошини чимириб, ҳар сафар:
- Айтмайман, устимдан куласиз, - дея жавоб қайтаради.
 - Ҳазиллашяпсан-ми, Уэсли? - гапга аралашди ҳалойик орасида болалар ортидан келаётган Малфой, - Кимнингдир юраги бетлаб, мана буни балга таклиф килган, демоқчимисан? Ҳар кимни таклиф қилиш мумкин-у, фақат мана шу сўйлоқ тишли маглаваччани эмас!
- Гарри билан Рон турган жойида Малфой томон юзланди, Гермиона эса қўлини кўтарганча, Малфойнинг орқа томонига силтаб:
- Салом, профессор Хмури! - деб қўйди.
- Ранги бир зумда докадай оқариб кетган Малфой четга иргиб чиқиб, қўзлари ола-кула бўлганча, атрофга аланглаб чиқди. Лекин Хмури ҳалигача Мўътабар Стол ортида, димланган гўшт билан овора бўлиб ўтирибди.
- Юрак деган нарсадан асар қолмабди-ку, сассиқкузан Малфой! - хulosha чикарди Гермиона Малфойни ҳалқ олдида ер билан битта қилиб.
- Гарри, Рон ва Гермиона ҳалойикка қўшилиб ҳандон отганча, ҳашаматли мармар зинапоядан юкорига кўтарилди.
- Гермиона, - кутилмаганда қошини чимириди Рон, - Тишинг...
 - Тишимга нима қилибди?
 - М-м-м... бир оз ўзгарибди... Мен энди аҳамият берибман...
 - Ўзгарган, албатта. Нима, Малфой ўстириб юборган ҳолатича қолишини истаганимдинг?
 - Йўқ, айтмоқчиман-ки, ҳали қарғиш қўлланилмаган ҳолатига нисбатан ҳам бошқачароқ кўринмоқда... қандайдир тўғри... ва меъёрий ўлчамга келиб қолибди.
- Гермиона кутилмаганда айёrona кулиб қўйди. Гарри ҳам, ушбу табассум илгариги табассумдан анча фарқ қилаётганига эндиғина эътибор қаратди.
- Гап шундаки, ўшанда... тишимни қисқартириш учун Помфри хонимнинг ҳузурига борганимда, у, қўлимга кўзгу ушлатиб қўйиб, тишим олдинги ўлчамини касб этиши билан айтишимни амр қилди. Мен Помфри хонимнинг муолажа ҳаракатини сал кечроқ тўхтатдим, - деди Гермиона янада кенг табассум қилиб, - Ойим билан дадам бундан хурсанд бўлишларига шубҳа қиламан, албатта. Мен улардан миллион йилдан буён тишимни қисқартириб олишга ижозат сўраб юрган эдим. Улар эса тиш ҳалқаларини тақиб юришимни талаб қиласверишиди. Тушуняпсиз-ми, иккаласи ҳам тиш даволовчи шифокорлар бўлиб, тиш даволаш тушунчаси билан сехр-жоду тушунчаси ҳар хил нарсалар, деганча... Қаранг! Чўчинтель қайтиби!
- Зинапоянинг эrimas қор учкунлари бостирилган панжараси устида канотчаларини ҳилпиратган миттигина бойқуш кўринди. Унинг панжасига пергамент ўрами боғланган. Ёнидан ўтаётган ўқувчилар қушчага бармоқ ўқтаб қулишди. Учинчи синф ўқувчи кизлари эса тўхтаб:
- Миттилигини қаранг! Ажойиб! - дейишганча бир пас томоша ҳам қилишди.
 - Пат қоплаган тентак! - вишиллади зинапоя бўйлаб юргурган Рон, қушчани тутиб олиб, - Хатни келтиргач, томоша кўрсатиш эмас, манзилда кўрсатилган шахсга етказиш керак, тушундинг-ми?
- Роннинг муштидан бош чиқарган Чўчинтель завқ-ла сайраб, жавоб қайтарди. Учинчи синфнинг ўқувчи кизлари эса серрайиб қолишли.
- Йўлингиздан қолманг! - баддослади Рон, Чўчинтельни ушлаган мушти билан дағ-дага қилиб.

Бахтиёргининг чеки кўринмаган Чўчинстель баттар сайрашга тушди. Ўкувчи қизлар нафсонияти ҳақоратланган қиёфа касб этишганча, нари кетишиди. Рон Сириусдан келган хатни күшча панжасидан ечиб, Гаррига узатди.

- Ушла, Гарри.

Гарри хатни олиб, чўнтағига соглаш, учовлон «Гриффиндор» минораси томон ошиқди. Умумий меҳмонхонадаги гриффиндорчилар ўзи билан ўзи овора бўлиб, бироннинг бирор билан иши йўқ. Учовлон ҳаммадан нарида, аста-секин қор босиб, кўмилаётган коронғи дераза яқинига жойлашиб олгач, Гарри овоз чиқариб ўқиди:

Қадрли Гарри!

Биринчи мусобақани муваффақият-ла яқунлаганинг билан чин юракдан табриклайман! Сенинг аризангни Отали жомга ким ташлаганини билмайман-у, ҳозир у роса алам қилиб юрганига шубҳа қилмайман! Аждарнинг энг нозик жойи кўзи бўлгани учун сенга Кўр қилиш қаршишини маслаҳат бермоқчи эдим...

- Крум қўллаган қарғиш! - пиҷирлади Гермиона.

... лекин сен ундан-да зўр йўлини топибсан, қойил.

Бироқ сергакликни сусайтирма, Гарри. Бу атиги биринчи синов эди холос. Сени Уч сеҳгар беллашувига жалб этган касларнинг, агар улар хоҳлашса, сенга зиён етказиши имкониятлари ҳали жуда кўп. Кўзингни очиб юр, айниқса, мен айтган киши яқин-атрофингда ивирсиб юрганида. Ноҳушликларга аралашиб қолишидан огоҳ бўл. Гайриоддий нарсалар рўй бериши билан ёзиб юбор.

Сириус.

- Худди Хмурининг: «Бетиним сергаклик талаб этилади!», деган гапига ўхшайди, - хулоса чиқарди Гарри, хатни ички киссасига бекитар экан, - Гўё мен кўзимни боғлаб олиб, қаср деворларига тинмай урилиб-туртилиб юраман...

- Бироқ Сириус ҳақ, Гарри, - деди Гермиона, - Сени ҳали бир эмас, иккита синов кутмоқда. Тухум устида бош қотириш, унинг сирини аниқлаш вақти етди, назаримда...

- Гермиона, унинг ихтиёрида ҳали яна юз йил бор! - гапни кесди Рон, - Гарри, бир шахмат суришмаймиз-ми, а?

- Суришамиз, - бажони дил рози бўлди Гарри ва Гермионанинг юзига караб, қўшиб қўйди,

- Гермиона, дўстим, бундай тўс-тўполонда қандай қилиб тухум устида бош қотиришим мумкин, а? Ҳозир унинг чийиллашини ҳам эшитмайман-ку, ахир.

- Ҳа, эшитмайсан, - хўрсинди Гермиона ва Роннинг атиги иккита ўта довюрак пиёда ва битта шафқатсиз фил воситасида Гаррини ажойиб тарзда мот қилишини томоша қилиб ўтириди.

Рождество куни эрталаб Гарри кутилмаганда уйғониб кетди. Ширин тушлар дунёсидан бунчалик тез қайтганининг сабабини тушунмаган бола кўзини очиб, коронғида бир жуфт яшил тусли катта-катта кўз бурнига деярли тақалганча, бакрайиб яркираётганини кўрди! Орқага куч билан тисланар экан, каравотидан қулаги тусишига бир баҳя қолди.

- ДОББИ! - қичқириб юборди Гарри, - Қайта ундей қила кўрма! Кўркиб кетганимдан сийиб қўйишимга сал қолди-я!

Узун бармогини оғзига босган эльф нари сакради.

- Добби узр сўрайди, сэр! - айборд оҳангда гичирлади у, - Добби Гарри Поттерга масур Рождество тилагани ва совға хадя этгани келди холос, сэр! Гарри Поттер Доббига баъзан меҳмонга келиб туришга ижозат берган эди, сэр!

- Яхши, яхши, - деди Гарри, ҳалигача ҳансираётган бўлса-да, юрак уриши ўз меъёрига қайтаётганини хис этиб, - Ишлар жойида. Факат келаси сафар мени туртиб ёки яна бирон

бошқача тарзда уйготгин. Устимга бундай осилиб олма...

Гарри чодирининг пардасини очиб, каравотининг ёнидаги жавонча устида ётган юмалоқ кўзойнагини олиб тақди. Қичкириғи билан Рон, Симус, Дин ва Невиллни уйготиб юборибди. Тўртовлон чўчиганча, кўзлари ишиб, чодирларидағи парда тиркиши орқали қараб ўтирибди.

- Сенга бирортаси ҳамла килди-ми, Гарри? - сўради Симус уйқусираб.

- Йўқ, Добби меҳмонга келибди, - ғудуллади Гарри, - Ухлайверинг.

- А-а... Совғалар! - деди Симус, каравотининг оёқ томонига терилган бўхчаларга қараб. Рон, Дин ва Невиль энди уйқу келмаслигига ишончлари комил бўлган кўринади, ўз совғалари билан машғул бўлишди. Гарри каравотда иккиланиб, хижолат чекиб турган, бошидаги чойнак ғилофининг илгагидан кичкинагина арча ўйинчоғи осилиб тушган Доббига юзланди.

- Добби ўз совғасини Гарри Поттерга совға қилиши мумкинми? - тортиниб сўради эльф.

- Мумкин, албатта, - деди Гарри, - Менда эса сен учун... м-м-м... совға бор.

У ёлғон гапирди. Аслида Гарри Добби учун хеч нарса харид қилмаган. Шунга қарамай, ўрнидан туриб сандигини очди-да, Вернон амакининг бир жуфт хантал рангли эски, туриш-битмиши сикмалардан иборат, копток сифатида ўралган пайпогини чиқарди. Ушбу сикмаларни Гарри, бир йилдан ошиқ вақт давомида оғатскопни пайпоқ ичида саклаш учун ишлатиб келган. У пайпоқ ичидан чиқарган оғатскопни сандиққа ташлаб, «совға»ни Доббига узатди.

- Маъзур санайсан, Добби, уни совға кўринишида қадоклашни унутиб қўйибман.

Добби роса завқланиб кетди.

- Жамики кийимлар орасида, сэр, Добби жуда-жуда яхши кўрадиган кийим, пайпоқdir! - чинқирди у, ўзининг пойма-пой пайпогини ечиб, Вернон амакининг пайпогини кияр экан,

- Шуниси билан еттиба бўлади, сэр... бироқ... сэр... - деди эльф, шортига қадар етган пайпоққа қарар экан, кўзлари янада катта очилиб, - Дўконда англашилмовчилик бўлган кўринади, сэр. Сотувчи Гарри Поттерга иккита бир хил пайпоқ берибди-ку!

- Каңдай даҳшат, Гарри, шунчалик ношудмисан, а? Наҳотки шундай содда нарсага эътибор қаратмаган бўлсанг! - иршайди Рон, совға-салом қадоклаш қоғозларининг уюмига тўлган каравоти ортидан, - Добби, мана сенга яна бир жуфт пайпок. Уларнинг пойларини алмаштиранг, пайпокнинг иккита тўғри жуфтига эга бўласан. Мана бу эса мен сенга ваъда қилган свитер.

Рон Доббига миссис Уэсли юборган бинафша ранг пайпоқ ва кўлда тўқилган свитерни ташлади. Добби эса ниҳоятда ҳаяжонланиб кетди.

- Сэр бехад меҳрибон! - деди кўзлари ёшга тўлган эльф, чуқур таъзим қилганча, - Гарри Поттернинг дўсти саналган сэр буюк сеҳргар эканлигига Добби хеч качон шубҳа қилмаган. Лекин сэрнинг бунчалик сахий, олижаноб ва бегаразлигидан Добби бехабар экан...

- Бу атиги пайпоқ эди холос, - деди кулоклари кизариб кетган, бироқ эльфнинг сўзларидан миннатдор Рон, - Вой-бўй, Гарри! Зўр-ку! - хитоб қилди у, «Отар замбараклар» жамоасининг Гарри совға қилган шляпасини очиб.

Рон шляпани бошига кийгач, ранги сочининг рангига мос келмаслиги кўзга ташланди. Энди навбат Доббига етди. Эльф Гаррига кичкинагина тугунча узатди. Унда ҳам пайпоқ бор экан.

- Добби уни ўзи тўқиган, сэр! - баҳтиёр овоз-ла эълон қилди эльф, - Жундан йигирилган ипни Добби ўз иш ҳаки хисобидан харид қилди, сэр!

Пайпокнинг чап пойи тўқ қизил бўлиб, супургиларнинг расми, ўнг пойи яшил бўлиб, Тилла чакқонлар расми солинган.

- Ажойиб... Добби... ажойиб, катта раҳмат сенга, - миннатдорлик билдириди Гарри, иккала пойни оёғига кийиб.

Баҳтиёр Добби эса янада яшнаб кетди.

- Ижозатингиз билан Добби иш жойига қайтиши керак, сэр. Биз эльфлар Рождество

шарофатига бериладиган кечки зиёфатни тайёрлашга ҳозирдан киришиб кетганмиз, сэр! Добби Рон ва бошқаларга қўл силтаб хайрлашганча, ётоқхонани тарк этди.

Бошқа совғалар, Дурсларнинг совғасидан ташқари, албатта, Доббининг пойма-пой пайпоғидан кўра анча қизиқ бўлди. Қоғоз дастрўмол юборган Дурслар афтидан бир пуд тил помадкасини ҳеч унута олмаган кўринади. Гермиона «Британия ва Ирландия квидиш жамоалари» китобини, Рон бир пакет гўнг бомбасини, Сириус ҳар қандай кулфни очиш ва ҳар қандай тугунни ечиш мосламаларига эга ниҳоятда кулай пичокчани совға килибди.

Хагрид эса Гарри ёқтирадиган барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоқлари, Друблис иширсақичлари, вишиллайдиган «тук арилар» каби турли-туман шириналларга тўла жуда катта қути жўнатибди. Турган гапки, тугунлар орасида миссис Уэсли юборган янгигина, афтидан Чарлининг тиканак думли аждар ҳакида ойисига батафсил берган маълумотлари асосида тўкилиб, кўкрак соҳасида аждар расми солинган яшил жемпер ва бир олам гўштли сомсадан иборат совға бор.

Гарри ва Рон Гермиона билан умумий меҳмонхонада учрашиб, нонушта қилгани Катта Залга бирга тушишди. Куннинг биринчи ярмини учовлон «Гриффиндор» минорасида ўтказиб, ҳар бири ўз совғалари билан овора бўлди. Сўнг яна Катта Залга тушиб, ажойиб тушлиқдан баҳраманд бўлди. Дастурхонга бир дунё куркалар, Рождество пудинглари ва сехрли қарта крекерлари тортилган. Тушлиқдан сўнг болалар ховлига чиқишли.

Бэльстэкчилар билан дурмштрангчиларнинг ўз маконларидан қаср томон юриб келган чуқур изларини хисобга олмаганда, қалин қор кўрпаси мутлақо тегилмаган. Гарри билан Рон бошлаб берган қорбўрон ўйинига Гермиона кўшилмади. У бир четда томоша қилиб турди-да, соат беш бўлгач, қасрга қайтиб, балга ҳозирлик кўришини маълум қилди.

- Роса уч соат ҳозирлик кўришинг керакми? - ҳайрон бўлди Рон, оғзи очилиб ва анграйгани учун шу заҳоти Жорж улоқтирган қор тўпини бошига еди, - Балга ким билан борасан? - бакириб қолди у, Гермионанинг ортидан.

Бироқ Гермиона, ушбу саволни боз жавобсиз қолдирди. У қўлини силтаганча, тош зинапоядан кўтарилиб, қасрга кириб кетди.

Бал ўз ичига зиёфатни ҳам мужассам этгани боис, бугун чойхўрлик бўлмади. Нишонга олиб отиш қийинлашиб қолгач, қор муҳорабасини бас қилган болалар соат еттида умумий меҳмонхонага йўл олишди. Семиз Хола биринчи қаватлик дугонаси Виолетта билан ўтирибди. Расм полида ётган ликёри шоколад қандларидан бўшаган қутилар уюмига караганда, иккала хонимнинг кайфи анчагина ошиб қолган кўринади.

- Хитой фонусчалари, дейсизми? - сўради паролни эшитган Семиз Хола хиринглаганча, минора туйнугини очиб, - Айнан шу нарса етишмай турибди-да!

Гарри, Рон, Симус, Дин ва Невилль ётоқхонага кўтарилиб, парад кийимларини кийишиди-ю, шу заҳоти уялинкираб қолишли. Айникса бурчакка осиб кўйилган кўзугуга қараб, башараси буришиб кетган Рон ўзини жуда нокулай сезди. Унинг тўқ қизил рангли духобадан тикилган узун парад кийими нимаси биландир аёллар кўйлагига ўхшаб кетаётганига эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Уни эркак кийимига ўхшатишига уринган Рон Юлиб ташлаш афсунини қўллаб, енглар ва ёқанинг гардишидаги йўсин босган тўрларни юлиб юборди. Бироқ афсунни дағал қўллаган шекилли, кийимнинг тўзиган четлари попилтирикка ўхшаб қолди. Илож қанча, шу туришда пастга тушаверди.

- Тенгқурларимиз орасидаги энг чиройли кизларга қандай эриша олдингиз, ҳеч ақлим етмаяпти, - вайсади Дин.

- Гайри шуурий жозиба кор берди, - деди хўмрайиб олган Рон, енгидан осилиб тушган ипни узиб.

Одатий қора кийим ўрнига ранг-баранг кийинган халойиққа тўлган умумий меҳмонхона мутлақо ўзгача кўринди. Парватти Гаррини зина бўсағасида кутиб турибди. Пушти коржома кийган, кокиллари тилла билан безатилган, билагида билагузуклар яркираётган Патил чиндан ҳам жуда чиройли кўринмоқда. Унинг хиринглаш хуружи тутиб қолмаганлигини кўрган Гарри ўзини анча енгил хис этди.

- Сен... м-м-м... жуда чиройлисан, - ўнгайсиз хушомад килди Гарри.

- Рахмат, - бош ирғиди Патил, - Пәтил сени вестибюлда кутади, - қүшиб қўйди у, Ронга мурожаат қилиб.
- Яхши, - ғудуллади Рон, атрофга қараб, - Гермиона қани?
- Парватти елка қисиб қўйди.
- Пастга тушамиз-ми, Гарри?
- Кетдик, - деди умумий меҳмонхонада қолишни ҳали бу қадар қаттиқ истамаган Гарри. Бироқ илож қанча, портрет тўсиб турган туйнук томон юришга мажбур. Фред унга далда бергандай, кўз қисиб қўйди.
- Вестибюль ҳам соат саккиз бўлиши-ю, Катта Залнинг эшиклари очилишини кутиб турган ўқувчиларга тўлган. Таклиф қилган жуфти бошқа фақультетда таҳсил кўрадиган ўғил болалар ўз жуфтини қидирганча, халойик ичиди туртиниб-суртиниб юрибди. Патил синглиси Пәтилни топиб, Гарри билан Роннинг ёнига етаклаб келди. Иккала киз бирбирига икки томчи сувдай ўхшайди. Фақат Пәтил опаси Патилдан фарқли ўлароқ, эгнига фируза рангли кўйлак кийган.
- Салом, - кўришишди Пәтил.
- Салом, - жавоб қайтарди Рон Пәтилга қиё бокмай, атрофга аланглаганча, - О, йўқ... У Гаррининг орқасида турганча, яна тизза букиб бекиниб олган бўлди. Болаларнинг ёнидан «Равенкло» квидиши жамоасининг сардори Рожер Дэйвис ҳамроҳлигида кумуш-кул ранг кийим кийган Флёр Делакёр кўзни қамаштириб ўтди. Иккалasi ўтиб кетгач, қаддини тиклаган Рон боз сўради:
- Гермиона қаерда экан, а?
- Қасрнинг ер ости йўлакларидан Малфой бошчилигидаги слизеринчилар гурухи чиқиб келди. Ёқаси кўтарилиган кора духоба коржома кийган Малфой нимаси биландир викиарийга ўхшаб қолибди (*Викарий – православлар черковида архиерей ёрдамчиси, ўринбосари саналса, католиклар черковида епископ ёки поп ёрдамчиси, ўринбосари саналади*). Эгнига сербурма оч пушти кўйлак кийган Панси Паркинсон Малфойнинг кўлидан тутиб, елкасига ёпишиб олган. Яшил кийим кийган Краббе билан Гойлнинг эса йўсин қоплаган харсанглардан фарки қолмаган. Иккалasi ҳам ўзига жуфт топа олмаганини Гарри ўзига ўзи мамнун таъкидлаб қўйди.
- Қасрга олиб кирадиган асосий эман эшик очилгач, барча ўқувчилар бошини буриб, профессор Каркаров бошчилигидаги дурмштрангчилар кириб келишини томоша қилишди. Биринчи бўлиб, мовий коржома кийган, Гарри танимайдиган аллақандай чиройли қиз билан бирга Виктор Крум кириб келди. «Дурмштранг» ўқувчиларининг боши узра, Гарри, қаср олдида майсазорнинг бир қисми жуда кенг гротга айланиб қолгани, сехрланган буталарга осилган, Кор бобо ва унинг буғуларини безаб турган хитой фонуслари ва қанотчаларини пирпиратиб турган минглаб хақиқий соҳираларни кўрди (*Гром – денгиз қирғогидаги тик қояларда ҳосил бўладиган гор ва шунга ўхшаши сунъий горлар*).
- Кутилмагандан профессор Макгонагаллнинг овози янгради:
- Чемпионликка даъвогарлар, бу ёкка, илтимос.
- Яшнаб кетган Парватти билагузукларини тўғрилашга киришишди. Гарри иккалasi Рон билан Пәтилга «Кечрок учрашамиз», деб қўйиши-да, эшик томон олға илгарилашди. Жонли сухбат кураётган болалар четга сурилиб, уларга йўл беришди. Эгнига қизил тусли катак гулли парад коржома, бошига эса четлари қушқўнмаснинг хунук баргаги билан безатилган шляпа кийган профессор Макгонагалл улардан, токи ҳамма Катта Залга кириб олгунга қадар, эшик олдида кутиб туришни илтимос қилди (*Эслатма: Қушқўнмас – тиканли ёввойи ўсимлик*). Чемпионликка даъвогарлар Катта Залга ўз жуфтлари билан бирга, ҳамма ўз жойини эгаллаб бўлганидан сўнг киришлари керак экан. Флёр Делакёр билан Рожер Дэйвис эшикка яқин туришибди. Флёрга жуфт бўлишдек қисматдан ҳаяжонланиб кетган Дэйвис Флёрдан кўз уза олмаяпти. Седрик ва Чунинг ёнида турган Гарри, улар билан сухбат куришга мажбур бўлмаслик учун кўзини четга олиб, Крум билан бирга келган қиз томон қаради-ю, оғзи очилиб, жаги осилиб қолди.
- Гермиона-ку!

Гермиона ўзига ўзи мутлақо ўхшамай қолибди. Одатда, хурпайиб турадиган соchlарини нимадир қилибди шекилли, силлик тортиб, чиройли тугунча шаклида бошининг орқасига турмаклабди. Эгнига учқунланиб турган бўригул рангли кўйлак кийган Гермионанинг қомати, елкасига йигирматача китоб солинган юк халта осилмаганидан бўлса керак, ҳозир тамоман бошқача кўринмоқда. У Гаррига қандайдир асабий кулиб қаради. Ўлчами кичрайтирилган бир текис тишлари чиройли яркиради. Қизик, нега Гарри буни илгари сезмаган экан, а?

- Салом, Гарри, - кўришишди у, - Салом Парватти.

Парватти Гермионага у қадар манзур бўлмаган нигоҳ-ла бакрайиб қолди. Бундай қиёфани фақат Патилнинг юзигина касб этмаган. Катта Залнинг эшиги очилгач, кизларнинг «Крум мухлисалари клуби» Гермионага ҳасад ва нафрат уйғунлашиб кетган нигоҳлари билан ўқрайиб ўтди. Малфой билан бирга ўтиб, Гермионага кўзи тушгач, ларзага келган Панси Паркинсонни хиқичоқ тутиб қолишига сал қолди. Ҳатто гапга тўн кийдирадиган Малфой ҳам сўз топа олмай қолди. Рон эса аксинча, Гермионага қиё ҳам бокмай ўтди.

Катта Залга киргланларнинг ҳаммаси ўз жойини эгаллагач, профессор Макгонагалл чемпионликка даъвогарларга ўз жуфтлари билан бирга саф тортиб, ичкарига киришга ижозат берди. Улар айтилган тарзда ичкарига киришлари ҳамоно гулдурос қарсаклар янгради. Тантана қаҳрамонлари залнинг нариги бошига ўрнатилган, атрофида ҳакамлар ўтирган катта тўғарак стол томон йўл олишди.

Катта Зал деворларини кумуш тусли ялтироқ қиров қоплаган, ситоралар сочилиб кетган коп-қора шифтни эса печак ва омеладан тўқилган юзлаб маржонлар безаб туриби.

Коллежларнинг узун столлари ўрнига ўртасида фонус ёниб турган, ҳар бири ўн икки кишига мўлжалланган кичик ўлчамли столлар ўрнатилган.

Гарри имкон қадар қоқилиб кетмасликка уринаётган бўлса, Парватти рўй бераётган ҳодисадан завқланиб, ҳаммага табассум улашганча, Гаррини шу қадар шаддодлик билан етаклаб кетмоқдаки, бола ўзини кўргазмага олиб чиқилган хизмат итидай хис этди.

Чемпионликка даъвогарларни қарши олаётган Дамблдор хурсанд. Крум билан Гермионани кузатиб ўтирган Каркаровнинг юзидаги қиёфа Роннинг қиёфасидан зигирдай бўлсин, фарқ килмаяпти. Байрам шарофатига сарик юлдузлар тасвири солинган тўқ қизил коржома кийган Людо Шульман мактаб ўкувчиси каби завқ билан қарсак урмоқда. Қора шойи кўйлагини бугун янада чиройли, товонигача солиниб турган лаванда рангли шойи кўйлакка алмаштирган Максим хоним эса назокатли қиёфа ила чапак чалмоқда. Мистер Сгорбс эса бугун йўқ. Ҳакамларнинг бешинчи курсисини Перси Уэсли эгаллаган ([Лавандада – ҳаворанг ёки бинафшаранг гулли, ҳушибўй, доим яшил ўсимлик](#)).

Бал қаҳрамонлари ўз жуфтлари билан асосий столга яқин келишлари ҳамоно тўқ кўк рангли яп-янги парад коржома кийиб, ўзидан фавқулодда мамнун Перси ёнидаги курсини тортиб чиқариб, Гаррига маъноли қараб қўйди. Гарри ишорани англаб, Перси томон юрди.

- Мени хизмат поғонаси бўйича юқори лавозимга кўтаришди, - деди Перси худди

Оlamнинг Бош Ҳокими этиб тайинланганлигини тантанавор эълон қилаётгандай, - Энди мен мистер Сгорбснинг шахсий ёрдамчисиман. Ушбу тадбирда эса унинг номидан иштирок этмоқдаман.

- Ўзи нима учун келмади, - сўради Гарри бутун оқшом туби қалин-юпқа қозонларга доир маъруза эшитишга руҳан ҳозирланиб.

- Афсуски, мистер Сгорбснинг тоби кочган, ўзини жуда ёмон хис этмоқда. Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйинидан буён шу ахвол. Бунинг хеч ажабланарли жойи йўқ, албатта. У қаттиқ чарчаган. Ёши ҳам анчага бориб қолди. Шундай бўлса-да, илгаригидай зўр раҳбар, хотираси яхши, заифлашгани йўқ. Финал ўйинини ташкиллаштириш тадбирлари жамики вазирлик учун муваффакиятсиз кечди. Бунинг устига ўзининг уй эльфи, лақаби Бинки-миди, итоат этмай қўйгани боис мистер Сгорбс руҳий изтироб чекди. Табиийки, эльфни шу заҳоти ишдан бўшатиб юборди. Лекин ҳаёт давом этяпти, яшаш керак. Қария парваришга муҳтож. Назаримда, уй эльфини хайдаб юборганидан сўнг, у жуда ноқулай ҳаёт кечирмоқда. Биз эса Уч сеҳргар беллашувини

ташкыллаштиришимиз, Кубок финалиниң салбай оқибатларига барҳам беришимиз даркор. Анави жирканч Рита Вритең эса атрофимиңда хира пашшадай аймасиб юришини күймайди. Йўқ, ким нима деса десин-у, бечора қария Рождествоңи беташвиш, хотиржам ўтказишга ҳақли. Дамини олсин. У кимга таяниш мумкинлиги, ташвиш чекишга йўл күймайдиган, йўклигини билдиримай ишлайдиган ёрдамчиси борлигини билишидан жуда хурсандман.

Гарри Персидан мистер Сгорбс уни «Уэзерби», деб чакирмай кўйган-кўймаганини билмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, тилини тийди.

Тилла ликоплар ҳали бўш. Овқатланиш анжомларининг ҳар бир тўплами ёнига таомлар рўйхати кўйилган. Гарри иккапланганча, варақани қўлига олиб, атрофга қаради.

Официантлар кўринмайди. Ўз рўйхатини дикқат билан ўрганиб чиқсан Дамблдор ликопга мурожаат килганча:

- Чўчқанинг тўқмоқлаб юмшатилган гўштини узатсангиз, илтимос, - деб кўйди.

Унинг ликопида чиндан ҳам тўқмоқлаб юмшатилган гўшт пайдо бўлди. Дастурхон атрофидаги одамлар нима қилиш кераклигини англаб етган ликопларга буюртма беришга кириб кетишиди. Гарри Гермионага қараб кўйди: қизиқ, овқатланишнинг бундай, нисбатан мураккаб кечадиган усулига у қандай муносабат билдирап экан?! Айтидан, бундай усул туфайли уй эльфларининг меҳнат ҳажми янада ортадиган кўринади. Бироқ Гермиона, байрам муносабати билан бўлса керак, САССИҚ жамиятини вақтингча унутган кўринади. У Крум билан шу қадар жонли сухбат қуриб ўтирибди, нима ёётганига эътибор ҳам қаратгани йўқ.

Крумнинг бирор киши билан сухбатлашганини бирон маротаба бўлсин, илгари кўрмаган Гарри ҳозир бажони дил вайсаб ўтирганини кўриб, хайрон бўлди.

- Нима ҳам дер эдиим, - деди у Гермионага, - Биизниңнинг ҳам ўз қасриимииз бор. Тўғри, қасриимииз сиизнинг қасриингиз каби улкан, шиинам эмас, албатта. У атиигии тўрт қаватдан иборат. Камиинларии эса факат сехр-жоду мақсадлариидаги ина ёқиилади. Биироқ худудиимииз сиизнинг худудиингизга ниисбатан анча-мунча катта. Киши фаслиида кун ёруғи тез ўтииб, узок сайд қиила олмаймиз. Аммо ёзда кўл-у, тоғлар узра ҳар кунии узок вақт парвоз қииламииз.

- Виктор, Виктор! - огохликка чакирган бўлди Каркаров, совуқ кўзларига қадар етиб бормаган табассум-ла, - Сир-асрорларимизнинг барини ошкор қилиб юборма, илтимос. Акс ҳолда сенинг сохибжамол сухбатдошинг бизни қаерлардан қидириб топиш мумкинлигини англаб олади!

Кулиб юборган Дамблдорнинг кўзлари яркираб кетди.

- Игорь, бундай сир тутиш чоралари... Ҳар қандай кишини дурмштрангчилар – меҳмон ёқтиримас одамлар, деган хуласа чиқаришга мажбур килади.

- Дамблдор, - жавоб қайтарди сарик тишлирини яланғочлатган Каркаров, - Хусусий ер-сувни муҳофаза қилиш, жамики башарият, шу жумладан, бизнинг ҳам табиатимизга хос одат, урф-одатларимизга мос тадбирдир, тўғрими? Демак, тасарруфимиздаги маърифат даргоҳларини ҳам асраб-авайлашимиз шарт. Ҳар биримиз ўз мактабимизнинг сир-асрорларидан факат ўзимиз вokiф эканлигимиздан фахрланиб, уларни кўз корачигидай асрашга ҳақлимиз, шундай эмасми?

- Кўйсангиз-чи, Игорь. Шахсан мен «Хогварц»нинг барча сир-асрорларидан вokiф бўлишга ҳеч ошиқмайман, - дўустона оҳангда эътиroz билдири Дамблдор, - Истасангиз, сизга бир ҳаётий мисол келтирай. Бугун эрталаб ваннахонага йўл олар эканман, нотўғри томон бурилдим шекилли, беназир меъморлик санъати парпираб турган хонага кириб қолдим. Разм солиб қарасам, ушбу хона тунги тувакларнинг ниҳоятда чиройли коллекцияси сақланадиган омбор экан. Ваннахонадан қайтар эканман, ўша хонани дурустрок тадқиқ килмоқчи бўлдим. Бироқ чучварани хом санабман. Хона йўқ. Уни қидириб топа олмадим. Энди аста кузатиб бормоқчиман. Назаримда, мулоҳаза юритилаётган хонанинг эшиги ё эрталаб соат беш-у, ўттизда ё Ойнинг тўрт қисмидан бири кўриниш бергандагина очилади. Ёхуд уни ковуғи тўлиб кетган одамгина топа олади.

Гарри еб ўтирган гуляшига қараб кулиб юборди. Онт ичиб айтиши мумкинки, Дамблдор унга қараб сезилар-сезилмас кўз қисиб қўйди. Перси эса аксинча қовоқ солди ([Гуляш – тўғрамча гўштдан димлаб тайёранган овқат](#)).

Бу вактда Флёр Делакёр Рожер Дэйвисга мурожаат қилиб, «Хогварц»нинг байрамона киёфасини танқид қилди.

- Булағнинг бағи ҳеч габ эмас, - баёнот қилди у, Катта Залнинг ялтираб турган деворларига қараганча, камситиш оҳангиди, - Бизнинг «Бэльстэк» қасғимизда Ғождество куни бутун овқатланиш зали бўйлаб муз ҳайкаллағ тегиб чиқилади. Тўғғи, улағ ҳеч қачон эгимайди... лекин йифик олмослағдай ҳамма ёққа шуъла сочиб туғади. Таомлағимиз ҳам ажойиб! Девоғлағимизга даҳшатли қуғол-аслахалағ тегиб чиқилмаган. Агағ бигоғта полтегейст адашиб «Бэльстэк»ка киғиб қоладиган бўлса, у мана бундай қилиб улоқтиғиб ташланади! - деганча, кафти билан стол урди.

Флёр Делакёрнинг сўзларига худди сеҳрлаб қўйилгандаи қулоқ тутиб ўтирган Дэйвис кўлидаги санчкини оғзига йўллаш қабилиятини йўқотган чоғи, уч-тўрт маротаба юзи-ю, лабларига санчиб олди. Гаррининг назарида, Флёрнинг хуснидан завқланиб ўтирган Рожернинг ақл-хуши аста-секин барҳам топиб бормоқда. Зеро у, Флёрнинг бирорта бўлсин сўзини идрок этганга ўхшамайди.

- Тўппа-тўғри, мана бундай қилиб! - тез маъкуллади у, стол уришга қўшилишиб, - Ҳа, мана шундай қилиб!

Гарри Катта Залга назар солиб чиқди. Яна ўша жигар ранг, сертук, ниҳоятда хунук байрамона костюм кийиб, тўқ малла катакли бўйинбоғини тақиб олган Хагрид ўқитувчилар учун ажратилган столлардан бирининг ортида ўтирибди. Асосий столдан кўзини узмаган Хагрид ўғринча қўл силтаб қўйди. Максим хоним ҳам опалларини ярқиратганча, жавобан қўл силтади.

Афтидан Крумнинг «Херми-овна»си жонига теккан Гермиона, энди ўз исмини тўғри талаффуз этишини Крумга ўргатиб ўтирибди.

- Гер – ми – она, - аста ва аниқ талаффуз этди у.

- Херм – иоун – нина.

- Деярли тўғри, - деди Гаррининг қараб турганини кўрган Гермиона кулиб қўйиб. Зиёфат ниҳоясига етгач, ўрнидан турган Дамблдор, ўкувчиларни ҳам ўринларидан туришга ундади. Сеҳрли таёқчасини астагина силтаб қўйган эди ҳам-ки, барча стол ва курсилар сурилганча, деворларга тақалиб, ўртада жой бўшади. Шундан сўнг, «Хогварц» директори ўнг девор яқинида катта сахна барпо этди. Сахнада уриб чалинадиган мусиқа асбоби, бир нечта гитара, уд, виолончель ва волинка кўринди ([Уд – қадимги мусиқа асбобларидан бирининг номи. Виолончель - скрипкасимон катта мусиқа асбоби. Волинка – дам билан чалинадиган рус халқ чолгу асбоби](#)).

Хаёл ўтмай сахнага соchlари ёввойи одамларнинг сочи каби ҳурпайган «Шайтоннинг сингиллари» гурухи шиддатли қарсаклар остида чиқиб келиб, мусиқа асбобларини кўлларига олишди. Уларнинг хатти-харакатларини берилиб томоша қилаётган, бу ерга нима учун келганини унугиб қўйган Гарри атрофдаги чироклар ўчирилгани-ю, бошқа чемпионликка даъвогарлар ўринларидан туроётганини кўрди.

- Турсанг-чи, Гарри! - пичирлади Парватти, - Рақс тушишни бошлаб беришимиз керак, ахир!

Ўрнидан туроётган Гарри ўз коржомасининг этагини ўзи босиб олди. «Шайтоннинг сингиллари» қандайдир маъюс, худди мотам куйига ўхшаш куй чала бошлади. Гарри Катта Залнинг кучли ёритилган марказига чиқиб, бировнинг нигохига қарамасликка уринди-ю, бари-бир тиржайганча қўл силтаётган Дин билан Симусни кўрди. Кейинги фурсатда Парватти унинг қўлларидан бирини ўз белига қўйиб, иккинчисини юқорига кўтарганча, ушлаб олди.

У қадар кўрқинчли эмас экан, хаёлдан ўтказди Парваттининг ҳаракати ёрдамида майдонда айлана бошлаган Гарри, халойиқ узра қаёққадир юқорига қараб. Кўп ўтмай рақс майдонига бошқа жуфтлар ҳам чиқиб, чемпионликка даъвогарлар томошабинларнинг

дикқат-марказидан четга чиқди. Гаррининг ёнида Жинна билан Невилль рақс тушшымоқда. Оёғи босилаётган Жиннанинг юзи оғриқдан буришиб кетаётгани күриниб турибди. Дамблдор Максим хоним билан чиқибди. Бўйи етарлича новча Дамблдор Максим хонимнинг ёнида қўқил одамга ўхшайди. Чўккидор шляпасининг учи баъзан Максим хонимнинг жағини қитиқлаб қўймоқда. Ниҳоятда йирик бўлишига қарамай Максим хонимнинг харакатлари ниҳоятда латиф кечмоқда. Профессор Зловестра билан рақсга тушаётган Ўйноккўз Хмурининг харакати жуда ғалати кўринди. Зловестра Хмурининг тажовузкор ёғоч оёғидан нарида бўлишга уриниш билан овора.

- Пайпокларинг чиройли экан, - деди Гаррига яқинлашган Хмури, сехрли кўзини боланинг этагига қаратиб.

- А? Ха, буми... буни менга дўстим Добби, уй эльфи тўқиб берди, - кулиб қўйди Гарри.

- Бирам вахимали киши-ки! - пичирлади Парватти Хмури нарироқ каловланиб кетгач, - Назаримда унинг сехрли кўзини ман этиб қўйиш керак! Ахир у қизларнинг...

Волинканинг сўнгги титроқ нотасини эшитган Гарри ўзини анча енгил ҳис этди.

«Шайтоннинг сингиллари» гурухи мусиқасини тугатиши билан бал иштирокчилари гулдурос қарсак уришди. Гарри Парваттининг кучоғидан халос бўлиб, таклиф киритди:

- Юр, бир оз ўтирамиз.

- О, мана бу куй ҳам ёмон эмас! - эътиroz билдириди Патил.

«Шайтоннинг сингиллари» нисбатан жўшқин куй чала бошлади.

- Йўқ, менга ёқмаяпти, - алдади Гарри.

У Патилни ўзўн ракс тушаётган, одамларни жароҳатланмаслик учун нари қочишига мажбур қилаётган Фред билан Ангелинанинг ёнидан олиб ўтиб, Рон билан Пэтил ўтирган томон етаклади.

Гарри стол устидаги ҳузур-лаззат ичимлигининг шишиасини очиб, Роннинг ёнига ўтириди.

- Ишлар қалай?

Сал нарида ракс тушаётган Гермиона билан Крумга нафрат тўла нигохини тикиб ўтирган Рон саволга жавоб қайтармади. Пэтил эса унинг ёнида қўлини кўкрагида қовуштириб, бир оёғини иккинчисининг тizzасига чиқариб олганча, мусиқа маромида ўйнатиб ўтириб, ахён-ахён Ронга домангир қараб қўймоқда. Рон эса бунга парво ҳам қилгани йўқ.

Гаррининг ёнига ўтирган Патил ҳам синглиси каби оёқ-қўлини қовуштириб олди. Лекин икки дақиқа ўтар-ўтмас, уни «Бэльстэк»лик йигитча рақсга таклиф қилди.

- Эътирозинг йўқми, Гарри? - сўради Патил.

- Нима? - сўради Чу билан Седрикни кузатиб ўтирган Гарри.

- Ҳеч нима! - жаҳл қилди Патил ва шартта ўрнидан туриб, нари кетди. Рақс тугаганида эса қайтиб келмади.

Хаёл ўтмай Патил бўшатган курсига ракс тушавериб қизариб кетган Гермиона келиб ўтириди.

- Салом, - деди у Гарри билан Ронга мурожаат қилиб.

Рон жавоб қайтармади.

- Иссиқ, а? - деди Гермиона қўли билан елпиниб, - Виктор ичимлик олиб келгани кетди.

- Виктор? - такрорлади Рон, Гермионага жонини оладиган қарашиб-ла мурожаат қилиб, - Нега энди Викки эмас?

- Сенга нима қилди? - сўради Гермиона таажжубли қараб.

- Ўзинг билмас экансан, тушунтириб ўтироқчи эмасман, - жеркиб берди Рон.

Ҳеч нарсани тушунмаётган Гермиона дастлаб Ронга, сўнг Гаррига тикилди. Гарри елка қисиб қўйди.

- Рон, нима гап?...

- У «Дурмштранг»дан, мана нима гап! - баттар аччикланди Рон, - Крум Гаррининг, умуман айтганда, «Хогварц»нинг рақиби саналади! Сен эса... сен эса... - Гермионанинг жиноятини тавсифлашга сўз топа олмай, қийналди Рон, - Сен эса душман билан дўстлашмоқдасан.

Мана нима гап!

Гермионанинг оғзи ҳайратдан очилиб қолди.

- Миянгни еб қўйдинг-ми, Рон? - деди у нихоят, - Душман билан? Нималар деётганингни ўзинг идрок этяпсан-ми? Крум «Хогварц»га илк бор кириб келганида иккаламииздан қайси биримиз ўзини йўқотиб қўйишига сал қолган эди? Қайси биримиз унинг дастхатини олиш орзусида юрибди? Иккаламииздан қайси биримиз ўз ётоқхонасида унинг митти қоматини сақлади?

Рон Гермионанинг сўзларини писанд килмади.

- Кутубхонада ёлғиз қолганингда таклиф қилган бўлса керак, а?
- Тўғри, шундай бўлди, - тасдиқлади юзидағи пушти доғлар кенгайиб кетган Гермиона, - Хўш, нима қилибди?
- Сен-чи, нима қилдинг? САССИҚ жамиятига аъзо бўлишга ундинг-ми, уни?
- Йўқ, ундин килмадим. Агар чиндан ҳам билмоқчи бўлсанг... у хар қуни кутубхонага айнан мен туфайли, мен билан сухбатлашиш учунгина борган, фақат гап бошлашга журъат эта олмаган экан!

Жуда тез гапирган Гермиона шу кадар кизариб кетди, ранги Патил кийган пушти коржомадан фарқ қилмай қолди.

- Бу Крумнинг топган баҳонаси, албатта, - вишиллади Рон.
- Бу билан нима демоқчисан?
- Нима ҳам дер эдим, ҳаммаси шундок ҳам аён-ку. У Каркаровнинг шогирди, шундайми? Шундай. Сен ким билан дўст эканлигинги билади, шундайми? Шундай. Демак у Гаррига яқинлашиш, у ҳақда ичкаридан олинган, энг ишончли маълумотларга эга бўлиб бориш ёки суқи киритишни ният қилган...

Гермиона худди Рондан тарсаки егандай сесканиб кетди. Тили калима айта оладиган ҳолатга қайтганида эса овози титроқ эшишилди.

- У Гарри ҳақида ҳали бирон оғиз гап сўрагани йўқ...
- Рон зудлик билан бошқа тахминни илгари сурди.
- Демак у анави тилла тухум масаласида сендан ёрдам кутади! Ушбу жумбоқ ечими устида бошчаларингни шинамгина кутубхоначаларингда соатлаб эгиб ўтирган бўлсаларинг керак, а?!
- Бундай жумбоқ ечими борасида мен унга ҳеч қачон ёрдам бермайман! - дарғазаб бўлди Гермиона, - Ҳеч қачон. Қандай журъат этяпсан бундай айб қўйгани менга? Беллашувда Гарри голиб чиқишини истайман. Гарри ҳам буни жуда яхши билади, тўғрими, Гарри?
- Тўғри, фақат буни намоён этишнинг жуда ғалати усулини топибсан, - эътиroz билдириди бурнининг катаклари кенгайиб кетган Рон.
- Уч сехргар беллашуви турли ҳалқ ва миллатларга мансуб йигит-қизлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топилишининг энг яши усули, деб эътироф этилган! - чинкириб берди Гермиона.
- Йўқ! - жавобан бакирди Рон, - Ушбу Беллашув, унда голиб чиқиш учун уюштирилган! Атрофдагилар бакироқлар томон караб қўйишиди.
- Рон, бакирма, - пичирлади Гарри, - Гермиона балга Крум билан келганига ҳеч қандай эътиrozим йўқ...

Рон Гаррига ҳам эътибор қаратмади.

- Викки кутиб қолгандир, бормайсан-ми! - чақиб олди Рон.
- Викки дема уни!

Гермиона ўрнидан иргиб туриб, халойиқ ичига кириб кетди. Рон эса ғазаб ва мамнуният ўйғуллашиб кетган қиёфа ила Гермионанинг ортидан караб қолди.

- Мен билан рақсга тушиш ниятинг борми? - эшишилди Пэтилнинг овози.
- Йўқ, - қисқа қилди Рон, Гермиона ғойиб бўлган томон дарғазаб қараб.
- Жуда соз, - аччикланди Пэтил.

Қизалоқ шартта ўрнидан турди-да, опаси Патил томон одимлаб кетди. Патилни олиб кетган бола, Гаррининг назарида, худди Буюм чақириш афсунини қўллаган каби шу заҳоти бошқа бэльстэкчи болани даврага чақириб олди.

- Херм - иоун - нина қаний? - эшишилди кимнингдир овози.

Бошларини күтариб қараган болалар икки порция хузур-лаззат ичимлигини ушлаб олган Виктор Крумни күришди.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - тумшайиб олди Рон, - Ҳа, йўқотиб қўйдинг-ми уни?

Крум ҳам қовоғини солиб олди.

- Кўрииб қолсангииз, айтииб қўйиинг, илтиимос, мен ичиимлик олдиим, - деди-да, маймоқланиб нари кетди.

- Виктор Крум билан дўстлашиб олдингми, а, Рон?

Болалар олдига фавқулодда дабдаба ила қўлини ишқалаётган Перси келди.

- Халқаро сеҳгарлик ҳамкорлиги, ушбу тадбирда кўзланган бош муддаодир! Жуда соз иш қилибсан!

Перси Гаррининг аччиғини келтирганча Пэтилнинг бўшаган жойини эгаллаб олди. Асосий стол атрофида хеч ким йўқ. Профессор Дамблдор Сарсабил хоним билан, Людо Шульман профессор Макгонагалл билан, атрофида кенг майдон хосил килиб олган Хагрид Максим хоним билан раксга тушишмоқда. Каркаров кўринмайди. Навбатдаги мусиқа нихоясига етди. Ҳамма қарсак чалди. Людо Шульман профессор Макгонагалнинг қўлидан ўпид қўйиб, халойиқ орасига кириб кетгани ва шу заҳоти унинг олдига Фред билан Жорж келганини Гарри кўриб ўтирди.

- Иккаласи миясини еб қўйганми, нима бало? Нега вазирликнинг олий таркибиға мансуб кишига хирадиқ қилишяпти? - вишиллади, эгизак укаларининг хатти-ҳаракатларини шубҳа билан кузатиб ўтирган Перси, - Хурмат, ҳайикиш деган нарсани билишмайди-я... Бироқ Фред билан Жорждан осонликча қутулган Людо Шульман Гаррини кўриб қолиб, болалар ўтирган стол томон йўл олди.

- Укаларим сизни безор килиб юборишмади, деган умиддаман, мистер Шульман? - хол-ахвол сўраган бўлди Перси.

- Нима? Ах, буми! Йўқ, мутлақо! - қўл силтади Шульман, - Улар ўзларининг сохта сеҳрли таёқчалари борасида айтиб бериб, маркетинг масаласида маслаҳат сўрашди. Мен уларни Зонко дўкони манфаатларида фаолият юритадиган кишилар билан танишириб қўйишга ваъда бердим... ([Маркетинг \(ингл. marketing, market, яъни бозор сўзидан олинган\) ҳўжалик юритишига оид қарорлар қабул қилиш учун бозорда рўй бераётган жараёнлар инобатга олиниши кўзда тутиласидиган корхона бошқариш тизимларидан бири. Маркетинг XX асрнинг бошида АҚШда пайдо бўлиб, мол сотиш муаммолари кескинлашгани ва рақобатнинг нархга боғлиқ бўлмаган янги усуллари \(реклама, сифатга доир рақобат ва ҳ.\) кенг қўлланила бошлагани боис 50-60- йилларда оммалаша бошлади...](#))

Ушбу ахборот Персини хурсанд қилмади. Гарри бас боғлаши мумкинки, Перси, уйга етиб бориши билан миссис Уэслига бор гапни оқизмай-томизмай етказади. Ўз маҳсулотини ростакамига сотишни кўзлашган экан, демак эгизакларнинг келгусида савдогар бўлиш иштиёқлари янада ошибди.

Шульман Гаррига мурожаат қилмоқчи бўлиб, эндиғина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Перси боз гап бошлади.

- Фикрингиз-ча, мистер Шульман, Беллашув қандай ўтятти? Бизнинг департаментимиз воқеалар ривожидан хозирча қаноат хосил қилмоқда, агар Оташли жом билан юз берган кўнгилсизлик инобатга олинмаса, албатта, - деди у Гаррига кўз кири билан қараб қўйиб, - Бироқ хозирча ишлар жойида, шундай эмасми?

- Ҳа, ҳа, албатта, - қувонч-ла тасдиклади мистер Шульман, - Ишлар фавқулодда зўр кечмоқда. Қария Бартининг юмушлари қалай?

- О, ишончим комилки, мистер Сгорбс тез орада оёққа туриб кетади, - виқор-ла баёнот қилди Перси, - Бироқ хозирча мен ўз танам билан амбразуруни ёпишга тайёрман.

Табиийки, факат бал ёки шу каби бошқа тантаналарга ташриф буюришга тўғри келмайди менга, - кулиб қўйди Перси, ўз ҳазилидан ўзи хурсанд бўлиб, - Мистер Сгорбс йўклигига издан чиққан айрим ишлар билан шуғулланишим керак бўлади чоғи. Али Бошир юртимизга контрабанда йўли билан учар гиламлар партиясини олиб киришга уринган пайтда кўлга олинганини эшитдингиз-ми? Бундан ташқари, дуэлларни такиклашга доир

халқаро ҳужжатни имзолаш масаласида трансильванияликларни күндириш билан шуғулланмоқдамиз. Янги йил байрами ўтгач, Трансильвания Сехгарлик вазирлиги Халқаро сехгарлик ҳамкорлиги департаменти раҳбари билан учрашувим режалаштирилган... (*Амбразура (франц. embrasure – шинак) фортификацион ёки бошқа мудофаа иншоотларида пулемёт, артиллерия қуроли ва миномётдан ўт очиш, шу жумладан, кузатув олиб бориш учун очилган түйнүк*)

- Юр кетдик, - таклиф киритди Рон, - Персидан нарида сайр қилиб келамиз... Гарри билан Рон ичимлик олиб келишни баҳона қилиб, рақс майдонининг чети бўйлаб одимлашган-ча, вестибюлга чиқиши. Эман эшик ланг очик. Икковлон асосий зинапоядан пастга тушиб, хитой фонуслари милтиллаб турган пушти боғ томон йўл олди. Кўп ўтмай Гарри билан Рон буталар ва йирик тош ҳайкаллар орасида иланг-биланг бўлиб кетган чиройли йўлак бўйлаб сайр қилиши. Каердадир сув шовулляяпти, афтидан фаввора яратилган чоғи. Атрофдаги тош қурсиларда жуфт-жуфт одамлар ўтирибди. Сўқмоқ йўллардан бирига бурилган Гарри билан Роннинг қулоғига киши кўнглини айнитиб юборгудай таниш овоз эшитилди:
 - ... хавотир бўлишга сабаб кўрмаяпман, Игорь.
 - Ахир ҳеч нарса рўй бермаётган кўйга солиб юра олмаймиз-ку ўзимизни, Северус! - эшитилди Каркаровнинг атайин бўғиқ талаффуз этилган безовта овози, - Мана бу кўп ойлардан буён равшанлашиб бормоқда. Чўчиб кетаётганимни яшириб ўтирмайман...
 - Ундан бўлса, коч, - гапни бўлди Снегг, - Жуфтакни ростла. Сени оқлайдиган бирон баҳона ўйлаб топаман. Лекин ўзим «Хогварц»да коламан. Муюлиш ортидан чиқкан Снегг билан Каркаров кўринди. Снегг юзига умрбод ёпишиб қолган мурдор қиёфаси билан қўлига сехрли таёқчасини олиб, ёнидаги пушти бутани икки томонга суриб очди. Буталар ичидан кути учган болаларнинг чийиллашлари-ю, югуриб чиқкан шарпалари кўринди.
 - «Хуффльпуфф»дан ўн балл айрилади, Фоссетт! - ириллади Снегг ёнидан югуриб ўтган қизга, - «Равенкло»дан ҳам ўн балл кетди, Стэббинг! - давом этди Снегг, қизнинг ортидан учеб чиқкан болага мурожаат этиб, - Сиз иккалангиз-чи, нима қилиб юрибсиз бу ерда? - сўради у олдинда келаётган Гарри билан Ронга караб. Болаларни кўрган Каркаров, Гаррининг тушунишича, ўзини бир оз нокулай хис этди чоғи. У қўлини кўтариб, соқолини эша бошлади.
 - Биз сайр қиляпмиз, - баёнот қилди Рон, - Сайр қилиш конун билан ман этиб қўйилгани йўқ-ку ҳали, шундай эмасми?
 - Сайр қиляпмиз, денг? Хўп майли, қилаверинг сайрингизни! - боз ириллади Снегг, болалар ёнидан шиддат билан ўтиб.
- Узун кора ридо Снегтнинг оркасида хилпираб кўринди. Шошиб қолган Каркаров унинг ортидан эргашди. Гарри билан Рон эса йўлини давом эттирди.
- Кизиқ, Каркаровни нима безовта қилиб қолди экан? - ғудуллади Рон.
- Қачондан буён у Снегг билан сенсираб гаплашади? - ўйчан қўшиб қўйди Гарри. Икковлон фавворанинг баланд кўтарилаётган ёрқин оқимлари остида турган йирик тош буғу олдига келиб қолди. Боғ курсисида сувдаги Ой аксини томоша қилаётган иккода ниҳоятда йирик шарпа ўтиргани кўринди. Гаррининг қулоғига Хагриднинг қандайдир ғалати бўғиқ эшитилган сўzlари эшитилди:
- Мен сизни биринчи маротаба кўришим билан тушундим.
- Гарри билан Рон турган жойида қотиб қолди. Бу манзара адашиб-улоқиб дуч келиб қоладиган манзара эмас... Гарри ортга караб, пушти буталар орасида ярим бекинган Флёр Делакёр ва Рожер Дэйвисни кўрди. У Роннинг елкасига туртиб, сал наридаги буталар орасига, ҳеч кимга билдиримай (Флёр билан Дэйвис ўзлари билан ўзлари овора) бекиниб олишга шама қилганча, имо қилди. Бироқ Флёрни кўриб, кўзлари катта-катта очилиб кетган Рон Гаррини буғу ҳайкалининг ортидаги қоронгиликка тортди.
- Нимани тушуниб қолдингиз, Хагғид? - мушукка ўхшаб хуриллаганча сўради Максим хоним.

Гарри ҳеч нимани эшитишни истамади. Бундай вазиятда бирор пинхона қулоқ тутиб ўтирганидан хабар топган Хагриднинг важоҳати қайнаб кетиши турган гап. Ҳар қалай Гаррининг ўзи ҳам шундай ҳолатга келган бўлар эди. Гарри қулоғига бармоқ тикиб, жим ўтиришга тайёр. Бироқ бу иш вазиятдан чиқиш йўли эмас. Гарри ўзини шимол буғусининг белида ўрмалаб бораётган кўнғиз билан чалғитишга уринди. Бироқ ҳашарот Хагриднинг кейинги сўзларини унтиб юборишга мажбур қиласидан даражада кизиқ эмас.

- Сиз... худди менга ўхшаган эканлигингизни тушундим... Оилангизда ким, отангизми ёки онангиз?

- Сўзлағингиз маъносини тушунмаяпман, Хагрид?

- Менда она томон, - деди Хагрид паст овозда, - У Британия ҳудудида яшаган сўнгги вакиллардан бўлган. Уни яхши эслай олмайман... онам бизни ташлаб кетган. Ўшанда уч ёшли бола эдим. Оналик туйғуси бўлмаган унда. Бу уларнинг табиатига хос, шундай эмасми? Унга нима қилганини билмайман... балки бу дунёни тарк этиб кетгандир...

Максим хоним индамади. Гарри ҳоҳишига қарши иш тутиб, кўнғиздан кўзини олиб қочдида, буғу шоҳлари орасидан Хагридга қараб, сўзларига қулоқ тутди. Хагрид ҳеч қачон болалиги ҳақида гапирмаган.

- Дадамнинг юраги чил-парчин бўлди. Жуссаси шунаقا кичкина эдики, олти ёшга тўлганимда уни шартта кўтарар эдимда, кийим жавони устига ўтқизиб қўяр эдим. Роза кулар эди, раҳматли...

Хагриднинг овози узилиб қолди. Максим хоним сувга караганча, жим ўтирибди.

- У мени ёлғиз ўзи оёққа турғизди... мактабга борган йилим эса омонатини топширди. Шундан сўнг, мустақил ҳаёт кечиришга тўғри келди. Дамблдор кўп ёрдам қилди менга. Жуда меҳрибон зот...

Хагрид каттакон ҳол-ҳол дастрўмолини чиқарди-да, сур чалгандай бурун қоқди.

- Майли, бу гапларнинг энди аҳамияти йўқ... Ўзингиз ҳақида гапириб беринг. Сизда-чи, ким томондан эди?

Максим хоним ўрнидан сакраб турди.

- Ҳаво салқинлашиб қолди. Мен боға қолай, Хагрид.

Ҳавога нима бўлгани номаълум-у, бироқ у Максим хонимнинг овозидай совуқ эмас.

- А? Йўқ, кетманг! Мен илгари учратмаган эдим... бошқаларни!

- Қанақа бошқалагни? - муздай оҳангда сўради Максим хоним.

Хагрид жавоб қайтармагани маъқул, тушунди Гарри. У тишларини маҳкам қисиб олиб, Хагриднинг жим қолишига умид боғлади. Бироқ боланинг умиди пучга чиқди.

- Бошқа чала зот гигантларни-да, албатта! - хитоб қилди Хагрид.

- Қандай жуғъат этяпсиз! - чийиллади Максим хоним.

Унинг овози тун сокинлигини бузиб, Флёр билан Дэйвисни бир-биридан нари қочириб юборди.

- Мени ҳали ҳеч ким бу қадағ қаттиқ ҳақоғат қилмаган! Гапни қағанг, чала зот гигантлағ эмиш-а! Менинг... менинг... суюгим йўғон, танам чоғпаҳилолос!

Максим хоним буталардаги ранг-баранг соҳиралар галасини хуркитиб юборганча, шартта ўрнидан турди-да, шаҳдам юриб, каср томон йўл олди. Ўзини йўқотиб қўйган Хагрид курсида ўтириб, Максим хонимнинг ортидан қараб қолди. Атроф коронғи бўлгани боис, юзининг киёфасини кўриб бўлмади. Дақика, балки сал кўпроқ вакт ўтгач, ўрнидан туриб, кулбаси томон равона бўлди.

- Бўлди, - деди Гарри, - Кетдик.

Бироқ Рон қилт этмади.

- Сен билармидинг? - сўради у.

- Нимани? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Хагриднинг чала зот гигант эканлигини?

- Йўқ, - елка қисди Гарри, - Нима бўпти?

Жавоб ўрнига Роннинг нигоҳини кўрган Гарри сеҳгарлар дунёсига тааллукли ишлардан мутлақо бехабар эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Дурслар тарбиясини олган

бала ҳар қандай сехргар учун табиий ҳолдай кўринган кўплаб нарсалар ҳакида бирон-бир тасаввурга эга бўлмай ўсган. Мактабда таҳсил кўрган сари, унинг бундай камчилиги барҳам топиб бормоқда, албатта. Бироқ ҳозир, бирорта ҳам тўғри тарбия топган сехргар ўз дўйстларидан бирининг онаси гигант аёл бўлганидан хабар топгач, «Нима бўпти?», деган савол бермаслигини Роннинг нигохига қараб яхши тушуниб етди.

- Қасрга борайлик, тушунираман, - аста пичирлади Рон, - Кетдик...

Флёр билан Дэйвис кўздан ғойиб бўлишибди. Афтидан чеккароқ жойдаги буталарни кидириб кетишган кўринади. Икковлон Катта Залга қайтди. Патил билан Пэтил залнинг нариги чеккасида, «Бэльстэк» йигитлари даврасида ўтиришибди. Гермиона эса Крум билан ракс тушмоқда. Гарри билан Рон рақс майдонидан наридаги стол ортига жойлашиб олишди.

- Хўш? - қистади Гарри, - Нима қилиби анави гигантларга.

- Нима десам экан, улар... улар у қадар яхшилардан эмас, - хижолат тортиб фикрини тугатди Рон.

- Нима бўпти? - тушунмади Гарри, - Хагрид яхши-ку!

- Биламан, лекин... ўзининг чала зот гигант эканлигини сир тутаётгани ажабланарли ҳол эмасда! - бош чайқади Рон, - Болалигига Ишириш афсуни таъсирига йўлиқкан бўлса керак, деб ўйлар эдим... Шунча вақтдан буён сўрашга ботина олмаганман...

- Онаси гигант аёл бўлгани кимни қизиқтириши мумкин? Айтмоқчиман-ки, онаси ким бўлганининг нима аҳамияти бор?

- У ҳеч қандай хавф түғдирмаслигини билган танишлари учун чиндан ҳам аҳамияти йўқ, - аста гап бошлади Рон, - Аммо... тушунасанми, гигантлар табиатан вахший бўлади.

Уларнинг оналиқ туйғуси бўлмаслиги ҳакида гапирган Хагриднинг ўзи ҳам, ушбу ҳолатни қисман таъкидлаб ўтди. Гигантлар худди троллар каби... хуллас, бирон-бир сабабсиз одам ўлдириш уларга ёқади, вассалом. Тан олиш керакки, Британия худудида биронта ҳам гигант қолмаган.

- Каёққа гум бўлишди улар?

- Гигантларнинг тухуми шундок ҳам қуриб кетаётган эди. Бунинг устига уларнинг аксариятини аврорлар қириб битказди. Хориж давлатларнинг тоғли ҳудудларида ҳалигача учратиш мумкинлиги эътироф этилган...

Гарри ҳакамлар столи ортида маъюс ўтирган Максим хонимга қараб қўйди.

-UNDAY bўлса, Максим хоним кимни алдамоқчи?! - фикр билдириди у, - Модомики Хагрид чала зот гигант экан, бу аёл ҳам гигант эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Суяги йўғон танаси чорпаҳил эмиш. Фақат динозаврнинг суягигина, ушбу аёлнинг суягидан йўғон бўлиши мумкин.

Балнинг колган қисмини Гарри билан Рон, ракс тушишни хаёлларига ҳам келтирмай, бир бурчақда гигантларни муҳокама килиб ўтиришга сарф этишди. Гарри Чу билан Седрикка эътибор қаратмасликка уриниб ўтирди. Зеро, уларга кўзи тушиши ҳамоно бирон нарсанни келиштириб тегиб ташлаш истаги туғилаверди.

Тун ярмида «Шайтоннинг сингиллари» гурухи мусиқа чалишни бас қилди. Ҳамма ушбу мусиқачиларни қарсак чалиб, кузатиб қўйди. Кўпчилик Рождество кечаси яна бир оз давом этмаганига ачинди. Гарри эса ухлаши мумкинлигини ўйлаб, хурсанд бўлди. Унинг назарида, кеча кўнгилдагидай ўтмади.

Вестибюлда икковлон дурмштрангчиларнинг кемасига қайтиши керак бўлган Крум билан хайрлашаётган Гермионага рўбару келиб қолди. Гермиона Ронга жуда совуқ қараб, уни индамасдан четлаб ўтди-да, мармар зинапоядан кўтарилиб кетди. Гарри билан Рон Гермионага эргашди.

- Хой! Гарри!

Седрик Диггори. Уни пастда Чу кутмоқда.

- Эшитаман, - совуқ жавоб берди Гарри.

Седрик зинадан юргурганча кўтарилиб келди. Юзидан Роннинг гувоҳлигига гапирмокчи эмаслиги билиниб турибди. Домангир Рон елка кисиб қўйди-да, йўлини давом эттириди.

- Кулок сол, Гарри, - гап бошлади Седрик, Рон нари кетганига қарамай овозини пасайтириб, - Аждарлар түғрисида хабар берганинг учун олдингда қарздорман. Тилла тухумни очганингда, чинқириб юборяпти-ми?

- Ҳа, - бош иргиб, тасдиқлади Гарри.

- Ундей бўлса... ваннага тушиб, ювин, хўпми?

- Нима?

- Ваннага тушиб ювин... м-м-м... тилла тухумни ҳам ўзинг билан ол... Иссик сувга тушиб, обдан ўйлаб кўр. Хаёлингни жамлашга ёрдам беради. Гапимга ишонавер. Гарри индамай қараб турди.

- Яхиси, - қўшиб қўйди Седрик, - Синфбошилар ваннасига бор. Бешинчи қаватда, Бефаҳм Борис хайкалидан чап томондаги тўртинчи эшик. Кириш пароли «Тетиклаштирадиган игнабарг ваннаси». Бўлди, мен борай. Хайрлашиб олишим керак. Седрик яна бир бор Гаррига кулиб қўйди-да, Чу томон пастлаб кетди.

Гарри якка ўзи «Гриффиндор» минараси томон йўл олди. Галати маслаҳат. Тилла тухум жумбогининг ечимини топишга ванна қандай ёрдам бериши мумкин? Седрик унга халал беришга уринаётган бўлса-чи? Ёки Чуга кўпроқ ёкиш учун Гаррини аҳмоқона ҳолатга солмоқчи-ми?

Семиз Хола ўзининг дугонаси Виолетта билан мизғиб ўтирибди. Уларни уйготишининг бошқа чорасини топа олмаган Гарри бақиришга мажбур бўлди:

- ХИТОЙ ФОНУСЧАЛАРИ!

Безовта қилинган аёллар жуда норози бўлишди. У умумий меҳмонхонага кириб, нихоятда хунук ҳодиса гувоҳи бўлиб қолди. Рон билан Гермиона бир-биридан ўн футча нарига туриб олиб, кучаниб кичкирмоқдан қип-қизариб кетган юzlари билан бир-бирининг гўштини еялти.

- Биласанми нима? Биласанми нима? Модомики, сенга ёқмас экан, ўзинг биласан, а, нима қилиш кераклигини? Биласан, а? - бақирди юзи ғазабдан қийшайиб, сочи боз тўзиб кетган Гермиона.

- Хўш? - жавобан бўкирди Рон, - Нима қилишим керак экан?

- Таклиф киладиган бўлсанг, кейинги балга бошқалардан олдин таклиф қил мени. Бироқ бир четда қолиб кетадиган қизни таклиф қилгандай эмас!

Рон аквариумдан чиқариб олинган тилла балиқдай оғзини очиб, гап топа олмай яна ёпиб турар экан, Гермиона турган жойида шартта бурилди-да, қизлар ётоқхонасига кириб кетди. Рон эса Гаррига юзланганча қолиб кетди.

- Бу, - деди бўғзига ҳаво тиқилиб, ҳансираф қолган Рон, - Бу... у ҳеч нимани... тушунмаётганидан яна бир далолат...

Гарри индамади. Рон билан ярашиб олган ҳолатни у жуда кадрлайди. Шу боис, ушбу масалага оид фикрини билдиримасликни афзал топди. Бироқ Гермиона бор гапни Рондан-да кўра жуда яхши тушунганини хаёлан таъкидлаб қўйди.

XXIV БОБ.

РИТА ВРИТЕРНИНГ СЕНСАЦИЯСИ

Рождествоининг иккинчи куни ҳамма кеч уйғонди. «Гриффиндор» коллежининг умумий меҳмонхонасида ғайриоддий жимлик хукм сурмоқда. Онда-сонда эшитилаётган эринчоқ овозлар ҳам эсноқ билан узилиб боряпти. Гермионанинг қалин соchlари яна ҳурпайган. У Маймоқоёқни силаб ўтирас экан, Гаррига Соч ётқизишининг силлиқлаш дамламасини анчагина ишлатишга мажбур бўлгани ва бу тарзда ҳар куни соч турмаклашнинг дахмазаси кўп эканлигига икror бўлди.

Рон билан Гермиона ўз ихтилофларини қайта муҳокама қилмаслик борасида лом-лим демай келишиб олишган чоғи. Иккаласи бир-бири билан хайриҳоҳона мулокот қилишмоқда-ю, аммо гапларининг оҳангига қандайдир расмий эшитилмоқда. Табиийки, Гарри ва Рон биринчи имконият туғилиши ҳамоно Гермионага Хагрид билан Максим хоним ўртасида бўлиб ўтган, икковлон яширинча кулок солиб эшитишган сухбат ҳақида

билдирув беришди. Хагриднинг чала зот гигант эканлигига доир янгилик Гермионага Ронга таъсир ўтказгандек таъсир кўрсатмади.

- Умуман айтганда, ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, - елка қисди Гермиона, - Тоза қонли гигант бўлганида унинг бўйи кам деганда яна йигирма футча баланд бўлган бўлар эди. Фикримни билмоқчи бўлсангиз, гигантлар тўғрисидаги барча нолалар вассасадан ўзга нарса эмас. Уларнинг ҳаммаси бирдай мудхиш бўлиши мумкин эмас-ку, ахир... Афсун билан маҳлук турага кирадиган одамларга нисбатан билдириладиган бидъатнинг ўзгинаси... ирқчилик, вассалом.

Рон қандайдир заҳар сўз айтишга оғиз жуфтлади-ю, боз жанжаллашишни истамади шекилли, Гермиона тескари қарагач, эшитган гапига бовар қилмай бош чайқаб қўйди. Ҳолбуки, болалар, таътилнинг биринчи ҳафтасида батамом унутиб юборишган ўй вазифаларини бажариш вакти етди. Байрам тантаналари ўтиб, аста секин ташвишга туша бошлаган Гарридан ташқари, ҳамма ҳолсизланиб юрибди.

Рождество ўтиши билан 24 февраль санаси кескин яқинлашгандай бўлди. Гарри эса ҳалигача тилла тухумнинг жумбогини ҳал этгани йўқ. Шу боис, у, ётоқхонага тез-тез кириб, сандиғига яшириб қўйган тухумни қўлга оладиган, пўстлогини очиб, чийиллаган товушга дикқат билан қулоқ соладиган ва шу тариқа товуш замиридаги сирни англаб етишга уринадиган бўлиб қолди. Мусиқа арраларининг мудхиш товуши нимага ўхшаб кетаётганини идрок этишга зўр бериб ҳаракат қилди. Йўқ, бундай товушни муқаддам эшитгани йўқ. Гарри тухумни ёпди-да, товушнинг ўзгаришига умид қилганча, бор кучи билан силтаб, яна очди. Фойдаси бўлмади. Яна ўша чийиллаш. Бақирганча, тухумга савол бериб кўрди. Бу ҳам кор бермади. Ярамас, ўжар тухумни хонанинг нариги бурчагига улоқтириб ҳам ташлади, лекин бу амал ҳам ёрдам бермади.

У Диггорининг шамали сўзларини унугани йўқ, албатта. Лекин ғурур ва Чу билан кўл ушлашиб юрган Седрикка нисбатан самимий муносабатлардан анча йироқ туғилган хиссиётлар, ҳали умид бор экан, унинг ёрдамини қабул килишга тўсқинлик қилди. Нима қилганда ҳам, Гаррининг фикрича, агар Седрик чиндан ҳам ёрдам қўлинни узатмоқчи бўлганда эди, ўз фикрини очик-ойдин баён этган бўлар эди. Ахир Гарри Диггорига биринчи мусобақада уни нима кутаётганини аник-равшан айтди-ку! У эса ванна қабул килишни маслаҳат киляпти! Инсофдан-ми шу?! Йўқ, бундай ахмокона ёрдамини пишириб есин.

Кўп ўтмай, янги семестрнинг биринчи куни етиб келди. Гарри ҳар доимгидай китоблар, пат-қаламлар ва пергамент ўрамларига тўла юк халтасини елкага ташлаб, дарсга равона бўлди. Ечими топилмаётган жумбоқ қонини ичаётган ташвиш каби болага тинчлик бермаяпти. Қаёққа бормасин, тухум кўтариб юргандай ҳис этди ўзини.

Мактаб ҳовлисидағи кор кўрпаси баттар қалинлашса қалинлашгандир-у, камайгани йўқ. Иссиқхоналарнинг ойналари шу қадар терлаб кетган-ки, гербология дарсида ташқари кўринмади. Бундай ҳавода ҳеч ким сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани дарсига боришни истамади.

- Ҳеч қиси йўқ, - таъкидлаб ўтди Рон, - Дракллар иситиб қўйишади бизни. Ё улар, бизни ейиш ниятида ортимиздан қувишади, ё портлаб, Хагриднинг кулбасига ўт қўйишади.

Бироқ кулбага яқин боришган болалар опроқ соchlари қисқа олинган, жағи анчагина олдинга туртиб чиққан кекса афсунгар аёлга рўбару келишиди.

- Тезроқ боссангиз-чи қадамингизни. Кўнгирок зарби эшитилганига беш дақиқадан ошди, - ўшқирди у, аста қор тепалаб келаётган ўқувчиларга.

- Сиз ким бўласиз ўзи? - ўқрайди унга Рон, - Хагрид қани?

- Мен, профессор Гниллер-Планкман, - оксусяк одамларга хос оханг-ла, жавоб қайтарди хоним, - Сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани бўйича вактинча ўқитувчилик киламан.

- Хагрид қани? - баланд овоз билан такрорлади Гарри.

- У ўқитувчиликдан четлаштирилди, - тафсилотларга берилиб ўтирмасдан маълум қилди профессор Гниллер-Планк.

Гаррининг қулогига нихоятда яхши таниш бўлган мурдор кулги эшитилди. У ортга ўгирилиб, Драко Малфой бошчилигига етиб келган слизеринчиларни кўрди. Ҳаммасининг башараси мамнун қиёфа касб этган. Янги ўқитувчи тайинлангани уларни таажжулантиргани йўқ.

- Илтимос, ортимдан юринг, - деди профессор Гниллэр-Планк.

Ўқувчилар бэльстэкчиларнинг совукдан дағ-дағ титраётган йирик отлари қамалган кўтон томон йўл олишди. Гарри, Рон ва Гермиона ўқитувчи кетидан эргашиб, Хагриднинг кулбасига қараб-қараб боришиди. Кулба деразалари пардалангани. Қани Хагрид? Ичкарида, танҳо ўзи, касал ётибди-ми?

- Хагридга нима қилди? - сўради профессор Гниллэр-Планкка етиб олган Гарри.

- Бу масала сенга дахлдор эмас, - қўпол жавоб қайтарди ўқитувчи, худди Гаррининг саволи уятсиз эшитилгандай.

- Йўқ, дахлдор, - эътиroz билдириди қизишиб кетган Гарри, - Унга нима қилди?

Профессор Гниллэр-Планк ўзини эшитмаган кўйга солди. Ўқитувчи ўқувчиларни жунжикib олган отлар қўтони ёнидан олиб ўтиб, Ман этилган ўрмон четидаги дараҳтга боғлаб қўйилган каттагина, кўркам яккашоҳ нарвал яқинида тўхтатди. Завқланиб кетган қизлар оҳ уриб юборишиди.

- О-о-о, чиройлилигини қаранг! - шивирлади Лаванда Браун, - Қаердан олди экан, а?

Уларни тутиш жуда қийин-ку!

Ердаги қор кўзни камаштириб юборгудай оппоқ нарвал олдида кул ранг кўринди.

Асабийлашган жонивор тилла туёклари билан ер депсиниб, шохли бошини орқага ташламоқда.

- Ўғил болалар ортга чекинсин! - амр қилди профессор Гниллэр-Планк.

У ман этадиган имо ила қўлини орқага узатиб, ёнида келаётган Гаррининг кўкрагига қаттиқ уриб юборди.

- Яккашоҳ нарваллар аёлларни афзал кўради. Қизлар, олдинга чикинг. Эҳтиёт бўлиб яқинлашинг... секин, секин, шошилманг...

Профессор Гниллэр-Планк билан ўқувчи қизлар аста-секин ҳайвонга яқин боришиди. Ўғил болалар ихота ёнида қолди.

Ўқитувчи нари кетиши билан Гарри Ронга мурожаат қилди:

- Унга нима қилди экан, а? Дракллар бирон нарса килиб қўйиш...

- Йўқ, Поттер, дракллар уни еб қўйишмаган, агар шундан ташвиш чекаётган бўлсанг, - пичирлади яқин ўртада турган Малфой тилёғлама оҳангда, - У ўзининг йирик, жирканч башарасини одамларга кўрсатишдан уялмоқда.

- Бу билан нима демоқчисан? - дағал сўради Гарри.

Малфой қўлини коржомасининг ички киссасига сукиб, газетанинг ўралган парчасини чиқарди.

- Ма, ўки, - узатди у, - Дилингни сиёҳ қилишдан хижолатдаман, Поттер...

Мурдор иршайиб турган Малфой газетани юлиб олган Гаррига қараб қолди. Рон, Симус, Дин ва Невилль ҳам Гаррининг орқасига ўтиб, газета ўқишига киришишиди. «Башорат-у, каромат газетаси»нинг маҳсус мухбири Рита Вритернинг шубхали қиёфа касб этган Хагриднинг сурати билан бошланган навбатдаги мақоласи чоп этилибди.

ДАМБЛДОРНИНГ ГИГАНТ ХАТОСИ

«Хогварц» сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактабининг фавқулодда ғалати директори Альбус Дамблор ўқитувчилар таркибини саралаб, ишига олиш масаласига мутлақо тушуниб бўлмайдиган, асоссиз эркинликларни доимо ўзига эп кўриб келган.

Жорий йилнинг сентябрь ойида қўзикиш хусусида мияси айниб, бадном бўлган Аластор «Ўйноқкўз» Хмури ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси сифатида қабул қилинди.

Телба Хмурининг билиб-бilmай кескин ҳаракат қилиб қўйган ҳар қандай кишига ташланишидай одати ҳаммага маълум бўла туриб, мактаб директори томонидан қабул

қилинган бундай маъмурий қарор, сеҳргарлик вазирлигида таажжуб-ла қарши олинди. Шундай бўлса-да, мулоҳаза юритилаётган Ўйноққўз Хмури Дамблдор томонидан сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани ўқитувчиси лавозимига қабул қилинган, одам зотига мансуб бўлмаган маҳлук олдида нихоятда одамишаванда фуқародай кўринади. Рубеус Хагрид, ўзи эътироф этгандай, учинчи синфда таҳсил кўраётган йили «Хогварц» ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилгач, раҳмдил Дамблдор томонидан ҳавола этилган мактаб қоровули ва хизматкори вазифасини бажариб, етарлича беҳбуд ҳаёт кечириб келган. Бироқ вақт ўтиб, бундай ҳаёт уни қаноатлантирамай қўйган. Мактаб директорига сирли таъсир ўтказиши қобилиятидан моҳирона фойдалана билган Хагрид, ўтган йили, кўплаб муносиб номзодларни додга қолдирган тарзда, яна бир иш, у ҳам бўлса, сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фани ўқитувчиси лавозимини қўлга киритшига мувваффак бўлди.

Эркак жинсига мансуб, кишини ваҳимага соладиган тана ўлчамлари-ю, ёввойи қиёфага эга Хагрид юқорида баён этилган тарзда қўлга киритган янги мавқеидан мактаб ўқувчиларини қўрқитиб, ҳукмини ўтказиши мақсадида турли-туман мудҳиш ҳайвонларни қўллай бошлади. Жумладан, Хагрид, «сўқир» Дамблорнинг кўз ўнгидা, ўзининг, аксарият ўқувчилар таъбири билан айтганда: «даҳшатли кечади»ган дарслари давомида қўплаб болаларни мажруҳ қилишга киришиди.

«Менга Хагриднинг гиппографи ҳамла қилди, дўстим Винсент Краббени эса қутуриб кетган флоббер чувалчангি талаб ташлади, иккаламиз ҳам маҳлукларга ем бўлишишимизга бир баҳя қолди», - гувоҳлик берди тўртинчи синф ўқувчиси Драко Малфой, - «Биз Хагриддан нафратланамиз. Факат бу ҳақда бирорга оғиз очишига қўрқамиз»

Холбуки, Хагрид, мактаб ўқувчиларини ҳўрлашга қаратилган фаолиятига чек қўйишини хаёлига ҳам келтиргани ўйқ. Аксинча, ўтган ой «Башорат-у, каромат газетаси»нинг маҳсус мухбири билан ўтган сухбати давомида ўзи «портловчи дракллар», деб беүхшов ном берган маҳлуклар галасини боқиши билан банд эканлигини оғзидан гуллаб қўйди. Ушибу маҳлуклар мантикора билан олов пурковчи денгиз қисқичбақасининг нихоятда хавфли дурагайидан ўзга нарса эмас. Маълумки, сеҳрли ҳайвонларнинг янги зотларини яратиш тадбирлари Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги Сеҳрли маҳлуклар устидан назорат бўлимининг қатъий назорати остида амалга оширилмоғи даркор. Бироқ бундай «аҳмоқона чеклашлар» Хагридга дахл қилмайдиган кўринади.

Унга қонун ҳақида эслатиб ўтилганда: «Ҳа энди бир оз қўнгил очиб, вақтичоғлик килятман-да, осмон узилиб, ерга тушибди-ми?», - деганча қўл силтаб, мавзуни ўзгартирди.

Юқорида баён этилган ва тегишли чора қўриш учун етарли бўлган ҳолатларга қўшишмча равишда «Башорат-у, каромат газетаси», гарчи Хагрид бугунги кунга қадар ўзини табиатан тоза қонли сеҳргар одам сифатида кўрсатиб юрган бўлса-да, аслида ундаи эмаслигига доир эътиrozга ўрин қолдирмайдиган далил-исботларни қўлга киритди.

Умуман айтганда, Хагрид одам зотига мансуб ҳам эмас. Ишончили манбалардан олинган маълумотларга қараганда унинг онаси гигант аёл Фридвульфа бўлиб, айни вақтда у қаерда бекиниб юрганилиги номаълум.

Ўтган юз йил ичидаги қонхўр ва бехосият гигантлар бир-бири билан уришавериб ўз уругини ўзлари қуритиб юборди. Омон қолган бир ҳовуч гигантлар Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг тарафдорлари сафига қўшилиб, Ёвуз Лорд ҳукм сурган даврда нихоятда мудҳиш, шу жумладан, магларни оммавий равишда қириш каби оғир жиноятлар содир этишиди.

Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишига қарши аёвсиз қураш олиб борган аврорлар томонидан ўйқ қилинган гигантлар рўйхатида Фридвульфа исми топилмади. У юртимишни тарқ этиб, хориж давлатларнинг тогли ҳудудларида қўним топган гигантлар тўдасига қўшилиб кетгани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Фридвульфанинг ўғли ўз дарслари давомида намоён этадиган қиликларига эътибор қаратиладиган бўлса, «бола бечора» ўз онасининг шафқатсиз табиатини тўла-тўқис мерос қилиб олганига зигирдай

бўлсин, шубҳа тугилмайди.

Фалакнинг гардишини қаранг-ки, Хагрид, Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг хукм сурин даврига барҳам берган ва бу билан Ёвуз Лорднинг малайлари, шу жумладан, Хагриднинг онасини бадаргаликда кун кечиришига мажбур қилган бола билан яқин дўст тутинган. Эҳтимол бечора Гарри Поттер ўзининг «баҳайбат» дўсти ҳақидаги ҳақиқатдан бехабардир. Бироқ ушбу бола ва унинг жамики мактабдошлири жсоиз ҳавф ҳақида огоҳлантирилганлигига тўла ишонч ҳосил қилиши – Альбус Дамблдорнинг бевосита хизмат мажбурияти саналади.

Гарри мутолаани тугатиб, таажжубдан оғзи ланг очилиб қолган Ронга қаради.

- Қандай қилиб хабар топган бўлиши мумкин? - пичирлаб сўради Рон.

Бироқ хозир Гаррини тамоман бошқа нарса ташвишга солди.

- «Биз Хагриддан нафратланамиз», деб нимани исботламоқчи бўлдинг? - сўради у Малфойдан, сўнг Краббе томон имо килди - «Қутуриб кетган флоббер чувалчанги талаб ташлади», деган сўзларни қандай тушуниш керак? Тиши ҳам йўқ эди-ку, ўша беозор чувалчангларнинг?!

Ўзидан ўзи фавқулодда мамнун Краббенинг бефаҳм башарасида овсарнамо кулги кўринди.

- Мен, ўша тўнканинг ўқитувчилик фаолиятига чек қўймоқчи эдим холос, - деди Малфой кўзларини яркиратиб, - Қаранг-ки, кутилгандан ҳам зиёд бўлди! Гўдаклигига кўкрак сути ўрнига «Суяк-ўстир» дорисини эмган, деб ўйлар эдим!... Бироқ гап бу ёқда эканлиги хаёлимга ҳам келмаган экан! Буларнинг бари ўқувчиларнинг ота-оналарига ёқмаслиги... болаларини еб қўйишлари борасида ташвишлари туриган гап... ха-ха-ха...

- Сен...

- Дарсга қулоқ соласизми-йўқми? - эшитилди профессор Гниллер-Планкнинг эътирози. Яккашох нарвални ўраб олган қизлар хушрўй жониворни эҳтиётлик билан силашмоқда. Гарри важоҳатдан титраб кетаётган қўли билан газетани маҳкам сиққан-ча, нафратга тўлиб-тошган кўзларини сехрли хусусиятлари профессор Гниллер-Планк томонидан баланд овозда санаб ўтилаётган нарвалга қаратди.

Дарс ниҳоясига етиб, ўқувчилар қаср томон йўл олишиди.

- Профессор Гниллер-Планк ўқитувчи бўлиб қолса, яхши бўлар эди! - завқ-ла фикр билдириди Парватти Патил, - Аллақандай махлуқлар эмас, айнан яккашох нарвал каби ҳақиқий сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш бунчалик қизикарли бўлиши хаёлимга ҳам келмаган экан.

- Хагрид-чи? - қовоқ солди Гарри қасрга олиб чиқадиган зинапоядан кўтарилиб боришар экан.

- Нима қилибди Хагридга? - жавоб қайтарди Парватти беилтифот совуқ оҳангда, - Коровуллигини қилиб юраверади.

Рождество бали ўтган кундан бўён Парваттининг Гаррига бўлган муносабати мутлако совиб кетди. Эҳтимол ўша куни Гарри чиндан ҳам Патилга етарлича эътибор қаратмагандир. Бироқ Гаррининг эътиборисиз ҳам Парватти ўзини жуда яхши ҳис этмоқда. Ҳар қалай у ҳаммани ва ҳар бир алоҳида одамни яқин келажакдаги дам олиш куни бэльстэкчи бола билан Хогсмёдда учрашиши ҳақида хабардор қилиб чиқишни унутганий йўқ.

- Дарс ҳақиқатан ҳам жуда қизик ўтди, - фикр билдириди Гермиона Катта Залга кирад экан,

- Тан олиш керакки, яккашох нарвал ҳақида профессор Гниллер-Планк айтиб берган маълумотларнинг ярмини ҳам билмас эдим...

- Сен мана буни ўқиб кўр! - ўшқириб берди Гарри, «Башорат-у, каромат газетаси»ни Гермионанинг юзига тақаб.

Мақолани ўқир экан Гермионанинг оғзи тобора кенг очилиб бораверди, ниҳоят у Рон берган саволни такрорлади:

- Каерда хабар топди экан, мудхиш Врите? Хагриднинг ўзи айтиб бермагандир?

- Йўқ, албатта, - жавоб қайтарди гриффиндорчилар дастурхонига биринчи бўлиб етган Гарри, ғазаб-ла ўзини курсига ташлаб, - Назаримда, Хагрид ўз интервьюсида мен ҳакимда ҳар хил даҳшатли нарсалар айтиб бермагани Вритерга ёқмаган. Шу боис ҳам Хагриднинг номига иснод келтирадиган материаллар қидиришга тушиб қолган.
 - Бал куни Хагрид билан Максим хоним ўртасида бўлиб ўтган сухбатни пинхон эшитиб олган бўлса керак, - ўйчан тахмин қилди Гермиона.
 - Биз уни боғда учратганимиз йўқ, - эътиroz билдириди Рон, - Хагриднинг сўзларига караганда Дамблдор уни мактаб худудига киритишни ман этиб қўйган...
 - Кўринмас плаши бўлса-чи, - тахмин қилди Гарри, - Буталар орасида изгиб юриб, бирорларнинг гапини пойлаш, унинг жосус табиатига жуда хос, шундай эмасми? Ҳамон жаҳлидан тушмаган Гарри тоблаб қизартирилган товук гўштини ликопга солар экан, ҳамма жойни булғаб юборди.
 - Кал ўзидан бехабар, деб шунга айтсалар керак-да. Ўзингиз-чи? Қилган ишингиз жосусликка кирмайди-ми? - таъкидлаб қўйди Гермиона, - Гап пойламай нима...
 - Биз беҳосдан бориб қолдик! - эътиroz билдириди Рон, - Бошқа чора қолмаган эди! Умуман айтганда, ўша тентак «болакай» ўз онаси ҳакида, ҳар қандай киши эшитиб қолиши мумкин бўлган жойда жар солмаслиги керак эди!
 - Бориб, ҳолидан хабар олиш керак, - аҳд қилди Гарри, - Шу бугуноқ, башорат дарсидан кейин. Ўқитувчиликка қайтишингни истаймиз, деб айтгани... Қайтишини истайсан-ку, шундайми? - овоз кўтарди у Гермионага.
 - Мен-ми... ҳм... хилма-хиллик сифатида сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан рисоладагидай ўтилган дарсда бўлиш завқли ўтганини инкор этмайман... - чўзиб жавоб қайтарди Гермиона, - Лекин Хагриднинг қайтишини истайман, албатта! - шоша-пиша фикрини якунлади у, Гаррининг важоҳатли нигоҳдан чўчиб кетиб.
- Шундай қилиб, учовлон, кечки овқатдан сўнг, музлаб қолган ҳовлини тепалаганча, Хагриднинг кулбасига бориб, эшик тақиллатди. Бироқ ичкаридан Сўйлоқтишнинг акиллашидан бошқа жавоб бўлмади.
- Хагрид, оч эшикни, биз келдик! - қичкирди Гарри, эшикни даранглатиб.
 - Эшик очилмади. Сўйлоқтишнинг ангиллаб, ёғоч тирнагани эшитилди холос. Учовлон ўн дақиқача навбат билан тақиллатди. Эринмаган Рон кулбанинг деразасини ҳам даранглатди. Фойдаси бўлмади.
 - Нега энди у ўзини олиб қочяпти? - таажжубланди Гермиона, тақдирга тан бериб, қасрга қайтишар экан, - Бу гапларнинг бари бизга бирон-бир аҳамияти бор, деб ўйламас, ҳар қалай, а? Чала зот гигант бўлса, нима қилибди?!
- Лекин Хагрид, афтидан, бошқача фикрда шекилли. Ҳафта давомида қорасини кўрсатмади. Овқатлангани ҳам Катта Залга кирмай қўйди, ҳовлибонлик ишини йигиштирган чоғи, хеч каерда кўринмади. Унинг дарсини илгаригидай профессор Гниллер-Планк ўтказмоқда. Гарри ва унинг дўстларини таҳқир қилишни Малфой имкон қадар қўлдан бермай юрди. Ҳар сафар учрашиб қолишганда, Гарри хеч нарса кила олмаслиги учун атайин бирон-бир ўқитувчи яқинида пичирлади:
- Чала зот гигантни соғиндингми? Одам-филни ўйлаб хўнг-хўнг йиғлаясан-ми?
 - Январь ойининг ўрталарида Хогсмёдга сафар уюштирилди. Гаррининг кишлокқа чиқишига тарафдуд кўраётганини кўрган Гермиона таажжубланди.
 - Умумий меҳмонхонада ҳеч ким бўлмайдиган пайтдан фойдаланасан, деб ўйлаган эдим, - деди у, - Тухум билан жиддийроқ шуғулланиш вақти етмадимикан?
 - А, ха, мен... гап нимада эканлигини деярли тушуниб етгандай бўлдим, - алдади Гарри.
 - Ростданми? - завқланиб кетди Гермиона, - Баракалла!
- Ёлғон гапиргани туфайли хис этган айборлик туйғуси Гаррининг ичини тимдалади-ю, эътибор қаратмасликка уринди. Колаверса ҳали ихтиёрида яна беш хафта бор. Бу жуда кўп... Хогсмёдда эса Хагридни учратиб, ўқитувчиликка қайтишга кўндириши мумкин... Шанба куни Гарри Рон ва Гермиона билан биргаликда қасрдан чиқиб, ивиб кетган совук ҳовли бўйлаб мактаб худудидан чикиш дарвозаси томон йўл олди. Дурмштрангчиларнинг

лангар ташланган кемаси ёнидан ўтишар экан, юқори палубада турган Виктор Крумни кўришди. Унинг эгнида чўмилиш трусикидан бошқа нарса йўқ. Крум жуда озғин экан-у, афтидан яхшигина чиниккан кўринади. У кема корпусининг четига турди-да, шартта ўзини сувга ташлади.

- Вой телба! - деди Гарри кўлда сузаб юрган Крумга қараб, - Ҳовлида январь бўлса, сув муздай-ку, ахир!
- У яшайдиган юрт иклими бундан хам совуқ, - фикр билдириди Гермиона, - Юртимиз унга иссиқ ўлкадай кўринса керак.
- Тўғри, бироқ кўлда баҳайбат кальмар яшайди, - деди Рон.

Аммо унинг оҳангиди ташвиш эмас, аксинча, қандайдир умид эшишилди. Буни пайқаган Гермиона қовоқ солиб олди.

- Гарчи у «Дурмштранг»дан бўлса ҳам, сен ўйлаганча ёмон бола эмас, - ишонч-ла баёнот килди у, - Мактабимиз унга жуда ёкибди. Ўзи айтди менга.

Рон индамай кўя қолди. Бал ўтгандан бўён у Гермионанинг олдида Крум ҳакида умуман гап очмай кўйди. Гарри эса Рождествонинг иккинчи куни Роннинг каравоти остидан Болгария жамоаси ўйинчисининг митти қоматидан узиб ташланган ўйинчоқ қўл топиб олди.

Хоғмёднинг пилчиллаган Дароз қўчаси бўйлаб боришар экан Гарри Хагридни кўриш илинжида атрофга аланглаб юрди. Дўконларнинг бирортасида хам учратмагач, «Уч супурги» қаҳвахонасига киришни таклиф килди.

Қаҳвахона одатдагидай гавжум-у, Хагриднинг йўклигини тушуниб етиш учун бир бор кўз югуртириб чиқишининг ўзи кифоя. Боланинг кўнгли чўқди. Дўстлари билан бирга пештахта ёнига бориб, Росмерта хонимга ҳузур-халоват ичимлигига буюртма бергач, тухумнинг мудҳиш чинқириқларини эшишиб ўтириш учун умумий меҳмонхонада қолмаганига ачинди.

- У ишга чиқадими, ўзи? - кутилмаганда пичирлади Гермиона, - Кўзгуга қаранг!
- Гарри пештахта ортига маҳкамланган, Гермиона имо қилган кўзгуга қараб, Людо Шульманнинг аксини кўрди. Коронги бурчакда, гоблинлар даврасида ўтирган Шульман нималарнидир тез ва паст овозда гапирмоқда, кўлларини кўкракка қовуштириб олган гоблинлар эса вахимали киёфа ясаганча, унинг сўзларини диккат билан эшишиб ўтириби. Дам олиш куни, Беллашув билан боғлик бирон-бир тадбир ўтказилмаётган, демак ҳакамлик вазифасини бажаришга ҳожат бўлмаган куни Шульманнинг «Уч супурги» қаҳвахонасида ўтиргани чиндан ҳам жуда ғалати, хаёлдан ўтказди Гарри. У Шульманнинг аксини диккат билан кузатиб турди. Собиқ Uriб қайтарувчининг киёфаси жуда безовта. Ажал белгиси ҳосил қилинган ўрмонда пайдо бўлганда ҳам худди шунақа қиёфада кўринган эди. Айни шу пайтда нигохини пештахта томон қаратган Шульман, Гаррини кўриб қолиб, ўрнидан турди.

- Ҳозир қайтаман, - густоҳона бакирди у, гоблинларга мурожаат қилиб. Гаррининг ёнига югуриб келган Шульманнинг болаларча табассуми ўз жойига қайтиби.

- Гарри! - завқ-ла хитоб қилди у, - Ишлар қалай? Сени шу ерда учратишга умид қилган эдим! Хўш, ишларинг жойидами?

- Жойида, раҳмат.

- Холи қолиб гаплашиб олишимиз мумкинми? Икки оғиз сўзим бор холос? - ҳовлиқиб сўради Шульман, - Иккалангиз, илтимос, бир дақиқага ҳоли колдиринг бизни.

- М-м-м... Хўп, майли, - елка қисди Рон.

Гермиона билан Рон нари кетишиди.

Шульман эса Гаррини Росмерта хонимдан нари тортиди.

- Мен... сени яна бир бор ажойиб ғалабанг билан табрикламоқчи эдим, - гап бошлади Шульман, - Чиндан ҳам ўша кунги чиқишинг зўр бўлди.

- Раҳмат.

Бу билан иш битмаслигини Гарри яхши тушуниб турибди. Табриклайдиган бўлса, Рон билан Гермионанинг олдида ҳам табрикллаши мумкин. Юраги пўкиллаб кўзгудаги

гоблинлар аксига қараб қўйган Шульман ниятини очик билдиришга ошиқмади. Гоблинлар эса ўз навбатида, қора тиркишга ўхшаш қўзларини Шульман билан Гарридан узмай ўтириби.

- Даҳшатнинг ўзгинаси-я, - шивирлади Шульман, Гаррининг гоблинларга эътибор қаратганини сезиб, - Инглиз тилини мутлақо тушунишмайди. Кубокнинг болгарлар билан ўтган финал ўйинида шундай ҳолатта тушиб қолган эдим... Болгарларнинг фикрини ҳеч бўлмаганда одамга ўхшаб бажарган имо-ишораларидан укиб олса бўлар эди. Булар эса фақат гобльдегук тилида ғингиллашади... Уларнинг тилида фақат бладвак сўзини биламан. Дастаки сўка, деган маънони англатади. Фақат таҳдид киляпти, деган хаёлга бормасликлари учун ўша сўзни ҳеч талаффуз килмайман.

Шульман ўзининг ҳазилидан ўзи кулиб қўйди.

- Муддаоси нима, уларнинг? - кизиқди Гарри, Шульманга диқкат билан караб ўтиришган гоблинларни кузатиб.

- М-м-м... улар, - кутилмаганда асабийлаша бошлади Шульман, - Улар... м-м-м... Барти Сгорбсни қидиришмоқда.

- Нега энди бу ерда қидиришяпти уни? - ҳайрон бўлди Гарри, - Ахир у Лондонда, вазирликда эмасми?

- Умуман айтганда... м-м-м... у қаерда эканлигини тасаввур ҳам қила олмайман, - деди Шульман, - Сгорбс... нима деб тушунтирасам экан... ишга чиқмай қўйди. Унинг ёрдамчиси Перси Уэслининг сўзларига караганда, қаттиқ бетоб эмиш. Ишга доир кўрсатмалар ёзиб, бойқуш почтаси орқали йўллаётган экан. Фақат бу гапларни ҳеч кимга айтма, Гарри, хўпми? Акс ҳолда, ҳамма тешикка тумшук тиқадиган Рита Вритеर пашишадан фил ясад, Сгорбснинг касаллигига доир куракда турмас бемаъниликларни тўкиб-чатиб юбориши мумкин. Тагин Сгорбсни иккинчи Берта Жоркинсга айлантириб қўймасин...

- Айтгандай, ўша қиздан бирон хабар борми? - кизиқди Гарри.

- Йўқ, - боз асабийлашди Шульман, - Мен, табиийки, қидирувга одам жўнатдим... Жағалати иш... Албанияга етиб боргани аник. Чунки у ўша юртда истиқомат қиладиган аммаваччаси билан учрашган. Аммаваччасининг уйидан чиқиб, жанубда яшайдиган холасининг ҳолидан хабар олгани йўл олган... ва йўл давомида изсиз йўқолган... жазман топиб, қочиб кетадиган аёллардан эмас у... шунга қарамай... Қўйсанг-чи, Гарри? Нималар ҳакида гаплашиб ўтирибмиз? Аллақандай гоблинлар, аллақандай Берта Жоркинс... Аслида тилла тухум ҳакида сўрамоқчи эдим. Муаммо йўқми?

- М-м-м... йўқ, муаммо йўқ, - боз алдади Гарри.

Шульман боланинг ёлғон гапирганини уқди.

- Кулоқ сол, Гарри, - паст овозда гап бошлади у, - Сени Беллашувга, ихтиёргингга қарши тикиштириб қўйишганидан... мен... жуда ташвишдаман... Шундай экан, агар... агар бирон-бир муаммо бўлса, мен ёрдам кўрсатишими... тегишли йўл-йўриқ беришим мумкин... Сенга бўлган меҳрим янада ошиб кетди... айниқса, аждар билан олишганингни кўриб!... Хуллас, шама қилиб қўйсанг бўлгани.

Гарри Шульманнинг қизил ёноқлари, болаларча катта-катта очилган мовий қўзларига қаради. Сўнг, имкон қадар эҳтиёткорона, вазирликнинг Сехргарлик ўйинлари ва спорт департаменти бошлигини қоидабузарликда айблаётган кишига ўхшаб қолмаслика уриниб, гапирди:

- Бироқ биз жумбоқ ечимини ўзимиз, мустақил топишимиз керак-ку.

- Албатта, албатта, - гапни бўлди бетоқат Шульман, - Лекин... Қўйсанг-чи, шу гапларингни, Гарри!... «Хогварц» ғалаба қозонишини ҳаммамиз ҳам истаймиз-ку, шундай эмасми?!

- Седрикка ҳам ёрдам кўрсатишни таклиф қилдингиз-ми? - тикка сўради Гарри.

Шульманнинг силлиқ юзи сезилар-сезилмас хавотирдан буришиб кетди.

- Йўқ, таклиф қилганим йўқ, - тан олди у, - Боя айтдим-ку, сенга бўлган меҳрим янада ошиб кетди, деб. Шу боис ҳам ёрдам беришга уриниб қўраман, деган хаёлга бордим...

- Раҳмат. Лекин назаримда, муаммони хал килгандай бўлдим. Яна бир-икки кундан сўнг,

жумбоқнинг тагига етаман.

Нима учун ёрдамдан воз кечаетганини Гаррининг ўзи аниқ тушунмаяпти. Балки Шульман билан узоқ вақт таниш бўлмагани сабаблидир. Шу боис ҳам, унинг ёрдами Рон, Гермиона ва Сириуснинг маслаҳатлари билан қиёслаб кўрилганида ғайриқонуний кўрингандир. Шульман иззати-нафси олинган башара ясади-ю, Фред билан Жорж келишгани учун ортиқ ҳеч нима дея олмади.

- Салом, мистер Шульман, - қувонч-ла кўришди Фред, - Ижозат берсангиз, меҳмон қилай?
- М-м-м... йўқ, - рад этди Шульман сўнгги бор Гаррига ихлоси қайтгандай қараб қўйиб, - Раҳмат, болалар...

Шульманнинг башарасидаги, худди Гарри жуда кучли панд берган каби, қиёфа билан қиёслаб кўриладиган бўлса, Фред билан Жоржнинг дили сиёхлиги ушбу қиёфадан қолишмади.

- Боришим керак, - хайрлашди Шульман, - Ҳаммангизни кўрганимдан жуда хурсандман. Гарри, омад ёр бўлсин!

У кўча томон харакат бошлиши билан гоблинлар ёппасига қўзғалиб, ортидан эргашди. Гарри эса Рон билан Гермионанинг ёнига қайтди.

- Сендан нима истаяпти у? - сўради Рон, Гарри курсига ўтириши билан.
- Тилла тухум масаласида ёрдам таклиф қилди.
- У бундай қилмаслиги керак! - ҳаяжонланиб кетди Гермиона, - Ахир у хакам-ку! Лекин, нима қилганда ҳам бу масалада сен ёрдамга муҳтоҷ эмассан, тўғрими? Жумбоқ ечимини топдинг, шундайми ёки йўқ-ми?
- М-м-м... деярли, - қўзини олиб қочди Гарри.
- Шульман сенга ғирромлик қилишни таклиф қилганини Дамблдор билиб қолса борми! - деди бўлиб ўтган гапларни маъқул топмаган Гермиона, - Седрикка ҳам ёрдам таклиф қилган бўлса керак?
- Йўқ, таклиф қилмаган. Мен сўрадим.
- Дигорига ким ҳам ёрдам бергиси келади? - захар қилди Рон.

Гарри Роннинг фикрини ич-ичидан маъқуллаб қўйди.

- Анави гоблинларнинг башаралари ҳаддан ортиқ бадҳоҳона кўринди қўзимга, - ўйчан фикр билдириди Гермиона, хузур-лаззат ичимлигини симирап экан, - Үмуман айтганда, нима керак экан уларга бу ерда?
- Шульманнинг гапи рост бўлса, Сгорбсни қидириб юришган эмиш, - жавоб берди Гарри, - У ҳалигача касал экан. Ишга чиқмаётган эмиш.
- Бошлигининг ияги боғланган куни департамент раҳбари бўлишни орзу қилган Перси Сгорбса оз-оздан заҳар сепиб бераётган бўлса, ажаб эмас, а? - тахмин қилди Рон.
- Гермиона Ронга еб қўйгудай ўқрайиб қўйди.
- Қизиқ, нега энди гоблинлар мистер Сгорбсни қидириб қолиши? Одатда, улар Сехрли маҳлуклар устидан назорат бўлими билан муносабатда бўлишади.
- Сгорбс минглаб тилларни билади, - тушунтириш топган бўлди Гарри, - Балки уларга таржимон керак бўлиб қолгандир.
- Демак энди бизни миттигина ва ниҳоятда ожиз гоблинчалар ташвишга соляпти эканда, а?
- чақиб олди Рон Гермионани, - Энди бирон-бир МГХЖ, яъни Майриқ гоблинларни ҳимоя қилиш жамиятини таъсис этишни ният қилдик-ми, дейман, а?
- Ха-ха-ха, - истехзо-ла кулиб юборди Гермиона, - Гоблинлар ҳимояга муҳтоҷ эмас.
- Уларнинг қўзғолонлари ҳакида профессор Биннз айтиб берган гапларни ҳеч эшигтанмисиз?
- Йўқ, - баралла жавоб қайтарди Гарри билан Рон.
- Эшигтмаган бўлсангиз, билиб қўйинг. Улар сехргарларни ҳеч бир қийинчиликсиз бир ёқли қилишлари мумкин, - баёнот қилди хузур-лаззат ичимлигини боз симирган Гермиона,
- Гоблинлар жуда ақлли бўлишади. Гап қайтаргани юраги бетламайдиган уй эльфлари эмас, улар.
- Анави томонга қаранг, - деди Рон, эшик томон бақрайиб.

Қахвахонага Рита Вритең кириб келди. Бугун у банаң тусли сарық коржома кийиб, тирногига пушти лак суртибди. Рита билан биргә мешқорин фотосуратчи кириб келди. Ичимлик харид қылган Рита шериги билан биргә учала ўртоқ турған жойга яқынроқ столни танлаб жойлашды. Гарри, Рон ва Гермиона нафратта түлиб-тошган күзларини Вритеңга тикиб қолиши. Рита нимадандир жуда мамнун бўлиб, ниҳоятда тез гагиряпти:

- ... жа хурсанд бўлмади у, а, Бузо? Нега? Нима деб ўйлайсан? Умуман айтганда, гоблинлар куршовида нима килиб юрибди бу ерларда, а?... Қишлоқнинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатиб юрган эмиш... Бемаънилик!... У хеч қачон ёлғон гапира олмаган. Бирон нарсани ният килиб юрибди, деб ўйламайсан-ми? Ковлаштириб қўриш керакмикан, а? «Сехргарлик ўйинлари ва спорт департаментининг шармандаси чиққан собиқ бошлигини Людо Шульман»... Макола шундай бошланса ёмон бўлмайди, а, нима дейсан, Бузо? Ўнгай кирдикор топиш колади холос...

- Яна бирон кишининг ҳаётини расво қилишга уриняпсиз-ми? - атайин баланд овозда сўради Гарри.

Қахвахона мижозлари аста ўгирилиб қаради. Гардишига қимматбаҳо тошлар қадалган кўзойнак ортида Рита Вритеңнинг кўзлари таажҷубдан катта-катта очилиб кетди.

- Гарри! - яшнаб кетди у, - Учрашган жойимизни қара-я! Даврамизга келиб қўшилмай...

- Сиз билан ўтиргандан кўра, ўша гоблинлар билан дўст тутинган ёки эшак билан бир охурдан ем еган афзал! - нафрат-ла қичқирди Гарри, - Нега Хагриднинг номига иснод келтирдингиз?

Рита Вритеңнинг қалин бўялган кошлари кўтарилиб кетди.

- Газетхонларимиз ҳақиқатни билишга ҳақли, Гарри, мен ўз ишимни бажаряпман хол...

- Унинг чала зот гигант эканлиги кимни қизиқтириши мумкин? - бакира кетди Гарри, - У жуда яхши киши! Сиз унинг тирногидаги кирига ҳам арзимайсиз!

Қахвахонада сукунат қарор топди. Асал куйиб, кўздан тошириб юбораётганини идрок этмаётган Росмерта хоним кўзларини катта очганча серрайиб қолган.

Рита бир неча сонияга қаёқладир гум бўлган табассумини аранг тиклаб олди. Сўнг тимсоҳ терисидан тайёрланган сумкаласини очиб, ичидан мулокот пат-қаламини чикарди.

- Хагрид ҳақида интервьюга нима дейсан, Гарри? Ўша мушаклар уюми замирида қандай шахс бекинган? Иккалангизнинг ғалати дўстлигингиз-у, бундай муносабатларнинг юзага келиш сабаблари нимада? Хагрид отанг ўрнини боса олдими?

Қўлидаги хузур-лаззат ичимлигининг идишини граната каби ушлаб олган Гермиона Ританинг ёнига иргиб келди.

- Сиз ўтакетган бадбахт, жирканч аёл экансиз, - деди у маҳкам қисиб олган тишлари орасидан, - Шов-шув бўладиган фельетон ёзиш учун ҳар қандай кишининг, мана энди Людо Шульманнинг обрўйини бир пул қилишдан таб тортмай ўтирибсиз, шундай эмасми?

- Ўт жойингга, тентак қиз. Ўзинг тушунмайдиган нарсалар ҳақида гапирма, - деди ёмон қараб қолган Рита Вритең муздай охангда, - Мен ўша Людо Шульман ҳақида шундай нарсаларни биламан-ки, эшитган кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади... Сенинг сочиниг бундан истисно, албатта, - деди у Гермионанинг сочини совуқ нигоҳ-ла ўрганиб чиқиб.

- Кетдик бу ердан, - деди Гермиона, - Кетдик... Гарри... Рон... кетдик. Бу аёл бор жойда тоза ҳаво булғанади. У билан бир жойда ўтира олмайман.

Учовлон зарда қилиб, қахвахонани тарқ этди. Аксарият мижозлар болаларнинг ортидан қараб қолди. Вритеңнинг мулокот пат-қалами ниҳоятда катта тезлик билан столда ётган пергаментта нималарнидир ёза кетди.

- Гермиона, энди сен унинг навбатдаги қурбони бўлишинг муқаррар, - деди Рон ташвишли охангда.

Болалар Дароз кўча бўйлаб жадал одимлаб кетиши.

- Қани журъат этиб кўрсин-чи! - қичқирди ғазабдан дағ-дағ титраётган Гермиона, - Мен унга кўрсатиб қўйман, фельетон ёзиш қандай бўлишини. Мен, демак, унинг назарида тентак қиз эканман-да, а? Йўқ, мен буни шундайлигича қолдирмайман. Дастваб Гарри, энди Хагрид...

- Гермиона, Рита Вритернинг жаҳлини чикара кўрма, - қўрқа-писа ўтинди Рон, - Мен жиддий айтяпман. Сен тўғрингда бирон нарса ковлаштириб топади...

- Менинг ота-онам «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқимайди. Мени эса одамлардан бекиниб юришга мажбур қила олмайди!

Гермиона шу қадар тез одимламоқда-ки, Гарри билан Рон унга аранг етишиб юрибди. У сўнгги бор бундай кайфиятда бўлган куни Драко Малфойнинг башарасига мушт қўйиб тинчланган эди.

- Хагридни ҳам бекиниб ўтирган жойидан олиб чиқаман! - тинчимади Гермиона, - У тақдирга тан бериб, таслим бўлмаслиги керак! Нега лаллясиз, тезроқ юрсаларинг-чи! У қишлоқ кўчаси бўйлаб юргурганча, «Хогварц»га олиб кирадиган, икки ёнида қад кўтарган тош устунларнинг тепа қисмини қанотли тўнғизлар безаб турган данғиллама чўян дарвозадан ўтиб, мактаб ховлиси орқали тўғри Хагриднинг кулбаси томон йўл олди.

- Хагрид! - чинқирди Гермиона кулбанинг эшигини гумбуzlатиб, - Хагрид, бас қил бекинишни! Ичкарида ўтирганингни яхши биламиз! Онанг гигант аёл бўлгани билан нима ишимиз бор! Ўша бетавфиқ, ёвуз беномуснинг сўзларидан эзилиб ўтираверасан-ми! Чик дедим сенга, Хагрид, ўзингни ниҳоятда аҳмоқона тут... яп... сан...

Эшик очилди. Гермиона: «Ниҳоят...» демоқчи бўлди-ю, гапи оғзида қолиб, дами ичига тушиб кетди. Негаки у, оstonада Хагрид билан эмас, «Хогварц» директори Альбус Дамблдор билан юзма-юз келиб колди.

- Хайрли кун, - боадабона саломлашди директор кулиб.

- Биз... м-м-м... Хагрид билан кўришмоқчи эдик, - журъатсиз тушунтириш бергандай бўлди Гермиона.

- Мен буни жуда аниқ тушундим, - деди қув кўзлари яркираб кўринган Дамблдор, - Ичкарига марҳамат қилинглар.

- О... хм... ҳа, - эзилди Гермиона.

Болалар ичкарига киришди. Ўларча соғиниб кетган шекилли, Сўйлоқтиш ангиллаганча Гаррининг ёнига югуриб келиб, қулогини ялай кетди. Итдан аранг қутулган Гарри хонага кўз югуртириб чиқди.

Хагрид иккита чой кружкаси қўйилган стол ортида ўтирибди. Афти-ангoriga қараб бўлмайди: кўзлари шишиб кетган, юзларини доғ босган... соchlарига эса мутлақо қарамай қўйибди. Оқибатда чигаллашиб кетган сим калавасини бошига бостириб қўйишгандай кўринмоқда.

- Салом, Хагрид, - кўришди Гарри.

Хагрид бошини столдан кўтарди.

- ...лом, - бўғиқ хириллаб қўйди у.

- Билишимча, яна чой кетади, - деди эшикни ёпган Дамблдор ўзига ўзи.

У сехрли таёқчасини чиқариб, бармоқлари орасида ўйнатган бўлди. Ҳавода чой анжомлари-ю, бир ликоп пирожний терилган патнис айланганча, пайдо бўлди. Дамблдор патнисни стол устига қўндиригач, ҳамма дастурхон атрофига жойлашди. Қиска танаффусдан сўнг Дамблдор гап бошлади:

- Хагрид, мисс Грэнжернинг сўзларини эшитдинг-ми?

Гермиона кизарив кетди. Дамблдор кизалокқа кулиб қараб қўйди-да, давом этди:

- Кўриб турибсанки, Гермиона ҳам, Гарри ҳам, Рон ҳам сен билан илгаригидай мулокот килишмоқчи. Эшикни бузиб ташлашга тайёр эканлигига қараганда, улар бундай мулокотга жуда ташна.

- Албатта, - тасдиклади Хагридга тик қараб ўтирган Гарри, - Анави гумбаз ғунажиннинг сўзлари... маъзур сананг, профессор, оғзимдан бехос чиқиб кетди, - тез қўшиб қўйди у, Дамблдорга қараб қўйиб.

- Кечирасан, Гарри, хаёлга берилиб, гапингни эшитмай колибман, - ўзини жинниликка солди Дамблдор, бош бармоқларини айлантирганча, шифтга қараб.

- А... мен айтмоқчи эдим-ки, Хагрид, - тортиниб давом этди Гарри, - Анави... аёлнинг сўзлари биз учун бирон-бир аҳамият касб этиши ҳақида нотўғри хаёлга борма.

Хагриднинг бир жуфт кора қўнғиздай келадиган катта-ката кўзларидан ёш думалаб, пахмоқ соқолига сингиб кетди.

- Мана марҳамат, сўзларимнинг жонли исботи, - гап қистирди шифтдан кўзини узмай ўтирган Дамблдор, - Ахир мен сенга бир вактлар ўzlари ушбу мактабда таҳсил кўрган, сени жуда яхши эслайдиган ота-оналардан келган сон-саноқсиз мактубларни кўрсатдим-ку. Уларнинг ҳаммаси, агар сени ишдан бўшатадиган бўлсам, мени нима деб сўкишларини жуда аниқ баён этишган...

- Ҳаммаси ҳам эмас, - хириллади Хагрид, - Ҳаммаси ҳам бундай фикр юритмайди.

- Биласанми нима, Хагрид, агар сенга бутун жаҳон миқёсидаги эътироф керак бўлса, кулбангдан чиқмай, жуда узоқ ўтиришингга тўғри келади. Ўша вақтга келиб мақолани ҳеч ким эсламай ҳам қўяди, - деди Дамблдор ярим ой шаклидаги кўзойнаги орқали Хагридга дикқат билан қараб, - Директор этиб тайинланганимдан бўён мактаб фаолиятини нотўғри бошқараётганим ҳакида кам деганда битта бойкуш келмаган ҳафта ўтганини эслай олмайман. Хўш, нима қилишим керак энди? Хонамга бекиниб, ҳеч ким билан гаплашмай, тарки дунё қилиб ўтиришим керакми?

- Лекин сиз... чала зот гигант эмассиз-ку! - дўриллади Хагрид.

- Хагрид, сен менинг қариндошларимни яхши танийсан-ку! - бақириб юборди тоқат қила олмаган Гарри, - Сен Дурслларни эслаб.

- Жуда тўғри, - бош ирғиди профессор Дамблдор, - Ёки мисол тариқасида укам Аберфорсни олайлик. У эчкига нисбатан номаъкул жоду қўллагани учун жавобгарликка тортилган. Бу ҳақда барча газеталарда жар солинди. Бироқ Аберфорс одамлардан бекиниб олгани йўқ?! Аксинча, бошини мағрур қўтарганча, ўз киликларини давом этиб юраверди! Лекин хат-саводига шубҳа қилганим учун ҳам, унинг хулқини мардонавор дея олмайман...

- Оддий ҳаётга қайтгин-да, дарсларингни давом эт, - паст овозда ўтинди Гермиона, - Илтимос, биз сенсиз зерикяпмиз.

Хагрид ютиниб қўйди. Унинг кўз ёшлари тўхтамай оқиб, соқолининг орасига кириб кетяпти. Дамблдор ўрнидан турди.

- Қисқаси, истеъфонгни қабул қилмайман, Хагрид. Душанба куни сени ўз иш жойингда кўришни истайман. Катта Залда соат саккиз-у, ўттизда нонушта вақтида кутаман. Ҳеч қандай важ-баҳона қабул қилинмайди, - амр килди у, - Ҳаммага яна бир бор хайрли кун тилайман.

Сўйлоктишнинг қулоғини қашлаб қўйиш учун бир-икки сонияга тўхтаган Дамблдор кулбани тарк этди. Директорнинг ортидан эшик ёпилиши ҳамоно, Хагрид, юзини, ҳар бирининг ўлчами чиқинди ташлаш бакининг қопқоғидай келадиган кафларига босганча, хўнграб юборди. Гермиона ўзининг кичкинагина, нозик кафти билан давангирнинг бакувват қўлларини, токи у бошини столдан қўтаргунга қадар, юпаттан бўлиб, силаб ўтириди.

- Яхши одам, Дамблдор... - деди кўзлари қизариб кетган Хагрид, - Жуда яхши одам.

- Ҳа, яхши одам, - тасдиклади Рон, - Хагрид, пирожнийлардан биттасини олиб есам майлими?

- Ол, е, - бош ирғиди Хагрид, кафларининг орқа томони билан кўзини артиб, - Тўғри айтди... ҳаммангиз ҳақсиз... ўзимни ниҳоятда аҳмоқона тутдим... дадам хабар топса, уялган бўлар эди.

Хагрид яна оқиб кетган ёшини шашт билан артиб ташлади.

- Унинг расмини сизларга кўрсатганман-ми? Ҳозир...

У ўрнидан туриб, жавон тортмасидан фотосурат чиқарди. Кўзлари-ю, кўз атрофидаги ажинлари Хагриднинг кўзларидан фарқ қилмайдиган митти амаки ўғлининг елкасида кувноқ қулиб ўтириби. Иккаласи олма дарахтининг ёнида туриб суратга тушган. Шунга қараб, Хагриднинг ўша вактдаги бўйи етти-саккиз футдан паст бўлмаганлиги, соқоли хали чиқмаган, ёш юзининг силликлиги ва юмалоқлигидан ўн бир ёшдан ошмаганлигини билса бўлади.

- Эндиғина «Хогварц»га ўқишига кирган эдим, - йиғламсираган овози билан тушунтириш

берди Хагрид, - Дадамнинг боши кўкка етган эди ўшанда... Онам туфайли сехргар бўлмаслигимдан қўрқкан эди, ўзингиз тушунасиз... майли, ҳозир бунинг ахамияти йўқ. Сехр-жоду масаласида мен доимо қолоқ бўлиб келганман... Хайриятки, мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилганимга қадар ўлиб кетди. Омонатини мен иккинчи синфда ўқиётганимда топшириди...

Хагрид бир оз сукут сақлаб турди.

- Дадамни топшириб келганимдан сўнг, Дамблдор менга кўз-кулок бўлди. Кўриб турибсиз, иш топиб берди... Одамларга ишонч билдира олади у. Хато қилган кишига яна бир бор имкон беришдан ҳам чўчимайди. Айнан шу фазилати билан бошқа директорлардан фарқ қиласди. Ҳақиқий истеъоди бўлса бўлди, у ким бўлишидан қатъи назар «Хогварц»га қабул қиласверади. Одам танламайди. Оиласи... обрўсиз бўлса ҳам, инсоннинг ўзи ҳалол, вижданли бўла олишини жуда яхши тушунади. Кек сақламайди. Баъзилар эса тушунмайди. Айримлар сенга чоҳ қазиб, оёғингдан чалиш, тагингга совук сув куйиш пайида юришади. Баъзилар ўзини суяги йўгон киши сифатида кўрсатишга уринади. Бундан нима наф. Ундан кўра: «Мени Худо қандай яратган бўлса, шундай кўринг, зеро мен бундан ҳеч ҳам уялмайман», де. Отам айтган эди: «Ҳеч қачон ўзингдан уялма. Сенга қарши чиқадиганлар доимо топилади. Ундей каслар билан ишинг бўлмасин». Тўғри айтган экан, раҳматли. Аҳмок, нодон эканман. У билан энди ишим бўлмайди, мана кўрасиз. Суяги йўгон эмиш... кўрсатиб қўяман хали, суяқ қанчалик йўғон бўлишини. Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига тортиниб караб қўйишиди. Гарри Хагриднинг Максим хоним билан ўтган сухбатини яширинча эшитиб қолганинг икрор бўлишдан кўра портловчи драклларнинг элликтасини сайр килдириб келишни афзал, деб топди. Хагрид эса ортиқча гапларни вайсаётганини идрок этмай, гапини давом эттириди:

- Биласанми, нима, Гарри? - деди у ёшга тўлган кўзларини отасининг расмидан узиб, - Сени илк бор кўришим билан болалигимни эсладим. Ота-онаси йўқ, ғирт етим... Эсингдами, ўшанда сен «Хогварц»да таҳсил олишга тўғри келиш-келмаслигинг борасида иккиланган эдинг? Ўқиши эплай олиш-олмаслигингни билмаган эдинг? Ана энди ўзингга қара, а, Гарри? Мактабнинг чемпионликка даъвогари!

У муайян вақт Гаррига тикилиб, тек колди. Сўнг жиддий оҳангда сўради:

- Биласанми, мен нимани исташим, орзу қилишимни, Гарри? Ғалаба қозонишининг, чемпион бўлишингни истайман! Ўшанда сен ҳаммасига кўрсатиб қўйган бўлар эдинг... У ёки бу маррага эришиш, юксак чўққиларни забт этиш учун кишининг зоти, кони тоза бўлиши шарт эмаслигини исбот қилиб берган бўлар эдинг! Киши ҳеч қачон ўзидан ўзи уялиши керак эмаслигини кўрсатиб, ҳаммасининг кўзларини мощдай очиб қўйган бўлар эдинг! Охир-пировардида сехр-жоду билан шуғуллана оладиган ҳар қандай кишини мактабга қабул килаётган Дамблдорнинг ҳақ эканлигини улар тушуниб этиши мукаррар бўлар эди. Айтгандай, тухум масаласида ишларинг қалай?

- Зўр, - деди Гарри, - Жуда зўр.

Шўрли Хагриднинг сўлгин юзида нихоятда кенг, йиғламоқдан кийшайиб кетган табассум кўринди.

- Билардим, Гарри, шубҳа қилмас эдим... яша азamat! Сен уларга кўрсатиб қўясан. Мен бунга ишонаман. Ҳаммасининг таъзирини берасан.

Бошқаларни алдашга нисбатан Хагридни алдаш, виждан азоби туфайли бўлса керак, жуда кийин кечди. Сал ўтиб, Рон ва Гермиона билан биргалиқда қасрга қайтаётган Гаррининг кўз ўнгидан Беллашув чемпиони сифатида эътироф этилган Гаррини тасаввур қилиб, баҳтиёр киёфа қасб этиб ўтирганча қолган Хагриднинг юзи ҳеч нари кетмади. Ўша оқшом Гаррининг фикр-хаёлларини қийнаб келаётган, сирини тушуниб бўлмас тилла тухумнинг вазни янада оғирлашиб кетгандай бўлди. Ётар вақт етгач, Гарри, ғурурни бир четга қўйиб, Седрикнинг шамали гапи сарик чақага арзиш-арзимаслигини аниқлаб кўришга аҳд қилди.

Тухум жумбоги ҳал этилгунга қадар анча вакт ванна қабул қилишга тұғри келишини Гарри билар эди. Бинобарин, ушбу иш билан тунда шуғулланиш, Седрикка тұла-тұқис итоат қилишни истамаса-да, синфбошилар ювинадиган ваннахонага боришга қарор қилды. Ҳар қалай у ерга одам кам киради. Шундай экан, унга бирор халал бериши күтилмайды. Кунлардан бир кун, мактаб бўйлаб ўтказган тунги саёхати давомида назоратчи Филчнинг кўлига тушиб, ўша қўйга такрор тушишни ҳеч истамаган Гарри бу сафарги тунги саёхатини пухта режалаштириди. Асосий умид кўринмас плашдан, албатта. Кўмакчи восита сифатида эса мактаб қоидаларини бузиш масаласида қимматли буюм саналадиган Кафандузд харитасини олади. Ушбу харита «Хогварц» қасрини бутунича, унинг жамики яширин йўллари-ю, кесиб ўтиш жойлари билан бирга кўрсатади. Энг асосийси, қасрдаги одамлар пергамент варагида кичкинагина сиёҳ нукталар сифатида кўринади. Ҳар бир нукта устида тегишли кишининг исми битилган микроскопик ёзувли тамға бўлади. Яни харита воситасида ким қаерда юрганини билиш имкони бор. Демак, бирор ванна қабул қилгиси келиб қолса, Гарри олдиндан хабардор бўлади.

Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси Гарри устига кўринмас плашини ташлаб, пастга тушди ва умумий меҳмонхонадан Хагрид аждарларни кўрсатган тунда чиққан каби туйнукни тўсиб турган портретнинг очилишини кутиб турди. Фақат бу сафар паролни («Бананли блинлар»ни) Семиз Холага Рон айтди.

- Омад ёр бўлсин! - пицирлади у, Гаррини ёнидан ўтказиб юборар экан.

Бир қўли билан оғир, силлиқ тухумни қўлтиқлаб олган, иккинчи қўлига харита тутган Гаррига плаш остида юриш осон кечмади. Хайриятки, яхшигина ёритилган қаср йўлаклари кимсасиз экан. Бундан ташқари, у, муайян вакт оралиғида харитага қараб, четлаб ўтилиши керак бўлган бирор-бир киши йўлакларда изғиб юрган-юрганидан хабардор бўлиб бормоқда. Қўлқопларини пойма-пой тақиб, паришон қиёфа ясад турган сехргар Бефаҳм Борис хайкалига етгач, Гарри керакли хонани топиб, юзини эшикка яқин келтирди-да, Седрикнинг йўриғига амал қилганча, «Тетиклаштирадиган игнабарг ваннаси» паролини пицирлаб талаффуз этди.

Эшик ғижирлаб очилди. Гарри хонага лип этиб ўтди-да, ичкаридан лўқидонни ёпиб, атрофга разм солиб чиқди.

Ушбу ваннахонада ювиниш хукуқига эга бўлиш учун хам синфбоши бўлса арзиди, деган хаёл Гаррининг миясига келган биринчи ўй бўлди. Серҳашам қандилларга ўрнатилган шамлар хонани хира ёритиб турибди. Хонадаги ҳамма нарса, шу жумладан, ўртадаги, афтидан бассейн бўлса керак, тўғри бурчакли чукур хам оппоқ мармардан тайёрланган. Бир четига сувга сакраш трамплини ўрнатилган бассейн қирғонинг устки кирраларидан қимматбаҳо тошлар кадалган, ҳар бири ўзининг бетакрор туси илиа товланаётган жўмраклар айланасига чиқиб турибди. Хонанинг деразаларига узун оппоқ парда тортилган бўлиб, бир бурчагига юмшоқ оқ сочиқлар тахлаб қўйилган. Бундан ташқари, хона деворига қоя тош устида ётиб, уйкуга кетган оқ сариқ сочи сув парисининг сурати солинган биттагина расм осилган. Сочининг бир тутами юзига тушиб, енгил тебранаётганидан сув париси пишиллаётганини уқса бўлади.

Гарри қўлидаги плаш, харита ва тухумни полга қўйиб, атрофни томоша қилганча, олға одимлади. Унинг қадам товуши деворлардан бўғик акс садо бўлиб қайтмоқда. Хона қанчалик кўркам, мана бу чиройли жўмракларнинг беш-олтитасини очиш истаги пайдо бўлмасин, ўзини алдангандай хис этди. Буларнинг бари тухумнинг сирини очишига қандай ёрдам бериши мумкин? Шундай бўлса-да, Гарри сочиқлардан бири, плаш, харита ва тухумни кирғоқقا жойлаб, тиз чўккан-ча биратула бир нечта жўмракни очиб юборди. Ҳар бир жўмракдан оқаётган сув ўз тусига эга кўпик билан бирга чиқмоқда. Фақат бу кўпик Гарри билган кўпик эмас экан. Жўмраклардан бири ўлчами футбол тўпидай келадиган пушти ва мовий пуфак чиқармоқда. Яна биридан шундай қуюқ кўпик чиқмоқдаки, устига ётиб олган Гаррининг вазнига бемалол бардош бера олса керак. Учинчи жўмракдан сув юзида муаллақ туриб қолган атир хидли қирмизи буғ пуркалмоқда. Гарри маълум вакт жўмрак очиб-ёпиб вақтини чоғ қилди. Айникса улардан бирининг

сувдан қочиб, юзасида кенг равоқ ҳосил қилганча тарқаган оқими болага жуда ёқди. Чүкүргина бассейн қыска вакт ичида иссик сув, кўпик ва пуфакка тўлди. Гарри жўмракларни ёпиб, халати, пижамаси ва шиппагини ечиб, сувга тушди. Бассейн шу қадар чуқурки, боланинг оёғи тубига базур етмоқда. Гарри ҳузур қилиб у ёқ, бу ёқ сузди. Сўнг сувдан чикиб, тухумга тикилганча бассейн кирғоғида одимлаб юрди. Иссик, ранг-баранг қўпикли, муаттар бассейнда бўлиш қанчалик ёқимли бўлмасин, фикрнинг равшанланиб кетганлигини хис этмади.

Гарри тухумни хўл қўлига олди-да, пўстлоғини шартта очди. Хонани қамраб олган, деворлардан акс садо бериб қайтган манфур кичқириқ илгаригидай тушунарсиз ва янада балаңд янгради. Ушбу кичқириқ мактаб назоратчиси Филчни ўзига жалб этишидан чўчиб кетган бола манхус буюннинг копқоғини тез ёпди. Эҳтимол Седрик айнан шу мақсадни кўзлагандир.

- Сенинг ўрнингда бўлганимда, уни сув остида очган бўлар эдим.

Кутилмаганда эшитилган ушбу овоздан ўларча чўчиб кетган Гарри сувга қулаб тушиб, роса кўпик ютди. Кўлидан чикиб кетган тухум эса шу заҳоти хона бурчагига юмалаб кетди. Кўпик тупурган Гарри мувозанатини тўғрилаб олиб, жўмраклардан бирининг устида чордана қуриб ўтирган бадковоқ хонимнинг арвохига кўзи тушди. Бу, одатда, йигиси қизлар хожатхонасидан эшитилиб турадиган Дилгир Миртлнинг арвохи.

- Миртл! - қичқирди жаҳли чиқсан Гарри, - Мен... менинг... эгнимда ҳеч нарса йўқ!

Сув юзасидаги кўпик шу қадар қалин эди-ки, боланинг яланғочлиги кўринмайди. Бироқ Миртл анча вактдан бўён пойлаб ўтирган бўлиши мумкин, гумон қилди Гарри.

- Сувга кираётганингда кўзимни юмиб олдим, - кўз пирпиратди нихоятда қалин кўзойнак тақсан Миртл, - Холимдан хабар олмай кўйганингга минг йил бўлди.

- Ҳа... тўғри... - ғудуллади Гарри бошидан бошқа ҳеч қаери кўринмаслиги учун сув ичидаги тиззасини букиб, - Ахир сизларнинг хожатхоналарингга кириш мумкин эмас-ку, менга. Аёлларники у, шундай эмасми?

- Кези келганда бу масалага эътибор қаратмай, Худонинг берган куни ўша ерда ўтирас эдинг, - аянчли оҳангда ўпкаланди Миртл.

Чиндан ҳам шундай бўлган. Бир вақтлар Миртл макон қилган, бузилиб, ишламай қолган қизлар хожатхонаси Гарри, Рон ва Гермиона учун роса аскатган эди. Учовлон ўша ерда ман этилган дамлама – Ҳамма қиёфа сиркасини тайёрлаган. Гарри билан Рон сирка воситасида Краббе билан Гойлнинг ўхшашига айланиб, «Слизерин» коллежининг умумий меҳмонхонасиға киришга муваффақ бўлишган.

- Ўша хожатхонага кирганим учун мени койиб беришган эди, - тушунтирган бўлди Гарри,

- Шу боис кирмаганим маъқул, деган хаёлга бордим.

Бу гап ҳам деярли рост. Кунлардан бир кун уларни Перси кўриб қолган.

- А... тушунарли... - деди қовоғини солиб олган Миртл, жагидаги ҳуснбузарини чуқулаб, - Майли... ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Сенинг ўрнингда бўлганимда, тухумни сув остида очган бўлар эдим. Седрик Диггори айнан шундай қилди.

- Демак сен уни ҳам пойлаб ўтирган экансан-да? - жаҳл қилди Гарри, - Ванна қабул қилгани келган синфбошиларни томоша қилгани ҳар оқшом келиб турасанми, дейман, а?

- Баъзан, - маккорона жавоб қайтарди Миртл, - Лекин уларнинг бирортасига ҳам ўзимни билдирамаганман, ҳеч қайси бири билан гаплашмаганман.

- Менга кўрсатилган бундай шарафдан бошим осмонга етди, - кесатди Гарри, - Кўзингни юмиб тур.

Миртл кўзойнагини кафтлари билан яхшилаб тўсиб олганига ишонч ҳосил қилган бола тез сувдан чиқиб, сочиқقا ўранганча, тухум томон югурди.

Гарри боз сувга киргач, шаффоф кафтларини юзидан олган Миртл болани тезлатди:

- Бўлсанг-чи... сувга ботиргин-да, оч!

Гарри тухумни сувга чўқтириб, ҳалқасини тортди... бу сафар кичқириқ янграмади.

Аксинча, худди бирор томоқ чайқаётган сингари қулқуллаган қўшиқ эшитилди. Факат қўшиқ сўзларини англаб бўлмади.

- Бошингни ҳам сувга тиқ, хомкалла, - амр этди Миртл, боланинг ҳаракатига раҳбарлик қилаётганидан ҳузурланиб, - Бўл тез, нега анграясан?!
Гарри чукур нафас олди-да, сувга шўнғиди. Энди у, кўпикка тўлган ваннанинг мармар тубида ўтириб, қўлидаги тухумдан чиқаётган жарангдор, илохий овозни эшилди:

*Овоз томон боргин-у, бироқ шуни эслаб қол,
Ер устида кўйламаймиз, сув остида ёдлаб ол.
Сенга керак нарсани ўзимиз-ла гарк қилдик,
Топиб олишинг учун бир соатча вакт бердик.
Имконни бой берсанг, муддат ўтар, иш тамом
Кўрмай ўтарсан уни, йўқотиб сен батамом.*

Гарри сувдан қалқиб чиқди. Боши пуфаклар қатламини ёргач, кўзини тўсган сочини орқага олди.

- Эшилдинг-ми?
- Ҳа... қандайдир овоз томон боришим керак экан... илож қанча, бораман... шошма, яна бир эшилтиб кўрай...
- Бола уч бор шўнғиб, қўшиқ мисраларини ёд олди. Сўнг, ўйланиб, сув ичида у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Миртл халал бермай, Гаррини жимгина кузатиб ўтириди.
- Овози ер устида эшитилмайдиган одамларни топиш керак... - аста фикр билдириди Гарри,
- М-м-м... ким бўлиши мумкин улар, а?
- Жа хафтафаҳм экансан-ку!

Гарри Миртлни бунчалик мамнун кайфиятда кўрмаган, агар Ҳамма киёфа сиркасининг таъсиридан Гермионанинг юзини тук қоплаб, орқасидан мушукнинг думи ўсиб чиқкан ҳолат ҳисобга олинмаса, албатта.

Бола хона деворларига қараганча, миясига зўр бериб, фикр юрита бошлади... Модомики, уларнинг овози факат сув остида эшитилар экан, мантиқан ўйлаб кўриладиган бўлса, овоз сохибларини сувда яшайдиган махлуклар, деб эътироф этиш керак. У ўз назариясини Миртл билан ўртоқлашди. Арвоҳ жавобан иршайиб кўйди.

- Дигтори ҳам айнан шундай фикрга борган эди, - бош иргиди у, - Мана бу ерда юз, эҳтимол минг йил ётиб, кўпикларнинг бари ўтириб бўлгунга қадар ўзи билан ўзи гаплашиб ётди.
- Сув остида... - ўйчан гапирди Гарри, - Баҳайбат кальмардан ташқари яна нималар яшайди кўлда, Миртл?
- Нималар яшамайди дейсан, - жавоб қайтарди арвоҳ, - Кўлга баъзан ўзим сузиб бораман... Аксарият холларда, яъни кимдир сув оқизганда, мажбур сузиб кетаман...
- Миртлнинг канализация қувурларида нималарга аралашиб кўлга оқиб бориши хақида ўйламасликка уринган Гарри фикрини давом этди:
- Одамга ўхшаб гапира оладиган махлуклар яшайди-ми у ерда? Шошма-шошма...

Гаррининг нигоҳи ухлаб ётган сув парисига тушди.

- Сув парилари яшайди-ми кўлда, Миртл?
- О-о-о, бўлар экан-ку! - мақтади кўзойнаги ярқираб кетган Миртл, - Дигторига эса бундай хулоса чиқариш учун анча вакт керак бўлди! - сўнг расмдаги сув париси томон салбий нигоҳ-ла бош иргиб кўйиб, гапини давом этди, - Ўшанда анави ухлаб ётгани йўқ. Дам қаҳқаҳлар, дам қуруқланар, бир қарасанг сузгичини ўйнатар эди (*Сузгич, юзгич – сув ҳайвонларининг сузиши органи*).
- Демак, тўғри фикр юритаётган эканман-да, а? - хурсанд бўлиб кетди Гарри, - Бинобарин, иккинчи топшириқнинг мазмуни кўлда сув париларини топиш ва... ва...

Кутилмаганда Гарри ўзи айтган гапнинг маъносини ўзи тушуниб етиб, хурсандчилиги, худди кимдир корнидаги тикинни сугуриб чиқарган каби, бир зумда барҳам топди. Сузишни у қадар зўр эплай олмайди-ку. Бундай қўникмани шакллантириш учун унинг имкони хеч қачон бўлмаган. Кичкиналигида Дурслар Дудлинини сузиш дарсларига олиб

боришар эди. Гаррини эса йўқ. Бирон кун келиб чўкиб ўлишига умид қилишган бўлса керак. Мана бу ваннада сузиш бошқа, кўлда сузиш бошқа. Кўл катта, жуда чукур, вахимали... сув парилари эса кўл тубида яшашса керак...

- Миртл, - аста сўради Гарри, - Сув остида қандай нафас олса бўлади, а?

Саволни эшитган Дилгир Миртлнинг кўзлари ёшга тўлди.

- Қандай андишасизлик! - ғудуллади у, киссасидан дастрўмол чиқариб.

- Нега энди андишасизлик? - тушунмади Гарри.

- Мен билан нафас олиш ҳақида гаплашиш андишасизлик! - тутакиб кетди Миртл, - Нафас олмай қўйганимга кўп йиллар бўлганини била туриб, бу ҳақда гап очишнинг ўзи андишасизлик...

Дилгир Миртл юзига дастрўмол босиб, хўнграй кетди. Гарри Миртлнинг ўликлиги ҳақида гап очилса жizzаки бўлиб қолишини эслади. Бошқа арвоҳлар негадир ушбу масалада бу қадар тўполон кўтаришмайди.

- Маъзур санайсан, - деди у бетоқат бўлиб, - Ёдимдан кўтарилибди... мен бошқа нарсани назарда тутган эдим...

- Албатта, Миртлнинг ўлганлигини унтиш жуда осон, - деди йиглаб ҳикличоги тутиб қолган арвоҳ бир зумда шишиб кетган кўзлари билан қараб, - Тириклигимда ҳам ҳеч ким эсламаган мени. Ҳатто жасадимни топиш учун уларга жуда кўп вақт керак бўлди! Қанча вақт кутиб ўтирганимни ўзим биламан! Ҳожатхонага Оливия Хорнби кириб келиб вайсаган эди: «Яна шу ерга кириб олдингми, Миртл? Ҳалигача хафа бўлиб юрибсан-ми мендан? Профессор Дигпет сени топиб келишимни буюрди...» Ана шундагина у жонсиз ётганимни идрок этди. О-о-о, ўша манзарани умрининг сўнгги дакиқаларига қадар унутмайди, ишонавер... бунинг учун кўлдан келганча ҳаракат килдим... кетидан таъкиб килиб, ўтган гапларни ёдига солиб юравердим... ҳатто акасининг тўйида ҳам тинч кўймадим...

Гарри миртлнинг ҳикоясига қулоқ согани йўқ. У сув париларининг қўшиғи ҳақида ўйланиб қолди: «Сенга керак нарсани ўзимиз-ла ғарқ қилдик». Афтидан улар ниманидир, қайтариб олиш шарт бўлган қандайдир нарсани ўғирлаб кетишади. Нима экан у?

- ... кейин Хорнби, уни таъкиб қилмай, тинч қўйишим борасида сехгарлик вазирлигига арз қилди. Ўшандан буён қайтиб келиб, ҳожатхонада кун кечиришга маъжбур бўлдим.

- Яхши бўпди, - пойинтар-сойинтар фикр билдириди Гарри, - Бир қадам бўлса ҳам олға одимлабман... Илтимос, кўзингни юмиб тур, мен сувдан чиқмоқчиман.

Гарри бассейн тубида ётган тухумни олиб, сувдан чиқди-да, артиниб, пижамаси, устидан ҳалатини кийди.

- Ҳолимдан хабар олгани ҳожатхонага келиб турасанми? - фожиали оҳангда сўради Миртл, қўринмас плашни олиш учун эгилган Гарридан.

- М-м-м... ҳаракат қиласман, - деди Гарри, бу ишни агар қасрдаги жамики ҳожатхоналар ишламай қолганда килишини ўйлаб, - Кўришгунча, Миртл... ёрдам учун раҳмат.

- Кўришгунча, - хайрлашди арвоҳ.

Гарри плашни устига ташлар экан, Миртлнинг жўмрак ичига кириб кетганини кўрди. Боз қоронғи йўлакка чиқкан Гарри йўлда ғов йўқлигига ишонч хосил килиш учун Кафандузд ҳаритасини ўрганиб чиқишига киришди. Филч билан миссис Норрисни англатган нуқталар назоратчининг хонасида. Бир қават пастда жойлашган, ўлжа олинган курол-аслаҳалар хонасида ивирсиётган Дрюзгни инобатга олмаганда, бошқа ҳеч ким йўқ. Гарри «Гриффиндор» миораси томон қадам босган эди ҳам-ки, ҳаритадаги аллақандай шубҳали нуқта унинг эътиборини ўзига жалб этди.

Дрюзгни англатиётган нуқтагина ҳаракатланяётгани йўқ. Чап томондаги пастки хонада, яъни Снеггнинг хонасида яна бир нуқта ҳаракатланмоқда. Фақат ушбу нуқта «Северус Снегг» тамғаси билан эмас «Бартоломеус Сгорбс» тамғаси билан белгиланган.

Гарри ҳаритага таажжуланганча қараб қолди. Мистер Сгорбсни ҳамма оғир касал, деб билади. У шу қадар оғир касал-ки, ҳатто Рождество балига ҳам келишга мадори бўлмади. Шундай экан тунги соат бирда «Хогварц»да нима киляпти? Гарри хонада тинмай

типирчиладётган, фақат баъзи жойларда бир неча сонияга тўхтаб бораётган нуқтани диққат билан кузатиб турди.

Гарри бир оз иккиланди-ю... қизиқувчанлик устун келди. У бурилиб, тескари йўналиш, яқин орадаги зинапоя томон равона бўлди. Сгорбснинг ниятини билиш шу тобда унга зарур бўлиб қолди.

Бола имкон қадар шовқин солмай пастга туша бошлади. Шунга қарамай, зинапоянинг гичирлаган товуши-ю, кийимнинг шитир-шитирини эшиштган айрим портретлар юзларини бўғиқ шовқин томон бурди. Пастга тушган Гарри йўлакнинг ярмига етгач, гобеленни итарди-да, тор зинадан пастлай бошлади. Бу қисқа, яна икки қават пастга тез тушиш имконини берадиган йўл. Гарри харитага қараб борар ва йўл давомида зўр бериб ўйлар эди: ярим кечаси бировнинг хизмат хонасини титкилаётгани тўғри сўз, барча қонун-қоидаларга сўзсиз амал киладиган мистер Сгорбснинг табиатига хос эмас.

Мистер Сгорбснинг хулқи тушунарсиз кечаётганини ўйлаб кетаётган пайтда, Гаррининг оёги Невиль сакраб ўтишни доимо унугиб қўядиган погоналар орасига кириб кетди. Боланинг қўли беихтиёр силтаниб кетиб, ҳалигача куримаган тилла тухум табиийки, қўлтиғидан сирпаниб чиқди ва зина погоналарига қаттиқ урилганча, гумбур-гумбур товуш чиқариб, пастга думалаб кетди. Кўринмас плаш ҳам устидан сирғана бошлади. Уни тутиб қолишга уринган Гарри иккинчи қўлидаги Кафандузд харитасини ҳам чиқариб юборди. Пергамент олти погона пастга учиб тушди. Тиззасигача қамалиб қолган боланинг қўли харитага етмади.

Гобелендан ўтиб, пастга юмалаб тушган тилла тухум зинапоянинг бўсағасига етганда очилиб кетди. Ана шовқин, мана тўполон. Гарри сехрли таёқласини чиқариб, сиртидаги тасвирни йўқ килиш учун харитага чўзилди. Минг афсуски, қўли етмади.

Гарри плашни тўғрилаб, даҳшатдан кўзини чирт юмиб олди-да, қаддини ростлаб атрофга кулоқ тутиб ўтираверди... ва деярли шу заҳоти таниш наърани эшилди:

- ДРЮЗГ!

Хеч шубҳа йўқ-ки, бу овоз ғазаб отига минганд, табиатан овчи Филчнинг овози.

Назоратчининг ерга судралиб, тез босилаётган қадами хар сония ўтган сари аниқ, чинқироқ овози эса баланд эшилди.

- Нима шовқин? Қасрни оёққа турғизмоқчимисан? Ҳозир кўрсатиб қўяман сенга, тўполон қилиш қанақа бўлишини... Ие, буниси нима бўлди?

Филчнинг қадам товуши ўчди. Сония ўтиб, металлнинг шақиллаши эшишилгач, шовқин ҳам тинди. Филч тухумни қўлига олиб, қопқоғини ёпибди. Оёғи сехрли погона исканжасида қолган Гарри тиқ этган товушга кулоқ солганча, турган жойида тек қотди. Мана ҳозир Дрюзгни қидиришга тушадиган назоратчи гобеленни очади... табиийки, у ердан полтергейстни топа олмайди... агар у зинапоядан сал кўтарилса борми, Кафандузд харитасини кўради... харита эса, кўринмас плаш кийганига қарамай «Гарри Поттер»нинг ҳозир турган жойини аниқ кўрсатади...

- Тухум? - эшилди зина бўсағасида турган Филчнинг паст овози, - Азизам! Ахир бу Уч сехргар беллашувининг топишмоғи-ку! Чемпионликка даъвогарлардан бирига тегишли! Афтидан Филч ўзининг садоқатли мушуги миссис Норрисга мурожаат қилди. Гаррининг юраги шиддат билан уриб, кўнглини айнитиб юборди.

- ДРЮЗГ! Буни сен ўғирладинг-ми?

Гарри гобеленни куч билан тортган Филчнинг жирканч, солқиган, окимтири, худди мушугининг кўзига ўхшаб чақчайган кўзларини кўрди. Қария кўзига кимсасиз кўринган зинапояга диққат билан разм солди.

- Бекиниб олдингми? - гап бошлади назоратчи, - Ҳозир сени тутиб оламан, Дрюзг...

Беллашув топишмоғини ўғирлаганини қаранг-а... шошмай тур, ярамас ўғри, Дамблдор хабар топсин, терингга сомон тикади.

Филч зинапоядан кўтарила бошлади. Унинг кетидан эса шувоқ ранг эти суюгига ёпишиб қолган мушук эргашиб келмокда. Миссис Норриснинг иирик фонус кўзлари тикка Гаррига қараб турибди. Бола бир вакtlар, Кўнгилдаги орзулар кўзгуси сакланган хонада, ушбу

жонивор билан юзма-юз келиб, күрінмас плаш мушук нигохига таъсир қилиш-кілмаслиги ҳақида үйланиб қолған эди. Мана хозир ҳам миясига шу үй келиб турибди. Нохуш хаёллардан жони оғриб кеттүдай бўлиб турган Гарри яқинлашиб келаётган Филчнинг эски фланель ҳолатини кўриб, оёғини халос этмоқ учун тортиб кўрди-ю, ҳолатини янада баттар қилди. Хозир Филч ё харитани кўриб қолади ё уни оёғи билан босиб олади...

- Филч? Нима бўляпти бу ерда.

Гаррига етишига атиги бир нечта поғона қолған Филч тўхтаб, ортга ўгирилди. Зинапоя бўсағасида, бутун мактаб ичра Гаррининг хозирги ҳолатини янада мураккаблаштириб юборишга қодир ягона одам Снегг кўринди. Эгнига узун кул ранг кўйлак кийган профессорнинг авзои нихоятда бузук.

- Яна ўша Дрюзг-да, профессор, - ичиқоралик-ла пицирлади Филч, - Полтергейст мана бу тухумни зинадан улоқтириб юборибди.

Снегг тез кўтарилиб, Филчнинг ёнига келди. Юрагининг қаттиқ дукиллаши эшитилиб фош этилишига ишончи комил бўлиб қолған бола тишларини маҳкам қисиб олди...

- Дрюзг дейсизми? - сўради Снегг Филчнинг қўлидаги тилла тухумга ўйчан қараб, - Бироқ у менинг хонамга кира олмайди...

- Тухум сизнинг хизмат хонангиздамиди, профессор?

- Йўқ, албатта, - ўшқириб берди Снегг, - Мен такир-тукур товуш-у, чийиллашни эшийтдим...

- Тўғри профессор, бу тухумдан чиққан овоз эди...

- Мен нима гап эканлигини билгани чиқдим...

- Уни Дрюзг ташлаб юборди, профессор...

- ... хизмат хонамнинг ёнидан ўтар эканман, ичкарида машъала ёниб тургани, жавонлардан бирининг эшиги очилганини кўрдим! Кимдир нимадир кидириб, титкилаган!

- Бироқ Дрюзг бундай кила олмайди...

- Ҳамма гап шунда-да, Филч! - боз ўшқириди Снегг, - Мен хонамнинг эшигини шундай афсун билан ёпаман-ки, унинг таъсирини факат сеҳргар кишигина бекор кила олади!

Снегг дастлаб Гарри орқали юқорига, сўнг пастга, йўлакка қаради.

- Филч, илтимос, мен билан юриб, қулфузар ўғрини топишга ёрдамлашиб юборинг.

- Мен... албатта, профессор... бироқ...

Филч шахват-ла, Гарри орқали юқорига қаради. Бола назоратчининг полтергейстга зулм ўтказиши учун кулагай фурсатни ҳеч ҳам кўлдан бой бергиси келмаётганини идрок этди. Кет, ич-ичида ўтинди Гарри, бор, Снегг билан кет... Филчнинг оёғи остида миссис Норрис ўралашмоқда. Мушук хидимни сезаётгани аниқ, үйлади Гарри, ваннага шунча муаттар кўпик қувиш имкони кўпик шартми-ди, а?

- Мени тўғри тушунинг, профессор, - ғамгин оҳангда ўзини оқлай бошлади Филч, - Бу сафар директор менинг сўзларимга жиҳдийроқ эътибор қаратишга мажбур! Дрюзг ўқувчига тегишли нарсани ўғирлади. Бу эса мен учун полтергейстни қасрдан бадарға килдириб, ундан батамом қутулишнинг асосли ва ягона имкон бўлиши мумкин.

- Филч, тупурдим ўша аҳмоқона полтергейстнинг қисматига. Мени хозир хонам кўпроқ ташвишга соляпти.

Фирч. Фирч. Фирч.

Кутилмаганда унини ўчириган Снегг Филч билан бир вактда пастга қаради. Гарри эса иккаласининг боши орасидан, одатдагидай, асога таянган, эгнидаги тунги кўйлак устидан эски сафар ридосини ташлаб олган Ўйноккўз Хмурини кўрди.

- Бугун пижамада ўтказиладиган тунги байрам-ми, дейман, а? - дўриллаб сўради у.

- Профессор Снегг иккаламиз шовқин эшийтдик, - дарҳол жавоб берди Филч, - Дрюзг одатига кўра, кўлига кирган нарсани улоқтиради... бундан ташқари, профессор Снегг хизмат хонасига кимдир кирганини пайқабди...

- Овозингизни ўчиринг! - пицирлаб ўшқириди Снегг назоратчига.

Хмури зина томон яна бир кадам ташлади. Гарри Хмурининг сеҳрга кўзи дастлаб

Северусга, сўнг, шубҳа йўқ-ки, ўзига қаратилганини кўриб турди. Сесканиб кетган Гаррининг юраги тўхтаб қолгандай бўлди. Ахир Хмурининг қўзи қўринмас плаш орқали кўра олади-ку... Манзара хозир қанчалик ғалати эканлигини фақат Хмуригина идрок эта олади: эгнига тунги кўйлак кийган Снегг, танасига тилла тухумни босиб олган Филч ва оёғи қопқонга тушган Гарри. Хмурининг кийшиқ оғзи таажжубдан очилиб қолди. Гарри билан Хмури бир неча сония давомида бир-бирининг қўзига караб туришди. Шундан сўнг, Хмури оғзини ёпиб, мовий кўзини боз Снегг томон қаратди.

- Мен тўғри эшитдим-ми, Снегг? - дона-дона қилиб сўради у, - Кимдир қулф бузиб кирганми?
 - Назаримда, ўкувчилардан бири, - жавоб қайтарди ёғли чаккасида бўртиб чиқсан томири харакатланаётган Снегг, - Бундай ҳолат илгари ҳам бўлган. Менинг шахсий омборимдан моддаларнинг айрим турлари йўқолиб турган. Шубҳа йўқ-ки, кимдир ман этилган дамлама тайёрламоқчи.
 - Демак, фикрингиз-ча, улар дамлама учун гиёҳ қидиришган, шундайми? - сўрокни давом эттириди Хмури, - Балки бошқа бирон-нарса яшириб юргандирсиз хонангизда, а?
 - Снеггнинг жирканч сарғиш юзи янада хунук гишт тусини олиб, чаккасидаги томирининг ҳаракати тезлашиб кетди.
 - Хмури, ҳеч қандай яширадиган нарсам йўқлиги ўзингизга яхши маълум, - таҳдид оҳангода мулоим жавоб қайтарди Снегг, - Зоро хонамни ўзингиз обдан титиб чиқсансиз. Кулиб қўйган Хмурининг юзи баттар буришиб кетди.
 - Аврор хукуки ила, Снегг. Дамблдор кузатиб юришни амр этган.
 - Гап шундаки, Хмури, Дамблдор менга тўла-тўқис ишонади, - кисиб олган тишлари орқали вишиллади Снегг, - Менинг хонамни тинтув қилиш тўғрисида буйруқ берганига ишонмайман!
 - Албатта, Дамблдор сизга тўла-тўқис ишонади, - ириллаб тасдиқлади Хмури, - Уни лақма, десангиз адашмайсиз, шундай эмасми? «Яна бир имкон» тушунчасига ишонади. Менга келсак... ўтмишнинг оқлаб бўлмайдиган доги, деган тушунчаларга кўпроқ ишонаман. Нимани назарда тутаётганимни англајпиз-ми, Снегг? Абадий дод...
 - Снегг Хмурининг сўзларига нисбатан жуда ғалати муносабат билдириди. У, худди кутилмаган оғриқни ҳис этгандай, ўнг қўлини чап қўлининг билагига узатди. Буни кўрган Хмури қулиб юборди.
 - Бориб ётинг, Снегг.
 - Менга кўрсатма бериш ваколати берилмаган сизга, - вишиллади Снегг, ўзига ўзи жаҳл қилгандай қўлини тушириб, - Мактаб ҳудудида тунда юриш хукуки менда ҳам бор!
 - Жуда яхши. Үндай бўлса йўлингиздан қолманг, - жавоб қайтарди Хмури таҳдидли оҳангда, - Ҳаётнинг коронғи йўлакларида яна учрашиб колармиз, деган умиддаман... Ҳа, айтгандай, ниманидир тушириб қўйибсиз...
- Хмури зинада ётган Кафандузд харитасини кўрсатар экан, Гаррининг юрагига пичоқ санчилгандай бўлди. Снегг билан Филч харитага юзланди. Гарри эса ҳар қандай хушёрликни йигишириб қўйиб, Хмурининг эътиборини ўзига жалб этиш учун плаш остидаги қўлини силтаганча, имо қила бошлади: «Бу меники! Меники!» Снегг эгилиб, харитага қўл узатди. Унинг қабиҳ башараси ниманидир англаған каби тобора мунаvvар бўла бошлади.
- Ассио пергамент!
 - Снеггнинг бармоқлари орасидан сирпаниб чиқсан харита зина погоналари узра пастга ўқдай учиб, тўғри Хмурининг қўлига тушди.
 - Маъзур сананг, адашдим, - хотиржам тушунтириш берган бўлди у, - Бу менинг буюмим. Илгари тушириб қолдирғанман чоғи.
- Бирок Снеггнинг қора қўзи Филчнинг қўлидаги тухумдан Хмурининг қўлидаги пергамент орасида югурга бошлади. У ўзининг жирканч заковати ила иккени иккига кўпайтириб бўлганини Гарри англаб етди.
- Поттер, - деди паст овозда Снегг.

- Нимадир дегандай бўлдингиз-ми? - сўради Хмури харитани ўраб, киссасига яширад экан.
- ПОТТЕР! - ўкириб юборди Снегг.
- У бошини ортга ўгириб, худди кўриш қобилиятига эга бўлиб қолгандай чиндан ҳам Гарри турган томонга қаради.
- Мана бу тухум Поттерга тегишли. Анави пергамент бўллаги ҳам Поттерники. Ўша қоғозни илгари кўрганман, мен уни танидим! Поттер қаердадир шу ерда! Кўринмас плаш остида!
- Снегг сўқирга ўхшаб қўлини олдинга узатганча, зинапоядан кўтарила бошлади.
- Бурнининг ғайритабиий кенг катаклари қопқонга тушиб қолган Гаррининг хидини хис этиш учун баттар катталалишиб кетди. Унинг бармоклари тегиб кетмаслиги учун бечора Гарри танасини имкон кадар орқага эгишга мажбур бўлди... яна икки-уч миллиметр...
- У ерда ҳеч ким йўқ, Снегг! - бақирди Хмури, - Бироқ бор айбни Поттернинг бўйнига юклаб кўйишга уринганингиз ҳакида директорга билдирув беришдан хурсанд бўламан!
- Бу билан нима демоқчисиз? - акиллади Снегг бошини Хмури томон буриб.
- Унинг ҳамон узатилган қўли Гаррининг кўкрагига тегай деб турибди.
- Айтмоқчиман-ки, мазкур мактабда ўша боладан фавқулодда нафратланадиган киши ким эканлиги Дамблдорни жуда қизиқтироқла! - деди Хмури зинага янада яқинроқ каловланиб, - Мени ҳам, агар билмоқчи бўлсангиз, жуда қизиқтиради.
- Машъала нури бадбуруш башарадаги ажинлар-у, бурундаги етишмаётган бўлак ўрнини аниқ ёритди.
- Снегг пастга, Хмурига қараб қолгани боис, унинг юзи касб этган қиёфани Гарри кўрмай қолди. Муайян вақт ҳамма жим бўлиб, ҳеч ким қилт этмади. Сал ўтиб, Снегг қўлини туширди.
- Мен фақат, - иложисиз оҳанг-ла гап бошлади у, - Агар Поттер ўзининг ахмоқона одатига кўра ман этилган вақтда боз сандироқлаб юрган бўлса... уни тўхтатиб қолиш керак, деган фикрга борган эдим холос. Айнан Поттернинг манфаатларини кўзлаб...
- Сизни тушунгандай бўлдим шекилли, - мулоим оҳангда жавоб қайтарди Хмури, - Поттернинг манфаатларини химоя қиляпман, денг?
- Яна сукунат қарор топди. Снегг билан Хмури бир-бирига кўз билан тешиб юборгудай қараб қолишиди. Филчнинг оёғи остида ўралашаётган миссис Норрис эса ванна кўпигининг хидини таратадайтган манбани топишига чиранмоқда.
- Фикримча, ётадиган вактим бўлди, - қисқа килди Снегг.
- Соғлом фикр, - чақиб олди Хмури, - Энди, Филч, марҳамат қилиб тухумни узатсангиз...
- Йўқ! - эътиroz билдириди Филч, тилла тухумни худди кўз очиб кўрган ягона фарзандини кўкрагига босгандай қучиб, - Профессор Хмури, бу буюм Дрюзг ўғирлик килганини исбот киладиган ашёвий далиллар!
- Бу чемпионликка даъвогарнинг буюми. Дрюзг уни ўғирлаган. Уни менга беринг дедим, илтимос, - амр этди Хмури.
- Снегг бошқа бирон оғиз сўз демай, Хмурининг ёнидан ўтганча, шиддат билан пастга тушиб кетди. Филч миссис Норрисни чириқлаб чақириди. Ўгирилиб, соҳибининг кетидан эргашиб кетишидан олдин мушук яна бир неча сония Гаррининг кўзларига қараб турди. Боланинг қулогига Снеггнинг узоклашиб бораётган қадам товуши эшитилди. Филч ҳам тилла тухумни Хмурига топшириб, миссис Норрисга:
- Ҳеч қиси йўқ, азизам. Эрталаб Дамблдорнинг хузурига бориб, ўғри Дрюзг ҳакида айтиб берамиз, - деб вайсаганча, кўздан ғойиб бўлди.
- Қаердадир эшик тарақлагани эшитилди. Гарри билан танҳо қолган Хмури қўлидаги асони зинапоянинг биринчи погонасига ётқизиб, ёғоч оёғини гичирлатганча, машаққат-ла юкорига кўтарила бошлади.
- Сал қолди, Поттер, қўлга тушишингга, - вайсади у.
- А... ха... мен... раҳмат, - бедармон оҳангда ғўлдиради Гарри.
- Нима ўзи бу? - сўради Хмури киссасидан Кафандузд харитасини чиқариб.

- «Хогварц» харитаси, - жавоб берди оёги оғриётган Гарри қопқондан халос бўлиш учун Хмуридан умид қилиб.
 - О, Мерлин соколи, - хитоб қилди сехрли кўзи ўйнаб кетган Хмури, - Мана буни қаранг-а, зўр-ку, Поттер, қаранг-а!
 - Ха, бу... жуда фойдали буюм, - деди оғриқдан кўзига ёш келаётган Гарри, - М-м-м... профессор Хмури, малол келмаса ёрдам бериб юборсангиз...
 - Нима? О! Ха, албатта...
- Хмури Гаррининг қўлтиғидан тутиб тортди. Оёги қопқондан халос бўлган бола бир погона юқорига сакраб ўтди. Хмури эса ҳамон қўзини харитадан уза олгани йўқ.
- Поттер, - аста гап бошлиди у, - Снеггнинг хизмат хонасига ким кирганини иттифоқо кўрганинг йўқми? Харитани назарда тутиб сўраяпман?
 - М-м-м... умуман айтганда, кўрдим... - икрор бўлди Гарри, - Шунинг учун ҳам тушган эдим бу ерга. Мистер Сгорбс эди.
- Сехрли кўз харита юзасини яна бир бор шиддат билан ўрганиб чиқди.
- Сгорбс? Ишончинг комилми, Поттер?
 - Мутлақо.
 - Ҳм. Энди кўринмаяпти, - деди харитадан узилмаган сехрли кўзи тинмай югургаётган Хмури, - Сгорбс... жуда... жуда қизик.
- Хмури харитани деярли бир дақиқа ўрганиб турди. Бундай янгилик Хмури учун қандайдир аҳамиятга эга бўлиб қолганлигини Гарри тушунди. Бирок қандай аҳамиятга? Сўраб билмоқчи бўлди-ю, иккиланиб қолди. Хмури ҳар қандай кишини ҳайиқтириб юборади... лекин у Гаррига кўп ёрдам берди...
- Э-м-м... профессор Хмури... Нима деб ўйлайсиз, Снеггнинг хонасини титиш мистер Сгорбсга нимага керак бўлиб қолди экан?
- Сехрли кўз харитадан узилиб, бир оз титраганча, Гаррига танасини тешиб юборгудай қараб, тек қотди. Хмури ўз жавобини, умуман жавоб бериш керакми-йўқми, жавоб бериш керак бўлса, нима дейиш мумкин-у, нимани айтмаслик кераклигини батафсил ўйлаб кўраётгани билинди.
- Гап мундок, Поттер, - нихоят ғудуллади у, - Ўзингга маълумки, мени, яъни кекса Ўйноккўзни таъкиб вассасасига йўлиқкан, дейишади. Каерда бўлмай, кўзимга ёвуз сехргарлар кўринаверар эмиш. Бирок шуни айтишим мумкинки, Ўйноккўз Хмури Барти Сгорбс билан киёсланадиган бўлса, кўй оғзидан чўп олмаган кишидай кўринади.
- У эътиборини боз харитага қаратди. Гаррининг эса тагпурслиги тутиб қолди.
- Профессор Хмури! - яна мурожаат қилди у ўқитувчига, - Мистер Сгорбс бу ерда... нималардир бўлаётганини гумон килиб юрган бўлса-чи. Шундай хаёлга бормайсиз-ми?
 - Масалан? - шу заҳоти сўради Хмури.
- Гарри нима дейишни ўйлаб қолди. «Хогварц» ташқарисида юрган ахборот манбасига эга эканлигини Хмури англаб етиб, Сириус тўғрисида нодаркор саволлар ёғдиришини истамади.
- Билмадим, - деди у нихоят, - Сўнгги вақтда жуда ғалати ҳодисалар рўй бермоқда, шундай эмасми? «Башорат-у, каромат газетаси»да ҳам бу ҳақда ёзишмоқда... Финал ўйини куни пайдо бўлган Ажал белгиси, Ўлимдан мирикувчилар ва ҳоказо...
- Хмурининг иккала кўзи катта-катта очилиб кетди.
- Ақлли бола экансан, Поттер, - деди у, сехрли кўзини боз харитага тушириб, - Сгорбс ҳам шундай фикр юритаётган бўлса, ажаб эмас, - аста давом этди у, - Бўлиши мумкин... Чиндан ҳам сўнгги вақтда, Рита Вритернинг воситачилиги туфайли, албатта, ҳар хил жумбокли миш-миш гаплар юрибди. Шу сабабдан ҳам кўпчилик асабийлашган, - ғудуллади у Гаррига эмас кўпроқ ўзига ўзи мурожаат қилганча, сехрли кўзини хаританинг пастки чап бурчагига йўналтириб, - Ох, Гарри, агар билмоқчи бўлсанг, бу ёруғ оламда мен нафратланадиганлар – озодлиқда юрган Ўлимдан мирикувчилардир...
- Гарри профессорга тикилиб қолди. Наҳотки Хмурининг фикри Гаррининг фикр-мулоҳазалари билан муштарак бўлса.

- Энди мен бир нарса сўрамоқчиман, Поттер, - деди Хмури жиддий оҳангда. Гаррининг юраги шув этиб кетди. Ҳозир Хмури ушбу шубҳали сехрли буюмни қаердан олгани ҳақида сўрок бошлайди. Кафандузд харитасининг тарихи эса нафақат Гаррининг ўзини, балки унинг отаси, Фред ва Жорж Уэслилар, ёвуз кучлардан химоя фанининг ўтган йилги ўқитувчиси профессор Люпинни жиноятчилар гурӯхига айлантириб қўяди. Хмури харитани Гаррининг юзи олдида силкитди...

- Вактинча бериб тура оласанми уни менга?

- О! - хитоб қилди Гарри, - Ҳа, албатта.

Гарри харитадан маҳрум бўлаётганига ачинди-ю, айни вактда Хмури ортиқча савол-жавоб қилмаганидан суюнди. Бунинг устига кўрсатган ёрдами учун унга қандайdir йўсинда миннатдорлик билдириш керак-ку, ахир.

- Яхши бола экансан, - дўриллаб қўйди Хмури, - Ундан жуда унумли фойдаланаман... жуда... Айни шу нарса етмай турган эди менга... Ҳўп, майли Поттер, иззатинг борлигida бориб ёт, тез кўрпага...

Иккаласи бирга юкорига кўтарилиди. Хмури сехрли кўзини, худди бир умр қидирган хазинасини топиб томоша қилаётгандай, харитадан уза олмади. Улар Хмурининг хизмат хонасига қадар чурқ этмай боришди. Хонасига етган ўқитувчи сўраб қолди:

- Аврор бўлиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисан, Поттер?

- Йўқ, - деди Гарри кутилмаган саволдан ҳайрон бўлиб.

- Бекор киласан, - деди бошини чайқаганча, Гаррига қараб қолган Хмури, - Чиндан ҳам... ҳа, айтгандай... тухум билан тунда шунчаки сайдрга чиқмаган бўлсанг керак?

- Ҳам... йўқ... - иршайди Гарри, - Шунчаки эмас... жумбокни ҳал этишга уриняпман.

Хмури кўз кисиб қўйди. Унинг сехрли кўзи худди қутуриб кетгандай боз айлана бошлади.

- Фикр юритиш учун тунги сайдран аъло нарса ўйлаб топилгани йўқ ҳали, Поттер...

Эрталаб кўришгунча...

Хмури Кафандузд харитасига термилганча, хонасига кириб, эшигини ёпиб олди.

Гарри эса «Гриффиндор» минораси томон, Снегг, Сгорбс ва бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида ўйланганча, аста-секин йўл олди... Нега «Хогварц»га этиб олишга қодир Сгорбс ўзини касалга солиб олди? Снеггнинг хонасида нима қидирди?

Хмури эса Гаррини аврор бўлиши керак, деб ўйлайди! Умуман айтганда, қизик ғоя...

Лекин ўн дақиқадан сўнг, тухум билан плашни сандигига жойлаб, каравотига чўзилган бола ўйланиб қолди: бундай касб ва ҳаётий йўлни танлашдан олдин қолган аврорларнинг ҳам аъзойи баданидаги чандиклар шунчалик кўтми-йўқми, билиш керак.

XXVI БОБ.

ИККИНЧИ МУСОБАҚА

- Тухум масаласини ҳал этдим, деган эдинг-ку! - эътиroz билдириди Гермиона, овоз кўтариб.

- Бакирма! - жаҳл қилди Гарри, - Мен... Баъзи нарсаларни аниклаб олишим керак эди. Учовлон афсун ўқиши хонасининг охирги партасида ўтириб, Буюм чақириш афсунининг тескариси – Буюм ҳайдаш афсунининг ижросини машқ қилиб, меъёрига етказмоқда гўё. Синф бўйлаб учадиган жисмларни хавф манбаси, деб эътироф этган ўқитувчи ўқувчилар ихтиёрига бир дунё ёстиқ ҳавола этди. Афтидан, бундай чора кўрган профессор Флитвик, ушбу ёстиклар кўзланган нишонга тегмай, ёнидан учиб ўтган тақдирда ҳам ҳеч кимга жабр етказмайди, деган назарий мулоҳазани илгари сурган кўриниади. Умуман айтганда, унинг назарияси яхши эди, албатта. Бироқ амалиётда ўз тасдиғини топа олмади. Ҳусусан, Невиллнинг нишонга олиш кўнкимаси шу қадар ёмон шаклланган эдики, баъзан ёстиқ қолиб нисбатан оғиррок нарсалар, чунончи профессор Флитвикнинг ўзини учирив юборди.

- Ўша касофат тухумни бирор дақиқага унутиб тура оласанми? - вишиллади Гарри, ёнидан учиб ўтган профессор Флитвикнинг жавон устига бориб қўнишини кузатиб, - Мен сизларга Снегг билан Хмури ўртасидаги мулокот ҳақида айтиб бермоқчиман...

Сирли мавзудаги сұхбат учун бугунги афсун үқиши дарси жуда қулай бўлди. Синфдошлар вақтичоғликка ніҳоятда берилиб кетишган. Ҳамма үзи билан үзи овора, бироннинг бирор билан иши йўқ. Гарри ярим соат давомида кечаги саргузаштларини лавҳаларга бўлиб, баъзи жойларини такроран айтиб бера олди.

- Демак, Снеггнинг гапига қараганда, Хмури ҳам хона титган эканда, а? - пиҷирлади кўзлари жонли ярқираб кетган Рон, таёқчасини дағал силтаганча, ёстиклардан бирини ўзидан нари ҳайдаб, - Фикрингча, Хмури мактабга нафакат Каркаров, Снеггни ҳам кузатиб юриш учун келганми?

Унинг ёстиғи ўқдай учиб, Парваттининг бошидаги шляпасини учирив юборди.

- Дамблдор Снеггни кузатиб юриш вазифасини қўйган-қўймаганини билмадим-у, лекин Хмури айнан шу иш билан банд эканлигини англадим, - деди Гарри, таёқчасини максадсиз силтаганча, стол устидаги ёстиклардан бирини беўхшов тушириб юбориб, - Хмурининг сўзларидан шуни идрок этдимки, Дамблдор Северусга яна бир имкон берган. Шунинг учунгина у мактабда ишлаётган эмиш, агар мен тўғри тушунган бўлсан, албатта...

- Нима?! - хитоб килди кўзлари катта-катта очилиб кетган Рон, ёстиқдан чалғиб, - Гарри, балки Хмурининг гумонича, сенинг номингдан ёзилган аризани Оташли жомга Снегг ташлагандир?

Рон кўтарган ёстиқ ҳавода буралиб айланганча, чилчироқдан сапчиб, ўқитувчининг столига шалп этиб тушди.

- Ҳой, Рон, эс-хушиңгни йиғиб, жўяли мулоҳаза килиб кўр. Биз илгари ҳам, агар эсингда бўлса, Снегг Гаррини ўлдирмоқчи, деган фикрға борган эдик, - шубҳали оҳангда фикр билдириди Гермиона, - Аслида эса у, аксинча, намойишгоҳда Гаррининг ҳаётини саклаб ўтирган экан.

Гап орасида Гермиона томонидан ҳайдалган ёстиклардан бири ўқитувчи томонидан тайинланган жойга, яъни яшик ичига бориб тушди.

Гарри Гермионага ўйчан қараб колди. Чиндан ҳам Снегг, гарчи Гарридан худди ўз вақтида отасидан нафратланган каби нафратланиб, болани кўргани кўзи, отгани үки бўлмаса-да, кунлардан бир кун Гаррининг ҳаётини саклаб қолган эди. Боланинг фикрича, Снеггнинг ушбу ёруғ оламда энг яхши кўрган иши «Гриффиндор» факультетидан Поттер туфайли балл айриш, Гаррининг ўзига эса меҳнат жазосини тайинлаш саналади. Ҳар сафар қулай фурсат келиши билан болани мактаб ўқувчиларининг рўйхатидан четлаштириш даркорлиги ҳақида ҳам фикр билдириб боради.

- Хмури нима деб алжирагани билан ишим йўқ, - фикрини давом эттириди Гермиона, - Дамблдор аҳмоқ эмас. У бир вақтлар ҳамма жирканиб, ўзига яқин йўлатишни хаёлига ҳам келтирмаган Хагрид билан профессор Люпинга ишонч билдириб, ишга олган. Нега энди Северусга нисбатан адашди, деган хулоса чиқариш керак? Гарчи Снегг бир оз...

- Жирканч, қабих ва мурдор бўлса-да, - Гермионанинг фикрини тезроқ ва тўғрироқ якунлашга ошиқди Рон, - Қўйсанг-чи, Гермиона! Нега бўлмаса ёвуз сеҳргар овчилари унинг хонасини вақти-вақти билан титиб бориш пайида юришади?

- Ва нима учун мистер Сгорбс ўзини касалга солиб юрибди, - деди Гермиона Роннинг сўзларига эътибор қаратмай, - Рождество балига келишга мадори йўғ-у, қаср ахли еттинчи тушини кўриб ётган пайтда Снеггнинг хонасига ўғринча кириб олиш учун куч-куввати етарлидан ортиқ! Жа-а ғалати эмасми, а?

- Сен Сгорбсни унинг эльфи Винки туфайли ёмон кўрасан, - хулоса килди Рон, навбатдаги ёстиқни дераза ойнасига қапишириб қўйиб.

- Сен эса Снегг бирон ишга жазм қилган, деб юришни истайсан, - жавоб қайтарди Гермиона, кейинги ёстиқни ҳам яшик ичига батартиб жойлаб.

- Мени эса Снегг, модомики унга яна бир имкон берилган экан, ўзининг илк имконини, яъни одамлар ишончини қай тарзда йўқотиб қўйгани кизиқтиради, - деди Гарри, ғамгин оҳангда.

У учирган ёстиқ бутун синф бўйлаб учиб ўтиб, Гермионанинг ёстиғи устига астагина бориб қўнди.

Сириуснинг «Хогварц»да рўй бераётган барча ғайриоддий ходисалар ҳакида хабардор қилиб бориш тўғрисидаги илтимосини бажарган Гарри, ушбу оқшом ўтириб, кеча бўлиб ўтган воқеани, жумладан мистер Сгорбс Снеггнинг хонасига қулф бузиб киргани ва Снегг билан Хмури ўртасида бўлиб ўтган сухбатни батафсил баён этди. Шундан сўнг, энг муҳим муаммони, хусусан 24 февраль куни сув остида бир соат бўлиб, ўлмай чикиш муаммосини ҳал этишга киришди.

Рон яна бир бор Буюм чақириш афсунидан фойдаланиш кераклигини маслаҳат берди. Негаки, Гарри унга магл ғаввослар ва улар ишлатадиган акваланг аппаратлари ҳакида айтиб берди ([Акваланг – сув остида бемалол нафас олиб сузишга имкон берадиган аппарат](#)). Шу боис Рон ушбу аппаратлардан бирини маглларнинг якин ўргадаги шахридан чақириб олишга ҳалал берадиган сабаб кўрмади. Гермиона эса ушбу фикрни пучга чиқарди. Унинг фикрича, агар Гарри бир соат ичида аквалангдан қандай фойдаланиш кераклигини ўрганиб олган тақдирда ҳам уни Сехргарлик фаолиятини сир тутиш тўғрисидаги халқаро битим шартларини бузганликда айблашиб, сехр-жоду билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилишади. Чиндан ҳам бутун мамлакат бўйлаб учуб келаётган акваланг аппаратини бирорта ҳам магл кўрмайди, деб бўлмайди-ку, ахир.

- Сув ости кемаси ёки шунга ўхшаш нарсага айланиб қолсанг, бошқа гап, - фикр билдириди Гермиона, - Одамнинг бошқа нарсага айланишини ўтганимизда эди! Бироқ бундай дарслар, менимча, олтинчи синфдан бошланади. Агар қандай иш тутишни билмасанг, айланиш жараёни нотўғри кечиши мумкин. Айнан шу сабабли ҳам Беллашув иштирокчиларининг ёши чекланган бўлса керак...

- Ҳа, пешонамда перископ қолиб кетган ахволда юришни истамайман, - бош иргиди Гарри, - Ҳмурининг кўз олдида бирон кишига зимдан ҳамла қилсан бўлди. У билади нима қилишни... ([Перископ \(грек. periskopéo — атрофни кўряпман, кўздан кечиряпман\) – пана жойда \(окон, блиндаж ва ҳ.\) туриб, танк ёки сув ости кемасидан кузатишга мосланган дурбинсимон оптик асбоб](#)).

- Тўғри. Фақат у сени балиққа айлантириб қўйишига шубҳа қиласман, - жиддий эътиroz билдириди Гермиона, - Қисқаси, бирон-бир тилсим кидириб топишимиш керак. Шундай қилиб Гарри, овқатдан кўра кўпроқ китобга тўйишини хис этган холда яна чанг босган китоб жилдларига қўмилиб, кислородсиз қолган инсон зотига бир соат давомида тирик қолиш имконини берадиган тилсим кидиришга киришди. Ишга уч кишилашиб шўнгифи кетишганига, тушлик танаффуслари, барча оқшомлар-у, дам олиш кунларини сарф этишганларига, Гарри профессор Макгонагаллдан мактаб кутубхонасининг маҳфий бўлимида сакланадиган китоблардан фойдаланиш хукукини берадиган руҳсатнома олганига, кутубхонанинг ориқ, ўз важохати билан худди оч қолиб кетган жўрчи қушни эслатадиган баджаҳл ходими Шипц хонимга ёрдам сўраб мурожаат қилганига қарамай киши сув остига кириб кетиб, бир соат ўтгач, тирик чикишига омил бўладиган бирон-бир маълумот топишга эришилмади.

Гаррининг вужудини одатий ваҳима қамрай бошлаб, фикр-хаёлларини дарс мавзууларига жамлай олмади. Деразага якин келиши билан ташки манзаранинг ажралмас қисми саналадиган, кўзига деярли илғамас бўлиб қолган кўл энди йирик, кул ранг пўлат тусли, Ойга қадар қанча масофа бўлса, сирли, совук чуқурлиги ҳам шунча келадиган даҳшатли сув ҳавзасидай бўлиб кўрина бошлади.

Ўтган сафар, тиканак думли венгр аждари билан юзма-юз келишдан олдин, вақт қанчалик тез ўтган бўлса, бу гал ҳам унинг тезлиги икки баравар ошиб, шиддат билан кечмоқда. Гўё ҳозиргина, 24 февралга қадар бутун бошли ҳафта бор эди (а, ҳали вақт бисёр), энди эса беш кун (мен албатта бирон нарса ўйлаб топаман)... уч кун қолди (ё Худо, ўзинг ёрлақа, бирон нарса ўйлаб топайин, илтимос)...

Икки кун қолганда Гаррининг иштаҳаси йўқолди. Ягона дилкаш иш душанба кунги нонушта маҳалида Сириусга йўлланган бойкушнинг қайтиб келгани бўлди. Гарри

келтирилган жавобни олиб, Сириус томонидан ёзилган хатлар орасида энг қисқасини ўқиди:

Зудлик билан Хогсмёдга уюштириладиган кейинги сафар санасини ёзиб юбор.

Гарри яна бирон нарса ўқиш илинжида пергаментнинг орқа томонини ўгириб кўрди. Ҳеч нарса йўқ.

- Бир дам олиш куни ўтиб, кейингисида уюштирилади, - пичирлади Гермиона хатни Гаррининг елкаси орқали ўқиб, - Ма, пат-қаламимни олиб, жавобини ҳозирнинг ўзида ёзиб юбор.

Гарри Сириусдан келган хатнинг орқасига санани ёзиб, пергаментни бойқушнинг панжасига боғлади-да, учиб кетишини кузатиб ўтирди. Ҳўш, бошқа нимани ҳам кутиши мумкин эди у? Ўша оқшом Сириусга хат ёзиб, Снегг билан Хмури ўртасидаги муносабатларни баён этишга шу қадар берилиб кетган эдики, ҳатто тухум ичидан эшитилган қўшиқ мисраларини ёзиб юборишни хаёлига ҳам келтирмади.

- Сафар санаси унга нимага керак бўлиб қолди экан? - сўради Рон.

- Мен қаердан билай, - маъюс жавоб қайтарди Гарри, хат туфайли хис этган қувончи бир зумда барҳам топиб, - Юоринглар, сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш дарсига...

Хагрид ишга қайтган кундан эътиборан ё дракллар томонидан муқаддам етказилган нохушликлар учун бадал тариқасидами, ё атиги иккита дракл қолгани боисми, балким билими профессор Гниллэр-Планқдан кам эмаслигини кўрсатиб кўйиш мақсадида бўлса керак, ишқилиб, яккашох нарваллар хақидаги мавзууни давом эттириди. Аниқланишича, Хагриднинг бундай ҳайвонларга оид билимлари, гарчи у нарвалларнинг заҳарли тишлари бўлмаганини нохуш ҳолат деб топса-да, ҳар хил маҳлуклар хақидаги билимларидан ҳеч ҳам қолишмас экан.

Хагрид бугунги дарси учун яккашохларнинг иккита тойчогини тутиб келишга муваффак бўлиби. Етилган нарваллардан фарқли ўлароқ тойчоқлар соф тилла ранг бўлар экан. Бундай чиройли ҳайвон болаларини кўрган Парватти билан Лаванданинг тутқаноклари тутиб қолишига сал қолди. Ҳатто слизеринчи қиз Панси Паркинсон ҳам ўзини базўр идора килиб турди.

- Етилган яккашоҳдан кўра тойчогини кўриб қолиш осонроқ кечади, - маълумот берди Хагрид, - Тойчоқ кумуш тусни икки ёшга тўлганда касб этади, шохи эса тахминан тўрт ёшга етганда кўриниш беради. Фақат тўлиқ етилгандагина танаси соф оқ ранг олади. Бу эса нарвал етти ёшга етганида рўй беради. Ушбу ҳайвоннинг янги туғилган боласи катталарига нисбатан ишонувчан, лақмароқ бўлади. Ўғил болаларга нисбатан ҳам у қадар салбий муносабат билдирамайди... якинроқ келиб, силаб кўйишингиз мумкин... мана бу қанддан беринг уларга...

Ўқувчиларнинг аксарияти тойчоқлар билан овора бўлиб қолишгач, Хагрид четга ўтиб, Гарридан хол-аҳвол сўради:

- Қалайсан, Гарри, ишларинг яхшими?

- Xa.

- Кўркяпсан-ми?

- Бир оз.

Хагрид ўзининг нихоятда йирик кафтини Гаррининг елкасига қўйган эди ҳам-ки, кўл вазнидан боланинг тиззаси букилиб кетди.

- Гарри. Ростини айтадиган бўлсам, токи сен тиканак думли аждарни бир ёкли қилганингни ўз кўзим билан кўрганимга қадар мен ҳам кўрқкан эдим. Энди эса йўқ, кўрқмайман. Шуни биламан-ки, агар сен истасанг, тоғни толқон қилиб ташлайсан. Топишмоқ жавобини топдинг-ку, шундайми?

Гарри бош иргиб қўйди. Айни вақтда Хагридга икрор бўлгиси, қандай қилиб бир соат давомида кўл тубида сузиб юриш ва сувдан ўлмай чиқишини тасаввур ҳам кила олмаслигини айтгиси келди. Балки Хагридга вакти-вакти билан кўл остига тушиб, у ерда

яшайдиган махлуклар билан аллакандай тарзда мулокот қилиб туришга түғри келар, хаёлдан ўтказди Гарри, давангир дўстига қараб, ахир у мактаб худуди-ю, унда яшовчилардан кўз-қулоқ бўлиб туриши керак-ку...

- Сен албатта ғолиб чиқасан, Гарри, - дўриллади Хагрид боланинг елкасига коқиб. Гарри «мұлойим», дўстона берилган зарбадан оёқлари лойга ботиб кетганини хис этди.
 - Аниқ биламан, - харакатини давом этди чала зот гигант, - Мен буни хис этяпман. Сен албатта ғолиб чиқасан, Гарри.
- Хагриднинг яшнаб турган юзида шундай баҳтиёр, шундай ишончли табассум қўриндики, Гарри дўстининг ҳафсаласини пир қилгиси келмади. У жавобан иршайиб қўйиб, ўзини тойчоклар билан қизиқаётган кўйга солди-да, оёқларини лойдан базўр суғуриб олиб нарвал боласини силағани одимлади.

Иккинчи мусобақа куни арафасида, кечга яқин, Гарри, ўзини худди алоғ-чалоғ туш кўриб, оғир уйқудан уйғона олмаётган одамдай хис этди. Агар шунча вактдан буён қидирган тилсимни ҳозир топган тақдирда ҳам унинг ижросини аёнки бир кечада ўзлаштира олмайди. Нега у ишни шундай аянчли ҳолатга келтириб қўйди? Нега эртароқ бошламади жумбοқ ечими устидаги ишларини? Нега у доимо дарсга қулоқ солмай ўтиради? Балки ўқитувчилардан бирортаси айтиб ўтгандир, сув тагида қандай нафас олиш кераклигини? Дераза ортида қуёш ботяпти. Учовлон эса кутубхонада, китоблар уюми орасига кириб олиб, саҳифа титкилаб, кўз югурутириб ўтириби. Ҳар сафар «сув» сўзига кўзи тушган Гаррининг юраги ҳаяжондан така-пука бўлиб кетар, бироқ бу аксарият ҳолларда «икки пинта сув, мандрагоранинг ярим фунт тўғралган барглари ва битта тритонни олинг-да, уларни...» каби дамлама тайёрлаш усули ёки шунга ўхаш ўйриклар бўлиб чиқар эди.

- Назаримда ишлар пачавага бориб тақалди, - хулоса чиқарди столнинг нариги томонида ўтирган Рон умидсиз оҳангда, - Бу ерда ҳеч нарса йўқ. Ҳеч нарса. Фақат ягона ўхаш тилсим ҳовуз ва кўлмакларни қақратиш учун кўлланиладиган Қуритиш афсунি бор экан. Бироқ бундай афсун қудрати кўлни қуритиб юбориш учун етмайди.
 - Ахир нимадир бўлиши керак-ку... - ғудуллади ниҳоятда толиққан Гермиона, «Қадимги ва унуглигандан сеҳр-жодулар» манускриптининг майда сатрларини ўқиши учун шамни ўзига якинроқ суриб, - Улар ҳеч қачон ижросининг иложи бўлмаган вазифа қўйишмайди ([Манускрипт – қадимги кўл ёзма китоб](#)).
 - Мана, қўйишибди-ку, - эътиroz билдириди Рон, - Хуллас, Гарри, гап мундок. Эртага кўл соҳилига борасан-да, бошингни сувга тиқиб: «Қани, нимани шилиб кетган эдиларинг, тез қайтаринг-чи», деб сув париларига ўшкириб берасан, вассалом. Кейин нима бўлишини томоша килиб ўтираверасан. Бундан бошқа чора йўқ. Кўлингдан келгани шу бўлади.
 - Бўлиши керак, йўли бўлиши керак! - ғазаб-ла гапни бўлди Гермиона, - Бўлиши шарт! Афтидан қизалок кутубхонадек жойда зарурий ахборот йўклигини худди шахси ҳақоратлангандек қабул килмоқда. Шу бугунга қадар китоблар унга ҳеч панд бермаган эди.
 - Нима қилиш кераклигини энди тушундим, - ғудуллади Гарри «Ҳар бир фирибгар учун маккорона найранглар» китобига бошини қўйиб, - Сириусга ўхшаб анимаг бўлиб олишим керак экан.
 - Тўппа-тўғри. Шунда сен ҳар қандай фурсатда олтин балиқчага айланиб олар эдинг! - маъқуллади Рон.
 - Ёки қурбақага, - эснади ўларча толиққан Гарри.
- «Сеҳр-жодуга оид жиддий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» китобининг мундарижасига кўз югурутирган Гермиона паришонхотирлик билан фикр билдири:
- Анимаг бўлиш учун кўп йиллар керак бўлади. Бундан ташқари, Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги Сеҳргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлимида юритиладиган махсус рўйхатдан ўтиш керак ва ҳоказо. Профессор Макгонагаллнинг дарсида сеҳргар-анимаглар мавзусини ўтганмиз. Унинг сўзларига караганда ўз ихтиёри

билан ҳайвонга айланиши мумкин бўлган сеҳргар эркак ва аёлларга доир хужжатлар тўпламида барча маълумотлар, яъни улар қанақангি ҳайвонга айлана олишлари, ҳайвон киёфасидаги ўзига хос аломатлари ва ҳоказо акс эттирилади. Буларнинг бари тегишли Низомда баён этилган талабларни...

- Гермиона, мен ҳазиллашдим, - тўхтатди уни Гарри, - Тонгга қадар бақага айланишини ўзлаштира олмаслигимни биламан...
 - Буларнинг бари бефойда, - деди қўлидаги китобни қарсиллатиб ёпган Гермиона, - Бурун катаги ичида гажак ўстириш кимга керак экан?
 - Мен эътиroz билдирмаган бўлар эдим, - кутилмаганда янгради Фреднинг овози, - Нима қилибди, муҳокама учун доимий мавзу бўлади.
- Гарри, Рон ва Гермиона бошларини қўтариб, китоб токчаларининг ортида турган эгизакларни кўришди.
- Иккалангиз нима қиляпсиз бу ерда? Ахир бу ер кутубхона-ку, наҳотки сизлар ҳам китоб ўқишни билсангиз?! - хайрон бўлди Рон.
 - Сени қидириб юрибмиз, - жавоб берди Жорж, - Сени Макгонагалл чақиряпти, Рон. Сени ҳам, Гермиона.
 - Нима учун? - таажжубланди Гермиона.
 - Ўлимимдан хабарим бор-у, бундан хабарим йўқ. Бироқ кампирнинг айти-ангари жуда ноxуш, қовоғидан қор ёғилиб турибди.

Рон билан Гермиона ичида нимадир узилиб кетган Гаррига қараб қўйиши. Наҳотки профессор Макгонагалл уларни койиб берса? Ҳаддан ортиқ ёрдам беришганига эътибор қаратдимикан? Чемпионликка даъвогар эса ўз вазифасини ўзи мустақил ҳал этиши лозим. Унга бироннинг ёрдам қўлини қабул қилишга рухсат берилмайди.

- Мехмонхонада қўришгунча, - деди Гермиона, - Китоблардан қўтарганингча олиб бор, ҳўпми?

Рон иккаласи ташвишли қиёфа илиа ўринларидан туриши.

- Хўп, - ваъда берди Гарри хавотирли оҳангда.

Кечки соат саккизда Шипц хоним барча чироқларни ўчириб, Гаррини кутубхонадан хайдаб чиқарди. Қўтарган китобларининг оғирлигидан лопиллаб қолган Гарри «Гриффиндор» минораси томон йўл олди. Столлардан бирини умумий меҳмонхонанинг бурчагига тортиб, қидиувни давом эттириди. У «Ғалати азайимхонлар учун гайриодатий жоду» китобида ҳам, «Ўрта аср сеҳр-жодусига оид қўлланма»да ҳам ҳеч нарса топа олмади. «Ўн саккизинчи аср афсунлари антологияси» китоби ва «Чуқур жойларда яшайдиган қабих жониворлар ёки муқаддам хаёлингизга ҳам келтирмаган ички кучлар. Уларни идрок этгач эса нима қилишни билмай, бошингиз қотиб қолган холатлар» тўпламида ҳам сув остида нафас олиш тўғрисида ҳеч нарса йўқ.

Гаррининг тizzасига чиқиб олган Маймоқоёқ гувала бўлиб ётганча, хириллай бошлади. Меҳмонхона аста-секин бўшаб қолди. Ҳамма худди Хагрид каби қувнок, бағайрат оҳангда унга омад тиламоқда. Айтидан, уларнинг бирортаси ҳам Гаррининг эртанги чикиши ўтган сафарги каби осон ва силлиқ ўтишига шубҳа қилмайди. Бўғзига гольф коптоги тикилиб қолгандай ўтирган Гарри жавоб беришга курби етмай, бош иргишига яради холос. Тун ярмига етишига ўн дақиқа қолган фурсатда умумий меҳмонхонада Маймоқоёқ иккаласи қолди. Гарри қўтариб келган барча китобларни титкилаб бўлди-ю, Рон билан Гермионадан ҳамон дарак йўқ.

Ҳаммаси тамом бўлди, деди у ўзига ўзи. Вазифани уddyalай олмадинг. Эртага эрталаб кўл соҳилига борасан-да, бу ҳақда ҳакамларга айтасан...

Гарри ҳакамларга вазифани бажара олмаслигига икрор бўлаётганини кўз олдига келтириб кўрди. Шульманнинг таажжубдан катта-катта очилиб кетган юмалоқ кўзлари, сариқ тишларини боз яланғочлатган Каркаровнинг мамнун иршайиб туриши кўз ўнгидага гавдаланди. Флёр Делакёрнинг «Айтдим-ку, у бизлағга кағши беллаша олмайди. У кали жуда кичкина» деган хитобини деярли яққол эшилди. Ичига сиғмай кетган Малфой томошибинларга Поттер – бадбўй ёзуви битилган кўкрак нишонини намоён қилиб югуриб

юргани ва ҳеч нарсага бовар қилмай турган Хагриднинг хомуш юзини кўрди... Тиззасида Маймоқоёқ ётганини унутиб кўйган Гарри ўрнидан иргиб турди. Ерга думалаб тушган мушук вишиллаб, Гаррига домангир қиёфа билан қараб кўйди-да, думини викорла кўтариб нари кетди. Бироқ Гарри бунга эътибор қаратгани йўқ. У айланма зинапоя бўйлаб ётоқхонасига югурди. Кўринмас плашини олиб, кутубхонага йўл олди. Керак бўлса тун бўйи ўтириб чиқишига аҳд килди...

- Люмос, - пичирлади йигирма беш дақиқа ўтиб кутубхонанинг эшигини очган Гарри. Сехрли таёқчасининг ёришган учини олдинга узатиб борар экан Гарри китоб токчалиридан кўзикиш ва афсунлар, сув парилари ва сув остида яшайдиган маҳлуклар, машхур сеҳрар эркаклар-у, афсунгар аёллар, сехрли қашфиётлар, хуллас андак бўлса ҳам сув остида омон қолиш ҳакида сўз юритилиши мумкин бўлган китобларни чиқариб, тўплади. Ҳаммасини стол устига териб чиқиб, онда-сонда соатга қараб-қараб кўйганча, хира нур остида ишга киришди...

Соат бир бўлди... икки бўлди... таслим бўлмасликнинг ягона йўли, топишмоқ жавоби кейинги китобда... кейинги китобда... йўқ, кейинги китобда чиқишига умид боғлаш бўлиб колди.

Синфбошилар ювинадиган ваннахона деворига осилган расмдаги сув париси баланд овозда хандон отмоқда. Гарри қоя остида, тошга урилиб кўпиклаб кетаётган тўлқинларда худди шиша тиқини каби қалқимоқда. Сув париси эса «Чакмоқ»ни боши узра кўтариб олган.

- Қани, олиб кўйчи мендан! - калака қилди у, - Қани, бўл, сакра!
- Сакрай олмайман, - бақирди супургига интилганча, тўлқинга қарши курашаётган Гарри димикиб, - Супургимни бер!
Бироқ бадкор урғочи қотиб-қотиб кулганча, супургининг сопи билан Гаррининг биқинига туртди.
- Вой! Жоним оғрияпти!... Тинч кўй мени!

- Гарри Поттер зудлик била уйғониши керак, сэр!
- Туртишни бас қил...
- Добби Гарри Поттерни туртиши керак, сэр, у тезроқ уйғониши керак!
Гарри кўзини очди. У ҳалигача кутубхонада. Кўринмас плаш бошидан сирпаниб тушган. Юзи «Сехрли таёқча бўлса бас, усул топилади» рисоласига ёпишиб қолган. Гарри ўтирган ўрнида қаддини ростлаб, кун ёруғидан кўзи қамашганча юмалоқ кўзойнагини тўғрилаб олди.

- Гарри Поттер шошилиши керак! - пишиллади Добби, - Иккинчи мусобака ўн дақиқадан сўнг бошланади. Бинобарин Гарри Поттер...

- Ўн дақиқадан сўнг? - хириллади Гарри, - Ўн дақиқа?...
У соатга қараб кўйди. Добби ҳақ. Соат тўккиздан йигирма дақиқа ўтиди. Гаррининг кўкрагидан қандайдир нихоятда оғир нарса қорин бўшлиғига думалаб тушгандай бўлди.

- Гарри Поттер шошилиши даркор! - ғижирлади Добби, Гаррининг енгидан тортиб, - Сиз ва қолган чемпионликка даъвогарлар аллақачон кўл соҳилида бўлиши керак эди, сэр!

- Кеч бўлди, Добби, - умидсиз кўл силтади Гарри, - Мен бари-бир топширикни бажара олмайман, қандай бажаришни билмайман...

- Гарри Поттер топширикни албатта бажаради! - чийиллади эльф, - Гарри Поттер керакли китобни топа олмаганини Добби билар эди. Шу боис Добби керакли ишни Гарри Поттернинг ўрнига бажарди!

- Нима? - бовар қилмади Гарри, - Ахир сен топшириқ шартини билмас эдинг-ку?!
- Добби билади, сэр! Гарри Поттер кўлга сакраб, Вессини топиши керак бўлади...
- Қанақанги Весси ҳакида гапиряпсан?
- Вессини! Вессини сув париларидан тортиб олмоғи даркор!
- Весси деганинг нима бўлди? Тушунарлироқ гапирсанг-чи!

- Сизнинг Вессингиз, сэр. Доббига свитер хадя этган Весси!
 - Добби бармоқлари билан эгнидаги кичрайтирилган, шорт билан бирга кийган свитерни чимчилаб күттарди.
 - Нима?!
 - Даҳшатдан Гаррининг нафаси қайтиб кетди.
 - Улар Уэслини... Ронни олиб кетищди-ми?
 - Ха, улар Вессини ўзлари-ла гарқ килишди! - тушунтирган бўлди Добби, - Бир соатдан сўнг эса...
 - «Топиб олишинг учун бир соатча вақт бердик» - мисрани такрорлади ақлдан озиб бораётган Гарри, эльфга бақрайиб, - «Имконни бой берсанг, муддат ўтар, иш тамом, кўрмай ўтарсан уни йўқотиб сен батамом»... Добби... Нима қилсам бўлади?
 - Добби қўлини киссасига солиб, қандайдир тушунарсиз, каламушнинг кул ранг яшил думини эслатадиган калавани чиқарди.
 - Сувга сакрашдан олдин мана буни чайнаб, ютишингиз керак, сэр! - ғижирлади эльф, - Бу ойкулоқ ўстир гиёхи!
 - Бу нимага керак? - эльфнинг қўлига бақрайди Гарри.
 - Гарри Поттерга сувда нафас олиши учун керак, сэр!
 - Добби, - умид-ла сўради Гарри, - Ишончинг комилми?
- Ҳар қалай айнан Доббининг «ёрдами» билан бир вақтлар Гарри ўнг қўлидаги суюклардан маҳрум бўлган эди.
- Доббининг ишончи мутлақо комил, сэр! - деди эльф қатъий оҳангда, - Добби уй эльфи сифатида қасрда юриб турли юмушларни бажаради, каминларга ўт қалайди, пол ювади ва ҳоказо ва айни вақтда барча гапларни эшитиб юради, сэр. Кунлардан бир кун Добби профессор Макгонагалл билан профессор Хмурининг орасида ўтган навбатдаги топширикка оид сухбатни эшитиб қолди... Добби Гарри Поттерга ўзининг Вессисини йўқотиб қўйишига йўл қўймайди, сэр.
- Гаррининг барча шубҳалари барҳам топди. У оёққа қалқиб турди-да, эгнидаги қўринмас плашни ечиб юк халтасига жойлади. Ойкулоқ ўстир гиёхини чангаллаб, киссасига солдида, кутубхонадан ўқдай учиб чиқди. Добби эса унга изма-из етишиб юрди.
- Добби ошхонага қайтиши керак, сэр! - деди у йўлакка чиқишигач, - Доббининг йўқлигини пайқаб қолишли мумкин. Омад ёр бўлсин, Гарри Поттер, сэр, омад ёр бўлсин!
 - Кейин қўришамиз, Добби! - қичқирди йўлак бўйлаб тўхтамай югуриб кетаётган Гарри. Зиналарнинг ҳар уч-тўрт погонасидан сакраб ўтган Гарри вестибюлга етиб келди. Бу ерда иккинчи мусобақа бошланишига кечикиб, Катта Залдан ошишиб чиқаётган ўқувчилар икки тавақали катта эман эшигидан чиқишишоқда. Ҳамма ўқдай учиб бораётган Гаррининг ортидан таажжуб билан қараб қолмоқда. Гарри бехосдан aka-ука Колин ва Денис Кривиларни икки томонга тутириб юбориб асосий зинапоя устидан учганча, қуёш ёритган совуқ ҳовлига чиқди.
- Майсазор бўйлаб югурад экан Гарри, ноябрь ойида аждарлар қўтони атрофида тикланган намойишгоҳлар энди нариги соҳилга ўрнатилиб, кўл сувида акс этиб турганига эътибор бермай қўймади. Жамики мактаб намойишгоҳлардаги ўринларни эгаллаб бўлган. Одамлар овозининг тўлқинланган шов-шуви сув узра ғалати таралмоқда. Гарри энг яқин соҳил четига ўрнатилиб, тилла тусли мато билан тўсилган стол атрофида ўтирган ҳакамлар томон югорди. Ҳакамлар столи ёнида турган Седрик, Флёр ва Крум югуриб келаётган Гаррига қараб туришибди.
- Мен... шу ердаман... - базур айта олди Гарри кескин тўхтаганча, Флёрнинг эгнига лой сачратиб.
 - Қаерда юрибсан? - эшитилди норози оҳангда берилган каттаконларга хос савол, - Мусобақа ха демай бошланиши керак!
- Гарри овоз эшитилган томон қараб, ҳакамлар столи ортида викор-ла ўтирган Перси Уэслини кўрди. Демак мистер Сгорбс боз кела олмабди.
- Бўпти, бўпти, қизишига Перси! - деди Шульман Гаррига қараганча очиқдан-очиқ енгил

тортиб, - Нафасини ростлаб олишга имкон берсанг-чи!
Дамблдор кулиб қўйди. Каркаров билан Максим хоним эса аксинча, Гаррининг пайдо бўлганидан хурсанд эмас. Афтидан улар Гаррини келмайди, деб ўйлашган чоғи.
Ҳаллослаб қолган Гарри икки букилиб, қўллари билан тиззасига суяниб олди. Бикини, худди бирор пичоқ санчидай олганда оғримоқда. Лекин нафас ростлашга вақт йўқ. Людо Шульман чемпионликка даъвогарларни соҳилга, бир-биридан ўн фут масофага қўйиб чиқди. Гарри учун қўлига таёқча ушлаб олган Крумдан кейин, энг охирги жой кўрсатилди.
- Ишлар жойидами, Гарри? - пичирлади Шульман болани Крумдан яна икки футча нарига олиб, - Нима килиш кераклигини биласанми?
- Ҳа, - қисқа қилди Гарри, қовурғаларини ишқалаб.
Шульман Гаррининг елкасини сиқиб қўйди-да, ҳакамлар столига қайтди ва худди Кубок финалида бажарган каби сехрли таёқчасини чиқариб, ўз томоги томон бир силтади-да, овоз кучайтириш афсунини ўқиди:
- Сонорус!
Сехр қўлланилиб кучайтирилган овоз сув узра намойишгоҳлар томон йўналди.
- Шундай қилиб, чемпионликка даъвогарларимиз иккинчи топшириқни бажаришга тайёр. Улар менинг хуштагимга биноан старт олиб, ўғирлатиб қўйишган нарсаларини қайтариб олишлари учун сувга сакрашади. Даъвогарлар ихтиёрида атиги бир соат вақт бор. Демак, учгача санайман, марҳамат: бир... икки... уч!
Қилт этмаётган муздай ҳавода Шульманнинг хуштаги ўзгача баланд янгради. Жим ўтирган томошибинларга тўлиб-тошган намойишгоҳлар кувноқ айюҳаннос ва карсаклардан портлаб кетгандай бўлди. Бошқа чемпионликка даъвогарларга эътибор қаратмаган Гарри ботинкаси билан пайтогини хотиржам ечганча, киссасидан ойқулоқ ўстир гиёҳини чиқариб оғзига солди-да, аста сувга одимлади.
Сув шу қадар совуқки, оёғининг тери қопламаси худди чўғга ботгандай ловуллаб кетди. Кўл чукурлашиб борган сари нам тортаётган коржомаси оғирлашиб, пастга торта бошлади. Шиддат билан уюшиб бораётган оёқлари қўлнинг сербалчиқ туби, шилимшиқ парда қоплаган ясси тошлар устида сирпаниб борди. У таъми худди саккизоёкнинг пайпаслагичлари каби сирғанчик-резинадай бемаза гиёҳни имкон қадар тез ва майдалаб чайнаб боряпти. Белигача сувга кирган Гарри оғзидағи нарсанни ютиб юбориб, нима бўлишини кутганча тек турди.
Гаррининг бирон-бир сехр-жоду қўлламаганини кўриб турган томошибинларнинг кулгиси эшитилди. Гарри худди сувга кириб олган молдай ҳаммага тентакнамо кўринаётганини яхши идрок этиб турибди. Танасининг ҳали сувга кирмаган қисми жимирилашди. Сув юзасида эсаётган муздай шамол соchlарини ҳилпиратмоқда, аъзойи-бадани совуқдан дағ-дағ титрай бошлади. Гарри имкон қадар намойишгоҳлар томон қарамасликка уринди.
Слизеринчиларнинг ҳар хил масхараомуз, жирканч товушлари эшитила бошланди.
Бирдан Гарри оғзи ва бурнини қандайдир кўзга кўринмас ёстиқ тўсиб қўйганини хис этди. Чукур нафас олишга уриниб кўрди-ю, боши айланниб кетди. Бўйнининг иккала томонида кучли оғриқ сезилди...
Гарри иккала қўли билан томоғини ушлаб, қулогининг ортида муздай шамол томон бир маромда очилиб-ёпилаётган кесиклар... ойқулоқлар пайдо бўлганини англади. У ўйлаб-нетиб ўтирасдан айни пайтда ягона бамаъни ҳаракатни бажарди. Бола бир тебраниб олди-да, ўзини сувга ташлади.
Муздай сувнинг биринчи ютуми худди хаёт ютими сингари бўлди. Бош айланниши тўхтади. Гарри яна бир бор чукур симирилган сув ўз таркибидаги кислородни мияга юборганча, ойқулоқлардан силлиқ чиқиб кетаётганини хис этди. Олдинга узатиб қараган қўллари аллақандай хаёлий яшил тусда кўринди. Бармоқларининг орасида сузиш пардаси пайдо бўлган. У эгилиб, яланғоч оёқларига қаради. Оёқлари чўзилиб, балиқ сузгичига ўхшаб қолган.
Сув энди совук эмас... аксинча, вужудга ёқимли салқинлик ва енгиллик бахш этмоқда. Гарри танасини узатиб маза қилди. Сузгич оёқлари боланинг хатти-ҳаракатларини ажойиб

теззлатганча, илгарилатди. Атроф аниң күрінмоқда. Күз пирпиратиши га хожат йўқ. Кўп ўтмай Гарри шу қадар узоқ сузиге кетдик, соҳил туби кўринмай қолди. Бола шўнгифи, кўл қаърига кириб кетди.

У туман қоплаган, қоронғи ва аллақандай сирли манзара устидан тез суза бошлади. Сув остидаги сукунат боланинг қулоқларига таъсир ўтказмоқда. Гаррининг кўзига кўринаётган масофа ўн футдан узоқ эмас. Бинобарин, янги манзаралар, чунончи: бир-бирига чирмашиб кетган сув ўтларидан хосил бўлган ўрмонлар ёки хира милтиллаётган тошлар сочилган бепоён балчиқ текисликлари қоронғилиқда мутлақо кутилмаган тарзда бирин-кетин пайдо бўляпти. Кўзларини катта-катта очиб олган Гарри сув қатламига тикилганча, тобора чукурлаб, чеки кўринмайдиган, шаффофлиги барҳам топиб бораётган кўл маркази томон сузиге кетмоқда.

Атрофда худди кумуш ўклар каби тез сузар митти баликлар зир учмоқда. Бир-икки маротаба кўзига балиқдан кўра жиддийроқ нарса кўрингандай бўлди. Бироқ яқинроқ бориб қорайиб кетган дараҳт танаси ёки сув ўтларининг қалин тўпи эканлигини кўрди. Бошқа чемпионликка даъвогарлар ҳам, сув парилари ҳам, Рон ҳам ва хайриятки баҳайбат кальмар ҳам кўринмайди.

Кутилмаганда Гаррининг кўз ўнгига бўйи икки фут келадиган сув ўтларидан иборат ниҳоятда кенг яйлов пайдо бўлди. Гарри кўзини пирпиратмай олдинга қараб, узоқда кўринаётган аллақандай тушунарсиз нарсанинг ташки киёфасини англаб етишга уринди... айни шу пайтда Гарри учун мутлақо кутилмаган холат рўй берди. Кимдир унинг тўпик суюгидан маҳкам тутиб олди.

Гарри эгилиб, миттигина, шоҳдор гриндилоуни кўрди. Сув жини бошини чакалакзордан чиқарганча, ўткир тишчаларини яланғочлатиб узун бармоклари билан Гаррининг оёғини маҳкам ушлаб олган. Гарри зудлик билан пардали қўлини киссасига солди. Токи у ивирсиб, таёқчасини чиқаргунча, сув ўтлари орасидан яна иккита гриндилоу чиқиб, коржомасидан тутганча, пастга торта бошлади.

- Релашиб! - қичкирди Гарри.

Бироқ у ўз овозини эшитмади... Оғзидан сўз ўрнига катта пуфак отилиб чиқди. Таёқча эса гриндилоуларга учқун сачратиш ўрнига, афтидан иссиқ сув заряди билан зарб берди.

Гриндилоуларнинг яшил танасидаги қайнок сув теккан жойлари қизариб қолди. Гарри оёғини гриндилоунинг қўлидан тортиб олиб, ортга қарамай нари сузди. Ҳар эҳтимолга қарши вакти-вакти билан атрофга ўт очиб борди. Баъзан оёқларини бошқа гриндилоулар тутиб олишга уринар, Гарри эса бу пайтда уларни тепкилар эди. Ниҳоят у шоҳдор бошлардан бирига қаттиқ тепганини сезди. Ортга ўгирилиб, сув жинларидан бирининг кўзи қаншарига келиб қолганча чўкиб кетаётгани, қабиладошлари эса муштчаларини тутиб, ўдағайлаб колганини кўрди.

Гарри теззликни пасайтириб, таёқчасини киссасига солди-да, дикқат билан қулоқ солганча, атрофга қаради. У тўлиқ айланиб кўрди. Сукунат қулоқ пардаларини тешиб юборгудай қарор топган. У жуда чукурлаб кетганини тушунди, лекин атрофда тўлғанаётган сув ўтларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

- Хўш, ишлар қалай?

Гаррининг юраги тўхтаб қолишига сал қолди. Шиддат билан ўгирилиб, сувда тебранаётган Дилгир Миртлни кўрди. Арвоҳ ўзининг садаф рангли қалин кўзойнаги орқали Гаррига қараб турибди.

- Миртл! - сўқиб бермокчи бўлди Гарри, аммо овоз ўрнига оғзидан боз пуфак чиқди. Буни кўрган Дилгир Миртл кулиб юборди.

- Сен анави ерга бориб қара! - кўрсатди у, - Лекин мен сен билан бормайман... уларни ёқтиримайман. Яқин боришим билан доим мени кувиб солишиади.

Гарри миннатдорлик билдирган бўлиб, иккита бош бармоғини юкорига кўтарди-да, гриндилоуларга дуч келмаслик учун эҳтиёт чораси сифатида сув ўтларидан баландроқ сузишга ҳаракат қилиб, арвоҳ кўрсатган томон кетди.

Бола кам деганда йигирма дақиқача сузиге юрибди чамаси. Остида кенг серлойка текислик

ёйилган бўлиб, ўз харакати билан гоҳи-гоҳида кичик уюрмалар ҳосил қилиб бормоқда. Нихоят Гаррининг қулогига сув париларининг қўшиғи эшитила бошланди:

*Сенга керак нарсани ўзимиз-ла гарк қилдик,
Топиб олишинг учун бир соатча вақт бердик.*

Гарри янада тез суза бошлади. Кўп ўтмай кўз ўнгида нихоятда йирик тош пайдо бўлди. Унинг сиртига найза билан қуролланиб, баҳайбат кальмар шикорига чиқсан сув париларининг расмлари солинган. Гарри овоз эшитилган томон сузиб кетди.

*Энди муддат қисқарди, ярим соатгина қолди,
Имиллама, тезроқ бўл, ўртогинг ҳолдан тойди.
Имконни бой берсанг, муддат ўтар, иш тамом
Кутқара олмайсан уни, ўлиб кетар, вассалом.*

Кутилмаганда зулмат ичра сув ўтидан доғ бўлган тошлар воситасида ғализ кўтарилиган иморатлар кўринди. Иморатларнинг деразаларида синфбошилар ювинадиган ваннахона деворига осилган расмдаги сув парисидан тамоман фарқ қиладиган башаралар кўринди. Бўйинларига тош маржонларнинг қалин шодаси осиглик, кўзлари ва кемтик тишлари сариқ кўринаётган ушбу маҳлукларнинг тери қопламаси кул ранг яшил бўлиб, бошларини узун тўқ яшил соч тутамлари қоплаган. Улар писиб, ёнларидан сузиб ўтаётган Гаррига караб туришибди. Икки-учтаси қўлидаги найзаларини маҳкам тутганча, Гаррини тузукроқ кўриш учун бўлса керак, ўз истиқоматгоҳларидан чиқиб келди. Уларнинг бақувват балиқ думлари у ёқ, бу ёқ лапангламоқда.

Атрофга сергак қараб бораётган Гарри харакатини тезлатди. Кўп ўтмай иморатлар сони янада кўпайди. Баъзи уйлар атрофида сув ўтларидан яратилган боғлар кўринди. Бир иморатнинг ёнига эса гриндилоуни занжирга боғлаб кўйилган. Томошага чиқсан сув париларининг сони тобора ортиб бормоқда. Айримлари Гаррининг ойқулоклари-ю, пардали панжаларига бармоқ ўқтаб, бир-бирига алланима деганча, оғзини кафт билан тўсиб ҳам олишди. Гарри муюлиш ортига ўтиб, ғалати манзара гувоҳи бўлди.

Атрофини иморатлар қуршаб олган сув ости қишлоғи майдонида бир гала сув парилари тўпланган. Майдон марказига сув парисининг тошдан йўнилган улкан ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал ёнида чемпионликка даъвогарларни жалб этаётган хор кўшиқ айтмоқда. Тош маҳлукнинг қайрилиб кўтарилиган думига эса тўртта одам маҳкам боғланган.

Рон Гермиона билан Чу Чэнгнинг ўртасида. Улар орасида ёши саккиздан ошмаган кизалок ҳам бор. Кумуш тусли соchlаридан, ушбу қизча Флёр Делакёрнинг синглиси эканлигини Гарри дархол фаҳмлади. Тўртовлон қаттиқ уйкуда. Бошлари у ёқ, бу ёқ чайқалиб, оғзиларидан пуфакчаларнинг ингичка оқими чиқиб турибди.

Гарри гаровга олинган одамлар томон ташланиб, сув парилари унга ҳамла қилишини кутди. Бироқ улардан бирортаси ҳам салбий муносабат билдирамади. Асиrlар ҳайкалга сув ўтларидан тайёрланган қалин арқонлар билан боғланган. Гарри Рождество байрамига Сириус совға қилган, ҳозир сандиқда, фойдасиз ётган пичоқчани эслади.

У атрофга қараб, сув париларининг қўлларидағи найзаларга эътибор каратди. Гарри бўйи етти футча келадиган маҳлук ёнига келиб, имо-ишора ила найзасини бериб туришини сўради. Сув маҳлуғи хандон отиб, бош чайқади:

- Биз ёрдам кўрсатмаймиз, - деди у, дўриллаган хирилдоқ овози билан.
- Қўйсангиз-чи! - хитоб қилди Гарри, оғзидан пуфак чиқиб.

У найзани куч билан тортиб олмоқчи ҳам бўлди. Бироқ кулавериб зўрикиб кетган маҳлук бошини чайқаб, найзасини қайтариб олди.

Гарри ўткирроқ бирон нима топиш учун бизбизакдай айланди.

Кўл туби тошларга тўлиб-тошган. У пастга шўнгиб, кирраси ўткирроқ тошлардан бирини

олди-да, Ронни боғлаб турган сирпанчик, пишик арқонни чопа бошлади. Бир неча дақика кечгандың тиришқоқ мекнантдан сүнг арқон узилди. Беҳуш Роннинг танаси күл тубидан бир неча фут юкорига күтарилиб, сув қатламларыда қалқиб ётди.

Гарри атрофга қараб бошқа чемпионликка даъвогарларни кўрмади. Қаерда юришибди улар? Тезроқ келишмайди-ми? У Гермионанинг олдига қайтиб, арқон чопмоқчи бўлган эди ҳам-ки... бир нечта бақувват, кул ранг яшил қўллар уни тўхтатиб қолди. Ўн иккитача махлук хандон отганча болани Гермионадан нари тортди.

- Дўстингни олгин-да, туёгингни шиқиллат бу ердан, - Бошқаларга тегма.

- Ҳеч қачон! - жаҳл қилганча кўл силтади Гарри.

Сўз ўрнига оғзидан иккита катта пуфак отилиб чиқди.

- Вазифанг, дўстингни қутқариш... қолганлар билан ишинг бўлмасин.

- У ҳам менинг дўстим! Қолганларни ҳам бу ерда қолдириб кетмайман! - қутуриб кетгандай имо-ишора қилди Гарри.

Чунинг боши Гермионанинг елкасида ётибди. Кичкина қизалокнинг ранги эса оқариб кетган бўлиб, юзининг баъзи жойлари кўкариб ҳам колган. Гарри сув махлукларининг исканжасидан халос бўлишга уринди. Махлуклар эса ҳеч қийинчилексиз уни маҳкам ушлаб, хандон отишларини қўйишмаяпти. Қани қолганлар? Ронни юкорига чиқариб, Гермиона ва қолганларни олиб кетиш учун қайтиб келишга вақти етармикан? Шу жойни яна топа олармикан? У соатига қаради. Таассуфки, соати сув остида тўхтаб қолибди.

Кутилмаганда сув парилари орасида хаяжон юзага келиб, ҳаммаси юкорига бармок ўқтади. Гарри бошини кўтариб, яқинлашиб келаётган Седрикни кўрди. У бошига йирик пуфак кийиб олган. Шунинг учун бўлса керак, юзи ғалати чўзинчоқ қўринди.

- Мен адашиб қолдим! - деди Седрик лабини кимирлатиб, - Флёр билан Крум ҳам келиб колиши керак!

Седрик киссасидан пичоқ чиқариб, Чуни озод қилганини кўрган Гарри бир оз енгил тортди. Кўп ўтмай Чуни тортиб кетган Седрик кўздан гойиб бўлди.

Гарри бошини атрофга айлантириб, қолганларни кутди. Хўш, қани Флёр билан Крум? Вакт оз қоляпти, улардан эса дарак йўқ. Қўшиқ мазмунига кўра, бир соат ўтгач, гаровга олингандар қайтариб берилмайди...

Кутилмаганда сув махлуклари қувонч-ла қичқириб юборишли. Гаррини ушлаб турган махлуклар ортга қараб, қўлларини бўш қўйишли. Гарри ҳам бурилиб, боши наҳангнинг боши-ю, чўмилиш трусикини кийган танасининг колган қисми одам танасидан иборат махлук сув парилари томон сузиб келаётганини кўрди. Крум. Афтидан у наҳанг қиёфасига кириб олмоқчи бўлган-у, афсун ижросини охиригача эплай олмаган.

Наҳанг-одам Гермионанинг ёнига сузиб келиб, қизни боғлаб турган арқонларни тишлаб узишга уринди. Аммо Крумнинг янги тишлари шундайки, дельфиндан майдароқ нарсани тишлашга ярамайди. Агар Крум эҳтиёт бўлмаса, Гермионани ғажиб қўйиши турган гап.

Ахволни кўриб турган Гарри бунга шубҳа қилмай қўйди. У олдинга ташланиб, Крумнинг елкасига қаттиқ туртди-да, киррали тошни қўлига тутқазди. Крум тошни чанглаб, арқон чопишга киришли. Бир неча сониядан сүнг Гермионани халос қилиб, белидан тутди-да, орқасига қарамай юкорига тортиб кетди.

Хўш, энди-чи, хавотир ола бошлади Гарри. Флёрнинг етиб келишига ишончи комил бўлганида... бироқ «Бэльстэк» қизи йўқ. Нима қилмоқ керак?

У Крум улоқтирган тошни қўлига олди. Лекин сув махлуклари бош чайқаганча Рон билан қизалокни тўсиб олиши.

Гарри қўлига сехрли таёқчасини олди.

- Йўқол йўлимдан!

Оғзидан сўз ўрнига пуфак отилиб чиқсан бўлса-да, сув парилари унинг фикрини аниқ тушунишганига шубҳа қилмади. Хар қалай улар бемаъни кулгиларини бас қилиб, сап-сариқ кўзлари билан сехрли таёқчага бақрайиб қолишли. Кўпчилик бўлишларига қарамай, қиёфаларида кўринган кўркув алломатига кўра, уларнинг сехр-жоду бобидаги маҳоратлари баҳайбат кальмарнинг маҳоратидан зигирдай бўлсин, колишмаслигини Гарри дархол

аңглаб етди.

- Учгача санайман! - қичкирди оғзидан пуфак чиқарған Гарри, мақсади аёний бўлиши учун бармоқ букиб, - Бир... (битта бармогини буқди) Икки... (яна биттасини) Махлуклар орқага тисланди. Гарри олдинга ташланиб, арқон чопа кетди ва ниҳоят қизалокни ҳам озод қилди. Бола қизалокнинг белидан, Роннинг ёқасидан тутиб, кўл тубига зарб билан тепингганча, юкорига кўтарила бошлади.

Учаласи сув юзига ниҳоятда секин кўтарилемоқда. Пардали қўллари билан ишлаш имкониятига эга бўлмаган Гарри сузгич-оёғига зўр берди. Рон билан Флёрнинг синглиси эса икки қоп картошка сингари уни пастга тортмоқда... Гарри умид билан юкорига қаради... улар ҳали жуда-жуда чукурда. Юкорида кўринган сув қатлами ҳали қоп-қора... Сув парилари ҳам унинг изидан кўтарилиб келишмоқда. Улар Гаррининг атрофида гир айланиб, кийналаётганини томоша килиб боришаётпти... Наҳотки муддат ўтиши билан пастга тортиб кетишса? Одам гўштини еб тириклик қилишармикан? Оёгининг мушаклари зўр берилганидан қотиб қолмоқда, юк оғирлигидан елкалари зирқирамоқда... Нафас олиш кийинлашди. Гарри бўйин соҳасида яна оғриқ сезиб... оғзи сувга тўлиб колганини хис этди. Хайриятки сув зулмати тарқаб, юкорида кун ёруғи кўрина бошлади... Гарри сузгичига зўр берди-ю, унинг йўқлигини англади. Оёги яна ўз ҳолатига қайтибди. Оғзидаги сув ўпкасига кириб кетиб, боши айлана бошлади. Ёруғлик билан ҳаво яқин. Колган бўлса, ўн фут қолди... етиб бориш керак... етиб бориш керак...

Толикқан оёқларининг мушаклари итоат этмаяпти. Мияси гўё сувга тўлиб, оғирлашиб кетгандай... унга кислород керак... оз қолди, харакат қилиш керак... тўхташ мумкин эмас... Бирдан боши сув юзасига чиққанини хис этди. Муздай, ҳаётбахш ҳаво юзини чимдид олди. Гарри чукур нафас олиб, сувга тикилиб қолганча Рон билан қизалокни юкорига тортиб чиқарди. Сув юзасида ҳар жойда яшил сочли бошлар чиқиб келди. Сув париларининг ҳаммаси Гаррига иршаймоқда.

Намойишгоҳларда ҳамма оёққа қалқиб турган, тўполон, қий-чув кўтариленган. Гаррининг назаридаги Рон билан қизалоқ томошибинларга ўлиқдай кўринган. Лекин иккаласининг ҳам кўзи деярли бир вактда мошдай очилди. Қизалоқ ҳеч нарсани тушунмай, чўчиб кетган. Рон эса оғзига кирган сувни чиқариб юбориб, Гаррига юзланди.

- Устим шалаббо бўлди-ку, а? - деди у, сўнг Флёрнинг синглисига кўзи тушиб, сўради, - Анави қизни нега тортиб чиқардинг?

- Флёрни кутдим, келмади. Ташлаб чиқмайман-ку, ахир, - ҳансиради Гарри.

- Тўпорисан-да, Гарри, - хитоб қилди Рон, - Анави қўшиқ мазмунини жиддий қабул қилдинг-ми дейман, а? Дамблдор бизни баликларга ем қилдириб кўярмиди?!

- Бироқ сув париларининг қўшиғида...

- Факат вактни чеклаш учунгина шундай дейилган! - бакириб берди Рон, - Умид қиласанни, пастда ўзингни қаҳрамонона тутиб, вактни бехуда сарф этмагансан, шундайми?!

Гарри ўзини ғирт ахмоқдай хис этиб, жаҳли чиқа бошлади. Рон учун буларнинг бари арзимас ўйиндай кўринмоқда. Тўғри-да, у хуррак отиб ухлаган, пастдаги даҳшатни кўрмаган бўлса. Айниқса сени қотилликни касб деб билган сув махлуклари найза ушлаб куршаб олганда...

- Хўп, майли. Ёрдамлашиб юбор менга, - амр қилди Гарри, - Назаримда қизалоқ сузишни билмайди.

Икковлон қизалокни кирғоқ томон тортиб кетди. Сохилда ўтирган ҳакамлар мудхиш овоз чиқараётган йигирматача сув махлуғи даврасида сувга қараб турибди.

Гарри Помфри хонимнинг қалин адёлга ўраб кўйилган Гермиона, Крум, Седрик ва Чу атрофида үралашиб юрганига эътибор қаратди. Дамблдор билан Людо Шульман яқинлашиб келаётган Гарри билан Ронни кулиб қарши олишмоқда. Ранги оқариб кетганидан анча ёш кўринаётган Перси эса сабри чидамай сувга тушиб олди. Максим хоним жазаваси тутиб, ўзини сувга ташламоқчи бўлиб турган Флёр Делакёрни маҳкам ушлаб турибди.

- Габғиэль! Габғиэль! Тигикми? Яғалангани йўқми?

- Үнга ҳеч нима қилгани йўқ! - кичкиришга уринди Гарри.
 - Бироқ бола шу қадар ҳолдан тойган эдики, қичкириш у ёқда турсин, гапиргани ҳоли йўқ.
 - Перси Ронни маҳкам ушлаб, қирғоққа тортиб кетди.
 - Тек қўй мени, Перси, ўзим чиқаман.
 - Дамблдор билан Шульман Гаррига ёрдам бериб юбориши. Максим хонимнинг исканжасидан халос бўлган Флёр синглиси томон отилиб, уни қучиб олди.
 - Анави гѓиндилоу галаси!... менга ташланиб... о, Габриэль, ўйладим-ки... ўйладим-ки...
 - Қани, шум така, бу ёққа кел-чи, - янгради Помфри хонимнинг овози.
 - У Гаррини, гўё ҳозир қочиб кетаётгандек маҳкам ушлаб, Гермиона ва қолганлар ўтирган жойга тортиб борди-да, адёлга шундай маҳкам ўраб қўйди-ки, бола ўзини худди тийдириш кўйлаги кийдирилгандай хис этди. Шундан сўнг, фельдшер хоним Гаррининг оғзига иссик суюк дори тўлдирди. Дорини аранг ютган Гаррининг қулоғидан буғ отилиб чиқди.
 - Гарри, сен зўрсан! - қичқирди Гермиона, - Вазифани уddyаладинг, муаммони ўзинг ҳал этдинг-ми? Қандай қилиб?
 - Мен...
 - Гарри Добби ҳақида айтиб бермоқчи бўлди-ю, Каркаровнинг нигохини ўз вақтида сезиб қолди. Каркаров ўтирган ўрнидан туришга уринмаган ҳам. Афтидан у Гарри, Рон ва Флёрнинг синглиси соғ-саломат қайтганидан хурсанд эмасга ўхшайди.
 - Мен, ўзим ҳал этдим муаммони, - деди Гарри Каркаров эшитиши учун атайин баланд гапириб.
 - Херм – иоун – нина, сочиингга кўнғииз илашииб олиибди, - эшитилди Крумнинг овози. Гаррининг назарида Крум Гермионанинг эътиборини ўзига қаратиш, ҳозиргина сувдан олиб чиққанини ёдига солиб қўйишга урингандай бўлди. Бироқ Гермиона сочига илашган кўнғизни олиб, сувга улоқтириб юборди-да, гапини давом этди:
 - Фақат сен, Гарри, вақт лимитини ошириб юбординг... Нега бизни узоқ кидирдинг?
 - Йўқ... мен сизларни тез топдим...
- Ўз аҳмоклигини идрок этиш ҳисси Гаррининг вужудини дақиқа сайн қамраб олмоқда. Мана энди, сувдан чиққач, чемпионликка даъвогарлар томонидан олиб чиқилмаган болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари Дамблдор томонидан тўла-тўқис кўрилганлиги мутлақо аён бўлди. Нега энди у Ронни халос этибок юқорига кўтарилемади? Шубҳа йўқ-ки, мэррага биринчи бўлиб этиб келган бўлар эди... Ана, Седрик билан Крум вақтни зое сарфламади. Чунки улар сув париларининг кўшиғига бовар килишмаган... Дамблдор бош сув париси билан нималарнидир муҳокама қилганча, сув юзасига эгилиб олиб, нихоятда хунук сув париси каби ғалати ғичирлаган товуш чиқармоқда. Демак «Хогварц» директори сув парилари тилида мулоқот қила олади. Нихоят Дамблдор қаддини ростлаганча, бошқа ҳакамларга мурожаат қилди:
- Чемпионликка даъвогарларимизга баҳо белгилашдан олдин кенгашиб олишимиз керак. Ҳакамлар кенгаш ўтказишга киришиб кетиши. Помфри хоним Ронни Персининг кучогидан халос этиб, Гарри ва қолганлар даврасига олиб келди-да, оғзига Қалампирдамлама қўиди. Шундан сўнг, опа-сингил Делакёрлар билан шуғулланди. Коржомаси йиртилган Флёрнинг юз-қўли тимдалангандай бўлса ҳам Помфри хонимнинг муолажасига қаршилик билдириди.
 - Габриэлни тузатиб бегинг, - ўтинди у, сўнг Гаррига мурожаат қилди, - Сен қутқағдинг уни, гағчи у билан ишинг бўлмаслиги кеғак бўлса ҳам.
 - Ҳа, - деди Гарри учала қизни ўша ҳайкалнинг думига боғланган ҳолда ташлаб келмаганига юрақдан ачиниб.
- Флёр эгилиб, Гаррининг иккала юзидан ўпид қўйди. Гарри иккала юзи қизариб кетганини хис этиб, қулоғидан яна буғ чиқиб кетмаганига ҳайрон бўлди. Флёр эса Ронга юзланди.
- Сен ҳам... сен унга ёғдам беғдинг...
 - Ҳа, - катта умид билан тасдиклади Рон, - Сал-пал қарashiб юбордим...
- Флёр Ронни қучиб олиб, ўпид олди. Буни кўрган Гермионанинг жони чиқиб кетишига сал қолди. Шу пайт Людо Шульманнинг болаларни ўтирган жойларида бир сапчитиб

юборган, намойишгохлардаги томошабинларни эса жим бўлишга мажбур қилган кучайтирилган овози янгради.

- Муҳтарам хонимлар ва жаноблар! Қабул қилган қароримизни эътиборингизга ҳавола этаман! Сув парилари қабиласининг йўлбошчиси Затонида сув остида бўлган ишларни бизга батафсил баён этди. Натижада, чемпионликка даъвогарларга баҳо, ушбу мусобақада энг юқори эллик баллга эришишлари мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, қуидагича белгиланди. Мисс Флёр Делакёр. Гарчи Бош пуфаги афсунини юксак маҳорат-ла бажарган бўлса-да, нишонга яқин колганда гриндилоулар ҳамласига дучор бўлди. Окибатда гаровга олинган синглисини қутқаришга муваффақ бўла олмади. Шу боис, унга йигирма беш балл белгиланди.

Намойишгохларда қарсаклар янгради.

- Мен аслида ноль баҳога ҳам ағзимайман, - чиройли бошини чайқаб хикиллади Флёр.

- Бош пуфаги афсунини қўллаган мистер Седрик Диггори маррага биринчи бўлиб етиб келганига қарамай, вақт лимитини бир дакиқага ошириб юборди. Шу боис, унга қирқ етти балл белгиланди.

Хуффльпуффчилар ҳайкириб юборишли. Чунинг Седрикка завқ-ла қараб қўйгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

Гаррининг кўнгли чўкиб кетди. Модомики Седрик вақт лимитини ошириб юборган экан, Гарри ҳақида нима ҳам дейиш мумкин?

- Мистер Виктор Крумнинг айланиши чала намоён бўлганига қарамай, етарлича самарали кечиб, ўз ўлжаси билан қайтди ва у қирқ баллга эришди.

Фолибона қиёфа касб этган Каркаров ҳаммадан қаттиқ қарсак урди.

- Ойқулоқ ўстир гиёхидан мохирона фойдаланган мистер Гарри Поттер вақт лимитини ҳаддан ортиқ ошириб юборганча, энг охирги бўлиб қайтди, - шарҳини давом эттириди Людо Шульман, - Бироқ сув парилари қабиласининг йўлбошчиси Затониданинг берган гувоҳлигига қараганда мистер Поттер гаровга олинганлар ёнига биринчи бўлиб етиб борган. Кеч қолганлигининг боиси эса барча асиirlарнинг ер юзига хавфсиз ва соғ-саломат қайтарилишини таъминлагани ва бундай вазифани ўз олдига қатъий мақсад сифатида қўйгани бўлган.

Рон билан Гермиона Гаррига ҳамдард бўлиб, ғамгин қараб қўйиши.

- Ҳакамларнинг аксарияти томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга кўра, - деди Шульман, Каркаровга хусумат-ла қараб қўйиб, - Мистер Гарри Поттер ўз хатти-харакати илиа ниҳоятда мустаҳкам маънавий рух ва жасорат намоён этган. Юкорида айтиб ўтилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда... мистер Поттер... қирқ беш баллга сазовор бўлди. Гаррининг юрагини сиқиб турган ғамгинлик тугуни кутилмаганда парчаланиб кетди. Энди у Седрик билан бирга пешкадам бўлиб қолди. Вазиятнинг бу тарзда ўзгариб кетишини кутмаган Рон билан Гермиона Гаррига бақрайиб колиши. Хаёлларини йиғиб олишгач эса эл қатори олқишилай кетиши.

- Ана холос, Гарри! - ўкириб юборди Рон, - Бундан чиқди сен тўпори эмас экансан-да! Мустаҳкам маънавий рух намоён этибсан-а!

Флёр ҳам жон-жаҳд билан қарсак урмоқда. Крум эса аксинча, домангир бўлиб қараб қолди. У Гермионанинг эътиборини боз ўзига қаратмоқчи бўлди. Аммо Гаррининг зафаридан ниҳоятда шодланиб кетган қиз унинг сўзларига қулоқ тутмади.

- Учинчи ва сўнгги мусобақа йигирма тўртинчи июнь куни тонг сахар бўлиб ўтади, - эълон қилди Шульман, - Чемпионликка даъвогарлар мусобақа мазмуни ҳақида роппа-роса бир ой олдин хабардор қилинади. Уларни бугун қўллаб-қувватлаганингиз учун ҳаммангизга ташаккур.

Помфри хоним чемпионликка даъвогарлар-у, асириқдан холос этилганларни эгниларига куруқ кийим кийиб олишлари учун қасрга қувиб солган пайтда Гарри, ўтган барча ходисалар туманда кечгандай бўлди, деган хulosага борди... ҳамма нарса ортда қолди... ушбу имтихондан ҳам ўтди... энди 24 июнга қадар ташвиш тортмай юрса бўлаверади... Хогсмёдга уюштириладиган биринчи сафардан, карор қилди Гарри, тош зинапоядан

қасрға күтарилаар экан, Доббига йилнинг ҳар куни учун бир жуфтдан пайпок олиб бераман.

XXVII БОБ.

ЮМШОҚОЁҚНИНГ ҚАЙТИШИ

Иккинчи мусобақадан сўнг, кўл остида нималар бўлганини эшишишга ҳамма зориқди. Рон ҳам ахён-ахёнда шуҳрат шуъласида хопитиб борди. Гаррининг сезишича, бўлиб ўтган ходисаларнинг Рон томонидан ҳавола этилаётган талкини маълум бир изчиллиқда ўзгариб борди. Зотан Гермионанинг хикояси билан Роннинг лоф сўзлари даставвал мос келди. Хусусан Дамблдор иккаласини профессор Макгонагаллнинг хизмат хонасига чакиририб, сув остида мутлақо ҳавфсиз бўлишлари, сув юзасига чикқандагина уйғонишларини айтиб, сехрли уйқуга элтиб қўйган. Бироқ бир хафта ўтар-ўтмас Роннинг хикояси, уни эшиштан болалар қалбини даҳшатга солиб, этини жунжитиб юборадиган бўлиб қолди. Эмишки, тиши-тирногигача қуролланган сал кам эллик нафар сув маҳлуғи Ронга ҳамла қилиби. Сўнгги кучи қолгунга қадар муштлашиб, роса калтак егач, маҳлуклар қўл-оёғини маҳкам боғлаб олишга базўр муваффақ бўлиби.

Роннинг машҳурлиги оша боргач, Парватти Патилнинг эгиз синглиси Пэтил унга кўпроқ қизиқиши билдира бошлади. Рон билан дуч келиб қолган жойда у ёки бу нарсалар ҳакида вайсаб ўтириш учун тез-тез тўхтаб турадиган бўлиб қолди.

- Енгимда сехрли таёқчам бор эди ўшанда, - ишонтирди Рон Пэтилни, - Агар хоҳлаганимда мен уларга кўрсатиб қўйган бўлар эдим.
- Нимани кўрсатган бўлар эдинг? - заҳаргина гап қистирди охири Гермиона, Роннинг лофидан тоқати ток бўлиб, - Қандай килиб хуррак отиб ухлаш кераклигини-ми?

Рон қулогигача қизариб, боз сехрли уйқу ҳакида гапира бошлади.

Март ойи нисбатан қуруқ келганига қарамай, мактаб ҳовлисида ўтаётган машғулотлар давомида ўкувчиларнинг бет-қўлини сидириб юборгудай даражада кучли шамоллар мавсуми бошланди. Йўлдан адашиб қолаётган бойқушлар почтани кеч етказмоқда. Хогсмёдга уюштириладиган сафар санасини Сириусга элтиб берган бойқуш жума куни нонушта маҳалида қайтиб келди. Бечора қушнинг патлари ҳар томон диккайиб кетибди. Гарри унинг панжасига боғланган жавоб хатини ечиб олиши билан яна ўша манзилга юборишлиридан чўчири шекилли, тез учиб кетди.

Сириуснинг хати ўтган сафар юборган мактуби каби қисқагина.

Шанба куни соат иккига, Хогсмёддан чиқиши ўйлидаги шох девордан ўтиб, Дарвеш ва наша дўкони ортидаги кўприкча ёнига етиб кел. Илтимос, ўзинг билан кўтарганингча егулик ол.

- Наҳотки Хогсмёдга қайтиб келган бўлса? - ишонқирамай сўради Рон.
- Шунга ўхшайди, - деди Гермиона.
- Ишонгим келмаяпти, - хавотирланди Гарри, - Кўлга тушиб қолса-чи...
- Шунча вактдан буён кўлга олишмади-ку, - деди Рон, - Бунинг устига Хогсмёдда дементорлар йўқ энди.

Ростини айтадиган бўлса, Сириуснинг қайтиб келишини жуда истаётган Гарри ўйга толганча, хатни тахлаб, киссага солди. Сехрли дамламалар тайёрлашнинг қўш соатли дарсига кўтариинки рух-ла тушди.

Қаср ости йўлагидаги эшик ёнига Малфой, Краббе, Гойл, Панси Паркинсон ва унинг дугоналари тўпланиб олишган. Ҳаммаси мамнун иршайғанча ниманидир томоша қилишмоқда. Тумшуғи мопсникига ўхшаш Панси Гойлнинг кенг елкалари ортидан бошини чикарди.

- Ана улар, ана келишяпти! - хиринглади у.
- Гаррининг нигохи Паркинсоннинг қўлидаги «Авсунполитең» журналига тушди. Журнал муковасида, одатдагидай ҳаракатчан фотосурат кўринди. Унда кўнғироқ сочли афсунгар

қизча оппоқ тишларини күрсатганча, сехрли таёқчаси билан бисквит тортга ишора қилмоқда.

- Ма, Грэнжер, вараклаб күрсанг, қизиқ нарса топасан! - овоз күттарди Паркинсон қўлидаги журнални улоктириб.

Ҳеч нарсани тушунмаган Гермиона журнални тутиб олди. Шу пайтда эшик очилиб, остоңада қўриниш берган Снегг имо ила ўқувчиларни ичкарига чорлади.

Учовлон, одатга кўра орқа парталардан бирини эгаллади. Снегг бугун тайёрланадиган дамламанинг таркибини синф тахасига ёзиш учун орқа ўгириши билан Гермиона журнал вараклаб, ўрта сахифалардан бирида қидирган нарсасини топди. Гаррининг рангли фотосурати Рита Врителинг қисқагина мақоласини безаб турибди.

ГАРРИ ПОТТЕРНИНГ СИР ТУТИЛГАН ДИЛ ЯРАСИ

Йигитча ўз тенгқурларига мутлақо ўхшамаса ҳам бари-бир йигитча эканда. У ҳам ўсмирликнинг табиий кечинмаларидан бошқа курдошлари каби холи эмас. Ўз ота-онасини ниҳоятда барвакт, фожиали тарзда ўқотиб, бир умр муҳаббат ва навозишиз ўсган ўн тўрт ёшли Гарри Поттер маглар оиласида тугилган афсунгар қиз Гермиона Грэнжер билан кечаётган барқарор муносабат-ла руҳан таскин топдим, деган хаёлга борган чамаси. Бироқ оғир ўқотишилар камлик қилгандай, бечора йигитча, ҳаётнинг яна бир кучли зарбасига бардош беришига мажбур бўлди.

Мисс Грэнжер, ўзи соддагина-ю, нафсонияти ниҳоятда кучли ва афтидан машҳур шахслар билан мулоҳотга ўч табиатини идора қила олмайдиган қиз бўлиб чиқди. Унинг бундай майлини қанчалик машҳур бўлмасин, Гарри Поттернинг ёлғиз ўзи қаноатлантира олмайдиган қўринади.

Квидиши бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини қаҳрамони, Болгария миллий терма жамоасининг Сайёди, «Дурмштранг» мактаби ўқувчиси, эндиликда Уч сеҳргар беллашуви чемпионлигига даъвогарлардан бири Виктор Крум «Хогварц»га ташриф буюрган кундан бўён мисс Грэнжер иккала йигитчанинг қалб торларини чертиб келмоқда. Риёкор қизнинг мафтуни-ла эс-хушини батамом ўқотиб қўйганини ҳеч бир тарзда яширмаётган Крум мезбон мактабнинг мулоҳаза юритилаётган ўқувчи қизини ўз юрти, Болгарияга, ёзги таътилни биргаликда ўтказишига таклиф қилиб, «Шу кунга қадар бирорта ҳам қизга нисбатан бундай туйгу ҳис этмаган эдим», деб ишонтираётган эмиши.

Бироқ таъкидлаб ўтмоқ жоизки, иккала йигитчанинг ҳаваси мисс Грэнжернинг ўқувчи қизлар орасида шубҳа тугдираётган табиий фазилатлари сабабли юзага келмаган экан. «Ўзи табиатан кўрқинчли, чин сўзим, жуда кўрқинчли қиз», - гувоҳлик берди тўртинчи синфда таҳсил қўраётган истараси иссиққина, қувноқ қизалоқ Панси Паркинсон, - «Лекин унинг зеҳни ўткир. Ишончим комилки, у, Севги дамламасини тайёрлаш сирларини норасмий, яширин тарзда ўзлаштириб олган ва айни шу дамлама воситасида йигитларни ўзига мойил қилмоқда»

Тўғри, Севги дамламасини тайёрлаш «Хогварц»да ман этилган ва табиийки, Альбус Дамблдор, ушбу гувоҳликка жиiddий эътибор қаратади. Ҳар қалай таҳририят шунга умид қилади. Гарри Поттерга яхшилик тилайдиган одамларга эса йигитча келаси сафар ўз қалбини нисбатан муносиброқ номзодга очиб беради, деган умид билан яшашдан бошқа чора қолмайди.

- Айтган эдим-а, сенга Рита Врителинг жаҳлини чиқарма, деб! - пицирлаб қичқирди Рон, журналдан кўзини уза олмай, - Мана марҳамат, сени аллақандай... тунги капалакка айлантириб қўйибди!

- Тунги капалакка? - хаҳолаб юборди Гермиона бошини кўтариб.

- Ойим уларни шундай деб атайди, - деди қулоги қизариб кетган Рон.

- Агар бу билан зўр журналистлик маҳоратини кўрсатдим, деб ўйлаётган бўлса, Рита ўз малакасини деярли йўқотибди, - деди Гермиона катта-катта очилган қўзлари билан Ронга караб, - Фавкулодда кам учрайдиган bemal'nilik, - хулоса килди у, кулишда давом этганча,

журнални бўш курсилардан бирига улоқтириб.

Слизеринчиларнинг дикқат билан кузатиб ўтирганини кўрган Гермиона истеҳзоли иршайганча, кўлини силтаб қўйди-да, Гарри ва Рон билан биргалиқда Онг тозалаш дамламасини тайёрлаш учун зарур бўлган гиёхларни юк халтасидан чиқаришга киришди.

- Лекин бир нарса чиндан ҳам жуда ғалати, - ғудуллади Гермиона скарабей солинган ҳовонча устида ўғир дастасини тўхтатиб қолиб, - Рита қаердан била қолди экан, а?...

(*Скарабей – иссиқ мамлакатларда бўладиган гўнг қўнгизи*).

- Нимани билиб қолибди? - дархол сўради Рон, - Севги дамламасини тайёрлаганингни-ми?

- Бемаъни гапни қўй, Рон, - сўкиб берди Гермиона, скарабей эзиз, - Виктор мени ўз юргига таклиф қилганини айтяпман.

Гермиона оғзидан гуллашга гуллаб қўйди-ю, Роннинг қўзига қарашга уялиб, қизариб кетди.

- Нима?

Роннинг қўлидан чиқиб кетган ўғир дастаси полга тарақлаганча тушиб кетди.

- Мени кўл тубидан олиб чиқиб, наҳанг бошини йўқотиши билан таклиф қилган эди, - хижолат тортиб ғудуллади Гермиона, - Помфри хоним биттадан адёл бергач, бирор эшигмаслиги учун мени бир четга тортиб, агар ёзги таътилни қандай ўтказишни хали режалаштиргмаган бўлсан...

- Хўп, сен нима деб жавоб қайтардинг? - гапни бўлди Гермионадан қўзини узмаган Рон, қўлига олган ўғир дастасини ҳавончадан беш-олти дюйм нарида столга тарақлатиб урганча.

- У «Шу кунга қадар бирорта ҳам қизга нисбатан бундай туйғу хис этмаган эдим» дегани рост.

Энди Гермиона шу қадар қизариб кетдики, ундан уфуриб келаётган ҳароратни Гарри жисмонан ҳис этгандай бўлди.

- Бироқ Рита... қандай эшитиши мумкин? Соҳилда йўқ эди-ку у... ёки борми-ди? Ёхуд чиндан ҳам кўринмас плаши бормикан уни? Иккинчи мусобақани кўргани мактаб худудига яширинча кириб келдимикан?

- Хўп, сен нима деб жавоб қайтардинг? - саволни такрорлади Рон, қўлидаги ўғир дастасини столга янада қаттиқ тарақлатиб.

- Ўша пайтда сен билан Гарридан шу қадар ҳавотирда эдим-ки...

- Шахсий хаётингиз қанчалик қизиқ бўлмасин, мисс Грэнжер, уни менинг дарсимда муҳокама қилмаслигингизни илтимос қилган бўлар эдим, - эшитилди муздай овоз орқа томондан, - «Гриффиндор»дан ўн бал айрилади.

Улар гаплашиб турган фурсатда Снегг сезидирмай орқа томонга ўтиб олган экан. Ҳамма ўтирилиб, учовига тикилди. Малфой эса фурсатдан фойдаланиб Гаррига «Поттер – бадбўй» эканлигини яна бир бор эслатиб қўйди.

- Бунинг устига... дарс вақтида яширинча журнал ўқиймиз, денг! - давом этди Снегг қўлига «Авсунполитең»ни олиб, - Яна ўн балл айрилади «Гриффиндор»дан... - деди Рита Врителинг мақоласини кўриб, қора кўзлари яркираб кетган Снегг, - Поттер ўзи ҳақида ёзилган мақолаларни тўплаб бориш учун қачондир киркиб олиши керак-ку, ахир...

Слизеринчиларнинг кулгисидан қаср ости портлаб кетгандай бўлди. Снеггнинг

башарасида ҳам мурдор кулги кўринди. У мақолани овоз чиқариб ўқишига киришди.

- Гарри Поттернинг сир тутилган дил яраси... Оббо, Поттер, яна нима қилди сенга, а? Йигитча ўз тенгқурларига мутлако ўҳшамаса ҳам...

Гарри юзи ловуллаб кетаётганини хис этмоқда. Ҳар бир жумланинг ниҳоясида Снегг атайн тўхталиб, слизеринчиларга мириқиб кулиб олишга имкон бериб борди. Снеггнинг ифодали ўқишида мақола мазмуни янада жирканч эшитилди.

- ... Гарри Поттерга яхшилик тилайдиган одамларга эса йигитча келаси сафар ўз қалбини нисбатан муносиброқ номзодга очиб беради, деган умид билан яшащдан бошқа чора қолмайди. Каранг-а! Жуда таъсирли, ийдирадиган мақола чиқибди, - тишининг окини кўрсатди Снегг тўхтамаган қаҳҳаха остида журнални ёпиб, - Ундай бўлса, чигаллашиб

кетган ишкий муносабатларингиз ҳакида эмас, дарс ҳакида ўйлашингиз учун сизларни бир-бирингиздан ажратиб, бошка-бошка ўтқизиб чиқаман шекилли. Уэсли, сиз жойингизда қоласиз. Мисс Грэнжер, сиз мисс Паркинсоннинг ёнига кўчиб ўтинг. Поттер, сиз столим рўпарасидаги бўш столга кўчиб ўтинг. Тезрок.

Вужудини нафрат алангаси ёндираётган Гарри бугунги дамламанинг таркибий қисмлари ва юк халтасини қозон ичига ташлади-да, хона бошидаги бўш партага қўтариб борди. Унинг ортидан эргашиб, ўз курсисига ўтириб олган Снегг Гаррининг қозон бўшатишини дикқат билан кузатиб турди. Ўқитувчининг нигохини сезиб турган Гарри уни очиқдан-очиқ писанд қилмай, ҳар бир скарабейни Снеггнинг жирканч башараси сифатида тасаввур қилганча, қўнғиз эзишни давом этди.

- Матбуотнинг шахсингга бўлган эътибори туфайли, Поттер, ўзинг ҳақингдаги пуфак каби ҳаддан ортиқ шишиб кетган фикр-мулоҳазаларинг бир кун эмас бир кун келиб, пақ этиб ёрилиб кетади, - аста пиҷирлади Снегг синф тинчланиши билан.

Гарри жавоб қайтармади. Снеггнинг ғаламислигини бола жуда яхши идрок этмоқда. Зеро у илгари ҳам шундай қилган. «Гриффиндор»дан кам деганда яна эллик балл айришга сабаб қидираётгани аён.

- Эҳтимол жамики сехгарлар дунёси менга қойил қолиб, таҳсин ўқийди, деган комил ишонч билдираётган бўлсанг керак, - давом этди Снегг боланинг ўзигина эшитиши учун деярли овоз чиқармай.

Гарри эса Снеггнинг сўзларига мутлақо эътибор қаратмай, кукунга айланиб кетган скарабейларни ғазаб билан туйишда давом этди.

- Менга қолса башаранг тасвири даврий матбуотда кун ора босиб чиқарилсин, фарки йўқ. Сен, Поттер, мен учун мактаб қоидаларини писанд қилмайдиган ярамас боладан ўзга нарса эмассан.

Гарри қўнғиз кукунини қозонга солиб, занжабил илдизини тўғрашга киришди. Қўллари ғазабдан титраб кетаётган бўлса ҳам Снеггнинг кишини ранжитадиган сўзларини эшитмаётган кўйга солиб, кўзини гиёҳдан узмади.

- Бинобарин, огохлантириб қўймоқчиман сени, Поттер, - тинчимади Снегг янада паст ва қўрқинчли оҳангда гапириб, - Машҳурмисан, баломисан, такрор айтаман, менга зигирдай бўлсин, фарки йўқ. Агар яна бир бор хизмат хонамнинг қулфини бузиб кирганингни сезиб қолгудай бўлсам...

- Ўша хонангизнинг яқинига ҳам йўллаганим йўқ! - ёрилиб кетди Гарри ўзининг сохта карлигини бир четга йигиштириб қўйиб.

- Ёлғон гапирма, - вишиллади Снегг тубсиз нигохини Гаррига саншиб, - Бумсленг териси. Ойқулоқ ўстир гиёҳи. Униси ҳам, буниси ҳам менинг шахсий омборимдан чиқкан. Уларни ким олгани аён.

Гарри айбдордай кўринмаслиги учун қўзини олиб қочмай, имкон қадар пирпиратмасликка уринди. Гарчи Снегг доимо Гарридан гумон қилиб юрган бўлса ҳам, бумсленг терисини Ҳамма киёфа сиркасини тайёрлаш учун иккинчи синфда ўқиб юришган кезларда Гермиона ўғирлаган эди. Ойқулоқ ўстир гиёҳини эса Добби ўғирлади.

- Сўзларингиз замиридаги шамани тушунмадим, - лоқайд қиёфа касб этиб алдади Гарри.
- Хизмат хонамнинг қулфи бузилган ўша кеча сен ётоқхонангда бўлмагансан! - пиҷирлаб бақирди Снегг, - Буни аниқ биламан, Поттер! Эҳтимол, анави Ўйнокқўз Хмури «Гарри Поттер муҳлислари клуби»га аъзо бўлиб олгандир, билмайман, билишни ҳам истамайман, бироқ шуни аниқ биламан-ки, сенинг ярамас хулқ-авторингга қўникмоқчи эмасман! Яна бир маротаба хизмат хонамга ташриф буюриш учун тунги сайрга чиқар экансан, Поттер, қаттиқ пушаймон қиласан!

- Яхши, - пинагини бузмай жавоб қайтарди Гарри, занжабил илдизини тўғрашни давом эттириб, - Агар ўша хонага ташриф буюриш борасида енгиб бўлмас истак пайдо бўлса, сўзларингизни албатта инобатга олиб қўяман.

Боланинг журъатли сўзларини эшитган Снеггнинг кўзлари ярқираб кетиб, қўлини коржомасининг остига югуртирди. Гаррининг хаёлига Снегг сехрли таёқчасини чиқариб,

бирон-бир қарғишиң күллайды, деган фикр келди. Бирок сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани профессори киссасидан шаффофф суюклик тұлдырылған кичкинагина билур шишача чиқариб, Гаррига күрсатди.

- Мана бу нима эканлигини биласанми, Поттер? - сүради таҳдиidlни нигохи яркираган Снегг.

- Йўқ.

- Истиғфор келтиришга мажбур киладиган Иқрор бўлиш дамламаси. Шу қадар кучли таъсирга эгаки, унинг уч томчиси сени, бир умр юрак тубига бекитиб келган энг маҳфий сирларингни мана бу синф олдига тўкиб-социшга мажбур килиш учун етарлидан ортиқ бўлади, - пичирлади Снегг даҳшатли оҳангда, - Ушбу дамламанинг кўлланилиши сехгарлик вазирлиги томонидан қатъий назорат остига олинган. Аммо хулқ-авторингни тузатиб олмас экансан, сен ичадиган ошқовоқ шарбати устида кўлим қалтираб қолмаслигига шубҳа қилмасанг бўлаверади. Ана ўшанда, Поттер, кўп гапларни... шу жумладан, хонамга кирган-кирмаганингни аниқ биламиз.

Гарри жавоб қайтармади. У нигохини занжабилга боз қаратиб, илдиз тўғрашни давом эттиради. Иқрор бўлиш дамламаси ҳакида эшитганлари болага сира ёқмади ва энг асосийси, Снегг чиндан ҳам бир-икки томчи томизиб қўйишдан тап тортмаслигига шубҳа қилмади. Дамлама таъсирида нималарни айтиб юборишини хаёлига келтирган Гарри сесканиб кетди-ю, ҳиссиётини сездирмасликка харакат қилди... Ўзи ҳакида сайдраса-ку, гўрга эди. Аммо у бошқаларни ҳам, чунончи, ўғирлик килган Гермиона билан Доббини ҳам сотиб қўйиши... Сириус билан олиб бораётган алоқаси ҳакида валдираши мумкин, шунингдек... Чуга бўлган муносабатини... буларнинг барини ўйлаб кўрган Гаррининг ичидаги борки нарса каттагина бўхча сифатида туғилиб қолгандай бўлди. Занжабилнинг тўғралган илдизини қозонга солар экан, балки Хмурига ўхшаб, алоҳида идишда олиб юриладиган ичимлик ичиб юрган маъқулмикан, деган хаёлга борди.

Эшик тақиллади.

- Киринг, - деди Снегг.

Ҳамма эшикка юзланди. Хонага кучли ҳаяжонланган Каркаров кириб келди. Ўқувчилар соқолини эшаётган «Дурмштранг» раҳбарининг ўқитувчи столига яқинлашганини кўриб туришди.

- Гаплашиб олишимиз керак, - узук-узук пичирлади у, сўзларини ҳеч ким эшитмаслиги учун лабини базўр қимирлатганча Северусга мурожаат қилиб.

Гарри иш билан машғул бўлса-да, сухбатни дикқат билан эшитиб турди.

- Дарсдан кейин бафуржа гаплашамиз, Каркаров...

- Йўқ, Северус, - гапни кесди Каркаров, - Күённинг расмини чизиб, яна қочиб қоласиз. Шу боис, айнан ҳозир ва шу ерда гаплашмоқчиман.

- Дарсдан кейин, - қисқа қилди Снегг.

Броненосец сафросини етарлича қуйган-қуймаганини билиш мақсадида ўлчов идишини кўтариб, ёруғликка қаратган Гарри, баҳонада иккала кишига дикқат билан разм солди. Каркаров нимадандир ниҳоятда ташвиш тортмоқда. Снеггнинг қиёфаси эса домангир кўринди (*Броненосец – тўла тишиз ҳайвонлар (Edentata) туркумига кирадиган сут эмизувчilar оиласига мансуб зирҳли армадилла (Dasypodidae). Жанубий ва Марказий Америкада яшайдиган, пакана, бесўнақай, танасининг устки қисми ва ён томонлари ҳаракатчан мугуз қалқонлар билан қопланган ҳайвон*).

Каркаров дарснинг қолган қисмини Снеггнинг ёнидан қилт этмай ўтказди. Афтидан у ўқитувчини қочириб юбормасликка астойдил бел боғлаган чоги. Каркаров нималар ҳакида гапиришига жуда қизиқиб қолган Гарри қўнғироқ зарбаси янграшига икки дақика қолганида броненосец сафросини атайин полга тўкиб юбориб, қозон атрофини тозалашга киришди. Қолган ўқувчилар шовқин согланча, хонани тарқ этди.

- Бундай қисталангликнинг боиси нима? - вишиллади Снегг.

- Мана бу, - жавоб қайтарди Каркаров.

Қозон ортидан бошини чиқарган Гарри Каркаров чап кўлининг енгини тортиб,

тирсагининг ички томонини Северусга кўрсатаётганини кўрди.

- Хўш? - сўради ҳанузгача лаб қимирлатмай гапираётган Каркаров, - Кўрдингиз-ми? Бу қадар аниқ кўринмай қолган эди ўша...

- Ёпинг! - кескин буюрди Снегг, хонага кўз югуртириб.

- Лекин сизда ҳам кўриниши керак... - давом этди Каркаров ташвишли оҳангда.

- Бу ҳақда кейинроқ гаплашиб олишимиз мумкин, Каркаров, - гапни бўлди Снегг, - Поттер! Сиз нима киляпсиз бу ерда?

- Броненосецнинг сафроси тўкилиб кетди, профессор, артяпман, - беайб кўзларини пирпиратди Гарри, қўлидаги хўл латтани кўрсатганча, безрайиб.

Бир вақтнинг ўзида ҳам безовта бўлган, ҳам жаҳли чиққан Каркаров турган жойида шартта бурилди-да, хонадан ўқдай отилиб чиқди. Ёвуз Снегг билан танҳо қолишини истамаган Гарри китоблари-ю, гиёхларини юк халтасига ташлади-да, хозиргина гувохи бўлган сахна ҳақида айтиб бериш учун Рон билан Гермионани қидирганча, югуриб кетди.

Эртасига, мактаб ҳовлисини кумуш тусли хира қуёш ёритган қун ярмида, ўқувчилар қасрни тарк этди. Ҳаво ёқимли бўлгани учун Хогсмёд томон йўл олган болалар ридоларини ечиб, елкага ташлаб олган. Сириус сўраган овқат Гаррининг юк халтасида. Учовлон тушлик дастурхонидан ўн иккитача товук сони, бир буханка нон ва бир кўза ошқовоқ шарбатини ўғринча олиб чиқишга муваффак бўлди.

Болалар Доббига совға харид қилиш учун О’Требъеннинг модалар дўконига кириб, ҳаддан ортиқ чиройли пайпокларни танлаш билан машғул бўлганчча, вақтни мамнун ўтказишиди. Дўконда сотилаётган баъзи пайпоклардаги тилла ва кумуш тусли юлдузчалар расми милт-милт этса, айrim пайпок турлари кучли ҳидланиб кетган ҳолларда баланд овоз чиқариб қичқирап экан.

Соат бир яримда сехрли жиҳозлар сотиладиган Дарвеш ва наша дўкони ёнидан ўтган болалар Дароз кўча бўйлаб қишлоқ ташқарисига йўл олишиди.

Қишлоқ уйлари тобора камайиб, боғлар кенгайиб бораётган, Гарри муқаддам келмаган эгри-буғри кўча Хогсмёдни қуршаб олган, одам оёғи етмаган қалин ўрмон томон олиб чиқмоқда. Болалар этагига ушбу қишлоқ жойлашган тоққа яқинлашиб, муюлишдан сўнг, кўча охиридаги шоҳ девор ортига солинган кўприк ва кўприк зинасининг биринчи погонасига олд оёкларини қўйиб ётган, қоп-қора, бароқ, фақат учовлон танийдиган, оғзига газета тишлаб олган йирик итни кўришиди.

- Салом, Сириус, - деди итга яқинлашган Гарри.

Болаларни кўриб тетиклашган ит Гаррининг елкасидаги юк халтасини тез ҳидлаб чиқдида, думини силтаб орқа ўғирганчча, яккам-дуккам чангл үсган сўқмок бўйлаб, тоғнинг тошлоқ этагига кўтарила бошлади. Шоҳ девордан ўтган учала бола итга эргашди.

Сириус болаларни тоққа етаклади. Теварак-атроф сочилиб ётган йирик харсанг тошларга тўлиб тошган. Тўрт оёкли итга тоғ сўқмоғи бўйлаб югуриб юриш чўт эмас, албатта. Бирок кўп ўтмай толикиб қолган болаларнинг тили осилиб қолди. Баланд кўтарилиб, у ёқ, бу ёқ силтанаётган думга эргашган болалар қуёш нурларида терга ботганчча, коянинг тик, сертош ёнбағридаги илонизи йўл бўйлаб юқорига кўтарилди. Бунинг устига елкадаги халта тасмаси Гаррининг этига қаттиқ ботмоқда.

Бир оздан сўнг кўппак кўздан ғойиб бўлди. Юқорига кўтарилган болалар кояда хосил бўлган энсиз кавакни кўришиди. Учовлон ичкарига ўтгач, салқин, хира ёритилган ғорга кириб қолганини англади. Горнинг нариги бурчагида танаси, орқа оёклари ва думи отники, олд қисми эса йирик бургутниги ўхшайдиган, арқон билан тушовланиб, катта тошга боғлаб қўйилган, баджахл тўқ сариқ кўзини меҳмонлар томон ярқиратган гиппограф кўринди. Учовлон шу заҳоти икки букилиб, ачишиб, ёшланиб кетса ҳам кўз пирпиратмай чуқур таъзим килди. Отбургут бошини ён томон оғдириб, тўқ сариқ кўзларининг биттаси билан учала болага маълум вакт викор-ла караб турди-да тангачали тиззасини букиб таъзим килди ва олдига югуриб борган Гермионага патли бўйнини

силашга ижозат берди. Гарри эса бу вақтда чўқинтирган отасига айланаётган итга қараб турди.

Жуда озид кетган Сириус Азкабандан қочган кезларда кийиб юрган ўша кул ранг коржомасини ханузгача эгнидан ечгани йўқ. Камин ёнида учрашган кундан бўён қора соchlари ўсиб, яна чигаллашиб кетиби.

«Башорат-у, каромат газетаси»нинг эски сонларини оғзидан чиқариб, ерга ташлаган Сириус шодлигидан хитоб килди:

- Товуқ гўшти!

Гарри юк халтани чиқариб, Сириусга нон билан гўштни узатди.

- Раҳмат, - деди Сириус тугунни очар экан, ерга ўтиришга ултурмай, гўштнинг каттагина бўлagini тишлаб узиб, - Сўнгги вактларда еган нарсам қаламуш. Одамларнинг эътиборини ўзимга жалб этмаслик учун Хогсмёд овқатларини кўп ўғирлай олмайман. У Гаррига қараб қулиб қўйди. Гарри эса жавоб тариқасида зўрма-зўраки табассум қила олди.

- Бу ерларда нима қилиб юрибсан, Сириус?

- Чўқинтирган ота мажбуриятини бажаряпман, - деди Сириус суюкни ит каби ғажишига киришиб, - Мендан хавотир олма, мен ёқимтой дайди ит ролини зўр маҳорат-ла ижро этмоқдаман.

Халигача қулиб турган Сириус Гаррининг юзидағи ташвишни кўриб, жиддий гапира кетди.

- Ёнингда бўлмоқчиман. Сўнгги хатингда... Хуллас, бир сўз билан айтганда, ишларнинг пачаваси чиқмоқда, - деди у, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг сарғайиб кетган уюмига имо қилиб, - Бирор ташлаб юборган газеталарни териб юраман. Афтидан хавотирга тушган ёлғиз ўзим эмасман.

Рон газеталарнинг бирини қўлига олиб, ёзди. Гарри эса Сириусдан кўзини узмай турибди.

- Сени кўриб қолишича-чи? Қўлга олишича-чи, нима бўлади?

- Менинг анимаг эканлигимни бу ерларда факат учалангиз ва Дамблдор билади, - елка кисди Сириус, товукнинг кейинги сони билан машғул бўлиб.

Рон Гаррининг биқинига туртиб, иккита газетани узатди. Улардан бирида «*Бартоломеус Сгорбснинг сирли бетоблиги*» иккинчисида эса «*Вазирлик ходимаси ҳанузгача топилгани йўқ. Сехгарлик вазири қидирув ишларини ўз назоратига олмоқда*» сарлавҳалари кўринди. Гарри Сгорбс ҳақидаги мақолага кўз югуртириб чиқди. Айрим жумлалар ғайрихтиёрий кўзга ташланмоқда: *ноябр ойидан бўён одамлар кўзига кўрингани йўқ... уйи ташландиқ иморатга ўхшаб қолган...* *Муқаддас Резги шифохонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институти ходимлари бўлаётган ҳодисаларга изоҳ беришдан бош тортшиди...* *вазирлик хавфли касаллик ҳақидаги ахборотни тасдиқламади...*

- Уларнинг сўзига қараганда, Сгорбс ўляпти, - ўйчан хулоса чиқарди Гарри, - Лекин «Хогварц»га ўғринча кела олар экан, демак у қаттиқ бетоб эмас...

- Менинг акам унинг шахсий ёрдамчиси бўлиб ишлайди, - маълум килди Рон Сириусга, - Акамнинг сўзларига қараганда, мистер Сгорбс ҳаддан ортиқ кўп ишлагани боис қаттиқ чарчаган.

- Тан олиш керакки, охирги марта яқиндан кўрганимда кўзимга чиндан ҳам бетоб кўринди, - аста фикр билдириди Гарри, мақолани ўқишида давом этиб, - Оташли жом менинг исмимни эълон қилган ўша кечани назарда тутмоқдаман...

- Винкини ишдан бўшатгани учун қилмишига яраша азоб торяпти, - совуқ оҳангда баёнот килди Гермиона, товуқ суюкларини ютаётган Отбургутни силаб, - Пушаймон бўлаётганига ҳеч шубҳа қилмайман. Гамхўрлик қиладиган меҳрибонини ҳайдаб юборганидан сўнг, ҳаётнинг қийинчиликларини бошдан кечирмоқда.

- Эътибор берма унга, Сириус. Уй эльфларининг кисмати ҳакида ўйлайвериб Гермионамизнинг томи бу масаласида бир оз силжиб қолган, - тушунтириш берган бўлди Рон Гермиона томон маъюс қараб қўйиб.

Бироқ Сириус ушбу маълумотга кизикиш билдириди.

- Сгорбс ўз уй эльфини ҳайдаб юборди-ми?
 - Ха, Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини ўтган куни, - тасдиқлади Гарри. Бола Ажал белгиси, унинг таёқчасини ушлаб ётган Винкини топиб олишгани ва мистер Сгорбснинг жаҳли чиққани ҳакида Сириусга кисқача айтиб берди. Ҳикояси ниҳоясига етганда Сириус оёққа туриб, ғор бўйлаб у ёқ, бу ёқ юра бошлади.
 - Қани бир четдан таҳлил қилиб қўрайлик-чи, - деди у маълум вакт ўтиб, товуқнинг навбатдаги сонини ушлаган қўлини силтаганча, - Дастреб сизлар эльфни Мўътабар Ложада кўргансиз. У Сгорбс учун жой банд қилиб ўтирган, шундайми?
 - Шундай, - барадла жавоб қайтарди учовлон.
 - Лекин Сгорбс ўйин томошасига келмади, шундайми?
 - Келмади, - тасдиқлади Гарри, - У жуда банд эди шекилли. Сириус ғор бўйлаб индамай юрди-да, қўккисдан сўраб қолди:
 - Гарри, ложадан тушганингдан сўнг киссангни текшириб кўрдинг-ми? Таёқчанг жойида эдими?
 - Ҳм-м-м... - хотирасига зўр берди Гарри, - Йўқ, - деди у ниҳоят, - Ўша пайтда таёқчага иш йўқ эди. Ўрмон ичига кирганимизда керак бўлиб қолди. Қўлимни киссамга солиб, омниокулярдан бошқа нарса топа олмаган эдим, - деди у ва Сириусга қараб, - Ўйлайсанки, Ажал белгисини яратган киши менинг сехрли таёқчамни Мўътабар Ложада ўтирглаб қўйганми?
 - Эҳтимол, - жавоб қайтарди Сириус.
 - Винкининг ўтирилек қилишга ҳадди сифмайди! - баёнот қилди Гермиона чийиллаб.
 - Ложада эльфдан ташқари бошқалар ҳам бўлган, - қошини чимириди Сириус, ғор бўйлаб юришда давом этиб, - Орқа томонингда яна ким ўтирган эди?
 - Бир тўда одам... - чўзди Гарри, - Болгария вазири ва болгариялик аллақандай меҳмонлар... Корнелиус Фуж... Малфойлар оиласи...
 - Малфойлар! - кутилмаганда бақириб юборди Рон.
- Унинг ғор деворларидан акс-садо бўлиб қайтгани овозидан Отбургут бошини кескин кўтарди.
- Бас боғлашим мумкинки, - комил ишонч билдириди Рон, - Гаррининг сехрли таёқчасини айнан Люциус Малфой ўтирглан!
 - Хўп, яна ким бор эди? - сўради Сириус.
 - Ҳеч ким, - деди Гарри.
 - Нега энди, ҳеч ким. У ерда Людо Шульман ҳам бор эди, - эслатди Гермиона.
 - Ҳа, тўғри...
 - «Обормут арилари» жамоасининг Уриб қайтарувчиси бўлганидан бошқа Шульман ҳакида ҳеч нарса билмайман. Қанақанги одам ўзи у? - сўради Сириус, ҳаракатини тўхтатмай.
 - Тўғри одам, - ишонтириди Гарри, - Уч сеҳргар беллашуви борасида доимо ёрдам бермоқчи бўлиб юради.
 - Ёрдам бермоқчи бўлиб юради? - қош чимириди Сириус, - Қизиқ, нега энди?
 - Айтишига қараганда менга бўлган меҳри ошиб кетган эмиш, - тушунтириди Гарри.
 - Ҳм-м-м, - ўйчан минғиллаб қўйди Сириус.
 - Биз уни ўрмонда, Ажал белгиси пайдо бўлмасидан олдин учратган эдик, - маълум қилди Гермиона Сириусга, - Эсингиздами? - сўради у Гарри билан Рондан.
 - Тўғри, лекин ўрмонда қолмади-ку. Лагерда тўс-тўполон кўтарилиб, ҳамма ёқ вайрон қилинаётганини айтганимиздан сўнг, ҳавода, ўша томонга қараб даф бўлди.
 - Қаердан биласан, қайси томон даф бўлганини? - баҳслашди Гермиона.
 - Қўйсанг-чи, Гермиона, - кўл силтади Рон, - Ажал белгисини Шульман яратган демокчи эмасдирсан, ҳар қалай?
 - Винкидан кўра кўпроқ ўшандан кутаман бундай қилиқни, - саркашлиқ қилди Гермиона.
 - Айтдим-ку, уй эльфлари масаласида томи бир оз силжиб қолган, деб - маъноли қараб қўйди Рон.

Лекин Сириус қўлини кўтариб, Ронга жим ўтириб туришни имо қилди.

- Ажал белгиси пайдо бўлиб, Гаррининг таёқчасини ушлаб ётган эльф топилганидан сўнг, Сгорбс нима қилди?

- Бирор-бир бошқа кишини излаб топиш учун буталар орасини титкилаб чиқди, - жавоб берди Гарри, - Лекин чакалаклар орасида ҳеч ким йўқ эди.

- Албатта, - ғудуллади Сириус ғор ичра юриб, - Табиийки у, айбни ҳар қандай бошқа одамнинг бўйнига қўйишни истаган... факат ўзининг уй эльфига эмас... кейин эса эльфни ишдан ҳайдаб юборди, шундайми?

- Ха, - қизишиб кетди Гермиона, - Чодирда қолмагани, оёқ ости бўлишни истамагани учун ҳайдаб юборди.

- Гермиона, бир пас тинч қўясан-ми-йўкми, ўша Винкинг билан! - бақириб берди Рон.

- Сгорбси сендан кўра тузукроқ тушуняпти, у, Рон. Агар бирон-бир одамнинг табиатини дурустрок билмоқчи бўлсанг, ўз тенглари билан эмас бўйсунувчилари билан қандай муюмала қилишига эътибор қарат.

У чуқур ўйланиб қолганча соколи олинмаган юзини силаб қўйди.

- Кўзга кўринмай қоладиган одати ўйлантириб қўйди мени... Дастреб у ложада уй эльфи ёрдамида ўзига жой банд қилган, ўзи эса ўйинга келишни лозим кўрмаган. Уч сеҳргар беллашувини ташкиллаштириш масаласида анча тер тўккан, энди эса думини тутқизмай юрибди... Сгорбса ўхшамайди. Агар шу кунга қадар касаллиги туфайли бир кун бўлса ҳам, ишга чикмаган дейишса, Отбургутни еб қўяман.

- Демак сен Сгорбси яхши биласан эканда? - қизиқди Гарри.

Кутилмаганда Сириуснинг юзи ўзгариб, Гарри билан илк бор учрашган ўша тундаги каби вахимали қиёфа касб этди.

- О, Сгорбси мен жуда яхши биламан, - аста жавоб қайтарди у, - Мени Азкабанга суд қилмай қамаб ташлаш буйрганин айнан Сгорбс берган.

- Нима? - баралла қичқириб юборишиди Рон билан Гермиона.

- Бўлиши мумкин эмас! - хитоб қилди Гарри.

- Бўлганда ҳам, қандоқ, - деди Сириус товуқ гўштининг каттагина бўлагини тишлаб узиб, - Ўша кезларда Сгорбс Сеҳри хуқуқни муҳофаза қилиш департаментининг бошлиғи эди. Буни билар эдингизми?

Учовлон бош чайқади.

- Уни сеҳргарлик вазири бўлади, деб тахмин қилишган, - давом этди Сириус, - Буюқ, фавқулодда сеҳр кудратига эга, хукм суреб, сўз ўтказишни ҳуш кўрадиган сеҳргар у, Барти Сгорбс. Йўқ, у ҳеч қачон Вольдемортни кўллаб-кувватламаган, - қўшиб қўйди у, Гаррининг қиёфасини тўғри талқин қилиб, - Барти Сгорбс ёвуз кучлар сеҳрига зид муносабати ҳакида доимо очиқдан-очиқ баёнот қилиб келган. Бироқ кейинчалик, ёвуз кучлар томонига ўтишни истамаган одамларнинг аксарияти... Ҳа, майли, қўйинг бу гапларни. Ёшсизлар ҳали... Бари-бир тушунмайсиз...

- Дадам ҳам чемпионатда худди шундай деган эди, - дарғазаб аччикланди Рон, - Балки синаб кўрарсан бизни, а?

Сириуснинг юзини табассум ёритди.

- Хўп, майли, синаб кўрганим бўлсин...

У горнинг нариги бурчагига узоқлашиб, қайтиб келди-да, гапини бошлади.

- Тасаввур қилиб кўринг, Вольдеморт ҳозир ўз хукмини ўтказиб юрибди. Ким унга тарафдор бўлган, ким унинг манфаатларида ишляпти, ким бетараф қолган, билмайсиз. Факат бир нарса аниқ, у ҳам бўлса, Вольдеморт одамларнинг хатти-харакатини шундай идора килмоқдаки, улар қаршилик кўрсата олмай, нима қилишаётганини идрок этмай, мудҳиш ишларни амалга ошириб юришибди. Ўзингиз, оиласиз ва дўстларингиздан хавотирдасиз. Ҳар хафта кимнингдир ўлими, бедарак кетгани, қийноклар қўлланилганлиги ҳакида хабар топиб юрибсиз... Сеҳргарлик вазирилигига парокандалиқ қарор топган...

Нима қилишни билишмайди. Кечаётган ҳодисаларни магллардан сир тутишга уринишмоқда. Бироқ магллар орасида ҳам сеҳр-жоду туфайли ўлим ҳолатлари рўй

бермоқда. Ҳамма ёқда террор... ваҳима... чалкашлик... Ана шундай вазият юзага келган эди ўшанда.

Сириус боз ўйланиб қолиб, давом этди:

- Бундай даврда баъзи одамлар қалбида энг яхши туйғулар уйғонса, бошқалар фикрида разил хаёллар кечади. Эҳтимол дастлабки боскичда Сгорбс тутган йўл тамойиллари самарали бўлгандир, билмадим. Вазирлиқда ишлар экан хизмат погонаси бўйича жуда тез ўсиб, Лорд Вольдемортнинг малайларига нисбатан ниҳоятда қатъий чоралар кўрди.

Аврорларга янги ваколатлар берди. Чунончи, шундай буйруқ чиқардик, мазмунан Ёвуз Лорд малайларини асир олгандан кўра, жойида ўлдириб кутулган афзал, деб эътироф этилди. Тергов тадбирлари олиб борилмай, суд килинмай тўғри дементорлар ихтиёрига топширилган ёлғиз мен эмас. Сгорбс зўравонликка қарши зўравонлик қўллаган тарзда кураш олиб борди. Гумон килинувчиларга нисбатан Оқибати мудхиш қарғишлар қўлланишига ижозат берди. Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Сгорбс, ёвуз кучлар тарафдорларининг аксарияти каби шафқатсиз, золим кишига айланди. Лекинadolat юзасидан шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ даркорки, унинг хатти-харакатларини оқлаганлар кам бўлмаган. Бундай кишилар Сгорбс томонидан олиб борилаётган сиёsatни маъқуллашган, амалга ошираётган чора-тадбирларини тўғри, деб топишган, аксарият сехгарлар Сгорбсни сехгарлик вазири лавозимига сайланишига ҳеч қанча вакт қолмаган. Лекин сал ўтиб, ниҳоятда номаъқул ходиса рўй берди, - деди Сириус маъюс қулиб кўйиб, - Унинг ўғли Азкабан асирилигидан қочиб кутулишга муваффак бўлган, Вольдемортни қидириб топиб, ҳаётга қайтаришга уринган бир гурух Ўлимдан мирикувчилар билан бирга қўлга олинди.

- Сгорбснинг ўғлини қўлга олишди? - ваҳима қилди Гермиона.

- Ха, - деди сукни Отбургутга улоктириб, ўзи ерга ўтириб олганча, буханка нонни икки бўлган Сириус, - Ушбу ҳолат қария Барти учун қандай зарба бўлганини тасаввур қилиб кўринг. Оиласига, фарзанд тарбиясига сал кўпроқ вақт ажратиши керак эди у, шундай эмасми? Баъзида бўлса ҳам ишдан эртароқ уйга қайтиши... ўғлига якинроқ бўлиши керак эди.

Сириус нон магзини бўри каби тишилади.

- Унинг ўғли чиндан ҳам Ўлимдан мирикувчи бўлганми? - сўради Гарри.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - деди нон кавшаб ютаётган Сириус, - Бола Азкабанга қамалгандা мен ўша ерда эдим. Бўлиб ўтган ишлардан кейинчалик хабар топдим. Уни ҳақиқатан ҳам Ўлимдан мирикувчилар билан бирга қўлга олишган. Лекин у, ҳали тилга олинган эльф каби, нотўғри жойга, бемаврид келиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

- Сгорбс-чи, ўғлини халос этишга уриниб кўрмади-ми? - пицирлади Гермиона.

Сириус худди ит ириллагани каби қулиб юборди.

- Сгорбс-а? Ўғлини-я? Мен эса унинг қанақа одам эканлигини яхши тушунгансан, деб ўйлабман, Гермиона! Сгорбс кечираётган ҳаёт тамойилларидан бири – номига доғ тушириш хавфини юзага келтирадиган ҳар қандай ғов барҳам топиши кераклигидир. Ахир у бутун ҳаётини сехгарлик вазири лавозимини эгаллашга бағишилаган. Одамлар унинг номини Ажал белгиси билан боз боғлашгани учун ҳам садоқатли уй эльфини кўчага ҳайдаб чиқарганига ўзингиз шохид бўлдингиз. Бу кўп нарсалардан далолат беради.

Сгорбснинг оталик меҳри ўз ўғли устидан ибратли суд жараёнини уюштиришга етди холос. Бу билан у жиноятчи ўғлидан қанчалик нафратлангани, ундан воз кечгани, тўғри Азкабанга йўллаганини ҳаммага кўрсатиб қўймокчи бўлган...

- Ўз ўғлини дементорларга топшириб юборди-ми? - оҳ урди Гарри базўр эшилтириб.

- Топшириди, - жавоб қайтарди Сириус пинагини бузмай, - Дементорлар уни олиб ўтишганини камера эшигининг панжараси оркали кўриб турдим. Ёши ўн тўққиздан ошмаган йигитча. Менинг камерамга қўшни камерага тикишди уни. Кечгача қичқириб, онасини чакирап эди бечора. Бир неча кун ўтгач, қичқирмай қўйди... у ерга камалганларнинг ҳаммаси охир-окибатда қичқирмай қўяди... тушида қичқириши инобатга

олинмаса, агар...

Муайян вақт Сириуснинг кўзларидаги нур, худди парда тортилган каби сўниб қолди.

- Демак хозир у Азкабанда эканда? - сўради Гарри.

- Йўқ, - ифодасиз жавоб қайтарди Сириус, - Азкабанда эмас, умуман бу ёруғ оламда эмас энди у. Қамалганидан сўнг, бир йил ўтар-ўтмас омонатини топширди.

- Ўлди-ми?

- Ўлган ёлғиз у эмас, - алам-ла, жавоб берди Сириус, - У ерда кўпчилик ақлдан озади.

Аксарият маҳбуслар овқат емай қўяди. Ҳаётга, яшашга бўлган иштиёклари батамом барҳам топади. Якин орада кимдир асфаласофилинга йўл олиши ҳаммага тушунарли бўлиб қолади. Чунки дементорлар буни ҳис этиб, тўлқинланиб кетишади. Йигитча касал эканлиги бошидан маълум эди. Сгорбс вазирлиқда нуфузли зот бўлгани учун ҳам хотини иккаласига ўғлининг ўлими арафасида холидан хабар олиб кетишга ижозат берилди.

Ўшанда мен Барти Сгорбсни сўнгги бор кўрган эдим. Хотинини камерамнинг олдидан деярли қўлда кўтариб ўтди. Адашмасам, ўғлининг ўлимидан сўнг, ҳеч қанча ўтмай, хотини ҳам омонатини топширди. Йигитчанинг онасини дард-алам олиб кетди, албатта. Сгорбс ўғлининг жасадини олиб кетиш учун келмади. Дементорлар уни қаср яқинидаги қабристонга қўйишганини ўз кўзим билан кўриб турдим.

Сириус оғзига келтирган нонни четга қўйди-да, кўзани кўтариб, ошқовок шарбатини бир симиришда тугатди.

- Қария Сгорбс ўз муродига деярли етай деб колган фурсатда ҳаммасини бирданига йўқотди-қўйди, - давом этди у, оғзини кафтининг орқа томони билан артиб, - Ҳозиргина эл оғзида юрган қаҳрамон, «беш дақиқа кам сехргарлик вазири»... ўғли ўлди, хотини ўлди, оиласига иснод келди, шуҳрати эса қочиб қайтганимдан кейин эшитишимга кўра, батамом бадном бўлди. Йигитча ўлиши билан одамларнинг унга раҳми келди. Шундай ёшгина, яхши оиласига туғилиб ўсган йигитча қандай қилиб ёмон йўлга кириб кетиши мумкин, деган саволлар дув-дув ёғила бошлади. Табиийки, жамоатчилик ягона бир холосага, у ҳам бўлса, йигитча ота меҳрига тўймаган, тарбиясини кўрмаган деган тўхтамга келди. Шу тариқа, вазирлик лавозими Корнелиус Фужга насиб қилди. Сгорбс эса четга сурилди. Унга Халқаро сехргарлик ҳамкорлиги департаментираво кўрилди.

Орага узоқ сукунат чўқди. Гарри Сгорбснинг ўрмонда, квидиши кубоги финалидан кейин амрига итоат қилмаган уй эльфига кўзи чаногидан чиқиб кетгудай қараганини эслади.

Демак, Винкининг Ажал белгиси остида топилганига бу кадар айқириб муносабат билдирганининг сабаби бу ёғда эканда. Ўша ҳодиса унга ўғли билан боғлиқ ишлар, эски галва-ю, вазирлиқда ёмон отлик бўлиб қолганини эслатган эканда.

- Хмурининг сўзларига қараганда, Сгорбс ҳамма ёқда ёвуз сехргарларни излаб топишга уринар экан, - деди Гарри.

- Тўғри, бундай фаолият унинг табиатидаги васвосликка айланиб қолган, - бош ирғиди Сириус, - Фикримча, агар у яна бирор нафар Ўлимдан мирикувчини тутиб келтирса, илгариги шуҳратини қайтара олишига умид қиласди.

- Айнан шу боис ҳам Снеггнинг хизмат хонасини тинтуб қилиш учун ўғринча келган бу ерга, - кичкирди юзида музофарият барқ уриб кетган Рон, Гермионага юzlаниб.

- Эҳтимол. Факат унинг ҳаракатида маъни кўрмаяпман, - таъкидлаб ўтди Сириус.

- Бекор қиласан! - деди Рон.

Бирор Сириус бош чайқаб қўйди.

- Модомики Сгорбс, Северусга нисбатан тергов ҳаракатларини амалга ошироқчи экан, нега у Беллашувда ҳакамлик вазифасини бажармаяпти? Ахир бундай имкон «Хогварц»га расман, мунтазам равишда, очиқдан-очиқ ташриф буюриш ва шу тариқа Снеггни кузатиб бориш учун бекусур сабаб-ку, шундай эмасми?

- Снегг бирон нарсани ният қилиб юрибди-ми, нима деб ўйлайсан? - сўради Гарри.

- Снегг ҳақида нима десаларинг, дейверинг-у, лекин Дамблдор Северусга тўла-тўқис ишонишини унутманг...

- Кўйсанг-чи, Гермиона, - гапни бўлди бесабр Рон, - Дамблдор авлиё ва хоказо, албатта.

Бирок бу дегани ростакам қудратли сөхграр уни алдай олмайди, деган маънони англатмайди.

- Нега бўлмасам Снегг биринчи синфда ўқиб юрганимизда Гаррининг ҳаётини саклаб қолди? Нега ўлиб кетишини тек томоша килиб ўтирмади?
 - Мен қаердан билай. Балки Дамблдор уни кўчага чиқариб хайдаб юборишидан кўркқандир...
 - Сен нима деб ўйлайсан, Сириус? - баланд овозда сўради Гарри, Рон билан Гермионанинг гап талашишларига чек қўйганча, Сириусга қулоқ тутишга мажбур қилиб.
 - Фикримча, иккалангиз ҳам қайсиdir маънода ҳақсиз, - деди Сириус Рон билан Гермионага ўйчан қараб, - Бу ерда ўқитувчилик қилаётганини эшитганимдан буён нима сабабдан Дамблдор уни ишга олгани ҳакида ўйланиб юрибман. Снегг ёвуз сехр-жодуни хуш кўриб, хали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ёмон ном чиқарган. У доимо сувдан куруқ, тегирмондан бутун чиқадиган, айёр, қачон қарасанг сочи кир юрадиган бола эди, - кўшиб қўйди Сириус.
- Гарри билан Рон бир-бирига қараб, кулиб қўйишиди.
- Ҳали мактабга келмай туриб шунча қарғишларни ўзлаштириб олган эканки, еттинчи синфда таҳсил кўраётган хар қандай ўқувчи ҳам унинг олдида ип эша олмаган. У билан дўст тутинган слизеринчиларнинг деярли ҳаммаси келгусида Ўлимдан мирикувчиларга айланиб кетишиган.
 - Сириус қўлини кўтариб, бармокларини букканча, санай кетди.
 - Розье ва Вилкс. Иккаласи ҳам Вольдеморт гум бўлгунга қадар аврорлар томонидан ўлдирилган. Эр-хотин Лестранглар, Азкабанда ўтиришибди. Эйвери, эшитишимга қараганда, жазодан қутулиб, ҳозиргача озодликда юрибди. Қарам қилиш қарғиши таъсирига дучор бўлган эмиш. Аммо билишимча, Снеггнинг ўзи Ўлимдан мирикувчиликда айланмаган. Лекин бу унинг оппоқ экандигидан далолат бермайди. Ахир кўпчилик жиноят устида қўлга олинмай қолиб кетган. Снегг эса етарлича ақлли, маккор тулки. Уни бирон нарсада айлаш осон кечмайди.
 - Снегг билан Каркаров эски қадрдонлар. Бирок Снегг ушбу маълумот ошкор бўлишини истамайди, - таъкидлаб ўтди Рон.

- Тўппа-тўғри! - тўлқинланиб кетди Гарри, - Каркаров кечаги дарсга бостириб келганида Снеггнинг башараси томошабоп бўлиб қолди! Каркаров дарсга кириб келишга мажбур бўлгани, бошқа жойда Снегг думини тутқизмай юрганини таъна килди. Каркаров жуда ташвишли кўринди. У енгини тортиб, тирсагидаги аллақандай нарсани кўрсатди. Нима эканлигини мен кўра олмадим.

- Тирсагини кўрсатди? - сўради Сириус, ҳанг-манг бўлиб.
- Унинг хаёли қочиб, қўлини кир соchlари орасига солганча, елка кисиб қўйди.
- Бу нима бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман... Модомики Каркаров қаттиқ ташвиш торганча, тушунтириш сўраб Снеггнинг хузурига келган экан...

Сириус маълум вакт гор деворига тикилиб турди-да, хафсаласи пир бўлган қиёфа ясади.

- Нима қилганда ҳам ҳақиқатни ҳақиқатдай тан олмок даркор. Дамблдор Северусга ишонади. У бошқалар ишонч билдиримайдиган кўп одамларга ишонишидан хабарим бор. Бирок Дамблдор ўз вактида Вольдемортга хизмат қилган Северусга ишонч билдирганига ақлим бовар қилмаяпти...
- Нега бўлмасам Хмури билан Сгорбс унинг хонасини тинтуб килиб боришга ошиқади? - саркашлиқ қилди Рон.
- Хмури «Хогварц»га кириб келиши билан қасрнинг жамики тешикларини титиб чиқмаса ўзига ўзи ўхшамай қолади. Қария ёвузлик кучидан ҳимоя масаласига жиддий ёндашади. У бирон кишига ишонишига шубҳа қиласан. Ҳаёти давомида кўрган нарсалари инобатга олинадиган бўлса, бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Бирок таъкидлаб ўтиш жоизки, Хмури имкон қадар одам ўлдиримасликка ҳаракат қилган. Жиноятчини тириклайн қўлга олишга уринган. Тўғри, кези келганда шафқатсиз бўлган, лекин Ўлимдан мирикувчилар даражасига қадар паст кетмаган. Сгорбс эса... у бошқа гап... Чиндан ҳам касалмикан у?

Соғ бўлса, нимани ният қилиб юрибди? Финал ўйини маҳалида қанақанги муҳим иш билан банд бўлган? Беллашувга ҳакамлик қилиш керак бўлган пайтда нима билан машғул бўлиб юрибди?

Сириус ғор деворига тикилганча, жим бўлиб қолди. Ер депсинаётган Отбургут эса кўзига кўринмай қолган суюкларни қидириш билан овора. Ниҳоят Сириус Ронга юзланди.

- Акам Сгорбснинг шахсий ёрдамчиси, дединг-ми? Сўнгги вақтларда Сгорбсни шахсан кўрган-кўрмаганини билиб берасанми?

- Уриниб кўраман, - иккиланиб чўзди Рон, - Бироқ Сгорбсни бирон нарсада гумон қилаётганимни айтмаганим маъқул. Акам ўз бошлиғига сал кам сажда килади.

- Биратула сўраб кўр-чи, Берта Жоркинсдан хабар борми-йўқми, - деди Сириус, иккинчи газетага имо қилиб.

- Шульманнинг сўзларига қараганда хабар йўқ эмиш, - дархол маълум килди Гарри.

- Унинг сўзлари мақолада ҳам цитата келтирилган. Шульманнинг фикрича Бертанинг хотираси қисқа эмиш. Бекор гап. Жисми ўзгарган бўлса, ўзгариб кетган бўлиши мумкиндири. Эҳтимол ҳозир кўчада кўрсам, танимасман. Бироқ аниқ айтишим мумкинки, ўзи ғирт тентак қиз бўлган бўлса ҳам, хотираси ҳеч қачон қисқа бўлмаган. Аксинча, суханчинликни эшиб қўйиб, ҳар хил ғийбат гапларни йиллаб эсида саклаб юрган. Тилини тия олмагани учун ҳар хил нохуш холатларга тушшиб борган. Вазирлиқда айнан Бертанинг тили сабабли қандай муаммолар юзага келганини кўз олдимга келтиришим мумкин.

Балким шунинг учун ҳам Шульман уни қидириб топишга ошиқмагандир. Аёлнинг тили бошига етади, деб шунга айтишса, ажаб эмас.

Сириус оғир хўрсиниб, толиккан кўзларини ишқалаб қўйди.

- Соат неча бўлди?

Гарри соатига қараб, кўл тубида сузиб юрганидан буён ишламай қолганини эслади.

- Уч ярим бўлибди, - деди Гермиона.

- Мактабга қайтадиган вақтингиз бўлибди, - деди Сириус ўрнидан туриб, - Ҳа, айтгандай, ёдингизда бўлсин, - огоҳлантириди у, Гаррига дикқат билан қараб, - Бу ёққа ғизиллаб қатнашингизни ҳеч ҳам истамайман, тушундингиз-ми? Керак бўлсан ҳат йўлланг. Ҳар қандай ғайриоддий ҳодисалар ҳакида хабардор бўлиб борганим маъқул. Сен эса қасрдан ижозатсиз чиқма. Акс ҳолда ҳамла қилиш учун ғанимларга яхши имконият берасан.

- Аждар билан бир жуфт гриндилоу хисобга олинмаса, сўнгги вақтда менга ҳеч ким ҳамла килмади.

Сириус болага домангир қараб қўйди.

- Фарқи нима... Беллашув ўтгандан сўнггина, эркин нафас олишим мумкин. Бунга эса хали анча бор. Тинчланишнинг биринчи имконияти июнь ойида бўлади. Яна бир гап. Мен ҳакимда ўзаро гаплашадиган бўлсангиз, мени Дайди, деб атанг, хўпми?

У Гаррига бўш кўза билан сочиқни узатди.

- Қишлоқ бошига қадар кузатиб қўяман, - деди Сириус, Отбургутни силаб, - Яна бирорта газета топиб оларман, эҳтимол.

Горни тарқ этишдан олдин у боз қора итга айланиб олди. Кўприкка етиб боришган болалар Дайдининг бошини силаб Хогсмёд орқали «Хогварц» томон йўл олишди. Сириус эса қишлоқ чети бўйлаб юргурганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Қизиқ, Перси Сгорбс ҳакидаги гаплардан хабари бормикан? - сўради Рон, қасрга яқин қолганда, - Балки бундай гаплар уни қизиқтирмас... хабар топса, эҳтимол янада баттар ғуурланиб кетар. Ҳа, Перси қонун-қоидаларга амал қилинишини яхши кўради. Ўз ўғлининг манфаатлари йўлида қонун бузмаганлигини эшитиб, балки Сгорбснинг тутган йўли, хатти-ҳаракатларини маъқуллар.

- Перси ўз оила аъзосини дементорларга топшириб қўймас эди, - бақириб берди Гермиона.

- Бирон нарса дейиш қийин, - эътиroz билдириди Рон, - Агар хизмат поғонаси бўйича ўсишига биз, яъни оила аъзолари халал бераётганимиз ҳакида ўйланиб қоладиган бўлса борми... Биласанми, Гермиона, Перси жуда шухратпараст...

Учовлон асосий зинапоядан қасрга кўтарилиб, Катта Залдан келаётган мазали таомлар

хидини сезди.

- Бечора Дайди, - чуқур хүрсінди Рон, - Афтидан у сени хаддан ортиқ яхши күради шекилли, а, Гарри?... Каламуш еб тирикчилик қилас экан-а!...

XXVIII БОБ.

АҚЛДАН ОЗГАН МИСТЕР СГОРБС

Якшанба нонуштасыдан сүңг, Гарри, Рон ва Гермиона бойқушонага бориб, Персига хат юборищди. «Сүңгги бор мистер Сгорбсни қачон күрдинг?» деб берилган саволни анчадан бүён бекор ўтирган Хедвиг орқали йўллашга аҳд қилишди. Бойқуш кузатиб қўйилгач, Доббига пайпок ҳадя қилгани мактаб ошхонасига йўл олинди.

Уй эльфарининг бир гурухи тиз букканча таъзим қилиб, бошқа гурухи икки букилиб қуллук қилганча ёш меҳмонларни илтифот-ла кутиб олгач, баъзилари чой дамлаш, айримлари шириналлик келтиришга ошикиб қолиши. Совға-саломларни кўрган Добби эса ақлдан озиб қолай деди.

- Гарри Поттер Доббига жуда меҳрибон! - чийиллаб қўйди Добби катта-катта кўзларидан думалаб чиқсан йирик ёш томчиларини артиб.

- Добби сен менга берган ойкулоқ ўстир гиёхи ҳаётимни сақлаб қолди, чин сўзим, - деди Гарри, - Ҳеч бир муболагасиз айтияпман.

- Шоколадли эклер борми? - мурожаат қилди Рон қувонч-ла таъзим килаётган эльфлар тўдасига.

- Ҳозиргина нонушта қилдинг-ку! - эътиroz билди Гермиона.

- Дайдига бирон нарса жўнатиш керак-ку, - пичирлади Гарри.

Хаёл ўтмай тўртта эльф каттагина кумуш патнисга терилган эклерлар уюмини етказиб келтирди.

- Тўппа-тўғри, - маъқуллади Рон, - Чўчқага ҳам иш топилади. Яна овқат топиладими? - боз мурожаат қилди у эльфларга.

Беш-олтитта эльф илтимосни вожиб қилгани югуриб кетди.

- Винки қани, Добби? - сўради Гермиона атрофга қараб.

- Винки ҳўанави ерда, камин ёнида ўтирибди, мисс, - жавоб берди Добби, катта қулоқлари осилиб қолиб.

- О, Худойим, - хитоб қилди Винкининг ахволини кўрган Гермиона.

Винки ўтган сафар ўтирган курсига астайдил жойлашиб олган. Фақат энди унинг танаси ва эгнидаги йиртилиб, адойи тамом бўлган кийими шу қадар кир-ки, каминнинг қурум қоплаган ғиштларидан фарқ қilmай қолибди. Кўлига хузур-лаззат ичимлигининг бир шишиласини ушлаб олган ургочи эльф кўзини камин оловидан узмай, хиқичоги тутиб тебраниб ўтирибди.

- Кунига олти шишидан ичяпти, - пичирлаб чақимчилик қилди Добби.

- Ўткир ичимлик эмас-ку, - деди Гарри.

Добби бош чайқади.

- Уй эльфи учун ўткирлик қилади, - ғудуллади у.

Эклер олиб келган эльфлар хиқиллаб қўйган Винкига танқидий нигоҳ ташлаб, ўз ишлари билан шуғулдана кетиши.

- Винки ўз соғлигига ўзи бадгирлик қиляпти, - маъюс пичирлади Добби, - Уйга қайтишни истаяпти. Янги соҳибимиз профессор Дамблдор эканлигини хеч идрок эта олмаяпти.

Добби қанча уқтирумасин, бари-бир тушунмаяпти. Халигача мистер Сгорбсни соҳиб, деб билади.

Кутилмаганды Гаррининг миясига бир фикр келди.

- Салом, Винки, - кўришди у, ургочи эльфа яқинроқ борганча, устида энгашиб, - Иттифоқо, мистер Сгорбсга нима қилиши мумкинлигини билмайсан-ми? Негадир Уч сехргар беллашуви мусобақаларига ташриф буюмай қўйди.

Винкининг кўзлари равшанлашгандай бўлди. Ўтирган жойида яна бир тебраниб, кенгайиб кетган корачикларини Гаррига каратди.

- С-сохіб, хік, ташриф, хік, буюрмай күйди-ми?
 - Ха, - тасдиклади Гарри, - Биз уни биринчи мусобақа ўтган кундан буён құрганимиз йўк. «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзишлари-ча, бетоб эмиш.
- Винкининг пастки лаби титрай бошлади.
- Бирок бу гаплар рост эканлигига комил ишонч билдира олмаймиз, - тез құшымча қилди Гермиона.
 - С-сохібга, хік, унинг Винкиси керак! - ингради баҳти қора эльф, - Хаёт ташвишларини, хік, с-сохіб ёлғиз ўзи, хік, уddалай олмайди...
 - Хабаринг бўлса, Винки, хизматкор эльфи бўлмаган бошқа одамлар уй юмушларини ўзлари эплай олади. Сгорбснинг бошқалардан ортиқ ёки кам жойи йўк. Шундай экан, ундан хавотир олмасанг ҳам бўлаверади, - деди Гермиона заҳарли оҳангда.
 - Винки, хік, сохібнинг уйида, хік, факат хўжалик ишлари билангина, шуғулланмаган! - чийиллаб эътиroz билдириди Винки, ўтирган жойида хавфли тебранганча, устига ичимлик саҷратиб - С-сохіб, хік, Винкига, хік, ўта муҳим сирларини, хік, ишонади...
 - Қандай сирларни? - сўради Гарри.
- Винки қаттиқ бош чайқаб, устини баттар хўл қилди.
- Винки, хік, сохібнинг сирларини, хік, яхши сақлайди, - деди эльф бировга итоат қилмаслигини билдиримоқчи бўлгандай икки кўзини бир нуқтага қаратганча Гаррига қош чимириб, - Сиз эса ўзингизга тааллукли бўлмаган ишга бурун сукяпсиз... хік...
 - Винки, Гарри Поттер билан бундай оҳангда гаплашмаслиги керак! - гапга аралашди жаҳли чиққан Добби, - Гарри Поттер бизнинг йўлчи юлдузимиз, у нихоятда олижаноб ва мард киши. У бурун сукаётгани йўк!
 - Йўк, у бурун сукяпти, хік, сохібимга тааллукли маҳфий ишларга, хік, Винки яхши эльф, хік. Баъзи одамлар эса хік, бурун сукяпти сохібим ишларига, хік.
- Кутилмаганда ийрик кўзлари кисилиб кетган Винки курси тагидаги шолча устига қулаг тушиб, қаттиқ хуррак торта бошлади. Ҳузур-лаззат ичимлигининг қолган қолдиклари пол кошинига тўкилиб, деярли бўшаб қолган шиша юмалаб кетди.
- Югуриб келган ўн иккитача эльф башараларини бужмайтирганча, Винкининг устини катак гулли дастурхон билан йирганиб ёпиб кўйди, танасининг, сохіблар кўзига ҳақоратли кўринадиган кисмини дурустроқ бекитди. Яна бир эльф Винкининг шишасини олиб, бекитган бўлди.
- Ҳузуримизга ташриф буюрган жаноблар ва хоним бундай нохуш манзара устидан чиқиб қолишигани учун ҳаммамиз узр сўраймиз, - деди болаларга яқин турган кекса эльфлардан бири нихоятда қаттиқ хижолат тортиб, - Умид қиласизки, Винкининг хулқини кўриб уй эльфлари ҳақида ёмон фикрларга бормайсиз!
 - Винки ўзини жуда ёмон хис этяпти шекилли! - хавотирланиб бакирди Гермиона, - Устини латта билан ёпиб қутулгандан кўра, унга далда бериб юпатсангиз бўлмайди-ми?
 - Маъзур санайсиз, мисс, - деди эльф башараси ерга тегиб кетгунча яна бир бор таъзим килиб, - Сохібларга хизмат кўрсатилмай, бир дунё иш турган пайтда эльф ўзини ёмон хис этишга ҳақи йўк.
 - Муқаддас фалак ҳақи! - ўкириб юборди Гермиона, - Сўзларимга кулоқ тутинг, ҳаммангиз! Сизнинг ҳам ҳар қандай инсон каби муайян ҳукуқларингиз бор! Сиз ҳам ўзингизни ёмон хис этишга ҳақлисиз! Ойлик маош, меҳнат таътили, дурустроқ кийим кийишга ҳаммангиз ҳақлисиз! Ҳар қандай буйрукни сўзсиз бажармаслик, бош кўтаришга ҳақлисиз! Ана, Доббидан ўрнак олинг!
 - Доббини бу ишга аралаштирмасликни илтимос қилган бўлар эдим, мисс, - ғудуллади ҷўчиб кетган Добби.
- Ошхонадаги жамики эльфларнинг юзидағи баҳтиёр табассум бир зумда барҳам топди. Улар Гермионага ақлидан озган хавфли кизга қараган каби бақрайиб қолишли.
- Мана сизнинг егулигингиз! - тишини гичирлатди Гаррининг тирсаги яқинида турган бошқа эльф, боланинг қўлига дудланган чўчқа гўштининг ийриккина бўлаги, ўн иккитача пирожний ва бир бўхча мева ушлатиб, - Қани энди хуш кўрдик, туёқчаларингизни

шиқиллатиб қолинг-чи бу ердан!

Гарри, Рон ва Гермионанинг атрофида куршов ҳалқасини ҳосил қилган эльфлар болаларни, митти кафтлари билан белларига туртганча, ошхонадан сиқиб чиқара бошлади.

- Пайпок учун раҳмат, Гарри Поттер! - деганча қолди шўрли Добби, устига дастурхон ёпилган шаклсиз танача ёнида ғамгин қолиб.

Йўлакка чиққан болаларнинг ортида қолган ошхона эшиги тарақлаганча ёпилгач, жаҳли қайнаган Рон Гермионага ўшқириб берди:

- Бир пас тилингни тийиб турсанг бўлмасми, а? Энди улар ҳеч қачон бизни ичкарига киритмайди! Ахир Винкидан Сгорбс тўғрисида бирон нарса билиб олсан бўлар эди!

- Сгорбс ҳакида қайғураётган кўйга солма ўзингни, илтимос! - жеркиб берди Гермиона, - Фикр-хаёлинг овқатда эди-ку!

Дам олиш кунининг расvosи чиқди. Умумий меҳмонхонада иккала ўртоқнинг беҳуда тортишувларидан чарчаган Гарри Сириусга овқат жўнатиш учун бойқушонага ёлғиз ўзи чиқишига мажбур бўлди.

Сириусга етказиладиган бир дунё овқат Чўчринстель учун ҳаддан ортиқ оғирлик қиласи. Бинобарин, Гарри бойқушчага ёрдам тариқасида яна иккита мактаб бойкушини ишга жалб қилди. Учала бойқуш кун қоронғиси томон учиб кетгач, Гарри дёраза токчасига қўйган қўлларига иягини тираб мактаб ҳовлиси, Ман этилган ўрмон дарахтлари ва сувда қалқиб турган «Дурмштранг» кемасининг ҳилпираётган елканларини бир пас томоша қилиб қолди. Хагриднинг кулбасидан буралиб чиқаётган тутун орасидан қарчигайлар оиласига мансуб укки учиб чиқиб, бойқушонани айланниб ўтганча, кўздан ғойиб бўлди. Пастга караган Гарри белкурак билан ғайрат-ла меҳнат қилаётган Хагридни кўрди. Сабзавот уруғини сепиши учун эгат тайёрлаётган бўлса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Хагриднинг хатти-харакатларини кузатиб турар экан бэльстэкчиларнинг от аравасидан Максим хоним чиққанини кўрди. У Хагриднинг ёнига келиб, сухбат қурмоқчи бўлди шекилли, лекин белкуракка суюнган Хагрид сухбат қуришни истамагандай бўлди. Кўп ўтмай Максим хоним яна ўз аравасига кириб кетди.

«Гриффиндор» минорасига қайтиб Рон билан Гермионанинг ит билан мушукдай кирилишаётганини кўргиси келмаган Гарри токи бойқушлар галаси тунги овга чиққунга, экинзорда меҳнат қилаётган Хагрид кўринмай қолгунга қадар бойқушонада қолди.

Эрталаб Рон ҳам, Гермиона ҳам баҳарнав кайфиятда кўринди. Бундан ташқари, Роннинг мудхиш башорати, хусусан Гермионанинг ҳақоратларидан сўнг, уй эльфлари жазо тариқасида «Гриффиндор» дастурхонига иккинчи навли овқат тортади, деган хавфсираши беҳуда эканлиги маълум бўлди. Дудланган балиқ, бекон ва тухум илгаригидай мазали эканлигини хис этган Гарри анча енгил тортди.

Катта Залга почта бойқушлари отилиб кирганда афтидан қандайдир хабар кутаётган Гермиона умид-ла юкорига қаради.

- Перси жавоб йўллашга улгурмаган ҳали, - деди Рон, - Ахир хатни унга кечагина йўлладик.

- Мен бошқа нарса кутялман, - тушунтирган бўлди Гермиона, - Янгиликларни слизеринчилардан билиб юриш жонга тегди. «Башорат-у, каромат газетаси»га буюртма берган эдим.

- Тўғри қилибсан! - маъқуллади Гарри юкорига қараб, - Қара, Гермиона, омадинг юришган кўринади...

Гермионага қараб кул ранг бойқуш пастлаб келмоқда.

- Аммо у газета олиб келаётгани йўқ, - деди Гермиона ҳафсаласи пир бўлиб, - Бу...

Болаларни маҳлиё қилган бойқуш тикка пастлаб, Гермионанинг ликопи ёнига кўнди.

Унинг кетидан яна тўртга, бири жигар, бири малла ранг омбор бойқуши пастлади. Гарри ҳар бири ўз жўнатмасини биринчи бўлиб топширишга уриниб, бир-бирини туртаётган кушлар онтариб юбормаслиги учун Гермионанинг тилла қадаҳини тутиб қолишга базур

улгурди

- Газетанинг нечта сонига буюртма бергансан? - сўради у.
- Буниси нима бўлди?... - деди хатлардан бирини очган Гермиона, - Яна қандайдир бемаънилик! - тикилиб қолди у, кизариб кетиб.
- Нима гап? - сўради Рон.
- Бу...вой аҳмоқлар...

У хатни Гаррига тутқазди. Аслида бу хат ҳам эмас, «Башорат-у, каромат газетаси» сахифаларидан қийиб олинган харфлардан битилган нома экан.

Сен баТТол қиз, Гарри Поттерни тиНЧ қўй. У сеНдан КЎРа дуРУСТРОК қиЗга мунОСИб. Ўз дунёнГГа, магЛЛАр орАСИГа қайТИб КЕТ.

- Бари шу маънода экан! - маъюс тортди хат кетидан хат очаётган Гермиона, - Қулоқ солинг:

«Гарри Поттер сал ақлироқ бўлиши, сендаи қизни севмаслиги керак эди»... Мана яна биттаси:

«Сени қурбақа увудиригига қўшиб, қайнатиш керак»... Вой!

Гермиона сўнгги конвертни очиши ҳамоно ичидан бензин ҳидини эсга соладиган сарғишиш яшил қуюқ суюқлик отилиб чиқиб, қўлига сачради. Шу захоти унинг қўли куйиб, сариқ доғ босди.

- Эритилмаган буботубер фасоди! - деди конвертни олиб, ҳидлаган Рон.
 - Жони оғриганидан инграб юборган Гермиона қўзларидан ёш оққанча, сочик билан қўл артишга уринди. Бармоқларини заҳил пуфакчалар қоплаган қизнинг қўллари худди ғуддачали қўлқоп тақиб олгандай бўлиб қолди. Ахволни кўрган бойқушлар пир этиб ҳавога кўтарилди.
 - Тез шифохонага бор, - маслаҳат килди Гарри, - Қаёққа кетганингни Сарсабил хонимга айтиб қўямиз...
 - Мен уни огохлантирган эдим-а! - вайсади Рон, Гермиона қўлларини кўксига босиб, Катта Залдан югуриб чиқиб кетгач, - Айтдим унга, Рита Вритернинг жаҳлини чиқарма, деб!
- Мана буни эшиш...
- Рон хатлардан бирини ўқиди:

«Гарри Поттерни алдаб юрганингни «Авсунполитен» журналида ўқиб қолдим. У бола шундоқ ҳам ҳаёт аччиқларига тўйиб юрибди. Энди сен камлик қилаётган эдинг. Шошмай тур, каттароқ конверт топай, кўрсатиб қўяман сенга, Гаррига озор етказиши қандай бўлишини. Шундай қарғиш йўллай-ки, бир умр эслаб юрасан». Ўхў, Гермиона эҳтиёт бўлиб юриши даркорга ўхшаб қолди!

Гермиона гербология дарсига келмади. Иссиқхонадан чиқишиган болалар қасрнинг асосий пиллапоясидан тушиб келаётган Малфой, Краббе ва Гойлни, уларнинг кетидан эса ўз дугоналари билан хиринглашиб келаётган Панси Паркинсонни кўришди. Гаррига кўзи тушган Панси боланинг ортидан қичқириб қолди:

- Поттер, суюкли ёрингдан воз кечдинг-ми, нима бало? Нонушта маҳалида қандайдир хомуш кўринди-ми, у?

Гарри эътибор қаратмади. «Авсунполитен» журналида босилган машъум мақола Гермионага қанча ташвиш келтирганини билган ушбу аҳмоқ қиз ичқоралик-ла севинишини истамади.

Яккашоҳ нарваллар билан ўтадиган машғулотлар нихоясига етганини ўтган дарсда эълон килган Хагрид, ўз кулбасининг ёнида, оёғи остига навбатдаги саватлар захирасини териб

олиб, ўқувчиларни кутиб турибди. Саватларни кўрган Гаррининг ичида бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Наҳотки яна ўша дракллар? Бироқ якинроқ келиб, сават ичига қараган Гарри майин мўйнаси қоп-кора, узун хартумли, олд оёқлари қуракни эслатадиган митти маҳлукларни кўрди. Болаларга таажжубли нигоҳ-ла мулоим бақрайиб турган хайвончалар ўзларига бу қадар катта эътибор қаратилаётганинг боисини тушунмаётган каби, кўзларини пирпиратиб қараб ўтириби.

- Исковучлар, - тушунтира кетди Хагрид, ҳамма тўплангач, - Асосан олтин конларида яшайди. Ялтирайдиган нарсаларни жуда ёқтиради... ана, каранг.

Исковучлардан бири кутилмаганда бир сакраб Панси Паркинсоннинг қўлидаги соатни тишлаб узишга уринди. Панси чийиллаганча, нари қочди.

- Ушбу хайвончалар табиатан ҳар ҳил қимматбаҳо буюмларнинг жонли детектори саналади, - хурсанд бўлиб кетди Хагрид, - Бугун биз мусобака уюштирамиз. Анави ер майдонига эътибор қаратинг.

Гарри бойкушхонада туриб Хагриднинг айнан мана шу ер майдонини шудгорлаганини эслади.

- Мен шудгорга жуда кўп тилла танга экиб чиқдим. Кимнинг исковучи кўп пул топса, шу кишига совға борлигини эълон қиласман. Фақат дастлаб қимматбаҳо буюмларнингизни ечиб қўйинг. Ўзингизга исковучлардан бирини танлаб, қўйиб юборишга тайёр туринг. Гарри қўлдан чиққанидан буён ишламай қолган бўлса ҳам одатига кўра тақиб юрган соатини ечиб, киссасига солди-да, исковучлардан бирини танлаб, қўлига олди. Хайвонча ўзининг қувурча-бурнини Гаррининг қулогига тикиб, китифини келтирганча обдан хидлаб кўрди.

- Шошманглар... - деди Хагрид саватга қараб, - Биттаси ортиб қолибди. Ким йўқ? Кани Гермиона?

- Шифохонага кетди, - деди Рон.

- Кейин тушунтириб берамиз, - деди Гарри, Панси Паркинсоннинг қулогини динг қилиб олганини кўриб.

Бугун сехрли хайвонларни парвариш қилиш фанидан ўтган энг кизиқарли дарс бўлди. Исковучлар худди сувга шўнгиган каби шудгорга кириб, тез чиқишар ва ер остидан топиб олган тилла тангаларни ҳеч ҳам адашмай ўз сохибининг олдига келтириб тахлашар эди. Роннинг исковучи меҳнатсевар бўлиб чиқди. Кўп ўтмай унинг қўлида бир олам пул тўпланди.

- Бирортасини харид қилиб, уйда боқса бўладими, Хагрид? - сўради рухланиб кетган Рон, эгнига лой сачратган исковучи яна ер остига кириб кетганини кўриб.

- Ушбу фикринг онангга ёқмайди, Рон, - кулиб қўйди Хагрид, - Исковучлар ер қазиб, уйларни кулатиб юборишга кодир бўлади. Хўп, назаримда улар пулларни йигиб бўлишди,

- деди у, шудгорни айланиб чиқиб, - Мен атиги юз тилла танга эккан эдим холос. Ана, Гермионамиз ҳам келди.

Майсазорда хомуш, зўрга юриб келаётган Гермиона кўринди. Панси Паркинсон унга ўткир қараб қўйди.

- Хўш, ким қанча пул тўплаганини санаш вақти етди! Сананг, тангаларни! - эълон килди Хагрид, - Уларни ўғирлаш бефойда, Гойл, - деди у, қўнғиз қўзларини қисиб, - Бу непречёмлар тангаси. Бари-бир икки соатдан сўнг, ўз ўзидан гум бўлади.

Домангир киёфа касб этган Гойл чўнтагидаги тилла тангаларни чиқариб тўқди. Энг юкори маҳсулдорликни Роннинг исковучи намоён қилиб, шакарпазлик корхонасига эга «Роҳат-луқум» қандолат дўконининг каттагина шоколадига сазовор бўлди. Ҳаммани тушликка чорлаган қўнғироқ зарби янграгач, Гарри, Рон ва Гермионадан ташқари барча ўқувчилар қасрга равона бўлди. Учовлон исковучларни тутиб, саватларга жойлаш масаласида Хагридга ёрдам берар экан, арава ичида ўтирган Максим хоним уларни кузатиб тургани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Қўлингга нима килди, Гермиона? - ҳамдардлик оҳангида сўради Хагрид.

Гермиона эрталаб олган серзарда хатлар-у, бубутубер фасодига тўлдирилган конверт

ҳакида айтиб берди.

- А-а-а-а, гап бу ёқда дегин! Ҳеч киси йўқ, унугиб юбор, - овунтирган бўлди Хагрид, қизалоққа мулойим қараб, - Мен ҳам, анави Рита Вритернинг онам ҳакида ёзган мақоласидан сўнг, ўхшаш хатларнинг бир дунёсини олдим. «Сен маҳлуксан, сени даф килган киши савобнинг тагида қолиб кетади». «Онанг қанчадан-қанча айбсиз одамларнинг ёстигини куритиб юборди. Зигирдай вижданинг бўлганда эди, аллақачон ўзингни ўзинг кўлга ғарқ этган бўлар эдинг» ва хоказо.

- Бўлиши мумкин эмас! - хитоб қилди таажжубининг чеки қўринмаган Гермиона.

- Бўлганда қандоқ, - деди Хагрид, исковучлар қамалган саватларни кулба деворига суюб, - Сенга йўлланган ўша хат муаллифлари ғирт ахмок одамлар, Гермиона. Агар яна келадиган бўлса, очиб ўтирасдан оловга ташла.

Қасрга қайтишар экан, мавзуни алмаштироқчи бўлган Гарри Гермионага мурожаат қилди:

- Жуда кизиқ дарс бўлди, ўтказиб юборганинг чаток бўлди-да, Гермиона. Ёқимтой жониворлар экан, исковучлар, тўғрими, Рон?

Қовоғидан қор ёғилаётган Рон қўлидаги шоколадни томоша қилиб келмоқда. У нимадандир хафа бўлганга ўхшайди.

- Нима гап? - сўради Гарри, - Шоколаднинг ичидағи масаллик ёқмади-ми?

- Йўқ, - киска қилди Рон, - Нима учун тилла тангалар ҳакида менга ҳеч нима демадинг?

- Қайси тилла тангалар ҳакида айтяпсан? - тушунмади Гарри.

- Ўзингни гўлликка солма, Гарри. Финал ўйини ўтганидан сўнг, Мўътабар Ложада, сен менга олиб берган омниокулярнинг пулини қайтариб берган эдим. Ўша пул ҳакида сўраяпман. Тилла тангалар ўз ўзидан гум бўлгани ҳакида нега айтмадинг?

Рон қайси тилла тангалар ҳакида гапираётганини тушуниб етиши учун Гаррига бир дакиқагача эслашга тўғри келди.

- А-а, - чўзди у, ниҳоят эсига тушгач, - Билмадим... Гум бўлганини пайқаганим ҳам йўқ. Ростини айтсам, ўшанда мени бошқа ташвиш қийнаган эди, таёқчам, эсингдами?

Учовлон вестибуолга кириб, Катта Зал томон йўл олди. Дастурхон атрофига жойлашиб, ликопларга ростбиф билан йоркшир пудинггини солишар экан Рон узук-юлуқ фикр билдириб қолди:

- Бир дунё пулинг бўлса-ю, атиги бир ҳовуч тилла галлеонингни йўқотиб қўйганингни сезмасанг, яхши бўлса керак, а?! - кесатди Рон.

- Ўшанда хаёлим мутлақо бошқа нарсада эди, эшитяпсан-ми мени? - дарғазаб бўлди Гарри, - Ҳаммамиз ҳам ташвишли аҳволда эдик!

- Непречёмларнинг тилла тангалари ўз ўзидан гум бўлишини мен қаердан билай, - ғудуллашини қўймади Рон, - Пулингни қайтариб бердим, деб ўйлаган эдим. «Отар замбараклар» шляпасини совға қилмаслигинг керак эди менга.

- Бўлди, унут! - деди Гарри.

Рон қовурилган картошка бўлагини санчкисига санчиб олди-да, бир пас дарғазаб томоша қилиб ўтири.

- Факирлигим боис ўзимдан ўзим нафратланаман, - деди у ниҳоят.

Гарри билан Гермиона овунтиришга сўз топа олмай, бир-бирига қараб қўйишиди.

- Майли, бунинг аҳамияти йўқ, - давом этди Рон, картошка бўлагига мурожаат қилиб, - Пул ишлашга уринаётган Фред билан Жоржни ҳеч ҳам айбламайман. Факат мен, афсуски, бундай қила олмайман. Исковучим йўқлигига ачинаман.

- Келаси Рождество байрамига сенга нима совға қилишни энди биламиз, - юпатиб, далда берган бўлди Гермиона, бироқ Роннинг қовоғи очилмаганини кўриб, кўшиб қўйди, - Бас қилсанг-чи, Рон, бундан-да баттар ҳолатлар ҳам бўлади. Кўлингни фасод боғламаган-ку, - деди у, шишиб кетган қўллари билан санчки-пичокни базур ишлатиб, - Вритердан нафратланаман! - кутилмаганда ёрилиб кетди у, - Қаримта қайтаради ҳали, шошмай турсин! Қасосли дунё бу, қасосли! Ҳаётимдаги сўнгги иш бўлса ҳам майли, қилмишига яраша жазосини бераман! Чаккига дакки, дегани нима эканлигини яхшилаб тушунтириб

кўяман!

Кейинги хафта давомида имзосиз хатлар келиши давом этди. Гарчи Гермиона Хагриднинг маслаҳатига қулоқ солиб, конвертларни очмай қўйган бўлса-да, баъзи бадҳоҳлар Қичкирикнома йўллашни қўймади. Муаллифининг қичкириқлари эшитиладиган ушбу хатлар бутун Катта Зални бошига кўтариб, Гермионани уятсиз сўзлар билан ҳақорат қилгани-қилган. «Авсунполитен» журналида босиб чиқарилган ўша манхус мақолани ўқимаганлар ҳам мулоҳаза юритилаётган ишқий учбурчак ҳакида керагидан ортиқ хабардор бўлди. Гарри эса ҳаммага Гермиона унинг қизи эмаслигини тушунтиравериб чарчади.

- Эътибор қаратмай қўйсак, ҳамма ишлар ўз изига боз тушиб кетади, мана кўрасан, - дер эди у Гермионага, - Мен тўғримда ёзилган анави мудхиш мақолани муҳокама қилмай қўйишидди-ку, ахир...

- Одамлар орасидаги яккама-якка ўтган сухбатларни қай тарзда эшитиб юрганини билмоқчиман. Ахир Рита Вритеर учун мактаб ҳудудига кириш дарвозалари ёпик-ку! - аччиқланди Гермиона.

Ёвузлик кучидан ҳимоя фани бўйича ўтказилган навбатдаги дарсдан сўнг, Гермиона, баъзи нарсаларни аниқлаб олиш учун профессор Хмурининг ҳузурида ушланиб колди. Колган ўқувчилар эса хонани имкон қадар тезроқ тарк этиб чиқишга ошиқди. Гап шундаки, Хмури, афсун траекториясини ўзгартиришга оид тест синовларига шу қадар берилиб кетган эдики, тан жароҳати етмаган боланинг ўзи қолмади. Қулоқ ҷўзиш афсуни Гарри учун яхши оқибат билан якун топмади. Бола боякиш синф хонасидан қулогини бошига босиб олганча, тез чиқиб кетди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас Гермиона вестибюлга етган болаларни қувиб етди.

- Ҳар қалай Рита кўринмас плашдан фойдаланмаётгани аниқ бўлди, - деди у, Гаррининг кўлини буралиб кетган қулогидан тортиб, - Хмурининг иккинчи мусобака вақтида Рита Вритерни ҳакамлар столи ёнида ҳам, кўл соҳилида ҳам кўрмаган экан.

- Гермиона! Шу ишингни бас қилишни илтимос қилишдан наф борми? - эҳтирос-ла мурожаат килди Рон.

- Йўқ! - саркашлик қилганча, туриб олди Гермиона, - Виктор билан ўтган сухбатимни, Хагрид ўз онаси ҳакида айтган гапларни қандай эшитганини жуда билгим келяпти!

- Эҳтимол кийимларингта митти электрон қўнғизча ўрнатгандир? - тахмин килди Гарри.

- Кўнғизча? - тушунмади Рон, - Бу... бурга қўйиш, дегани-ми?

Гарри магллар оламининг маҳсус хизматлари томонидан яширинча ўрнатиладиган кичик ўлчамили микрофонлар-у, овоз ёзиш қурилмалари ҳакида тушунтира кетди. Буни завқ билан эшитган Рон роса ҳайрон бўлди-ю, Гермиона гапга аралащи.

- Бирор кун келиб ««Хогварц» тарихи»ни ўқиб чиқасизми иккалангиз, йўқми?

- Овора бўлиб, ўқиб ётамизми? - таажжубланди Рон, - Ёнимизда ўша китобни ёд олган сен бор-ку. Бирон-бир маълумот керак бўлса, сендан сўраб олаверамиз.

- Компьютер, радар каби электр токи воситасида ишлайдиган, сеҳр-жодудан мутлақо бехабар магллар томонидан қўлланиладиган ўша нарсалар «Хогварц» якинига келтирилиши билан ишдан чиқади. Негаки, бу ердаги ҳаво сеҳр-жодуга ҳаддан ортиқ тўйинтирилган. Йўқ, Рита Вритер бу ерда ундей нарсаларни ишлата олмайди. У факат сеҳргарлар оламида қўлланиладиган пинҳона эшитиш воситаларидан фойдалана олиши мумкин холос... Қанаканги воситалар экан?... Билиб олгудай бўлсан борми!... Агар борди-ю ўша воситалар ғайриқонуний бўлса-ми!... Ох, онасини Учқўрғонда кўрсатиб қўяман ўшанда унга...

- Худди бошқа ташвишларимиз йўқдай гапирасан-а! - эътиroz билдириди Рон, - Хун олиш билан шуғулланиш етмай турган эди!

- Мен сендан ёрдам сўраганим йўқ! - ўшкириб берди Гермиона, - Ўзим уddyалайман! У шартта орқа ўғирди-да, мармар зинапоя бўйлаб юкорига кўтарилиб кетди. Кутубхонага

йўл олди, хаёлдан ўтказди Гарри, нўхатдай бўлсин, шубҳа қилмай.

- Бас боглашим мумкинки, «Рита Вритердан нафратланаман» қўкрак нишонларининг бир кутиси билан қайтади.

Гермиона чиндан ҳам Ритага қарши олиб борган курашида Гарридан ҳам, Рондан ҳам ёрдам сўрамади. Болалар эса бундан жуда хурсанд бўлишди. Зеро, Пасха таътили яқинлашган сари ўқувчиларга бир олам уйга вазифалар берилди. Уй вазифаларини базур уддалаётган Гарри нафақат вазифалар ижроси, балки сеҳрли пинхона эшиши усулларини ҳам тасарруф этиб боришга улгураётган Гермионага қойил қолди. Бола Сириусга таом йўллаб туришни ҳам унутмади. Унинг оч юриш борасида ёзги таътиллар давомида тўпланган тажрибаси ниҳоятда бой бўлиб, Сириуснинг хозирги ҳолатини жуда яхши идрок этади. Жўнатмалар орасига янгиликлар йўклиги, Персидан ҳанузгача жавоб олинмаганлиги ҳакида ёзилган хатлар йўллаб борди.

Хедвиг Пасха таътилиниң охиридагина қайтиб келди. Персиның жавоб хати миссис Уэсли томонидан йўлланган Пасха тухумлари орасига жойланган экан. Қайнатиб қуюлтирилган сутга тўлдирилган бўлиб, Гарри билан Ронга аталган тухумларнинг ҳар бири сал кам аждар тухумидай келса, Гермионага йўлланган тухум бедананинг тухумидай келади. Совғасини кўрган Гермиона қовоғини уйиб олди.

- Рон, мабодо ойинг «Авсунполитең» журналига обуна бўлмайди-ми? - сўради паст овозда.
- Бўлади, - ғудуллади оғзини қуюлтирилган сутга тўлдириб олган Рон, - Овқат тайёрлаш усулларини ўша журналдан олади.

Гермиона ўзининг миттигина тухумига маъюсгина қараб қўйди.

- Келинглар, яххиси Персидан келган хатни ўқиймиз! - таклиф киритди Гарри, мавзуни алмаштириш максадида.

Персиның хати қисқа, оҳангি эса дарғазаб экан:

«Башорат-у, каромат газетаси»нинг муҳбирларига доимо айтиб келганман, сизларга ҳам шуни тақрорлайман: мистер Сгорбс толиққан ва у ҳақли равишда дам оляпти. Бироқ бойқушлар орқали департаментимиз фаолиятига таалукли фармойишлар йўллашини тўхтатгани йўқ. Ўзини кўрмадим, лекин йўлайман-ки, сўзларимга ишонсангиз бўлаверади. Зеро, ўз бошлиғимнинг дастхатини жуда яхши танийман. Турли-туман бўлар-бўлмас миши-миш гапларга барҳам беришдан ташқари, ўзимнинг ишим ҳам бошдан ошиб-тошиб ётибди. Бинобарин, фавқулодда зарурат бўлмас экан, мени ортиқча безовта қилманг. Дилкаш Пасха тилайман.

Одатда, ёзги семестр бошида, Гарри, квидиши мавсумининг сўнгги ўйини учун ўтказиладиган машкларга зўр берар эди. Бу йил эса Уч сеҳргар беллашувининг сўнгги, учинчи мусобақасига тайёргарлик кўриши керак. Фақат ушбу мусобақа мазмунан қандай вазифа ижросидан иборат бўлишини билмайди. Ниҳоят, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани бўйича май ойининг сўнгги хафтасида ўтган дарсдан кейин профессор Макгонагалл уни ушлаб қолди.

- Бугун, кечки соат тўқизда, Поттер, ўйингоҳга боришинг керак, - маълум қилди у, - Мистер Шульман сизларга сўнгги мусобақага доир йўл-йўриклар беради.
Соат саккиз яримда Гарри дўйстлари билан хайрлашганча, «Гриффиндор» минорасини тарк этиб, пастга тушиб кетди. Вестибюлдан ўтар экан «Хуффльпуфф»нинг умумий меҳмонхонасидан чиқиб келаётган Седрикни кўрди.
- Нима деб ўйлайсан, бу сафар нима кутяпти бизни? - сўради у Гарридан, - Флёр доимо аллақандай ер ости йўллари ҳакида гапиргани-гапирган. Унинг сўзларига қараганда, биз хазина излаб топишимиз керак экан.

Иккаласи асосий пиллагоядан тушиб, булут қоплаган кечки осмон остига чиқди.

- Ёмон бўлмас эди, - деди Гарри, исковучлардан бирини Хагриддан қарзга сўраб туриши ю, хайвонча унинг ўрнига керакли ишни бажаришини ўйлаб.

Седрик иккаласи оқшом осмони остида қорайиб бораётган майсазор бўйлаб, ўйингоҳга, намойишгоҳлар орасидан ўтиб, ўйин майдонига етиб борди.

- Нималар қилишди ўйингоҳимизни? - эътиroz билдириди Седрик, оёги ерга кўмилгандай тек қолиб.

Доимо текис, силлиқ бўлган квидиш майдонида энди пастаккина, ўзаро кесишиб, хар томон тармоқлаб кетган узун шох деворлар ўсиб чиқкан.

- Буталар-ку, бу! - деди Гарри, якинроқ кўриш учун энгашиб.

- Ҳаммага салом! - янгради қувноқ овоз.

Дала ўртасида Крум билан Флёр даврасида Людо Шульман турибди. Гарри билан Седрик пастак деворлардан ошиб учаласига яқин бориши. Гаррини кўрган Флёр яшнаб кетди.

Синглисини кўл тубидан олиб чиқиб берганидан буён Флёрнинг Гаррига бўлган муносабати тубдан ўзгарган.

- Қалай? Ёқди-ми сизларга? - қизиқди бахтиёр қиёфа касб этган Шульман, Гарри билан Седрик сўнгги бута-девордан ошиб ўтгач, - Яхши ўсяпти, а? Хагриднинг саъй-харакати билан яна бир ойдан сўнг, ушбу деворлар бўйи ийгирма футга етади. Хавотир олманг, - кулди у, Гарри билан Седрикнинг таҳайор юзларидағи маънони уқиб, - Мусобақа ўтиши билан квидиш майдонингиз яна ўз ҳолига қайтарилади! Нима бунёд этилаётганини англаб етдингиз, деб ўйлайман, а?

Бир-икки сония ҳамма жим бўлиб қолди.

- Лабиринт, - ғудуллади ниҳоят Крум.

- Тўппа-тўғри, - хурсанд бўлиб кетди Шульман, - Лабиринт. Учинчи мусобақа шарти аслида у қадар қийин эмас, жуда содда. Уч сеҳргар беллашуви Кубоги лабиринт марказига жойлаштирилади. Унга биринчи бўлиб қўл теккизган чемпионликка даъвогар олий баллга эришиб, чемпионлик унвонига сазовор бўлади.

- Биз лабиғинтдан ўтсак бўлди-ми? - сўради Флёр.

- Бироқ бу сиз ўйлаганча осон кечмайди, деб ўйлайман, мисс. Лабиринт ичидаги муайян ғовлар ҳам дуч келади, - завқ-шавқ-ла аниқлик киритди Шульман, товонида туриб тебранганча, - Хагрид бу ерга... ўсимлик-хайвончаларнинг айрим турларини экиб кўяди... Бундан ташқари, йўлингизда таъсирига барҳам бериш керак бўлган баъзи бир афсунлар ҳам учрайди ва хоказо, ўзингиз тушунасиз. Ҳа, яна бир гап: лабиринт ичига биринчи бўлиб баллар сони бўйича пешқадамлик қилаётган чемпионликка даъвогарлар киради, - кўшиб кўйди Шульман Гарри билан Седрикка иршайиб, - Сизлардан кейин мистер Крум, охирги бўлиб эса мисс Делакёр киради. Шунга қарамай, ичкарида ҳар бирингизнинг имконингиз тенглашади. Зотан ҳамма гап йўлингизда учраган тўсиқ ва ғовларни маҳоратла енгиб ўтишингизга боғлиқдир. Вактичоғликнинг ўзгинаси, шундай эмасми?

Хагрид томонидан Уч сеҳргар беллашуви шарофатига қандай «беозор» ўсимлик-хайвончалар экиб кўйилиши мумкинлигини яхши тасаввур қилган Гарри, ушбу тадбирнинг вактичоғлик деб аталишига шубҳа билан қараса-да, бошқалар қатори бош иргиб кўя қолди.

- Жуда соз... агар ҳеч кимда савол туғилмаган бўлса, қасрга қайтишни таклиф қиласман. Салқин тушиб қолди.

Улар лабиринтдан чиқиши томон йўл олиши. Шульман Гаррининг ёнида лўқиллаб келмоқда. Ҳозир яна ёрдам таклиф қиласди, хаёлдан ўтказди Гарри. Аммо айни шу фурсатда унинг елкасига Крум кўл теккизди.

- Бииз гаплашииб олишиимииз мумкинмий?

- Ха, албатта, - таажжубланди Гарри.

- Четга чиққамизмий?

- Яхши, - қизиқиб қолди Гарри.

Нимадандир умидвор Шульманнинг дили сиёҳ бўлгандай кўринди.

- Кутиб, турай-ми сени, Гарри?

- Йўқ, раҳмат, мистер Шульман, ишлар жойида, - рад этди Гарри, кулгисини базўр тийиб, - Қасрни топа оламан.

Гарри билан Крум ўйингоҳдан бирга чиқиши. Лекин негадир Крум «Дурмштранг» кемаси томон эмас Ман этилган ўрмон томон йўл бошлади.

- Нега ўрмон томон кетяпмиз? - сўради Гарри Хагриднинг қулбаси билан ёркин ёритилган «Бэльстэк» араваси ёнидан ўтишгач.
- Гапииимиизни бииров пинхон эшиитиб қолиишииний истамайман, - киска тушунтириди Крум.

Нихоят икковлон қанотли отлар қамалган қўтондан сал наридаги сокин жойга етиши.

Крум дараҳтлар орасида тўхтаб, Гаррига юзланди.

- Херм-иоун-нина иккалангизниинг орангиизда ниима гап борлигиииний биилишини истаман, - домангир қиёфа ясаганча, гап бошлади у.

Жиддийроқ мавзу кутган Гарри сухбатнинг бундай муқаддимасини эшитиб, Крумга таажжуб-ла қараб қўйди.

- Ҳеч гап йўқ, - деди у.

Бироқ Крумнинг бадқовоқ башарасини кўрган Гарри, болгарнинг бўйи аслида новчароқ эканлигига яна бир бор иқрор бўлиб, қўшимча қилиб қўйди:

- Биз шунчаки дўстмиз холос. У менинг қизим эмас ва ҳеч қачон ундан бўлмаган. Бу гапларнинг барини Рита Врите р тўкиб чиқарган.
- Херм-иоун-нина сен ҳакиингда тез-тез гапириб турдии, - деди Крум Гаррига шубҳа ила қараб.

- Тўғри, - тасдиклади Гарри, - Чунки биз дўстмиз.

Машҳур квидиши ўйинчиси Виктор Крум билан ушбу мавзуда сухбатлашаётганига Гарри ҳеч ишонмаяпти. Демак, ўн саккиз ёшли Крум Гаррини ўзига тенг кўриб, ракиб деб биляпти...

- Ва сиизлар ҳеч қачон... сииз иккалангиз... ҳеч қачон...

- Йўқ, - деди Гарриnihоятда қатъий оҳангда.

Крумнинг кўнгли ёришгандай бўлди. Бир неча сония чурқ этмай Гаррига тикилиб турди-да, сўнг кутилмаганда:

- Сен зўр учар экансан. Биириинчии мусобақанин кўрииб, шахсан ишонч хосиил киилдиим, - деди.

- Раҳмат, - деди Гарри иршайиб, - Мен эса сенинг маҳоратингни Кубок финалида кўрганман. Каззобскийнинг фирибиға гап йўқ!...

Шу пайт Крум ортидаги дараҳтлар орасидан бир нарса ялт этиб ўтгандай бўлди. Ман этилган ўрмон ичида яшайдиган маҳлуқлардан боҳабар Гарри ғайриихтиёрий равища Крумнинг кўлидан ушлаб, ўзига тортди.

- Ниима эдии у?

Гарри бош чайқаб қўйди-да, ҳаракат содир этилган жойдан кўзини узмай қўлини коржомасининг қатларига солиб сеҳрли таёқчасини чиқарди.

Кейинги фурсатда баланд ўсган эман ортидан қандайдир эркак киши чиқиб келди. Гарри уни танимади... сал ўтиб... ахир бу мистер Сгорбс-ку!

Мистер Сгорбснинг ташки кўриниши худди кўп кунлардан буён пиёда юрган мусофирига ўхшайди. Коржомасининг тизза соҳаси йиртилиб, қонга белангтан. Толикқанидан кул ранг тус олган юзи роса тимдаланган, соқоли олинмаган. Бир вактлар бекусур кўринган мўйлови билан сочи сартарош хизматига эҳтиёж сезмоқда. Киёфаси таажқуб кўринаётган бўлса, хулк-атвори ундан ҳам ғалати кечмоқда. Мистер Сгорбс алланима вайсаб, зўр берганча имо-ишора қилмоқда. Афтидан у, факат ўзининг кўзига кўринаётган аллақандай киши билан сухбат қурмоқда. Туришидан бир вактлар Петунья хола билан дўконда юришганда дуч келган мискин кишини эслатди. Ўша одам ҳам худди мистер Сгорбс каби ўзи билан ўзи гаплашиб юрган. Ундан тезроқ нари қочиш учун Петунья хола Дудлининг кўлидан ушлаб, кўчанинг нариги томонига ўтиб олган эди. Ўша оқшом Вернон амаки ихтиёр унда бўлганида гадойлар-у, мискинларни нима қилган бўлиши ҳақида узоқ маъруза ўқиди.

- Бу ахиир, ҳакам-ку?! - бақрайиб қолди Крум, - Сиизларниинг вазирилигииингиздан, а?

Бош ирғиб қўйган Гарри бир оз иккиланиб тургач, мистер Сгорбс томон одимлади. Ўгирилиб ҳам қўймаган мистер Сгорбс ёнидаги дараҳт билан гаплашишни давом эттирмокда.

- ... бу ишни якунига етказганингиздан сўнг, Уэзерби, Уч сехргар беллашувига хозир бўладиган «Дурмштранг» ўқувчиларининг сонини тасдиқлаб, Дамблдорга бойкуш йўлланг. Каркаровдан хозиргина олинган маълумотга караганда, улардан ўн икки нафар ўқувчи келади...

- Мистер Сгорбс, - аста чақирди Гарри.

- ... шундан сўнг, Максим хонимга ҳам бойкуш йўлланг. Модомики, Каркаров ўн икки нафар ўқувчи олиб келар экан, Максим хоним ҳам ўз ўқувчиларининг сонини оширса, ажаб эмас... Удалай оласизми, Уэзерби? Удалай оласизми? Удалай...

Бирдан мистер Сгорбснинг кўзи чаноғидан чиқиб кетгудай бўлиб қолди. У дараҳтга бақрайганча, унсиз ғудуллаб турди-да, тиззасига ўтириб қолди.

- Мистер Сгорбс! - баландроқ овозда чақирди Гарри, - Сизга нима қилди?

Гарри кўзлари орқага тортиб кетган Сгорбснинг орқасидан келиб, бақрайганча тек котган Крумга юзланди.

- Үнга нийма қилиибдии?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - ғудуллади Гарри, - Балки бирортасини бошлаб келарсан, а?

- Дамблдор! - кутилмаганда овоз берди Сгорбс.

У қаёққадир юқорига, номаълум томон қараганча, кўлини олдинга узатиб Гаррининг коржомасини маҳкам ушлаб олди-да, ўзига тортди.

- Дамблдорни... мен Дамблдорни кўришим керак...

- Албатта. Агар ўрнингиздан турсангиз, сизни Дамблдорнинг хузурига олиб борамиз... - ишонтириди Гарри.

Жағидан сўлак осилиб тушган, ҳар бир сўзини қаттиқ кучаниб айтиётган, чақчайиб кетган кўзлари дам-бадам орқага тортиб кетаётган Сгорбснинг ақлдан озгани кўриниб туриди.

- Мен... ахмоклик қилиб қўйдим... - базўр гапира олди у, - Дамблдорга... икрор... бўлишим керак...

- Ўрнингиздан туриңг, мистер Сгорбс, - баланд ва аниқ талаффуз этди Гарри, - Туриңг, мен сизни унинг хузурига элтиб қўяман!

Сгорбснинг нигоҳи Гаррига келиб тўхтади.

- Сиз... кимсиз? - пицирлади у.

- Мен ўқувчиман, - жавоб қайтарди Гарри Крумдан мадад кутиб.

Бироқ чўчиб кетган Крум сал нарига бориб олган.

- Сиз... у билан эмасмисиз? - пицирлади Сгорбс ияги очилиб.

- Йўқ, - таваккал жавоб қайтарди Гарри.

- Дамблдор тарафдоримисиз?

- Ха, - тасдиқлари Гарри.

Сгорбс болани янада кучлироқ тортди. Гарри унинг чангалидан халос бўлишга уринди-ю, уддасидан чиқа олмади.

- Дамблдорни... огоҳлантириб қўйинг...

- Мен Дамблдорни етаклаб келаман, агар мени қўйиб юборсангиз, албатта, - уқтиришга уринди Гарри, - Кўлингизни бўшатинг, мистер Сгорбс, мен уни етаклаб келаман...

- Раҳмат, Уэзерби. Ушбу ишларни ниҳоясига етказиб бўлганингиздан сўнг, бир пиёла чой келтирсангиз, сиздан жуда мамнун бўлар эдим. Тез орада рафиқам билан ўғлим келиши керак. Бугун Фужлар оиласи билан бирга концертга тушамиз.

Сгорбс яна дараҳт билан бемалол гаплаша бошлади. У ёнида бирор борлигини пайқагани ҳам йўқ. Гарри Сгорбснинг бундай ҳолатидан шу қадар таажжубланиб қолдик, чангалини бўшатганини ҳам сезмади.

- Ўғлим яқинда МОСДнинг ўн иккинчи савиясига эга бўлди, ха, албатта, қониқарли савия, мутлақо тўғри, ташаккур, раҳмат, ха, ха, чиндан ҳам фахрланаман. Энди марҳамат қилиб,

Андорра Сехгарлик вазирлигидан келган хатни узатиб юборсангиз. Жавоб хатини қоралаб қўйишга улгурсам керак... (*Андорра – давлат (Андорра водийлари – Андорра князлиги, Европанинг жсанубий-гарбидаги давлат, Шарқий Пиренея тоглари ва Валира (Эбро дарё ҳавзаси) водийида)*).

- Сен бу билан ўтириб тур! - амр қилди Гарри Крумга, - Мен бориб Дамблдорни етаклаб келаман. Уни мен тезроқ топаман. Директоримизнинг хонаси қаерда эканлигини ҳамма ҳам билавермайди...
- У аклдан озган, - деди Крум иккиланиб.
Афтидан Перси билан сухбат қураётганига шубҳа қилмаган Сгорбс ерга ёнбошлаб олганча, дараҳтга алланима деб вайсаяпти.
- Ёнида туриб турсанг бўлди, - деди Гарри ўрнидан турар экан.
Бирок боланинг қўзғалиши Сгорбснинг хулкида яна ўзгариш уйғотди. У Гаррининг тиззасидан кучиб олиб, боз ерга тортди.
- Мени... ёлғиз ташлаб... кетманг... - умидсиз пицирлади Сгорбс, кўзлари чаногидан чикиб кетгудай бўлиб, - Мен... қочиб кетдим... олдини олишим керак... огохлантириб қўйишим зарур... Дамблдорни... кўришим шарт... менинг айбим... ҳаммасига ўзим айборман... Берта ўлган... менинг айбим билан... ўғлим... менинг айбим билан... ҳаммасига ўзим айборман... Дамблдорга айтинг... Гарри Поттер... Ёвуз Лорд... у кучли... Гарри Поттер...
- Қўйиб юборинг, Дамблдорни етаклаб келаман! - бақирди Гарри ва Крумга дарғазаб қаради, - Ёрдам берсанг-чи, нега лалляясан!
Хавфсираб келган Крум Сгорбснинг ёнига келиб чўқкалади.
- Кетиб қолишига йўл қўйма, - деди Гарри ниҳоят халос бўлгач, - Мен Дамблдорни бошлаб келаман.
- Тезроқ қайт, хўпмии? - бақириб қолди Крум.
Гарри қоп-коронги ҳовли бўйлаб қаср томон юкурди. Атроф кимсасиз. Шульман, Седрик ва Флёр аллақачон кетиб бўлишган. Гарри асосий пиллапоя устидан учиб ўтиб, мармар зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилди. Беш дакиқадан сўнг, кимсасиз йўлақдаги катта, ниҳоятда хунук аждар тусли тош илон қаршисида тўхтади-да, Дамблдорнинг хонасига кўтариб чиқадиган яширин эскалаторга кириш паролини ҳансираф талаффуз этди:
- Лим... лимонли обакидандон!
- Хар қалай, девор икки йил муқаддам шу пароль билан очилган эди. Бирок пароль алмашган кўринади, жонланиб, четга қочиши керак бўлган тош илон қилт этмай, Гаррига дарғазаб қараганча, тек турибди.
- Қимиirlасанг-чи! - наъра тортди Гарри, - Тезроқ!
Аммо «Хогварц»да бақир-чакир билан иш битмайди. Гарри буни жуда яхши билади. У коронги йўлакка қараб қўйди. Балки Дамблдор ўқитувчилар хонасидадир, хаёлдан ўтказди у ва бор кучи билан зина томон отилди...
- ПОТТЕР!
- Кескин тўхтаган Гарри орқа ўтирилиб, яширин эскалатордан чикиб келаётган Снеггни кўрди. Унинг ортидаги девор аста ёпилемоқда. Снегг Гаррига имо қилиб, ёнига чорлади.
- Нима қиляпсиз бу ерда, Поттер?
- Менга профессор Дамблдор керак! - юкурди Гарри.
Бирок девор ёпилиб қолиб, Снеггнинг рўпарасида қоқилган қозик сингари туриб қолишга тўғри келди.
- Хўш?
- Мистер Сгорбс тўғрисида айтадиган гапим бор... у хозиргина пайдо бўлиб келди... ўрмонда... ўтиниб ётиби...
- Нималар деб алжираяпсан, Поттер? - гапни бўлди Снегг қоп-қор кўзлари нохуш яркираб.
- Алжираётганим йўқ! Мистер Сгорбс ҳакида гапирияпман! Вазирлиқда ишлайди, танийсиз-ми? У касал ёки бошқа нимадир бўлган унга. Ўрмонда ётиби, Дамблдорни сўрайапти! Паролни айтинг менга...
- Директор банд, Поттер, - мурдор табассум-ла маълум қилди Снегг.

- Дамблдорга зудлик билан етказишим керак!

- Гапимни эшитдингиз-ми, Поттер?

Снегг Гаррининг мақсадга эришиш йўлида ғов бўлганидан ҳузур қилаётган кўринади.

- Кулок солинг, - дарғазаб бўлди Гарри, - Сгорбснинг томи жилиб қолган чамаси... алаҳсираб ётиби... ниманидир олдини олмоқчи...

Снеггнинг ортидаги девор боз очилиб, остоңада эгнига яшил коржома кийган, йўлакда турганларни кўриб, хайрон бўлган Дамблор кўринди.

- Профессор! - қичқирди Гарри оғиз жуфтлашга улгурмаган Снеггни айланиб ўтиб, - Ўрмонда... мистер Сгорбс... сиз билан гаплашмоқчи!

Гарри Дамблор ҳам бир дунё савол ёғдиришини кутди. Бироқ Гаррини ҳайрон колдирган директор бундай қилмади. Аксинча, «Йўл кўрсат» деганча, таҳайор башара касб этган Снеггни тош илон олдида қолдириб, боланинг кетидан эргашиб кетди.

- Мистер Сгорбс нималар деди, Гарри? - сўради Дамблор, мармар зинапоядан пастга шиддат-ла тушиб боришар экан.

- Сизни огохлантириб қўйиши керак экан... қандайдир гуноҳ иш қилиб қўйганига икрор бўлмоқчи... ўғлини эслаб ўтди... Берта Жоркинсни... Вольдемортни ҳам тилга олиб ўтди... айтишича у, тобора кучли бўлиб бораётган эмиш...

- Ростданми? - деди Дамблор қадамини тезлатиб.

Иккаласи коп-коронғи зулматга кириб кетишиди.

- У ўзини жуда ғалати тутди, - давом этди Гарри, Дамблорнинг кетидан шошилиб, - Афтидан қаерга келиб қолганини идрок этмаяпти. Дам Перси билан хотиржам гаплашиб ўтиргандай бўлади, дам кескин ўзгариб қолиб, сиз билан юзлаштиришни сўраб, ўтинади. Мен уни Крум билан қолдирдим.

- Шунақа де? - сергак тортди Дамблор қадамини янада тезлатиб, - Мистер Сгорбсни яна бирон киши кўрган бўлиши мумкинми, хабаринг йўқми?

Гарри етишиб юриши учун югуришга мажбур бўлди.

- Йўқ, - жавоб берди у, - Мистер Шульман учинчи мусобақа мазмуни ҳақида айтиб берди. Шундан сўнг, Крум иккаламиз сухбатлашиб, орта қолдик. Ана ўша пайтда мистер Сгорбс ўрмондан чиқиб келди...

- Каерда улар? - сўради Дамблор.

Коронгиликда «Бэльстэк» араваси кўринди.

- Хў, анави ерда, - деди Гарри олдинга чиққанча, Дамблорни ортидан эргаштириб.

Сгорбснинг овози эшитилмаётган бўлса-да, Гарри қайси томонга юришни билади.

Аравадан узоқ эмас... қаердадир шу яқин атрофда...

- Виктор! - бақирди Гарри.

Ҳеч ким жавоб бермади.

- Улар шу ерда эди, - деди Гарри Дамблорга, - Аниқ шу ерда эди...

- Люмос, - ғудуллади Дамблор сехрли таёқчасини баланд кўтариб.

Таёқча учидан таралган энсиз нур шуъласи бир дараҳтдан иккинчисига ўтиб, нихоят ерда ётган одамнинг оёғини ёритди.

Гарри билан Дамблор олға ташланди. Хушсиз Крум ерда узала чўзилиб ётиди.

Дамблор аста энгашиб, Крумнинг қовоғини очиб кўрди.

- Уриб йиқитиши қарғиши, - аста хулоса чиқарди коронгиликда яrim ой шаклидаги кўзойнаги яркираган Дамблор.

- Бирон кишини чақириб келай-ми? - сўради Гарри, - Помфри хонимни чақирай-ми?

- Йўқ, - тез рад этди Дамблор, - Кимиirlамай ўтириб.

У таёқчасини юқорига кўтариб, Хагриднинг кулбаси томон ўқтади. Таёқча учидан кумуш тусли нимадир учиди чиқиб, хаёлий қуш каби дараҳтлар орасидан учиди кетди. Шундан сўнг, пастга энгашган Дамблор таёқчасини Крумга йўллаб:

- Энервейт! - деб ғудуллаб кўйди.

Крум кўзини очди. Юзи мутлако ифодасиз. Дамблорни кўриб, ўтириб олишга уринди. Бироқ Дамблор қўлини Викторнинг елкасига кўйиб, хотиржам ётишини амр этди.

- Менга ташландии! - түнгиллай бошлади Крум, - Анавии ақлиинии еган қария менга ташландии! Поттерни излаб атрофга қараган эдиим, орқамдан ҳамла қиилииб қолдии!

- Бир оз хотиржам ёт, - тұхтатди уни Дамблдор.

Оғир қадам товушлари билан итнинг ангиллаши әшитилди. Тез орада қўлида арбалет ушлаган Хагрид билан Сўйлоқтиш пайдо бўлди. Манзарани қўрган давангирнинг қўнғиз кўзлари катта-катта очилиб кетди.

- Профессор Дамблдор! Гарри? Бу нима?...

- Хагрид, профессор Каркаровни тез топиб кел, - буюрди Дамблдор, - Унинг ўқувчиларидан бирига ҳамла қилинган. Шундан сўнг, илтимос, профессор Хмурига хабар бер...

- Бунга ҳожат йўқ, Дамблдор, - янгради зириллаган наъра, - Мен шу ердаман.

Бир қўлига асо, иккинчисига ёритилган таёқчасини ушлаган Хмури каловланиб келмоқда.

- Жин урсин, бу оёкни, - дарғазаб вайсади у, - Тезроқ келишим ҳам мумкин эди...

Тинчликми? Снегг Сгорбс тўғрисида нимадир дегандай бўлди...

- Сгорбс тўғрисида? - сўради ҳеч нимани тушунмаган Хагрид.

- Каркаровни чакириб кел, илтимос, Хагрид, тезроқ! - гапни кескин бўлди Дамблдор.

- А... Ҳа-я... - дўриллади Хагрид ва Сўйлоқтиш билан бирга коронгиликка кириб кетди.

- Барти Сгорбснинг қаердалигини билмайман-у, - деди Дамблдор Хмурига мурожаат қилиб, - Лекин уни албатта топиш кераклигини аниқ биламан.

- Үндей бўлса, мени ишга киришди, деб хисоблайверинг, - наъра тортди Хмури, қўлида таёқчасини маҳкам тутганча, ўрмон қаърига кириб кетиб.

Хагрид билан Сўйлоқтиш қайтаётгани аниқ әшитилгунга қадар Дамблдор ҳам, Гарри ҳам чурқ этмай ўтиреди. Кумуш тусли мўйна кийим кийган, ранги оқариб, дарғазаб қиёфа касб этган Каркаров иккаласининг ортидан пайдо бўлиб келди.

- Тинчликми? Нима гап? - сўради у, ерда ётган Крум ва унинг ёнида турган Дамблдор билан Гаррига қўзи тушиши ҳамоно.

- Менга ҳамла қиилиищди! - жавоб берди Крум ётган ўрнига ўтирганча, бошини уқалаб, - Министер Сгорбс-мии ёкии нийма эдии унинг исмии...

- Сгорбс ҳамла қилди? Сгорбс? Уч сеҳргар беллашуви ҳаками-я?

- Игорь, - гап бошлади Дамблдор.

Бироқ мўйнасига янада зичрок ўраниб олган Каркаров дарғазаб нигоҳ ташлаб, гапни бўлди.

- Хиёнат! - ўкира кетди у, кўрсаткич бармоғини Дамблдорга ўқтаб, - Фитна! Сиз ва сизнинг вазирлигингиз мунофиқона йўл тутиб, мени бу ерга жазб этгансиз! Аввал бошдан маълум бўлган эди мусобақа тенг хукукли эмаслиги! Дастреб ёши етмаган Поттерни тикиштирдингиз! Энди вазирликда ишлайдиган дўстингиз менинг чемпионликка даъвогаримни сафдан чиқаришга уринди! Мунофиқона ўйин бўлаётгани бошидан аён бўлган эди-я! Буларнинг бари уюшган жиноятчилик, деб аталади, Дамблдор! Халкаро сеҳргарлик муносабатларини мустахкамлаш, илгариги бирликни тиклаш, бўлиб ўтган хусуматларни унудиши тўғрисидаги гапларингиз... Буларнинг барига тупурдим! - деди Каркаров Дамблдорнинг оёғи остига тупуриб.

Яшин тезлигида харакат қилган Хагрид Каркаровнинг қўкрагидан шартта чанглаб олдида, баланд кўтариб, дараҳтлардан бирининг танасига қапиштириб қўйди.

- Жонингдан умидинг бўлса, узр сўра! - ириллади Хагрид оғзи билан ҳаво ютиб, оёклари типирчилаётган Каркаровнинг бўғзини эзиб.

- Хагрид, йўқ! - кичқирди Дамблдор кўзлари чақнаб.

Давангир сал кам дараҳт учига қўтарилган Каркаровнинг ёқасини осилиб турган жойидан қўйиб юборди. «Дурмштранг» директори дараҳтнинг бўртиб чикқан илдизлари устига гумбурлаб тушди. Бошига эса бир нечта шоҳ ва бир олам барг тўкилди.

- Хагрид, илтимос, Гаррини қасрга, «Гриффиндор» минорасигача кузатиб қўй, - деди Дамблдор қатъий оҳангда, - Ҳа, айтгандай, Гарри, тонг отгунга қадар ўша ердан чиқмасдан ўтиришингни илтимос қилган бўлар эдим сендан. Ҳар қандай юмушингни, шу жумладан,

бойқуш жүннатиш каби ишларингни эрталаб бажарасан, хўпми? Фикримни тушундинг, а?

- М-м-м... ҳа... - ҳайрон бўлди, Сириусга зудлик билан Чўчинстелни юбориш ҳакида ўйлаётган Гарри.

- Сўйлоқтишни сиз билан қолдираман, директор, - деди мўйна кийими дараҳт илдизига илиниб, ўрнидан тура олмаётган Каркаровга ёвуз қараб қўйган Хагрид.

Гарри иккаласи «Бэльстэк» араваси ёнидан индамай ўтиб, қаср томон йўл олишди.

- Дамблдорга бундай айб қўйишга қандай журъат этди?! - овоз кўтарди Хагрид, кўл бўйидан ўтишар экан, - Худди Дамблдор бундай ишга қодирдай айлашини қаранг-а! Гўё у сени Беллашувда иштирок этишингни истаган каби гапириши-чи! Ахир айнан шу холат туфайли ташвишига ташвиш қўшилиб юрибди-ку! Дамблдорни бундай холатда хали хеч қачон кўрмаган эдим! Сен-чи, чурвақа! - кутилмаганда Гаррига ўшқириб берди у, - Анави жин урган Крум билан кимсасиз, нотаниш жойларда юришингни қара! Ахир у

«Дурмштранг»дан-ку, Гарри! Шартта олади-да, қарғаб ташлайди! Хмури сени ҳеч нарсага ўргатмади-ми? Тентак қўйга ўхшаб, ўзингни ўзинг тузоққа илинтириб беришингни қара-я!

- Крум яхши йигит! - кизишиб эътиroz билдириди Гарри, асосий пиллапоядан кўтарилиб, вестибиулга киришар экан, - У мени қарғамоқчи эмас эди, шунчаки, Гермиона ҳакида гаплашиб олмоқчи эди...

- Гермиона билан ҳам гаплашиб қўяман ҳали! - дўриллади Хагрид танқид оҳангода, - Анави ажнабийлар билан қанча кам оғиз-бурун ўпишиб юрсангиз, шунча кўп хавфсиз бўласиз. Уларга ишониб бўлмайди.

- Кал ўзидан бехабар, деб шунга айтсалар керак-да, - заҳарли илондай чақиб олди Гарри, - Максим хоним билан апок-чапоқ бўлиб юрган эдинг-ку! Аввал ўзингга бок, кейин ноғора қок.

- У ҳақда гапирма менга! - жаҳл килди Хагрид, маълум фурсат кўрқинчли қиёфа касб этиб,

- Унинг қандайлигини фаҳмлаб олдим! Алдам-калдам йўллар билан яна ишончимни қозониш, алдаб-сулдаб пинжимга кириб олиш илинжида юрибди. Мақсади аён – учинчи мусобақада нима бўлишини билиб олмоқчи! Овора бўлади! Йўқ энди ишонч, хорижликларга!

Хагриднинг жаҳли шу қадар қайнаб кетган эдики, Гарри Семиз Хола қаршисида давангир билан хайрлашадиган фурсат етганидан хурсанд бўлиб кетди. Портрет ортидаги тўсик орқали ўтар экан умумий меҳмонхонанинг бир бурчагида ўтирган Рон билан Гермионанинг олдига, бўлиб ўтган ходиса ҳакида тезроқ айтиб беришга ошиқди.

XXIX БОБ.

ТУШ

- Мухтасар қилиб айтганда, - хулоса чиқарди Гермиона, пешонасини артиб, - Ё мистер Сгорбс Викторга ҳамла қилган, ё аллақаңдай учинчи кас иккаласига ҳамла қилган-у, Виктор уни кўрмай қолган.

- Сгорбс ҳамла қилган, - шу заҳоти якун ясади Рон, - Бинобарин, Гарри билан Дамблдор етиб келишганида воқеа жойида бўлмаган. Қисқаси қуённинг расмини чизиб, жуфтакни ростлаб қолган.

- Мен ундей демаган бўлар эдим, - бош силтади Гарри, - Сгорбс шу қадар заиф эдики, ҳавода даф бўлиш ёки шунга ўхшаш каромат кўрсатишга кучи етмас эди.

- «Хогварц» худудида ҳавода даф бўлиб ҳам бўлмайди, пайдо бўлиб ҳам. Неча маротаба тақрорлаш керак буни сизларга! - тоқати ток бўлди Гермионанинг.

- Хўп, яхши... мана бу тахмин-чи, - ҳаяжон-ла овоз кўтарди Рон, - Крум дастлаб Сгорбса ҳамла қилган... Йўқ, сизлар гапимга охиригача қулоқ солсангиз-чи, сўнг, Уриб йиқитувчи билан ўзини ўзи урган!

- Мистер Сгорбс эса буғга айланиб, ҳавода тарқаб кетган, шундайми? - совуқкина чақиб олди Гермиона.

- Ҳа-я... бир оз ёпишмади...

Тонг сахар Гарри, Рон ва Гермиона ётоқхонадан чиқиб, Сириусга хат йўллагани

бойқушхонага чиқищди. Кечаси алламаҳалгача баҳслашиб ўтиришгани боис, кўзлари шишиб, лунжлари оқариб кетган болалар бойқушхона дарчасидан туман қоплаган ҳовлига қараб туришди.

- Мистер Сгорбснинг сўзларини яна бир бор айтиб бер, Гарри, - илтимос қилди Гермиона.
 - Айтдим-ку, сўзларини дурустроқ тушуниб бўлмади, деб. Профессор Дамблдорни огоҳлантириб қўймокчи бўлди. Берта Жоркинси тилга олиб ўтди. Афтидан, ўша аёлни ўлганга чиқарган кўринади у. Хар бир гапида ўзини айбдор, деб топади. Ўғлини эслади.
 - Нима ҳам дер эдим, бу чиндан ҳам унинг айби, - нафрат-ла ғулдиради Гермиона.
 - Хуши жойида эмас эди уни, - давом этди Гарри, - Дам қарасанг, хотини билан ўғлини ҳалигача тирик деб ўйлайди. Персига ўхшатган дараҳт билан иш юзасидан гаплашади, унга хар хил фармойишлар беради. Дам қарасанг...
 - Ўзинг-Биласан-Ким ҳакида нима деди? - кўрқа-писа сўради Рон.
 - Тобора қучли бўлиб боряпти, деди, - ифодасиз тақрорлади Гарри.
- Орага сукунат чўкиб, бир оздан сўнг, Рон, сохта ишонч-ла, баёнот қилди:
- Ўзинг айтгандай, хуши жойида бўлмаган. Шундай экан, гапларининг кам деганда ярмида алаҳсираган.
 - Вольдеморт ҳакида фақат хушига келганда гапирди, - эътиroz билдириди Гарри, Роннинг юзи касб этган даҳшатга эътибор қаратмай, - Бундай фурсатларда базур гапирди-ю, лекин каерда тургани, унга нима кераклигини жуда яхши идрок этди. Дамблор билан кўришиши кераклигини бир неча бор таъкидлаб ўтди.
- Гарри деразага орқа ўгириб, чордок тўсинларига юзланди. Аксарият қўноклар бўш, лекин дарчалардан тумшуғига турли-туман кемирувчи ва майда судралувчиларни қисиб олган бойқушлар тунги овдан бирин-кетин қайтишмокда.
- Агар Снегг мени тўхтатиб қолмаганда, - алам-ла фикр билдириди Гарри, - Улгурган бўлар эдик. «Директор банд, Поттер», «Нималар деб алжираяпсан, Поттер?» Аралашмаса нима қиларди экан, а?
 - Балки унинг мақсади шу бўлгандир! Улгуришларингни истамаган у! - шу заҳоти бақириб юборди Рон, - Эҳтимол... шошма, Снегг қанча вактда етиб олиши мумкин эди ўрмонга? У ярамас Дамблор иккалангиздан олдин етиб бормадимикан, а?
 - Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Агар кўршапалакка айланиб олмаган бўлса, албатта, - жавоб қайтарди Гарри.
 - У мараздан хар нарса кутиш мумкин, - ғудуллади Рон.
 - Хмури билан учрашиш керак, - аҳд қилди Гермиона, - Мистер Сгорбсни топган-топмаганини билиш керак.
 - Агар Кафандузд харитасини ўзи билан олган бўлса, бу иш мутлоқо қийин кечмаган, - елка қисди Гарри.
 - Агар Сгорбс мактаб ҳудудидан ташқарига чиқиб кетмаган бўса, албатта, - таъкидлаб кўйди Рон, - Харита фақат «Хогварц» ҳудудини кўрсатади холос-ку, шундай...
 - Тсс! - кутилмаганда гапни бўлди Гермиона.
- Бир-бири билан баҳслашганча, бойқушхонага кўтарилаётган икки кишининг овози эшитилди:
- ... буни товламачилик дейишиди, тушундинг-ми? Қилмишимиз учун яхшигина кўнгилсизликларга рўбару бўлишимиз мукаррар...
 - ... боадаб муомала қилдик, бас. Энди ҳудди ўзи каби иш тутиш мавриди етди. Қуш билан қуш тилида, ит билан ит тилида гаплашмок даркор. Вазирлиқдагилар хабар топишини истамаса керак, у нима билан...
 - Такрор айтаман сенга. Буларнинг барини хат орқали айтадиган бўлсак, қилмишимиз товламачилик, деб таснифланади!
 - Тўғри, лекин шу қилмишимиз туфайли бир дунё пулга эга бўламиз. Буни рад этмасанг керак ҳар қалай, а?
- Бойқушхонанинг кириш эшиги қарсиллаб очилиб, остоңада кўринган Фред билан Жорж Гарри, Рон ва Гермионани кўриб, серрайиб қолишли.

- Сизлар нима қиляпсиз бу ерда? - барада сұрашын Рон билан Фред.
 - Хат жүннатапмиз, - бир вақтда жавоб қайтариши Гарри билан Жорж.
 - Мунча барвақт? - бирга сұрады Гермиона билан Фред.
- Фред иршайиб қўйди.
- Жуда соз. Биз сизлардан сўрамаймиз, кимга хат юбораётганингизни, сизлар эса биздан. Гарри Фреднинг кўлидаги конвертга қаради. Лекин Фред атайин-ми, бехосдан-ми, бармоғини суриб, конвертдаги манзилни бекитиб қўйди.
 - Шундай экан, сизни ортиқ ушлаб қолмаймиз, - масхаравозларча таъзим қилиб, чиқиш эшигига ишора қилди Фред.
- Рон турган жойидан қилт этмади.
- Кимни товлаяпсиз? - сұради у.
- Фреднинг юзидағи табассум шу заҳоти барҳам топди. Жорж Ронга кулиб қарашдан олдин Фредга сезилар-сезилмас қараб қўйганини Гарри пайқамай қолмади.
- Ақлингни единг-ми, Рон, биз ҳазиллашиб келаётган эдик, - қўл силтади Жорж.
 - Сўзларинг оҳангига қараганда, ҳазилга ўхшамади, - ишонмади Рон.
- Эгизаклар бир-бирига қараб қўйгач, Фред кўрслик қилди:
- Ёдингда бўлса, Рон, мен сенга айтган эдим: бурнингни бирорнинг ишларига сукма, деб. Агар унинг хозирги шакли ўзингга ёқаётган бўлса, албатта. Ёқишига эса шубҳа қиласман, бироқ...
 - Модомики иккалангиз кимнидир товлаётган экансиз, бу иш энди бирорники эмас менинг ишим, - саркашлиқ қилди Рон, - Жорж ҳақ, бундай қилмишингиз учун яхшигина кўнгилсизликларга рўбару бўласиз.
 - Ҳазиллашиб келаётган эдик дедим-ку сенга, - ишонтириди Жорж, Фреднинг кўлидаги конвертни олиб, омбор бойкушининг панжасига боғлаганча, - Сўнгги вақтларда, Рон, акамиз Персига ўхшаб боряпсан. Шу тарзда давом этавер. Карабсан-ки, синфбоши этиб тайинлашади.
 - Тайинлашмайди! - қизишиб кетди Рон.
- Жорж бойкушни дарчага келтириб, қўйиб юборди-да, Ронга юзланиб иршайди.
- Ундай бўлса, ким нима қилиши кераклиги-ю, нима қилмаслиги кераклигини ўргатишни бас қил. Бўпти, учрашгунча!
- Эгизаклар бойкушхонани тарк этиши. Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига қараб колишиди.
- Улар бўлаётган ишлардан, Сгорбс-у, шу каби гаплардан боҳабар, деб ўйламайсиз-ми? - пицирлади Гермиона.
 - Йўқ, - бошини силтади Гарри, - Агар улар бу қадар жиддий нарсалардан хабар топишадиган бўлса, бирон-бир киши, чунончи Дамблдорга айтишган бўлар эди. Аммо Роннинг юзида бу масалада шубҳаси борлигини англатаётган киёфа кўринди.
 - Нима гап? - сұради Гермиона.
 - Нима десам экан, - чўзди Рон, - Айтишган бўлармиди-йўқми, билмадим. Улар... Сўнгги вақтда иккаласининг миясида биттагина фикр қотиб қолган, у ҳам бўлса, пул топиш. Буни мен улар билан яқиндан мулоқот қилиб юрганимда сездим... ўшанд... ўша... ўзингиз биласиз...
 - Иккаламиз гаплашмай, аразлашиб юрганимизда, - Роннинг фикрини якунлади Гарри, - Бироқ товламачилик...
 - Гап кулгили моллар дўкони тўғрисида бормоқда, - тушунтириш беришни лозим топди Рон, - Дастреб мен эгизак ақаларим онамни куйдириш учунгина гапиришяпти, деган фикрга борган эдим. Лекин улар ростакамига очишмоқчи бундай дўконни. Иккаласи «Хогварц»ни тамомлашига атиги бир йил қолди. Келажак ҳақида ўйлаш вақти етди, деб таъкидлашгани-таъкидлашган. Дадам бечора уларга моддий жиҳатдан ёрдам бера олмаслигини яхши билишади. Бинобарин, нимадандир бошлаш керак, деган фикрини илгари суриб юришибди.
- Энди Гермиона хижолат тортди.

- Түғри, бирок улар ўз ниятларига эришиш учун ғайриқонуний иш тутишмайды-ку, түғрими?
- Иш тутишмайды? - деди Рон истеҳзоли охангда, - Мен қаердан билай... Мактабда жорий этилган қоидаларни бузиш борасида иккаласи узок ўйланиб ўтиришмайды-ку, шундай эмасми?
- Бирок қонун мактабда жорий этилган аллақанда ахмоқона қоидалар эмас, - чүчиб хитоб килди Гермиона, - Товламачилик учун белгиланадиган жазо чораси мактабда тайинланадиган меҳнат жазосининг ижроси каби осон кечмайди! Рон... балким Персига айтиб берганинг маъқулдир...
- Ақлингни единг-ми, Гермиона? - тутақиб кетди Рон, - Персига айтиб бер эмиш-а! Ахир у шу заҳоти Сгорбсга айланниб қолиб, эгизакларни хукумат ихтиёрига топшириб юборади-ку!

Рон бойқушхона дарчасига бир пас қараб турди-да:

- Юриналар, нонушта қиласиз, - деб қўйди.
- Профессор Хмурининг хузурига боришга ҳали эрта бўлса керак, а? - сўради Гермиона, учовлон айланма зинапоядан пастлаб борар экан.
- Эрта, - ишонч-ла тасдиклади Гарри, - Тонг сахар уйғотадиган бўлсак, уйқуда ётганимда сунқасд қилишмоқчи, деган хаёлга бориб, ёпик эшик орқали уриб йикитади бизни. Яххиси танаффусгача кутганимиз маъқул.

Сехргарлик тарихи дарси ҳали бу қадар узок чўзилгани йўқ. Ўзининг бузук соатини тақмай қўйган Гарри Роннинг соатига қарагани-қараган. Бирок миллари нихоятда секин харакатланаётган ушбу соат ҳам бузилиб қолгандай кўринди. Учовлон шу қадар толикканки, тек қўйиб беришса, бошини партага қўйганча, мирикиб ухлайди. Ҳатто Гермиона ҳам ҳеч нарса ёзмай, иягини кўлига суюб олганча, хиралашиб қолган нигоҳини профессор Биннзнинг шаффоф танасига тикиб ўтириди.

Қўнгироқ зарби янграгач, учовлон қаср йўлаклари бўйлаб югуриб, ёвузлик кучидан ҳимоя фани хонаси томон ошиқди. Хонасидан чиқиб келаётган профессор Хмурининг киёфаси ҳам болаларнинг киёфаси каби толиккан кўринди. Соғлом кўзи ярим ёпик бўлгани боис, юзи баттар қингайиб кетибди.

- Профессор Хмури! - мурожаат килди Гарри, ҳалойиқ орасидан ўқитувчи томон талпиниб.
- Салом, Поттер, - дўриллади Хмури.
- Унинг сехрли кўзи ичкарига тортиб, икки нафар биринчи синф ўқувчиси кўрқиб-писиб муюлиш ортига кириб кетгунга қадар кузатиб турди.
- Ичкарига киринглар, - деди четта сурилиб, болаларни хонага ўтказган Хмури.
- Топдингиз-ми уни? - тикка сўради Гарри, сўзбошига вакт сарфлаб ўтирмай, - Мистер Сгорбсни назарда тутяпман.
- Йўқ, - жавоб берди столи ёнидаги курсига ўтирган Хмури.
- Профессор инграганча ёғоч оёғини олдинга узатиб, сувдонини чиқарди.
- Харитадан фойдаландингиз-ми? - сўради Гарри.
- Албатта, - деди ичимлик симириб олган Хмури, - Сендан ўрнак оляпман, Поттер. Хонамдаги харитани ўрмонга чакирдим. Бирок Сгорбс кўринмади.
- Демак хавода даф бўлибди-да? - гап қўшди Рон.
- «Хогварц» худудида хавода даф бўлиб ҳам бўлмайди, пайдо бўлиб ҳам, Рон! - овоз кўтарди Гермиона, - Бирок даф бўлишнинг бошқа ўйллари ҳам бор, шундай эмасми, профессор?
- Сехрли кўз бир оз титраб, Гермионада тўхтади.
- Сен ҳам аврор касбини эгаллаш масаласини ўйлаб кўрсанг бўлар экан Грэнжер, - деди Хмури, - Миянг тўғри ишлайди сени.
- Ўзидан ўзи мамнун бўлган Гермиона қизариб кетди.
- Ҳар қалай у, кўзга кўринмас бўлиб олмаган, - деди Гарри, - Гарчи харита кўринмасларни ҳам акс эттирса-да. Демак у «Хогварц» худудини тарк этган.

- Ўзи тарк эта олганмикан? Ҳамма гап мана шунда, - маъқуллади Гермиона, - Афтидан кимдир уни мажбур қилган. Бўлиши мумкин-ку, а?
 - Тўғри. Айтайлик ўша кимдир уни супургига чиқариб, ўзи билан бирга учириб кетган, - ўз тахминини илгари суришга ошиқди Рон, унга ҳам аврор касбини тавсия этишини умид қилганча, Хмурига термилиб.
 - Олиб қочиш масаласини ҳам рад этиб бўлмайди, - ғудуллади Хмури.
 - Демак, - давом этди Рон, - Сизнингча, у Хогсмёдда бўлиши мумкин, шундайми?
 - Ҳар қандай жойда бўлиши мумкин, - бош чайқади Хмури, - Шу нарсани аниқ биламизки, ҳозир у «Хогварц»да эмас.
- У оғиз бўшлиғида анчагина тиши йўқлигини намойиш этганча, шундай эснадики, юзидағи чандиклар тортилиб кетди.
- Энди гап бундай. Учалангиз изқуварликни ёқтиришингиз ҳакида Дамблдор айтган менга. Фақат Сгорбс масаласида ҳеч нарса қила олмайсиз. Уни қидириб топиш масаласи билан энди вазирлик шуғулланади. Дамблдор хабар йўллади. Поттер, фикр-хаёлингни учинчи мусобақага жамласанг яхши бўлар эди.
 - Нимага? - дарҳол илғаб олмади Гарри, - Ҳа, мусобақами...
- Крум иккаласи лабиринтдан чиқкан фурсатдан буён у ҳали бирон маротаба бўлсин, мусобақа ҳакида ўйлаб кўрмади.
- Б сафарги мусобақа айнан сенинг табиатингга мос келади, - деди Хмури Гаррига қараганча, чандиклар расвосини чиқарган жагини қашлаб, - Дамблдорнинг айтишига қараганда, сен ўхшаш тўсикларни кўп маротаба енгиб ўтган экансан. Ҳали биринчи синфда ўқиб юрган кезларингда фалсафий тошга қадар етибсан, шундайми?
 - Бизнинг ёрдамимиз билан, - боз гапга аралашди Рон, - Гермиона иккаламиз ёрдам берганмиз унга.
- Хмури кулиб қўйди.
- Жуда соз. Учинчи мусобақага тайёрланиш масаласида ҳам ёрдам бериб юборинг Поттерга. Ана ўшанда у Беллашув чемпиони бўлса, ҳеч таажжубланмайман. Шунга қарамай, Поттер, ёдиндан чиқмасин: бетиним сергаклик... ҳозир сендан талаб этиладиган ягона нарса – бетиним сергаклик.
- Сехрли кўзи деразага қараган Хмури сувдонидаги ичимлиқдан узоқ симиреди. Ташкарида «Дурмштранг» кемасининг энг баланд елкани кўриниб турибди.
- Сиз иккалангиз эса, - давом этди Хмури, соғ кўзини Рон билан Гермионага қаратиб, - Доимо Поттернинг ёнида бўлинг, хўпми? Мен ҳамма нарсани кузатиб юрибман. Шундай бўлса-да, кузатув тадбирларига жалб этилган кўзнинг ортиқаси бўлмайди.

Сириус почта бойқушини эрталаб ортга қайтарди. Күш Гаррининг рўпарасига, тумшуғида Гермиона учун «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини олиб келган малла ранг бойқуш билан деярли бир вақтда қўнди. Гермиона қўлидаги газетанинг бир неча саҳифасига кўз югуртириб чиқиб, хурсанд бўлиб кетди:

- Ҳа, анави баттол Вритер Сгорбс ҳақидаги гаплардан беҳабар қолибди.

Шундан сўнг, учовлон, Сириусдан келган хатни ўқишига киришди.

Крумга қўшилиб Ман этилган ўрмонга кирганингда қаеринг билан ва нималар ҳакида ўйлаган эдинг, Гарри? Тунги вақтда бошка ҳеч ким билан санқиб юрмаслик борасида қасам ичиб, жавоб бойқуши орқали йўллашингни талаб қиласман!

«Хогварц»да аллақандай ниҳоятда хавфли одам борлиги аниқ. Ишончим комилки, у ёки улар Сгорбс билан Дамблдорнинг учрашувига қаршилик кўрсатишган. Ёвуз ниятили каслар сендан атиги бир неча фут нарида бўлишган, сен эса уларни қоронгида пайқамагансан. Ўша абраҳлар сени ўлдиришлари мумкин эди.

Ёдингда бўлсин, аризанг Оташли жомга ўзидан ўзи тушиб қолмаган. Агар бирорта ярамас сенга чиндан ҳам ҳамла қилмоқчи экан, унинг ягона имконияти қолди. Доимо Рон

ва Гермионанинг ёнида бўл. Кош қорайгач, «Гриффиндор» минорасидан чиқма, учинчи мусобакага ҳозирлик қўр. Уриб йикитиш ва Қуролсизлантириш афсунларини ўзлаштир. Беш-олтита қарғиши ижросини ўрганиб олсанг ҳам зиён қилмайди. Сен Сгорбсга ёрдам бера олмайсан. Ўзингни ўйла, ҳар нарсага аралашаверма. Мактаб ҳудудини бошқа ташлаб чиқмаслик борасида ваъдангни кутиб қоламан.

Сириус.

- Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар, деб шунга айтсалар керак-да. Ўзи ким бўлган-ки, мендан итоат қилишни талаб қилса? - жаҳл қилди Гарри Сириуснинг хатини даргазаб тахлаб, коржомасининг киссасига яширад экан, - Мактабда ўқиб юрган кезларида нималар қилмаган!
- Сендан хавотир оляпти, худди Хмури билан Хагрид каби! - шу захоти дакки берди Гермиона, - Шундай экан, сўзларини қулоққа ол!
- Йил давомида ҳеч ким менга бирор маротаба бўлсин, ҳамла қилишга уринмаган, - уқтиришга уриниб кўрди Гарри, - Менга ҳеч ким, ҳеч қандай зиён етказгани йўқ...
- Арзимаган бир ҳолатдан ташқари, албатта. У ҳам бўлса, аризангни Оташли жомга ташлаб қўйишгани, - кесатди Гермиона, - Бу ходисалар шунчаки, ўзидан ўзи рўй бераётгани йўқ. Дайди ҳақ. Шунча вақтдан буён ёмон ниятни кўзлаган ўша каслар қулай фурсат кутишаётгани эҳтимолдан холи эмас. Сенга айнан сўнгги мусобака вақтида ҳамла қилишларини рад этиб бўлмайди.
- Ақлингни пешлаб, сўзларим мантиғига қулоқ сол, Гермиона, - гапни бўлди Гарри, - Айтайлик, Дайди ҳақ. Кимдир Сгорбсни олиб қочиш учун Крумни Уриб йикитиш қарғиши билан кулатди, деб ҳам фараз қилайлик. Демак, ўшанда улар мендан узоқ бўлишмаган, якин орадаги буталар орасида бекиниб ўтиришган, шундайми? Шундай. Лекин негадир улар мен ўрмонни тарк этганимдан сўнггина ишга киришган, шундайми? Шундай. Бундан чиқди, айнан менинг пайимга тушишганига ўхшамайди, шундай эмасми? Албатта шундай.
- Агар улар сени ўрмонда ўлдиришса, ўз қилмишларини баҳтсиз ходиса сифатида ниқоблай олишмайди, - саркашлик-ла, ўз билганидан колмади Гермиона, - Нафасимни ер ютсин-у, агар мусобака давомида ўлсанг... бошқа гап...
- Бироқ Крумга ҳамла қилишганида бундай ниқоб ҳакида ўйлаб-нетиб ўтиришмади-ку, тўғрими? - эътиroz билдириди Гарри, - Мени ҳам бирга кўшиб бир ёкли қилишларига нима халал бериши мумкин эди? Шунда улар ўз қилмишларини, мисол учун Крум иккаламизнинг орамиздаги дуэль сифатида кўрсата олишар эди.
- Гарри, ростини айтадиган бўлсам, ўзим ҳам ҳеч нарсани тушунмай қолдим, - хижолат тортиб иқрор бўлди Гермиона, - Шуни биламан-ки, менга ёқмаётган ғоят ғалати ходисалар рўй бермоқда... Хмури ҳам, Дайди ҳам ҳақ. Сен учинчи мусобакага жиддий ҳозирлик қўришни бошлишинг лозим. Сендан илтимос, Дайдига хат ёзиб, якка ўзинг ҳеч қаёққа чиқмаслик борасида ваъда бер.

«Хогварц» тевараги ҳали бу қадар кўркам қиёфа касб этмаган. Гарри эса бу вақтда қасрга қамалиб ўтирибди. Кейинги бир неча кун давомида Рон ва Гермиона билан биргалиқда ё кутубхонада, ҳар хил фойдали қарғишилар қидириб ўтирди, ё бўш синф хоналарига яшириқча кириб олиб, назарияни амалиётда қўллаш билан машғул бўлди. Гарри асосий дикқат-эътиборини муқаддам бажармаган Уриб йикитиш қарғишининг ижросига қаратди. Ушбу афсун ижросини ўзлаштириб, меъёрига етказишининг мушкуллиги Рон билан Гермионадан маълум маънода фидойилик тақозо қилинишидан иборат.

Душанба кунги тушлик танаффуси мобайнида Гарри Ронни қаторасига беш маротаба хушига келтиришга мажбур бўлди.

- Эҳтимол миссис Норрисни ўғирлаб, ўшанда машқ қиласмиз? - таклиф киритди белида ётган бечора Рон, - Ярамас мушукнинг пўстини хумордан чиқиб қоқкан бўлармидиқ. Доббини ҳам чақириш мумкин. Ишончим комилки, у сен учун ҳар нарсага тайёр. Йўқ, мен

арз қилаётганим йўқ, - деди у ўрнидан турар экан, белини уқалашга уриниб, - Шунчаки, ҳамма жойим зириллаб кетди.

- Полга нега йиқиласан?! - эътироz билдири Гермиона, ерга тўшалган, Буюм хайдаш афсунини ўзлаштириш чоғида фойдаланган ёстикларни тузатиб, - Четга оғмасдан, тўғри орқага йиқилишга ҳаракат қилгин-да, ахир!

- Агар билсанг, Гермиона, Уриб йикитувчи яшин билан қўйиб юборишганида кишига ерга йиқилиш нуқтасини мўлжал олиш жа қийин кечар экан. Балки ўзингда синаб кўрарсан, а?

- жаҳл қилди Рон.

- Назаримда, Гарри, афсун ижросини ўзлаштириб олди, - тез жавоб қайтарди Гермиона, - Қуролсизлантириш афсунини моҳирона қўллай билишини эса бир вақтлар амалда исботлаб берган... Шундай экан, ўйлашимча, бугун кечкурун қарғишларга киришсак ҳам бўлаверади.

У кутубхонада тузилган рўйхатни чиқарди.

- Менга мана буниси қўпроқ ёқди, - деди у, қарғишлар рўйхатига бармоқ ўқтаб, - Тўсқинлик қарғиши. Ким ҳамла қилмасин, хатти-харакатларининг тезлигини пасайтириб юборади. Мана шу қарғишдан бошлаймиз.

Кўнғироқ зарбаси янгради. Болалар ёстикларни шошиб-пишиб жавонча ичига отишди-да, синф хонасини киши билмас тарк этишди.

- Кечки овқат маҳалида учрашгунча! - деди арифмантика дарсига ошиқкан Гермиона.

Гарри билан Рон эса башорат дарсига, Шимолий минора томон йўл олишди. Қаср йўлакларини қўёшнинг баланд деразалардан сингиб кираётган, қўзни қамаштириб юборгудай тилла тусли кенг нурлари кесиб ўтмоқда. Мовий рангли ёркин осмон эса сирланган юзага ўхшаб қолган.

- Треланининг хонаси ҳаммомдай қизиб кетган бўлса керак! - тахмин қилди Рон, туйнукнинг очиқ қопқоғидан пастга туширилган кумуш нарвоңдан кўтариilar экан, - Каминини хаётда ўчирмайди-ку, у.

Тахмин тўғри чиқди. Ним коронги хона чидаб бўлмас даражада қизиб кетган. Каминдан чиқаётган ароматик бирикмалар буғи илгаригидан жадал таралмоқда. Гарри пардаланган деразалардан бири томон одимлаши билан боши айланиб кетганини хис этди. Профессор Трелани стол усти чирогига ташланган шолрўмолини олар экан, Гарри, деразалардан бирининг тавақасини билдиримай очиб, хуш ёқаётган шабада йўналишидаги чит қопланган креслога жойлашиб олди (*Ароматик бирикмалар – молекуласининг таркибида бир ёки бир неча бензол ядроси бўлган органик бирикмалар*).

- Азизларим, - дарс бошлади профессор Трелани, тирсакқўйгичли креслога жойлашар экан, гайритабиий катта қўзлари билан ҳар бир ўқувчининг юзига синчиклаб қараб, - Сайёralар харакатига асосланган башорат устида олиб борган ишларимизни деярли ниҳоясига етказдик. Шунга қарамай, бугун бизнинг ихтиёrimизда Миррих таъсирини ўрганиб чикиш учун фавқулодда ноёб имкон бор. Зоро, айни вақтда, ушбу сайёранинг коинотда жойлашган ўрни ниҳоятда катта кизиқиш уйготади. Ижозатингиз билан чирокларни ўчириб, эътиборингизга бир нарсани ҳавола этмоқчиман...

Ўқитувчи сеҳрли таёқчасини силтаб қўйган ҳамоно чироклар ўчиб, камин олови ёруғликнинг ягона манбаига айланиб қолди. Профессор кресло остидан қуёш тизимининг шиша гумбаз ичига яратилган митти моделини чиқарди. Ҳайратомуз чиройли буом. Тўққизта сайёра ўз йўлдошлари билан бирга яркираётган бўлса, ўртада Қуёш порламоқда. Буларнинг бари шиша шар ичидаги ҳавода муаллақ осилганча, айланиб турибди. Гарри эринчоқлик билан Миррихнинг Нептунга нисбатан ҳосил қилган қойил-мақом бурчагини кўрсатиб, тушунтириш бераётган профессор Треланининг хатти-харакатларини кузатиб ўтириди. Унга дам чучмал-муаттар буғлар, дам деразадан кириб келаётган тоза ҳаво оқими таъсир килмоқда. Қалин матодан тайёрланган парда ортида эса аллақандай ҳашарот визилляпти. Боланинг қовоқлари оғирлашиб, ўзидан ўзи юмила бошлади...

Қарчигайлар оиласига мансуб уккини эгарлаб олган Гарри мусаффо осмон остидаги баланд дўнглиқда, олд томони кишлокқа қаратилиб курилган, путурдан кетиб,

деворларини печак қамраб олган уй томон учмоқда. Үкки пастлар экан, Гаррининг юзига ёкимли шабада урилмоқда. Нихоят күш улкан бинонинг юқори қаватидаги дабдаласи чиққан деразасидан ичкарига кириб, ним коронғи йўлақдан тўғри учганча, деразалари михланган коронғи хонага кириб кетди...

Гарри уккининг белидан тушиб қолди. Күш эса қанотларини ҳилпиратиб, эшикка орқа томони билан турган креслонинг суюнчиғига бориб қўнди... креслонинг тагида иккита тушуниб бўлмайдиган, ҳаракатланаётган қомат кўринмоқда...

Улардан бири баҳайбат илон... бошқаси эса инсон... Пакана, сочи тўкилиб тоз бўлиб бораётган, кичик кўзлари серсув, узун бурни ингичка кас хушт-хуштлаб нафас олганча хиқиллаб йигламоқда...

- Омадинг бор экан, Чувалчангдум, - янгради муздай эшитилган овоз укки қўнган кресло қаъридан, - Жудаям омадли экансан. Сен йўл қўйган қўпол хато ишларимизнинг пачавасини чиқара олмади. У ўлиди.

- Милорд! - хиқиллади полда ўтирган киши, - Милорд, мен... беҳад хурсандман... ва сизнинг олдингизда ўзимни нихоятда зомин хис этмоқдаман...

- Нагини, - давом этди муздай овоз, - Сенинг эса омадинг юришмади. Афтидан, Чувалчангдумни ҳозирча сенга ем сифатида бера олмайман... ҳеч қиси йўқ, хафа бўлма... тез орада Гарри Поттерни еб, маза қиласан...

Илон вишиллаб, титроқ тилини чиқариб қўйди.

- Энди эса, Чувалчангдум, - боз янгради овоз, - Нима учун бундан буён бирорта ҳам хатога йўл қўйишга ҳақинг йўқлигини эсга олайлик...

- Милорд... йўқ... ўтинаман... йўқ...

- Крусио!

Чувалчангдум, гўё танасидаги ҳар бир асаб толаси дўзах оловида ёнаётган сингари ўкира бошлади. Унинг ағонлари Гаррининг қулоғини кар қилиб, миясини қамраб олди.

Боланинг пешонасидаги чандик қаттиқ оғриб, Чувалчангдумга жўр бўлганча бақира кетди. Ҳозир Вольдеморт Гаррининг овозини эшитиб, шу ерда эканлигини билиб қолади...

- Гарри! Гарри!

Бола кўзини очиб, профессор Треланининг хонасида, қўлини пешонасига босганча ётганини идрок этди. Чандик шу қадар қаттиқ оғрияпти-ки, Гаррининг қўзидан ёш оқизиб чиқарди. Атрофида жамики синфдошлари тўпланиб олган. Ёнига чўқкалаб олган Рон кўрқиб кетибди.

- Тузукмисан, Гарри?

- Йўқ, албатта! - хитоб килди жонланиб кетган профессор Трелани, катта-катта кўзлари билан Гаррига тикилиб, - Қандай ҳолат эди бу, Поттер? Аломатми? Тасаввурми? Нимани кўрдинг?

- Ҳеч нимани, - алдади Гарри, ётган ўрнига ўтириб.

Вольдемортнинг овози шу қадар яққол эшитилдики... Гарри орқага, ним коронғи бурчакка қарамай қўймади.

- Чандигингни чанглаб олдинг! - тинчланмади профессор Трелани, - Пешонангни ушлаб олганча, полда юмаладинг! Яширма, Поттер, бу масалада мени алдай олмайсан!

Гарри профессорга қараб қўйди.

- Шифохонага боришим керак, шекилли, - деди у, - Бошим қаттиқ оғрияпти.

- Қадрдоним, маконимнинг ноёб флюидлари сохибкароматлик қобилиятинг намоён бўлишига омил бўлди-ку, ахир! - хирагини қўймади профессор Трелани, - Агар уни тарк этадиган бўлсанг, янада узокроқ келажакни кўриш имкониятини кўлдан бой берасан...

(*Флюидлар – спиритизм тарафдорларининг фикрича, одам ёки ҳайвонлар танасидан чиқадиган ёхуд бошқа бирор нарсада нурланадиган «руҳий токлар».* Спиритизм – ўлганлар руҳи нариги дунёда яшаши ва улар билан сўзлашиш мумкинлигини илгари сурувчи оқим).

- Бош оғриқ доридан ташқари, ҳеч қандай узок-яқин келажакни кўргим йўқ, - гапни кесди Гарри, ўрнидан туриб.

Ташвишланган синдошлар нари чекинди.

- Учрашгунча, - деди Гарри, Ронга мурожаат килиб.

У юк халтасини қўлига олди-да, профессор Треланига эътибор ҳам қаратмай, туйнук томон одимлади. Профессор, юзида, худди ҳозиргина уни фавқулодда кам учрайдиган ҳузур-халоватдан маҳрум қилишган қиёфа ила қолди.

Кумуш нарвондан пастга тушган Гарри шифохона томон йўл олмади. Аслида шифохонага бориш нияти ҳам йўқ эди. Чандик оғриғи қайталайдиган бўлса, нима қилиш кераклигини Сириус айтган. Гарри унинг насиҳатига қулоқ тутиб, тўппа-тўғри Дамблдорнинг ҳузурига йўл олди. Йўлакда борар экан, туши ҳакида фикр юритди. Бу туш ҳам ёзда, Одамовилар хиёбонида кўрган туш каби яққол кўринди... Гарри, бирон-бир тафсилотни унугиб кўймаслик учун тушида кўрган нарсаларини бир четдан эслаб ўтди... Демак, Вольдеморт Чувалчангдумни йўл қўйилган аллакандай хато борасида айблади... укки яхши янгилик олиб келиб, хато тузалгани аниқланди... кимдир ўлиби... бинобарин Чувалчангдум илонга ем бўлмайдиган бўлди... энди илонга, ем сифатида, Гарри бериладиган бўлди...

Хаёлга берилиб қолган Гарри Дамблдорнинг хонасига кириш эшигини қўриклиётган аждар тусли тош илонни сезмай, ёнидан ўтиб кетди. Кўзларини пирпиратиб атрофга қараб чиққан бола гап нимада эканлигини идрок этиб, ортга қайтди-да, тош маҳлукнинг қаршиисига келгач, ичкарига кириш паролини билмаслиги эсига тушди.

- Лимон шарбати, - таваккал бошлади у.

Тош илон қилт этмади.

- Яхши, - деди йўланиб қолган Гарри, тошга қараб, - Нокли обакидандон. М-м-м... Сехри қизилмия таёқчалар. Вишиллайдиган «тук арилар». Дроблиснинг иширсақичи. Барча таъмларни ўзига мужассам этган Берти Ботт ёнғоклари... ха-я, ўша ёнғокларни ёқтиримайди-ку, у. Хой, майнабозчилик қилмай, очил дедим сенга! - дарғазаб бақирди у, - Зудлик билан кўришим керак уни!

Гаррининг ташвиши аждар тусли тош илонни мутлақо қизиқтиргани йўқ. Бола уни бир тепиб, жонини оғритищдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмади.

- Шокобақ! - бақирганча давом этди Гарри, бир оёқда туриб, - Қанд пат-қалам!

Сувараклар шодаси!

Кутилмаганда тош илон бирдан жонланиб, четга қочди, ортидаги девор эса икки томонга сурилди. Довдираф қолган Гаррининг кўзлари пирпираб кетди.

- Сувараклар шодаси?! - талмовсиради у, - Ҳазиллашган эдим-ку...

У девор ўрнида пайдо бўлган эшик остонасидан дархол хатлаб ўтиб, айланма зинапоя шаклидаги тош эскалаторга туриб олди. Девор аста ёпилди. Зина эса буралиб, буралиб, Гаррини юқорига кўтариб кетди. Нихоят у грифон гавдаси кўринишида ясалган эшик болгасига эга, сайқал берилган катта эман эшик рўпарасига етиб келди.

Эскалатордан тушган Гарри ичкаридаги одамларнинг овозини эшишиб, иккиланганча, туриб қолди.

- Дамблдор, мен бирон-бир боғликларни кўрмаяпман! - эшитилди сеҳгарлик вазири Корнелиус Фужнинг овози, - Людонинг гапига қараганда, Берта табиатан шундай аёл эканки, ҳатто ўзини ўзи йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас эмиш! Тўғри, вазирлик томонидан олиб борилаётган қидирув тадбирларининг миқёси шу қадар кенгки, ўлик бўлса ҳам, тирик бўлса ҳам аллакачон топилиши керак эди у. Шундай бўлса-да, бу масалада қандайдир палидлик бор дейишга асос йўқ, ҳа, мутлақо йўқ. Лекин унинг йўқолишини Барти Сгорбснинг йўқолиши билан боғлаш!...

- Хўп, яхши, боғлиқ эмас дейлик, муҳтарам вазир жаноблари. Ундан бўлса, Барти Сгорбста нима қилди экан, нима деб ўйлайсиз? - дўриллади Хмури.

- Мен иккита ҳолатдан бири рўй бериши мумкинлигига йўл қўяман, Аластор, - жавоб берди Фуж, - Ё Сгорбс, нихоят аклдан озди, ишончим комилки, иккалангиз ҳам, унинг шахсий муаммоларини инобатга олиб, бундай ҳолат рўй бериши мумкинлигини рад этмайсиз ва ҳозир у қаердадир изғиб юрибди...

- Ундан бўлса, унинг изғиш тезлиги нихоятда катта экан, Корнелиус, - гапни бўлди

Дамблдор вазмин охангда.

- Ё... ҳм-м-м... - давом этди Фуж, иккиланган охангда, - Йўқ, яхшиси ходиса жойини кўздан кечириб чиққунга қадар, иккинчи фикримни айтмай турганим маъқул. Ходиса жойи «Бэльстэк» аравасидан узокда эмас, дедингиз-ку, шундай эмасми? Дамблдор, анави аёл ким эканлигини биласизми?
- Уни ўз мактабининг муносаби директори ва ракс учун ажойиб жуфт сифатида биламан, - жавоб берди пинаги бузилмаган Дамблдор.
- Бас қилинг, Дамблдор! - зарда қилди Фуж, - Хагрид туфайли унга янглиш муносабат билдираётганингизни ўзингиз сезмаяпсиз-ми? Уларнинг ҳаммасини ҳам беозор, деб бўлармикан, а? Турли-туман маҳлукларни боқиш масаласида томи силжиб қолганини инобатга оладиган бўлсак, Хагридни беозор дейишга одамнинг тили айланмайди...
- Максим хоним Хагриддан катта эмас, - хотиржам эътироz билдириди Дамблдор, - Ўша аёлга нисбатан мендан кўра сиз кўпроқ янглиш муносабат билдиримоқдасиз, назаримда, Корнелиус.
- Ушбу мубоҳасани бас қилсак, нима дейсиз? - дўриллади Хмури.
- Ҳа, ҳа, тўғри, яхшиси ҳовлига чиқиб, ходиса жойига борайлик, - сабрсизлик-ла, маъқуллади Фуж.
- Йўқ, гап бунда эмас, - деди Хмури, - Гап шундаки, Дамблдор, Поттер сиз билан гаплашмоқчи. У мана бу эман эшик ортида туриби.

XXX БОБ.

ДАМБЛХОТИРА

Хона эшиги очилди.

- Салом, Поттер, - деди Хмури, - Модомики келибсан, кир ичкарига. Гарри бир вақтлар ташриф буюрган ушбу хонанинг остонасини яна хатлаб кирди. Доира шаклидаги хона анча кенг бўлиб, ҳамма ёқдан қандайдир сирли шитир-шитир товушлар эшитилади. Ингичка оёқли баланд столчалар устига терилган турли-туман кумуш асбоблар буг чиқариб айланади. Деворларга собиқ директорларнинг расмлари осиб кўйилган. Ҳозир ҳам улар ўз қреслоларида мизгиб ўтиришибди. Оёклари аллақандай хайвон оёқларига ўхшатиб тайёрланган катта ёзув столи устидаги токчада эса машхур сараловчи шляпа савлат билан ўтириб олган.

Ёзув столи ёнида эгнига одатдагидай узун йўл-йўл ридосини кийган, қўлидаги жўка рангли қозон шляпасини ўйнатаётган, бўйи паст, тўладан келган Фуж туриби.

- Гарри! - овоз берди у, олдинга қадам ташлаб, - Ишлар қалай?
- Жойида, - алдади Гарри.
- Мистер Сгорбснинг мактаб худудида кутилмаган тарзда пайдо бўлганини мухокама килиб турган эдик, - тушунтириш берди Фуж, - Уни сен топган эдинг, а?
- Мен, - тасдиқлади Гарри.

Бола эшик ортида туриб, ўзини ҳеч нарсани эшиитмаган кўйга солиш бефойдалигини билиб, кўшиб кўйди:

- Лекин Максим хонимни мистер Сгорбсга рўбару бўлган жойда кўрганим йўқ. Ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам, Максим хонимнинг бекиниб олиши осон кечмаса керак, деб ўйлайман...

Фужнинг орқасида турган Дамблдор кулиб қўйди.

- Ҳа, албатта, - ғудуллади хижолат тортган Фуж, - Гарри, биз мактаб худудини айланиб келмоқчи эдик. Умид қиласман-ки, бизни тўғри тушуниб, маъзур санайсан... эҳтимол, ҳозирча синфга қайтганинг маъқулдир...
- Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим, профессор, - деди шошиб колган Гарри, Дамблдорга мурожаат килиб.

Дамблдор болага дикқат билан разм солди.

- Мени шу ерда кутиб тур, Гарри, - деди у, - Ҳудуд кўриги учун кўп вакт кетмайди. Учовлон болани ёлғиз қолдириб, эшикни ёпиб қўйганча, хонани тарк этди. Ёғоч оёқнинг

такир-туқури эшитилмай қолгач, Гарри атрофга қаради.

- Салом, Янгус, - күришди Гарри.

Янгус, катталиги оққұщдай келадиган, пат қопламаси нихоятда зийнатли, алвон ва тилла ранг күринадиган, одатдагидай, әшик олдидағи тилла құноқда үтирадиган қақнус.

Дамблдорнинг ушбу қуши узун думини қимирлатиб, Гаррига мулойим қараб қўйди-да, қўзини қисиб қўйди.

Гарри ёзув столи ёнидаги курсига үтириб, атрофга разм солганча, хозиргина эшитган гапларнинг мағзини чақишига уриниб, оғримай қолган чандигини силаб қўйди.

Тез орада туши ҳакида айтуб беришини билган Гарри Дамблдорнинг хизмат хонасида ўзини анча хотиржам хис этди. У эътиборини стол ортидаги деворга қаратди. Токчадаги хаддан ташқари кир, аъзойи бадани ямок бўлиб, роса эскириб кетган сараловчи шляпа ёнидаги узун шиша сандиқ ичида дастаси ёқутлар билан безалган кумуш қилич ётибди. Тошлардан бирининг катталиги товук тухумидай келади. Иккинчи синфда ўқиб юрганида сараловчи шляпа ичидан чиқариб олган, Гарри таҳсил кўраётган коллежга қачонлардир асос солган машхур сехргар Годрик Гриффиндорга тегишли қилични бола дархол таниди. Ўлимдан қутулиб қолишига умид қолмаган ўша фурсатда, ушбу мўъжизакор қурол ёрдамга келган фурсатни эслаб үтирган Гарри шиша сандиқ сиртида ялтираб акс этаётган оқ кумуш тусли ёруғ доққа эътибор қаратди. Ёруғлик манбасини излаб топиш учун ўгирилган бола хонанинг нариги томонида турган қоп-кора жавончанинг зич ёпилмай қолган тавақалари орасидан таралаётган шуъланни кўрди. Бир оз иккиланиб, Янгусга ва ўз креслоларида мизғиб үтиришган собық директорлар портретларига қараб қўйган Гарри шартта ўрнидан турди-да, жавонча ёнига бориб, эшигини очди.

Жавонча ичида унча чукур бўлмаган, четларига қадимги руна ёзувлари ажаб ўйма нақш шаклида юритилган тош чиганоқ турибди. Гарри, табиийки, ёзувни ўқий олмади. Шиша жавон сиртида кўринган кумуш ёғду чиганоқ ичидаги нихоятда ғалати, ўхшаши муқаддам учрамаган субстанциядан таралмоқда ([Субстанция – доим ҳаракатланиб, ўзгариб, ривожланиб турадиган материя, бутун борлиқнинг бирламчи асоси](#)). Суюқликми бу, газми, айтиш қийин. Бир қараганда ярқироқ, оппоқ, узлуксиз ҳаракатланаётган кумушга ўхшайди. Юзаси эса шамол таъсирида дам-бадам мавж ураётган сув юзасини эслатади. Лекин сувдан фарқли ўлароқ, ушбу модда бўлакларга енгил бўлинниб, худди осмондаги булултар сингари буралиб-буралиб бир маромда тўлқинланмоқда. Суюқликка айланиб қолган ёруғлик деса ҳам, қаттиқ бўлиб қолган шамол деса ҳам бўлаверади уни. Бироқ қайси талқин ҳақиқатга яқинроқ, Гарри айта олмайди.

Бола моддани ушлаб қўриш, кўлда қандай сезилишини билишни жуда истади. Бироқ табиатан қизиқувчи Гарри, сехргарлар дунёсида тўплланган тўрт йиллик ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда номаълум моддага бармоқ тикиш – ахмоқлиқдан у қадар узоқ эмаслиги ҳакида ўйланиб қолди. Бинобарин, сехрли таёқчасини қўлига олган бола атрофга аста писиб қараб қўйди-да, нигохини боз чиганоққа қаратиб, таёқча учини моддага санчиб қўрди. Субстанциянинг қўзғаб кетган юзаси шиддат ила айланана бошлади. Гарри бошини жавонча ичига киритиб, пастроқ эгилди. Кумуш модда худди шиша каби шаффофф бўлиб қолди. Бола чиганоқнинг тош тубини кўриш илинжида дурусткроқ тикилиб қаради-ю, сирли юзада худди шифтда очилган деразадан қараган каби улкан зал аксини қўрди.

Зал хира ёритилган. Деразалари йўқлигига қараганда афтидан ер остидаги хонага ўхшайди. Деворларига «Хогварц» қасрининг йўлаклари ёритиладиган машъалалар маҳкамланган. Бурнининг учини шишасимон моддадан бир дюйм юқорида тутган Гарри залга тўплланган сон-саноқсиз одамларни кўрди. Халойик зина погоналари каби кўтарилиб кетган курси қаторларида үтирибди. Пастда, залнинг қок ўртасига, кўринишидан ҳар қандай кишининг вужудида вахима уйғотадиган қоп-кора кресло ўрнатилган. Унга үтирган кишини кишанлаш учун бўлса керак, тирсаккўйгичларидан занжирлар осилиб турибди.

Қанака жой ўзи бу? «Хогварц» эмаслиги аниқ. Гаррининг билишича, мактабда ўхшаш зал

йўқ. Бундан ташқари, чиганоқ тубида кўринаётган хонага тўпланган халойик фақат катта ёшли одамлардан ташкил топган. «Хогварц»нинг ўқитувчилари эса бу қадар кўп эмас. Гаррининг назарида залга тўпланган одамлар ниманидир кутяпти. Бирор қилт этмайди. Ҳамманинг боши, чўққидор шляпалардан бошқа ҳеч нарса кўринмаётган бўлса-да, бир томонга қаратилган.

Чиганоқнинг шакли юмалок, зал эса квадрат бўлгани боис, хона бурчаклари яхши кўринмаяпти. Бола бурчаклардан бирига қараш учун янада пастроқ эгилган эди ҳам-ки, бурни моддага тегиб кетди.

Дамблдорнинг хонаси дафъатан кучли ларзага келиб, нимадир Гаррини олдинга итқитиб юборгандай бўлди. Бола шу заҳоти кумуш модданинг тортиш кучини хис этди...

Унинг боши чиганоқнинг тош тубига урилмади, аксинча, худди сув гирдоби тортиб кетаётган каби муздай қоронғилик сари пастроб кетди...

Баногоҳ Гарри ўзини чиганоқ ичидағи зал курсиларнинг энг охирги қаторида, ҳаммадан баланд жойда ўтирганини кўрди. У хозиргина ўзи қараб ўтирган шифт деразасини кўриш илинжида юқорига қаради. Бироқ кора тошдан иборат яхлит шифтда ҳеч қандай дераза йўқ.

Нафаси тезлашиб кетган Гарри атрофга аланглади. Залдаги, кам деганда икки юз кишидан бирортаси ҳам болага эътибор қаратгани йўқ. Қизик, нима учун ўн тўрт ёшли боланинг юқоридан таппа тушганини ҳеч ким сезмади? Гарри ёнида ўтирган кишига юзланиб, таажжубдан қаттиқ хитоб килди. Унинг ёнида шахсан Альбус Дамблор ўтирибди.

- Профессор! - бўғиқ пичирлаб бакирди Гарри, - Мени маъзур сананг, профессор... бундай бўлишини билганим йўқ эди... мен чиганоқни томоша қилдим холос... мен... биз қаердамиз?

Бироқ Гаррига эътибор қаратмаган, жавоб қайтармаган Дамблор қилт этмади. У ҳам курсилар қаторидаги бошқа сехграрлар каби залнинг нариги томонига, чиқиш эшигига қараб ўтирибди.

Гарри ҳайрат-ла Дамблорга бақрайиб қолди, сўнг ниманидир кутиб, жим қолган томошабинларга ва яна Дамблорга дикқат билан қарагач, вазиятни идрок этди.

Бир вақтлар Гарри сехрланган кундалик воситасида бирорнинг хотирасига кириб, ўхшаш ҳолатга, тушиб қолган эди. Ўшанда ҳам ҳеч ким уни кўрмаган, эшитмаган... Агар адашмаётган бўлса, хозир ҳам тахминан ўша ахвол...

Гарри, ҳар эҳтимолга қарши ўнг қўлини кўтарди-да, бир оз иккиланиб, Дамблорнинг бурни олдида силтади. Дамблор ўтирилмади, кўзини пирпиратмади, қилт этмади. Йўқ, бу ҳақиқий Дамблор эмас. Бундан чиқди, Гарри, кимнингдир хотирасига кириб олган.

Ёнидаги Дамблор эса бугунги Дамблор эмас, лекин сочининг оппоклигига қараганда, ушбу хотирадаги ходисалар бўлиб ўтганидан буён узок вакт ўтгани йўқ. Қанақанг жой экан ўзи бу ер? Шунча одам нимани кутяпти?

Бола атрофга синчиклаб разм солди. Тепадан қараб, тўғри хулоса чиқарган кўринади. Зоро, қандайдир вахимали вазият қарор топган ушбу зал чиндан ҳам ер ости хонасига ўхшайди. Деворларда бирорта бўлсин расм ёки зеб бериш буюми кўринмади. Ўртага ўрнатилган мудхиш кресло яққол кўриниб туриши учун зина поғоналари каби кўтарилиб кетган курси қаторлари бор холос.

Келиб қолган жой ҳақида якуний хулоса чиқаришга улгурмаган Гаррининг қулогига қадам товушлари эшитилди. Хонанинг бурчагидаги эшик очилиб, ичкарига уч киши, аникроқ айтиладиган бўлса, бир нафар инсон-у, икки ёнида иккита дементор кириб келди.

Гаррининг ич-ичи совиб кетди. Эгнидаги жуббанинг қайтарма қалпоғини юзига ташлаб олган новча бўйли ушбу маҳлуқлар ўзларининг ириган қўллари билан баҳти қора маҳбусни маҳкам тутганча зал ўртасидаги машъум кресло томон сузиб борди. Маҳбуснинг киёфасидан хозир бўлмаса, сал ўтиб хушини йўқотиб қўядиган ахволда эканлигини уқса бўлади. Бирорнинг хотирасида дементорлар ҳеч қандай зиён етказа олмаслигини билса-да, Гарри, уларнинг таъсир кучини жуда яхши билади. Залдаги томошабинлар, токи дементорлар маҳбусни кресло занжирлари воситасида кишанбанд килиб, эшикни

тараклатганча, зални тарк этгунга қадар тиришиб ўтириди. Креслога маҳкам боғлаб қўйилган банди Каркаров эканлигини Гарри дарҳол таниди.

Дамблордан фарқли ўлароқ, соч-соқоли кора Каркаров анча ёш кўринмоқда. Этнига бугунги кунда кийиб юргани каби ялтироқ мўйнали қимматбаҳо кийим эмас, балки эскиб, йиртилган юпқа коржома кийган. Ҳозир у бошдан оёқ дағ-дағ қалтирамоқда. Гарри Каркаровга тикилиб ўтирас экан, тирсаккўйич занжирлари бирдан тилла тус олиб, маҳбусни ўтирган жойида маҳкамлаганча, юкорига кўтарилиди.

- Игорь Каркаров, - узук-юлуқ эшитилди кимнингдир овози.

Гарри овоз томон ўгирилиб, ўзидан сал наридаги қатор ўртасида турган, гавдаси йигноқ, ишга печан, соchlари қора, юзидағи ажинлар ҳали у қадар кўп бўлмаган мистер Сгорбсни кўрди.

- Сиз, ўта муҳим ахборотдан боҳабар эканлигинизни маълум қилганингиз ва шу боис сехгарлик вазирлигининг жамики ходимлари олдида гувоҳлик беришингиз учун Азкабандан олиб келиндингиз.

Каркаров ўтирган ўрнида имкон борича қаддини ростлаб олди.

- Худди шундай, сэр, - жавоб қайтарди у, - Мен вазирликка яқиндан ёрдам беришга аҳд қилдим. Мен... менга маълумки, вазирлик... Ёвуз Лорд атрофидаги арбоблар гурухининг омон қолган парчаларини қидириб топишни ўз олдига кўйган мақсад, деб билади. Мен бу масалада қўлдан келганча ёрдам беришга тайёрман...

Каркаров кўркиб-писиб гапираётган бўлса-да, овозидаги табиатига хос тулкилик оҳангি Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Вазирлик ходимлари орасида шивир-шивир бошланди. Уларнинг баъзилари Каркаровга қизиксишиб, айримлари шубҳаланиб қараашмоқда. Дамблорнинг нариги ёнида ўтирган киши эса:

- Ғирт ёлғон, - деб дўриллаб ҳам қўйди.

Бу киши ким эканлигини билмоқчи бўлган Гарри олдинга эгилиб, ташки киёфаси мутлақо бошқача, сехрли кўзсиз ўтирган Хмурини кўрди. Аластор Хмури соппа-соғ кўзларини қисиб олганча, баҳти қора Каркаровга совуқ қараб ўтириби.

- Сгорбс уни қўйиб юбормоқчи, - деди у, Дамблорга арз қилиб, - Олти ой унинг пайида юрган эдим-а. Сгорбс эса... душманларнинг етарлича сонини сотса, озод қилмоқчи.

Сотмоқчи экан, майли имкон берайлик, сотсин, сўнг яна Азкабанга қамаб қўяверамиз, дедим...

Дамблор норози овоз чиқарган бўлди.

- Ҳа-я, Альбус, ёдимдан чиқиб қолаверади... - истехзоли кулиб қўйди Хмури, -

Дементорларни хуш кўрмайсиз-ку, сиз, шундайми?

- Хуш кўрмайман, - хотиржам тасдиқлади Дамблор, - Вазирлик, ушбу маҳлуклар билан иттифоқдош бўлиб, ниҳоятда жиддий хатоликка йўл қўйган.

- Фақат, анави разилга ўхшаганлар учун эмас... - паст овозда ғудуллаб қўйди Хмури.

- Тегишли одамлар исмини айтиб бермоқчи эканлигинизни маълум қилган эдингиз, Каркаров, - давом этди Сгорбс, - Ўша кишилар исмини эшитмоқчимиз, марҳамат, сўз сизга.

- Бир нарсани тўғри тушунишингизни истаган бўлар эдим, - шу заҳоти бидирлай бошлади Каркаров, - Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ўз ишини қатъий маҳфийлик режимида олиб борган. Биз... яъни Ёвуз Лорд тарафдорлари шерикларимизнинг исмларини билишимиз шарт эмаслигини афзал топган.... ҳозирда эса мен улар сафига қўшилганимга пушаймон бўлиб, тавба қилмоқдаман...

- Албатта, албатта, - боз истехзо қилди Хмури.

- ... ўз тарафдорларининг сони ва исмлари танҳо ўзига маълум бўлган...

- Умуман айтганда, ақл билан иш тутиби. Зоро, сенга ўхшаган, ҳаммани ёпласига сотадиган хоинлар ҳамма жойда, ҳамма вақт топилади, - пичирлаб вайсади Хмури.

- Шунга қарамай, тегишли одамлар исмини айтиб бера оламан, демоқчисиз, шундайми? - сўради Сгорбс.

- X-ха, - базўр ғудуллади Каркаров, - Таъкидлаб ўтишим жоизки, бу исмлар унинг энг яқин

ёр-биродарлари доирасига кирган, сохибининг амрини кўз ўнгимда бажарган одамлар исмидир. Бугунги гувохлигим, ундан тўла-тўкис юз ўтирганим, ич-ичимдан пушаймон қилаётганимдан далолат, деб эътироф этишингизни, мен факат...

- Хўш, исмлар? - такаллупсизлик-ла гапни кесди Сгорбс.

Каркаров чукур нафас олди.

- Авваламбор, Антонин Долохов, - базур гапира бошлади у, - Кўплаб маглларни, шунингдек, Ёвуз Лордни қўллаб-қувватламаган сехгарларни қийноққа согганини кўрганман.

- Ва бу масалада унга якиндан ёрдам бериб боргансан, - қўшимча шарҳ бериб ўтди Хмури ўтирган жойида.

- Долохов фош этилган, - деди Сгорбс, - Сиз қўлга олинишингиз билан у ҳам хибсга олинган.

- Ростданми? - кўзи чаногидан чиқиб кетгандай сўради Каркаров, - Мен... мен ниҳоятда хурсандман.

Бироқ киёфасига қараганда хурсандлигига ишониш қийин. Ушбу хабар унга қаттиқ зарба бўлгани аён. Негаки, у маълум қилган исмлардан бири наф бермади.

- Хўш, яна ким? - совук ва лоқайд оҳангда сўради Сгорбс.

- Ҳ-ҳа... Розье, - шоша-пиша бақирди Каркаров, - Эван Розье.

- Розье ўлиб қутилди, - маълум қилди Сгорбс, - У ҳам сиз қамоққа олинганингиздан кейин фош этилган. Жангсиз таслим бўлишни истамади. Ҳукуматга қаршилик кўрсатаётганида аврорлар томонидан ўлдирилди.

- Ўзи билан бурнимнинг бир бўлагини ҳам олиб кетди, аблах, - пичирлади Хмури.

- Розье чиндан ҳам айнан шундай қисматга муносиб эди, - чинқирди вужудини ваҳима қамраб олаётгани маълум бўлаётган Каркаров.

Судланувчи бераётган маълумотлари билан вазирлик ходимларини қизиктирмаганлигидан саросимага туша бошлаб, ҳеч шубҳа йўқ-ки, ортида дементорлар турган эшик томон қараб қўйди.

- Хўш, яна ким? - сўради Сгорбс.

- Ҳа! - бидирлай кетди Каркаров, - Маккиннонлар оиласини ўлдириган Трэверс! Қарам килиш қарғишига ихтисослашган, кўплаб кишиларни даҳшатли жиноятлар содир этишга мажбур қилган Мульчибер! Жосус Гадвуд, вазирлиқда бўлаётган ишларни Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишига етказиб турган!

Бу сафар, афтидан, Каркаровнинг омади юришган кўринади. Лом-лим демай кузатиб ўтирган тингловчилар кутилмагандага ғовур-ғувур қила бошлади.

- Гадвуд? - такрорлади Сгорбс, пергаментга бир нарсалар ёзиб ўтирган афсунгар аёлга имо килиб, - Сирли сеҳр бўлимида ишлайдиган Аугустус Гадвудми?

- Худди ўша, - дарҳол тасдиклади Каркаров, - Билишимча, Гадвуд, ахборот йиғиш манфаатларида вазирлик ичидаги ҳам, унинг ташқарисида ҳам фаолият юритган жосуслар тармоғини яратган...

- Мульчибер билан Трэверс ҳакида биз шундок ҳам биламиз, - баёнот қилди Сгорбс, - Хўш, Каркаров, айтадиган гапингиз шу бўлса, тегишли қарор қабул қилингунга қадар Азкабанга қайтасиз...

- Йўқ, хали ҳаммаси эмас! - умидсиз ўкириб юборди Каркаров, - Шошманг, мен яна бир-икки кишининг исмини айтаман!

Судланувчи кўркканидан терлаб кетгани машъалалар ёруғлигига кўриниб турибди. Унинг бўрдай оқариб кетган тери қопламаси қоп-қора соч-соқолидан кескин фарқ қилмоқда.

- Снегг! - бақирди Каркаров, - Северус Снегг!

- Снегг мазкур мўътабар йигин томонидан оқланган, - муздай оҳанг-ла гапни кесди Сгорбс, - Альбус Дамблдор унинг кафиллигини олди.

- Йўқ! - бақирди Каркаров, креслога кишанлаб қўйилган занжирни тортиб, - Ишонтириб айтаман-ки, Снегг Ўлимдан мирикувчилардан бири бўлган!

Дамблдор ўрнидан турди.

- Бу масалада мен етарлича гувохлик берганман, - хотиржам гап бошлади у, - Чиндан ҳам Северус Снегг Ўлимдан мирикувчилар сафига қўшилган. Бироқ Лорд Вольдеморт ҳали қуламасдан олдин биз томонга ўтган ва ўз хаётини хавф остига қўйганча, бизнинг хабарчимиз сифатида фаолият юритган. Бугунги кунда шахсан мен қандай Ўлимдан мирикувчи бўлсам, у ҳам шундай мирикувчидир.

Гарри Аластор Хмурининг юзи шубҳа ифодалаган тарзда бужмайиб кетганини кўрди.

- Жуда соз, Каркаров, - совуқ овоз-ла якун ясади Сгорбс, - Сиз бизга ёрдам бердингиз, деб ҳисоблаймиз. Ишингиз қайта кўриб чикилишини тайнинглайман. Ҳозирча Азкабанга қайтариласиз...

Мистер Сгорбснинг овози пасая бошлади. Гарри атрофга назар солди. Зал, худди тарқалаётган тутун каби йўқ бўлди. Энди у фақат ўзининг танасини кўрмоқда. Атрофдаги нарсалар эса зулмат қаърига кириб кетди.

Хаёл ўтмай зал яна пайдо бўлди. Гарри энди бошқа жойда, бу сафар ҳам юқори қаторда-ю, фақат Дамблдорнинг эмас мистер Сгорбснинг ёнида ўтирганини кўрди. Залда хукм сураётган мухит ҳам ўзгача, қандайдир қувноқ кўринди. Сехргар эркаклар-у, аёллар гўё аллақандай спорт мусобақасини томоша қилгани тўпланишгандай, бир-бири билан шодмон гаплашиб ўтиришибди. Гарри залнинг нариги томонида, эгнига пушти коржома кийган, қўлидаги яшил пат-қаламини сўриб ўтирган оқ-сариқ сочли афсунгар аёлга эътибор қаратди. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, бу аёл Рита Врите. Фақат нисбатан ёшрок. Гарри атрофга қараб, Дамблдордан узокда эмаслигини кўрди. Унинг эгнидаги коржоманинг ранги ҳам бошқача. Мистер Сгорбс қандайдир толиккан, паришон, қиёфаси жиддий...

Гарри энди бошқа хотира, бошқа кун... бошқа суд мажлисига келиб қолганини идрок этди. Зал бурчагидаги эшик ланг очилиб, ичкарига Людо Шульман кириб келди. Лекин бу Шульман бугунги кунда қорин кўйган Людо Шульман эмас, балки спорт соҳасида шуҳрат чўққисига чиққан, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, бакувват, бурни ҳали синмаган йигит. Шульман атрофга асабий қараб чиққач, занжирили креслога ўтириди. Бироқ у Каркаров каби кишиланламади. Афтидан, айнан шу сабабли бўлса керак, бир оз руҳланиб, томошибинларга разм солганча, айримларга кўл силтаб, ҳатто кулиб қўйишга ҳам журъат этди.

- Людо Шульман, - гап бошлади мистер Сгорбс, - Сиз, Ўлимдан мирикувчилар томонидан олиб борилган фаолият юзасидан гувохлик беришингиз учун Олий сехргарлик судига чақиртирилгансиз. Суд сизга қарши берилган гувохликларни тинглаб, хукм чиқаришга тайёр. Ҳукм чиқарилгунга қадар муқаддам берган кўрсатмаларингизга қўшимча шоҳидлигингиз борми?

Гарри ўз қулогига ўзи бовар қилмай ўтириби. Людо Шульман Ўлимдан мирикувчи бўлса-я?!

- Фақат биттагина, - минғирлади Людо, хижолатли кулиб, - Нима десам экан... хуллас ўшанда ғирт ахмоқ бўлганимни тушуниб етдим...

Томошибинлардан айримлари кечиримли кулиб қўйишди. Бироқ Людо Шульманга аёвсиз совуқ нигоҳ-ла қараб ўтирган мистер Сгорбс бундай кайфиятга шерик бўлмайдиган кўринади.

- Ҳа, ушбу йигитча, шу бугунга қадар бунчалик аклли сўз айтмаган, - вайсади Гаррининг орқасида ўтирган кишилардан бири, - Агар у болалигидан ғирт ахмоқ эканлигини билмаганимда, Тажовузкор тўплардан бири бошига яхшигина зарб берган, деган хulosага борган бўлар эдим...

Гарри ўгирилиб, Дамблдорга мурожаат қилаётган Хмурини кўрди.

- Людовик Шульман, сиз Лорд Вольдемортнинг тарафдорларидан бирига ахборот етказиб бераётганингизда кўлга олингансиз, - давом этди мистер Сгорбс, - Бундай кирдикорлик учун Азкабанга, маълум муддат қамоқ жазосига хукм килиниш кўзда тутилган. Ушбу муддат...

Шу пайт атрофдан эътиrozли ҳайкириклар эшишилди. Айрим сехргарлар ўринларидан қалқиб туриб, мистер Сгорбсга бош ва ҳатто кўллари билан ҳам ўдағайлашди.

- Айтдим-ку, ўшанда нима иш бўлаётганини тасавур ҳам қилмаган эдим, деб! -
халойиқдан ҳам баланд овозда бақириб юборди Шульман, айбиз мовий қўзларини
чақчайтириб, - Мутлақо бехабар эдим! Кария Гадвуд отамга ёшлиқдан дўст тутиниб
келган... Ўзингиз-Биласиз-Кимга сотилганини хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, ахир!
Ўзимиз учун ахборот йигиб юрибман, деб ўйлаган эдим! Гадвуд эса, квидишни тарк
этганимдан сўнг, вазирликда дурустроқ лавозим топиб бераман, деб ваъда қилган эди...
Ўзингиз ўйлаб кўринг... бир умр Тажовузкор тўплардан калтак еб юрмайман-ку, ахир,
тўғрими?

Залда ўтирган айрим одамлар пиқиллаб кулиб юборди.

- Масалани овозга қўямиз, - эълон қилди пинагини бузмаган мистер Сгорбс, ўнг томонга
мурожаат қилиб, - Суд маслаҳатчилари, қайси бирингиз қамоқ жазосига овоз берасиз?
Илтимос, қўлингизни кўтаринг...

Гарри залнинг ўнг томонига юзланди. Ҳеч ким кўл кўтартмади. Аксарият томошабинлар
карсак уриб қўйишиди. Маслаҳатчи аёллардан бири ўрнидан турди.

- Нимадир демоқчисиз, шекилли? Эшитаман, - ғудуллади Сгорбс.

- Барча суд маслаҳатчилари номидан мистер Шульманни ўтган шанба куни Туркияга
карши ўтган ўйинда қозонилган қойил-мақом ғалаба билан самимий табриклайман, - деди
аёл хаяжондан энтикиб.

Мистер Сгорбснинг ғазаби қайнаб кетгани юзидан маълум бўлиб қолди. Зал эса гулдурос
карсак урди. Яшнаб кетган Шульман ўрнидан туриб, таъзим бажо айлади-да, зални тарк
этди.

- Шарҳлагани сўз ожиз, - вишиллади Сгорбс, Дамблдорга мурожаат қилганча, ёнига
ўтириб, - Гадвуд лавозим ваъда қилган эмиш-а... Людо Шульман орамизга қўшилган кун –
вазирлик тарихидаги энг ачинарли сана бўлади...

Зал яна кўздан ғойиб бўлди. Такрор пайдо бўлгач, Гарри боз атрофга қаради. У Дамблдор
билан бирга илгаригидек, Сгорбснинг ёнида ўтирибди. Бироқ залда хукм сураётган мухит
батамом ўзгариб кетган. Бирорта ҳам бўш жой йўқлигига қарамай, сув қуйгандек
жимжитлик карор топган. Фақат мистер Сгорбснинг нариги ёнида ўтирган, ниҳоятда
нимжон аёлгина дастрўмолини титроқ бармоқлари билан оғзига босиб олганча, кўз ёш
тўқмай, онда-сонда хикиллаб қўймоқда. Гарри Сгорбсга эътибор қаратди. Чаккасидаги
томири ўйнаб турган Сгорбс илгаригига караганда ўзини анча олдириб қўйган, тинка-
мадори қуриган кўринди...

- Олиб киринг, - амр этди у.

Сгорбснинг овози зал деворларидан акс садо бўлиб қайтди. Бурчақдаги эшик очилиб, бу
сафар олтида дементор тўрт кишидан иборат маҳбуслар гурухини олиб кирди. Аксарият
томушабинлар маҳбусларга эмас Сгорбсга юзланди, айримлари пичир-пичир кила
бошлади. Гарри, маҳбуслардан бири бўм-бўш нигоҳини юкорига, Сгорбсга қаратган
бакувват киши, иккинчиси озғин, нисбатан безовта эркак, учинчиси ийрик қовоқли, қалин
соchlари қоп-кора, худди тахтга ўтирган каби викор-ла креслога жойлашиб олган аёл,
тўртинчиси эса даҳшатдан серрайиб қолган ёшгина йигитча эканлигини кўриб ўтирибди.
Малла соchlари сепкилли юзига тушган, ранги бўздей оқариб кетган йигитча сезилар-
сезилмас қалтирамоқда. Мистер Сгорбснинг ёнида дастрўмолини оғзига маҳкам босиб
ўтирган нимжон аёл танасини олд-орқага тебратганча, инграб юборди.

Ўрнидан турган Сгорбс судланувчиларга очиқдан-очиқ нафрят-ла караб, гап бошлади.

- Сиз даҳшатли жиноятлар содир этганингизда айбланиб, Олий сеҳргарлик суди олдида
хозир бўлдингиз, - деди у, хар бир сўзини дона-дона талаффуз этиб.

- Дада, - деди малла соч йигитча, - Дада... илтимос... дада...

- ... ушбу даргоҳда сиз содир этган жиноятдан-да оғир жиноятлар ҳали муҳокама
этилмаган, - давом этди Сгорбс, ўғлининг овозини босиб юбориш учун атайин баланд
гапириб, - Сизга қарши айбловлар дикқат билан тингланди. Тўрталангиз аврор Фрэнк
Лонгботтомни тутиб олиб, қувғин қилинган соҳибингиз, Исли-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-
Кишининг хозир қаерда эканлигини айтиб бериши учун Қийноққа солиш қарғиши

таъсирига мубтало қилгансиз...

- Дада, мен бундай қилмаганман! - бақириб юборди занжирбанد йигитча, - Онт ичаман, қилмаганман! Дементорларга қайтариб берманг мени...

- Шунингдек, сиз, - ўкира бошлади Сгорбс, - Фрэнк Лонгботтомни қийнаб, муддаонгизга эриша олмагач, унинг рафиқасини қийноққа согланингизда айбланаасиз. Қисқаси сизлар, Исли-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишини қайтариш мақсадида ўзаро тил бириктиргансиз ва бу билан унинг қудрати ҳукм сурган даврда содир этган жоиз кирдикорларингизни давом эттириши кўзлагансиз. Энди мен суд маслаҳатчилидан...

- Ойи! - умидсиз чириллади йигитча, - Ойи, ойижон! Мен ундей қилмаганман! Дадамга айтинг, дементорларга топширмасин мени!

Сгорбснинг ёнида тебранишини қўймай ўтирган аёл нихоят уввос солиб юборди.

- Бундай мудхиш жиноятлар учун, - дўриллади мистер Сгорбс, - Ушбу айбланувчиilar умрбод қамоқ жазосига маҳкум қилиниши ва жазо муддатини Азкабанда ўташи керак деб, мен каби фикр юритаётган суд маслаҳатчилидан кўл қўтариб, овоз беришни сўрайман. Залнинг ўнг томонида ўтирган сехргар эркаклар-у, афсунгар аёллар беистисно кўл қўтарди. Томошибинлар худди Людо Шульманнинг судида қарсак уришгандай, фақат бу сафар юзларида қонхўр тантана барқ урган ҳолатда гулдурос қарсак урди. Маҳкум этилган йигитча эса аянчли қичқира бошлади.

- Йўқ! Ойи, йўқ! Мен бундай қилмаганман! Мен уларни танимайман! Жўнатманг мени у ёқقا! Айтинг дадамга!...

Залга дементорлар сирпаниб кирди. Уч нафар маҳбус лом-лим демай ўрнидан турди.

- Ёвуз Lord яна бош қўтаради, Сгорбс! - кутилмаганда кичқирди Сгорбсга қараб турган йирик қовокли маҳбуса, - Тиқ бизни қамоққа, биз бари-бир уни кутамиз! У олдинги ҳолатидан ҳам буюқ, янада даҳшатли ҳолатда қайтади ва бизни, энг садоқатли хизматкорларини муносиб тақдирлайди! Зеро, фақат биз унга содик қолдик! Фақат биз уни кидириб топишга уриндик!

Йигитча эса дементорлар қўлидан халос бўлишга беҳуда уринмоқда. Маҳлукларнинг совуқ, кишини ҳолдан тойдириб юборадиган кучи ўз таъсирини ўтказа бошлаганини Гарри кўриб ўтиргди. Оёққа қалкиб турган томошибинлар қулоқни тешиб юборгудай бақирди. Аёлни олиб кетиши, йигитча эса беҳуда курашни давом этмоқда.

- Ахир мен ўғлингизман-ку, дада! - ёлворди у, - Ўғлингизман!

- Йўқ! Ўғлим эмассан сен энди, окпадар! - бақириб берди Сгорбс, - Оқ қилдим сени! Йўқ энди ўғлим! Йўқол кўзимдан!

Нимжон аёл ох урганча, хушини йўқотиб, курсидан қулаб тушди. Сгорбс бунга эътибор ҳам бермади.

- Олиб кетинг уларни! - ўшқирди Сгорбс дементорларга сўлак сачратиб, - Қамоқда чириб кетишин!

- Дада! Дадажон! Менда айб йўқ! Йўқ! Йўқ! Илтимос, дадажон!

- Назаримда, Гарри, хонамга қайтадиган вақтинг бўлди, - деди кимдир Гаррининг қулогига.

Гарри сесканиб кетди. Бошини буриб чап томонга қаради. Сўнг ўнг томонга қаради. Унинг ўнг томонида Сгорбснинг ўғлини судраб кетаётган дементорларни томоша қилиб ўтирган Альбус Дамблдор ўтирган бўлса, чап томонида Гаррига қараб турган Альбус Дамблдорни кўрди.

- Кетдиқ, - деди чап томондаги Дамблдор, Гаррининг қўлтиғидан тутиб.

Гарри юқорига қўтарилаётганини хис этди. Суд зали боз кўздан ғойиб бўлди. Атрофи маълум вақт қоронғилашиб кетди. Аста сальто бажаргач, Дамблдорнинг, қуёш нурлари кўзни қамаштириб юборгудай ёритиб турган хонасида оёққа туриб қолди. Боланинг рўпарасидаги қоп-кора жавонча ичиди турган тош чиганок кумуш ёғду таратмоқда.

Чиганок ёнида эса Альбус Дамблдор турибди.

- Профессор, - ох урди Гарри, - Биламан, бундай қилмаслигим керак эди... тавақа очиқ экан ва...

- Сени жуда яхши тушуниб турибман, - бош ирғиди Дамблдор.
У тош чиганоқни қўлига олиб, стол ёнига борди-да, сайқал берилган юзага қўйгач, креслога ўтириди. Сўнг рўпарадаги креслони Гаррига кўрсатиб, ўтиришни имо қилди. Гарри креслога ўтириб, тош чиганоқка тикилиб қолди. Илгаригидек оқ кумуш тус олган модда яна айланиб, юзаси мавж урмоқда.
- Нима бу? - сўради Гарри титроқ овози билан.
- Буми? Дамблхотира, - жавоб берди Дамблдор, - Биласанми, баъзан шундай бўладики, миямда фикр-хаёл, гоя ва хотиралар хаддан ортиқ кўп бўлиб, бошим ёрилиб кетгудек бўлади. Ишончим комилки, сенда ҳам шундай бўлиб туради.
- М-м-м... - ғудуллаб қўйди Гарри, бирон маротаба бундай бўлганини ишонч билан айта олмаслигини билиб.
- Бундай фурсатда, - давом этди Дамблдор, чиганоқка имо килиб, - Менга дамблхотира аскатади. Миямдаги ўйларни ажратиб олиб, чиганоқка соламан-да, қўлим бўшаганда ўша хаёлларга боз қайтаман. Тушуняпсан-ми? Агар иш шу тарзда олиб борилса, ходисаларнинг ўзаро боғлиқлигини, мантикий изчиллигини кузатиш осон кечади.
- Яъни айтмоқчисиз-ки, мана бу модда – сизнинг ўй-хаёлларингиз-у, хотираларингиз, шундайми? - ишонқирамай сўради Гарри, буркираётган оқ моддага қараб.
- Албатта, - тасдиклари Дамблдор, - Ижозатинг билан сенга исботлаб бераман.
Директор киссасидан сехрли таёқчасини чиқариб, учини оқ соchlари бекитиб турган чаккасига тақади. Таёқчани бошидан нари олганида Гаррининг кўзига, дастлаб, таёқча учига оқ соч толаси илашиб қолгандай кўринди. Дурустроқ разм солганда эса соч эмас, балки дамблхотира чиганоги тўлиб турган оқ кумуш тусли модда или эканлигини англаб етди. Демак, Дамблдор чиганоқдаги фикр-хаёлларига яна бир ўй қўшиб қўйди. Хаёл ўтмай, Гарри, чиганоқдаги модда юзасида ўзининг аксини кўрди.
Дамблдор дамблхотира чиганогини иккала қўли билан ушлаб, олтин кумни ювиб тозалаётган олтин қидиравчи кишидек чайқалтириди. Модда юзасидаги Гаррининг акси Снеггнинг аксига алмашди. Ушбу акс шифтга қараганча оғзини очиб, янгроқ овоз чиқарди: «У боз кўриняпти... Каркаровда ҳам шу ахвол... илгаригидан ҳам аниқ, тўқ рангда пайдо бўляпти»...
- Ўзим ҳам фахмлашим мумкин бўлган боғлиқлик, - хўрсинди Дамблдор, - Майли, хозир бунинг аҳамияти йўқ.
Директор кўзойнаги узра модданинг юзасида айланадиган Снеггнинг башарасини томоша килаётган Гаррига қараб қўйди.
- Мистер Фуж ташриф буюрганида мен дамблхотира билан шуғулланиб ўтирган эдим. Афтидан шошиб қолибман шекилли, жойига яхшилаб яшириб қўймабман. Табиийки, дамблхотира чиганоги эътиборингни ўзига жалб этган.
- Маъзур сананг, - минғирлади Гарри.
Дамблдор бош силтади.
- Кизиқиши қусур саналмайди, - изхор қилди директор, - Бироқ хусусан кизиқувчанлик билан муомала қилинап экан, нихоятда эҳтиётлик-ла иш тутмоқ даркор... ҳа-ҳа, айнан шундай...
Қошини чимириб олган Дамблдор сехрли таёқчасининг учини чиганоқдаги хотираларига теккизди. Дамблхотира чиганоги ичидан ўн олти ёшли лўптигина қиз ўсиб чиқиб, оёғи чиганоқдан узилмай, турган жойида астагина айлана бошлади. Гаррига ҳам, Дамблдорга ҳам эътибор қаратмаган қиз худди Снегг каби янгроқ гапира бошлади: «У менга кўзикиш қарғишини қўллади, профессор Дамблдор. Мен уни озгина масхара қилиб, устидан кулиб қўйган эдим холос, сэр. Ўтган пайшанба куни иссиқхона ортида Флоренсдан бўса олаётганини кўриб қолганимни айтган эдим»
- Нима учун уни кузатиб юриш керак бўлиб қолди, а, Берта? - маъюс сўради Дамблдор.
- Берта? Бу Берта Жоркинс-ми? - пичирлади Гарри, кизга термилиб.
- Ҳа, - бош ирғиди Дамблдор, таёқчасини хотираларига боз теккизиб.

Бертанинг акси эриб кетгач, модда яна кумуш тусли шаффоф кўриниш олди.

- Бу акс, мактабда ўқиб юрган кезларида хотирамда сакланиб қолган, ўта кизиқувчан Берта Жоркинснинг акси эди.

Чиганоқдан таралаётган кумуш ёғду Дамблдорнинг юзини ёритди. Шунда Гарри директорнинг қартайиб қолганига эътибор қаратди. Дамблдор хам, бошқа одамлар каби кексайишини билади, албатта. Аммо Гарри Дамблдорни ҳеч қачон қари киши деб эътироф этмаган.

- Шундай килиб, Гарри, - гап бошлади Дамблдор, - Хотираларим ичида йўқолиб қолгунингга қадар, менга бир нима айтмоқчи бўлиб келган эдинг, шундайми?

- Ҳа, - тасдиклади Гарри, - Профессор... мен ҳозир башорат дарсида ўтирган эдим... ухлаб қолибман.

Бола танбех эшитишга шай бўлиб, бир оз тутилиб қолди.

- Бунинг сабабини тушунса бўлади, албатта. Давом эт.

- Хуллас, мен туш кўрдим. Тушимда Лорд Вольдеморт Чувалчангдумни қийноқка солди... Чувалчангдумни танийсизми?...

- Танийман, - тез жавоб қайтарди Дамблдор, - Илтимос, давом эт.

- Укки Вольдемортга хат келтирди. Хатни ўқиган Вольдеморт Чувалчангдумнинг хатоси тузатилгани, кимдир ўлгани, шу боис Чувалчангдумни ҳозирча илонга ем қилмаслигини айтди. Креслосининг остида ниҳоятда катта илон ётган эди. Сўнг, Чувалчангдумни Қийноқка солиш қарғиши воситасида кийнай бошлади. Шунда менинг чандигим хам оғриди. Қаттиқ оғриқдан уйғониб кетдим.

Дамблдор лом-лим демай болага қараб ўтириби.

- М-м-м... бор гап шу, - ҳикоясини тугатди Гарри.

- Тушунарли, - паст овозда жавоб қайтарди Дамблдор, - Тушунарли. Ёзда, оғриқдан уйғониб кетган ҳолатдан ташқари, яна бирон маротаба оғриди-ми, чандигинг?

- Йўқ, оғригани йўқ... Ёзда оғриганини қаердан биласиз? - ҳанг-манг бўлиб қолди Гарри.

- Сириус билан хат ёзишадиган ёлғиз сен эмассан, - тушунтириш берди Дамблдор, - У «Хогварц»ни тарк этган ўтган ёздан бўён мен билан ёзишиб туради. Тоғ горида бекиниб олишни унга мен маслаҳат берган эдим.

Дамблдор ўрнидан туриб, ёзув столи ёнида у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Вакти-вақти билан сехрли таёқчасининг учини чаккасига тақаб, дамблхотира ичига янги ва янги кумуш тус бериб товланган хотираларини қўшиб борди. Чиганоқдаги хотиралар шу қадар шиддат билан айланар эдики, Гаррининг кўзига фақат ранг-баранг доғлар кўринди холос.

- Профессор, - чақирди у бир неча дақика ўтгач.

Дамблдор юришдан тўхтаб, Гаррига қаради.

- Маъзур санайсан, - деди у, жойига ўтириб.

- Чандигим нима сабабдан оғриб туришини биласизми?

Дамблдор муайян вакт болага дикқат билан тикилиб ўтиргач, саволга жавоб берди:

- Бу борада мен фақат битта фикрни илгари суришим мумкин... таъкидлаб ўтаман, бу атиги тахмин холос. Фикримча, чандигинг Лорд Вольдеморт яқин атрофда бўлиб, вужудини фавқулодда нафрат қамраб олган фурсатдагина оғрийди.

- Аммо... нима учун?

- Чунки сен ҳам, у ҳам ўнгмаган қарғиш кучи воситасида ўзаро боғланиб қолгансизлар, - тушунтириш берди Дамблдор, - Пешонангдаги чандик оддий чандиклар сирасига кирмайди.

- Демак, сизнингча, мен кўрган туш аслида туш эмас, ҳакиқатда бўлиб ўтган ходиса, шундайми?

- Эҳтимол, - бош иргиди Дамблдор, - Шундай тахмин ҳақиқатга яқинроқ, деган бўлар эдим. Айт-чи, Гарри, тушингда... Вольдемортнинг ўзини кўрдинг-ми?

- Йўқ, - бош силтади Гарри, - Фақат креслосининг орқа томонини кўрдим. Лекин... унинг кўринадиган танаси йўқ-ку, тўғрими? У танасиз-ку, ахир?! Бироқ танасиз бўлса, сехрли таёқчани қандай килиб ушлаши мумкин?

- Чиндан ҳам, - ғудуллади Дамблдор, - Қандай килиб?...
- Маълум вакт иккаласи сукут саклаб ўтириши. Дамблдор нигохсиз кўзини бўшлиққа қаратиб олганча, вақти-вақти билан чаккасидан янги ўйлар чикариб, дамблхотира чиганогида қайнаб турган хотираларига қўшиб борди.

 - Профессор, - деди ниҳоят Гарри, - У тобора кучли бўлиб боряпти, деб ўйламайсиз-ми?
 - Вольдеморт-ми?

- Дамблдор дамблхотира узра болага дикқат билан тикилди. Директорнинг бундай нигохи болага яхши таниш. Гаррининг назарида, Дамблдорнинг ушбу нигохи олдида хеч қандай сехрли кўз ип эша олмай қолади.

 - Бу масалада ҳам, Гарри, мен ўз тахминимни билдиришим мумкин холос.
 - Толикқан, илгаригига қараганда анча кексайиб қолгандай кўринган Дамблдор чуқур хўрсиниб қўйди.
 - Вольдеморт ўз хукмини суриб юрган йилларда одамлар изсиз йўқолган ҳолатлар кўп кузатилган, - гап бошлади у, - Хозир ҳам, Вольдеморт кўриниш берган юртда Берта Жоркинс бедарак йўқолди. Мистер Сгорбс ҳам, айнан шу ерда, мактабимиз худудида гум бўлди. Яна бир киши изсиз йўқолган. Бироқ минг афсуски, ушбу ҳолатга, вазирлик талаб даражасида эътибор қаратмади. Ўша кишининг исми Фрэнк Брайс. У Вольдемортнинг отаси ўсиб улғайган қишлоқда яшаган. Брайсни ўтган август ойидан буён ҳеч ким кўрмаган. Тушунган бўлсанг, вазирликдаги аксарият дўстларимдан фарқли ўлароқ, мен магларнинг газеталарини ҳам ўқиб бораман.
 - Дамблдор Гаррига жиддий қараб қўйди.
 - Ушбу ҳолатлар, менимча, ўзаро боғлиқ. Вазирлик эса фикримга қўшилмайди. Буни ўзинг ҳам эшитдинг, эшик ортида турганингда.
 - Гарри бош иргиб, тасдиқлаб қўйди. Орага яна сукунат чўқди. Дамблдор хотираларини бошидан чиқариб, чиганоққа ташлаб ўтириди. Гарри директорга халал бермай, кетишга аҳд килди-ю, қизикувчан табиати боз устун келди.

 - Профессор.
 - Эшитаман, Гарри.
 - Дамблхотира воситасида кўринган анави суд ҳакида сўрасам майлими?
 - Сўра, - оғир хўрсинди Дамблдор, - Мен жуда кўп суд мажлисларида иштирок этганман. Айримларини нисбатан яхшироқ эслайман... айниқса хозир...
 - Мени қайси мажлисда топиб олганингизни биласизми? Сгорбснинг ўғлига хукм чиқарилган мажлисда. У ерда... м-м-м... Невиллнинг ота-онаси ҳакида гап борди.

 - Дамблдор яна Гаррига тешиб юборгудай тикилди.

 - Тўғри, ўша мажлисда Невиллнинг ота-онаси тилга олинди, - тасдиқлади у, - Невиллнинг отаси, Фрэнк Лонгботтом, профессор Хмури каби аврор бўлиб ишлаган. Ўз қудратини йўқотиб қўйган Вольдеморт қаерга яширинганини билиш мақсадида эр-хотин қийноққа солинганини тушуниб етганга ўхшайсан.
 - Улар ҳалок бўлишди-ми? - паст овозда сўради Гарри.
 - Йўқ, - жавоб қайтарди Дамблдор, Гарри муқаддам эшитмаган аламли оҳангда, - Иккаласи ҳам ақлдан озиб қолган. Хозир улар Муқаддас Резги шифохонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтида даволанмоқда. Билишимча, Невилль, бувиси билан бирга ҳар ёзги таътилда ота-онасидан хабар олгани боради. Бироқ улар ўз фарзандларини танишмайди.
 - Мистер Сгорбснинг ўғли чиндан ҳам айбсиз бўлиши мумкинми? - аста сўради Гарри.
 - Дамблдор бош чайқаб қўйди.
 - Бу масалада бирон-бир тасаввурга эга эмасман.
 - Гарри дамблхотира ичидаги модданинг айланишини томоша қилиб, яна бир оз сукут саклаб ўтириди. Яна иккита савол унинг ичини қиздирмоқда. Аммо бу саволлар хозирда барҳаёт юрган икки кишига тааллуқли...

 - Э-м-м... мистер Шульман-чи?
 - Ўша даврлардан буён бирон маротаба бўлсин, ёвуз кучларга дахлдор фаолият билан

шүғуллангани қузатилмаган, - хотиржам маълум килди Дамблдор.

- Тушунарли, - тез жавоб қайтарди Гарри, хотира киритилмай қўйилгач, айланиш тезлиги пасая бораётган моддага қараб, - А... м-м-м...

Болага дамблхотира ёрдам беришга аҳд қилган кўринади. Чунки модда юзасида яна Снеггнинг рухсори кўринди. Чиганоққа қараб қўйган Дамблдор Гаррига юзланиб, қўшиб кўйди:

- Профессор Снегг ҳам.

Директорнинг мовий кўзларига қараб турган Гаррининг тили ўйидан илгарилаб кетди.

- Профессор, нега энди Снегг Вольдеморт тарафдори эмаслигига қаттиқ ишонч билдирасиз?

Дамблдор Гаррининг нигохини қарши олиб, бир неча сония сукут сақлаб турди-да, жавоб қайтарди:

- Бу масала, Гарри, фақат профессор Снегг иккаламизга тааллукли.

Гарри бугунги интервью ниҳоясига етганини англади. Дамблдор аччиқлангани йўқ, бирок унинг овозида сухбатни якунловчи оҳанг эшитилиб, кетар вақт бўлганини Гарри тушуниб етди. У Дамблдор билан деярли бир вақтда ўрнидан турди.

- Гарри, - чакирди директор, бола чикиш эшигига етай деганда, - Илтимос, Невиллнинг ота-онаси ҳакида ҳеч кимга гапира кўрма. Бунга фақат Невиллнинг ўзи ҳакли.

- Албатта, профессор, - бош иргиди Гарри, эшик томон ўгирилиб.

- Яна бир гап...

Гарри ортга ўгирилиб, дамблхотира ёнида турган Дамблдор чиганоқдан тараалаётган шуълада шунчаки қари киши эмас ибтидоий замонлардан бугунги кунга қадар етиб келган кишидай кўринаётганига эътибор қаратди.

«Хогварц» директори болага узок қараб турди-да, ниҳоят:

- Учинчи мусобақада омад сенга ёр бўлсин, - дея тилак билдириди.

XXXI БОБ.

УЧИНЧИ МУСОБАҚА

- Демак, Ўзинг-Биласан-Ким яна кучга эришаётганини Дамблдор ҳам рад этмас экан-да, а? - пичирлади Рон.

Гарри дамблхотира ичида кўрганлари, шу жумладан, Дамблдор шархлаб берган маълумотлар ва кўрсатган нарсалари ҳакида Рон билан Гермионага деярли оқизмай-томизмай айтиб бериб, табиийки, Сириусга ҳам батафсил ёзib юборди. Учовлон бўлиб ўтган ҳодисани муҳокама қилиб, яна алламаҳалгача умумий меҳмонхонада ўтириб чиқди. Оқибатда Гаррининг боши айланиб, мияга ҳаддан ортиқ тўлиб кетган фикр-хаёл, гоя ва хотиралар ҳакида Дамблдор билдирган мулоҳазанинг маъносини энди тушуниб етди. Ха, чиндан ҳам миядаги ўйларнинг маълум қисмидан халос бўлган киши ўзини анча енгил хис этса керак...

Каминдаги оловга қараб, ўй суриб қолган Рон, оқшом илиқ бўлишига қарамай, сезилар-сезилмас сесканиб кетди.

- Демак, бир вақтлар Ўлимдан мириқувчи бўлганига қарамай, Снегг ҳам, Дамблдорнинг назарида ишончли киши экан-да, а?

- Ха, - тасдиклади Гарри.

Пешонасини кафтига тираб, кўзларини тиззасига тикиб олган Гермиона кам деганда ўн дақиқа индамай ўтириди. Гарри дамблхотира чиганоғига ўхшаш буюм Гермионага ҳам ортиқчалик қилмаслигини хаёлдан ўтказди.

- Рита Врите, - деди Гермиона ниҳоят.

- Шундай пайтда ўша аёл ҳакида ўйлаганингга ҳайронман, - деди Рон таажжубли қараб.

- Мен Ританинг ўзи ҳакида эмас, айтган сўзлари ҳакида ўйланиб қолдим, - тушунтириш берди Гермиона, тиззасидан кўзини узмай, - «Уч супурги» қаҳвахонасида менга нима дегани эсингиздами? Ўшандада у: «Мен Людо Шульман ҳакида шундай нарсаларни биламан-ки, эшигтан кишининг тепа сочи тикка бўлиб кетади», деган эди. Шуни назарда

тутган эканда! Вритер суд мажлисида бўлган, Шульманнинг Ўлимдан мириқувчиларга ахборот етказиб турганини билган! Ана энди Винкининг гапини эсланг: «Мистер Шульман ёмон сеҳргар! Жуда ёмон! Сохибим уни ёқтирумайди! Хеч хуш кўрмайди уни!», деган эди. Афтидан Шульманнинг жазосиз қолгани мистер Сгорбсга ёқмаган ва бу хақда ўз уйида фикр билдирган.

- Тўғри, лекин Шульман маълумотларни Ўлимдан мириқувчилар учун бераётганини билмаган-ку?!

Гермиона елка қисиб қўйди.

- Фужнинг фикрича, Сгорбсга Максим хоним ҳамла қилган, шундайми? - сўради Рон, яна Гаррига юзланиб.

- Сгорбс «Бэльстэк» аравасининг якинида гум бўлгани учунгина, шундай хаёлга борди.

- Биз эса уни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз, - аста фикр билдириди Рон, - Гарчи чала зот гигант эканлигидан тониб, ўзини суяги йўғон, танаси чорпаҳил деб билса-да, аслида...

- Тонади, албатта! - овоз кўтарди Гермиона, бошини кўтариб, - Ританинг мақоласидан сўнг, Хагрид қай ахволга тушиб қолганини ўзинг кўрдинг! Чала зот гигант бўлгани учунгина сеҳгарлик вазири Фуж Максим хоним ҳакида қандай мулоҳаза юритаётганини ўйлаб кўр! Қани айт-чи, кимга керак бундай муносабат? Мен ҳам, Максим хонимнинг ўрнида бўлганимда, ҳақ гапни айтиб, нимага эришишим мумкинлигини билган ҳолда, ёлгонни танлаган ва ҳаммага суягим йўғон, танам чорпаҳил, деб эълон килган бўлар эдим. Гермиона соатга қараб қўйди.

- Бугун умуман шуғулланмадик! Тўсқинлик қарғишини ўзлаштиришни режалаштирган эдик-ку! Эртага, ўша карғиш устида ишлашимиз шарт. Бўлди, Гарри, бориб ёт. Яхши дам – меҳнатга ҳамдам! Сен дам олишинг керак.

Гарри Рон билан бирга аста ётоқхонага кўтарилди. Тунги пижамасини кияр экан, кўзини Невиллнинг каравотидан уза олмади. Ваъдага вафо килган бола Рон билан Гермионага Невиллнинг ота-онаси ҳакида ҳеч нима демади. Кўзойнагини ечиб, кўрпасига ётар экан, ота-она тирик бўла туриб, ўз боласини танимаса, қандай бўлишини тасаввур этиб кўрди. Гирт етим бўлгани учун унга мутлако ёт одамларнинг раҳми келади. Энди эса, синдошининг пишиллашини эшитиб ётиб, аслида Невиллга қўпроқ раҳм қилиш кераклиги ҳакида ўйланиб қолди. Коронғида ётган Гаррининг вужудини эр-хотин Лонгботтомларни қийнокқа соглан жиноятчиларга нисбатан нафрат туйғуси қамраб олди... Дементорлар Сгорбснинг ўғлини шериклари билан бирга судраб кетаётганида ҳалойикнинг қутуриб кетгандай айюханнос согланини... ва шу заҳоти ранги сутдай оқариб, кичқирган ўша йигитча бир йил ўттар-ўтмас ўлганини даҳшат-ла эслади... Буларнинг бари Вольдемортнинг қилмиши, хаёлдан ўтказди Гарри, коронғида базўр кўринаётган тўқ-кизил баҳмалдан тайёрланган гулдор чодирининг шифтига қараб. Ҳамма гап охир-пировардида Вольдемортга бориб тақаляпти... Кўплаб одамларнинг ёстигини куритган, оиласарини сарсон қилган, ҳаётини издан чиқарган ўша Вольдеморт бўлади...

Умуман айтганда, Рон билан Гермиона имтиҳонларга тайёргарлик кўриши керак. Иккаласи эса бор куч-ғайратини Гаррига ёрдам беришга сарфламоқда. Бинобарин, Гарри, ушбу масалага шама қилиб, маълум вакт ўзи мустақил шуғулланиши мумкинлиги айтди.

- Ташибиши тортма, - кўл силтади Гермиона, - Ёвузлик кучидан химоя фанидан аъло баҳо Рон иккаламизнинг чўнтағимизда, деб санайвер. Дарслар давомида шунча кўп тилсим, афсун, кўзикишлар-у, қарғишларни ўзлаштирган бўлар эдик.

Ҳавода учиб келаётган арини Тўсқинлик қарғиши воситасида муваллақ осилтириб қўйган Рон ўзига қойил қолиб, Гаррини тинчлантирган бўлди:

- Аврор бўлсак, буларнинг бари аскатиб қолади!

Июнь ойи кириб келди. Ҳам қувончли, ҳам кескин вазият «Хогварц» қасрини қамраб олди. Ҳамма ўқув йилининг тугашига бир хафта қолганда бўлиб ўтадиган сўнгги мусобақани сабрсизлик-ла кутмоқда. Гарри кўли бўшаши билан турли-туман афсунлар ижросини

машқ қилиб юрди. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, бу сафар у, илгариғига нисбатан анча дадил, ишончли ҳис этмоқда ўзини. Тўғри, охирги мусобақа ҳам илгариғи синовлар каби қийин ва хавфли кечади, албатта. Бироқ Хмури ҳақ: Гарри доимо маҳлуқларни чув тушириш ва сехрли тўсикларни енгид ўтишнинг ҳар хил усувларини топа билган. Ҳозир эса барча синовларга олдиндан, етарлича пухта тайёргарлик кўриш имкони бор.

Тиниб-тинчимас учликка дуч келавериб ҷарчаган профессор Макгонагалл, Гаррига, тушлик танаффуси давомида бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани хонасидан фойдаланишга ижозат берди. Тез орада, Гарри: рақиб томонидан бажарилаётган ҳатти-ҳаракатлар тезлигини пасайтириб юборадиган, умуман айтганда, тажовузкор ўз ниятига эришишига моне бўладиган Тўсқинлик қарғишини; йўлда дуч келадиган қаттиқ жисмларни ҳар томон улоқтириб юборадиган Сочиб ташлаш афсунини; сехрли таёқчани бурилиб, учи билан шимол томонни кўрсатишга мажбур киладиган Тўртта нуқта тилсимини мукаммал ўзлаштириб олди.

Тўртта нуқта тилсими Гермионанинг ажойиб топилдиғи бўлиб, лабиринт ичида мўлжал олиб юришга ёрдам бериши мукаррар. Бироқ Гарри Девор кўтариш тилсимининг ижросини ҳеч уddyalай олмаяпти. Тахминга кўра, ушбу тилсим, киши атрофида ўтиб бўлмас ғов яратиб, у қадар кучли бўлмаган қарғишиларнинг таъсир кучини ортга қайтариши лозим. Лекин Гермиона яхшигина нишонга олиб қўллаган Пахта оёқ қарғиши Гарри яратган ғовдан сингиб ўтиб, токи Гермиона ушбу қарғишига қарши қарғиши топгунга қадар болани ўн дакиқача титраб қолган оёқда каловланиб юришга мажбур килди.

- Ўзлаштиришинг ёмон эмас, Гарри, - далда берди Гермиона, қарғишилар рўйхатидаги тегишли тилсим ва қарғиши номларининг устига чизик тортиб, - Буларнинг бари бўлмаса ҳам, аксарияти сенга кор бериши турган гап.

- Бу ёққа келинг, - чақириди ховли томоша қилиб турган Рон, - Пастга қаранг, Малфой нима қиляпти?

Дераза ёнига тўпланган болалар ҳовлидаги дараҳтлардан бирининг остида турган Малфой ва тишининг оқини кўрсатаётган Краббе билан Гойлни кўришди. Краббе ва Гойл, афтидан, пойлоқчилик қилишмокда. Малфой эса қўлини оғзига келтириб олиб, кафтига гапирияпти.

- Худди рация орқали радиосўзлашув олиб бораётган кўринади, - ҳайрон бўлди Гарри.

- Бўлиши мумкин эмас, - бош силтади Гермиона, - Айтган эдим-ку, сизларга, «Хогварц»да ҳудудида ўхшаш асбоблар ишламайди, деб. Қани Гарри, яхшиси Девор кўтариш тилсимини машқ қилайлик.

Сириус энди ҳар куни Гаррига бойқуш йўллайдиган бўлиб қолди. У ҳам, худди Гермиона каби, Гаррининг учинчи синовдан эсон-омон ўтиб олишини кутиш ва шундан сўнгтина бошқа муаммолар билан шуғулланишга аҳд қилган. Ҳар бир ҳатида Гаррига «Хогварц»да ҳозир нималар рўй бермасин, эътибор қаратмаслигини, зеро, ушбу ҳодисалар жараёнига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаслигини эслатиб ўтмоқда.

Агар Вольдеморт чиндан ҳам яна кучга эришаётган бўлса, менинг биринчи навбатдаги бурчим – хавфсизлигини таъминлашдир. Дамблдор ҳимояси остида экансан, Вольдеморт сенга ҳеч қачон ета олмайди. Бироқ бу, таваккалчилик қилиш мумкинлигини англатмайди. Авваламбор лабиринтни бир ёқли қил, сўнг қолган ишларга киришамиз.

Йигирма тўртинчи июнь яқинлашган сари Гарри асабийлаша бошлади. Лекин у биринчи ва иккинчи мусобақадан олдин бўлгани каби умидсизликка юз тутгани йўқ. Бунинг сабаби аён, албатта. Биринчидан, ишончи комилки, бу сафар у мусобақага пухта тайёргарлик кўриш учун бор имкониятини ишга солиб, қўлдан келганча ҳаракат қилди. Иккинчидан, бу охирги синов. Голиб чиқадими-йўқми, шу билан Уч сехргар беллашуви ниҳоясига етиб, ўзини анча енгил ҳис этади.

Учинчи мусобақа ўтадиган куни гриффиндорчиларнинг нонуштаси ниҳоятда буркираб ўтди. Эрталабки почта бойкуши Гаррига Сириусдан муваффақият тилангани открыта, аниқроқ айтиладиган бўлса, ғижимланган пергамент бўлагига босилган ит панжасининг изини келтириди. Лекин, бундай тилақдан Гарри жуда севинди. Гермионага эса «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сони етказилди. Биринчи сахифани ёзиши билан таажжубдан тикилиб қолган қиз, оғиз бўшлиғига симириб, ютишга улгурмаган ошқовоқ шарбатини газета сахифасига сачратиб юборди.

- Нима бўлди? - баралла сўрашди Гарри билан Рон Гермионага юзланиб.
- Ҳеч нима, - жавоб қайтарди Гермиона, газетани яширишга уриниб.

Бироқ Рон Гермионанинг қўлидаги газетани чакқонлик билан тортиб олиб, сарлавҳага бақрайиб қолди.

- Фақат бу эмас. Фақат бугун эмас. Ах сен, гумбаз.
- Ҳа, яна Рита Врите-ми, - сўради Гарри.
- Йўқ, - жавоб қайтарди Рон, Гермиона каби газетани яширишга уриниб.
- Яна мен ҳақимдами? - тинч қўймади Гарри.
- Йўқ, - ишончсиз оҳанг-ла такрорлади Рон.

Бироқ Гарри газетани талаб қилишга улгурмай туриб, слизеринчилар дастурхонидан Драко Малфойнинг қичқириги эшитилди.

- Хой, Поттер! Поттер! Бошинг қалай? Оғрияпти-ми? Бугун сал бўлса ҳам мўминроқмисан ишқилиб? Одамларга ташланмайсан-ми?

У ҳам «Башорат-у, каромат газетаси»ни ушлаб олган. Гаррининг қандай муносабат билдиришини кўрмокчи бўлган слизеринчиларнинг ҳаммаси мурдор иршайганча, ўғирилиб олган.

- Бер, ўқиб қўрай, - амр қилди у Ронга, - Бер дедим сенга.

Рон истар-истамас газетани Гаррига узатди. Газетани ёзиб қараган Гарри ўзининг фотосурати остидаги Рита Врите қаламига мансуб мақолани кўрди.

ГАРРИ ПОТТЕР – ТАБИАТАН БЕҚАРОР ВА НИҲОЯТДА ХАВФЛИ БОЛА

Чақалоқлигидан Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишидан қўли баланд келиб, омон қолган Гарри Поттер бугунги кунда рӯҳан бекарорлиги ва шу сабабли мактаб ўқувчилари га нисбатан яширин хавф түгдирини мумкинлиги билан ўз тенгқурларидан фарқ қиласди. Яқинда Поттернинг Уч сеҳргар беллашувида иштирок этишига йўл қўйилиши, умуман айтганда, «Хогварц»даги ўқишини давом эттириши мумкинлигини шубҳа остига соладиган ғалати хулқи ҳакида ниҳоятда хавотирли маълумотлар олинди.

«Башорат-у, каромат газетаси»нинг мўътабар манбаларидан олинган маълумотларга кўра, Поттер, мунтазам ҳушидан кетиб қолар, пешонасидағи чандиги оғриётганидан тез-тез зорланиб турар экан. Ушибу чандик Ўзингиз-Биласиз-Ким томонидан Поттерни ўлдириши мақсадида қўлланилган қарғишдан қолган хотира эканлиги ҳаммага яхши маълум.

Жумладан, ўтган душанба куни башорат фанидан ўтказилган дарс давомида пешонасининг оғриги яна хуруж қилгани ва шу боис дарсда иштирок эта олмаслигини маълум қилган Поттер синф хонасини юргурганча тарк этганига газетамиз мухбири шахсан шоҳид бўлди.

Муқаддас Резги шифохонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтидан фаолият юритадиган эксперт ходимларнинг фикрига қараганди, Ўзингиз-Биласиз-Ким томонидан қўлланилган қарғиши яшини боланинг миясига бевосита дахл қилган. Бинобарин, Поттернинг бош оғриқларига доир шикояти оғир руҳий касаллик аломати бўлиши мумкин экан.

«Бироқ Поттернинг бундай қилиқларини, одамларнинг дикқат-эътиборини ўз шахсига жалб этиши мақсадига қаратилган чорасиз уриниш сифатида ҳам кўриши мумкин», - фикр

билдириди соҳа мутахассисларидан бири.

Бундан ташқари, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг таҳририяти «Хогварц» директори Альбус Дамблдор сеҳргарлар жамиятидан астойдил бекитиб келган яна бир хавотирили ҳолат ҳақида хабар топди.

«Поттер серпентарго тилида гапириши билади», - маълум қилди тўртинчи синф ўқувчиси Драко Малфой, - «Икки йил муқаддам мактабимизда ўқувчиларга қарши сирли ҳамлалар уюштирилди. Аксарият одамлар, ушбу қилмишлар ортида Поттернинг қўли борлигига шубҳа қилмади. Чунки биз, кунлардан бир кун, унинг бесабаб кутуриб кетгани ва илон билан тил бириктириб, уни бир болага согланни ўз кўзимиз билан кўрган эдик. Ўша ҳодисаларни мактаб маъмурияти бости-бости қилиб юборди, албатта. Лекин биз Поттернинг маҳлук тусига кира оладиган одамлар-у, гигантлар билан дўст тутиниб юришини яхши биламиз. Поттер ҳақида ҳаммамизнинг фикримиз муштарак, у ҳам бўлса, оламга довруғи кетиши учун у ҳеч нарсадан тан тортмайди».

Маълумки, кишининг илонзабонлиги, қадим замонлардан буён ёвуз кучлар сеҳрига мансуб табиат, деб эътироф этиб келинган. Дарҳақиқат, замонамизнинг серпентарго тилида гапириши биладиган энг машҳур илонзабон «қаҳрамони» Исли-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши саналади. Ёвузлик кучидан ҳимоя иттифоқи аъзоларидан бири, исми мажхул қолишини илтимос қилган мансабдор шахс мухбиримиз билан ўтган сұхбатда қўйидагича баёнот қилди: «Ўз фикрини серпентарго тилида баён эта биладиган ҳар қандай киши батофсил текширувдан ўтказилиши шарт. Шахсан мен, илонлар билан мулокот қила оладиган одамларнинг хушхулк бўлишига шубҳа ила қарайман. Чунки судралувчиларнинг бундай туркуми ёвуз кучлар сеҳрининг энг даҳшатли, аёвсиз қаршишларида тез-тез қўлланилиб келинади. Илон қиёфасини ёмонлик уругини сепувчи одам қиёфасига ўхшатиш – баҳарият онгода азалдан шакланиб қолган тасаввурлардан биридир. Колаверса, гигантлар ва маҳлук тусини касб эта биладиган одамлар билан дўст тутинганлар ҳам, мулҳоза юритилаётган каслардан сира қолишмайди. Зоро, шафқатсизликка мойиллик, ушбу кишилар табиатида алоҳида ифодаланиб туради».

Газета таҳририяти А. Дамблдордан Г. Поттернинг Уч сеҳргар беллашувида иштирок этиши-этмаслигини обдан ўйлаб қўришини газетхонлар номидан талаб қиласди.

Беллашувнинг учинчи мусобақаси бугун оқшом чогида бўлиб ўтиши ҳеч кимга сир эмас. Нима қилиб бўлса ҳам, сўнгги мусобақада голиб чиқишини – ўз олдидағи ягона мақсад, деб билган Поттер ёвуз кучлар сеҳрини қўллаб юбориши эҳтимолдан холи эмас.

- Мана, менга ҳам навбат етибди, - деди парвойига келтирмаган Гарри, газетани ўраб. Слизеринчилар столи атрофида ўтирган Малфой, Краббе ва Гойл Гаррини баралла калака килишмоқда. Учаласи пешоналарига уриб, ўзини ўзи руҳий касал киши кўйига солар, узун чиқарип олган тилини илон тилига ўхшатиб титратганча, иржайиб ўтирас эди.
 - Башорат дарсида чандигинг оғриб қолганини қаердан билиб олди экан, а? - сўради Рон, - Хонада йўқ эди-ку у. Ёки Рита бирон-бир...
 - Ҳаво етишмаганидан деразани очиб қўйган эдим, - эслади Гарри.
 - Сизлар еттинчи қаватда, Шимолий минора чўққисида ўтиргансиз! - овоз кўтарди Гермиона, - Овозим ҳовлида эшитилган, демоқчи эмасдирсан ҳар қалай!
 - Умуман айтганда, сеҳр қўллаб, яширинча қулоқ солиш усуулларини сен ўзинг ойдинлаштириб олмоқчи эдинг шекилли! - ўшқириб берди Гарри, - Демак, бу саволга жавобни сен беришинг керак!
 - Мен қўлдан келганча уриндим! - бақирди Гермиона, - Лекин... бироқ... аммо... фақат... Гермиона кутилмаганда унини ўчириб, бефарқ қиёфа касб этганча, ўй суриб қолди, қўлини аста кўтариб, бормоқларини сочининг орасига киритди.
 - Сенга нима килди? - бақрайиб қолди Рон, қошини чимириб.
 - Ҳа, - деди Гермиона, эшитилар-эшитилмас.
- У яна бир бор қўлини сочига тикиб чиқарди-да, худди кўзга кўринмас рация орқали ким биландир гаплашаётган сингари кафтини оғзига келтирди. Гарри билан Рон бир-бирига

таҳайюр қараб кўйиши.

- Миямга бир ўй келди, - деди Гермиона бўшлиққа қараб, - Тушуниб етдим, шекилли... агар, шундай бўлса, ҳеч ким, ҳатто Хмури ҳам кўрмайди, албатта... Хона деразасининг токчасига чиқиб олган... Кўлга тушган кўринади! Мен икки дақиқага, аниқ ишонч ҳосил килиш учун кутубхонага югуриб бориб, тез қайтаман!

Гермиона юқ ҳалтасини кўлига олди-да, юргурганча Катта Залдан чиқиб кетди.

- Хой! - бакирди Рон Гермионанинг кетидан, - Ўн дақиқадан сўнг, сеҳгарлик тарихидан имтиҳон бошланади! Уни қара-я, - ғудуллади у Гаррига юзланиб, - Одам деган шу қадар нафратланадими инсондан, а? Бритернинг дастидан имтиҳоннинг бошини ўтказиб юборишга тайёр-а... Сен нима қилмоқчисан Биннзнинг хонасида? Яна китоб ўқиб ўтирасанми?

Модомики Гарри, Уч сеҳгар беллашувининг иштирокчиси сифатида имтиҳонлардан озод килинган экан, ҳамма имтиҳон топшираётган пайтда орқа парталардан бирини эгаллаб, бирон-бир фойдали тилсим қидирганча, китоб вараклаб ўтирад эди.

- Ҳа, шундай қилсан керак, - жавоб қайтарди Гарри.

Лекин айни шу пайтда профессор Макгонағалл келиб қолди.

- Поттер, нонушта ўтгач, чемпионликка даъвогарлар Катта Залга туташ хонада тўпланишади, - маълум қилди у.

- Мусобақа кечкурун бўлади-ку! - деди вакт адаштириб юборганидан чўчиб кетган Гарри, устига қўймоқ тушириб юбориб.

- Бундан хабарим бор, Поттер, - деди профессор Макгонағалл, - Сўнгги мусобақага чемпионликка даъвогарларнинг оила аъзолари ҳам таклиф килинган. Шундай экан, улар билан боз юз кўришиш мумкин.

Гарри оғзини ланг очганча, нари кетган профессорнинг изидан қараб қолди.

- Дурслар «Хогварц»га ташриф буюради, демоқчи эмасдир, ахир, а?

- Билмадим, - деди Рон, - Гарри, мен бора қолай. Акс ҳолда Биннзнинг хузурига кеч қоламан. Кейин учрашамиз!

Гарри аста секин бўшаб бораётган Катта Залда нонуштасини тугатмоқда. Флёр ўрнидан туриб, Катта Залга туташ хона томон йўл олган Седрикка қўшилди. Ҳаёл ўтмай иккаласи кирган хонага Крум ҳам маймоқланиб кириб кетди. Гарри ўтирган жойида қолди. Гапнинг рости айтиладиган бўлса, Гарри ўша хонага кирмоқчи ҳам эмас. Оиласи йўқ. Ҳар қалай ҳаётини хавф остига қўйганча, жонини жабборга бериб курашаётганида ёнида турадиган яқинлари йўқ унинг. Кутубхонага бориб, яна бирон-бир турдаги фойдали тилсимлар ҳакида рисола қидириб кўришни қўзлаган Гарри ўрнидан турмоқчи бўлган пайтда хона эшиги очилиб, Седрикнинг боши кўринди.

- Нима қилиб ўтирибсан, Гарри? Сени кутишяпти-ку, ахир!

Эсанкираб колган Гарри аста ўрнидан турди. Седрик ҳам Дурслар кутишяпти демоқчи-ми? Не-не ҳаёлларга борган бола Катта Зални кесиб ўтиб, хонага кирди.

Эшик ёнида Седрик ўз ота-онаси билан турибди. Бурчакка бориб олган Крум болгар тилида соchlари кўмирдай қоп-қора онаси ва отаси билан қизғин сухбат курган. Крум, ўзининг илмоқсимон бурни билан отасига ўхшар экан... Хонанинг нариги бурчагида эса Флёр ўз онаси билан француз тилида вижир-вижир қилмоқда. Унинг синглиси Габриэль онасининг қўлини маҳкам ушлаб олган. Гаррини кўрган қизалоқ кувониб кетиб қўл силтади. Бола ҳам табассум-ла, қўл кўтариб қўйди-да, камин ёнида яшнаб турган миссис Уэсли билан Биллни кўриб қолди.

- Мана биз! - хитоб қилди севиниб кетган миссис Уэсли, - Салом, ёқимтойгинам! Шундай кунда ёнингда бўлишга аҳд қилдик! - деди у, табассуми кенгайиб кетган Гаррининг юзидан ўпиб.

- Ишлар қалай? - кулиб сўради Билл, Гарри билан қўл сиқишиб, - Чарли ҳам келмоқчи эди-ю, иложини топа олмади. Тиканак думга қарши мисли йўқ жанг қилганингни батафсил айтиб берди.

Флёр Делакёр онасининг елкаси орқали Биллга қизиқиш билан қараб турганини Гарри

сезмай қолмади. Узун сочини боғлаб, отнинг думи сингари орқага ташлаб олган, эгнидаги маглча кийими ўзига ярашган, оёғидаги ботинкаси аждарнинг терисидан эмас, нак зирхидан тайёрланган, қулогига таққан сирғаси қандайдир ҳайвон тишига ўхшаб кетадиган Биллнинг қиёфаси Флёрга ёкқан кўринади чамаси.

- Келганингиз... жуда яхши бўлди... - аста мингирилади Гарри, - Мен эса... Дурслар, деб ўйлабман...

- Хм-м-м, - лабини қимтиб қўйди миссис Уэсли.

Гаррининг қариндошлари ҳакида миссис Уэсли ҳеч қачон танқидий фикр билдирамаган, лекин фамилияларини эшитган ҳамоно кўзлари нафратга тўлиб кетади.

Семиз Холанинг дугонаси Виолетта Биллга кўз қисиб қўйди.

- Ушбу даргоҳга яна ташриф буюриш нақадар яхши, - деди Билл, хонага кўз югуртириб чиқиб, - Беш йилдан буён энди қайтдим. Анави томи кетган рицарнинг расми борми ҳали ҳам? Сэр Кэдоганни назарда тутяпман.

Гарри ўтган йили Сэр Кэдоган билан яхши танишиб олган.

- Ха, бор, - деди Гарри, - Ўз жойида, Шимолий миноранинг зина майдони деворига осилганча турибди.

- Семиз Хола-чи? - сўради Билл.

- У мен ўқиб юрган кезлардан буён ўз хизмат вазифасини бажариб келмоқда, - деди миссис Уэсли, ёшлик йилларини қўмсаб, - Кунлардан бир кун, тонг сахар тўртда минорага қайтганимни кўриб, мени роса койиб берган.

- Тонг сахар кўрпангизда ухлаб ётмасдан қаерларда изгиб юрган эдингиз? - дархол сўрокқа тутди онасини Билл.

Кув кўзлари ярқираб кетган миссис Уэсли кулиб қўйди.

- Даданг билан бирга тунги ҳаводан баҳраманд бўлган эдим. Уни ҳам ўша замоннинг мактаб назоратчиси Аполлион Прингл тутиб олиб, жазога тортган эди. Дадангнинг танасида ҳали ҳам ўша жазодан қолган чандиклар бор.

- Бир сайр қилдирмайсан-ми, а, Гарри? - илтимос қилди Билл.

- Албатта. Юриналар.

Хонадан чиқиш эшигига яқин келишганда Амос Диггори ўгирилиб, Гаррига мурожаат килди.

- Аҳа, мана сен, - деди у, болага бошидан оёғигача разм солиб, - Энди, Седрик очколар бўйича сенга етиб олганида, ўзингга у қадар ишонмай қўйган кўринасан, а?

- Нима? - тушунмади Гарри.

- Эътибор қаратма, - деди Седрик, отасига қош чимириб қўйиб, - Рита Вритернинг мақоласини ўқиган кундан буён зардаси қайнаб юрибди. Эсингдами, у сени гўё «Хогварц»нинг ягона чемпионликка даъвогари, деб ёзган эди.

- Тўғри. Бироқ Поттер Вритернинг хатосини тузатиб қўйишга урингани ҳам йўқ-ку, шундай эмасми? - баланд овозда эътиroz билдириди мистер Диггори, хонани тарк этган Гаррига эшиттириб, - Ҳеч қиси йўқ, Сед. Сен унга кўрсатиб қўясан, тўғрими? Ахир у билан биринчи бор юзма-юз келаётганинг йўқ-ку...

- Амос, Рита Вритер юрган йўлида адоват уруғини сочиб юради, - юракдан койиб берди миссис Уэсли, - Вазирлик ходими бўла туриб, буни яхши билишинг керак!

Мистер Диггори, айтидан, кескин жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, хотини кафтига қўлини қўйгач, елка қисиб, тескари ўгирилиб олди.

Гарри Билл билан миссис Уэсли даврасида қуёшли ҳовлида сайр қилиб, тонгни яхши ўтказди. Бола меҳмонларга «Бэльстэк» араваси билан «Дурмштранг» кемасини кўрсатди. Миссис Уэслини Уришкоқ тол кизиқтириди. Сехрли дараҳт миссис Уэсли мактабни тамомлаганидан сўнг экилган экан. Шундан сўнг, миссис Уэсли Хагриддан олдин ишлаган Оғг исмли ҳовлибон ҳакида кўп нарсаларни айтиб берди.

- Перси қалай юрибди? - сўради Гарри, иссиқоналарни айланиб ўтишар экан.

- Унчалик эмас, - жавоб қайтарди Билл.

- Унчалик хафа эмас, - аниқлик киритди, атрофга қараб, овозини пасайтирган миссис

Уэсли, - Вазирлик мистер Сгорбснинг йўқолиб қолгани ҳакида лом-лим демаяпти. Персини эса сўроққа чакиришиб, мистер Сгорбс томонидан йўлланган кўрсатмалар ҳакида сўраб туришибди. Вазирлик ходимларининг фикрича, ўша кўрсатмалар бошқа одам томонидан бериб борилган эмиш. Перси ҳозир жуда кийин ахволда. Унга бугун мистер Сгорбс номидан ҳакамлик қилишга ижозат берилмади. Бешинчи ҳакам шахсан Корнелиус Фуж бўлади.

Улар қасрга тушлик вақтига оз колганда қайтишди.

- Ойи! Билл! - ҳайрон бўлди гриффиндорчилар дастурхонига жойлашиб олган Рон, - Сизлар нима қиляпсиз бу ерда?

- Учинчи мусобақа куни Гаррининг ёнида бўлиш учун келдик! - ғайрат-ла жавоб қайтарди миссис Уэсли, - Дарвоке, ха, деб овқат тайёрлайвермай, баъзан мен ҳам тайёр таом тановул килсан ёмон бўлмас. Имтихонни қандай топширдинг?

- А?... Ҳа-я... бўлади, яхши, - жавоб қайтарди Рон, ликопига Корнуаль пирогидан солганча, миссис Уэслининг жиддий нигоҳидан оз бўлса ҳам тортинмай, - Айрим қўзғолончи гоблинларнинг исмларини эслай олмай, тўкиб чиқаришга тўғри келган бўлса-да, ёмон бўлмади. Барининг номи бир хилдай гўё. Серсоқол Бодрод, Михланган Ург. Шундай экан, имтиҳон кийин кечмади.

Фред, Жорж ва Жинна ҳам келиб, даврага қўшилди. Уэслилар даврасида маза қилиб ўтирган Гарри ўзини худди Бошпанага бориб қолгандай ҳис этди. Тушлик қизғин ўтаётганида Гермиона топилиб келгач, эрталаб Рита Вритеर масаласида унинг акли равшанлашиб кетганини эслади.

- Хўш, энди айтасанми бизга?...

Миссис Уэслига қараб қўйган Гермиона бош чайқаб қўйди.

- Салом, Гермиона, - зўрма-зўраки кўришди миссис Уэсли.

- Салом, - жавоб қайтарди Гермиона.

Бироқ миссис Уэслининг юзидағи совуқ киёфани кўрган қизнинг табассуми шу заҳоти барҳам топди. Гарри иккаласига қараб, вазиятни идрок этгач, миссис Уэслига мурожаат килди.

- Рита Вритернинг «Авсунполитен» журналида чол этилган тутуриқсизлигига ишонмагансиз, тўғрими, миссис Уэсли? Чунки Гермиона менинг қизим эмас, бўлмаган ҳам. Эрталаб мистер Амос Диггорига: «Рита Вритер юрган йўлида адоваут уругини сочиб юради», деб ўзингиз айтдингиз чоғи, шундайми?

- О! Гарри! Ишонмадим, албатта!

Аёлнинг Гермионага бўлган муносабати шу заҳоти ўзгариб, қиёфаси илигандай бўлди. Тушликтан сўнг, Гарри, Билл ва миссис Уэсли яна қаср атрофида сайд қилиб, Катта Залга, кечки зиёфатга етиб келишди. Мўътабар Стол атрофида Людо Шульман билан Корнелиус Фуж кўринди. Шульман, одатдагидай, хушчақчак. Максим хонимнинг ёнига жойлашиб олган Фуж аксинча, қовоини солиб, ҳеч ким билан гаплашмай ўтирибди. Кўзлари қизариб кетган Максим хоним ликопидан бошқа томон қиё боккани ҳам йўқ. Столнинг нариги бошида ўтирган Хагрид эса «суяги йўғон, танаси чорпаҳил» аёлга дам-бадам кўз кирини ташлаб қўймоқда.

Байрам муносабати билан тузалган дастурхон турли-туман мазали таомларга тўлиб-тошган. Бироқ Гарри бу вақтга келиб асабийлаша бошлагани учун жуда кам овқат еди. Вакт ўтиб, Катта Залнинг сехрланган шифти ўзининг мовий рангини аста секин шафак-кирмизи тусга алмаштиргач, Дамблдор ўрнидан турди. Шу заҳоти Катта Залда худди сув сепгандай сукунат қарор топди.

- Хонимлар ва жаноблар! Беш дақиқадан сўнг, сизлар, Уч сехргар беллашувининг учинчи ва сўнгги мусобақаси ўтадиган квидиш майдонига таклиф қилинасиз. Чемпионликка даъвогарлардан эса мистер Шульман билан бирга ўйингоҳ томон ҳозир йўл олишни илтимос қиласан.

Гарри ўрнидан турди. Уэслилар оиласи ва Гермиона болага омад тилади.

Гриффиндорчилар уни қарсаклар ила кузатиб қўйишли. Гарри колган чемпионликка

даъвогарлар Седрик, Флёр ва Крум билан бирга чиқиши томон йўл олди.

- Қалайсан, Гарри? - сўради асосий эшиқдан ҳовлига олиб тушадиган тош зинапоя бўйлаб ёнма-ён бораётган Шульман, - Ўз кучингга ишончинг борми?

- Бор, - жавоб қайтарди Гарри, қатъий оҳангда.

Умуман айтганда, бола ҳақ гапирди. Ўйингоҳ томон борар экан ўзлаштирган барча афсун, карғиши ва тилсимларни эслаб ўтди. Уларнинг бари эсида эканлиги Гаррига ишонч ва дадиллик бермоқда.

Квидиши майдони таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Ўйингоҳнинг ташқи айланаси бўйлаб бўйи кам деганда йигирма фут келадиган шоҳ девор ўсган. Иштирокчиларнинг рўпарасидаги зич буталар орасида лабиринтга олиб кирадиган ёриқ жой, ичкарида эса вахимали, қоп-кора, сирли йўлак кўринди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас намойишгоҳлар одамга тўлиб, ҳавода хаяжонли овозлар жаранглай бошлади. Ўз жойларини эгаллаётган мактаб ўкувчиларининг қадам товуши ҳар томондан эшитилмоқда. Нихоятда баланд тўқ кўк осмонда илк юлдузлар кўриниш берди. Кўп ўтмай ўйингоҳга Хагрид, профессор Хмури, профессор Макгонагалл ва профессор Флитвик етиб келди. Ҳар бирининг шляпасида каттагина, қип-қизил юлдуз порлаб турибди. Фақат Хагридинг юлдузи белида, кишин-ёзин кийиб юрадиган крот пўстинининг орқасида ёришмоқда. Улар Шульман ва чемпионликка даъвогарлар ёнида ҳозир бўлишди.

- Биз лабиринтнинг ташқи деворлари ёнида юриб, патруллик хизматини ўтаймиз, - тушунтириш берди профессор Макгонагалл чемпионликка даъвогарларга, - Агар бирортангиз мушкул ахволга тушиб қолсангиз ҳавога қизил юлдуз отасиз. Биз шу заҳоти ёрдамга етиб келамиз. Тушунарлимис?

Чемпионликка даъвогарлар баралла бош иргиб қўйишли.

- Ундей бўлса, сиз патруллик йўналишларига боринг! - бардам овоз-ла амр этди Шульман тўрт нафар патрулга.

- Омад ёр бўлсин, Гарри, - пицирлаб қўйди Хагрид.

Куткарувчиларнинг ҳар бири ўз йўналиши томон йўл олди. Людо сеҳрли таёқласини чиқариб, ўз томоги томон бир силтади-да:

- Сонорус! - деб, ўйингоҳга йигилган томошабинларга мурожаат килди.

Унинг сеҳр қўлланилиб кучайтирилган овози баланд янгради.

- Хонимлар ва жаноблар! Шундай қилиб биз Уч сеҳргар беллашувининг учинчи ва сўнгги мусобақасини бошлаймиз! Ижозатингиз билан бугунги кунга келиб, чемпионликка даъвогарларнинг қайси бири нечанчи ўринни эгаллаб турганини ёдингизга солиб ўтаман! Биринчи ўринни ҳар бири саксон беш баллдан тўплаган мистер Седрик Диггори билан мистер Гарри Поттер ўзаро бўлишиб олишган!

Кўтарилиган айюханнос-у, урилган қарсаклардан Ман этилган ўрмон дараҳтларида ўтирган қушлар хуркиб кетиб, осмонга кўтарилиди-да, кора булут ҳосил қилганча, нари учеби кетди.

- Иккинчи ўринни, - давом этди Шульман, - «Дурмштранг» сеҳргарлик мактабининг вакили, саксон балл тўплашга эришган мистер Виктор Крум эгаллаган.

Яна қарсаклар янгради.

- Учинчи ўринни эса «Бэльстэк» сеҳр-жоду академиясининг вакиласи мисс Флёр Делакёр эгаллаган.

Гарри намойишгоҳлар ўртасида ўтириб, Флёр шарафига қарсак ураётган миссис Уэсли, Билл, Рон ва Гермионани базур ажратса олди. Улар Гаррининг қўл силтаганини кўрганидан кувониб кетиб, жавобан қўл силташди.

- Демак... Гарри ва Седрик! Менинг хуштагим билан! - эълон қилди Шульман, - Уч... икки... бир...

Людо қисқагина хуштак чалиб қўйди. Гарри билан Седрик шу заҳоти лабиринт ичига отилди.

Бутазорнинг баланд шоҳ деворлари йўлакка қора қўланка ташлаб турибди. Деворлар баланд бўлганидан-ми ёки сеҳрлаб қўйилгани учунми, болалар лабиринтга киришлари ҳамоно томошабинларнинг овози батамом тинди. Гарри ўзини яна қўл тубига тушиб

қолгандаи ҳис этди.

- Люмос, - пичирлади қўлига сехрли таёқчасини олган Гарри.

Седрик ҳам худди шундай қилди. Эллик ярдча юришгач, икковлон йўлакнинг айрилиш жойига етиб, бир-бирига қараб кўйди.

- Учрашгунча, - деди чап йўлакни танлаган Гарри.

Седрик ўнг томонга бурилди. Кўп ўтмай Гаррининг қулоғига хуштак эши билди. Демак, Крум ҳам лабиринтга кирди. Гарри танлаган йўлак мутлақо бўш. Имкон қадар узок масофани қўриш учун сехрли таёқчасини боши узра баланд кўтариб олган бола ўнгга бурилди. Ҳеч нарса кўринмаяпти. Узоқдан учинчи хуштак янгради. Ана энди барча чемпионликка даъвогарлар лабиринт ичида.

Гарри вақти-вақти билан ортга ўтирилганча, атрофни кўздан кечириб борди. Назарида уни кимдир кузатаётгандаи туюлди. Ҳар дақиқа ўтган сари осмон корайиб, лабиринт ичи коронғилашиб, атрофни зулмат қамраб бормоқда. Бола йўлакнинг яна бир айрилиш жойига етиб келди. Тўртта нукта тилсимини қўллашга аҳд килиб, сехрли таёқчасига мурожаат қилди:

- Кўрсат.

Таёқча ўз ўки атрофида айланиб, уни билан ўнг томондаги бутани кўрсатди. Демак, шимол шу томонда. Лабиринт марказига етиш учун эса шимолий-ғарб томон ҳаракатланиш даркор. Юзага келган айни шароитда чап томон юриш-у, биринчи имкон туғилиши билан ўнгга бурилишдан ўзга чора йўк.

Танланган йўл бўм-бўш. Ўнг томонга буриладиган жойга етган Гарри, ушбу йўлда ҳам ҳеч қандай ғов йўқлигини кўрди. Сабабини тушунтириш қийин кечса-да, йўлнинг очиқлиги Гаррини асабийлаштира бошлади. Ахир у шунча вақтдан буён бирон нарсага йўлиниши керак эди-ку. Гаррининг назарида лабиринт соҳта хавфсизлик хиссини туғдирмоқчи.

Кутилмаганда орқа томонда нимадир кимирлади. Ҳамлага ҳозирланган Гарри таёқчасини шовқин эши билган томон ўқтади. Бироқ таёқча таратаётган шуъла йўлакка, ўнг томондан сакраб чиқсан Седрикнинг юзини ёритди холос. Коржомасининг енги тутаётган Седрик қаттиқ ҳаяжонда.

- Хагриднинг портловчи драклига рўбару бўлиб қолдим, - пичирлади у, - Шунақа йириклишиб кетибди-ки, базур қочиб кутулдим.

У бир оз бош чайқаб турди-да, йўлаклардан бирига кириб кетиб, яна кўздан ғойиб бўлди. Драклга рўбару бўлишни истамаган Гарри ҳам бу ерлардан тезроқ жуфтак ростлашга аҳд қилди.

Муюлиш ортига ўтган эди ҳам-ки, йўлда... бўйи ўн икки футча келадиган, танаси йирик, юзини жуббасининг қайтарма қалпоғи билан тўсиб олган, коракўтириб қоплаб, ириб кетган кўлларини олдинга узатганча, инсон танасидан таралаётган иссикликка интилиб, сўкир каби яқинлашиб келаётган дементорни кўрди. Махлукнинг узук-юлуқ нафасини эши бил, муздай даҳшатга тушган Гарри муайян вақт караҳт бўлиб қолди-ю, дархол хаёlinи йиғиб олди.

Гарри Ҳимоячи афсунини қўллаб, ўз Ҳимоячисини чақириш учун миясига энг баҳтли, у ҳам бўлса, лабиринтдан чиққач, Рон ва Гермиона билан биргалиқда Уч сехргар беллашуви ниҳоясига етганини нишонлаш хаёlinи келтириб, фикрини ушбу ўйга жамлаганча:

- Экспекто патронум! - деб, қичкириб юборди.

Таёқча учидан кумуш тусли буғу отилиб чиқиб, дементор томон югуриб кетди. Орқага тисланган махлук жуббасининг этагига ўралашиб қолиб, белига қулав тушди... Гарри ҳали бирор маротаба бўлсин, дементорнинг қокилиб кетганини кўрмаган...

- Шошма, мараз! - қичқирди у, - Сен бoggарт экансан-ку! Ридикулус!

Баланд қарсиллаган товуш янгради. Киёфа алмаштирувчи рух портлаб кетиб, тутун булатига айланиб қолди. Кумуш тусли буғу ҳам ҳавода тарқаб, кўздан ғойиб бўлди. Афсус, қолганда яхши бўлармиди. Гарри бундай шерикка эътиroz билдиримаган бўлар эди. Илож қанча, бола сехрли таёқчасини боши узра баланд кўтарганча, атрофга кулоқ тутиб, имкон қадар шовқин солмай, йўлини давом эттириди.

Чапга... ўнгга... яна чапга... икки маротаба боши берк йўл. У Тўртта нуқта тилсимини боз қўллаб, шарқ томон анча масофа юриб қўйганини тушунди. Ортга қайтиб, ўнг томон бурилиши билан йўлни тилла тусли ғалати туманга тўсиб қўйганини кўрди.

Гарри аста яқинлашиб, таёқча таратаётган шуъланни туманга йўллади. Қизик, ўйлади Гарри, йўлдан нари улоқтириб юборса бўлармикан уни?

- Редукто! - аҳд қилди ниҳоят Гарри.

Афсун туманга зиён етказмай, нари учиб кетди. Чиндан ҳам, фаросатини бир оз ишлатганида, Сочиб ташлаш афсунни факат қаттиқ жисмларнигина нари улоқтириб юборадиган афсун эканлигини тушуниб етган бўлар эди. Туман ичига кирса нима бўлади? Синаб кўрган маъқулми ёки бошқа йўлни танлаган яхшими?

Гарри ўйлаб, ўйига этишга уринар экан, сукунатни кимнингдир қичқириги бузди.

- Флёр?! - бақирди Гарри.

Жавоб эшитилмади. Бола атрофга разм солди. Флёрга нима қилди экан? У қаердадир олдинда чинқирди чоғи. Гарри чукур нафас олди-да, туман ичига қадам босди.

Шу заҳоти олам тўнкарилиб кетди. Тепа сочи тикка бўлиб кетган Гарри оёғи ерда турганча, осилиб қолди. Пешонасига тушиб қолган юмалоқ қўзойнаги тубсиз осмонга тушиб кетадиганга ўхшайди. Кўзойнагини бурнининг учига босиб олган Гарри ҳеч нарсага ақли етмай, осилиб турди. Оёғи кутилмаганда осмон ўрнини эгаллаган майсага маҳкам ёпишиб қолган. Пастида эса ситоралар сочилиб кетган тубсиз осмон. Боланинг назарида, оёғини майсадан узиши билан Ердан тушиб кетадиган кўринди.

Ўйла, буюрди бошига қон югуриб келаётган Гарри ўзига ўзи, ўйла...

Бироқ шунча вактдан бўён ўзлаштириб келган афсун-у, тилсимлардан бирортаси ер билан осмон ўрин алмашган ҳолат учун тўғри келмади. Оёғини кимиirlатиб кўрса бўлармикан? Бошига қўйилган қон қулоқ пардасини оғрита бошлади. Гарри иккита йўлдан бирини танлаши мумкин: ё ҳаракатланишга уриниб кўриши, ё Беллашувда иштирок этишдан четлатилишини билса ҳам қизил юлдуз отиши керак.

Гарри пастида тубсиз бўшлиқни кўрмаслик учун кўзларини чирт юмиб олди-да, оёғини куч билан майса шифтдан узди.

Сония ўтар-ўтмас, олам боз тўнкарилиб, ҳамма нарса ўз ҳолатига қайтди. Кўркиб кетганидан ҳолдан тойған Гарри бетакрор гўзал, қаттиқ ерга тизза билан тушди. Ўзини бир оз тинчлантириб олиш учун чукур-чукур нафас олган бола ўрнидан туриб, елка узра ортга, Ой нурида беозор товланаётган тилла тусли туманга қараб-қараб қўйганча, олға одимлаб кетди.

Иккита йўлак кесишган жойда тўхтаб қолган Гарри Флёрни топиш илинжида атрофга разм солди. Қичқирган Флёр эканлигига ишончи комил. Нима билан тўқнаш келиб қолди у?

Соф-саломатми, ишқилиб? Қизил юлдузлар отилгани кўринмаяпти. Бу нимани англатади? Тўсиқни эсон-омон енгиб ўтганинimi? Ёки қандайдир даҳшатли нарсага дуч келиб, таёқчини кўлига олишга ҳам улгурмай қолганини-ми? Гарри хавотир бўлиб, ўнг томон кетган йўлакни танлади... ва айни вактда: ахир ракиблардан бири сафдан чиккан бўлса, ёмон эмас-ку, деган хаёлдан ҳам холи бўла олмади.

Беллашув Кубоги қаердадир шу якин орада. Флёр эса афтидан ўйиндан чиккан кўринади. Гаррига ҳали ҳеч нима қилгани йўқ... чиндан ҳам чемпион бўлса нима килибди? Ёмонми? Уни чемпионликка даъвогар сифатида эълон қилишган кундан бўён илк бор Уч сехргар беллашуви Кубогини бутун мактабнинг кўз ўнгидаги боши узра баланд кўтараётганини бир фурсат кўз олдига келтириб кўрди.

Гарри тахминан ўн дақиқача, агар боши берк йўлаклар инобатга олинмаса, ҳеч нарсага йўлиқмади. Рўпарасида янги йўналиш пайдо бўлгач, майда қадам ташлаб югурга кетди. Сехрли таёқча йўлни ёритмоқда, Гаррининг кўланкаси эса шоҳ деворда синиб-синиб акс этганча, сакраб бормоқда. Бироқ муюлиш ортига ўтиши билан портловчи драклга рўбару бўлди.

Седрик ҳак. Узунлиги ўн футдан қисқа бўлмаган, ниҳоятда йирик чаёнга ўхшаб қолган, узун ниши ёйсимон эгилиб, бели узра осилиб турган, қалин зирхи сехрли таёқча нурида

хира ялтираб күринган дракл чиндан ҳам баҳайбат бўлиб кетибди.

- Ступефай! - қичкирди Гарри.

Уриб йикитиш қарғишининг яшини зирхга урилиб, ҳеч қандай таъсир ўтказмай нари сапчиб кетди. Гарри вақтида эгилиб олган бўлишига қарамай, куйган соч ҳидини хис этди. Дракл пуркаган олов боланинг боши узра учиб, сочига тегиб ўтди. Дракл яна бир бор ўтиб, Гаррига ҳамла қилди.

- Импедимента!.

Тўсқинлик қарғишининг яшини ҳам ҳайвоннинг зирҳдай косасига урилиб, сапчиб кетди. Орқага тисланган Гарри қоқилиб кетиб, ерга ўтириб қолди.

- ИМПЕДИМЕНТА!

Гарри ҳайвон танасининг зирх билан ҳимояланмаган ички қисмига зарб берган кўринади, болага етишига икки дюйм қолган дракл караҳт бўлиб қолди. Ушбу қарғиш таъсири узок чўзилмайди. Шу боис ҳансира қолган Гарри ердан итарилиб шартда турди-да, жуфтакни ростлади.

У чапга бурилиб яна боши берк йўлакка кириб қолди, ўнгга бурилганда ҳам шу ахвол.

Гарри деярли куч билан ўзини тўхтатди ва кутуриб кетгандаи ураётган юраги билан Тўртта нукта тилсимини яна қўллади. Шундан сўнг, бир оз ортга қайтиб, шимолий-гарб томон олиб кетадиган йўлга бурилди.

Бир неча дақиқа давомида тинмай югургач, параллель кетган йўлақда эшигилган овоз уни етган жойида котиб қолишга мажбур қилди.

- Нима қиласан? - қичкирди Седрикнинг овози, - Ақлингни единг-ми?

Сўнг Крумнинг овози эшигилди:

- Крусио!

Қийноққа солиши қарғиши Седрикни дод дегизди. Даҳшатдан ақлини йўқотиб қўйган Гарри Седрикни кутқариш учун қўшни йўлакка ўтиш жойини топишга уриниб, олдинга югурди. Топа олмагач, шоҳ деворга қаратса Сочиб ташлаш афсунини қўллаб кўрди. Афсун таъсири самарали кечмаган бўлса ҳам, ҳар қалай деворда кичик бўлса-да тўйнук кўйдириб очди. Гарри қалин шоҳларни тепганча, хосил бўлган тўйнукни кенгайтириб, коржомаси тилка-пора бўлишига қарамай қўшни йўлакка бош суқди. Ўнг томонга юзланган бола оғриқдан тиришиб, ерда типирчилаб ётган Седрикни, унинг устида эса таёқча ўқтаб турган Крумни кўрди.

Гарри буталар орасидан бутунлай чиқиб олгач, шовқин эшигилган томон юзланган Крумга таёқча ўқтади. Чамаси чиндан ҳам ақлини еб қўйган болгар қочишга уринди.

- Ступефай! - қичкирди Гарри.

Уриб йикитувчи яшин Крумнинг белига тегди. Болгар бир фурсат худди ерга қоқилган кизиқдай туриб, башараси билан майсага кулади ва килт этмай қолди. Гарри Седрик томон отилди. Диггори тиришмай қолган бўлса ҳам, кафтини юзига босиб, ҳансира өтиби.

- Қалайсан, Седрик? Омонмисан? - сўради Гарри Седрикнинг қўлини маҳкам ушлаб.

- Ҳа, - зўрикиб жавоб берди Диггори, - Ҳа... Орқа томондан аста писиб чиқди... Уни пайқаб, ўгирилсан... таёқчасини ўқтаб турибди...

Бошдан-оёқ дағ-дағ титраётган Седрик бир илож қилиб ўрнидан турди. Икковлон ерда чўзилиб ётган Крумнинг ёнига борди.

- Ишонгим келмайди, - деди Гарри, - Туппа-тузук болага ўхшаб кўринган эди менга.

- Менга ҳам.

- Флёрнинг қичқирганини эшигинг-ми?

- Эшигдим, - бош иргиди Седрик, - Крум унга ҳам тажовуз қилган, деб ўйлайсан-ми?

- Билмадим.

- Нима қиласан? Шу ерда қолдириб кетаверамиз-да, буни, а?

- Йўқ, - қатъий рад этди Гарри, - Фикримча, кизил юлдуз учирishimiz керак. Акс ҳолда драклга ем бўлади.

- У бундай қисматга лойик, - вишиллади Седрик.

Жабрланганига қарамай, Диггори сехрли таёқчасини юқорига кўтариб, ҳавога, Крум ётган

жойни күрсатганча, муаллақ осилиб қолган қизил юлдузлар фаворасини учирди.

Иккаласи маълум вақт атрофга назар солиб туриб қолди.

- Хўш... давом этамизми? - сўради Седрик.

- Нима? - тушунмади Гарри, - А!... Ҳа... Кетдик...

Жуда нокулай ҳолат. Ҳозиргина иккаласи Крумга қарши бир ёқадан бош чиқаришган бўлса-ю, энди эса аслида бир-бирига қарши курашаётган ракиб эканлигини эсга олишди. Икковлон сукут саклаганча, коронғи йўлак бўйлаб йўлни давом эттириди, айрилиш жойига етгач, Гарри чапга, Седрик эса ўнгга бурилди. Кўп ўтмай Седрикнинг қадам товуши эшитилмай қолди.

Гарри олға илгарилар экан, тўғри йўналишда кетаётганига ишонч ҳосил қилиш учун вакти-вакти билан Тўртта нуқта тилсимини қўллаб борди. Курашнинг кейинги босқичи фақат у билан Седрик ўртасида кечади. Кубокка биринчи бўлиб етиш истаги боланинг вужудини қиздира бошлади. Илгари бундай бўлмаган. Крумнинг қилган ишини эса ҳеч унута олмаяпти, умуман айтганда, ўз кўзи билан кўрган ҳолатга ишонгиси ҳам келмаяпти. Ахир профессор Ҳмурининг айтишича, оқибати мудхиш қарғишлардан ҳар қандай бирининг инсон зотига қарши қўлланилиши Азкабанга умрбод қамалиш учун етарли бўлади-ку! Наҳотки Крум ғолиб чиқишига шу қадар ташна бўлса?... Гарри қадамини тезлатди.

Қайси йўлакка кирмасин, охири берк. Лекин шоҳ деворлар борган сари зич ўсгани, зулматнинг тобора қалинлашиб бораётгани лабиринт маркази шу яқин ўртада эканлигидан далолат бермоқда. Ниҳоят Гарри узун йўлакка кириб, кутилмаганда яна қандайдир харакатни сезиб қолди. Сехрли таёқча таратадиган шуъла йўлни тўсиб олган ғайриоддий махлукнинг танасини ёритди. Ушбу махлукнинг расмини Гарри бир вактлар Ҳагрид совға қилган «Махлуклар ҳакида қўрқинчли китоб»да кўрганини эслади. Тўппа-тўғри, бу сфинкс! (*Сфинкс* (грек. *Sphínx*): 1) қадимги Мисрда – одатда, фиръавн боши акс эттирилган шер ёки бошқа муқаддас ҳайвон ҳайкали бўлиб, шаҳаншоҳ ҳокимиятининг тимсоли, қўриқловчи рӯҳ сифатида эътироф этилган. 2) юнон афсоналарида танасининг кўкрак соҳаси ва ундан юқори қисми аёл киши, қолган қисми эса шерга ўхшаши қанотли махлук бўлиб, Фивага кириш йўлида жойлашиб олганча, топишмогининг жавобини топа олмаган одамларни ўлдириб келган. Унинг топишмоги қуйидагича бўлган: «Ким тонгда тўрт оёқлаб, кундуз куни икки оёқлаб, оқшомда эса уч оёқлаб юради?». Фивага ташриф бу юрган Эдингина сфинкснинг ушбу топишмогига жавоб топа олган. Унинг жавоби қуйидагича бўлган: «Бу инсондир! Зоро, инсон ўз ҳаётининг тонгиди, яъни гўдаклигида тўрт оёқлаб юра бошлиди, навқиронлик йилларини икки оёғида юриб ўтказади, қарип муккайгач эса, яъни умрининг оқшомида ҳассага таянганча, уч оёқлаб базур юради». Эдиннинг жавобини эшишган сфинкс маглублик аламига чидай олмай, ўзини баланд қоядан ташлаб юборади).

Махлук ўз танаси, ўткир тирнокли панжалари ва уни попук-ла яқун топган узун сарғиш думи билан баҳайбат шерга ўхшайди-ю, лекин боши... боши ниҳоятда гўзал аёлнинг боши экан.

Сфинкс бодомковоқ кўзини яқинлашиб келаётган Гаррига қаратди. Бола қўлидаги таёқчасини иккиланиб кўтариб, йўлга тўғоноқ бўлиб олганча, у ёқ, бу ёқ юрган урғочи махлукка ўқтади. Бироқ унинг ҳамла қилиш нияти йўқлигини идрок этгач, пастга тушириди.

- Маррага деярли етиб келдинг, йигитча, - сал хирқираган овоз-ла гап бошлади сфинкс, - Менинг ёнимдан ўтиб кетишинг қолди холос.

- Ундей бўлса... четга ўтиб туринг, илтимос, - деди Гарри, қандай жавоб этишини жуда яхши тушуниб турган бўлса-да.

- Йўқ, - кўнмади, у ёқ, бу ёқ юришдан тўхтамаган махлук аёл, - Сенга бир топишмок айтаман. Жавобини топишинг керак. Топмасант, ўта олмайсан. Агар биринчи уринишида топсанг, ўtkазиб юбораман. Нотўғри жавоб берсанг, ўлдираман. Мутлақо жавоб бермасликка аҳд қилсанг, тегмайман. Бироқ бу ҳолда маррага етмай, ортга қайтишингга

түгри келади.

Гаррининг қорин соҳасидаги борки нарса сиқилиб, бир жойга тўпланиб қолгандаи бўлди. Топишмоқ борасида мен эмас Гермиона устаси фаранг, хаёлдан ўтказди у. Бола бор имкониятларини тарозига солиб, чамалаб кўрди. Агар топишмоқ қийин бўлса, индамайман, маҳлукнинг қўлидан соғ-саломат кутулиб, бошқа йўл қидириб топишга уриниб кўраман, аҳд қилди Гарри.

- Хўп, майли. Айтинг топишмоқни.

Сфинкс йўлнинг ўртасига астойдил ўтириб олиб, шеър ўқишига киришиб кетди:

*Ким экан шарпадай бекиниб олган?
Одамлар сиридан воқиф бўлишини,
Шубҳа тұғдирмай, пинҳон юришини,
Юрган йўлида ёлгон сўйлашини,
Хунар-у, мақсад, ният, деб билган?
Демак шу касбнинг илк ҳарфини ол.
Ўзини ўрмон соҳиби билиб,
Мева, асал, тана, балиқ еб
Тиним билмай ўқирган, қишида эса кўринмай,
Панжса сўриб ухлаган ҳайвон номини эсла.
Ўша жонивор номининг иккита ҳарфини танла.
Ва ниҳоят: маглларнинг қизиқ асбоби,
Тахта юзасида борки бутоқ жаллоди
Нима экан, шошилмай, обдан ўла.
Иккита ҳарфини олгин-у, барини қўшиб сўйла.
Ҳосил бўлган ўша сўз ҳайвон номин англатар
Куча олмайсан уни, танангни тешиб ташлар.*

- Хўш, болакай, жонингдан умидинг борми? Нотўғри жавоб берадиган бўлсанг, ўша жонингни суғуриб оламан-қўяман.

Дами ичига тушиб, урғочи маҳлукка бақрайиб қолган Гаррининг оғзи ланг очилиб қолди.

- Малол келмаса, такрор ўқиб берсангиз... Фақат секинроқ, илтимос, - чўчиб сўради бола. Сфинкс қўзини қисиб қўйди-да, кулиб турганча шерни такрор ўқиб эшиттирди.

- Буларнинг бари мен қуча олмайдиган ҳайвон номини англатадими? - аниқлик киритди Гарри.

Сфинкс сирли иршайиб қўйди. Гарри буни тасдиқ жавоби сифатида эътироф этиб, ақлини пешлаб кўргач, ўзи қуча олмайдиган ҳайвонлар сон-саноқсиз эканлигини тушуниб етди. Табиийки, хаёлига биринчи навбатда хозиргина дуч келган дракл келди. Бироқ бундай жавоб тўғри келмаслигини нимадир айтиб турибди унга. Авваламбор, мана бу чала ҳайвон, чала аёлнинг топишмоғини таҳлил қилиб кўриш керак, аҳд қилди Гарри.

- Ким экан шарпадай бекиниб олган? - ғудуллади Гарри, маҳлукнинг гўзал юзига термилиб, - Одамлар сиридан воқиф бўладиган... шубҳа тұғдирмай, пинҳон юрадиган... ҳм-м-м... аллақандай қаллобга ўхшайди... Йўқ, йўқ, бу ҳали жавоб эмас! Ким экан?...

Бундай иш фақат жосусларнинг касби, мақсад ва нияти бўлиши мумкин. Демак, Жосус?... яъни «Ж», шундайми? Хўп, майли, бунга яна қайтаман... Асбоб ҳақидаги мисраларни такрор ўқиб бера оласизми? Илтимос.

Сфинкс такрор ўқиб берди.

- Бутоқ жаллоди... - қайтарди Гарри, - М-м-м... қандайдир бемаънилик... тасаввуримга ҳам сиғдира олмайман. Маглшунослик фанини ўрганиш керак эди... Ўрмон соҳиби ҳақидаги мисраларни тақрорланг, илтимос.

Сфинкс ўша ҳайвон табиати ҳақидаги мисраларни тақрорлади.

- Ўзини ўрмон соҳиби билиб, мева, асал, тана, балиқ еб, - ғудуллади Гарри, - М-м-м... Ие, айик-ку, бу! Агар, хозирча биринчи иккита ҳарфини танласам, майли «АЙ» бўла колсин.

Демак, «Ж» ва «АЙ»... ж...ай... жай...

Энди Гарри ҳам сфинкс каби у ёқ, бу ёқ юра бошлади.

- Мен қуча олмайдиган ҳайвон... жай... ЖАЙРА! Тұхта юзаси раңдаланиб, бутоқлардан тозаланади! Бунинг учун магллар раңда ишлатади! Жайрани кучиб олишга уринадиган бўлсанг эса танангни тешиб юборади!

Сфинкс яшнаб кетди. У аста үрнидан туриб, олд панжасига тиралганча, керишиб олди-да, четга ўтиб, Гаррини ўтказиб юборди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдири Гарри, ўзининг нақадар фаҳмли эканлигидан таажжубланганча, олға югуриб.

Кубок қаердадир шу ўртада бўлиши керак... харакатининг йўналиши тўғри эканлигини таёқча ҳам кўрсатмоқда... агар яна бирон-бир даҳшатга йўлиқмаса, голиб чиқиш, чемпион бўлиш имкони бор...

Кўп ўтмай яна йўл танлашга тўғри келди.

- Кўрсат, - пиҷирлади у таёқчасига.

Таёқча айланиб, ўнг томонни кўрсатди. Гарри таёқча кўрсатган томон югуриб, олдинда қандайdir ялтироқ буюм турганини кўрди. Юз ярда нарида тагкурсига ўрнатилган Уч сехргар беллашувининг Кубоги хира яркираб туриди. Гарри Кубок томон югурга кетди. Шу пайтда, унинг қаршиисига ён йўлакдан қандайdir қомат сакраб чиқди.

Седрик. Хозир у Кубокка Гарридан олдин етиб олади. Бўйи анча баланд, оёқлари узун Седрик камон ўқи сингари учиб кетмоқда. Гарри унга ета олмаслигини тушуниб туриди. Иккаласи югуриб кетаётган йўлакнинг чап томонидаги кўшни йўлакда аллақандай йирик нарса кўринди. У ҳам шу қадар шиддат билан харакатланмоқда-ки, йўлаклар кесишган жойда Седрик билан тўқнаш келиши муқаррар. Бироқ атрофга эътибор қаратмай, кўзини Кубоқдан узмай югуриб бораётган Седрик ҳеч нарсани сезгани йўқ...

- Седрик! - бақирди Гарри, - Седрик! Чагига қара! Седрик!

Седрик ўз вактида ўгирилди. У йирик махлукнинг танасига урилмасдан, ёнидан югуриб ўтишга улгурди-ю, қоқилиб кетди. Гарри Седрикнинг таёқчasi қўлидан чиқиб кетганини, йўлакка эса катталиги Хагриднинг Арагог лақабли ўргимчагидай келадиган баҳайбат ҳашарот отилиб чиқиб, Седрик томон одимлай бошлаганини кўрди.

- Ступефай! - қичқирди Гарри.

Қарғишишини ўргимчакнинг тук босган йирик танасига бориб урилди-ю, натижаси самарасиз кечди. Эҳтимол тош теккан сингари оғриқ сезгандир, бинобарин, бир оз селпинган ўргимчак панжаларини тез харакатлантириб, танасини буриб олди-да, энди Гарри томон одимлай кетди.

- Ступефай! Импедимента! Ступефай! - қичқира бошлади Гарри.

Фойдаси йўқ. Ўргимчак ё хаддан ортиқ йирик, ё хаддан ортиқ сехрли. Кўлланилган қарғишилар унинг ғайратини оширмоқда холос. Махлук ҳамла қилган фурсатда Гарри ёниб турган саккизта кўз ва пиҷоқ тигидай ўтқир чанглаларни кўриб қолишга улгурди холос. Ўргимчак олд панжалари билан Гаррини ушлаб, баланд кўтарди. Умидсиз қаршилик кўрсатаётган Гарри оёқлари билан ҳаракатланиб, ҳашаротнинг юкори жағига зарб берди-ю, шу заҳоти жони қаттиқ оғриди. Айни вактда Седрик Уриб йиқитиш қарғишини кўллади. Бироқ Гаррининг қарғиши каби Седрикнинг қарғиши ҳам кор бермади. Махлук иштаха билан комини кенг оча бошлади. Гарри сўнгги умид билан таёқчасини кўтариб:

- Экспеллиармус! - дея ўкириб юборди.

Нихоят Куролсизлантириш афсуни ўз таъсирини ўтказди. Махлук ўз емини қўлидан чиқариб юборди. Бироқ йигирма футча баландликдан тушган Гарри шундок ҳам жиддий лат еган оёғи билан ерга қаттиқ тушди. Оёқ Гаррини тагида қандайdir гайритабиий букилганча қолди. Гарри драклни бир ёқли қилганини эслаб, бирор сония ҳам ўйланиб ўтирмасдан ўргимчакнинг қорин соҳасини нишонга олганча қичқирди:

- Ступефай!

Седрик ҳам Гарри билан бир вактда айнан шундай иш тутди. Бир қарғишининг икки яшини ўз таъсирини ўтказди. Ўргимчак тукли панжаларининг чигили или йўлни тўсиб қўйганча,

ён томондаги шох деворни эзib ёнбошлаб қолди.

- Гарри! - қичқирди нариги томонда қолган Седрик, - Омомисан? Устингга қулади-ми?

- Йўқ, - жавобан қичқирди Гарри, қонаётган оёғига қараб.

Йиртилиб кетган коржомасини ўргимчакнинг қуюқ, елимшак сўлаги баттар расво килибди. Гарри ўрнидан туришга уриниб кўрди-ю, дағ-дағ титраётган оёғи ерга тирадиши инкор этди. Бола шох деворга суяниб, ҳансираганча, атрофга аланглади.

Седрик Уч сехргар беллашуви Кубогидан атиги бир неча фут нарида турибди.

- Олмайсан-ми уни, - базур гапира олди Гарри, - Қўлингга ол, ёнида турибсан-ку.

Бироқ Гарридан кўзини узмаган Седрик қилт этмади. Сўнг ўгирилиб, Кубокка юзланди.

Кубок таратаётган тилла тусли хира шуъла Седрикнинг юзидағи маъюс хоҳишни ёритди. У яна Гаррига юзланди. Бола йиқилиб тушмаслик учун шох деворни маҳкам ушлаб олган.

- Йўқ, сен ол уни, - деди Седрик чуқур нафас олгач, - Унга фақат сен етишинг керак эди.

Сен шу бугуннинг ўзида ҳаётимни икки бор саклаб қолдинг.

- Йўқ, бундай қилиб бўлмайди, - жаҳл қилди Гарри.

Ўргимчак билан ўтган курашдан сўнг, Гаррининг оёғи, умуман бутун танаси чидаб бўлмас даражада оғрияпти. Седрик эса шунча азоб-уқубатларга қарамай, худди Чуни биринчи бўлиб балга таклиф килган сингари Кубокка ҳам биринчи бўлиб етиб келди.

- Кубокка ким биринчи бўлиб етиб келса, ўша ғолиб саналади. Унга эса биринчи бўлиб сен етдинг, - деди Гарри, - Бари-бир мен, мана бу оёғим билан унинг ёнига бора олмайман Седрик Кубокдан нарига, ерда чўзилиб ётган ўргимчак томон чекинди-да, бошини силтади.

- Йўқ, - деди у, қатъий оҳангда.

- Олийхимматликни бас қил, Седрик, - баттар жаҳл қилди Гарри, - Ол дедим сенга. Тезроқ чиқиб кетайлик бу ердан.

Седрик шох деворни ушлаб, қаддини ростлаб туришга уринаётган Гаррига қараб турибди. - Сен мени аждарлар ҳакида огоҳлантирган эдинг. Агар шундай қилмаганингда мен биринчи синовдан ўта олмаган бўлар эдим.

- Мени ҳам огоҳлантиришган, - деди Гарри, коржомасининг этаги билан оёғидаги қонни артишга уриниб, - Сен ҳам тилла тухум масаласида менга ёрдам бердинг. Шундай экан, орамиз очик.

- Тухум масаласида менга ҳам ёрдам беришган, - саркашлиқ қилди Седрик.

- Бари-бир орамиз очик.

Гарри синаб кўриш учун танасининг оғирлигини жароҳатланган оёғига олиб ўтди. Оёқ қаттиқ титраб кетди. Афтидан, ўргимчак уни ерга улоқтирганда тўпиқ суяги қайрилиб кетган кўринади.

- Иккинчи мусобака учун сен кўпроқ балга сазовор бўлишинг керак эди, - кайсарлигини қўймади Седрик, - Гаровга олингандарнинг ҳаммасини куткариш учун кўл тубида қолдинг. Мен ҳам сен каби иш тутишим керак эди.

- Ўша қўшикни жиҳдий қабул қилмасликка ақлим етмаган холос! – алам-ла бакириб берди Гарри, - Эшитяпсан-ми, ол Кубокни, кетдик бу ердан. Жоним оғрияпти.

- Йўқ.

Седрик ўргимчак панжасидан ҳатлаб ўтиб, Гаррига яқинлашди. Гарри Диггорининг юзида дикқат билан қаради. Седрик узил-кесил қарор қилган кўринади. У онгли равища «Хуффльпуфф»нинг тушига ҳам кирмаган шон-шарафдан воз кечмоқда.

- Юр, - деди Седрик, - Сенга ёрдам бераман.

Седрик, Кубокка кўл теккимаслик учун иккала қўлини чалиштириб, кўкрагига маҳкам босиб олган. Бунинг учун борки иродасини, хақ йўл тутганига комил ишончини бир ерга тўплаб олгани юзи касб этган қиёфадан кўриниб турибди.

Гарри нигохини Седриқдан Кубокка олиб ўтди. Атиги бир нурафшон сония давомида лабиринтдан қўлида Кубок билан чиқаётгани, уни боши узра баланд кўтариб олганини тасаввур этиб кўрди. Атиги бир сония давомида кулогига халойикнинг кутуриб кетгандай айюҳаннос солиб, уни олкишлаётганини эшитди. Атиги бир сония давомида завкланиб

кетган Чунинг кулиб турган юзини кўрди... сўнг, ушбу ажойиб манзара гум бўлиб, яна Седрикнинг ўжар қиёфаси кўринди.

- Бирга, - деди Гарри.

- Нима?

- Иккаламиз бир вақтда қўл теккизамиз. Нима қилганда ҳам, бу «Хогварц»нинг галабаси бўлади-ку, тўғрими? Шундай экан, кел, музafferиятни ҳам бирга қозонамиз.

Седрик Гаррига дикқат билан қараб, кўлларини бўшатди.

- Ишончинг... комилми?

- Мутлақо, - жавоб берди Гарри, қатъий охангда, - Биз доимо бир-биримизга ёрдам бериб келдик, шундайми? Шу ер, шу онгача бирга етиб келдик. Энди Кубокни ҳам бирга ушлаймиз.

Седрик, худди ўз қулокларига ўзи ишонмаётган каби Гаррига бақрайиб колди. Сўнг, хаёлини йигиб олиб, иржайди.

- Розиман, - деди у, - Кўлингни бер.

У Гаррининг қўлтиғидан ушлаб, Кубок ўрнатилган тагкурсига қадар сакраб боришга ёрдам берди. Икковлон Кубокнинг икки ёнида яраклаб турган дасталарига қўл узатди.

- Учгача санайман, бўладими? - таклиф киритди Гарри, - Бир... икки... уч...

Икковлон бир вақтда биттадан дастани маҳкам ушлаб олди.

Шу онда нимадир Гаррини худди киндигига маҳкамланган ҳалқадан тортиб кетгандай бўлди. Оёги ердан узилди. Кубокнинг дастасини тутган бармоқларини бўшата олмади. Кубок уни юқорига, шамол ва рангли доғлар гирдобига, Седрик билан биргалиқда тортиб кетди.

XXXII БОБ.

СУЯК, ТАНА ВА ҚОН

Гарри товоnlари ерга қаттиқ урилгани, лат еган оёғи эгилиб кетиб, юзи билан ерга ийқилгани, бармоқлари Уч сехргар беллашувининг Кубогини қўйиб юборганини ҳис этиб, бошини кўтарди.

- Қаерга келиб қолдик? - сўради у.

Бошини силтаган Седрик ўрнидан туриб, Гаррига ёрдамлашиб юборгач, икковлон атрофга назар солди.

Бу ер «Хогварц» худуди эмаслиги аниқ. Болалар қасрдан жуда узокқа, чамаси юзлаб миллар нарига учиб кетишганга ўхшайди. Негаки, бу ерда қаср атрофидаги Ман этилган ўрмон ҳам, ҳатто унинг ортидаги баланд тоғлар ҳам кўринмаяпти. Улар мудхиш, ташландик қабристонда туришганини идрок этишди. Ўнг томондаги тисс дарахти ортида кичкинагина бутхона кўринди. Чап томонда эса баланд, тепасида улкан, кўхна иморат турган дўнглик юксалиб турибди (*Тисс – иссиқ минтақаларда ўсадиган ёғочи қаттиқ, доимий яшил, иғнабаргли дараҳт ёки бута*).

Седрик дастлаб Кубокка, сўнг Гаррига қараб қўйди.

- Кубок аслида портшлюс эканлигини бирор айтганми сенга? - сўради у.

- Йўқ, - деди Гарри, машъум сукунат ҳукм суроётган қабристонга ташвишли назар солиб, - Синовнинг навбатдаги босқичи-ми, бу, нима деб ўйлайсан?

- Билмадим, - елка қисди бир оз асабийлаша бошлаган Седрик, - Сехрли таёқчаларимизни қўлимизга ушлаб олсак ёмон бўлмас, а?

- Тўғри айтасан, - рози бўлди Гарри, таклиф ўзидан эмас Седриқдан чиққанига хурсанд бўлиб.

Икковлон сехрли таёқчаларини қўлга олди. Атрофга қараб чиққан Гаррининг назарида яна ўша ғалати ҳис, худди кимдир уни кузатаётгандай туюлди...

- Кимдир келяпти, - деди у, қандайдир харакатни сезиб.

Коронгиликка синчиклаб қараган болалар қабрлар орасидан кимдир оғир қадам ташлаб келаётганини кўришди. Кишининг юзи кўринмайди, бироқ юриши ва қўлларининг холатидан нимадир кўтариб келаётгани аниқ. Бўйи паст, юзини плашнинг қайтарма

қалпоғи билан түсіб олган одамнинг ким эканлигини тушуниш қийин. Яна бир неча қадам ташлаб, болаларга яқын келган киши қўлида чақалоқ ушлаб келаётгандай қўринди. Ёки бошқа нарса ўралган бўхчами?

Гарри таёқчасини бироз тушириб, кўз кири билан Седрикка қараб қўйди. Седрик ҳам талмовсираган нигоҳ-ла жавоб қайтарди. Икковлон яқинлашиб келаётган касни кузатиб туришди.

Киши болалардан олти футча наридаги баланд мармар даҳма ёнида тўхтади. Гарри,

Седрик ва пакана одам маълум вакт давомида бир-бирига қараб турди.

Кутилмаганда Гаррининг чандиги чидаб бўлмас оғриқдан портлаб кетгандай бўлди.

Пешонаси хали бу қадар қаттиқ оғримаган. Иккала қўли билан юзини маҳкам ушлаб олган боланинг тиззалари ўзидан ўзи букилиб ерга йикилди, бўшашиб кетган бармоқларидан сехрли таёқчаси чикиб кетди. Оғриқ кучидан кўзига ҳеч нарса қўринмай қолган Гаррининг боши иккига бўлинниб кетадигандай туюлди.

Қаердандир узоқдан, лоқайд охангда баланд, муздай эшитилган буйруқ янгради:

- Номатлубини ўлдир!

Хаёл ўтмай хуштаксимон шитирлаш ва чийиллаган овоз эшитилди:

- Авада Кедавра!

Дастлаб Гарри кўзини юмиб қўйган қовоғи орқали кўзни қамаштириб юборадиган даражада ёрқин яшил тусли яшинни кўрди сўнг, ёнига оғир нарса гуппилаб тушганини эшитди. Пешонасидаги оғриқ шу даражага етди, бола қайт килиб юборди ва шундан сўнггина ўзини бир оз енгил ҳис этди. Нимани кўриши мумкинлигини даҳшат-ла тасаввур қилган Гарри оғриқнинг зўридан ёшланиб кетган кўзини очди.

Ёнида, оёқ-қўллари хар томон ёзилган Седрикнинг жасади ётибди.

Вужудига мангуликни сиғдирган Гарри сония давомида Седрикнинг юзига, нигоҳдан батамом маҳрум бўлган, бўм-бўш, худди эгалари кўчиб кетган уйнинг очик қолган деразалари каби очик кул ранг кўзларига, ҳайрон бўлиб очган оғзига қараб қолди. Онги кўриб турганларини идрок этганига, серрайган боварсизликдан бошқа нарсани ҳис этгунга қадар кимдир боланинг ўзини даст кўтариб, оёқка турғизди.

Эгнига плаш кийган пастак одам қўлидаги бўхчани ерга ётқизиб, таёқчани ёритганча Гаррини мармар даҳма ёнига судраб борди. Танаси дағал айлантирилиб, ёдгорлик пойига улоқтирилгунга қадар, Гарри, даҳмага йўнилган бўлиб, коронғида ёришиб қўринган «ТОМ РЕДДЛЬ» ёзувини ўқишига улгуриб қолди.

Плаш кийган киши сеҳр қўллаб, Гаррини бўйнидан тўпигигача тоштахтага ўраб боғлаган тушов хосил қилди. Бола қайтарма қалпоқ остидан тез-тез олинаётган узук-юлуқ нафасни эшитди, қаршилик кўрсатган эди ҳам-ки, уни боғлаётган киши битта бармоғи йўқ қўли билан зарб берди. Шундагина Гарри қайтарма қалпоқ остига ким бекиниб олганини тушуниб етди. Чувалчангдум!

- Сен?! - сўради Гарри.

Бирок аркон яратишни бас қилиб, итоат қилмаётган титроқ бармоқлари билан тугунларнинг маҳкам боғланганлигини текшириб чиқкан Чувалчангдум индамади. Бола қанчалик уринмасин, бирон дюймга кўзгала олмайдиган холатда маҳкам боғланганлигига ишонч хосил қилган Чувалчангдум плашининг қатларидан қора тасма чиқариб, Гаррининг оғзига дағал тиқиб юборди-да, тескари ўтирилиб, нари кетди. Овоз чиқармай, бошини бура олмай, факт тўғрига қара оладиган холатда қолган Гарри Чувалчангдум қайси томон кетганини тушунмади.

Йигирма футча нарида Седрикнинг жасади қўриняпти. Ундан сал нарида Уч сеҳрар беллашувининг Кубоги тунги юлдузлар шуъласида ялтирамоқда. Гаррининг сеҳрли таёқчаси эса ерда, оёғи остида ётибди. Гарри чақалоқ ўралган, деб ўйлаган бўхча ҳам қабр пойида, унинг ичида нимадир безовта қимирляяпти. Бўхчага караган Гаррининг пешонаси яна оғриди... шундагина у, бўхча ичида нима борлигини билишни... уни бирор очишини мутлақо истамаслигини тушуниб етди.

Вакт ўтиб қандайдир товуш эшитилди. Бола кўзини пастга тушириб, майса узра баҳайбат

илон судралиб келаётганини күрди. Илон Гарри боғланган қабр атрофига кенг ҳалқалар ҳосил қилганча, ўралиб олди. Яна Чувалчангдумнинг тез-тез кечәётган узук-юлук нафаси эшитилди. Афтидан у қандайдир оғир нарса тортиб келяпти. Кўп ўтмай Чувалчангдум Гаррининг кўз олдида кўриниш берди. Боланинг тушунишича, Чувалчангдум қабр пойига сув ёки аллақандай бошқа суюқликка тўла тошқозон тортиб келган. Гарри ҳали бундай катта тошқозонни кўрмаган. Унинг ичига катта ёшли одам бемалол сиғади.

Бўхча ичидаги нарса, худди озодликка интилаётган каби янада баттар ғимирлай бошлади. Қўлига сехрли таёқча ушлаган Чувалчангдум қозон остида ивирсимиқда. Фурсат ўтмай қозон остида чирсиллаб ёнаётган олов кўринди. Баҳайбат илон эса гулхандан қочиб, қоронғиликка кириб кетди.

Қозон ичидаги суюқлик жуда тез исиди. Пуфакчалардан ташқари, худди суюқликнинг юзаси ҳам ёнаётган каби дамлама устида ўқдай отилиб чиқаётган учқунлар фаввораси ҳосил бўлди. Қозондан чиқаётган буғ қуюқлашиб, оловнинг ёнишини кузатиб турган Чувалчангдум кўринмай қолди. Гаррининг қулогига яна ўша баланд, муздай овоз эшитилди:

- Имиллама!

Ўйноклаб отилаётган учқунлардан қозондаги суюқлик юзаси худди олмослар билан безатилганда мавжланиб кетмоқда.

- Тайёр бўлди, соҳиб.

- Тезроқ... - амр этди муздай овоз.

Чувалчангдум бўхчани очиб, ичидаги жонли нарсани намоён қилиб қўйди. Буни кўрган Гарри даҳшатдан унсиз қичкириб юборди.

Чувалчангдум худди аллақандай тошни ағдарган-у, тагидан жирканч, сўкир, шилимшиқ жонзод чиққандай бўлди. Бироқ бўхча ичидаги маҳлуқ минг чандон хунук. Чувалчангдум кўл узатган ушбу қабоҳат гувалача бўлиб олган чақалоқ танасига эга бўлгани билан туксиз, аллақандай тангачалар қоплаган, сасиб, ириб кетган тўқ қизил, эски гўшт бўлагидан фарқи йўқ. Инсон боласи бундай бўлмайди. Ингичка оёқ-қўллари нихоятда ожиз... Юзи-чи! Илоннинг юзига ўхшаш ясси. Кўзлари кип-қизил.

Бўхчадан чиққан жонли қабоҳат ожиз қўлларини узатиб, уни даст кўтарган

Чувалчангдумнинг бўйнидан тутиб олди. Бошидаги қайтарма калпоги очилиб кетган Чувалчангдумнинг кўркоқ, даҳшатдан мурдадай оқариб кетган башараси нақадар ҳазарли киёфа касб этгани қозон бўйига борганида аниқ кўринди. Маълум фурсат давомида Гаррининг кўзига учқунлар ёритган ёвуз, ясси башара кўринди. Чувалчангдум уни қайнаётган қозон ичига ташлади. Суюқлик вишиллаб кетиб, қозонга ташланган қабоҳат фарқ бўлди. Заиф тана қозон тубига урилганини Гарри яққол эшитиди.

Фарқ бўлиб ўлсин, илтижо қилди чандиги ёрилиб кетар даражада оғриётган Гарри, илтимос... фарқ бўлиб ўлсин...

Шу пайт худди ақл-хушини батамом йўқотган Чувалчангдумнинг титроқ овози эшитилди. У таёқчасини ерга тираб, кўзларини чирт юмиб олганча, зулматга мурожаат қилди:

- Розиликсиз олинган ота суяги, ўз ўғлингни қайта дунёга келтир!

Гаррининг оёғи остидаги гўр дўнглиги тарс ёрилди. Даҳшатдан донг қотган бола Чувалчангдумнинг афсунинга итоат қилган чанг булути гўрдан чиқиб, қозонга тўкилганини кузатиб турди. Суюқликнинг олмос юзаси вишиллаб, кучли қайнади ва хаёл ўтмай мовий тус касб этди.

Шундан сўнг, коржомасининг қатидан узун, ингичка, ялтироқ шамшир чиқарган

Чувалчангдум хиқиллаб ийғлай бошлади. У хўнграй-хўнграй яна афсун ўкиди:

- Хошиш-ла берилган қарол танаси, ўз соҳибингни жонлантири!

Чувалчангдум битта бармоқ етишмаётган ўнг қўлини олдинга узатиб, чап кўли билан шамширни маҳкам ушлаганча боши узра кўтарди.

Атиги бир сония қолганда Чувалчангдум нима қилмоқчи эканлигини тушуниб етган Гарри кўзини чирт юмиб олди. Қани энди қулоқни ҳам шундай юмиб олишнинг иложи бўлса... Зулмат сукунатини қаттиқ чинкириқ бузиб ташлади. Гарри ҳам ўзини худди шамшир

билан сўйилгандай хис этди. Нимадир ерга гурсиллаб тушди, Чувалчангдумнинг азоб-уқубатли хириллаши, сўнг қозонга нимадир ташлангани эшитилди. Гарри кўзини очишга журъат эта олмаса ҳам ёпиқ ковоқлари орқали суюқлик қип-қизил тус олгани кўринди... Чувалчангдум жон талашиб инграмоқда. Тез-тез кечаётган узуқ-юлуқ нафасни хис этган бола қарол унинг рўпарасига келиб олганини англади.

- Зўрлаб олинган душман қони, ўз ағёрингни тирилтири!

Кўзини пастга тушириб, аркондан бўшашга жон-жаҳд-ла уринаётган Гарри хозир рўй берадиган ҳодисанинг олдини олиш учун ҳеч нарса қила олмади... Чувалчангдумнинг титраётган ёлғиз қўлида шамшир ялтиради. Хаёл ўтмай, бола, ўнг қўлининг букиладиган жойига тиф суқилаётганини хис этди. Енги орқали қон сизиб чиқди. Оғриқдан инграётган Чувалчангдум киссасини титиб, шиша идиш чиқарди-да, Гаррининг кесилган қўлига келтириб, қон олди.

Каловланиб нари кетган Чувалчангдум Гаррининг қонини қозонга тўқди. Суюқлик шу заҳоти кўзни қамаштириб юборгудай даражада оппоқ тус олди. Ўз ишини нихоясига етказган Чувалчангдум қозон ёнида тиззасига йиқилиб, қўлининг қолган бўлагини тебратганча, ёнбошлаб олди.

Вақирлаб қайнаётган қозондан ҳар томон сачраб чиқаётган олмос тусли ёрқин учқунлар, атрофни қоп-коронги қилиб юборди. Бошқа ҳеч нарса рўй бермади...

Ҳеч нарса рўй бермасин, илтижо килди Гарри... илтимос... гарқ бўлиб ўлгани рост бўлсин...

Қозоннинг қайнаши тинди. Учқунлар тўхтади. Атрофни оппоқ буғ булати қамраб олди. Энди Гаррига Чувалчангдум ҳам, Седрикнинг жасади ҳам кўринмай колди. Фақат ҳавода муаллақ осилиб қолган туман кўринмоқда холос... Демак, улар ният қилган иш ўнгидан келмади, хулоса чиқарди Гарри... демак, гарқ бўлиб, пишиб ўлибди... илтимос... илтимос... ўлгани рост бўлсин...

Дафъатан, туман орасида қозон узра аста кўтарилаётган баланд бўйли, одам скелетига ўхшаш нихоятда озғин қомат кўринди. Боланинг вужудини муздай даҳшат қамраб олди.

- Кийинтир мени, - амр эшитилди буғ ичидан.

Ҳалигача инграб, ҳикиллаб қўлининг қолган бўлагини тебратаетган Чувалчангдум ерда ётган кора кийимни тез олдида, ёлғиз қўли билан сохибини кийинтириб қўйди.

Гарридан кўзини узмаган скелет қозон ичидан чиқди. Бола уч йилдан буён энг даҳшатли тушларида таъқиб келаётган башарани ана энди ўнгиди кўрди. Ушбу башара суяқдан ҳам оқ, тўқ қизил кўзлари бир-биридан узок жойлашган, катаклари кенг бурни илон тумшуғига ўхшаш ясси...

Лорд Вольдеморт хаётга қайтди.

XXXIII БОБ.

ЎЛИМДАН МИРИҚУВЧИЛАР

Вольдеморт нигохини Гарридан узиб, ўзининг янги танасини томоша қилишга киришиб кетди. Узун бармоқлари билан ўргимчак панжасига ўхшаб кетадиган қўлини, сўнг кўкраги, елкаси ва юзини пайпаслаб кўрди. Мушукнинг кўзини эслатадиган қизил кўзлари янада ярқираб кетди. Кучли ҳаяжон или кафтларини олдинга узатиб, бармоқларини букиб-ёзиб кўрди. Ерда типирчилаб, қонга беланиб ётган Чувалчангдумга ҳам, вишиллаганча, қабр тошига ўралиб олаётган баҳайбат илонга ҳам эътибор қаратмади. Гайритабиий узун бармоқларини коржомасининг киссасига солиб, сехрли таёқчасини чиқарди-да, завқ-ла силаб кўйиб, Чувалчангдумга ўқтади. Чувалчангдумнинг танаси ердан узилиб, Гарри боғланган даҳма остига учиб тушди. Ҳўнграб, қабр четида гувала бўлиб олган қарол бир зумда шалпайиб, тек қотди. Вольдеморт қизил кўзларини Гаррига қаратиб, муздай, шафқатсиз оҳангда қаттиқ хандон отиб юборди.

Чувалчангдумнинг чопилган қўлидан қолган бўлаги боғланган коржомаси қондан ивиб, матоси хира ялтираб турибди.

- Милорд, - ҳўнграб эзилганча, ўтинди у, - Милорд... ваъда килган эдингиз... сиз ваъда

қилган эдингиз...

- Кўлингни узат, - эринчоқ охангда буюрди Вольдеморт.

- О, сохиб... миннатдорман, сохиб... - хиқиллади Чувалчангдум қонга беланган чўлтоқ кўлини узатиб.

Вольдеморт боз хандон отди.

- Буни эмас Чувалчангдум, наригисини узат.

- Сохиб, илтимос... ўтинаман...

Вольдеморт эгилиб, Чувалчангдумнинг чап қўлини чанглаб олди-да, куч билан ўзига тортиб, енгини очди. Шунда Гарри Чувалчангдумнинг қўлидаги тери қопламасига акс эттирилган, оғзидан тилга ўхшаб илон чиқаётган қирмизи рангли бош суяк тасвирини кўрди. Ахир бу Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйинидан сўнг, осмонда пайдо бўлган тасвир-ку! Ажал белгиси! Вольдеморт Чувалчангдум танасининг оғриқ зўридан идора қилиб бўлмайдиган зўрикишига аҳамият ҳам бермай, тасвирни диққат билан ўрганиб чиқди.

- Яна пайдо бўлди, - мулойим оҳангда гапирди у, - Аллақачон тушуниб етишлари керак эди... мана хозир кўрамиз... ана энди биламиз...

Вольдеморт узун, оппоқ кўрсаткич бармоғини Чувалчангдумнинг қўлидаги тасвирга босди.

Гаррининг чандиги янада қаттиқ оғриди. Чувалчангдум эса баттар дод солди. Вольдеморт бармоғини олган тасвир кўмирдай қоп-кора тус олди.

Ёвуз Лорд қаноат ҳосил қилган шафқатсиз юзи билан қаддини ростлаб, бошини баланд кўтарганча, зулмат камраб турган қабристонга назар солди.

- Кизик, нечта довюрак пайдо бўлар экан, буни хис этиб? - пицирлади у, хира ёришган кизил кўзларини юлдузларга кўтариб, - Ва нечта аҳмоқ топилар экан, хозир бўлмасликка журъат этиб?

У Гарри билан Чувалчангдум қаршисида, атрофга қараганча, у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Дақиқа ўтгач, яна болага юзланиб, илон башараси билан иршайиб қўйди.

- Гарри Поттер, - вишиллаб гап бошлади у, - Сен отамнинг, худди қадрли онанг каби магл ва камдан-кам учрайдиган аҳмоқнинг жасади устида турибсан. Шунга қарамай, иккаласи ҳам, қайсиdir маънода фойда беришди, шундай эмасми? Онанг сени, гўдаклигингда химоя қилиб ўлиб кетган бўлса... менинг отам, уни бир вақтлар ўзим ўлдирган эдим, қара, қандай фойда келтирди менга унинг мурдаси...

Вольдеморт боз хандон отиб юборди. У атрофга қараб-қараб қўйганча, олд-орқага юра бошлади. Қабр тошидан тушган баҳайбат илон эса атрофида айланиб, ўрмалади.

- Анави дўнглиқдаги уйни кўряпсан-ми, Поттер? Отам ўша уйда яшаган. Афсунгар онам эса кўшни кишлоқда яшаб, келиб-келиб мана шу аҳмоқни севиб қолган. Афсунгар эканлигига иқрор бўлиши билан... сеҳр-жодуни хуш кўрмаган эри уни ташлаб кетган...

Вольдеморт атрофга боз қараб қўйиб, гапини давом эттириди.

- Ҳомиладор хотинини ташлаб, магл қариндошларининг уйига қайтган... Онам эса кўзи ёрилаётганда омонатини топшириб қўйди. Мен магларнинг етимхонасида тарбияланганман... Ана ўша кезларда манави гўрда ётган, ўзининг жирканч Том Реддль исмини менга берган маразни топиб, хун олишга қасам ичганман...

У нигохини бир гўрдан бошқасига олиб ўтганча, у ёқ, бу ёқ юришини кўймади.

- Нималар деяпман! Оилавий хотиралар... - ғудуллади у, - Хиссиётларга бериувчан бўлиб қоляпман, шекилли... Ана энди бу ёққа қара, Поттер! Ана, менинг ҳақиқий оилам...

Кутилмаганда, атрофдан ридоларнинг шитирлагани эшитилди. Тисс дараҳтлари, қабрлар ортидан ҳавода пайдо бўлаётган сеҳргарлар кўриниш бера бошлади. Ҳаммаси бирдай юзини никоб билан тўсиб, бошига қайтарма қалпок ташлаб олган. Улар бирин-кетин, ўз кўзларига ўзлари ишонмаётган каби эҳтиёткорона, аста-секин яқинлашмоқда. Вольдеморт сукут саклаганча, тек қотиб, сеҳргарларнинг яқин келишини кузатиб турди. Шундан сўнг Ўлимдан мириқувчилардан бири тиззасига йиқилганча, Вольдемортнинг ёнига ўрмалаб келиб, кора кийимининг четини ўпди.

- Сохиб... сохиб... - гувранди у.

Колганлар ҳам тиззаларига йиқилиб, навбат билан ўрмалаб келганча, Вольдемортнинг этагини ўпид, орқага тисланди. Ўлимдан мириқувчилар Гарри, Вольдеморт, Том Реддлинг қабри ва ерда гувала бўлиб, хўнграётган Чувалчангдумнинг атрофида ҳалқа ҳосил қилганча, оёққа туришди. Афтидан, ҳар бир Ўлимдан мириқувчининг ҳалқа шаклидаги ушбу сафда ўз ўрни борга ўхшайди. Зеро, ҳалқанинг баъзи жойларида рахналар қолган бўлиб, яна кимлардир ҳозир бўлиши кутилмоқда. Лекин Вольдеморт бошқа ҳеч кимни кутмаётган кўринади. У қип-қизил нигохини қайтарма қалпоқ билан тўсилган юзларга қараб чиқди. Шабада эсмаётган бўлса ҳам сафда титроқ, қандайдир умумий зириллаш сезилди.

- Салом, Ўлимдан мириқувчилар, - хотиржам гап бошлади Вольдеморт, - Ўн уч йил... сўнгги бор учрашган кунимиздан бўён ўн уч йил ўтиби. Сизлар эса менинг чақириғимга биноан, худди орадан бир кун ҳам ўтмаган каби, дарҳол етиб келдингиз... Демак, Ажал белгиси бизни ҳамон бирлаштириб туриби! Шундай эмасми?

Унинг юзи яна дарғазаб қиёфа касб этиб, бурун катакларини кенгайтирганча, чукур нафас олди.

- Мен гунохни хис этяпман, - вишиллади у, - Ҳаво гуноҳ хиди билан булғанган. Саф янада баттар титради. Ўлимдан мириқувчиларнинг ҳар бири Вольдемортдан нари тисланмоқчи бўляпти-ю, журъат эта олмаяпти.

- Чакириғимга биноан тез етиб келган экансиз, демак сехр-жоду кучини йўқотмаган, соғ-саломат ҳолатдасиз. Табийки, менда савол туғилади. Нега абадий содик қолишга онт ичган шунча сеҳгардан бирортаси ҳам ўз сохибига ёрдам қўлини узатмади? Ҳеч ким чурк этмади, қон йўқотиб, ерда bemador чўзилганча хўнграётган Чувалчангдумдан ташқари, ҳеч ким қилт этмади.

- Ўзим берган саволга ўзим жавоб қайтараман, - пичирлади Вольдеморт, - Эҳтимол улар ажалим етганига, ном-нишонсиз, батамом йўқ бўлиб кетганимга ишонишгандир. Шу боис ҳам улар ортга қайтиб, душманларим орасида яшай бошлашгандир, айбизликлари, ўз килмишларини менинг сехрим таъсирида амалга оширишганини айтиб, гаплари рост эканлигига қасам ичишгандир...

Бир оз сукут сақлаган Вольдеморт гапини давом этди:

- Яна бир савол бераман ўзимга ўзим: боз кўтарилишим мумкин эмаслигига қандай ишонишлари мумкин улар? Ахир мен ўзимни ажалдан ишончли сақлаганимни жуда яхши билишар эди-ку? Ер юзидағи ҳар қандай сеҳгардан қудратли эканлигимни намоён қилган ўша даврларда чексиз маҳобатга эга эканлигимни исботлайдиган кўплаб далилларни ўз кўзлари билан кўришган эди-ку?!

Вольдеморт сафда турганларга дикқат билан қараб чиқди.

- Яна ўз саволимга ўзим жавоб бераман: балким улар Lord Вольдемортни енгишга қодир янада қудратли куч борлигига бовар килишгандир... Эҳтимол, энди улар бошқа сохиб хизматига ўтишгандир... Авом ҳалқ қаҳрамони, магллар ва маглаваччалар етакчиси... Альбус Дамблдорга хизмат қилишаётган бўлса, ажаб эмас, а?

Дамблдор тилга олинганида сафда турганлар кўзғалиб, тушунарсиз ғудуллаганча, бош силтади. Вольдеморт бунга эътибор ҳам қаратмади.

- Ихлосим қайтди... Ҳа, очиқдан-очиқ икрор бўлишим керакки, ихлосим қайтди... Сафда турган эркаклардан бири ҳалқани бузиб, кутилмаганда олдинга ташланди. Бошдан-оёқ титраганча, Вольдемортнинг оёғига ташланди.

- Сохиб, - асабий қичкирди у, - Сохиб, ўтинаман, афв этинг мени! Ҳаммамизни афв этинг! Вольдеморт хандон отиб, сехрли таёқчасини боши узра кўтарди.

- Крусио!

Ерда ётган Ўлимдан мириқувчи жони оғриганидан юракни эзib юборгудай фарёд кила бошлади. Гарри ушбу афғонларни яқин ўртадаги ахоли эшитиши... полиция етиб келиши шарт, деб ўйлади. Келсин ўша полиция, ўтинди у ичида... кимдир бирон нарса қилсин... Вольдеморт таёқчасини туширди. Қийнокқа мубтало бўлган Ўлимдан мириқувчи

хириллаганча, қилт этмай қолди.

- Тур ўрнингдан, Эйвери, - сохта мулойим оҳангда буюрди Вольдеморт, - Тур. Афв этишимни сўраяпсан-ми? Билиб қўйинг, мен ҳеч кимни кечирмайман. Мен ҳеч нарсани унутмайман. Узоқ давом этган ўн уч йил... Хар бирингиз узримни олишингиз учун хар бир йил учун қаримта қайтарасиз. Мана, марҳамат, қаршингизда Чувалчангдум ётиби. У ўз қарзининг маълум қисмини қайтарди, тўғрими, Чувалчангдум?

У тинмай хўнграётган Чувалчангдумга локайд қараб қўйди.

- Сен менга содик қолганинг учун қайтганинг йўқ, хузуримга, Чувалчангдум. Эски дўстларинг қасосидан қўрқиб кетганинг учун қайтгансан холос. Демак сен, ушбу оғрикни қилмишишингга яраш бошдан кечиряпсан. Буни ўзинг ҳам яхши тушуниб турибсан-ку, Чувалчангдум, тўғрими?

- Тўғри, сохиб, - ингради ҳолсизланиб қолган Чувалчангдум, - Ўтинаман, сохиб... илтимос...

- Сен менга, ўз танамга қайтадан эга бўлишга ёрдам бердинг, - совуқ оҳангда давом этди Вольдеморт, азоб тортаётган қаролнинг типирчилаётганини кузатиб, - Сен ҳеч нарсага арзимайдиган, қўрқоқ ва ярамас одамсан. Шундай бўлсанг ҳам, менга ёрдам бердинг... Лорд Вольдеморт эса ёрдам қўлини узаттганларни қандай рағбатлантиришни билади... Вольдеморт таёқчасини силтаб, сал айлантириб қўйди. Таёқча харакатининг изида шуъла сингари эриган кумуш ҳосил бўлди. Дастреб ҳеч қандай шаклга эга бўлмаган кумуш эшилиб, букилди. Хаёл ўтмай одам қўлининг шаклини касб этди-да, хавода муайян вақт осилиб тургач, учиб бориб, Чувалчангдумнинг чопилган қўли ўрнига жойлашди. Оху-зорини бирдан бас қилган қарол одатий узук-юлуқ нафас олиб, бошини кўтарди ва кўзларига ишонмай билаги билан бир онда битишиб кетган, худди кўзни қамаштирадиган ялтироқ қўлқопдай қўринаётган кумуш тирсакка бақрайиб қолди. Хаёlinи йиғиб олгач, дастреб янги, ялтироқ бармоқларини қимирлатиб қўрди сўнг, ерда ётган кичик шохчани олиб эзгилаганча, чангга айлантириб юборди.

- Милорд, - пицирлади у, - Сохиб... қандай латофат... ташаккур сохиб...ташаккур...
У тиззада юриб Вольдемортга яқин борди-да, этагини ўпа кетди.

- Садоқатинг мустаҳкам бўлсин, Чувалчангдум, - талаб қилди Вольдеморт.

- Қулингиз бўлай, милорд... қулингиз...

Чувалчангдум ўрнидан туриб, ҳали ҳам кўз ёшларга тўла кўзини кудратли қўлидан уза олмай, сафдаги жойини эгаллади. Вольдеморт эса Чувалчангдумдан ўнг томонда турган кишига яқин борди.

- Менинг орқа килиб бўлмайдиган, ишончсиз дўстим, Люциус, - пицирлади у, дафъатан тўхтаб, - Гарчи сеҳргарлар жамиятида одамшаванда саналсанг-да, бошдан ўтган йиллар шухратидан кечмаганингни айтишди менга. Билишимча, гап магллар ҳакида борар экан, илгариgidай, қўйноқقا солувчилар бригадасига бошчилик қилишга қарши эмассан, шундайми? Шундай бўлса-да, сен ҳам, бошқалар каби мени қидирмадинг, Люциус...
Финал ўйинида қўрсатган кароматинг ўхлиқдан бошқа нарса эмас... Гайратингни нисбатан махсулдор соҳага йўлласанг бўлмасмиди, а?

- Милорд, мен доимо сергак ва тегишли хатти-харакатларга шай бўлиб келганман, - шоша-пиша ишонтириди қайтарма қалпок остидаги Малфойнинг овози, - Кичик бир белги, озгина шама берсангиз эди, қаерда бўлишингиздан қатъи назар, шу заҳоти хузурингизда хозир бўлар эдим. Бу масалада йўлимда ҳеч қандай тўсик-тўғонок бўлмаган...

- Бироқ сен, ўтган ёзда, содик хизматкорларимдан бири ҳосил қилган белгимни кўриб, жуфтакни ростлаб қолдинг, шундай эмасми? - эринчоқ оҳангда таъкидлаб қўйди Вольдеморт.

Малфойнинг дами ичига тушиб кетди.

- Ҳа-ҳа, Люциус, мен ҳамма гапдан хабардорман... Ихлосим қайтди сендан. Келгусида садоқат-ла хизмат қилишингни кутиб қоламан.

- Албатта, милорд, албатта... Сиз ниҳоятда марҳаматлисиз, милорд, ташаккур...

Вольдеморт харакатини давом эттириб, Малфойнинг ёнида туриши керак бўлган Ўлимдан

мириқувчининг бўш ўрнига қараб қолди.

- Бу ерда эр-хотин Лестранглар туриши керак эди, - деди Вольдеморт маъюс оҳангда, - Улар эса Азкабанда ўтиришибди. Эр-хотин менга бўлган садоқатини саклаб қолди. Мендан юз ўгириш ўрнига қамоқ жазосини афзал кўришибди улар... Ўша даҳшатли зиндан эшикларини очиб юборамиз. Лестрангларни эса орзу қилишга журъат эта олишмаган хурмат-эҳтиромга буркаймиз. Дементорлар биз тарафда. Улар бизнинг иттифоқчиларимиз саналади... табиатан шундай улар... Кувгин қилинган гигантларни ҳам юртга қайтарамиз... Содик хизматкорларимнинг ҳаммасини қайтараман. Ҳамма қўрқадиган махлуклардан бутун бошли армия йигаман...

Вольдеморт ҳаракатини боз давом эттириди. Баъзиларнинг ёнидан индамай ўтди, айримлар билан сухбат қурди.

- Макнейр... Чувалчандумнинг айтишича, сен, вазирлик манфаатларида фаолият кўрсатиб, хавфли ҳайвонларни йўқ қилаётган эмишсан, шундайми? Кўп ўтмай янада қизиқроқ иш топилади сенга, Макнейр. Лорд Вольдеморт сени иш билан таъминлайди...

- Ташаккур, соҳиб... ташаккур... - ғудуллади Макнейр.

Вольдеморт икки нафар ўта йирик, юзларини қайтарма қалпоқ билан тўсиб олган Ўлимдан мириқувчи қархисида тўхтади.

- Краббе... Бу сафар дурустроқ ишлайсан, деган умиддаман, а, Краббе? Сен-чи, Гойл? Иккаласи қўпол таъзим бажо айлаб, ғудуллаб қўйишибди:

- Ҳа, соҳиб...

- Албатта, соҳиб...

- Бу гап сенга ҳам тааллуқли, Нотт, - деди Вольдеморт, Краббенинг қўланкасига яшириниб олган буқчайган кишига.

- Милорд, мен шикастанафслик-ла оёғингиз остига чўзиламан, мен сизнинг энг содик қулингизман, мен...

- Бас, етар, - бош иргиди Вольдеморт.

Вольдеморт ҳалқа шаклидаги сафнинг кенг раҳнасига етиб, шу ерда туриши керак бўлган одамларни кўриб тургандай, қизил кўзларини бўшликка тикиди.

- Бу ерда олти нафар Ўлимдан мириқувчи етишмаяпти... Улардан уч нафари ўз ҳаётини соҳиб учун қурбон килди. Яна бири жуда қўрқок бўлиб, хузуримга ҳозир бўлмади... бунинг учун у жавоб беради, албатта. Яна бири мендан воз кечиб, сафимизни тарқ этди. Табиийки у ўлдирилади... Энг садоқатли яна бир хизматкорим эса қайтди ва аллақачон ўз хизматини бошлаб юборди.

Ўлимдан мириқувчилар сафида қимир-қимир бошланиб, ниқоб остидан бир-бирига қараб қўйишибди.

- У «Хогварц»да. Айнан ўша садоқатли инсоннинг сайд-ҳаракатлари туфайлигина ёш дўстимиз хузуримизга ташриф буюорди...

Иршайиш Вольдемортнинг лабсиз оғзини қийшайтириб юборди.

- Ҳа-ҳа, - деди у, яркираган кўзларини болага тикиб, - Гарри Поттер қайта дунёга келган куним муносабати билан лутфан ташриф буюорди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугун у менинг хурматли меҳмонимдир.

Ҳамма жим. Факат Чувалчандумнинг ўнг томонида турган Ўлимдан мириқувчигина бир кадам олдинга чиқиб, Вольдемортга Люциус Малfoy овози билан ниқоб остидан мурожаат килди:

- Соҳиб, биз билишга жуда ташнамиз... Ўтинамиз, айтиб беринг... Бунга қандай эришдингиз... Бу мўъжиза қандай рўй берди... Қандай қилиб қайтиб кела олдингиз...

- О, Люциус, бу жуда қизиқ хикоя, - лаззатланиб чўзди Вольдеморт, - Ва бу хикоя қаршингизда турган ёш дўстим билан бошланиб, у билан тугайди.

Вольдеморт шошилмай Гаррига яқинлашиб, ёнига туриб олди. Сафда турганларнинг ҳаммаси иккаласига қараб турибди. Илон эса Вольдемортнинг атрофида тинмай айлангани-айланган.

- Ушбу бола ҳукмим барҳам топишининг сабаби, деб эътироф этилганини ҳаммангиз яхши

биласиз, албатта, - паст овоз билан гап бошлади Вольдеморт, қип-кизил қўзларини чидаб бўлмас оғриқдан додлаб юборишдан ўзини базўр тийиб турган Гаррига тикиб, - Уни ўлдиришга уринишим билан ўз танам ва қудратимдан маҳрум бўлганимни ҳам биласиз. Она ўз боласини сақлаб қолиш учун ўзини қурбон килди ва бу билан чакалокни ўзи билмаган холда, мен олдиндан кўра билмаган ҳимоя ила таъминлади... Мен ҳатто қўл ҳам теккиза олмас эдим мана бу болага.

Вольдеморт узун бармоғини Гаррининг лунжига яқинлаштириди.

- Онанинг қурбонлиги болани бир умр сақлаб келди... Бу сеҳргарлар оламидаги қадимиёттудум бўлиб, ўша фурсатда менинг хаёлимга ҳам келмаган... ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Энди эса мен унга қўл теккиза оламан.

Гарри юзига теккан бармокни хис этиши билан боши қаттиқ оғриб, ҳозир тарс иккига бўлинниб кетишидан кўркиб кетди. Вольдеморт унинг қулоги остида аста кулиб қўйди-да, бармоғини олиб, яна ўз жамоасига мурожаат қилди:

- Ҳисоб-китобларда бир оз адашиб кетганимни тан олишим керак, дўстларим. Ахмоқ аёлнинг калтафаҳм қилмиши туфайли мен иўллаган қарғиш яшини боланинг пешонасидан сапчиб, ўзимга келиб урди. Ох, бу оғриқ! Бундай оғриқ ҳар қандай оғриқдан минг чандон кучлидир, дўстлар. Унга тайёр бўлишнинг иложи йўқ. Мен ўз танам билан алоқани йўқотиб қўйдим, руҳдан-да, хаёлотдан-да баттар заиф бўлиб қолдим... Лекин ўлмадим, тирик қолдим... Кимга ёки нимага айланиб қолганимни ўзим билмайман... Ҳаммадан кудратли, мангуликка қадам босган одам бўла туриб, шу ахволга тушиб қолдим... Максадим – ажал устидан ғалаба қозониш бўлганилигидан ўзингиз хабардорсиз. Шу тариқа, ўзимни синаб кўришга имкон туғилди. Баъзи бир тажрибаларим у қадар ёмон кечмади... Гарчи, қарғиш мени щубхасиз ўлдириши керак бўлса-да, тирик қолдим. Аммо ниҳоятда ожиз бўлиб, ер юзида яшайдиган ҳар қандай жонзодлар орасида энг нотавонига айланиб қолдим... Бундай ҳолатдан чиқиши учун хеч қандай умидим... танам йўқ эди... Ҳар қандай тилсим, афсун ёки қарғиш эса сеҳрли таёқча билан муомала қилишни такозо этади...

Вольдеморт бир оз сукут сақлади.

- Ҳар дақиқа, ҳар сония тиним билмай, машаққат-ла кун кечиришга ўзимни ўзим мажбур қилганимни эслайман... Ўрмон ичига кириб, кутдим... Содик хизматкорларимдан бирортаси уриниб кўриши, мени албатта қидириб топишига умид боғладим... Улардан бирортаси топилиб келиб, тегишли афсунни менинг номимдан бажариши, танамни қайтариб беришига комил ишонч билдирган эдим... минг афсус...

Соҳибининг ҳар бир сўзини дикқат билан эшитиб турган Ўлимдан мириқувчилар сафида яна хаяжонли ғимир-ғимир бошланди. Вольдеморт ушбу даҳшатли сукунатни атайин чўзди.

- Мен фақат бир нарсани эплар эдим холос, - давом этди Ёвуз Лорд, - У ҳам бўлса, бошқалар танасига кириб, эгалик қилиш. Бироқ атрофда аврорлар изғиб юрганини билиб, одамлар кўп жойларга кириб боришга журъят этмадим. Баъзан ҳайвонлар, асосан илонлар танасига кириб юрдим. Бироқ ҳайвон танасида бўлиб, руҳлик ҳолатимдан нари ўта олмадим. Ҳайвон танаси сеҳр-жодуга яхши мослашмаган... Бундан ташқари, улардан қайси бирининг ичига кириб олсан, умри кескин қисқариб кетар эди...

Вольдеморт сафдаги одамларга яна бир бор назар солиб чиқди.

- Шундан сўнг, тўрт йил муқаддам... ҳаётга қайтиш йўлини топгандай бўлдим. Кунлардан бир кун мен бекиниб олган ўрмонга ёш, лақма, калтафаҳм сеҳргар йигит кириб қолди. О, бу менинг орзуим эди. Зеро ўша лақма Дамблдор мактабининг ўқитувчиси экан...

Тентакни измимга итоат қилдириш қийин кечмади. Унинг ёрдами билан юртга қайтдим. Хеч қанча вақт ўтмай, танасига эгалик қилганча, ҳатти-ҳаракатларини бошқариб юрдим. Ўқитувчи жамики кўрсатмаларимни сўзсиз бажариб борди. Бироқ мен кўзлаган режа барбод бўлди. Мангу ҳаётимни таъминлайдиган фалсафий тошни ўғирлашга муваффақ бўла олмадим... яна анави Гарри Поттер туфайли...

Ўлик сукунат чўқди. Ҳатто тисс дараҳтларининг барги ҳам қилт этмай қолди. Ўлимдан

мириқувчилар никоб остидаги күзларини ярқиратганча, Гарри билан Вольдемортдан күз узмай, қылт этмай туришиби.

- Танасини тарк этишим билан ўқитувчи ўлди, - давом этди Вольдеморт, - Яна илгариgidай заиф, нотавон бўлиб қолдим. Яна ўша ўрмонга қайтдим. Ростини айтаман, илгариги кудратимни қайтара олишимга шубҳалана бошладим... Ҳаётимнинг энг қора кунлари бошланди... Тақдир менга яна бир сехргар юборишига ишонмадим...

Хизматкорларимдан бирортаси менинг қисматим билан оз бўлса ҳам қизикиб кўришига бўлган умидим бутқул сўнди...

Сафда турганларнинг бир-икки нафари хавотирланиб, танасининг вазнини оёқдан-оёққа ташлаб кўйди.

- Деярли бир йил олдин, бирорта ҳам умид учкуни қолмаган пайтда тақдир менга яна кулиб боқди... Нихоят мен кутган ҳодиса рўй берди... Ҳузуримга қаролларимдан бири, Чувалчангдум қайтди. Мана у қаршингизда туриби. Одил суддан бекиниш учун у ўз ўлимини сахналаштира билган. Бироқ унинг қилмиши эски дўстлари томонидан фош этилган. Шундан сўнггина у, соҳиб хузурига қайтишга аҳд килган. Миш-миш гаплар кетидан бориб, мени қидира кетган. Бу масалада унга йўлида учраган каламушлар яқиндан ёрдам берган. Чувалчангдумни каламушлар билан аллақандай қариндошлик ришталари боғлаб туради, тўғрими, Чувалчангдум? Ўша митти, жирканч дўстлари албан ўрмонларининг коқ марказида шундай жой борки, бирорта бўлсин жонзод у ерга киришга журъат эта олмаслигини маълум қилган... Вужудига сингиб кирадиган кора кўланка сабаб, ҳар хил майдა ҳайвонлар кирилиб кетишар эмиш...

Вольдеморт Чувалчангдумга яқин борди.

- Лекин ўша саёҳат, мени топганинг у қадар ёмон бўлмади, тўғрими, Чувалчангдум? Кунлардан бир кун, қорни очган Чувалчангдум мени қидириб топган ўрмон четидаги кичик бир меҳмонхонага кириб қолган... У ерда кимни учратиб қолганини биласизми? Вазирлик ходимаси Берта Жоркинсни!

Ёвуз Лорд иршайиб кўйди.

- Тақдирнинг Лорд Вольдемортга кўрсатган муруватига эътибор қаратинг, дўстлар. Мантиқан ўйлаб кўриладиган бўлса, аслида ўша кун Чувалчангдум тамом бўлган, у билан бирга менинг сўнгги умидим ҳам пучга чиқкан кун бўлиши керак эди. Бироқ Чувалчангдум, кесақдан ўт чиққани каби мутлако кутилмаган зийраклик намоён этиб, Берта Жоркинсни тунги сайрга олиб чиқишига муваффақ бўла олган. Ўрмонда қўлга олиб... тўғри менинг хузуримга олиб келган. Шу тариқа, ҳамма ишни барбод қилиши мумкин бўлган Берта Жоркинс фалакнинг мен орзу-ҳавас қилишга журъат эта олмайдиган тухфаси бўлиб чиқди! Зеро у, бир оз қўлланилган зўрлаш воситасида, қимматли маълумотлар манбасига айланди.

Вольдеморт сафда турганларга боз разм солди.

- Берта Жоркинс «Хогварц»да ўтказилиши режалаштирилган Уч сехргар беллашуви ҳакида батафсил айтиб берди. Алоқа боғлай билсан, менга садоқат ила хизмат қилишдан ўзини беҳад баҳтиёр биладиган Ўзимдан мириқувчининг номини айтди. У яна кўп нарсаларни айтиб берди... Бироқ унга нисбатан қўлланилган Унуттириш афсунининг таъсирига барҳам бериш учун жуда кучли воситалар қўллашга тўғри келди. Зарурий маълумотларни олиб бўлганимдан сўнг, унинг хотираси ҳам, танаси ҳам шу қадар яроқсиз ҳолатга келиб қолдики, тиклашнинг иложи йўқ эди. Киз ўз хизматини ўтаб бўлди.

Танасига жойлашиб олиш мумкин бўлмай қолди. Шу боис, ундан ҳалос бўлишга тўғри келди.

Вольдеморт мурдор иршайиб, қип-қизил кўзлари билан илонга караб кўйди.

- Ҳамма қахрамонларча ҳалок бўлган, деб биладиган Чувалчангдумнинг танаси ҳам кор бермайди. Агар уни бирор таниб коладиган бўлса, ортиқча шов-шув кўтарилади. Лекин у менга хизмат қилишни давом эттириб, ўз танасини ўзи идора қилганича қолди... Зотан, камдан-кам учрайдиган нўноқ сехргар бўлишига қарамай, менинг амримни бажариб келди. Натижада мен нихоятда заиф,rudiment ҳолида бўлса ҳам, ҳар қалай танага эга

бўлдим. Бундай танада, қайта туғилишим учун зарур бўладиган таркибий қисмлар топилгунга қадар, ўзим ихтиро қилган бир жуфт афсун ва қадрдоним Нагини ёрдамида мувакқат қолишим мумкин эди. Яккашоҳ нарвал қони ва илон заҳридан тайёрланган дамлама. Яна бир бор Нагинига ташаккур... Кўп ўтмай, мен ўзимга деярли инсон киёфасини қайтара олиб, саёҳат қилишга яроқли бўлиб қолдим (*Рудимент, қолдик – организмнинг эволюцион тараққиёти мобайнида ўз аҳамиятини йўқотган қисми*).

Вольдеморт бир оз сукут саклаб қолди.

- Фалсафий тошга эришиш умиди сўнган. Дамблор уни йўқ қилдиргани аниқ. Бирок мангулик кетидан қувищдан олдин, дастлаб оддий банда ҳаётига эришмок даркор. Тилак ва эхтиёжларим даражасини пасайтиридим... Биринчи навбатда тана ва илгариги кудратимга эришиб олишим керак. Бугун мени тирилтирган дамлама ёвуз кучлар сехри оламида яхши маълум. Ушбу дамламани тайёрлаш учун учта энг муҳим таркибий қисм керак бўлишини билар эдим. Улардан бири доимо ёнимда, тўғрими, Чувалчангдум? Хоҳиш-ла берилган қарол танаси... Розиликсиз олинган ота суяги эса, табиийки, шу ерга, унинг мозорига келиш кераклигини англатади. Зўрлаб олинган душман кони-чи...

Чувалчангдум менга дуч келган... мендан нафратланадиган ҳар қандай сеҳргар қонини олишни таклиф килиб, холи-жонимга қўймас эди. Ахир мендан жирканадиган, ўлгундай нафратланадиган сеҳргарлар етарлича бисёр-ку, шундай эмас-ми? Модомики мен, Ёвуз Лорд, олдинги холатимдан ҳам буюк ва янада даҳшатли холатда яна бош кўтаришни истар эканман, менга кимнинг қони кераклигини жуда яхши биламан. Менга айнан Гарри Поттернинг қони керак эди. Ўн уч йил муқаддам менинг хукмимга чек қўйган боланинг қони керак эди менга... Ана ўшанда, онаси берган битмас-туганмас ҳимоя менинг томирларимда жўшиб оқади...

Вольдеморт бир оз ўйланиб қолди.

- Лекин Гарри Поттерни қандай килиб қўлга олиш мумкин? У қанчалик пухта муҳофаза қилинаётганини ўзи ҳам тасаввур қила олмаса керак! Бундай ҳимоя тадбирлари чақалоқнинг келажагини таъминлаш фояси миясига мустахкам ўрнашиб қолган Дамблор томонидан ташкиллаштирилган. Бунинг учун Дамблор қадимий сеҳр-жоду кучини кўллади, яъни бола ўз қариндошларининг васийлигида бўлар экан, доимо хавфсиз бўлади. Шундай экан, бола истиқомат киладиган жойга бора олмайман... Кутилмагандা Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини ўтадиган бўлиб қолди... Ана ўша ерда, қариндошлари ва Дамблдордан нарида юрадиган боланинг ҳимояси заифлашади, деган хаёлга бордим... Аммо уни олиб қочиш учун мен ҳали у қадар кучли эмас эдим. Ахир унинг атрофида вазирликнинг бир гала итлари изғиб юришади-ку! Ўйин ўтгач эса бола «Хогварц»га, ўша қайрилма бурунли, жирканч, магллар ҳимоячисининг муҳофазаси остига қайтади. Хўш, болани қандай килиб қўлга олиш мумкин?

Вольдеморт яна бир оз сукут саклаб турди.

- Қандай килиб? - мулоҳазасини давом эттириди у, - Берта Жоркинсдан олинган бебаҳо маълумотлардан самарали фойдаланган, хийла-найранг ишлатган тарзда, албатта. Оташли жомга боланинг номидан ариза ташлаши учун «Хогварц»га садоқатли хизматкоримни йўлладим. У шундай килсинки, бола Беллашув чемпиони бўлсин. Ўша хизматкорим портшлюста айлантириб қўйган Уч сеҳргар беллашувининг Кубогига қўл теккизган бола тўғри менинг хузуримга учиб келсин... Бу ерда у ҳимоясиз... Дамблдордан ҳам ёрдам кута олмайди... Марҳамат, мана у... Сиз хукмим барҳам топишининг сабаби, деб эътироф этган бола қаршиңгизда турибди

Вольдеморт аста Гаррига юзланиб, таёқчасини кўтарди.

- Крусио!

Гаррининг вужудини қамраб олган оғриқни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Дўзах ўтининг харорати боланинг иликларигача сингиб кирди, бош чандиқдан ёрилиб кетгандай оғрияпти, кўзлари орқага тортиб кетди. Ҳозир Гарри фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, буларнинг бари тезроқ тугашини... тезроқ хушини йўқотишини... тезроқ ўлишини... истаяпти.

Чиндан ҳам, қийноқ азоби кутилмаганда бархам топди. Бола даҳмага боғланган арқонларга жонсиз, рўпарасида ёниб турган қип-қизил кўзларга аллақандай парда орқали қараганча, осилиб қолди. Тунги сукунатда ўлимдан мириқувчиларнинг қаҳҳаҳаси жаранглади.

- Кўриб турибсизки, ушбу болакайни мендан қучли, деб топиш гирт аҳмоклиқдир, - таъкидлаб ўтди Вольдеморт, - Гарри Поттер баҳтли тасодиф туфайлигина Лорд Вольдемортдан қочиб кутулди, деган хаёлга хеч ким бормаслиги учун мен уни хозир, сизнинг кўз олдингизда ўлдираман. Бу ерда унга ёрдам берадиган Дамблдор ҳам, ўрнига ўладиган онаси ҳам йўқ. Бироқ қайси биримиз кучлироқ эканлигимиз борасида шубха қилмаслигингизни истайман. Бинобарин, унга кичик бир имкон бераман. Менга қарши жанг қилишга изн берилади Поттерга. Бир оз сабр қил, Нагини, - пиҷирлади у, очликдан бетоқат бўлиб кетаётган баҳайбат илонга.

Илон Ўлимдан мириқувчилар томон судралиб кетди.

- Ана энди, Чувалчангдум, уни халос этиб, сехрли таёқчасини қўлига ушлатиб қўй.

XXXIV БОБ.

ПРИОРИ ИНКАНТАМЕ

Дахмага сиқиб боғланган Гарри арқонлар ечишган пайтда қулаб тушмай, ерга таяниб қолиш учун оёқларини типирчилата бошлади. Рўпарасига келган Чувалчангдум боланинг оғзига тиқилган латтани суғуриб олди-да, янги кумуш қўлини бир силтаб, арқонларни чопиб ташлади.

Тушовдан халос бўлган бола жуфтакни ростламоқчи бўлди-ю, лат еган оёғи танасининг оғирлигини кўтара олмай титраётгани, бунинг устига, якинроқ одимлаган Ўлимдан мириқувчиларнинг Гарри билан Вольдемортни ўраб олган ҳалқаси жисплашиб, сафдаги раҳналар энди йўқ бўлгани боис ҳаракати зое кетишини ўйлаб, фикридан қайтди.

Чувалчангдум ерда ётган сехрли таёқчани олиб, Гаррининг қўлига дағал ушлатиб қўйдида, дикқат билан кузатиб турган Ўлимдан мириқувчилар сафига бориб қўшилди.

- Дуэль жангиди олишиш удумларини ўргатишганим сизларга, Гарри Поттер? - мулојим оҳангда кизиқди кизил кўзлари қоронгиликда яркираётган Вольдеморт.

Савонни эшитган Гарри худди бундан олдинги ҳаётида бўлиб ўтгандай, иккинчи синфда ўқиб юрган кезларида атиги бир кун фаолият қўрсатган дуэльчилар клубига ташриф буюриб, Эксспелиармус, яъни Қуролсизлантириш афсунини ўзлаштирганини эслади. Вольдемортни қуролсизлантиришга эришган тақдирда ҳам ҳозир бундан не фойда? У кам деганда ўттиз нафар Ўлимдан мириқувчининг химояси остида турибди. Йўқ, бундай вазиятда аскатадиган бирон нарсага ўргатишгани йўқ унга. Ҳозир Гаррига қаратса таъсирини мухосара қилиб бўлмайдиган, Хмури доимо огоҳ қилиб келган Ўлдириш қаргиши – Авада Кедавра кўлланилади. Бола буни жуда яхши тушуниб турибди...

Вольдеморт қайсиdir маънода ҳак: бу ерда Гаррига ёрдам берадиган Дамблдор ҳам, ўрнига ўладиган онаси ҳам йўқ... Айни вазиятда у мутлақо химоясиз, танҳо ўзи қолган...

- Дастлаб биз бир-биримизга таъзим бажо айлашимиз керак, Гарри, - деди Вольдеморт, илон башарасини ерга қаратмаган, кўзини боладан узмаган тарзда енгил таъзим қилиб, - Бўла қол, Гарри, удумларга амал қилиш шарт... Дамблдор боадаблигингни кўрса, жуда хурсанд бўлар эди, албатта... Ўз ажалингга таъзим қил, Гарри...

Ўлимдан мириқувчилар хандон отищди. Вольдемортнинг лабсиз оғзи ҳам буришди. Гарри таъзим қилмади. Йўқ, мушукнинг қўлига тушган сичқон каби масхара бўлмоқчи эмас у...

Бундай хушвактликни Вольдемортга ҳавола қилиб қўймайди...

- Таъзим қил, дедим... - вишиллади Вольдеморт, таёқчасини силтаб.

Гарри, ўзи хоҳламаса-да, умуртқаси, худди юқоридан аллақандай кўзга кўринмас қўл куч билан босаётган сингари букилаётганини хис этди. Ўлимдан мириқувчилар кулавериб қорин ушлаб қолицди.

- Жуда яхши, - мактади Вольдеморт, таёқчасини юқорига кўтариш баробарида болани юкламадан халос этиб, - Ана энди иккаламиз бир-биримизга, эркак эркакка юзлангани каби юзланамиз... Қаддингни ростлаб тур, Гарри, отанг ўз ажалига тик қарагани каби

кўкрагингни кериб тур... Яхши, ана энди дуэль бошласак бўлади.

Вольдеморт таёқчасини аста силтади. Гарри химояланиш у ёқда турсин, қилт этишга улгурмай туриб, вужудини Қийноққа солиш қарғишининг таъсири боз қамраб олди. Оғриқ шу қадар кучли, шу қадар қамраб оладиган кечмоқда-ки, бола қаерда эканлигини мутлақо идрок этмай қўйди... танасига кучли қиздирилган минглаб шамширлар суқиб олингандай бўлди... боши эса бу сафар ёрилиб кетиши аниқ... Гарри ҳали бундай чинкирмаган... Кутилмаганда, оғриқ, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай барҳам топди. Вужуди, Чувалчангдум ўз қўлини ўзи чопиб ташлашидан олдин қандай титраган бўлса, худди шундай титрамоқда. Боланинг қокиниб кетаётган оёқлари девордай яхлит турган томошибинлар томон гайриихтиёрий равища одимлади. Ўлимдан мирикувчилар эса уни Вольдеморт томон итариб юборишиди.

- Танаффус эълон қиласиз, - ҳузур-ла, бурнини иширди Вольдеморт, - Танаффус... Жонинг оғриди-ми, Гарри? Яна тақрорлашимни истайсан-ми, йўқми?

Гарри индамади. Шафқатсиз қизил кўзларда ўз қисматини кўрмоқда... у ўлади, худди Седрик каби ўлади... Бироқ ўлимидан олдин жирканч Вольдемортга майна бўлмоқчи эмас. Ҳеч қачон унинг измига юрмайди! Ҳеч қачон!... Шафқат қилишни сўраб ўтинмайди, ялиниб-ёлвормайди! Ҳеч қачон!

- Мен сендай сўрайпман, яна тақрорлашимни истайсан-ми, йўқми? - пицирлади Вольдеморт, - Жавоб бер! Империо!

Гарри ҳаётида иккинчи бор вужудини қандайдир ғалати туйғу қамраб олиб, фикр-хаёли узокларга кетиб қолаётгани хис этди. Нақадар яхши... ҳеч нарсани ўйламаслик... Тушида қаёққадир учиб кетаётгандай худди.

Хаёл ўтмай миясида, онгининг узок бурчагида овоз эшишилди:

- «Йўқ», де... «Йўқ» де... «Йўқ» де...

Миясининг янада чукуррок жойидан бошқа, саркашлиқ қилаётган овоз эшишилди:

- Айтмайман.

- «Йўқ», де...

- АЙТМАЙМАН!

Сўнгги сўзни Гарри шу қадар қаттиқ бақириб айтди, бутун қабристонда акс садо бўлиб эшишилди. Худди бир чекак сув сепиб юборишгандай, Қарам қилиш қарғишининг масти киладиган таъсири бир зумда барҳам топиб, хозиргина кўлланилган Қийноққа солиш қарғишининг асорати боз сезилди. Бола қаерда, кимларнинг орасида тургани, уни нима кутаётганини яна идрок этди...

- Айтмайсан-ми? - хотиржам сўради Вольдеморт, - Демак, «Йўқ», демайсан, шундай-ми? Ўлимдан мирикувчилар бу сафар кулмасдан, жиддий туришибди.

- Гарри, - давом этди Вольдеморт, - Итоат – яхши хислатдир. Ўлимингдан олдин, табиатингда, ушбу фазилатни тарбиялаб қўймоқчиман... Афтидан, бунинг учун яна бир каттагина доза кўллашга тўғри келади, шекилли...

Вольдеморт таёқчасини кўтарди, бироқ Гарри бу сафар харакатга шай. Квидиши ўйинларида шаклланган рефлекс сабабли бўлса керак, бола шу заҳоти ерга ташланиб, қабр тошининг ортига зудлик билан юмалаб ўтди. Қийноққа солиш қарғишининг яшини зарбидан дахма дарз кетди ([Рефлекс \(физиол.\) – тирик организмининг ташиқи таъсирга жавобан беихтиёр кўрсатадиган муносабати](#)).

- Сен янгилишиб кетдинг чоги, Гарри, - деди сира ҳоврикмай яқинлашган муздай овоз, - Биз бекинмачоқ ўйнаётганимиз йўқ.

Ўлимдан мирикувчилар яна хандон отишди.

- Мендан бекина олмайсан, Поттер. Бундай хулкингни дуэль жангидан чарчаганинг сифатида тушуниш керак-ми? Сени қийнамай, тезроқ ўлдиришимни истаганинг-ми, бу? Чик, Гарри... бу ёқка чик, давом эттирамиз... Энди кўп вақтингни олмайман... Балки жонинг ҳам оғримас... билмадим, ўлиб кўрганим йўқ...

Гарри, куни битганини англаб, қабр тоши ортида гувала бўлиб олди. Умид йўқ... Бирор жойдан најот келмайди... Бироқ тобора яқин келаётган Вольдемортнинг қадам товушига

кулоқ солар экан, Гаррининг вужудини күркүвдан ҳам, соғлом ақлдан ҳам кучлироқ хиссиёт қамраб олди. У чиндан ҳам бекинмачоқ ўйнаётган ёш болага ўхшаб мана бу дахма ортида, Вольдемортнинг оёғи остига йиқилиб, тиз чўккан тарзда ўлиб кетмоқчи эмас... Бир бошга бир ўлим... У ўз отаси сингари ажал юзига тик қараб ўлади. Фойдаси бўлмасада, ўзини химоя қилади...

Вольдемортга дахма ортига ўтишга йўл қўймаган Гарри, сехрли таёқчасини олдинга узатиб, маҳкам ушлаганча, қаддини рост тутиб душман қаршисида ҳозир бўлди. Шу заҳоти Гаррининг «Экспеллиармус» кичқириғи билан бир вақтда ҳамлага шай бўлиб келаётган Вольдемортнинг «Авада Кедавра»си янгради.

Иккала таёқчадан ҳам яшин отилиб чиқди. Вольдемортнинг яшил, Гаррининг қизил тусли яшинлари ҳавода тўқнаш келди. Дафъатан, Гаррининг таёқчаси худди электр токининг кудратли оқими ўтганидай каттиқ титрай бошлади. Боланинг қўли таёқчага маҳкам ёпишиб қолди. Энди таёқча Гаррининг қўлидан, ўзи истаган тақдирда ҳам, чиқиб кетмайди. Иккала таёқчани ингичкагина нур риштаси бирлаштириб турибди. Ушбу нур яшил ҳам эмас, қизил ҳам. У қандайдир тилла тус касб этган. Вольдемортнинг узун, оппок бармоқлари ҳам титраётган таёқчасига маҳкам ёпишиб колган.

Кейин рўй берган ҳолатни Гарри мутлақо кутмаган, унга тайёр ҳам бўлмаган. Боланинг оёқлари тўсатдан ердан узилди. Аллақандай номаълум куч Ёвуз Лорд иккаласини, таёқчаларини бирлаштириб турган нур риштасини узмаган тарзда, Вольдемортнинг отаси дафн этилган қабр узра ҳавога кўтариб, қабр тошларидан холи бўлган кенг майдонга олиб ўтди... Вольдеморт билан Гаррини курсаб, яна ҳалқа ҳосил қилиш учун югуриб келган Ўлимдан мириқувчилар бакир-чакир кўтарганча, соҳибдан қандай иш тутишни сўрашмоқда. Уларнинг аксарияти сехрли таёқчаларини қўлга ушлаб олишган... Бахайбат илон ҳам уларнинг яқинида ўрмалаб юрибди...

Дафъатан тилла нур тилимларга бўлиниб ажралди, лекин таёқчалар нур риштаси воситасида бирлашганча қолган. Ёруғлик тилимлари бир-бири билан кесишганча, баланд кўтарилган минглаб тилла аркаларга ўхшаб қолди. Кўп ўтмай иккала ракиб ўргимчак инини эслатадиган олтин гумбаз остида қолди. Нурдан ҳосил бўлган ушбу қафас ташқарисида эса Ўлимдан мириқувчилар айюҳаннос солиб, шақаллар каби гир айланада бошлади... Уларнинг ўкириб йиғлашлари энди базур эшигилмоқда.

- Ҳеч нима қилманг! - бакириб юборди Вольдеморт малайларига.

Гарри Вольдемортнинг саросимага тушиб колгани, тахайор кўзлари катта-катта очилиб кетгани, таёқчаларни бирлаштириб турган нур риштасини узуб ташлашга уринаётганини кўрмоқда. Бола таёқчасини иккала қўли билан маҳкам ушлаб, нурнинг узилишига йўл қўймади.

- Буйругимни кутинг! Ҳеч нима қилманг! - боз бакирди Вольдеморт кўпакларига. Шу пайт ҳавода қандайдир илохий мусиқа эшигилди... ушбу товуш гумбаз ҳосил қилган ҳар бир нур тилимидан чикмоқда. Гарри бундай товушни ҳаётида атиги бир маротаба эшигтан бўлса ҳам, дарҳол таниди... Бу қакнус хониши...

Қуш хониши Гаррига куч ва умид бағишлиди... Ҳаётида бундай беназир, бундай марғуб куйни эшитмаган. Назарида мусиқа ташқарида эмас, унинг ич-ичида янграмоқда... Мўъжизадор товуш орқали Гарри Дамблдор билан боғланганини, худди унинг дўстона оҳангда пичирлаб: «Нурни узуб юборма», деб берган маслаҳатини эшигтандай бўлди. «Биламан», жавоб қайтарди Гарри, «Узмаслик кераклигини сезиб турибман». Бироқ лорсиллаб кетаётган таёқчани тутиб туриш ҳам қийинлашиб бормоқда. Бирдан Гаррини Вольдеморт билан боғлаб турган нурда ўзгариш рўй берди... Нур бўйлаб йирик ёруғлик маржонлари ҳаракатлана бошлаб, Гарри томон думалаб келмоқда. Бола сехрли таёқчаси қўлдан отилиб чиқишига уринаётганини хис этди... Гаррининг назарида, таёқчасининг жаҳли чиқиб, Вольдеморт томондан тараалаётган нурга саркашлик қилмоқда.

Яқинлашиб келаётган ёруғлик маржони Гаррининг таёқчасига тегишига оз қолганда ёғоч шу қадар қизиб кетди-ки, гўё ҳозир ўт олиб кетади. Маржон қанчалик яқин келса, таёқча шунчалик кучли титрамоқда. Маржон билан тўқнаш келадиган таёқча бардош бера олмай

парчаланиб кетишига Гарри шубха қилмади...

Бола бор кучини йигиб, ёруғлик маржонини ортга, Вольдеморт томон қайтаришга сарфлади... Кулогига қақнус хониши эшитилиб, бир жойга жамланган нафрат ёш қалбидан жүш урмоқда... Жараён узок, нихоятда узок кечди. Маржонлар бир оз титраб, охири тұхтади... сұнг, секин-аста ортга, Вольдеморт томонға қайта бошлади... Энди ракибнинг таёқчаси кучли титрай бошлади. Ёвуз Лорд довдираб қолди, күзларида құркүв қүринди... Бириңчи маржон Вольдеморт таёқчасининг учига етиб боришига бир-икки дюйм қолди. Гарри нима қилаётгани, нимага эришмоқчи бўлганини ўзи билмайди, лекин жамики иродасини, дикқат-эътиборини жамлаб, ёруғлик маржонини Вольдемортнинг таёқчасига туртиб киритишига аҳд қилди. Маржон тилла тусли нур риштаси бўйлаб аста харакатланиб, нихоят Вольдемортнинг таёқчасига сингиб кетди...

Шу захоти Вольдемортнинг таёқчасидан одамларнинг даҳшат ва оғриқдан бакираётган овозлари янгради. Қўркиб кетган Ёвуз Лорднинг қип-қизил кўзлари янада катта очилиб кетди. Унинг таёқчасидан дастлаб қўл шаклидаги ярим шаффофф, сурма рангли булатча чиқиб, ҳавода тарқаб кетди... Яна оғриқ азобидан қичкираётган одамлар овози эшитилди... Бу сафар Вольдемортнинг таёқчасида қандайдир каттароқ, кул ранг, тутундан яралган нарса қўринди... одам боши... кўкрак соҳаси, кўллари... танаси чиқиб келмоқда... ахир бу Седрик Диггори-ку!

Агар Гарри қачондир таёқчасини қўлидан чиқариб юборадиган бўлса, бундай ҳолат ҳозир рўй бериши керак эди. Аммо боланинг айни пайтдаги хис-туйғулари таёқчани маҳкам ушлашга мажбур қилиб, нур риштасини узмай, бутун сақлаб қолди. Седрикнинг қалин кул ранг арвохи, гарчи танаси етарлича зич бўлганидан уни арвоҳ дейиш қийин кечса-да, худди ўзини ўзи сикиб чиқаргандек таёқчанинг тор туннелидан халос бўлиб, қаддини рост тутиб олганча, тилла тусли нур риштасига дикқат билан қаради.

- Бардам бўл, Гарри, - далда берди у.

Диггорининг овози узокдан, акс садо каби эшитилди. Гарри Вольдемортнинг турқига эътибор қаратди. Ёвуз Лорднинг қўркүвдан тонг қотган қиёфаси башарасида, қип-қизил кўзларида сакланиб қолган. У ҳам, Гарри каби, бундай ҳолат рўй беришини мутлако кутмаган... Вахима босиб, зир югураётган Ўлимдан мириқувчиларнинг қичкириклари тилла гумбаз ичида базур эшитилмоқда...

Вольдемортнинг таёқчасидан одамларнинг даҳшат ва оғриқдан бакираётган овозлари боз эшитилди... Таёқчанинг тор туннелидан яна кимнингдир арвоҳи халос бўлиб чиқмоқчи... одам боши... кўкрак соҳаси, кўллари... бутун танаси... Бу ўша, Гаррининг тушига кирган чўлоқ қариянинг арвоҳи! Чолнинг ҳассага таянган арвоҳи Седрикнинг арвоҳи ёнига келиб, дам Гаррига, дам Вольдемортга, дам тилла гумбазга, дам нур риштаси ила бирлашиб қолган сеҳрли таёқчаларга хайрат ила қараб чиқди.

- Демак, мана бу ифлос чиндан ҳам сеҳргар экан-да? - хулоса чиқарди қариянинг арвоҳи Вольдемортга қараб, - Мана шу мараз ўлдирди мени, шу менинг қотилим. Бўш келма, йигитча. Адабини бер бу ярамасни...

Таёқча ичидан эса яна бир одамнинг боши қўринди. Кул ранг мармар рангини эслатадиган ушбу арвоҳ аёл кишининг арвоҳи экан. Иккала қўли кучли титраганча, таёқчани маҳкам ушлаб олган Гарри ерга қулаб тушиб, сұнг оёққа туриб олган аёл қолганларнинг ёнига учиб ўтганини кўрди. Хайратдан кўзлари катта-катта очилиб кетган Берта Жоркинснинг арвоҳи ҳам Гаррига далда бера бошлади.

- Кўйиб юборма, кўйиб юборма! - қичқирди у, Седрикнинг овози каби узокдан эшитилган овози билан, - Таслим бўлма, болакай, кўйиб юборма!

Учала арвоҳ тилла қафас деворлари бўйлаб юра бошлади. Ташқарида эса оёғи куйган товуқ каби Ўлимдан мириқувчиларнинг ў ёқ, бу ёқ югураётган шарпалари қўринмоқда. Атрофни Вольдеморт ўлдирган одамларнинг пичир-пичирлари қамраб олган... улар Гаррига далда бериб, қотилга, бола эшила олмаган алланима дейишмоқда.

Мана, яна кимнингдир арвоҳи Вольдемортнинг таёқчаси ичидан чиқиб, халос бўлмоқчи. Бу кимнинг арвоҳи бўлиши мумкинлигини Гарри фахмлагандай бўлди... Седрикнинг

арвоҳини таниши билан шу кишининг арвоҳини кутаётган эди. Бола бугун уни кўп маротаба эслаган...

Сочлари тўзғиган баланд бўйли кишининг арвоҳи Бертанинг хатти-ҳаракатини такрорлади. Ердан кўтарилиши билан Гаррига юзланди. Бола зўриқиши ва ҳаяжондан дағ-дағ титраётган кўллари билан дадасининг хаёлий юзига қаради.

- Ойинг ҳозир чиқади, - деди ота хотиржам, - У сени кўрмоқчи... Қўрқма, ўғлим, ҳаммаси яхши бўлади.

Ана, ойиси ҳам кўриниш берди... боши... кўкрак қафаси, кўллари... танаси. Лили Поттернинг кўкиш тусли арвоҳи Вольдемортнинг таёқчалини ичидан гуллаб чикиб, ерга тушди. Сўнг, ўрнидан туриб эрининг ёнига бориб турди. У Гаррининг ёнига келиб, кўрқаётганидан оқ юзи кўкариб кетган Вольдемортга эшиттирмаган тарзда, худди қолган арвоҳларнинг овози каби узоқдан эшитилган овози билан пиширлади:

- Нур риштаси узилган фурсатдан эътиборан биз фақат бир неча сония давомидагина қолишимиз мумкин холос... лекин бу вакт портшлюс ёнига етиб бориш учун сенга етарли бўлади. Портшлюс сени яна «Хогварц»га элтиб қўяди. Сўзларимни тушундинг-ми, Гарри?

- Тушундим, - базур жавоб қайтара олди Гарри, кучли силтанаётган таёқчани қўлидан чиқариб юбормасликка жон-жаҳд ила ҳаракат қилиб.

- Гарри, - пиширлади Седрикнинг арвоҳи, - Менинг жасадимни ҳам ўзинг билан олиб кет, ҳўпми? Уни ота-онамга топшириб, илтимос...

- Албатта, - ваъда берди Гарри, зўриқищдан буришиб.

- Тайёрлан, - пиширлади дадасининг овози, - Ришта узилган ҳамоно югуришга шай тур... бошладик...

- Ҳозир! - қичкирди Гарри, бирор сония ҳам ортиқ бардош бера олмаслигини ҳис этиб. Бола куч билан сеҳрли таёқчалини юқорига кўтарди. Тилла тусли нур риштаси узилди, ёруғлик гумбази йўқ бўлди, қакнус хониши тинди. Фақат арвоҳларгина қолиб, Вольдемортни куршаб олганча, йўлини тўсиб қўйиши.

Гарри хаётида ҳали бундай тез югурмаган. Сочиб ташлаш афсуни воситасида икки нафар Ўлимдан мириқувчини ҳар томон улоктириб, қабрлар орасида илон изи югура кетди. Унга қарата қўлланилган қарғишларнинг яшинлари қабр тошларига урилмоқда. Оёғи лат еганини унутиб, ягона максадни кўзлаган бола даҳмалар орасида иланг-биланг ютурганча, Седрикнинг жасади томон ошикмоқда.

- Уриб йиқитинг уни! - ўқирди Вольдеморт.

Седрикнинг жасадига қадар ўн футча масофа қолди. Гарри мармар малак ортига ўтиши билан ёнидан қизил яшин учебиб ўтиб, малак қанотининг учини синдириб юборди. Гарри таёқчалини маҳкам тутганча, тош малак панасида югура кетди...

- Импедимента! - ўқириб юборди у, деярли кувиб етган Ўлимдан мириқувчига қаратса. Эшитилган ўқирикка қараганда унинг Тўсқинлик қарғиши нишонга теккан. Ўгирилиб қарашга вакт йўқ. У Кубок томон сакраб, орқа томондан янграган залпларни эшитиши билан энгашиб олди. Шу заҳоти унинг боши узра ёруғлик зарядлари учебиб ўтди. Гарри ерга ётиб олиб, қўлини Седрикнинг қўли томон узатди...

- Нари туриңг! Ўзим! Ўзим ўлдираман уни! У менини! - чийиллади Вольдеморт.

Гарри Седрикнинг қўлини маҳкам чанглаб олди. Аллакандай қабр тоши уни Вольдемортдан тўсиб туриби. Седрикнинг жасади шу қадар вазминки, Кубок томон торта олмаяпти.

Зулмат ичра бир жуфт кип-қизил кўз пайдо бўлди. Гарри таёқчалини кўтараётган Вольдемортнинг оғзи иршайиб буришганини кўрди.

- Ассио! - ўқирди Гарри, таёқчалини Уч сеҳргар беллашувининг Кубогига ўқтаб. Кубок ҳавога кўтарилиб, тўғри Гарри томон учеби келди. Бола Кубокнинг дастасини маҳкам ушлаб олиши билан Вольдемортнинг дарғазаб ўқиригини эшитди. Шу заҳоти нимадир Гаррини худди киндикига маҳкамланган ҳалқадан тортиб кетгандай бўлди. Демак портшлюс ишга тушди. Кубок уни юқорига, шамол ва рангли доғлар гирдобига, Седрикнинг жасади билан биргаликда тортиб кетди.

Гарри бутун танаси билан ерга тушиб, димоги майсанинг хидига тўлди. Парвоз давомида чирт юмиб олган кўзини очмасдан, қилт этмай ётди. Худди кема палубасида чайқалаётган каби боши айланмоқда, нафас олгани мадори йўқ. Чайқалишни оз бўлса ҳам тўхтатиш учун Уч сехргар беллашувининг Кубоги билан Седрикнинг қўлини маҳкам ушлаб олган. Назарида, агар уларни қўйиб юборгудай бўлса, онгида тобора қалинлашиб бораётган зулматнинг тубсиз қаърига тушиб кетади. Ўрнидан туришга лоҳаслик ва руҳий ларза тўскинлик қилмоқда. Майсанинг хидини хис этган ҳолатда ётганча, нимадир рўй беришини кутмоқда... чандигининг оғриши эса ҳеч қолмаяпти...

Кутилмаганда янграган айюҳаннос бўрони, якин орадаги одамларнинг дупур-дупури, ҳайқириқлари боланинг қулоғини кар қилиб, хаёлларини чалкаштириб юборди. Баттар азоб бераётган ушбу алоғ-чалоғ тугаши, шовқин тинишини кутиб, юзини буриштириб олган Гарри қилт этмади. Нихоят кимдир уни маҳкам ушлаб, белига ағдарди.

- Гарри! Гарри!

Бола кўзини очиб, юлдузли осмонни кўрди. Бир оздан сўнг устида энгашиб турган киши Альбус Дамблдор эканлигини аста идрок эта бошлади. Атрофда юрган шарпаларнинг босган қадамларидан ер ларзага келиб, Гаррининг бошини баттар оғритяпти. Бола лабиринт четида ётгани, шоҳ деворлар ёнидаги намойишгоҳлар баланд кўтарилгани... юлдузларни аста фарқлай бошлади.

Гарри Кубокни қўйиб юборди-ю, Седрикнинг қўлини маҳкам сиқиб олди. Бўшаган қўлини кўтариб, юзи дам чаплашиб, дам аниқ қўринаётган Дамблдорнинг билагини ғиппа бўғди.

- У қайтди, - пиҷирлади Гарри, - Қайтди. Вольдеморт қайтди.

- Нима гап? Нима бўлди?

Гаррининг устида Корнелиус Фужнинг бўздай оқариб, эсанкираб қолган юзи кўринди.

- Эй Худойим... Диггори! - пиҷирлади Фуж, - Дамблдор! Йигитча ўлиб қолибди-ку!

Вазирнинг ушбу сўzlари биринчи қаторда сиқилиб турганлар томонидан орка қаторларда турганларга қарата такрорлана бошланди. Орқада турганлар эса ўз навбатида, коронғиликка бақиришмоқда: «Ўлибди!», «Ўлибди!», «Седрик Диггори! Ўлиб қолибди!»

- Гарри, қўйиб юбор уни, - эшитилди Фужнинг овози.

Кимдир бармоқларини бўшатишга уринаётганини хис этаётган Гарри Седрикнинг жонсиз билагини янада маҳкам сиқиб олди. Шунда унинг юзига Дамблдорнинг туманда чаплашиб кетаётган юзи яқин келди.

- Гарри, энди унга ёрдам бера олмайсан. Ҳаммаси тамом бўлди. Қўйиб юбор уни.

- У жасадини ўзим билан бирга олиб кетишимни илтимос килди, - ғудуллади Гарри, - Отаонасига топширишимни сўради...

- Тушундим, Гарри... энди қўйиб юбор...

Дамблдор эгилиб, озгин, кекса кишига мутлако хос бўлмаган куч билан Гаррини даст кўтарди-да, оёғига қўйди. Гарри тебраниб кетди. Кимдир унинг бошига болға уриб, данак чақаётгандай бўлмоқда. Лат еган оёғи танасини кўтаришни инкор этяпти. Атрофдаги одамлар бир-бирини туртгани-туртган: «Нима бўлди?», «Нима гап?», «Унга нима қилибди?», «Диггори ўлибди?!»...

- Болани шифохонага элтиш керак! - баланд овозда бақирди Фуж, - У яраланган.

Айтгандай, Дамблдор, Диггорилар шу ерда, намойишгоҳда...

- Мен Гаррини олиб кетаман, Дамблдор, олиб кетаман...

- Йўқ, у шу ерда, ёнимда туришини афзал кўрган бўлар эдим...

- Дамблдор, Амос Диггори югуриб келяпти... ана у, яқинлашиб қолди... Кўргунга қадар огоҳлантириб, тайёрлаб қўйган маъкулми, дейман, а?...

- Гарри, ҳеч қаерга кетмай, шу ерда тур...

Қизларнинг жазаваси тутиб, хўнграй бошлашди... Гаррининг кўз ўнгидага ҳамма нарса тезлаштирилган тарзда намойиш этилаётган фильмга ўхшаб кетди...

- Ҳаммаси жойида, ўғлим, мен сени ушлаб турибман... Юр... шифохонага борамиз...
 - Дамблдор шу ерда туришимни тайинлади, - мубҳам ғудуллади Гарри.
- Чандигининг тўхтаб-тўхтаб тутаётган оғриги болани қўриш имкониятидан маҳрум этмоқда. Назарида ҳозир у қайт қилиб юборади.
- Ҳозир сен тинч ётишинг керак... Юр, кетдик... юра қол...
- Қандайдир йирик, кучли киши ўтакаси ёрилгудай бўлиб қолган оломон орасидан қўпол равишда йўл очганча, Гаррини ярим кўтариб, ярим судраб кетди. Боланинг қулоғига халойиқнинг оҳ-воҳлари, бақир-чакири, чинқириши эшитилди. Кўп ўтмай у майсазордан, кўл сохили бўйлаб юриб, «Дурмштранг» кемаси ёнидан ўтаётганини идрок этди. Энди Гарри юришга ёрдамлашаётган кишининг оғир нафасидан ташқари, ҳеч нимани эшитмаяпти.
- Нималар бўлди, Гарри? - сўради қасрга етаклаб келаётган киши, болани асосий кириш эшигининг зинапоясидан деярли кўтариб чиқиб.
- Гарри ёғоч оёқнинг тақир-тукур қилишидан бу киши Ўйноккўз Хмури эканлигини базур идрок этди.
- Кубок аслида портшлюс экан... Седрик иккаламиз аллақандай қабристонга бориб тушдик... - аста тушунтира бошлади Гарри, вестибюль орқали ўтишар экан, - У ерда эса бизни Вольдеморт қарши олди... Лорд Вольдеморт...
 - Лорд Вольдеморт дейсанми? Хўш, кейин нима бўлди? - сўроғини давом эттириди Хмури, мармар зинапоядан кўтарилиб.
 - Седрикни шу заҳоти ўлдиришди... улар Седрикни халок килишди...
 - Кейин-чи? - сўради Хмури йўлак бўйлаб юриб.
 - Аллақандай дамлама тайёрланди... ва у, ўз танасига эга бўлиб олди...
 - Ёвуз Лорд ўз танасига эга бўлди? У қайтадан тугилди-ми?
 - Ўлимдан мирикувчилар ҳавода пайдо бўлиб келишди... Кейин у, мен билан дуэль жангини бошлади...
 - Сен Ёвуз Лорд билан жанг қилдинг-ми?
 - Мен кутулиб колдим... Сехрли таёқчам... аллақандай каромат кўрсатди... мен тушунмай колдим. Сўнг ота-онамни кўрдим... ҳаммаси Вольдемортнинг таёқчасидан чиқиб келди...
 - Бу ёққа кир, Гарри... Ҳозир ҳаммаси жойида бўлади, ўтири... Ҳаммаси жойида бўлади... Ма, мана бундан хўплаб ол...
- Гарри эшик кулфланганини эшитиб, оғзига чашка келтирилганини сезди.
- Ич... ўзингни анча енгил хис этасан... Дадилроқ гапир, Гарри, нима бўлганини мен аник билишим керак...
- Хмури Гаррига суюқлик ичишга ёрдамлашиб юборди. Боланинг томоғини аччиқ қалампир таъми куйдириб ўтди. Гарри йўталиб, кўзига хона манзараси ҳам, ранги Фужнинг рангидан фарқ қилмай колган Хмури ҳам аниқроқ кўрина бошланди... Профессор иккала кўзини ҳам Гаррининг юзига қаратиб олган.
- Демак, Гарри, Вольдеморт қайтди, дегин? Қайтганига ишончинг комилми? Бундай ишнинг уддасидан қандай чиқди у?
 - У отасининг кабри, Чувалчангдум ва мендан дамламанинг таркибий қисмларини олди, - тушунтириш берди Гарри.
- Боланинг фикрлари ойдинлаша бошлади, чандиги қаттиқ оғримай қўйди, гарчи хона қоронғи бўлса-да, Хмурини аник кўра олди. Квидиши майдонида қолган халойиқнинг бақир-чакири эса базур эшитилмоқда.
- Ёвуз Лорд сендан нима олди?
 - Кон олди, - жавоб берди Гарри.
- Бола коржомасининг енгидаги Чувалчангдум шамшир суқиб тешган жойни кўрсатди. Буни кўрган Хмури хуштак оҳангидга узок нафас чиқарди.
- Ўлимдан мирикувчилар ҳам пайдо бўлишди, дегин?
 - Ҳа, - бош иргиди Гарри, - Улар жуда кўпчилик эди.
 - Вольдеморт уларга нисбатан қандай чора кўрди? - паст овозда сўради Хмури, - Афв этди-

ми уларни?

Бирдан Гаррининг эсига Дамблдорга етказиш керак бўлган ниҳоятда мухим гап тушиб кетди. Зудлик билан хабардор қилиш керак уни...

- «Хогварц»да Ўлимдан мирикувчи бор! У ҳозир шу ерда, мактабда. Менинг номимдан ёзилган аризани ҳам Оташли жомга ўша ташлаган. Ғолиб чиқишимни уюштирган ҳам ўша...

Гарри ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, Хмури уни туртиб, ўрнига ўтқизиб қўйди.

- Мен танийман ўша Ўлимдан мирикувчини, - хотиржам баёнот қилди у.

- Каркаров-ми? - бакириб сўради Гарри, - Қани у? Қўлга олдингизми? Қамаб қўйдингизми?

- Каркаров? - ғалати хандон отди Хмури, - Каркаров бугун тунда, қўлидаги Ажал белгиси ачишаётганини хис этган ҳамоно қуённинг расмини чизиб кетди. Ёвуз Лорднинг кўплаб издошлирини сотгани боис ўз соҳиби билан учрашишга кўрқади... Умуман айтганда, у ҳеч қаёққа қочиб қутула олмайди. Душманни таъқиб қилиш масаласида Ёвуз Лордга тенг келадиган киши топилмаган ҳали.

- Каркаров қочиб кетди? Бундан чиқди, Оташли жомга менинг номимдан ёзилган аризани у ташламаган эканда, а?

- Йўқ, - аста жавоб берди Хмури, - Йўқ, у эмас. Аризани мен ташлаганман.

Гарри аниқ эшилди-ю, ишонмади.

- Йўқ, сиз эмас, - бош чайқади у, - Сиз эмас... Сиз ундей қила олмайсиз...

- Шубҳа қилмаслигинг мумкин. Бу ишни мен қилганман.

Хмурининг сехрли қўзи чаноғида айланиб, эшикка тикилганча, тек қотди. У ташқарида ҳеч ким йўклигига ишонч ҳосил қилмоқчи эканлигини Гарри тушуниб етди. Айни вактда профессор сехрли таёқчасини чиқариб, Гаррига ўқтади.

- Демак, уларни афв қилибди-да, а? - ғудуллади у, - Озодлиқда юрган, Азкабанда бирор кун ҳам ўтирумаган Ўлимдан мирикувчиларни-я?

- Нима?

Гарри ўзига ўқталиб турган таёқчага караб, ҳеч нарсани тушунмади. Бу қандайdir ахмокона ҳазилдан бошқа нарса эмас.

- Мен сендан яна бир бор сўрайпман. Уни қидириб топишга уриниб ҳам кўрмаган анави абллаҳларни кечирди-ми? - дона-дона қилиб такрорлади Хмури, - Ўз соҳиби учун Азкабанга қамалишга юраги бетламаган кўрқоқ ва хоинларни афв этди-ми? Бирон ишга ярамайдиган, ўз маслагидан қайтган абллаҳларни, кубок финалида ниқоб таққанча иргиб юришга суллоҳлиги етган-у, аммо Ажал белгисини яратишим билан тум-тарақай бўлган маразларни кечирди-ми?

- Сиз яратдингиз... нималар деяпсиз?

- Айтган эдим сенга, Гарри, айтган эдим... Бу ёруғ оламда мен нафратланадиганлар – озодлиқда юрган Ўлимдан мирикувчилар, деган эдим. Соҳиб ёрдамга мухтоҷ бўлган пайтда, ҳаммаси ундан юз ўтириди. Соҳиб уларни жазолашини, қийнокқа солишини кутган эдим. Айт менга, Гарри, уларнинг жонини оғритди, деб айт...

Хмурининг юзида ақлдан озиб қолган кишининг кулгиси пайдо бўлди.

- Танҳо ўзим содик қолганимни соҳиб айтди-ми уларга, йўқми, Гарри?... Бу ёруғ оламда унинг ягона истагини... сени... етказиб бериш учун ўз ҳаётимни курбон қилишга тайёрлигимни айтди-ми, йўқми?...

- Йўқ, сиз эмас... Сиз ундей қила олмайсиз...

- Бошқа мактаб вакили сифатида кўрсатиб, сенинг номингдан ёзилган аризани Оташли жомга ташлаган ким? Мен. Сенга зиён етказиб, Беллашув чемпиони бўлишингга халал бериши мумкин бўлганлардан муҳофаза қилиб юрган ким? Мен. Аждарларни сенга кўрсатиб қўйиш кераклигини Хагридга маслаҳат берган ким? Яна мен. Ўша аждарни фақат бир усул билан енгиш мумкинлигига шама қилган ким? Мен, мен, мен.

Хмури сехрли қўзини эшиқдан узиб, Гаррига тиқди. Қийшиқ оғзи эса хунук кулгидан катта очилди.

- Сени синовлардан муваффақиятли олиб ўтиб, ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслик у қадар осон кечгани йўқ, Поттер. Кетма-кет қозонган ғалабаларинг ортида менинг қўлим борлигини сездириб қўймаслик учун анчагина хийла ишлатишга тўғри келди. Барча синовлардан осон ўтадиган бўлсанг, турган гапки, Дамблдор қандайдир нохушлик кечаётганини фаҳмлаб қолади. Лабиринтга имкон қадар муайян имтиёзларга эга бўлган ҳолда кирсанг бошқа чемпионликка даъвогарлардан кутулиш, йўлингни улардан тозалаш мумкинлигини билар эдим. Менга учраган кўплаб муаммоларни ҳал этиб борищдан ташқари, Поттер, сенинг бефаросатлигингга қарши ҳам кураш олиб боришга ҳам тўғри келди. Иккинчи мусобақа... ана ўша кунлари ютқазиб қўйишимиз мумкинлигидан хавфсираб юрган эдим. Сени муттасил кузатиб юрдим, Поттер. Тилла тухум жумбоғини ҳал эта олмай юрганингни билар эдим. Бинобарин сенга яна шама қилишга тўғри келди...

- Сиз шама қилганингиз йўқ, - хириллаб эътиroz билдириди Гарри, - Седрик айтди менга...

- Боядан бери қулогингга тамбур чаляпман-ми, Поттер? Ушбу ишлар ортида менинг қўлим борлигини сездириб қўймаслик учун хийла ишлатишга тўғри келди, дедим-ку сенга! Тилла тухумни сув остида очиш кераклигини ўша калтафаҳм Седрикка мен айтганман! Мен! Бу гапни сенга етказишига эса зигирдай бўлсин, шубҳа қилганим йўқ. Эслаб қол, Поттер, ҳалол, пок, виждонли одамларни алдам-қалдам йўлларга етаклаш кийин кечмайди. Аждарлар ҳакида уни боҳабар қилганинг учун у, ўзини, олдингда қарздор билиши, тилла тухум ҳақидаги ахборотни сен билан ўртоқлашишни ўз бурчи, деб санашига ишончим комил эди. Шунда ҳам, шунда ҳам ютқазиб қўйишингга сал қолди-я, Поттер. Сени кузатишини давом эттириб, кутубхонада узоқ вақт ўтирганингни қўриб юрдим. Зарурий китоб ўз ётоқхонангда эканлигига фаросатинг етмади! Уни ўзим, анави Лонгбottомнинг қўлига атайн тутқазиб, тумшуғинг остига келтириб қўйганимни билмадинг-а, Поттер! Эсингдами ўша китоб? «Ўрта денгиз ҳавзасида ўсадиган сехрли сув ўсимликларининг ўзига хос хусусиятлари», деб номланади? Ойқулоқ ўстир гиёхи ҳакида ўша китобда ёзилган. Ҳаммадан, шу жумладан, Лонгбottомдан ёрдам сўрашингни кутган эдим. Сенга нима кераклигини дарҳол айтган бўлар эди у. Йўқ... сен бундай қилмадинг. Ахмоқона ғуруринг, мустакиллигинг бунга йўл қўймади. Окибатда ишни пачавага бориб тақадинг.

Ғазаби қайнаган Хмури бир оз сукут сақлади.

- Нима қилишим керак эди? - давом этди у, - Бошқа, бегуноҳ қўлни ишга солишга аҳд қилдим. Эсингда бўлса, Рождество балида оёғингдаги ахмоқона пайпокни Добби исмли уй эльфи совға қилганини айтган эдинг. Мен уни ўқитувчилар хонасига чакиртириб, кийимимни кир ювиш хонасига элтишини буюрдим ва айни пайтда Макгонагалл билан кимлар гаровга олиниши ва ойқулоқ ўстир гиёхидан фойдаланишга ақлинг етиш-етмаслиги борасида етарлича баланд овозда сухбат уюштиридим... Митти дўстинг шу заҳоти Снегнинг шахсий омборига учиб бориб, сўнг сени қидиришга тушди...

Таёқча ҳанузгача Гаррининг кўкрагига ўқталган. Хмурининг ортидаги деворга осилган Ашаддий душманлар кўзгусида эса аллакандай шарпалар кўринмоқда.

- Сув остида шу қадар узоқ вақт ивиришиб юрдинг-ки, Поттер, гарқ бўлиб ўлиб кетдинг, деган хаёлга бордим. Хайриятки Дамблдор акли пастлигингни мустахкам маънавий рух сифатида эътироф этиб, сени рағбатлантириш юзасидан қарор қабул қилди. Шундагина анча енгил тортдим ўзимни.

Хмури чуқур нафас чиқарди.

- Бугун лабиринтда эса сезган бўлсанг, ишларинг одатий вазиятдан кўра анча енгил кечди, - давом этди у, - Сабаби аён. Чунки мен ёнингда бордим. Лабиринтнинг ташки девори ортида патруллик хизматини ўтар эканман, ичкарида нима бўлаётганини қўриб турдим. Йўлингни турли қабоҳатлардан тозаладим. Флёр Делакёрни ҳаракатсизлантириб қўйдим. Диггорини бир ёқли қилиб, Кубокка элтадиган йўлингни очиб бериши учун Крумга нисбатан Қарам қилиш қарғишини қўлладим.

Гаррининг кўзлари катта-катта очилиб кетди. Буларнинг бари қандай рўй бериши мумкин? Дамблдорнинг кадрдан дўсти, Ўлимдан мирикувчиларнинг бир дунёсини қўлга олган

машхур аврор... Йўқ, бу аллақандай бемаънилик...

Деворга осиғлик Ашаддий душманлар кўзгусидаги уч кишининг шарпаси яқинлашиб, тобора аниқ шамойил касб этмоқда. Сехрли кўзини Гарридан узмаган Хмури эса буни сезгани йўқ.

- Ёвуз Лорд сени ўлдира олмади дегин? - пичирлади Хмури, - Ахир бу унинг энг асосий орзуси эди-ку! Ишни охиригача етказиб, сени ўзим ўлдирганимни эшитса, соҳиб мени қандай рағбатлантиришини фараз қиляпсан-ми? Дастрраб сени унга етказиб бердим. Чунки қайтадан дунёга келиши учун у айнан сенинг қонингга эҳтиёж сезган. Энди эса сени, соҳиб ўрнига, ўзим ўлдираман. Мени жамики Ўлимдан мирикүвчилар орасида юқори қўяди. Мен соҳибнинг энг яқин, энг қадрдан кишисига айланаман... Ўғлидан ҳам яқинроқ бўлиб қоламан...

Орзу-хавасга берилиб кетган Хмурининг соғ кўзи чаноғидан чикиб кетгудай даражада катта очилиб кетди. Сехрли кўзи эса Гарридан узилгани йўқ. Чиқиш эшиги қулфланган. Таёқчасини ўз вактида чиқаришга улгурмаслигини Гарри яхши тушуниб туриби...

- Ёвуз Лорд билан умумий жиҳатларимиз жуда кўп, - қичкирди Хмури, ақлини еб қўйган кишига ўхшаб, - Чунончи, иккаламизнинг ҳам отамиз... мараз одамлар сирасига кирган. Иккаламиз ҳам исмларимиз ўша ифлослар шарафига қўйилганидан бир умр изтироб чекиб келганимиз. Ёвуз Тартиб, аникроқ айтиладиган бўлса, адолат қарор топиши учун иккаламиз ҳам ўз оталаримизни мамнуният-ла... йўқ, зўр мамнуният-ла асфаласофилинга йўллаганмиз!

- Сен савдойисан! - ўзини тута олмади Гарри, - Ҳақиқий савдойисан!

- Ах, савдойи, дегин? - бўкирди Хмури ўзини идора қила олмай, - Ким савдойи эканлигини кўрамиз ҳали! Ёвуз Лорд ҳаётга қайтди, мен эса унинг хизматкориман, ана энди кўрамиз ким савдойи эканлигини! У қайтди, эшитяпсан-ми, Поттер, у ҳаётга қайтди... Сен уни енга олмадинг! Энди эса мен сени енгаман!

Хмури таёқчасини кўтариб, оғиз жуфтлади, Гарри эса таёқчасини қўлга олиш учун қўлини киссасига солди...

- Ступефай!

Кўзни қамаштириб юборган яшин хона эшигини портлатиб юборди. Хмури нари учеби, полга тушди. Нигоҳини хозиргина Хмури турган жойдан олишга улгурмаган Гарри Ашаддий душманлар кўзгусидаги Альбус Дамблдор, профессор Снегг ва профессор Макгонагаллнинг аксига қараб қолди. Ўгирилиб, учаласи эшик ўрнида, сехрли таёқчасини қўлига ушлаб олган директор олдинда турганини кўрди.

Нима учун Вольдеморт бу ёруғ оламда кўрқадиган ягона сехргар айнан Дамблдор эканлигини Гарри мана энди тушуниб етди. Директорнинг полда бехуш ётган танани тешиб юборгудай даҳшатли нигоҳидан ҳам қўрқинчли нигоҳни тасаввур қилиш кийин. Юзидаги одатий хайриҳоҳ табассум, мовий кўзларидағи қувлиқдан айни дамда асар ҳам қолмаган. Ибтидоий ажинларининг ҳар бирида муздай қаҳр барқ урмоқда, вужудидан хукм ўтказадиган қудрат харорати уфуриб туриби.

Дамблдор хонага кириб, оёғини Хмурининг танаси остига сукди-да, кескин кўтариб, белига ётқизди. Снегг ҳам Ашаддий душманлар кўзгусидаги, хонани ваҳшиёна нигоҳ-ла кўздан кечираётган ўз аксига қараганча, директорнинг ортидан кириб келди.

Профессор Макгонагалл Гаррининг ёнига ошиқди.

- Юр, кетдик бу ердан, Поттер, - пичирлади у, хўнграб юборищдан ўзини тийиб туриш учун лабини маҳкам қимтиб, - Юр... шифохонага борамиз...

- Йўқ, - кескин оҳангда эътиroz билдириди директор.

- Дамблдор, боланинг ахволига қаранг. Уни зудлик билан шифохонага элтиш зарур. Ахир қанча нарсаларни бошдан кечирди у.

- У шу ерда қолади, Минерва. Негаки у, ўзи кўриши, тушуниб етиши лозим, - қисқача изоҳлади Дамблдор ўз қарорини, - Тушуниб етиш – онг-ла қабул қилиш демақдир. Қабул қилгандан сўнггина бошдан кечирган ҳодисалардан ўзини ўнглаб олиши осон кечади.

Бундай кунларни бошдан кечиришга ким ва нима учун мажбур килганини бола тушуниб

етиши керак.

Бўлаётган ҳодисаларнинг нореаллигини ҳеч идрок эта олмаётган Гарри довдираб қолди.

- Хмури, - деди у, - Қандай журъат этиши мумкин?!

- Бу киши Аластор Хмури эмас, - хотиржам баёнот қилди Дамблдор, - Сен ҳақиқий Хмури билан ҳали ҳеч қачон учрашмагансан. Агар мана бу ҳақиқий Хмури бўлганида бугун бўлиб ўтган ишларни кўра-била туриб, сени менинг олдимдан бир қадам ҳам нарига олиб кетмаган бўлар эди. Амримга хилоф равишда олиб кетиши билан мен бор гапни тушуниб етиб, изига тушдим.

Дамблдор жонсиз ётган тана устига энгашиб, коржомасининг қатларидан сувдон ва бир даста калит боғламини чиқарди-да, Снегг билан Макгонагаллга юзланди.

- Северус, илтимос, Винки исмли уй эльфи ва ихтиёргиздаги истиғфор келтиришга мажбур киладиган энг кучли Икror бўлиш дамламасини келтирсангиз. Минерва, сиз эса Хагриднинг кулбасига боринг, илтимос. Ошқовоқ етишириладиган эгатларда каттагина кора ит ўтириби. Уни хонамга элтиб, яқин орада ҳозир бўлишимни унга маълум қилгач, қайтиб келинг.

Снегг билан Макгонагалл ушбу кўрсатмаларни ғалатироқ, деб топишган бўлса ҳам, сир бой беришмади. Иккаласи шу заҳоти ўгирилиб, хонани тарк этди. Дамблдор еттига қулфли сандик ёнига келиб, қопқоғини биринчи калит воситасида очди. Сандиқ ичи китобга тўла экан. Дамблдор қопқоқни ёпиб, иккинчи калитни ишга солди-да, қопқоқни боз очди.

Китоблар гум бўлиб, ишдан чиққан офатскоплар, пат-қаламлар, пергамент ўрамлари ва кўринмас плашга ўхшаган буюм кўринди. Гарри Дамблдорнинг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи калитларни ишга соглани ва ҳар сафар бошқа бошқа нарсалар кўринаётганини таажжуб-ла кузатиб ўтириди. Нихоят директор еттинчи калитни ишга солиб, сандик қопқоғини қайтадан очгач, ҳайрон қолган Гарри бақириб юборди.

Сандик ичида ер ости хонасини эслатадиган, чукурлиги ўн футча келадиган ўра кўринди. Ўра тубида эса озиб-тўзиб кетган, афтидан узоқ вақтдан буён тўйиб овқатланмаган ҳақиқий Ўйнокқўз Хмури ётиби. Унинг ёғоч оёғи ҳам, сеҳрли кўзи ҳам йўқ. Кўз ўрнида бўм-бўш чаноқ кўринди, чалкашиб кетган соч тутамлари эса нотекис қийилган. Гарри эсанкираб, нигоҳини дам сандик ичида ётган Хмурига, дам хона полида хушсиз чўзилиб ётган Хмурига олиб ўтди.

Дамблдор сандик ичида ўрага тушиб, ухлаб ётган Хмурининг устига энгашди.

- Қарам қилиш қарғиши воситасида харакатсиз ҳолатга келтирилган. Танаси жуда заиф, - хулоса чиқарди у, - Табиийки, уларга Хмури тирик ҳолатда керак бўлган. Гарри, анави ярамаснинг ридосини ташла, Аластор совқотиб ётиби. Помфри хоним ихтиёрига топшириш керак уни. Лекин ҳаётига ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ.

Гарри ридони сандик ичида ўрага ташлади. Дамблдор Хмурининг устини яхшилаб ёпиб, сандик ичидан чиқди. Шундан сўнг, стол устида ётган сувдонни кўлига олиб, қопқоғини очди-да, бўғзини пастга қаратиб онтарди. Полга қандайдир куюқ, елимшак суюқлик томчилади.

- Ҳамма қиёфа сиркаси, - деди Дамблдор, - Кўрдинг-ми, Гарри, накадар содда ва айни пайтда дохиёна иш тутилган. Хмурининг фақат ўз идишидан сув ичиш одати ҳаммага яхши маълум. Мана бу қаллобга, табиийки, ҳақиқий Хмурини ёнида саклаб юриш шарт бўлган. Шундай қилгандагина у, сирканинг янги порцияларини тайёрлай олади. Ҳақиқий Хмурининг нотекис сочларига эътибор қаратдинг-ми? Қаллоб йил давомида сочидан қийиб келган. Бугун эса, қаттиқ ҳаяжонланганидан бўлса керак, сиркани мунтазам, ҳар соатда ичиш бориш лозимлигини унутиб қўйган... мана ҳозир кўрамиз...

Дамблдор стол остидаги курсини чиқариб, полда қилт этмай ётган тана рўпарасига жойлашиб олди. Гарри ҳам сохта Хмурига тикилганча, Дамблдорнинг ёнида, сукут саклаб ўтириди.

Кўп ўтмай Гаррининг кўз ўнгидаги полда ётган кишининг қиёфаси ўзгара бошлади. Чукур ажин ва чандиқлар барҳам топиб, юзининг тери қопламаси деярли силлиқлашди, жароҳатланган бурни бутун бўлиб қолиб, аста кичрая бошлади. Оқ тушган узун соchlари

бошининг тери қопламасига кириб кетганча қисқариб, оч сариқ тус олди. Ёғоч оёқ шик этиб ажралиб, ўрнига одам оёги ўсиб чиқди. Фурсат ўтгач, сехрли кўз ўз косасидан ажралиб, нари думалаб кетди-да, атрофни кузатишни давом этди. Унинг ўрнига эса соғ кўз пайдо бўлди.

Энди Гаррининг қаршисида оч сариқ сочли, бўздай оқарган юзини хира сепкил босган киши ётибди. Гарри уни таниди. Учинчи мусобақадан олдин дамблхотира чаноғига кириб, дементорлар томонидан суд залидан судраб чиқарилганини, у эса ўтиниб, ёлвориб айбиз эканлигига мистер Сгорбсни ишонтирмокчи бўлганини кўрган эди. Факат орадан йиллар ўтиб ўша ёш йигитча анча улғайибди, юзида сезилар-сезилмас ажин пайдо бўлибди.

Ташки йўлақда қадам товуши эшишилди. Снегг қайтиб, ўзи билан Винкини етаклаб келди. Хаёл ўтмай профессор Макгонагалл ҳам кириб келди.

- Сгорбс! - хитоб килди Снегг оёги ерга кўмилиб колгандай серрайиб, - Барти Сгорбс!

- О, Муқаддас фалак! - ингради профессор Макгонагалл ҳаракатсиз ётган танага бақрайиб. Снеггнинг оёги остида рухсорига қараб бўлмайдиган Винки кўринди. Даастлаб у оғзини катта очиб турди-да, сўнг ўзини Сгорбснинг кўкрагига ташлаб, кулокни тешиб юборгудай чинқириб юборди:

- Мастер Барти! Мастер Барти! Нима қилиб юрибсиз бу ерда? Сиз уни ўлдирибсиз!

Ўлдирибсиз! Соҳибининг ўғлини ўлтирибсиз!

- У ҳаракатсиз холатта келтирилган холос, Винки, - тушунтириш берди Дамблдор, - Илтимос, сал нари қочиб тур. Северус, тайнланган дамламани олиб келдингиз-ми? Сехрли дамламалар тайёрлаш фани профессори киссасидан шаффоф суюклик тўлдирилган кичкинагина билур шишача чиқариб, Дамблдорга узатди. Бу айнан ўша, якинда Снегг Гаррининг ошковоқ шарбатига томизиб кўйишни ваъда килган Икрор бўлиш дамламаси. Дамблдор ўрнидан туриб, ерда чўзилиб ётган танани ҳанузгача учала профессорнинг дарғазаб акси кўриниб турган Ашаддий душманлар кўзгуси осилган деворга суюб, ўтқизди. Дағ-дағ қалтираб, юзини қўли билан бекитиб олган Винки тиз чўкиб ўтирган жойида қолди. Дамблдор Сгорбснинг оғзини очиб, Снегг берган дамламадан уч томчи томизгач, сехрли таёқласини кўкрагига такади.

- Энервейт!

Сгорбс кўзини очди. Юзи ифодасиз, кўзида нигох йўқ. Дамблдор кўзини Сгорбснинг кўзига яқин келтириб сўради:

- Мени эшиятсан-ми?

Йигитнинг қовоқлари жонланиб титради.

- Эшиятпман, - ғудуллади у.

- Бу ерга қандай келиб қолганинг, Азкабандан қочишга қандай муваффақ бўлганингни бизга айтиб бер, - мулойим оҳангда сўради Дамблдор.

Сгорбс узоқ, чуқур нафас олиб, ҳиссиётсиз, бир маромда сўзлай кетди:

- Куни битаётганини хис этган ойим кутқарди мени. У сўнгги васиятини бажо этишга дадамни кўндира олди. Дадам мени ёмон кўрган бўлса-да, ойимни қаттиқ севар эди.

Шунинг учунгина мени Азкабандан олиб чиқишига рози бўлди. Кунлардан бир кун иккаласи ҳолимдан хабар олгани қамоқхонага келишди. Менга ойимнинг сочи солинган, ойимга эса менинг сочим солинган Ҳамма қиёфа сиркаси ичирилди. Ойим иккаламиз қиёфаларимиз билан алмашдик.

Бошидан оёғигача дағ-дағ титраётган Винки бошини чайқади:

- Жим бўлинг, мастер Барти, жим бўлинг. Бошқа хеч нарса гапирманг. Акс ҳолда отангизга ёмонлик қилиб қўясиз!

Аммо Сгорбс яна бир бор чуқур нафас олди-да, ҳикоясини бир маромда давом этди:

- Дементорлар сўқир бўлади. Улар Азкабанга бир нафар соғлом ва бир нафар ўлаётган одам кирганини сўнг, бир нафар соғлом ва бир нафар ўлаётган одам чиқаётганини хис этганча, назорат қилиб туришди. Дадам Азкабан маҳбусларидан бирортаси ўз камераларининг панжаралари орқали мени олиб чиқаётганини кўриб қолмаслиги учун эгнимга ойимнинг кийимини кийдириб кўйди. Азкабанда сўнгги соатига қадар Ҳамма

киёфа сиркасини ичиб ётган ойим кўп ўтмай омонатини топширди. Уни ўша ерда, менинг киёфам ва менинг исмим билан дафн этишди. Маййит мен эканлигимга ҳеч кимда шубха тугилмади.

Йигитнинг қовоқлари яна титради.

- Уйга қайтгач даданг нима қилди? - аста сўради Дамблдор.
- Ойимнинг ўлимини сахналаштириди. Дафн маросимини ортиқча шовқин-суронсиз уюштириб, бўм-бўш қабр яратди. Ўй эльфимиз Винки мени парвариш килиб, оёкка турғизди, дардимни даволади. Мендан, дадам қўйган шартга биноан, одамлар қўзига кўринмаслик, хар бир босган қадамим борасида хисбот бериб бориш талаб этилди. Ўзимни етарлича кучли хис эта бошлагач, дадам қарғиш воситасида иродамни букиб, синдириб борди. Бундай ҳаётга ортиқ тоқат қила олмай, факат бир нарсани, у ҳам бўлса, соҳибни топиб, хизматига қайтишни орзу қила бошладим
- Даданг иродангни қай тарзда синдириб борди? - сўради Дамблдор.
- Қарам қилиш қарғиши воситасида, - жавоб берди собиқ Хмури, - У мени тўла-тўқис идора килиб борди. Тун-у, кун устимга кўринмас плаш ташлаб юришга мажбур қилди. Ўй эльфининг доимий назорати остида бўлдим. Эльфнинг жони ачишса-да, ҳам қўриқчи, ҳам энагалик вазифасини бажарди. Яхши хулқим учун мени у ёки бу нарса билан сийлаш борасида дадамни кўндиришга уриниб борди.
- Мастер Барти! Мастер Барти! - ҳиқиллади Винки, - Бундай нарсаларни айтиб бериш мумкин эмас. Ўзимизга ёмон бўлади...
- Сен тирик эканлигингни бирор киши билганми? - илгаригидай мулойим оҳангда сўради Дамблдор, - Даданг ва уй эльфидан ташқари, бирор киши билганми?
- Билган, - жавоб қайтарди Сгорбс, қовоғи боз титраб кетиб, - Дадам бошчилик қилган департаментда ишлаган афсунгар қиз. Берта Жоркинс. Кунлардан бир кун ўша қиз дадам имзо чекиши керак бўлган аллақандай қоғозлар билан уйимизга ташриф буюрди. Дадам уйда бўлмаган пайт эди. Винки қизни уйга киритиб, ўзи ошхонага, ёнимга қайтди. Эльф ким биландир гаплашаётганини эшитган Жоркинс қизиқсиниб қолиб, ошхона эшиги ортида туриб, пинхона қулоқ тутган экан. У эшитиб колган сухбат кўринмас плаш остида ким ўтирганини тушуниб етиш учун етарли бўлган. Дадам уйга қайтган фурсатда Жоркинс уни айблай бошлади. Дадам эса Жоркинсга нисбатан жуда кучли Унуттириш афсунини кўллади. Сўзига қараганда, қизнинг хотирасига нихоятда жиддий шикаст етган.
- Нега соҳибнинг шахсий ишларига бурнини суқади ахир? - йиғлаб юборди Винки, - Нима керак эди унга?
- Квидиш бўйича жаҳон чемпионатининг финал ўйини ҳақида айтиб бер, - амр қилди Дамблдор.
- Винки дадамни кўндиришга муваффақ бўлди, - жавоб берди Сгорбс, ўша маромда, - Бунинг учун эльф кўп куч ва вақт сарфлади. Бу вақтга келиб орадан кўп йиллар ўтган, мен эса бирон маротаба бўлсин, уйдан ташқарига чикмай ўтирган эдим. Болалигимдан квидишини ёқтиришимни уйдагилар яхши билади. Кўринмас плашни ечмай юришимни ваъда қилиб, тоза ҳавода оз бўлса ҳам сайд қилиб келишимга ижозат беришини Винки ўтиниб сўради. Ойим уй қамоғида ўтиришим учун эмас, озодликка чикишим учун ўзини курбон қилганини таъна қилди. Нихоят дадам рози бўлди. Барча ишлар батафсил режалаштирилди. Дадам эрта тонгда Винки иккаламизни Мўътабар ложага чиқариб қўядиган, Винки ҳаммага дадам учун жой банд қилиб ўтирганини айтадиган, мен эса кўринмаслигимча қолиб, жим ўтирадиган, ўйин ўтгач, ложани энг охирги бўлиб тарк этадиган бўлдик. Шундай қилинса, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмайди. Айни вақтда мен тобора кучли бўлиб бораётганини Винки тасаввур ҳам қила олмаган. Қарам қилиш қарғишининг таъсирига қарши кураша бошлаган эдим. Маълум вақт давомида назорат остидаги ҳолатдан чиқиб, ўз ҳолатимга қайтадиган бўлиб олдим. Ҳаммаси ўша ерда, Мўътабар ложада рўй берди. Байрамона мухит вужудимни қамраб олиб, қарғиш таъсири барҳам топди. Мен ўз ҳолатимга келиб қолдим. Ўша фурсатда қаршимда ўтирган болакайнинг орқа чўнтағидан чиқиб турган сеҳрли таёқчасини кўриб колдим. Сўнгги бор

таёқчани Азкабанга маҳкум қилинмасдан олдин қўлимга олган эдим. Мен уни астагина ўғирладим. Баландликдан кўрқадиган Винки юзини бекитиб ўтиргани боис, ўғирлик қилганимни кўрмади.

- Мастер Барти ёмон бола, - хикиллади Винки.
- Сехрли таёқчани ўғирладинг. Кейин-чи, кейин нима бўлди? - сўради Дамблдор.
- Ўйин ўтгач, чодирга қайтдик, - хикоясини давом эттири Сгорбс, - Кейин ҳаётида бир кун бўлса ҳам Азкабанда ўтиргмаган, сохибим учун жон куйдирмаган, ундан юз ўгиран, азоб-укубат нима эканлигидан, мен бошдан кечираётган қарамлиқдан мутлақо бехабар Ўлимдан мириқувчиларнинг ҳайкирикларини эшитиб қолдим. Улар озодликда бўлиб, сохибни қидириб топишлари мумкин. Йўқ, улар ўзларини ортиқча уринтиришни исташмаган. Магларни таҳқирлаб, бир оз шўхлик қилишни истаб қолишган. Уларнинг бакир-чакирлари вужудимни қўзғатиб, онгимни уйғотиб юборди. Фикр-мулоҳазаларим узок йиллардан буён биринчи маротаба равшанлашиб кетди. Ғазабим қайнади. Қўлимда сехрли таёқча бор. Сохибга содик бўлмаганлари учун уларга ҳамла қилмокчи бўлдим. Дадам чодирда йўқ. У магларни кутқаргани югуриб кетган. Важоҳатимни кўрган Винки кўрқиб кетди. Мени ўз ёнидан узоклаштираслик учун у ўзига, яъни эльфларга хос сеҳр кўллаб мени ўрмонга, Ўлимдан мириқувчилардан узокроқ жойга тортиб кетди. Мен унга қаршилик кўрсатдим, чодирли лагерга қайтмоқчи, анави субути йўқ касларга Ёвуз Лордга қандай хизмат килиш кераклигини кўрсатиб, уларнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлдим. Ўғирланган сехрли таёқчани қўллаган тарзда осмонда Ажал белгисини яратдим. Сгорбс бир оз сукут сақлаб, давом этди.
- Вазирлик ходимлари биз турган жойга етиб келиб Уриб йикитувчи яшинлар билан ҳар томон ўт оча бошлишди. Яшинлардан бири биз бекиниб олган ёш дараҳтни тешиб ўтди. Винки иккаламизнинг орамиздаги сехрли боғлама узилди. Винкини топиб олишгач, мен ҳам шу якин ўртада бўлишим кераклигини дадам тушуниб етди. У Винки топилган жойдаги буталарни титиб чиқиб, менинг танамни пайпаслаб топди. Вазирлик ходимлари ўрмонни тарқ этишини кутиб, мени хушимга келтиргач Қарам килиш қарғишини боз қўллади-да, уйга олиб кетди. Панд берган, менинг хатти-харакатларимни талаб даражасида кузатмаган, окибатда қўлимга сехрли таёқча тушиб қолишига йўл қўйган Винкини уйдан кувиб солди.

Рухий тушкун холатда ўтирган Винки ўкириб юборди.

- Ўйда дадам иккаламиз қолдик. Кейин... кейин... кунлардан бир кун ярим кечада сохибим менинг ҳолимдан хабар олгани келди.

Сгорбснинг боши ғалати тебраниб, юзида телбанамо кулги кўринди.

- Сохибимни Чувалчангдум исмли қароли олиб келди. Сохиб Албанияда қўлга олинган Берта Жоркинсни қийнокка солиб тирик эканлигимдан хабар топиби. Жоркинс сохибга кўп нарсаларни, жумладан, «Хогварц»да ўтказилиши режалаштирилган Уч сеҳгар беллашуви ҳақида, собиқ аврор Хмури мактабга ўқитувчи лавозимига ишга қабул килингани ҳақида айтиб бериби. У Жоркинсни токи дадам қўллаган Унуттириш афсунининг таъсири барҳам топгунга қадар кўп қийнокка солиби. Мен Азкабандан қочганим, дадам мени, сохибни қидириб кетишимга йўл қўймаслик учун уй қамоғида сақлаётганидан хабар топиби. Шу тариқа сохиб энг садоқатли хизматкор эканлигимни билиби. Олинган маълумотларга асосланган ҳолда у режа ишлаб чиқиби. Ушбу режани амалга ошириш учун эса мен керак бўлиб қолибман. У ярим тунда хонадонимизга ташриф буюрди. Табиийки, эшикни дадам очди...

Мистер Сгорбснинг ўғли телбанамо иршайиб, афтидан ҳаётининг энг мароқли дақиқаларини эслаган бўлди. Рухий изтироб чекаётган Винкининг шундоқ ҳам йирик кўзлари янада кенг очилиб, бармоклар орасида даҳшатдан ярқираб кўринди.

- Иш жуда тез битди. Сохиб дадамга нисбатан Қарам килиш қарғишини қўллаб, ўзига итоат эттириб олди. Энди дадам хатти-харакатлари кузатиб бориладиган, ишлари назорат остига олинган маҳбусга айланди. Сохиб уни худди ҳеч нарса бўлмагандай ўз фаолияти билан шуғулланишга мажбур килди. Мен эса эркин шахсга айландим. Яна уйғондим. Яна

ўз холатимга, узок йиллар давомида кечирмаган эркин хаётга қайтдим.

- Лорд Вольдеморт сендан нимани истаган эди? - сўради Дамблдор.

- Ҳамма нарсадан воз кечиб, ўзимни фидо қилишга тайёрлигимни сўради. Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, дедим унга. Соҳибга хизмат қилиш, садоқатимни амалда исботлаш – ушалмас орзуим, баҳтим эди. Шунда соҳиб, «Хогварц»га энг ишончли, Гарри Поттерни Уч сехргар беллашувида ғалаба сари етаклай биладиган, ўша болани диққат билан кузатиб юрадиган, Беллашув Кубогини портшлюсга айлантириб, унга айнан Гарри Поттер биринчи бўлиб етиб боришини ва бу билан бола тўғри соҳиб хузурига элтилишини таъминладиган одам йўллаши лозимлигини айтди. Лекин дастлаб...

- Сенга Аластор Хмури керак бўлган, - чираб тура олмади Дамблдор.

Директорнинг мовий кўзларида ғазаб олови ёнаётган бўлса-да, овозининг вазминлиги сакланиб туриби.

- Чувалчангдум иккаламиз керакли ишларни ташкиллаштиридик. Ҳамма киёфа сиркасини олдиндан тайёрлаб, Хмурининг уйига ўғринча кириб бордик. У биз билан олишиб, ортиқча шовқин кўтариб юборди. Уни тинчтишига аранг улгурдик. Сочини кийиб, Ҳамма киёфа сиркасига аралаштиридик. Ўзини эса сандигига қамадик. Мен сиркани ичиб, Артур Уэсли шовқинни эшитган маглларни тинчлантириш учун етиб келганига қадар Хмурининг ўхшашига айланиб олдим. Чиқинди бакларини ховли бўйлаб ҳаракатлантирган мен эдим. Уэслига эса кимdir ховлимга кириб, бакларимни безовта қилганини айтдим. Шундан сўнг, Хмурининг буюм-бисотлари, ёвузлик детекторларини эгаси қамалган сандикка жойлаб, «Хогварц» томон йўл олдим. Дамблдорни лақиллатиш мақсадида Хмурини вақти-вақти билан сўроқ қилиб бориш, ўтмишининг тафсилотлари, одатларини билиб, ўзлаштириб бориш учун тирик қолдирдим. Бунинг устига сирка тайёрлаб бориш учун йил давомида унинг сочи керак эди менга. Сирканинг қолган таркибий қисмларини топиш кийин кечмади. Бумсленг терисини ер ости хоналаридан ўғирлаб чиқдим. Сехрли дамламалар тайёрлаш фани профессори мени ўз хонасида тутиб олганида эса тинтуб ўтказишига доир буйруқ олганимни айтдим.

- Хмурига уюширилган хужумдан сўнг, Чувалчангдум қаёқка кетди? - сўради Дамблдор.

- Чувалчангдум соҳибни парвариш қилиб, дадамнинг хатти-харакатларини назорат остига учун уйимизга қайтди.

- Бироқ даданг улардан қочиб қутулди-ку, - деди Дамблдор.

- Тўғри. Маълум вакт ўтгач, дадам, худди мен каби Қарам қилиш қарғишининг таъсирига қарши курашишни ўрганиб олган. Нима бўлаётганини идрок эта бошлаган. Буни сезган соҳиб уни уйдан чиқармай қўйди. Вазирикка хат йўллаш, ўзини толиқкан, касал, деб маълум қилишга мажбур қилди. Чувалчангдум ўз мажбуриятларига бепарво қараб, дадамнинг хатти-харакатларини талаб даражасида кузатиб бормади. Окибатда дадам уларнинг кўлидан қочиб, «Хогварц»га етиб келишга муваффақ бўлди. Дадам Дамблдорга икрор бўлиш, мени Азкабандан ўғирлаб чиққанини маълум қилишга аҳд қилган. Соҳиб дадамнинг қочиб кетгани ҳакида мени зудлик билан хабардор қилиб, қандай бўлмасин, уни тўхтатиб қолишини буюрди. Дадамнинг келишини кутдим, бу ерда рўй бераётган жараёнларни диққат билан кузатиб бордим. Мен Гарри Поттердан олиб қўйган, ишларнинг пачавасини чиқаришига сал қолган харитадан фойдаландим.

- Харитадан? - сўради Дамблдор, - Қанақа харита экан у?

- Поттерга тегишли «Хогварц» харитаси. Снеггнинг хонасидан сирка учун зарур бўладиган таркибий қисмларни ўғирлаб турган пайтимда бола мени ўша харитада кўриб қолган. Исмимиз бир хил бўлгани учун Поттер мени дадам сифатида қабул қилган. Ўша кеча мен болани алдаб, ундан харитани олиб қўйдим. Дадам ёвуз сехргарларни ёмон кўришини айтдим. Поттер эса дадам Снеггни таъкиб қилиб юрибди, деган фикрга борди.

Сгорбс яна бир оз сукут саклаб ўтириди.

- Дадамнинг «Хогварц»га етиб келишини кутдим. Нихоят, тахминан бир ҳафта олдин, оқшом пайтида, дадам мактаб худудига кириб келганини харитада кўриб қолдим.

Кўринмас плашимни кийиб, уни қарши олиш учун ховлига чиқдим. У ўрмон четида

келаётган эди. Кутылмаганда Поттер билан Крум пайдо бўлиб қолиши. Мен бекиниб олдим. Поттерга зиён етказиб бўлмайди. У сохибга керак. Сал ўтиб, Поттер Дамблдорни етаклаб келиш учун қаср томон югуриб кетди. Мен эса Крумни уриб йикитиб, дадамни ўлдирдим.

- Й-ў-ў-ўк! - чириллаб юборди Винки, - Мастер Барти, мастер Барти, нималар деб алжираяпсиз?!

- Дадангни ўлдирдинг, - такорлади Дамблдор ўша мулойим оҳангда, - Жасадини нима қилдинг?

- Ўрмон ичига олиб кириб, кўринмас плаш билан ёпиб қўйдим. Харита ёнимда эди. Поттер қасрга киргани, у ерда Снеггни учратгани, сўнг уларга Дамблдор қўшилганини кўрган эдим. Поттер Дамблдорни ходиса жойига бошлаб келаётганини кўриб турдим. Ўрмондан чиқиб, орқа томондан айланиб ўтдим-да, иккаласига яқинлашдим. Қаёқка бориш кераклигини Снеггдан билиб олганимни айтдим. Дамблдор менга Сгорбсни кидириб топишни буюрди. Мен жасад ёнига қайтиб, харита воситасида бўлаётган хатти-харакатларни кузатиб турдим. Ҳамма тарқагач, дадамнинг жасадини сүякка айлантиридим-да, устимга кўринмас плашни ташлаб, Хагриднинг кулбаси яқинидаги янги шудгорга кўмиб қўйдим.

Орага Винкининг нафаси билан бузилиб борилаётган сукунат чўқди.

- Бугун-чи, бугун нима иш қилдинг?

- Бугун Уч сехргар беллашуви Кубогини лабиринт марказига элтиб қўйиш таклифини киритдим, - пичирлади Барти Сгорбс, - Ўша ерда уни портшлюсга айлантиридим. Сохибнинг режаси рўёбга чиқди. У ўз курдатини боз қўлга киритишга муваффақ бўлди. Энди мени ўзим кутганимдан хам зиёд даражада рағбатлантиради.

Телбанамо кулги унинг юзини бир оз ёритган бўлди-ю, боши елкасига шилқ этиб тушди. Ёнида эса Винки ҳўнграб қолди.

XXXVI БОБ.

ЙЎЛЛАРИМИЗ АЙРИЛАДИ

Дамблдор ўрнидан туриб, Барти Сгорбсга нафрат-ла қараб қўйди-да, сехрли таёқчасини силтади. Таёқча учидан учиб чиққан арқонлар бир зумда асирни чирмаб олди.

- Минерва, Гаррини юқорига олиб чиқмоқчиман. Сиз мана бунга бир оз пойлоқчилик килиб тура оласизми? - сўради Дамблдор профессор Макгонагаллга юзланиб.

- Албатта, - жавоб берди сехрли таёқчасини чиқариб, Барти Сгорбсга ўқтаган профессор Макгонагалл, худди бирор унинг олдида қайт қилиб юборгандай Сгорбсга ҳазар-ла қараб.

- Северус, сиздан илтимос, Помфри хонимга бориб айтинг, Аластор Хмурини шифохонага олиб кетсин. Сўнг ҳовлига чиқиб, Корнелиус Фужни топинг-да, ушбу хонага бошлаб келинг. Шубҳа йўқ-ки, вазир Сгорбсни шахсан ўзи сўроқ қилиш истагини билдиради. Агар мени кўрмоқчи бўлса, ярим соатдан сўнг, қасрнинг шифохона жойлашган қанотига етиб бораман.

Снегг чурқ этмай бош ирғиди-да, хонани тарк этди.

- Гарри, - мулойим оҳангда чақириди Дамблдор.

Сгорбснинг ҳикоясини тинглаб, оёқ оғригини унугиб қўйган Гарри ўрнидан туриб, боз тебраниб кетди. Дамблдор бошдан-оёқ дағ-дағ титраётган боланинг қўлтиғидан олиб, йўлак томон етаклади.

- Шифохонага борищдан олдин хонамга кириб ўтишингни истар эдим, Гарри, - деди Дамблдор паст овозда, - У ерда сени Сириус кутмоқда.

Гарри бош иргиб, рози бўлди. Бола бўлаётган ушбу ҳодисаларнинг реаллигини онгига ҳеч сингдира олмай, донг қотиб, батамом лоқайд бўлиб қолди, қолаверса, бундай ҳолатидан у қандайдир мамнун. Ҳозир Гарри ҳеч нарсани ўйлагиси, Уч сехргар беллашувининг Кубогига қўл теккизган фурсатдан эътиборан рўй берган воқеаларни эслагиси йўқ. Онгода гайриихтиёрий равищда лип-лип ўтиб турган янги, азоб бераётган, фотосуратлар каби ёркин хотиралар тафсилотига берилишни хаёлига ҳам келтирмаяпти. Сандиққа қамалган

Үйноккүз Хмури... чопилган қўлининг колган бўлагини тебратганча, кўп қон йўқотганидан ҳолсизланиб, ерда юмалаб ётган Чувалчангдум... тутаётган қозон ичидан чиқиб келаётган Вольдеморт... Седрик... жасадини ота-онасиға топширишни илтимос килиб қолган Седрик...

- Профессор, - ғудуллади Гарри, - Мистер ва миссис Диггорилар ҳозир қаерда? Дамблдорнинг Барти Сгорбсни сўроқ қилиш давомидаги вазмин оҳанги бирдан қалтироқ эшитилди:

- Профессор Сарсабил хонимнинг хузурида, - жавоб берди директор, - У «Хуффльпуфф» коллежининг мудири бўлиб, Седрикни ҳаммамидан кўра яхши билар эди. Икковлон хонага кириш эшигини қўриқлаётган аждар тусли тош илон қаршисига келди. Паролни эшитган ҳайкал четга ўтиб, йўл берди. Гарри Дамблдор билан бирга девор ўрнида пайдо бўлган эшик остонасидан хатлаб, айланма зинапоя шаклидаги тош эскалатор воситасида юқорига кўтарилиди.

Хонада Сириус турибди. Унинг бўздай оқарган юзи Азкабандан эндингина қочиб кутулган кунлардаги каби сўлғин кўринмоқда.

- Омонмисан, Гарри? - сакраб яқинлашди у, - Билар эдим... Қандайдир нохушлик рўй беришини билар эдим... Нима бўлди?

Сириус болани титраётган қўли билан ёзув столи ёнидаги креслога ўтқизиб қўйди.

- Гапир, нима бўлди? - сўради у, нисбатан қатъий оҳангда.

Дамблдор Сириусга ҳозиргина Барти Сгорбдан олинган маълумотларни айтиб беришга киришди. Гарри директорнинг хикоясини эътиборсиз эшитиб ўтирди. Бола ўларча чарчаган. Қарғиш воситасида кийнокқа солинган танасининг хар бир ҳужайраси дод демоқда. Ҳозир Гарри факат бир нарсани, ушбу креслода соатлаб ўтиришни, ҳамма уни тинч қўйишини, тарашадай қотиб ухлашни истайди.

Куш қанотининг майин шитирлаши эшитилди. Олтин қўноғидан сакраган қакнус Гаррининг тиззасига келиб қўнди.

- ... а, салом, Янгус, - базур қўришди Гарри.

Бола қушнинг нихоятда зийнатли, алвон ва тилла ранг қўринаётган пат қопламасини силаб қўйди. Навозиши ҳуш ёқтирган Янгус кўзларини пирпиратди. Катталиги оққушдай бўлиб, етарлича оғир бўлса ҳам, Янгуснинг вазни Гаррига қандайдир илиқ, тавсифлаб бўлмас даражада тинчлантирадиган таъсир ўтказди.

Дамблдор хикоясини нихоясига етказиб, Гаррининг рўпарасидаги стол ортига ўтирди-да, болага қаради. Гарри директорнинг нигоҳидан кўзини олиб қочди. Бўлиб ўтган ҳодисаларни айтиб бериб, қайтадан бошдан кечиришга мажбур қиласиган саволларга жавоб беришни мутлақо истамади.

- Гарри, Кубокка қўл теккизган фурсатингдан сўнг бўлиб ўтган ҳодисаларни билишим керак, - деди Дамблдор.

- Дамблдор, шу ишни эртага қолдирсак бўлмайди-ми? - гапга аралашди Сириус, қўлини Гаррининг елкасига қўйиб, - Ухлаб, бир оз дам олсин.

Гарри чўқинтирган отасининг бундай таклифидан хурсанд бўлди. Бироқ Дамблдор Сириуснинг сўзларига эътибор қаратмади. У бутун танаси билан Гаррига якинроқ эгилди. Бола бошини истар-истамас қўтариб, Дамблдорнинг таърифга сиғмас мовий кўзларига қаради.

- Агар бугун бўлиб ўтган ҳодисаларни қайтадан эслашинг керак бўлган ушбу фурсатни четга суришга изн бериб, сеҳрли уйқуга элтиб қўйган тарзда сенга ёрдам беришнинг зигирдай бўлсин, имкони бўлганда эди, ўғлим, - деди Дамблдор нихоятда мулойим оҳангда, - Мен албатта шундай йўл тутган бўлар эдим. Бироқ ҳаётий тажрибамга асосланган ҳолда айтишим мумкинки: оғрикни мувакқатан тўхтатиш – муқаррар қайтган фурсатда янада зўрайтириш демакдир. Бугун сен шундай жасорат кўрсатдинг-ки, бундай мардликни сендан кутмаган эдим. Ҳозир сендан ушбу жасоратни яна бир бор намоён этишни сўрайман. Илтимос, бўлиб ўтган ҳодисаларнинг барини батафсил айтиб бер. Қакнуснинг мўъжизадор, ажойиб товушини эшитган Гарри, вужудини иситиб,

тетиклаштирадиган ичимлик хўплагандай хис этди ўзини.

Бола чуқур нафас олиб, хикоясини бошлади. Бўлиб ўтган ходисаларни сўзлаб берар экан, унинг кўз ўнгидаги барча сахналар қайтадан ўтиб борди: Вольдемортни тирилтирган дамламанинг ялтираётган юзаси, қабристонда хавода пайдо бўлиб келган Ўлимдан мирикувчилар, Кубок ёнида чўзилиб ётган Седрикнинг жасадини қайтадан кўрди.

Гаррининг елкасини ҳанузгача маҳкам ушлаб турган Сириус худди нимадир демокчи бўлгандай бир-икки бор оғиз жуфтлади. Бироқ Дамблдор қўл кўтариб ман этиб турди.

Гарри гапини бирор бўлиши, чалғитишини истамади. Бола сўзлаган сари, худди ичидан аллақандай захар чиқиб кетаётгандай, ўзини енгил ҳис этиб борди. Хар бир сўзни талаффуз этиш учун катта куч ишлатиб, зўрикиб кетмоқда. Шунга қарамай, хикоясини ниҳоясига етказса, ўзини анча енгил ҳис этишига ишончи комил бўлиб қолди.

Чувалчангдум шамширни чиқарип, боланинг қўлига санчганини эшитган Сириус кичқириб юборди. Гаррини сескантириб юборган Дамблдор эса ўрнидан кескин туриб, столни айланниб ўтди-да, боланинг ёнига келиб, қўлини кўрсатишини амр этди. Гарри енгидаги тешик ва қўлидаги кесикни кўрсатди.

- Ёвуз Лорднинг айтишича, менинг қоним бошқа душманларнинг қонига нисбатан кудратлироқ килиб қўяр экан энди уни, - тушунтириш берди Гарри, - Ойим... берган химоя... энди уни ҳам химоя қиласа экан. У ҳақ гапирибди. Сал ўтиб менга... юзимга қўл теккиза олди.

Дамблдорнинг юзида музafferият киёфаси касб этгандай кўринди. Бироқ кейинги фурсатда Гарри, унга шундай түюлганига шубҳа қилмади. Зоро, Дамблдор ўз креслосига қандайдир чарчаган, мункайган холатда қайтди.

- Жуда яхши, - хулоса чиқарди Дамблдор, жойига ўтираса экан, - Ушбу тўсиқни Вольдеморт енгиб ўтиби. Давом эт, Гарри, илтимос.

Гарри Вольдемортнинг қозон ичидан чиққач, Ўлимдан мирикувчиларга айтган гапларини имкон қадар тўла-тўқис етказишга ҳаракат қилди. Шундан сўнг, уни дахмадан ечишгани, Вольдеморт билан ўтган дуэль жангига ҳақида айтиб берди.

Тилла тусли нур риштаси сехрли таёқласини ракиб таёқласи билан бирлаштириб қўйганини баён этаётган Гаррининг бўғзига алланима келиб қолди. Давом этмоқчи бўляпти-ю, кучи етмаяпти. Вольдемортнинг таёқласидан чиқиб келганларни эслаб, тили айланмаяпти. Гаррининг кўз ўнгидаги Седрик, қария, Берта Жоркинс... ойиси... дадаси... навбат билан боз гавдаланди.

Орага чўккан сукунатни бузган Сириус бузди.

- Сехрли таёқчалар бирлашиб қолишиб? - сўради у, нигоҳини Гарридан Дамблдорга олиб ўтиб, - Нима сабабдан?

Гарри ҳам хаёли кочган Дамблдорга юзланди.

- Приори Инкантатем, - ғудуллаб қўйди Дамблдор.

Директор Гаррининг кўзига синчковлик билан қараб ўтири. Иккаласининг ўртасида ҳамфирликнинг аллақандай кўзга кўринмас учкуни учб үтгандай бўлди.

- Қарғиши ўйналиши ўзгарган ҳолатми? - фаҳмлади Сириус.

- Тўппа-тўғри, - тасдиқлади Дамблдор, - Иккала таёқчанинг ўзаги мутлақо бир хил: уларнинг таркибига бор-йўқ икки дона пат берган битта қақнуснинг, аникроқ айтиладиган бўлса, мана бу күшнинг патлари кирилган, - деди Дамблдор, Гаррининг тиззасига астойдил жойлашиб олган пат қопламаси ранг-баранг қушга имо қилиб.

- Сехрли таёқчам таркибига Янгуснинг пати кирилганми? - хайрон бўлди Гарри.

- Ха, - бош ирғиди Дамблдор, - Тўрт йил олдин, дўкондан чиқишинг билан мистер Олливандер иккинчи таёқчани айнан сен харид қилганинг ҳақида менга хабар берган эди.

- Таёқча ўзининг эгизи билан тўқнаш келганда қандайдир ҳолат рўй берар эканда? - сўради Сириус.

- Бир-бирига қарши чиқса, улар нотўғри ишлашади, - тушунтириш берди Дамблдор, - Агар таёқча соҳиблари уларни бир-бирига қарши жанг қилишга мажбур килишадиган бўлса... ниҳоятда камдан-кам дуч келадиган, ажабланарли ҳолат юз беради. Бир таёқча

иккинчисидан, муқаддам амалга оширилган қарғишиларни тескари тартибда сұгуриб чиқаради. Дастандағы охирги бўлиб бажарилган амал, сўнг ундан олдин амалга оширилган афсун ва ҳоказо.

Иккаласи ушбу сўзларга тасдиқ топиш учун Гаррига юзланди. Бола бош иргиди.

- Ну, - аста гапири Дамблдор, - Сенинг қаршингда у ёки бу қиёфа касб этган Седрик Диггори пайдо бўлганини англатади.

Бола Дамблдорнинг сўзларини тасдиқлаб яна бир бор бош иргиди.

- Диггори тирилди-ми? - сесканиб кетди Сириус.

- Майитни тирилтира оладиган афсун йўқ ва ҳеч қаочон бўлмайди, - чукур хўрсиниб қўйди Дамблдор, - Рўй бериши мумкин бўлган ягона ҳолат, қайтган акс садога ўхаш ҳолатдир, яъни сеҳрли таёқча ичидан тирик Седрикнинг кўланкаси чиқкан бўлиши мумкин... Шундайми, Гарри?

- У мен билан гаплашди, - деди Гарри, кутилмагандага боз титраб, - Седрикнинг арвоҳи ёки билмадим нимаси, мен билан гаплашди...

- Седрикнинг ташки қиёфаси ва шахсига хос жиҳатларини ўзига мужассам этган акс садо,

- тушунтириш берди Дамблдор, - Тахмин қилишим мумкинки, Вольдеморт томонидан нобуд килингандаги бошқа кишиларнинг... арвоҳлари ҳам пайдо бўлишган...

- Қария, - деди бўғзи қаттиқ сиқилиб қолган бола, - Берта Жоркинс ва...

- Ота-онангми? - аста сўради Дамблдор.

- Ҳа...

Сириус боланинг жонини оғритган даражада елкасини сиқиб юборди.

- Таёқча томонидан амалга оширилган сўнгги қотилликлар, - бош иргиди Дамблдор, - Тескари тартибда. Агар алоқа сакланиб қолганида бошқа қурбонлар ҳам кўриниш берган бўлар эди. Яхши Гарри. Ўша... кўланкалар нима қилишди?

Кўланкалар тилла тусли нур риштаси бўлиниб ҳосил бўлган олтин қафас ичидаги юришгани, Вольдеморт улардан кўркиб кетгани, отасининг кўланкаси нима қилиш кераклигини айтгани... ва Седрикнинг васиятини Гарри базўр айтиб бера олди.

Бола энди ортиқ гапира олмаслигини хис этиб, Сириусга юзланди. Чўқинтирган ота юзини бекитиб олганча ўтирибди.

Кутилмагандага Янгус Гаррининг тиззасидан полга сакраб, чиройли бошини лат еган оёқка ётқизди. Күшнинг кўзидан садаф рангли кўз ёшлари думалаб боланинг оёғидаги жароҳатга тушди. Оғриқ барҳам топиб, жароҳат ўрни кўздан ғойиб бўлди. Оёқ батамом тузалиб қолди.

- Юрак сўзларимни такрорламасликнинг иложини топа олмаяпман, - деди Дамблдор, қакнус ҳавога кўтарилиб, олтин кўноғига бориб кўнгач, - Бугун сен шундай жасорат кўрсатдинг-ки, бундай мардликни сендан кутмаган эдим. Вольдеморт ўз қудратининг ҳукмини ўтказиб юрган кезларда унга қарши жанг қилган катта ёшли сеҳргарлар каби қаҳрамонлик кўрсата олдинг. Ўз зимманига ҳар қандай катта ёшли киши бардош бера олмайдиган машақкатни юклаб, енгишга муваффақ бўлдинг. Сендан кутилган хатти-харакатларни муносиб бажардинг. Энди мен билан бирга шифохонага борасан. Бугунги тунни коллежингнинг умумий ётоқхонасида ўтказишингни истамаган бўлар эдим. Сенга энди Уйку дамламаси ва тинчлик керак... Сириус, Гаррининг ёнида қолишини истайсан-ми?

Сириус бош иргиб ўрнидан турди-да, яна улкан қора итга айланиб олиб, Гарри билан Дамблдорнинг ёнида юрганча хонани тарк этди. Учовлон қасрнинг шифохона жойлашган қаноти томон йўл олди.

Дамблдор эшикни очгач, Гарри, чўчиб кетган Помфри хонимни куршаб олишган миссис Уэсли, Билл, Рон ва Гермионани кўрди. Афтидан улар Помфри хонимдан Гарри ҳозир қаерда-ю, унга нима қилганини айтиб беришни талаб қилишмоқда. Улар учовлон кириб келган эшик томон барадла юзланди.

- Гарри! О, Гарри! - бўғиқ кичқирди миссис Уэсли, бола томон ошиқиб.

Бирок Дамблдор кўлинини олдинга узатиб йўл тўсди.

- Молли, - деди у, - Илтимос, гапимга қулоқ сол. Бугун Гарри ниҳоятда оғир, азоб-уқубатли синовдан ўтди. Бўлиб ўтган ҳодисаларни менга айтиб бериб, уларни қайтадан бошдан кечиргандай бўлди. Ҳозир бола уйқу, тинчлик ва жимликка ниҳоятда катта эҳтиёж сезмоқда. Агар Гарри, - деди Дамблдор Рон, Гермиона ва Биллга юзланиб, - Сизлар шу ерда қолишингизга эътиroz билдирмаса, марҳамат, қолишингиз мумкин. Фақат, токи у, саволларингизга жавоб берадиган ҳолатга келгунга қадар ҳеч қандай савол берманг. Айниқса ҳозир.

Ранги бўздей окариб кетган миссис Уэсли бош иргиди. Сўнг, чурқ этмай турган Рон, Гермиона ва Биллга, худди улар тўс-тўполон кўтаришгандай, қаттиқ пичирлади:

- Эшитдингиз-ми?! Унга тинчлик керак!

- Директор, - овоз берди Помфри хоним, қора итга бакрайиб, - Билсам бўладими, бу нима...

- Бу, ит, Помфри. Маълум вақт Гаррининг ёнида бўлади, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Ишонтириб айтаман-ки, у ниҳоятда яхши тарбия кўрган. Гарри... кўрпангга кириб ётгунингга қадар кутиб тураман.

Саволлар кетидан саволлар берилишидан халос қилган Дамблдордан Гарри ниҳоятда мамнун бўлди. Йўқ, ҳамма чиқиб кетиб, ўзи ёлғиз қолишини истаётгани йўқ, албатта. Бироқ бўлиб ўтган ҳодисаларни қайтадан айтиб бериб, эсга олишни ўйласа, юраги орқага тортиб кетяпти.

- Гарри, Фужга учрашим билан, қайтаман, - деди Дамблдор, - Эртага ҳам, токи мен ўқувчиларга мурожаат қилганимга қадар шу ерда қолишингни истайман.

Дамблдор палатани тарк этди. Помфри хоним билан каравот сари борар экан, Гарри, палатанинг нариги бурчагида, ёнига ёғоч оёғи билан сехрли кўзи кўйиб қўйилган ҳақиқий Хмурининг харакатсиз ётганини кўрди.

- Ахволи қалай? - сўради у.

- Тузалиб кетади, - ишонтириди Помфри хоним, Гаррига пижама узатиб, пардани ёпар экан. Бола коржомасини ечиб, пижамани кийди-да, каравотга чўзилди. Ҳамма унинг атрофида тўпланди. Рон билан Гермиона Гаррига даҳшат тўла нигоҳларини тикиб турибди.

- Ахволим яхши, - тинчлантириди у, дўстларини, - Чарчаганман холос.

Миссис Уэслининг кўзлари ёшга тўлиб, кўли билан чойшабни текислаб қўйган бўлди. Кўлига қадаҳ ва қирмизи суюклиқ қўйилган миттигина шиша идишча ушлаган Помфри хоним хонасидан чиқиб келди.

- Буни охиригача ичишинг даркор, Гарри, - тайинлади у, - Бу Туш кўрмай ухлаш дамламаси.

Гарри фельдшер аёлнинг қўлидаги қадаҳни олиб, бир-икки хўплади-ю, шу заҳоти уни уйқу босди. Атрофни сийрак туман қоплади, палатада ёниб турган фонуслар парда ортида милтиллаб кўринди. Дамламани охиригача ичишга, бирон оғиз сўз айтишга улгурмаган боланинг танаси тивитдан тайёрланган партўшакка чуқур ботиб, вужуди қаттиқ уйқуга чўмди.

Гарри шундай иликлиқ, сокинлиқда уйғондики, кўзини очкиси келмади. Қани энди яна ўшандай нажотбахш уйқуга кетса. Палата хира ёритилган бўлиб, ҳали тун эканлиги, кўп ухламаганлигини тушуниб етди. Ёнида кимdir пичирлаб ўтириби:

- Агар анави бақироқлар ўзларини босиб олишмаса, болани уйғотиб юборишади!

- Нега бунча қичқиришмаса? Яна бирор кор-хол юз бермаган бўлса керак, деб умид қиласман, а?

Гарри базур кўзини очди. Кимdir кўзойнагини ечиб қўйибди. Каравот пардасининг ортида миссис Уэсли билан Биллинг шарпаларини аранг фарқлаб олди.

- Бу Фуж билан Минерванинг овози, - пичирлади оёққа туриб олган миссис Уэсли, - Нимани талашяпти улар?

Энди Гарри ҳам эшикка яқинлашиб келаётган овозларни эшитяпти.

- Қайсиdir маңнода ачинаман, албатта, Минерва, шундай бўлса-да... - баланд эшитилди Фужнинг овози.
- Уни қасрга киритиш шарт эмас эди! - ўкирди профессор Макгонагалл, - Дамблдор хабар топса...

Палатанинг эшиги очилди. Ўрнидан турган Билл ўзи билмаган ҳолда каравот пардасини қия очиб қўйди. Ҳамма эшик томон юзланди. Гарри ётган ўрнига ўтириб олиб, кўзойнагини тақди.

Шифохонага Фуж, унинг кетидан эса шиддат билан профессор Макгонагалл билан Снегг кириб келди.

- Дамблдор қани? - талаб оҳангига сўради Фуж миссис Уэслидан.
- Бу ерда йўқ, - жавоб берди миссис Уэсли аччиғи чиқиб, - Бу ер шифохона, вазир жаноблари, сиз яхшиси овозингиз...

Шу пайт эшик очилиб, палатага Дамблдор кириб келди.

- Тинчликми? - газаб-ла тикилди у Фуж билан профессор Макгонагаллга, - Нега беморларни безовта қиляпсиз? Минерва, мен таажжубдаман... Сгорбста пойлоқчилик килиб тулинг деган эдим-ку...

- Энди бунга ҳожат йўқ, Дамблдор! - чириллади профессор Макгонагалл, - Вазир жанобларининг саъй-ҳаракатлари туфайли!

Гарри ҳали ҳеч қачон юзида ғазаб барқ уриб турган, қўлларини мушт қилиб туғиб олган, бошдан-оёқ дағ-дағ титраётган профессор Макгонагаллни бу қадар, ўзини идора кила олмайдиган ҳолатда кўрмаган.

- Бугунги ходисалар рўй беришида айбдор саналган Ўлимдан мирикувчи қўлга олинганини мистер Фужга маълум қилишимиз билан, - паст овозда билдирув берди Снегг,
- Вазир жаноблари, ушбу ҳолатни шахсий хавфсизлигига нисбатан таҳдид сифатида қабул қилиб, қасрга кирганда уни қўриқлаб бориши учун дементорлардан бирини чакиртиришни талаб қилиб туриб олди. Дементор етиб келгач, иккиси Барти Сгорбс тутқунликда сақлаб турилган хонага киришди...

- Бундай хавфсизлик чорасига директор ижозат бермайди дедим унга! - ёрилиб кетди профессор Макгонагалл, - Дементор қаср ичига киришига Дамблдор асло изн бермайди, деб огохлантирдим, бирок...

- Муҳтарама хоним! - ўкириб юборди Фуж, - Сехгарлик вазири сифатида, хавфли жиноятчани сўроқ қилиш учун ёнимда қўриқчи олиб юриш-юрмаслик борасида қарор қабул қилишга ҳақлиман...

Вазирнинг бу қадар қутуриб кетган ҳолатини ҳам Гарри муқаддам кўрмаган. Бироқ профессор Макгонагаллнинг бақириғи Фужнинг овозини босиб юборди.

- Анави маҳлук... хонага кириб келган хамоно... - чинқирди у, қаҳр-газабдан титраб турган вазирга бармоқ ўқтаб, - Сгорбста ташланди-да... ва... ва...

Профессор Макгонагалл бўлиб ўтган ишни тавсифлаш учун сўз топа олгунга қадар Гаррининг вужуди музлаб кетиб, нима бўлганини тушуниб бўлди. Профессор фикрини охиригача етказиши шарт эмас. Дементорнинг кейинги харакатини изохлашга ҳожат йўқ. У Барти Сгорбдан бўса олиб, руҳини батамом сўриб олган. Энди Сгорбс, тирик бўлгани билан ахволи мурданинг ахволидан беш баттар бўлиб қолган.

- Нима қилганда ҳам, зарари йўқ! - ўшқириб берди Фуж, - У бир нечта котиллиқда гумон килинган эди.

- Бироқ энди у кўрсатма бера олмайди-ку, Корнелиус! - эътиroz билдириди Дамблдор, Фужга, худди уни биринчи маротаба қўриб тургандай қараб, - Энди Сгорбс, ўша одамларни нима сабабдан ўлдирганини тушунтириш қобилиятидан маҳрум бўлди.

- Унинг тушунтиришлари кимга керак? Шундок ҳам ҳаммаси ойдек равшан! - бакирди Фуж, - Минерва билан Северуснинг сўзларига қараганда, у Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг амрига кўра иш тутяпман, деб ўйлаган. Демак у, гирт савдойи!

- Чиндан ҳам Лорд Вольдеморт унга кўрсатмалар бериб борган, Корнелиус, - деди Дамблдор, - Ўша кишиларнинг ўлими Вольдемортни қайтадан тирилтириш мақсадига

қаратилган фитнани амалга ошириш йўлидаги иккинчи даражали ишлар саналади. Фитна эса чиндан ҳам амалга ошди. Вольдеморт яна ўз танасига эга бўлиб олди.

Фужнинг башараси, худди бирор бошига пишган ғишт билан қўйиб юборганга ўхшаб қолди. Кўзлари пирпираб, афтидан, хозиргина эшитган гап мазмунини идрок этишга курби етмай, хиралашиб қолган нигоҳини Дамблдорга қаратди. Кўзи чаноғидан чикиб кетишига оз қолган Фуж пойма-пой ғудуллай бошлади.

- Ўзингиз-Биласиз-Ким?... Қайтди... ким?... Бемаънилик... Кўйсангиз-чи, Дамблдор!

- Барти Сгорбснинг икрорларини ўз қулогимиз билан эшитганимизни, шубҳа йўқ-ки, Минерва билан Северус сизга маълум килишган, - вазмин оҳангда жавоб қайтарди Дамблдор, - У истиғфор келтиришга мажбур қиласиган Икрор бўлиш дамламаси таъсирида бор гапни айтиб берди. Натижада биз Барти Сгорбснинг Азкабандан қай йўсинда кочишига муваффақ бўлгани, Берта Жоркинсни кийнаб ёш Сгорбс тирик қолганини билиб олган Вольдеморт уни отаси қамаб қўйган тутқунлиқдан халос қилгани, Ёвуз Лорд Гаррини қўлга олиш учун Сгорбснинг хизматидан фойдалангани, охир-пировардида Лорд Вольдемортнинг режаси амалга ошганини билиб олдик. Гапларимга ишонинг, Фуж, Вольдеморт меъёрий ҳаётга қайтди.

Вазирнинг юзида табассум ёйилиб кетаётганини Гарри кўриб ўтирди.

- Қулоқ солинг, Дамблдор, - деди Фуж, - Сиз... сиз бу гапларга жиддий аҳамият бермагансиз, шундайми? Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтди эмиш! Нималар деяпсиз, нималар деяпсиз. Ха, Сгорбс Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг амрига кўра иш тутяпман, деб ўйлаган бўлиши мумкин, бироқ Дамблдор, савдоининг кўрсатмаларига лаққа тушиш сизга ярашмайди...

- Бугун, Гарри Уч сехргар беллашувининг Кубогига кўл теккизиши билан Сгорбс томонидан портшлюсга айлантирилган ўша Кубок болани тўғри Лорд Вольдемортнинг хузурига учириб кетган, - саркашлик қилди Дамблдор, - Гарри Ёвуз Лорднинг қайтадан түғилганига гувоҳ бўлди. Агар хонамга ташриф буюрсангиз, мен сизга бор гапни тушунтириб бераман.

Дамблдор Гарри томон қараб, унинг ухламай, гап пойлаб ўтирганини сезган бўлса-да, бош силтади.

- Аммо ҳозир Гаррини сўрокқа тутишга ижозат бера олмайман.

Фужнинг юзидағи табассум янада кенгайиб кетди. У ҳам Гаррининг парда ортидаги каравоти томон қараб қўйди.

- Дамблдор, сиз... м-м-м... нима десам бўлар экан... Гаррига тўла-тўқис ишонч билдира оласизми?

Орага чўккан сукунатни Фужга тишини кўрсатиб, юнги хурпайиб кетган Сириуснинг ириллаши бузди.

- Албатта ишонаман, - жавоб берди Дамблдор, кўзида олов чақнаб, - Мен Сгорбснинг икрори ва Гаррининг баёнини диққат билан тингладим. Иккала баён бир-бирига мутлақо зид келмайди, аксинча, Берта Жоркинс йўқолган кунлардан буён бўлиб ўтган ишларга ойдинлик киритади.

Фуж ҳанузгача ғалати кулиб турибди. Дамблдорга жавоб беришдан олдин у Гаррининг каравоти томон боз қараб қўйди.

- Демак сиз Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг қайтадан түғилганига савдои қотилнинг кўрсатмалари ва... х-м-м.. сал ғалатироқ боланинг...

Фуж яна бир бор Гарри томон қараб қўйгач, бола бор гапни тушуниб етди.

- Рита Вритернинг мақоласини мен ҳам ўқиганман, - овоз берди Гарри парда ортидан. Рон, Гермиона, миссис Уэсли ва Билл ўтирган ўринларида сакраб кетиб, каравот пардасини очишиди. Гаррининг уйғонганини шу вақтга қадар ҳеч ким сезмаган.

Фуж бир оз қизариб кетди-ю, бироқ юзи кишининг ғашини келтирадиган саркаш киёфа касб этди.

- Хўп, агар мен ҳам ўқиган бўлсам-чи, ўша мақолани, Дамблдор? - мурожаат қилди у директорга, - Ушбу болага дахлдор баъзи маълумотларни мендан яшириб келганингизни

билиб олган бўлсам-чи? Илонзабон-а! Анави тутқаноқлари-чи!

- Тахминимча сиз, Гаррининг чандигидаги, баъзан рўй бериб турадиган оғриқ хуружларини назарда тутяпсиз чоғи, вазир жаноблари? - совуқ оҳангда тузатиш киритди Дамблдор.

- Демак сиз, бундай хуружлар ҳакиқатдан ҳам рўй бериб туришини тасдикламоқдасиз, шундайми? - жонланиб кетди Фуж, - Бош оғриқлар? Тунги босинқирашлар? Эҳтимол, галлюцинациялар?...

- Қулоқ солинг, Корнелиус, - деди Дамблдор Фуж томон қадам босиб.

Гарри Дамблдорнинг вужудида яна ўша, сохта Хмурининг хонасида кўрган енгилмас кудрат барқ уриб кетганини хис этди.

- Сиз билан мен қандай одам бўлсан, Гарри ҳам худди шундай соғлом одам. Чандик бола миясининг фаолиятига ҳеч қанақанги салбий таъсир кўрсатмайди. Фикримни билмоқчи бўлсангиз, унинг чандиги фақат икки ҳолатда оғрийди: Лорд Вольдеморт унга яқин масофада бўлганида ёки у кимнидир ўлдирмоқчи бўлиб турганида.

Фуж саркаш қиёфаси билан Дамблдордан ярим қадам орқага тисланди.

- Мени кечирасиз-у, Дамблдор, қарғиши таъсирида акс эттирилган бўлиб, тревога сигнали сифатида кўлланиладиган чандиклар ҳакидаги чўпчакларни эшишиб тўйганман.

- Вольдеморт қайта туғилганини ўз кўзим билан кўрдим! - бакириб юборди Гарри, ўрнидан туришга ошиқиб. Бироқ миссис Уэсли елкасидан босиб қолди, - Ўлимдан мирикувчиларни ҳам ўз кўзим билан кўрдим! Номларини санаб ўтишим мумкин! Люциус Малфой...

Снегг аллақандай кескин ҳаракат бажарди. Бироқ Гарри унга эътибор каратганда, Фуж томон қараб олди.

- Малфой оқланган! - хафа бўлди Фуж, - Шундай қадими уруг... шунча хайр-эҳсон...

- Макнейр! - давом этди Гарри.

- У ҳам оқланган! Вазирикда ишлайяпти ҳозир!

- Эйвери! Нотт! Краббе! Гойл!

- Болакай, сен ўн уч йил олдин Ўлимдан мирикувчилар жамиятига дахлдорликда айбланиб, оқланган кишиларни санаб ўтияпсан! - гапни бўлди дарғазаб Фуж, - Сен уларнинг исмларини архив хужжатларида кўрган бўлишинг мумкин! Муқаддас фалак ҳаки, Дамблдор! Буларнинг бари айнан шу бола томонидан ўтган ўқув иилининг охирида тўқиб чиқарилган бемаъни гаплар сирасига киради! Унинг алжирашлари борган сари аклга сигмас бўлиб боряпти. Сиз эса лакқа тушиб, итоаткорона ютиб келяпсиз буларни, директор! Бола илонлар билан гаплаша билади, сиз эса унга ишонч билдириш мумкинлигига мени ишонтирмоқчисиз, шундайми?

- Ахмок экансиз! - чидаб тура олмади профессор Макгонагалл, - Седрик Диггори-чи? Мистер Сгорбс-чи? Улар сиз айтган савдойининг тасодифий қурбонлари эмас!

- Бунинг аксини исботлайдиган далилларни кўрмаяпман, - бакириб берди Фуж, юзи кизариб, - Назаримда сизлар ваҳима кўтариш, вазиятни издан чиқариш, сўнгти ўн уч йил давомида бунёд этилган ютукларимизга путур етказиши кўзламоқдасизлар!

Гарри ўз кулогига ўзи ишонмаяпти. У доимо Корнелиус Фужни ўзини тута олмайдиган, бир оз мутакаббир бўлса-да, етарлича хайриҳоҳ қиши сифатида қабул қилиб келган эди. Ҳозир эса унинг қаршисида ўзи учун ўзи яратиб олган кулагина, муайян тартиб жорий этилган дунёси вайрон бўлиши мумкинлигига ишониши, Вольдеморт қайтадан бош кўтарганига бовар қилишни бутунлай рад этаётган дарғазаб пакана турибди.

- Вольдеморт хаётга қайтди, - такрорлади Дамблдор, - Юз берган ушбу ҳолатни тезрок эътироф этиб, тегишли чоралар кўрсангиз, ҳали кеч эмас, вазиятни сақлаб қолиш мумкин. Энг биринчи ва асосий қадам – Ёвуз Лорднинг тарафдорлари қамалган Азкабани дементорлар назоратидан чиқаришдир...

- Бемаънилик! - қичқириб юборди Фуж, - Дементорларни ҳайдаш-а! Ахир бундай таклиф учун мени ишдан ҳайдаб юборишлари мукаррар-ку! Элатимизнинг ярми Азкабани айнан дементорлар кўриклаб тургани кечаси тинч ухлай олади!

- Иккинчи ярми эса Корнелиус, Ёвуз Лорднинг энг хавфли издошларини қўриқлашдек ниҳоятда муҳим ишни зарурий фурсат етиши билан Вольдеморт томонга ўтиб кетадиган махлуқлар қўлига топширганингиз учун ҳам сиз айтган даражада тинч ухлай олмайди! - хитоб қилди Дамблдор, - Улар сизга эл бўлмайди, Фуж! Вольдеморт дементорларга, нафсларини қондириш учун сиз ҳавола этган Азкабандек кичкинагина маконга нисбатан анчагина кенг макон ажратиб бериши мукаррар! Агар Ёвуз Лорд атрофидағи эски арбоблар гурухига ўша дементорлар қўшиладиган бўлса, Вольдемортни тўхтатиб колиш ниҳоятда қийин кечади! Ўн уч йил муқаддам машакқат-ла қўлга киритган қудратини энди у жуда тез тиклаб олади.

Эътиroz билдиришга сўз топа олмаётган Фуж оғзини очиб, яна ёпиб тураверди.

- Кейинги, имкон қадар кечиктирилмасдан қўйиладиган қадам, - давом этди Дамблдор, - Гигантлар қўним топган юртларга дипломатик вакиллар юборишидир.

- Гигантлар хузурига дипломатик вакиллар юбориш? - чийиллаб юборди, гапириш қобилияти тикланган Фуж, - Бу қанаканг жиннилик бўлди?

- Дўстлик қўлини узатинг уларга, Корнелиус. Қанча тез ҳаракат қилсангиз, шунча яхши, - деди Дамблдор, - Акс ҳолда кеч бўлади. Ёхуд Вольдеморт уларни етарлича эрк ва хуқук ҳавола эта биладиган ягона сеҳгар эканлигига ишонтира олади. Тарих сахифалари эса, эсингизда бўлса, буни исботлаган.

- Сиз... бўлиши мумкин эмас, Дамблдор, сиз... буларнинг барини жиддий гапиряпсиз-ми?!

- даҳшатга тушди Фуж, бошини сарак-сарак силтаганча, Дамблдордан нари тисарилиб, - Агар сеҳгарлар жамияти гигантлар билан сиёсий ўйин бошлаганимни эшишиб қолса нима бўлишини тасаввур кила оласизми?... Одамлар гигантлардан нафратланади, Дамблдор... мавқеимнинг куни ўша куни битади...

- Мавқеингиз хақида ўйлайвериб сўқир бўлиб қолибсиз, Корнелиус! - овоз кўтарди Дамблдор, - Файриодатий қарор қабул қилиш олдидаги қўркув сизни батамом сўқир қилиб қўйиби! Сиз асилзодалик, сеҳгарлик қонининг тозалигига хаддан ортиқ аҳамият бермоқдасиз ва доимо шундай қилиб келгансиз! Инсон ким бўлиб туғилгани эмас ким бўлиб шакллангани муҳим эканлигини тушуниб етмаяпсиз! Мана, хозиргина сизнинг дементорингиз уруғ-аймоғи азалдан асилзода сеҳгар бўлиб келган оиланинг энг сўнгги вакилини йўқ қилди. Хўп, асилзода бўла туриб, у нималар билан машғул бўлди? Нима учун сиз уни йўқ қилдингиз? Такрор айтаман, зудлик билан мен таклиф этган чораларни қўринг! Шундай қилсангиз, вазирлиқда ҳам, унинг ташқарисида ҳам сизни энг мард ва буюк сеҳгарлик вазирларидан бири сифатида эслаб юришади. Фаолиятсизлик қиласидиган бўлсангиз эса сизни, мураккаб вазиятда четга чиқиб олган, Вольдемортга, қайтадан тиклаш учун ҳаммамиз тер тўкиб келган дунёни вайрон қилиб ташлашга яна бир бор имкон берган кас сифатида эслаб қолишади!

- Телбалик, - пичирлади Фуж, Дамблдордан тисарилишни давом этиб, - Жиннилик... Орага сукунат чўқди. Помфри хоним кафтини оғзига босганча, Гаррининг каравоти ёнида серрайиб қолган. Миссис Уэсли Гаррининг елкасига қўлини қўйиб, устида энгашганча, тек қотган. Билл, Рон ва Гермиона эса Фужга қараганча, оғзилари ланг очиқ қолган.

- Мабодо, Корнелиус, атрофда содир бўлаётган ушбу ҳодисаларга кўз юмишга қатъий аҳд қилган экансиз, - баёнот қилди Дамблдор, - Айни шу фурсатдан эътиборан йўлларимиз айрилади. Сиз ўз билганингизча иш тутасиз, мен... мен эса ўз билганимча иш тутаман. Дамблдорнинг овозида ҳеч қандай таҳдид оҳангига эшитилмади. Юзага келган ҳолат қайд этилди ҳолос. Шундай бўлса-да, Фуж, худди Дамблдор сеҳрли таёқчаси билан таҳдид қиласидай сесканиб кетди.

- Гап бундай, Дамблдор. Сўзларимга диққат билан қулоқ тутинг, - деди Фуж, кўрсаткич бармоғини кўтарганча, силтаб, - Мен доимо сизни ўз ҳолингизга қўйиб келганман. Сизни жуда ҳурмат қилиб келганман. Гарчи айрим қарорларингизни маъқул топмаган бўлсан-да, индамай, тек қўйиб берганман. Мактабга махлуқ тусига кирадиган одамни ишга қабул қилишга, Хагридни мактабда олиб қолишга, ўқувчиларга нимани ўқитиш керак ва нимани ўқитиш керак эмаслигини ҳал этишга ҳар қандай вазир ҳам имкон бермаган бўлар эди.

Бирок менга қарши бирон-бир хатти-ҳаракатни ният қиладиган бўлсангиз...

- Мен фақат Лорд Вольдемортга қарши ҳаракат қилишни ният қилганман, - жавоб берди Дамблдор, оҳангининг вазминлигини сақлаб қолиб, - Агар сиз ҳам унга қарши ҳаракат қиладиган бўлсангиз, биз кўчабанднинг бир томонида қоламиз.

Ушбу сўзларга Фуж жавоб топа олмади. Кичкинагина бошмоқларининг товонида туриб тебранганча, қозон шляпасини ўйнатиб турди. Нихоят илтижо яширинган овоз чиқарди:

- Бўлиши мумкин эмас, Дамблдор, у қайтмаган...

Шу пайт Снегг юрган йўлида енгини шимарганча, Дамблдорни айланиб ўтиб, Фужнинг рўпарасига келди-да, очилган қўлини кўрсатди. Фуж яна ортга тисарилди.

- Мана, - хириллади Снегг, - Кўриб қўйинг. Ажал белгиси. Бир соат олдин у қўмирдай қопкора эди, ҳозир ҳам аниқ қўриниб турибди. Ҳар бир Ўлимдан мирикувчининг қўлида шахсан Лорд Вольдеморт томонидан куйдирилган мана шундай белги бор. Айнан мана шу белгига кўра биз бир-биirimizни таниб олганмиз, мана шу белги воситасида у бизларни ўз хузурига чақирган. У белгига қўл теккизиши билан биз Вольдеморт турган жойда хавода пайдо бўлишимиз керак эди. Жорий йил давомида менинг қўлимга акс эттирилган белги тобора аниқ қўриниш бериб борган. Каркаровнинг қўлида ҳам шундай холат рўй берган. Нима деб ўйлайсиз, нима сабабдан Каркаров бугун эрталаб гум бўлди? Чунки иккаламиз ҳам ушбу белгининг ачишганини ҳис этганимиз ва иккаламиз ҳам Ёвуз Лорд хаётга қайтганини аниқ билганмиз. Каркаров ўзининг кўплаб сафдошларини сотган ва шу туфайли Ўлимдан мирикувчилар томонидан кучок очиб қарши олинишига шубҳа қилган. Бошини сезилар-сезилмас силтаган Фуж ўзини Снеггдан нари олди. Афтидан у, ҳозиргина батафсил тушунтириб берилган холат баёнининг бирорта ҳам сўзини тушунмай, хунук белгидан ҳазар қилганча, гўлайиб турди. Нихоят у аста пиширлади:

- Бу ерда, Дамблдор бошчилигида қандай ўйин ўйнаётганингизни билмадим-у, бугунга етар, бас. Бошқа айтадиган гапим йўқ. Дамблдор, тасарруфингиздаги мактабни бошқариш масаласини муҳокама қилиш учун мен сиз билан эртага боғланаман. Ҳозир эса вазирликка қайтишим даркор.

Эшик ёнига етган вазир бирдан тўхтаб қолди. Ортга бурилиб қайтди-да, Гаррининг каравоти ёнига келиб тўхтади.

- Бу сенинг ютуғинг, - кисқа тушунтириш берди у, киссасидан йирик ҳамённи чиқарганча, каравот ёнидаги жавонча устига улоқтириб, - Минг галлеон. Тантанали топшириш таомили ўтказилиши керак эди. Бироқ юзага келган вазиятда...

У қозон шляпасини бошига бостириб олди-да, эшикни тараклатганча ёпиб, палатани тарқ этди. Фуж чиқиб кетиши билан Дамблдор Гарри ётган каравот атрофида тўпланганларга мурожаат қилди.

- Ҳаракат бошлаш даркор, - баёнот қилди у, - Молли... Артур иккалангизга ишонч билдириб, тўғри қиласманми?

- Албатта! - хитоб қилди миссис Уэсли, ранги бўрдай оқариб кетган бўлса-да, қатъий нигоҳ-ла қараб, - Фужнинг қанақанги товус эканлигини Артур жуда яхши билади. Шунча йилдан бўён маглларга бўлган хурмати туфайлигина вазирликда ишлаб келмоқда. Фуж эса Артурга сеҳргарлик ғуури етишмайди, деган фикр билдиримоқда.

- Ундей бўлса, Артурга хабар йўллашим керак, - деди Дамблдор, - Бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида бизга ишонадиган одамларни зудлик билан хабардор қилишимиз лозим. Артурнинг таниш-билишлари эса бизга аскатиб, Фужга нисбатан узокроқ истиқболни кўра биладиган одамлар билан боғланиш имконини беради.

- Мен бораман дадамнинг хузурига, - деди Билл, ўрнидан туриб, - Ҳозирнинг ўзида йўлга чиқаман.

- Жуда соз, - деди Дамблдор, - Ўзинг кўрган, эшитган нарсалар ҳақида гапириб бер унга. Тез орада мен у билан боғланишимни айт. Эҳтиёт бўлсин. Агар мен вазирлик ишларига аралашаётганимни Фуж билиб колгудай бўлди...

- Буни менга қўйиб беринг, - тинчлантирган бўлди Билл.

У Гаррининг елкасига аста уриб, онасининг юзидан ўпиди-да, ридосини кийиб,

палатани тарк этди.

- Минерва, - кўрсатма беришни давом этди Дамблдор, - Хагрид билан имкон қадар тезроқ гаплашиб олишим керак. Хонамга чорланг уни, илтимос. Агар қарши бўлмаса, Максим хонимни ҳам.

Професор Макгонагалл бош ирғиб, сўз айтмай чиқиб кетди.

- Поппи, - мурожаат қилди Дамблдор Помфри хонимга, - Илтимос, профессор Хмурининг хонасига туш. У ерда Винки исмли уй эльфини топасан. Ҳозир у, мархум соҳибининг ўғлидан дементор бўса олганига шоҳид бўлиб, ниҳоятда кучли руҳий ларзани бошдан кечириб ўтирганига шубҳа йўқ. Үнга ғамхўрлик қилиб, ошхонага элтиб қўй, хўпми? Добби уни тинчлантира олишига умид қиласан.

- Хўп... яхши.

Помфри хоним таажжубини яширишга уриниб, палатани тарк этди. Дамблдор эшик ишончили ёпилганини текшириб кўриб, кейинги гапини бошлашдан олдин Помфри хонимнинг қадам товушлари узоклашишини кутди.

- Ана энди фурсат етди, - тантанавор эълон қилди у, - Бу ерда йигилганларнинг икки нафарига учинчи кишини танишириш вақти етди. Сириус... ўз қиёфангни қабул қилишинг мумкин.

Палатада турган йирик қора ит Дамблдорга қараб турди-да, бир зумда одам қиёфасини касб этди. Миссис Уэсли чийиллаб, каравот устига сакраб чиқди.

- Сириус Блэк! - ўкирди у, бармоқ ўқтаб.

- Ойи, бас қилинг! - бақирди Рон, - Ҳаммаси яхши!

Снегг ўкирмади, сакрамади, аммо юзида нафрат ила даҳшат уйғунлашган қиёфа пайдо бўлди.

- Анави-ку! - ўшқирди у, Сириусга жирканиб қараб, - Нима қиляпти у, бу ерда?

- У худди сиз каби, Северус, менинг таклифимга биноан ташриф буюрган, - жавоб берди Дамблдор, нигоҳини бирининг юзидан иккинчисининг юзига олиб ўтиб, - Men иккалангизга ҳам тўла-тўқис ишонч билдираман. Сизларга ҳам, ораларингдаги барча ихтилофларни четга суриб, бир-бирингизга ишонч билдирадиган вақт етди.

Гаррининг назарида, Дамблдор иложи бўлмаган нарсани талаб қиляпти. Сириуснинг ҳам, Снеггнинг ҳам кўзида муросасиз нафрат ёниб турибди.

- Ҳозирча, - давом этди Дамблдор, сезилар-сезилмас жаҳл оҳангода, - Орангизда очикдан-очик адovat бўлмаслиги мени қаноатлантиради. Сиз факат бир-бирингиз билан қўл сикишиб қўйсангиз бас. Ихтиёrimиздаги вақт у қадар бисёр эмас. Шундай экан, ҳақиқатдан боҳбар одамлар бир ёқадан бош чиқармас экан, ғалабага на ишонч ва на умид қилиб бўлмайди.

Иккала инсон бир-бирига фақат ёмонлик тилашини нигоҳларидан укиб олса бўлади.

Шундай бўлса-да, улар бир-бирига яқинлашиб қўл сикишди-да, зудлик билан нари туриб олишди.

- Ҳозирча шунинг ўзи кифоя, - деди Дамблдор иккаласининг ўртасига туриб, - Энди хар бирингиз учун топшириқ бор. Фужнинг муносабати, гарчи бундан ортиқ муносабат кутмаган бўлсам-да, вазиятни тубдан ўзгартирди. Сириус, сен зудлик билан йўлга чиқиб, Рем Люпин, Арабелла Фигг, Мундугнус Флетчерни, хуллас эски жамоамизни огоҳлантириб қўйишинг керак. Ўзинг Люпинницида қолиб, жим ўтири. Тез орада сизлар билан боғланаман.

- Бироқ... - овоз чиқарди Гарри.

Бола чўқинтирган отасидан бу қадар тез ажralишни истамади.

- Гарри, биз кўп ўтмай учрашамиз, - болага юзланди Сириус, - Ваъда бераман. Ахир мен қўлдан келганча ҳаракат қилишим кераклигини ўзинг тушунасан-ку, тўғрими?

- Ҳа, - бош иргиди Гарри, - Ҳа... албатта, тушунаман...

Сириус боланинг кафтини кафтига олиб, бир оз сиқиб турди-да, Дамблдорга бош ирғиб, яна итга айланганча, олд оёқлари билан эшик очиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Северус, - юзланди Дамблдор, - Сиздан нимани илтимос қилишим мумкинлигини

ўзингиз яхши биласиз. Агар сиз бунга тайёр бўлсангиз...

- Тайёрман, - жавоб берди Снегг.

Снеггнинг юзи одатдагидан хам баттар оқарган бўлса-да, муздай қора кўзлари қандайдир ғалати ялтираб кўринди.

- Ундей бўлса, омад ёр бўлсин, - тилак билдириди Дамблдор.

Директор хавотир тўла нигоҳ-ла, Сириуснинг кетидан индамай чиқиб кетган Снеггни кузатиб кўйди. У боз тилга киргунга қадар бир неча дақиқа ўтди.

- Мен пастга тушишим, Диггорилар билан учрашишим керак, - деди у, - Гарри... дамламанинг қолганини ичиб қўй. Ҳаммага хайр. Кечроқ кўришамиз.

Дамблор чиқиб кетиши билан Гарри бошини ёстиққа ташлади. Гермиона, Рон ва миссис Уэсли чурк этмай қараб туришибди. Сукунат узок чўзилди.

- Ма, Гарри, ич, - деди ниҳоят миссис Уэсли.

Қадаҳ билан шиша идишчани узатаётган миссис Уэслининг қўли пулга тўла ҳамёнга тегиб кетди.

- Ўйкуга тўйиб олишинг керак. Бошқа бирон нарса ҳақида ўйлашга урин... масалан, ютуғингга нима харид қилишингни ўйлаб қўр.

- Менга керак эмас бу пуллар, - ифодасиз ғудуллади Гарри, - Сиз олинг. Кимга керак бўлса олаверсин. Мен уларни ютишим керак эмас эди. Улар Седрикка насиб қилиши керак эди. Лабиринтдан чиққанидан бўён йўл қўймасликка ҳаракат қилаётган ҳолат устун келаётганга ўхшайди. Бурчагида қандайдир иссик, ўткир санчиш сезилган кўзини пирпиратиб олди-да, шифтга тикилди.

- Сен айбдор эмассан, Гарри, - пичирлади миссис Уэсли.

- Кубокни биргаликда ушлаб олиш таклифини мен киритган эдим.

Энди бўғзига нимадир тиқилиб, ачишяпти. Рон бир пас тескари қараб ўтиrsa бўлмайдими, а?

Миссис Уэсли дамламани жавонча устига қўйиб, энгашди-да, болани бағрига босиб, маҳкам кучиб олди. Ҳали ҳеч ким Гаррини мана шундай... оналарча қучмаган. Бугунги тун ҳодисалари бутун юки илиа боланинг вужудини шу захоти эзив юборди. Ойиси, дадаси, Седрик... ҳаммаси кўз ўнгига гавдаланди... у ортиқ бардош бера олмайди... юзи зўриқищдан буришиб кетяпти... мана ҳозир дод солиб, хўнграб юборади...

Кутилмаганда баланд қарс эштилди. Миссис Уэсли билан Гарри бир-биридан кескин тисланди. Дераза олдида муштчасига ниманидир маҳкам сиқиб олган Гермиона турибди.

- Мени маъзур сананг, - пичирлади у.

- Дамламани ич, Гарри, - деди миссис Уэсли, қўзларини кафтининг орқа томонига артиб. Гарри бир кўтаришда дамламани ютиб юборди. Дори бир зумда таъсир килди. Оғир, енгиб бўлмас уйку боланинг вужудини камраб олди. Гарри бошини болишга ташлади-да, бўшлиққа қулаб тушди.

XXXVII БОБ.

ИБТИДО

Орадан бир ой ўтган бўлса ҳам, Гарри, учинчи мусобақадан кейин ўтган кунларни яхши эслай олмаслигини ўйлаб, хайрон бўлди. Афтидан, бошдан кечирган ҳодисалардан сўнг, унинг онгида янги таассуротлар учун жой қолмаган. Хотирада сақланиб колган воқеалар эса азоб беради холос. Улар орасида энг ёмон кийнаётгани – мусобақа ўтиб, эртасига эрталаб Седрикнинг ота-онаси билан ўтган учрашув бўлди.

Эр-хотин Диггорилар Гаррини ҳеч нарсада айбламади, аксинча, фарзандларининг васиятини бажариб, жасадини келтириб бергани учун болага миннатдорлик билдиришибди. Бечора мистер Диггори сухбатнинг асосий вақтини йиглаб ўтказди. Миссис Диггорининг мусибати эса шу қадар оғир эдики, кўз ёшларини буткул тугатиб, қуритиб қўйди.

- Деярли азоб чекмаган эканда, а? - деди у, Гаррининг ҳикояси ниҳоясига етгач, - Амос... боламиз... ўз омонатини... Беллашувда ғолиб чиқиши билан топширган. Демак у... баҳтиёр

кайфиятда ўлган...

Сұхбат тугаб, эр-хотин кетишга тараддууд қўраётганида миссис Диггори тўхтаб, Гаррига бир оз караб турди-да:

- Энди сен огох бўлиб юргин, хўпми? - деб қўйди.

Гарри жавонча устидаги ҳамённи олиб, Седрикнинг ота-онасига узатди.

- Мана буни олиб кетинг, илтимос, - деди у, ўнгайсиз ахволда, - Бу пул Седрикка насиб килиши керак эди. Биринчи бўлиб Кубокка Седрик етган, олинг...

Миссис Диггори дархол ўзини нари торти.

- Қўйсанг-чи, нималар деяпсан, бу сеники ёқимтойгинам, биз олмаймиз буни...

Эртасига кечкурун Гарри «Гриффиндор» минорасига қайтиб, Рон билан Гермионадан, нонушта вактида сўзга чиқсан Дамблдор мактаб ўқувчиларидан Гаррини тинч қўйиш, лабиринтда бўлиб ўтган ҳодисалар ҳакида сўрайвериб, жонига тегмаслик, тагпурслик қилмасликни илтимос қилганини билди. Чиндан ҳам Гаррининг кузатишича, аксарият болалар уни четлаб ўтиб, кўзига тик қараашга ботина олишмаяпти. Айримлар оғзини кафти билан бекитиб, пичирлашмоқда. Афтидан кўпчилик Рита Вритернинг мақоласига, яъни Гарри табиатан бекарор-у, шу боис ниҳоятда хавфли бола эканлигига ишонишган кўринади. Эҳтимол баъзилар Седрик Диггорининг ўлими борасида ўз фикр-мулоҳазасига эгадир. Бироқ Гарри буларнинг барига мутлақо бефарқ қарамоқда. У ўзини мавхум мавзуларда сұхбатлашиб ёки сехрли шахмат ўйнаб ўтирган Рон билан Гермионанинг ёнида, индамай ўтирганида яхши хис этмоқда. Тўрт йилдан буён дўст тутиниб келган болалар бир-бирини ортиқча сўзсиз ҳам жуда яхши тушунади. Улар бирон-бир аломат, «Хогварц»дан ташқарида рўй берәётган ҳодисалар ҳақидағи хабарларни кутишмоқда. Аниқ маълумотлар олинмас экан, воқеаларнинг кейинги ривожини башорат қилишдан маъни йўқ. Улар аччик мавзуга атиги бир маротаба тўхталиб ўтишди. Ўшанда Рон «Хогварц»ни тарқ этиб кетаётган миссис Уэсли билан Дамблдор ўртасида ўтган сұхбат мазмунини айтиб берди.

- Ойим Дамблдорнинг хузурига кириб, ушбу ёзги таътилни ўтказишинг учун тўғри бизнинг уйимиз – Бошпанага боришинг мумкин ёки мумкин эмаслигини сўради, - деди Рон, - Бироқ директор: «Гарри дастлаб Дурслар хонадонига бориши керак», дебди.

- Нима учун?

- Ойимнинг айтишича, бу масалада Дамблдорнинг ўз асослари бор эмиш, - қошини чимирди Рон, - Тушунишим-ча, биз унинг айтганларини, айниқса, бундан буён сўзсиз бажаришимиз керак, шундайми?

Рон ва Гермионадан ташқари, Гарри, Хагрид билан ҳам мулоқот қилиш имконини истайди. Ёвузлик кучидан химоя фани ўқитувчиси энди йўқ ва шу боис, ушбу фан дарсларига ажратилган соатлар бўш ўтмоқда. Бинобарин, қуёшли пайшанба куни, учовлон, Хагриднинг ахволидан хабар олишга аҳд килди.

Кулбанинг очиқ эшигидан думини силкитиб акиллаган Сўйлоқтиш сакраб чиқди.

- Ким у? - қичкирди оstonада кўринган Хагрид, - О, Гарри!

Давангир меҳмонларни қарши олиб, Гаррини ўзига торти-да, сочини тўзғитиб қўйди.

- Сени кўрганимдан хурсандман, оғайни, жуда хурсандман.

Кулбага кирган болалар камин ёнидаги стол устида бир жуфт, сал кам пакирдай келадиган кружка турганини кўришди..

- Олимпия билан бир пиёлачадан чой уриб олган эдик, - тушунтириш берди Хагрид, - У ҳозиргина чиқиб кетган эди.

- Ким билан? - қизиқсиниб сўради Рон.

- Ким билан бўлар эди, Максим хоним билан-да! - деди Хагрид.

- Демак, охири юлдузларинг юлдузларингга тўғри келиб қолибди-да, а? - сўради Рон.

- Билмадим, нималар тўғрисида гапираётганингни, - деди Хагрид, бефаҳм башара ясаб.

Тоза идишлар жавонидан кружкалар чиқарган Хагрид чой дамлаб, дастурхонга хом

пишган бисквит узатгач, ўзининг баҳайбат курсисига суюниб ўтирганча, қўнғиз қўзлари билан Гаррига синчилаб қаради.

- Ишлар қалай? - сўради у Гарридан.

- Жойида.

- Йўқ, жойида эмас, - бош чайқади Хагрид, - Кўриб турибман-ку, жойида эмаслигини.

Лекин, албатта жойида бўлади.

Гарри кўзини пирпиратиб қўйди.

- Бир кун эмас бир кун, унинг қайтишини билар эдим, - деди Хагрид.

Гарри, Рон ва Гермиона Хагридга чўчиб қараб қўйиши.

- Ҳа, Гарри, буни кўп йиллардан буён билар эдим. Қаергадир бекиниб олгани, ниманидир кутаётганини сезар эдим. Шу кун келиши керак эди. Мана нихоят келди ҳам. Биз эса ўз ҳаётимизни давом эттиришимиз керак. Демак, бунинг учун курашамиз. Эҳтимол курдатини тўла-тўқис тиклаб олгунига қадар тўхтатиб қолишга муваффақ бўлармиз. Ҳар қалай Дамблдорнинг режаси шундай. Буюк инсон-да, бу, Дамблдор. У бор экан, мен ҳеч нарсадан ташвиш тортмайман.

Болаларнинг бадгумон юзларига қараган Хагрид қуюқ қошини кўтарди.

- Писиб, қўркиб ўтиришдан нима наф, - давом этди у, - Бир бошга бир ўлим. Нима бўлса, бўлсин. Сиз билан бизнинг ишимиз эса ўша кунни муносиб қарши олишдир. Дамблдор ўша кеча ҳақидаги бор гапни менга айтиб берди, Гарри.

Гаррига бир оз хаёл суриб қолганча, қараб ўтирган Хагрид, дафъатан ифтихордан шишиб кетди.

- Сен отангнинг муносиб ўғлисан! Мақтов гапим шу. Ортиқча гап ортиқча.

Бола кўп кунлардан буён илк бор иршайиб қўйди.

- Хагрид, ўша тунда Дамблдор, сени ва Максим хонимни ҳақириб келиш учун кулбангга профессор Макгонагаллни юборган эди. Сендан нимани илтимос килди у? - сўради Гарри.

- Ҳа, энди... ёз фаслида бажариладиган вазифа берди-да, - мубҳам жавоб қайтарди Хагрид,

- Ўта маҳфий вазифа. Бу ҳақда гапириш мумкин эмас менга. Ҳатто сизларга ҳам. Балки Олимпия ҳам мен билан борар. Сизлар учун у Максим хоним. Борса керак. Кўндиригандай бўлдим, шекилли.

- Вольдеморт билан боғлиқ вазифами?

Ушбу исмни эшишган Хагриднинг афти буришиб кетди.

- Эҳтимол, шундайдир, - очиқ жавобдан кочди у, - Ҳўш, ким мен билан сўнгги драклни кўргани боради? Ҳазиллашяпман! - қўшиб қўйди у, болаларнинг башаралари буришиб кетганини кўриб.

Кечқурун, Одамовилар хиёбонига қайтишдан олдин, ётоқхонада сочилиб ётган нарсаларини истар-истамас сандигига жойлаётган Гарри, ўкув йили якунларига қўрағолиб деб топилган коллеж номи эълон қилинадиган, одатда, роса кувноқ қайфият-ла ўтадиган хайрлашув зиёфати ҳақида ўйлаб, юраги орқага тортиб кетди.

Гарри шифохонадан чикқан кундан буён қизиқсунувчи нигоҳлардан ўзини четга тортиб юрди. Ҳалойик тўпланган Катта Залга кирмай, ҳамма тарқагач, ҳеч ким йўклигида, танҳо ўзи овқатланишни афзал билди.

Хайрлашув зиёфатига Гарри, Рон ва Гермиона биргалиқда тушиши. Ўкув йили якунланиши шарофатига ўтказиладиган бундай тадбирда, Катта Зал, одатда, ғолиб чикқан коллеж байроғининг ранглари билан безатилади. Бугун эса бу ерда ҳеч кандай байрам мухити йўқ. Мўътабар Столнинг ортида Седрикнинг хотирасига қора мато тортилган. Ўқитувчилар столи ортида ҳақиқий Ўйноккўз Хмури ўтирибди. Унинг ёғоч оёғи ҳам, сехрли кўзи ҳам ўз жойида. Фақат бирор мурожаат қилса, сесканиб кетяпти. Уни тушунса бўлади, албатта, хаёлдан ўтказди Гарри, шундок ҳам, табиатида шаклланган ҳаддан ортиқ сергаклик, сандиқ ичида ўн ой қамалиб ётгач, баттар кучайиб кетганига ҳеч ҳайрон бўлмаса бўлаверади. Профессор Каркаровнинг ўрни бўш. Колган гриффиндорчилар билан

бирга дастурхон атрофига жойлашаётган Гарри, айни пайтда Каркаров қаерда бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйланиб қолди. Балки Вольдеморт уни аллақачон бир ёкли қилиб бўлгандир.

Максим хоним шу ерда, Хагриднинг ёнида ўтирибди. Иккаласи шивирлашиб, ниманидир муҳокама килишмоқда. Сал нарида, профессор Макгонагаллнинг ёнида ўтирган Снеггнинг нигохи Гаррининг нигохи билан тўқнаш келиб қолди. Снеггнинг башараси қандайдир ғалати киёфа касб этган-у, бари-бир одатдагидек, захар томиб турибди. Гарри юзини ўгириб олган ушбу профессорга узоқ қараб ўтириди.

Қизик, Вольдеморт хаётга қайтган ўша тунда Снегг, Дамблдорнинг буйруғига кўра нима вазифа бажарди экан, а? Ва нима учун... нима учун Дамблдор Снегг чиндан ҳам биз томонда эканлигига қаттиқ ишонади? Тўғри, у қачонлардир бизнинг жосусимиз бўлган, ҳар қалай дамблхотира чиганоги ичидаги Дамблдор суд залида «Северус Снегг ўз ҳаётини хавф остига кўйганча, бизнинг хабарчимиз сифатида фаолият юритган», деган эди. Энди-чи, нима вазифа бажарди? Балки Ўлимдан мирикувчилар билан боғлангандир? Ўзини Дамблдор томонга хеч качон ростакамига ўтмаган киши сифатида кўрсатгандир? Лорд Вольдеморт сингари, қулай фурсат кутдим, дегандир?

Мўътабар Стол ортидан турган профессор Дамблдор Гаррининг хаёлини бўлди. Шундок ҳам, одатий хайрлашув зиёфатига хос бўлмаган жимлик ҳукм суратган Катта Залда сукунат қарор топди.

- Интиҳо, - гап бошлиди ўйчан Дамблдор, - Навбатдаги ўқув йили ўз интиҳосига етди, демоқчиман.

Нигохини «Хуффльпуфф» столи томон қаратган Дамблдор бир оз тўхталиб қолди. Ушбу стол атрофида тўпланган ғамгин болалар тадбир бошидан буён жим ўтиришибди.

- Бугун сизларга ниҳоятда жиддий масала ҳақида фикр билдиримоқчиман. Бироқ дастлаб ажойиб бир йигитча ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтаман. Ҳозир у шу ерда, орамизда, хайрлашув зиёфатида биз билан теппа-тенг қувониб, ҳаётдан завқланиб ўтириши керак эди, - деди Дамблдор, хуффльпуффчилар столи томон имо қилиб, - Седрик Диггори хотирасига қадаҳ кўтаришингизни сўрайман.

Катта Залда ўтирган жамики одамлар ўринларидан аста туриб, ягона паст овозда баралла гумбурлаганча, қўлларидағи қадаҳларни: «Седрик Диггори учун», деб кўтаришди.

Гарри ҳалойик орасида юзларидан дув-дув ёш оқаётган Чуни қўриб, нигохини столга олиб ўтди. Ҳамма ўтириди.

- Седрик ҳақиқий хуффльпуффчига хос кўплаб фазилатларни ўзига мужассам этган эди, - давом этди Дамблдор, - У яхшиликни аямайдиган, ниҳоятда меҳнатсевар ўқтам йигит, яхши дўст эди. Ҳалоллик, поклик, виждонлилик, тўғри сўзликни у ҳамма нарсадан устун қўриб келган. Шахсан билиш-бilmasligimiz, taniish-tanimasligimizdan қатъи назар, Седрикнинг ўлими ҳар биримизнинг қалбимизга ниҳоятда қаттиқ таъсир ўтказди.

Назаримда, айнан шу боис ҳам сиз, ҳақиқатни билишга ҳақлисиз.

Гарри бошини кўтариб, Дамблдорга юзланди.

- Седрик Диггорини Лорд Вольдеморт ўлдириди.

Катта Залда ўтирган одамларнинг кути ўчиб, шовур-шувур бошланди. Бундай сўзларни эшитиб, даҳшатга тушган мактаб ўқувчилари бовар килмай, Дамблдорга бақрайиб қолди. Директор вазминлигини сақлаганча, шовқин тиниб, жимлик тикланишини кутиб турди.

- Ушбу хабарни сизларга етказиш масаласида сеҳгарлик вазирлигига эътиroz билдирилди, - деди у, - Эҳтимол Лорд Вольдемортнинг ҳаётга қайтганига ишонмаганликлари ёки бундай мудхиш хабарни эшитишга сизни ҳали ёш деб билганлари учун ота-онангиз ҳам, ушбу ишимни маъқул топмас, балким... Бироқ имони комиллигимга асосланган ҳолда айтаман-ки, ҳақиқат ёлғондан афзалдир. Агар мен Седрикни баҳтсиз ҳодиса туфайли ёки ўзи йўл қўйган хатолик оқибатида ўлди, деб эълон киладиган бўлсам, унинг хотирасини очиқдан-очиқ, ҳақиқатни кўра-била туриб, таҳқирлаган бўламан.

Ларзага келган, чўчиган барча... ёки деярли барча нигохлар айни пайтда Дамблдорга қаратилган. Слизеринчилар столи атрофида ўтирган Драко Малfoy Краббе билан Гойлга

алланима пичирлаб ўтирганини Гарри кўриб ўтирди. Боланинг вужуди ғазабдан қайнаб кетган бўлса-да, ўзини Дамблдор томон юzlанишга мажбур килди.

- Седрикнинг ўлими муносабати билан яна бир кишини тилга олиб ўтишим керак, - деди Дамблдор, - Мен Гарри Поттерни назарда тутяпман.

Катта Залдагилар орасида шивир-шивир кўтарилди. Аксарият ўкувчилар Гарри томон бир сония қараб қўйишиди-да, боз директорга юzlаниб олишиди.

- Гарри Поттер Лорд Вольдемортнинг қўлидан қутилиб қолишга муваффак бўлди, - эълон килди Дамблдор, - Ва ҳаётини хавф остига қўйганча, Седрикнинг васиятини адо этиб, жасадини «Хогварц» худудига, ота-онасига қайтариб келтирди. Лорд Вольдемортга қарши чикқан Гарри шундай жасорат кўрсата олдики, бундай қаҳрамонликни ҳар қандай катта ёшли сеҳргар ҳам намоён эта олмайди.

Дамблдор жиддий ногоҳ-ла, Гарри томон юzlаниб, қадахини кўтарди:

- Гарри Поттерга шон-шарафлар.

Залда ўтирганларнинг деярли ҳаммаси оёққа қалқиб туриб, Седрикни қандай хотирлашган бўлишса, Гаррининг исмини ҳам шундай талаффуз этиб, қадах кўтарди. Малfoy, Краббе, Гойл ва кўплаб бошқа слизеринчилар ўз ўринларида намойишкорона ўтирганча қолиб, қадахга қўл ҳам теккизмади. Сеҳрли кўзга эҳтиёж сезмайдиган, бисёр истеъдодларга эга Дамблдор буни пайқамади.

Ҳамма ўз ўрнига ўтиргач, Дамблдор нутқини давом эттириди.

- Уч сеҳргар беллашуви ва ўхшаш тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлар жумласига ҳалқаро сеҳгарлик муносабатларини мустаҳкамлаш, илгариги бирликни тиклаш, муқаддам бўлиб ўтган хусуматларни унтиш, ихтилофларга барҳам бериш, турли ҳалқ ва миллатларга мансуб йигит-қизлар ўртасида дўстона муносабатлар қарор топтириш саналади. Лорд Вольдемортга ўхшаганлар бош кўтарар экан, бундай муносабатлар ниҳоятда жиддий аҳамият касб этади.

Дамблдор дастлаб Максим хоним билан Хагрид томонга, сўнг Флёр Делакёр ва бошқа бэльстэкчиларга, слизеринчиларнинг столи атрофида ўтирган Виктор Крум ва дурмштрангчиларга бирма-бир қараб чиқди. Крум аллақандай безовта, худди хозир Дамблдордан танбех эшишишга ҳозирлангандай кўринди.

- Муқаддас даргоҳимизда ўтирган ҳар бир меҳмонимизни ҳар доим ва ҳар қандай вактда кўришдан хурсанд бўламиз. Қадрли дўстлар, бетакрор юртимиз Буюк Британия ва тенги йўқ «Хогварц»га ўзингиз истаган фурсатда ташриф буюришингиз мумкин, - давом этди Дамблдор, дурмштрангчиларга қараганча қолиб, - Лорд Вольдемортнинг ҳаётга боз қайтганини назарда тутган ҳолда эса барчангиздан оддий бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмай, доимо ёдда сақлаб юришингизни сўраган бўлар эдим: шуни билинг-ки, кучимиз, кудратимиз бирликдадир! Тарқоқлик бизни заиф, душман қаршисида ожиз килиб қўйиши муқаррар! Лорд Вольдеморт ва унинг малайлари юрган йўлида хусумат, адovat уруғини сочиб юриш борасида ўзига хос қобилиятга эгадир. Бунга қарши эса ягона бир усулни кўллаш орқали, у ҳам бўлса, факат дўстлик ва ўзаро ишонч ришталари билан маҳкам боғланган тарздагина кураш олиб бориши мумкин. Мақсадларимиз муштарак, қалбларимиз очиқ экан – ўртамиздаги миллий ва маданий тафовутлар биз учун тўсиқ саналмайди. Мен бир нарсани аниқ биламан ва янгилишишни ҳали ҳеч қачон бу қадар истаган эмасман!

Бизни энди ниҳоятда оғир, ҳасратли кунлар кутади. Орамизда ўтирган айрим кишилар Лорд Вольдемортнинг зулмига бевосита дучор бўлган. Ёзуз Лорд кўплаб оилаларнинг ёстигини қуритиб, одамлар тақдирини вайрон қилган. Бир ҳафта муқаддам эса мактабдошимиздан айрилдик. Седрикни унутманг. Вакт этиб, осон йўл ёхуд тўғри йўлни танлаш зарурати туғилган фурсатда Лорд Вольдеморт ўз йўлида тасодифан учратиб қолган, яхшиликини ҳеч қачон аямаган, жасур йигитчани нима қилганини эсга олинг.

Седрик Диғгорини унутманг дўстлар.

Гаррининг сандиги сафарга шай, устида Хедвиг қамалган қафас турибди. Ўзи эса Рон ва

Гермиона билан биргаликда вестибюлни эгаллаб олганча, лақиллаб туришган түртинчи синф үкувчилари орасида Хогсмёд темир йўл станциясига элтиб қўядиган отсиз юрадиган араваларни кутмоқда. Бугун ёзниг ажойиб кунларидан бири. Кечқурун Одамовилар хиёбони кўм-кўй майсага бурканиб, гулзорларининг ранг-баранглиги билан кишининг кўзини қувонтирганча, Гаррини қарши олади. Бироқ ушбу фикр боланинг қалбига ҳеч қандай қувонч келтирмади.

- Гарри!

Гарри исми чакирилган томон ўгирилиб, асосий пиллапоядан шоша-пиша кўтарилаётган Флёр Делакёрни кўрди. Узоқда Хагрид улкан учар отларни аравага қўшишга уринганча чираниб, Максим хонимга кўмаклашмоқда. «Бэльстэк» араваси парвозга ҳозирланмоқда.

- Умид қиласман-ки, биз яна учғашамиз, - деди Флёр қўлини узатиб, - Инглиз тилимни такомиллаштиғиши мақсадида ютингизда ўзимга иш қидигим топмоқчиман.

- Сен шундок ҳам инглиз тилида жуда чиройли гапирасан, - деди ҳаяжондан бўғилиб қолаётган Рон.

Флёр жавобан кулиб қўйди. Гермиона эса лунжини шишириб олди.

- Хайғ, Гарри, - эшик томон ўгирилди Флёр, - Сен билан танишганимдан бағоят хуғсандман!

Гарри кумуш соchlарини қуёшда яраклатиб хилпиратганча майсазор бўйлаб Максим хоним томон югуриб кетаётган Флёрнинг кетидан караб колди. Ҳа, кайфият аста-секин кўтарилимоқда.

- Қизиқ, дурмштрангчилар ўз юртига қандай етиб олишар экан, а? - сўради Рон, - Кема бошқаришни Каркаровсиз уddyалай олишармикан?

- Кеманий Каркаров бошқармаган, - эштилди хириллаган овоз, - Ўзии каютада ўтирииб, барча ишларни ўзиимиизга қўйиб қўйган.

Крум Гермиона билан хайрлашишга келиби.

- Херм – иоун – нина, сен биилан гаплашииб олсам бўладиимии?

- О... ҳа... албатта, - деди ҳаяжонланган Гермиона, Крумнинг ортидан халойиқ ичига кириб кетиб.

- Тезроқ бўлинг! - бакириб қолди Рон, иккаласининг орқасидан, - Ҳозир аравалар келиб қолади.

Арава кутишни Гаррининг зиммасига юклаб қўйган Рон оёгининг учига туриб олганча, бўйин чўзиб, Крум билан Гермиона нима билан машғуллигини кўришга интилди.

Иккаласи тез қайтди. Рон Гермионанинг юзига синчковлик билан караб, ҳеч қандай ўзгариш, ҳаяжон ёки ташвиш аломатини кўра олмади.

- Диггории менга ёқар эдии, - деди Крум Гаррига мурожаат қилиб, - У мен биилан, гарчии дурмштрангдан, Каркаров биилан келган бўлсам-да, доимо боадаб муомала киилган эдии, - қўшиб қўйди у ғамгин оҳангда.

- Янги директор тайнинланди-ми мактабингизга? - кизиқди Гарри.

Крум елка кисиб қўйди. Сўнг, Флёр сингари қўл узатиб, дастлаб Гарри, кейин Рон билан хайрлашди.

Роннинг ўзи билан ўзи курашаётгани юзидан билиниб турибди. Номи жаҳонга машхур болгар ўйинчиси эндиғина ўгирилиб, кетмоқчи бўлиб турганида нихоят ёрилиб кетди:

- Менга дастхат бериб кет.

Кулиб юборган Гермиона яқинлашиб келаётган отсиз аравалар томон ўгирилиб олди.

Қиёфасида таажжуб билан мамнуният уйғунлашиб кетган Крум эса Рон учун пергамент бўлагига дастхат қўйиб берди.

Кингс-Кросс вокзалига қайтиш йўлидаги об-ҳаво, сентябрь ойида, «Хогварц» томон йўлга чиқилган қуни болаларнинг адабини берган ҳаводан кескин фарқ қилмоқда. Осмонда тангадай бўлсин, булут йўқ. Гарри, Рон ва Гермиона алоҳида купе топишга муваффак бўлишди. Сайрайвериб қулоқ-мияни емаслиги учун Чўчинтель қамалган қафас устига

Роннинг парад коржомаси боз ташлаб қўйилди. Хедвиг бошини қанотига суқиб олиб, мизғимоқда. Маймоқоёқ эса Гермионанинг ёнидаги бўш курсига кулала бўлиб олиб, катта, малла ранг, пахмоқ ёстиққа ўхшаб олган. Поезд болаларни жануб томон олиб кетмоқда. Гарри, Рон ва Гермиона мактабда ўтган сўнгги хафтага нисбатан эркинрок, истак билан сухбат куриб кетишимоқда. Дамблдорнинг хайлрашув зиёфатидаги нутки Гаррининг қалбидаги ўзи муқаддам ҳис этмаган аллақандай торларни чертиб юборгандай бўлди. Бўлиб ўтган ҳодисалар мухокамаси деярли озор бермай қўйди. Дамблор томонидан Вольдемортга қарши кўрилаётган жоиз чоралар ҳақидаги сухбат купе ёнига поездда сотиладиган овқат араваси келганда бўлинди.

Егулик харид қилиб кирган Гермиона пулини юк халтасига солиб, «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини чиқарди.

Гарри нималар ҳақида ёзишаётганини сўрашга юраги бетламай газетага иккиланиб қараб қўйди.

- Бирорта ҳам ёмон гап йўқ. Ўзинг кўриб чиқишинг мумкин, - деди Гаррининг ҳолатини фаҳмлаган Гермиона хотиржамгина, - Мен ҳар куни текшириб боряпман. Учинчи мусобақанинг эртаси куни сен Уч сехргар беллашувининг чемпиони, деб эътироф этилганинг ҳақида кичкинагина маълумот бериб ўтилди холос. Раҳматли Седрик тилга олингани ҳам йўқ. Бўлиб ўтган ишлар ҳақида умуман ҳеч нарса айтилмаган. Афтидан Фуж, журналистларнинг оғзини ёпиб ташлаганга ўхшайди
- Рита Вритерга ўхшаганларнинг оғзини ҳеч ким ёпа олмайди, - эътиroz билдириди Гарри, - Айниқса шундай оламшумул ҳодиса рўй берганда!
- Учинчи мусобақадан сўнг, Ританинг бирорта ҳам маколаси чоп этилгани йўқ, - деди Гермиона, ғалати сипо оҳангда, - Умуман айтганда, - кўшиб қўйди у, овози бир оз титраб, - Вритерга маълум вақт ҳеч нарса ёзмай юришга тўғри келади, агар у ҳақдаги баъзи бир маълумотларни тегишли идораларга етказишмни истамаса, албатта.
- Нималар деяпсан? - ҳайрон бўлди Рон.
- Ҳудудга кириш ман этилганига қарамай, мактабдаги одамлар орасида яккама-якка ўтган сухбатларни кай тарзда эшитиб юрганини аниқлашга муваффақ бўлдим, - ховликиб кетди Гермиона.
- Хўш, қай тарзда эшитган экан? - сўради Гарри.
- Қандай аниқладинг? - бақрайди Рон.
- Умуман айтганда, гояни менга сен бердинг, Гарри, - деди Гермиона.
- Мен? - ҳайрон бўлди Гарри, - Қанаканги ғоя ҳақида гапиряпсан?
- Кўнғизча ҳақидаги ғоя-да! - нихоят бақириб юборди Гермиона.
- Ахир электр токи воситасида ишлайдиган нарсалар «Хогварц» яқинига келтирилиши билан ишдан чикади, деб ўзинг айтдинг-ку...
- Электрон кўнғизча эмас, йўқ, - тушунтириш бера бошлади Гермиона, - Биласизлар-ми... ярамас Рита Вритер Буюк Британия Сехргарлик вазирлиги Сехргарлик ва афсунгарлик фаолияти устидан назорат бўлимида юритиладиган маҳсус рўйхатдан ўтмаган анимаг экан! - музafferият оҳангига баёнот қилди Гермиона, - Ва аниқлашим-ча, у...
- Гермиона юк халтасидан кичкина, қопқоғи зич ёпилган шиша банкани чиқариб, болаларга кўрсатди.
- ... кўнғизга айланана олар экан.
- Ҳазиллашма, - бовар килмади Рон, башарасини банкага яқин келтириб, - Ахир сен... у... сен..
- Ўша. Аниқ ўша, - деди севиниб кетган Гермиона банкани қаттиқ силтаб.
- Банки ичида бир нечта барг, новдача ва каттагина, семиз кўнғиз кўринди.
- Бўлиши мумкин эмас... ҳазиллашяпсан... - пицирлади Рон, банкани кўз олдига якинрок келтириб.
- Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, - деди сония ўтган сайин кувончдан яшнаб кетаётган Гермиона, - Шифохонада, токчада тутиб олдим. Дикқат билан қара. Мўйловининг яқинида аnavи мудхиш кўзойнагини эслатадиган доғ бор.

Гарри қўнғизга дикқат билан назар солиб, Гермионанинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилди. Кейин Рождество бали куни хитой фонуслари милтиллаб турган пушти боғдаги фавворанинг баланд кўтарилаётган ёрқин оқимлари остида турган йирик шимол буғусининг ҳайкалини ва ҳайкал бели бўйлаб ўрмалаб юрган қўнғизни эсга олди.

- Хагрид Максим хонимга ўз онаси ҳакида гапириб берганида боғдаги тош буғу белида қўнғиз ўрмалаб юрган эди! - деди у.
- Тўппа-тўғри, - бош иргиди Гермиона, - Виктор иккаламиз кўл сохилида гаплашиб бўлганимиздан кейин, Крум, сочимга қўнғиз илашиб олганини айтган эди. Башорат дарсида чандигинг оғриб қолган фурсатда, адашмасам, парда ортидаги токчада қўнғизга айланиб олган Рита ўтирган. Мухтасар килиб айтганда Вритеर йил давомида шов-шувга сабаб бўладиган маълумотлар қидириб танда қўйиб юрган.
- Эсингиждами, деразадан, ховлидаги дараҳт остида турган Малфойни кўрган эдик? Ўшанда Гарри, нима эди-я... ҳа... рация орқали радиосўзлашув олиб бораётган кўринади, деган эди... - аста эслади Рон.
- Малфой дараҳт панасига ўтиб олиб, кафтига қўнған қўнғиз билан гаплашиб ўтирган, - тасдиқлади Гермиона, - Малфой билан Рита иккаласи таниш, албатта. Вритеर айнан шу тарзда слизеринчилардан ўзининг ажойиб интервьюларини олиб юрган. Ританинг хати-ҳаракатлари гайриқонуний эканлигига слизеринчилар бефарқ қарашган. Асосий мақсад – Хагрид ҳакида ҳар хил тутуриксиз гапларни тўкиб чиқариш бўлган.

Гермиона Роннинг қўлидаги банкани олиб, қўнғизга кулиб қўйди.

- Уни Лондонга етгач қўйиб юборишни ваъда килганман, - деди Гермиона, - Банкага эса Синмаслик афсунини қўллаганман. Шундай экан, Вритеर, токи мен уни қўйиб юбормас эканман, ўз қиёфасига қайта олмайди. Бундан ташқари, йил давомида пат-қаламини чуқурроқ жойга бекитиб қўйиш шартини қўйдим. Қани кўрамиз, одамлар ҳакида ҳар хил бўхтонларни тўкиб чиқаришни бас қиласдими-йўқми.

Гермиона беташвиш кулганча, банкани юк халтасига яшириб қўйди. Айни шу фурсатда купе эшиги очилиб, жирканч башаралар кўринди.

- Жа акллисан-да, Грэнжер, - вишиллади Драко Малфой.
- Унинг ортида қуролбардорлари Краббе билан Гойл чўзилиб турибди. Учаласи ҳам ўзидан хурсанд, сурбет ва таҳдидли қиёфа касб этган. Гарри уларнинг бундай муттаҳам турқини муқаддам кўрмаган эди.
- Хўш, шундай қилиб, - шошилмасдан чўзиб гап бошлади Малфой, остона ҳатлаб ўтганча, болаларга бирма-бир қараб чикиб, - Сен аллақандай бадбаҳт мухбирни тутиб олдинг, Грэнжер. Поттер эса Дамблдорнинг эркатойилигича қолди, шундайми? Нихоятда катта иш, бағоят улкан ютук.

Унинг мурдор кулгиси кенгайди. Краббе билан Гойл эса тишларининг оқини кўрсатиб туришди.

- Ортиқча нарсалар ҳакида ўйламасликка ҳаракат қиляпмиз, денг? - давом этди Малфой, ҳаммага кўз югуририб чикиб, - Ўзимизни ҳеч нарса содир бўлмаган кўйига солиб ўтирибмиз, денг?

- Йўқол бу ердан, - буюрди Гарри.

Гарри Малфойни Дамблдор нутқ ўқиётган вактда пичирлашиб ўтирганини кўрганидан буён энди учратди. Ҳозир эса қулоғида нимадир жаранглаб, қўли ғайрииҳтиёрий равища сехрли таёқчасига югарди.

- Сен иши ўнгмаган, толеи паст одамларга илашиб қолдинг, Поттер! Бир вактлар, эсингда бўлса, сени огоҳлантирган эдим. Номуносиб кишилар билан дўстлашиш керак эмас, мана буларга ўҳшаган чиқиндилар ёки анави мудхиш Хагридга ўҳшаганлар билан мулоқот қиласдиган бўлсанг, ўзинг ҳам ифлос бўлиб қоласан, деган эдим ўшанда, - деди Малфой Рон билан Гермиона томон бош иргиб, - Ана энди, Поттер, кеч қолдинг! Лорд Вольдеморт ишга киришиши билан биринчи навбатда мана буларни, яни магваччалар-у, маглпарварларни тегишли жойга йўллайди! Аниқроқ айтадиган бўлсам, иккинчи навбатда. Негаки, биринчи навбат Диггорига насиб кил...

Кутилмаганда купеда бир яшик петарда портлаб кетгандай бўлди. Ҳар томондан ўт очилган қарғиш яшинларидан кўзи қамашиб кетиб, кулоги битиб қолган Гарри кўзини пирпиратиб олгач, полга қаради (*Петарда – хатарли жойларда поездни дархол тўхтатиши учун сигнал сифатида кўлланиладиган портловчи снаряд*). Купе полида Малфой, Краббе ва Гойл бехуш ётибди. Дилюзорларни ҳар бири ўз қарғиши билан жазолаган Гарри, Рон ва Гермиона ўринларидан туриб олишди. Бироқ жазолаш амалини учовлонгина бажармаган.

- Мана бу учлик нималарни кўзлаб юришганини билмоқчи бўлдик, - деди қўлига сехрли таёқчасини ушлаб олган Фред, купега кирганча, Гойлнинг танасига оёқ қўйиб. Ҳаёл ўтмай акасининг кетидан кириб, Малфойнинг танасини босиб олган Жорж кўринди. Унинг ҳам қўлида таёқча бор.
- Қарғишлиар уйғунлигининг жуда қизиқ натижаси, - таъкидлаб ўтди Жорж, Малфойнинг устида турганча, Краббенинг танасига разм солиб, - Чипқон бостириш қарғишини ким кўллади?
- Мен, - деди Гарри.
- Ғалати бўлар экан, - фикр билдириди Жорж, ҳамон Малфойнинг устидан тушмай, - Мен эса Пахта оёқ қарғишини қўлладим. Афтидан иккала қарғиш пухта уйғунлашмайдиган кўринади. Қара, башарасида аллақандай пайпаслагичлар ўсиб чиқди. Ҳўп, майли. Умумий манзарани бузмаслиги учун буларни юмалатиб, бирон ерга тўплаб қўйиш керакми, дейман?

Рон, Гарри ва Жорж ҳар бирининг башараси қарғишлиарнинг пухта уйғунмаслигини ифода этаётган Малфой, Краббе ва Гойлнинг таналарини тепиб, туртиб йўлакка чиқариб қўйицди-да, купега кириб, эшикни ичкаридан бекитиб олишди.

- Қарта ташлаймиз-ми? - таклиф киритди Фред, портловчи қарталар дастасини чиқариб. Бешинчи ўйин ўртасида, Гарри, кутилмаганда эгизакларга савол беришга аҳд қилди.
- Бизга айтасизми-йўқми, иккалангиз кимни товладингиз? - мурожаат қилди у Жоржга.
- Ох, - хўрсинди Жорж, - Яна ўша саволми?
- Фарқи нима сизларга, - бош чайкади Фред, - Арзимаган иш. Энди ахамияти йўқ. Ҳар қалай ҳозир.
- Бари-бир умидимиз пучга чиқди, - елка қисди Жорж.

Бироқ Гарри, Рон ва Гермиона эгизакларни тинч қўйишмади. Охири Фред таслим бўлди.

- Ҳўп, майли. Сизга бу шунчалик муҳим экан... Людо Шульман эди...
- Шульман? - орқа тисарилди Гарри, - Айтмоқчисиз-ки, у ҳам даҳлдор анави...
- Йўқ, - эътиroz билдириди Жорж, ғамгин оҳангда, - Ундей ишларга Шульманнинг ақли етмайди.
- Унда нима гап? - сўради Рон.

Фред бир оз иккиланиб турди-да, охири ёрилди.

- Эсингиздами, Квидиш кубогининг финал ўйинида Ирландия ғалаба қозонади-ю, Тилла чаққонни Крум тутиб олади, деб жамики жамғармамизни дов тиккан эдик?
- Ҳа, - баралла жавоб берди Гарри билан Рон.
- Ютқизиб қўйгач, ўша мараз биз билан непречёмларнинг тилла тангаси билан хисоб-китоб қилган экан.
- Хўш?...
- Икки қўлинг бўш, - жаҳл қилди Фред, - Эртасига эрталаб сарик чақа ҳам қолмади. Тангалар ўз ўзидан гум бўлди.
- Б... балким тасодифан... адаштириб юборгандир? - аста тахмин қилди Гермиона. Жорж ғамгин кулиб қўйди.
- Ҳамма бало шунда-да. Биз ҳам дастлаб худди шундай фикрга бордик. Агар рўй берган ҳолат ҳақида ёзив юборсак, янглишиб кетганини билиб, бундай тасодифдан ўтирган жойида тикилиб қолади, деган хаёлга бордик. Чучварани хом санаган эканмиз. Хатимизни жавобсиз қолдирди. Вакт ўтиб, «Хогварц»га ташриф буюриб юрган кунлари у билан гаплашмоқчи бўлдик. Бироқ Шульман ҳар сафар думини ушлатмай, усталик билан

секингина қүён бўлар эди.

- Охири у бизга ўшқириб, дадамнинг: «Сизларга кимор ўйнагани ҳали эрта, ёшсиз», деган гапини такрорлаб, пул бермай, масалани ёпди-қўйди.
- Лоакал дов тиккан пулимизни қайтариб беришини илтимос қилдик, - деди Жорж ҳарсония ўтган сари жаҳли чиқиб.
- Бош тортди-ми? Бўлиши мумкин эмас! - хитоб қилди Гермиона.
- Бўлганда қандок, - деди Фред.
- Ахир ўша пуллар сизларнинг жамики жамғармангиз эди-ку! - хитоб қилди Рон.
- Буни бизга эслатиб ўтишнинг кераги йўқ! - ўшқириб Жорж, - Биз охири гапнинг тагига етдик. Ли Жорданнинг дадаси ҳам худди шундай ахволга тушиб қолиб, ўз пулларини Шульмандан ундира олмай бўғилиб юрган экан. Хуллас, аниқланишича, Шульман гоблинлардан ийрик миқдорда карз олиб, улар билан ҳам ўхшаш найранг ўйнамоқчи бўлган. Финал ўйини ўтгач, гоблинларнинг бутун бошли тўдаси Шульманни ўрмонда тутиб олиб, ёнида борки пулинни олиб қўйишган. Бироқ қарзидан қутулиш учун камлик қилган. Улар Шульманни «Хогварц»га қадар таъқиб қилиб, кочиб қутулишга йўл қўйишмаган. Людо ўзининг сўнгги нутигача ютқазиб қўйган. Биласиз-ми, у аҳмок ўзининг бўйидаги қарзларидан қандай қутулмоқчи бўлган?
- Қандай қилиб? - сўради Гарри.
- У сенинг ғалабангга тиккан, дўстим, - жавоб берди Фред, - Сен Уч сеҳргар беллашуви чемпиони бўлишингга комил ишонч билдириб, гоблинлар билан гаров ўйнаган.
- Айтдим, нима учун у, доимо, менга ёрдам қўлини таклиф қиласди, деб. Гап бу ёқда эканда! - нихоят тушуниб етди Гарри, - Хўп... мана мен чемпион бўлдим. Энди у қарзини тўлайди-ми сизга?
- Асло, - деди Жорж, бошини чайқаб, - Гоблинлар ҳам уни алдашди. Қуш билан қуштилида, ит билан ит тилида гаплашмоқ даркор қабилида иш тутишди. Сен Беллашувни Диггори билан шерик бўлиб ютганинг, гаров шарти бўйича сен якка ўзинг чемпион бўлишинг кераклигини пеш қилишди. Мухтасар қилиб айтганда, шамолдан қочиб қутулмоқчи бўлган Шульман бўронга йўлиқди. Бўйидаги қарз миқдори баттар ошиб кетгач, қочиб қутилишдан бошқа чораси қолмади. Учинчи мусобақа ўтгач, у айнан шундай йўл тутди.
- Чукур хўрсиниб қўйган Жорж боз қарта тарқатишга киришди.
- Йўлнинг қолган қисми қувноқ ўтди. Гарри ушбу дамлар абадий давом этишини, поезд ҳеч қачон Кингс-Кросс темир йўл вокзалига етиб бора олмаслигини жуда жуда истади.
- Таассуфки, у, ушбу ўқув йилида оддий бир ҳақиқатни, у ҳам бўлса: олдинда нохушлик кутар экан, вақт ҳеч қачон ўз харакатини секинлатмаслигини жуда яхши ўзлаштириб олди. Шундай экан, кўп ўтмай поезд секинлашиб, тўққиз бутун тўртдан учинчи платформада аста тўхтади. Йўлақда одатий тўс-тўполон бошланди. Ўқувчилар ўз юкларини пастга тушира бошлашди. Рон билан Гермиона сандикларини Малфой, Краббе ва Гойлнинг таналари устидан базур ўтказа олишди.
- Гарри эса купеда ушланиб қолди.
- Фред... Жорж... бир дақиқа шошмай туринг.
- Эгизаклар унга юзланди. Гарри сандигини очиб, ютуғини чиқарди.
- Мана буни олинг, - деди у, ҳамённи Жоржнинг қўлига ушлатиб қўйиб.
- Нима қиляпсан?! - эсанкираб колди Фред.
- Олинг, - қатъий оҳангда такрорлади Гарри, - Буни ихтиrolарга, кулгили моллар дўконини очишга ишлатасиз.
- У ҳақиқатан ҳам, Рита ёзгандай, руҳий жихатдан бекарорми, дейман, а? - деди Фред, Гаррига фавқулодда иззат-икром билан боқиб.
- Кулок солинг, - деди Гарри жиддий оҳангда, - Агар олмайдиган бўлсаларинг мен барига уларни ахлатга ташлаб юбораман. Бу пуллар менга керак эмас. Хурсандчилик эса менга, умуман бошқаларга ҳам, зиён қилмаган бўлар эди. Назаримда, кўп ўтмай оз бўлса ҳам хурсандчилик қилинадиган жойлар сув билан хаводай зарур бўлиб қолади.

- Гарри, - ғудуллаб қолди овози пасайиб кетган Жорж, - Ахир ҳамёндаги пул минг галлеонку.

- Түппа-түгри, - кулиб қўйди Гарри, - Фараз қиляпсан-ми, қанчадан-қанча канарейка қандлари. Фақат қаердан олганингизни ойингизга айтманг, илтимос... гарчи миссис Уэсли бундан буён, иккалангизни вазирликка ишга киришингизни истамаса-да...

- Гарри, - эътироz билдиrmоқчи бўлди Фред.

Бироқ Гарри қўлига сеҳрли таёқчасини ушлаб, иккаласига ўқтади.

- Биласизми нима, - деди у, хотиржам оҳангда, - Сўнгги вактларда мен кўп қиликларни ўзлаштириб олганман. Ҳозир ё пулни, ё бирон-бир қарғишимнинг яшинини оласиз.

Сиздан ягона бир нарсани илтимос қиласман, майлим? Ронга янги парад коржома олиб беринг. Фақат ўз номингиздан, хўпми?

Гарри эгизаклар бир нима дегунга қадар ҳалигача полда, қарғишлар таъсирида чўзилиб ётган Малфой, Краббе ва Гойлнинг устидан хатлаб ўтиб, купени тарк этди.

Вернон амаки Гаррини тўсиқ ортида кутиб турибди. Амакидан сал нарида турган миссис Уэсли Гаррини маҳкам қучиб, кулогига пичирлади:

- Ўйлашимиcha, бир оз вакт ўтгач, Дамблдор, уйимизга келишингга ижозат беради. Ёзиб тур бизга, Гарри.

- Кўришгунча, Гарри! - деди Рон, Гаррининг белига уриб қўйиб.

Гермиона, ҳали ҳеч қачон қилмаган ишини қилиб, Гаррининг юзидан ўпиб қўйди.

- Учрашгунча, Гарри! - деди у.

- Раҳмат... Гарри, - аста ғудуллади Фред, зўр бериб бош иргиётган Жоржнинг ёнида туриб.

Гарри эгизакларга кўзини қисиб қўйиб, Вернон амакига юзланди-да, унинг кетидан магллар дунёси томон индамай одимлаб кетди.

Ҳозир ташвиш торtgани бирон-бир сабаб йўқ, хаёлдан ўтказди Гарри, Дурсллар машинасининг орқа ўринидигига жойлашиб, Хагриднинг таъбири билан айтиладиган бўлса: *Бир бошга бир ўлим. Нима бўлса, бўлсин. Сиз билан бизнинг ишимиз эса ўша кунни муносиб қарши олишидир.*